



# ВАТАННИНГ ШЕРЮРАК БАХОДИРИ







ВОИНА ЯРАМЧИ

**ВАТАНИНГ  
ШЕРЮРАК БАҲОДИРИ**



ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ ВА МАДАНИЙЕТ ВАҚИФЛАРИ  
ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ ВА МАДАНИЙЕТ ВАҚИФЛАРИ  
ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ ВА МАДАНИЙЕТ ВАҚИФЛАРИ — 2015

**JUMABOY RAHIMOV**

**VATANNING  
SHERYURAK BAHODIRI**

„O‘QITUVCHI“ NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI  
„TALQIN“ NASHRIYOTI  
TOSHKENT — 2015

**ЖУМАБОЙ РАҲИМОВ**

**ВАТАННИНГ  
ШЕРЮРАК БАҲОДИРИ**

„O‘QITUVCHI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
„TALQIN“ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 2015

УЎК:821.512.133(09)

КБК63.3(5Ў)

Р33


## Тахрир ҳайъати:

Илгизар Собиров, Эркин Самандар,  
Покиза Аъзамова, Муродилла Хайдаров,  
Абдурахим Маннонов, Мирсодиқ Исҳоқов  
Рустам Мирзаев, Лутфулла Агзамов

Ижодий гуруҳ раҳбари: *Рустам Мирзаев*

## Тақризчилар:

М. Исҳоқов — тарих фанлари доктори, профессор  
Н. Хайдаров — тарих фанлари номзоди, доцент  
Н. Полвонов — тарих фанлари номзоди, доцент



ISBN 978-9943-4069-6-4

© „O‘QITUVCHI“ NMIU, 2015

© „TALQIN“ нашриёти, 2015

© Ж. Раҳимов

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган довюрак курашчи, миллий қаҳрамон, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган Жалолиддин Мангуберди таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан унинг хотирасини абадийлаштириш ва тарихий адолатни қарор топтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлигининг 1999 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий кўмитаси таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий кўмита бир ой муддатда мазкур санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқсин ва уни бажаришга киришсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

тегишли вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар жамоат ташкилотлари билан биргаликда 1999 йилда „Жалолиддин Мангубердининг дунё тарихида тутган ўрни“ мавзуида халқаро конференция ўтказсин;

илмий-ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари ва „Олтин мерос“ жамғармаси билан биргаликда бир ой муддатда Жалолиддин Мангубердининг Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрнини холис ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича дастур ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

хоразмшоҳлар замонида ёзилган қўл ёзма асарларнинг чет элларда сақланаётган нусхалари рўйхатини тузсин ва уларни (микрофильмларни) олиб келиш учун хорижга мутахассисларнинг илмий сафарини ташкил қилсин;

Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда хоразмшоҳлар даври тарихи, илм-фан, маданияти ва санъатига оид адабиётларни расмий тантаналаргача чоп этишни режалаштирсин.

4. Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда қадимий меъморлик анъаналари билан уйғунлашган Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасини Урганч шаҳрида 1999 йилда барпо этиш масаласини ҳал этсин.

Ўзбекистон Бадиий академияси бир ой муддатда Жалолиддин Мангуберди қиёфасини яратиш бўйича республика очиқ танловини ўтказсин.

5. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Жалолиддин Мангуберди яшаган давр ва унинг Ватан озодлиги йўлидаги жасоратли ҳаётини акс эттирувчи туркум кўрсатув, эшиттиришлар дастурини тайёрласин ва амалга оширсин.

Халқ қаҳрамонининг ҳаёти ва ўлмас жасоратлари матбуот воситаларида кенг ёритилсин.



6. „Ўзбеккино“ компанияси Жалолиддин Мангуберди ҳаётига бағишланган ба-  
дий фильм яратишни режалаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги 1999 йилда  
Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан эсдалик  
юбилей тангасини муомалага чиқарсин.

8. Ушбу қарорда кўрсатилган ва Ташкилий қўмита тасдиқлайдиган тадбирларни  
амалга ошириш харажатлари тенг улушларда республика бюджети ва маҳаллий бюд-  
жетлар ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

Бу ишга ҳомийлар, шу жумладан, хорижий ҳомийларнинг ўз улушларини  
қўшиш ҳақидаги таклиф-истаклари қўллаб-қувватлансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазирининг биринчи ўринбосари зиммасига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри, 1998 йил 24 сентябрь

## МАРДЛИК-МАТОНАТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ЧЎҚҚИСИ

*Жалолиддин Мангуберди она юрт ҳимоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби, халқимизнинг Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Амир Темур сингари тарихда ўчмас из қолдирган миллий қахрамонидир.*

Ислом КАРИМОВ.

Муҳтарам китобхон! Қўлингиздаги олимақом(шоҳона) китоб-альбом муборак бўлсин! Халқимизда файзли инсонлар ҳақида фариштали одам деган ҳикматли ибора бор. Камина шунга муқояса қилиб, „Жалолиддин Мангуберди“ китоб-альбомини фариштали битик дегим келади.

Қаранг, ахир, унинг ичу ташидан нур таралиб турибди. Буюк аждодларимизга хос тароват, сўз ва безакларнинг бир-бирига мутаносиблиги, салобати ва нафосати буткул уйғунлашиб, ажойиб бутунликни ташкил этганидан кўз ва дил қувонади.

Биз, катта авлод ўтмиш ва яқин йиллар(шўролар даврида) китоб чоп этиш йўриғи қандай бўлганидан хабардормиз, албатта. Қадимги қўл ёзма китобларни кўришимиз билан унинг файзидан мутаассир бўлардик ва беихтиёр тезроқ ўқиш иштиёқи туғиларди. Матнга мос суратлару безаклар, сўзларнинг маржондай тизилганлиги ўзига ром этарди-қўярди.

Афсуски, шўролар давридаги, жумладан, республикамизда ҳам бошқа соҳа — тармоқлар қатори ноширлик иши мураккаб йўлни босиб ўтганлиги маълум. Кўз аранг илғайдиган майда ҳарф-ширфтлар, матннинг бобма-боб бир хилда узундан-узоқ давом этавериши, қоғоз сифати ҳамин қадар бўлгани энди таққослаш имконияти туғилгач, айниқса, кўзга ташланиб туради.

Айтмоқчимизки, Мустақиллик йилларида республикамизда ноширлик иши чинакам санъат даражасига кўтарилди. Бунинг битта мисоли ушбу „Жалолиддин Мангуберди“, таъбир жоиз бўлса, ёрқин тизмалар, ранг-баранг безаклар тажассумидир.

Довруқли ануштегинлар — буюк хоразмшоҳлар тарихи, марду майдон саркарда ва шоҳ Жалолиддин Мангуберди босиб ўтган мураккаб ва шарафли йўл руҳи унинг банд-бандига сингдирилган.

Ҳеч нарса ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, албатта. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлабқ Истиқлол йўлида жон фидо этган буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш бўйича мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан қабул қилинган қатор қарорлар, шунингдек,

Олий Мажлис таъсис этган қонунлар масаланинг ҳуқуқий ва маънавий асосларини белгилаб бергани бутунгидек эсимизда. „Жалолиддин Мангуберди“ орденининг таъсис этилиши ва таваллудининг 800 йиллиги кенг миқёсларда нишонлангани Мустақиллик шарофати бўлиши баробарида бебаҳо қадриятларимиз илдизларига жаҳон афкор оммаси эътиборини жалб этиш омили ҳамдир.

Ушбу китоб муаллифи таниқли олим ва публицист-ёзувчи Жумабой Раҳимовнинг узоқ йиллар давомида Жалолиддин Мангуберди ва озодлик йўлида у кўрсатган жасорат намуналарини ўз асарларида кенг ва ёрқин ифода этаётгани таҳсинга лойиқдир.

Жалолиддин Мангуберди феномени ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Буюк шоҳ ва саркарданинг улуғ бобокалони Ануштегиндан бошлаб то Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳгача бўлган, Хоразмни қудратли мустақил давлатга айлантирган аجدодлари босиб ўтган шарафли йўлни босқичма-босқич ёзиб, кўрсатиб берганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жалолиддин Мангубердининг ўз падари бузруквори Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Чингизхон босқини арафасида йўл қўйган кечирилмас ҳарбий-сиёсий хатолар оқибатини тугатиш ва буюк давлат шон-шухратини сақлаш борасидаги мислсиз кураш ва қаҳрамонликлари бирма-бир ва ҳаққоний кўрсатиб берилгани, буларнинг бари ҳар қандай муаллиф учун ҳам осон қўчадиган иш эмаслиги аён. Айниқса, жаҳон сиёсати ва ҳарбий санъати майдонида юлдуздек порлаган улуғ аجدодларимиз тўғрисида хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин китобат битиш ғоят масъулиятли ва машаққатли иш. Муаллиф Жумабой Раҳимов ўрта асрлар давридаги ўзбек миллий давлатчилигимизнинг муҳим ҳалқаси — Хоразмшоҳлар салтанатининг пайдо бўлиши, унинг гуллаб-яшнаши ва ёвуз Чингизхон ҳамда чингизийлар ворислари томонидан таназзулга учратилиш тарихига қўл урган. Уни ёритишда ўша даврнинг машҳур муаррихлари асарларидан асосий ва таянч манба сифатида фойдаланган. Фойдаланиб-гина қолмасдан, манбаларни қиёсий-илмий таҳлил кўригидан ўтказган. Бу эса муаллиф томонидан битилган асарнинг манбалар билан таъминланиш даражасининг жуда ишончли, шунингдек, бақувват бўлишини таъминлаган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўрта аср муаррихлари ўз пайтида Чингизхоннинг Хоразмга юриши, унинг ўз рақибларини қўрқитиш ва аросатда қолдириш усуллари, Хоразмшоҳ йўл қўйган жиддий хатолар, Жалолиддин Мангубердининг жасоратли юришлари ҳақида жилд-жилд асарлар ёзиб қолдирганлари маълум. Лекин, бу залварли меҳнатларни камситмаган ҳолда айтиш жоизки, уларнинг аксарияти чингизийлар саройида хизмат қилганлар ва мўғул лашкари устунлигини кўкларга кўтаришга мажбур бўлганлар. Агарда Жалолиддин Мангуберди мардлиги, жасоратини мадҳ этган шоир ва тарихнавислар мўғуллар томонидан қўлга олинса, улар қаттиқ азоб-уқубатли ўлимга гирифтор этилганлар. Муаллиф асарида бунга етарлича далиллар келтиради.

Шу давр ва ундан кейинги замонларда ҳам эски салбий нуқтан назарларга кўра, Жалолиддин Мангуберди шахси ва фаолиятига муносабатлар турлича бўлиб келганини муаллиф бир-бирига таққослаб, чуқур ўргангани ва уларга муносабат билдиргани эътиборга моликдир. Жувайний, Рашидиддин, Ибн ал-Асир, Жузжоний, Мирзо Улуғбек, Абулғозий Баҳодирхон китоблари, рус олимлари, тадқиқотчилари асарларининг қиёсий таҳлили шулар жумласидандир.

Улар билан солиштирилганида муаррих Шаҳобиддин ан-Насавийнинг „Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти“ асари(Камол Матёқубов таржимаси) ўша давр муҳити ва воқеа-ҳодисаларининг ҳаққоний акс эттирилгани билан ажралиб туради. Жумабой Раҳимов айнан ана шу теран манбага асосланган ҳолда Жалолиддин Мангуберди жасоратини ҳақиқат кўзгусига солиб акс эттирган. Бунга яна бир сабаб шуки, шарқу ғарб жалолиддиншунослик соҳасининг машҳур шарқшунос тадқиқотчилари ан-Насавийнинг „Жалолиддин Мангубердининг таржимаи ҳоли“ асарини тарих ҳақиқатини ўзида ифода этган асосий манба тарзида эътироф қиладилар. Шу боис Шаҳобиддин ан-Насавийнинг Жалолиддин Мангубердига берган қуйидаги таърифи Жумабой Раҳимов асарида миллий қаҳрамонимиз портретига бебаҳо чизги мисоли яққол кўзга ташланиб туради:

„Султон Жалолиддин... Буғдой ранг ва ўрта бўйли. Бутун қиёфасига кўра том бир туркий. Туркийча сўзлашар. Форсчани ҳам билар. У сокин табиатли бўлиб, бирон-бир кишини сўкиб ҳақоратламасди. Жиддий ва виқорли. Кулмас. Кулимсирар. Оз гапирар“.

Ўша жиддий ва виқорли қаҳрамонимиз ҳақидаги китоб-альбом руҳияти бугунги дунё, унинг ютуқлари-ю қарама-қаршиликлари, турли қитъалар, мамлакатларда довулга учраган кемадай чайқалиб турган бесаранжом ҳаёт бухронлари билан уйқаш бир тарзда кўзга ташланади. Асарнинг ўзига хослиги, долзарблиги ҳам ана шундадир.

Муаллифнинг яна бир ютуғини алоҳида таъкидлашни истардик.

Маълумки, шўролар даврида нашр этилган тарих дарсликларида жанг-жадаллар ўта кўтаринки, мақтанчоқликка йўғрилган ҳолда тасвирланар, ютуқлар кўпиртирилиб, мағлубиятлар хаспўшлаб ўтиларди ҳам. Бизнинг муаллифимиз буни усталик билан аниқ фактлар орқали кўрсатиб бера олган.

Битта мисоли будир. 1223 йил 31 май куни Калька дарёси бўйида Чингизхон бошлиқ Дашти Қипчоқ ва Русь князларининг қўшинлари ўртасида бўлган саваш мўғуларнинг тўла ғалабаси билан тугайди. Русь қўшинлари ва унинг иттифоқчилари тор-мор этилади.

Чингизхон ярадорларни битта жойга тўплаб, устларига кигиз тўшаб, унга тахтга чиққандай ўлтирар. Ғалаба гаштини сураётган он чопар келиб, Жалолиддин Мангуберди Хиндистондан қайтиб, Эронда ўз ҳукмдорлигини ўрнатганлиги ҳақида хабар беради.

Чингизхоннинг шашти сўниб, бутун борлиғида ғазаб алангаси ловуллайди. Негаки, унга Руснинг шаҳар ва қишлоқларини хоҳлаганича талаш эшиклари ланг очилган эди. Жалолиддин Мангуберди Эрон томон юришни бошлаб, Русни Чингизхон босқини ва хароб қилинишидан асраб қолди. Руснинг халоскори бўлди. Бу тарих учун чинакам жаҳоншумул ҳодисадир.

Бундан кам аҳамиятга эга бўлмаган, аммо ундан мавқеи бир неча поғона юқори турадиган иккинчи бир буюк тарихий ҳодиса сирини очишни айни муддао деб ҳисобладик. Бу ҳам жаҳон тарихи дарсликлари ва Ватан тарихи ўқув қўлланмаларидан ҳалигача ўрин олмаган, аммо дарслик, қўлланмалардан албатта мустаҳкам мавзу сифатида жой олиши шарт бўлган тарихий воқеадир. Маълумки, Жалолиддин Мангуберди жуда оғир ҳарбий-сиёсий вазиятда бўлса-да, темир интизомли қўшин тузди ва буюк қаршилик ҳаракатининг ганимлар қайта-қайта эътироф этган йўлбошчисига айланди. Шарқу ғарблик барча душманлар бирлашиб уни ўн бир йиллик тинкани қуритувчи жанг-жадаллардан кейин бартараф этишга зўр-

базур эриша олдилар. Бироқ буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди тарбиялаб жанг оловларида чиниқтирган армия илдизи бақувват чинор дарахти каби у вояга етказган саркардалар (гарчи дарахт танаси кесиб ташланса ҳам) ўз йўлбошчиси Султон Жалолиддинга муносиб ворис қўмондон эканликларини бир неча бор исботладилар. Натижада йўлбошчисиз қолган қўшин яна тезлик билан ўз жанговар қобилиятини қайта тиклади. Бу қўшин шундан кейин жаҳон тарихини безайдиган, аммо Шарқ халқларининг овозлиги, мустақиллигининг сақлаб қолинишига дахлдор саҳифаларни очиб юбордики, бу ҳам муаллифимизнинг машаққатли изланишларининг самараси бўлди. Асар муаллифининг тарихий далилларга қатъий таяниб берган маълумоти ҳеч бир китобхонни бефарқ қолдирмайди, балки зўр ҳаяжонга солади, ушбу шонли воқеалар билан танишар эканмиз ўша қаҳрамонликларни содир этиш ишгирикчи Ватандош баҳодир аждодларимиз марду майдонлигига яна ва яна қойил қоламиз, беихтиёр тасаннолар айтамыз. Буни келажакда, албатта, тарих дарсликларидан ғурурга тўлиб дарсхоналарда сабоқ оладиган фарзандларимиз, невараларимизга ҳавас қилгимиз келади. Бу мустақиллик маънавияти кучи ва имконияти дегани эмасми, ахир! Саҳифаларда жажжи қалбларни ғурурга тўлдирувчи, ёшларни жасоратга мағрурона чорловчи ушбу тарихий битиклар ўзини намоён қилиб турса. Худди кенг манзарали, бутун вужуд билан кўрилаётган кинофильмдагидек аждодларимизнинг жасоратнома эпопеяси намоён бўлса, ахир бу ватанпарварлик тарбиясининг юксак ва таъсирчан воситаси эмасми? Асарнинг ўша саҳифаларига яна бир бора мурожаат қилиб ўтиш жоиздир.

„ . . . 1244 йил Яқин Шарқнинг Ғазза шаҳри яқинидаги Ҳарбия қишлоғи олдидаги кенг яланглик майдонини ларзага келтириб Ғарбий Европанинг салибчилардан ташкил топган даҳшатли рицарлар қўшини донг таратган қўмондонлари бошчилигида жангга тайёргарлигини кўрмоқда. Унга қарама-қарши тарафда эса Жалолиддин Мангубердининг таниқли лашкарбошиси Ҳусомиддин Баракатхон бошчилигида Йилонбуға, Сарухон, Хонберди, Сайфиддин Содиқхон, Атласхон ва Насриддин Қўшлухон (уларнинг барчаси Султон Жалолиддин қўл остида ҳарбий саркарда бўлиб етишган эдилар) лар 70 минглик ғаним лашкарига қарши жанг ҳозирлигини кўрмоқда. Жанг 16 октябр куни бошланиб, Баракатхон ўз устози Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий тактикасини то жанг ғалабага элтгунча ранг-баранг тарзда қўллайди. Ғарбий Европанинг сараланган салибчилар қўшини мағлуб бўлиб, жангда номлари Ғарбий Европадагина эмас, балки Ғарбий Осиё, Шимоли-шарқий Африка кенг ҳудудларида машҳур рицарлар қўмондонларидан Филипп Монфор, граф Вольтер Бриенн, Сур архиепископи Пётрлар асир олинади.

Аждодларимизнинг бу буюк жасорат ва қаҳрамонлиги кимни ҳайратга солмайди, дейсиз. Бу жасорат ва бемисл мардлик тарихимизнинг, Шарқ тарихининг шубҳасиз олтин зарварағидир. Уни ўқиган авлод аждодларига муносиб ворис бўлишга ўзининг бурчли эканлигини англайди, борлигини Ватани, халқи манфаатига бағишлаш ва фарзандлик қисмати билан мужассам топишга сафарбар қилади. Зеро, тарих, Ватан тарихининг куч-қудрати ҳам шундадир. У инсоннинг ўзлигини англантиш қуроли бўлиш билан дунёқараши шаклланаётган ёш авлод қалбига Ватан, унинг асл моҳиятини олиб киради, кўрғошиндек қуйиб мустаҳкамлайди. Натижада Ватан фарзанди унинг олдидаги абадий қарздорлигини англайди. Унинг тақдири учун ўзини курашга чоғлайди.

Ватан тарихи билан қуролланган инсонда имон-эътиқод, Ватанга, халқи ва миллатига садоқат ғоят мустаҳкам бўлади.

Ҳазрат Навоий бобокалонимиз уни шундай мисраларга жо қилган эди:

Аёнким, Ватан узра то жони бор,  
Киши ҳарб этар то имкони бор.

Бунда Жалолиддин Мангуберди ва унинг қасосга ташна баҳодир жангчиларининг Ватан озодлиги дея борлиғидан кечиб, охирги нафас, сўнги имкониятларга қадар кураши ибрат мактаби бўлиб, келажак авлодларга сабоқдир. Уларнинг бундай сўнмас ва шон-шуҳратга тўла кураш йўли мустақил Ватан қудратини турли соҳаларда оширишга бел боғлаган инсонларни фидойиликка, фаолликка ундайверади. Кучни шу йўлда сарфлаш учун ҳаётнинг турли жабҳалари мавжуд ва етарлидир. Жалолиддин Мангуберди ва унинг лашкари кўрсатган бемисл мардликларни фақат давлатимизнинг бугунги кундаги чегара посбонларимиз кўрсатиши керак, деган тушунчадан йироқмиз. Огоҳлик, ҳушёрлик ва Ватан талаб этганида жасоратга қўл уриш, уни ҳар бир фуқаро имкони ва касбий хусусиятлари даражасида амалга ошириши мумкин.

Ҳозир ҳам Ватан равнақи учун, мустақилликни ҳимоя қилиш учун сабаблар бисёр, шунингдек, унга қарши хавф-хатар ва турли мафкуравий таҳдидлар, ғоявий-маънавий бўшлиқлардан тирқиш ва ҳудуд ахтараётган балои қазодек юртимизга ёпирилиб келаётган „оммавий маданият“ деб аталувчи оқим кучи ўзининг заҳарли чаёндек ҳужумлари хусусиятига кўра ўрта асрлардаги ғаним босқинчиларнинг таҳдидидан сира кам эмас. Агар ўрта аср ғанимлари юртимизга сон-саноксиз лашкарий кучлари билан ҳужум қилган бўлсалар, „оммавий маданият“ ўзининг мафкуравий, молиявий, техноген даврининг турли замонавий воситалари билан қуролланиш жиҳатидан чегара билмас даражада бўлиб, айни шу жиҳати билан ўта хатарлидир. Бу таҳдидни чегарадаги қўшин билан, халқаро аэропорт ва вокзаллардаги назорат билан тўхтатиб бўладими? Йўқ! Унда бу офатни қандай ва қайси куч, воситалар билан тўхтатамиз? Бу куч бор, бу куч Юртбошимиз таъкидлаган тарихимизни чуқур билиш ва миллий қадриятларни юқорида қайд этилган ҳужум таҳдидларига қарши қўйиш орқали амалга оширилади. Бу куннинг хоҳ чўпони бўлсин, хоҳ деҳқони, ҳунармандию савдогари, давлат хизматчисю олим зиёлиси ва тадбиркори — барча-барчаси маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши ягона куч, залварли мушт бўлиб Ватанга қалқон бўлиб тура оладилар. Ана шундай тарздаги, яъни фуқаролар миллатдошлик, ватандошлик, мустақиллик, эркинлик туйғулари манфаатлари доирасида темир ҳалқа бўлиб бирлашганларида ўзбекнинг истиқлол қалъасини бузишга кимнинг, қайси ғанимнинг ҳам куч-қудрати етсин. Агар биз Она Тўмарис ва Широқнинг Осиё ва Европа, Африкани титратган Эрон шоҳлари Кир ва Дорони қора ер билан бир қилган нафрат кучини, Жалолиддин Мангубердининг жанг майдонларини ларзага келтирган ҳайқирғини, Нажмиддин Кубро Шайхул-Валитарош ҳазрати бузрукнинг Ватан озодлиги йўлида қўлга қурол олиб жангга кириши ва Амир Темурнинг уч қитъа узра музаффар байроғи ҳилпираши ва Ватан ва халқ қудратини Жаҳонга намойиш этишларини мозий илми орқали қалбимиз тубига қадар сингдирсак, шунда бу Ватан олиб бўлмас мустаҳкам қалъага айланади. Бу қалъага ҳамла қилмоқчи бўлган таҳдидлар, жумладан

„оммавий маданият“нинг турли кўринишдаги ҳужумлари ана шу қалъа деворига урилиб шикаст топади, инқироз ва талафот майини ичади. Негаки, буюк аждодлар наъраси ва улар отларининг дупури билан уйғонган миллатни асло енгиб, йўлидан адаштириб бўлмайди.

Аксинча эса, шўро тарихшунослиги ва мактаб, олий таълим ўқув адабиётлари, хусусан тарих қўлланмалари халқимизни тарих ҳақиқатидан узоқлаштириб, ўзлигини унутиш ва адаштириш мақсадига йўналтирилган мазмунда нашр этиларди.

Муҳими шундаки, бу ўринда Жумабой Раҳимов Русь князлари ва мўғулларга қарши курашган Кичик Осиёда яшаган халқлар, уларнинг ҳукмдорлари, саркардаларини камситиш учун эмас, балки Жалолиддин Мангубердининг Ҳиндистон ва Эрондаги ғалабалари Чингизхонни саросимага солганини кўрсатиш мақсадида келтиради ва юқоридаги қайд этилган халқлар ҳукмдор ҳамда саркардаларига нисбатан Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий истеъдоди ва санъати ҳамда Ватани, халқига бўлган чексиз садоқати жиҳатидан улардан юксак мавқе — порлоқ бир хилқатда чақнаб турганлигини янада чуқурроқ очишга интилади. Шунингдек, муаллиф тарих ҳақиқатини асосий ўринга кўтариб, „ёпиқлиқ қозон“ни ёпиқлигича қолдирмай, „оқ доғлар“ни тарихий адолат тамойилига мослайди. Бу билан буюк ватандошимиз Жалолиддин Мангуберди Шарқий Европа халқлари ва Ислом олами, жумладан, шарқ халқлари олдидаги халоскорлик миссиясини бажарганлигини таъкидлайди.

Жалолиддин Мангуберди ва унинг кўпгина салафларига хос бўлган олижаноб хислат — мардлик-матонат ва ватанпарварлик туйғуси китоб-альбомда „қизил ип“ бўлиб ўтган, бу айниқса, қўйидаги иккита васфда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Биринчиси, Парвон жангида. Бу вақтга келиб кўпгина эл-элатлар Чингизхон босқини хатаридан ҳимояланиш умидида Жалолиддин Мангуберди қаноти остида жам бўлишган, қўшинларга бириккан, якто, мардона бир кучга айланган эди. Чингизхон бундан хабар топган он Бош қўмондони Шиқи-Хуту-Хи ёнига севимли набирасини қўшиб, катта қўшинни ул сари отлангириб улгурган эди.

Бир неча кун давом этган, Парвон жанги бўлиб тарихга кирган савашлар охир-оқибат Жалолиддин Мангуберди ғалабаси билан тугайди, мақтовли мўғул саркардаси Шиқи-Хуту-Хи қочиб, зўр-базўр жон сақлади. Шу жангда хоқон махсус „Ҷазо“ қўшинидан айрилди ва мотамга ботди.

Иккинчиси, Синд дарёси, Нилаб кечуви бўйида Чингизхон бошлиқ лак-лак қўшин ва Мангуберди лашкари ўртасидаги даҳшатли тўқнашувдир.

Жалолиддин Мангуберди айна шу кечувдан ўз қўшини, онаси Ойчечакбону, болачақасини Ҳиндистон томонга олиб ўтмоқчи, шу ерда куч тўплаб, фаним билан узил-кесил жангга ҳозирлик кўрмоқчи эди. Афсуски, воқеалар тубдан бошқача тус олиб, Жалолиддин Хоразмшоҳга Синдни кечиб ўтиш имкони йўққа чиқади. Бахтга қарши Синд дарёси ҳам, ўша вақтдаги тарихий шароит ҳам минг афсус ёвуз фанимлар фойдасига ишлаб, Озодлик ва мустақиллик йўлбошчисидан юз ўгириб, ғалаба жилловини Чингизхонга тутқазади.

Охир-оқибат, Чингизхоннинг қўли баланд келгани маълум бўлгач, Ойчечакбону ўғли Жалолиддиндан ўзини, келин ва бола-чақаларини шахсан Султон сифатида фармон бериб ютагон дарёга чўктириб юборишни кескин талаб қилади. Онаизорнинг талаби бажарилади.

Тутқунлик қуллимими ё ўлим? Бу савол устида Ойчечакбону узоқ ўйлаганини ҳис қилиш қийин эмас. Зеро, мардлар наздида ёғийга асир тушгандан ўлган яхши.

У ўлимолди дақиқалари арафасида ўғлининг омонсиз жангда от устида жавлон ураётганини кўрди. Эртанги ғалабани ҳис этди, шу ёруғ хаёл ичида ўзини ажал қўлига топширди. У хоқон қўлида номуси топталиб эмас, озод, ор-номус ва ғурурини ҳимоя қилганича қаҳрамон она бўлиб ўлди. Эртанги ҳуррият шуълаларини туйиб оламдан ўтди.

Сўнг вақти келиб, ўгли Жалолиддин Мангуберди Озарбайжон ва Гуржистонни, уларнинг ён-атрофидаги давлатларни ўз қўл остига олгач, она руҳи таскин топганини ҳис этиш қийин эмас.

Исфаҳон остонасидаги ҳал қилувчи савашда Султон Жалолиддин мўғулнинг сон-саноқсиз қўшинини мағлуб этгач, Чингизхоннинг ворислари Ўқтойхон, Чигатойхонлар унга келишув таклиф қилгани — дарёнинг нари томони сенинг, бу ёғи маним бўлсин, савашмоқни бас қилайлик, дегани ҳам тарихга рақам этилган. Султоннинг жавоби табиийки, бундай бўлган:

— Ватан битгадир, они бўлиб-бўлашиб бўлмагай! Ватан тақдирини ҳал қилиш масаласи фақат қиличга қолган.

Ҳуррият туйғусининг ўлимдан устунлигига яна бир мисол, шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари аҳд-паймонидир.

Пойтахт Гурганж қалъасини Чингизхоннинг ўғиллари забт этиш арафасида, шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларига яшаш — босқинда қолган қалъадан ўз муридларини ҳам олиб, истаган томонга чиқиб кетишни таклиф этишганида пири аъзам кўнглидан нималар кечган, тасаввур қилиш қийин эмас.

Султон Хоразмшоҳ қочиб кетган. Она Султон ҳам. Гурганж ҳокими ўз жонини сақлаш илинжида дарвоза калитини ёғийга топшириб хоинлигини ошкор қилган.

Мўғул шаҳзодалари таклифига шайх ҳазратлари кўнса яшар. Яшайверар. Аммо, асоратда. Қулликда. Ер устидаги дўзахда. Ҳазратнинг олий мақсади эса инсон эркинлиги ва озодлиги бўлиб, шу орқали икки дунё саодатига эришиш. Қуллик дўзахидан нафратланишди. Шу боис

Нажот — ҳурриятда!!!

Ҳуррият дея ҳазрати шайх қазога рози бўлди.

300 дан ортиқ содиқ муридларини олиб ҳазрат савашга отландилар. Етмиш олти ёшда эдилар. Худди қирқ яшар йигитдек шиддат ила жангга кирдилар. Ўқтой қўшини марказигача етиб бордилар. Ўнлаб ёғийларни жаҳаннам қаърига равона қилдилар. Алал оқибат ҳазрати шайх шаҳид кета туриб, ёғий байроғига худди бургутдек чанг солиб эди, жаллодлар унинг бармоғини кесмагунча байроқни ола билмадилар. Энди бу байроқ байроқ эмас эди.

Китоб-альбомни безаб турган лавҳа-манзараларнинг яна бир авж нуқтаси Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги тантаналари ва унда Республикамиз раҳбари Ислам Каримов нутқи, жумладан, унинг қуйидаги ёрқин сўзларидир:

„Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру ғуруридир. У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидир.



Бу баҳодир зотнинг муборак номи, унинг қаҳрамонлиги келажак авлодларга, биринчи галда сиз билан бизга тарихий хотира олдида бошимизни мағрур тутиб яшамогимиз учун тўлиқ ҳуқуқ беради!“ Жалолиддин Мангубердининг Ватан олдидаги буюк хизматларини бундан-да ошириб айтиш имкони бўлмас. Бир сўз билан айтганда, яратилаётган ушбу китоб севилиб ўқилади ва барча китобхонларга ғоят манзур бўлади деган умиддамиз.

Сўз сўнгида ноширларга, мусаввирларга халқимизга шундай китобларни яратишда янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Китоб-альбом таассуротлари барча ўқигувчилар қалбига нақшланиб қолажак, деган умид билан

Эркин САМАНДАР,  
„Аждодлар қиличи“, „Ёт хужра“  
пьесаларидан иборат „Жалолиддин  
Мангуберди“ тарихий драмаси,  
„Султон Жалолиддин“ тарихий  
романлари муаллифи.



АНУШТЕГИН — БУЮК  
ХОРАЗМШОҲЛАР САЛТАНАТИ  
СУЛОЛАСИНИНГ АСОСЧИСИ



## БУЮК САЛТАНАТ САРИ ЙЎЛ. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ БОБОЛАРИ СИЁСАТ ВА ҲАРБ МАЙДОНИДА

Жўшқин ва шиддаткор Жайхуннинг қуйи оқими ҳудудларини қамровига олган Хоразм воҳаси мозийнинг сир-синоатларини ўзида мужассам этган заминдир. Унинг муқаддас юртга айланиши ва тақдирида буюк ишлар содир этиладиган ҳудуд сирасига кириши Шарқнинг энг қадимий манбалари бўлмиш битикларда ҳам акс этгандир. Чунончи, кўхна тарих тонгидаёқ Парвардигори олам бани башарнинг илк фаолияти замонларида ушбу заминга ўз назарини ташлаганлиги „Авесто“ ёзувларида қайд этилиб, мозийдан улуғ ёдгорлик тарзида абадиятга қолдирилган. Оқсоч тарих акс садоси сифатида Аҳурамазда номидан бизгача шундай ҳикматомуз битик етиб келган: „Мен Аҳурамазда дастлаб Хвайразм (Хоразм) сар заминга ўз назаримни солдим. Шунгача бу ер нообод бир жой эди. Менинг илоҳийлик назарим дастлаб ўша ерга тушгач, бу ўлка обод ва фаровон юртга айланди, бахт-саодатга юз бурди“.

Бу илоҳий битиклар таг-замирида катта ҳикматлар мужассам топганлигининг исботи бу табаррук макондан абадиятга дахлдор улуғ сиймолар, маънавияту маърифат, илму урфоннинг забардаст ва бетакрор алломай замонлари, аркони дину диёнат, давлат арбоблари, машҳур саркардалар тарбия топиб, вояга етганлигидир. Шу улуғ зотларнинг қилич янглиғ ўткир ақл тафаккури билан ҳеч қачон эскирмайдиган, ҳар қандай замонлар силсиласига бардошли ўлмас таълимотлар, эзгу сўз, эзгу фикр ва эзгу амалга таянган доимий яшнаб турувчи ғоялар айнан Хоразм воҳасида яратилди.

Халқнинг озод, эркин ва бахтиёр, фаровон яшаши, ота-она оилада соғлом, ақлли, шунингдек, жасур ўрил-қизларни тарбиялаб, уларни Ватан манфаатига, хавф-хатар туғилганда эса она юрт ҳимоясига оммавий сафарбар бўлиб жангга отланиш каби юксак ахлоқийлик илмининг тамал тоши ҳам шу қадим заминда қўйилди.

Жаҳонда цивилизация куртаги ҳисобланмиш илк давлатчилик қад ростлаган Миср, Вавилон, Бобил ва Месопотамия билан тенгдош афсонавий ўлка ҳам Хоразмдир. Агар қадимий Хоразмнинг мозий тонгидаёқ буюк давлат бўлганлигига заррача шубҳа-гумон туғилса, жаҳонгирлар пешвоси Искандар Зулқарнайн ҳарбий-сиёсий фаолиятига мурожаат қилинса бас! Аниқ жавоб бўй кўрсатиб, гумонлар булутини тумандек тарқатиб, тарихий адолатдан бонг уради. Негаки, бу жаҳонгир ўша вақтда фақат хоразмшоҳ Фарасман билан дўстона ҳамкорлик шартномаси тузишга ва айрим жаҳон миқёсидаги муаммолар масаласида маслаҳатлашган эдики, бу ҳам Хоразмшоҳлар давлатининг бундан XXIV аср муқаддам ҳарбий-сиёсий обрўси баланд бўлганлигидан далолатдир. Бу милонинг у ёғидан дарак берса, асримиз бошларидан яна минг йил янги бир сулола Хоразмшоҳлар давлатининг шукуҳини жаҳон миқёсида сақлаб турди. Бу хоразмшоҳларнинг африғийлар сулоласи эди. 10 аср мобайнида давлатчилик байроғини ҳилпиратиб туриш камдан-кам сулолаларга насиб этганлигини ҳисобга олсак, миллий давлатчилигимиз тарихида унинг аҳамияти катта мавқеда бўлганлигини кўраимиз.



Салжуқийлар султони Маликшоҳ I Ануштегин Гаржайини Хоразм ноибни қилиб тайинлашга фармони олий бермоқда.



Салжуқий ҳукмдор Султон Барк Йаруқ ибн Маликшоҳ.



Географ олим ал-Идриси томонидан XII асрда тузилган Ислом олами харитаси. Бу даврда Хоразмшоҳлар салтанати Шарқнинг қудратли салтанати-га айланаётган эди.

Бироқ, Хоразмнинг доврўғини жаҳон майдонида барала кўрсата олган, бу Ануштегин — хоразмшоҳлар, яъни Жалолиддин Мангубердининг буюк ва забардаст боболари бўлдилар. Улар тенгсиз сиёсий ва ҳарбий давлат арбоблари эдилар. Ўзларининг шу буюк салоҳият ва ҳарбий истеъдодлари билан Шарқ оламида энг катта салтанат барпо қилдилар. Улар ўзбек давлатчилигининг шон-шухратини оламга ёйдилар. Натижада, тарихий хизматлари буюк бўлганлиги боис, Ватан тарихи саҳифаларига ҳам шу ҳолатда кирдиларгина эмас, жаҳон тарихи саҳифаларидан мустаҳкам ўрин эгалладилар.


Ануштегинлар сулоласининг сўнги вакили Жалолиддин Мангуберди бўлди. Унинг номи мардлик, жасорат ва шон-шарафга бурканган курашнинг чўққиси бўлди. Натижада бу доврўқли ном абадият мулкига айланди. Мардлик ва жасоратнинг бемисл баландликларидан ошиб, номи тиллардан-тиллارга ўтиб, охир-оқибат бу ном афсонавий мақом даражасига етди. Ҳар қандай бўронларга бардошли дарахт сир-асрорини унинг илдизи бақувватлигидан аниқланганидек Жалолиддин Мангубердидаги буюклик фазилатларини Шарқ тарихида мустаҳкам из қолдирган ва улўғлик мартабасига кўтарилган тождор бобокалон аждодлари — ануштегинлар сулоласидан қидириш лозимдир. Негаки, ҳаммага қувонч ва шодлик улашувчи гул ўз илдизини соғиниб яшаганидек, Жалолиддин Мангуберди каби халқ қаҳрамони, буюк саркарда ва давлат арбоби, мардлик ва жасорат тимсолининг ҳаёт йўли, Ватан дея ҳайқириб, шу йўлдаги сўнги нафасигача кураш солномаси халқимиз, қолаверса, бутун башарият учун ибратдир.

Улуғ бобокалонлар яшаган мураккаб алғов-далғов тарихий давр ва уларнинг ҳарбу зарб майдонидаги жасоратга тўлиб-тошган курашлари оқибатида вужудга келган улкан ва беҳудуд сарҳадларни қамровига олган салтанатнинг юксалиш илдизига назар ташлаш орқали Жалолиддин Мангубердининг маънавий, жисмоний куч-қудрат тимсолига айланишини таъминлаган асосий омилларни англашга бўлган ишонч, шунингдек, мозийнинг денгиздек тўлқинланиб турган ҳайбатли, хавф-хатарга лиммо-лим воқеа ва ҳодисаларини бугунги мустақиллик мафқураси ҳамда тарихий адолат ва ҳақиқат тамойили асосида ёритишни лозим топдик, негаки, тарихнинг маънавий-тарбиявий қудрати ҳам шунга таянади.

Олис мозий чархпалаги тарихий ва ижтимоий тараққиёт қонунлари доирасида ҳаракатланар экан, кўплаб қудратли салтанатларни вужудга келтирди. Маълум бир давр ўтгач, уларни емириб ташлаб инқироз бўсафасига етаклади.

Шарқ ва жаҳон тарихида сезиларли из қолдирган Хоразмшоҳлар салтанати ҳам юксалиш ва таназул тақдирларини четлаб ўтмади. Мустақилликни қўлдан бой берган пайтларда, қарамлик ва вассаллик азоби, камситилишларнинг оғир даврларида мустамлакачилик кишанларини тақишга мажбур бўлди. Бироқ, азоб-уқубат ва камситишлар кучайганидан кучайиб, юқори поғонага етиб, пичоқ суякка қадалар экан, эл-улуснинг ғурурли марду майдонлари жабр-зулмдан оҳу ноласи осмону фалакка етган халқни мустақил ва озод яшашга ундаб, жангу жадал майдонига отилдилар. Шу улуғ мақсад йўлида молу жони ва бутун борлигини тикдилар.

Жалолиддин Мангубердининг катта бобоси Ануштегин хоразмшоҳларнинг машҳур сулоласи вужудга келишига тамал тошини қўйган эди. Шу билан Шарқ тарихида ануштегинлар сулоласи саҳифаси очилди-ю, унинг давлати вассалликдан қудратли салтанат даражасига айлангунча мураккаб иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жараёнларни бошдан кечирди. Хоразмшоҳлар давлатининг ҳарбий-сиёсий фаолият майдонига чиқиши XI асрнинг биринчи ярмига тўғри келди.



XI асрнинг 30-йилларида Осиёнинг энг қудратли давлати бўлган Ғазнавийлар заифликка юз тутиб, Шарқ оламида Салжуқийлар давлати байроғи барала ҳилпирай бошлади. Айниқса, 1017 йилда Данданакон чўлида Масъуд Ғазнавий қўшинларининг Салжуқийлар давлати кучлари томонидан қақшатқич зарбага учратилиши натижасида Ғазнавийлар қуёши ботди, парчаланиб кетди. Унинг таъсирида Турон замин, Эрон, Афғонистон, Кичик Осиё ва, ҳатто, Араб халифалигидаги ижтимоий-сиёсий вазият беқарорлашиб, мазкур ҳудудларда салжуқийларга ташқи ва ички сиёсатда тобелик аломатлари тобора кучая бошлади. Ушбу ҳудудлар (фақат Халифалик бундан мустасно) XI аср ўрталарига келиб салжуқийлар таркибига киритилди. 1044 йилда Хоразм воҳаси ҳудудларида ҳам салжуқийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Ҳудуд салжуқийларга тамомила тобе вассал ўлкага айлантирилди. Шу билан 1017 йилдан 1044 йилгача Ғазнавийларга қарам бўлган Хоразм Салжуқийлар салтанати вассалига айланди.

1060 йилда салжуқийларнинг истеъдодли ҳукмдори Туғрулбек ўз давлати сарҳадларини қўшни ҳудудлар ҳисобига кенгайтириш учун ҳарбий юришларни бошлаб юборди. Навбат аввалда Ғазнавийларга тобе бўлган Гаржистон вилоятига келди. Уни эгаллаш учун Туғрулбек ўз саркардаси Билгатегинни ўша томонга жўнатди. Билгатегин кўп сонли қўшини билан Гаржистон устига юриш бошлар экан, гарчи кам сонли бўлишига қарамай, шу ерлик ватанпарварларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келади.

Бу қаршилиқ тепасида Хоразмнинг бўлажак ноиб — забардаст саркарда Ануштегин турарди.

Билгатегин охир-оқибат мардона жанг қилаётган Ануштегин қаршилигини синдириб, мудофаа жангини олиб бораётган жангчиларнинг анчасини асир олади. Жанг асносида шердек олишаётган Ануштегинга кўзи тушган Билгатегин уни тирик қўлга олишни топширади. Катта талафотлар эвазига бўлса-да, саркарда буйруғи бажарилди. Билгатегин унинг билан яккама-якка суҳбат қурар экан, гарчи душмани бўлишига қарамай унинг жасоратига ич-ичидан тан беради ва ҳар қандай ҳолатда ўзига ёрдамчи қилиб қайта тарбиялашни қатъий мақсад қилади. Билгатегинни яна бир сабаб, у ҳам бўлса, қабиладошлик, қондошлик, қолаверса, диндошлик туйғуси ҳам бундай қарорга келишга ундади. Бунинг устига отдош ва адашлик, Ануштегин ҳамда Билгатегин номларининг оҳангдошлиги унга бўлган илиқ муносабат кайфиятини жўш урдирди. Учинчи бир сабаб ҳам бор эдики, бу агар Ануштегинни садоқатли ёрдамчи сафдош қилишнинг уддасидан чиқа олса, унинг ақли, ҳарбий салоҳияти Билгатегинни янгидан-янги ғалабаларга етаклаши, натижада салжуқийлар саройида унинг ҳарбий-сиёсий мавқеи янада ошиши муқаррар эди. Шундай бўлди ҳам, Билгатегин Ануштегинни ўзига содиқ ёрдамчи қилиб кўпдан-кўп ғалабаларни қўлга киритиб, шуҳрат пиллапояларига кўтарила борди. Ўз вақтида мардлик қилиб, унда Ануштегиннинг хизматлари борлигини сарой амалдорлари, ҳатто Туғрулбек (1063) вафотидан сўнг тахтга ўтирган машҳур салжуқийлар шоҳи Алп-Арслон (1063—1072)га ҳам маълум қилди. Шу тариқа Ануштегин салжуқий ҳукмдори назарига тушди. Янги юришлардан зафар кучиб қайтган Билгатегин шарафига Алп-Арслон катта зиёфат уюштирди. Бу юришда Ануштегин номи яна тилга тушди. Унинг қаҳрамонларча кураши, топқирлиги ва мардлиги эътироф қилиниб, шоҳнинг қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди, ҳарбий унвони оширилди. Шу тариқа салжуқийларнинг собиқ асири Ануштегин учун юқори лавозимларга кўтарилиш палласи бошланди.

XI асрнинг 70-йиллари бошларида Салжуқийлар салтанатигагина эмас, бутун ислом оламига таҳдид қилаётган Византия императорининг Кавказ томондан даҳшатли ҳужуми бошланди. Султон Алп-Арслон энг жасур саркарда Ануштегинни ўзига ёрдамчи қилиб олар экан, Византия императори Роман IV Диогенни тор-мор этишга қарор қилди. Катта жанг 1071 йилда Кавказнинг Ван кўли яқинидаги Мансикерт мавзесида бўлди. Бу жангда Ануштегин мислсиз қаҳрамонлик кўрсатди. Ниҳоят, Византия императорининг қўшинлари қириб ташланди.

Шу жангдаги жасорати боис Ануштегиннинг салжуқийлар саройида ҳарбий-сиёсий обрў-эътибори янада ортди.

1072 йилда вафот этган Алп-Арслон ўрнига тахтга келган Султон Маликшоҳ (1072—1092) Ануштегинни таштдор-ҳарам-ҳаммом бошлиғи қилиб тайинлади.

Хоразм воҳаси бу вақтга келиб Салжуқийлар салтанатининг шимолий стратегик ҳудуди ҳисобланарди. Чегара нотинч, бунинг устига воҳада турли-туман жангари қавмлар яшар, улар ўртасидаги зиддиятлар эса кучли эди. Кўп асрлар мустақил, озод яшаб келган Жайхун ва Сайхунбўйи халқлари қарам бўлиб яшашни истамасди. Булар салжуқийлар ҳукмдори учун бош оғриғи эди.

Шулар тўғрисида узоқ мулоҳаза юритган Султон Маликшоҳ энг муносиб номзод Ануштегинни Хоразм воҳасига ноиб қилиб тайинлайди, негаки, Хоразмнинг Салжуқийлар салтанати тобелигида вассалликда туришининг иқтисодий томондан ташқари, ҳарбий-стратегик аҳамияти ундан-да юқори турарди. Ануштегиндаги ҳарбий-сиёсий лаёқатдан ташқари дипломатик билимдонлик, одамларнинг қалбига йўл топа олиш каби фазилатлари хоразмликлар билан тил топишиб кетишда албатта асқатарди. Ундаги саркардалиқ қобилияти бу ҳудудда янада қўл келиши аниқ эди. Шимоли-шарқдан бўладиган ҳужум хатари вужудга келса, бу хабарни салтанат марказига етказиб, қўшин билан етиб келгунча ғанимлар асосий мақсадларини амалга оширишга улгурар эдилар. Масофанинг узоқлиги, чегараларнинг чўзилиб, алоқани оғирлаштиришини енгиллаштириб, вақтдан ютишда бир йўл бор, у ҳам бўлса, Ануштегин ихтиёрига етарли даражада қўшин берган ҳолда уни Хоразм лашқари билан кучайтириш ва унга шимоли-шарқ ҳудудлари тарафдаги вазиятга қараб мустақил ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш, чегарадош давлат ҳукмдорлари билан музокаралар юритиш ваколатини беришдан иборат эди.

Хоразм аҳли ўзига хос этник хусусиятларга эга бўлган жанговар бир халқ эди. Яхшига яхши, ёмонга ёмон, ҳаддан ташқари меҳнатсевар, ҳунармандлари қўли гул, бинокорлари ғишт ва қошиндан ақлни лол қолдирадиган нақшинкор ва мафтункор санъат асари даражасидаги бинолар барпо қила оладиган, деҳқонлари ўта миришкор, Хоразмни чор тарафдан ўраб олган Қизил ва Қорақумни белкурак ва кетмоннинг кучи билан чекинтириб, чўлда Боғи эрам яратган, савдогари ҳалоллиги боис Шарқу Фарбда эъзоз топган, олиму фозиллари эса илму ҳикматга шўнғиб, оламжаҳон аҳамиятли кашфиётлари билан дунёни лол қолдирган донишлар эдилар. Шу боис доврўи оламга ёйилиб, бу обод ва гўзал юртни кўришга орзуманд Чин-Мочин, Юнону Хинд, Румою Оврўпа сайёҳ ва савдогар, жуғрофий илм соҳиблари шу маконга ошуфта бўлиб йўл олганлар. Салжуқий ҳукмдор қўлидан Хоразмга ноиб қилиб тайинланганлик Олий фармонни олар экан, Ануштегин ушбу эл-улусни бошқаришга кетаётгани, Шарқнинг қудратли ҳукмдори саройини эса тарк этаётганидан ачинмади. Аксинча, қалби бу афсонавий ўлкага тезроқ

етиб боришга иштиёқманд эканлигини ички туйғу билан ҳис қилди. У Хоразмнинг осойишталигини таъминлаш, бу халққа яратувчанлик жабҳасида яхши шароит яратиб, улар дилидан жой олишдек эзгу орзу-уйғлар қамровида Нишопурдан йўлга чиққан Ануштегин ва унинг бошқарув гуруҳига кирган амалдорларидан ташкил топган ходимлари Қорақумнинг бепоён саҳроларидан узоқ йўл босиб, 1075 йил баҳорида Хоразмнинг энг гўзал ва обод пойтахт шаҳри Гурганж (Кўҳна Урганч)га етиб келдилар. Улар номи фан ва маданият ҳомийси сифатида бир вақтлар Шарқ ва Оврўпода ҳам машҳур бўлган Хоразмшоҳ Маъмун қурдирган Хоразм меъморчилигининг бетакрор намунаси Девони олий саройига жойлашдилар. Шуни таъкидлаш керакки, Маъмуншоҳ буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Берунийни ўз номи билан юритилувчи Маъмун академиясига бош уламо, яъни раиси қилиб тайинлаган эди. Абу Аббос Маъмун II ибн Маъмуннинг шоҳ сифатидаги буюк хизмати, жамият, давлат ва эл-улус фаровонлиги, бахт-саодати йўлида илму фан ва олиму фозилларнинг ўрни беқиёс эканлигини тўғри баҳолаганлигида бўлди.

Айнан Ануштегин жаҳон аҳли — башар учун бемисл маънавий мерос яратилган шу муқаддас маконга келиб сиёсий фаолият бошлашидан ўзида чексиз шукроналик, Яратганга беҳисоб ҳамду санолар айтди. Негаки, дунёга донғи кетган улўф дониш алломалар Ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мисковайх ва бошқа ўнлаб фан даҳолари илму ҳикмат, эл-улус, жамият ва давлат равнақида оид муаммоларини шоҳ Маъмун Олий даргоҳида биргаликда шу табаррук бинода маслаҳатлашган. Олий девон биносининг ҳар бир зинапояларига уларнинг муборак оёқ излари теккан. Ҳар бир кошинкор мрамор устунлар ва гиштларига кўз нурлари синган. Бу жой билан Ануштегин нега фахрланмасин. Улар ушлаган табаррук ва нақшинкор эшикларни очиб кириш шарафига муяссар бўлишдан ортиқ бахт борми, бу оламда, унинг учун.

Шуларни ўйлаб уйқуга кетган Ануштегин эрта саҳарданоқ Хоразм воҳасини идора қилишга доир сиёсий фаолиятга қизгин киришди. Дастлаб шаҳар, бекликлар ва туманлар қозию қуззот, ҳокимлар, миршаббошилар, мироблар, солиқ девони, ҳарбий ишлар девони казо-казо амалдорлари, Беруний ва Ибн Синонинг Маъмун академиясида уларнинг илмий маърузаларини эшитишга муяссар бўлганларни кўрган, эл эъзозидан бўлган олиму фозиллар, кадхудолар аҳлини йиғиб Машварат — Олий йиғин ўтказди. Хоразмнинг сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига доир мавзулар ҳақида маълумотлар олинди. Қўшни мамлакатлар ва Хоразм муносабатларига доир масалалар ҳам муҳокама қилинди. Чунки шулар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлмай, бу ердаги ишларни йўлга қўйиш мушкул эди. Ануштегин Хоразмнинг волийси сифатида қизгин фаолият юритди. Ҳазнавийлар билан салжуқийларнинг анча давр талаш майдонига айланиб қолган Хоразмдаги оғир аҳволни бартараф қилиш учун Ануштегин бор кучи, ақлу фаросати, борлигини сарфлади. Бу ўлкага мустамлакачилик кўзи билан эмас, дунёга улўф алломаларни етказган макон ҳудуди сифатида қаради. Оқибат шундай бўлдики, бу эл-улус ўз қавмидек, Хоразм юрти унга Ватан бўлди, шугина эмас, ўзидан кейинги ворислар, шаҳзодалар, фарзанд ва набиралар учун Хоразм киндик қони тўкилган ҳақиқий она-Ватан бўлишини англаб етди, шундай бўлди ҳам. Ануштегин 1097 йил ўз сулоласининг давомчилари шу ерда илдиз отиб, улар йирик салтанат соҳиблари бўлишини Яратгандан сўрай-сўрай ҳаёт ва Хоразм билан видолашди. Унинг бутун вужуди билан Яратганга илтижолари ижобат



бўлди. Бу машъум мотамсаро хабар салжуқий ҳукмдорга етказилганда Султон ҳеч иккиланмай, ота ишларини албатта ўғил, солиҳ фарзанд давом қилдиришига қатъий ишонч билан қарар экан, Ануштегиннинг ўғли Қутбиддин Муҳаммадни Хоразм ноибни қилиб тайинлади. Воҳанинг барча шаҳар ва бозорларида жарчилар бу янгиликни халққа етказдилар. Фармон яшиндек тарқалди. Султон билан Ануштегин бирор зиддиятга бормай, шу боис у ўз ўғли Қутбиддин Муҳаммаднинг қуёши балқиб чиқишига ҳам йўл очиб, абадият дунёсига кетган эди. Шуларни олдиндан кўра олган Ануштегин ўғлининг ҳар томонлама комил бўлишига доимо ғамхўрлик қилди. Қутбиддин Муҳаммадни Хуросоннинг йирик маданий маркази Марв шаҳридаги машҳур уламолар тўпланган мадрасалардан бирида ўқитди. Бу мадрасада нафақат диний, балки дунёвий фанларнинг пешво олимлари толиби илмларга тарих, астрономия, математика, кимё, жуғрофия, тиббиёт ва мантиқ, фалсафа илмларидан сабоқ берардилар. Шу боис Шарқ оламининг турли гўшаларидан илм истаган фидойи ёшлар шу мадрасада таълим сабоғини олишни истаб, Марв томон йўл босиб келганлар. Бу ердаги толиби илмлар орасида Қутбиддин Муҳаммадга ўхшаган ноиблар, беклар, шоҳлар фарзандлари анчагина бўлгани учун бундай толиби илмларга ҳарбу зарб илмидан тарих дарсларида Хуросон ва Туроннинг жангда кўзи пишган саркардалари, лашкарбошилар, жанг баҳодирларининг маъруза ва ҳикоялари тингланарди. Бу кўпчиликда ҳарб илмига бўлган қизиқишни янада оширар эди. Қутбиддин Муҳаммад бошқа фанлар қатори ҳарбий мавзуларни ҳам алоҳида қунт ва иштиёқ билан эшитарди. Жанговарлик ҳақидаги ҳикоялар уни шундай ром қилдики, мадраса илмидан кейин ҳам даҳшатли жанг иштирокчилари, баҳодирлар, қилич чопишнинг донгдор паҳлавонлари, машҳур ёндозлар, ҳатто душманнинг қўшини сафлари ичига кириб бориб, уларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлай олган уддабурон жосуслар, суворийлар қўшинининг забардаст чавандоз жангчилари, ўлимларга чап бериб, юз танасини чандиқ қоплаган собиқ марду майдонлар суҳбатларидан соатлаб баҳраманд бўлди. Негаки, эрта-индин бундай тақдир ва аёвсиз жангу жадаллар билан унинг ўзи ҳам юзма-юз келиши муқаррар эди. Чунки давлатлар, қўшни мамлакатлар бугун тинч яшаса, эртага ё униси, ё буниси ҳудудлари уруш майдонига айланмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмас эди. Ҳамма учун бирдек оғир бўлган уруш шарпаси Шарқни ҳам, Ғарбни ҳам ўз ҳолига қўймай, ўша ҳудудлар оламида содир бўладиган сел булутидек кезиб юрарди. Қачондир Хоразм лашкарини Султон буйруғи билан жангга олиб кириш ва ўша қирғин иштирокчисига айланишини Қутбиддин Муҳаммад қалбан ҳис қиларди. Давр нотинч, замон талатўп, шу боис белда ўткир қилич доим осиглиқ. У бир вақтда сиёсий арбоб, иккинчи тарафдан Хоразм ноиблик лашкарий қисмлар қўмондони. Сиёсий ва ҳарбий ишларни мувофиқ олиб бориш сиёсий вазият тақозоси. Буларни тўғри юритиш замирида воҳанинг иқтисодий аҳволини кўтариш сиёсати туради. Қўшин бақувват бўлиши учун катта ҳарбий тайёргарликдан ташқари залварли иқтисодий захиралар керак. Бирини олдин, иккинчисини кейинги ўринга қўйиб бўлмайди.

Хоразм ҳукмдорлигини қабул қилган Қутбиддин Муҳаммад отаси Ануштегин бошлаган ишларни давом қилдирар экан, аввало, ўзининг сиёсий таянч жабҳаларини мустаҳкамлаш тадориғини кўрди. Одил, ҳақиқатгўй амалдорлар ва дин пешволарини ўзига яқин тутди. Натижада, унинг ташкилотчилик ва йўлбошчилик истеъдоди тобора очилиб, унинг атрофида садоқатли амалдорлар жамоаси шаклланди. Қутбиддин Муҳаммад саройдаги

аҳиллик ва ишчанлик муҳитига эришгач, турли табақа аҳллари ҳамда оддий халқ моддий аҳволини кўтаришга киришди. Бу сиёсатни халқ қувонч билан кутиб олди, солиқлар камайтирилди. Салжуқийлар шоҳи, яъни ўз ҳукмдорига Хоразм халқи сулолалар ҳукмронлиги алмашинуви ва улар ўртасида низолар оқибатида оғир аҳволга тушиб қолганлигини билдирувчи ва асословчи номалар жўнатди. Солиқлар камайтирилишининг асл сабаби ҳамда моҳиятини ишонарли далилларда дадил кўрсатди. Салжуқ султони бу таклифларни қабул қилди. Халқ манфаатини кўзлаб қилинаётган ушбу тадбирлар иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ривожланишини таъминлаб, натижада эса Хоразм воҳасида яна юксалиш бошланди. Савдо, ҳунармандчилик ва боғдорчиликдаги ўсиш тезда бозорда ўз аксини топди. Нарх-наво пасайиши билан халқнинг иқтисодий-моддий қуввати кўтарилди. Хоразм савдогарлари Миср, Араб дунёси, Шарқий Европа мамлакатларига ипак, пахта, қовун ва турли ҳунармандчилик буюмларини ортган катта карвон билан ташқи бозорларга чиқа бошладилар. Ипак йўлининг шимоли-ғарбий тармоғи Хоразм орқали ўтиб, транзит савдо уч қитъа орасида қайта жонланди.

Хоразм аҳли бу тадбирларда Қутбиддин Муҳаммаднинг қатъиятли ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини яхши англаб, ўз Ватани Худо ёрлақаган ҳукмдорга дуч келганлигини ва унинг ҳукмдорлик ҳақини адо қилмаслик гуноҳи азим эканлигини ангадилар. Хоразмликлар Қутбиддин Муҳаммадни доно ва адолатпеша ҳукмдор дея эътироф этди. Халқнинг қўлаб-қувватлашини ҳис этган ҳукмдор ҳам фуқаролари тинчлиги, осойишталиги ва турмуш фаровонлиги юксалиши йўлида бор куч ва имконияти, истеъдодини сафарбар этди. Шу тариқа халқ билан сарой ўртасидаги иқлим ҳам ижобий томонга ўзгариб, фуқаролар ва ҳукмдор ўртасидаги мувозанат қарор топди. Бу Қутбиддин Муҳаммадга катта сиёсий ва инсоний обрў келтирди.

XI аср охири XII аср бошларига келиб Салжуқийлар салтанатида ички зиддиятлар кучайди. Катта ҳудудларни ўз қамровига олган мамлакатдаги турли қарам халқлар тез-тез исён кўтара бошладилар. Бундан фойдаланган саройдаги айрим гуруҳ вакиллари Султоннинг гоҳ у, гоҳ бу ҳудудлардаги қўзғолонларни бостириш билан овора бўлаётганлигидан фойдаланиб, тожу тахтга ҳам кўз олайтира бошладилар. Бу вақтда энг кучли ва хавфли исёнлардан бири Хуросонда кўтарилган амир Додбек Ҳабаший исёни бўлди. Бу вақтда Султон Санжар эндигина тахтга ўтирган бўлиб, ҳали мустаҳкамланиб олмаган эди. Қутбиддин Муҳаммад Султон ишончини қозониш учун Султоннинг аҳволи танг бўлиб, жанг авж палласига етганида Султон Санжар томонда туриб жангга кирди. Унинг жангга кириши кўп нарсаларга ойдинлик киритди. Султон Санжар Қутбиддин Муҳаммад сиймосида ҳақиқий мард, тузни оқлаган лашкарбоши ва ноибини кўрди. Бирин-кетин исёнлар бостирилиб, Қутбиддин Муҳаммад бу жараёнда мард лашкарбоши ва содиқ ноиб сифатида ўзини кўрсатди. Натижада у Султон Санжарнинг энг ишончли кишисига айланди. Исёнларни бартараф этгач, Султон Санжар 1118 йилда салтанат тожини кийди. Тантаналар тугагач, Хоразм ноибни ўз юртига кетишга Султондан ижозат сўради. Султоннинг катта мукофот ва ҳурматларига сазовор бўлган Қутбиддин Муҳаммадга янада кўпроқ катта имтиёз ва ҳуқуқлар берилди. Исёнларни бостиришда жисмоний ва руҳий зўриқишга учраганига қарамай Қутбиддин Муҳаммад Хоразм воҳаси иқтисодий ва маданий масалаларига оид вазифаларни ҳал қилишга ғайрат билан киришар экан, воҳанинг шимолий чегаралари атрофида нотинчлик бошланганлиги хабари етиб келиши ҳамона

чегара ҳудудларидаги қалъа ва мудофаа истеҳкомлари аҳволини аниқлаш учун жўнаб кетишга тўғри келди. Чегара ҳудуди қалъа қўмондонларини йиғиб, уларга янада зийрак бўлиб, доимо қалъалар мустаҳкамлигини ошириш юзасидан кўрсатмалар бериб, анча вақт бу ерда қолишга тўғри келди. Чегара ҳудудларини бевосита мустаҳкамлаш ишларида фаол қатнашаётган Қутбиддин Муҳаммадга яна бир нохуш хабар етказдилар. Энди исён Хоразмда бошланган эди. Бунда Хоразм волийсини йўқ қилишдан манфаатдор Султон саройидаги фитначи гуруҳларнинг ҳам иштироки йўқ эмасди. Исёнчилар пайт пойлаб Хоразм ҳукмдорининг Кўҳна Урганчдан ташқарига чиқиб кетишини кутардилар. Исёнга Хоразмнинг собиқ иқтоъ эгасининг ўғли Муҳаммад ибн Экинчи Турғилтагин бошчилик қилаётгани маълум бўлди. Шунга кўра, Хуросонда тор-мор этилган исёнчиларнинг қочган-қутулган гуруҳлари ҳам улар сафига қўшилиб, кўздан йироқ саҳро барханлари ичида куч йиғишган. Исёнчилар тўғри Кўҳна Урганч устига юриш бошлайдилар. У зудлик билан пойтахтга қайтди. Ниҳоят исён бостирилди.

Қутбиддин Муҳаммад Султон Санжарга қарши яна бир неча бор хавfli исёнларни тор-мор этишда мардлик кўрсатди. Шу боис Султоннинг меҳри жўш уриб, эвазига нима тиласа бажаришга ваъда берди. Шунда Хоразм ноиби халқи ва Ватани манфаатини ҳимоя қилиб султондан Хоразм аҳли берадиган бир йиллик солиқлар ҳисобидан тушадиган хирождан озод қилишни сўради. Тилак ва истак қондирилди. Бу катта маблағ ҳисобланар эди. Бу фармон билан тасдиқланди. Ушбу фармон Хоразм пойтахти Кўҳна Урганчда зўр тантана билан нишонланди. Бу маблағлар Хоразмнинг ободончилиги, иқтисодий тараққиёти ва маданий-маърифий тараққиёти, ирригация тизимларини тиклаш каби эзгу ишларга сарфланди. Хоразм воҳаси тушкунлик ва турғунлик ҳолатидан чиқиб, яна гуллаб-яшнаётган заминга айлана бошлади. Бу Қутбиддин Муҳаммаднинг Хоразмда амалга оширган улуғ ишларидан бўлиб, бу ишларни воҳа аҳли узоқ йиллар миннатдорлик билан эсладилар. Хоразм ноиби Қутбиддин Муҳаммаднинг жасур ва мардлигидан хабар топган Араб халифаси келажакда ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишни назарда тутиб, Халифалик элчилари Қутбиддин Муҳаммадга халифа фармони билан берилган янада улуғвор „Подшоҳ Қутбид-дунё ваддин Абул Фатҳ Муъин Амрал мўминин, яъни Дунё ва дин қутби, ғалабалар отаси Мўминлар олийлари халифалар ёрдамчиси“ унвонини беради. Бундан шундай хулоса чиқадики, халифалик саройида Қутбиддин Муҳаммаднинг айниқса, ҳарбий соҳадаги фаолияти, лашкарбошилиқ қобилиятлари доимий кузатувда бўлиб, фақат уни оғдириб олиш орқали Султон Санжардек қудратли ҳукмдорни заифлаштириш мумкинлигини тушуниб етгандилар. Бу олдиндан ўйланган режанинг амалга оширилишидаги дастлабки қадамлар эди. Мактубларнинг бирида халифа Қутбиддин Муҳаммадни ҳар жиҳатдан Султон Санжардан устун арбоб эканлигини билдирган эди.

Унинг замирида, „Сен Султон Санжар бошқараётгандан ҳам қудратли салтанатни яратиб, уни бемалол бошқарадиган важоҳат, иқтидор эгасисан“, қабилдаги таъкид ва шама ётарди. Аммо, узоқни кўрувчи Қутбиддин Муҳаммад бу мақтов ва кўтар-кўтар сиёсат ўйини шов-шувларига учмади, тўйдан аввал ноғора ҳам қоқмади. Султон Санжар ҳам диққат билан ўз волийсининг оёқ олишларини кузатишга киришди. Агар борди-ю, унинг ғанимлари шу айтилган сўзлардан ҳаволаниб, шароит етилмаган ҳолатда Қутбиддин

Муҳаммад мустақиллик туғини кўтарса, Султон Санжардек қаҳоли ва қудратли ҳукмдор чигирткадек кўп сонли қўшини билан Хоразм устига ёпиради. Битта ўйланмай қилинган сиёсий хато бу ҳамма ҳавас билан қараётган воҳани дўзахга айлантиради. Хоразм салжуқларга бас келадиган иқтисодий, ҳарбий ва захира кучларини ҳали тинимсиз ошириши, Султондан олинган имкониятлардан охиригача фойдаланиши лозим. Сиёсий ўйин қурбонига айланмаслик асосий вазифадир“. Қутбиддин Муҳаммад шу оқилона фикрида қатъий турди, сабр отига минди. Аммо мустақил бўлиш ғоясидан бир дақиқа ҳам воз кечмади. Куч йиғишда давом этди. Бир вақтлар унинг келажagini кўзлаб отаси Ануштегин ўғлини қандай тарбиялаган бўлса, ота бўлиб унинг ўзи ҳам худди шу ҳолатда эзгу мақсадлар билан ўғил ворис тарбияламоқда эди. „Балки шу кунларда ўзи амалга ошира олмаган улўф мақсад — келажаги буюк салтанат қуриш ўғлимга насиб этар. „От ўрнини той босар“ деганларидек, фарзанд яна бир оз камолга етсин. Ёғийни кўрганда оёғи қалтирамай, қўлидаги шамширни маҳкам сиқиб олдинга шердек ташланадиган фурсат яқин, сабр таги олтин, яна бир неча йил, холос. Ана шундан кейин бир бошга бир ўлим, қабилида ҳаракат қилиб мустақиллик учун жанг яловини кўтарамиз“. Шунгача ҳам Қутбиддин Муҳаммад учун амалга ошириш лозим бўлган ишлар қайнаб-тошиб ётарди. Бўлажак мустақил давлатнинг, аввало, иқтисодий пойдеворини яратиш лозим. Халқининг моддий-иқтисодий ҳаётини тубдан кўтаришга ҳам юқоридаги тадбирлардан кам бўлмаган кучлар сафарбар этилган эди. Қутбиддин Муҳаммад ўз ҳаёти поёнига яқин қолганлигини сезгандек, тиниб-тинчимасди. Сарой амалдорлари, беклар, саркардаларни ҳам ҳол-жонига қўймади. Бек ва ҳокимларни ёнига олиб халқнинг турли табақа вакиллари билан мулоқотлар ўтказди. Ҳунар эгалари, савдогарлар, деҳқон, чўпон ва оддий халқ вакиллари билан суҳбатлашди. Уларни ўзидан рози қилиш учун имкон даражада қўлидан келган ишларнинг барчасини амалга оширди. Ички тотувликни таъминлади ва натижада улус осойишталиги қарор топди. Бироқ, ғоят мураккаб ҳарбий-сиёсий фаолият ниҳоят Қутбиддин Муҳаммадни ҳолдан тойдирди. Оғир касаллик уни йиқитди.

Хоразмда катта ўзгаришларни амалга оширишга улгурган Қутбиддин Муҳаммад жисмоний, ақлий ва руҳий-маънавий кучларини Ватан бахт-саодатини таъминлашга сафарбар қилиб, оқибат омонат жонини парвардигори олам ихтиёрига топширди ва абадият оламига кетди. У халқини ўзидан рози қила олган ҳукмдор сирасидан эди. 1127 йил айни баҳорида Хоразм мотамга бурканди. Миннатдор халқ адолатпеша ҳукмдорини сўнгги йўлга кузатиш учун узоқ-яқин шаҳар-қишлоқлардан Кўҳна Урганча селдек оқиб келдилар. Унинг жойи жаннатда бўлишини Яратгандан сўраб, дуои такбир қилдилар. Мотам қатнашчилари кўплигидан жасади саройдан қабргача қўлма-қўл узатилиб, абадият дунёсига жойлаштирилди. Халқни ўзидан рози-ризо қилган ҳукмдоргина шундай улўфвор дафнга муносиб эди.

Отаси Қутбиддин Муҳаммад вафотидан кейин унинг вориси Хоразм ҳукмдорлик тахтига Ал-Малик Абу Музаффар Алоуддин Ҳалолиддин Отсиз келди. Отаси унга тириклигидаёқ олий ҳокимиятга келиш шароитини таъминлаб қўйган эди. Султон Санжардан ўғлини ворисликка тайёрлаш розилигини олиб қўйган бўлиб, дипломатик алоқаларда ўсмирликданоқ уни ақлли амалдорлари билан Султон Санжар ҳузурига жўнатиб турарди. Мақсад эса ташқи сиёсатда салтанатнинг олий ҳукмдоридан то вазиру вузаро-

лар, саркардалар ва шахзодалар билан яқиндан танишиб, сиёсат майдонида тажрибаларга эга бўлишини истаган эди. Шунга кўра, Отсиз валиаҳд сифатида Хоразм ноиблиги йиллик хирожлари, совға-саломларини отаси Қутбиддин Муҳаммад номидан Султон Санжарга топширарди. Натижада жуда зийрак ва истеъдодли Алоуддин Жалолиддин Отсиз дипломатик муносабатларнинг нозик сир-асрорларини эрта эгаллади. Бу бўлажак ҳукмдор учун жуда катта аҳамиятга эга. Кўп давлатлар ҳукмдорлари муваффақиятли тарзда ташқи сиёсат юритиб, катта натижаларни қўлга киритганлар. Шу боис дипломатик устмонлик ютуқлар гарови, ташқи сиёсатни юритиш калитидир. Ташқи сиёсат майдонида ёшлиқдан олинган тажриба ва сабоқлар Жалолиддин Отсизга кейинчалик шундай қўл келдики, унинг ҳукмдорлик замонида Хоразм катта ташқи сиёсат майдонига чиқиб, Шарқнинг ўнлаб давлатлари билан сиёсий, ҳарбий алоқаларни амалга оширди, иттифоқчилар орттирди. Мустақиллик кураши олиб бориб, қитъанинг энг қудратли давлат ҳукмдори ҳисобланган Султон Санжарнинг тинкасини қуритди. Унинг билан кураша оладиган бирдан-бир рақиб даражасига кўтарилди. Оқибат Хоразмни мустақилликнинг катта кураш майдонига олиб чиқди.

Жалолиддин Отсиз аввалда отаси Қутбиддин Муҳаммад қандай сиёсат юритган бўлса, шундай йўлдан борди, ота васиятига амал қилди. Ота абадият дунёсига кетиш олдидан келажакда ўғлига Дастур бўладиган, давлат бошқаруви қўлида бўладиган инсон эга бўлиши лозим бўлган дур ҳикматларни қолдирди: „Ўғлим, икки қулоғинг ва бор вужудинг билан отангнинг сўнги сўзларини эшит, руҳ қушим парвозга шай турган кўринади. Отанг узоқ йиллар кўтарган Ватаннинг оғир юки энди сенинг елканга тушди. Эсингда бўлсин, Ватаннинг мустақиллик пойдеворини яратиш йўлида гарчи тобе вазиятда бўлсам-да, қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим. Аммо мустақиллик байроғини кўтаришга улгурмадим. Аммо ортимда сендек қоплонсифат ўғлим қолмоқда. Худодан минг шукур ва умидим борки, бу озодлик туғи сенинг қўлингда ҳилпирашига оз вақт қолганлигини қалбан сезиб турибман. Ана шу ишонч менга таскинлик беради. Ўғлим ҳамманинг бошида бор, ундан қочиб бўлмайди. Ўғлим қўрқинчи биз ҳукмдорлар билан доим жанг майдонларида соядек эргашиб, уни ўша вақтларданоқ ҳис қилиб яшадик. Менинг руҳим доим шод бўлишини истасанг, мени рози бўлсин десанг, эртами ё индин озодлик кураши майдонига отлан! Эрк ва мустақилликдан тотли нарса йўқ. Бу албатта қон талаб қилади. Шу йўлларда ғалабани таъминлайдиган омиларни яна бир таъкидламоқчиман. Ҳар куни, ҳар нафас улус ғамини е, шунда оғир кунларда ҳам халқ сени қўллайди, ҳимоя қилади. Халқнинг ҳимоясига таянмаган ҳукмдор узоққа боролмайди. Халққа зулм қилма, қалқон бўл! Халқ манфаатини доим олдинги ўринга қўй, зийраклик ва огоҳликни унутма, одилликдан чекинма. Маслаҳатгўйларинг, сарой арконларинг доно ва элпарвар бўлсин. Ҳарбу зарба қилишни жасорат билан чекувчи лашкар билан ҳам-нафас бўлиш одатинг бўлсин, саркарда ва лашкарбоши ҳамда баҳодирлар хизматларининг қадрига ет. Ҳеч қачон фуқаролар қозони сувга ташланмасин, негаки, элим-юртим деб яшаган ҳукмдор хор бўлмас. Мадраса ва ҳарба берилган сабоқларни ҳаёт ўғит ва сабоқлари билан ақл-тафаккуринг билан тарозига солиб тўғри қарорга кел-да, шиддат билан олдинга юр, менинг бу сўзларимни олтин исирға қил. Арслоним, болагинам, алвидо, бошқа айтадиган гап ҳам қолмади, вақт-соат етди, мадорим ҳам кетди. Шу билан тугади падаринг сўзи, қолганин айтади ҳаётнинг ўзи. Бардам бўл, бу ёғига сени Олоҳнинг ўзи

қўлласин“. Ана шу сўзларни видолашув ўрнида айтишга қийнала-қийнала улгурган ота ўлимолди совуқ тер босганича кўзларини абадий юмган эди.

Жалолиддин Отсиз отадан жудо бўлишдек оғир мусибат ва мотам маросимларини ўтказгач, тез ўзини ўнглаб олишга киришди. Бу пайтда ўттиз ёшни қоралаган, қадди-қомати паҳлавон, куч-қувватнинг қудрат поғонасига етилган бир дамлари эди, халқда: „Ота рози — Худо рози“ деган нақли туркийда ҳаётга чуқур сингган ҳикмат эди. Унга амал қилган фарзанднинг икки дунёси обод ва саодатли кечади.

Қутбиддин Муҳаммад ўғли Жалолиддин Отсизни замонасининг улуғ алломалари тўпланган мадрасаи олийга, гарчи подшолик бошини эгиб бўлса-да, халқ анъанасига амал қилиб, „ғўшти сизники, суяги бизники“ удумига риоя қилганича топширган эди. Хукмдорнинг ўзи ҳам айнан ўша мадрасанинг собиқ толиби илми бўлган эди. Бу мадрасада дунёвий илмлардан араб, форс тили, мантиқ, фалсафа, мусиқа, тиббиёт, шеърият сирлари ва тарих каби фаннинг турли соҳалари чуқур ўргатилар, натижада бу мадраса толиблари орасидан олиму фозиллар, давлат арбоблари ва сарой бошқаруви амалдорлари етишиб чиқар эди. Шулар орасида сабоқ олган Жалолиддин Отсиз ҳарбий санъат ва тарих, шеъриятга қаттиқ қизиқди. Сиёсат, урушлар тарихи, шунингдек, тожу тахт эгаларини минг хил тақдир ва фожиалар гирдобига юзма-юз қилган подшоҳ ва жаҳонгирлар, лашкарбошиларнинг жанговар ҳаёт йўли унга туну кун тинчлик бермади. Қачондирки, ворис сифатида бу кечмишлар, суронли кунлар унинг ҳаётини ҳам четлаб ўтмаслиги аниқ, сиёсат, уруш ва жангу жадаллар, бу олов пуркаб турган оташ майдони унда руҳий, ақлий ва жисмоний-иродавий кучлар бир мушт каби бирлашмаса, бу оловдан омон қолиш, қолиб чиқиш сароб эканлигини билар эди.

Тахтга ўтирганига эндигина уч йил тўлар-тўлмас сиёсий кураш ва урушнинг қонсирган мажбурий майдони Жалолиддин Отсизни ўз гирдобига тортди.

1130 йилдан эътиборан Салжуқийлар салтанати учун шарқда халқаро вазият янада оғирлаша бошлаб, узоқ давом этган урушларга айланиб кетди. Бунинг устига эса ҳали ички исёнлар ўчирилгандай бўлиб кўрингани билан кул тагида чўғ ҳар дақиқада аланга оладиган ҳолатда эди: Бундай қалтис дамларда саркарда ва ноиб лашкарбошилардан кимларга ишониш керак? Баҳодирлар лашкарбошиси содиқ ноибим Қутбиддин Муҳаммаднинг ўғли Жалолиддин Отсиз-чи? Отаси уни ворисликка тайёрлаб беришни сўраганда рози бўлиб, ёшлигидан жангларда тоблаб боринг деганди, ўз волийсига Султон Санжар. Шунда Султон ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилсин, деб Қутбиддин Муҳаммад ўспирин ўғлини кунларнинг бирида жангтоҳда муҳорабага кириш арафасида турган Султон Санжарнинг қароргоҳига олиб келган эди. Султонга таъзим қилиб „Топширингизга кўра, бутун лашкарим, ота-ўғил биргаликда етиб келдик. Сизнинг мулкингиз ва тожу тахтингизга кўз олайтирган душманларингизга қирон келтириш учун фармони олий берингки, жонимизни тикиб сизни ҳимоя қиламиз“. Бу сўзлардан кўнгли тоғдек кўтарилган Султон Санжар „Ворис ўғлингиздан албатта шер жангчи чиқади, ўсмир ёшидаёқ жангталаб бўлиб, бургутдек чақноқ қарашларидан баҳодирлик иси анқиб турибди, унинг боши омон бўлса, салтанатимизни ҳали кўп бора ҳимоя қилиб, ёвларга даҳшат соладиган лашкарбоши бўлиб етишади“, деган сўзларини хотирлади. Жалолиддин Отсиз ва унинг отаси Қутбиддин Муҳаммадга олтин сопли қилич ва зар чопон совға этилиб, зафар тантанасида ота-ўғил жасоратлари бир неча бор тилга олиниб, устларидан тилла сочган-

лари шу бугунгидек ҳукмдорнинг кўз ўнгидан ўтди. Султон шуларни ўйлар экан, Жалолдин Отсиздан ҳам садоқатли хизматни кутди.

1130 йиллардан Қорахонийлар салтанати салжуқийлар тобелигидаги Мовароуннаҳр ерларини забт қилишга киришдилар. Бу даврда қорахитойлар ўзининг қудрат чўққисига чиқа бошлаган ва Шарқда даҳшатли кучга айланаётган вақтлар эди. Дипломатия соҳасида ҳам устомон бўлган қорахитойлар уруш оловини қорахонийлар ҳукмдори билан ёқишга интилди. Бу вақтда қорахонийлар ички сиёсатида салжуқийлар султонининг таъсири кучли эди. Энди қорахитойлар Мовароуннаҳрдек серҳосил ерлар, савдо ва ҳунармандчиликдан катта даромад келадиган йирик шаҳарлар, савдо марказларини ҳар қандай шароитда эгаллашни ташқи сиёсатнинг бош вазифаси қилиб қўйган эдилар. Салжуқийлар салтанати билан қорахитой ёш, аммо тажовузкор давлати Мовароуннаҳр ўлкасини талон-тарож майдонига айлантirdилар. Бу уруш ўлканинг иқтисодий ва маданий ҳаётига жуда катта зарар етказди. Икки салтанат ўртасидаги катта ҳарбий ҳаракатлар, қирғин-барот жанглари барчаси Мовароуннаҳр ҳудудида олиб борилди.

1132 йил 25 май пешин пайтидан кейин Султон Санжар билан Отсизнинг бирлашган қўшини Дой Марг мавзеига яқинлашиб келдилар. Исёнчи қўшин уларни шу ерда кутиб турарди. Кун кеч бўлаётгани боис ҳар икки томон эрта тонгдан жангга кирадиган бўлдилар.

Султон қароргоҳида Хоразм лашкарига қўшиннинг чап — жуванғар ҳудудида жанг олиб бориш вазифаси юклатилди. Султон Санжар Хоразмшоҳ Отсизга қараб: „Ҳар доимгидек сизнинг жанггоҳларни ларзага келтирувчи ҳаракатларингизни соғинганман, халоскоримдан яна бошқа нимани кутардим, галабамиз сизнинг майдондаги баҳодирлигингизга боғлиқ“. Отсиз ҳам: „Султоним, мен сизнинг отган ўқингизман, қаерни нишонга олсангиз, ўша ердан фанимга фалокат ёғдиргайман“, дея садоқатини билдирди. „Балли, баҳодир, шунқор лашкарбошим. Бу саъй-ҳаракатингиздан отангиз руҳи ҳам шод бўлғай, иншооллоҳ“.

26 май эрта тонгда исёнчилар ва Султон лашкарлари қарама-қарши тарафлар фанимларига айланиб жанг яловини кўтардилар. Жалолдин Отсиз Хоразм лашкарини Султоннинг марказий қўшини чап томони муҳораба майдонида саф олдирди. Жалолдин Отсиз ҳужумга ўтишга Султондан руҳсат сўради. Ана шу жанг олдидан зўриқиб, асаблари таранг тортилган жангчилар руҳиятига куч берувчи жозибадор мусиқа жанг майдони узра янграйди.

Бу Жалолдин Отсизнинг биринчи бор Хоразмнинг машҳур бастакор мусиқашуносларига кўрсатма бериб, ижод қилинган ҳарбий жанговар мадҳияси карнай, сурнай, баламан, ноғораларнинг моҳир созандалари томонидан ижро қилинаётган ҳарбий мусиқий қисм нағмаси эди. У ажиб бир оҳанг билан жангчиларни „олға“ боришга чорлар эди. Бу ҳарбий мадҳия ҳамма тарафга шундай бир шиддатли баланд овозда таралар эдики, ҳатто кейинчалик жанг кўрган отлар ҳам мусиқа овозини эшитишлари билан қулоқларини динг қилганича, олд оёқлари билан тупроқни орқага сачратиб суворий хўжасининг ҳужумга қамчисидан ишора бўлишини безовта ҳолатда кутардилар. Рухсат ишораси билан чап қанот Хоразм лашкарини Жалолдин Отсизнинг ўзи жангга олиб кирди. Султон Санжар зум ўтмай марказ ва ўнг қанот қўшинини ҳужумга ташлади. Икки тараф тўқнашувидан Дой Марг мавзеси тўфон кўтарилган ҳудуд ҳолатига келди. Ҳамма нарса бу

қиймат тўқнашувдан аралаш-қуралаш ҳолга келди. Бир зумда мавзе ўлик ва ярадорлар билан тўлган заминга айланди. Отсиз раҳнамолигида жанг майдонининг энг оғир ҳудудида ҳаракат қилган Хоразм лашкари катта талафот кўрди. Аммо ғанимларга қақшатқич зарба берди. Исён қийинчилик билан бостирилди. Султон Санжар ҳам жиддий йўқотишга учраб, лашкарий қисми заифлашди. Катта изтироб билан қўшин жангда қурбон бўлган сафдошларини дафн қилиб, ярадор жангчиларни майдондан олиб чиқиб, тиббий ёрдам уюштирилаётган оғир дамларда „ўлганнинг устига теп“ қабилида иш тутган қорахитой элчилари, салжуқийлар пойтахтига эмас, айнан жанг майдонига қурилган Султон Санжар қароргоҳига етиб келиб, ўз ҳукмдорининг талаблари баён этилган номани Султонга топширдилар. Бу номада Султоннинг оғир аҳволдан фойдаланган шартлар, камситишлар ўз ифодасини топган эди. Унда қорахитойларнинг савдо қарвонларидан Султон ҳудудидан ўтаётганда бож-хирож олмаслик, уларнинг Ғарб мамлакатларига йўл олган элчиларига мурувват кўрсатиш, хавфсизлигини таъминлаб, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, шунингдек, Мовароуннаҳонинг қорахитойлар тобелигига ўтган шаҳар ва вилоятларини қайтариб олиш даъвосидан воз кечиш талаблари қўйилган эди. Бу талаблар Султонга жуда қаттиқ салбий таъсир қилди. Қорахитой элчиларига нима деб жавоб бериш керак? У энг содиқ дея эътироф этилган лашкарбошиси Жалолиддин Отсиздан ақлли жавоб кутди. Хоразмшоҳ қанчалик оғир бўлмасин, ҳозирги ҳолатда заифлашган лашкар билан қорахитойларга қарши уруш эълон қилиб бўлмаслигини маслаҳат бериб, уларнинг шартларини вақтинча қабул қилишдан ўзга чора йўқлигини билдирди. Хоразм волийси Отсизнинг Султон саройида тобора обрў-эътибори ошиб бориши салжуқий юқори доирадаги мансаблардаги амалдорларнинг ғашини келтириб, қандай бўлмасин улар орасига совуқлик тушириш пайида бўдилар. Унга ғаламис тухматчилар бир эмас, иккита катта айб қўйдилар. Шулардан Султон Санжар биттасига ишонтирилганида ҳам Отсизнинг боши узра ўлим жазосига лойиқ ҳукм чарх урарди. Ғийбат ва тухмат отига минган амалдорлар Султонни Отсизнинг Араб халифаси ал-Мустаршид билан салтанатга қарши махфий иттифоқ тузишга интилоқда, деган фикрни илгари сурсалар, иккинчи тарафдан Хоразм волийси Ғазна ноиб Баҳромшоҳ билан Султонга қарши исёнга яширин тайёргарлик кўрмоқда, қабилидаги ифвогарлик ҳаракати эди. Бундан гумондор бўлган Султон Санжар катта қўшин тўплаб Балхга етиб келди. Хоразм волийси Отсизга қуйидаги мазмунда фармонини йўллади: „Мен Балхга етиб келдим, бу ерда қанча вақт туришим ҳозирда номаълум. Бироқ, қанча вақт турсам ана шунча кун менинг қўшиним ва мен билан саройдан бирга келган амалдорларимни озиқ-овқат, отлиқ қўшинни ем-хашак билан таъминлашни сенинг зимманга юклайман. Хазинангдаги етарли маблағ билан салтанат хизматига дарҳол етиб кел!“ Мақсад Баҳромшоҳ устига юриш баҳонасида Хоразмшоҳ Отсизнинг иқтисодий аҳволини танг қилиш, унинг лашкарида норозилик чиқариш эди. Бу иш амалга ошса, Отсиз қўшинига маош тўлай олмас, қўшинлари орасида интизом бузилар, хазинасидан қарийб маҳрум бўлган Отсиз ночор аҳволга тушиб қолиши ҳеч гап эмасди. 1135 йил августда Ғазнавий Баҳромшоҳ исёни кўтарилди. Хоразмшоҳ Отсиз тишини тишига қўйиб бир ой чидади. Унинг хазинаси путурдан кета бошлагач, лашкарини олиб юрти Хоразмга кетишга рухсат сўради. Аммо Султондан рухсат бўлмади.

Хоразмшоҳ шундан кейингина Султон Санжарнинг унга аввалги ҳурмат ва илтифотларидан заррача қолмагани, тухматлар нишонга тегиб, вазият унинг зарарига ўзгарганли-



гини илғай бошлади. Қандай бўлмасин бу рўй бераётган сирли ва хавfli воқеалардан тез узоқлашиш лозим эди. Бунинг устига Султон Санжар унинг қароргоҳини — ўзининг мустақкам ҳимояланган Балх қалъасига яқин очиқ ялангликда жойлаштиришга буйруқ берган эди. Бу ҳам яхшиликдан дарак бермасди. Кутилмаганда фитна уюштирилиб, бундан Отсиз лашкари хабар топгунча уни Султон жаллодига топшириши эҳтимолдан холи эмасди. Бу хавфни сезган Отсиз яна Султондан кетишга изн сўради. Бу ҳақда ўрта асрнинг энг машҳур муаррихларидан Жувайний ўзининг „Тарихи жаҳонкушай“ асарида Хоразмшоҳнинг сарой архивидан олинган ишончли манбалардан фойдаланиб, қуйидагиларни ёзиб қолдирган эди: „Хоразмшоҳ Жалолиддин Алоуддин Отсиз Балх қалъасидан туриб, Султон Санжардан ўз юрти Хоразмга кетишга рухсат сўради. Султон унинг тилагини инobatга олди. Хоразмшоҳ Балх қалъасидан чиқиб кетиши билан Султон Санжар ўзининг вазир-вузароларига қараб: „Бу одамни энди бошқа кўрмайман“, — деди. Шунда аёнлари Султондан „Ундай бўлса, не учун унинг Хоразмга кетишига рухсат бердингиз?“ — деб сўрадилар. Султон Санжар айтди: „Бу одамнинг бизга қилган катта хизматлари борки, биз унинг олдида анча-мунча бурчлимиз, унга зиён-заҳмат етказиш бизнинг ҳимматли ва мурувватли бўлиш истагимизга тўғри келмайди“. Шундан кўринадики, Султонни бир неча бор ўлимлардан сақлаб қолган Отсизни жаллодга биринчи совуқчиликдаёқ рўбару қилгиси келмади.

Шуни айтадиларки, қалб мисоли гавҳар, у лат еб дарз кетдими, уни аслига қайтариб бўлмайди. Хоразмшоҳнинг Султон Санжар томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракатлардан кўнгли мутлақ совида. Энди аввалги ишонч ришталари узилган эди. Хоразмшоҳ ана шу пайтда эркинлик ва мустақиллик сув ва ҳаводек зарурат эканлигини яна бир марта ҳис қилдики, отасининг ўлими олдидан, вазият етилишини кут, ана ўшанда Ватанинг ва фуқароларининг озодликка чиқариш учун улур кураш йўлини танла, унга борлигининг сафарбар қил! — видолашув васиятларининг асл моҳияти кўз олдида янада равшан намоён бўлди. Султонга қилинган шунча хизматларини, ишонч ва садоқатнинг барчасини биргина тухмат, биргина гумон селдек йўқликка оқизди, сароб бўлиб чиқди. Демак, озодлик ва мустақиллик неъматидан улур тушунча йўқ. Унга таяниб, уни суянч билибгина Ватан, эл-улус ўз олий мақсадига етади, бахт-иқбол саодатига эришади. Ҳақ-ҳақиқат ана шу муқаддас тушунчаларда ўз мужассамини топган. Уни ҳеч ким инъом қилмайди. Унга кураш ва фақат қилич билан эришилди экан, ўша жанг кунига ҳозирлик кўрмоқ лозим. Бу тақдирдан қочиб бўлмайди. Отсиз шу қарорга қатъий келди. Балх эшигини унинг қаттиқ ёпиб кетишига сабаб ҳам шу бўлди.

Бу жуда катта ишларнинг тадоригини кўриш учун Отсизга энг қимматли бойлик вақт эди. Парвардигорнинг ўзи қўлаб Султон Санжар Араб халифалиги ва қорахитойлар билан бошланган зиддиятлар ечими масалаларида бир оз вақт ўралашиб қолса бас, бунинг устига ички муаммолар, исёнларни ҳал этиш воқеаларига дуч келса, Хоразмнинг жанговар ҳолатини тўла тиклаб олиш имконияти кескин ошган бўларди. Шуларни назарда тутган Отсиз воҳада бошланган сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ва ҳарбий ислохотларни муваффақиятли яқунлаш ишларига зўр бериб киришди. Хоразм воҳа аҳли бир ёқадан бош чиқариб, Отсиз Хоразмшоҳ чақириғи остида бирлашди. Ҳар бир вилоят ва шаҳарларда кеча-кундуз иш қайнади. Барча ҳар бир кун ва дақиқаларни ганимат билди. Мамлакатда содир бўлаётган кенг қўламли тайёргарлик ишларини сир сақлаш

учун чегара ҳудудлари, кечув жойлари, работлар, ҳудудга кириш ва чиқиш жойлари қаттиқ назоратга олинди. Қўшин захираларининг жанговар тайёргарлигини янада ошириш чоралари кўрилди. Ҳарбий ҳаракатлар бошлаб юборилгудек бўлса, озиқ-овқат, қурол-яроғ, кийим-кечак захираларига талаб кескин ошишлиги ҳисобга олинди. Хоразм воҳаси чинакам ҳарбий ҳолатга ўтди. Ўзга йўл ҳам йўқ эди. Қуллик кишанларидан қутулишнинг ягона чораси шу эди. Халқни ана шу мураккаб вазифаларни ҳал этишга сафарбар этишда Хоразмшоҳ Отсиз ва унинг ватанпарвар лашкарбоши ҳамда унга содиқ сарой амалдорларининг ташкилотчилиги истеъдодлари янада асқатди.

Дастлаб Султон Санжар Хоразм ноибини очиқ жангда бир ёқлик қилишни режалаштирса ҳам, бахтга қарши, уни амалга оширишга кечикди. Қорахитойлар тажовузининг кучайиши ва Араб халифалигининг Султонга душманлик жабҳасига бутунлай ўтиб олиши Отсиз Хоразмшоҳ билан ҳисоб-китоб қилиб олишга имкон беравермади. Бундан унумли фойдаланиб қолишга уринган Отсиз фуқаро манфаатини кўзлайдиган қатор қонунларни кучга киритди. Фуқароларнинг маънавий-руҳий кайфиятини кўтарувчи тadbирлар жамоат жойлари, бозорлар ва сайлгоҳ майдонларида тез-тез ўтказилиб турилди. Мамлакатнинг суғориш тизимларига жиддий эътибор қаратилиб, янги ерларни ўзлаштириш учун каналлар қазилди. Аҳоли яшаётган ерга тақчиллик сезилаётган қишлоқ аҳлининг бир қисми янгитдан очилаётган жойларга ихтиёрий кўчирилди. Уларнинг ҳаёт тарзларини йўлга қўйишлари учун моддий ёрдам ва имтиёзлар берилди.

XI асрнинг биринчи чорагида Маҳмуд Ғазнавийнинг юришлари ва унинг ал-Беруний бошчилигидаги илмий тадқиқот ишларини жадал олиб бораётган кўплаб машҳур олимларни пойтахт Ғазнага олиб кетгач, Маъмун Академияси ўз фаолиятини тўхтатган эди. Ана шундан кейин Хоразмшоҳ Отсизнинг маориф соҳасидаги ислоҳотларни жадал ўтказиши ўз самарасини бера бошлади. Натижада яна Хоразм илм-фан ва маданиятнинг Шарқ оламидаги ўчоқларидан бирига айлана бошлади. Даврнинг йирик алломалари Хива, Кат, Кўҳна Урганч, Марв шаҳарларидаги Олий мадрасаларда толиби илмлар билан илму ҳикмат машғулотларини бошлаб юборди. Хоразмда етишган улуғ олимлар довуғи ал-Хоразмий ва Беруний давридагидек оламга ёйилди. Қадим-қадимдан Хоразм юрти илм-фани эришган афсонавий ютуқларнинг орадан юз йил ўтиб, Отсиз замонида қайтадан равнақ топишини Шарқ олами одатий ҳол деб қаради. Отсиз ҳукмронлиги замонида Хоразмдан етишиб чиққан Маҳмуд аз-Замахшарийнинг (у Хоразмнинг Измухшир қишлоғида туғилган) ислом оламидаги довуғининг ўзи Хоразмга шухрат келтирган эди. Унинг турли фанлар соҳасида эришган ютуқларини шарҳлашнинг ўзи ўнлаб китоблар ёзилишига сабаб бўлди. Дунёнинг кўплаб машҳур олимлари, йирик шарқшунос ва исломшунос ҳамда файласуфлари алломанинг китобларини тавсифлаб ўрганишда давом этмоқдалар. Шарқ оламидаги алломалар улурдан-улуғ илмий тахаллуслар билан уни эъзозлашлари-чи, „Ислом ва ажам халқлари устози“, „Хоразм фаҳри“, „Жоруллоҳ (Оллоҳ қўшниси)“ каби номлар билан аталишининг ўзиёқ аллома Замахшарийнинг қанчалик илму урфонда юксаклик поғоналарига кўтарилганлигидан далолатдир.

Хоразмшоҳ Отсиз Хоразм воҳасида фан ва маданиятни гуллайтиб-яшнатишга доир муаммоларга дуч келар экан, ўша пайтда шу соҳада асосий восита тил ва тилшуносликдаги, яъни араб, форсий ва туркий тиллар муносабатларидаги айрим қийинчиликларни бартараф қилиш, шунга доир мадрасаларга асосий қўлланма ёзиб беришни аз-Замахша-

рийдан сўрайди. Бу қўлланма давлат арбоблари, девон хизматчилари, ташқи сиёсат билан шуғулланувчи амалдорлар учун ҳам жуда зарур эди. Маҳмуд аз-Замахшарий Хоразмшоҳ Отсизнинг топшириғи билан ўзининг қиймати жиҳатидан машҳур „Ал-Кашшоф“ асаридан кейинги ўринда турувчи „Муқаддамат ул-адаб“ асарини ёзиб Хоразмшоҳга тақдим қилди.

Йирик мутахассисларнинг баҳосича бу асар жуда кўп мамлакат олимлари учун замонавий луғатлар яратишга пойдевор бўлиб, Замахшарийга бемисл шуҳрат келтирди. Отсиз ҳукмронлиги даврида Хоразм осмонида маънавиятнинг яна бир порлоқ юлдузи пайдо бўлди. Бу улуг аллома номи ҳам тилларда дoston бўлди. У яратган „Кубровия“ диний-фалсафий мактаби Нажмиддин Кубро номидан олиниб, уни битирган ўнлаб мамлакатдан келган шогирдлари буюк алломалар бўлиб, ахлоқ, имон, одоб, бадиий ижод ва фалсафий соҳанинг буюк олими ҳамда ижодкорлари бўлиб етишдилар. Башарият учун шу соҳа илмлари хазинасига катта маънавий мерос қолдирдилар. Ана шу икки буюк аллома номи ва Отсиз Хоразмшоҳнинг фан-маданият, иқтисод соҳасидаги машҳур ташкилотчилик ишлари Шарқ ҳукмдорларидан сайёҳларга қадар, савдогарлардан дарвешларгача барча табақаларнинг бу юртни тавоф қилиш истагини жунбушга келтирди. Уни Отсиз Хоразмшоҳ даврида ҳукмдорнинг маданий ислохотларидан баҳраманд бўлиб, йирик олим даражасига етган Рашидиддин ал-Вотвот воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, ўзи гувоҳ бўлган ҳодисаларни асарида қуйидагича таърифлаган эди: „Хоразм Хоразмшоҳ Отсиз ҳукмронлиги даврида шу даражагача бориб етдики, у қўрққан ва хатарга тушганлар учун бехатар макон, элма-эл кезиб юрадиганлар (сайёҳлар демоқчи) учун қулай маскан, қочган-қувилганлар учун осойишта манзилгоҳ, дарвешларга ҳаловатсиз паноҳ жой бўлиб қолди. Одамлар Хоразмга ҳар тарафдан ўз кулфату мусибатларидан изтиробга тушиб, ҳасрату надоматларидан нажот топиб, дарду аламлари бартараф бўлиб, жамики юмушлар ва ташвишлардан қутулган ҳолда қайтардилар. Оллоҳ таолога бу ўлкага кенг қўламли улуглиг-у, бу даражадаги ҳимматни муяссар қилганлиги учун беҳад ҳамду санолар бўлсин.“ Ана шу алломадан ошириб Хоразмдаги ижтимоий-маданий муҳитни таърифлаб бўлмаслигини инобатга олганда воҳадаги ҳаёт тарзи қандай олижаноблик, эзгулик ва инсоний қадриятлар маънавияти асосига қурилганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ўша даврда Замахшарий ва Нажмиддин Кубро, Рашидиддин ал-Вотвот билан замондош олимлар, жумладан, Маҳмуд аш-Шотий, Ал-Ҳасан ас-Синсор, Абу Тоҳир Салож ибн Абу Малик, Ҳамза ибн Ваҳхос, Абу ат-Тайиб ва бошқалар ўша давр илмининг етук дарғалари эдилар. Уларнинг барчаси Замахшарийдан таълим олган, унинг мактаби битирувчилари эдилар.

Нажмиддин Кубро мактабининг толиби илмлари бўлган улуг алломалари Маждиддин Бағдодий, Навоийнинг буюк маърифатпарвар ва улуг шоир бўлиб етишишига катта ҳисса қўшган ахлоқий асарлар муаллифи Фаридиддин Аттор, буюк шоир ва файласуф, жаҳон назарига тушган Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад, Саъдаддин Ҳамавий, Бобо Камол Жандий, Шайх Али Лоло, Сайфиддин Бохарзий, Бадриддин Фирдавсий ас-Самарқандий, Нажмиддин ад-Доё, Аҳмад ал-Гургоний, Рукниддин Алоуддавла, Ас-Силноний, Али Ҳамадоний Бин Шаҳобиддин каби машҳур алломалар Шайхул-Валитарошга шогирд бўлган эдилар. Етишиб чиққан бундай улуг шахсларнинг рўйхати бу билан тугамайди. Уларнинг ҳар бири Шарқ маънавий-ахлоқий оламини юк-

салтиришда ўз ўрнига эга бўлганлар. Хоразмшоҳлар даврида жаҳон табиий фанлар, жумладан, математика, астрономия, физиология, биология, тиббиёт илмлари ривожига катта ҳисса қўшган қатор олимлар етишиб чиқди. Шулардан бири гениал олим юқорида қайд этилган фан соҳаларининг барчаси билан шуғулланган мутафаккир Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар Чағминийдир. У ёшлигидан ғоят истеъдодли, хотираси ўткир бўлган. Хоразмнинг Чағмин қишлоғида туғилган. Умар Чағминий ўз даврининг йирик олимларидан Фахриддин Умар Розий, тилшунос Абу Бакр Журжоний, Иброҳим Журжоний кабилар билан илмий-ижодий ҳамкорлик қилган. Муҳаммад ибн Умар Чағминий қадимги юнон олимларидан Эвклид, Аристотель, Гераклид, Фалес, Гален, Гиппократ, Пифагор асарларини чуқур ўрганиб, уларга шарҳлар ёзган. Уларнинг асарлари ғояларидаги ютуқ ва камчиликларни холис, илмий далилларда очиб берган. Шуларни жамлаб ўзининг „Содда шаклдаги нарсаларнинг қисқача баёни“ рисоласини ёзган. Бу рисоланинг илмий қиймати қанчалик юқорилигини ўрта асрлар шарқининг улуғ математик ва астрономи ал-Қошийнинг маълумотиغا кўра Мирзо Улуғбекнинг Самарқанд академиясида асосий дарслик сифатида ўқитилган. Ал-Чағминий бу китобни фалакиёт илми билан шуғулланувчи олимлар учун ёзганлигини таъкидлаб ўтган эди. Чағминий математика, астрономия ва бошқа фанларнинг назариясига оид шундай доҳиёна илмий фикрларни илгари сурдики, унинг ҳайратомуз илмий тафаккури мушоҳадаси кенглигига қойил қолмасликнинг асло иложи йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразмшоҳ Отсиз даврида илм-фанга қаратилган эътибор ва олимлар, маданият арбобларига қилинган ҳомийлик ануштегинлар сулоласи мўғулларнинг босқинига учрагунга қадар давом этди. Тараққиётнинг юқори босқичига чиқди. Воҳадан етилган улуғ аждодларимиз ақл нури кучи Уйғониш даври маданияти равнақига жаҳоншумул ҳисса қўшди.

Салжуқий ҳукмдор Султон Санжар Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад билан овда.



Эл-Арслон ибн Отсизнинг Хоразм тахтини эгаллаб, тож кийиш маросими.



Сўнги Салжуқ султони Тўғрул III салтанатни таназзулдан сақлаб қолиш мақсадида сарой амалдорлари билан кенгаш ўтказётган пайт.

# ВАССАЛИКНИНГ ТУГАШИ, САЛТАНАТ ҚУЁШИНИНГ КЎТАРИЛИШИ



## МУСТАҚИЛЛИК ВА ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШНИНГ ИЛК ДАВРИ

Қарамлик ва сиёсий тобеликдан қутулиш ҳаётнинг долзарб кун тартибига айланди.

Отсиз бу ишни Манғишлоқ ва Ҷанддаги салжуқий амалдорларни ҳибс қилдириб, ўрнига ўз амалдорларини тайинлашдан бошлади. Шунингдек, ушбу ҳудуддаги Султон Санжар хазинасига ундириб қўйилган йиллик солиқ ва хирожни Кўҳна Урганч пойтахтига жўнатишга киришди.

Мустақиллик учун кураш саҳифаси ана шу воқеалар орқали очилди. Шу билан бир вақтда, воҳада оммавий сафарбарлик тўғрисида фармон эълон қилинди. Воҳанинг одамлар гавжум мавзе, бозорлар, шаҳарларининг марказий майдонларида, жамоат жойларида „Мустақиллик ва эрк учун курашган шонлар улугдир, шу йўлда тўкилган қонлар қутлуғдир“ қабалидаги аждодларимиз томонидан курашларда, жангтоҳларда ҳайқириб айтилган ватанпарварлик ҳикматлари ёзилган ёзувлар илиб қўйилди. Юрт ари уясидаги ҳолатдагидек қўзғалди, ҳаракатга келди.

Отсизнинг Ҷанд ва Манғишлоқ юриши бу салжуқий Султон давлатига қарши уруш эълон қилиши демак эди. Эгалланган ўша вилоятларга ўз амалдорларини тайинлаган Хоразмшоҳ Отсиз дарҳол пойтахти Кўҳна Урганчга қайтиб, ҳарбий машварат чақирди. Унда сарой амалдорларидан тортиб вилоятлар ҳокимлари, шаҳар ҳокимлари ва саркардалар иштирок этди. Отсиз уларга қарата ватанпарварлик ҳисси билан йўғрилган мурожаат ирод этди. Унинг мурожаатидаги оташин сўзи қўйидаги йўсинда янгради. „Ватандошларим, бундан кейин биз тобеликда яшашни рад қиламиз. Биз авлодларимизнинг ҳақи бўлган бойлигимизни бож, хирож қилиб Султон хазинасига топширишни тўхтатиб, уни юртимиз хавфсизлиги, фарзандларимиз бахт-саодатига сарфлашни адолатли ва тўғри йўл деб биламиз. Биз дунёда қудратли давлатга айланишимиз учун ҳар томонлама эркин бўлишимиз керак. Ўзгаларга эркини бериб қўйган юрт бундай даражага эриша олмайди. Мен барча масъулиятни ўз зиммамга олиб, Ватанни, эл-юртни, фуқарони эркин ва мустақил йўлга олиб чиқишга азму қарор қилдим. Ҳамма учун уни энг мақбул йўл деб билдим. Шундай яшаш ва меҳнат қилиш, ижод қилишга тўла ҳақлимиз. Бундан кейин хутбадан Султон номини олиб ташлаймиз. Уни амалга ошириш сизларнинг зиммангизда бўлади. Бугундан эътиборан бутун фуқаро, барча-барчамиз борлигимизни, жонимизу танзимизни шу олий мақсадга тикиб, курашга отланамиз.“

Хоразмда рўй берган бу воқеалар Султон Санжарни ғоят дарғазаб қилди. Вазиру вузаролари айтганидай Балхда Отсизни осонгина баҳридан ўтиб, қатлга тортмаганига минг бор афсусланди. Бунга тез жавоб бериб қасос олай деса, ундан-да оғир ташқи сиёсат чигалликларига рўбарў келди. Фақат 1138 йил баҳоридагина Хоразмшоҳ билан ҳисоб-китобни қатъий ҳал этишга имкон топди. Салтанат билан вассал юрт Хоразм ўртасидаги уруш олови аланга олди. Бу гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб салкам йигирма йил давом этди. Уруш ҳар икки томондан катта харажатлар ва талафотлар талаб қилди. Ҳарбий ҳаракатлар олиб борилган ҳудудлардаги шаҳарлар, қалъалар, экин майдонларининг кули кўкка совирилди. Аммо энди мустақиллик ҳаракатини на Султоннинг қаҳр-

ғазаби, на унинг еру кўкни титратган ҳарбий қудрати тўхтатиб қолишга қодир эмасди. Бу ватан ва халқ тақдири учун олиб борилган муқаддас уруш эди.

Султон Санжар Хоразмни тиз чўктириш учун юз минг кишилик қўшин билан воҳанинг жанубидаги мустаҳкам Ҳазорасп қалъасини мусоҳара қилиб, сўнгра Кўҳна Урганч томон юриш қилишга қарор қилди. Ҳазорасп Хоразмнинг қадимий, мудофаа деворлари билан ўралган қалъаси эди. Бу қалъанинг таърифи Искандар Зулқарнайнгача етиб борганлиги ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Бу қалъа Хоразм воҳасига жануб томондан бостириб келган ғанимларга қарши бир неча бор қалқон бўлган.

1138 йил кузида Султон Санжар қўшини билан қалъа остонасига етиб келди. Аламзада Султон Санжарнинг юз минг кишилик қўшини билан Хоразмшоҳ Отсизнинг озодлик туғини кўтарган лашкарий қисми ўртасида жанголди тайёргарлиги, яъни қўшин сафлаш тадориғи бошланди. Хоразмшоҳ Отсиз асосий қўшинини қалъа ташқарисига олиб чиқди. Бу билан қудрат поғонасига кўтарилган Султон Санжардек ҳукмдорга қарши кўрқувдан холи, маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам тайёргарлигини намойиш этди. Жалолиддин Отсиз Гулда ўзининг хос гвардиясини, орқа тарафида захира кучларини жойлаштирди. Жуванғар, яъни чап тарафда ўзининг баҳодир лашкарбошиларидан бирини тайин қилди. Ўнг томон баранғарга эса энди йигирма ёшга тўлаёзган ўғли Отлиқ шаҳзодани қўмондон қилиб тайинлади. У бу вақтда ғоят кўркам гавдали, шерсифат бўлиб ўсаётган паллада эди. Хоразмшоҳнинг келажакда бу ўғлидан умиди жуда катта эди.

Одатда, кўпинча ўрта асрдаги жанг анъаналари томонларнинг якка-якка паҳлавонларининг қилич ёки найзабозлиги олишуви билан бошланарди. Султон Санжар бу сафар уни ҳеч ким кутмаган паҳлавон-баҳодирлар олишуви билан эмас, балки томонларнинг ҳозиржавоб шоирлари қисқа мушоира услуби, яъни сўзамоллик билан рақиблар бир-бирини мағлуб қилишини маъқул топишди. Шу тариқа жанг ибтидосида биринчи бўлиб Султон Санжарнинг шоири нафратомуз мисраларда битган шеър камон ўқига боғланиб отилди. Шеърини мисралар жангининг қандай бошланганлиги Давлатшоҳ Самарқандийнинг „Тазкират уш-Шуаро“ асарида қайд этилишича, Султон Санжарнинг саройини доимо қиздириб, тантаналарда Султонга хуш ёқадиган шеърини услуб устаси ва сарой шоири Аҳвадиддин Анварий салжуқийлар қўшини олдинги сафига чиқиб бор овозда ўқиб, уни Султоннинг тавсияси билан моҳир камонбозларидан бирининг ёй ўқига жойланган қаҳрли мисралар Ҳазорасп қалъаси томон йўналтирилди. Унинг мазмунида салжуқ Султонининг буюклиги, унга қарши бош кўтариш ҳалокат эканлиги, худо берган ақлни фурсатни қўлдан бой бермай, оқ байроқни кўтариб Султон оёғига йиқилиб жонни асраб қолишгина гина-кудуратларни унутиб, тақдирга тан бериш лозимлиги уқтирилган эди. Унга жавобан Хоразмшоҳ Отсиз саройининг котиби, олим ва иқтидорли шоир Рашидиддин Вотвотни чақириб, дарҳол жавоб мисралари битишни топширди. Жуда ҳозиржавоб мисраларда битилган назм тайёр бўлди:

Мулк тахтига келди Хоразмшоҳ Отсиз  
У ғанимга даҳшат солувчи найзабоз.  
Йиқилурсан тахтдан давронинг ҳам энди оз,  
Ундан топгай салжуқ давлатию хонадони инқироз.

Хоразм баҳодир мергани шеърини жавоб мактубни дарҳол камон ўқига жойлаб Султонни ҳимоя қилиб турган салжуқийлар баҳодирини нақ нишонга олиб отди. Бир ўқ билан бир вақтда икки нишонга урилди. Ҳам салжуқ Султони шахсий ҳимоячиларидан



бири отдан ағдарилди ва тил тортмай жон берди, шунингдек, Султон ўз соқчисининг қони сачраган жавоб мактубини ўқишга мажбур бўлди. Қаттиқ ғазабланган Султон Санжар қўшинига бира тўла ҳужумга ўтишга буйруқ берди. Хоразм лашкари тунгача бу ҳужумларни бир неча бор мардона қайтарди. Жангнинг асосий оғирлиги Хоразмшоҳ Отсизнинг ўғли Отлиқ шаҳзода қўмондонлик қилаётган лашкарий қисм зиммасига тушди. У ўзининг ўн минглик пиеда ва суворийлар қўшини билан отаси Отсиз Хоразмшоҳни қуршаб олмақчи бўлган Султон Санжарнинг асосий қўшинининг зарбаларини қайтариб, уларга марказ қўшинларининг қуршаб олиниши ва катта талафот кўришга имкон бермади. Султон Санжар ўз қўшинининг ҳаддан ташқари кўплигидан қанчалик талафотлар кўришига қарамай, устунликни қўлга олишга бор кучини сарфлаб, шаҳзода қўшинларини бир ёқлик қилишга киришиб, захира суворийларининг барчасини Отлиқ қўшини устига ташлади. Шаҳзода асосий қўшинни, яъни марказ ва чап қанот қўшинни зарбадан омон сақлаб қолиш учун отаси Отсиз Хоразмшоҳни қалъа ичига кириб, мудофаа жанги олиб боришга кўндирди. Шундай қилмаса, Отсизнинг марказ ва чап томон йирик кучлари катта йўқотишга учрар эди. Хоразмшоҳ Отсиз ақлли ва мард ўғлининг тўғри фикрини қабул қилишдан бошқа йўл йўқлигини дарҳол англади. Ягона вазият шу эди, то қош қорайгунча Отлиқ лашкарий қўшин Султон Санжар қўшинлари ҳужумларининг барчасини жасорат билан қайтарди. Натижада асосий қўшин Хоразмшоҳ Отсиз бошчилигида мудофаа девори ичкари қисмига ўтиб олди ва дарвозалар мустаҳкам беркитилди. Тун кириб ҳар икки томон ўз қўшинини орқага қайтардилар.

Эрта билан шаҳзода Отлиқ Ҳазорасп қалъасининг бош дарвозасини яримдоира қилиб, ўн минг жангчини сафга тизди. Бу билан асосий қўшиннинг қалъа мудофаасини мустаҳкамроқ ҳолда ҳимоя қилишига имкон яратмоқчи бўлди. Бироқ, кучлар нисбати Султон Санжарнинг катта устунлигида бўлгани боис Отлиқ шаҳзоданинг қўшини ўқ-ёйчиларнинг, сўнгра қиличбоз ва найзобоз салжуқийларнинг даҳшатли ҳужумлари остида оғир аҳволда қолди. Оқибат ўн минглик мард жангчилардан кўпчилиги ҳалок бўлди. Бунинг устига яна фожиа рўй бериб, жасур саркарда Отлиқ оғир яраланди. Унинг қолган-қутган оз сонли лашкарига дарвоза очилиб, қалъа ичкарисига кириш тўғрисида буйруқ берилганда шаҳзода Отлиқнинг жони узилган эди. Ҳазорасп қалъаси Султон Санжарнинг ихтиёридаги барча қўшинлари билан ўраб олинди. Султон девор бузувчи муҳандислик ҳарбий қисмларини қалъа деворига тақаб ўрнаттирди. Тош ва ёндирувчи ашёлар, ирғитувчи муҳандислик жанговар машиналар ишга солинди. Қалъа аланга ичида қолди. Отсиз қўшинининг асосий қисмини тунда махфий ерости йўлидан хавфсиз жойга чиқиб олишга кўрсатма берди. Қалъадагиларнинг барчасини олиб чиқиб кетишнинг иложи бўлмагани учун душман девор ва дарвозани бузиб киргунча кураш олиб боровчи чалғитувчи гуруҳни қолдириб, асосий қўшин қалъани тарк этиб, хавфсиз тарафга етиб олгунча мудофаани ушлаб туриш ва қаршилиқ кўрсатишни топширди. Хоразмшоҳ Отсиз кейинги жангларга қўшинни омон сақлаб қолишнинг ягона йўлини танлади. Айниқса, истеъдодли ўғли Отлиқнинг ҳалок бўлиши унга жуда ёмон таъсир қилди. Жасур жангчиларнинг кўпчилиги қирғин остида қолиб, энди жангни давом қилдиришдан фойда йўқ эди. У мағлубиятнинг изтиробли алами билан Қорақумнинг бепоён барханлари ичида ғойиб бўлди. Озодлик курашининг илк қоили жанги унинг оғир мағлубияти ва Султон Санжар ғалабаси билан тугади. Ҳазорасп қалъаси мудофаачиларининг барчаси аёвсиз қиличдан ўтказилди, талон-тарож этилгач, бутунлай ўт қўйилди.

Ғалаба нашидасини сураётган Султон Санжар Ҳазорасп остоналаридаёқ Хоразмшоҳнинг жангда оғир мағлубиятга учратилганлиги, унинг асосий кучлари қириб ташлан-

ганлиги, Отсизнинг ўзи фақат бир ҳовуч лашкарий қисми билан чўлга қочгани, аммо у одамлари билан биргаликда шу поёнсиз саҳрода аянчли ўлим топажаклиги тўғрисида „Фатҳнома“ биттириб, уни салтанат вассалларининг барчасига етказишга фармон берди. Унда Хоразмшоҳ Отсизни исёнкор-фитначи сифатида қаттиқ жазолашга мажбур бўлгани, шунингдек, салтанат қонун-қоидаларига беписандларча муносабатда бўлгани, ҳудуддаги султон амалдорларини ҳақоратлаб, кўпчилигини қатл қилганликда айблади. Хоразм фатҳи аҳамиятини янада ошириб, унинг ваҳимали ҳолатини кучайтириб: „Бар дасти Султони аъзам шаҳаншоҳи муаззам Санжар ибн Маликшоҳ имзосини қўйиб, Султон муҳри билан мустаҳкамлаб, ҳар бир вилоят ноиблари, волийлари номига алоҳида нусха тайёрлатиб жўнатди. Бу билан „қизим сенга айтаман, келиним сен эшит“ туркийлар мақолига амал қилар экан, мана қудратли вассаллар аҳволига маймунлар йиғлади-ку, қайси биринг мустақил бўламан дея ҳаракат қилсангизлар Отсиз Хоразмшоҳнинг мудҳишона аҳволига тушасизлар“, деган огоҳлантириши эди. Фатҳномани жўнатишдан асл мақсад Султон Хоразмшоҳнинг пойтахти Кўҳна Урганчга кириб, у ердаги Отсизнинг содиқ амалдорларини шахсан Султоннинг ўзи кўзи олдида жазога тортиб, яна ўзининг қариндош саркардаларидан бири Сулаймоншоҳни Хоразм волийси қилиб тайинлаш эди. Шу боис фармони олийни бекликлар, вилоятлар ва Хоразмнинг йирик шаҳар раисларига жўнаттирди. Шу билан Султон Санжар 1139 йил қишига қадар шу ерда давлат бошқарув ишларини йўлга қўйиб, Нишопурга қайтди. Унинг кетиши ҳақидаги хабар Отсизга етказилиши биланоқ, Хоразмшоҳ Отсиз яшин тезлигида Кўҳна Урганчга кириб келди. Султон Санжарнинг қариндоши — янги волий ўзининг девон ишларини йўлга қўяр-қўймас уни ҳибсга олди. Сулаймоншоҳ қаршилик қилишга ожиз қолди.

Бу вақтга келиб қорахитойлар Султон Санжарнинг тобе ҳудудларига яна ҳарбий юришларни бошлаб юборди. Бундан Отсиз дарҳол фойдаланишга қарор қилиб, Журжон ва Каспий денгизи жануби-шарқий ҳудудларини эгаллади. Сўнгра салтанатнинг анча мустаҳкам қалъаси Кабуд Жомани қамал қилиб, уни босиб олди ва қалъа ҳокими Али ибн Шаҳриёрни асирликка олди. Натижада у Хоразмшоҳ тобелигини қабул қилгач, уни ўзининг ўрнида қолдирди. Бу ғалабалардан хурсанд бўлган Хоразмшоҳ ўз қўшинини Мовароуннаҳр ичкари ҳудудларига қараб бурди. Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳри Султоннинг бу ҳудуддаги таянчи Бухорони қамалга олди. Қамалга узоқ вақт бардош бера олмаган салжук ҳарбий қисмлари оқ байроқ кўтариб, таслим бўлишдан ўзга чораси қолмади. Бухоро вилояти ноиби Султон Санжарнинг яқин қариндоши Занги ибн Алини халойиқ кўзи олдида қатл қилдирди. Султоннинг Бухородаги қолган барча амалдорларини ҳибс қилдириб, пойтахт Кўҳна Урганчга жўнатди. Буни Хоразмшоҳ Ҳазорасп фожиаси учун қасос деб атади. Шунингдек, Султоннинг ва унинг амалдорлари мол-мулкларини мусодара қилиб, хазинаси ҳисобига кирим қилдирди. Шу тариқа Султон билан вассал ўртасида гишт қолипдан кўчиб, ораларидан ола мушук ўтиб, ошкора ғанимларга айланиб бўлган эдилар. Бу ёғи аёвсиз кураш ва жангу жадалларга уланиб кетарди.

Энди Хоразмшоҳ ватани ва фуқаросини озод қилиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Ҳатто Худони ва унинг Қуръони Каримдан олинган аҳду вафо, қасам тўғрисидаги илоҳий оятларидан олинган суралар бўладими, вақтдан ютиш учун уларни ўртага қўйиб оёққа туришга аҳд қилди. Негаки, яратган Парвардигор юрти ва эл-улусини эрк йўлига олиб чиқиш учун чорасиз ҳоллардаги гуноҳга қолинган хатти-ҳаракатларни кечиришини яхшигина билар эди. Бу ичилаётган қасамлар ҳам Отсиз ўзининг шахсий манфаатлари ёки бошини омонликда сақлаб қолиш учун эмас, балки мустақиллик учун бошланган ҳаракатни янада авж олдириш учун вақтдан ютиш, салжуқий Султонни турли йўллар

билан чалғитиш сиёсати ҳам эди. Хоразмшоҳ бу вақтда Шарқ оламида катта таъсирга эга бўлган Араб халифалигидан ёрдам сўраб, махфий элчиларини жўнатди. Халифа Муқтафий бунга розилик билдирди.

Араб халифалиги билан Хоразмшоҳнинг ўзаро иттифоқчилик муносабатларининг кучайиб бораётганлигига Султон Санжар ҳам бепарво қараб турмади. Тинимсиз тарзда пихини ёрган жосуслар гуруҳини ишга солиб, дастлаб Бағдодда турган халифани йўқ қилишга жиддий киришди. Бунга эришди ҳам, аввало, халифа Муқтафий, унинг кетидан эса унинг ўрнига ўтирган халифа ал-Мустаршидлар сирли ўлим топдилар. Ҳожиалар сирини очишга қаратилган ҳаракатлар шуни кўрсатдики, унинг махфий иплари Султон саройига келиб боғланганлиги маълум бўлди. Гарчи Қатвон чўлида мағлуб этилган бўлишига қарамай, Султон Санжар қудратли давлат ҳукмдори ҳисобланарди. Аммо бу қудратли кучдан қудратлироқ ёш йиртқич салтанат — Қорахитойлар Салжуқийлар салтанатининг кушандаси бўлиб, унинг ҳудудларига ёпирилиб келарди. 1141 йил 2 сентябрида Қатвон чўлида Султон Санжар қўшинига ҳужум қилиб, унинг қўшинини қириб ташлади. Султон зўрға жанг майдонидан қочиб қутулди. Бу Салжуқийлар давлатининг қудрати синдирилишида асосий омил бўлди. Бу вазиятдан фойдаланган Хоразмшоҳ салжуқийларнинг ҳудудларини эгаллашни бошлаб юборди ва Хуросоннинг катта қисмини эгаллади. Сўнгра салжуқийларнинг шимоли-ғарбий ҳудудлари сари жадал от сурди.

Отсиз ҳарбий ҳаракатларни янада кучайтириб, 1145 йил кузида Қизилқумнинг бепоян саҳроларини кесиб ўтиб, Сирдарё соҳилига чиқди ва қўшинига дам олишга фурсат бермай, салжуқийларга қарашли Жанд шаҳрини эгаллади. Шаҳар аҳолиси бу вақтда қаттиқ уйқуда эди. Шаҳарнинг икки дарвозасини қўриқлаётган соқчиларнигина баҳрдан ўтилди, холос. Бошқа қон тўкишга ҳожат бўлмади. Бу катта шаҳарни эгаллаш қарийб талафотсиз амалга оширилган эди.

Отсиз Жанд шаҳри ақобирлари ва аҳолисидан ибрат олишлари энг мақбул йўл эканлигини билдирувчи номаларни унинг атрофидаги шаҳар ва қалъаларга ҳам жўнаттирди. „Акс ҳолда қудратли лашкаримиз Қизилқумда жаҳаннам чўли етти кунда шамолдек тез босиб ўтишга куч топган экан, сўзимизга кирмай осийлик қилганларни зафарнисо қўшинимиз кучи билан жазога мустаҳиқ қилурмиз. Жандда қиличларимиз қинидан чиқмади, қон тўкилмади. Унинг атрофлари ҳам илгимизга ўтди ва жабр-зулмдан халос топди. Улардан ибрат ва сабоқ олиб, сизлар ҳам ихлос кўнгил билан салтанатимиз соясида умргузаронлик қилиб, бахт-иқболимиз қутбидан баҳраманд бўлгайсизлар“.

Бу йўлланган номалар ижобий натижа бериб, Сирдарё қуёи ва ўрта оқимидаги вилоятлар Отсиз давлати тобелигини қабул қилдилар. Бундан хабар топган Султон Санжар оёғига доимо темир тикан бўлиб қадалаётган собиқ вассали Отсиз Хоразмшоҳни қайта жазолашга қарор қилди.

Отсиз Султон Санжар қўшинини Ҳазорасп қалъасида кутиб олишни мўлжаллаб, қўшини билан бу ерга етиб келди. Аввалги қамал жангларда вайрон қилинган қалъа деворлари яна қайтадан тикланган бўлиб, душманнинг йўлини анча вақт тўсиш имконияти вужудга келтирилган эди. Султон Санжар Ҳазораспни роппа-роса икки ой қамал қилди. Қамал 1147 йил ноябрь ойида бошланди.

Жанг олдидан Султон Санжар саройининг шоири Аҳвадиддин Анварий ғалабага ундовчи шеърни Султониغا тақдим этди. Шеър ҳукмдорга мақбул бўлиб, уни Хоразм-

шоҳ қўшини тарафга ёй ўқига жойлаб, девордан ошириб отишни буюрди. Уни қалъа ҳимоячилари ўқир экан, қуйидаги мазмундаги шеърӣ мисралар битилганлигини кўрдилар:

Эй шоҳ Санжар мулки жаҳон мавжудот сенгадир,  
Тақдир ва толеъ ёр бўлса, коинот ҳам сенгадир.  
Бир ҳамла ила бу кун Ҳазораспни ол,  
Эртага буткул Хоразму юз минг от сенгадир.

Уни қўлма-қўл ҳолда мудофаачилар Хоразмшоҳга узатдилар. Хоразмшоҳ Отсиз унга жавоб тайёрлашни яна Рашидиддин Вотвотга топширди. У қуйидагиларни жавоб тариқасида битди:

Хоразмшоҳимиз Рустами дoston кабидир бешак,  
Шу сабаб Ҳазораспга киролмагай ҳеч бир эшшак.

Қисқа мисралар ўқ-ёйга жойланиб, Султон Санжар қўшини тарафга зарб билан отилди. Уни ўқиган Султон эса қаҳрдан кўзлари чаноғидан чиқай деб: „Ана шу шоирни тутиб, тилларини кесиб, сўнгра терисини шилдираман, дея, Ҳазораспни ҳужум билан олишга буйруқ берди. Ўнлаб ёндирувчи ва тош отувчи манжаниқ қурооллар ишга тушди. Тинимсиз раппа-расо олтмиш кун Султон Санжар бор кучини йиғиб, мустаҳкам қалъа деворларини бузиш, вайрон қилиш билан шуғулланди. Ҳатто ер остидан кириш учун йўл ковланди. Отсиз сездикӣ, қанчалик қаршилиқ қилмасин, қалъани бу ёғига сақлаб бўлмайди. Энди яна тунда асосий қўшинни ерости йўлидан олиб чиқиб кетиб, бутун кучини пойтахти Кўҳна Урганч мудофаасига тайёрлашни маъқул кўрди. Қаршилиқ кўрсатувчи кучларидан бир неча лашкарий фавж қисмлар қолдириб, уларга қаршилиқ кўрсатишни давом қилдиришга кўрсатма берди. Асосий қўшин Кўҳна Урганчга яқинлашиб олгунча чалғитувчи кураш олиб бориш, сўнгра қалъани ташлаб чиқиш топшириғини олдилар.

Асосий қўшин махфӣ тарзда қалъани тарк этганидан кейин кўп ўтмай қалъа эгалланди. Асир олинганлар қаторида Рашидиддин Вотвот ҳам бор эди. Султон Санжар „Ҳазорасп олиниб, у тириклайин қўлга туширилса, тилка-пора қилиб ўлдираман“, деганди. Аммо шоир шоирни қўллаб, Султонга яқин сарой шоири Аҳвадиддин Анварий Вотвот дегани ўзи нимжонгина одам экан, жаллодингизга кўзи тушиши биланоқ, унинг юраги ёрилади, бу асирингизни, унинг бир қошиқ қонидан кечиб қўйиб юбора қолинг, дейди. Унинг ўрнига йирик ишлар билан шуғулланинг, Кўҳна Урганч томон тезроқ от суриб, Отсиз Хоразмшоҳ пойтахтини эгаллаб, ҳар қандай ҳисоб-китобингиз бўлса ҳукмдор ва унинг сарой амалдорлари билан қилинг, дея маслаҳат беради.

Султон Санжар ўз қўшинини Кўҳна Урганч муҳосарасини бошлаш учун Отсиз пойтахтига бурди. Бу вақтда Хоразмшоҳ халқни сафарбар қилиб, Кўҳна Урганчни янгидан бошланадиган қамал жангларига тайёргарлик тадбирларини бошлаб юборган эди. Шунингдек, иккинчи тарафдан Султон Санжарнинг Ҳазораспдаги икки ойлик қамалда қўшини ҳолдан тойганлигини инobatга олиб, унинг юришини музокара орқали тўхтатишга ҳам умид боғлади. Хоразмнинг тасаввуфӣ таълимот йўналишидаги машҳур уламоси Оҳу-Пўшни Султон Санжарни пешвоз чиқиб кутиб олиш ва Хоразмшоҳнинг қимматбаҳо совға-саломлари, мактубини топширишини тайинлади. Султон ҳам Оҳу-Пўш довуғини эшитган эди. У Хоразмшоҳ пойтахтига ўн-ўн беш чақиримлар яқинлашиб қолганида Султонга пешвоз чиқди. Оҳу-Пўш қаҳр устида Султон уни жаллодга топшириб юбориши мумкинлигига ҳам рози бўлганича ўз вазифасини бажаришга киришди. Султон,

бошқа ҳар қандай одамни Хоразмшоҳ элчи қилиб жўнатганида жаллодга рўбарў қилардим, сиз ўзингизни мутлақ дунёнинг сиёсат ишларидан нари тутган тақводор одамсиз, ўзини тамоман Парвардигорнинг ҳидоят йўлига бағишлаган сиздек инсонни жаллод тифига топшириш инсофдан бўлмас дея, Хоразм элчисини қабул қилишга рози бўлди. Оҳу-Пуш ҳақиқатан ҳам худо назари тушган, юз-қўзидан нур ёғилиб турган, у билан суҳбатга тортилган ҳар қандай одамнинг қалбини забт эта оладиган, сўзлари ҳикмат булоғидан қувватланган руҳоний инсон тоифасидан эди. Ҳар қандай ғанимини заҳарли илондек чақишга тайёр, ғазаб отига минган Султон уни тинглар экан, чарчаган жисми руҳий қувват олгандек, Хоразм уламосининг сўзларидан анча қониқиш ҳосил қилди. Кайфияти анча ўзига келган Султон Санжар Хоразмшоҳнинг совға-саломларини қабул қилиб, Оҳу-Пушдан мактубни ўқишни сўради. Хоразмшоҳнинг бисотидаги барча эзгу тилақдан иборат сўзлари мактубда маржон тизгандек жилосини топган эди: „Олий ҳукмдор, бандаларнинг амири мағрибу машриқ, бутун олам подшоҳи Султонимизнинг умри минг йиллар бардавом этсун! Олам ул зотнинг тилагига тенг бўлсин, самовот фаришталари унга мададкор, толеъи давлат унга ҳамиша ёр бўлсин. Фақир ул-ҳақир бандангизнинг тилаги зоти олийларининг табаррук остонасига бош уришдир. Ул зотнинг ҳукмдорлиги ва олий мақомини Оллоҳ узун қилсун, ҳозирги вақтда барру баҳр (ёру денгизлар) подшоҳларнинг қиблагоҳи, мағриб ва машриқ Султонларининг каъбаси бўлган ул зоти олийларининг олий мақоми шундай юксак даражаларга етдики, буларни тавсифлашга қалам ожиздир. Қудрати ва марҳамати чексиз Оллоҳ таолодан тилагим шулки, бу фақир ул-ҳақирни тез фурсатда остонангиз тупроғини ўпишга ва даргоҳингизда лутфу марҳаматингизни кўришга муяссар этсун! Бу ожиз қулингиз кечасию кундузи зоти олийларининг лутфу марҳамати учун энг нозик сўзлар ила дуогўйлик қилурман. Олий мажлис Султон Санжарнинг хайрихоҳлиги учун биз бандаларнинг шукрона айтишимиз ноз-неъматларимизнинг ортишига ва иззат-ҳурматларимизнинг зиёда бўлишига боис эканлигига комил ишонч ҳосил қилдик.

Сиз зоти олийларининг вакиллари бизнинг ҳузуримизга етиб келиб, олижаноб зотнинг муҳри билан безатилган олий фармонингизни қўлимизга топширганида бу фақир ул-ҳақирга ўлганидан кейин жон ато қилгандай қувончимиз чексиз бўлди. Ушбу фармонни ўқиб авваллари ўртамизда бўлган, гўзал муомала, мушоҳада ва расм-одатларнинг излари ўчиб кетганидан сўнг абадий тасдиқланган низом-тартибот яна ўрнатилди.

Олам ҳукмдорларининг (Оллоҳ унинг қудратини янада кучайтирсин) бу фақирга нисбатан қилган адолатли овозасини эшитган одамлар Оллоҳ таолодан ул зотнинг қудратли давлатини фузун қилсун, дея дуогўйлик қилмоқдалар. Бу фақир қулингиз токи тирик экан, шу бугундан бошлаб умрим охиригача Олий мажлис (Султон раъйи)га мулозамат ва мутобат қилишдан бошқа иш қолмаган ва ўз елкасига вафо ва садоқат каъбасидан бошқа либосни киймаган фақир ўз авлодларим ва ворисларимга ҳам шундай одатга амал қилишни васият қилиб қолдиргайман“. Ушбу мактубни олган Султон Хоразм элчиларини катта совға-салом ва сийловлар билан Отсиз ҳузурига қайтарди.

Ҳар икки тараф Олий ҳукмдорларининг учрашуви 1148 йилнинг 2 июнига белгиланди. Келишувга кўра Хоразмшоҳ отдан тушиб келиб, Султон Санжар оёғига бош қўйиши лозим эди. Ўша куни ҳар икки томон учрашдилар. Отсизнинг бўйсунушдан бош тортиб, қуроли ҳаракатлар содир этганлигини, Султон исёнкор ноибини кечиришга ваъда бериб, шафқат қилганини инобатга олгани боис Отсиз унинг билан юзма-юз келди. Аммо ҳатто отдан ҳам тушмади, учрашув совуққина, тантанаворсиз ўтди. Отсизга бирор кор-ҳол содир этиладиган бўлса, унинг ҳам олди олинадиган хавфсизлик чоралари кўриб

қўйилди. Агар шундай ҳаракат сезилиши ҳамона Султон Санжар ҳам бундай хавф-хатардан холи бўлмасди.

Отсиз бу учрашувда Султонга амалда бўйин эгмаслигини, Хоразмнинг мустақиллигини охиригача, ҳар қандай шароитда ҳимоя қилишга бел боғлаганлигини намойиш эта олди. Мактубда қайд этилган „Хоразмшоҳ қулингиз, фақиру ҳақирингиз“ деган иборалар учрашувда ўз амалий тасдиғини топмади. Музокара қисқа бўлиб, ҳукм юргизувчи давлат раҳбари билан унга тобе ноиб муносабати кўринишида эмас, мустақил давлат ҳукмдорларининг тенглик асосларидаги келишув мақомидан мутлақ фарқ қилмади. Султон Отсизнинг музокара чоғидаги дадил ҳаракатларини ҳақорат ва ўзига қилинган ҳурматсизлик деб билса-да, уруш-талаш, тортишишлардан тинкаси қуриб борар, натижада бирор чора кўришдан ожиз эди. Халқаро майдондаги вазият ҳам чигаллашгандан чигаллашиб борар, бу эса Хоразмшоҳнинг тоқат қилиб бўлмайдиган хатти-ҳаракатларини тийиб қўйишга имкон бермасди.

Хоразмшоҳ Отсиз энди мустақил давлат ҳукмдори сифатидаги сиёсатини дадил давом қилдириб, фаол ташқи сиёсат майдонига чиқди. Маълумки, Шимолдаги туркий кўчманчилар яшаётган Сирдарёнинг қўйи ва ўрта оқимларини қорахитойлар ўзларига бўйсундириб, Хоразмшоҳнинг бу ердаги ноиблари ва ҳокимларини ҳайдаб юбориб, ўз таркибига киритиб олган эдилар. Хоразмшоҳ қудратли қорахитой ҳукмдоридан қўрқиб ўтирмай, қўлдан кетган ушбу ҳудудларни қайтариб олишга жазм этди.

1152 йилнинг айни баҳорида Жанд шаҳрига юришини бошлади. Қорахитойларнинг шаҳардаги ноибни Камолиддин ибн Маҳмуд Арслонхожага Хоразмшоҳ босиб олиш ниятида эмас, биргалашиб, иттифоқликда қипчоқлар пойтахти Сигноқни эгаллаш ниятида келганлигини маълум қилди. Камолиддин ўз лашкарини қалъадан олиб чиқиб Сигноққа қараб йўл олиши билан пистирмадаги Хоразмшоҳ қўшини тез ҳаракат қилиб, қўшинсиз, ҳимоясиз қолган Жандга кириб ўрнашиб олди. Бу пайтда Отсиз Сигноққа қараб кетаётган Камолиддинга етиб олиб, уни қуролсизлантирди. Шу тариқа Хоразмшоҳ Отсиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга катта Жанд ва Сигноқ шаҳарларини эгаллаб, шимолдаги катта ҳудудларни ўз давлати таркибига киритди. Бу ҳудудларни бошқаришни ўғли Эл-Арслонга топширди.

Бу пайтда Султон Санжар салтанатига зарба бўладиган ҳодиса содир бўлди. Хоразмшоҳнинг мустақиллик ҳаракатидан маънавий-руҳий куч олган ғурийларнинг жангари амир ва сардорлари мустақиллик курашини бошладилар. Улар ҳам ғурийлар ҳудудидаги Султон Санжар қўшинларини тор-мор қилиб, ғурийлар султонлигига асос солдилар. 1152 йил Балх остоналаридаги жанг ғурийлар ғалабасини таъминлаб, мустақил давлат тузганлигини эълон қилдилар. Ундан сал ўтмай ҳиротликлар ҳам исён кўтариб, ғурийларни қўллаб-қувватладилар. Султон Санжар салтанати кунма-кун заифлашиб, пуртурдан кетар экан, унинг содиқ лашкарбошиларидан Сижистон ҳокими Тождин Абу-Фаъл ҳам Султондан юз ўтирди. Бир вақтлар Шарқни ларзага солган салжуқийлар тобора таназзул ботқоғига ботиб, парчаланиб борарди. Айни пайтда салтанатни таназзулга олиб келишда султонни айблаётган саройдаги яқин қариндошлар, катта амалдорлар ҳам Султон Санжарни тахтдан четлатиб, уни ағдаришга интилувчи гуруҳлар яна ғимирлаб қолдилар. Султон Санжар бу воқеаларнинг боришини назоратдан чиқариб, унинг тожу тахт қуёши ботиб борарди. Айниқса, ўғузларнинг Султон Санжарга қарши бош кўтариши оғир оқибатларга олиб келди. Султон Санжар саройидаги ушбу фожиали ҳолатни ўрта аср тарихчиларидан бири Имомиддин Исфажоний салтанатда кечаётган инқирозли ҳолатни бундай тасвирлаган эди: „Султоннинг ёши ўтиб, умрининг мояси

узайгач, амирлар унинг қўлидан ҳокимиятни тортиб олдилар ва унинг куч-қудратига дахл қилдилар. Майда галамис одамлар вазирларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ўрнига кўз олайтирдилар. Майда одамлар юқорига чиқиб, катталар пастга тушиб қолди. Азиз одамларга ҳурмат йўқолди, енгилтак одамларнинг ҳурмати ошди. Кучли ва ақлли одамлар ишдан олиниб, ўрнига заифлар кела бошладилар. Амирлар орасида адоват ва ҳасад кучайди, ўзаро меҳр-оқибат йўқолиб, ўрнини ўзаро нифоқ ва нафрат эгаллади. Бу даврда юқори мансаб бошида турган амиру уламолар ал-Азизий, Муябид Йўргунқуш Хуравий, Қизил Арслон ва бошқалар эдилар. Исён бошида турганлардан энг катталари Қўмач билан Али Чатрий эди. Ҳар бир гуруҳнинг фикри бошқасига қарши эди, ҳолбуки, ўз ниятлари отига минган, ўзига фойда бермайдиган нарсани тишлаб, тилка-пора қилар эдилар“.

1153 йилнинг апрелида ўғузлар Балхни эгаллаш учун қўшин тортдилар. Бу ерга Султон Санжар ўзининг юз минг қўшини билан етиб келди. Томонлар жангталаб бўлиб сафга тизилдилар. Ўғузлар агар Султон солиқларни камайтириб, зулмкор ва очкўз амалдорларини ўғузлар юртидан олиб кетадиган бўлса, тарқалиб кетишини, қон тўкмай келишига уриниб кўрдилар. Султон эса ҳеч қандай талаб қўйишга ҳақ-ҳуқуқингиз йўқ, бу ишларингиз фақат жазога лойиқ, дея муаммони тинч ҳал қилишдан бош тортди ва қўшинига исёнчиларни қириб ташлашга буйруқ берди. Жанг Султон Санжар қўшинининг шиддатли ҳужуми билан бошланди. Аммо ўғузлар мардона жанг қилиб, Султон қўшини ҳужумларини қайтарибгина қолмай, қарши ҳужум қилдилар. Бу ҳужумни Султон қўшини қайтара олмай парокандаликка юз тутди. Исёнчиларнинг зарбдор қисми эса Султоннинг марказ қисмини тор-мор келтириб, Султон Санжар қароргоҳини қуршаб олди. Бир оз ўтиб, қароргоҳ қоровул қисмини ҳам қиличдан ўтказиб, Султон Санжарни асир олдилар.

Бундан фойдаланган Хоразмшоҳ Отсиз Амударё ўрта оқими бўйлаб юришини давом эттириб, Султоннинг Омул қалъасидаги лашкарий қисмига ҳужум қилди. Бир вақтда Султон Санжарга қарши курашни янада авж олдириш ҳамда ўғузларни тор-мор келтириш учун Хоразмшоҳ Сижистон, Ғур ва Мозандарон ҳукмдорларини иттифоқ бўлиб кураш олиб боришга чақирди. Шу тариқа Хоразмшоҳ истеъдодли давлат арбоби ва моҳир дипломат сиёсатчи сифатида ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олди. Шундай фаол сиёсати билан жуда кўп ҳолларда Хоразм ва Мовароуннаҳрни таҳдид ва хавф-хатарлардан асраб қолди. Оғир ва мураккаб жараёнларда энг мақбул йўлларни топиб, миллий давлатчилигимизда янги Буюк Хоразмшоҳлар салтанати яратилиш уфқини очди. Иккита қудратли салтанат салжуқийлар ва қорахитойларнинг хоразмшоҳларни йўқ қилиб ташлашга қаратилган уринишларидан сақлаб қолди. Уни вассаллик тобелигидан, мустамлака занжиридан озод қилиб, ёш мустақил давлатга амалда айлантириб улгурди. Хоразмшоҳ Отсиз ҳаётини шу буюк ишга, мустақиллик ва озодликка бағишлади. Ватан ва халқимиз, аждодларимиз тақдирида улуғ ишларни амалга оширган Хоразмшоҳ Отсиз 1156 йил 30 июнда вафот этди. У ҳаётининг асосий қисмини жанг майдонида ўтказди, ўлим майдонида кўкрак керди, гоҳ йиқилди, яна ва яна ўрнидан туриб олға юрди. Унинг қалбида бир мақсад жўш урди. Бу Ватан ва ўз фуқароларини озод ва мустақил кўриш орзуси эди. Бу ишга ўзи бош бўлди, орзусига эришди. У ҳаётини ана шундай эзгу ишга тиккан буюк ҳукмдор сирасидан бўлган бахтли шоҳ, бахтли инсон сифатида ҳаёт билан видолашди. Абадият оламига, парвардигор ҳузурига эл-улус йўлбошчиси номини тўла оқлаган ҳолда, ёруғ юз билан кетди. Отсиз у дунёга кетиш олдидан яна юрт ва фуқаро тинчлигини ўйлади. Асосий хавф эл-улусга шимоли-шарқ, яъни қорахитойлардан эҳтиёт бўлишга даъват этди. Улар Хоразмшоҳлар давлати қудрати ошувини асло истамаслигини қайта-қайта таъкидлади. Огоҳ қилди. Тинимсиз ҳарбий куч-қудратни ошириш

давлат мустаҳкамлиги гарови эканлиги, шу билангина фуқаролар тинчлигини сақлаш мумкинлигини даъват этганича жони узилди.

Мотам маросими чоғидаёқ, сарой аҳли шахзода Эл-Арслон атрофида бир мушт бўлиб бирлашиш, давлат мустақиллигини кўз қорачиғидек асрашга келишиб олдилар. Ҳар бир сарой амалдору акобирлари, лашкарбошию амирлар, қозию қуззот, олий руҳонийлар — барча-барчаси шахзодани ҳаққоний тож вориси деб билиб, тахтга чиқардилар. Тож кийиш маросими билан мотам маросими бирин-кетин ўтказилди; шароит ҳам шуни тақозо этарди. Фақат тахтга ўтириш тантанаворликдан холи ўтказилди. Иштирокчилар тахт вориси Эл-Арслонга садоқатини изҳор қилсалар, мотам иштирокчиларига шахзода ота васиятларига содиқ ҳолда мустақиллик ва озодлик курашини ниҳоясига қадар давом эттиришга содиқлик қасамёдини эълон қилиб, тахтга ўтирди. Тахтга чиққач, қўшиннинг уни доимий қўллаб-қувватлашига эришиш мақсадида уларнинг маошини оширди. Лашкарбоши, саркарда ва амирларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг давлат олдидаги хизматларини рағбатлантириб, уларга қарашли иқтоъ ер ва мулкларини кўпайтирди.

Шундан кейин Хуросондаги воқеаларни ўз фойдасига ҳал қилишга киришди. Аммо қанчалик қасам ичишлар бўлмасин, қасамхўрлар, аҳдидан қайтувчилар топилди. Саройдаги айрим мансабпарастлар давлат манфаатларидан ўз манфаатларини юқори қўйиб, Эл-Арслоннинг укаси Сулаймоншоҳни тахтга чиқаришга уриндилар. Бу фасод ишлар тепасида Эл-Арслоннинг юқори мансабларда хизмат қилаётган амакиси Юсуф турди. Бундан хабар топган Эл-Арслон Хуросон ишларига аралашишни вақтинча қолдириб, Кўҳна Урганча қайтди. Амакиси Юсуфни қатл қилдирди, укаси Сулаймоншоҳни эса зиндонга ташлатди, орадан сал вақт ўтиб, тушундики, укаси Сулаймоншоҳ ўз хатоси юзасидан акаси Эл-Арслондан кечирим сўрамай, нафратли қарашларини зиндонда ҳам тўхтатмай, Хоразмшоҳ акасига нисбатан қаҳр-ғазаб ўтини тобора авж олдирди. Натижада Эл-Арслон жаллодларга укаси Сулаймоншоҳнинг кўзига мил тортишга фармон берди. Бу жисмоний азоблашнинг бир тури бўлиб, унда жазога мустаҳиқ қилинадиган жиноятчининг кўзи очиқ турган ҳолатда лаққа чўғ ҳолатдаги қиздирилган темир тутиб турилар, бу жараён кўз гавҳари оқиб тушгунча давом эттирилар эди. Натижада инсон бир умр кўр бўлиб қоларди. Айримлар эса бу азобга дош беролмай, бир неча кун ўтгач, ўлиб кетарди. Сулаймоншоҳ ҳам шундай фожиани бошидан кечириб, уч кундан кейин вафот этди. Кўчманчи туркий қорахитой қавмлар Эл-Арслоннинг Хуросон воқеалари ва исёнларни бостириш билан овора бўлаётганлигидан фойдаланиб, Жанд ва Манғишлоқ ҳудудларини қайта эгаллаб олдилар.

Бу пайтга келиб Ўрта Шарқдаги сиёсий воқеалар ҳам чигаллашиб кетди. Отсиз вафотидан бир йил ўтмаёқ, Султон Санжар ҳам вафот этди. Бу вазиятдан дарҳол фойдаланиб қолишга ҳаракат қилган Араб халифаси ал-Муқтафий Эл-Арслон саройига Хуросон ва салжуқийларга нисбатан сиёсати қандай бўлишини аниқлаш учун қайта-қайта ўз элчиларини жўнатаверди. Бу билан кўп воқеаларнинг сиёсий ечими Хуросонда ва Ўрта Шарқда Эл-Арслоннинг кимларни қўллаши ва кимларга қарши кураш олиб боришига боғлиқ эканлигини эътироф қилишга мажбур бўлаётганлиги ошкор бўлмоқда эди. Эл-Арслон Араб халифаси кутмаган ва ҳатто улар душман деб қараган Ироқ салжуқийлар вакилини тахт ворислигига ҳақиқий номзод тарзида кўрсатди. Бу билан Ўрта Шарқ масалаларини ечишда Хоразмшоҳ ўзининг етакчилик мавқеини ҳам халифга кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Ҳолбуки, Ироқ салжуқий ҳукмдори Гиёсиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд Султон Марв салжуқийлари Султон Санжар вафот этгач, ўзини Марв ҳам Ироқ салжуқийларининг ягона султони деб тан олишини халифадан сўраганида уни



ал-Муқтафий рад қилган эди. Энди шу масалада Хоразмшоҳдан маслаҳат сўраганида айнан Фиёсиддин Муҳаммад номзодини Эл-Арслон томонидан илгари сурилиши Араб халифалиги пойтахти Бағдоддаги сарой амалдорларини, хусусан, халифани ва унинг Девони олий вазиру вузароларини ноқулай ҳолатга солиб қўйди. Бундай сиёсати билан Эл-Арслон фақат Араб халифалигига эмас, балки Шарқ мамлакатлари ҳукмдорларига ҳам ўзининг мустақил ташқи сиёсат олиб боришини маълум қилди. Оқибат шундай бўлдики, Шарқдаги ички низолар домига тортилган кўплаб мамлакатлар ҳукмдорлари рақиблари билан ўзаро тахт талашар эканлар, барчаси бири иккинчисига билдирмай Эл-Арслонни тахтни эгаллашда ёрдам беришга ундардилар. Қайси бири курашда ғолиб бўлишга умиди йўқолса, бош уриб Хоразмшоҳ саройига кела бошладилар.

Қўшни давлатларнинг ўзаро низоларидан ўз вақтида фойдаланган Эл-Арслон дарҳол Нишопурни эгаллади. Сўнгра Эроннинг кўплаб вилоятларини ўз мамлакати таркибига киритиб олди. Нишопурнинг Хоразмшоҳ Эл-Арслон томонидан эгалланиши энди Хоразмшоҳнинг Ўрта Шарқ ташқи сиёсатида унинг мавқеини оширди. Энди у шу ҳудуддаги кўп мамлакатларнинг ички ишларига аралашадиган бўлди. Бунга ўша минтақадаги мамлакат амирлари, лашкарбошилари ўртасидаги зиддиятлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада Эл-Арслон жануби-ғарб ҳудудлари бўйлаб қилган юришлари давомида Ўрта Шарқдаги рақибларидан кўпчилигини мағлуб қилиб, ўз сарҳадларини кенгайтиришга эришди.

Эндиги муаммолар ва хавfli таҳдидлар яна қорахитойлар томонидан кучайди. Эл-Арслон қорахитойлар масаласида салжуқийларга сарфланган кучлардан кўп куч сафарбар қилишини билар, ҳали улар билан тўқнашув катта талафот ва тер тўқишларга сабаб бўлишини яхшигина англаб турарди. Хоразмшоҳ ўз асабларини ҳам, қўшиннинг бардош бериш қобилиятини ҳам навбатдаги қудратли ғаним қорахитойларга қарши анча узоққа чўзиладиган, давомли жангларга тайёрлашга жиддий тарзда киришди. Хоразм Шарқнинг йирик салтанатига айланиши лозим. Олдда ҳам, ўнгда ва сўлда ҳам ғанимлар, уларга бас келишнинг ягона йўли битта, у ҳам бўлса қиличлар жангга ҳар дақиқада шай, отлар эса эгар-жабдуғи солиғлиқ, жанговар ҳолатда туриши лозим. Тинимсиз жангларда ғолиб ва омон қолганларгина яшашга ҳақли. Миллий давлатчилигимизнинг ўрта асрлардаги забардаст вакиллари билан бўлмиш Эл-Арслон деса дегулик давлат арбоби ва лашкарбошининг қўлидаги жанг байроғи шу тариқа барала ҳилпираб борарди. Эл-Арслоннинг Ватан олдидаги буюк ишларидан бири — бу даҳшатли душман қорахитойлар ҳужумидан ўз юртини сақлаб қолганлиги бўлди. Ана шу воқеадан сўнг у оғир касалликка чалинди.

1172 йилнинг 17 мартда Хоразм учун умрининг охирига нафасигача курашган давлат арбоби ва забардаст лашкарбоши Эл-Арслон вафот этди. Тахтда қанча вақт ўтирган бўлса, қанча умр кўрган бўлса, ҳаётининг онгли қисмининг барчасини Ватан озодлиги ва мустақиллигига доимий таҳдид солган хавfli ғанимларга қарши тинимсиз курашга бағишлади.

## ТОЖУ ТАХТ УЧУН КУРАШ ОЛОВИ АЛАНГА ОЛДИ

Қайсидир файласуфлардан бири айтмишки: „Тожу тахтда сеҳрли куч бор, у оҳанрабодай кўпчиликни ўзига чорлайди. Аммо тахт битта, унга интилувчилар эса мингта, сўнгги сўз эса қиличга қолади“. Қўзна тарих бу ҳикматнинг тўғрилигига минг йиллар гувоҳ бўлиб келган. Бу қисмат хоразмшоҳлар саройини ҳам четлаб ўтмади. Учқуннинг алангага айла-

нишига ё баҳона, ёхуд сабаб доимо тайёр туради. Учқундан аланга чиққач, ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Тожу тахт учун курашнинг энг фожиавий тарафи ҳам шунда. Сиёсий кураш авж паллага чиққач, ота фарзандини, ака укани, тоға эса жиянини аяб ўтирмайди. Жаҳл кучи қиличда намоён бўлади. Бунга кўҳна тарих жуда кўп бора гувоҳ бўлган.

Эл-Арслон вафот этган чоғда Хоразмшоҳнинг кичик ўғли Кўҳна Урганчда, катта ўғли эса Жандда ҳоким эди. Бу вилоят қорахитойлар билан чегарадош ҳудуд бўлиб, Эл-Арслон катта ўғли Такашнинг лашкарбошилиқ қобилиятини ҳисобга олиб, уни ўша ҳудудлар ноиби қилиб жўнатган эди. Мабодо, қорахитойлар мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудлари томонидан таҳдид солса, катта ўғил Такаш қорахитойлар билан ғолибона жанг олиб боради, деган фикрда чегара вилоятлар ҳимоясини унга ишониб топширган эди. Такашнинг укаси (ота бир она бошқа ака-укалар) Султоншоҳ Маҳмуд ҳали тажрибаси етарли бўлмагани учун пойтахт Кўҳна Урганчдаги сарой амалдорлари томонидан сиёсат ва ҳарб илмларини ўрганиш билан банд эди. Эл-Арслон вафоти олдидан истеъдодли ўғли Такашни чегара ҳудудларини ишончли ҳимоя қилаётганлиги боис уни чақириб олгиси келмади. Негаки, Жанд вилояти чегаралари яқинида қорахитойлар катта қўшин захиралари йиғайтганлигидан ташвишланиб, Такаш бу ҳақда отаси Хоразмшоҳни бир неча бор огоҳлантирган эди. Ватан хавфсизлигини кўпроқ ўйлаган Эл-Арслон таҳликали вазиятда кичик ўғил Султоншоҳни ўлими олдидан валиаҳд қилиб тайинлаганлигини Олий девонига маълум қилди. Бу ҳақдаги хабар катта ўғил Такашга етказилганда у ўзини камситилгандек ҳис қилиб, етиб келган чопарларга ўз норозилигини билдириб, уни Кўҳна Урганчга етказишни талаб қилган. Султоншоҳ ҳали ёшроқ бўлганлиги учун саройда катта таъсирга эга бўлган шахзоданинг онаси сарой ва ҳарбий ишларнинг бошқарувини ўз қўлида тўплади. Султоншоҳнинг онаси Эл-Арслоннинг иккинчи хотини бўлиб, у Олий бошқарув девони ва ҳарбий кенгашларда қатнашиб, эрига аниқ-тиниқ маслаҳатлар бера олиши билан обрў орттиришга эришган шаддод ва ақлли малика эди. Такашнинг онаси эса Эл-Арслоннинг биринчи хотини бўлиб, унда тақводорлик руҳияти устунроқ турган. У сарой канизақлари тарбияси ва Хоразмшоҳнинг ҳарами масалалари билан кўпроқ шуғулланиб, уни сиёсат ва ҳарб ишларидан кўра саройнинг, эл-юртнинг маънавий-маърифий ҳаёти, мадрасаларга вақфлар ажратишга доир маданий соҳалар ҳомийлиги қизиқтирган.

Такаш укаси Султоншоҳнинг тахт ворислигини тан олмаслиги саройга маълум бўлгандан кейин ўгай онаси (яъни Султоншоҳнинг ҳақиқий онаси) Такашни исёнкор деб эълон қилдириб, уни Кўҳна Урганчга банди қилиб келтиришга фармон берди. Бу ишлар тинч ҳал бўлмаслигини яхши англаган Султоншоҳнинг онаси ишончли лашкарбошилари-дан бирини ҳарбий кучларга бош қилиб тайинлаб, Жандга жўнатди. Энди Такаш ўз сиёсатини ўзгартиришга мажбур эди. Ўзининг банди қилиб пойтахтга олиб кетилишини кутиб ўтирмай, шимоли-шарқий чегараларга қалқон бўлиб турган Такаш, ашаддий душманлари қорахитойлардан паноҳ сўраб борди. Хоразмда ака-укалар ўртасида уруш ва низолар бошланганлигини эшитган ғанимлар мумкин қадар бу курашни узоққа чўзилишини астойдил истаб, оловга кўпроқ ўтин қалаш пайти етиб келганлигини ангадилар. Нима бўлганда ҳам ғарбий чегараларидаги қўшин ва ашаддий душмани Хоразмшоҳлар давлати шу воқеалар баҳонасида қорахитойлар қопқонига тушиб, унга қарам мамлакатга айланса бас, бунда шахзодалардан қай бири қорахитойлар қўлида қўғирчоқ бўлишининг аҳамияти йўқ эди. Улар Такашнинг бош уриб келишини хурсандчилик билан кутиб олдилар. Уни қорахитой маликаси Чэн Тиён ўз саройида қабул қилди. Малика қора-

хитойлар гўрхони<sup>1</sup> Елюйуй Тошийнинг қизи бўлиб, ундан ўғил фарзанд қолмагани учун қизини валиаҳдликка тайинлайди. Чэн Тиённи ёшлиқдан қорахитой ҳукмдорининг ўзи сиёсат илмидан кўзи пишсин деб, турли мамлакатлар элчиларини қабул қилишда унга ўз ёнидан жой бериб, сиёсий музокара ва битим ишларини олиб бориш йўлларини диққат билан ўрганишни талаб қилади. Натижада ҳукмдор қизи Чэн Тиён сиёсат илми ва бу ишларнинг дипломатик ва амалий нозик жиҳатларини эгаллашга жон-жаҳди билан киришиб, балоғат ёшига етганида ташқи сиёсат масалаларида ҳукмдор отаси ишончини қозониб, бу мураккаб соҳани мустақил бошқара бошлайди. Бу вақтда у қорахитой сарой вазирининг забардаст лашкарбошилардан бири бўлиб танилаётган Фумага узатилиб, ҳали тўй либосларини ечмаган келинчак малика эди. Такашнинг жуда жиддий қиёфаси, лашкарбошиларга хос лўнда, аммо мазмундор сўзлари маликага ёқиб қолди ва уни ҳимоя қилишга сўз берди. „Сиздек келажаги порлоқ лашкарбоши, туркий паҳлавон йигитни ҳимоямга олсам, мен эвазига нима оламан?“ дея уни синаб кўриш учун Такашга сиёсий-руҳий зўриқтирувчи саволлар билан мурожаат қилар экан, унинг довдирашларини кўриб, агар у шундай ҳолатга тушса, мен учун дам олиш, завқланиш лаҳзалари бўлади, деб ўйлаган малика шаҳзодани зимдан кузатади ва унинг жавобини диққат билан кутади. Такаш унга: „Биз туркийларда яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш ота мерос анъана, яхшиликка душманлик билан жавоб қайтариш эса пасткашнинг иши, асло одамийлик эмасдур. Мендек шаҳзода эр йигитнинг оёғингизга бош уриб келишимнинг ўзи сиздай малика олдида икки дунё қарздор бўлганлигимнинг далили эмасми, сизга яна нимани ваъда қилай. Аввал менга амалий ёрдамингизни беринг, агар ҳақиқатда менга ёрдам бериш кўнглингизда бўлса, бу яхшиликни қандай қилиб қайтариш қалбим ва вақтнинг сири бўлиб тура қолсин. Сўзига собит, имонини ютмаганлар олдиндан ваъдалар бермайдилар. Мен тўйдан олдин ногора чалишни ёқтирмайдиганлар тоифасиданман“. Такашнинг мардона, жасоратомуз, гарчи унинг олдида тутқунсифат бир инсон бўлиб турса-да, ибратли жавобларидан малика қониқиш ҳосил қилдигина эмас, жуда хурсанд ҳам бўлди. Сўнгра қорахитойларнинг машҳур лашкарбошиси, эри Фумани чақиртириб, Такашни хоразмшоҳлар тахтини эгаллагунга қадар уни ҳимоя қилиб жанг қилиш учун Хоразмга шаҳзода билан кетиши ҳақида фармон берди. Фума ва Такашнинг бирлашган кўшини пойтахт Кўҳна Урганчга яқинлашиб қолганлигидан хабардор бўлгач, Султоншоҳ ва унинг онаси ўзига тарафдор амалдорлар, лашкарий қисмлар, жумладан, сарой хазинасини олиб, Нишопур ҳукмдори, отаси Эл-Арслоннинг собиқ фаними Муаййид Ой-Або ҳузурига бориб, унинг оёғига йиқилдилар, ҳимоя қилишини илтижо қилдилар.

Хоразм аҳлининг Султоншоҳга нисбатан Такашдан умидлари катта эди.

У адолатни ҳимоя қиладиган, фуқаропарвар ва мард лашкарбоши сифатида эътирофга сазовор шаҳзода бўлиб танилиб улгурган эдилар. Султоншоҳ шаҳзода тўғрисида эса хоразмликлар унинг на иссиқлиги, на совуқлиги ҳақида кўрмаган, эшитмаган эди. Шунинг учун Такашни пойтахтликлар хурсандчилик билан кутиб оладилар. Такаш қорахитой лашкарбошиси Фумани қимматбаҳо ҳадялар билан сийлаб, лашкарини то қорахитойлар юртига етадиган даражада харажатлар, озиқ-овқат, ем-хашак билан таъминлаб жўнатиб, маликага эса миннатдорчилик билдиришни илтимос қилади. Албатта, имкон топиб давлатнинг ички ишларини тартибга келтиргач, элчиларини жўнатишга ёки Такаш шахсан ўзи қабулида бўлишга ваъда беради. Шу тариқа 1172 йил 11 декабрда Такаш халқнинг хоҳиш-иродаси ва қўллаб-қувватлаши билан Кўҳна Урганч тахтига ўтирди. Саройда-

<sup>1</sup> Гўрхон — ҳукмдор.

гилар ва халқ оқсоқоллари унга қасамёд қилдилар. Такаш қорахитойдек ҳукмдор олдида титраб-қақшамай, уларга Ватаннинг бир қарич ерини ҳам инъом қилмай, қонуний ворислигини тиклашда ёрдам беришларини сўраб, катта ваъдалар беришдан тийилган бўлса, укаси Султоншоҳ қайси қўшни мамлакатлар ҳукмдори ҳузурига ёлвориб борар экан, ҳатто муқаддас Ватан ҳудудларининг бир неча вилоятларини инъом қилиб юбораверди. Менга фақат тожу тахтни акамдан олиб берсангиз бас. Содиқ қулингиз бўламан, қайси вилоятни сўрасангиз, ҳукмингизга ҳавола қиламан, дея уларнинг оёғига йиқилаверди. Ҳатто, Хоразм халқи бутунлай менинг томонимда деб, алдовларни тап тортмай ишга солди. Унинг онаси малика Нишопур ҳукмдори Муаййид Ой-Або билан учрашар экан, агар тахтни ўғлимга олиб беришда ёрдам берсангиз, Хоразмни мулкингизга қўшиб берман, содиқ вассал, қулингиздек умримиз борича ўғлим иккимиз хизматингизда турурмиз, дея ғурурларини ерга урувчи ҳаракатлардан ҳам қайтмадилар. Тож эгаси бўлиш учун она-бола эл-улус, Ватан ор-номусидан кечдилар. Тож-тахт васвасаси уларнинг юрагини тош, кўзини сўқир қилиб, виждоний бурчларини унутишгача бордилар.

Хоразмшоҳ Такаш эса ҳар икки томонни ҳолдан тойдирувчи сичқон-мушук ўйини тарзидаги қочиш-қувлашлардан ғоят безди ва укаси Султоншоҳни йўлдан олиб ташламагунча Хуросон ва Хоразмда тинчлик ўрнатиш мушкул эканлиги боис ҳар қандай шароитда ҳам укасини бир ёқлик қилишга аҳд қилди.

Султон Такаш укаси исёнини бостириш йўлида жуда катта иқтисодий-ҳарбий, шунингдек, жисмоний-руҳий кучини сарфлаб, ниҳоят йигирма йиллик низога чек қўйди. Мабодо, унинг учун бебаҳо ҳисобланган шу даврни Ватан хавфсизлиги ва равнақига сарфлаганида эди, бу серғайрат давлат арбоби ҳамда истеъдодли лашкарбоши сифатида янада улғувор ишларни амалга оширган бўлур эди. Аммо афсусдан фойда йўқ. Шу боис укаси Султоншоҳга сўнгги ҳал қилувчи зарбани беришга шиддат билан киришди.

1193 йил мартада асосий қўшинларини олиб Серахс қалъасига қараб юрди. Жонини омон сақлаш мақсадида қалъа қутволи Бадриддин Такашнинг ғазаб отига минганлигини кўриб, қалъа калитларини Султоншоҳнинг хазинаси билан қўшиб Хоразмшоҳга топширди. Энг мустаҳкам ва ишонган қалъанинг қўлдан кетиши Султоншоҳга жуда ёмон таъсир қилди. Ҳамма орзу-умидлари барбод бўлганига ишонч ҳосил қилди. Энди унинг қўшинни ушлаб туришга на маблағ, на озиқ-овқат топиш имкони қолди. Чучук сув дея излаб келган жойи сароб бўлиб чиқди. Юрагини чангаллаганича отдан оҳ тортиб йиқилди, ўзига келмай, шу фожианинг иккинчи куни, яъни сентябрнинг учинчи ҳафтасида жон таслим қилди. Юрак бу ғам-аламларни кўтара олмади, қалби куйиб кетди. Шу тариқа тож-тахт учун ака-укалар ўртасидаги кураш йигирма йил давом этди. Ташқи сиёсатда жуда катта ғалабаларга эришиши мумкин бўлган истеъдодли ҳукмдор Хоразмшоҳ Такашнинг оёғига Султоншоҳ темир тикан бўлиб санчилиб, унинг йўлига ров солди. Агар Султоншоҳ шу қайсарона муштаракликда шаклланган куч-иродаси ва ҳарбий лаёқатини акаси Такаш билан ҳамкорликда давом қилдирганида, шубҳасиз, бу истеъдодлар Хоразмни дунёнинг буюк салтанати даражасига кўтаришлари муқаррар эди. Аммо фанимлар икки ака-ука шаҳзодалар ўртасидаги чўғни пуфлаб, аланга олдирдилар. Бу аланга гоҳ Хоразм, гоҳ Хуросон ҳудудларида ловуллаб, кўплаб шаҳар ва қишлоқларни домига тортди. Қадимий шарқона удум ва қадрият бўйича амал қилинадиган анъана четга сурилди. Ука ака ҳукмдорга асло бўйсунини истамади. Бу фанимлар учун байрамона кечган кунлар бўлди. Бу ёнаётган олов тафтидан фанимлар бамайлихотир тафт олдилар. Шу тафт иссигидан жонлари роҳат ва ҳузур топишди. Ака-укаларнинг ўзаро

қаҳр-ғазаб низолари Хуросон ва Хоразм аҳлига катта зиён-заҳмат етказди. Йигирма йиллик халқ меҳнати, йигирма йиллик тўпланган хазина ўзаро урушга сарфланди, шамолга совурилди. Аммо, дийдаси урушлар домида қотган халқ бир қўлида қилич, бир қўлида кетмон ушлаб куйган, вайрона жойларни қайта тиклашда давом этди. Қодоқ қўллар меҳнатдан, Ватанни озод қўришни истаган мард жангчилар жангдан ўзини четга олмади. Халқдаги шу сўнмас ғайратни, шижоатни ўз кўзи билан кўриб, улар билан бирга нафас олган забардаст Хоразмшоҳ Такаш қолган умрини миллий давлатчилигимиз куч-қудратини, халқ эрки ва Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда таъминлашга сафарбар этишга қасамёд этди. Шу ишончли мақсадлар сари ҳаракатлар боис Хоразмшоҳлар давлати буюк бурилиш ва ўзгаришлар чорраҳаси остонасига яқинлашиб қолган эди.

## САЛТАНАТ САРИ ИЛК ҚАДАМЛАР

Хоразмшоҳ Такаш укаси билан бошланган узоқ ва тинкани қуритувчи ички низолардан қутулиб, нафасини ростлаб олиш имкониятига эга бўлди. Энди унинг олдида иккита вазифа кўндаланг турарди. Биринчиси, хоразмшоҳлар мамлакатининг иқтисодий-маданий қудратини кўтариш, иккинчиси, Шарқда фаол ташқи сиёсат юритиб, ўз давлатининг ҳарбий-сиёсий обрў-эътиборини янада ошириб, уни Осиё қитъасининг йирик салтанатига айлантиришдан иборат эди. Энди унинг режаларини орқага тортадиган мамлакат миқёсида куч йўқ эди. Шу боисдан Такаш Хоразмшоҳ 1193 йил охирига қадар укасининг тўсиқ бўлишидан фойдаланиб, иккиюзламачилик, гоҳида дўстлик, гоҳида душманлик байроғини кўтариб юрган хуросонлик ҳукмдору ноиблар, вилоят ҳокимларининг танобини тортиб қўйиш, умуман, бу ҳудудларни салтанатнинг мустаҳкам таркибий қисмига айлантириш ишлари билан машғул бўлди. Натижада Толиқон, Марвируд, Ҳирот йўналишидаги вилоят ҳудудлари унинг тасарруфига ўтди. Шу билан Такашнинг ҳаракат қилиш стратегик ҳудудий доираси янада кенгайди. Султоншоҳ даврида йўлига асосий ров бўлган Марв шаҳри Хоразм мулкига айланди. Хоразмшоҳ катта ўғли Маликшоҳни Нишопур ҳокимлигидан чақириб олиб, Марвга ҳоким қилиб тайинлади. Нишопурни эса иккинчи ўғли Қутбиддин Муҳаммад иккинчига топширди.

Ички қурашлардан холи бўлиш Хоразмнинг тез юксалишини таъминлашида муҳим омил бўлди. Ислом олами мамлакатларида вазият ҳам анча кескинлашиб, улар Хоразмшоҳга салбий таъсир қиладиган бирон зиён-заҳмат етказа олмаганлиги, бошқа бир томондан Хоразмнинг қалтис душмани қорахитойлар ҳам XII асрнинг 90-йилларида Хоразмшоҳ Такашга ҳал қилувчи зарба берадиган юришлар ташкил қила олмади. Бу вазият Хоразмшоҳга ички зиддиятларни батамом тугатиб, ташқи сиёсатни жадал юритиш, давлатини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ва ҳарбий жабҳаларда қудратини ошириб, юксалишига шароит яратди. Хоразмшоҳ бу имкониятларни қўлдан чиқармай, ғайрат ва шижоат билан иш кўрди, тиним билмай олға юрди. Натижада ғалабалар кетидан ғалабаларни қўлга кирита борди.

Хоразмшоҳ Хуросонни, асосан, ўзига тобе қилиб бўлгач, шимоли-шарққа нигоҳини қаратди. Бунинг сабаби бежиз эмасди. Даҳшатли қорахитойлар кўпинча Хоразм биқинига ўша томондан ханжар ўқталишни қулай деб ҳисобларди. Ҳеч бўлмаганда жангари қипчоқ амир ва лашкарбошилари Хоразм ҳудуди ҳисобига кенгайтириш ва бойлик орттиришга ундаб, қорахитойлар уларнинг тўхтовсиз ҳужумлари билан Хоразмшоҳнинг қудратини заифлаштиришга доимий ҳаракат қилиб келардилар. Шунга кўра, Хоразм давлатининг мустаҳкам бўлиши кўп жиҳатдан шимоли-шарқда Жанд ва Барчил-Бкент ва унинг атроф ҳудудларининг



Салжуқийлар ҳукмдо-  
ри Султон Санжарнинг  
зарб қилдирган кумуш ва  
мис танга пуллари.



Султон Санжар Дашти Қипчоқ ва Шимолий чегара худуд-  
ларидан қайтаётиб Хоразм ноиблигидаги оқила онахонга дуч  
келади. Унинг доно жавобларидан мамнун бўлаётган пайт.

доимий Хоразмшоҳлар давлатининг таянчи, истеҳкоми вазифасини бажариб туришига боғлиқ эди. Буни Хоразмшоҳ Такаш отаси Эл-Арслон ҳукмдорлиги даврида Жандга ноиб қилиб тайинланган кезлардаёқ яхши тушуниб етганди. Кейинроқ тақдир тақозоси билан Жанд ҳокимлигини ўғли Маликшоҳга топшириб, ўзи шоҳлик тожини кийиш учун Кўҳна Урганчга кетар экан, Жанднинг Хоразм таркибида туриши сиёсий-ҳарбий зарурат эканлигини алоҳида фармон чиқариб, ўғли Маликшоҳга жўнатганлигиданоқ кўриш мумкинки, Такаш сиёсат дипломатиясида узоқни кўзлаб ҳаракат қилганлиги маълум эди. Фармон Такашнинг Ташқи ишлар девони (Девони ал-иншо) бошлиғи Баҳоуддин Муҳаммад ал-Бағдодий қўли билан тайёрланиб, Хоразмшоҳ муҳри билан тасдиқланган. Унда Жанднинг стратегик аҳамият касб этган ҳудуд эканлиги тўлақонли очиб берилади. Олий ҳужжатда Жанд „Ислом заминининг энг муҳим таркибий қисми ва ролибона давлатимизнинг асоси ва ибтидоси“ дея уқтирилади. Хоразмшоҳ Хоразмга қандай жиддий аҳамият берса, бу ўлкага ҳам худди шундай эътибор беришини таъкидлаб ўтади. Фармонда Жанд аҳолисининг ижобий фазилатлари келтирилиб, Хоразмшоҳлар салтанати чегараларининг жасур ҳимоячилари тарзида уларнинг фаолиятига юксак баҳо берган эди. Динсизларнинг ҳар қандай ҳужумларини даф этишга қодир бу аҳоли орасидан мард, тажрибали ва жасур йигитларни тўплаб, улар билан доимий жанговар машқлар ўтказиб, чегараларни қўриқлаш ва мунтазам қўшин сафларини тўлдириб туришга даъват этилади. Фармонда масаланинг ҳарбий жиҳатлари ва хавфсизликка доир соҳалари қайд этилиб қолмасдан, ерлик халқлар орасида яшаётган байналмилал қабила ва уруғлар, улар хоразмликми, бегона бўладими, турк ёки тожик, ёхуд исталган бир хорижлик фуқаро бўладими — барчасига бир хил кўз билан қараш, уларнинг савдо-сотиқ ишларига тўсқинлик қилмай, аксинча, амалдорлар уларга фақат қулай имкониятлар яратиб бериши қатъий талаб этилди. Савдо ва тижорат билан шуғулланувчиларнинг чўлми, биёбон, тоғ ва дашт бўйлаб ўтадиган йўллари хавфсизлиги тўла таъминланиши, уларнинг моли ва жони турли йўлтўсар, қароқчилардан тўла ҳимояланиши шарт эканлиги фармонда алоҳида қайд этилди. Негаки, иқтисодий тўкинчилик, осойишталик, қонунларга амал қилиш, ҳуқуқий тенгликнинг турли қавмлар ўртасида адолатли амал қилиниши давлатга, унинг ҳукмдорларига бўлган ишонч ва садоқатни кучайтирар эди. Хоразмшоҳнинг Жандга бунчалар жиддий эътибор беришининг яна бир сабаби, агар қорахитойлар билан узоқ давом этадиган уруш бошланса, қўшинни озиқ-овқат, жанговар қуроллар захиралари билан узлуксиз таъминлаш Жанд, Барчиликент шаҳар ва вилоятлари зиммасига тушарди. Шунинг учун бу ерда қуролсозлик устахоналари, қалқонсозлик устахоналари, ёй, сифатли шамшир, жанговар зирҳли кийимлар тайёрлайдиган ҳунарманд усталарга алоҳида давлат ғамхўрликлари амалга оширилди, рағбатлантирилди. Масаланинг иқтисодий томонига жиддий эътибор ҳам шунда эди. Узоқ чегара ҳудудларида жанг ҳаракатлари муваффақиятли олиб борилиши узлуксиз иқтисодий таъминот билан чамбарчас боғлиқ эди. Шунга кўра, фармон сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда Жанд ҳокими Маликшоҳ ва ундан кейинги амалдорлар учун кундалик дастур ҳам бўлди. Бу Хоразмшоҳ Такашнинг мамлакат хавфсизлиги ва чегаралар дахлсизлиги йўлида нақадар жонқуярлиги ва қўл остидаги амалдорларни ҳам шундай масъулиятни ҳис қилишга йўналтирганлигини кўрсатади. Фармоннинг ҳаётга татбиқ этилиши катта ижобий самаралар берди. Такаш Хоразмшоҳ ғоят узоқни кўзлаган ташқи ва ички сиёсат юрита бошлаган эди.

Бундай фармонлар Сирдарёнинг чегара бўйлаб чўзилган ўнг тарафида жойлашган шаҳар ва вилоятлар ҳокимларига ҳам жўнатилди. Уларнинг мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ўрни, аҳамияти алоҳида таъкидлаб кўрсатилди. Хоразмшоҳ ўша ҳудудларни бошқарувчи амалдорларига фақат юқоридаги тадбирларни амалга ошириш билан ўралашиб қолмасдан,

чегарага қўшни бўлган мамлакатларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш, чегара ҳудудлари яқин-атрофларида қўшинларнинг тўпланиш ҳолатларини ва сабабларини билиш, уларнинг мақсадларидан хабардор бўлишларига жиддий эътиборини қаратди.

Хоразмшоҳ Такашнинг шимоли-шарқ йўналишлари бўйича ташқи сиёсатидаги муҳим ютуғи қорахитойларнинг қипчоқлар жангари қабилаларини Хоразмга қарши уруш ҳаракатларига тортиш сабб-ҳаракатларига қарамай нозик сиёсат юритиб, аста-секинлик билан уларни бетараф қилишга эришди, сўнгра ўз иттифоқчисига айлантиришга муваффақ бўлди.

Қипчоқлар билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлай борган сари, қорахитойлар таъсирида бўлган шаҳар ва вилоятларни тортиб олиш эвазига Хоразмшоҳ ўз салтанати ҳудудларини кенгайтиришни давом эттирди. Шу билан бирга, ўзи эришадиган ғалабалар ҳақида жануби-ғарбда унга тобе бўлган ноиблар ва рақобатлашиб келаётган мамлакатлар ҳукмдорларига маълумотлар бериб борди. Бу билан Хоразмшоҳ Такаш ўзининг куч-қудрати тинимсиз ошиб бораётганлигини уларга намоён қилди. Жумладан, Барчиликент ва Работи Тўғон шаҳарларини қорахитойлардан тортиб олиб, ўз мулки таркибига киритганлигини ва ўғли Тожиддин Алишоҳни у ерларнинг ноиб қилиб тайинлаганлигини гурийлар ҳукмдорига ҳали укаси билан кураш олиб бораётган 1181 йиллардаёқ маълум қилган эди. Бу билан Хоразмшоҳ Такаш атрофидаги мамлакат ҳукмдорларига гуё укаси Султоншоҳ билан курашиш мен учун ҳал қилувчи аҳамиятли воқеа эмас, кучли давлатлар билан ташқи сиёсат муаммоларини ҳарбий ҳаракатлар билан қўшиб олиб боряпманки, бу мен учун муҳим аҳамиятта эга, деяр экан, Хоразмшоҳлар давлати қудратли кучга эга, деган фикрни илгари сурмоқчи бўларди, уларнинг наздида.

Хоразмшоҳ Такаш тобора бу фикрлари ҳаволаниш эмас, балки, асл ҳақиқат эканлигини исботлай олди. Жангари кўчманчи қабилаларнинг атоқли лашкарбоши ва сардори Алп-Қора бошчилигидаги қипчоқлар Хоразмшоҳ Такашни Шарқнинг энг буюк ҳукмдори ва саркардаси дея эътироф этиб, Жанд ва Барчиликент чегараларига келиб, Жанд ноиб Маликшоҳ хизматига кириб, Хоразмшоҳнинг ҳар қандай юришларида қатнашиб, хоҳлаган душманларига қарши жасорат билан жанг қилишини маълум қилдилар. Қорахитойлардек қудратли ганим шарқий чегараларда ҳар дақиқада таҳдид солиб турган бир пайтда бундай иттифоқчининг топилиши катта воқеа бўлди.

Қипчоқларнинг бундай иттифоқчилик мақсадидаги ҳаракатларини мамнуният билан қабул қилган Такаш Жанд ҳудудида тўпланган Алп-Қора ва унинг ўғли Қирон ҳамда уларга ҳамроҳ бўлиб келган Ёғир қабила сардорларини Кўҳна Урганчга ўтказиб юбориш ҳақида Жанд ноибига кўрсатма берди. Такаш улардан салгина хавфсираб, уларга ишончсизлик билан қараб, чегарада бундай лашкарнинг тўпланиши хавфсизлигимизга таҳдид солиши мумкин ёки қорахитойларнинг қипчоқларни шу усул билан Хоразм ҳудудларига кириши талафотсиз босиб кириб, кўплаб бойликларини тортиб олиш имконини беради, қабилдаги ҳарбий ҳийласи бўлиши мумкин, дея уларни орқага қайтариб юборганида, қипчоқлардек кучли иттифоқчидан ажралиб қолган бўлар эди. Такашнинг бундай вазиятларда таваккал қилиб, ҳали синовдан ўтмаган бегона катта лашкарий қисмларни бирданига пойтахтига чақириши унинг мард ва жасорати бемисл бир ҳукмдорлигини кўрсатади.

Хоразмшоҳ Такаш таклифи билан қипчоқларнинг энг жанговар қабилаларидан тузилган қўшин Кўҳна Урганчга етиб келди. Уларни кутиб олиш тантанали ташкил этилди. Шаҳар остонасида машҳур карнай ва сурнайчилар Хоразмнинг ўйноқи шўх наволарини баланд оҳангларда чалиб турдилар. Хоразмнинг эндигина тандирдан узилган ширин нонларини кўтарган гуруҳ лашкарни нон-туз билан сийладилар. Кутиб олиш чинакам дўстлик,



иттифоқчилик байрамига уланиб кетди. Ҳар бир маҳалла қипчоқ аскарлари бўлинмаларига ош ва тансиқ егуликлар тортиб, меҳмон қилишди. Саркарда ва лашкарбоши ҳамда қабилა йўлбошчилари саройда тайёрланган шоҳона базмга олиб кетилди. Жуда иззат-хурмат ўрнига қўйилган қўшин сардорлари бир неча кун қадрли меҳмон сифатида мулозамат кўргач, Хоразмшоҳдан қандай хизмат бўлса, буюришини сўрадилар. Жангларда синалган ўнта лашкарбошилари ажратиб, уларни етарли қўшин билан таъминлаб, уларга иттифоқчи қипчоқлар билан бирга қорахитойларга қарши шарқий чегараларда жанг олиб бориш вазифаси юкланди. Сафар олдидан қипчоқ сардор ва лашкарбошиларига қимматбаҳо совға-саломлар ҳадя қилинди. Жангчиларга эса уч ойлик маош олдиндан хазина ҳисобидан тўланди. Улар қандай тантана билан кутиб олинган бўлса, шундай тантанавор тарзда кузатилди. Шарқий чегараларда муваффақиятли жанг олиб борган қипчоқлар Хоразмшоҳ берган нон-тузни оқлади. Натижада ҳарбий кучлари анча лат еган қорахитойлар Хоразмшоҳлар юртига қилинадиган ҳал қилувчи юришларини кечиктиришга мажбур бўлдилар. Аввалда Хоразмшоҳга тобе бўлган ҳудудларни қайтариб бериш ёки ташлаб кетишдан бошқа иложи қолмади.

Бухоронинг эгалланишини ҳам Такаш Хоразмшоҳнинг Мовароуннаҳрдаги қорахитойлар таъсирини заифлаштиришга қаратилган дипломатик ва ҳарбий тадбирларни устомонлик билан қўшиб олиб боришининг оқибати деб қарамоқ лозим. Уни қорахитойлардан тортиб олинишини Хоразмшоҳнинг ўзи улуғ жиҳод деб баҳолади. Шаҳар фатҳига доир чиқарган ёрлиғида Хоразмшоҳ саройининг Девон ал-иншо маҳкамаси бошлиғи Баҳоуддин ал-Бағдодий томонидан битилган ҳужжатда Бухоронинг босиб олиниши „Жиҳоди Аъзам“ билан қиёсланиб, „оловдай даҳшатли, шамолдай учқур“ Хоразм қўшини бир лаҳзада Жайхундан кечиб ўтдилар ва Бухоро заминига босиб кирдилар. Бухорода Хоразмшоҳ номига хутба ўқилди ва танга зарб қилина бошланди. Бухороликлар Хоразмшоҳга шаҳарни топширмаслик учун жон-жаҳди билан қаршилиқ қилади. Бу билан чекланмай, Такашни масхараловчи ҳар хил масхарабозлик усуллари шаҳар мудофаа девори тепасида намойиш қилиб, шахсиятига тегадилар. Хоразмлик аскарлар эса мўминларга қарши уларга жавоб сифатида бундай номаъқул хатти-ҳаракатларни қилмадилар. „Сизлар куффорлар таъсирига тушиб, исломдан қайтибсизлар, шу қайсар феълингизда давом қилсангиз, ўзларингизга жабр қилган бўласизлар“, деб жавоб йўлладилар. Оқибат Такаш Хоразмшоҳ Бухорони қўлга киритди. Аммо Бухоро аҳли энди аввалда қилинган ножўя ҳаракатларимиз учун қирғин қилинамиз, дея ваҳимага тушганда уларга омонлик бериб, барчаси осойишта ўз ишларини тинчлик давридагидай давом қилдиришларини эълон қилади. Фақат шаҳарнинг муфтийсини алмаштиради, холос. Хоразмшоҳ шу тариқа Бухоро аҳли наздида шафқатли шоҳ сифатида таассурот қолдирди. Хоразмшоҳнинг бундай хатти-ҳаракатлари турли қўшни ҳудудларга тарқалиб, кўп ҳолларда қудратли ва марҳаматли Хоразмшоҳ тобелигини қабул қилишни ихтиёр этиш билан яқунланган. Бундай турли вилоят ва ноибликлар ҳамда ҳукмдорларни дипломатик устомонлик билан қўшиб олиш жараёнидаги ҳолатларни битиб борган Хоразмшоҳнинг ал-иншо маҳкама девони бошлиғи келажакда шахзодалар давлатни бошқарган пайтларда ибрат олсин тарзида ёндашиб, архив ҳужжатлар тўплами тузди. Уларни „Ат-Тавсил ил-ат-Тарассул“ ташқи сиёсат муносабатларига доир мажмуа ҳолатига келтирди. Ана шуларнинг ўзиёқ, Хоразмшоҳ Такаш Шарқ оламида забардаст давлат арбоби ва моҳир дипломат сиёсатчи бўлиб танилганлигини тасдиқлайди.

Хоразмшоҳ Такашнинг ғоят узоқни кўзлаган сиёсат олиб боришини, қорахитойлардан ҳадиксираб, хавфсираб ўтирмасдан тўғридан-тўғри Мовароуннаҳр ички ишларига дадил

аралашувида ва бир вақтда Хуросонни ўзига бўйсундиришдаги фаол ҳаракатларида ҳам кўриш мумкин. Хуросонни, унинг ғарбий ва шимолий ҳудудларини Такаш ўз ҳудудига қўшиб олаётганда Ироқи Ажам ва Озарбайжон отабеклари Хоразмшоҳнинг бу ҳаракатларидан ташвишга тушади. Эрта-индин Хуросоннинг тақдирига ўхшаш кун бизнинг бошимизга тушса-чи, қабалида фикрга борадилар. Хоразмшоҳ уларнинг шу йўсиндаги мактубларини олгач, хавфсирашга ҳечам ўрин йўқлигини, Хоразм билан Ироқи Ажам ва Озарбайжон ҳукмдорлари дўстона, қардошлик муносабатларида бўлиб, ташқи ғанимлар таҳдиди уларнинг қайси бирига тажовуз қиладиган бўлса, биргалашиб даф қилиш кераклиги, ўзи эса шу сўзларида собит ва содиқ туришини таъкидлаб элчиларини жўнатади. Шундан кейин Озарбайжон отабеги Жаҳон Паҳлавон билан Хоразмшоҳ ўртасида дўстлик иглари мустаҳкам боғланади. Бу муносабатлар отабекнинг ҳаёти якунигача давом этди. Хоразмшоҳ Такашнинг ишончли ҳаракатлари боис Хуросон ноиблиги бўйлаб ўтган Ироқи Ажам, Озарбайжон чегаралари ҳудудларида осойишталикка шу тариқа эришилган эди.

Хоразмшоҳ жануби-ғарбий сарҳадларининг хавфсизлигини таъминлаш учун Ширвонга ҳам тинч-тотув яшаш мақсади билан элчиларини жўнатади. Бир вақтда салжуқийларга тегишли бўлган Эроннинг Рой ва Таборак шаҳар ҳамда қалъаларини забт этди. Натижада Такашнинг куч-қудрати ошиб бораётганлигидан хавфсираган салжуқийларнинг охириги вакиллари билан бўлган Тўғрул III жон-жаҳди билан Хоразмшоҳнинг забткорлик ҳужумларини тўхтатиб қолишга киришди. Ҳарбий куч билан бунга эриша олмаган Тўғрул ўз қизини Хоразмшоҳнинг ўғли Юнусхонга никоҳлаб берди. Аммо бу билан ҳам кутилган натижага эриша олмади. Рой вилояти бутунлай Такаш давлати ҳудуди таркибига кирди. Бу билан чекланмай Такаш Ироқи Ажамни Тўғрул III таъсиридан халос қилиб, ўз тасарруфига олиш учун яна дипломатик тазйиқ усулини қўллаб, Хоразмшоҳ саройининг тақводор катта ҳожиби Шихобиддин Масъудни катта жанг бошланиши арафасида мактуб билан Тўғрул III қароргоҳига жўнатди. Шихобиддин Масъуд жуда мулоҳазаси кенг, мантиқий теран, нотиклиги билан исталган даврани ўзига қаратадиган саройнинг мўътабар амалдорларидан эди. У Тўғрул III га агар жанггоҳда қиличлар қинидан чиқса унинг оқибати ёмон бўлишини, Хоразмшоҳнинг ғазаби қайнаса, бутун сулоланинг бошида ўлим чарх уришини, ундан кўра ноиблик мақомида қолиш орқали ўзи тарафидагиларнинг соғ-омон қолишини ётиги билан, мулоимона бир тарзда тушунтириб, қуйидаги маслаҳатини берди: „Мен Алоуддин Такашнинг мамлукиман. Бу ҳолат менинг сенга яхши маслаҳат беришимга монелик қилмайди“. Элчи бор маҳоратини ишга солиб, Тўғрул III ни ўзаро жанг йўлини танламай, Хоразмшоҳга ён беришга ундади. Аммо элчини жўнатиб юборган Тўғрул III Такашга қарши жанг тадоригини кўришга киришди. Ихтиёридаги жамики лашкарий кучларини йиғиб жангга отланди.

Жанг 1194 йил 4 мартда Сова яқинида бошланди. Хоразмшоҳ қўшиннинг илғор қисмини бошқаришни Қутлуғ Инончга топширган эди. Тўғрул Султон худди шу қисмга асосий зарбани қаратади. Жанг қизиган пайтда Хоразмшоҳнинг ёйчи мерганларидан бири уни кўзидан офир яралайди. Шу заҳоти Тўғрул III отдан ағдарилади. Уни ҳимоя қиладиган жангчиларидан ҳам кўпчилиги қириб ташланади. Қутлуғ Инонч ҳодиса рўй берган жойда пайдо бўлиб, унинг воят ачинарли ҳолда, ҳали кўзига санчилган камон ўқи олиб улгурилмаган ҳолатда унга юзма-юз келди. Қутлуғ Инончга ёлвориб: „Мени бу жойдан тез олиб кет!“ — дея унга Тўғрул илтижо қилади. Инонч эса ҳўп яхши, сенинг бошингни қутқарганим бўлсин, дейди-да шартта унинг бошини танасидан жудо қилиб Хоразмшоҳга етказди. Хоразмшоҳ Такаш эса, унинг бошини келтирганиндан кўра менга унинг тиригини келтирганинда яхшироқ бўларди, деб афсусланади. Хоразмшоҳ Тўғрул III бошини Бағдод

халифасига жўнатади. Халифа унинг бошини Бағдоднинг бош дарвозаси пештоқига илиб қўйишга фармон беради. Жасади эса Рой шаҳри марказий бозори майдонига дор ўрнатиб осиб қўйилади. Исёнчи Тўғрул III нинг тақдири ана шундай аччиқ тақдир билан интиҳо топади.

Ўша даврда яшаган ўрта аср тарихчиларидан бири Садриддин ал-Хусайний салжуқийларнинг сўнги султони Тўғрул III нинг фожиали қисматини қўйидагича баён қилган эди: „Салжуқийлар сўнги султони ўлдирилганда улар наслининг қип-қизил чўққа айланган кўмиридан ёлғиз кул қолди, уни ҳам шамол кўкка совурди“.

Тўғрул III ўлимидан кейин унинг билан жанжалли ва баҳсли ҳудудларнинг деярли барчаси Хоразмшоҳ Такаш тасарруфига ўтди. Дастлаб Хоразм воҳаси ва Хуросоннинг бир қисмини ўз қамровига олган Хоразмшоҳлар давлати энди Шарқнинг бепоён ерларини ҳукмига бўйсундирган салтанат мавқеига кўтарилди. Энди унинг музаффар ҳукмдори Хоразмшоҳ билан йирик давлатлар ҳисоблашмасдан ўзга иложи йўқ эди. Хоразмшоҳнинг салтанат биноси мухташам ва ҳайбатли, музаффарият байроғи эса янада баланд ҳилпирай бошлади.

Тўғрул III устидан ғалабадан сўнг Ироқи Ажам ҳам Хоразмшоҳ ҳудуди таркибига ўтди. Бироқ, бу Араб халифаси ан-Носирга мутлақо ёқмади. У иккита хизмати туфайли Хоразмшоҳ Такашдан умиди катта эди. Биринчиси, халифа ан-Носир маънавий-сиёсий йўл очиб, Ироқи Ажамни Хоразмшоҳнинг тасарруфига ўтишига исломий олам раҳнамоси сифатида фатво — фармони Олий ёрлиғини юборган эди. Иккинчидан, Тўғрул III нинг Ироқи Ажамда ҳақи йўқлигини эълон қилиб, Хоразмшоҳ унга қарши уруш бошлаганида халифа ёрдамчи кучларини Хоразмшоҳ ихтиёрига жўнатган эди. Шундай қилсам, Хоразмшоҳ ғалаба қилгач, менинг Ироқи Ажамдаги ҳудуд жиҳатидан ҳам, хазинамни тўлдиришда ҳам улушимни беради, деган фикрда эди. Афсус, бу катта умид ва орзулар саробга айланди. Эвазига Хоразмшоҳ фақат миннатдорчилик мактубини жўнатди, холос.

Барча бойлик Хоразмшоҳ хазинасига кирим қилинди. Халифага эса Ироқи Ажам масаласида фақат чиқим хизмати қилгани қолди холос. Хоразмшоҳнинг халифа ан-Носирни чув туширгани унга жуда алам қилди. Ташқи сиёсатнинг катта ўйинида ютқизишнинг аламини олиш йўллари уйлай-уйлай халифа охири муаммо ечимини топгандай бўлди. Ҳузурига вазири Ибн ал-Қассобни чорлаб, шундай кўрсатма берди: „Сени Хоразмшоҳ Такаш ҳузурига шахсан менинг номимдан қимматбаҳо совға-саломлар топшириш учун элчи қилиб жўнатаман. Сени ва қимматбаҳо совғаларни ҳимоя қилиш учун ўн минг суворийлар қўшини ҳимоя қилиб боради. Хоразмшоҳ қаерда бўлишидан қатъи назар, у билан учрашув ва совға-саломларни топшириш саройда эмас, бир неча чақирим узоқликдаги очиқ майдонда амалга оширилади. Шарти эса — бир ҳовуч мулозимлари билан келишиб ва бир неча метр масофа босиб ўтилгунча сенинг отинг жиловидан етаклаб юриши лозим. Ана шу маросимда ўн минг суворий Такаш Хоразмшоҳ ва унинг амалдорларини ё Бағдодга тутқун қилиб келтириши ёхуд уларнинг баҳрдан ўтиб юборишларингиз керак“.

Бу таклиф халифа ан-Носирнинг вазирига мақбул бўлди. Ўн минг суворий вазир кўмондонлигида махсус топшириқни бажарувчи лашкар Бағдоддан Хоразмшоҳлар пойтахти томон йўлга чиқди. Бунақа тарздаги жанговар вазифани адо этувчи элчилик сафари шу пайтгача бирон мамлакат ҳаётида содир бўлмаган эди.

Вазир бошчилигидаги ўн минг лашкар Асадобод довоғига келиб тўхтади. Хоразмшоҳ Такашга қўйидаги „Таклифнома“ жўнатилди: „Халифалик Олий девони томонидан сенга шараф либоси ва давлатга эғалик ёрлиғи топшириш лозим кўрилди. Давлат вазири бу муҳим вазифани бажариш учун шу ерга келди ва бу мурувват шукронаси учун Султон

Такаш кам аскар билан унинг ҳузурига бош эгиб, елдай учиб келиши ва вазир отининг жиловини тутиб, маълум бир масофагача пиёда юриши керак“. Аммо Хоразмшоҳ бундай мулозамат негизида қандай сир-синоатли воқеалар яширинганлигини таклифнома оҳангиданоқ сезган эди. Таклифнома келтирган вазир хизматчисига албатта бундай таклифга бепарқ бўлмаслигини тайинлади ва вазирга унинг таклифини қабул қилганлигини билдириб қўйишини айтди. Тезда жанговар қўшинини отлантириб, қуёш ботиши арафасида вазир қароргоҳига шиддатли ҳужум уюштирди.

Вазир қароргоҳига қилинган ҳужумни кутмаган халифа қўшинлари Ибн ал-Қассобдан аниқ режа асосида жанг олиб бориш буйруғини ола олмай оғир аҳволда қолиб, тартибсиз равишда чекина бошлади. Шу тариқа вазир ўзи тайёрлаган қопқонга Хоразмшоҳ эмас, унинг ўзи тушишига бир баҳя қолди. Пароканда бўлган вазир қўшини бўридан қочган тулкидек Динобод мавзеигача бир дақиқа тўхтамай қочди. Вазир зўрға жонини қутқариб қолди. Аммо уни ҳимоя қилаётган қўшини жангчиларидан қўпчилиги тиф зарбидан ҳалокатга йўлиқдилар. Хоразмшоҳ шу тариқа халифа қўшинларининг додини берди. Махсус топшириқни бажаришга юборилган вазир қўмондонлигидаги қўшин Такаш томонидан уюштирилган, махсус режалаштирилган қарши ҳужум зарбасига учратилди. Хоразмшоҳ катта ўлжалар билан орқасига қайтди.

Араб халифалиги билан хоразмшоҳлар ўртасидаги муносабатлар ана шу воқеалардан кейин қайта тикланмади. Ҳар икки томон ўртасидаги совуқчилик кучая бориб, ашаддий душманлик муносабатларига айланиб кетди. Ҳатто Араб халифалиги ўртасидаги маънавий-исломий бирликни ҳам унутиб, кейинчалик Хоразмшоҳлар салтанатини йўқ қилиш учун халифа ҳатто Чингизхон ва уларнинг авлодлари бўлган ҳукмдорлар билан иттифоқлашишга киришиб кетади. Асадободдаги ғалабасидан кейин Такаш Хоразмшоҳ салжуқийларнинг энг қудратли султони Султон Санжарга берилган унвон-у, ҳудудлар бўйлаб эркин ҳарбий ҳаракат қилишга ҳақлилигини тасдиқловчи Такаш номига олий фармон берилишини халифа ан-Носирдан талаб қилди. Унинг бу талаби халифа томонидан кескин рад этилди. Аксинча, халифа Ироқи Ажамни қай йўсинда бўлмасин хоразмшоҳлар тобелигидан чиқариб, ўзига қарам ҳудудга айлантириш режаларини амалга оширишга киришди ва Ироқи Ажамдаги Хоразмшоҳга қарши собиқ мол-мулкидан маҳрум амалдорлар, Такашнинг нафратига учраган ҳукмдор ва ноибларни ҳар томонлама — молиявий, сиёсий ва ҳарбий кучлар билан қўллаб-қувватлади. Натижада икки давлат орасидаги совуқчилик узоқ вақт сақланиб қолди.

Хоразмшоҳ давлатини заифлаштириш, унинг ғарбий ҳудудларида исён оловини ёқиш сиёсатидан ан-Носир ҳечам воз кечмади. Хоразмшоҳнинг тинкасини қуритадиган ғаним ва рақиб излашдан чарчамади. Бундай рақиб ҳам топилди. Бу ғурийлар султони Ғиёсиддин ал-Ғурий эди. Бу вақтда ғурийлар ҳам ўзининг куч-қудрат чўққисига кўтарилган даври бўлиб, Хоразмшоҳнинг катта ҳудудларни эгаллаб, кунма-кун кучайиб бораётганлигидан таҳдидга тушаётган эди. Аввалда ғурийларни Араб халифаси ҳеч қўлламаётган эди. Бироқ, дўппи тор келгач, Хоразмшоҳни уларнинг кучи билан мағлуб қилиш пайти келди, деган фикрда ан-Носир ғурийлар султонини Такашга қарши гижгижлай бошлади. Ғиёсиддин ал-Ғурий ан-Носирнинг қистови билан бутун Ироқи Ажамдан қўшинларини олиб, Хуросон томонга кетишни Хоразмшоҳдан талаб қилди. Жаҳл отига минган Хоразмшоҳ ёрдам сўраб кутилмаганда қорахитойларга мурожаат қилди. Анча пайт қиличлари қинидан чиқмаган қорахитойларга бу илтимос ёқиб тушди. Негаки, уларнинг асосий бойлик даромади ҳарбий юришлардан тушарди. Аммо қорахитойлар қўшини жангда енгилб, чекинаётган қўшини Хуросонни шип-шийдам қилиб талаб кетди. Аҳоли очарчилик азобига дуч келди. Бу

жангда гурийлар ҳам катта талафот кўрди. Акс ҳолда ҳужумни Хоразмшоҳлар давлати марказий ҳудудларига қадар давом қилдириш режаси ҳам йўқ эмасди.

Энди Хоразмшоҳ гурийлар билан муросан мадора қилмаса бўлмасди. Унинг ишончли ва қудратли иттифоқчиси йўқ, аммо ғанимлари эса бисёр. Ана шундай қалтис вазиятда қорахитойларнинг ҳукмдори Хоразмшоҳга оғир талаб қўйиб, ўз элчиларини Кўҳна Урганча жўнатди. Қорахитойлар ҳукмдори элчиси гурийлар билан жангда ўн икки минг жангчиси қириб ташланган, уларнинг хунини Хоразмшоҳ ўз хазинасидан тўлаши, ҳар бир ўлдирилган қорахитой жангчиси учун Такаш хазинасидан ўн минг динар олтин танга юбориш талаб этилган эди. Хоразмшоҳ бунча миқдордаги маблағни тўлайдиган бўлса, хазинасида бир мири ҳам қолмай, бўшаб қоларди. Қорахитойлар „йўқолган ханжарнинг сопи олтин“ туркийлар мақолини дастур қилиб, Хоразмшоҳлар давлатини иқтисодий таназзулга учратиш йўлини танлади. Шунда хоразмшоҳлар ўз-ўзидан қорахитойларга иқтисодий қарам мамлакатга айланишини мақсад қилишган эдилар.

Хоразмшоҳ бу оғир аҳволдан чиқиш учун ғаними гурийлар билан дўстлик, сулҳпарварлик муносабатларини тиклашга ҳаракат қилди. Қорахитойлар талаби юзасидан Хоразмшоҳ гурий ҳукмдоридан маслаҳат беришини сўради. Гиёсиддин ал-Гурий Хоразмшоҳга пулнинг ярмини тўлашда ёрдам бериши ва бунинг учун Араб халифалигига душманлик муносабатларидан воз кечиши ҳамда ан-Носирга тобелик изҳор қилишини шарт қилиб қўйди. Хоразмшоҳ ўзига келиб олгунча ал-Гурийнинг шартларига кўнди. Шу шартларни бажаришга тайёрлигини билдириб, Хоразмшоҳ ўз жияни бошчилигида Бағдодга элчиларини жўнатди.

Шу билан халифалик билан Хоразмшоҳ ўртасидаги зиддиятлар анча юмшагандай бўлди. Бундан фойдаланган Хоразмшоҳ Такаш ўз давлатининг ички ва ҳудудий муаммоларига доир муҳим масалаларни ҳал қилиб олишга ғайрат билан киришди.

Мана шу давр ичида Хоразмшоҳ адолатли, халққа қайишадиган ва унинг тинчлиги, осойишталиги учун курашувчи ҳукмдор сифатида эътирофга сазовор бўла бошлади. Шунинг учун Ироқи Ажам исёнчилари халифа қутқуси билан бош кўтармасин, барибир, халқ унинг ҳукми остида яшашни хоҳлаб, Хоразмшоҳ лашкарларини нон-туз ва хайрихоҳлик билан кутиб олганлигини кўплаб ўрта аср тарихчилари асарларида тўғри таъкидлаган эдилар. Чунончи, XII аср 90-йилларининг ўрталарида Кирмон ҳокими Фаррухшоҳнинг ҳукмронлигидан норози бўлган халқ унинг ҳокимиятидаги Олий девон амалдорларини ўрнидан тушириб, Хоразмшоҳга ўз бошқарувчиларини юборишни илтимос қилдилар. Уларнинг талабини бажарган Хоразмшоҳ Кирмоннинг халқпарвар ва адолатпеша вакилларини ўзлари танлашларига имкон берди. Халқ Рукниддин номзодини кўрсатди. Кирмонда Хоразмшоҳ тобелигига ўтганлик белгиси сифатида унинг номига хутба ўқилиб, танга зарб этилди.

Шу тариқа Хоразмшоҳ ҳудудлари гоҳ куч, гоҳ халқ истак ва талаблари асосида Такаш тобелигига ихтиёрий ўтишлар боис унинг салтанат ҳудуди Араб халифалиги чегаралари ҳудудлари билан туташди. Энди буюк салтанат тўла қарор топиши учун Хоразмшоҳ бирданига икки оғир муаммони ташқи сиёсатда ҳал қилиши лозим эди. Аввало, фитналар йўли билан турли давлат ҳукмдорларини ўлдириш дўқи билан бойлик тўплашни дипломатия зўравонлиги даражасига кўтарган исмоилийлар давлатини янчиб ташлаш, иккинчиси, Хоразмшоҳга доимий душманлик қилиб, мамлакат ичида исён, фитна-фужурлар бошида турган Араб халифалигини мағлуб қилиб, Бағдодни эгаллаш Такаш ташқи ва ҳарбий сиёсатидаги асосий вазифа эди. Хоразмшоҳ дастлаб исмоилийларга зарба беришни асосий мақсад қилиб режалаштирди.

1199 йил эрта баҳорида асосий қўшини билан Султон Такаш исмоилийлар пойтахтини ғанимлардан ҳимоя қиладиган таянч Қоҳира қалъасини қамал қилишга киришди. Шу қалъани


олмагунча исмоилийлар пойтахти Аламутни эгаллаб бўлмасди. Бу қалъа чақиб бўлмайдиган ёнғоқдек мустаҳкам эди. Хоразмшоҳ буйруғи билан қалъа ташқи оламдан шундай узиб ташландики, ҳатто ёрдам сўраб учириладиган хат ташувчи кабутарлар ҳам Хоразмнинг мерган ёйчилари томонидан аниқ нишон билан отиб тушириб турилди. Уларнинг тумшугидан олинган мактублар ўқилганда қамал мудофаачиларининг озиқ-овқат ва жанговар куч захиралари ҳақида аниқ маълумотлар ёзилганлигининг гувоҳи бўлишди. Пулатдек мустаҳкам қалъа қамалига тўрт ой бардош берган мудофаачилар барча захирасини еб тугатди. Улар мутлақ ҳолдан тойиб ниҳоят дарвозаларини очишдан ўзга чораси қолмади, қалъа таслим бўлди. Энди Хоразмшоҳнинг музаффар қўшини исмоилийлар пойтахти остоналарига етиб келдилар. Хоразмшоҳ пойтахт мудофаачиларига Аламут шаҳрини топширишни, агар шундай қилсалар аҳолига ва қўлида шамшир тутган шаҳар мудофаасида турган жангчилар гуноҳидан ўтиб, жубр-зулм қилмасликка ваъда берди. Қамал тайёргарлиги ҳам бошланди. Аламут мудофаачиларига шартларни қабул қилиш ёки уни қабул қилмасликларига муддат берди. Барча Аламут мудофаа девори марказий дарвозаси устида оқ байроқ кўтарилишини Хоразмшоҳдан тортиб то оддий жангчиларгача интиқ бўлиб кутарди. Негаки, Қоҳира қалъасини узоқ қамал қилишда қўшин анча ҳолдан тойган, сўнгра бир кун ҳам дам олмасдан, ундан-да оғир жанглар инсон зотидан бемисл қурбонликлар беришни талаб қиларди. Бироқ, кутилмаган ҳодиса рўй бериб, воқеалар ривожини бошқача тус олишига сабаб бўлди. Бундан Аламут омон қолди. Хоразмшоҳ Такашнинг чирмовиқдай чирмашиб, зич қамал ҳосил қилиб, ҳукмдорнинг „ҳужумга“ деган амр-фармонидан қўшини аждаҳодек ҳаракатга келишига бир баҳя қолиб, шай турган қўшинга бирданига „қамал тўхтатилсин“ буйруғи берилди. Деворларни бузишга шай турган юзлаб манжаниқ, жанговар тош ва оловсочар қуроллар девор остоналаридан дарҳол узоқлаштирилди. Юз мингта яқин қўшиннинг кўч-кўронини бирданига йиғиштириб, қамалдан воз кечишини аввалда ҳарбий ҳийла деб ўйлаган исмоилийлар бу шошилич рўй берган ҳодиса тагига етолмадилар. Мамлакат катталари ўртасида ҳали Хоразмшоҳнинг талабини рад қилиш ёки уни қабул қилиш устида қизгин мунозара-тортишувлар давом этарди. Ҳаммаси бир оздан кейин, яъни қўшиннинг илғор ва марказ гуруҳлари шимоли-шарқ катта йўлига чиқиб, Хоразм томон равона бўла бошлагандан кейин, бу ҳарбий ҳийла эмаслиги, чинакамига қамал бекор қилинганлигига ишондилар. Бу ишонч жарчи томонидан мис овоз кучайтиргич ёрдамидан Хоразмшоҳнинг „омонлик“ тўғрисидаги катта совғаси ўқиб эшиттирилгандан кейин ҳақиқатга айланди.

Ҳукмдор буйруғи билан қўшинни жангга сафлайдиган сипоҳсолар жарчиси қуйидагиларни Аламут мудофаачиларига эълон қилди: „Эй аламутликлар! Аввало Яратганга шукрона айтинглар, сўнгра Худонинг суюкли бандаси, қудрат соҳиби Хоразмшоҳ Такаш ибн Эл-Арслонга узоқ умр тиланг, шафқатли ҳукмдоримиз, ер юзининг энг одил шоҳи сизларга „Омонлик“ ҳадя қилди. Шайтон измига кирган Аламут Олий девони вазир-у, қароргоҳ сардорларига етказинглар, фитна-фасод билан адолатпеша ҳукмдорларни ўлдиришлардан тийилсинлар. Агар бундан кейин ҳам фисқ-фужур йўлидан бориб, ҳақ йўлдан юрган бандалар қонини тўкишдан тўхтамайдиган бўлса, фитналар уяси Аламут ер юзидан супуриб ташланади. Ҳеч кимга шафқат қилинмайди. Бу исмоилийларга берилган сўнгги имкониятдир“.


### ***Ер юзининг одил шоҳи Султон Такаш ибн Эл-Арслон фармони.***

Бу сиёсати фақат террорчиликка асосланган исмоилийлар саройи ҳукмдор ва амалдорларига Хоразмшоҳнинг сўнгги огоҳлантириши бўлди.

ЎЎТ АДНЙОҚАТ ЧАХОШМЕАҚОХ



**ШАЙХУЛ-ВАЛИТАРОШ НИДОСИ:  
„ЯРАТГАН ЭГАМ! ШУ ФАРЗАНДГА  
ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ  
НОМИНИ БЕРДИМ. УНИНГ НОМИНИ  
АБАДИЯТГА ДАХЛДОР ҚИЛФИЛ“**



## ХОРАЗМШОҲЛАР САРОЙИДА ТҶҲ

Аламутнинг омон қолиши ва Хоразмшоҳнинг қўшинни ўз юртига бошлайдиган ғоят қувончли воқеа Султон Такашнинг ўғли Алоуддин Муҳаммаднинг хотини Ойчечакнинг қўзи ёриб, илк шаҳзода неваранинг дунёга келиши бўлди. Давлат арконини мустаҳкамлаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш йўлида гоҳ тобе ноибликлардаги исёнларни бартараф этиш, гоҳида салтанат ҳудудларини ғарбу шарқ сари кенгайтириш, турли-туман ғанимлар хуруж ва босқинларини даф этиш Хоразмшоҳни ҳам, унинг қўшинининг ҳам тинка-мадорини қуритган эди. Шу боис чарчаган лашкар Хоразмшоҳнинг Ватанга қайтиш тўғрисидаги фармонидан хурсанд ва миннатдор ҳамда музаффарият байроғини ҳилпиратиб пойтахт Кўҳна Урганчга зўр тантана билан кириб келди. Тинимсиз жангу жадалларда замон зайли ва талабига кўра дийдаси қотган Хоразмшоҳ Такаш қўшинидан ҳам илдам кетиб, улардан бир неча кун олдин пойтахтга етиб келар экан, бутун сарой аҳли, оқсоқоллару уламолар ва фуқаролар ҳукмдорга пешвоз чиқиб, унинг устидан анвои гуллар сочиб кутиб олдилар. Хоразмшоҳ Такаш анчадан бери агар илк невара дунёга келса, пойтахт аҳлига шоҳона тўй-томоша қилиб беришни орзу қилиб юрарди. Негаки, она шаҳри неча бор ёвларга юзма-юз келганда катта бобоси Отсиз, бобоси Эл-Арслон ва ўзи тахт соҳиби бўлганда бир мушт, бир эт-тирноқ бўлиб, кексаю ёш Хоразмшоҳ атрофида бирлашиб, кечаю кундуз ёв қамалини барбод қилиш учун жон олиб, жон бердилар. Хоразмшоҳ халқининг бу жасоратини ҳам хотирада мустаҳкам сақлаб келарди. Шу жиҳатдан Хоразмшоҳ фуқароси олдида ўзини доимо қарздор ва бурчли деб биларди.

Ана шу хушхабар баҳонасида халқи ҳақини қисман бўлса-да адо қилиб, эл-улусга ошу нон-туз тортишга аҳд қилди. Айниқса, дунёни лол қолдирувчи, ҳар қандай чарчоқ ва сўлгин кайфиятни кўтариб, санъатнинг оромбахш сеҳрини ўзида мужассам этадиган „Сурнай лазгиси“, Ватан ва халқнинг минг йилликлар тарихини мусиқий оҳангларга жо қилган инсонни ўйга толдирувчи мозий садоси бўлиб янграйдиган „Алиқамбар“ оромбахш наволари, Хоразм маданият тамаддунининг таркибий қисми бўлган мақомлари ва ҳуққабоз, масхарабозларнинг халқ бадииятидан ташкил топган ичакузди чиқишларини Хоразмшоҳ ҳам, халқ ҳам жуда соғинган эдилар. Чақалоқ шаҳзоданинг туғилиши фақат сарой учун эмас, пойтахтликлар, қолаверса, халқ учун шундай шодиёналикка айланиб кетишга сабаб бўлди.

Хоразмшоҳ учун бу воқеанинг янада аҳамиятли томони шунда эдики, бундан салкам уч йил аввал, 1197 йилда мудҳиш ҳодиса юз бериб, суюкли ўғли Маликшоҳдан ажралиб қолгач, ҳали анча ўзига келмаган, бу фожиадан буён қалб яраси битмаган эди. У энг оғир кунларда отаси Хоразмшоҳ Такашга таянч ва суянч бўлиб келаётган, лашкарбошилиқ истеъдоди йилдан-йилга очилиб борарди. Хоразмшоҳ бу ўғли билан фахрланар, „ишларимнинг ҳақиқий давомчиси бўладиган валиаҳд шаҳзодам“, дерди. Уни давлатининг шимолий чеккасидаги чегара вилоятларга ноиб қилиб жўнатадими ёки Хуросону Ироқи Ажамнинг сиёсий беқарор ва нотинч ҳудудларига ҳарбий сафарларга мураккаб топшириқлар билан юборадими, шаҳзода Маликшоҳ қаерда бўлмасин отаси ишончини оқлаб қайтарди. Хоразмшоҳ унинг сиймосида келажаги буюк, истиқболи порлоқ, ўз ишининг муносиб давомчиси бўладиган саркарда ва давлат арбобини кўрарди. Маликшоҳ мусибатидан кейин Хоразмшоҳ унинг ўрнини боса



оладиган, жасорат ва мардликда тенгсиз, ақли теран шаҳзода ато қилишини парвардигори оламдан илтижо қилиб, ҳар куни дуо қилиб сўрарди. Шу боис ҳам Исмоилийлар пойтахтини қамал исканжасига олаётганда келган қувончли хушxabарни Оллоҳдан ўтиниб сўралган илтижоларнинг ижобати деб билди ва бунинг учун Яратганга беадад шукроналар айтди, ҳамду санолар ўқиди.

Хоразмшоҳ бошланажак тўйга сиёсий тус ва урғу бериш учун тўй баҳона ва сабаб узоқ-яқин қўшни давлатлардан ҳам меҳмонлар, элчиларни таклиф қилиб, ўз қудрати ва салтанат рамзи Кўҳна Урганч пойтахтини дунёнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан улуввор шаҳарлари даражасига етганлигини кўз-кўз қилиш мақсади ҳам йўқ эмасди. Ҳақиқатда Кўҳна Урганч Хоразмшоҳ Такаш даврида Буюк ипак йўлининг Шарқ ва Ғарб оламини боғлайдиган дарвозасига айланган эди. Бу ерда уч қитъа — Осиё, Европа ва Африканинг Ҳабашистон, Миср ва Ҷазоир каби узоқ мамлакатларидан келиб-кетаётган халқаро қарвонларнинг адоғи кўринмасди. Унинг оламини лол қолдирувчи қурилишларию, олий илм-фан даргоҳлари, улардаги улuf маърифат эгаларининг номлари оламга ёйилганди.

Хоразмшоҳ Такаш суюкли неварасига Хоразмшоҳлар давлатини ноиблик тобелигидан мустақил давлат даражасига кўтарган, Султон Санжардек Шарқни зир титратган қудратли султон билан чорак аср қилич серпашган жасур ва темир иродали катта бобоси Жалолиддин Алоуддин Отсиз хотирасига эҳтиром кўрсатиб, чақалоққа Жалолиддин Мангуберди номини беришни Аламут сафаридан қайтаётгандаёқ кўнглига туккан эдики, бу ном билан чақалоқ неvara келажакда дунёда мангу қоладиган буюк ишларни амалга оширишини астойдил истаган эди.

Тўй тантаналарининг бошланиш вақти белгиланиб, узоқ мамлакатлардан келадиган меҳмонларнинг етиб келишлари инобатга олинди. Такаш Хоразмшоҳ суюкли неvaraга ном қўйиш тадбирини тўю томошага келганларнинг дуолари билан мустажоб қилиш учун салтанатнинг барча вилоят, шаҳарлар ва ноибликларнинг улугларини саройига таклиф қилди. Шунингдек, бу вақтда номлари етти иқлимга донғи кетган „Кубровия“ маънавият ва руҳшунослик тасаввуф-тариқат академиясида ўзларининг ботиний ва лодуний мақоматига кўтариладиган пири комил инсонлар авлиё Нажмиддин Кубро Шайхул-Валитарош раҳнамолигида Кўҳна Урганчга тўпланган эдилар. Шундай машхурлардан Маждиддин Бағдодий бўлиб, ҳатто Такашнинг вафотидан кейин тахтга келган Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг ҳам хато ва камчиликларини Сарой олий мажлиси бораётган вақтдаёқ ҳукмдорнинг юзи-кўзи демай, шартга-шартга айтиб ташлайверган ғоят одил ва ҳақиқат соҳиби эди. Шайхул-Валитарошнинг иккинчи бир шогирди ёки муриди ўз даврида „султонлуламо“, яъни „олимлар султони“ деб ном олган Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад эди. Шунингдек, Нажмиддин Кубро қўлида сабоқ олган ўн икки шогирди тасаввуфда валийлик мақомига кўтарилган бўлиб, улар қаторига Нажмиддин Доя Розий, Саъдиддин Ҳамавий, Сайфиддин Бахарзий ва бошқаларни киритиш мумкин. Шундан Баҳоуддин Валаднинг битта ўзи Балхда тўпланган уч юз олим билан илму ҳикмат баҳсида улар устидан ғолиб чиққан. Улуғ устозининг бетакрор маърифий илму ҳикматларидан насибадор бўлсин дея султонлуламо — Баҳоуддин Валад фарзанди бўлажак буюк мутасаввуф шоир Жалолиддин Румийни Нажмиддин Кубро ҳузурларига олиб борган. Нажмиддин Кубро назари тушган ёш Жалолиддин кейинчалик Румий тахаллуси билан тасаввуфий ғояларни шеърийят майдонида қўлаб, дунёнинг энг буюк шоири ва мутафаккири, шунингдек, маънавият юлдузи даражасига кўтарилса, унга номдош шоҳ ўғли Жалолиддин эса ўсмирлик

даврида Шайхул-Валитарош устози қўлида тарбия олиб, Ватанни севиш, халқи ва она юрти учун жисмоний, руҳий, ақлий, маънавий кучларни яхлит бир йўналишга йўналтириб, шер ва арслондек наъра тортиб ларзага келтиришнинг руҳоний-мафкуравий сир-синоатларини ўрганди. Ҳар икки Жалололдинлар бири „маснавий ва маънавий“ни шеърият орқали ёритиб, иккинчиси эса қилич билан ёвузликнинг Шарқ узра ёйилишига қарши курашиб, дунёни лол қолдиришиб, келажакда буюклик чўққисини забт этдилар.

Нажмиддин Кубро атрофига тўпланган пир ва авлиёлар мақомига етган, юқорида номлари зикр этилган улуғ зотлар Шайхул-Валитарошдан тасаввуф таълимотидаги буюк бир ҳодиса кўз, нафас ва ҳаракат воситасида руҳий таъсир этиш сирларини ўрганиш учун турли мамлакатлардан узоқ йўл босиб келганлар.

Такаш Хоразмшоҳ Нажмиддин Кубро ва унинг валийсифат шогирдларини саройга таклиф қилар экан, чақалоққа ном қўйиш жараёнида уларнинг буюклигига хос сифатлар илк неварасига руҳоний қувватлар орқали ўтишини ҳам истаган эди. Шу тариқа Хоразмшоҳ Такаш бу буюк зотларнинг ботиний куч-қудратларидан невараси камолоти йўлида ўз вақтида унумли фойдаланди.

Хоразмшоҳ ўзидан олдин ўтган турли мамлакат ва салтанатларнинг қадим-қадимдаги ҳукмдорлари суюкли ўғли ёки қизига қирқ кеча-кундуз тўй берди ва одил шоҳнинг орзулари ижобат бўлиб, улар мурод-мақсадга етишдилар қабалидаги халқ оғзаки ижодиётидаги афсоналарни ҳаётий воқеага айлантиришни мақсад қилар экан, унга шундай виқорли тус берди. Салтанат пойтахти Кўҳна Урганч аҳли қирқ кеча-кундуз берилган тўйнинг гувоҳи бўлдилар.

Тўйнинг овозаси оламга таралиши учун Ҳиндистон, Чин-Мочин, Кичик Осиё султонлари, Араб дунёси, Эрону Турон, Ироқи Ажам, озарлар юртлари Шом, Дашти Қипчоқ ва яна бошқа узоқ мамлакатлар вакиллари тантаналарда иштирок этишга таклиф этилиб, хабаргирлар жўнатилди.

Элчилар, вазирлар ёки Олий девон амалдорлари ўзлари билан юртининг машҳур полвонлари, созандаю гўяндалари, санъаткору ҳуққабоз ва дорбозлари, масхарабозу чавандозларидан тортиб, фил ва илон, йиртқич махлуқларни қўлга ўргатиб, томошани қизитувчиларни ҳам олиб келишлари эслатилди. Ҳар бир эл-улус ва мамлакат ўз юрти курашчи ва санъаткорларини мусобақага йўллаб санъатлари ва жисмоний кучларини намойиш этиши мумкин эди. Ғолибларга соврин, қимматбаҳо совға-саломлар хазина ҳисобидан ажратилдиган бўлди. Мусобақа ғолибларини моддий рағбатлантиришга Олий девон амалдорлари, вилоят, туман ва ноибликлар ҳокимлари ҳам ўз улушлари билан иштирок қиладиган бўлдилар. Обрўли меҳмонларни кутиб олишдан тортиб то тўй тугаб, уларнинг кетишигача вақт мобайнида ҳурматини жойига қўйиш, минглаб тўй хизматчилари мезбоннавозлик қилиш, меҳмондорчиликни ўрнига қўйиш сарой дастурхончиси ва давлат котиби ал-иншо ҳамда хазиначи, қутвол каби мансабдорлар зиммасига юклатилди. Чавандозлик мусобақаси эса суворийлар қўшин қўмондони ва уларнинг ёрдамчи зобитларига юклатилди. Созанда ва санъаткорларнинг чиқишларини баҳолаш Хоразмшоҳнинг қўшинларини жангга йўллаш чоғида муҳорабага чорловчи ҳарбий мусиқий гуруҳ дастаси раҳбарига топширилди. Шундай қилиндики, бу маросимдан келганларнинг барчаси хурсандлик, юқори кўтаринки кайфият билан, яхши таассуротларда ўз юртларига етиб боришлари учун ҳамма имкониятлар яратилди. Негаки, бу буюк Хоразмшоҳ Такаш ибн Эл-Арслон саройининг тўйи эди-да.

Хоразмшоҳ бу тадбирга шундай бир мамлакатда ўтадиган оддий тўй-томоша эмас, дипломатик муносабатларнинг бир кўриниши, ташқи сиёсатга дахлдор муаммоларни ҳал қилишга дарча очувчи омиллардан бири деб қаради. Айни пайтда кўпдан-кўп мамлакатлар билан сиёсий муаммолар ечимини топишга маънавий иқлим яратадиган восита дея қараган эди. Шунинг учун маросимга катта тайёргарлик кўрилди.

Махсус сайлгоҳ ва томошагоҳ жойлар ҳозирланди. Ярим тунгача томошагоҳ ва катта кўчалар машғалалар билан ёритилди. Кеча-кундуз шодиёналар давом этадиган бўлди.

Бундай тайёргарликдан Кўҳна Урганч янада кўркамлашди. Ҳамма ёқ саранжом-саришга ҳолга келтирилгач, тўй тантаналари бошланди. Тўй-томошадан дарак берувчи сурнай, карнай ва ногораларнинг баланд миноралар туйнукларидан ёқимли таралаётган оҳанглари куз шамоллари пойтахтнинг атрофдаги қишлоқлари томон олиб кетиб, қишлоқ аҳли ҳам ундан бенасиб қолмаслик ҳаракатига тушдилар. Негаки, жарчиларга кўрсатма берилган эдики, сурнай наволарини эшитган ҳукмдор фуқаролари қайси табақа вакиллари бўлмасин, унда иштирок этаверсинлар. Тўй кундан-кун қизигандан-қизиб, турли томошалар кўрсатила бошланди. Майдоннинг бир томонида Шарқ мамлакатларидан келган машҳур елкаси ерга тегмаган паҳлавонлар ўз юртининг шон-шарафини ҳимоя қилиб ёқа олишсалар, бошқа бир томонда хушовоз ҳофизлар Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Шош ва Хуросон мақомларини баланд пардаларда ижро этдилар. Яна бир томонда форс, ҳинд, Хоразм ва арабча ўйноқи шўх қўшиқлар юксак маҳорат билан ижро этилиб, бу чалинаётган мусиқаларга гўзал ва париваш раққосалар хиром этдилар. Турли эл-улус ошпазлари тўйга тортиладиган ширин-шакар таомларни тайёрлаб дастурхонларни безадилар. Айниқса, голиб паҳлавонлар ва санъаткорларни тақдирлаш маросими ҳамма иштирокчилар эсида узоқ вақт сақланиб қоладиган даражада бўлди. Уларга қимматбаҳо сарполар кийгизилиб, устидан тилла, кумуш танга пуллар сочилди. Зодагон ва бой-боёнлар уларни тақдирлашга ўзларининг улушларини қўшдилар.

Хоразмшоҳ Такаш ўғли Алоуддин Муҳаммадни саройининг йирик амалдорларидан бирининг қизи Ойчечакка уйлантирган эди. Унинг ўғилларидан фақат Алоуддин Муҳаммадгина туб жой аҳолига мансуб оилалардан бирига куёв бўлиб, бошқа ўғилларига эса Дашти Қипчоқ сардор ва лашкарбошиларнинг қизларини олиб берган эди.

Хоразмшоҳ келини Ойчечак ва илк неварасини парвариш қилишни сарой табиби ва энагаларига қаттиқ тайинлади. Уларнинг соғу саломатлигини доимий назорат қилишни сарой таштдори амалдори зиммасига юклади. Тўй муқаддимаси Хоразмшоҳлар салтанатининг маънавий-руҳий отаси, пири комил авлиё инсон, етти иқлимга овозаси ёйилган Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро ал-Хивақий ҳамда номлари ҳали шогирдлигидаёқ ислом оламига танилган Мажиддин Бағдодий каби муридларининг муборак қўллари очилиб, парвардигорга беадад ҳамду санолар дуоларини ўқишдан бошланди ва сўнгра ном қўйишга навбат етиб келди.

Турли мамлакат элчилари ва обрўли меҳмонлар, шунингдек, сарой аҳллари гўдакка ном қўйиш тадбирида иштирок этишга таклиф этилди. Қуръони Каримни нафақат Худо азиз қилган бошларига жойлаган, балки қалбларига жо қилган Абул Жанноб Валитарош — Нажмиддин Кубро ва унинг мўътабар шогирдлари ҳам сарой аҳллари ва меҳмонлар тўпланган муҳташам, шарқона безатилган ҳукмдор қабулхонасида ҳозир бўлдилар. Уларнинг юзларидан таралаётган нурдан сарой янада гўзал ва тароватли кўриниш ҳосил қилди. Сарой аҳлида ва тўпланганларда ғоят кўтаринки руҳият ҳукм суради.

Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро ҳазратларининг ҳар қачонгидан илоҳий илҳомлари жўш уриб қайнаган пайтларда, яъни тасаввуфий тариқат тилида авлиё ёки пирларнинг чуқур тафаккур оламига кириб, ўзи истаган одами билан юзма-юз туриб унинг келажак тақдири ҳақида аниқ-тиниқ воқеалар, келажак тақдир кечмишини башорат қилиш, яъни таважжух ҳолатига кирганлар. Бу пайтда ҳазратнинг фикрий қуввати олами сағир доирасига сифмай отилиб чиқиб, олами кабир — яъни илоҳий олам чексизлик ҳодисотлари билан мушоҳадага киришган. Бундай пайтларда авлиё Валитарош ҳазратлари нафақат инсонларнинг, балки жамият, мамлакат ва эл-улуснинг узоқ келажак тақдирига дахлдор башоратларни аниқ тарзда таърифлай олган. Бу таърифлар вақт ўтиб ҳаётда муқаррар содир бўларди.

Нажмиддин Кубро бундай илоҳий каромат соҳиби бўлиш шарафига, яъни лодуний қувватларни турли ботиний сезги органлари ёрдамида мия орқали қалбга тўплаш ва уни яна бошқаларга ахборот тарзида узатиш орқали кўз билан, нафас ва ҳаракат билан таъсир этиш, кароматлар кўрсатиш усулларини, аввало, мисрлик илк устози Шайх Рўзбехон ал-Мисрий<sup>1</sup>дан, сўнгра Бобо Фараж Аммор Ясир ва Исмоил Касрийлардан ўрганган эди.

## ТАҚДИР ЁЗИҒИДАГИ СИРЛИ БИТИКЛАР

Абул Жанноб Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро Хоразмшоҳ Такаш қўлидан гўдакни олар экан, чақалоққа бутун вужуди билан ихлос қўйиб разм солди. Ҳазратнинг юз-кўзлари офтобдай порлаб, унинг акси шу гўдакда намоён бўлди. Улуғ шайхда илоҳий илҳом жўшқинлиги рўй бераётганлигини сарой аҳли ва шу ерда ҳозир бўлганлар шоҳиди бўлиб турардилар. Бу ҳодисотни ғайритабиий ҳол деб билган ажнабий юрт элчи ва вакиллари ҳангу манг бўлиб қолдилар. Нажмиддин Куброни билган ва эшитганлар эса бу ноёб ҳодисадан яна бир бор ҳайратдан ёқа ушладилар. Ҳазрат Шайхул-Валитарош таважжух ҳолатига ўтаётган эди. Юз-кўзларидаги нур янада жилоланиб, маълум лаҳзалардан кейин бутун танасига ёйилиб, барча тўпланган аҳли жамоа ўзларини бу таралаётган нур таъсирида бошқа бир олами кабир дунёсининг олами сағир ақлий жонзотларидай ҳис қила бошлаганлар. Энди Шайх ҳазратларини ғайб илм кучи илҳомлантираётган эди. Шайхул-Валитарош бу вақтда жисм-тана кўринишидан илоҳий ишқ таъсирига тушиб, порлаган нур кўринишида зоҳир бўлаётган эди. Унинг илоҳий ишқ билан ёнаётган қалбидаги руҳий қувватлар уни Раҳмон маскани масофаси даражасидаги чексиз маконлар сари элтган эди. Парвардигор ишқи билан ёнаётган Шайхул-Валитарош қалби бундай лаҳзада бу илоҳий ҳолат жараёнида Яратгандан нимани илтижо қилса, унинг аксарият қисми ижобат бўлади. Аммо илоҳий тақдири азалда ёзилганларнинг асл негизини ўзгартиришга на валиуллоҳ, на авлиёларнинг ҳам илми ҳол кучи етмайди. Уни аслича ҳолда қолдириш ёки таҳрир этиш ҳам Яратувчи ҳукмида қолади, холос. Бироқ, Худо ва унинг буюк илми берилган ҳазрати Хизр назари тушган валий ва авлиёлар кўрсатадиган кароматли ҳодисалар, келажакни башорат қила олишлик ҳам улуғликнинг бир тимсолидирки, Шайхул-Валитарош гўдакка ном бериш асносида унга Яратгандан жаҳоншумул ишларга қодир солиҳ ва жасур фарзанд бўлиб вояга етишини, шу кафтида турган бир парча эт ҳолида типирчилаётган чақалоқ келажакда

<sup>1</sup> Рўзбехон ал-Мисрий — XII асрда Қоҳирада яшаб ижод қилган буюк мутасаввуф аллома. Кўплаб валиуллоҳ алломаларни тарбиялаган машҳур шайхлардан. Шулар орасида энг суюкли ва иқтидорли шогирди Нажмиддин Кубро ҳазратлари бўлган. Ягона қизини Шайхул-Валитарошга никоҳлаб берган эди.

она-Ватан, эл-улус дардига дармон, ҳам мустаҳкам қалқон бўлишини астойдил илтижо қилган эди. Бу илтижолари мустажоб ва ижобат бўлиши учун илоҳий оятларнинг ҳикматлар билан безанган шодаларини ғоят ёқимли, ҳофизона майлдаги овозида ирод этди. Сўнгра гўдакнинг ҳар иккала қулоғига уч мартадан тақрор этиб, унинг номи Жалолиддин Мангуберди бўлганини эълон қилди. Сўнгра қўлидаги чақалоққа диққат билан разм солди. Шайхул-Валитарош унинг пешанасидаги ўзгалар илғай олмайдиган тақдир битикларини ўқир экан, Жалолиддин Мангуберди номи айнан исму жисмига мос бўлишини, келажакда Хоразм-шоҳлар салтанати осмонининг порлоқ юлдузи бўлиб чақнаб туриши, ҳаёти ва фаолиятига доир сўнмас ишлари Ватан тарихини олтин саҳифалар билан безатишини яққол ҳис қилди, аниқ кўра олди ҳам. Шунингдек, Жалолиддин Мангуберди тақдирида буюклик билан фожиалар қисмати қўшалоқ келишини ўзига берилган ботиний ва лодуний илми ҳол ва илми қол қудрати кучи билан англаб етган эди.

Яна ўн йиллар ўтиб, ўспиринликка эндигина қадам қўядиган шу жажжи инсон Шарқ томондан йўналган даҳшатли жанглар гирдобига тортилиб, арслон янглиғ наъра тортиб, Ватан, эл-улус баҳодирларига бош бўлиб, шерюрак саркарда сифатида ўлимларни доғда қолдириб, Жалолиддин Мангуберди номи билан оламга машҳур бўлишини кўз олдида бутун бўлаётган воқеадек руҳий-ҳиссий қувватлари орқали кўра олди. Улуғ Шайх муборак қўлларида турган шу гўдак Шарқу Ғарб оламида минг йилларда фақат бир марта келишини илми ғойиб кучи билан ҳис қилди. Гўдак пешанасига ёзилган ёзиғи ҳам фахрли, ҳам аччиқ саҳифалардан иборат эдики, унга Шайхул-Валитарош авлиёлик мақоматининг илоҳий баландликларидан туриб назар солар экан, на илож қилсинки, азиз авлиё-ю анбиёлар ҳам уни ўзгартиришдан ожиз эканлигини ўйлаб, тақдири азалга қарши боролмаслиги, шунга кўра бундай ваколат фақат ўн саккиз минг олам ҳукмдори — илоҳий олам сарвари ихтиёридалиги учун ички оғриниш билан Жалолиддин ҳаёти интиҳоси хусусида тақдирга тан беришни ҳақиқий мўмин бандасининг бурчи дея ўзига тасалли берди. Негаки, Худонинг иродасига қарши бориш бу шаккоклик ва қолаверса, иблиснинг иши. Нажмиддин Кубро Жалолиддин Мангуберди ва эл-юрт, шу билан бирга Шайхул-Валитарошнинг ўзига ҳам келадиган бало-қазо офатлари — фожиаларнинг нақ қалбини заҳарли илон чаққандай оғир ҳолатдан қутқарувчи сўнги таянч ва халоскор бу мўмин инсонларга берилган сабр, дея ўзига тасалли берди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Нажмиддин Кубро бутун Шарқ учун офат ҳисобланган мўғулларнинг бемисл ва беҳудуд ҳақорат, вайроналик, хору зорликлар келтирадиган босқинчилик уруши оқибатларини унинг рўй беришидан қарийб чорак аср олдиндан кўрган эди. Шайхул-Валитарош ушбу фожиаларни қандай тасаввур қилган бўлса, воқеалар 1219 йилда айнан шу ҳолатда содир бўлиб, юрт мўғулларнинг босқини остида қолган эди.

Улуғ шайх ҳазратлари Нажмиддин Кубро ҳам тарихимизнинг „Шоҳнома“сининг ҳар икки саҳифасини ҳам буюк салтанат тантанаси ва кейинчалик унинг фожиаларига даҳлдор воқеаларни ўзининг бетақрор ва илоҳий салоҳиятига таяниб тафаккур оламига чўмилиб, унинг манзараларини илоҳиёна жунбуш билан воқеаларни олдиндан кўрар ва таҳлил қиларди. Ана шу бетақрор лаҳзаларда Жалолиддин Мангубердининг қисқа умр кўришини, аммо шу берилган оз умри поёнида ҳам буюклик шохсупасига кўтарилиб, замин ва замоннинг даврлар оша ардоқли фарзанди бўлиб қолишини, ўз қалбидаги оғринишларга фақат шу орқали малҳам бўлишидан кўнгли таскин топади. Фожиалар албатта рўй беради, бу қонуниятни четлаб ўтиб бўлмайди. Уни фақат сабр-бардош билан қарши олиш лозим, холос.

Нажмиддин Кубродек бетакрор тафаккур эгаси қўлидаги жажжи Жалолиддин Мангуберди ундан оромбахш илоҳий қувват олиб, нурли нигоҳидан тўйиниб, улўф шайх бағрига талпинади. Шайхул-Валитарош уни енгил ва оҳистагина бағрига авайлаб босар экан, кўз тегмасин, ёмон кўзлардан яратганнинг ўзи паноҳида асрасин деб, уч марта илоҳий сифат нафасларини чақалоқ юзларига йўналтиради.

Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг маънавий-ахлоқий юксак тарбиясини такомилга етказувчи унинг пири комил устози бўлиши розилигини Нажмиддин Кубродан олиши билан маросим интиҳо топади. Сарой қутволига сарой даргоҳи эшиги Нажмиддин Кубро учун ҳеч бир монесиз доимо очиқ бўлишини таъминлаш топширилди.

Нажмиддин Кубро Хоразмшоҳ ва сарой аъёнлари ҳамда турли мамлакатлардан келган элчилар, казо-казо меҳмонлар билан хайрлашиб, кетиш олдидан сарой энагабоши қўлидаги гўдакка яна бир бор назар солиб, бир неча лаҳзалар оғир хаёл дарёсига фарқ бўлиб, алҳол чайқалиб кетади. Хоразмшоҳ уни дарҳол суяб: „Улуф шайхимиз, сизни кўпроқ ушлаб қолиб толиқтириб қўйдик шекилли, минг бор узр“, — дея шоҳ Хоразмнинг моҳир усталари ўзи учун ясаган икки от қўшиладиган бежирим ва юмшоқ ўриндиқли аравасини олиб келишни сайсхона<sup>1</sup> бошлиғига буюради. Кўзларини чирт юмиб хаёл дарёсига бир неча сония фарқ бўлган Шайхул-Валитарош ўзининг ҳам, шогирдининг ҳам орадан йигирма беш, ўттиз йил ўтиб, фожиали интиҳо боис туташ тақдирлар занжирида дунё урҳо-урларидан, қон тўкишлар, сотқинликлар, ёвлашувлар ва ёлғонлардан мутлақ холи бўлган чин дунё маҳшари бекатларида устоз-шогирдлар учрашишларини, бу учрашув ҳозирги юзма-юз ҳолдаги туришлардан ҳар жиҳатдан мутлақ бошқача кечиши, инсон инсонга ёв бўлмаган, турли ирқ, турли дину мазҳабларга бўлинмаган, фақат жаннатга лойиқ инсонларнинг Парвардигор раво ҳамда лойиқ кўрган беҳишт кенгликларида содир бўлишидан илоҳий ишқ таъсирида сармастлик ҳолатини кечириб лаҳзалари эди. Бу ҳолат Арши аъло кенгликларида илоҳий олам сайри саёҳатини лаҳзалар ичида тутатиб, ўз моддий дунё ҳолатига қайтган улўф Шайхдан Хоразмшоҳ сўрайди: „Устози Аъзам, улўғимиз ушбу биз тушуна олмаган ҳолатингизда не сир-синоат бордирки, бизга ҳам бу сир-синоатдан хабар берсангиз?“ Аммо Шайхул-Валитарош тўй тантаналарини чорак асрдан кейин рўй беражак оламни тўфон бўлиб босадиган мўғуллар босқини-ю, хоразмшоҳлардек дунёнинг буюк салтанати ҳам кули кўкка совурилиши, ҳамма умид кўзларини тиккан жажжи шахзода ушбу салтанатнинг энг сўнгги вакили бўлиб, шу билан дунёга сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт рамзи бўлиб турган давлат ҳам, салтанат ҳам йўқликка юз тутишини сира-сира айтишни истамади. Тўй тўйдек ўтишини истади. Негаки, келажак ҳақидаги бу нохуш илоҳий парда ортидаги бўлажак ҳодисот тўй шукуҳини оловга сув қуйгандек ўчириши мумкин эди. Шу сабабдан Хоразмшоҳ берган жиддий савол жавобсиз қолди. Фақат тўй тадбири қувончи сабаб Жалолиддиннинг келажак тақдирини сирлигича қолдириб, садоқатли шогирдларига фақат ўзига тегишли сирини ошкор этди. Уларнинг бу сирни ҳеч кимга ошкор қилмаслик ваъдасини олгач, ўзининг ўлими қаерда ва кимлар томонидан содир этилиши ҳамда қаерга жасади дафн этилишини айтиб, ўша жойни содиқ шогирдларига ҳассаси билан чизиб кўрсатди ҳам. Бу каромат фожиаси Шайхул-Валитарошнинг фақат ўзига тегишли башорати эди. Жалолиддин Мангубердига дахлдор сирни эса сирлигича қолдирди. Салтанатнинг мўғуллар томонидан бутунлай

<sup>1</sup> Сайсхона — отхона.



Чингизхон кўшини тангутлар пойтахтини қамал қилмоқда.



Чингизхон Хоразмшоҳлар салтанатига ҳарбий юриш бошлаш учун саркарда ва сарой аъёнлари билан кенгаш ўтказмоқда. 1218 йил кузи.

вайроналикка учратилишини эса фақат орадан раппа-расо ўн саккиз йил ўтгач, Такашнинг ўғли Хоразмшоҳ Муҳаммад Султонга энг истеъдодли шогирди Мажиддин Бағдодийни қатл қилган куни маълум қилди. Муҳаммад Султонга шу хунрезлик иши боис Шайхул-Валитарош томонидан салтанати таназзули ҳақидаги сир илк бор ошкор этилган эди.

Донғи келажакда оламга тараладиган жажжи шахзодага Шайхул-Валитарошнинг алоҳида меҳри тушди. Унинг ўсиши, соғлиғи юзасидан тез-тез хабар олишни пиру комил инсон канда қилмади.

Жалолиддин Мангуберди гўдаклигидан кунма-кун, ойма-ой бағоят серҳаракат ва соғлом бўлиб ўса бошлади.

## ИСМОИЛИЙЛАР ДАВЛАТИГА ДИПЛОМАТИК ВА ҲАРБИЙ ТАҶИЙҚ

Хоразмшоҳ Такаш Кўҳна Урганчдаги шодиёналик тадбирлари баҳонасида узоқ давом этган кураш ва жанг-жадалларда рўй берган сурункали чарчоқ ҳолатларидан анча ўзига келди. Шундан кейин салтанатнинг янада ўсиши ва ривожланишига тўғаноқ бўлиб турган тўсиқларни бартараф этиш режаларини пухта ишлаб чиқишга киришди. Фитна-фасод ўчоғи ҳисобланмиш исмоилийлар давлатини тор-мор келтириш Хоразмшоҳ Такашнинг ташқи сиёсатдаги асосий, ҳал қилиши лозим бўлган вазифаларидан бири эди. Исмоилийлар давлатининг ташқи сиёсатдаги асосий фаолияти зўравонлик, дўқ-пўписа сиёсати эди. Ҳар бир ҳукмдорга „бошингнинг нархи мана шунча, яъни элик, юз ва юз йигирма минг динор ёки дирҳам тилло танга туради, уни айтилган муддатда топмасанг ҳаётингни тугаган деб ҳисоблайвер“, тарзида таҳдид қилар эдилар. Исмоилийларнинг бу сиёсий терроридан Араб халифаларидан бир қанчаси, Византия қироли ва узоқ-яқин мамлакат ҳукмдору вазирлари нариги дунёга равона қилинган эди. Бундай таҳдид ва суиқасдлар билан дўқ қилиш Хоразмшоҳ Такашга ҳам етиб келган эди. Аммо Хоразмшоҳ юқорида қайд этилган мамлакатлар ҳукмдорларидай исмоилийлар терроридан ва таҳдидларидан қўрқиб, уларнинг хазинасига ўз боши учун ажратилган маблағдан сариқ чақа ҳам жўнатмади. Аксинча йўл тутиб, улар мамлакатига янгидан ҳарбий юриш уюштирди. Натижада исмоилийлар мамлакатининг Хоразмшоҳ кўшини кириб борган ҳудудлар талон-тарож қилинди. Хоразмшоҳ исмоилийлар пойтахтига нома жўнатиб: „Сизлар кўплаб давлат ҳукмдорларини қўрқитиб келгансизлар, мен эса сизларнинг дўқ-пўписаларингиздан заррача қўрқмайман. Агар пойтахтингиз ва ўзларингизнинг омон қолишларингизни истасангизлар, сизларга шартларни мен қўяман. Агарда менинг талабларимни бажармасангизлар, ҳеч кимни аяб ўтирмайман. Ушбу мактубнинг жавобини ҳам кутиб ўтирмай, исмоилийлар пойтахти Аламут шаҳри олдида қалқон бўлиб турган ўз даврининг энг мустаҳкам қалъаси ҳисобланган Туршиз қалъаси қамалини шошилиш тарзда бошлаб юборди. Қалъа 1200 йил май ойида тўрт ойлик қамалдан сўнг таслим бўлди. Энди террорчи исмоилийлар давлати пойтахти Аламутга йўл очилган эди. Исмоилийлар Хоразмшоҳнинг барча талабларини бажаришга мажбур бўлдилар.

Ҳарбий ҳаракатларга кетган ва хазинага тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоб қилиниб, исмоилийлар жами 100 минг динор тўлайдиган бўлишди. Шунингдек, Хоразмшоҳга нисбатан ҳеч қачон ғаразли таҳдидлар қилмаслик мажбуриятини олдилар. Бу ишлар бир ёқли бўлгач, Хоразмшоҳлар давлатига доимо ғаразли мақсадларда ташқи сиёсат олиб бораётган Араб



халифалигини бутунлай тор-мор қилиб, жануби-ғарбда салтанат чегараларини Миср ҳудудларигача кенгайтиришни режага киритган Хоразмшоҳ катта ҳарбий сафарбарлик ишларини бошлаб юборди. Ҳарбий вазирлик девонида ишлар туну кун давом этди. Янгидан-янги ҳарбий гуруҳ ва қисмлар тузиш, уларнинг жанговар тайёргарлиги билан жанг кўрган мард мингбоши, амирлар ва лашкарбошилар шуғулландилар. Кўҳна Урганч атрофида томонлар гуруҳларга бўлиниб, пиёда ва суворий жангчилар иштирокида жанговар ҳарбий машқлар тўхтовсиз олиб борилди. Бу ҳаракатларни зимдан кузатган турли мамлакатлардан келаётган қатор-қатор карвонлар, Хоразмшоҳ албатта яқин кунларда қандайдир катта уруш тадоригига киради, бу уруш қайси мамлакатга қаратилиши юзасидан карвонбошилардан тортиб уларга хизмат қилувчи хизматкор ва савдогарларга қадар баҳс-мунозара қилишда давом этардилар. Кимлардир Хоразмшоҳ Такаш эндиги навбатда Кавказ орқали солибчиларга қарши юриш бошлайди десалар, иккинчи бир гуруҳ савдогар тижоратчилар эса Хоразмшоҳнинг асосий ғаними Бағдодда дердилар. Учинчи бир гуруҳдагилар у ҳам эмас, бу ҳам эмас, Хоразмшоҳнинг жануби-ғарбдаги ишлари асосан ҳал бўлган, унинг ҳамма муаммоси шимоли-шарқда — қорахитойлар билан ҳисоб-китоби қолган, дея ўзларининг фикрлари тўғрилигини исботламоқчи бўларди. Карвонлар учун Хоразмшоҳнинг қайси томонга қараб қўшин тортиши жуда аҳамиятли эди. Аввало, ҳар бир карвонда ҳар бир ҳукмдорларнинг жосус ўрнида янги хабарларни етказувчи ўз одамлари бўлар эди. Шунга кўра, карвон бир йўла бир неча вазифаларни: ҳам сиёсий, ҳам савдо, ҳам жанговар ва маданий алоқаларга доир топшириқларни бажарарди. Шунинг учун карвонбошиларни турли мамлакат ҳукмдорлари юртига кириб келганда уларни ҳузурларига чорлаб, улар билан жуда яқин муносабатда бўлишга ҳаракат қилганлар. Бундан ташқари, ҳарбий ҳаракатларнинг бориши карвонлар хавфсизлиги, осойишталиги билан ҳам боғлиқ эди. Бу жиҳатдан карвонбошилар моли ва жони омонлиги учун бундай таҳликали дамларда қатиқни пуфлаб ичишлари савдо табақаларининг огоҳлик хусусиятидан келиб чиққан ҳодиса эди. Ҳеч бир даврда, ҳеч қачон моли ва жони қадрини ҳаммадан яхши идрок қилган савдогар-тижоратчи гуруҳлар уруш олови томон эмас, хавф-хатардан холи йўлларни ахтарганлар. Қудратли ҳукмдорлар ҳимоясида бўлишни афзал билганлар.

Ниҳоят, Буюк ипак йўлида турнақатор кетаётган, узоқни кўрувчи савдогарларнинг Хоразмшоҳ Такашнинг навбатдаги ҳарбий ҳаракати Араб халифалигига қаратилади, дея исбот-далиларни илгари суриб, баҳсда иштирок этувчи гуруҳлар қатнашчилари ҳақ бўлиб чиқди. 1200 йил июннинг 20- кунини бир юз эллик мингга яқин қўшин Бағдод сари йўлга чиқди. Хоразмшоҳ Такаш фармони билан олди-кети ўн чақирим масофага чўзилиб бораётган қўшин Хуросон чўлларидан ўтиб, Марв орқали Нишопурга бурилганда Хоразмшоҳ Такаш ўзини ёмон ҳис қила бошлагач, лашкарга тўхташ буюрилди. Лашкарлар жазирама иссиқдан ҳимоя қилувчи ўн мингдан ортиқ чодирлар тикиб жойлашдилар. Хоразмшоҳнинг ўзига келиб соғайишини кутдилар. Аммо унинг аҳволи тобора оғирлаша борди. Унинг соғайишига умид қолмагач, лашкарга орқага қайтиш фармони берилди. Бу Хоразмшоҳ Такашнинг ўзи вужудга келтириб, ташкил қилган қўшини ва лашкарбошиларига берган охири фармони бўлди. 1200 йил 3 июль кунини қўшин Нишопурдан Шаҳристон шаҳри остонасига етганда Хоразмшоҳ Такаш омонат жонини яратувчи эгасига топширди. Унинг жасади Кўҳна Урганчга келтирилди ва ўзи қурдирган маҳобатли мадраса ёнига мақбара солиниб, шу ерга дафн этилди. Бу мақбара ўзига хос меъморий услубда қурилган бўлиб, ҳозир ҳам хоразмшоҳлар даврининг ноёб ёдгорликларидан бири сифатида сақланиб қолган. Шунини

таъкидлаш лозимки, Хоразмшоҳ Такаш қурдирган мадраса ўз даврида диний ва дунёвий илмларни мукамал эгаллаган мударрис-алломалар толиби илмларга сабоқ берадиган, Шарқда ўз мавқеига эга бўлган олий ўқув юрти ҳисобланган. Бу маскандан илм сирларини эгаллаган етук комил инсонлар Мовароуннаҳр, Хуросон, Форс, Ажами Ироқ ва бошқа мамлакатларга бориб одил қози, табиб ва бошқарув идораларида, солиқ, ҳарб девонларида хизмат қилишган.

Хоразмшоҳ Такаш ўзбек миллий давлатчилигимиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди ва тарихда чуқур из қолдирди. У кўпгина ўрта аср тарихчиларининг маълумот беришича, ғоят моҳир дипломат, забардаст лашкарбоши ва истеъдодли давлат арбоби бўлган. Салтанатида адолатли қонун-қоидалар чиқариб, ҳам фуқароларни, ҳам давлат манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилган. Натижада, унинг ҳукмронлиги даврида Хоразмшоҳлар давлати билан бошқа мамлакатларнинг кўплаб ҳукмдорлари ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. Марказлашган давлатдаги қонун устуворлиги адолат устунларига қурилгани боис Хоразм воҳасида ва Хуросонда иқтисодий ва маданий юксалиш юз берди. Қудратли салтанатлар қуршовида туришига қарамай, бу давлатлар томонидан қилинган хуружлар, сиёсий низолар гоҳ мунтазам қудратли қўшин кучи ёхуд нозик дипломатик муносабатлар орқали биринкетин бартараф этилди. Қўшни мамлакатлар, умуман, Шарқда рўй бераётган сиёсий-ҳарбий вазият ва ҳолатларни кўздан қочирмай, унинг тўлқини эрта-индин ўз давлати, халқига қандай яхши ёки ёмон оқибатлар келтиради, қабилида ёндашиб, уларнинг ечимини топиш устида бош қотирди, чора излади. Воқеалардан узоқлашмади, балки унга қарама-қарши ва мардона юзма-юз борди.

Хоразмшоҳ Такаш сиёсат ва ҳарбий ҳамда эл-юрт истиқболига оид иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга жуда кўп вақт сарфлашига қарамай, санъатни, санъаткорлар, илм аҳллари ва аҳли ҳунар эгаларини жуда қадрлаган. Иқтидорли толиби илм соҳиблари ҳамда уларнинг устозлари ва алломаларга ҳомийлик кўрсатиб, иззат-ҳурматини жойига қўйиб, улар қадрига етган. Шу боис у йирик руҳоний ва алломалар томонидан доимо қўллаб-қувватланган.

Ўрта аср тарихчиларидан Ибн ал-Жавзий унинг одил, фуқаропарвар ҳукмдор бўлганлигини таъкидлаш билан бирга, бўш пайтларида мусиқа, айниқса, уд мусиқий асбобини жуда маромига етказиб чалиши, ўзи севган мақомларни маромида қўйлаганини ёзар экан, шундай бир қизиқарли мисолни келтириб ўтади: „Исмоилийлар жуда мард ва мағрур Хоразмшоҳни йўқ қилиб, шу орқали бошқа ҳукмдорларга таҳдид солишни кучайтиришга қарор қиладилар. Улар ўзларининг қора мақсадларини амалга оширишга жиддий киришиб, ўта иблисона майлда ҳаракат қиладиган, ҳатто мақр-ҳийла ва топқирлиги билан шайтонга сабоқ берадиган жосусини Хоразмшоҳ Такаш саройига йўллайдилар. Ўнлаб тўсиқлардан ўтишга муваффақ бўлган тажрибали жосус ҳукмдорнинг уд чалиб хиргойи қилиб ўтирган боғига киради. Гулзор панасида туриб, энди пичоғини қўлга олаётган пайтида Хоразмшоҳ қўшиқнинг қўйидаги сатрларини авж пардада жосус яширинган томонга қараб қўйлайди: „Мен сени танидим, қоч, ўз жонингни сақла, нодон бўлмасанг бу ерда на қилурсан? Бировга чоҳ қазисанг, билгинки, ўзинг тушурсан!“ Бу сўзларни эшитган жосус: „Эҳ, мени қўлга олиш режаси алақачон пухта ишлаб чиқилган экан, бу ҳукмдор „ўз жонингни қутқар“ дея менга қочиш имконини берапти. Хоразмшоҳ деганлари жуда огоҳ ва одил шоҳ деганларича бор экан“, дея ўрnidан шартта туриб боғ деворидан ошиб ўтишга уринади ва шу ерда қўлга

олинади. Худди шу воқеа уни исмоилийлар устига қўшин тортиб боришга мажбур қилган эди. Жаҳл отига минган Хоразмшоҳ Такаш исмоилийларнинг бир неча вилоятларини қўшинига талон-тарож қилдириб, уларнинг пойтахти Аламут остоналарига етиб келганида, исмоилийлар юз минг динор бериб зўрға қутулиб қолган эдилар.

Хоразмшоҳ Такашнинг ўз сарой ходимлари ва ҳоким ҳамда оддий халққа ҳам ҳомийларча қўли очик, меҳри баландлигини эшитган тамагир ва фирром кишилардан бири бир таваккал қилиб кўрай, зора, шохнинг баланд ҳиммати менга насиб қилиб, бойиб қолсам, сурнайчидан пуф кетди, мендан нима кетди, дея ҳукмдорга мактуб йўллаб, шу омонат мактубни Хоразмшоҳга яқин бўлган карвонбошидан унга етказишни илтимос қилади. Мактубда қуйидаги мазмун баён этилган эди: „Мусулмон сифатида мен сенинг биродарингман! Хазинангдан менга етарли бир қисмини ҳадя қил!“ Хоразмшоҳ Такаш унга ўн олтин динор беришни буюради. Ўша одам динорларни олгандан кейин шундай жавоб хати жўнатади: „Мен сенинг биродарингман. Агар сен элга берадиган хазина ўн динордан иборат бўлса, мени қаноатланди деб ҳисобла“. Такаш унинг қитмирона тагдор жавобига қуйидагича жавоб йўллайди: „Агар менинг бошқа биродарларим ҳам ўз ҳақларини сенга ўхшаб талаб қилсалар, сенга ўша ўн динор ҳам тегмайди“.

Хоразмшоҳ Такаш салтанатдаги турли эл-улус ва қавм, уруғлар ўртасидаги ўзаро тотувликка эришиш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошириш йўлида катта ғайрат кўрсатди. Унинг энг муҳим ишларидан бири деҳқон, чўпон, ҳунарманд, савдогар табақа ва умуман, фуқароларининг моддий фаровонлигини оширмай, уларга шароит яратиб бермай туриб кучли давлат, қудратли қўшин яратиб бўлмаслигини англаб, халқнинг фаровонлигини таъминлашга диққат-эътибор қилгани бўлди. Хоразм воҳаси иккита катта чўл ўртасида жойлашганлиги учун каналлар қазиш, сув иншоотлари тизимларини барпо этишга доимий раҳнамолик қилди. Ташқи сиёсатда эса ашаддий таҳдидчи исмоилийларни тиз чўктиришга муваффақ бўлса-да, бу билан чекланмай халқаро савдо йўллари, кечувлар ва карвон бекатлари ҳамда чегара масканларида, божхоналарда тартиб-интизом ва огоҳликни ҳар қачонгидан оширди. Унинг даврида мамлакат эгасиз ва бедарвоза эмас „ҳикмат“и ҳаёт амалиёти билан мустаҳкам боғланди.

Хоразмшоҳ сиёсий ва ҳарбий вазиятлар энг оғир дамларда ҳам ғанимларнинг ўзига қарши биргалашиб ҳаракат қилишларига йўл қўймади. Уларнинг бирини бетараф қилса, энг тажовузкорини тор-мор келтирди. Учинчи бир ғаними билан вақтдан ютиш учун сулҳ тузди. Вақти келганда ушбу сулҳ муваққат чора сифатида тузилиб, имкон топилиши билан сулҳни бир томонлама бекор қилиб, ўша ғанимни баҳрдан ўтиб, ҳудудини эса салтанат тасарруфига қўшиб юборарди. Шуниси характерлики, ўша мамлакатлар фуқаролари йирик марказлашган салтанатнинг адолатли қонунларида ўзларининг моддий ва маънавий ҳимояланаётганлигини кўриб, Хоразмшоҳнинг иқтисодий ва солиқ сиёсатидан мамнунлигини изҳор қилганлар. Бу, айниқса, салтанат ҳудудида ҳарбий сафарбарлик ва каналлар қазиш, давлат фойдасига мажбуриятлар ўташни уюшқоқлик билан ўтказишларда ўз ифодасини топган. Шунга кўра ўрта аср тарихчиларининг асосий кўпчилиги Хоразмшоҳ Такашнинг бу каби ҳаракатларини ижобий баҳолаб, адолатпарварлигини эътироф қилиб ёзиб қолдирганлар. Адолатли шохга адолатли таъриф берганлар. Хоразмшоҳ Такаш амалга оширган сиёсий, ҳарбий тадбирлар орасида, гарчи Такашнинг ҳукмронлиги даврида қипчоқлар жанговар куч-қудратидан салтанатнинг ҳарб соҳасини мустаҳкамлашга эришган бўлса-да, бироқ, уларнинг сиёсий бошқарувнинг марказий ва вилоят тизимларида ҳал қилувчи мансабларга

қўйилиши бир яхшининг бир ёмони деганларидек, кейинчалик ўнглаб бўлмас фалокатларга олиб келди. Айниқса, бу ҳолат Такаш вафотидан кейин тахт вориси Алоуддин Муҳаммад Султоннинг тахт-тож эгасига айланганидан бошлаб маҳаллий халқ орасидан етишиб чиққан сарой амалдорлари билан кўчманчи Дашти Қипчоқ қабила ва уруф сардорлари ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиб, келгинди қабилалар фойдасига ҳал бўлиши буюк салтанатни ҳалокат чоҳига улоқтирилишига сабаб бўлди. Бу зиддиятлар мўғуллар босқини рўй бериши муқаррар бўлаётган хатарли дамларда энг юқори паллага етган эди.

Такаш қорахитойлар Ироқи Ажам ва Араб халифалиги ҳукмдорларининг ҳужум ва сиқувларига бардош бериш учун ишончли, аммо қудратли ва жанговар иттифоқчи ахтарди. Хоразмшоҳ Такаш учун шундай иттифоқчи дашти қипчоқликлар уруф ва қабила сардорлари бўлиб чиқди. Хоразмшоҳ Такаш улар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун дашти қипчоқлар хони Жанкишининг ғоят гўзал, аммо ёшлиқдан сарой бошқарувида кўзи пишган шаддод қизига уйланди. Келинчак малика Туркон Хотун сарой ишларида ғоят тажрибали ва уддабурон бўлганлиги учун қисқа вақт ичида Хоразмшоҳ Такашнинг сиёсий, ҳарбий муаммоларини ечишда ўзининг теран фикрлари билан эри Хоразмшоҳнинг яқин маслаҳатгўйига айланиб олди.

Малика Туркон Хотун ўз юрти Дашти Қипчоқдан узоқ Хоразмга келин бўлиб кетар экан, яқин қариндош-уруғларидан муносабатлар узилиб қолмаслиги учун ураний, қарлуқлар, агроқлар ва халаж қабилаларини бира тўла Хоразм воҳасига кўчириб олиб кетишни Хоразмшоҳ Такашга маслаҳат беради. Маликанинг шаштини қайтаришни истамай, Хоразмшоҳ рози бўлди. Орадан бир йил ўтиб, Туркон Хотун ўғил кўрди. Унга Алоуддин Муҳаммад исмини беришди. У катта бўлгач, Хоразмшоҳ ўғлини келиб чиқиши маҳаллий амалдорлардан бўлган Олий Девон вазирининг гўзал қизи Ойчечакка уйлантирди. Ойчечак Алоуддин Муҳаммаднинг биринчи хотини бўлиб, у Хоразмшоҳга илк неварани — шаҳзода Жалолиддин Мангубердини туҳфа қилиб, сарой аҳлига чексиз шодлик келтирди. Малика Туркон Хотун узоқни кўзлаб ўғли Алоуддин Муҳаммадга юқорида номлари тилга олинган Дашти Қипчоқ қабила сардорлари қизларини хотинликка олиб берди. Ўз қариндош сардорларининг қизларини малика даражасига кўтариб, аксинча, Жалолиддин Мангубердининг онаси Ойчечакнинг мавқеларини пасайтириб, ўз қавми дашти қипчоқликлардан бўлган кичик келин маликаларни бутун кучи билан ҳимоя қилиб, улардан бўлган шаҳзода невараларни бор вужуди билан ҳокимиятпараст қилиб тарбиялай бошлади. Жалолиддин Мангуберди ва унинг онаси Ойчечакка ўғай кўзи билан қарай бошлаб, сарой муҳитида ўнглаб бўлмас ички зиддиятлар оловини ёқди. Бу оловга Туркон Хотун шундай ўтин қаладики, Хоразмшоҳлар салтанати охир-оқибат кули кўкка совуриди, ўз ўғли Муҳаммад Султонни ва ўзи тетапоя қилиб тарбиялаган шаҳзодалар умрини хазон қилди, ниҳоят, буюк салтанатнинг катта маликаси Туркон Хотуннинг ўзи ҳам, хору зорликка йўлиқиб, мўғул босқинчиларига оёқости бўлди. Натижада унинг тарбиясини олган ҳокимиятпараст шаҳзодалар оҳу ноласи ва буюк салтанатнинг гумбурлаб йиқилишидан бутун Шарқ олами ларзага келди. Бу машъум воқеалар орадан чорак аср ўтиб рўй берди. Туркон Хотуннинг феълидаги рашк устуворлиги, унинг тошу тарозисига тўғри келмаганларга нисбатан қасоскорлик ўти қайсидир амалдорнинг шўрини қуритиш билан интиҳо топган. Ҳатто эри Такашнинг айрим ҳолатдаги ҳаракатлари ёқмай қолса, шоҳ эрини ҳам аямаган. Ҳатто ўзини қатл этиш жазосидан ҳам қўрқмаган. Шундай қалтис ҳодисалардан бирини ўрта аср тарихчиларидан Жузжоний манбаларида қуйидагиларни келтириб ўтади: „Хоразмшоҳ Такаш узоқ давом этган қонли курашлардан

роят ҳолдан тойиб пойтахтга қайтади. Усти ёпиқ ҳовузда гўзал канизаклар билан эри Такашнинг чўмилиб, ҳордиқ чиқармоқчи бўлганлигини кўрган Туркон Хотун рашк алангасида ёниб, эри Хоразмшоҳ Такаш ёпиқ ҳаммом тарзида қурилган ҳовузга кириши билан ҳовуз эшигини орқасидан очиб бўлмайдиган қилиб тамба ташлайди. Ёпиқ ҳовузга қайноқ сув юборилиб, совуқ сув юборилиш тўхтатилади. Ҳовуз-ҳаммом қизигандан-қизиб, канизаклар бирин-кетин ҳушдан кетиб, ниҳоят Хоразмшоҳ ҳам бўғилиб ўлишига бир баҳя қолади. Ҳаммом бошлиғи ва унинг соқчиларининг шошилинич саъй-ҳаракати билан Хоразмшоҳ зўрға қутқариб қолинади“.

Сиёсатда ҳам ана шундай феъл-атвори, қалтис ва шахсиятпарастларча ҳаракат қилиши, ўз қавмдошлари манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўйиши малика Туркон Хотунни охири нафасигача тарк этмади.

1200 йилнинг 3 августида Кўҳна Урганч маҳалла оқсоқоллари, кадхудолари, сарой аҳллари ва вилоят ҳокимлари, ноиблар иштирокида Такаш ва Туркон Хотун фарзанди шахзода Алоуддин Муҳаммаднинг султонлик тахтига ўтириб, тож кийиш маросими ўтказилди. Ўғлининг тожу тахт эгаси бўлиши муносабати билан онаси Туркон Хотун учун эри Такаш давридагига нисбатан ҳам давлат сиёсатида айтгани-айтган, дегани-деган имконият вужудга келди. Ўғли Алоуддинга ҳали сен ёш ва тажрибанг етарли бўлмагани сабабли, салтанат бошқаруви ўта мураккаб фаолият бўлганлиги боис, давлатнинг ташқи ва ички сиёсат ишларини сенинг илминг, қобилиятинг то очилиб, пишиб бўлгунча ўзим олиб бораман. Бу салтанат буюк ҳолга келгунча отанг Хоразмшоҳ Такаш билан не-не заҳматларни чекмадик. Салтанат биносини тиклашда менинг ҳиссам ҳам отангникидан ортиқ бўлса бўлдики, асло кам бўлмади, қабалида ўғлига тўла ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Натижада тож-тахт эгаси Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ аслида иккинчи мавқега суриб ташланди. Жалолиддин Мангуберди ва унинг онасини сарой ишларидан узоқлаштириш ҳам йиллар давомида шахзодаларни бир-бирига қарама-қарши қилишдек сиёсий-маънавий тарбияни Муҳаммад Султоннинг Дашти Қипчоқ хотинларидан туғилган шахзода неваралари мавқеининг кўтарилишига қаратиб, Туркон Хотун адолатсизлик қилиб, катта шахзода Жалолиддин Мангубердининг саройдаги ҳуқуқларига тўсқинлик қилишга интилаверади. Бундай адолатсиз ишларини Туркон Хотун ўғли Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг кўзини шамғалат қилиш эвазига амалга оширди. Аммо, онаси Туркон Хотуннинг раъйига қарши боролмаган Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ онасидаги бу сálбий ҳолатнинг биридан хабардор бўлса, бирини эса кўрмаганга олди. Аммо Алоуддин Муҳаммад Султон тўнғич фарзанди Жалолиддин Мангубердининг баркамол шахзода бўлиб етишиши йўлида барча шароитларни яратиб берди. Онаси Туркон Хотун ҳам бу шароитларни йўққа чиқаришга ошқора ботина олмади. Ўзини ҳамма невага шахзодаларга адолат ва тенглик асосида барабар кўраётгандек қилиб кўрсатишга уринди. Аммо, иситмасини яширсанг, касаллик ошқор қилади деганларидек, Туркон Хотуннинг Жалолиддин ва унинг онаси Ойчечакка нисбатан фирромликлари барибир ўзини ошқор қилди.

## **ХАЙР, БЕҒУБОР БОЛАЛИК. САЛОМ ЧИНИҚИШ ВА ҲАЁТ МАКТАБИ**

Халқимиз даҳо тафаккури маҳсули бўлмиш афсона, эртақлар қаҳрамонларининг ибратли, халқчил вояларини оила, маҳалла, умуман, фарзандлар тарбияси учун ибрат қилиб олиниши бежиз бўлмаган. Аждодларимизнинг афсона ва „эртақлар яхшиликка етақлар“ мақоллашган

ҳикматларида бир дунё мазмун бор. Ёвуз аждаҳоларга қарши курашга ёлғиз отланишга журъат қилган афсонавий баҳодирлар ҳақидаги дostonлар ўзбек ва шарқ халқларида азал-азалдан маънавий тарбиянинг асоси бўлиб келган. Афсонавий баҳодирлар ўспиринлик давриданоқ жасур ва довюрак бўлгани, йигитлик даврида эса қудрат тимсолига айланиб, она юрти ва халқи, эл-улуси бошига тушган хавф-хатар, таҳдидларни баҳодирлик отига миниб, ёвузликни юртдан даф этиш учун узоқ йўл юриб, одамхўр девларни йўқ қилиб, халқига тинч ва осойишта ҳаёт яратиб келганлиги халқ оғзаки ижодининг бадий чўққиси даражасига кўтарилган. Афсона ва эртақларда ватанни, халқни севишга ундаш асосий мақсад бўлса, унинг реал ҳаётдаги ифодаси, шу йўлдаги ҳаёт мактаби қандай шароитларда вужудга келган? Бу каби мураккаб саволга жавоб топиш учун мозийга мурожаат қилиш ёки мозий илмининг аҳамияти ҳақида Турон ва Хуросон замин шеърляти султони бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратлари ижодидан жавоб ахтарамиз:

Агар тарих сари айлаунг майл,  
Уни билгач не иш қилди ҳар хайл.  
Не ишдин мамлакат обод ўлди,  
Қаю ишдин эл-улус барбод ўлди.

Ватанимиз инсониятга бетакрор алломалар ва халқнинг бемисл жасур қаҳрамонларини етказиб бера олганлигининг сабабларини била олишимиз учун ҳам тарихимизни қунт билан ўрганишимизга тўғри келади. Аввал Турон замин ўзининг Алпомиш, Гўрўғли ва Авазхон каби эл-улуснинг фидойи ватанпарварларини бадий ижод даҳоси билан яратди. Уларнинг жасоратда тенгсизлиги дostonларда куйланиб, шундай инсонлар ҳақиқий реал ҳаётда бўлишини аждоқларимиз астойдил орзу қилдилар. Чунки дostonлардагидек марду майдонлар бўлмаса, Ватанни, унинг халқини ҳам турли ёвуз ганимлар, босқинчилардан омон сақлаб бўлмаслиги ойдек равшан бўлди. Тарихнинг оғир синовлари ҳам шундан хабар берар эди. Бундай мураккаб муаммолар ечимига нафақат Ватанимиз, унда яшаган қадимий аждоқларимиз, балки дунё халқлари барчаси жавоб излади. Ниҳоят катта изланишлар туфайли бу муаммонинг жавобини, ижобий ечимини бизнинг қадим аждоқларимиз топишди. Муқаддас қонун-қоидалар мажмуи даражасига кўтариб, унинг жамият ва ҳаётга татбиқини айнан Ватанимиз, унинг ажралмас таркибий қисми Хоразм воҳаси сарзаминида яратилди. Натижада ватанда яратилган афсонавий қаҳрамонлар ўрнини ҳаётда Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд, Амир Темур ва Ялангтўшбий баҳодир каби буюк тарихий шахслар, миллат, эл-улус қаҳрамонлари эгаллади.

Буюк шахслар ҳеч қачон тайёр ҳолда осмондан тушмайдилар, бу ҳақиқатдир. Миллат, эл-улус қаҳрамонлари ҳам худди шундай. Бундай фавқуллодда инсонларнинг ҳаёт тарзини ижтимоий муҳитдан, жамият, ахлоқий-маънавий ҳаётдан, қолаверса, халқнинг тарихий-тамаддун давр босқичларидаги турмуш тарзи, оила, жамият ва давлат манфаатларининг сиёсий-маънавий уйғунлиги, муштараклигидан қидириш лозим. Яна бир нарсани, яъни юзлаб буюк алломалар, ўнлаб жаҳон миқёсидаги давлат арбоблари ва лашкарбошиларни бир ҳудуд ва макон доирасида изчил тарзда тарбиялаб бериш мураккаб ҳодиса эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Бу буюк ҳодиса ҳам бизнинг Ватанимизда рўй берди.

Буюк хоразмшоҳлар миллий давлатчилигимиз, шунингдек, жаҳон тамаддунига ўзининг ҳар жиҳатдан сиёсий, маданий-маърифий чўнг ҳиссасини қўшди. Шунингдек, миллий давлатчилигимизнинг кейинги ўрта асрлар босқичидаги таркибий қисми ва давоми темурийлар

даври ҳам бундан мустасно эмас. Бу даврларда эришилган ютуқлар нафақат халқимиз, балки умумбашарият ютуғи ҳамдир. Бу ютуқлар фақат ўрта асрлар даврининг маҳсули эмас, унинг таг-замини, тарихий илдизлари ҳали жаҳоннинг аксарият қисмида ибтидоий давр ўз умрини синфий табақаланишни бошлаб берган бир даврда фаровон жамият ва уни бошқарадиган одил ҳукмдор, бахтли оила, комил фарзандларни тарбиялаш ва унда устознинг ўрни, устоз ва шогирд муносабатларининг педагогик асослари айнан илк бора Ватанимизда яратилди. Шу билан жамиятнинг барча даврларга дахлдор мураккаб ва ғоят муҳим соҳаси таълим-тарбиянинг ҳам халқ педагогикаси, ҳам давлат назоратида аниқ режа ва дастурларга амал қилувчи таълим-тарбия тизимининг тамал тоши ҳам бизнинг юртимизда қўйилган эди. Бу оғир муаммонинг ечими Хоразм сарзаминида вужудга келган „Авесто“ таълимотида ўз ифодасини топди. Қайси даврлар тамаддуни бўлмасин, хоҳ Миср ёки Месопотамия, хоҳ Юнон-Рим қадимий маданиятлари ана шу буюк таълимот ғояларидан озиқланди. Дунёда биринчи бўлиб комил инсонни тарбиялашдек муаммога ижобий ечим излаган улуғ педагогик қарашлар „Авесто“да аниқ баён этилди.

IX—XII асрга келганда бу ғоялар Ватанимизда етишган буюк алломалар томонидан янада такомил босқичига кўтарилди. Шубҳасиз, қадим-қадимдан жанговарлик руҳини фарзандлар қалбига синдириш анъанаси мавжуд бўлиб, анъанага айланган юртда Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби машҳур саркардаларнинг Турон заминидан етишиб чиқиб, номлари дунё бўйлаб кезиши табиий бир ҳолдир. Ҳарбий-жанговарлик соҳасидаги қадим аждодларимизнинг бундай саъй-ҳаракатларини эслатиб, унинг заминига чуқурроқ назар солишимиздан асосий мақсад, ғарб оламининг айрим евроцентризм касалига учраган шовинист олим ёки давлат арбоблари, лашкарбошилари биздан етишган буюк аждодларимиз тарихнинг хатоси ёки тарихдаги рўй берган тасодиф, Осиё чўлларида ўқмай, маърифатдан йироқ етишган шахслар дея камситишларининг мутлақ асоссиз эканлигини, ана шундай талқинда бизнинг аждодларимизга баҳо берувчиларнинг ота-боболари биз „Авесто“дек маърифий-маънавий ва маданий жаҳоншумул тамаддун босқичида тарбия топаётган даврда улар ҳали баркамол авлод тарбияси тўғрисида, бахт-саодатли жамият ҳақида фикр юритиш даражасидан осмон қадар узоқ масофада маърифатсиз жамиятни бошидан кечирмоқда эдилар. Шунга кўра, биздан ўрта асрларда ҳам хоҳ илму фан соҳаси бўлсин, хоҳ ҳарбу зарб ва сиёсат соҳаси бўлсин буюк бобокалонлар етишиб чиқиши табиий бир ҳолат, ҳодиса ва воқелик деб эътироф этилиши ўз-ўзидан равшандир.

Шундай экан фан-маданиятнинг дунёда йирик ўчоғи бўлган Хоразм заминидан Жорруллоҳ, яъни Худонинг қўшниси номи билан Шарқ оламида машҳур бўлган Маҳмуд аз-Замахшарийни Худо ўз даргоҳига чақириб олгач, орадан бир йил ўтмаёқ, ўрнига Шарқнинг чақноқ юлдузи Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро ҳазратлари ҳамда унинг ўн иккита авлиё шогирдлари етишиб чиққанлиги ва бундан ярим аср ўтгач эса шоҳлар сулоласидан бўлажак давлат арбоби ва буюк лашкарбоши Жалолиддин Мангуберди етишиб чиққанлиги ва Ватан толеи учун уларни тарихий тақдир учраштирганлиги тарихий ҳодисадир. Шундан келажак авлодларга чинакам ибрат бўлувчи устоз-шогирдларнинг муносабатлари бошланган эди. Бу бетакрор устоз-шогирдлик муносабатлари Ватан тақдирига дахлдор буюк воқеа-ҳодисаларга уланиб кетди. Шайхул-Валитарош шаҳзода Жалолиддин то етти ёшга етгунча, ҳафтада бир неча бор келиб, ҳол-аҳволдан хабар олишни канда қилмади. Сарой энагаларига унинг соғлом ўсиши учун маслаҳатларини аямади. Ана шу вақт оралиғида Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон бошқа аёлларидан бирин-кетин ўғил фарзандлар кўрди. Уларга Узоқшоҳ, Оқшоҳ, Рукниддин Ғурсанҷи ва Ғиёсиддин Пиршоҳ номлари берилди. Уларнинг оналари

Дашти Қипчоқ қавмлари хон ва сардорларининг қизлари эдилар. Бу келинлар Хоразм-шоҳнинг онаси Туркон Хотун қариндошлари бўлиб, малика бутун борлиғи билан уларни ўз пинжига олди. Фақат Жалолиддин ва унинг онаси Ойчечак ҳар куни, ҳар дақиқада Туркон Хотундан ўғайсираш муносабатларини сезиб, шу совуқ муносабатга дуч келиб турдилар. Уни сарой амалдорлари ҳам яққол сезарди. Туркон Хотун қариндош келинларидан бўлган невараларига устозларни ҳам, ўсмирлик даврига етгач, ҳарбий санъатни ўргатувчи лашкарбошилари ҳам ўзининг қариндош қавмлари бўлмиш Дашти Қипчоқ сардорлари орасидан танлади. Шу тариқа саройдаги ёш шаҳзодалар кичкинтойликданоқ икки хил — миллий тафовут ва Дашти Қипчоқ урф-одат ва анъаналари таъсирида ўсдилар. Шаҳзодаларнинг каттаси Жалолиддин Мангуберди укаларига қанчалик бағрини очмасин, Туркон Хотун берган ғайри тарбия тугайли уларни кўзга кўринмас ётсираш, гумонсираш тўсиқлари катта бўлган сари бир-биридан узоқлаштириб, оқибат бу гумонсираш иллатлари катта ака Жалолиддин Мангубердига нисбатан маънавий узоқлашишдан сиёсий рақибларга айланиш даражасига етказилди.

Аммо Жалолиддинни саройдаги ука шаҳзодаларникидан тубдан фарқланувчи, дунёга машҳур маънавий-ахлоқий юксак тарбия мактаби кутарди. Бу улуг ва буюкларни тарбияловчи „Кубровия“ номи билан шуҳрат топган маърифий тарбия даргоҳи эди.

Шайхул-Валитарошнинг келажакда номи оламга таралиб кетадиган шаҳзода Жалолиддинга кунма-кун меҳри зиёда бўла борди. Фарзандидан ортиқ кўрса-кўрдик, аммо кам кўрмади.

## РУҲ, ТАН ВА ИРОДАНИ ТАРБИЯЛАШДА ШАЙХУЛ-ВАЛИТАРОШ УСУЛИ

Валиуллоҳ назари ва нафаси таъсирида Жалолиддин жуда соғлом, ғоят ҳаракатчан ўса бошлади. Шаҳзодаларнинг қўли ҳалоллангач, энди унга изчил тарзда ислом маънавияти ва маърифатининг биллурдек покиза сарчашмаларидан ёшига хос ва мос таълим ибтидосини беришга киришди. Нажмиддин Кубро зийрак ва ўта тиришқоқ Жалолиддинни дастаб лохут олами, яъни илоҳий олами сирларидан воқиф қилди. Бу билан буюк устоз ўз шогирдига ўзлигини англашмоқ учун буюклар буюги, қудратлиларнинг қудратлиси, ўн саккиз минг оламлар шоҳи Парвардигорнинг сифатларини англашишдан бошлади. Сўнгра Жабарут олами ва малакут олами куч-қудратлари тўғрисида тушунчалар берди. Навбатдаги сабоқ подшоҳлар учун зарур мулк олами, олами сағир — бадан олами ва коинот олами — олами кабир ва улар ўртасидаги умумий боғлиқлик ҳодисаларидан сабоқлар берди. Уларни эгаллаганлигига ишонч ҳосил қилгач, Нажмиддин Кубро шогирдининг қалбида оташ ҳосил қиладиган ишқ-муҳаббат, яъни, асосан, Оллоҳга ва Ватанга бўлган муҳаббат тўғрисида инсонни сеҳрлайдиган услубларда сабоқ беришга киришади. Шайхул-Валитарош фалсафасига кўра ишқ инсонни маърифатга бошлайдиган илоҳий қудрат, у руҳдан куч олади, инсонни моддий бойликка қул бўлишдан сақлаб, ҳақиқат хилқатларини излаб топишга сафарбар қилади. Ишқ инсон учун камолот калити, у руҳдан куч олиб руҳни мусаффо қилиб тозалайди. Руҳга ёвуз куч ва унсурларнинг ўтишига қалқон ва мустаҳкам девордир.

Инсондаги нуқсонлар, иллатлар ва камчиликларни даволовчи бош табиб ҳам ишқ-муҳаббат. Ишқ-муҳаббат маънавий камолотга элтувчи ҳамда ҳаракатга ундовчи йўл кўрсаткич. Унинг олов тафти кучайган сари инсон танаси, ақли ва руҳий куч-қудрати тобора ортиб, ҳар қандай оғир ва машаққатли ишларни амалга ошириш иштиёқи кескин ошади ва жунбушга



келади. Аммо бу куч-қудратдан инсон, айниқса, бўлажак шоҳ олий мақсадларга эришишда фоят унумли фойдаланиши зарур.

Оддий ёки илму ҳикматдан узоқ одамлар учун ишқ-муҳаббат бу ўз маҳбубини севиши бўлиб, бу ишқ-муҳаббатнинг анча юзаки ва торайтирилган кўринишидир. Шуларни ҳисобга олган Шайхул-Валитарош билишнинг икки хил услуби бўйича шогирди Жалолиддин Мангубердига таълим-тарбия беришни афзал кўрди. Бунда шогирдининг қобилиятлари ҳисобга олиниб, уни шакллантиришда пири комил ўзидаги ақлий ва ботиний-завқий ҳамда ботиний-лодуний илм қувватлари, шунингдек, каромат кўрсата олиш қувватларига таяниб иш кўради. Валитарош ботиний-лодуний билим берган чоғидаги педагогик фаолияти жараёнида дунёвий илм бераётган ҳар қандай буюк педагоглардан ҳам ўн, юз карра буюклик шоҳсупасида илоҳий олам юксакликларидан туриб сабоқ беради. Бу усулни Нажмиддин Кубро машҳур тасаввуф алломаси ва устози Бобо Фараждан эгаллаган эди. Шайхул-Валитарош устози Бобо Фаражнинг ўзига дарс бераётган чоғидаги кучли илоҳий ўзгариш юз бериши ва худди офтобдай порлай бошлаши, сўнгра шогирдига ботиний-лодуний қувватларда сабоқ берганлигини Нажмиддин Кубро қайд этиб ўтади.

Нажмиддин Кубро тариқат бўйича бемисл лаёқатли шогирди бўлганлиги учун Жалолиддин Мангубердига адолатли шоҳ юрагини эса руҳий қувватлар оташдек алангаланган кўрқмас, шерюраклик ҳолатини таъминлайдиган услубда сабоқ бериш йўлини танлади. Шунга кўра, даставвал ишқ-муҳаббат завқ-шавқи туйғусини бўрондай тошириш орқали Жалолиддин Мангубердида тан исёнкорлиги туғёнини тарбиялашга асосий диққатини қаратди. Нажмиддин Кубро ишқ-муҳаббат завқ-шавқи кучайиб ҳол ҳолатига ўтган пайтларда инсонлар ҳайратда қоладиган кароматлар содир этарди. Жалолиддинда бундай ҳолатни тасаввуф йўлига эмас, Ватанни, эл-улусни ва салтанат ҳукмидаги ўз халқи, фуқароларини жону дилдан севиш ва уларни бутун вужуди, борлиги билан ҳимоя қилиш, Ватанга садоқат йўналишига бурди.

## ШАҲЗОДАГА ЎГИТЛАР

Бўлажак шоҳ ва буюк лашкарбоши қанчалик ақлий, жисмоний ва руҳий куч-қудрат соҳиби бўлса, у бошқаларга шунча ибрат бўлади. Ватан ҳам, халқ ҳам шунда ўзини шунча кучли сезади. Шоҳ ҳеч қачон ўзи ва сарой аҳли — амалдорларининг шоҳона ҳаёти учун эмас, аввало, Ватан ва фуқаро тинчлиги, осойишталиги, қолаверса, бахт-саодати учун оти эгарлоғлиқ, жанговар қуроли шай туриши керак. Фуқаро ва Ватаннинг шоҳда ҳақлари бисёр, ўз манфаатини ўйлаган ҳукмдорлар эса менинг фуқарода ҳақ-ҳуқуқим кўп деб ўйлашади, фуқарони эзиб, уларнинг камбағал ва қашшоқлашуви эвазига маишатда яшайдилар. Халқнинг қарғишини эмас, олқишини олиб яшаган шоҳгина икки дунё саодатига эришади. Одилик, адолат доимий шиоринг бўлсин, бўтам. Тарихда номинг ярқираб турсин. Шунга кўра, исмингни каромат қилиб Мангуберди деб номладим. Ишинг, ҳаётинг давомида номингта муносиб бўл! Келажак сени фахр билан эласин, токи қиёматда кўришганда эл-улус олдида юзимиз ёруғ бўлсин! Хоразмшоҳлар сулоласининг порлоқ юлдузи бўласан, бўтам. Сен туфайли кейинги авлодларнинг обрў-эътибори баланд бўлади. Сенинг ва сенга эргашадиган баҳодирлар ҳамда мардлик отига минганларнинг Ватан озодлиги дея тортган арслонсифат наъралари акс садоси минг йиллар ўтиб ҳам кейинги авлодларимизни биз аждодлар ва боболарининг ишларига содиқ бўлишга ундайверади. Шунга эса доим сақлайлик. Мен яратган „Кубровия“ тариқатим Яратганнинг дийдорига етишиш йўли бўлса-да, бироқ, унга

фақат диний-ахлоқий тус бермай, унга дунёвий мазмун бериб, унинг асосий ғояси ватанпарварлик, ватанга садоқат ва эл-улус, халқ озодлиги ва эркинлиги бўлажак. Негаки, шу Ватан, шу юрт тупроғидан Парвардигор бизнинг зуваламизни яратди, биз унда меҳнат қиламиз, шу тупроқда ота-она, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, дўст-биродар бўлиб ўсамиз, улғаямиз. Вақт-соати келиб омонат танамизни шу тупроққа топшираамиз. Абадият дунёсида бизни ўз қучоғида авайлаб сақлайдиган ҳам шу муқаддас Ватан. Биз Ватанмиз, Ватан эса бу биз — муштарак хилқатмиз, эт ва тирноқмиз. У шундай қора тупроқ эмас, у биз учун буюк иноят, ор-номусимиз, шон-шарафимиз, суянган тоғимиз, қолаверса, Каъбамиз ҳамдир. Унга борлигимиз фидо бўлсин. У биз учун тенгсиз, баҳоси ўлчаб бўлмас маъво. Сен эса бўтам шамшир ва қалқонда қоматини кериб жанг майдонида уни ҳимоя қилувчи афсонавий баҳодиригина эмас, баҳодирлар султони бўлишинг тақдирингда битилган шаҳзодасан. Кейинги сабоғимиз Ватанни севишга ундайдиган руҳий қувватларни ақлий хотира захира хазинасига узатиш мавзуларига дахлдор бўлади. Бу билан Шайхул-Валитарош Жалолиддин Мангубердининг жисмига Ватан туйғусини жойлабгина қолмай, балки уни яшовчан руҳига сингдира олди. Она юрт душман ва ғанимларига нисбатан нафрат ҳиссини алангалатди. Шу жиҳатдан олганда „Кубровия“ тариқатининг бошқа тариқатлардан туб фарқли хусусияти Ватанга меҳр-муҳаббат ва содиқликнинг устуворлигидир. Яъни Ватаннинг муқаддаслиги ва унга садоқат бу тариқатнинг бош ғоясидир.

Навбатдаги машғулот эса шаҳзодага ақлий билишнинг бўлажак шоҳ-ҳукмдор учун амалиётдаги аҳамиятини англашишдан иборат бўлди. Энди бўтам, — дейди Валитарош, навбатдаги сабоқни бошлар экан, болаликнинг гўзал дамлари билан бир умр хайрлашишингизга тўғри келади. Шаҳзодаларга келажакда сув ва ҳаводек зарур ҳаётий илмларни эгаллаш йўлида халқ, Ватан учун жиҳод қилурсиз. Илму ҳикматни эгаллаш йўли офир ва сермашаққатдир. Унинг сир-синоатли сўқмоқларидан юриб олинган билимларни давлат бошқаруви ва ҳарбий юришлар амалиётида қўллаш билишингиз ҳаёт талабидир. Илмсиз шаҳзода шоҳ бўла олмас! Ҳукмдор давлатни идора қилиш бобида унинг минг хил ёзилган ва ёзилмаган қонунлари, шунингдек, муаммоларига дуч келади. Шундай дамлар бўладими, атрофингиздагиларнинг юзтаси сизга хилма-хил маслаҳат беради. Ҳар бириники ўзининг ақлига яраша, бундай пайтда сизга ўзингизнинг ақлий билимингиз, тўғри хулоса чиқара олишингиз муаммонинг тўғри ечимини топиш имконини беради. Бошқалар ғаразли мақсадларини амалга ошира олмайди. Сизнинг белингизга осилган қилич дамидек ўткир ақлингиздан ҳайиқади. Шамширингиздек ўткир ақл сизни турли кўнгилсизликлар ва хавф-хатарлардан асрайди. Ақлий билим, тафаккур ҳам мисоли бир қиличдирки, шоҳга ҳар иккиси доимо ишончли жанговар қуролидир. Буни доимо эсда тутинг. Шоҳ учун ҳаётнинг мантиқий қонуниятини ҳам шудир. Ҳисоб-китобни тўғри олиш, миқдор ва ҳажмлар ҳақидаги илмлар сизга ҳар дамда асқатади. Давлатнинг хазинасиз ва ер-мулк ҳамда ҳудудсиз қолиши пойдеворсиз чала қурилган бинодан фарқи йўқдир. Лашкар эса давлат ва фуқаро, эл-улус посбони. Унинг сони, захираси, озиқ-овқат, кийим-кечаги, дори-дармон каби ҳаётий зарур эҳтиёжлари ўлчов ва ҳисоб-китоб туфайли ҳал бўлур. Гарчи у соҳа масъул амалдорлари масъулиятида бўлса-да, унинг умумий ҳолати ҳақидаги маълумотларнинг қиёсий таҳлили оқибат сизнинг зиммангизда қолади, шаҳзодам!

Жалолиддин Мангуберди устози, пири комил Нажмиддин Кубронинг бу сабоқларидан жисму тани сеҳрли дунё оламида сайр қилгандек ҳузурланар, тезроқ ўсиб-улғайиб, ўзини ҳаётнинг ҳақиқий қайновида синовдан ўтказишга мойиллиги ошгандан-ошиб борарди. Сабоқ жараёнида авлиёлик каромати, Шайхул-Валитарошлик хислатлари пири комилда тўла намоён

бўлиб борарди, ҳазратнинг пири устози келтирган мисоллар жуда ҳаётий бўлиб, истеъдодли шогирд уларни бутун вужуди қулоққа айланиб эшитарди. Неча шоҳлар ов ёки ҳарбий юришларда илму ҳикматни чуқур билмасдан ёхуд уни амалда қўллай олмай фалокат тузоғига тушганлар. Султон ёки ҳукмдор бундай вазиятларда мураккаб ҳолатлардан чиқиб кета олишлари, тақозо этганда кечани кеча, кундузни кундуз демай йўл босиб, адашмасдан манзилга ғанимдан аввал етиб келиб, жанг майдонининг қулай жуғрофий ҳудудига қўшин қароргоҳини тикиб, лашкарни жангга сафлаш ҳам ғалабанинг бир қисмини таъминлаш демакдир. Бунда юлдузлар илмлари ҳам сизга келажакда албатта асқатади. Тунда адашмасликнинг ягона йўли коинот илми туфайлидир.

Ҳукмдор, албатта, ўз салтанатининг ишлаб чиқарувчи куч ва воситалари ҳақида аниқ маълумот ҳамда тасаввурларга эга бўлиши лозим. Халқи ва фуқаролар руҳий ҳолати қандайлигини билиш муҳимдир. Турли табақа вакилларидан ишончли яқинларингиз бўлиши лозим. Улар орқали халқ ва давлат, жамият ҳақида, уларнинг ўзаро муносабатларига доир ҳукмдор учун аниқ маълумотларга эга бўласиз. Навбатдаги сабоқ тугагач, пири комил Валитарош шогирди Ҷалолиддин Мангубердини ўз фарзандидек бағрига босиб, дуо қилиб хайрлашаётиб, буклоғлиқ икки энлик мактубни улуғ Хоразмшоҳ, падари бузрукворига беришни сўрайди. Унда: „Олий ҳазрат Султон Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳга Абул Ҷанноб Шайхул-Валитарошдан“ дея битилган ёзув давом этганди. „Ўғлингиз шаҳзода жуда иқтидорли, ақлий билиш доираси ҳайратомуздир. Ҳозирда ақлий илм бериш билан ботиний илмлардан сабоқни мутаносиб олиб бормоқдаман. Асло хавфсираманг, уни тасаввуф вакилига айлантирмасман. Фақат „Кубровия“ тариқатининг юракни покиза ва мусаффо тўйгулар билан қувватлантирувчи, унинг жисми ва руҳига шер шиддати, арслон қудратини мужассам ва намоён этувчи ғояларини парвардигор менга ато қилган, аммо оддий одамлар учун ғайритабиий, бироқ, ўз эгаси учун одатий ҳол бўлган товуш ва нафасим, кароматларга қодир ботиний ва лодуний илоҳий илму ҳикматим воситасида сингдирмоқдаман. Ҷалолиддин Мангуберди шаҳзода ўғлингизни келажакда буюк ишлар кутмоқда. Мен шаҳзодага қилич ва найза билан ғанимга зарб уришни эмас, қилич ва қалқон ушлаган қўл юрак, тана ва руҳ ягона куч бўлиб ғанимга лаҳза ичида кўз орқали нафрат ўқини йўллаб, унга руҳий зарба бериш орқали душманни руҳий қуролсизлантириш, шу ташаббус тортиб олингач эса жисм, қалб ва руҳда тўпланган қаҳр-ғазаб кучини қўлга тўплаб, қилич зарбасини уриш натижасида ҳужумкор ғанимни маҳв этиш сир-синоатларига зарур бўлган илму ҳикмат алифбосини эгаллатиш, шарт-шароитларини ҳосил қилиш сабоғимнинг кириш қисмини ташкил қилмоқда. Давлат ва уни бошқаришнинг дунёвий жиҳатлари ва жабҳалари доимо тариқатнинг адолат ҳикмати ва алломалари маслаҳатига муҳтож бўлганлиги боис шаҳзодага ҳам мағриб, ҳам машриқ олами буюк алломаларининг ақлий илм кучи билан яралган „Давлат ва сиёсат“ тўғрисида ҳукмдорларга атаб ёзилган рисоаларидан бир туркум сабоқлар беришни унутмаганман. Бўлажак буюк шахслар мозийдаги улуғ алломаларнинг подшоҳларга ўғит ва насиҳатларидан бохабар бўлишлари зарур даражада лозимдир. Мен илмимни шаҳзодага баҳоли қудрат етказиб бўлгач, уни қандай эгаллаганлигини салтанатингизнинг кўзга кўринган машҳур уламолари иштирокида имтиҳон қилдириш сиз шохимизнинг зиммангизда қолажак.

Сўзим якунида шуни истардимки, шаҳзодани ҳали ҳам ёш бола деб қарамасдан, элчилар, юқори мартабали меҳмонлар, уламолар, саркардаларингиз билан учрашув чоғидаги суҳбатларда унинг ҳам ёнингизда иштирокини таъминласангиз фойдадан холи бўлмасди. Давлат ва сиёсат бобидаги менинг сабоқларимни сарой муносабатлари ва Олий девонингиздаги амалий

ишларни ўзи мустақил фикри мушоҳадасидан ўткази бориши келажакда катта наф берган бўлур эди. Мухтасар сўзим шу турур, вассалом“.

Салтанат фахри, Абул Жанноб Шайхул-Валитарош Хевакий  
Ҳижрий 605 йил шаъбон ойининг 15 куни битилди.

Шайхул-Валитарош Жалолиддин Мангубердининг қалбига маънавий-ахлоқий тўғуларнинг эзгулик уруғларини экар экан, уни мардлик ва Ватанга садоқат ҳамда элулуси, халқи учун ҳеч иккиланмай жонини фидо қилишга шай комиллик чўққиларини кўзлаб бериладиган сабоқларнинг режаларини тузди. Аввало, бу ҳолатдаги сабоқни олиб бориш учун пири комил устознинг ўзи илоҳий ишқни ёниб-ёниб қуйлаб, ушбу ишқ оташи шиддати боис қанотидан ўт чақнаб ёниб кетадиган, афсонавий қақнус қушдек илоҳий ишқдан тўйина-тўйина, Ватан ишқида жисми оловланган руҳ завқиятида сабоқ берувчи Шайх Шариф зот мавқеида оловланарди. Сабоқларнинг ҳар бирида муборак офизларидан дуру гавҳар тўкиларди. Жалолиддин Мангубердини ирфон-маърифати уммонида суздириб, олам моҳияти ва сўнгра инсон моҳиятини англатар экан, Шариф зот саодатга ҳидоят этувчи оламжаҳон ҳикматлар хазинаси билан сийлади.

Сабоқ бошидан Жалолиддиннинг руҳий завқиятини кўзлаб, эркин фикрлаш кенгликларига парвоз қилдиргач, Нажмиддин Кубро мардлик ва жасорат майдонида жавлон урадиган инсон, аввало дунё ҳою-ҳаваслари қули бўлмасдан, Ватан ва халқнинг асл фарзанди бўлиши лозим. Негаки, подшоҳу ҳукмдорларда аҳлу аёл ҳам, фарзандлар ҳам, асосан, сероб бўлган. Аммо, улардан нечалари Ватанга, улусга нафи тегмай халқ хотирасида ёмон ном қолдириб, мозий рисоаларида тавқи ланъатланиб, қора саҳифа битилди. Сен ўзингдан улуғлик ва буюклик саҳифаси қолдиришинг лозимки, барча даврларнинг алломай замон муаррихлари Ватан, юртим ва эл-улусим дея жангга кирганлигинг, фанимларга даҳшат солган ҳар кунингни бир китобда жо қилолмай қийналсинлар. Сенга устоз-шоғирд ўртасида қоладиган бир сирни айтай, тақдирингни оламлар ҳукмдори Парвардигордан ўзга ҳеч ким билмас. Аммо, менинг каромат имкониятим шулдирким, навқирон йигитлик паллангдан то қазо қадар ҳаётинг қилич серпаб ўтасан. Сенинг жангу жадалдаги қиличинг зарбидан нафақат фанимлар, балки осмону замин титрайди. Ватанга йўналадиган бу офат ва тўфоннинг ибтидоси машриқ замин Чин-Мочинда ҳозироқ воқелик тусини олди. (Бу билан Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро Чингизхоннинг дунёга ҳукмрон бўлишини кўзлаб, олий руҳонийси Теб Тангрийдан шу ишларимга зафар тиланг, дея устозига чўк тушиб, соатлаб ёлворган ва оқибат Хитой босқинига рухсат олган дамларини назарда тутмоқда эди.) Сабоқ чоғларида пири комил Шайхул-Валитарошнинг бирор ўғитидан заррача гумонсирашдан йироқ садоқатли шоғирд Жалолиддин Мангуберди Ватан ор-номуси ва шарафи учун фақат сизнинг ўғитларингиз бўйича ҳаракат қиламан, дея устозига сўз берди. Оқибат шундай бўлди ҳам, Жалолиддин то сўнги нафасигача шу ўғит таъсирида яшади, курашди.

Ана шу кунги сабоқлардан кейин Жалолиддин Мангуберди феъл-атворида туб ўзгариш содир бўлди. У ўзини тубдан ислоҳ қилишга киришди. Тарихчиларнинг (ан-Насавий, Рашидиддин, Жуваний ва бошқалар) яқдиллик билан маълумот беришича, унинг овоз чиқариб қаҳқаҳлаб кулганини, сўзамоллик қилганини ҳеч ким кўрмаган, айрим ҳолатлардагина салгина жилмайган, холос. Жуда вазмин, босиқ ва камгап бўлганлигини қайд этадилар. Устоз пири комил Жалолиддиндаги шу сифатларни тарбиялашга фикру зикрини қаратганидан ва унинг натижасидан ўзида ижобий қониқиш ҳосил қилди. Салтанатнинг фахрига айланадиган ҳазрати инсон ҳузурида шундай инсонга қунт билан тарбия бераётганидан бағоят шод бўлди.

Жалолиддин Мангуберди ҳаётида содир бўлган руҳий-маънавий ўзгаришлар илоҳий кароматлар соҳиббининг чинакам хизмати орқали рўй берди.

Руҳ завқияти билан қувватлантирилган Жалолиддин Мангуберди учун энди мавзуларнинг оғир ёки енгил тушунчаси ўз кучини йўқотди. Шундай экан, шогирдининг вужудига хоҳлаган даражада, балки қалбининг энг тўрига мардлик, ватанпарварлик, баҳодирлик ва бу туйғуларни жисмида олов оташи чарсиллаб ёнадиган илоҳий ишқ робиталари билан пайвандладики, бу ўт олови бир вақтнинг ўзида икки хил хусусият ва моҳият кўринишида жисмидан отилиб чиқадиган бўлди. Бу Ватан, эл-улусга чексиз муҳаббат ва она юрт ғанимларига бемисл нафрат олови эди. Пири комил билар эдики, Ватан, эл-улус кўрқоқларга, номардга, субутсизларга, бойликка қул бўлган нафс бандаларига ва ғурурсиз лоқайдларга суяна олмайди. Ватан бошига офат ёғилиб, ғанимлар чигирткадек ёпирилган дамларда кўксини девордай кериб, марду майдон баҳодир ва паҳлавонлари кўллари жасорат сувларига ювиб, кураш майонида ҳозир бўладилар. Қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси бўлмаган юқоридаги лоқайд, имонсиз тоифалар мол-жонини сақлаш учун турли тарафга бош олиб қочадилар, душманга тиз чўкиб, ялиниб-ёлвориб жонини омон қолдирса бас, ҳатто жирканч ишлар, сотқинликни дарҳол ихтиёр этадилар. Танага, руҳга энг оғир шу касалликни киритмасликнинг асосий қалқони ёшлиқдан инсон қалбига мардлик ва жасорат туйғусини сингдириб, уни халқ манфаатига йўналтиришдир.

Шайхул-Валитарош мазкур мавзуларга бағишланган изчил сабоқларини Жалолиддин Мангубердининг қалбига тошга ўйилган битик тимсолида мустаҳкамлади. Бу тасаввуф тариқатида футувват ёки фатий-жувонмард, яъни мард, жасоратли йигит маъносини билдирган. Улуғ Шайхнинг ўзлари жувонмардлик йўналишида „Кубровия“ тариқатининг 1210 йилдан кейинги фаолиятини илоҳий ишқ билан қувватлантирилган шогирд ёшларни кўпроқ машғулотларга қатнаштиришга йўналтира бошлади. Бундай ҳис-туйғу билан қуролланган шогирд қалбида Ватан, халқ учун фидо бўлиш ҳиссиёти оловланарди.

Футувват гуруҳи ёки жувонмардлик қанотида „Кубровия“ тариқатида энди асосий эътибор имон-эътиқод қатъий шакллантириб бўлингач, иккинчи босқич — амалий машғулотларнинг барчаси жисмоний етуклик сирларини эгаллашга қаратиларди. Нажмиддин Кубро ҳазратларини шундай жанговар гуруҳлар тузишга ундаган сабаб шу эдики, Хитой, Манжурия, Амур бўйлари, Шарқий Туркистон ва бепоён Сибирь кенгликларига Чингизхондек даҳшатли хоқон дунёга ҳукмрон бўлиш даъвоси билан чиқдимиде, демак, эрта-индин Ватани ва бутун машиқ замин унинг босқинига учрашини авлиё каромати кучи билан илғаб турарди. Ана шундай тўфон олови ёғилганда Ватанга Жалолиддин Мангубердидек лашкарбошилар ва унга ҳамнафас жувонмард, футувват мактаби имон буловидан сув ичган баҳодирлар керак эди.

Шуни таъкидлаш керакки, Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубронинг тасаввуф таълимотида „Кубровия“ тариқатини ташкил қилиш ва унинг ислом оламидаги аҳамиятини турли олимлар асарларида анча чуқур очишга интилиш бўлди. Аммо, Нажмиддин Кубронинг Ватаннинг мард ва баҳодирларини қандай йўллар ҳамда қай услубларда тарбиялашни амалга оширганлиги, шунингдек, бу тариқатнинг шиори нима учун „Ё Ватан, ё шарофатли ўлим!“ тарзида кескин қўйилишининг сабаб ва моҳияти ҳозиргача очилмаган кўриқ ҳолида қолмоқда эди. Мустақиллигимиз ва Ватанимиз озодлигини доимий ҳимоя қилиш учун тарихимизнинг ушбу сабоғига чуқурроқ ҳамда маънавий-маърифий жабҳада назар солишимизни талаб қилади. Бу ёшларимиз ва халқимизнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини теран идрок қилиш, буюк боболаримизга муносиб ворислар бўлиш шарафига томон элтади.

Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро улуғ аллома мақомидаги зот бўлиши билан бирга Чингизхоннинг Хоразмшоҳлар салтанати пойтахти Кўҳна Урганчни босиб олишга қаратилган бош ҳужумини Дашти Қипчоқнинг Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон ишонч билдирган машҳур саркардаларининг қуён бўридан қочгандек қочоқлик ва сотқинлик йўлини сўнги нажот дея танлаган дақиқаларда дарҳол бу офир масъулият — бош қўмондонликни зиммасига олиб, мўғул ҳукмдорини ва унинг оламни титратган лашкарбоши ва юз минглаб жангчиларини танг аҳволга солиб, гарчи улар ўзаро ашаддий душман бўлсалар-да, хоқон эътирофини қозонган эди. Бунинг бутун манзарасини ёритиб, Нажмиддин Кубро руҳини шодлантиришни ўша даҳшатли воқеалар авж олган воқеалар санаси мавзусига қолдириб, ёш Жалолиддин ва унга кейинчалик даҳшатли дамларда ёнма-ён туриб, қўлни қўлга бериб, ўлим билан юзма-юз турган жувонмардларнинг жанг бошлангунча уларни Ватан муҳаббати билан қандай тўйинтирилганлигини очишга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, бу сеҳрли жанговар жувонмардлик ҳаракати мактаби қандай шакллантирилди ва унда тана, руҳ ва ҳаракат бирлиги ва мужассамлиги қандай пайванд-пайваста этилди. Бу инсондаги энг мураккаб жараён бўлиб, у мукамал бир ҳолатга етганда жанговар санъат даражасига кўтарилади. Шайхул-Валитарош жувонмардлик ҳаракатининг бош мақсадини Ватан ва улус манфаатининг дунёвий ҳаётда устунлигига қарата бурди. Нажмиддин Кубро саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган футувват мактабини ўтаган ватанпарвар ёки фуқаролардан ташкил топган халқ қасоскорлари лашкарларининг ўлимдан қўрқишларига мутлақ ҳожатлари қолмади. Нажмиддин Кубро қўллаган тариқатдаги бу ватанпарварлик ғояси ўлимдан ҳам кучли чиқди. Ўлимоли қўрқув даҳшатини йўққа чиқариб, бу ҳолатни тананинг жисмий кўринишидан маънавий-руҳий кўринишига ўтиш жараёнидаги оддий ҳолат, дея уқтирди пири комил. Бу эса жувонмардлар, мудофаачиларга душманга таслим бўлиш у ёқда турсин, бу тўғрида ўйлаш ва фикрлашга ҳам мутлақ ўрин қолдирмади. Нажмиддин Кубронинг жанг шароитидаги бу ғоявий қуроли Чингизхондек хоқоннинг неча бор уйқусини бузди, боши ғам ва ташвишдан чиқмади. Нажмиддин Кубронинг футувват ғоясида жанг яловини кўтарган жувонмардлар ҳаракатига кирганлар лашкарий қисмини бартараф қилгунча хоқоннинг кўзи олдида мўғулу чинликлардан ташкил топган минг-минглаб лашкарий қисмлари жасадга айланди, ғаним талафоти бемисл ортгандан ортди.

Машҳур араб сайёҳи Ибн Батута ўзининг „Сафарнома“ асарида жувонмардлар тўғрисида: „Мен дунёни кезиб, жувонмардлардан кўра эзгу ниятли ва мард кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфаҳон аҳолиси, гарчи ўзларини жувонмардларга ўхшатсалар-да, аммо Хоразм ва Мовароуннаҳр жувонмардлари улардан ҳар томонлама устун турадилар. Уларга тобе жойларда адолат расми шундай ривожланганки, уларнинг лашкаргоҳлари, уйлари остонасида олтин ва кумуш тангалар сочилиб ётади, аммо эгаси топилмагунча ҳеч ким бу қимматбаҳо бойликларга тегмайди“.

Нажмиддин Кубро очган „Кубровия“ тариқати ҳузуридаги жувонмардлар гуруҳи тобора кўпайиб, улар учун ўз ҳисобидан Шайхул-Валитарош айрим хонақоҳ қурдирди. Унда жуда катта дошқозонлар қайнаб турган. Унда фақат жувонмардлар гуруҳи учун иссиқ овқат тайёрланмасдан, етим-есир, бева-бечора, мусофирлар ҳам баҳраманд бўлар эдилар. Турли исломий мамлакатларнинг дуоталаб ҳукмдорлари, лашкарбошилар, ҳокимлар, ноиблар ва зодагонлар, шунингдек, узоқ сафарга чиқувчилар, Ҳаж зиёратига отланувчилар барчаси назр-ниёз қилиб, шайх ҳазратларининг муборак нафасларидан баҳра олганлар. Бу тариқа тўпланган мол-мулк, тилла, кумушларнинг барчасини Нажмиддин Кубро ҳазратлари „Кубровия“ тариқати толибу илм соҳиблари ва жувонмардлар мактабига сарф қилган.

Жувонмардликнинг Шайхул-Валитарош раҳнамолик қилган Хоразм мактаби жуда машҳур бўлиб, нафақат воҳада, балки Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Шимолий Ҳиндистон, Озарбайжон, Ироқи Ажам, Халифалик ҳудудлари орқали то Миср, Сурияга қадар унга интилувчилар, ихлосмандлар доимо кўпая борди. Жувонмардлар ҳаракатига қўшиладиганлар, албатта, пири комил устоз қидирганлар. Нажмиддин Кубро эса айнан устозлар устози, валийларнинг валийси, 14 ёшидаёқ Рўзбехон ал-Мисрийдан ҳирқа кийиш шарафига эришиб, машҳурлик шоҳсупасига кўтарилиб бўлган эди. Ҳали бу ўспирин ёшда ислом оламида ҳеч ким бундай олий мақомат даражасига етмаган эди. Шуларни ҳисобга олган таниқли адабиётшунос ва исломшунос олим Нажмиддин Комилов ўзининг „Тасаввуф“ таълимотига бағишланган рисоласида Нажмиддин Куброни „жувонмардлик ва ватанпарварликнинг олий намунаси“ деб жуда ҳаққоний баҳо берган эди. Ҳақиқатан ҳам жувонмардлик ватанпарварликнинг жанговар ғоявий қуроли, шунингдек, эл-улуснинг жонли маънавий-ахлоқий сифати тарзида майдонга чиққан эди.

Шайхул-Валитарошнинг жувонмардлик мактабига халқнинг турли табақалари орасидан пири комил дуосини олиш, халқ хизматида бўлиш, зарур ҳолатларда Ватанга, халққа ўзини бағишлаш учун ҳунармандлар, сипоҳийлар, паҳлавонлар, тош кўтарувчилар пирга қўл бериш учун кела бошладилар. Шайхул-Валитарошнинг „Кубровия“ тариқатидаги бўлажак валиulloҳ муридлари Ҳазрат пири комилнинг руҳсатлари билан нажот истаб келган футувват ихлосмандларига мардлик белбоғини ўз қўллари билан боғлаганлар. Белбоғ боғлангач, жувонмард бир умр халқи, Ватани ва ўз аҳдига содиқ қолишга имонини ўртага қўйиб, аҳли жувонмардлар жамоасига сўз берган. Мардлик белбоғининг аҳд белбоғи деб аталиши ҳам шундандир. „Мард бўлсанг белбоғингни боғлаб майдонга чиқ!“ халқимизнинг сеvimли матали ҳам шу туфайли ҳозиргача мардлик ва жасурликка чорлаб келмоқда. Жувонмардлик жамоаси ҳаёти ва жамоавий турмуш тарзини ўрганган араб сайёҳи ва олими Ибн Ҳавкал Хоразм ва Мовароуннаҳр жувонмардлари ҳақида шундай ёзади: „Бу халқнинг жувонмардлари шу даражадаки, гўё барчаси бир хонадонда яшаётгандай. Бирортаси бошқасининг уйига боришса, ўз оиласига киргандай бўлади. Жуда меҳмондўстдирлар, кечаси келадиган меҳмондан ҳечам хижил бўлмайдилар, мусофирни танимасалар ҳам ҳеч бир музд-мукофот кутмай, меҳрибонлик кўрсатадилар“.

Жувонмардларнинг мард ва олижаноблиги, инсонийлиги нақадар юксак ахлоқий фазилатларга таянганлигига Нажмиддин Комилов „Тасаввуф“ асарида қуйидагича баҳо берган эди: „Жувонмардлар муайян қоида-талабларга риоя этар, маънавий ва жисмоний етукликка интилар, қаердаки бўлмасинлар ва нима билан шуғулланмасинлар, мардлик ва олижаноблик намунасини кўрсатар, зулм ва ҳақсизликка қарши курашардилар, хўрланган ва таҳқир этилганларни ҳимоя қилардилар. Улар наздида дунё бойлиги эмас, балки инсон қадри, уларнинг инсоний ҳуқуқ-манфаатлари устун турган, жувонмардлар олтин-кумушни назар-писанд қилмаганлар, балки уни маънавият тараққиёти учун бир восита деб қараганлар“.

Нажмиддин Кубро тариқати бўйича мард фақат жанг майдонининг жасур жангчиси эмас, ўз нафсига қарши доимий толмай курашувчи ҳамдир. Шундагина мардлик юксак маънодаги ахлоқ кўринишига эга бўлади. Нафс кетидан борган одам ҳеч қачон мард бўла олмайди, у бора-бора тубанлашади, нафс қулига айланади. Ундай одам жабр-зулм ўтказувчи ва унинг тарафдорига айланади. Аста-секин инсонийлик ахлоқидан тобора узоқлашади. Фақат ўзини, ўз манфаатини ўйлайдиган тор манфаатлар қурбонига айлана боради. Инсоний сифатлардан маҳрум бўлиб, танасида қабиҳ майл кеза бошлайди. Ватан тақдирига бефарқ, лоқайдлик, халқига нисбатан меҳр-оқибатсизлик ботқоғига ботиб, ахлоқдан путур кетиб,



Чингизхон портрети.  
(Ўрта аср номаълум мусаввири  
иждидан.)



Чингизхон тўрт ўғли: Жўжи, Чигатой, Ўқтойхон, Тўлихон ва йирик саркардалари иштирокида „Шукхли карвон“ фожиаси юзасидан кенгаш ўтказмоқда. Карвон 450 кишидан иборат бўлиб, уни шахсан ҳоқоннинг ўзи ташкил этган эди. 1218 йил кеч кузи.



хиёнат, разолатдан виждони заррача қийналмайдиган махлуқсифатга айланади. Сотқинлик унинг учун оддий ҳодисага айланади. Шунинг учун Шайхул-Валитарош фалокатларнинг боши бу нафс, дея таърифлайди.

Нажмиддин Кубро „Кубровия“ тариқати қондасига кўра, инсон мард бўлиб туғилмайди. Бу узоқ давом этадиган машаққатли тарбиявий жараён. У тан, қалб ва руҳий тарбия маҳсулидир. Шунга кўра, жувонмардлар халқ наздида оддий инсонлар эмас, балки тоғни урса толқон қиладиган, жисмоний куч тимсоллари, паҳлавон баҳодирлар, бемисл куч-қудрат соҳиблари бўлишлари лозим. Аммо жангда фақат дағал жисмоний куч кифоя эмас, куч янада қудратли бўлиши ва қаҳрамонликлар саҳифасини очиши учун жасорат, шижоат керак. Жисмоний куч доимо маънавий-руҳий қувватланиб тургандагина танада жасорат жўш уриб қайнайди. Бунинг учун жисмоний куч билан маънавий-руҳий қувватлар бирланиб кетиши зарур. Шайхул-Валитарош Жалолиддинга ва жувонмардлар гуруҳига сабоқ беришда шу ғояни босқичма-босқич ва изчил улар онгига сингдирди. Эрта-индин ёв келганда Ватаннинг қоядек силжитиб бўлмас таянч марраси ҳам худди шу жанговар футувват гуруҳлари бўлишлари керак эди. Чунки улар учун Ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлиш, ўла билиш ҳам гўё байрамона ҳодисадир.

Руҳнинг маърифат ва тариқат ғоялари билан кучайтирилиши ҳамда озиқлантирилиши танадаги қувватнинг кучини бир неча ўн баробар оширади, дейди пири комил Валитарош ўз шогирдларига. Агар бу куч-қудратни кўзга жамлаб уни ҳам нур, ҳам руҳ қувватлари билан қувватлантириб, бирор нарса нишонга олинса, аввалда рўй бераётган воқеа мазмунида туб ўзгариш рўй бериб, янги моҳият, янги хусусият содир бўлади. Биз амалга оширадиган бундай ҳаракат одамларга ғайритабiiй ҳодиса бўлиб кўринади. Уни тариқатда каромат деб юритилади. Аслида шу ҳодисага тамомила янги маъна, янги моҳият бағишлаш юқорида таъкидлаб ўтган учта кучнинг танада жамланиб, битта йўналишга буриб нишонга таъсир этиш оқибати ва унинг ҳосиласидир. Бу менинг, — дейди Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро, — оғзаки билимнинг сизларнинг эшитиш аъзоларингизга қабул қилиш учун йўналтирилган маълумотимдир. Энди унинг ҳаётда қандай зоҳир бўлиш амалиётини ўз кўзларингиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилишларингиз учун жувонмардлик дарсхоналарингизни тарк этиб, очиқ далага чиқамиз. Ўз тенгқур сабоқдошлари билан баъзи-баъзида биргаликда машғулотлар ўтказишга таклиф этилган ёш Жалолиддин Мангуберди ҳам устози томонидан маърузага ўша куни чақирилган эди. Негаки, аҳолининг турли табақа вакиллари фарзандлари билан дўстлашиш, шундайгина яқин, таниш-билишчилик учун эмас, балки бир умр садоқатли дўстлар орттириш шахзода Жалолиддинга ҳаётда асқатишини пири комил жуда яхши билар эди. Шу жувонмардлар гуруҳидан етишиб чиққан баҳодирлар Жалолиддинга бири тан-соқчи, бири махсус қўшин мингбоши ёки лашкарбошиси ва энг яқин маслаҳатчиларига айланишидан албатта умидвор эди. Ахир улар мол-дунёдан кечиб келган, юрагида олов ёниб турган жасоратталаб ўспиринлар эди-да.

Кейинги авж олиб кетган суронли воқеаларда Нажмиддин Кубронинг узоқни ўйлаб амалга ошираётган дастурий ишлари ва режалари тўла ўзини оқлади. Мўғуллар босқини даврида Шайхул-Валитарошнинг жувонмардлар мактабининг толиби илмлари барчаси Ватаннинг мард ва баҳодир ўғлонлари сифатида жуда кўпчилиги Жалолиддин Мангубердининг қалб (Марказий) қўшинининг манглай қисмини ташкил қилиб, мўғулларга бир неча бор қақшатқич зарбалар бериб, Ватанмиз тарихининг шонли саҳифасини безадилар. Бошқа бир неча гуруҳлар эса Шайхул-Валитарош Кўҳна Урганч, яъни Хоразмшоҳлар салтанати пойтахти мудофааси бош қўмондонлигини зиммасига олиб, Чингизхон буйруғига кўра, шаҳар ер юзидан

супуриб ташлангунга қадар ўз пири комил устозларини сўнги нафасларигача ҳимоя қилиб, Ватан шаън-шарафи учун шаҳид кетдилар.

Нажмиддин Кубро ора-сира Жалололдинга фақат якка тартибда сабоқ бериш билан чекланмаганлигининг бошқа бир сабаби шаҳзода фақат шоҳона сарой муҳитида қолиб кетмаслиги, балки халқ фарзандларининг турли қатлам ва гуруҳлари ҳаётидан бохабар бўлиб, элга аралашиб, халқ ҳаётидан узоқлашмаслигини, уларга яқин бўлишини ҳам назарда тутган эди. Ўшанда шаҳзода катта бўлиб, вақт-соати келганда тожу тахт эгаси бўлганда халқ овозини, арз-додини эшитадиган, авомпарвар ҳукмдор бўлиб тарбия топишини астойдил истаган эди.

## ОФИР ЖАНГЛАРДА АСҚАТУВЧИ РУҲИЙ ҚУДРАТГА ДАХЛДОР СИРЛИ САБОҚЛАР

Руҳий-маънавий ва жисмоний кучлар бирлашувидан ҳосил бўладиган кўз нури қувватининг амалий ҳосиласини намойиш этиш учун Нажмиддин Кубро жувонмардлар гуруҳининг барча аъзолари „Кубровия“ тариқати ва хонақоҳи катта боғига олиб чиқилди. Барчасини пири комил Валитарош бир саф қилди. Сўнгра Нажмиддин Кубро муборак қўлларини дуога очиб, муқаддас оятлардан кўзларини чирт юмганича берилиб ўқийди. Дақиқалар ичида унинг юз-кўзлари, сўнгра танасидан илоҳий ранго-ранг нурлар тарала бошлайди. Пири устоз илоҳий ишқ завқияти ҳолатига ўта бошлаган эди. Худди шундай пайтларда Шайхул-Валитарош каромат кўрсатадиган илоҳий оламлар узра сайру саёҳатга ўтиб, жисмий кўринишдан маънавий-руҳий ҳолат кўринишига айланарди. Порлаб нур сочаётган юзлари ажиб бир кўриниш олаётган Валитарош бир неча дақиқадан сўнг кўзларини очиб, хангу манг ҳолатда қолган жувонмард шогирдларига мурожаат қилади: „Эй, илму ҳикмат ва имон-эътиқод ғамида юрган бўталарим, осмону фалакда нималарни кўрмоқдасизлар?“ „Осмондан ўзга ҳеч нарсани.“ „Яна узоқроққа назар солинглар, фақат диққат билан кузатишда давом этинг“. Сўнгра шогирдлар „кўра бошладик, иккита нуқта кўзга ташланмоқда, биз томон яқинлашмоқда“, дедилар. „Мен шу ҳодисани намойиш қилиш учун сизларни бу ерга бошладим. Уларнинг бири саъва, у қочмоқда — жонни асраш учун, иккинчиси қувламоқда — ўлжа учун. У қарчиғай. Голиб қай биридир?“ — сўрайди шогирдларидан пири комил. „Голиб қарчиғайдир“, жавоб беришди барча бараварига. Шайхул-Валитарош: „Тўғри айтдингизлар, доимо шундай бўлган“, дея валийлик илҳоми жўш ураётган Нажмиддин Кубро бутун вужудидаги маънавий-руҳий кучини кўз нурига тўплаганича шиддат билан ва жон ҳолатда қочаётган саъвага йўналтиради. Қарчиғай таъқибни кучайтириб, орадаги масофани тобора қисқартириб, тезликни оширганча қисталанг ҳужумга ўтган. Шу лаҳзаларда саъва бирданига орқага бурилиб, тезлигини бир неча баравар оширганича тумшуги билан қарчиғайнинг нақ бўйнини тешиб ўтади. Қарчиғай худди ёй ўқидан отиб туширилган ҳолатда устоз ва шогирдлардан сал нарига қулаб тушади. Саъва эса миннатдорчилик сифатида ўз халоскори Нажмиддин Кубро турган жой устидан икки-уч бора айланиб, сўнгра йўлида давом этади. Шогирдлар пири комилнинг қувваи назар қудрати ва кароматидан лол қоладилар.

Шундай амалий кароматлардан Шайхул-Валитарош мавруди билан бир неча бор инсондаги яширин руҳий қувватлар ва қувваи назар кучларини намойишкорона зоҳир қилдилар. Шайхул-Валитарош кўрсатган эзгу каромат ва мўъжизалари ўз даврининг буюк валломалари, жумладан, шеърят султони Мир Алишер Навоий бобокалонимизнинг „Насойим

ул-Муҳабба“ асаридан, ул зотнинг устозлари Абдурахмон Жомий, Мирзо Улуғбекнинг „Тўрт улус тарихи“, шунингдек, давлат арбоби ва лашкарбоши ҳамда йирик тарихнавис Абулғозий Баҳодирхоннинг „Шажарайи турк“ асаридан ўрин олиши бежиз эмас. Уларнинг Нажмиддин Куброга бўлган бемисл ҳурматлари воқеа ва ҳодисаларга дахлдор саҳифаларда янада батафсилроқ очила боради.

Жувонмардлар пири комилнинг бу қаромат мўъжизаси юзасидан узоқ баҳслашишди. Барибир улар бир нарсага тан беришди. У ҳам бўлса, наҳотки инсонда шунчалар катта ва қудратли руҳий-маънавий ҳамда қувваи назар кучи яширин бўлса, демак, илму ҳикмат ва маърифат шунинг учун ҳам муқаддас китобларда инсонларга қудратли жанговар қурол ақл ва ҳақиқатни, ўзликни, борлиқ оламини англаш воситаси, зимистон тафаккурни ёритувчи нур қилиб фақат инсонларга қилинган яратувчи Парвардигорнинг бетакрор инояти ва тухфаси эканлигига яна бир қарра ишонч билдирдилар.

Буюк устозининг ким голибу ким мағлуб йўсиндаги саъва ва қарчиғай ўртасидаги кураш, шунингдек, унинг кўз ўнгида рўй берган натижа ҳамда мағлубликка маҳкум саъванинг ғалабаси Жалолиддин Мангубердига туну кун уйқу бермади. Бундай муаммони ҳарб санъатида қўллаш имкониятлари бўладими ёки йўқ! Жалолиддин бу ҳақда доимий бош қотирадиган бўлди. Навбатдаги устоз-шогирдларнинг яккама-якка олиб борилган машғулотида бунга анча аниқликлар киритилди. Бу илм сиридан хабардор бўлиш шаҳзодага ҳаммадан кўра зарур эди. Бу услубда Нажмиддин Кубро Ислому Шарқ оламида ягона эди. Жалолиддин Шайхул-Валитарош қароматини тақрорлаш ёки шу мавқега қадар маънавий-руҳий кучни юксалтириш, унинг учун кўп билим, машаққатлар чекиш лозимлигини яхши биларди, албатта. Аммо унинг айрим қирралари қисман эгалланса ҳам, бу жуда катта ютуқдир. Устози ҳам шуни яхши билардики, Жалолиддин Мангуберди келажакда юрт эгаси, давлат арбоби ва лашкарбоши бўладиган зот. Бу унинг қонида бор ҳодиса, қолаверса, уни ўзидан кейинги қоладиган Шайхул-Валитароши деб эмас, Элнинг баҳодир султони қилиб тарбияламоқда. Устоз маънавий-руҳий ва исломий ахлоқ тариқати оламининг буюк пешвоси бўлса, шогирд эса бўлажак сиёсат ва ҳарб санъати вакили эди. Устоз билардики, шаҳзодалик ва шоҳлик унинг тақдиридаги қисмат. Шундай экан, унинг истиқболи ривожига рағбат бериш, шуни тақозо этувчи илму ҳикмат билан тафаккури ва онгини чароғон қилиш зарур.

Шунга кўра, Нажмиддин Кубро шогирд кўнглида кечган саволларнинг юзага келиши муқаррарлиги боис ҳарбий санъатда қўллаш мумкин бўлган жиҳатларидан бохабар қилишга асосий эътиборини қаратди.

Изчил тарзда юрт ҳукмдори давлат бошқарув сиёсати илм-у ҳикматлари ва ҳарб санъати фалсафасини эгаллашга ружу қўйиши ва бир вақтда жисмоний куч-қудратни оширишни бир кун ҳам қанда қилмасликни ҳар кунги ҳаётининг мазмунига айлантириши шарт. Ҳоҳ илму ҳикматда бўлсин, ҳоҳ жисмоний қудратда бўлсин юрт султони зарур ҳолатларда фавқулодда куч билан ўзини намоён эта олиши керак. Бу ҳукмдорга фақат обрў ва шавкат келтиради. Ҳукмдор шу жараёндаги олишувларда фақат четдан кузатувчи бўлиб қолмаслиги даркор. Юқоридаги жабҳаларда ўз сўзини айтиши, куч-қувватда ҳам ҳеч кимдан кам эмас, балки баҳодирона устунлигини кўрсатишини тақозо қиладиган ҳолатлар кўп бўлади. Ҳукмдорга бу пайтлари пўлатдек бақувват тана ва ирода асқатади. Тана қанча бақувват бўлса, кучлилар қўлида жанговар қуроллар — қилич, найза, гурзи ва қуролнинг бошқа турлари енгил чўпдек кўз илғамас тезликда айланади, ҳаракатланади. Қурол эгасида,

унга ўқталиб, таҳдид солаётган ғаним ҳужумларини барбод қилади. Душманга эса тиф ва найза санчиш имконини бермай, аксинча бўлса ўзига ёвни қуролсизлангириш шароитини яратади. Жанговар қуроллар баҳодирлар қўлида яйраб ҳаракатланади. Қиличнинг ҳавони кесиб чиқарган овози кучли бўронда шамолнинг чийиллаб чиқарган овозидек шиддатли бўлса, юзма-юз турган душманнинг ана шу тифнинг ёқимсиз овозидан юрагига қўрқув тушиб, оёқ-қўли бўшаша бошлайди. Танадаги кучнинг барча йўналиши гавда мувозанатига хизмат қилиб, шу орқали билақда тўпланиши, натижада жанг давомида узлуксиз ҳаракат давомийлиги сақланиб турилиши ёдингда бўлсин. Бу ҳарб усули ғалаба гаровидир.

Тўғри, инсон ўлим майдони жанг маъракаси сари қадам қўяр экан, уззукун бардош бериши жуда қийин. Бу пайтда сен жангнинг хоҳ маркази ёки баранғару жуванғаридами хоҳ султон сифатида, хоҳ лашкарбоши бўл, ўз лашқарининг ҳам, душман лашқарининг ҳам кўзи сенда бўлади. Чарчаш ва толиқиш боис жангнинг боришини ўзинг томондан сусайтиришга мутлақ ҳаққинг йўқдир. Бу ҳол ғанимга ташаббусни бериш ёки унинг ташаббусини тортиб олиш демақдир. Билақдаги тўпланган кучинг жанг ибтидосидан якунига қадар изчил сақланиб туришини таъминлаш учун чуқур ва бир текис нафас олишга одатлан, негаки, тўғри нафас олишда ҳам ҳикмат кўп, акс ҳолда, куч-қувват самараси ўз-ўзидан пасая бошлайди. Бундай ҳолатни сеза босиласанг, асосий эътиборни маънавий-руҳий қувватларни ирода мужассамлигига пайванд қил! Сўнгра қаршингдаги душманинга шундай қарагилки, кўздаги ғазаб ва нафрат ўқлари қуролинг зарбасидан аввал ғаним кўз гавҳарини тешиб ўтиб, сўнгра қалбини жароҳатласин. Билгилки, юрак найза ва қиличдан еган зарбадан кўра сўз ва даҳшатли қарашдан кўпроқ майиб-мажруҳ бўлади. Сўз ва кўз нафрат ўқи билан дастлабки зарб уриш шамшир ва найза зарбидан оғирдир. У ғалаба учун руҳий пойдевордир. Бунга эришилгач, яшин тезлигида қиличнинг кўз очиб-юмгунча ўз сўзини айтади. Сен жанг майдонида шерлар шери ва арслонлар арслони бўлишинг шарт. Негаки, жанг майдони шерлар майдонидир. Шернинг олишувлар майдонида чарчаб олишувни тарк этганини ҳеч ким кўрмаган. Унинг овга, ҳужумга тайёргарлигини сарой овчиларидан билиб ол! У нега тўқай ва ўрмон ҳукмдори? Сен эса юрт султони бўласан, аввало, юрагинг шер юрак бўлсин. Негаки, ҳамма нарса қалбга, юракка бўйсунди. Қўрқувни тананг ва қалбингдан чиқариб ташла, ундан бирон унсур қолмасин, мағлублик ва муваффақиятсизликлар ибтидоси қўрқув. Парвардигордан қўрқиш эса бу бошқа нарса. Мағлубиятдан эсанкирама, сабр-бардошли бўл, йиқилсанг ётма, тез ўрнингдан тур, ўнгланиб ол, юрсанг гумбураб юр, от сурсанг яшин бўл! Султонга шуниси ярашади. Чақиндек даҳшат сол! Ҳукмдорнинг руҳий тушқунликка тушишга ҳаққи йўқдир.

## **ҲАРБУ ЗАРБ ҚУРОЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ВА БАҲОДИРЛИККА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР**

Ҳукмдорлик тожу тахтига ўтириш ва забардаст лашкарбошилиқ юксаклигига етишиш мавридигача сен, дея таъкидлайди Нажмиддин Кубро Жалолиддинга, футувват паҳлавонлари машқларидан хабардор бўлишинг ҳаётингда кўп асқатади. Кўп ҳолларда ҳукмдор ва лашкарбошилар ўз куч-қудратларини жанг олдидан намойиш қилиш учун рақиб томон ҳукмдорини яккама-якка жангга ёки курашга чорлайди. Иккала тарафнинг юз минглаб лашқари нақ кўзи олдида ўз Ватани, халқи ор-номуси ва шарафини ҳимоя қилиб кураш майдонида туришининг ўзи бўлмайди, албатта, қадим-қадимдан паҳлавонлар ўз жисмоний кучларини ошириш учун зўргарлик машқ усуллари билан танасини тайёрлаб борганлар. Бу машқлар темирдан пўлат ҳосил қилинганидек, танани бўшлиқ қолдирмай тоблайди.

Шулардан бири тегирмон тошини кўтариш машқи, бу йигитлик даврингга хос ҳаракатдир. Тегирмон тошини кўтаришдан ҳосил бўладиган мурод шулки, унда икки ҳикмат яшириндир. Тегирмоннинг устки тоши доимо ҳаракатда бўлиб, тариқатда унинг маъноси муттасил жидду жаҳд қилмоққа ундайди. Остки тош устки тошнинг доимо оғирлигини кўтариб туради. Жувонмард паҳлавони ундан ҳар қандай оғир машаққатларни сабр билан қарши олиб, қийинчиликларни енгиш сабоғини олади, чидам ва сабрни ўзида шакллантиради. Навбатдагиси эса тебратиб бўлмас оғир тошни силжитиш, чор атрофга ҳаракатлантириш. Тошга бор вужуд билан ёпишиб, унинг уддасидан чиққанларни ёд этиш ва руҳига дуо қилиш.

Яна билгилки, ҳарбу зарб қуроллари эгаллашнинг илму ҳикматлари, одоби мавжуд. Бу одоблар уларни мукамал эгаллаш, уларнинг тилини билиш имконини беради. Уни эгаллаш мантиқ илмини билишдек бир санъатдир. Шу боис сенга умр бўйи хизмат қилувчи жанговар қуроолардан қилич қабзаси<sup>1</sup> ҳақида луғатларда берилган таърифу тавсифлардан энг муҳимларини келтириб ўтай. Қилич бу уруш, жангу жадал қуролидир, шу боис унинг овози жарангдор, қиммати баланд. У ҳақиқий эгасининг энг содиқ суянчиги, ҳам ҳимоячисидир. Унинг билан ёвузлик ҳаракати кесилади, фаним даф этилади. Мард, жасур ва ақли ўткир инсонлар қиличга қийсланадилар. Қилич тутган қўлдан мардлик ва жасорат хушбўйлиги анқиб туриши лозим. Қилични ҳеч қачон лоқайдлик ва паришонхотирлик билан эмас, шижоат билан ушла! Қиличнинг тилини бил, қилични асрай билгани қилич асрайди. Унинг тиги адолатни, эл-улусни ва жабр-зулмга учрагани халос қилиш учун ишлатилиши керак.

Шубҳасиз, фаним Ватанга, эл-улусга қасд қилганда у тигга гирифтор ва лойиқ кўрилади. Қилични пок ният билан қўлда маҳкам ушла. Қилич чопишда уруш, чопиш кўрган устозлар ўғитига амал қил.

Ҳарбу зарбда гурзининг алоҳида ўрни бор. У, асосан, мард ва паҳлавонлар жанг қуролидир. Яккама-якка олишувда тенгсиз ҳисобланади. Қилич ва найза билан зарб урганда зарба таъсир этмайдиган жанговар кийим — дубулға, совутларни писанд қилмай фанимни мажақлаш гурзининг ишидир. Аммо унинг сир-синаотлари ҳам гурзибоз устоз ва пирлардан ўрганилади. Уни от устида туриб жангда ҳаракатлантириш учун тулпор устида қоядек силжимаёй ўрнашмоқ даркор.

Ўқ-ёй ва найза билан жанг қила билиш ҳам ҳарб ишининг муҳим воситасидир. Ушбу иш ҳам илм, ҳам санъат қаторида бўлиб, бу илм устоз раҳнамолигидаги машқ ва усуллар тизимини ўзлаштиришдан иборат. Унинг асоси ҳам, якуни ҳам нишонни топиш ва бехато ўқ узишдан иборат. Энг мураккаби эса суворийча ўқ узиш, унда чопиб бораётган тулпор устида ҳам орқага ўтирилиб ва ҳам олд томонга ўқ ёмғирин ёғдириш санъатини бирдек эгаллашга тўғри келади. Бу қуршов шароити, чекиниш паллаларида ҳимоя воситасидаги жанг олиб бориш услубидир. Негаки, жанг майдони бу фақат ҳужумдан иборат эмас. Ҳарбий ҳаракатларда ҳужум ва мудофаа, шунингдек, лашкар ҳолатини ўнглаб олиш учун баъзан чекиниб нафасни ростлаб олиш мақсадида ҳарбий ҳийла усуллари қўлланилади. Ана шунда ёй қуроли катта аҳамият касб этади. Ёяндозлик сирлари машҳур мерган устозлардан амалий машқларда сабр-тоқат, катта тер тўкиш ҳисобига эгалланади. Салтанатда унинг пирлари бисёр. Менинг сабоқларим ниҳоялангач, асосий ва кундалик ишинг ҳарбу зарб илмининг атрофлича жиҳатлари амалиётини муштарак эгаллашдан иборат бўлади. Шунини таъкидлайки, қайси жанговар қурол хоҳ қилич, хоҳ гурзи ва найза қуроли

<sup>1</sup> Қабза — даста.

бўлсин душманнинг нафақат танасини, балки қуроли билан қўшиб шер ўлжасини ғажигандек тилка-пора қилиб ташлаш даражасига эришмоғинг лозим. Жанг пайтидаги ҳайбатингдан нафақат ганимлар, балки осмону фалак ларзага келсин. Ҳарбу зарб санъатидаги менинг ўғитларим шудир. Қолган сўзни бу мавзуда шу соҳа баҳодирлари, жанг майдонида қўллари қилич дастасидан қат-қат қаварган, ўқ-ёй ипини торта-торта бармоқлари қадоқ бўлган марду майдонлар айтади. Шу билан Шайхул-Валитарош Жалолиддинга ҳарб илмининг умумий қоидалари сабоқларини яқунлади.

Ўз навбатида, Шайхул-Валитарошнинг мисрлик устози Рўзбехон ал-Мисрий ҳам ёш шогирди Нажмиддинга илму ҳикматнинг сир-синоатларини эгаллашнинг ботиний ва лодуний усулларида сабоқ берар экан, буюк ишларга қодир инсонлар, албатта пири комиллар тарбияси орқали юксакликларга парвоз қилишини қайта-қайта уқтирган эди. Рўзбехон ал-Мисрий тасаввуф илмининг юксак чўққисига кўтарилганлиги учун ҳам илоҳий қудрат илми билан шогирди ёш Нажмиддинга келажакда кўплаб улуғ авлиёлар ва давлат арбобларининг пири бўлишини башорат қилган эди.

## ВАСИЯТ ЎРНИДАГИ СЎНГГИ САБОҚ

Шаҳзодам! Менинг сенга берадиган сабоқларим ниҳоят интиҳосига етди. Охириги сўзларимни қўроғошиндек қулоғингга қуйиб ол.

Подшоҳ ўз фуқароларига нисбатан мурувватли бўлиши, уларни ўз фарзандларидек яқин олиши, уларга жабр-зулми раво кўрмаслиги лозим. Ҳукмдорни фуқаролар ўз ҳимоячиси деб билгандагина улар ўз ҳаёти ва мол-мулкани унга бағишлайдилар, ҳеч нарсани ҳукмдордан аямайдилар ва яширмайдилар ҳам. Бутун ўй, фикр-зикри билан мамлакати ва ҳукмдори тақдирини ўйлайди. Халқ мурувват кўрсатган одил подшоҳни ёлғизлатиб қўймайди, ўз ҳукмдори атрофида мустаҳкам қўрғондек девор ҳосил қилади.

Олтин, кумуш ва зару жавоҳирларга кўмилиб-бурканиб яшаган подшоҳ бахт-роҳатда яшаган ҳисобланмайди. Юрт устига ёв келганда уни қайтарган, улусга омонлик бағишлай олган, илм-фан, ҳунар ва меҳнаткаш аҳлини эъзозлаган, муҳтож ва етим-есирлар бошини силаган подшоҳ бахтлидир.

Модомики, подшоҳ фаолияти шахсий фаолият эмас, эл-юрт ва фуқаролар тақдирини билан боғланиб кетар экан, ўз сиёсатини тазйиқ ва жабр-зулм асосига қурмаслиги керак. Солиқ зўравонлиги билан халқни қашшоқлик ботқоғига ботирмаслиги, аввал, фуқаронинг моддий фаровонлигини тиклаб, сўнгра хазинани тўлдириш чорасини кўриши керак.

Давлатнинг ҳамма ишлари бирданига битмайди. Ҳар бир фармон навбати билан кучга киради ва бажарилади. Агар бу масалада тартибсизлик, қонунбузарлик ёки қонунга хилоф иш тутилса, адолатсизликка йўл қўйилса, ҳар қайси гуруҳ ва тоифалар ўз шахсий манфаатини қондириш, давлат олдидаги бурч ва масъулиятини унутади. Бу эса ўзаро муносабатлар занжирининг заифлашувига сабаб бўлиб, мамлакатда бошбошдоқлик ҳолатига йўл очади. Ҳолбуки, давлат ва ҳукмдорнинг асосий вазифаси мамлакат ичидаги гуруҳ ва табақаларнинг ўзаро ишончли ҳамдўстлигини таъминлаш, адолат қоидаларини барқарор этишдан иборатдир. Агар шу табақалардан қайси биридир бошқасига жабр-зулм қила бошлаб, унинг олди олинмаса, у чуқурлашиб, адолатсизлик илдиз отса, ҳукмдор саройдаги тинчлиги билан кифояланиб, мамлакат ҳудудларида рўй бераётган ёнғинни вақтида қаттиққўллик билан ўчирмас экан, авж олган адолатсизлик ва жабр-зулм бутун мамлакатни инқирозга дучор этади.

Бўтам, Жалолиддин! Мен шахзодага беришим лозим даражадаги илму ҳикматларимдан сенга берилиши лозим бўлган ҳиссангни адо қилдим. Нимани айтиш жоиз бўлса айтдим. Менга устозим демиш эдилар: „Хоразм элидан Мисрни қўмсаб ҳузуримга келган эдинг. Энди валийлик ва авлиёлик мақомига етдинг, энди сенга берадиган илмим қолмади. Ана Искандария шаҳридан яна йўлга чиққан Хоразмшоҳ карвони Қоҳирага яқинлашиб қолди. Кетиш тарадудингни кўр, шу билан тугади устознинг сўзи, қолганин айтади ҳаётнинг ўзи“, дея сўнги сабоғини бериб, хайрлашгандилар. Энди ушбу сўзларни сенга айтиш фурсати келди. Энди ақлинг пешланди, билиминг ҳикматлар хазинасидан баҳраманд бўлиб, маънавий-руҳий камолотинг ўсди. Бу ёғида сени ҳарбу зарб илмининг сир-синоатларини ҳаётда синаш ва татбиқ қилиш кутмоқдаки, ҳарбий санъат илмини мукаммал эгалламаган султоннинг келажаги йўқдир. Шу билан Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро Жалолиддин Мангубердига якуний сабоғини ўтиб тугатар экан, „Умринг якунига қадар босган қадаминг, олган нафасинг мардлик ва жасорат тимсолига айлансин, Мангуберди номинг билан келгуси авлодлар хотирасида ҳам мангу қолгайсан“, дея қўлини муборак юзларига суртиб илоҳий дуолар билан алқади. Шу билан Ватанга минг йилларда бир марта келадиган бетакрор ва бемисл шогирдига ҳаётга йўлланма берди. Жалолиддин Мангуберди пири комил устозининг илоҳий дуоларидан ўзида алланечук ҳузурланиш ва ўзгариш сезди. Жаннатий кенгликларда сайр қилгандек ҳис қилди, ўзини. „Берган илмларингизни албатта оқлайман, Ватан ва халқ учун уни сафарбар қиламан“ дея, Шайхул-Валитарошга сўз бериб, тиз чўкди, пирининг этагини ўтди ва юз-кўзларига суртиб, — „берган илмингизга рози бўлинг“, — деди миннатдор шогирд. Устоз-шогирдлар бир-бирларини улўф жангга кетишдан олдин ўз ўғлини кузатаётган ота ва ўғиллардек бағрига босиб хайрлашдилар.

## ҲАРБИЙ САНЪАТ ИЛМИ ВА УСУЛЛАРИНИ ЭГАЛЛАШ ЙЎЛИДА

### ҲАРБУ ЗАРБ ИЛМИНИНГ СЕРМАШАҚҚАТ СИНОВЛАРИ

Жалолиддин Мангубердининг ўсмирлик ҳаётида янги босқич бошланди. У буюк зотлардан сабоқ ва таълим олар экан, пири комил устози берган ўғитлар жанговар қуроладан кучлироқ маънавий-руҳий озуқа, келажак учун йўлчи юлдуз бўлаётганлигини янада аниқ-тиниқ англаб, уни ҳар куни, ҳар дақиқада ҳис қилиб турди. Ёши ўсмирликдан йигитлик палласига яқинлашган сари уларнинг аҳамиятини теран англади. Шаҳзода ҳарбий санъат илмининг сир-синоати ва амалиёти малакаларини эгаллашга киришар экан, Нажмиддин Кубронинг: „Касал шоҳдан соғлом гадо афзал, нечунки, тез-тез касалликка чалинадиган ҳукмдор, аввало, бошқарув назоратини қўлдан чиқаради. Саройда қора мақсадларини пинҳон сақлаган фитначи ва ғаламислар бундан фойдаланиб, фасодга майл қўядилар. Шунинг учун тан саломатлиги ҳар қандай ишнинг муваффақият гаровидир.

Шоҳнинг танаси қоядек мустаҳкам, кўзлари бургутдек чақин бўлиши лозим. У хоҳ қуроли, хоҳ қуролсиз ҳолатда бўлсин, ўзгалар кўзига салобатли, мисоли овга чиққан арслон янглиғ важоҳатли кўринишда бўлиши шарт. У ҳар қандай жанговар қуроллардан ўта моҳирлик билан фойдалана билиши, бунда у ўзгаларга ибрат, паҳлавонлар паҳлавони, баҳодирлар баҳодирлиги бўлиши даркор. Шоҳ Ватаннинг бош кўриқчи посбони, давлат таянчи, улўф ҳимоячиси ҳамда адолат устунидир. Тиб илмининг султони Ибн Сино демишлар: „Ҳар куни, изчил тарзда бадантарбия билан шуғулланган тана муолажага

эхтиёж сезмайди“. Шаҳзода ўсмирлик ва йигитлик даврида ўз танасини моҳир хунарманд усталар пўлатни тоблагандек ўз танасида бўшлиқ қолдирмай тоблаши керак. Шоҳ учун шундай дамлар бўладики, сўнг сўзни албатта қилич якунлайдиган бўлади“. „Яна такрор айтаман, — деганди шаҳзодага таъкидлаб, — имон-эътиқод, диёнат мужассамлигини қилич кучига йўналтириб, уни адолат ва ҳақиқат йўлида чекиш“. Ушбу ўғитлардан Жалолиддин Мангуберди қатъий хулосалар чиқарди ва ҳарбу зарб илмини эгаллашда доимо амал қилди.

## УЛУФ САРКАРДАЛАР ТАРБИЯСИДА

Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон ўғли Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий ишларни ўрганишига атоқли лашкарбошиларни масъул қилиб тайинлади. Шулардан бири ҳарбий санъат илмининг етук билимдони, олим ва давлат арбоби, салтанатнинг ҳарбий ишлар вазири Шихобиддин ал-Ҳевақий эди. Шихобиддин ал-Ҳевақий Шарқ олами салтанатлари тарихи, хусусан, ҳарбий тарихи, ҳарбий санъат назарияси бўйича йирик олим ҳисобланарди. Унинг маслаҳати ва бевосита иштирокида Муҳаммад Султон ўз даврининг йирик салтанатини барпо қилди. Ҳарбий юришларда катта зафарлар қозонди. Муҳаммад Султоннинг катта хатоси шу бўлдики, мўғуллар босқини даврида шундай атоқли саркардани ҳарбий вазирликдан озод қилиб, бу муҳим мансаб, яъни ҳарбий ишлар девонини ҳам Дашти Қипчоқнинг узоқни кўра олмаган лашкарбошиларига топширган эди. Албатта, бу ишларда унга онаси Туркон Хотуннинг тазйиқи ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Шихобиддин ал-Ҳевақий Жалолиддин Мангубердига ҳарбий санъат илмидан сабоқ беришни уни ҳарбий тарих ва шарқнинг атоқли лашкарбошиларининг жангтоҳлардаги қўшинни ақл ва идрок билан бошқариш усулларини ҳақиқий саркардаларга хос тарзда ўргатишдан бошлади. Саркарда терига ишлов берувчи (тери ишловчи) усталардан туя, мол териларини олдириб, Искандар Зулқарнайн билан Эрон шоҳи Доро III ўртасидаги, турк хоқони билан форсийлар, Маҳмуд Ғазнавийнинг Ҳинд рожалари, ғазнавийлар ва салжуқийлар, қорахитойлар билан салжуқийлар ўртасидаги машҳур жанглари ҳамда уларнинг мағлуб ва ғолиб бўлиш сабабларини, лашкарбошилар қўллаган ҳарбий усуллари махсус терига ҳар бир жанглари алоҳида турли хил бўёқларда чизиб, ҳарбий ҳаракат, ҳужум бошланиши ёки чекиниши каби жанг ҳолатларини жонли тарзда тасвирлаб берди. Жалолиддин Мангуберди бутун вужуди билан терига ифодаланган жанг ҳаракатларини кузатар ва эшитар экан, Шихобиддин ал-Ҳевақийнинг тушунтириш маҳоратига лол қолди ва ўзи ҳам гўё шу жанг иштирокчисига айлангандек эди. Ҳарбий тарих сабоқларини эшитиш унинг жону дилига айланди. Баъзан саркарда Жалолиддин Мангубердига: „Қани айтинг-чи шаҳзодам, мана шу чекинаётган томон саркардаси ёки лашкарбошиси ўрнида сиз ўзингиз қўмондон бўлганингизда нима қилган бўлар эдингиз? — дея кўрсаткич таёқчасини шаҳзодага бериб, — кўрсатиб беринг-чи, нима қилиб мағлубиятдан қўшинни сақлаб қолардингиз?“ Шу тариқа тери харита устида бош қотиришга Жалолиддинни мажбур қиларди. Бора-бора тери харита орқали жангнинг боришини мушоҳада қилиш Жалолиддинни шундай мафтун қилдики, шаҳзодага ғолиб томоннинг ютуқлари-ю, мағлуб томоннинг хатолари яққол кўз олдида намоён бўла бошлади.

Кунларнинг бирида Шихобиддин ал-Ҳевақий ошланган туя терисини топширар экан, навбатдаги машғулотга қадар Маҳмуд Ғазнавийнинг тахт вориси Масъуд Ғазнавийнинг Данданакон жангида салжуқийлардан қай тариқа тор-мор этилиши ва жанг олдида қўшинларнинг чўлдаги майдонда саф тортиши ҳамда жангнинг боришини тери харитада



тасвираб келиш вазифасини топширади. Манба билан таъминлаш учун ғазнавийлар ва салжуқийлар ўртасидаги курашлар тарихи тўғрисидаги ўша давр тарихчиларнинг асарларини тавсия қилди. Жалолиддин устози топшириғини бажариш учун жангнинг боришини кунт билан мутолаа қилди. Сўнгра уни тери харитада шакллантиришга киришди. Жанг тасвирда тўлиқ ифодасини топгач, устози ҳузурига борди. Кучлар нисбати, отлиқ ва пиёда қўшинларнинг ҳар икки тарафда жойлашуви, биринчи бўлиб ҳужумни бошлаган суворий қисмларнинг ҳаракат йўналиши, ғанимга салжуқийлар лашкарининг тўлғама усулида айланиб ўтиб, орқа томонига чиқишлари ҳамда томонлар қароргоҳи жойлашган бархан тепаликлари, барча-барчаси махсус учи найзасимон чизиқларда ва қўшин турлари жойлашуви эса тўртбурчак кўринишда ифодасини топган эди.

Устози талаби билан худди жангни бошқараётган лашкарбошилардек жангнинг боришини шаҳзода Жалолиддин баён этишга киришади. Устози унинг аъло даражада бажарган иши ва дадил тарзда ҳарбий ҳаракатларни жонлантириб ҳикоя қилиб беришидан жуда мамнун бўлди. „Жуда яхши, — дейди устози хурсандчилигини яширмай — қани жангдаги нотўғри қўлланган усул оқибатлари ғазнавийларнинг қўшинини нимага олиб келди? Ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан таҳлил қилинг?“ Шогирд жавоб бериб: „Ҳарбий жиҳати шуки, Масъудшоҳ мағлубият аламини тотди, сиёсий жиҳати эса отаси Маҳмуд Ғазнавий ташкил этган машриқ заминнинг катта салтанати таназулга юз тутди“. „Ҳақ гап! Ота умрини сарфлаб тузган салтанат ўша жангда тупроққа кўмилди. Унинг ўрнида янги сулола салжуқийлар ҳукмронлиги тожу тахт эгаси бўлдики, сизнинг боболарингиз тақдири ҳам шу воқеалар оддий иштирокчисидан охир-оқибат салтанат соҳибларига айландилар“. Бу хулосалар Шихобиддин ал-Ҳевақийнинг ҳарбий тарихни чуқур билишини кўрсатарди.

Шихобиддин ал-Ҳевақий ўнлаб йирик жангларнинг олиб борилиш ҳарбий тарихига оид манбаларни Жалолиддиннинг ўзига мустақил ўрганиб, сўнгра таҳлил қилиб бериш услубини қўлади. Бу усул шаҳзодага лашкарбошилик ҳарбий санъат илмини кунт билан эгаллашда жуда асқатди. Уруш ва жанг илми ҳарбий тафаккурнинг гулғон ўйнаган, асаб тизимларининг оғир синовга тортилган, ироданинг ўзини борлиғи билан намоён қиладиган жабҳаси эканлигини илғади.

Шихобиддин ал-Ҳевақий лашкарбоши жангда ўзининг топқирлиги, мардлиги ва жасорати билан барча қўл остидаги саркарда ҳамда жангчиларга ибрат бўлиши, жангнинг боришини диққат билан кузатиб бориши, вазиятни тўғри баҳолаб, жанг усулларини вазиятга қараб ўзгартириб, ғанимни чалғита олишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Жангда ғалабани таъминлайдиган икки хил жанг услубини қўллашга шаҳзода диққатини қаратар экан, биринчиси, бу таъбиятулжайш усули (тактика) душманнинг ҳужумкорлик руҳини сусайтириш ва ғалабага бўлган ишончни сўндириш, ғанимни ноқулай жуғрофий майдонда ҳаракат қилишга мажбур қилиш, қарши ҳужумда ғанимнинг маънавий-руҳий ҳолатига салбий таъсир қилувчи мусиқий ҳарбий дасталарнинг кучли садолари ва жангчиларнинг барала ҳайқириқлари мужассамлигига эришиш, душманга қарши томон қўшини тўғрисида аниқ маълумот олишга имкон бермаслик, захиралар сирини сақлаган ҳолда пистирмалар режасини пухта ишлаш, ўқ-ёйчилар, суворийлар ва пиёда қисмлар орасидаги узвийликни таъминлаш ҳамда жанг давомида уларнинг сочилиб кетишига йўл қўймаслик ва ҳарбий қисмларнинг ўрнини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга.

Жангнинг пировард оқибатида ғалабани таъминлайдиган савқулжайш (стратегия)ни тўғри белгилаш ва душманнинг ўзини ўнглаб олишга имкон бермай, уни узлуксиз таъқиб қилиб чекинишга мажбур қилиб, ғаним қароргоҳи билан лашкарий қисмларининг

алоқасини узиб ташлашга эришиб, устунликни тўла ганимдан тортиб олиш ҳамда якуний зарбани беришдан иборат. Бу ғалабани нақд қилиш демакдир.

Ҳар бир жангда таъбиятулжайш ва савқулжайш усуларини доимо такомиллаштириб бориш бош лашкарбошининг зиммасидаги асосий вазифадир.

Шихобиддин ал-Ҳевақий шаҳзода Жалолиддин Мангубердига жанг қилиш ҳарбий санъатини ва қўшинни бошқариш сир-синаотларини жуда пухта ўргатди. Ўрта аср муаррихларининг лашкарбоши ва саркардалар ҳаёти ва жангларидаги усулларига доир Шихобиддин ал-Ҳевақийнинг ҳарбий девони ва Ануштегин боболарининг жангу жадаллари ёритилган сулола тарихини шаҳзода сарой кутубхонасида кунни тунга улаб мутолаа қилди. Ҳарбий тарих илмларидан яхшигина хабардор бўлгач, ҳарбий вазир Шихобиддин ал-Ҳевақий онгли ҳаёти йигитлик давридан зуваласи жанг майдонида пишган жанговар дўстлари, ўз даврининг машҳур саркардалари Темур Малик ва Аминалмулкларни ўз ҳузурига чақириб, шаҳзода Жалолиддиннинг ҳарбий санъат илмини янада мукаммаллаштириш ва жанговар қуроллардан амалий кўникма ва малака ҳосил қилдириб, ёй отиш ва қиличбозлик жангининг тенгсиз баҳодирига айлантириш кўрсатмасини берди. Шу тадбир то ниҳоясига етгунга қадар қўшинларингиздаги ҳарбий машқларни олиб бориш ёрдамчи лашкарбошилар зиммасига юклатилади, дейди ҳарбий вазир Шихобиддин ал-Ҳевақий.

Шу пайтга қадар бу ҳар икки лашкарбоши салтанатнинг ҳарбий зафарларига ўзларининг жуда катта ҳиссасини қўшган эдилар. Айниқса, Темур Маликдек буюк саркарданинг мавжудлиги салтанат ва лашкар учун фахр эди. У туғма қўмондон, қиличбозликда тенгсиз жангчи ва ёйдан ўқ узганда бетакрор мерган, лашкарга меҳрибон, аммо гоят талабчан, бўй-басти Алпомишсифат эди. Забардаст инсон ўнлаб оғир жангларда қатнашиб, бирор марта мағлублик аламини тотмаган, доимо Кўҳна Урганч пойтахтга зафар байроғини ҳилпирайтиб, халқи олдида ёруғ юз билан кириб келарди. Унинг ҳарбий саркардалик маҳорати нафақат Хоразмшоҳлар салтанатида, балки узоқ-яқин қўшни давлатларда ҳам тилга тушган эди.

Аминалмулк суворий қўшинлар бўйича йирик лашкарбоши ҳисобланарди. Отлиқ қўшинни жангга солишда ўз ишининг моҳир чавандози Аминалмулк Темур Малик билан кўп жангларда ёнма-ён қатнашиб, пиёда қўшинларни кўпинча қанотлардан ҳимоя қилар, қарши ҳужумда эса ганим лашкарини айланиб ўтиб орқа томондан зарба бериш ҳадисини олган саркардалар сирасидан эди. Ҳар икки саркарда ҳам Жалолиддиннинг тоғалари эдилар. Ўз жиянидаги интилиш ва шижоатни пайқаган устоз-саркардалар Жалолиддинга бор меҳрини, бор истеъ-додларини бериб, бемисл жангчи ва буюк саркардалик мавқеига кўтаришга киришдилар. Уларнинг ҳар иккаласи устозларидан бир неча поғона юқори кўтариладиган жиян лашкарбошини, келажаги буюк салтанат таянчи бўладиган шаҳзодани тарбиялаш ишониб топширилганлигидан беҳад хурсанд бўлиб, ҳарбий сабоқ амалиётининг мураккаб ва оғирлаштирилган дастурини туздилар. Келишувга кўра, чавандозлик ва суворийлик маҳоратидан илк ҳарбий машқлар бошланди. Бу ишнинг пири Аминалмулк эди. Жалолиддинга чавандозлик маҳоратини эгаллашни ўргатишдан аввал суворий жангчи ва тулпор ўртасидаги муносабатни тўғри йўлга қўйишнинг ўзига хос йўриқлари билан таништирди. „Бир қараганда, — дейди устоз Аминалмулк, — бу жуда оддий бир ишдек, аммо моҳиятан қараганда бу кўпчилик ўйлагандан ўн чандон мураккаб ҳисобланади. Аввало, ҳар бир чавандоз ўзига мос жониворни танлай билиши зарур. Одатда, одамзодга садоқат билан хизмат қилишда ҳайвонлар орасида от ва итга тенг келадигани йўқ. Уларнинг ҳар иккиси бошқа ҳайвонларга қараганда анча ақлли мавжудотдир. Аммо улар тилсиз, лекин улар билан кўз қараш ва ҳаракатлар орқали тил топишиш мумкин. Улар ҳам худди инсонлардек ғамхўрлик ва меҳорга ташна ва муҳтож.

Агар отга меҳр ва ғамхўрликни билдириб, ҳиссий таъсир қилинса, унинг хўжаси фикрларини, ҳис-туйғуларини бутун борлиги сезгилари — эгасининг товуш оҳанглари, ҳатто оёқларини тулпорнинг қорнига тирсақлари орқали туртиш ҳаракатларидан сезиб олади. Ҳатто чопиб кетаётган жонивор турли табиий тўсиқлар, кескин қайрилишларда эгасининг йиқилмаслик чораларига қадар уйғун ҳаракатлар билан ўз хўжасини хавф-хатардан омон сақлашга ҳаракат қилади. Ўта хатарли ҳолатларда хўжасининг жисмоний ва руҳий зўриқишларини сезади, шу ҳолатдан қутулиб чиқишига жиддий ҳаракат қилади. Айниқса, жанговарликка ўргатилган махсус тулпор хўжасининг ҳақиқий ҳимоячиси, жангларда суворий жангчининг жон-дили, парвоз қилдирувчи қаноти ҳисобланади.

Халқимизнинг бадиий ижоди чўққиси афсонавий қаҳрамонларимиздан Гўрўғлибекнинг Фироти, Алпомишнинг Бойчибори ва Авазхоннинг саманларининг ўз эгаларига нақадар садоқат ва вафодорликлари айни ҳақиқат. Бу қаҳрамонларнинг жасоратларини, эришган ғалабаларини уларнинг қорабайир тулпорларисиз, саманларисиз мутлақ тасаввур қилиб бўлмайди. Қаҳрамонларнинг куч ва жасорати билан машҳур саманларнинг куч-қудрати қўшилиб, жанг майдонини ларзага солганлар. Бундай бемисл кучли, шамолдек учувчи отларнинг қадим замонларданоқ давруғи ўзга мамлакатларга ҳам етиб борган. Бундан икки минг йил олдин шундай отларга эга бўлиш учун Хитой салтанати ватанимиз Фарғона водийси худудида пайдо бўлган қадимги Паркан давлатига қарши уруш олиб боришган, бир неча бор ҳужумлар уюштиришган. Шу учқур самовий отларга эга бўлмагунча урушни узоқ давом эттирган. Бу тарихда самовий отлар учун уруш номини олган эди. Ниҳоят, аждодларимиз вайроналик келтираётган урушга чек қўйиш учун Хитой салтанати талаб этган самовий отларни топшириб, сўнгра сулҳ тузишга эришган эдилар.

Жанг майдонида фақатгина суворий жангчи отлиқлар жанг қилмайдилар. Жанговар отлар ҳам жангнинг ҳақиқий иштирокчиларига айланадилар, қарама-қарши елиб келаётган ғаним суворийсига қараб бор кучи билан кишнайди, ваҳима солади, туёқлари билан тупроқни ковлаб сочади. Чанг-тўзон ҳосил қилади, ғаним суворийсини отдан ағдариш учун унинг отини ён томони билан уриб ағдаради ёки найза, ёки қилич билан нишонга уришга шайланаётган ғанимни мувозанатдан чиқариб юборади, ўз хўжасига қулай имконият яратиб беради, тепади, тишлайди ва ҳоказо ҳаракатлар содир этади. Жангдан-жангга отларда шундай жанговарлик феъли шаклланади. Бироқ, тулпор ёки саманни ана шу даражада жангари қилиб тарбиялаш вақт ва биргаликдаги ҳарбий жанговар машқларни узлуксиз тарзда олиб боришни талаб қилади“.

„Бош қўмондон учун асов отлардан биттаси камлик қилади. Қонли ва аёвсиз жангларда нафақат кўплаб жангчилар талафот кўриб қолмай, балки жанговар отлар ҳам улар қатори ярадор бўлади, сафдан чиқади. Бунинг устига душманнинг энг сара, баҳодир қисмлари ҳужумни ғанимининг бош қўмондонини сафдан чиқаришга ҳаракат қилишини ҳисобга олсак, қароргоҳ бош қўмондониди бундай дамларда камида етти, ўнтага қадар захира отлари тайёр туриши керак. Уларнинг барчаси билан йил бўйи ҳарбий машқлар жараёнида дўст-иноқ бўлиш, ҳатто уларнинг хашаги, суви, шунингдек, сувда чўмилтириб, пешана ва бўйинлари бўйлаб меҳр билан силаб, „бургутим“, „лочиним“, „бўрондай шиддатли тулпорим“ каби миннатдорчилик иборалари билан юмшоқ овозда, аммо қалбдан чиқариб муносабат билдириш зарур. Ана шунда бундай самимий муомалани ҳис қилган жонивор эгаси учун ўзини ўтга ва сувга уришга, хавф-хатардан омонлик майдонига олиб чиқишга тайёр туради. Йиллаб берилган меҳрни оқлайди, қарздор бўлиб қолишни тулпор асло истамайди, беминнат хизмат қилади. Унинг энг қўп ижобий хусусияти шумлик, қувлик ва ҳечам миннат қилмайди,

ҳўжасини бир умр рози-ризо қилади. Инсонлар яхшиликни унутса унутадик, аммо тулпорлар охиригача вафодорликни ўрнига қўядилар. Дусти, биродари ва Ватанига оғир дамларда жанговар сафдошлар хиёнат қилишлари мумкин, бироқ ҳеч қачон жанговар тулпорлар эгасига хиёнат қилмайдилар. Уларнинг бебаҳо кадр-қиммати ҳам шундадир“. Шулар тўғрисида маълумот бериш билан Шихобиддин ал-Хевақий жангда хиёнат қилувчи хиёнаткор ва сотқинлардан огоҳ бўлишни Жалолиддинга эслатиб қўйди. Демак, шаҳзода йил давомидаги ҳарбий машқларда асов тулпорлардан бир эмас, бир гуруҳини ўзига ўргатиб олиши керак. Устози Шихобиддин ал-Хевақийнинг суворий жангчини жангга тайёрлашдаги ўғитлари, пири комил Шайхул-Валитарошнинг Искандар Зулқарнайннинг ўн беш ёшида отаси Филипп II ҳузурда сарой аҳллари олдида ўғлидан олинадиган ёввойи асов отни ўзига бўйсундириш имтиҳони намойишкорона ташкил қилинишига оид ҳаракатларининг мисол келтирилиши замирида катта маъно борлигини Жалолиддин суворий жангчиликка тайёргарлик чоғида дарҳол эслади. Нажмиддин Кубро келтирган ҳикоя ва ривоятлар унга амалиётда нақадар асқатишини ва бундан кейин ҳам ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлишини яна бир бора ҳис қилди. Ўшанда Шайхул-Валитарош Искандар Зулқарнайннинг ўсмирлик ҳаётидан шундай мисолни келтирган эди: Искандар ўн беш ёшга етганида сарой аҳллари ёш шаҳзода илми, ҳаётий тажриба ва маҳорати, довюраклигини текшириб кўришга аҳд қиладилар. Биринчи муаммо — Искандар ва вазирларнинг фарзандлари — барча тенгдошлар ҳаёт мураккабликлари бошқарув ечими оғир тугун бўлса, шу дуч келган масалани ким, қандай ақл билан ечиб ҳаёт имтиҳонидан муваффақият билан ўтади. Бунинг учун имтиҳон ҳайъати арқоннинг қоқ ўртасида тугун ҳосил қиладилар. Сўнгра тугунли жой сувга бўктирилди. Энди арқон тугунини ечиш ҳар қандай одам учун ҳам машаққатли эди. Аввало, Филипп II нинг вазирлари, саркарда ва саройнинг йирик амалдорлари фарзандларига навбат билан тугунни ечишга рухсат этилди. Қанча уринишмасин ҳеч бири еча олмай, бармоқлари шилиниб, тирноқларини синдиргунча ҳаракат қилдилар. Имтиҳондан ўта олмадилар. Навбат ниҳоят Искандарга етиб келди. Искандар эса имтиҳон ҳайъатига қараб бундай мурожаат қилди. „Эй, аҳли жамоа! Улуғ устозим шундай ўғит қилганлар: „Сиёсат ва сарой боши ва охири кўринмайдиган муаммолар майдони, шунинг учун унинг иштирокчисига айланар экансан, тилинг қилич, ақлинг қилич бўлсин. Булар ҳам иш бермаганда сўнги чора белдаги боғлиқ қиличинг нажот йўлини очсин,“ деганлар. Мана мендан аввалги тенгқурларим қиличдан бошқа барча ҳаракатларни қилди, аммо бўлмади. Мураса-мадора иш бермаган жойда ҳар қандай сиёсат ўз ўрнини қиличга бўшатиб беради“, дея қиличини олиб тугунни тенг иккига бўлиб ташлайди. Барча унинг ҳаракатини айни муддао тадбир, деб баҳоладилар. Энди имтиҳоннинг иккинчи шarti — ёввойи отлар тўдаси ҳайдаб келиниб, махсус кўрага қамалди. Кўра анча катта майдонни ташкил қиларди. Имтиҳон ҳайъати ана шу ёввойи отлар тўдасининг тўдабошиси бўлган бўйсунмас айғирни тутиб, ўша айғирда ҳолдан тойгунча чопишни имтиҳон синови қилиб белгилади. Сарой аҳллари фарзандларидан ҳеч кимнинг бу ишга ҳафсаласи бўлмади. Искандар бу ишни амалга оширишга рухсат берилишини сўрайди. Шу тариқа тўдабоши баҳайбат ёввойи от билан унинг олишувчи бошланди. Ўнлаб марта чапдастлик билан Искандар унинг бошига сиртмоқ қилинган арқонни отса-да, силтаб арқондан чиқиб кетаверди. Соатлаб олишувда Искандар ҳам, тўдабоши от ҳам жиққа терга ботишди. Ниҳоят, Искандар зарб билан арқонни аниқ ташлаб, мақсадига эришди. Аммо айғир, бўйсунмас асов таслим бўлишни истамай Искандарни бор кучи билан судраб чопа бошлайди. Искандар дош беролмай йиқилади, бироқ арқонни қўйиб юбормайди. Ҳайъат раиси дарвозани очиб, кенг қумлоқ

майдонга отларни қўйиб юборишни буюрди. Асов ёввойи от Искандарни бир неча чақирим масофагача судраб кетади, лекин шахзода арқонни қўйиб юбормайди. Ниҳоят, ҳолдан тойган отни миниб, ҳайъат аъзолари олдига юзлари шилинган, кийимлари яримьяланғоч ва илматешик, жулдурвоқи ҳолатда келади. Ҳайъат аъзолари ва барча қатнашчилар ўғил ва ота Филипп II ҳукмдор шарафига офаринлар ёғдиришиб, келажаги буюк ворис билан табрикладилар. Ана шу асовни бўйсундириш Искандарнинг буюк ишларга қодирлигининг дебочаси, дунёнинг забткори бўлишга лойиқлик даракчиси бўлди. Ушбу фикрлар тасдиқланиб, Искандар Зулқарнайн биринчи дунё жаҳонгири бўлиб мозийга кирди.

Шахзода Жалолиддин Искандарнинг ушбу жасорати ва устози Шихобиддин ал-Ҳевақийнинг сабоқлари жангдаги ғалабаларга пойдевор эканлигини янада теран тарзда тушуниб етди.

Темур Малик ва Аминалмулқлар Жалолиддин Мангубердини келажакда албатта рўй берадиган оғир жангларга тайёрлар эканлар, ҳарб амалиётида рўй берадиган ҳеч бир нарсани четда қолдирмай, қаттиқ интизом билан, шунингдек, қатъий режа асосида машқларни оддийдан ғоят мураккаб жиҳатларга томон йўналтира бордилар. Ҳар бир бажариладиган ҳарбий машқлар қандай шароитларда асқатиб заруратга айланишини аввал атрофлича тушунтирилиб, сўнгра уни амалда бажариб, малака ҳосил қилишга ҳафталар, ойлар сарфланди. Шуларга доир мисолларни устозлари ҳарбий тарихдан ҳамда саркардалар ўзларининг жанговарлик йилларидаги воқеалардан жонли мисоллар келтириб, Жалолиддиннинг жанговарлик ҳаракатларига руҳий мадад бердилар. Чунончи, „ғаним томон неча бор жангларда Темур Маликни, қароргоҳ қўмондони ҳарбий лавозимида турган пайтларда, шахсан яккама-якка жангга чақирилганида ҳаммининг диққати жанг майдонининг қоқ марказида ғаним ҳукмдори ёки лашкарбошиси билан кечган олишувга қаратилганлигида рўй берадиган ҳолатни тасвирлаб берарди. Унда сарфланадиган асабий-руҳий ва жисмоний-иродавий куч ҳадини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ёлғиз мадад бундай пайтларда фақат Оллоҳдан, ҳаракатлар, қуролни ишлатиш маҳорати ўзингдан. Бундай пайтда худо кўрсатмасин ғанимингдан мағлуб бўла бошлашни тасаввур қилиш, тананг кучдан қолиб, ўлим яқинлашаётганлигини сеза бошласанг, бу ўлимдан даҳшатли ўлим йўқ дунёда. Бундай пайтда пўлатдек мустаҳкам тананг, бемисл қудратли кучинг, қайтмас қиличинг бўлмас экан, додингни ҳеч ким тингламайди. Олд ва орқада жангни кузатиб турган баҳодир жангчиларинг ҳам жанг қоидаси бўйича ёрдамга келмайди. Узоқ олишувда юзма-юз турган ғаниминг, ҳатто сал бўлса-да чарчаш аломатингни илғаб олдим, кўзингни очирмай зарбалар қуюнини ёғдиради. Агар шу дамда ғаниминг енгил яраланганингни сезса-чи, унда қиёмат ҳосил қилиб устинга янада даҳшатли тарзда ёпирилади. Бунда қайси қурол билан, хоҳ қилич, хоҳ найза ва гурзи билан жанг қилиш бўлсин, барчасини маҳорат ва куч-қудрат ҳал қилади. Яккама-якка жанг олишувининг шерлар олишувидан фарқи қолмайди, улардан ҳам даҳшатли тус олса оладик, кам бўлмайди. Шунинг учун эртанинг ғамини бугун ейишинг зарур, бугун қилиш, эгаллаш лозим бўлган ҳарб ишини мутлақ эртага қолдириб бўлмайди. Эрта-индинга қолдириш ҳалокатни ўз тарафинга ихтиёрий чақириб демакдир. Юзма-юз жангда икки ҳодисанинг бири билан мукофотланасан. Бири ғолиблик, бири марлублик, бири ўлим, иккинчиси ҳаёт! Ўзга йўл йўқ. Айниқса, шоҳ бўлиб бундай жангга киришлик минглаб, юз минглаб жангчиларнинггина эмас, балки Ватан, халқ тақдирини ҳал қилиш билан баробар. Бундай пайтда шоҳнинг ҳалокати Ватан ва эл-улуснинг ҳалокатига сабаб бўладик, жангнинг шу босқичида майдонда ғолиб бўлиб қолишинг шарт ва муқаррардир. Бизнинг жанговар аجدодларимиз ҳам, бизнинг ўзимиз ҳам неча бор

жанг майдонларида шу воқеалар шоҳиди бўлганмиз“, — деб уқтиради Жалолиддинга устози Темур Малик. Йирик саркарда шаҳзодага куюнчаклик билан шу воқеаларга дахлдор кечмишларни тушунтириш ва таъкидлашлари бежиз эмасди. Катта ва қонли жанглар олдидан кўпинча ғаним тарафдан қайси бир шоҳ ёки бош қўмондон яккама-якка олишувини таклиф қиларди. Бу таклифни рад қилиш қайси тарафнингдир ожизлигини кўрсатарди. Уни рад қилиш номардлик ва қўрқоқлик ҳисобланган, шунингдек, ғурур ҳам бунга йўл қўймаган.

Баъзан шундай ҳоллар бўлганки, шоҳ ёки бош қўмондон яккама-якка олишувда енгиладиган бўлса, енгилган томоннинг лашкари ғолиб тарафга таслим бўлган. Буларнинг барчаси олдиндан қатъий тарзда келишиб олишга борлиқ эди. Шунинг учун шаҳзода ҳарбий санъат илмини эгаллашдан ташқари, довиюраклик ва эпчилликда тенгсиз, шерлар ичра шер, яшиндек чақнаб, момақалдиरोқдек гумбурлаб, ҳайқириб ғаним ҳукмдори ёки бош қўмондонига ташланиши, душман баҳодирларини бир ҳамладаёқ қулата олиши ва унга умид кўзларини тикиб турган қўшинига чексиз қувонч, руҳий кўтаринкилик бағишлаши лозим эди. Ана шу руҳий кўтаринкилик вазиятида марказий, сўнгра ўнг ва чап қанот фавж лашкарий қисмларни ва манглай-авангард бўлинмалар ҳамда туманларни бирин-кетин шиддат билан ҳужумга ташлаб, ташаббусни ғанимдан тортиб олишни таъминлаш, шу устунликнинг жанг якунига қадар ушлаб турилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай натижага эришмоқ учун қўшинни тўрт фасл муфассал ҳужум жангларига тайёрлаш лозим.

Аввало, бунинг учун саркарда, бош қўмондон ва бўлажак султон ҳар томонлама жанговар ва жисмоний етилган бўлиши талаб этилади. Жангчилардан аввал қўмондон оғир табиий-жуғрофий шароитлар, яъни қаҳратон қишининг совуғи ва ёзнинг жазирама иссиғида чиниқмоғи ва қийналиш, нолиш ва чанқаш нималигини билмаслиги лозим.

Жалолиддин Мангуберди устозлари Темур Малик ва Аминалмулкнинг барча талабларини шундайгина бажармасдан, уларга янада қатъий масъулият билан ёндашди. У товланишнинг жуда оғир синовлари майдонига қадам-бақадам кириб борди. Темур Маликнинг қуйидаги ўғитлари уни ҳар дақиқада яна ва яна сергаклантирди, қулоғи остида жаранглаб турди: „Агар шаҳзода оғир ҳарбий-жанговар машқларга юзаки енгилтаклик билан қараса, ялқовликка мойиллик билдирса, келажакда у шоҳ ёки султон бўлишга нолойиқ, ҳукмдор ўзини бир томонда олов, бир томонда сув гирдоби орасида эканини доимо анлаб, шу икки офат орасидан омонлик майдонига йўл топишга шиддат билан уринмас экан, ўзини ҳам, қўшинни ҳам, Ватанни ҳам ҳалокат домига ташлайди. Жанг майдони ҳеч кимни аямайди, шафқат нималигини билмайди. Қаҳр ва нафрат кучи қилич ва найзада намоён бўлади. Жанг ва қирғин-барот тўфони шундай авж палласига чиқадиган дамлар бўладики, куни билан тамадди қилинмайди, бир томчи сув билан қақраган томоқни ҳўллашга фурсат етмайди. Ўлимга маҳкумлар билан ғолиблик соҳилига егувчиларнинг бўғиз ва бош кесишидан бошқа нарса эътирофдан четда қолади, муҳораба майдони инсонларнинг қип-қизил қонига бўялади. Бу даҳшатларга бардош беришнинг ўзига темир ирода керак. Жанг майдони қонуни шундай“.

## ЖАНГОВАР ҚУРОЛЛАР БИЛАН ҲАРБИЙ МАҲОРАТ МАШҚЛАРИ

Қиличбозликда шоҳга қўйиладиган талаб, биринчи босқичда битта баҳодир билан, кейинги босқичларда шоҳнинг якка ўзи беш-ўнта баҳодирлар қуршовида соатлаб ҳарбий маҳорат машқи олиб боради. Якун эса ҳар қандай ҳолатларда шоҳ ёки шаҳзода баҳодирлар гуруҳи қуршовини ёриб чиқиб кетиши шарт. Негаки, мамлакатда жангчи кўп, шоҳ эса битта. У шу

боис тенгсиз қиличбоз эканлигини исботлай билиши лозим. Шоҳ тожгача бўлган масофани шу устунлиги билан эгаллаб туради. Жанг давомида бу устунлик яна ва яна ҳар тарафдан яққол ўзини намоён этиб, ўз қўшинини жангдан жангга илҳомлантириб, душманларга эса даҳшат солиб туриши керак. Шоҳ жангда баҳодирлик ва мардлик рамзидир.

Темур Малик Жалолиддинни жангда шахсий намуна кўрсатадиган баҳодир даражасига етказиш машқларининг амалиёт дастурини мукамал ҳолатда тузиб берди.

Шунга кўра, Жайхуннинг қуйилиш этақларидаги тўқайзорда ҳарбий ва жанговар машқлар ўтказилар эди. Ана шу тўқайзорларда ёввойи тўнғиз, йўлбарс ва бўрилар тўдалари кўп бўлиб, бу ер йиртқич ҳайвонлар уяси эди. Юзлаб километр майдонлар тўқайзор ва қамишзорлар билан қопланган эди. Темур Малик Жалолиддинни бир гуруҳ баҳодирлар билан Оролбўйи тўқайзорларига сафарга олиб кетди. Йиртқичлар билан олиб бориладиган кураш майдони ғанимлар билан бўладиган жанг майдонидан қолишмасди. Дастлаб шер ёки тўнғизлар маконини топиб уларни чўл ҳудуди ёки тўқай четидаги очиқ майдонга ҳайдаб чиқиларди. Ана шу очиқ майдонда қочаётган ёки ҳужум қилаётган шер, арслон икки хил қурол билан йиқитиларди. Биринчиси, ўқ-ёй билан нишонни аниқ олиш, иккинчиси, қочаётган йиртқичга отда етиб бориб найза улоқтириш машқи бажариларди. Бу жуда хатарли ов ҳисобланиб, бундай пайтда йиртқич ўлжасига айланмаслик учун ҳаддан ташқари ҳушёр ва эпчил бўлиш талаб этиларди. Шунинг учун йиртқичлар билан олишувда худди жангдаги жанговар кийимлар — совут ва дубулға, отлар устига жангдаги ўқ ўтмайдиган темир ҳалқачалардан тўқилган махсус ёпинчиқлар ёпиларди.

Бу тадбир камида бир ой давом этар, тунлари навбат билан иштирокчилар чодирларни ҳарбий давр тартиблари бўйича кўриқлаб, тонгга қадар гулхан ёқиларди. Ҳар бир баҳодир ўзи ўлдирган ёки ярадор қилган шер ёки тўнғиз терисини шилиб олиб, бир қисмини уйда қолдирса, қолганини яқин одамларига совға қилиб берарди. Йиртқичлар билан олишув жараёнида жангнинг ҳақиқий баҳодирлари тарбияланарди. Ушбу тадбир тугагач, навбатдаги машқлар ўқ-ёй мерганлиги ёки қиличбозлик маҳоратини ошириш устида борарди. Жалолиддин баҳодирлар гуруҳи билан ҳар куни эртадан кечга қадар жиққа тер бўлиб, паҳлавонлар ёки шу касбнинг машҳур жангчилари билан қиличбозлик маҳоратини оширишда давом этди. Гарчи бу машқлар малакани юксалтириш ҳаракатлари бўлса-да, ҳақиқий жангдан кам фарқ қиларди. Устозларининг қатъияти ва Жалолиддиннинг ўзидаги масъулиятни тўла ҳис қилиб олиб борилган жанговар машқлар ўз натижасини бера бошлайди. У борган сари етилиб, билаклари куч-қувватга тўлиб, алпомишсифат кўринишга эга бўла борди. Узоқ масофаларда суворий жангчи бўлиб, чўлу биёбон, дала-даштлардан учқур саманида йўл босди. Сувсизлик, очлик ҳолатларида бардошли бўлиш учун атайлаб улардан ўзини тийди, иродасини тарбиялади. У бир куни оддий пиёда жангчи бўлиб малакасини оширса, иккинчи куни суворий кийимида машқ майдонига отилди. Ҳафтанинг олти куни қуёшнинг чиқишидан ботишигача тиниб-тинчимасди, ҳаракат ва эпчиллик усуллари кунт билан эгаллашда давом этди, ҳарб санъатига борлиги билан шўнғиди, унинг сирли эшикларини меҳнат, машаққат ва пешана тери эвазига оча борди. Тўлқинланиб, шиддат билан жўш уриб оқаётган Жайхун дарёсига от солиб гоҳ ўнг, гоҳ чап соҳилига сузиб ўтди. Ютағон дарёнинг хавфли гирдоблари билан олишди. Қандай ҳолатларда сувда отнинг устида ўтириб олиш керагу, қандай ҳолларда, яъни дарё гирдобидан отдан тушиб отнинг ён томонида узангида тик туриб саманни ҳам, ўзини ҳам гирдобдан сақлаб қолиш усуллари ўрганиб, ҳаётини хавф

остига қўйиб бўлса-да, машқларни такомилга етказди. Бу ердаги хавф-хатарни тасаввур қилмоқ учун Жайхуннинг кўпириб-пишқириб пўртана ҳолда оқиши-ю, нариги соҳилгача масофа узунлиги икки-икки ярим километрни ташкил қилишини кўз олдига келтириш кифоя қилади.

Кунларнинг бирида Жалолиддиннинг Жайхунда сузиб ўтишига қизиққан шахзоданинг укалари унга ҳамроҳ бўлдилар. Ўша куни кучли шамол туриб дарёда ярим метрли, айрим жойларда бир метрга яқин тўлқинлар тизими вужудга келади. Узлоқшоҳ, Оқшоҳ ва Пиршоҳ укалари, „дарё сизни ютиб юборади-ку, ундан қандай ўтасиз?“ — дея акасига мурожаат қиладилар. „Мен бу дарё билан дўстлашиб олганман“, дейди-да, Жалолиддин дарёга от солади. Кечиб ўтиш ҳар қачонгидан ҳам оғир кечади. Укалари турган соҳилга қайтиш ундан ҳам хавф-хатарли бўлди. От ҳам, Жалолиддин ҳам соҳилга роят ҳолдан тойган ҳолда чиқадилар. Шунда Узлоқшоҳ бу ёмон дарё экан, сизни ҳам, отингизни ҳам ютиб кетишига бир баҳя қолди, дея дарёга қараб тош отади. Жалолиддин Мангуберди укаси Узлоқшоҳнинг бу хатти-ҳаракатидан қаттиқ норози бўлиб: „Эҳ, укажон, ахир бу дарё Ватанимизни гуллаб-яшнаувчи, боғ-роғга айлантирувчи, юртимиз, аждодларимизни ҳаёт неъматлари билан таъминлаб, ризқ-рўз билан тўйинтирган, ёв келса йўлини тўсган, сен нимага ҳаётбахш дарёга тош отасан, унга отилган тош Ватанга, аждодларимизга, эл-улусга отилган тош эмасми?“ Улуғ пиримиз Нажмиддин Кубро алломаимизнинг сабоғи наҳот у қулоғингдан кириб, бу қулоғингдан чиқиб кетган бўлса? Ватанга муҳаббат туйғусини улуримиздан зўр қилиб ким тавсифлаб бера олган?

Ҳеч ким. Эй, шахзодалар Ватан туپроғини кўзингизга тўтиё қилинглар, кўзингизга суртинглар, уни ардоқлашда ҳаммага ибрат бўлинглар, Ватандан муқаддас нарса йўқ, инсон у дунё, бу дунё ундан абадулабад қарздор, уни севиш имондан, унга бефарқлик имонсизлик. Ҳамма ерда, ҳар қачон Ватан, эл-улус ғурурини, қадрини баланд тутинглар. Шоҳ ва шахзодалар бу хусусда ҳаммага ибрату ўрнак бўлиши шарт турурлар демаганмиди“, дея койиган эди. Бу Жалолиддин Мангубердининг Ватанни муқаддас саждагоҳ Каъба даражасига қўтарганлигининг белғиси эди. Ҳақиқатда, Ватан имон-эътиқоди бут инсонлар учун Каъбага қиёс маъво, ўсиш-униш, оила қуриб солих ва солиҳа фарзандлар тарбиялаб, наслар ворислиги ва миллат нуфузини кўпайтириш ҳамда унинг мавжудлиги, яшаш ҳуқуқини таъминлайдиган макон, абадият дунёсига кетганлар учун ўз бағрига опичлаб олувчи мангулик макони ҳамда хотира ва ўтмиш ҳамда келажакнинг ҳудудий тимсолидир.

Ватанни ардоқлаш ва чексиз меҳр-муҳаббат қўйишни буюк аждодларимиз она Тўмарис, Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Маҳмуд Торобий, Паҳлавон Маҳмуд, Амир Темур, Ялангтўшбий баҳодир ва улар атрофида туриб, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жонини тиккан баҳодирларимиздан ўрганишимиз зарур, улар Ватан ва эл-улусга садоқат рамзларидирлар.

Жалолиддин Мангубердига ҳарбий чиниқиш мактабида ҳарбу зарб санъат сирларини ўрганиш ва пўлатдек тобланишга салкам ўн йил вақт сарфланди. Бу давр унинг ҳаётида тубдан бурилиш ясаган давр бўлди. Баҳодирлар қуршовида қиличбозлик жангини моҳирлик билан олиб бориб, пўлат қуршов ҳалқасини ёриб чиқа оладиган тенгсиз жангчига айланди. Отни елдириб бораётиб найза улоқтириш ва найзабозлик жанги услубининг узоқ ва яқин масофада ғанимни нишонга аниқ олиб йиқитиш сирларини пухта ва мукамал эгаллади. Йиртқич шер ва йўлбарслар устига шердек ташланиб, олишувларда ғолиб чиқди. Суворийлар сафининг баҳодирлар баҳодирини кўтарадиган оғир ёйдан энг узоқ масофага ўқ узиб, нишонни уришда моҳир мерганлар мергани даражасига етди. Гурзи қуролни ишлатишда унга бас келадиган баҳодир топилмади.





Чингизхон Қорақурумдаги Бош қароргоҳининг тилла чодрасида Хоразмшоҳлар салтанатига қарши қирғин-барот уруш очиш Олий фармони эълон қилдирмоқда. 1218 йил кеч кузи.



Чингизхон тамғаси.

Чингизхон муҳри.

Жалолиддин Мангуберди қочаётган йиртқич ҳайвонларни таъқиб қилиб, энг кучлисига елдек учиб бораётган самани устида қоядек мустаҳкам ўрнашган ҳолатда сиртмоқланган арқонни улоқтириб ўлжага айлантирди. Ноилож қолган йиртқич тақдирини баҳодирга топшириб, ночор ув тортиб, таслим бўлди. Жалолиддин Мангуберди мана шу давр ичида тоғни урса толқон қиладиган, қиличи зарби тошни кесадиған, Ватан, эл-юртнинг ҳақиқий баҳодир фарзанди бўлиб етишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, узоқни кўра олувчи стратег машҳур саркардалар Шихобиддин ал-Хевақий ва Темур Маликлар Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар давлати дунёга даъвогарлик сиёсатини юргиза бошлаганликларидан хабардор бўлиб, бундан Жалолиддиннинг отаси Муҳаммад Хоразмшоҳни ҳам бир неча бор огоҳлантирган эдилар. Шунингдек, қўшни давлатларни босиб олишда ғанимларига ҳал қилувчи зарба берадиган махсус, ҳарбий жанговар қўшин тузаётганлиги, улар қиличбозликда рақибларга омонлик бермаслигини эшитиб, мудофаа вазири Шихобиддин ал-Хевақий мўғул ва хитойликларнинг шарқ жанговар кураш услубини ўзлаштириб келадиган жосуслар гуруҳини жўнатган эди. Душманнинг шундай устун жиҳатларини ўрганиш ҳам ҳарбий девон зиммасидаги ишлардан эди. Жўнатилган жосуслар сирли кураш усулларини, гарчи қийинчилик билан бўлса-да ўрганиб, Чингизхоннинг махсус қўшини тузилаётгани, бу жанговар қисм мўғулча „Кешик“ деб номланиши, улар бемисл қиличбоз эканликларини маълум қилдилар. Устозлар маслаҳати билан Жалолиддин Мангуберди хитой, мўғул, манжур ва японларнинг ана шу сирли қиличбозлик санъати сирларини ўрганишга ҳам имкон топди. Айнан шу кураш усулларини эгаллаб қайтган гуруҳ шаҳзода Жалолиддинни сирли кураш санъати билан таништирдилар. Бу курашлар услубини мукамал бир тарзда эгаллаш аввалдан мукамал чиниқиш мактабини ўтаган Жалолиддинга деярли қийин кечмади. Жисмоний-руҳий ва амалий тайёргарликлар мукамал олиб борилгани боис, жуда истеъдодли бўлган Жалолиддин Мангубердига сирли кураш ўз махфийлигини тез ошкор этди. Темур Малик ва Шихобиддин Хевақийга жосуслар гуруҳи бошлиғи шу ҳақда маълумот берар экан, Жалолиддин Мангуберди фавқулодда тарзда ушбу санъат турининг моҳир жангчисига айланганлиги, шарқ курашининг ушбу тури бўйича ҳам манаман деган баҳодирлари билан олиша олишларини ишонч билан қайд этдилар. Уларнинг берган баҳосининг нақадар тўғрилигини, Жалолиддин Худо назар солган баҳодир жангчи сирасидан эканлигини ҳаёт, жангу жадаллар ҳам кейинчалик тасдиқлади.

Жалолиддин Мангуберди хитой, мўғул ва японлар анъанавий қиличбозлик маҳоратини эгаллаш билан чекланиб қолмади, балки ўзининг жанг усулларини такомиллаштириб, уларнинг ҳарбий санъатидан устунлик қилувчи эпчиллик ва чаптастликнинг янги-янги қирраларини очди. Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган Шихобиддин ал-Хевақий, Темур Малик ва Аминалмулклар Хоразмшоҳ Муҳаммад Султонга Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий маҳорати такомил босқичига етгани, унинг билан ҳарбий машқларда қатнашган уч юзта шаҳзоданинг тенгдош ва сафдош жанговар дўстлари баҳодирлик номига муносиб жангчилар бўлиб етишганлигини маълум қилиб, ўз олдига қўйилган вазифа якунига етганлигини билдиришга қарор қилдилар.

## **ҲАРБУ ЗАРБ ИЛМИДАН СИНОВ ИМТИҲОНЛАРИ**

Ҳарбий девон Муҳаммад Султонга шаҳзода Жалолиддиннинг қобилияти ва истеъдоди қай даражага етганлигини сарой ҳузуридаги Девони олий маҳкамасининг таниқли давлат ва ҳарбий арбоблари олдида синовдан ўтказишга рухсат берилишини сўрадилар. Жалолиддин

катта ўғил бўлгани боис тахт ворислигига у даъвогарлик қиларди. Олий даргоҳ ёки Олий девон шаҳзоданинг валиаҳдликка номзод бўладиган шоҳ фарзандининг тожга муносиблигини синаб кўришга ҳақ-ҳуқуқли эди. Шоҳда ўғил фарзандлар кўп бўлса, фақат шунга муносибига овоз бериш уларнинг ваколат доирасига кирарди. Шу боисдан Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон ҳарбий ва Девони олийнинг бу ташаббусидан хурсанд бўлдигина эмас, балки илк фарзандининг қобилияти ва истеъдоди қай даражада юксалганлигини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди ҳам. Бунинг устига қайси ота у шоҳ бўладими ёки оддий фуқаро бўлсин, ўз фарзандининг камолини кўришни истамайди, дейсиз? Инсон борки, шундай умид ва мақсад билан яшайди. Саройнинг энг обрўли ҳарбий арбоби Шихобиддин ал-Ҳевақий Темур Малик ва Аминалмулк билан Султон ҳузурига кириб, Хоразмшоҳга шу тарзда мурожаат қилишди: „Сиз бизга ишонч билдириб, шаҳзода ўғлингизни ҳарб илми ва санъатидан тарбият қилишни топширдигиз. Барча шароит ва имкониятларни ҳозир нозир қилдингиз, шаҳаншоҳимиз. Зеро, шаҳзоданинг ҳарб санъатидаги эришган ютуқлари тўғрисида на сиз, на давлат аъёнларингиз томонидан бизнинг сабоғимиз хусусида бирор гумондорлик ҳолати қолмасинким, юз эшитгандан кўра бир марта кўрган яхшироқ удуми билан иш тутсангиз, дегандик. Халқимиз „Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич“ деган. Биз ҳам ана шу сабоқ бериш давридаги сиз берган нон-тузни оқлаганимизга ўзимиз ҳам ишонч ҳосил қилиб, кўнгил хотиржамлигига эришсак, рухсатингиз билан ҳарбий синов ўтказиладиган майдонлар ҳам сиз ва Девони олий учун ҳозирлаб қўйилган. Бизга вақтни белгилаб берсангиз кифоя турур, улуг Олампаҳон!“ Муҳаммад Султон синов имтиҳонини маъқуллаб, уни ўтказиш масъулиятини ҳарбий вазири зиммасига юклади. Синов талаблари намойиш этиладиган йўналишлар белгиланди. Биринчиси, бу чавандозлик ва суворий жангчилик маҳоратини намойиш этиш талаби эди. Бунда суворий жангчи ёки чавандоз ўнлаб мураккаб машқларни намойиш этиши лозим бўларди. Энди чопишни бошлаётган от устига миниш, ўқ тезлигида кетаётган тулпор устидан гавдани зарб билан пастга ташлаб, оёқни узангига илинтирган ҳолда отнинг ўнг ёки чап томонида боши ерга тегар-тегмас ҳолда сирпаниб кетиш ва элик-юз метр масофа босиб ўтилгач, тезда от эгари устига қайтиб, сўнгра чопиб бораётган отнинг ўнг томонига ўзини ташлаб юбориб, бир вақтда отнинг қорни тагидан айланиб ўтиб, чап томонидан яна эгар устида ҳозир нозир бўлиш зарур эди. Бу ўта оғир машқ ҳисобланарди. Шунингдек, ҳарбий ҳаракат ёки жанг майдонида бу машқ суворий жангчига қандай устунлик берарди? Буни бажара олган чавандоз суворий жангчи шу эпчиллик ва чапдастлик маҳоратини аъло даражада бажара олса, жанг майдонининг энг сара жангчиси ҳисобланарди. Бундай мураккаб ҳаракатни энг моҳир суворий жангчилар ҳам эплай олмасди. Бу оғир усулни билган суворий жангчигина фаним суворийсини чалғитишга эришарди. Суворий фаним отаётган ўқ-ёй ҳамда ўрта ва узоқроқ масофада отилган найза зарбидан омон қоларди. Ёки душман катта устунликка эга бўлиб, суворийни таъқиб қилишга киришганида узангига оёғини илиб, бирданига отдан ўзини ташлаб ерда судралиб кетишда давом қилса, душманнинг ёй ўқи ёмғиридан яхши ҳимояланар, ёхуд фаним уни ўлдига чиқариб, таъқибни тўхтатиб орқасига қайтган бўларди. Жалолиддин бу синов машқларини шундай бир маҳорат билан бажардики, жангда суяги қотган суворий баҳодирлар шаҳзоданинг чаққонлик ва эпчилигига тан бердилар. Ҳар бир ҳаракати ҳайъат аъзоларининг олқишига сазовор бўлди. Энди Жалолиддинга ўзининг навбатдаги синов талабини бажаришга изн бердилар. Бу эгри-бутри ва айлана, гоҳ тўғри масофа бўйлаб чавандозлик ва қилич уриш маҳоратини намойиш этишдан иборат эди. Босиб ўтиладиган йўлнинг ҳам ўнг ва ҳам чап тарафига одамнусха ашёлар ўрнатилган эди. Унинг устига қовоқ боғланди. Бу фанимнинг боши вазифасини

базарарди. Улар турнақатор қилиб жойлаштирилган эди. Жалолиддин тезчопар отида гоҳ ўнг, гоҳ чап томондаги ясама ғанимлари, яъни қовоқнинг бошини от устида яримэгилаган ҳолатда қилич билан чопиб ўтиши зарур эди. Бу суворий жангчининг пиёда аскар билан олишувдаги ҳолатини ифода этарди. Агар бунинг машқи ўта маҳорат билан базарилмаса, пиёда жангчи отлиқ жангчи устидан ғалаба қиларди. Негаки, гоҳ ўнг, гоҳ сўлдан келаётган ҳужум қилаётган ғаним пиёда жангчиси суворий учун жуда ноқулай ҳолатларни келтириб ҳамла қиларди. Холбуки, уруш майдони ҳеч қачон фақат отлиқ билан отлиқ, пиёда қўшин билан пиёдалар уруш олиб борсин қабилдаги талабни қўймасди. Оқибат жанг майдони аралаш-қуралаш ҳолга келиб, отлиғу пиёда бир қозонда пўртана бўлиб қайнарди.




Жалолиддин бир неча чақирим масофадаги ғаним нусхаларни тигдан ўтказиш ишораси берилиб, „жангга“ кирди. Шиддат билан олға ташланаётган отининг жиловини гоҳ ўнг, гоҳ сўл тарафга буриб, икки тарафда қатор ўрнатилган қовоқ нишонларни ғоят чаққонлик ва чаптастлик билан тиг зарбига олишга киришди. Кўпчилик уларнинг анчасига зарб уриб улгуриш мумкин эмас, деган фикрда эдилар. Аммо кўз илғамас тезликда ҳаракат қилаётган Жалолиддин шамшири боши узра ҳавода беҳато айланиб нишонга жуда аниқ зарб билан урилиб уларни иккига бўлиб ташларди. Айрим нишонлар эса боши танақидан жудо бўлмаган ҳолатда, аввал қандай ўрнатилган бўлса, шундай турарди. Аммо уларга урилган тиг зарби шиддати ғоят тез амалга оширилгани боис улар ерга думаламасдан, ўз ҳолатини сақлаб қолган эдилар. Ҳайъат аъзолари ушбу нишонлар ҳолатини текширишга киришиб, барчасининг қилич зарбидан кесилганлиги, аммо ўз ҳолатини сақлаб, думалаб тушмасдан ўрнида қолганининг гувоҳи бўлишди. Жалолиддин бу оғир синовдан ҳам муваффақиятли ўтди. Навбатдаги синовда шаҳзода ўнлаб суворий баҳодирлар қуршовида туриши ва шаҳзода қўлидаги найза ёки қиличи уриб туширилиши, ёки учи тўмтоқ найза ёрдамида Жалолиддинни куч билан от устидан ерга қулатиш вазифаси қўйилди. Ҳар эҳтимолга қарши жангчи суворий бўладими ёки шаҳзода бўладими отдан йиқиладиган бўлса, оғир шикаст етмаслиги учун қалин қилиб қум сепилган махсус майдон тайёрлаб қўйилган эди. Жалолиддинни отдан қулатган ёхуд найза ёки қалқонини уриб туширишга муваффақ бўлганларга подшолик хазинасидан қимматбаҳо соврин ажратилганлиги, шунга кўра суворийлар олишуви жуда ҳалол олиб борилиши қайд этилди. Бир неча суворийга сиртмоқли арқон ҳам берилди. Агар улар уддасидан чиқа олса, Жалолиддинга арқон ташлаб ағдариши ва ўлжа сифатида бир қанча масофага судраши мумкин эди. Уларга алоҳида қимматбаҳо совғалар топшириладиган, бунга эришган суворий жангчига бошқа бир фахрий мукофот — ёрлиқ топшириладиган бўлди. Ўша баҳодирнинг оиласи ва яқин қариндошлари билан биргаликда йиллик солиқлар ва давлат фойдасига ўтказиладиган мажбуриятлардан доимий озод қилиниши эълон қилинди. Шунингдек, агар суворийнинг ҳарбий унвони ўнбоши бўлса, юзбоши унвони, агар юзбоши бўлса, мингбоши унвони билан рағбатлантириладиган бўлди. Мардлик ва жасорат ҳар қандай жойда давлат томонидан тақдирланиши шарт. Бир гомондан бу тадбир курашнинг жуда шиддатли ва қизғин боришини таъминларди. Аввало, найзобоз баҳодирлар билан Жалолиддин жанг машқи, унинг кетидан эса арқон ташлаб, Жалолиддинни асир олувчилар курашадиган бўлишди. Муддат вақти белгиланди. Катта мис идиш тепага дор шаклида ўрнатилган устунга осилди. Унинг ичига қум гўлдирилди ва тагидаги тиқин қопқоғи очиб юборилиши билан „жанг“ бошланадиган бўлди. Қумсоатнинг қуми тугагунга қадар жанг давом этиши лозим эди. Агар шунга қадар Жалолиддин қуршовни ёриб чиқиб кета олса, унда „жанг“ тугаган ҳисобланарди.

Жанг чамаси бир соат давом қилиб Жалолиддин ҳам, унга рақиб суворийлар ҳам жиққа терга ботиб жанг қилишди. Жанг қизигандан қизиб Жалолиддинни ағдаришга уринишлар тинимсиз содир этиб турилди. Подшолик томонидан соврин ва қимматбаҳо ёрлиқ эгаси бўлиш шарафига эришиш учун „жанг“ тобора авж палласига чиқа бошлади. Тўмтоқ найзасини моҳирона ишлатиб шаҳзода суворийлардан дастлаб бирини, сўнгра иккинчи ва учинчи рақибни ағдарди. Кейинги олиб борилган жанглар давомида яна иккитасининг найзасини ўз маҳорат усули билан уриб синдиришга эришди. Шундан кейин голиб деб топилган Жалолиддинга ва сафда қолган баҳодир суворийларга жангни тўхтатиш буйруғи берилди. Жалолиддин ва унинг устозларига „офарин“лар ёғдирилди. Жалолиддиннинг тулпори ва унинг ўзи ҳам анча толиққанлиги ҳисобга олинаиб, танаффус эълон қилинди. Шу жараёнда олишув жуда шиддатли ва қизғин, ҳақиқий жангдан фарқ қилмаганлиги эътироф этилди. Эндиги навбат арқон ташлаб Жалолиддинни асир олиш вазифаси топширилган суворий жангчиларга берилди. Жалолиддинга фақат ўзига қараб отилган арқонни қилич билан чопиб ташлаш ёки қалқони билан ҳимояланиб, зарб билан ташланаётган арқонни унинг ёрдамида улоқтириб ташлаш имкони берилди. Бу олишув ҳам ҳайъат аъзоларида катта таассурот қолдирди. Ҳар икки томон ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Жалолиддин навбат билан бирин-кетин зарб билан ўзига қарши отилаётган сиртмоқли арқонларни анча пайт фақат қалқони билан қайтарар, гоҳ буриб ўтказиб юборар эди, кураш узоқроқ давом қилишини хоҳлаб қиличини ишга солмади. Ниҳоят, қалқон билан ҳимояланиб чап беришлар билан ҳужумкор ҳаракатлар анча давом қилгандан сўнг Жалолиддин қиличини ишга солиб, асир олиш учун жанг майдонига кирганларнинг барчасини қуролсизлантириб „жанг“ни тугатди.



Ниҳоят синовнинг сўнгиси — ўқ-ёй билан баландда учиб бораётган қушлардан бир нечтасини отиб тушириш эди. Жалолиддин ўзига қулай қилиб тайёрланган узоқ масофага отишга мўлжалланган Хоразмнинг моҳир қуролсоз усталари ясаган бақувват ўқ-ёйини олиб, ёй отиш маҳоратини намойиш этди. Бирор ўқи хато кетмади. Нишонга олинган қушлар барчаси қулатилди. Шу билан тадбир ниҳоясига етди. Барча бир овоздан хоразмшоҳлар осмонида келажаги буюк ва порлоқ шаҳзода камолга етганлигини эътироф этишди. Хоразмшоҳ Муҳаммад Султонни ҳақиқатан фахрланса арзийдиган фарзанд — валиаҳд билан муборакбод қилдилар. Шунингдек, Шихобиддин ал-Ҳевақий ва Темур Малик тайёрлаган баҳодирларнинг жангни юксак савияда олиб борганлиги учун уларга совға ва совринлар топширилишини Хоразмшоҳдан сўрадилар. Шоҳ мамнун бўлиб розилик берди. Баҳодирлар шоҳга ва ҳайъат аъзоларига чуқур миннатдорчилик билдирдилар ва бир овоздан: „Адолатли шохимизга шон-шарафлар бўлсин, умрбод ҳукмдоримизга, эл-юртга содиқ хизмат қиламиз“ дея Муҳаммад Султонга таъзим бажо келтирдилар.

Шаҳзода Жалолиддин шу тариқа катта синовдан ёруғ юз билан ўтди. Ўзи ҳам, устозлари ҳам бу муваффақиятдан чексиз хурсанд ва шодмон бўлдилар. Машаққатли меҳнатлар шу тариқа ўзини тўла оқлади, зое кетмади. Олий девон аъзолари ҳам Жалолиддиннинг маҳоратига тасаннолар айтишиб, у келажакда буюк ишларга қодир ўғлон, тилларда дoston бўладиган воқеалар тепасида турадиган валиаҳд деган, қатъий хулосага келдилар.

Бир томондан, Муҳаммад Султон салтанатнинг ишончли таянчи бўладиган фарзанди валиаҳд шаҳзода Жалолиддиннинг забардаст саркарда бўлиб вояга етганлигидан ўзида йўқ хурсанд бўлса, бошқа томондан, яъни мўғул ва Чин-Мочин юртидан бу хурсандчиликка салбий таъсир қиладиган нохуш хабарлар келаётгани Хоразмшоҳни безовта қила бошлаган эди.



**ХОРАЗМШОҲЛАР САЛТАНАТИ  
ҚУДРАТ ЧЎҚҚИСИДА.  
ГОБИ ЧЎЛЛАРИДАН ЙЎНАЛГАН  
ТАҲДИД**



## ЧИНГИЗХОННИНГ БОШ МАҚСАДИ – ЖАҲОНГИРЛИК ДАЪВОСИ

XII аср охири ва XIII аср бошларида мўғулларнинг ўрта мавқедаги зодагон ва ҳарбий саркардаси оиласида дунёга келган Темучин Ясугай баҳодир ўғли ана шундай жаҳонгирлик даъвоси билан ўз сиёсий кураш байроғини кўтаришга киришган эди.

Муҳаммад Султоннинг Хитой ва Манжурия ҳудудларидан келаётган савдо карвонлари орқали олинаётган шум хабарлардан кўнглини нотинчлик эгаллади. Шимоли-шарқий ҳудудлар чегаралари ва чегара вилоят ҳамда ноибликлар, қалъалар ҳарбий-мудофаа қувватларини ошириш, янги истехком мудофаа марраларини барпо қилиш, айна дамда Мўғулистон ва Хитой билан туташ чегаралар ҳосил қилиш учун ҳарбий юришлар ташкил қилиб, кўплаб қўшни давлатлар билан уруш олиб бориб, уларнинг ҳудудларини салтанат таркибига киритиб юбориш каби қатъта ташқи сиёсат юритиш, шунингдек, уларнинг молиявий-иқтисодий заминини яратиш каби ташвишлар тиним билмай ишлаш ва бош қотиришни талаб қиларди. Халқаро вазият Хоразмшоҳни тобора мураккаб муаммолар гирдоби сари етаклайверди. Муҳаммад Султонда ҳам жаҳонгирлик орзуси йўқ эмасди. Шунга кўра, у ҳам Чингизхоннинг ўзига қарама-қарши тарзда йўлига тўғаноқ бўлишини асло истамас, уни ўйлай-ўйлай ҳазм қилиши қийин кечди. Дунёга ҳукмронликни орзу ва мақсадга айлантирган ҳар икки ҳукмдор Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон ва Чингизхонлар охир-оқибат ашаддий сиёсий рақибларга айландилар. Чингизхон сўнги денгизгача ҳарбий юриш қилиб, бепоён ғарбий ҳудудларга қараб даҳшатли қўшини билан от сурса, Хоразмшоҳ эса бир вақтда ҳам Шарқ ва шимоли-шарқ ҳамда Жануб ва жануби-ғарб ҳудудларини салтанат таркибига киритиш сиёсатини қатъий олиб борди. Ҳар икки ҳукмдорларнинг бундай ҳаракатлари эрта-индин уларни қирғин ва қиёмат жанг майдонида учраштириши муқаррар эди.

Муҳаммад Султон Хитойга яқин шарқий чегараларни мустаҳкамлаш чораларини кўрар экан, аввало, ўша томон хавфсизлигини таъминлашга қодир саркардани танлаши лозим эди. Ўйлай-ўйлай тўғри қарор қабул қилди ва Темур Маликни шарқий чегаралар ҳимоясига жўнатишни мақсадга мувофиқ деб топди. Хоразмшоҳнинг бу қарорини Шихобиддин ал-Хевақий ҳам маъқуллади ва энг муносиб номзод деди. Темур Малик саройга чақирилиб, Шарқий чегара ҳудудлар ва Хўжанд вилояти ноибни қилиб тайинланганлиги тўғрисида фармон берилди. Ўша ҳудудларга хавф-хатар яқинлашиб келаётганлиги маълум қилиниб, мудофаа марралар қурилишини чегара бўйлаб кучайтириш, Хўжанд қалъаси деворларини қайта таъмирлаш, ҳарбий тайёргарлик ишларини жадал олиб бориш, Мўғулистон ва Хитойга ишончли одамларни жўнатиб, доимо янгилıklarдан саройни хабардор қилиш каби ўта муҳим вазифалар юклатилди. Таниқли саркарда Темур Малик бу ишларни, албатта, амалга ошира оладиган, ташкилотчи ва ақлли инсон эди. Бу жуда катта масъулиятли вазифадан саркарда бир томондан хурсанд бўлди. Буюк инсонлар ўзларига муносиб ишларни амалга оширишда уларнинг истеъдод ва ташкилотчилиги янада кўзга яққолроқ ташк анади. Фақат бир нарсада улуғ саркарда ноҳушлик ҳис қилди, у худди ўғлидек яқин бўлиб қолган жияни Жалолиддин Мангуберди билан ажралиб, узоқ сафарга отланиши қийинроқ кечди. Бундай бўлиши табиий, яқин инсонларнинг бир-биридан узоқлашиб кетишлари бир оз руҳий зўриқишга сабаб

бўлади, албатта! Аммо ундан юқори турадиган вазифалар бор, инсонда. Ватан, халқ хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш каби муқаддас бурч. Бу бурч устоз-шогирд, дўст ва қариндошчилик муносабатлари, уларнинг биргалашиб дийдор кўришиб юришларидан анча юқори ва шарафлидир. Буни ҳам улар яхши англадилар.

Фармонни олган Темур Малик, аввало, сеvimли жияни ва шогирди Жалолиддин, сўнгра яқин дўст-биродарлари билан хайрлашиб, сафар тадоригини кўрди. Устоз, шогирдлар бир-бирларининг бағрига сингишиб, юзларини юзларига босишди, кўзларида ёш қалқиди ва ниҳоят истар-истамас бир-биридан ажралдилар. Темур Малик гижинглаб турган бақувват саман отига шиддат билан ирғиб минар экан, хайр Жалолиддин, хайр гўзал шахрим Кўҳна Урганч, дея отига қамчи тортди. Йилдириمدек учувчи самани уни узоқларга олиб кетди. Темур Маликнинг бир гуруҳ мулозимлари ва хос соқчи суворийлар саркардага етиб олиш учун кетидан равона бўдилар. Узоқ йўл юришди, сеvimли юрт Хоразм ҳам ортда қолди. Ниҳоят, неча минглаб чақирим йўл босиб келётган Темур Малик ва унинг ҳамроҳ сафдошлари йигирма кундан ортиқ от суриб, кеч пешинда мустаҳкам Хўжанд қалъаси остоналарига етиб келишди. Дарвоза соқчилари бу нотаниш ва басавлат, жанговар ҳарбий либосдаги суворийлар гуруҳини тўхтатиб, улар шахсини аниқлашга тутиндилар. Темур Маликнинг тансоқчиси бошлиғи Хоразмшоҳ фармони ва қалъага монесиз кириш ҳуқуқини берувчи белги (пароль)ни кўргач, уларни қалъа ҳокими саройи томон бошлаб келди. Собиқ ҳоким фармон билан танишгач, қалъани бошқариш ва шарқий чегаралар истеҳкомлари ҳамда қўшинлар ҳолатига доир ҳужжат маълумотларни ноиблик муҳри билан қўшиб саркардага топширди. Собиқ ноиб унинг маслаҳатчиси бўлиб фаолият юритадиган бўлди. Темур Малик ундан шарқий ҳудудлар бўйлаб чўзилиб кетган чегаралар ва уларнинг мудофаавий ҳолатлари, аҳволи ҳақида батафсил суриштирди. Суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, чегара хавфсизлиги ва Хўжандни узоқ мудофаа жангларига тайёрлаш учун катта ҳажмли ҳамда кечиктириб бўлмайдиган вазифалар кўндаланг турарди. Темур Малик бу ишларни бажариш учун Хўжанд ва бутун ноиблик аҳолисини оёққа турғазини ҳамда чегара қўшинлари билан аҳолининг кучларини бирлаштириб, кенг қўламли мудофаага дахлдор вазифаларни амалга оширишга киришиб кетди. Бу Темур Маликнинг нафақат буюк саркарда, балки халқнинг қўнглига йўл топиб, уни ўз кетидан эргаштиришга қодир сиёсий арбоб эканлигини ҳам кўрсатарди. Шу тариқа шарқий чегара ва унга туташ ҳудудлар ҳарбий ҳолатга ўтди.

## **БУЮК ХОРАЗМШОҲЛАР САЛТАНАТИ ҚУДРАТ ВА ЮКСАЛИШ ЧЎҚҚИСИДА**

Муҳаммад Хоразмшоҳ Шарқ оламида тенгсиз ва буюк салтанат куришни ўз олдига мақсад қилди. Ўз давлатининг ташқи сиёсатини ҳам шу мақсаднинг амалга оширилишини таъминлашга қаратди. Шундай катта ишларни бажариш учун Хоразмшоҳда сиёсий, ҳарбий ва албатта, иқтисодий имкониятлар мавжуд эди. Аммо бу имкониятларга тўсиқ бўладиган сарой зиддиятлари ва гуруҳлар қарама-қаршилиги ҳам бисёр эди. Агар ушбу қарама-қарши гуруҳбозлик ҳукмдор саройида даф этилмайдиган бўлса, не-не машаққатлар эвазига вужудга келган бу марказлашган давлат ташқи хавф-хатар ва босқинларни қайтаришга ожизлик қилиши аниқ эди.

Ана шундай вазиятда Муҳаммад Султоннинг ишончини қозониб мансаб ва амалдорлик пиллапояларидан Туркон Хотун ҳимоясида кўтарилиб бораётган Дашти Қипчоқ саркардалари бири олиб, бири қўйиб Хоразмшоҳни мақтовларга кўмиб, уни аввало Шарқ



олами, сўнгра дунё ҳукмдори бўлишга даъват этар, шундай қилиб „сиз Искандар Зулқарнайн эришган ютуқларни қайта такрорлайдиган салтанат соҳиби бўлишингиз лозим, бунинг учун сизда бемисл қобилият ва истеъдод бисёр“, дердилар. Мақтовларга кўмиб ташладилар. „Ана шу улуг ишларда бизга буйруқ берсангиз бас, сизнинг отган ўқингиз бўлиб фанимларингизга қирон келтиргаймиз“, дея шоҳни урушлар олиб боришга тинимсиз даъват қилдилар. Муҳаммад Хоразмшоҳ бир томондан, Дашти Қипчоқ саркардаларининг қилич кучи ва жанговарлигига ҳаддан ташқари юқори баҳо берса, иккинчи тарафдан, ҳаёт қайновига шиддат билан кириб келган Жалолиддин Мангубердининг зафар нишон ишларидан умиди беқиёс катта эди. Шунингдек, саркардалик мавқеига яқинлашиб қолган яна тўрт ўғил фарзандлари улғайиб, кучга тўлиб келардики, булар ҳам Хоразмшоҳнинг дунё ҳукмдори бўлишдек ҳою ҳавас орзусига асир қилиб қўйган эди.

Айни пайтда Хоразмшоҳнинг онаси Туркон Хотун салтанат манфаатларидан тор шахсий манфаатларни устун қўйиб, шумқадам ҳаракатларини авж олдириди. Ҳар қандай воситалардан фойдаланиб бўлса-да, Жалолиддиннинг валиаҳд шаҳзода мавқеини йўқ қилиб, Хоразмшоҳнинг Дашти Қипчоқ маликаларидан туғилган невараларидан бирини валиаҳдликка тайинлашга тиш-тирноғи билан киришди. Натижада ўғли Муҳаммад Султоннинг давлат ишларига ҳар томонлама ёрдам бериш ўрнига салтанатни таназзулга етаклайдиган бошбошдоқлик йўлини танлади. Бу ҳаракат Туркон Хотуннинг катта сиёсий хатоси эди. Туркон Хотуннинг кўзини бора-бора сўқир қилган нарса унинг маҳаллийчилик балосига йўлиқиб, Дашти Қипчоқ маликаларидан бўлган невараларини қатъий қўллашига сабаб, маликаларнинг Жалолиддин Мангуберди онаси Ойчечакдан бошқа барчаси ўзининг қабила ва уруғдош қариндошлари эдилар.

Дашти қипчоқлик сарой амалдорлари ва саркардалари марказий ҳокимият ва вилоят ҳамда ноибликдаги ҳокимият бошқарувидан Туркон Хотун ёрдамида хоразм ва мовароуннаҳрлик туб жой аҳолиси орасидан етишиб чиққан юқори мансабдорларни ишдан четлатиб, юқори лавозимларни адолатсизлик билан ўзлари эгаллаш бошладилар.

Хоразмшоҳ саройдаги ички курашлар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳоний бошланган пайтда Хуросондаги сиёсий беқарорликларга чек қўйиб, сўнгра Мовароуннаҳр ички ишларига аралашшишга бел боғлади. Хуросон Хоразмшоҳлар салтанатининг жанубий катта ҳудудларидан ташкил топган катта ҳудудий ноиблик бўлиб, давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий имкониятларини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга эди. Айниқса, хунармандчилик, савдо-сотиқ ва чорвачилиқдан хазинага жуда катта даромад келарди. Хуросонлик фанмаданият арбоблари Хоразмшоҳлар салтанати маданий ҳаёти юксалишида алоҳида ўринга эга эди. Шуларни ҳисобга олиб, Муҳаммад Султон Хуросонга катта эътиборини қаратди. Вилоят ва шаҳарлардаги бошқарув тизимини тубдан янгилашга киришди. Нишопур ҳокимлигига Казалихонни, Жом шаҳрига амир Жилдоқни, Завзон шаҳрига эса Абу Бакрни ҳокимликка тайинлади. Хоразмшоҳ Марв ва Серахс шаҳарларига ҳам ўзининг ишончли одамларини қўйди. Шу билан Муҳаммад Султон Мовароуннаҳрга юриш бошлашга киришиш арафасида яна Хуросоннинг Ҳирот вилояти ва шаҳри Хоразмшоҳ номини жума намозидан чиқариб ташлаб, хутбага Ҳирот волийси Изаддин ибн Хурбил ўз номини қўшиб ўқитаётганлиги ҳақидаги нохуш хабари олинди. Исённи бостириш Жом ҳокими амир Жилдоққа юклатилди. Амир Жилдоқ исён ташкилотчиларини банди қилиб, Хоразмшоҳ саройига жўнатди. Уларни сўроқ қилиш адолат қозисига топширилди. Изаддин ибн Хурбил давлатга хиёнат қилишда айбланиб, энг яқин ёрдамчилари билан бирга ўлимга ҳукм этилди.

1207 йилда бухоро ва самарқандликларнинг қорахитойлар зулмига қарши кураш бошлаганликлари муносабати билан Хоразмшоҳ бу ҳаракатдан фойдаланиб, Мовароуннаҳр ички ишларига аралаштиришга киришди. Айни пайтда Самарқанд ҳокими Усмонхон Хоразмшоҳдан ёрдам сўраб, ўз элчисини жўнатди. Самарқанд ҳукмдори номидан келган элчи қорахитойларни Мовароуннаҳрдан ҳайдаб чиқариш ва шундан кейин унинг ҳудудларини ўз давлатига киритиб юборишни Муҳаммад Султондан илтимос қилди. Бу илтимос айни муддао бўлди. Худди шу кезларда Бухорода ҳам қўзғолон бошланган бўлиб, қорахитойларнинг қўлида қўғирчоқ, аммо зулмкор, Бурҳон уруғидан чиққан садрлар ҳокимиятни идора қилиб, улар ўзларига „Садри жаҳон“ номини бериб, бу номдан гоят фахрланар эдилар. Улар қорахитойлар талаб этган божу хирож ва солиқлар миқдорини бухоролик фуқаролардан бир неча баробар қилиб олардилар-да, бир қисмини қорахитойлар хазинасига жўнатиб, халқдан жабр-зулм билан тортиб олинган бойликларни „Садри жаҳон“ ҳокимияти эгалари ўзлаштириб, беҳисоб бойликка эга бўлиб, дабдабали ҳаёт кечирар, ҳар йили меҳнат билан топилган халқнинг маблағини шамолларга совуриб, Ҳаж сафарига жўнар, Ҳаж карвонини қўриқлаш учун минглаб соқчилар, хизматкорлар, отбоқарлар, чойфурушлар, ошпазлар, карнайчи, сурнайчи ва уларни зериктирмайдиган ҳикоянавислар, „Садри жаҳон“ ҳокимиятига ҳамроҳ бўлардилар. Уларнинг Ҳажга жўнаши ҳажга бориш қоидаларига маънавий-шаръий жиҳатдан ҳам зид эди. Негаки, сарф-харажатлар халққа зулм эвазига олинган маблағ эди. Халқ улардан шундай безган эдики, „Садри жаҳон“ таҳаллусига кесатиқ қилиб, уларга „Садри жаҳаннам“ номини берган эдилар. 1207 йилда Бухорода кўтарилган қўзғолонга қалқон ясовчи ҳунарманд Санжар бошчилик қилди. Қорахитойлар бу қўзғолонни бостиришга кучи етмай Хоразмшоҳ Муҳаммад Султондан ёрдам сўради. Негаки, қўзғолон Мовароуннаҳрнинг энг йирик шаҳарлари бўлган Самарқанд ва Бухорода алангаланиб, унинг атроф вилоятларига ёйилиб, бутун Мовароуннаҳр умумхалқ қўзғолонига айланиб борарди.

Хоразмшоҳ Мовароуннаҳр ҳудудларини эгаллашни айни Бухородан бошлади. Муҳаммад Султон қўшини Бухоро остоналарига яқинлашиб келиши билан шаҳарнинг йирик зодагонлари дарвозаларни очиб, қўшиннинг қалъа ичкарасига киришини осонлаштирди. Муҳаммад Султон қўшини шаҳарда катта талафот кўрмай, уни эгаллашга эришди. Қўзғолон бостирилди. Қўзғолон бошлиғи ва унинг фаоллари қўлга олиниб, хоразмшоҳлар пойтахти Кўҳна Урганчага жўнатилди. Муҳаммад Султон Хуросон ва Бухорони ўз салтанати таркибига киритгач, унинг ҳар бир ғалабаси катта дабдабали тантаналар остида нишонланадиган бўлди. Хоразмшоҳ босиб олган ҳар бир вилоят ва ноибликлар ҳокимларининг фарзандларини ўз пойтахтига олиб кетиб, уларни саройи ҳузурида гаровда сақларди. Олиб борилган юришлар туфайли гаровдагиларнинг сони йигирма еттитага етди. Уларнинг сони босиб олинган вилоят ва ноибликларнинг сонини билдирар эди. Гаровга олинганларнинг барчасига бир хил либос кийдирилиб, зафар қучиб қайтаётган Хоразмшоҳни шаҳар остонасидан то саройга қадар олтин ноғора, карнай, сурнай билан ҳукмдорнинг ҳарбий мадҳиясини чалиб кузатар ва кутиб олардилар.

Бухоро ишғол этилгач, навбат энди Самарқандга етиб келганди. Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон шаҳарга қўшин тортишдан олдин Самарқанд ҳокими Усмонхоннинг ёрдам сўраб қилган мурожаати чинлигига ишониш учун ўзининг ишончли вакили Дўрт-Абони элчи қилиб жўнатди. Элчини Усмонхон иззат-ҳурмат билан қабул қилиб, Хоразмшоҳ қўйган шартларни тўла қабул қилишини билдирди.

Самарқанд ҳудудига эндигина қадам босиб кириб келаётган Хоразмшоҳ қўшинига қорахитойлар пистирмадан туриб ялпи ҳужум қилдилар. Муҳаммад Султон қорахитойларнинг

бу қўйган пистирмасидан умуман хабарсиз, улар ҳали бир неча кунлик йўл нарида деб ўйлагандилар. Шунинг учун қўшин хотиржам йўл босиб келарди. Ҳосуслар ва хабаргирлар ҳам ҳудудлар ва йўللарни текширишга жўнатилмаган эди. Бундан фойдаланган қорахитойлар тўсатдан ёпирилиб, Муҳаммад Султоннинг қоровуллар қисмини бир ҳамла билан қириб ташлади. Хоразмшоҳ асир олинди. Шундан кейин Хоразмшоҳ қўшини бўрилар тўдасига йўлиққан чўпонсиз қолган чорвадек бўғизланди. Қўшиннинг асосий қисми тор-мор этилди, бир қисми эса асир олинди, қолган озгина қисми омон қолиб, Хоразмга етиб келдилар. Муҳаммад Султон тақдири тўғрисида ҳеч ким тайинли гап айтолмади. Анча кунлар тақдири номаълум қолгач, Хоразмшоҳни жангда ўлдирилган, деган миш-мишлар тарқалди. Бу мағлубият Хоразмшоҳлар салтанатини ҳеч қутилмаганда офир аҳволга солди. Хоразмшоҳ салтанатига қарам ноиблик ва вилоятларнинг айримлари дарҳол унинг таркибидан ажралиб, мустақил давлат тузиш ҳаракатини бошладилар. Даставвал, Нишопур ҳокими Муҳаммад Султоннинг бедарак кетганлигидан хабар топгач, Завзон волийси Абу Бақр билан Ҳирот қамалини тўхтатиб, ҳар бири ўз юртларига қайтиб кетдилар. Нишопурга етиб келган Казликхоннинг феъли айниб, бутун Хуросонни ўзига бўйсундириб, мустақил давлат тузиш пайига тушди. Хоразмшоҳнинг укаси Тожиддин эса ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилиб, Муҳаммад Султон номига хутба намозини ўқитишни тўхтаттирди. Сиёсий курашлар салтанатда энди аланга олаётган чоғда тўсатдан Хоразмшоҳ пойтахт Кўҳна Урганчда пайдо бўлди ва дарҳол вазиятни қайтадан қўлга олди. Муҳаммад Султон ғазабини келтирган воқеа Нишопур ҳокими Казликхон билан укаси Тожиддиннинг хатти-ҳаракатлари бўлди. Агар асир олинган Хоразмшоҳ тезда асирликдан қочмаганида салтанатда ўзаро кураш салтанатни янада офир аҳволга солган бўлур эди. Бахтга қарши ундай бўлмади.

Муҳаммад Султоннинг асирликдан қочиб тахтга келиб ўтиргандан сўнг ғазаб билан чиқарган фармони Нишопур ҳокими Казликхон ва Табаристонга ҳоким қилиб тайинланган укаси Тожиддин Алишоҳни ҳар қандай шароитда тутиб келтириш тўғрисида бўлди. Ўзининг бошига офир кулфат тушишини билган Казликхон оиласи, барча бойликлари ва уни қўллаб-қувватлаган яқин амалдорларини олиб Ироққа қочди. Аммо, Хоразмшоҳнинг қатъий фармонини олган қўшин уни таъқиб қилишни давом эттириб, унга кенг дунёни тор қилди. Казликхоннинг қочиш йўллари тўсилди. Ироқ ноибига уни тутиб бермайдиган бўлса, унинг ўзи ҳам давлатга хиёнат қилганликда айбланиши огоҳлантирилди. Ироқ ноибни уни занжирбанд қилиб, Хоразмшоҳ қўшинига топширди ва у Муҳаммад Султон ҳузурига олиб келинди. Қозикалон ва салтанат бош муфтийсини ҳузурига чорлаб: „Давлатга ва унинг ҳукмдорига хиёнат қилиб, унинг тузлуғига туплаган, шунингдек, шайтон динига кирган имонсиз кимсага не жазо муносиб турур?“ — деб сўради. Улар бир овоздан дедилар: „Жазоси ўлимдир!“ Сарой эшик оғасига ҳукмдор буюрди: „Жаллодни бошлаб кириш!“ Зум ўтмай салтанат бош жаллоди ва унинг ёрдамчиси ҳукмдор ҳузурига ҳозир бўлишди. Маҳкумни кўрсатиб: „Олиб чиқинг!“ дейилиши биланоқ, баҳайбат гавдали жаллодлар Казликхонни даст кўтарганича олиб чиқиб, ҳукмни тез ижро қилдилар. Бахти қаро Казликхоннинг ўғли ҳам гаровга олинганлар қаторида саройда зафар мадҳиясини чалувчилар қаторида эди. Отасининг кўзи олдида аввал ўғилнинг боши танасидан жудо этилиб, иккинчи навбат Казликхонга келди. У ҳам қатл этилди.

Хоразмшоҳнинг онаси Туркон Хотун Казликхон ва унинг ўғлини зиндонбанд қилиш, ўлим жазосини бекор қилишга астойдил уринди. Аммо, ғазабга минган Муҳаммад Султон ўз сўзида қатъий турди. Бу Хоразмшоҳнинг онаси талабини бажармай, мустақил чиқарган охири фармони бўлди.

Шундан кейинги буйруқ ва фармонларининг барчасини онаси Туркон Хотун кўрсатмаси ва таъсирида чиқарар, ҳал қилувчи ҳукми онаси чиқарар эди.

Воқеаларнинг кейинги ривожиди Хоразмшоҳ онаси давлат сиёсатида биринчи поғонани эгаллаб, Муҳаммад Султоннинг чиқарган ҳар қандай фармонларини бекор қилиб, янгидан ўз истаги ва хоҳишига кўра фармон чиқарадиган бўлди. Бу сиёсат салтанат емирилгунча ўз кучида қолди.

Хоразмшоҳнинг укаси Тожиддин Алишоҳ ўз қилмишларининг яхши оқибатларга олиб келмаслигини англаб, акаси Муҳаммад Султон ҳузурига бош уриб боришдан кўра салтанат ҳудудларидан ўзга юрт Ғурийлар давлатига бошпана излаб кетишни афзал билди. Ғурийлар султони Султон Маҳмуд ҳузурига қараб қочди. Султон Маҳмуд ўзини Хоразмшоҳнинг қудратли рақиби деб ҳисобларди. У Тожиддин Алишоҳнинг бошпана сўраб келганлигидан жуда хурсанд бўлди. Унга ўз саройидан жой берди.

Асирликдан сўнг давлат ишларини аввалги ҳолатига келтириш Муҳаммад Султондан катта куч-ғайрат сарфлашни талаб қиларди. Бўйсунитдан бош тортган тобе вилоят ва ноибликларга қўшин тортди. Ошкора ва яширин унга қарши исён кўтарганларни жазолади, ишончсиз дея гумонсираган ноиблик бошқарувини янги, ишончли одамлари билан алмаштирди, мустаҳкамлади. Аввал Нишопур эгалланди, сўнгра Хиротга юриш қилинди. Аммо, мустаҳкам деворлар билан ўралган Хирот Хоразмшоҳ қўшинларига бир йил жуда қаттиқ қаршилик кўрсатди. Хиротликлар узоқ қамалда озиқ-овқат, қўшин захиралари тутагач, таслим бўлишдан бошқа чоралари қолмади. Улар Муҳаммад Султонга шундай шарт билан шаҳар дарвозасини очадиган бўлишди. Қўшин шаҳарга киритилгандан сўнг аҳолини талон-тарож қилмаслик, қўлда қурол билан қарши турган мудофаачиларни қирғин қилмасдан, уларни афу қилиш ва шаҳарни вайронага айлантирмаслик шarti қўйилди. Муҳаммад Султон рози бўлди. Аммо, шаҳарга қўшин киритилгандан кейин Хоразмшоҳ шаҳар мудофаасини уюштирган қўмондон ва вазирлардан бир қанчасини ҳибсга олиб қатл қилдирди. Хоразмшоҳ ўз қариндоши — тоғаси амир Маликни волий қилиб тайинлади. У Хиротни то мўғулар қамал қилиб олгунга қадар бошқарди. У салтанат ва халқига содиқлик билан хизмат қилиб, мўғуларга қарши шаҳар аҳолисини курашга сафарбар қилиб, сўнгги нафасигача Ватани олдидаги бурчини адо қилди.

Хуросондаги тартибсизлик ва бошбошдоқликка чек қўйган Хоразмшоҳ пойтахти Кўҳна Урганчга қайтиб, ғурийлар султони ва исёнчи укаси Тожиддин Алишоҳни бир ёқлик қилиш тадоригини кўрди. Қўшинига бир оз фурсат дам олиш имконини бергач, ҳарбий юриш бошлади. Қўмондонлик қилишни тоғаси, Хирот волийси қилиб тайинланган амир Маликшоҳга топширди. У Хоразмшоҳнинг истеъдодли саркардаларидан бири эди. Амир Маликшоҳ ғурийлар султони Султон Маҳмуд қароргоҳига тунда ҳужум уюштириб, уни доғда қолдирди, ғурий султони ва Тожиддин Алишоҳ асир олинди. Қўшини пароканда бўлиб, ҳар тарафга қочиб, қочгани қутулди, қолганлари қириб ташланди. Султон Маҳмуд ва Тожиддин Алишоҳ иккиси қатл этилди. Шу билан Хуросоннинг бутун ҳудуди Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон тобелигига ўтди.

Эндиги масала ташқи сиёсатда қорахитойлар муаммосини бир ёқлик қилиш асосий вазифага айланди. Аввалда осонгина галабани қўлга киритиб, мағрурланган қорахитойлар Хоразмшоҳ анча йиллар ўзига кела олмайди, деган фикрда эдилар. Шу боис исталган пайтда Хоразмшоҳга дағдаға қилиб бож-хирож ундираверамиз тарзида сиёсат юритиб, қорахитойлар ғўрхони (ҳукмдори) ўзининг ўтакетган кўрс ва киборли элчиси Туғчинга Хоразмшоҳдан бира тўла бир йиллик хирожни ундириб келишга кўрсатма берди. Туғчинга жўнаб кетишдан олдин қорахитой ҳукмдори: „Хоразмшоҳга шундай талабни қўйки, бир

йиллик хирожни бермасликка бирон баҳона қила олмасин, агар тихирлик қиладиган бўлса, Хоразм деган юртнинг кулини кўкка созуриб ташлашимни унга етказ. Бу пайтда мен бутун қўшинимни жангга ҳозирлаб, унинг чегарасида хужумга шай тураман“. Бу кўрсатмаларни ортиғи билан бажаришга шошган қорахитой элчиси Тугчин Кўҳна Урганчга етиб келар экан, элчиларнинг ҳукмдорлар ҳузурига кириш ахлоқий-маънавий тартиб-қоидаларини менсимай, такаббурлик отига минганича, беписанд қилиқлар кўрсатиб, Хоразмшоҳнинг қабулига киришни талаб қилди. Сарой аъёнлари ва эшик оғасига сурбетлик қилиб: „Ҳозир ҳузурида Хоразмшоҳнингизнинг ким ва қайси давлат элчиси бўлса-бўлсин, чиқиб турсин, мен қорахитой элчисиман, бир дақиқа кутиб туришга тоқатим йўқ“ тарзида пўписа қилади. Бу билан ҳам чекланмай „Хоразмшоҳ ўзи қандай кўринишдаги безалган тахтда ўтирган бўлса, менга ҳам айнан шундай тахтнинг иккинчи нусхасини келтириб қўйсин, бу талабимни шоҳингизга зудлик билан етказинг“, дея эшик оғаси ва бош вазирга ўдағайлади. Муҳаммад Султон сарой қутволига, менинг саройимда ким тўполон қилишга журъат қилди, дарҳол сабабини аниқланг, дейди. Элчининг куракда турмайдиган ҳаракатлар қилаётганлигини саройбон Хоразмшоҳга билдирди. „Қорахитойлар элчисини қўйиб юборинг“, дейди Хоразмшоҳ. Айтганим-айтгандай бажо келтирилди деган фикрда виқор ва важоҳат билан отилиб кирган элчи Тугчин ва унинг ҳамроҳларининг барчасини жаллод ва ўлим қутаётганлигини билмасди, ҳали улар. Хоразмшоҳ ўтирган тахтиравон қароргоҳ хонаси эшиги ўнг ва чап томонидаги парда ортида паҳлавонсифат соқчилари шай турарди. Муҳаммад Султон атайлаб элчининг ҳукмнамо талабларини эшитгиси келиб, гапиришга изн берар-бермас, элчи Тугчин баланд оҳангларда худди ўзининг хизматкор мулозимларига буйруқ бергандай кўрсаткич бармоғини Хоразмшоҳга бигиз қилиб қаратганича талабларни бирин-кетин қўйишга киришиб кетди ва талаблари бажарилиш-бажарилмаслигини ҳозироқ айтинг, дея дўқ қилди. Хоразмшоҳ пинагини ҳам бузмай жавоб тайёрлигини айтади. Туркий қавмларда сизларга ўхшаганларга аталган ажойиб мақолимиз бор, яъни доно халқимиз „бевақт қичқирадиган хўрознинг боши кетади“, деган. Ҳукмдор шу сўзини тугатиши билан буйруғини кутиб мунтазир турган сарой эшик оғасига буйруқ берди: „Чақиринг, кирсин“. Муҳаммад Султоннинг бир қарашидан нима демоқчилигини илғаб оладиган сергак қутволи дарров тушунди ва тезда чиқиб жаллодни бошлаб келди. Эшик кираверишида парда орқасидан паҳлавон соқчилар элчи ва унинг ҳамроҳларига ташландилар ва арслон ўз ўлжасини судрагандек ташқарига олиб чиқдилар. Ҳукмдор, уларни ойболта билан бурда-бурда қилиб чопиб, жасад бўлакларини Жайхунга оқизинглар, дея буйруқ берди. Уларга ҳукмдор айтганидек жазо берилди.

Муҳаммад Султоннинг қорахитой элчиларини азоблаб ўлдиришга фармон бериши бу икки салтанат ўртасида катта уруш оловининг ёқилиши демак эди. Бутун салтанат — шаҳар ва қишлоқ, ноибликлару вилоятлари бўйлаб қорахитойликларга қарши халқда нафрат туйғуларини кучайтириш учун бозор майдонлари, жамоат тўпланадиган жойларда ташвиқот-тарғибот ишлари кучайтирилди. Эл-улус бошланадиган катта урушга ҳар томонлама тайёр бўлиши огоҳлантирилди. Шундай қилинганида халқ орасидан кўплаб кўнгиллилар ҳисобига мунтазам қўшин сафини янада кучайтириш, тўлдириш имконини берарди.

## ҚОРАХИТОЙЛАРГА ҚАРШИ УРУШ

Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон ҳам аввалги мағлубиятидан анча сабоқ олиб жиддий ҳарбий ва иқтисодий тайёргарликни кескин кучайтиришга киришди. Кучли қорахитойларнинг салтанат сарҳадларига бостириб келишини кутиб ўтирмасдан хужумкорона уруш олиб боришга

қарор қилди. Унинг қорахитойларга қарши олиб борадиган урушида Самарқанд ҳокими Усмонхон ихтиёридаги қўшини билан иттифоқликда ҳаракат қилиш мажбуриятини олди. Ҳарбий ҳаракатлар ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилди. Асосий ҳужум олиб бориладиган йўналишларда ҳужумкор суворий ва ҳаракатчан пиёда қўшинлар тўпланди. Қўшинлар ҳаракат қиладиган ҳудудлар душман тузоғига тушмаслик учун синчиклаб жосуслар гуруҳлари томонидан обдан текширилди. Қўшин сафар чоғида пиёда ва отлиқ-лашқар бир-биридан узоқлашиб кетмаслик чоралари кўрилди. Қоровул ва авангард қисмларга ўз вазифаларини масъулиятни қаттиқ ҳис қилган ҳолда асосий қўшинни кўриқлаш, хавф-хатардан ўз вақтида огоҳлантириш талаби қўйилди. Ҳарбий ҳаракатлар даври қонун-қоидаларига хоҳ кеча, хоҳ кундуз бўлсин риоя қилмаганлар қози аскар (ўша давр ҳарбий суди) ҳукмига ҳавола этилди.

Қорахитой қўшини билан тўқнашиш масофаси яқин қолганда манглай қўшиннинг фанимлар билан тўқнашувига имкон яратиб, улар асосий зарбани қабул қилиб олгач, гўё тартибсиз чекингандек кўрсатиб, пистирмада беркиниб турган тузоқ қўйилган асосий қўшин беркинган жойга бошлаб келиш усули қўлланиладиган режа қабул қилинди. Қорахитойларнинг ушбу жангдаги катта хатоси шу бўлдики, аввалги ғалабаларидан ҳаддан ташқари мағрурланиб, Хоразмшоҳ қўшини ҳали яқин беш-ўн йил орасида ўзини ўнглаб ола олмайди, қолаверса, ҳужум қилишга журъати етмайди, тарзида фанимга беписанд қараши бўлди. Шунингдек, қорахитойлар жосуслик қисми ҳам тўлақонли ўз вазифасини адо қилмади ва Хоразмшоҳ қўшини ҳақида ўз қўмондонларига ногўри маълумот етказиб, хато устига хато қилиб, вазиятга етарли баҳо бермади. Фаним жосуслари Хоразмшоҳ қўшинининг манглай қисмини асосий қўшин деб хабар берар экан, пистирмадаги асосий қўшиннинг турган жойини аниқламай, енгил хулоса чиқардилар. Булар қорахитойларнинг қақшатқич мағлубиятга учрашини олдиндан таъминлаган омил бўлди. Шунингдек, Турон заминни эгаллагандан буёнги ўтган саксон йиллик давр ичидаги барча жангу жадаллар қорахитойлар ғалабаси билан тугаганлиги боис навбатдаги жанглар ҳам доим бизнинг фойдамизга ҳал бўлади, Турону Хуросонда бизга қарши турадиган куч йўқ, жангларнинг мутлақ фолибимиз деган такаббурлик бор эди фанимда. Фанимнинг Хоразмшоҳлар билан жанги 1210 йилда юз берди. Қорахитойлар қўшинини уларнинг енгилмас деб ном қозонган машҳур қўмондони Таянгу бошқарди. Хоразмшоҳ жангни аввалда ҳарбий кенгашда пухта ўйлаб тузилган режа билан бошлади. Қорахитойлар илғор қисм кетидан асосий қўшинни ва захира қисмларни жангга солди. Таянгу бутун қўшинни ёппасига ўзи бошлаб борди. Хоразмшоҳ Таянгунинг ҳар бир ҳаракатини жосуслари ва хабаргирлари ёрдамида назоратда ушлади. Ўнг ва чап қанот асосий қўшини билан Хоразмшоҳнинг пистирмадаги қўшин оралиғидаги ўқ-ёйдан аниқ нишонга олиш масофалари ораси қисқариб, атайлаб пала-партиш чекиниш топширилган манглай қисми пистирма орқасига ўтиб олгунча ўқ узилмади. Манглай қисми вазифани аъло даражада бажариб, душманнинг барча қўшинини шу тариқа ажал майдонига бошлаб келди. Қорахитойларнинг энди бу майдондан омон чиқишлари даргумон эди. Бу ердаги ҳар бир саксовулнинг панасидан чуқур ковланиб (замонавий ўқотар қуроллар кашф этилган даврида бундай чуқурлар окоп номини олган эди), ўн-ўн бешта ўқ-ёйчи ва найза отувчи жангчилар пойлаб ётардилар. Қорахитойлар бошига шу тариқа саксовулзор майдони қора кунларни солди. Дастлаб мерганлар қазилган пана-пастқам ўралардан ўн минглаб ажал ўқини фанимлар қалб қисмини нишонга олиб, тутдай тўқдилар. Ўттиз-эллик метр қолганида уларга найза отувчилар ҳам қўшилишди. Уч томондан пистирмадан туриб берилган зарба қорахитойларни оғир аҳволга солиб, улар жанг якунига қадар ўзларини ўнглаб ола олмадилар. Саксовулзор душман жангчиларининг мурдаси билан тўлди. Қорахитойлар сафи бузилди. Жанг майдонида даҳшатли

ҳолат ва манзара вужудга келди. Сахро қип-қизил, лоларанг тусга кирди. Барханларни айланиб ўтиб, душманнинг орқа томонидан ҳужум қилган суворийлар жанг тақдирига яқун ясади. Қорахитойлар қуршовга олиниб аёвсиз қирпичоқ қилинди. Таянгу қўшинини бу ўлим майдонидан қутқариб олиб чиқиш учун қилган ҳаракатлари зое кетди. Асосий марказ қўшинининг омон қолган қисмларини йиғиб қуршов ҳалқасини бир неча бор ёриб чиқишга уриниб кўрди, аммо омбурдек сиқилган темир ҳалқани бирор жойидан уза олмади. Қорахитой бош қўмондонини ҳимоя қилаётган фанимнинг ботир жангчилари бор кучи билан Таянгуни ҳалокатдан сақлашга ҳаракат қилдилар. Бироқ, Хоразм баҳодирлари бирин-кетин уларнинг ҳам сафини тобора сийраклашиб, Таянгу билан юзма-юз келдилар. Бош қўмондонни Хоразмшоҳ тириклайин қўлга олишни топширди. У то қўлидаги қиличини баҳодирлардан бири зарб билан уриб туширгунча олишувни давом эттирди. Қиличи қўлидан уриб туширилган заҳоти иккинчи бир жангчи суворий унинг бошига арқон ташлаб судраб йиқитди. Ана шундан кейин тақдирга тан берган Таянгу асир тушганига иқрор бўлди. Хоразмшоҳнинг аввалдаги мағлубияти учун қорахитойлар бош қўмондони билан алоҳида ҳисоб-китоби бор эди. Уни Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон қароргоҳига олиб бордилар. Таянгу аввалги жангда Муҳаммад Султонни асир олиб, уни тиз чўкишга мажбур қилган эди. Қайтар дунё деганларидек, энди фаним бош қўмондони голиб Хоразмшоҳ олдида асир сифатида бошини эгиб турарди. Хоразмшоҳ мағлуб қўмондонга яқин келиб: „Тақдирнинг ўйини шундай, — тилла дастали қамчиси билан қорахитойлар қирғин этилган майдонни кўрсатиб, — Туронни зир титратган қўшинингнинг ва доимо зафар қучиб заминимиз бўйлаб даҳшат солиб ҳилпираб ўтган байроқларингнинг ҳолига боқ, йиртилиб, сочилиб, жангчиларингнинг қонига бўялиб ётибди. Ҳаддингиздан ошганча ошдинглар, Туронни топтадингиз, хор қилдингиз, бу қисмат ажал фаришгаси бўлиб энди ўзларингга қайтди. Эл-юртга ажал бўлиб келган эдинг, энди ажал сенга етди, хор бўлиб ўлишга лойиқсан“, — дейди Хоразмшоҳ. Сўнгра буйруқ берди: „Буни Жайхун дарёмизгача бирга олиб юринглар, саҳрода жанг қилиб, сафарда чарчаган қўшинимиз дарё соҳилида дам олиш чоғида унинг қисматини ўша ерда ҳал қилурмиз“. Хоразмшоҳдан асир тушган қорахитойликларнинг тақдирини сўралганида, „Мағлуб асирлар бизнинг зафар тантаналаримиз яқунлангунча қўшинимизга эртадан-кечгача хизмат қилдирилсин, ундан бўйин товлаганларнинг баҳридан ўтинлар“, — дейди ҳукмдор. Бу масалага ойдинлик киритиб олиш дарё бўйида узил-кесил ҳал қилинадиган бўлди. Шу билан ўликларга тўлган саксовулзор орқада қолиб, музаффар қўшин Жайхун сари отланди.

Шубҳасиз, қорахитойларнинг тор-мор этилиши катта тарихий воқеа эди. Турон замин халқлари узоқ давом этган ғайридин фанимларнинг жабр-зулмидан қутулиб, йирик марказлашган давлат Марказий Осиё ва Хуросонда қарор топди. Шу ҳудуддаги халқларнинг ягона ички бозор ва савдо-сотиқ муносабатлари вужудга келди. Мовароуннаҳрдан то Ўзгангача бўлган ерлар қорахитойлардан тортиб олинди ва Хоразмшоҳлар салтанати таркибига кирди. Бу, шубҳасиз, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ташқи сиёсатдаги буюк ғалабаларидан бири бўлди. Шу билан Хоразмшоҳлар давлати Шарқнинг энг қудратли салтанатларидан бирига айланди. Шарқу Фарбдаги кўплаб давлатлар бундан кейин унинг куч-қудрати билан ҳисоблашадиган бўлди. Қорахитойлар бутун ислом оламига доимо таҳдид солиб турган эдилар. Бу таҳдидга барҳам берилди. Қорахитойларнинг тор-мор келтирилиши ҳақидаги хабар бутун ислом дунёсига шодлик келтириши муқаррарлиги боис Хоразмшоҳ бу хушxabарни Ҳинду Форс, Арабу Ажам мамлакатларига етказиш учун элчилар ва чопарлар жўнатди. Шунингдек, бу ғалабанинг катта сиёсий ва ҳарбий аҳамиятини ҳисобга олиб, уни умумхалқ байрами сифатида нишонлашга фармони олий берди. Салтанат ҳудудининг барча шаҳар ва

кентлари, вилоятлар, ноибликлар марказларида озодалик ҳашарлари ташкил қилиниб, халқ сайиллари ўтказилди. Уларни ҳар томонлама шодонлик билан ўтказиш шаҳар ҳокимлари, раислар, маҳаллий девон вазирлари зиммасига юклатилди, тантаналарнинг энг зўри салтанат пойтахти Кўҳна Урганч ва Жайхун соҳилидаги катта ялангликда ўтказилди. Қўшиннинг ҳар бир жанговар қисм ва гуруҳлари, суворийлар ҳамда пиёда жангчилар ўзларининг байроқ ва туғларини кўтарганларича Хоразмшоҳнинг ҳарбий мадҳиясига ҳамоҳанг шахдам қадамлар ташлаб Кўҳна Урганчга кириб келишди. Бу ерга ҳамма ёқдан одамлар оқими тинмай давом қилганлигидан ғалабани нишонлайдиган тантаналарда ҳамма табақалар бемалол иштирок этиши, тадбир ҳақиқий умумхалқ шодиёнасига айланишини таъминлаш учун Жайхун яланлиги катта майдонига кўчирилди.

Турон замин халқларига беҳисоб жабр-зулм ўтказган қорахитойларнинг бош қўмондони Таянгу Хоразмшоҳ фармони билан халқ кўзи олдида Жайхунга чўктириб юборилди. Буюк ғалаба ижодкори ва салтанат ҳукмдори Муҳаммад Султон шу ғалаба шарафи муносабати билан Султон Санжар тахаллуси ёнига „Искандари Соний“, яъни „Иккинчи Искандар“ деб эълон қилинди. Салтанат муҳрини янгидан тилладан қўйдириб, бундан кейин шу ном остида фармон чиқарадиган бўлди. Бундан ташқари, тилла узук ясашиб, унга Олоҳнинг ердаги сояси „Искандари Соний“ сўзларини моҳир хаттотга сулс хати билан форсий ва арабийда нақшинкор қилиб ёздирди.

Бундан кейин овози узоқлардан эшитиладиган катта бурғу ва тилла суви бериб ишланган ноғораларда ҳарбий юришлардан ташқари, Муҳаммад Султон эрталаб уйғонганда ва уйқута кетиш олдидан — тобе мамлакатнинг хон ва ноибларининг гаровга олинган фарзандларидан иборат чолғучи гуруҳ ҳар куни икки марта мусиқий мадҳия чаладиган бўлди.

Кўҳна Урганчдаги ғалаба зафари тантаналарида Самарқанд ҳокими Усмонхон ҳам иштирок этди.

Қорахитойлар билан бўлган жангда у Хоразмшоҳ иттифоқчиси бўлиб иштирок этган эди. Шу тантаналар чоғида халқ байрами жозибаси ва шукуҳини янада ошириш учун Хоразмшоҳ қизи Хон Султоннинг тўйини шу тадбирга улашга қарор қилиб, уни Усмонхонга никоҳлаб берди. Келин-куёвлар саройда бир йилча яшагандан сўнг Самарқандга кетишга рухсат берилди. Шунга қадар Самарқанд ҳокимлигини Хоразмшоҳ ноиби Дўрт-Або ва унинг яқин амалдорларидан ташкил топган Девони бошқарди. Улар бу даврда Самарқанд аҳлини адолат билан бошқариш ўрнига, шахсий манфаатларини устун қўйиб, мол-дунё йиғиш пайида бўлдилар. Халқ улардан кескин норози бўлди. Аҳолига қонун-қоидаларда кўрсатилган миқдордан ортиқ солиқлар солинди. Натижада Самарқанд аҳли Муҳаммад Султонни янги келган ажнабий ғаним ўрнида кўрдилар. Лекин ғалабалардан сармаст бўлган Хоразмшоҳ Дўрт-Або ва унинг амалдорлари юргизган адолатсиз солиқ сиёсатини ўз вақтида назорат қила олмаган эди. Бундан фойдаланган Самарқанд ҳокими Усмонхон ҳали бира тўла мажақланмаган қорахитой ҳукмдори Гўрхонга махфий равишда элчи жўнатиб, Хоразмшоҳга бўйсунмаслиги, аввалда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай қорахитойлар ҳукмдорига тобелигини билдирган мактуб ҳам жўнатди. Устига-устак у қорахитой қизига уйланиб, Хоразмшоҳ қизи Хон Султонни янги маликага чўри-хизматкор қилиб бериб, уни таҳқирлади. Хоразмлик шаҳарда қолдирилган қўшиннинг аксариятини ва қуда бўлиб келган Хоразмшоҳ қариндошларининг барчасини қиличдан ўтказишни буюрди. Шундай дабаба ва тантаналар билан ўтган тўй сал ўтмаёқ аза ва фожиага айланди. Хон Султон жанговарлик илми ва ҳарбий санъатдан хабардор шоҳ қизи бўлгани учун тақдирга тан бериб ўтирмади. Омон қолган бир гуруҳ элдошларини тўплаб, Самарқанд қалъаси давозасини ичкарисидан беркитиб,



ўзларини қаттиқ ҳимоя қилишга киришдилар. Хон Султонга содиқ қолган канизақлар ҳам қўлига қурол олиб жанг қилдилар. Хон Султон тунда чиқариб юборган ишончли одами Кўҳна Урганчга етиб бориб, мудҳиш воқеа ҳақида Хоразмшоҳни огоҳ қилди. Усмонхонга нисбатан қаҳр-ғазаби қайнаб-тошган Муҳаммад Султон тезликда катта қўшинни Самарқандга жўнатди. Усмонхоннинг исёнчи қўшини Самарқанд қамалига атиги уч кун бардош берди холос. Тўртинчи кун исёнчилар шаҳарнинг бош дарвозаси устига оқ байроғини кўтариб, дарвозани очишга мажбур бўлдилар. Катта қўшин дарё тошқинидай ёпирилиб шаҳарга кирдилар. Шаҳарда қирғин уюштирилди. Самарқандликлардан ўн мингдан ортиқ одам ўлдирилди. Гуноҳлими, беғуноҳ суриштирилмай, ҳўлу қуруқ ёнди, қурбон бўлди. Агарда Усмонхон Хоразмшоҳга Дўрт-Абонинг адолатсизлигини олдиндан аниқлаб, маълум қилганида бундай хунрезлик юз бермаган бўлар эди. Самарқанддаги қорахитой уруғларига мансуб кишилар, Усмонхоннинг барча қариндошлари аёвсиз тигга тортилди.

Усмонхон асир олиниб, Кўҳна Урганчга — Хоразмшоҳ ҳузурига жўнатилади. Уни Кўҳна Урганчда даҳшатли қийноқ ва ўлим кутарди. Таҳқирланиб, чўрига айлантирилган Хоразмшоҳнинг қизи Хон Султон ўзига берилган азоблар қасосини олиш учун собиқ исёнчи эрининг азоб-уқубатли ўлимини ўз кўзи билан кўришини ҳукмдор отасидан сўради. Ҳукмдор: „Бу кўрнамакнинг қатлида сенинг ёнингда туриб, қаҳрамонона жанг қилиб қаҳрамонлик кўрсатган канизақ ва барча сафдошларингиз хиёнатчи ўлимини ўзим билан бирга кузатасизлар“, дея қизининг илтимосини қондирди. Жаллод уни қатл майдонига олиб келди. Усмонхон гуноҳини кечиришни сўраб, оёқ-қўли занжирланган ҳолда Муҳаммад Султондан тиз чўкиб ҳаётини шу сафар сақлаб қолишни сўради. Хоразмшоҳ эса, „аввало кечиришни қизимдан, яъни жуфти ҳалолингдан сўра“, деб унга ҳавола қилди. Усмонхон илтижо билан малика Хон Султонга юзланди. Хон Султон эса „менга ва канизақларимга берилган ит азобларини, таҳқирлашларни кечириб бўладими? Сен малъун инсонийлик тушунчаларини қора тупроққа булғадинг, минг бир ғайриинсоний қилиқларни қилиб, энди кечирим сўрашингнинг ўзи сенинг иккиюзламачи, олчоқ, хиёнатчи ва виждонсизлигингни кўрсатмаяптими? Йўқ, сен номуссиз, номард нусхасан, қайси қилган гуноҳим учун қаҳр, нафрат билан мени тиз чўктириб: „Сен қорахитой қизининг чўрисисан“, дея ганимлар олдида маликалик шаънимни ер билан яксон қилдинг. Ана шу сўзларни айтган кунингдан бошлаб сени юрагимдан суғуриб ташлаганман. Менинг собиқ эрим алақачон, „Сен, қорахитой қизининг чўрисисан“ деган кундан ўлган.“ Шундан сўнг Муҳаммад Хоразмшоҳ жаллодга ўз ишини бошлашга рухсат берди. Усмонхон минг бир азобда жон берди.

Шундан кейин Хоразмшоҳ Самарқанддаги хунрезлик оқибатларини тугатиб, аҳолининг ҳаёти тез изга тушиши чораларини кўрди. Уни обод қилишга фармон берди ва Самарқандни иккинчи пойтахт деб эълон қилди. Хоразмшоҳнинг бу ерда мустаҳкам ўрнашишга интилишида жон бор эди. Мовароуннаҳрнинг юраги Самарқанд эди. Шу ердан туриб, Шарқий Туркистон ва Хитой чегараларигача ҳамда Мўғулистон воқеаларини кузатиш, назорат қилиш мумкин бўларди. Шунингдек, бу ердан Афғонистон орқали Шимолий Ҳиндистон ҳудудларига қадар ҳарбий ҳаракатлар ташкил қилиш қулай эди.

## **САЛТАНАТ САРҲАДЛАРИ БЕПОЁН КЕНГЛИКЛАРГА ШУНДАЙ ЁЙИЛГАН ЭДИ**

Самарқанддаги қорахитойлар масаласи ҳал этилгач, Хоразмшоҳ ташқи сиёсатнинг асосий йўналиши қилиб жануби-ғарбда жойлашган давлатлар ва ҳудудларни нишонга олди. 1215 йил кузида Форс Ироқи ишларига аралашиб, уни ўз салтанати ҳудуди таркибига киритишга



Чингизхон фармони билан чиқарилган пайза. Пайза билан йўлга чиққан мўғул амалдори ёки элчисига катта ваколатлар берилган. У олий ҳукмдорнинг фармон ва шошилинч буйруқларини қарам ноиб-ҳоким ва саркардаларига етказган. Пайза кумушдан тайёрланган.



Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг мўғуллар билан Нишопур яқинидаги тўқнашуви. Жанг мўғуллар ғалабаси билан тугаган эди. 1220 йил ёзи.

бел боғлади. Ниҳоят бунга эришди ва бу ерга ўз ноибни қилиб Сайфуддин Ўғулмишни тайинлади. Навбат энди Кирмон вилоятига келган эди. Уни эгаллашни Завзон ҳокими Аминиддин Абу Бакрга топширди. У бунинг уддасидан чиқди. Шундан кейин Муҳаммад Султон қўшини жilовини Белужистон ва Миқрон тарафга бурди. Шиддат билан олиб борилган курашларда бу икки вилоят ўз тобелигини билдиришга мажбур бўлди. Натижада Хоразмшоҳлар салтанати ҳудудлари ғарбга қараб тез кенгая бошлади. Зафарли қўшинини Муҳаммад Султон Ўрмуз Бўғози сари бошлади. Ўрмуз ҳокими Маҳиқ Хоразмшоҳдан ўз юртида вайроналик юришлари олиб бормаслиги, ҳукмдорнинг шартлари сўзсиз қабул қилинишини маълум қилди. Хоразмшоҳ номи хутбада ўқитилиб, дарҳол йиллик бож-хирож бир йўла тўланди ва ҳар йили шу тарзда ўз вақтида тўланишига рози бўлди. Хоразмшоҳ Уммон ҳокимлигига дарҳол элчисини жўнатиб, салтанати тобелигига ўтиш мажбуриятини қўйди. Хоразмшоҳнинг кучига қарши турадиган кучи йўқлиги сабабли унга тобеликка ўтишдан ўзга чора топмай, шартларни қабул қилди. Муҳаммад Султоннинг ташқи сиёсатдаги ишлари бу ҳудудларда жадал юришиб кетиши ҳукмдор иштаҳасини борган сари очиб, янада каттароқ ҳудудларни эгаллашига рағбатини кучайтириб юборди. Энди Хоразмшоҳ Озарбайжон, арман ва гуржилар ҳамда унинг атрофларидаги унумдор ва серҳосил ерлар, бой шаҳарларни ўз қамровига олиш иштиёқига берилди. Хоразмшоҳ ҳарбий юришларини давом эттириб, Аррон ва Озарбайжон, Дарбанд ҳамда Ширваншоҳлар ҳудудларини эгаллади. Ғарбий Эрон ва Озарбайжон ҳукмдори Ўзбек отабегига хазинасини топшириш талабини қўйди. Ўзбек отабеги рози бўлди. Шунингдек, Муҳаммад Султон номига танга зарб қилдиришга киришди. Шундан кейин Ўзбек отабеги гуржи ва арманларнинг мусулмонлар устига узлуксиз талончилик юришлари уюштираётганлигидан шикоят қилиб, уларни ҳам ноиблик таркибига киритиб беришни илтимос қилди. Муҳаммад Хоразмшоҳ бунга рози бўлди. Аммо улар устига қўшин тортиб боришга улгурмади. Улар устига жўнатилаётган қўшинни орқасига қайтариб, гуржилар юртига ўз элчисини жўнатиш билан кифояланди. Элчилар Хоразмшоҳнинг мактубини гуржилар қиролига етказдилар. Мактубда Озарбайжон, Дарбанд ва Ширваншоҳлар ҳудудлари Хоразм салтанати таркибига киритилганлиги, бундан буён ушбу ҳудудларга босқинчилик юришлари уюштиришни тўхтатиш талаб этилган эди.

Хоразмшоҳнинг гуржилар юртига ҳарбий юришларни тўхтатишга мажбур бўлишининг сабаби шунда эдики, Араб халифаси ан-Носир Хоразмшоҳнинг ҳарбий юришларидан хавфсирай бошлади. Негаки, Хоразмшоҳлар салтанати бепоён ҳудудларни эгаллаб, ғарбга силжиб борар экан, халифалик чегараларига Муҳаммад Султон эгаллаган ноиблик ҳудудлари чегараси айрим жойларда яқинлашиб, айрим ҳудудларда эса чегаралар туташиб бўлган эди. Бу халифаликни жуда катта таҳлика остида қолдирди. Шунинг учун халифа Хоразмшоҳга ультиматум тарзида талаблар қўйиб, юришларни тўхтатиш ва чегара туташуви юз берган ҳудудлардан қўшинни олиб чиқиб кетиш ҳамда ушбу ҳудудларга эгалик қилишдан воз кечиш талабини илгари сурди. Албатта, кундан-кунга қудрати ортиб, қанчадан-қанча мамлакатларни бир зарб билан эгаллаб, айрим ҳукмдорларни эса элчиларини жўнатиб, дўқ-пўписа билан ваҳима солиб таслим бўлишга мажбур қилаётган пайтда Араб халифаси ан-Носирнинг Муҳаммад Султондан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисидаги талаби Хоразмшоҳдек дунёга даъвогарлик қилаётган Искандари Соний фаҳрий номини олган ҳукмдорнинг ғазабини келтириши аниқ эди. Араб халифалиги билан муносабатлар борган сари чигаллаша боргач, Хоразмшоҳ ҳам, халифалик ҳам тушуниб етдики, муносабатларнинг тинчлик даври тугаб борарди. Хоразмшоҳ Араб халифалигини мағлубиятга учратиш учун ташқи сиёсатнинг асосий тифини ан-Носирнинг попугини пасайтириш йўлларини ахтаришга

қаратди. Агар унинг билан уруш ҳолатига келинса, халифаликнинг куч-қудрати, иқтисодий захиралари, ҳарбий ҳолатга ўтиб, сафарбарлик бошланса қанча қўшинни тўплай олиш имкониятлари ва уларга кимлар иттифоқчи бўлиши ҳақида аниқ маълумотлар Хоразмшоҳга сув ва ҳаводек зарур эди. Шунингдек, Хоразмшоҳ салтанат ҳудудлари ҳам мағрибдан машиқ томон кенгайгандан кенгайиб, унинг фармонини энг чекка ноибликларга олиб кетган хабаргир салкам бир йилда қайтиб келарди. Шунинг учун ўзига тобе ҳудудлар ҳақида ҳам, атроф халифалиги ва уларнинг иттифоқчилари тўғрисида ҳам тўла ҳудудий тасаввурга эга бўлиш учун Муҳаммад Султон харитага эҳтиёж сезди.

## ИСКАНДАРИ СОНИЙГА АТАЛГАН ЖАҲОН ХАРИТАСИ

Дунё ҳукмдорлигига даъвогар ҳукмдорга, албатта, дунё харитаси зарур, деди котибул иншоши шохнинг фикрини тасдиқлар экан. Котибул иншо вазифасини бажарувчи мансабдорда Хоразм ва Хуросон ҳамда мовароуннаҳрлик катта олиму фозиларнинг рўйхати бўларди. Бу даврда Хоразмшоҳлар салтанатида турли фанлар, жумладан, жуғрофиюн илмларидан мукамал билим соҳиблари, олимлар кўп эди. Салтанат нафақат ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий юксалишлар довомида, балки фан ва маданият юксалишининг сарбаланд мавқеига ҳам кўтарилган эди.

Хоразмшоҳнинг харита тузиш муаммосини ижобий ҳал қилиш учун жуғрофий ва иқлимлар илмининг пешвоси номини олган Муҳаммад ибн Нажиб Бакрон саройга чақирилди. Уни ва унинг иқтидорли шогирдларини шахсан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўзи узоқ сафарларга бирга олиб кетарди. Ҳарбий юришлар асносида бу жуғрофий олим Хоразмшоҳ ва унинг йирик саркардаларига юриш қилинадиган мамлакатлар табиати, иқлими, тоғлари, чўллари, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, мамлакат аҳолиси, табиий бойликлари ҳақида қизиқарли маълумотлар бериб борарди. Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Нажиб Бакронга жуғрофий илмга доир овир вазифа, яъни дунё харитасини яратишни топширди. „Мен, — дейди Хоразмшоҳ, — келажакда салтанатим таркибига кирадиган ҳудудларни ҳам, менинг фармонимда итоатда турувчи вилоят ва ноибликларнинг турли табиий ва иқлим шароитлари тафовутларини ҳам яхши билишим лозим. Бу менга давлат бошқарувида жуда асқатади. Шунинг учун харитада менга зарур бўлган энг муҳим маълумотлар изоҳ ва шартли белгилари билан ифодаланиши зарур, иложини топсангиз харитада ифодаланган мамлакатлар орасида Араб халифалиги, Кичик Осиё, Африканинг шимоли-шарқи, энг муҳими Чин-Мочиндаги кунчиқар томон жуғрофияси тўғрисида алоҳида шарҳлари тўлақонли ифодаланган изоҳли китобот тузсангиз нур устига нур бўларди. Бундан кейин салтанат ишларимнинг асосий муносабатлари дунёнинг ана шу ҳудудлари билан тамомила боғлиқ кечади. Иловалар ҳам аниқ, лўнда бўлсин“. Жуғрофий олим Нажиб Бакрон ҳукмдор сўзларидан шуни англадики, Муҳаммад Султон яқин келажакда катта ҳарбий ҳаракатлар бошлаб, жаҳонгирлик даъвосини фаол олиб боради. Демак, мамлакат катта урушлар арафасида турибди. Жуғрофий олим, асосан, тўғри хулосага келган эди. Муҳаммад Султонда жаҳонгирлик даъвоси пайдо бўлаётган эди.

Муҳаммад Нажиб ибн Бакронга саройнинг ўзидан махсус хона ажратиб берилди. Ишларнинг боришидан Муҳаммад Султоннинг ўзи тез-тез хабар олиб турадиган бўлди. 1218 йил бошларида ҳукмдор истаган харита тайёр бўлди. Дунё харитасини олим Нажиб Бакрон „Жаҳоннома“ деб номлади. Шунингдек, ўша йилнинг баҳорида эса „Шарҳ ва иловалар“ китоби ҳам ҳукмдорга тақдим этилди. Харитани ҳукмдор ва сарой амалдорлари,

Олий девон аъзолари ҳамда қўмондонларга тақдимот кунигача олим Нажим Бакрон ўзигача харита яратган катта олимлар ишлари, уларнинг ноёб нусхалари билан солиштирди, камчиликларини бартараф этди. Лекин Хоразмшоҳ уни шундай қабул қилиб қолмади. Тақдим этилган „Жаҳоннома“ ва унга илова ҳамда шарҳлар“ нинг мукамаллик даражаси, кундалик ишлар учун жавоб бера олиш илмий қийматини белгилаш учун салтанатнинг машҳур қомусий олимларини саройга йиғиб, камчиликларини аниқлаш мақсадида муҳокама йиғини чақирди. Ҳар бир олимнинг шу ҳақдаги фикрини олди. Тоғлар, чўллар, кўллар ва дашту дарёлар оралигидаги масофалар аниқ берилган ёки берилмаганлигига жиддий эътиборни қаратди. Масофалар ва ҳудудлар аниқлигига эришишни таъминлаш учун ана шу масалаларда машҳур асарлар ёзган олимларнинг ишлари билан солиштирилди. Хоразмнинг ўзида ал-Хоразмий ва Беруний замонларидан бошлаб то XIII асргача бу соҳада дунёга ибрат бўладиган катта ҳажмли ишлар бажарилган эди. Шулардан бири хоразмлик буюк олим Маҳмуд ибн Умар ибн Холид Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий ал-Хоразмий бўлиб, у ўз даврининг ал-Хоразмий даражасидаги фалакиёт илмининг улуғ вакили, забардаст математик олими эди. У „Ал-Мулаххас филҳайъат“, „Астрономиядан мухтасар китоб“ ва Олий математикага доир ўнлаб китоблар муаллифи эди. Асарларида Чағминий сайёраларнинг фазо ва макондаги ҳаракатлари, қуёш ва ой тутилиши, ер қимирлашининг сабаблари, фасллар алмашилиши, кеча-кундуз тенг кунлиги, қутб, экватор, меридиан чизиқларини ўта аниқликда тадқиқ қилган улуғ олим эди. Бу илмлар ҳам хаританинг илмий қийматини аниқлашда кўл келарди. Бундан ташқари, Фахрул Хоразм ва „Жоруллоҳ“ юксак унвонлар эгаси буюк мутафаккир аз-Замахшарийнинг кўлида таълим олган олимлар ҳам харита муҳокамасида фаол иштирок этишга чақирилдилар. Шулардан бири аз-Замахшарийнинг етук ва иқтидорли шогирди Абул Муаййид Муваффақ ибн Аҳмад ал-Маккий эдики, унинг илмий таҳаллуси Ахтоби Хоразм, яъни Хоразмнинг энг гўзал сўз устаси ва нотиғи эди. У Садрул-аимма, яъни имомлар уламиси номи билан шуҳрат қозонган мутафаккир, Хоразмнинг энг машҳур мадрасалари мударриси, араб тилининг беқиёс билимдони, ислом ахлоқи ва маънавияти, тарихдан кўплаб асарлар муаллифи ҳисобланарди. Аҳмад ал-Маккийнинг чақирилишидан мақсад атамалар, шарҳларнинг луғатда ва изоҳларда туркийга ўтирилган сўзларнинг арабчадан тўғри таржимаси берилишини аниқлашдан иборат эди. Жой номларининг ислом мамлакатларида арабча ифода атамалари бисёр эди. Саройда иштирок этаётган яна бир забардаст, илмий салоҳияти етук олимлардан бири Абу Мадор ад-Даббий ал-Хоразмий бўлиб, Машҳури кулли фан, ал-устоз, ал-фозил, фарид ал-аср, яъни „Барча фанлардан машҳур фозиллар устози, даврнинг яғонаси“ каби қатор фахрий ва илмий таҳаллуслар эгаси эди. Шу илмий анжуманнинг иштирокчиларидан яна бири Малик Нусратиддин Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳамза ан-Насавий замонасининг энг маърифий зотларидан бўлиб, Нисо шаҳрининг ҳокими эди. У фазилатлар мўъжизаси, саховатлар денгизи эди. Унинг хотираси ғоят кучли ва ҳайратомуз бўлган. Олимлардан Абу-Аъло ал-Мафрийнинг „Сақт аз-Занд“ (Чақмоқтош учқуни), ал-Утбийнинг „Тарихи Яъминий“, Фахриддин ар-Розийнинг „Ал-Мулаххас“, Шайхул-раис ибн Сионинг „Ишорат“ асарларини ёд билган. Шунингдек, Умар ибн Ҳамза ан-Насавийнинг фарзанди Шиҳобиддин ан-Насавий (у Жалолиддин Мангубердиннинг ҳукмронлик даврида саркарданинг тарихчиси ва котибул иншоси лавозимида Султон хизматида бўлган), „Жаҳоннома“ муҳокамасида Сирожиддин Яъқуб Саккокий-Садрул аллома номи билан машҳур бўлган олим ҳам қатнашганлигини таъкидлаб ўтади. Муаррихнинг қайд этишича, у фалакиёт ва математика илмларини шундай эгаллаганки,

уламолар, мадраса мударрислари бирор чигал муаммога дуч келишса, ўша улур зотдан сўраб, ечимини топар эдилар. Хоразмшоҳ ва унинг онаси Туркон Хотун Садрул аллома Саккокийни саройга тез-тез таклиф қилиб, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлиб турганлар. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ҳарбий девони бошлиғи, давлат арбоби ва йирик олим Шихобиддин ал-Ҳевакий илмий анжуманга котиблик қилган. Давлат ишларида жуда банд бўлишига қарамай, Кўҳна Урганчдаги Шарқда машҳур бешта мадрасаларда маърузалар ўқиган. Ҳатто ҳукмдори уни йўқлаганида дарсхонада маъруза ирод қилаётганлигини айтсалар, Султон Муҳаммад ҳам унга халал бермаган. Бу унинг илмий салоҳияти ва обрўси жуда баланд бўлганлигини кўрсатади. Ул зот ўз ҳисобидан пойтахтдаги Шофия мадрасаси ва масжиди қошида шундай кутубхона барпо қилдирганки, унда Шарқу Фарб олимларининг энг нодир асарлари тўпланган. Минг афсуски, ана шу дурдона маънавият хазиналари, буюк аждодларимизнинг мероси сақланаётган бебаҳо бойликларимиз мўғуллар ҳужуми даврида вайроналар тагида қолди ёки ёниб, кули кўкка совурилди. Акс ҳолда улар бизгача тўла етиб келган ва халқимизнинг маънавий мероси хазинасининг ноёб дурдона асарлари қаторидан жой олган бўлур эди. Уламолар йиғинида фаол қатнашган олим ва фозил инсонлардан яна бири Иброҳим Паҳлавон ал-Хоразмий, маърифат, илму ҳикмат пешволаридан бўлган. Шундан кўринадики, Хоразм илм-маърифати бу даврда шундай чўққига кўтарилдики, бутун Шарқ мусулмон олами мамлакатларининг истеъдодли ёшлари илмнинг қадим-қадимдан жаҳон узра ўчоғи Хоразм ва унинг пойтахти Кўҳна Урганчнинг донғи кетган академия ва олий мадрасаларида таҳсил олишни фахр ва шараф деб билганлар. Хоразм илму маърифати шундай буюк алломалари, илм масканлари орқали олам кўзгусига айланган эди. Эвоҳки, бу эришилган оламшумул ютуқлар, дунёни лол қолдирган илму ҳикмат сарчашмалари Чингизхон ва унинг фан-маданиятдан йироқ саркардаларининг ғазабнок буйруқлари билан ер билан яксон этилди, оловга ташланди. Албатта, бу машъум воқеаларнинг рўй беришига яна оз фурсат — атиги 1 йилгина қолган эди, холос. Хоразм салтанати ана шу даҳшатлар бўсағасида турарди. Бу пайтда эса жаҳонга ҳукмронлик қилиш орзусига берилган Муҳаммад Султон дунё харитасини сўнги бора дунё кезган сайёҳлар, жаҳонгашта савдогарларни тўплаб, уларнинг шу ҳақдаги фикрларини эшитгиси келди. Дунё кезган жаҳонгашталар бу тўғрида нима дейди? Халқимизнинг „Юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал“ деган ҳикматида ҳам жон бор, ҳукмдор уларни шунинг учун чақиртирган эди. Муҳаммад Султон Ҳинду Чин-Мочиндан то Мисргача Буюк ипак йўли бўйлаб ўнлаб йиллардан бери қатнаётган тажрибали карвонбошилардан ҳам уларнинг холис фикрларини олди. Тоғлар, денгизлар, сахрою даштлар, дарёлар жойлашуви тўғрисидаги мулоҳазалар асосида катта харита тайёрлашга рухсат берилди. Ҳар бир мамлакат, чўллар, даштлар, тоғлар, кўллар ва денгизлар ҳамда дарёлар ўзига хос алоҳида рангларга бўяладиган бўлди. Буни чармга ишлов беришнинг машҳур ҳунармандлари ва тери ошловчи усталар саройининг сиёсий-ҳарбий кенгаш ва машваратлар ўтказиладиган зали деворига мослаб катта ўлчамда тайёрлашга киришдилар. Бу ишларни бажаришга муқовасозлар, турли бўёқларни тайёрлашни мукаммал билган матога гул босувчилар ва зарҳал ҳарфларда хат битувчи хаттотлар жалб этилди. Ушбу ҳунарманд ва олимларнинг биргаликда жамоавий меҳнатининг самараси маҳсули сифатида „Жаҳоннома“ дунё харитаси ҳукмдор саройининг машваратлар залида ўз даврининг чинакам кашифиёти бўлиб, саройга алоҳида шукуҳ ва чирой бағишлади. Дунё харитаси олдида ҳар куни эрталабки нонуштасини қилгач, Хоразмшоҳ дунёга ҳукмронлик қилиш орзу-хаёлларига берилганча, маълум вақт харитадан кўз узмай, унинг ёнида туриб қоладиган одат чиқарди. Шунинг учун ҳам мен ўзимга „Искандари Соний“ номини танладим, мен бу орзуимга албатта эришаман, менинг куч-қудратимга бас келадиган куч дунёда йўқ, деган фикрда у қатъий туриб, ўзига ғоят

юқори баҳо берарди. Ҳолбуки унга бас келадиган куч шарқий кенгликларни ўзига бўйсундириш учун катта уруш оловини ёқиш арафасида турардики, бу Темучин Ясугай баҳодир ўғли бўлиб, унда ҳам дунёга ҳукмрон бўлиш ҳиссиёти жунбушга келган эди. Демак, дунёга даъвогар иккита ҳукмдор бир вақтда сиёсат ва ҳарб майдонида жавлон уришга бел боғлаётган эдилар.

Хоразмшоҳ бутун олам шаҳаншоҳи бўлиш хаёлотидан уни амалда исботлайдиган қудрат соҳибимиди? Албатта, деса-дейдиган иқтисодий ва ҳарбий қувватлари бемисл эди. Хоразмшоҳга бўйсунган шаҳарларнинг ўзи 400 тадан ортиқ эди. Бу шаҳарларнинг қарийб учдан бир қисмидан кўпроғи Буюк ипак йўли орқали жаҳон иқтисодий алоқалари билан боғланган, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ривожланган фан-маданият ўчоқлари эди. Агарда вилоят ва шаҳарлар ҳамда ноибликларда ялпи сафарбарлик ўтказадиган бўлиб, ҳарбий ҳолат эълон қиладиган бўлса, миллиондан ортиқ қўшин фармонга итоаткор бўлиб жангга отланар эди. Уларни жангга шитоб билан бошлаб борадиган ғоят забардаст саркардалар, жумладан, Жалолиддин Мангуберди ва унинг ҳарбий санъатда тенгсиз устозларидан Темур Малик, Шихобиддин ал-Ҳевақий, Аминалмулк ҳамда Жалолиддиннинг ёрдамчиси Жаҳон Паҳлавон ҳамда халқни ҳар қандай шароитда ўз атрофида тўплаб, уни жангга йўналтира оладиган ҳам аллома, ҳам саркардалик салоҳиятини эгаллаган Нажмиддин Кубро Шайхул-Валитарош ва бошқалар бор эди. Фақат уларнинг қобилият ва истеъдодлилик маҳорати ва ноёб қобилиятларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаб, уларга имкон бериш, улардан оқилона фойдаланиш лозим эди. Ана шу сиёсатни Муҳаммад Султон ҳаёт-мамот қўндаланг қўйган дамларда донолик ва собитқадамлик билан амалга оширганида эди, дунёда бемисл салтанат эгаси сифатида мозийнинг олтин саҳифасини безаган ҳукмдор номига сазовор бўлар эди. Аммо буюклик сарҳадлари ана шу ҳаёт-мамот курашларида такомилга етай-етай деб турган Муҳаммад Султондан узоқлашди, тутқич бермади. Ҳаддан ортиқ манманлик ва ҳал қилувчи дамлардаги офир ҳарбий-сиёсий хатолар уни ҳафсаласизлик ва қўрқув домига судради. Ҳатто, бора-бора ўзининг сояси ҳам кўзига уни таъқиб қилувчи ганим тарзида кўринадиган бўлди.

Юқорида қайд этилган шаҳарлар, босиб олинган вилоятлар ҳукмдорлари, ноиблар ва раисларнинг қўпчилиги вақти келиб Муҳаммад Султон ғазабдан қўрқиб ё Араб халифаси ан-Носир ҳузурига, ёхуд Чингизхондан паноҳ истаб бош олиб кетдилар. Улар Муҳаммад Султоннинг куч-қудрати ва унинг заиф жиҳатлари барча-барчаси ҳақидаги маълумотларни Чингизхон ёки Бағдод халифасига етказувчилар вазифасини бажарар эди. Шунга қараб дипломатик, сиёсий ва ҳарбий фаолиятини жадал олиб бораётган ан-Носир ҳам, Чингизхон ҳам айнан шу тарафдан унинг салтанатини таназзулга учратиш йўллари зўр бериб изладилар. Хоразмшоҳ салтанатининг кучли ва заиф томонларини аниқлашда Муҳаммад Султондан юз ўтирган амалдорлар маълумотларидан унумли фойдаландилар.

## ЖАҲОНГИРЛИК ВАСВАСАСИ

Муҳаммад Хоразмшоҳ оламгирлик йўлида ҳаракат бошлар экан, шу билан катта сиёсий-дипломатик илк қадамини ҳам ташлади. Агар, аввал Араб халифалигини тобе қилсам, Гуржистон, Онадўли, Сурия ва Кичик Осиё ҳукмдорларига битта дўқ урсам таслим бўлиши муқаррар, деб ўйлади. Халифа ан-Носир ҳузурига ўз элчисини жўнатар экан, элчи халифага Султоннинг қуйидаги ультиматум мактубини топширди: „Сендан аввалги халифалар салжуқий султонлардан Алп-Арслон, Маликшоҳ ва яқинларда ҳукмронлик қилган Султон

Санжар ҳукмдорлар билан қандай муносабатларда бўлган бўлсалар, сен ҳам мен билан шундай муносабатда бўлгил! Араб халифалиги ва унга тобе барча мамлакатлардаги сиёсий, дунёвий ишлар фақат менинг измимда бўлиши лозим. Сенга битта йўл бор, у ҳам бўлса менга бўйсуниб, сенинг бошқа бирон чоранг йўқ, Бағдодда хутба намози элчим шу мактубимни элтиб бериши билан менинг номим билан ўқилиши керак, вассалом!“ Халифа бу талабни ғазаб билан рад қилди. Муҳаммад Хоразмшоҳ ан-Носирнинг жавобини ҳам кутмай Бағдодга тобелик қабул қилинганлигини ҳужжатлар асосида расмийлаштириб келиш учун салтанатнинг машҳур кишиси ва қозикалони Мужириддин Умар ибн Саъд ал-Хоразмийни жўнатди. У ўзининг фикр ва шариат илмидаги истеъдоди ва қобилияти билан ислом оламида ҳам таниқли уламолардан эди. Қозикалон ислом дунёсининг мафкуравий таянчи бўлган давлатга таслим бўлиш талаби билан бориш яхшилик келтирмаслиги, унинг оқибати олдиндан кутилмаган салбий ҳодисаларни келтиришини ҳам биларди. Аммо энди Хоразмшоҳни бу йўлдан қайтариш ҳам бефойдалигини тушуниб, фармонга бўйсунибдан ўзга чораси йўқ эди. Ноилож қайтиб кетишдан бошқа иложи қолмаган қозикалонга халифа ан-Носир илм бобида Мужириддин Умар ибн Саъд ал-Хоразмий даражасидаги Бағдод сўфиларининг Шарқ оламига таниқли Шаҳобиддин Суҳровардийни Муҳаммад Султон Хоразмшоҳ ҳузурига раддия билдирувчи элчи қилиб жўнатди. Унинг келтирган мактубида халифа муҳри ва имзоси билан тасдиқланган қисқа ва лўнда қуйидаги сўзлар битилган эди: „Хоразмшоҳнинг Бағдодда қиладиган иши йўқдир, унинг келишига мутлақ ҳожат қолмагай“. Халифа ўз элчисини Хоразмшоҳ элчиси билан бирга жўнатиб юборар экан, ан-Носир Шаҳобиддин Суҳровардийнинг ҳар қандай одамга кучли руҳий-ҳиссий таъсир қила олиш тасаввуфий илмини ишга солиб бўлса-да, халифалик устига ҳарбий юриш қилиш вассасасидан Хоразмшоҳни қайтариш вазифасини юклаган ҳам эди. Шу тариқа икки катта давлатлар ўртасида аланга олаётган ёнғинни Бағдод элчиси ўчириши лозим эди. Муҳаммад Султон қабулида бўлган чоғида Шаҳобиддин Суҳровардий тасаввуфий ва ҳадислар илмининг кучини ишга солиб, Хоразмшоҳга таъсир қилишга уринди. Исломи таянчи бўлган давлатга душманлик муносабатида бўлиш Оллоҳга ҳам манзур бўлмаслигини билдириб „Қуръони Карим“ ва „Ҳадиси шариф“ муқаддас китобларидан иқтибослар келтирди. Аммо қайсарлик отига миниб олган Муҳаммад Султонни йўлдан қайтариши қийин бўлди. Хоразмшоҳ бу ажойиб хулқли донишманд уламога шундай жавоб қайтаради: „Ваҳоланки, менинг араб тилидан маълумотим камроқ бўлса ҳам, айтилган ҳадисларнинг маъносига тушундим. Мен шу кунгача аббосийлар авлодларининг бирортасига ёмонлик қилмадим ва ёмонлик қилишни ўйламаганман ҳам. Аммо эшитишимча, мўминлар амирининг (халифа назарда тутилмоқда) қамоқхоналарида Пайғамбаримиз авлодларидан баъзилари узоқ йиллар азоб тортиб ётар эканлар. Улар ҳатто қамоқхоналарда оилавий сақланиб, ўша зиндонларда бола-чақа қилиб кўпаяр эканлар. Бу адолатсиз ва ноҳақликка мен чек қўйишга қатъий қарор қилдим. Ушбу ҳадислар билан шайхлар шайхи бўлган сиз мўминлар амирига нега таъсирингизни ўтказиб, ан-Носирни йўлга солмадингиз? Шу боис сиздай улуғ алломанинг сўзларини тинглашга менинг тоқатим ҳам, вақтим ҳам йўқ, буни мўминлар амирига етказинг, кейинги учрашув Бағдодда бўлади“, дея сўзини яқунлаб, элчига саройдан чиқиб кетишга рухсат берди. Аммо мамлакатдан чиқиб кетишига амалда анча вақтгача рухсат бермади. Бу Хоразмшоҳнинг аббосийлар сулоласини тахтдан ағдариб, халифаликни Хоразмшоҳлар салтанати таркибига киритиш фикридан мени ҳеч ким қайтара олмайди, дегани эди. Шу тариқа саройда ҳеч қандай иззат ва ҳурмат кўрсатилмаган элчи Шаҳобиддин Суҳровардий ҳафсаласи пир бўлганича, жўнаб кетишга рухсат берилишига



қарамай, бир неча ҳафталар сарсонгарчилик ҳолатида турли важ-корсонлар рўқач этилиб ушлаб турилди.

Хоразмшоҳнинг халифа ан-Носирни ағдариб ташлаб, уни ўзига тобе ноиблик даражасига тушириб ташлайдиган қарорга келишининг яна бошқа бир жиддий сабаби ҳам бор эди. Хоразмшоҳ Ғазнин (Ғазна)шаҳрини эгаллаганда ғурийлар ҳукмдорининг фармон ва муҳим давлат ҳужжатлари дафтархонаси(архиви)дан ан-Носир халифанинг ғурийлар султониغا йўллаган махфий мактуби топилган эди. Унда ғурийлар султониغا маслаҳат берган халифа уларни қорахитойлар билан бирлашиб, Хоразмшоҳлар салтанатини йўқ қилишга ундаган эди. Ана шу мактубдаги сир ошкор бўлгач, Муҳаммад Султон ан-Носирни ўзи қазиган чоғга ташлашга қасд қилган эди. Ҳатто давлат кенгаши чақириб ан-Носир ўрнига халифа қилиб ҳазрат Али ибн Абу Толиб авлодидан Аълал Мулк ат-Термизийни кўтариш тўғрисида муфтийлар, қозикалон ва бошқа энг яқин амалдорлари билан келишиб ҳам қўйган эди. Аълал Мулк ат-Термизий ан-Носир таъқибидан қочиб Хоразмшоҳ саройидан бошпана топган эди. Бу ҳақда ан-Носир элчиси Шаҳобиддин Суҳровардийга Хоразмшоҳ сўз орасида илмоқли ва пичинг аралаш шипшитиб ҳам қўйганлигини элчи хотира дафтариغا қуйидагича битиб қўйган эди: „Каминани Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон ҳузурига таклиф этишди. Аввал каттакон шоҳона чодирнинг даҳлизига кирдик, атласу парчалар билан безатилган бундай ҳашаматли чодирнинг дунёда ўхшаши йўқ эди. Бу даҳлизда Мулуки (Ажам подшоҳлар) Ҳамадон, Исфаҳон, Рой ва бошқа вилоят ҳамда ноибликларининг маликлари мартабаларига қараб, саф тортиб туришарди. Бу ердан бошқа бир шойи чодирга ўтдик, у ерда Хуросон, Марв, Нишопур, Балх ва бошқа кўплаб юртларнинг маликлари саф тортиб турардилар. Кейин жуда катта тилла ранг чодир ҳиргоҳига кирдик. Ҳиргоҳ олдида жавоҳирлар қадалган сижоф парда тортилган эди. Хоразмшоҳ ҳали ёш, соқоли бўлиб, тахтда қўр тортиб, виқор билан ўтирар эди. Султоннинг эғнида беш дирҳамли бухорий қабо, яъни зар чопон, бошида бир дирҳамли мўйна телпак бор эди. Камина Султонга халифанинг дуои саломларини айтдим. Аммо Хоразмшоҳ индамади, гўё эшитмаганга олди. Ҳатто, менга ўтиришни ҳам таклиф қилмади. Ўзимни таништириб, аббосийлар халифалар насл-насабимни зикр этдим ва халифа ан-Носирни сабр-қаноатли, оқкўнги, адолатли ва тақводор одам эканлигини айтдим. Гапимни тугатгач, Хоразмшоҳ таржимонга қараб: „Элчига айтингки, у тавсиф қилаётган фазилатлар эгаси ҳозир Бағдодда эмас, яқинда биз Бағдодга борганимизда халифалик тахтида ўшандай фазилатли инсонни сизларга ўзимиз олиб бориб кўрсатамиз“, — деди жиддий тарзда сўзини яқунлаб. Хоразмшоҳ яқунловчи сўзида тилга олаётган инсон айнан ан-Носир ўрнига халифалик тахтига мўлжаллаб қўйган номзод бу Аълал Мулк ат-Термизий эди.“

## ҲАРБИЙ САФАРБАРЛИК

Хоразмшоҳ ан-Носир элчиси Шаҳобиддин Суҳровардийга 1217 йил июль охиридаги юртига қайтиб кетишга рухсат берди. Муҳаммад Султоннинг мақсади Шаҳобиддин Суҳровардий то Бағдодга халифа ан-Носир саройигача Хоразмшоҳ отининг жилвдори вазифасини бажартиришдан иборат эди. Шунинг учун элчи Шаҳобиддин Суҳровардийни чегарага етганида ушлаб қолиш ва қўшини билан Хоразмшоҳ етиб келгунга қадар қўйиб юбормаслик учун бир даста суворийлар гуруҳини элчи орқасидан жўнаб кетишларига шошилиш кўрсатма берди. Хоразмшоҳ шу заҳоти Хоразмда турли вилоят ва қалъаларда турган қўшинларни Кўзна Урганчда тўпланишга фармон берди. Гарчи бу қўшин сони тўғрисида ўрта аср тарихчиларидан бири Сибт ибнул Жавзий берган маълумотида 600

минг деб кўрсатса, ан-Насавий асарида эса 400 минглик лашкар йиғилган эди, деган маълумот берилди. Қайси бири тўғри ва аниқ бўлганида ҳам ўша давр учун бунча миқдордаги қўшин дахшатли куч ҳисобланарди. Эгаллаб турган ҳудудлари ва катта шаҳарларнинг қўплиги ҳамда уларда аҳолининг зичлиги ҳисобга олинса, Хоразмшоҳ бемалол миллионлик миқдордаги аскарини кучларни ҳарбий ҳаракатларга сафарбар эта оларди. Темурийлар даврида яшаган машҳур тарихнавис олим Хондамир эса Муҳаммад Султон лашкари сонини 300 минг тарзида ёзиб қолдирган эди. Агар Хондамир таъкидлаган миқдор тўғри дейилганда ҳам Муҳаммад Султоннинг Бағдод муҳосарасига ажратган қўшини Чингизхоннинг Хоразмшоҳлар салтанатига юриш қилиш учун ташланган қўшини билан сон жиҳатдан қарийб барабар бўларди.

Хоразмшоҳ ана шу қўшинга ўзи бошчилик қиладиган бўлди. Унинг қўшини Хулвон яқинидаги Асадобод довоғига етганида ҳеч қачон ёғмаган қалин қор бўрони бошланиб, қаттиқ совуқ тушади. Изғирин бошланиб, қор бўрони янада авжига чиқиб, одамлар, отлар, ҳатто озиқ-овқат захиралари ортилган туя қарвонларининг бир қадам илгари силжиш имконияти қолмайди. Бу вақтда ҳали куз фасли бўлгани учун қўшин енгил кийинган, қишнинг эрта тушиши режалаштирилмаган, қиш тайёргарлиги кўрилмаган эди. Устига-устак от ва туялар учун хашак ўт-ўланлар ҳам қалин қор тагида қолиб, улар ҳам қирилади. Жангчи аскарлар довоғда қурган чодирларини қор босиб дастлаб ўпка шамоллашидан, сўнгра тўғридан-тўғри муз қотиб ўла бошлаганлар. Шундай қудратли лашкар довоғ орасида бир ҳафта-ўн кун ичида табиат қаҳридан тутдай тўкилиб, жанг майдонидаги талафотдан бир неча баробар ортиқ талафот кўрди. Энди тирик қолган жангчиларни асраб қолишнинг ўзи катта муаммога айланди.

Хоразмшоҳга бундай оғир аҳволда Бағдодга юришни давом қилдириш тугул Хоразмга етиб олиш ҳам катта муаммога айланди. Муҳаммад Султон минг афсус-надоматлар билан омон қолган, аммо мутлақ ҳолдан тойиб, афтода ҳолга келган лашкарга орқага қайтиш фармонини беришдан ўзга иложи қолмади. Қор бўронининг тўхташини бир неча кун довоғда кутиб қолишлари қўшинга ана шундай фалокат олиб келди. Қўшинда аввалги жанговарликдан асар ҳам қолмаган эди. Бетартиб тарзда руҳий тушкунликка учраб, орқага хароб аҳволда қайтаётган қўшинга араб ва қурдларнинг тоғ даралари орасидан пистирма қўйилган қўшинларнинг тинимсиз ҳужумлар уюштириши шундоқ ҳам оғир вазиятни мураккаблаштириб, дард устига чипқон бўлди. Оёқ-қўлларини совуқ урган қўшиннинг қилич кўтаришга қурби йўқ эди. То Хуросон ҳудудигача ғанимлар Хоразмшоҳ ва унинг лашкарини таъқиб қилиб, катта талафот етказдилар. Шу тариқа лашкар пойтахтга кириб келар экан, қўшиннинг учдан икки қисми Асадобод довоғидан Хуросонга қадар чўзилган дара-даштлар оралиғида қирилиб кетди. Тирик қолганларнинг аҳволи ҳам ачинарли эди. Хоразмшоҳга аввалгидек қудратли лашкарни ташкил этиш ва уларни жанговар ҳолатга келтириш учун камида бир ярим-икки йил вақт керак бўлди. Бу юриш ташқи сиёсатда олиб борилган катта ва узоқни кўра олмаган хатолик оқибати бўлди. Бу билан Араб халифалиги билан бемалол яхши муносабатлар ўрнатиш ва айни пайтда Чингизхондек куч-қудратнинг юқори палласига чиққан давлатга қарши иттифоқчига эга бўлиб курашиш имкониятлари ҳам қўлдан бой берилди. Ана шу юришдан кейин Араб халифалиги бор кучини, дипломатик устумонлигини Чингизхон билан янада яқинлашиш ва Хоразмшоҳ билан уларни тезроқ тўқнаштиришга сафарбар этди. Чингизхон учун ан-Носирнинг Хоразмшоҳга қарши курашни кучайтириш даъвати асосий ўринда турмаса-да, ҳар ҳолда Хоразмшоҳнинг жануби-ғарб чегаралари

томонда Муҳаммад Султоннинг фаним давлати мавжуд бўлиб турганлиги хоқонга маънавий-сиёсий далда бўлди. Хоразмшоҳлар давлати ҳам, Араб халифалик салтанати ҳам бир хил динга эътиқод қилувчи халқлардан ташкил топган бўлсалар-да, халифаликнинг ғайридин мўғуллар тарафида туриши Чингизхоннинг ҳарбий ҳаракатлар олиб боришида „Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил!“ босқинчилик урушлари учун айни муддао эди.

Араб халифалигига уруш эълон қилиб, Муҳаммад ташқи сиёсатда султон шу пайтга қадар эришган ютуқларини бирин-кетин қўлдан берадиган таназзул эшикларини ўзи ва салтанати учун ланг очиб юборган эди. Бу муваффақиятсиз юришдан сўнг мамлакат ичидаги бошбошдоқлик, зимдан гуруҳбозлик, тарафкашлик янада авж олди.

## САРОЙДАГИ ИККИҲОКИМИЯТЧИЛИК ВА УНИНГ МУДҲИШ ОҚИБАТЛАРИ

Бу зиддиятлар Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон ва унинг онаси Туркон Хотун ўртасида айнан салтанат юраги бўлган сарой ичида борарди. Сарой мавқеида биринчиликни эгаллаб туриш Хоразмшоҳнинг онаси учун ўзининг қондош ва уруғдош Дашти Қипчоқ қабиладошларини юксак амалдорлик мансабларига кўтариш, уларнинг сиёсий-ҳарбий ва иқтисодий қудратларини ҳимоя қилиш учун ғоят зарур эди. Туркон Хотун шунинг учун тиш-тирноғи билан ўғли Муҳаммад Султондан тожу тахт устуворлигида юқори туришга интилаверди. Бунинг учун ўглини қўғирчоқ шоҳ даражасига тушириш лозим эди. Туркон Хотуннинг саройдаги фаолиятини ўз кўзи билан кўрган ва амалга ошираётган хавфли ва фирром ишларидан тўла хабардор бўлган тарихнавис, Хоразмшоҳлар салтанатида юқори лавозимларда хизмат қилган ан-Насавий унга шундай баҳо берган эди: „Хоразмшоҳнинг онаси Туркон Хотун жуда ақли, сиёсатда ўткир ва ғоят шиддаткор аёл эди. Аммо шу билан бирга, ўз манфаати учун мавқеини баланд тутиб, унда кибр ва ҳаволаниш, димоғдорлик жуда кучли эди. Агар шу қусурлари бўлмай ўзидаги ақллилик, донолик, сиёсатдаги шиддаткор ва билимдонликларини фарзанди Муҳаммад Султоннинг куч-имкониятлари билан бирлаштириб, эл-юрт ва давлат манфаатларига йўналтириб, шоҳ ўғли Муҳаммад Султонга чинакам давлат маслаҳатчиси бўлиб, фанимликдан йироқ турганида борми, салтанат ва Турон, Хуросон замин тақдири бутунлай тараққиёт ва юксалиш чўққилари томон кетган ва ҳар қандай фанимлар ҳам уларга мутлақ тўсиқ бўла олмаган бўлур эди. Лекин минг афсусларки, тарих ҳеч бир хатони ҳеч қачон кечирмайди. Жавобсиз ва жазосиз қолдирмайди. Воқеалар Хоразмшоҳ учун сарой ичида тамомила унинг зарарига ривожланиб борди“.

Она-ўғиллар бир-бири билан фақат тожу тахт эмас, ҳатто унвонлар талаша бошладилар. Муҳаммад Султон Иккинчи Искандар номи билан фармонларига имзо чека бошлаганда онаси Туркон Хотун „Жаҳон ҳокими“ тахаллусини ўзига муносиб кўрди. Хоразмшоҳ Султон Санжар номини фармонга қўшиши билан онаси ҳам ўзига алоҳида муҳр ясатиб: „Исмат-уд-Дунё“ ва дин улуғи „Туркон Малика нисо ал-Оламайн“, яъни „дунё ва унинг покдомони улуғ Туркон, олам аёллари маликаси“ сўзларини тилладан битик муҳр қилдирди.

Натижада Шарқу Ғарб дунёсидаги қўлаб мамлакатлар ҳукмдорлари Хоразмшоҳ давлатидаги бу иккиҳокимиятчилик ҳақида хабар топиб, агар Хоразмшоҳ Муҳаммад Султондан сиёсий дипломатик ёзишма ҳужжатлари келса, унга жавоб ёзмай пайсалга солиб турганлар, негаки, унга қарама-қарши тарзда Туркон Хотун муҳри ва имзоси билан келган ҳужжатни улар ҳуқуқий асосга молик дея эътироф этганлар ва жавоб мактуби ёзиб йўнатилган. Султоннинг ҳар қандай фармонлари Туркон Хотун томонидан бекор деб

топилиши мумкин эди. Муҳаммад Султон онасини „Ҳадиси шариф“ ва шарқона маънавий-миллий қадрият ва анъана удумлари бўйича қаттиқ ҳурмат-иззатини ўрнига қўяр, она эса бу эъозларни ҳаддан ташқари ҳокимиятпарастлик манфаатларига йўналтириб, сунистеъмомликка йўл қўярди. Натижада дашти қипчоқлик қавм ва уруғдошларини ақли, тажрибаси ҳамда қобилияти, истеъдодлари етиш-етмаслигидан қатъи назар Олий девондаги юксак амалдорлик мансабларига тайинлар, вилоят ва ноибликлар ҳокимлиги, шаҳар бошқарув раисликларига ҳам худди шу зайддаги амалга тайинлаш сиёсатини қўллаётган эди. Бундан лашкарбоши, қалъа саркардалари, ҳарбий қисмлар қўмондонлари ҳам мустасно эмасди. Натижада сарой бошқарувидан тортиб ноиблик ва вилоятни идора қилиш юқори мансабларидаги келиб чиқиши хоразм ва мовароуннаҳрлик ақлли, доно, истеъдодли амалдорлар ўрнини истеъдодсиз, ўртамиёна Дашти Қипчоқ қабила ва уруғ сардорлари вакиллари эгаллаётган эди.

Онаси Туркон Хотуннинг бу адолатсиз сиёсатига ошкора қарши чиқишни эп кўрмаган Хоразмшоҳ онасини пойтахт Кўҳна Урганчда қолдириб, ўзига Самарқандни иккинчи пойтахт қилиб танлади. Самарқандда ўзига сарой ва янги қароргоҳ қурдирди. Шу билан онасига ўзининг норозилигини билдиргандай бўлди. Аммо, бу билан онаси Туркон Хотуннинг ўз майлига, хоҳлаганча иш кўришига янада кенгроқ имконият яратиб берди. Натижада Туркон Хотун босиб олинган вилоят ва ноибликлардаги Муҳаммад Султон томонидан тайинланган ҳокимларнинг гаровдаги фарзандларини, уларни қўрқувда ушлаш учун тез-тез қатл қилдириб турди. Фарзандлари бирор жиноятга қўл урмасдан қатл этилганлигини эшитган собиқ ҳокимлар ё исён кўтариб салтанат душманига айланди, ёхуд Чингизхон хизматига кириб, қасос олиш тайёргарлигини кўрдилар. Муҳаммад Султон онасининг бундай фармонларини қатл ижро этилгандан анча ойлар ўтиб эшитар эди. Собиқ амалдорларининг Хоразмшоҳ онаси томонидан амалга оширилган бундай ёвузликларига жавобан хиёнат қилиб мўғул ҳукмдори ҳузурига кетишлари Хоразмшоҳ учун катта йўқотишгина эмас, ўз ҳисобидан хоқон саройида ғанимларининг тобора кўпайишига сабаб бўларди. Хоразмшоҳ Самарқандга кетиб онасининг ички сиёсатига бундай аралашувига норозилигини ифода қилмоқчи бўлганлиги тескари натижа берди. Хоразмшоҳ сиёсат бобида борган сари жарлик тарафга оға бошлади, калаванинг учини йўқотди. Бундай пайтда салтанатнинг ички таназулини кучайтирадиган янги воқеа содир этилди. Бу ўт билан ўйнашининг нақ ўзи эди. Туркон Хотун йўқ жойдан сарой ичида олов ҳосил қилди. Ҳазна шаҳрига жўнатилган Жалолиддин Мангубердининг пойтахтда йўқлигидан фойдаланиб, тахт ворислигига, яъни валиаҳдликка ўзининг Дашти Қипчоқ уруғидан келин бўлиб, Муҳаммад Султонга хотинликка берилган қариндошидан туғилган невараси Қутбиддин Узоқшоҳни тайинлаганлиги тўғрисида ўз фармонини чиқарди. Бу масалада Самарқандда турган ўғли Муҳаммад Султон билан маслаҳатлашмади ҳам. Фақат шу тўғридаги фармоннинг нусхасини Хоразмшоҳга жўнатиб қўя қолди. Халқимиз бундай ҳодисага нисбат бериб „қош қўяман деб, кўз чиқарди“ ҳикматини қўллаб қўя қоладики, Туркон Хотун худди шу хатти-ҳаракатни содир этди, қўйди.

Жалолиддин Мангуберди отаси Хоразмшоҳнинг фармони билан Афғонистон, Шарқий Эрон ҳудудларига волий қилиб тайинланиб, қароргоҳи Ҳазна шаҳрида эди. Қонуний тахт вориси ҳам ёш жиҳатдан укаларидан катта бўлгани, қолаверса, бемисл истеъдод соҳиби бўлгани учун ҳам ҳар томонлама, шунингдек, салтанатнинг азалий силсилавий тартиблари юзасидан ҳам барча ворислик ҳуқуқи Жалолиддин Мангуберди тарафида эди. Туркон

Хотуннинг бу хатти-ҳаракатини Жалолиддин Мангуберди сарой фитнаси ўрнида кўрди, қалби қаттиқ оғринди, ўзига оғир олди. Муҳаммад Султон ҳам онасининг бу фармони яхшиликка олиб келмаслигини англаб ўзини қўйишга на жой, на бирор чора топа олди, аммо она иродасига қарши бориш, бу фармонни бекор қилишдан ожиз қолди. Туркон Хотуннинг валиаҳд тайинлаш фармони мамлакат бўйлаб эълон қилиниб бўлган эди. Самарқанддек гўзал табиатли, сўлим шаҳарда ҳам Муҳаммад Султон бу шум хабарлар гирдобидида зулматда адашган чорасиз инсон ҳолига тушган эди. Султон Султон бўлиб ҳукм-фармонлари еру заминда амал қилмай, осмону фалақда эгасини йўқотиб шамоллар учирса ким ўзини шоҳ деб атайди, уни кимлар тан олади? Бу муаммода бошини чангаллаганича қароргоҳида ёлғиз ўтирган Муҳаммад Султонга ҳеч кимса на ёрдам, на маслаҳат бера олмасди. Самарқанднинг мусаффо ҳавосидан нафас олиб, кўнгли тоғдай кўтарилиб юрадиган Муҳаммад Султон бу хабардан нафаси сиқилиб, кўзига кенг дунё торайиб бораётгандек эди, гўё. Индаллосини айтганда, Хоразмшоҳ тўнғич ўғли Жалолиддин Мангубердини жуда яхши кўрар, айниқса, ундаги бетақрор ва ноёб қобилияту истеъдод ҳамда ҳарбий соҳадаги салоҳиятидан фахрланар, қувончи ичига сиғмасди. Энди, Жалолиддин фарзандининг кўзига қандай қарайди. Онаси Туркон Хотун Жалолиддинни валиаҳд қилиб тайинлаган фармонини оёқости қилиб, яқин қариндоши маликадан туғилган Қутбиддин Узлоқшоҳни валиаҳд қилиб тайинлади. Бу билан ўғли Хоразмшоҳ ва Жалолиддиннинг инсоний ва айниқса сиёсий обрўсига путур етказди. Бу сиёсий можаро Чингизхоннинг келажакда Хоразмшоҳлар юртини дўзахнинг нақ бир қисмига айлантиришида асосий омилардан бири бўлиб хизмат қилади.

## **ШАРҚДАН КЎТАРИЛГАН ТЎФОН. САЛТАНАТ ОСМОНИНИ ҚОРА БУЛУТЛАР ҚОПЛАМОҚДА**

Шарқдан кўтарилган бу тўфон табиат ҳодисаси бўлмай, бу офат ижодкори Чингизхон эди. У кўтарган тўфон сиёсий ва уруш, қирғинликнинг ҳадсиз-ҳисобсиз вайроналикларини ҳосил қилган даҳшатли офат эди. Бу ҳодиса уйғонаётган даҳшатли махлуқ каби шарқдан бош кўтарди. Шу боис ўша давр воқеалари мозий хотирасига юз минглаб ва миллионлаб гуноҳсиз инсонларнинг қони билан битик саҳифалари қилиб муҳрланди. Чингизхон ва чингизийлар бошлаган қирғинли уруш Фарбда Марказий Европа ва Шарқда Араб дунёсигача бўлган мамлакатлар, халқларни ўз домига тортди ва жаҳон сиёсий харитасининг ўзгаришига сабаб бўлди. Мустақиллик сарҳадларини тобора сиқувга олиб, катта ҳудудларда қуллик ва жабр- зулм ҳамда ҳуқуқсизлик сарҳадларини бепоён ҳудудлар сари кенгайтди. Шу боис уларнинг ҳукмронлик даври башарият эришган маънавий ва моддий соҳалардаги ютуқларни таназзул ботқоғига ботирган ҳалокатли давр ва эзгулик устидан ёвузликнинг тантана қилган замонлари сифатида эсга олинади. Бу давр воқеалари Осиё, Европа ва Шимоли-шарқий Африка мамлакатларини ўз домига тортди. Уч қитъа халқлари Чингиз ва чингизий сулоаларга қарши озодлик кураши олиб борди. Унда ҳар бир халқ ва эл-улуслар қуллик ва ҳуқуқсизлик тузумига қарши кураш олиб борар эканлар, шу халқлар орасидан озодлик ҳамда эркинлик, адолат байроғини кўтарган марду майдонларни тарбиялади, вояга етказди. Ана шулар орасида алоҳида юқори мавқега кўтарилиб, коинотдаги энг чақноқ ва порлоқ юлдуз буржини, шубҳасиз, Ватандошимиз, халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди эгаллади. Мўғуллар жабр-зулмига қарши курашган юқорида қайд этилган мамлакатлар ва халқлар орасидан етишиб чиққан

саркарда ва ҳукмдорлардан бирортаси жангнинг авж пардаларида Жалолиддин Мангуберди тақрорлаган бемисл мардлик ва бетакрор жасорат, баҳодирлик даражасига кўтарила олмадилар. Жалолиддин Мангубердининг жаҳон тарихидаги мустаҳкам ва ёрқин саҳифаларни эгаллаган ўрни ҳам айнан ана шундадир. 11 йил давомида кеча ва кундуз, бирор кун ёхуд тун ором, уйқу ва шоҳона дастурхон ҳамда маишат нималигини билмай, ўлим маъракаси майдонида жангу жадалда ўтган умри фикримизнинг исботидир. Ана шу давр орасида Чингизхон ва чингизийлар йўлини Шарқий ва Марказий Европа, шунингдек, жануби-ғарбда эса Кичик Осиё, Ислом олами ва Шимоли-шарқий Африка қитъаси ҳудудларига мўғулларни ўтказмасдан кўкрагини қалқон қилиб, ғаним йўлини тўсиб тура олишга мушарраф бўлган халқ қаҳрамони бу Жалолиддин Мангубердидир. Унинг ҳаёти ва кураши озодлик ва мустақиллик ҳамда жасорат рамзидир. Унинг буюклик чўққисига кўтарилишининг асл мазмун ва моҳиятини теран англаш учун жанг майдонида унга ашаддий ва муносиб рақиблар бўлган Чингизхон ва унинг машҳур саркарда ҳамда давлат ва ҳарбий арбоби бўлиб етишган 4 фарзанди, шунингдек, дунёнинг йирик ва қудратли давлати ҳисобланмиш Хитойни мағлуб этишнинг олдинги сафида турган хоқоннинг даҳшатли саркардалари куч-қудратлари, чексиз имкониятлари нималарда намоён бўлганлигини тасаввур қилиш лозим. Ана шу чоғдагина Жалолиддин Мангубердининг қандай кучга тўқнаш келганлиги, шу жараёнда бир инсон юрагида тўпланган ёвқурлик қудрати ҳамда унинг темир иродасини тоблаган воқеалар кўз олдимизда бир оз аниқлик билан ўзини намоён этади. Шундан кейингина Жалолиддин Мангуберди каби буюклар дунёга ўрта аср машҳур тарихнавислари таъкидлагандек, минг йилларда бир марта келиши башоратомуз сўз бўлганлигини англай бошлаймиз.

Ҳаёт қарама-қаршилик ва зиддиятлар билан тўлиб-тошган кўз илғамас кенгликлар майдони. Асалари гулдан асал тўпласа, илону чаён ўзига захар тўплайди. Кимдир ҳаётида дуч келган хавф-хатардан парвардигор берган ақл-идроқдан охириги имкониятигача фойдаланиб, уни даф қилса, бошқа бири эса нажот йўлини тополмай, ютагон ботқоқзор қаърига қайсарона майлда кириб боришда давом этади. Оламшумул ғалабаларидан эсанкираган Муҳаммад Султон курашнинг ҳал қилувчи палласида, яъни Чингизхон билан бўладиган улуғ муҳорабада салтанатни фалокатта бошлайдиган йўлни танлади. Аксинча, унинг даҳшатли рақиб Чингизхон эса бу имкониятни сира-сира қўлдан чиқарадиган хоқонлар тоифасидан эмасди. Албатта, тақдир ва сиёсат ўйинлари жуда қалтис бўлиб, қайсидир ҳукмдорни ҳалокат чоҳига улоқтирса, бошқа бирининг ғалаба ва зафар қуёши порлаб чиқишига имкон яратади. Бу ҳам бир тақдир ва қисмат ёзиғидир.

XII аср охири — XIII аср бошларида дунё сиёсатига жиловдорлик қилиш навбати мўғул қабилалари олий тоифасига мансуб бўлмаган, ўрта мавқели ҳарбий-зодагон сулоласидан Ясугай баҳодир ўғли Темучинга насиб этди. Ўз олдига жаҳонгирлик мақсадини қатъий қилиб қўяётган Темучин ўзаро бир-бирига пичоқ қайраётган мўғул қабилалари сардорлари устидан ғалабага эришиб, XII аср охирларида ягона марказлашган Мўғул давлатига асос солди. Сиёсий курашларда жуда узоқни кўзлаб фаолият юритган Темучин ўз атрофидаги ва узоқ-яқин мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳолатларини ўрганди, доимо янгидан-янги маълумотлар йиғди. Асосий эътиборни эса ўзининг ғарбий қўшниси — қудратли Хоразмшоҳлар салтанатига қаратди. Унинг бундай имкониятини таъминлаган омил Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон ва унинг онаси таъқибидан қочиб Темучин саройидан бошпана топган мовароуннаҳр ва хуросонлик зодагонлар, ноиблар ҳамда шу каби қочган-қувилганлар бўлди. Тарих ва қудратли вақт чархпалаги гувуллаб Темучин фойдасига ўзгариш

ясаб турган бир вақтда, Шарқда Темучиннинг ёш ва йиртқич давлати кучга тўлиб бораётган дамларда Ватани ва салтанати томон силжиб келаётган хавф-хатар чораларини кўриш ўрнига Муҳаммад Султон ўз оёғига ўзи болта уриб, мажруҳ қиладиган ёвуз ишга қўл урди. Худди юз карра ҳақ бўлган Халложни ноҳақ ва адолатсиз ҳукмдор дорга тортганига қиёс қатл воқеасини Хоразмшоҳ ҳам такрорлади.

## САРОЙДА ЧАҚИРИЛГАН ҲАРБИЙ МАШВАРАТ

Араб халифалигидан қасос олиш ҳиссиёти оловида ёнаётган Муҳаммад Султон шу масалада Давлат кенгаши чақирди. Аслида Хоразмшоҳ етук амалдорларининг ақл тарозисига солиб илгари сурилган маслаҳатларига қулоқ солиб, сўнгра оқилона ҳукмий хулоса чиқариб, фармон эълон қилиши зарур эди. Лекин у бунга тамомила зид иш тутиб, фақат ўзининг фикрини кўр-кўрона Давлат кенгаши аъзоларига маъқуллашиб, яна халифалик юришини тасдиқлашиб олмоқчи бўлди. Бундай дарғазаб ҳолатдаги қаҳр-ғазаб отига миниб турган Хоразмшоҳга ҳақиқатни ҳимоя қилиб чиқадиган ва тўғри сўз учун бошини тикадиган олий амалдорлар бу Машваратда оз бўлиб, уларни бармоқ букиб санамаса ҳам бўладиган даражада эди. Бу пайтда Жалолиддин Ғазнада, Темур Малик Хўжандда фаолият юритарди. Нажмиддин Кубро зарурат бўлмаган масала кўтарилиб, энг долзарб — Мўғуллар босқини муҳокамаси кун тартибига қўйилмаганлигига норозилик билдиргандек, ўрнига энг ёш, аммо валийлик мақомига аллақачон етиб бўлган ҳамда воқеаларни башорат қилишда Шайхул-Валитарош пири комил ўрнини боса олиш даражасига етган шогирди шайх Маждиддин Бағдодийни жўнатди. Бу улуғ инсон шоҳми ёки гадо, ким бўлишидан қатъи назар бошига қилич келса ҳам, фақат тўғри сўзни айтар, адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қиларди. Машваратда қатнашаётганлар орасида узоқни кўзлаб, мулоҳаза юритадиган яна бир инсон, давлат арбоби ва даврининг йирик олими Шихобиддин ал-Ҳевақий ҳам бор эди. Қолган барча Машваратда қатнашувчилар Хоразмшоҳга лаганбардорларча бўйсуниб, ҳайбаракаллари, иккиюзламачи дашти қипчоқлик амалдор ва саркардалар эдилар.

Давлат кенгашида бутун қаҳр-ғазаб ўтини араб халифалигини ағдариш учун ал-қасос ул-минал-ҳақ ҳарбий юришга қаратган Хоразмшоҳ бир овоздан ҳукмдорни қўллашга барчани даъват этди. Сарой залини жунбушга келтириб: дашти қипчоқлик саркарда ва қўмондонлар, „Бизни жанг майдонига бошланг Олампаноҳ, сиз учун ҳар дақиқада жонимизни берамиз, дея ҳайқирдилар“. Хоразмшоҳ улардан мамнун бўлиб, уларни тинчлантириш учун қўлини кўтариб, „етар“ деган ишорани қилади ва сўнгра бу тўғрида яна кимда фикр борлигини юзакигина сўрайди. Тасаввуф илмининг забардаст уламози ва ўз даврининг етук сиёсатчиси, худо ярлақан иқтидор эгаси шиддат билан ўрнидан туриб сўз сўрайди. Бу ҳаммадан ёш, ўспирингина йигитчага дашти қипчоқлик йирик амалдору саркардалар уни беписанд қарши олиб, шу тирранча болани ким саройга қўйиб юборган-у, унинг нимага ақли етади ўзи, қабалида ғала-ғовур кўтардилар. Бу ўспирин Нажмиддин Кубронинг иқтидорли шогирди, валийсифат уламо Маждиддин Бағдодий эканлигидан қисман Хоразмшоҳ, маҳаллий халқ орасидан чиққан шу ерда қатнашаётган амалдорлар хабардор бўлсалар, уни яхши биладиган забардаст олим ва ҳарбий вазир Шихобиддин ал-Ҳевақий эди. Ҳарбий вазир унинг ўткир сиёсатчи ва сиёсий илмлардан ташқари энди рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни аниқ башорат қилишдаги машҳурлигини ҳам биларди. Шахсан у билан шу соҳада мунозара суҳбатларини бир неча бор уюштириб, шу ёшида улуғлик поронасига кўтарилган ўспиринга жуда-жуда ҳаваси келиб, Ватанимиз аҳли илму ҳикмат бобидаги парвардигор алоҳида назар солган Маждиддин

Бағдодийдек ёш аллома билан жуда фахрланган ҳам эди. Ахир буюк аждодларимиз ал-Хоразмий, Беруний, Замахшарий ва яна қанча улуғларимиз айнан ўспирин ва йигитлик даврларида дунёни ҳайратга солган кашфиётлар ва асарлар яратгани айни ҳақиқат-ку. Зора, шожимизга инсоф бериб, у ғазаб отидан тушиб, ҳиссиётини жиловлаб, Ватаннинг илмда порлоқ қуёши бўлиб чиқиб келаётган инсоннинг қудратли илму тафаккури ва қиличдек ўткир фикрига қулоқ тутса, нур устига нур бўлур эди. Агар тескариси бўлса, кўп нарса бой берилади, ишқилиб охири бахайр бўлсин.

Маждиддин Бағдодий Хоразмнинг Бағдод қишлоғида дунёга келади. Ундаги фавқулодда истеъдод жуда эрта намоён бўлгач, отаси 7 ёшида „суяги бизники, эти сизники удумига амал қилиб бир неча уламоларга шогирдликка бердик, аммо 2—3 кун ўтар-ўтмас улар хабар юбориб, ўғлимизни олиб кетишимизни билдиравердилар. Кўпчиликдан маслаҳат олсак, бу ўғлингизга сабоқ беришга Нажмиддин Кубродан бошқа уламоларнинг илм-салоҳияти кучлари етмайди, тарзидаги фикрларни билдиргач, сизнинг ҳузурингизга келдик. Улуғ шайхимиз шу фарзандимизни ўз тарбиянгизга олсангиз деб остонангизга бош уриб келдик“, дейди, бўлажак улуғ алломанинг отаси. Шайхул-Валитарош эса: „Ҳа, тўғри қилибсизлар, бу бола Худонинг назари тушган бола, аввалроқ олиб келишингиз керак эди, майли ҳечқиси йўқ, бу фарзандингизга 2—3 кунлик ёки нари-бериси билан ўн кунча сабоқ берсам кифоя экан, сўнгра унга илм берадиган уламо қидиришга ҳожат ҳам, зарурат ҳам қолмайди. Шундан кейин у менинг илм даражамдан ҳам юксакликка кўтарилади“, — дейди Шайхул-Валитарош, ота-оналари эса „ундай бўлса, ўғлимизни ҳам шогирд, ҳам фазанд қилиб сизга бердик, биз унга берган нон, туз ва оқ сутимизга минг бор розимиз“ дейишди. Шундай қилиб, Маждиддин Бағдодий ишончли буюк инсонга шогирд ва фарзанд қилиб берилди. Нажмиддин Кубро унга юксак ишонч билдирди. Маждиддин Бағдодий 10 ёшига етганда „Кубровия“ тариқатининг тасаввуфий тараққиёт ривожидан тугган ўрни, „Тасаввуф ва ҳадис илми“, „Икки дунё саодатини англашда дин ва дунёвий илмларнинг ўрни“, „Илм — бу илоҳий неъмат“, „Мамлакат тараққиётида ҳукмдорнинг ўрни“, „Сиёсат фалсафаси ва Давлат бошқаруви“, „Одил ҳукмдор эл-улус ва юрт бахти“ мавзуларида бўлажак валий уламоларга Шайхул-Валитарош билан ёнма-ён, елкама-елка туриб олий минбарларда маърузалар ўқий бошлайди. Маждиддин Бағдодийнинг илми юксакликларга етганлиги тўғрисида маънавий меросларимизда турлича мисоллар келтирилади, ривоятлар ҳам анчагина. Шайхул-Валитарош унинг бемисл қобилият ва истеъдодини ҳисобга олиб, ислом дунёсининг турли мамлакат ва ўлкаларидан олимликка даъвогарлар ўзларига оқ йўл дуоси ва шу ҳақда фатво олишларини истаб, илм йўлини танлаганлар „Кубровия“ тариқатининг хонақоҳига келдилар, Шайхул-Валитарош эса уламоликка оқ йўл фатвоси Маждиддин Бағдодийнинг синовидан ўтилгандан кейин берилишига ишонч билдирди. Бундай илм ва уламолик шарафига етишиш фатвосини айнан Нажмиддин Кубро ҳазратларидан олинди бу ислом шарқи учун фахр ҳисобланган. Бу эътирофни Шарқ олами тан олар эди. Шунга эришган инсон буюк олимлар ва авлиёлар қаторидан ўрин оларди. Шунинг учун „Кубровия“ тариқати фалсафий-илмий ахлоқий марказининг обрў-эътибори Шарқ оламида жуда баланд турарди. Бўлажак олимларни имтиҳон қилаётганда ўспирин Маждиддин Бағдодий, одатда, тўрт бурчагига гужум дарахти экилган катта ҳовуз бўйида ўтириб синовдан ўтказганлар. Шундай пайтлардан бирида оқ матога ўроғлиқ китобини устози Маждиддин олдиға қўйиб: „Улуғ устоз, ушбу китоб ҳақир шогирдингизнинг қаламларига мансуб, шунга ўз фикрингизни билдирсангиз, — дейди узоқ мамлакатлардан йўл босиб келган толиби илмлардан бири. Маждиддин Бағдодий ҳатто китоб ўралган мато тугунини ечиб ҳам кўрмасдан, ҳовузга отиб юборади. Аччиғи чиққан толиби илм: „Улуғ устоз, ахир



ақалли унинг бир саҳифасини варақламасдан отиб юбордингиз, ўқиб, сўнгра отсангиз ҳам хафа бўлмасдим“, — дейди узр сўраб. Шундайми, дейди-да Маждиддин Бағдодий ўтирган жойида ҳовузга қўлини тиқиб, шундоқ китобни сувдан олиб, уни бир силкитиб, қуп-қуруқ китобини қўлига тутқазибди ва дебди: „Илмингни 10 йиллаб оширгандан кейин ёзсанг бу китобингни қабул қилган бўлардим, ҳозир уни ўқиганларнинг вақтини зое қилган бўласан“. Қўлида сал олдинроқ қандай бўлган бўлса, сувдан чиқарилганида ҳам китобининг шу ҳолатда — қуруқ турганлигидан толиби илм лол қолибди. Имтиҳон олиш билан боғлиқ ривоятлар бир-биридан ҳайратомуздир. Кўпчилик бўлажак валийлар кўнглида: „Наҳотки, биз ўз мамлакатимиздаги олий мадрасаларни барчадан аъло ўқиб битирсаг-у, келиб-келиб шу болачага имтиҳон топшириб ўтирсак“ тарзида фикр кечган ҳоллар кўп бўлган. Маждиддин Бағдодий бу кечган фикрни ботиний-лодуний илм кучи билан қабул қилиб, уларга: „На илож, илм олиш ва устоз-шогирдлик ёш танламайди“, дея жавоб беради. Улар эса: „Маъзур тутинг, устоз, биз сизга чурқ этиб сўз айтмаганмиз-ку, сиз эса бундай деяпсиз“. Устоз эса „демаганингиз рост, тилдан эмас, дилингиздан кечгани ҳам айни ҳақиқат“, деб жавоб қайтарган. Ана шундан кейингина бу ўспиринча жисман шундай болакай ҳолда кўрингани билан илоҳий илмлар соҳиби — валий инсон эканлигини англаб етганлар.

Ана шундай илму ҳикматлар хазинаси бўлган даврининг забардаст алломаси виқор ва собитқадамлик билан Хоразмшоҳ чақирган Машварат минбарига кўтарилди. Ҳукмдорнинг илгари сурган фикрлари мутлақ асоссизлигини мантиқий ва рад қилиб бўлмас далиллар билан асослади. Бу кичиккина ўспиринча бўлиб кўринган ва оғзидан болакайлик ҳиди кетмаган тирранча ҳукмдор Муҳаммад Султонга нимасига ишониб, ақл ва нима ўғит бермоқчи ўзи, деган фикрда Дашти Қипчоқ олий амалдорлари ҳа деганда Маждиддин Бағдодийни минбардан дарҳол узоқлаштириб юборардику-я, аммо Муҳаммад Хоразмшоҳ унинг сўзини эшитмоқчи бўлгани учун ҳам бундай қилишдан тийилишди. Маждиддин Бағдодий гапни бошлар экан, ҳукмдор ҳурматини сарой тартиблари асосида ўрнига қўйиб, ҳақиқий зиёлиларга хос босиқлик ва салобат билан фикрларини ирод этишга киришди. Минбарга кичкина ўспирин сифатида кўтарилган бу инсон денгиз тўлқинлари бир-бирига қўшилиб қудратли тўлқинлар ҳосил қилгандек, унинг сўз қудратидан уни тинглаётган олий мансабдорлар эшитиб, энди улар тобора кичрая бошлаётгандек ҳолат юз бера бошлайди. Гўё сўз лашкарини бирин-кетин зафарли жангга йўллаётган саркардадек машҳур нотик катта сеҳр кучи билан саройдаги Машварат иштирокчиларини ҳангу манг қилиб, уларнинг дунёқарашида ҳукм сурган узоқни кўра олмаслик оқибатлари қимматга тушишини сиёсий теран далиллар билан очиб ташлади. Сўз интиҳосида Маждиддин Бағдодий нутқини мухтасар қилиб қўйидагиларни қатъий таъкидлайди: „Олампаноҳ ҳукмдор! Менинг бу гапларим сизга оғир ботишини биламан, мукофот ўрнига жазога мустаҳиқ қилсангиз ҳам аччиқ ҳақиқатни бу ерга тўпланганлардан кимдир айтиши лозим. Шунини мен айтишга қарор қилдим. Бунинг учун бир қошиқ қонимдан кечинг ҳам демайман. Негаки, ҳозир шу дақиқаларда кўтарилаётган кун тартибидаги масала тўғрисида сиз сал фурсат ўтиб чиқарадиган фармон қонлар дарё бўлиб оқадиган қон тўкилишига асос ва сабаб бўлади. Шундай экан, бу сўзларим боис зора менинг қоним тўкилиши, ўша дарё бўлиб оқадиган қонларнинг тўкилмаслигига сабаб бўлса, мен ундан минг бор розиман. Улуғ подшоҳим! Араб халифалигига янгидан уруш эълон қилишингиз бу узоқни кўриб сиёсат юритувчи ҳукмдорнинг иши эмас. Ҳали биринчи юришдаги катта муваффақиятсизлик яралари битмаган, бу яралардан қонлар ҳали ҳам силқиб турибди. Агар халифаликка янгидан чинакамига юриш бошлайдиган бўлсангиз, шунини билингки, бутун Ислом мамлакатлари сизнинг ашаддий душманингизга айланади. Сиёсатда, айниқса, дунё денгизда кўтарилган бўрондай

чайқалиб турган паллада бу хатони янгидан такрорлаш салтанатни нақ инқироз домига келтиради. Сизнинг манави (дашти қипчоқликлар назарда тутилмоқда) ишонган амалдор ва саркардаларингиз хоҳишига эрк берманг. Сизга ҳаққоний маслаҳат берувчилар эса бу ерда йўқ, уларни салтанатнинг турли вилоятларига хизмат сафарига жўнатгансиз. Фақат Шайхбиддин ал-Ҳевақий амалдорингиз бундан мустасно.

Буюк аждод ота-боболарингиз бу салтанатни вужудга келтириш учун бутун умрларини сарфладилар. Сиз уни мустаҳкамлаш ўрнига юзаки фармонлар билан ғанимларга ем қилмоқчисиз. Араб халифалигига қилич кўтаришни бас қилиб, бутун фикру зикрингизни Шарққа қаратинг! Ватан, салтанатингиз, миллионлаб фуқароларингиз, қолаверса, ануштегинлар сулолангизнинг ҳаёт ва мамоти мўғул хоқони қароргоҳида, сафарбарликни бошлаб юборган Чин-Мочин ҳудудларида ҳал қилинмоқда. Бутун куч-қудратингизни вақт борида йиғиб, назарингизни Шарққа қаратинг. Тўфон алақачон бошланган, ҳадемай бу булут хоразмшоҳлар юртини босиб, зимистонга айлантиради. Унинг чигирткамисол қўшини юртга ёпирилса, унда ҳаёт уни ўчади. Бунинг олдини олмас экансиз сизни аждодлар ҳам, келажак авлодлар ҳам ҳақоратларга кўмиб ташлайди ва лаънатлайди. Ҳозирги қилаётган ишингиз бу сиёсат эмас, менинг назаримда ундан сиёсатнинг эмас, болаларча фикрлашнинг ҳиди анқиб турибди. Ҳукмдор сифатида енгил-елпи қарашлардан воз кечиб, ўзингизни қўлга олинг, сизда Ватаннинг, фуқароларнинг ҳаққи бор, шуни асло, унутманг!“ Шу билан Маждиддин Бағдодий сўзини тутаганлигини билдириб, ўз жойига ўтиришга изн сўради. Хоразмшоҳ бир оз сукутдан сўнг жимликни бузиб: „Шуни айтган экан-да қадимгилар, бемаврид қичқирган хўрознинг мукофоти пичоқ деб.“ Сўнгра кўзлари косасидан чиқар тарзда важоҳат билан „жаллод“ сўзига эрк берди Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон. Дарҳол жаллод ҳозир бўлди ва Маждиддин Бағдодийни олиб чиқиш ва тезда қатли амалга оширишни буюрди. Жаллод темир қўллари билан омбурдек сиқиб, қоп кўтаргандек бир силкиб, қўлтиқлаб кўтарганича Маждиддин Бағдодийни олиб чиқиб, қўшни хонадаёқ бўғизлаб ташлади. Шайхнинг даҳшатли овози кенгаш қатнашчиларини ларзага солди. Машварат бирор қарор қабул қилмасдан тарқатиб юборилди. Шу билан Хоразмшоҳлар салтанати маънавият ва маърифатининг порлоқ юлдузларидан бирининг ҳаёти ҳали ғунчалик пайтидаёқ сўндирилди. Агар унинг ҳаёти бевақт узилмаганида халқимизга қанча бебаҳо маънавий мерос хазинасини тўхфа қилиб қолдирган бўлур эди. Афсуски, тақдир уни эрта, жуда эрта ҳаётдан олиб кетди. Шу билан Хоразмшоҳ катта гуноҳи азимга қўл урди. Унинг ҳаётига зомин бўлиши билан Хоразмшоҳ ўзига ҳам касофат ва бахтсизлик эшикларини очди. Бу руҳий ҳодиса Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубронинг суюкли шогирди Маждиддин Бағдодийнинг қатли муносабати билан Муҳаммад Султонга илоҳий ҳиссий нафрат қарғишини йўллаши билан боғлиқ ҳодиса эди.

Нажмиддин Кубро бу мудҳиш ҳодиса саройда содир бўлаётган паллада ўзининг Шарқ оламида машҳур ва эътироф этилган „Кубровия“ тасаввуф тариқати диний-фалсафий академиясида валиulloҳлик даражасига яқинлашиб қолган шогирд толиби илмларига уларни селдек жунбушга келтирувчи бетакрор маърузасини ўқийётган бўлиб, қуёшдек порлаб, ўзгача илоҳий ҳолат вазиятига тушиб, гўзал бир қиёфада „Икки дунё саодатини таъминлашда руҳий покизаликнинг аҳамияти“ тўғрисида маъруза ирод этиб, ўз шогирдларини олам-жаҳон илмий ва завқий кенгликлар майдонида сайр қилдирмоқда эди. Бу пайтда Маждиддин Бағдодийнинг руҳ қуши улўф инсоннинг иссиққина танасини тарк этиб, абадий олам парвози сари учмоқда эди. Шогирди шу пайтда берган илми ва нон-тузларига рози бўлишини сўраб устози Шайхул-Валитарошга видолашув хабарини илоҳий-руҳий ва лодуний куч-қуввати воситасида жўнатди. Нажмиддин Кубро бу даҳшатли фожианинг содир бўлаётганлигини



Чингизхон ва Ботухон бошчилигидаги мўғулларнинг истилочилик юришлари харитаси. XIII аср.



Жиба. Темир ёки пўлатдан тайёрланган ҳарбий жанговар кийим. Жанговар кийимларнинг оғирлиги 20 — 25 килограммдан 45 — 50 килограммгача бўлган.

қабул қилиб олаётиб, бирданига ажабтовур ҳолатда бош ва гавдаси чайқалиб кетган. Толиби илмларнинг илму ҳикматда етукликка етганлари ҳам қандайдир фавқулодда воқеа юз берганлигини сезадилар, ўша лаҳзаларда икки буюк инсонлар — устоз-шогирдлар бир-бири билан рози-ризалик муносабатларига илоҳий-тафаккурий қувватлари ёрдамида киришаётган эдилар. Булар фақат пири комил, пири каромат авлиё инсонларга хос алоқага чиқиш усулларининг қўлланилиши эди. Албатта, бу улўф Шайхул-Валитарошнинг илоҳий ҳол ҳолатидаги қиёмига етиб ўқиётган авж парда баландлигидаги илмий қиймати юқори даражада ўқиляётган маърузага салбий таъсир қилди. Уни машойихлар: „Қуй авжида узилмасин тор“ йўсинида, оддий халқимиз тилида эса „чоғиб бораётган тулпор пешанасига болта билан уриш“ қиёсий қабилда қўллайдилар. Албатта, Мажиддин Бағдодий Шайхул-Валитарош учун шогирд бўлиб қолмай, „Кубровия“ таълимотида унинг ўнг қўли, таянчи ва буюк воизига айланган эди. Шунинг учун шогирдининг ўлими Нажмиддин Кубро жисми ва руҳий олами ларзага келтирди, қалби қаттиқ оғринди ва жароҳатланди. Буюк инсон фақат истеъдодли шогирдидан эмас, суюкли фарзандидан ҳам ажралган эди. Хоразмшоҳнинг шу даражадаги шафқатсиз фармон чиқарганлигидан қаттиқ нафратланди. Бу нафрат ўзининг аниқ нишонини шу пайтдаёқ топган эди. Мажиддин Бағдодий жаллод томонидан бўғизланиб, иссиқ қонидан буг чиққан ҳолда хонада оқаётган пайтдаёқ Муҳаммад Султон ўзини бирданига нохуш ҳис қилиб, сарой эшиги оғаси ва унинг ёрдамчилари ҳукмдорни суяганларича ўз хонасига олиб чиқиб кетадилар. Шу тариқа Машварат ҳеч қандай натижа чиқмай тўхтатилиб, иштирок этувчилар тарқалиб кетадилар. Бу нохуш ҳолатларнинг сирини тезда англаб етган йирик олим ва ҳарбий вазир Шихобиддин ал-Ҳевақий оғир аҳволда хонасига киритилиб, энди ётқизиляётган ҳукмдор ёнига кириб: „Олампаҳо, сизнинг танангиздаги бу салбий ўзгаришнинг бирданига зоҳир бўлиши асаб ва руҳий зўриқишдандир. Сарой бош табибимиз нима деркин?“ — дея ҳукмдор табибига юзланди. Томир уришини текширган табиб ҳарбий вазир фикрини тасдиқлади. Саройдаги мўътабар зотлар Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро ҳузурига бориб жаҳл устида Мажиддин Бағдодийни қатлга буюрганлиги ва гуноҳидан кечиш учун нима қилиш лозимлигини маслаҳат олиш кераклигини беҳол Хоразмшоҳга тавсия қилишди. Ҳар эҳтимолга қарши қатл этилган шогирдининг боши ва қони оғирлиги миқдоридан тилла олиб бориш лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтишди. Ҳар ҳолда улўфлар улўғи ёнига гуноҳингиздан кечишни сўраб бораётган шоҳ қуруқ қўл билан Шайхул-Валитарош ҳузурига бормаслик лозимлигини ҳукмдорга эслатиб қўйишди. Бу воқеага улўф шайхнинг қандай муносабатда бўлганлигини XVII асрда яшаб ўтган давлат арбоби ва йирик саркарда, шунингдек, машҳур тарихнавис олим, Хива хони Абулғозий Баҳодирхон ўзининг „Шажаарайи турк“ тарихий асарида шу ҳақда қўйидагича қимматли маълумотлар берган эди: „Ул бўлди ким онаси Туркон Хотун бирлан тўхмат қилиб, Шайх Мажиддин Бағдодийни шаҳид қилдирди. Ҳукмдор Муҳаммад Султон қилган ишидан пушаймон бўлиб, бир табақ олтин ва жавоҳир тошларни Шайх Нажмиддин Куброга юбориб айтадиким, менинг бу гуноҳимни афв қилсунлар. Шайх айтдиларким, анинг боши учун хун баҳоси олтин ва жавоҳирларингиздан ҳам қиммат турурки, ўлдирилган киши ва уни ўлимга буюрган киши ҳамда менинг бошим баҳоси тугул, барча халойиқнинг боши қиммати баробарида турур. Шунинг учун унинг Арши аълога парвоз қилган руҳини безовта қилмай десангиз, олтин-жавоҳирларингизни олиб, тез қайтиб кетинглар“. Бу билан Шайхул-Валитарош Хоразмшоҳга шогирдининг бошидаги илм баҳоси сенинг хазинангдаги олтин ва жавоҳир бойликларингдан ҳам юқори туради, деган фикрда жавоб бериб, уларнинг қайтиб кетишини талаб қилган эди. Шунини таъкидлаш лозимки, Абулғозий Баҳодирхон Хива ҳукмдори бўлиб турганида ноёб тарихий,

фалсафий, тиббиёт ва бошқа турли фанларга оид катта кутубхона ташкил қилиб, унда энг нодир Шарқ қўл ёзма асарларини тўплаганлиги ҳамда ўз тарихий-илмий асарларини энг ишончли манбаларга таяниб ёзганлигини қайд этган эди. Унинг асарлари ўрта асрлар тарихи асарлари орасида асл манбаларга таяниб ёзилганлигини, шарқшунос мутахассислар ҳам яқдил эътироф этадилар.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, тарихда шоҳлар, ҳукмдорлар қилган нотўғри иши учун бошқаларнинг олдига кечирим сўраб бориши камдан-кам ҳодисадир. Шуни ҳисобга олиб Муҳаммад Султондек йирик салтанат ҳукмдори Нажмиддин Кубро ҳузурига бош уриб бориши тарихий ҳақиқат экан, бу Шайхул-Валитарош ва унинг қатл этилган шогирдининг ижтимоий-сиёсий ва илму маърифат бобидаги обрў-эътибори қанчалар юксак бўлганини кўрсатувчи далилдир.

## ХОРАЗМШОҲГА МУНОСИБ РАҚИБ

Хоразмшоҳ сиёсий хатоларни қайта такрорлаб, саройда ўзаро гуруҳлар ички курашларининг кучайишига кенг йўл очиб берар экан, яна бир катта таянч салтанатда кучли таъсирга эга бўлган йирик руҳонийлар ишончи ва мададидан ҳам маҳрум бўлди. Аксинча эса, катта йўқотишларни бошидан кечираётган Муҳаммад Султон ҳукмдорлик жilовини бўшаштираётган бир вақтда мўғуллар Гоби чўлларига сиғмай, аввало қўшни мамлакатларни босиб олди. Ғалабалар кетидан ғалабаларга эриша боргач, сўнгра Осиёнинг шимоли-шарқий катта ҳудудларига чанг солдилар. Ана шундан кейин улар худди бўйи ва энига ўсаётган даҳшатли афсонавий махлуқдай куч-қудратга айлана бордилар. Йирик-йирик давлатларни йиртқичларча ғажиб ташлайвердилар. Бу адоғи кўринмас қирғин урушлар ташкилотчиси ва раҳнамоси ҳам Темучин эди. У (яъни Чингизхон) 13 ёшга етганида отадан етим қолди. Отаси Ясугай баҳодир армон билан ўлар экан, ўсмир ўғлига васият қилди: „Ўғлим, замоннинг бизнинг оиламизга кулиб боқмаганлигини, гарчи ёшроқ бўлсанг ҳам ўз кўзинг билан кўрдинг. Қабил ва уруғлар курашида ҳам омад отангни четлаб ўтди. Мўғуллар уруғининг кичик қабила сардори эдим, катта қабила ва уруғлар менинг кўкариб, катта сардорга ўсиб ўтишимга ҳар томонлама тўсиқ қўйдилар. 400—500 нафар қўл остидаги қўшинимдан менга содиқ қолган бир гуруҳ жангчи қолди, холос. Қолганлари тузлуғимга тупуриб, йирик сардорлар, қабила бошлиқлари вафосизлик байроғини кўтариб ғанимларим тарафга ўтиб кетди. Бор бойлигимизни ҳам талаб кетишди. Айни у дунёга кетиш чоғимда сенга қолдираётган бойлигим ҳам йўқ“. Шундан кейин тузини оқлаб ўзига содиқ қолган жангчиларининг гуруҳига юзланиб, Темучиннинг отаси Ясугай баҳодир шундай васият билан уларга мурожаат қилди: „Мендан қолган битта ёдгор ўғлимни ҳимоя қилинглар, менинг у дунёга кетиш олдидан сўнгги бор сизлардан илтижом шу“, деб оғир кунда бизни ташлаб кетмаган бир гуруҳ жангчиларимга зоримни айтдим. Улар содиқ қолишга қасам ичиб ваъда беришди. Сўнгра яна ўғлига юзланиб: „Бардам ва ғанимларимдан эҳтиёт бўл, мўғул қавми қасосга ўч бўлади. Ясугайнинг ўғлини майиб-мажруҳ қилишдан қайтмайдиган рақибларим бисёр. Катта бўлгач менинг қасосимни олиб, ҳеч бўлмаганда ўз бойликларимизни тортиб олганлар билан қилич тутишга яраган чоғингда ҳисоб-китобингни ўрнига қўйиб, уруғимиз шаънини ҳимоя қилиб, боболаринг туғини баланд тутсанг руҳим ғоят шод бўлур эди, алвидо ўғлим“. Отаси вафоти олдидан Темучинга шундай жанговарлик руҳида васият ўрнида буюртма берган эди. Энди ўспирийн Темучиннинг тақдири отасига содиқ қолган ва ўғлини охиригача жонини жабборга бериб бўлса-да, ҳимоя қилишга қасам ичган жангчи гуруҳ хатти-ҳаракатларида қолган эди.

Ўсмирликдан йигитлик давригача Темучиннинг отасидан рўшнолик кўрган бир гуруҳ жанговар йигитлар унинг бахтига қасамига содиқ қолдилар, турли йўллар билан бўлажак мўғул йўлбошчисини хавф-хатарлардан ҳимоя қилдилар. Энди йигитликнинг илк давридан оқ ҳаёт ва қолаверса, отасининг васияти уни қўлига қурол олиб, оиласининг мол-мулкани тортиб олган ва падарининг армон, қайғу-ҳасрат билан ўлим топишига сабаб бўлган ғанимларидан ўч олишга ундади. Шу тариқа аччиқ ҳаёт фожиалари, ўсмирликдан унинг қалбига яра солган ва бир вақтда шафқатсизлик муҳрини ҳам босган эди. Шафқатсиз ҳаёт гирдобини ва қайновида ўсган Темучинни муҳитнинг ўзи ёшлиқдан шафқатсиз майлларда тарбиялади. Натижада унинг қалбида ғанимларига нисбатан қаҳр-ғазаб ҳисси, қасоскорлик туйғусининг эрта уйғонишига тўртки бўлди. Аммо Темучин ғанимлар билан фақат қасоскорлик ва нафрат руҳи билан курашиб, ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини ҳам яхши англаб турарди. Бунинг учун ақлни қилич кучи билан бирлаштириш зарурлигини ҳам биларди. Биринчилик учун аёвсиз кураш олиб бораётган мўғул уруғ ва қабилалари сардорлари билан қандай қилиб тенг рақобатга, ундан кейинги босқичда эса шохсупага нима қилиб эришиши мумкин? Тинкани қуритувчи оғир жумбоқлар ечими ўсмирликдан оқ унга тинчлик бермади. Мўғулларнинг шафқатсиз ва тартибсиз ҳаёти муҳитида улғайиб борар экан, ҳар қандай қийинчиликларга тишини тишига қўйиб мақсади сари интилаётган Темучин бунга дастлабки қадамни ташлаб, илк тирқиш очишга интилди. Ўзаро қарши курашувчи гуруҳлардан бирига отаси тарбиясини олган бир гуруҳ жанговар йигитлари билан ёлланма жангчи бўлиб кирди. Сардорнинг ишончига кириш учун унинг ғанимларига қарши жанг майдонида хўжайин кўз ўнгида довурак жангчи эканини исботлашга интилди. Бир неча тўқнашувларда Темучин ўзидан бир неча бор устун ғанимлар лашкарига ҳужум қилиб, уларни ўз жанговар гуруҳи билан пароканда қилди. Навбатдаги жанглارнинг бошланиши олдида сардори уни ўзига қўмондон ўринбосари қилиб тайинлади. Сардор кўрдик, жангда ғоят моҳир баҳодир жангчи, жангга кириш олдида ҳарбий ҳаракатлар режасини тузишда худди катта лашкар қўмондонидай душманга зарба беришнинг йўл-йўриқларини дадил айта олади. Ундаги саркардага хос истеъдодни кўрган сардор Темучинга катта ишонч билдирди. Аммо ана шу тўқнашувда сардорига ғанимлар паҳлавонларидан бири отган ёй ўқи нақ юрагига санчилиб ҳалок бўлди. Бундан саросимага тушган жангчилар ғалаба қилишларидан умидини узиб, руҳлари тушиб жангни бой бера бошлаб, тартибсиз чекина бошлади. Ана шу пайтда Темучин чекинаётган лашкарни тўхтатиб, уларни қарши ҳужумга бошлади. Ғанимининг Бош қўмондони қароргоҳига биринчилардан бўлиб етиб келган Темучин лашкари қўмондон ўринбосарини ҳимоя қилиб матонат билан жанг қиладилар. Темучин яккама-якка олишувда ҳақиқий баҳодир жангчи эканлигини намойиш этади. Ғаним сардорини оғир ярадор қилиб отдан ағдаради. У жангда ҳалок бўлгач, яна бир неча соат олиб борилган жангда Темучин лашкари ғаним қўшинини бутунлай тор-мор келтиради. Шу ғалаба эвазига Темучинни лашкарлар бош сардорликка кўтардилар. Шу тариқа у анча йирик қўшин бош қўмондонига айланди. Темучин энди бу имкониятни янада мустаҳкамлаш учун йўл ахтарди. Изланганга толе ёр деганларидек, жангдан-жангга унинг истеъдод қуёши порлай бошлади.

Ниҳоятда ҳийлакор ва ҳарбий санъатдаги қобилияти фавқулодда кучли бўлган Темучин отасининг ғанимларини алоҳида-алоҳида тор-мор этишни режалаштирди. Режани амалга ошириш Темучинга қийин бўлмади. Негаки, унинг қўл остида яхшигина жанг олиб бориш усуллари эгаллаган анча йирик лашкар мавжуд эди. Бирин-кетин жангларда уларни мағлуб қилди. Ғанимларининг асир тушган жангчиларига омонлик берди. Уларни кичик-кичик бўлинмаларга бўлиб, ўз қўшини таркибига қўшиб юборди. Шу тариқа энди Темучин

лашқари Мўғул қабила сардорларининг ҳукмдорлик даъвоси учун курашаётганлардан исталгани билан рақобатга киришиши мумкин эди. Шу билан бир вақтда у ота васиятини ҳам ортиғи билан уддалади. Ўз уруғининг сиёсий-ҳарбий обрўсини тикладигина эмас, зафарнигор лашқари билан мўғулларнинг хоқони бўлиш учун кечадиган навбатдаги жангларга ўз қўшинини тайёрлашга киришди. Унинг иқбол қуёши мўғулларнинг чексиз барханлардан-барханларга уланиб кетган бепоён Гоби чўлларининг шарқий ҳудудларидан порлаб чиқа бошлаган эди. У ўз олдига ўзига қаттиқ ишониб, мўғулларнинг ўзаро низоларини тўхтатиб, ягона марказлашган давлат тузиш мақсадини қатъий қилиб қўйди. Унинг онг ва шуури ҳаёт ва ўлим уфуриб турган жанг майдонларида шаклланди.

Мўғулларда қадимдан ҳар бир уруғ ва қабиланинг шомон руҳонийси бўлиб, қабила ва уруғ сардорлигига даъвогарлар ўша руҳоний тарбиясидан ўтардилар. Улар йигитлик ва жанговарликнинг дарёдек тошадиган ҳиссиётларини бир меъёрга келтириш, инсоннинг жисмоний-руҳий кучларини ташқи олам сеҳрли кучлари билан мувозанатини таъминлашнинг сир-синоатли илмлари билан таъсир қилиб, мақсадга эришиш жараёнидаги вазифаларни белгилаб берардилар. Бу ишларнинг пири даражасидаги шомон — Олий руҳоний Теб-Тангрый эди. Қабила оддий руҳоний шомони Темучиндаги истеъдод ва қобилиятни сезиб, уни мўғул қабила ва уруғларининг йўлбошчи-дарғаси Олий шомон Теб-Тангрый ҳузурига бошлаб борди. Теб-Тангрый кириб келган шомон қошидаги шиддаткор йигитга бир назар солганидаёқ, унинг жисмий-руҳий тарбиясига изчил эътибор қаратилса, жуда катта ишларга қодир ва мойиллигини дарҳол илғади. Теб-Тангрый Темучинни олиб келган уруғ руҳонийсига: „Баҳодирни қолдириб қайтиб кетаверинг“, ишорасини қилди. Теб-Тангрый Темучинни шомонлик фалсафий мактабига қабул қилди. Шу-шу, Темучин Олий руҳоний Теб-Тангрыйни ўзининг пири дея эътироф этди. Олий руҳоний қўидаги ўғитларимни ҳаётинг давомида қулофингда тут: — Тоғ чўққисига қара, у энг сербаланд чўққи, мақсадингни аниқ ва қатъий қилиб белгила, сўнгра шу чўққига қараб тирноқларингдан қон чиққунча интил. Унинг учун жисмий руҳий кучингни танангда мужассам қил. Чўққининг буюклиги, унинг қудрати бемислиги, тошларнинг метиндек мустаҳкамлигида. Шунинг учун шунча юкни кўтариб мағрур турибди. Ундан ибрат ол!

— Шафқатсизликни шафқатсизлик билан қайтар, негаки, шафқатсизлик яхшилиқни йўқ қилишда ёвузликнинг асосий қуролидир.

— Ғайратли ва кучли инсонларни ҳар қандай шароитда ўз ёнинга ол, улардан ҳеч нарсани аяма, сенинг шу яхшилигинг учун улар ўлимга доимо тайёр бўлиб хизматингда турадилар.

— Қўрқувни қалбинг ва жисмингдан чиқариб ташла, ўлим олдида титрама, иккиланганинг ва қўрққанингни ваним билдими, бу сенинг фалокатингдир.

— Атрофингдагиларга сенинг камчилигингни қидириш ва англашларига имкон яратма, қолдирма, англаб улгурганидан воз кеч, қутул, негаки, унинг охири яхшилиқка олиб келмайди. Ишончсизлик юзага келган жойда иш путурдан кетади.

— Доимо сирли бўлиб кўрин, сирли бўлиб қол, одамлар кутмаган иш ва тадбирларни қилишга одатлан, улар ҳаммадан сенинг зўр эканлигингни билиб эътироф қилсин.

— Мақсад йўлида ҳеч нарсадан қайтма ва шу йўлда ҳеч нарсани аяма.

— Айёрликни тулқидан, ғажиб ташлашни бўридан, ўлжага ташланишни шердан ўрган.

— Ҳукмдорликни даъво қилсанг темирдек қаттиқ бўл, вазир сақласанг ақли ўткир бўлсин, сенда эса килич.

— Дунёнинг ҳокими бўлмоқчимисан, доимо олға бос, мамлакат ҳукмдорларини тиз чўктир, фуқароларни қўрқув ва ваҳима исканжасида сақла, токи ғанимларнинг давлатингга қарши бош кўтаришдан ожиз турсин.

— Давлатингга бирон йўл билан зиён етказмоқчи бўлганларнинг тез ва доимо баҳрдан ўтишни одат қил, кейин кеч бўлади.

— Сени нон-туз билан кутиб олган қавмга шафқат қил, қаршилиқ қилган ғанимларни шамолга совуриб ташла.

— Сенинг давлатинг таркибига кирган халқларнинг диний эътиқодини таъқиб этма.

Олий руҳоний Теб-Тангриининг сабоқларидан кейин Темучин қалбидаги тугёнлар ва еру қўкка сифмаётган шиддат бир изга тушгандек бўлди. У Темучинни шундай тарбия қилдики, 40 ёшига етганида чўл кенгликлариغا сифмай, от елдириб ўзаро „урҳо-ур“ тўқнашувлардан катта сиёсат майдонида жавлон уриб, мўғулларнинг куч-қудратини дунёга кўрсатиб қўйишни қатъий мақсад қилган сардор даражасига кўтарилди. Теб-Тангриининг унга тузиб берган ҳаракат дастури Темучиннинг ҳукмдорлик тожу тахти томон силжиб боришида маънавий-руҳий куч-қувват бўлди. Ўз мақсадларини амалга оширишда сиёсий тарбия ва йўлчи юлдуз бўлди. Айниқса, Олий шомон пирининг дунё ҳукмронлигини истасанг: „Тулкидек айёр, бўридек ғанимни ғажишни, шердек ўлжага ташланишни шулардан ўрган“ ўғити уни шу учта йиртқич феълени аъло даражада эгаллашга ундайверди. Ўшалардаги барча хатти-ҳаракатларни қўллаш орқали у ғалаба кетидан ғалабаларга эришаверди. Натижада уруш-талаш ва босқинчиликни асосий турмуш тарзига айлантирган ўта жангари ва урушқоқ қабилалардан бўлган тойжут, салжуит, қўнғирот, баҳрин, дўрмон, мақрит, жожирот, жалойир, тотор, ўйрот, буркин, қайқин қabila ва уруғ сардорларини Темучин бирин-кетин ўзига бўйсундирди. Бу қabila сардорларининг садоқат билан унга хизмат қилиш қасамини олди. Қабилалар одатича қасам бу чўлликларнинг ёзилмаган, аммо ҳаётда амал қилиниши шарт бўлган қонуни ҳисобланарди.

Мирзо Улуғбек манбаларга таяниб мўғулларнинг ушбу урф-одатларини қандай бажаришларини асл ҳолича „Тўрт улус тарихи“ („Тарихи арбаъи улус“) асарида қуйидагича тасвирлайди: „Қавм кадхудолари мўғул одати бўйича бирор ҳукмдорга содиқлигини билдириши учун от, хўкиз, ит келтириб сўядилар, сўнгра ҳукмдорга қараб: „Агар аҳдимизга хилоф иш қилсак, айни шулардек ўлдирилайлик“. Жангари бир неча мўғул уруғлари сардорлари ва қabila хонлари Темучин хизматиغا кирганларидан кейин унинг лашкари мўғул қавмлари орасида энг кучли қўшинга айланди. Темир интизомли қўшини билан Мўғулистон ва унинг атроф ҳудудларига қарши уруш байроғини кўтарди. Қудратли ва уришқоқ мўғулларнинг кeroит қабиласи ҳукмдори мағлубиятидан кейин Темучинга Гоби чўлларида яшаётган барча қabila ва уруғлар бўйсундирилди. Унинг кeroитларни тор-мор этган жанг хабари бу ҳудудларга тез ёйилади.

Шу тариқа Темучин мўғуллар ҳудудидаги барча рақибларини тор-мор қилиб, Марказлашган давлатга асос солган пайтида раппа-расо 49 ёшда эди. Мирзо Улуғбек ўзининг „Тўрт улус тарихи“ асарида Темучиннинг тахтга чиқишини қуйидагича ёзган эди: „Унинг улкан фатҳ салобати теварақ-атрофга тез ёйилди. Ўша диёрда бўлган мўғул қавмлари элу улусининг кўпчилиги тоат ҳалқасини итоат қулоғига илиб, Найман мавзеида ўрнатган соҳибқирони аъзам тахти поясига келдилар. Барча мўғул сардорлари ва хонлари Темучин қооли муаззамнинг тахти қаршисига келиб тиз чўкиб, хонлик муборакбоди ва жаҳонбонлик оқлишини бажо келтирдилар. Шоҳ бўлган чоғда у бир кам 50 ёшда эди“.



1205 йилгача Темучин Мўғулистон ҳудудидаги барча рақибларини мағлуб этгач, орадан бир оз ўтиб, 1206 йил баҳорида Онон дарёси бўйида Қурултой чақирди. Олий шомон Теб-Тангри уни мўғулар хоқони деб эълон қилди.

Деди: „Кеча Тангри менга хабар бердики, жаҳонга янги насоқ(шоҳ) қилурман, жаҳон мулкени Темучинга бергум. Унга Чингизхон номини берамиз. Олам подшоҳларини унга тобе қилурмиз. Қўр тузган вақтингдан бошлаб, шуни билки, тангри сенга берди. Энди сен яловингни баланд кўтариб, одил қадам ташла. Золимлардан мазлумлар додини қутқаз. Келиб чиқишинг гадо бўлса ҳам жаҳонни нопокликлардан тозала, фосиқларни йўқот. Айш аҳли косасига тупроқ ташла, хашакка тортинмай газаб ўгини қўй. Саркашларнинг бошини кўм. Подшолар боши оёғинг тупроғи бўлур. Худо жойингни подшолар тожида белгилайди. Тангри номидан айтаман сенга бу розни, ҳақ амридан чиқмагин, сени Чингизхон деб атайман. Энди Темучин эмассан“. Бу гапни эшитганлар эгилиб, ер ўпдилар. Ҳаққа илтижо қилиб, пешаналарини ерга теккиздилар. Шундан бошлаб ҳамма Темучинни Чингизхон деб атай бошлади.

Чингизхон Қурултой ишларини кўнгилдагидан зиёда қилиб тугатгач, мустаҳкам салтанат бошқарувига хизмат қиладиган қонунларни жорий қилишга киришди. Қонунлар мажмуаси „Ясоқ“ (кодекс) давлат бошқарувида барчага амал қилиш мажбурий, шунингдек, ҳуқуқий олий ҳужжат эди. Унда ишлаб чиқилган қонун-қоидаларга хоқон (император)дан тортиб барча олий мансабдорлар, гуруҳлар, табақалар ва хоқонга тобе ҳудудлардаги жамики фуқаролар қатъий риоя қилишлари шарт эди. Уни бузиш ўлим жазоси билан яқун топарди. Қонунлар мажмуаси барча аҳоли қатламлари ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда мажбуриятларини содда тилда, ҳаммага тушунарли қилиб ишлаб чиқилган эди. „Ясоқ“ да ёрлиқлар бериш, хон фармонлари, уни ижро қилиш тартиблари, шунингдек, шахзодалар, хоқоннинг яқин қариндош-уруғлари ва жанговар сафдошларига йўриқ, насиҳатлар ҳам ўз аксини топган эди. Чингизхоннинг давлати катта ҳудудларни қўшиб олгач, унинг дипломатик алоқалари Осиё, Европа ва Шимоли-шарқий Африкада жойлашган давлатлар билан кучая борди. Шунга кўра „Ясоқ“ ташқи алоқалар, халқаро ҳуқуқий муносабатлар, жиноят ва жазо, савдо, оилавий ҳуқуқ, мулкӣ муносабатларни тартибга солиш, шахсий ҳуқуқ, ҳарбий тартиблар, яъни ҳаётнинг сиёсий, моддий ва маънавий қирраларининг ҳуқуқий жиҳатларини ўзида мужассам этган эди. Қонун мўғуларнинг қадимдан давом этган урф-одатлари, турмуш тарзи, анъаналари ва Чингизхон ташкил этган улкан салтанат мазмун-моҳиятини ўзида теран ифода қилиб, бошқа халқлар устидан ҳукмронлик қилиш, шу халқлар моддий бойликларини талаш ҳисобига ҳаёт кечирини рағбатлантирар ва босқинчилик урушларини олиб бориш каби агрессивликни ўзида мужассамлаштирган эди. Бу қўйидагиларда намоён бўлди:

— Ҳукмдор „Ясоқ“қа қатъий риоя этган ҳолда давлат бошқарувида унинг қонун-қоидаларидан четга чиқмаган ҳолда фаолият юритиши ва шу тўғрида қасам ичиши лозим эди. Мўғулар жуда кўплаб қабила ва уруғлар ҳамда турли халқларни босиб олиш эвазига салтанат қурганлиги сабабидан улар турли динларга эътиқод қилишлари боисдан ҳар бир қавм ва халқлар ўз динига эътиқоди сақлаб қолинди. Чингизхон давлатни бошқаришда олий руҳонийлар маънавий-руҳий куч-қудратидан унумли фойдаланар эди.

— „Ясоқ“қа риоя қилмаганларни ўлим жазосига тортиш ва унинг ижросини тез таъминлаш.

— Диний эътиқод эркинлиги.

— Эркаклар доимий тарзда уруш ҳаракатларида қатнашганлиги учун аёллар наслини давом эттиришлари жараёнидаги гуноҳлари кечирилиши ва жазога тортилмаслиги.

— Қаршилик кўрсатган қавм ва халқларга раҳм-шафқат қилмай жазолаш ва мол-мулкларини қўшин ва давлат хазинасига тақсимлаш.

— Ўғирликка дарҳол олий жазо бериш.

— Мўғул жангчиси қоровулликда ухлаб қолса ёки жангда рухсатсиз чекинса ва жанг майдонини ташлаб қочса, ўлим жазоси берилиши.

— Хон фармонини етказувчиларга бирон жойда монелик қилмаслик ва уларни анжомлар билан таъминлаб, тез навбатдаги бекат ҳамда бандаргоҳга ўтказиб юборишдан иборат.

„Ясоқ“нинг асосий қисмини ҳарбий интизом қонун-қоидалари ташкил қилди. Унда Чингизхоннинг дунёни эгаллаш каби босқинчиликдан иборат режалари ва ҳарбий-сиёсий доктринаси ўз ифодасини топган эди.

„Ясоқ“да Чингизхоннинг кўчманчи қавмларга хос қатъиятлилиги, мардлигидан тортиб, шафқатсизона майлларда салтанатни идора қилиш манфаати, феъл-атворига хос ва мос хусусиятлар руҳи уфуриб турарди. „Ясоқ“қа амал қилиниши натижасида узоқ йиллар мўғулларнинг қавмлар ва уруғлар орасида низолашувларига чек қўйиб, уларни дунёнинг энг йирик салтанати даражасида ҳимояланиш имкониятини берди. Қонунлар ўта аёвсиз ва ижросининг қатъийлиги билан даҳшатли эди. Ясоқдаги ҳарбий қонун-қоидалар Чингизхонга дунёнинг энг қудратли қўшинини барпо этиш имкониятини берди. Шу тартиб-қоидаларга амал қилган ҳарбий бўлинмалар ўнлик, юзлик, ўн минглик, юз минглик қўшин ҳужум чоғи бир-бири билан занжирсимон ва узвий шундай боғлиқликда ҳаракатланар эдики, чекиниш каби тушунча улар ҳаётдан йироқ эди. Улар худди қайтариб ва қириб бўлмас, адоғи кўринмас чигирткамисол ғаними устига ёпирилар, денгизнинг қудратли тўлқини каби даҳшатли эди. Ҳужумда худди тўфон сингари йўналиб, йўлида учраган тўсиқни йўқликка юз туттирарди. Чингизхоннинг босиб олинishi лозим деб топилиб, режага кирган вилоят ва мамлакатлар аҳволи бургут панжасига тушган қушчанинг тақдири билан баробар эди, кўпинча унинг лашкари ўтган жойдан вайроналар қолар, гуллаб-яшнаб турган шаҳар ва кентлар харобалари бойўғлиларга макон бўларди. Ҳужумга гирифтор бўладиган мамлакат ҳукмдори Чингизхондан қисқа ва сўзсиз таслим бўлиш тўғрисида элчиси орқали нома оларди. Унда таслим бўлишнинг муддатларигача белгилаб қўйиларди. Чингизхон номасидан қон ва ўлим таҳдиди уфуриб турарди. Унинг мазмуни Чингизхоннинг барча ҳукмдор ғанимлари учун, асосан, бир хил бўларди. Нома бундай йўсинда, яъни менга қуларча итоат қилсанг яшайсан тарзида бошланиб, якунида эса акс ҳолда унингни ўчириб юбораман, деган дўқ билан тугалланарди: „Тангрим менга ва менинг фарзандларимга бутун ер юзини ҳукмронлик қилишим учун берди. Кимки менга бўйсунса ҳаётини, бойликларини, ҳокимияти ва оиласини сақлаб қолади. Аммо кимки қулоқ солмай, қаршилик қилса, у қандай кунларга қолишини ёлғиз худонинг ўзи билади. Агар сен бўйсуниб, менинг қўшинларимни ўз ерингдан ўтказиб юборсанг, мен сенга дўст бўламан, акс ҳолда, менинг кўп сонли лашкарим етиб келгандан сўнг давлатинг, бойликларинг ва тақдиринг нима бўлишини мен айта олмайман“.

Чингизхон жаҳонга ҳукмронлик даъвоси билан чиқар экан, барча қобилият ва истеъдодини лашкарнинг жанговарлик қудратини оширишга қаратди.

1213 йилдан бошлаб Чингизхон Хитойга юриш бошлаш учун катта тайёргарлик ишларини олиб борди. Бу бепоён чўллар, тоғлар ва дала-даштлар, 10 минглаб чақирим чўзилиб кетган ҳудудларнинг тўрт фасл давомида иқлими, жуғрофий хусусиятлари, дарёлари, бутун табиати ҳақида зарур маълумотлар тўплади. Бу унга қўшинни тез ҳаракатлар қилишига нима ёрдам беради-ю, нималар унга тўсиқ бўлади, шуларни ўрганишга киришди. Бир вақтда

Хитой ҳудудида бир неча сулолалар ҳукмронлик қилиб, улар ўртасидаги зиддиятлар, низолар сабабини билишга интилди. Айниқса, хитойликлар қўшинининг жанговор хусусиятлари уни кўпроқ қизиқтирди.

Хитойнинг буюк деворларини писанд қилмай 400 минглик даҳшатли қўшини билан ҳужум бошлади. 1215 йилга қадар Хитойнинг энг мустаҳкам ва йирик шаҳар ва қалъаларини забт этди. Хитойнинг қадимий юраги бўлган Пекин ҳам эгалланди. Шу тариқа Чингизхон дунёнинг энг йирик империяси ҳукмдорига айланди. Негаки, табиий бойликлари, чексиз серҳосил ерлар, дунёнинг ҳунармандчилик устахонаси бўлган Хитой Чингизхон ва унинг зодагон ҳамда саркардаларининг шахсий мулки даражасига айлантирилган эди. Бу эса Чингизхоннинг дунёга ҳукмрон бўлиши йўлида катта иқтисодий, ҳарбий ва лашкарий захираларга эга бўлиш имкониятини бемисл тарзда вужудга келтирди. Катта ва бепоён ҳудудларни бошқариш учун Қорақурумдан кейинги иккинчи пойтахти қилиб Пекинни танлади. Хитой „Ясоқ“ тартиблари бўйича бошқариладиган бўлди.

## **МЎҒУЛЛАР БИЛАН ИЛК ТЎҚНАШУВ. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ЖАНГ МАЙДОНИДА**

Ниҳоят, Чингизхон Хитойни эгаллаб, Мўғуллар империяси таркибига киритиб юборибди, қабалидаги бир-биридан нохуш хабарлар Хоразмшоҳни ҳушёр торттирди. Муҳаммад Султон кеч бўлса-да салтанатининг тақдири Шарқдаги сиёсатга боғлиқлигини англагандай бўлди. Устига-устак хоразмшоҳлар салтанати билан бевосита қўшни Найманлар давлати ҳам тугатилиб, Чингизхонга найман қавми тобелик камарини боғлаб хизматга кирганлиги, шу билан Хоразмшоҳларнинг катта чегара масофаси мўғуллардек қудратли ва босқинчи империя билан туташганлиги Муҳаммад Султонга ёмон таъсир қилди. Аммо шунга қарамай, Хоразмшоҳ ташқи сиёсатда асосий хавф ўз ҳудудига қайси тарафдан келишини ҳали ҳам аниқ кўролмай, натижада шарқ сиёсатида барча имкониятни асосий рақиб Чингизхонга топшириб қўйганлигида бўлди. Асосий масала четда қолиб, нозарур тоғдек муаммони ўзига ўзи ортттирган эди Хоразмшоҳ. У ҳали ҳам афсонавий бойликлар мамлакати бўлган Хитойни Чингизхоннинг босиб олганлигини ҳазм қилгиси келмас, шубҳа, гумонлар гирдобида қолиб, бу юртни Чингизхоннинг босиб олмаганлигига ўзини ўзи ишонтиргиси келар эди. Шуларни ўйлай-ўйлай уйқуси қочиб, ороми бузилган Хоразмшоҳ қорахитойларнинг қочган-қутулган қўшини қолдиқларини йўқ қилиш баҳонасида шимоли-шарқ бўйлаб ҳарбий сафар уюштириб, сиёсий-ҳарбий вазиятлар у томонларда қандай кечаётганлигини ўз кўзи билан кўриб, билгиси келди. Сафарга тўнғич фарзанди шаҳзода Жалолиддин Мангубердини ҳам ўзи билан олиб кетишга қарор қилди. Шаҳзода бу пайтда эндигина 17 ёшга қадам қўяётган пайти эди. Уни қўшиннинг баранғарига марказий қўшинни ўнг қанотдан ҳимоя қилувчи лашкарий қисм қўмондони қилиб тайинлади. Шаҳзода Жалолиддин бу пайтга келиб, аввалги ўспиринлик давридагидан-да гавдали, бўй-баста ҳақиқий паҳлавонсифат, кўринишда алп-қомат, жисми чўяндек оғир, ҳаракатлари арслондек шиддаткор ҳолатда бўлиб, бир қараган одам унинг бемисл баҳодир йигитлигини дарҳол англаб оладиган даражада эди.

Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон аввал шимолий чегараларини назорат қилиш учун 60 минг қўшинини олиб йўлга отланди. Сўнгра шимоли-шарқ чекка чегара ҳудудлари томон йўл олди. Ирғиз дарёсини қўшини билан кечиб ўтди. Шу ерда Жалолиддинга ўз баранғари билан сафарда босиб ўтиладиган ҳудудларни огоҳлик билан кўздан кечириш, сўнгра Жанд шаҳридаги қорахитойларни тор-мор келтириш вазифасини юклади. Жалолиддин фаним

томонидан бўладиган кутилмаган хужумларга йўл қўймаслик учун тахминан 8—10 чақирим беридан қўздан пана жой танлаб, қўшинни тўхтатди ва фуқаро кийимидаги жосусларини шаҳарга жўнатди. Бу гуруҳ жуда бақувват жангчилардан ташкил топган бўлиб, улар турли жанговар қуроллардан моҳирона фойдаланар, ҳатто тунда ҳам бир-бирининг бош ва қўл ишоралариданоқ қандай ҳаракат қилиш лозимлигини тез тушуниб олардилар. Улар шаҳарга кириб, қорахитойларнинг мудофаа деворлари бўйлаб аскарларнинг жойлашувини аниқладилар. Ярим тунда бирин-кетин иккита дарвозани қўриқлаётган қорахитойлар соқчиларини даф қилиб, Жалолиддин Мангуберди кутаётган огоҳлантирувчи ёй ўқининг учига ёғ шимдирилган латта боғлаб ўт олдирганича отдилар. Бу огоҳ қилувчи пароль эди. Жалолиддин тунда ўт олдириб отилган ўқни осмонда қўриши билан отланишга буйруқ берди. Кетма-кет ўнтагача ўқ отилди. Жалолиддин юборган гуруҳни ҳеч ким сезмаслиги ва шубҳа қилмаслиги учун дарвоза қўриқчиларини фақат пичоқлар ёрдамида шов-шувсиз йўқ қилиши, сўнгра уларнинг жанговар ўлжа қуроллари билан қуролланиши зарур эди. Улар саркарданинг топширигини бажарибгина қолмай, янада қимматли ўлжа олишди. Ҳатто қоровулларнинг ўз тунги соқчилик бурчини қандай бажараётганлигини текширувчи зобитини ҳам қўлга олдилар. Унинг 4 та қўриқчисини бир ҳамла билан йўқ қилишди. Сўнгра Жалолиддинни шаҳарга чорловчи огоҳлик ўқини отдилар. Жалолиддин қўшинининг кириб келишидан айрим сергак, уйқуси бедор фанимлар хабардор бўлиб қолмасин деб, саркарда отларнинг туёғига юмшоқ латта-пугта, оғзига эса ем ейдиган тўрва-халта кийдирилиб боғланди. Негаки, 20 минглик суворий қўшинининг дупури анча узоқдан эшитилиши ёки айрим тулпорлар тун уйқусини бузиб кишнаб юбормаслик чоралари шу тариқа қўрилди. Жалолиддинни олдиндан юборилган жосуслар ва ҳаракатчан гуруҳлар ғарбий дарвозада кутиб олдилар. Жосуслар тўплаган ва қорахитой қоровуллар бошлиғи берган маълумотлар бўйича аниқ ва тез ҳаракат қилиниб, қаттиқ уйқудаги фаним лашкарига кучли зарба берилди. Қорахитойлар бу хужумни умуман кутмагани, карахлик ҳолатида бўлганидан қаршилиқ ҳам қила олмадилар. Аввал қуроллар ғамлаб қўйилган омборхоналар эгалланди. Сўнгра уйқудагиларнинг ширин уйқулари бузилди, уйғотилди. Асир олинди. Қаршилиқ қилмоқчи бўлганлар тез тинчитилди. Шу тариқа шаҳар талафотсиз олинди. Жалолиддин оддий аскар бўлган асирларни қатл қилмади. Уларга хоҳласа тинч меҳнат билан шуғулланишлари, агар ҳарбий хизматда қолишни истасалар, қўшинига кириб жасорат кўрсатсалар, хизматига яраша тақдирланишларига кафолат берди. Қорахитой жангчиларининг кўпчилиги Жалолиддин Мангубердининг бу инсоний муруввати ва мардлигига тан бериб, 10 мингга яқин асирлар саркардага содиқ хизмат қилажаклигини изҳор қилдилар, қасам ичдилар. Жангни бошқариш учун ўз амалдорларини қолдирган Жалолиддин Мангуберди отаси Хоразмшоҳ тайинлаган учрашув манзилига йўл олди. Отаси қароргоҳ қурган Ирғиз дарёси бўйига етиб келиб Жандни олгани ва бу ҳудудларда Хоразмшоҳ тобелиги ўрнатилганлиги ҳақида ҳисобот берди. Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон ўғлининг катта ишни талафотсиз амалга оширгани ва қўшини сафига янги кучларни тўлдирганлиги, фаним қўшинини ўзига дўст қилиб қўшиб олишга эришганлигидан мамнунлигини билдирди. Узоқ сафарда чарчаганлиги учун ўғли ва унинг баранғар қўшинига икки-уч кун дам олишга рухсат берди. Қўшин чарчаган эди. Жалолиддин рози бўлиб, қўшинига дам олишга рухсат берди. Муҳаммад Султон эса ўзи бошчилигидаги қўшин билан Тўрғай чўли ҳудудларидаги вазиятни билиш учун жўнаб кетди. Қўшин анча йўл босиб ўтгач даҳшатли бир ҳодисага дуч келди. Бу қирғин вазият бундан чамаси бир-икки соат олдин бўлганлиги яққол кўриниб турган эди. Негаки, ҳали кўплаб жасадлар танаси совиб улгурмаган ҳам эди. Таналардан жудо қилинган бошларнинг турли ҳолатларда думалаб ётиши, оёқ ва қўлларнинг

танадан узилганча сочилиб ётиши ва таналарнинг тиф билан қоқ икки қисмга ажратилиб ташланиши, улардан иссиқ қонлар ҳали ҳам оқиб, ерларни қизил рангларга бўяётганлигига қараганда бу ҳодиса чиндан ҳам яқиндагина шу майдонда қирғинли жанг бўлиб ўтганлигининг белгилари эди. Демак, қолиб томон жангчилари узоққа кетмай шу яқин атрофда галаба нашидасини суриши, шунингдек, ўз ярадорларининг яраларини боғлаб дори-дармон қилиши шубҳасиз ва аниқ. Одатда, жанг тугагач, шу ишлар амалга оширилади. Албатта, ҳозирча кимлар эканлиги номаълум қўшин шу яқин атрофда. Шу пайт ўликлар қалашиб ётган жойдан қаттиқ инграган овоз келди, бу оғир яраланган жангчи овози эди. Дарҳол уни ўликлар орасидан тортиб олишиб, бир оз ўзига келтиришди. Ярадор жангчи зўр-базўр гапирар экан, шундан кейин ҳамма нарса аён бўлди. Қириб ташланган жангчилар маркитлар қавмига дахлдор эканлиги, улар мўғулларнинг йирик саркардалари Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи ва машҳур саркарда Субутоё нўён бошчилигидаги катта қўшин таъқибига учраб, оқибат қуршаб олиниб, қириб ташланганлиги маълум бўлди.

Бу маълумот олиниб, воқеанинг сир-синоати ошкор бўлгач, Хоразмшоҳ дарҳол қўшинни жанговар ҳолатга келтиришга буйруқ берди ва жосус ҳамда изтопар гуруҳларга ганим қўшинини тезда аниқлаш ҳамда зудлик билан қўшинга унинг хабарини етказишни талаб қилди. Ҳукмдор фармони билан хабаргир гуруҳ кўрсатилган томонга қараб шамолдек учдилар. Орадан сал фурсат ўтар-ўтмас дастлабки маълумотлар етиб келди. Мўғуллар Ирғиз дарёси юқори оқимига қараб юрган, у ҳолда мўғуллар Жалолиддин Мангуберди қўшинига яқинлашган ҳолат содир бўлади. Муҳаммад Султон дарҳол қўшинни оёққа турғазиб, мўғуллар изига тушди. Ниҳоят, 15 чақиримларча илдам юрилгач, барханлар ортидан аввал уларнинг туғлари ва яна бир нафасдан кейин эса қўшинни ҳам яққол кўрдилар. Мўғулларнинг қоровул қисми ҳам Хоразмшоҳ қўшинининг ўзларини таъқиб қилаётганини кўрдилар. Улар буни дарҳол қўмондонлари Жўжи ва Субутоёга маълум қилишди. Мўғуллар олдинга юришдан тўхтаб, орқадан таъқиб қилиб келаётган Хоразмшоҳ қўшини билан юзма-юз туриш учун дарҳол орқага қайрилиб жанговар сафга тизилишди. Вазиятга аниқлик киритиш учун Жўжи ўз жангчиларининг бири қўлига оқ байроқ тутқазиб Муҳаммад Султон ҳузурига жўнатди. Жўжи жангчиларига бирорта ўқ отмай кутишни буюрди, аммо жангга шай бўлиб туришни тайинлади.

Муҳаммад Хоразмшоҳ мўғуллар билан ҳеч қандай музокара олиб бормаслигини айтиб, оқ байроқ кўтариб келган Жўжи жангчисини орқасига қайтиб кетишини талаб қилди. У тезда қайтиб келиб, Жўжи ва Субутоё нўёнга сулҳ рад этилганлиги хабарини етказди. Сўнгра мўғуллар қўшинига яқинлашиб қолган Муҳаммад Султон лашкари қаршисига жангчисидан оқ байроқни олганича Жўжининг ўзи чиқиб келди. Ўқ-ёйдан отилган ўқ етадиган масофада Хоразмшоҳ қўшини ҳам тўхтаб, унинг буйруғи билан қўшин жанг бошлаш ҳозирлигини кўришга киришди. Жўжи оқ байроғини ҳилпиратиб елиб Муҳаммад Султон бош байроғи ҳилпираб турган марказ қўшин бошида турган Хоразмшоҳ қаршисига келиб, унга жанг қилмаслик ва икки тараф сулҳпарварлик битимини тузганича ўз юртларига қайтиб кетиш энг мақбул йўллигини маслаҳат берди. Жўжи отаси Чингизхондан кўрсатма олиб, фақат маркитларнинг таслим бўлишни истамай, қаршилиқ қилаётган қисмини йўқ қилиш, мабода Хоразмшоҳнинг чегара қўшинларига дуч келинса, асло тўқнашмасдан орқага қайтиш кўрсатмасини олганлигини баён қилди. Хоразмшоҳ эса мен ҳам пана-пастқамда қочиб юриб чегарачиларимизга ҳужум қилиб, унга яқин қишлоқ аҳли ва чорвачилик билан кун кўраётган фуқароларимизнинг чорваларини ҳайдаб кетаётган қорахитойларни йўқ қилиш учун сафарга чиққанман. Бироқ, менга қорахитой бўлди нима-ю, мўғул бўлди нима, ҳар

иккиси биз учун ғайридин ғанимлар, шунинг учун иккалангиздан қайси бири учраганлигининг менга мутлақо фарқи йўқ, улар қаерда учрасалар, ўша жойда уларни қиличдан ўтказурман, деб жавоб беради. Натижада Жўжининг сулҳ таклифини кескин рад қилиб, Хоразмшоҳ уруш байроғини баланд кўтарди ва қўшинига ҳужумга тайёргарлик кўришга буйруқ берди. Ноилож қолган Жўжи орқасига қайтиб, Хоразмшоҳ ҳужумини қайтариш учун у ҳам қўшинини жанговар ҳолатга келтириб, жангга ҳозирлик кўрди. Жангсиз орқага қайтай деса, ғурури йўл бермади. Жангсиз орқага қайтганида ҳам барибир Муҳаммад Султон орқадан ҳужум қилиши, уни шундоқ тинчгина қўйиб юбормаслиги Хоразмшоҳ ваҳожати ва берган жавобларидан маълум эди.

Муҳаммад Султон аввалда қанча тўқнашув ва жангтоҳларда ғанимлар устидан ғалабага эришавериб, Искандари Соний дея берилган фахрий номидан мағрурланиб, албатта, ғалаба қиламан деган хом хаёлларда чучварани хом санашда давом этарди. Қарама-қарши турган мўғулларнинг Жўжи ва Субутой нўён бошқараётган бу қўшин Хитойдек қудратли империяга ҳал қилувчи қақшатқич зарба берганлиги, олдида турган шу икки йирик саркарда Чингизхоннинг энг суянган тоғ янглиғ қўмондонлари эканлиги, уларнинг бемисл ҳарбий лаёқати ва истеъдодлари ҳақида Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон маълумотга эга эмасди. У бу жангга шундай енгил тарзда қарадики, ҳатто Жалолиддин ўғлига ҳам бошланажак жанг ҳақида хабар беришни ҳам лозим топмади. „Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил“ мақолини унутди, сабоқ олмади.

Жанг Муҳаммад Султон қўшинининг ҳужуми билан бошланди. Мўғул саркардалари атайлаб дастлабки дақиқаларда ўзларини ноилож ҳужумни мудофаада туриб қайтаришга мажбур бўлгандек жангни бошладилар. Анча вақт жанг қилгач, Субутой режага кўра чекиниши лозим эди. Жўжи лашкари жон-жаҳди билан эгаллаб турган мудофаа чизигида туриб Хоразмшоҳнинг асосий қўшинини ўзига жалб қилиб туришга келишиб олган эдилар. Жанг бошлангандан маълум фурсат ўтгач, келишувга мувофиқ Субутой лашкари чўлнинг кунчиқар тарафига чекина бошлади. Аммо бир оздан кейин қўшинини сафни мустаҳкам ушлаганича орқа тарафга ола бошлади. Мўғул қўшинининг икки қисмга ажратиб юборилганлигидан ғоят хурсанд бўлган Хоразмшоҳ Жўжи қўшинини тўла қириб ташлаб, сўнгра Субутойни таъқиб қилмоқчи бўлди. Субутой бу вақтда бутун кучини сарфлаб барханлар орқасига ўтиб Муҳаммад Султон қўшинининг орқа томонига чиқиб олди. Ана шу соатдан бошлаб мўғуллар қандай даҳшатли қиличбоз баҳодир жангчилар эканлигини намоён қилишга киришди. Муҳаммад Султон кўзи олдида гўё осмону фалақдан тушган бошқа бир афсонавий лашқар билан жанг қилаётгандай ҳодисани кузатди. Дастлаб тор-мор бўлиб кўринаётгандай бўлган Жўжи қўшинининг эндиги ҳолатини тасаввур қилиб бўлмасди. Бу қўшин Жўжи қўмондони чақириғи билан Хоразмшоҳга шундай бир қарши ҳужумни бошладик, у бундай моҳир ва чапдаст жангчиларга бирон марта дуч келмаган эди. Муҳаммад Султон бу чекиниш ғанимларнинг ҳарбий ҳийласи эканлигидан юрагига ғулғула ва қўрқув тушаётган бир пайтда қўшини орқа томонида Субутойнинг суворий қўшинлари бўрондек ёпирилиб келарди. Бир неча дақиқаларда вазият ўзгариб, Муҳаммад Султон қўшини қуршаб олинди. Фақат ғарб томонда қуршов ҳалқаси ҳали туташиб улгурмаган эди, холос. Зўр-базўр ўша ердан Хоразмшоҳ ўз хабаргирини жўнатиб ўғли Жалолиддинга хабар етказишга улгурди, холос.

Муҳаммад Султон уларнинг довул бўлиб келаётган қўшинини қандай қилиб тўхтатиб қолишнинг уддасидан чиқа олмай, лашкарни собитқадамлик билан мудофаага ўтишини таъминлай олмади. Натижада қўшинни бошқариш издан чиқди, Хоразмшоҳни ваҳима

босди. Ҳар бир ҳарбий бўлинма ўз ҳолича қуршовдан қутулиш учун тартибсиз ҳаракат қила бошлади. Мўғуллар ўз ўлжасини сиқувга олаётган бўғма илондек Хоразмшоҳ қўшинларига кенг жанг майдонини тор қилиб, темир ҳалқа қуршов доирасини торайтира борди. Жалолоддинга жўнатилган ўнга яқин чопарлардан фақат биттасигина бу ўпқондан чиқиб кета олди. Қолганлари ё тиф зарбидан, ёки ёй ўқидан ҳалок бўлдилар. Бу пайтда Муҳаммад Хоразмшоҳни битта илинж ва ишонч ҳалокатдан зўр-базўр сақлаб турарди. У умид кўзларини чопарлар от чоптириб кетган томонга тикарди. Агар нари-бериси билан 35—40 дақиқада ўғли Жалолоддин Мангуберди етиб келмаса ё асир тушади, ё ўлим, бошқа омон қолиш йўллари унинг ўзи учун ҳам, лашкари учун ҳам ёпилган.

... Жалолоддин Мангуберди ушбу лаҳзаларда бетоқат ҳолатда қароргоҳидан чиқиб, кўнгли хижил бўлиб, отаси Хоразмшоҳдан дарак бўлмагач, безовталиги ошгандан-ошиб турар экан, узоқдан тез чопиб келаётган суворийга кўзи тушди. Унинг келиши албатта нохуш хабар келтирувчининг хатти-ҳаракатларини яққол кўрсатиб турарди. Жалолоддин ҳушёр тортиб, чопарни сонияма-сония келишини бетоқатлик билан кутди. Чопар ҳали товуши етар-етмас масофадаёқ, жон ҳолатда бор овози билан ниманидир қичқириб, қамчиси билан жанг бораётган томонни кўрсатарди. Чопарнинг етиб келишини кутмасданоқ Жалолоддин бунни илғади ва дарҳол қўшинига отланиш тўғрисида буйруқ берди. Биринчи бўлиб саркарда саманига шиддат билан миниб отига қамчи босди. Самани шамол бўлиб учди. Изма-из Жалолоддин баҳодирлари, сўнгра қолган суворий жангчилар саркарда орқасидан етиб келдилар. Бу пайтда Хоразмшоҳ учун ҳар бир дақиқа ой ва йиллар ўрнида ўтиб, у ўлимни бўйнига олиш арафасида эди.

Жалолоддин ана шу лаҳзаларда арслондек наъра тортиб, Жўжи ва Субутой нўённинг бирлашган қўшини ҳалқасига ташланди. Унинг баҳодирлар қисми саркарда шахзодани ўнг ва чап тарафдан ҳимоя қилишга киришдилар. Шу тарзда жанг майдонида Чингизхоннинг катта ўғли номдор саркарда Жўжи билан Муҳаммад Султоннинг катта ўғли шахзода илк бора бир-бири билан юзма-юз келдилар. Мадад қўшин етиб келишини интиқ бўлиб кутган Муҳаммад Султоннинг жангчилари ҳам руҳланиб қаршилиқни кучайтирдилар.

Понасимон ҳолатда мўғуллар қўшинига найзадек қадалган Жалолоддин Мангуберди ва унинг баҳодирлари зарб билан ниҳоят қуршов ҳалқасини ёриб ўтиб, ҳолдан тойган отасини жанг бораётган жойдан узоқлаштириш учун махсус бир неча қисми улар ҳимоясига ўтказди. Шундан кейин Жалолоддин Мангуберди шундай бир сурон солиб жанг қилдики, мўғулларни тутдек тўкди. Энди жангнинг бориши тобора Жалолоддин қўшини устунлигига ўта бошлагани яққол кўриниб қолган эди. Субутой ва Жўжи қанчалик вазиятни ўнглашга ҳаракат қилмасин Жалолоддин қўшини ҳужумини тўхтата олмади. Ҳар икки таниқли мўғул саркардаси қўшини катта талафот кўрди. Мўғуллар Хоразмшоҳнинг бундай даҳшатли саркарда ўғли борлигини ўз кўзлари билан кўриб, қиличининг зарбини илк бора татиб кўрдилар. Шафқатсиз ва бениҳоя офир жанг кечгача давом этди. Чекиниб жангни давом қилдираётган мўғуллар ярадор жангчиларини олиб кетишнинг ҳам уддасидан чиқа олмадилар. Бу икки машҳур саркарда Жўжи ва Субутой бу кунга қадар ҳеч қачон мағлубият нималигини билмай келарди. Улар Чингизхонга зафар хабари ва унинг билан бирга қанча ганим қавмлар саркардалари, ҳукмдорларини қўл-оёғини занжирлаганича уларнинг бойликлари, бола-чақа, хотин-халажу маликаларини ўлжа ва совға қилиб чексиз хурсандчилик бағишлар, салтанат ҳудудларини машриқ ва мағриб томон кенгайишини таъминлар эди. Айниқса, Хитойнинг йирик саркардалари додини беришда Субутой ва Жўжи шундай хизматлар қилдики, Чингизхон ўша икки саркардаси баҳодирлигини кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатарди. Энди бу номдор

саркардаларнинг танобини тортиб қўйишга лойиқ саркарда борлигини, ҳатто Чингизхоннинг 4 ўғли — шаҳзода қўмондонлар ва қолган машҳур нўёнлари, Жаба, Жемуха, Тоҳучар, Қорачар, Шиқи-Хуту-Хи ва бошқа саркардаларининг бирлашган кучларини мағлуб қилишга қодир саркарда бу Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Мангуберди эканлигини эътироф этишди. Энди Субутоёй ва Жўжи Жалолиддин билан илк марта тўқнашгунга қадар улар тор-мор этган ёки асосий зарбани бериб, мағлуб бўлишини таъминлаган жангари ва уларни жангга олиб кириб, бошини жанг майдонидан эгиб чиқиб кетган ҳукмдору қўмондонларнинг рўйхатига назар солайлик. Улар ҳам ўз даврида жанг майдонининг марду майдонлари, жасорат бобида барча эл-улусларга таниқли лашкарбошилар бўлган эдилар. Кeroитлар, тойжуит, салжуит, қўнғирот, баҳрин, дўрмон, маркит, жожирот, жалоийр, тотор, ўйрот, буркин, қайқин, найман, танғут, қарлуқ, уйғур, дилғут, дайфур, чуют, арлот, тойчуит, қўнғон, дарёту, қопқин, манжуур ва бошқа ўнлаб қабилалашкарбошилари тиз чўктирилди. Юзлаб ғалабалардан кейин уларнинг Жалолиддиндек ёш саркардадан мағлуб бўлаётганлиги, денгиз тўлқини хас-чўпларни қирғоққа зарб билан итқитиб ташлагандек бир зарб билан жангнинг боришини ўзгартириб, қирилиб кетай деб турган Хоразмшоҳ лашкарини омонлик майдонига дўзах ўтидан қутқариб, мўғуллар ғалабаси нақд бўлиб турган чоғда жанг тақдирини бутунлай бошқа томонга бурилиб кетишига сабаб бўлган Жалолиддин Мангубердининг жанг услуби ва жасоратига лол қолдилар. Бу номдор мўғул саркардаларини тўла мағлуб бўлишдан толеига борлиққа зулмат сепини ёйган кун ботиб қоронғулик зимистонининг ўз ҳукмронлигини ўрнатишигина сақлаб қолди. Шундан кейин Жалолиддин Мангуберди баҳодир жангчиларига орқага қайтишга буйруқ берди. Барча суворийлари орқага қайтгач, жанг майдонидан ўзи ҳам чиқиб кетди. Ушбу Тўрғай чўлида рўй берган жангнинг тарихчилар берган тавсифлари манба сифатида, икки тараф ҳақидаги фикрлари бизга томонлар тўғрисида тарафкашлик қилмай хулоса чиқаришимизга ёрдам беради. Шу ҳақда ўша даврда яшаб ўтган ва айнан Жалолиддин Мангуберди билан ёнма-ён туриб кўп жангларда иштирок этган ан-Насавий қуйидагиларни тарихий асарида ифодалаб, саҳифага туширган эди: „Муҳаммад Султоннинг руҳиятини шу жангдан кейин доимий қўрқув ва ваҳима қамраб олган эди. Мўғулларнинг қилич ва найза чопишдаги ғоят моҳирлиги, жасоратда тенгсизлиги, жанг ва уруш қондалари ҳамда усулларини жуда пухта ўзлаштирганлигини саройдаги олий амалдорлар Девонидаги саройи амалдорларига ғоят тушқин, ғамгин бир ҳолатда гапириб берган“.

XVII асрда яшаб ўтган Хива хони, давлат арбоби, саркарда ва тарихнавис олим Абулғозий Баҳодирхон ҳам Хоразм ҳамда Хуросон, Мовароуннаҳр тарихига оид жуда кўплаб ноёб асарлардан кутубхона ташкил қилгани, унда мўғуллар тарихи, хусусан, Чингизхоннинг Ўрта Осиёни босиб олишга доир нодир асарлари ҳам кўп бўлганлигини, шунингдек, мўғуллар билан Муҳаммад Хоразмшоҳнинг биринчи тўқнашув жанги натижаларини келажак авлодга жуда ишончли манбаларга таяниб ёзиб қолдирганлигини „Шажарайи турк“ дунё шарқшунослари эътироф этган машҳур асарида қуйидагиларни қайд этади: „Чингизхон улўғ ўғли (катта ўғли) Жўжини Туркистон атрофинда ўлтурғон Кучлик (Кучлик Найманхоннинг ўғли кeroит ва бошқа бир қанча қавмларни бирлаштириб Чингизхонга қарши курашиб, хоқондан енгилб турли мамлакатлар ҳудудларида қочиб юришга мажбур бўлган эди) дан айрилиб кетган ҳар уруғдан элар (қабилалар ва уруғлар) бор эди, аларнинг устига юборди (яъни шу уруғ ва қабилаларни тор-мор этмоқ учун Жўжи ва Субутоёйни жўнатгани назарда тутилмоқда). Ул вақтда Султон Муҳаммад Чингизхоннинг ўзининг тарафига мутаважжух бўлғони (Хоразм ҳудуди чегаралари томон икки саркардаси жуна-тилиши)ни эшитиб, лашкар тўплаб Самарқанд келиб, андин Жандга келди. Ул маҳалда



хабар топдиким, Жўжихон келиб Туркистон атрофиндаги элларни чопди (босиб олмоқда демоқчи) теб. Илғаб ўша эллар томон равона бўлди. Эrsa кўрдиким, қабли-қамич теган икки сув орасида (дарё ирмоқлари) кўп ўликлар ётур. Онларнинг орасида бир нимжон (ярадор) киши ётур. Ундан хабар сўрадилар. Ул айтди. Жўжихоннинг келатурғонини эшитиб қочиб келур эрдик. Туна кун сўнғуримиздан (орқамиздан) етиб келиб, шу ерда уруш қилиб анчамизни қириб, қолганларни ўлжа ва асир қилиб олиб кетди. Муни эшитгач, Султон Муҳаммад Жўжихоннинг орқасидан қовуб (етиб) сабоҳий теди. Султон Муҳаммаднинг етиб келганини кўриб Жўжихон бекларига (сардорларига) кенгашди. Улар айтилар, бизни хоқон Султон Муҳаммад бирлан урушқали юборгани йўқ. Чоп ва ол деган элларни (қаерни хоқон босиб олинг деган бўлса, гап шу ҳақда кетмоқда) чопдуқ, олдуқ“. Шу ерда Абулғозий Баҳодирхон Муҳаммад Султон билан Жўжихон ўзаро музокара юритганлиги, у сулҳ тузиш нияти борлигини билдиради, аммо Хоразмшоҳ бу таклифни рад қилганлигини таъкидлаб, натижада Жўжихоннинг жангга киришдан бошқа иложи қолмаганлигини шундай баён қилади: „Мен отамга (Чингизхонга) ва иниларимга (шаҳзода укалари) бориб не деб айтурман. Ёвни йироқдан кўрдим-да қочдим дерманму?“ Сўнгра ҳарбий кенгаш якунида Жўжихон ҳарбий саркардаларининг Хоразмшоҳ билан тўқнашмасдан орқага қайтиш фикрини рад қилиб, жанг қилишга қарор қилганини Абулғозийхон шундай ёритади: „Ўз саркардаларининг сўзини қабул қилмай, Жўчи Султон Муҳаммад билан уришти. Жўчихон ўзи бошлаб неча мартаба чопти“. Оқибат икки ўртада қаттиқ жанг бошланиб, Жўжи Муҳаммад Султон қароргоҳига қадар етиб борди. Хоразмшоҳни ё ўлдириш, ё асирга олиш учун шиддатли ҳужумни давом қилдириб, Хоразмшоҳ билан юзма-юз келганини келтириб шундай ёзади: „Жўжи охирида туғга етиб, Султон Муҳаммаднинг қалқонига 2—3 марта чопти“ (қилич урди).

Ана шундан кейин Хоразмшоҳнинг аҳволи танглашиб, Султон ҳаётидан умидини узиб, унинг ҳаёти қил устида қола бошлайди. Бироқ, унинг бахтига Жалолоддин Мангуберди яшин тезлигида келиб отасини ва унинг қароргоҳини ҳимоя қилиб, уни ажал оғзидан қутқаради. Абулғозийхон ёзади: „Яқин эрдиким Султон Муҳаммаднинг қўшини маҳв бўлғай. Султон Жалолоддин яхши ишлар қилиб, лашкарнинг қочмаслиқиға сабаб бўлди. Ул кун оқшомгача (кеч киргунча) урушдилар. Кеча (яъни тун қоронғулашгач) бўлғондан сўнг мўғуллар ҳар ерда ўт ёқдилар. (Гўё мўғуллар шу усул билан ўзларини эртага яна жанг қиладигандай қилиб кўрсатдилар.) Эрта туриб Султон Муҳаммаднинг черики (лашкари) бориб кўрдиларки, тунда кетиб турур эрдилар. Жўчихон бориб отасига қилғон ишларини арз қилди“. Яъни ҳарбий сафарлари, бўлиб ўтган жанглар хусусида ҳисобот берди. Бу ҳисобот оқибат Чингизхоннинг Жўжи ва Субутойларни қарийб оғир тарздаги терговдан фарқи қолмади ҳисоб. Хоқон уларни қатъий жазога тортишига бир баҳя қолди. Бу ҳақда сал кейинроқ батафсил маълумот берилади.

Абулғозий Баҳодирхон ва ан-Насавий каби тарихнависларнинг тарихий асарлари орқали Жалолоддиннинг мўғуллар устидан эришган ажойиб ғалабаси ва Хоразмшоҳлар осмонида порлоқ бир юлдуз саркарда етишиб келаётганлигининг шоҳиди бўлинди.

Тўрғай чўлидаги жанг икки кун давом этди. Биринчи кундаги жангда Жалолоддин қуршовдан отаси Хоразмшоҳни қутқариб олишга эришди. Иккинчи кундаги жанг эса доимий ғалабаларга ўрганиб қолган Субутой ва Жўжини ўйлантирди: „Жалолоддин Мангуберди, наҳотки ҳарбий маҳорат бобида шунчалар биздан юқори турса, бизнинг дастлабки кун у билан тўқнашувда хатоимиз нимадан иборат бўлди, йўқ бу ютқазиш тасодифий ҳодиса,

жанг қандай бўлишини Жалолиддинга кўрсатиб, отаси Хоразмшоҳнинг кунини бошига солмасак, Субутой ва Жўжи деган доврўкли ва шавкатли номни нима учун кўтариб юрибмиз? Қолаверса, буюк хоқон — отам Чингизхон ёнига мағлубият тавқи ланъати тамғаси босилган ҳолда бориш нақадар шармандали ҳолат, йўқ бу мағлубиятни ғалабага алмаштириб, ота-ўғил — Хоразмшоҳ ва шахзода Жалолиддиннинг бошларини совға қилсак ёки асир қилиб хоқон ихтиёрига топширсак, бунинг эвазига падаримиз шоҳлар шоҳидан шаънимизга қандай олқиш ва бошимизга тиллолар қордек ёғилмайдими?” Ана шундай важоҳат билан жангга киришга қарор қилиб, ҳар икки саркарда тезроқ тонг отишини истаб, бошқа қўл остидаги лашкарбошиларга дам олишга рухсат бериб, ўзлари ҳам бир неча соатлик уйқуга кетдилар.

Ниҳоят тун эрта саҳарга айланиб, осмон ғира-шира шафақлаша бошлаши билан ҳар икки тарафнинг жангга чорловчи бурғулари, карнай-сурнай овозлари чўлни тутди. Зум ўтмай жанггоҳ жангчилар, суворийлар билан лиқ тўлди. Жалолиддин Мангуберди ҳам жанг яловини кўтарди. Ҳал қилувчи жанг шу бутун бўлиши ёппасига ва жадал сафланиш ҳолатидан яққол кўриниб турарди.


Жалолиддин Мангуберди бутун лашкарини бардам бўлишга ва ғоят жасорат билан жанг қилишга чақирди. Қанот лашкарбошиларига унинг буйруғисиз ҳеч бирлари ақалли бир қадам чеқинишлари мумкин эмаслигини қатъий огоҳлантирди. Жалолиддин марказ қўшиннинг энг олд қисмидан ўзи жой олди. У жуда ғазаб оташида мағрур турарди. Лашкарни сафга тизувчи сардорлардан аввал чап томондаги қанот, сал ўтмай эса ўнг қанот лашкарлари хабаргирлари лашкарлар жангга мойиллигини, фақат шахзоданинг буйруғини кутмоқда эканлигини маълум қилдилар. Рақиб томондагилар ҳали ҳам тўлиқ саф олиб бўлмаган эди. Жалолиддин уларнинг тайёр бўлишини кутиб ўтирмади. Қора рангдаги ипақдан тўқилган ҳужумга чорловчи бош байроғини орқада турган байроқдор баҳодирга имо қилиб, ўнг қўлини ганим тарафга шахд билан чўзди. Бу бутун лашкарни ҳужумга чорлов ишораси эди. Жалолиддин биринчи бўлиб отига қамчи босиб, шамширини ҳавода айлантирганча ганим лашкари қалб қўшини сари йўналди. Жанг шу тарзда Жалолиддин қўшини ҳужуми билан бошланди. Дақиқалар ичида икки томон қўшини бўронда кўтарилган кучли уммон тўлқини соҳилдаги тик қоя тошларига урилгандек тўқнашдилар. Бирпасда жанггоҳ қиёмат майдонига айланди. Тушга қадар лаҳзама-лаҳза жанг оташи қизигандан-қизиди. Жалолиддин тушдан кейин жангнинг қизғин палласида сара жангчи-баҳодирлар махсус гуруҳини атрофига тўплаб, Жўжи қўшинининг қароргоҳига шиддатли ҳужум уюштирди. Мақсад Жўжининг ўзи билан юзма-юз тўқнашиб, уни сафдан чиқариш эди. Аммо Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжиге қилинаётган ҳамлани тўхтатиш учун унга хавф-хатар туғилганда уни ҳимояга оладиган (кешик — баҳодирлар қисмини) отаси Чингиз доимий қароргоҳининг орқасида захирада туришни уқтириб, кунингга албатта яраб қоладиган ҳолатлар бўлади, фақат ўшанда улар сени ҳимоя қилиб, бошқа пайт захирада турсин, қабилда кўрсатма бериб, ўша қисмни ўғли ихтиёрига берган эди. Шарқ кураш услубини эгаллаган кешик қисм мўғулларнинг энг даҳшатли ҳарбий қисми эди. Чингизхон уни Хитой юриши учун тузган эди. У мўғул ва мўғулларга бўйсунган турли кўчманчи қабила ва уруғларнинг жисмонан жуда кучли паҳлавон баҳодирларидан 10 мингтаси танланиб, ташкил қилинган эди. Чингизхон Тўрғай сафари чоғи Жўжини ҳимоя қилиш учун бир ярим минг баҳодир кешик гуруҳи жангчиларини берган эди. Жўжини Жалолиддин Мангуберди қиличи дамидан ўтказишни астойдил истаб, ўз баҳодирлари билан мўғулларнинг жангчиларига қирон келтириб, кешик қисмига яқинлашди. Бу қисм Жўжи ҳаёти учун Чингизхон топшириғига кўра, бир кори ҳол бўлса, барчаси боши билан жавоб бериб, Ясоққа тортиларди. Жўжини улар юзтадан доира

ясаб, 15 ҳалқа ҳосил қилиб ўраб олишди. Кешик жисмонан жуда кучли жангчилар бўлиши билан ўз бўйлари баробар мустаҳкам зирҳли қалқон билан девор ҳосил қилишди. Бир неча бор уринишларга қарамай занжирлар билан мустаҳкам боғланган бу тўсиқдан ўтишнинг иложи бўлмади. Шундан кейин Жалолиддин Жўжини яккама-якка жангга чорлади. Бироқ, Жўжидан садо чиқмади. Қароргоҳи олдидан бир қадам жилмай кешик ҳимоясида турди. Шундан сўнг Жалолиддин мўғул қўшинларини иккига ажратиб ташлаш учун Субутой ва Жўжи қўшинининг туташган жойига ҳужум уюштирди. Ана шу жойдаги мўғуллар турган майдонни топтаб ташлаб, мўғуллар лашкарини иккига ажратиб фаним қўшинининг кучини кескин заифлаштирди. Субутой бошчилик қилган лашкарни алоҳида, Жўжи бошчилик қилаётган мўғуллар лашкарларини алоҳида қуршаб олишга киришилди. Аммо, жуда пихини ёрган бу икки лашкарбоши дарҳол Жалолиддиннинг режасини пайқаб, энди қайсарона мардлик билан оёқни тираб жанг қилиш ҳалокатга олиб келишини сезиб, қўшинга чекиниш белгисини кўрсатиб, байроқларини эгдилар. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди. Бу чекиниш буйруғи ва белгиси эди. Шу пайтда ўғли Жалолиддиннинг ҳужумини кўриб ўзига келиб олган Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон қароргоҳи қўшинини жангга киритиб, ҳужумнинг муваффақиятини янада кучайтириш учун ёрдамга етиб келди. Мўғулларни аёвсиз қийратаётган алпқомат ва мисли шер ўғлини жангнинг энг оғир майдонида кўриб, қандай бир Худо ато қилган ўғли бор эканидан жанг асносида фахрланиб кетди Хоразмшоҳ. Катта талафотлар бериб чекинаётган мўғуллар биринчи марта ўзларига муносибгина эмас, ҳатто уларни мағлуб қила оладиган ёш саркарда ва унинг марду майдон жангчиларига дуч келганлигига иқроор бўлдилар. Мўғулларни тўла қирилиб кетишдан мажбур қилишга тун ўзининг зулмат сепини ёйиб, мағриб оламини ёритиш сари шошиб кетишигина сақлаб қолди. Шу тариқа мўғулларнинг енгилмас қўшини катта талафот билан жанг майдонини тарк этиб, тирик қолган қисми тун зулмати қўйнида ғойиб бўлди. Жалолиддин ҳам қўшинини аввалги қароргоҳини тиккан жойга қайтарди. Учинчи куни тонгда Жалолиддин ўз қўшинини қақшатқич ва якуний зарба бериш учун жангга киришга сафлар экан, ярим тунда мўғуллар қўшини аллақачон Чингизхон пойтахти Қорақурум сари жадал йўлга отланган эдилар. Жалолиддин мўғулларни тамомила тор-мор қилишга улгурмаганлигидан анча пайт афсусланиб юрди. Натижада ғойиб Жалолиддин қўшини ҳам Хоразмшоҳлар пойтахти томон равона бўлди. Илк ғалабани Жалолиддин Мангуберди шундай қўлга киритган эди. Шу тариқа ёш саркарда ўз истеъдоди ва ҳарбий санъат салоҳиятининг дастлабки саҳифасини ғалаба шарафи билан беади. Чингизхоннинг тоғдек суянган саркардаларини жанг майдонидан бошини эгиб чиқиб кетишга мажбур қилди. Илк бор оғир жанг имтиҳонидан зафар қучиб ўтди.

Аммо Хоразмшоҳ Муҳаммад Султонда тамомила бунинг акси бўлди. Мўғуллар билан тўқнашувга қадар у ўнлаб мамлакатлар ҳукмдорларини тиз чўктириб, 30 га яқин вилоят ва ўлкалар ҳокимларини бир зарба билан ўзига тобе қилган бу ҳукмдор дастлабки тўқнашувдаёқ Субутой ва Жўжининг исканжасига тушди. Ажал унга бир қадам турарди. Ўзига берилган Султон Санжар ва Искандари Соний номлари яроқсиз бўлиб, ҳаволарга учди. Унинг жанг услуби мўғуллар билан жангда қўлаган тактикалари ҳаётда эскириб, замондан орқада қолганлиги, душман кучларига тўғри баҳо бера олмаганлиги оқибатида берган талафот кўлами ҳам катта бўлди. Натижада унинг оғир оқибатларини марказ ва жуванғарда жанг қилган жангчиларнинг аксарият кўпчилиги Хоразмшоҳ айби билан қуршовда қириб ташланди. Агар Жалолиддин Мангуберди бир оз кечикканида Хоразмшоҳ ҳам, ҳалқага тушган 40 минглик жангчиларнинг ҳеч бири ҳам тирик чиқмасди. Аввало, қорахитойлар



Муҳаммад Султоннинг пойтахти Кўҳна Урганчда Турон заминнинг энг баланд минорасини қуриш тўғрисидаги қўрғошин тахтага ўйиб ёздирган фармони.  
XIII аср бошлари.



Ўрта аср Шарқининг машҳур муаррихи Рашидиддиннинг „Жоме ат-таворих“ асари. Асар мўғуллар салтанатининг пайдо бўлиши, хоразмшоҳлар ҳудудларига босқинчилик юришлари ва Жалолоддин Мангубердининг қаҳрамонона қурашларини баён этади.

билан, сўнгра мўғуллар билан жанглардаги иккита мағлубият аввалда эришилган ғалабаларни шамолга совурди, Муҳаммад Султоннинг сиёсий-ҳарбий обрўсига путур етказди. Шунингдек, бир вақтлар Шарқни ларзага солган шон-шавкати путурдан кетиб, унинг ички ва ташқи сиёсатдаги қуёши ботаётганлигининг мантиқий далили эди. Бу чингизий саркардалар билан бўлган кейинги катта жангу жадаллар ҳам Муҳаммад Султоннинг фақат сичқоннинг ини минг танга бўлиб, мўғулларнинг ҳужумларини асло бирон маррада тўхтата олмай, Ватанни, халқини душманга топшириб, шармандаларча чекиниш, ниҳоят қочиш, қувилишдан бошқа чора топмаганликда ҳам ўзини тўла намоён этди. Хоразмшоҳ тарихга мард, баҳодир жангчи, довюрак Султон, жасур ва ақлли Олий бош қўмондон бўлиб кирмади, қора саҳифага ёзилди. Отанинг такрор-такрор ва бот-бот қилган ҳарбий-сиёсий хатоларини тўғрилашга Жалолиддин Мангуберди ўзининг қисқа, аммо шон-шарафга бурканган бутун умрини бағишлади. Ана шу даврда олиб борган жангу жадалларининг ҳар куни ва дақиқалари ой ва йилларга татиғулик қийматга тенг бўлди. Унинг еру заминни титратиб, жангтоҳларда от суриши, нафақат Чингизхондек жаҳонгирни ва чингизий саркардалар, шахзодаларни, балки Кичик Осиё, Кавказ ва Араблар дунёсининг Мисргача барча ҳукмдорларининг юрагига ваҳима солди. Уни ана шу майдондан юлиб ташлаш учун кейинчалик ўша ҳудудлар ҳукмдорларининг барчаси унга қарши бирлашиб, фанимлик байроғини кўтардилар. Темир халқа ичида жанг қилишга буюк саркардани мажбур қилдилар.

Унинг мўғулларга қарши олиб борган биринчи жанги якуни ҳақидаги шум хабарни Чингизхоннинг номдор саркардалари Жўжи ва Субутойлар хоқонга қандай етказишни билмай, бошлари қотди. Негаки, мағлубият сўзини айнан хоқон ўзининг ишончи ва таянчи ҳисобланган номдор саркардаларидан эшитса, худо кўрсатмасин, оғзидан уларнинг ҳаётидан кечиб „Ясоқ“ сўзи чиқиб кетса борми, ҳатто ўғли бўлсин, хоҳ ёшлиқда жанговар сафдош дўсти Субутой бўладими ғазабга келганида баҳридан ўтиб юбориши хоқон учун ҳеч гап эмасди. Бунинг устига-устак сараланган лашкар билан кетган бу икки саркарда Қорақурумга — хоқон саройига қайтар экан, афтода ҳолга келган кичик ҳарбий қисм сифатида қайтмоқда эди. Уларнинг ҳам кўпчилиги ярадор, майиб-мажруҳ, аввалги жанговар қўшиндан фақат номи қолган, уларни жангчилар деб атамас ҳам бўладиган ачинарли ҳолатда эдилар. Хоқон эса бу пайтда Хитойнинг Тинч океан соҳиллари, Манжурия, Жануби-ғарбий Сибирнинг бепоён ҳудудларида ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, бу ғалабалардан масрур бўлиб, энди ғарб дунёсининг сўнги уммон соҳилларигача тулпорини ғолибона ўйнатиб кириб борадиган катта режалар, орзу-хаёллар оғушида Қорақурумдаги бош қароргоҳида ўтирарди. Ана шу лаҳзаларда сарой қутволи (бошлиғи) хоқонга шахзода Жўжи ва Субутой сафарни якунлаб қайтганлиги ва ҳузурига киришга тайёрлигини маълум қилди. Хоқонга ғарб юриши олдидан улар олиб келадиган маълумотлар ниҳоятда зарур эди. Негаки, бу саркардалар айнан Хоразмшоҳлар салтанати бўйлаб туташган ғарбий чегаралар йўналган ҳудудларда ҳарбий ҳаракатлар олиб боришган эди. Саркардалар сарой ичкарасига кириши билан Хитойнинг машҳур ҳунарманд усталари ясаган, асосий қисми тилла ва қимматбаҳо тошлар билан нақш берилган ғоят ҳайбатли тахтда кўр тортиб ўтирган Чингизхонга кўзлари тушди. Улар хоқон томон келар эканлар, ҳукмдор пойига дарҳол тиз чўкдилар. Саркардаларга назар солган Чингизхон доимо мағрур ҳолатда юрадиган фарзанди Жўжи ва дўсти Субутойни эмас, юз-кўзлари кўрқув ва ҳадикдан алланечук ўзгарган, гавдалари оғир касалга чалиниб, энди ўрнидан базўр ҳолда турган одамга ўхшатди, уларни. Сездики, улар анча оғир ва нохуш воқеаларни бошидан кечирган, акс ҳолда

бунчалик тушкун кайфиятда кириб келмасдилар, хаёлидан ўтказди хоқон ва деди: „Қани, саркардалар, хуш келибсизлар, сизлар билан омонликда дийдор кўришиб турганимиздан бағоят шодман, кунботар юртларда нима янгиликлар, қулоғим сизларда, анчадан буён дараксиз кетганингиздан анча хавотирда эдик, гапиринглар, маркит ва уларга эргашган менга рақиб бўлган айрим қайсар қавмлар билан ҳисоб-китоб якунига етдими?“ Саркардалар хоқон сўзини маркитлардан бошланг деганига анча хурсанд бўлдилар, чунки бу масалада хоқон албатта хурсанд бўладиган жиҳатлар бор эди. Жўжи: Ота сизга шимоли-ғарб томондан хавф соладиган маркит ва уларнинг иттифоқчи қавмлари энди йўқ, улар мутлақ қириб ташланди. Сизнинг кунботар ҳудудларга юриш йўлингиз тамомила тозаланди. Шу сўзларни айтгач, сарой қутволига имо қилиб, совғаларни олиб кириб, дейди Жўжи. Совға сўзини эшитган Чингизхоннинг анча дили ёришиб, кайфияти бир оз кўтарилди. Бўз қопларга солинган ўлжалар хоқон ишораси билан ерга тўкилди. Маркитлар ва узоқ йиллар тутқич бермай келаётган жангари қавмлар, уруғларнинг минглик, ўн минглик қўшинларнинг байроқ ва туғлари хоқон оёғи остига ёйиб ташланди. Хитой шойисидан тўқилган бу байроқларда қорамтир-қизғиш доғлар қотиб қолган бўлиб, улар байроқдорларини қилич билан чопишганда сачраган ғаним қонларининг изи эди. Ғалабанинг далили сифатида мўғуллар ҳарбий юришларга кетганида албатта тор-мор этилган душманлар — ҳукмдорлар, саркардалар ё ўлиги, ё тириги, яъни катта бошлиқларнинг боши ёхуд ўзини асир қилиб олиб келиш одати бор эди. Ҳар бир қавмнинг байроғи ёйилиб унинг устига уларнинг саркарда ёки қавм ҳукмдорининг бошлари қўйиб чиқилди. Саркарда ва туманбошиларнинг кесиби олинган бошларидан оққан қондан уларнинг ўсиб кетган сочлари юзларига тушиб қотиб қолган, айримларининг кўзлари ярим очиқ, танадан калла жудо қилинган ҳолатдагидек даҳшатли киефада эдилар. Эски рақибларининг башаралари аввалда анча яхши таниш бўлганидан Чингизхон ўндан ортиғининг номларини санаб кўрсатди ва деди: „Уларнинг қайсарлиги ўз бошларини еди, на илож, улар шу йўлни танлаган эди, мана ниятларига етди. Ҳар ҳолда мардона ўлим топганлигини инобатга олиб, уларнинг ҳурматини жойига қўйиб дафн қилинглр“, — деди хоқон гарчи ашаддий ғанимлари бўлишса-да. Бу унинг азалий душманларидан қутулганлиги боис кайфияти кўтарилганда хурсандлигининг бир аломати бўлса, иккинчи томондан жангчи ва хоқон сифатида охириги нафасгача ўз қавмини ҳимоя қилганлигини инобатга олиб, қатл бўлганларга нисбатан ҳурматининг ифодаси эди. Абадият оламига мангу кетганларни ҳақоратлаш ҳақиқий мард жангчига хос хусусият эмас. Аммо хоқон ғазаб отига изн берганида ёки ғанимнинг қаршилиги тобора оша борса, у ёвузлик тимсолига айланарди-қўярди. Ҳатто ғаним сардорлари тор-мор этилгач, уларни қатл қилиш билан чекланмай, уларнинг қонини ичишдан ҳам тоймасди. Буни юртимизга қилган ғоратомуз, ваҳшиёна юришларида амалда исботлаган ҳам эди.

Хоқоннинг Турон заминидаги босқинчилик фаолияти инсонийлик жабҳаларини четлаб ўтиб, асосан, оммавий қирғин қилиш, ғорат ва вайроналик, жаҳон цивилизацияси ўчоғи бўлган заминимизни қора ер билан омухталаштириб, тараққиётни инқироз, таназзул ҳамда қуллик жамиятини барпо этишга қаратилган хатти-ҳаракатларида тўла намоён этган эди. Хоқоннинг Турон ва Хуросон халқларига нафратомуз бир ҳолатда қарашининг бир неча сабаблари бор эди. Негаки, унинг дунёга ҳукмрон бўлишига қарши узоқ вақт тўсиқ қўйган макон ҳам, Жалолиддин Мангуберди атрофига бирлашган шу эл-улуснинг марду майдон баҳодир фарзандлари бўлди. Жалолиддинни ўз йўлидан олиб ташлай олмай хоқоннинг

сарсон бўлиши унинг яшин тезлигида дунёни ўзига бўйсундириб олишига имкон қолдириши у ёқда турсин, умри поёнига қадар ҳам буюк саркардани Хуросон ва Кавказорти, Форс, Ироқи Ажам ҳудудларидан сиқиб чиқара олмай, бу васиятни меросхўр ворислари — чингизийларга қолдирди. Бу Чингизхонни бир умр армон, юрагида дард билан ўтишга мажбур этди. Шу армон уни тузалмас касалликка йўлиқтирди. Шу хасталик уни кейинчалик у дунёга олиб кетган эди.

... Чингизхон ўзининг азалий душманларини қириб ташлаб, хоқонга хурсандлик бағишлаб, фанимларнинг кесилган бошларини совға қилиб олиб келган ўғли Жўжини ота ўғил ишини қилганлигини алқади ва уни ҳамда дўсти Субутойни бағрига босиб энг яхши сўзлар билан тилга олди ва устларидан шу хизматлари эвазига тилла сочишни буюрди. Бундан кейин ҳам улар ишонган тоғи, таянч саркардалари бўлиб қолишини таъкидлади, хоқон. Сўнгра гапни хоразмшоҳлар чегараларидаги аҳвол ва ҳолат томон бурди. Бу масалада Жўжи оғзига толқон солган одамдек жим туришга мажбур бўлди. Энди масаланинг бу ёғи улардан совуқ тер чиқишига сабаб бўладиган оғир мулоқот гирдобига тортиши аниқ. Сиз гапиринг, деб ишора қилгандек бўлди Жўжи Субутойга. Ҳар қандай ғазабли ҳолатларда хоқоннинг кўнглини топиб гапира оладиган сафдош, жанговар дўсти Субутой бўлгани учун сўзни у бошлади: „Буюк хоқоним, сен билан не кунларни кўрмадик (хоқонга сенлаб гапирадиган 3 та одам бор эди, булар Жаба нўён, Жемуха нўён ва учинчиси Субутой лашкарбошилар эди), ҳатто неча бор ўлимга тик боқдик, биримиз иккинчимизга қалқон бўлиб, ўлимларни доғда қолдирдик. Мана шу қирғинлардан омон қолиб, эвазига сен дунёнинг ягона олий ҳукмдори бўлиб, хизматингда турибмиз. Тангри сену бизни шу кунларга етказди. „Душман кучини ўзингдан кам кўрма“, дея таъкидлаганингдек, Хоразм хусусида ўзинг огоҳ қилган кучли фанимга дуч келдик. Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон билан Ирғиз дарёси соҳилидаги чўлда юзма-юз келиб илк бора тўқнашдик ҳам“. „Наҳотки, айнан Хоразмшоҳ билан дуч келган бўлсангизлар, бу жуда кутилмаган воқеа-ку“, ҳайратланиб сўрайди хоқон. „Худди шундай“, тасдиқлайди Субутой.

„Сулҳ тузилдими?“ — сўрайди хоқон. Субутой афсус билан сулҳ тузишга умуман имкон берилмаганлигини айтади. „Бўлмаса унинг муддао ва талаби не экан“, жиддийлашиб сўрайди хоқон Субутойга тикилганча. Субутой: „Хоразмшоҳнинг муддаоиси уруш турур.“ „Сулҳ тузиш биздан чиққан фикр эмас, бу шахсан Олий ҳукмдорнинг ташаббуси эканлигини билдирмадингизларми?“ — дейди хоқон. „Билдирдик, хоқоним, бир-бировга қилич ўқталиш яхшилиқ келтирмаслигини, сиз Хоразмшоҳ билан хоқон дўст ҳукмдорларча муносабат юритмоқчи, — дедик. Шунингдек, — мен Чингизхоннинг энг яқин дўстиман, бу эса қаршингизда турган хоқоннинг тўнғич фарзанди Жўжи ўғлон, биз ишончи элчилар ҳисобланамиз, — дея ишонтирмоқчи бўлдим. Буни Жўжихон ҳам таъкидлади, аммо Хоразмшоҳ: „Мен учун шимоли-шарқ ва шарқий чегараларим бўйлаб бирорта дўст йўқ, барчангиз қайси қавм ва қабиладан бўлманг ҳаммангиз бир гўрсизлар, шунинг учун барчангизни қиличдан ўтказавераман“, дея жанг яловини кўтариб бизга ҳужум бошлаб юборди. Бизни орқага қараб қочишга ўргатмагандисиз, балки кўтарилган қилични яланғоч қилич билан қайтаришга ундагандисиз“. Шундай дея Субутой Чингизхоннинг шу сўзларига муносабатини билгиси келиб тин олди. Чингизхон унинг устомонлик билан келтирган сўзини таъкидлаб: „Тўғри қилгансизлар, бундай вазиятда жанг қилиш шарт, орқа ўтириб қочиш менинг жангчиларим ва қўмондонларимга хос хусусият эмас“, дея яна саволга навбат берди: „Кучлар нисбати жанг бошланишида қандай ҳолатда эди?“ — сўрайди улардан Чингизхон. „Қарийб

тенг эди, — дейди саркардалари бараварига жавоб бериб. — Жанг бошланишида ва асносида устунлик тўла бизнинг томонимизда бўлди. Сўнгра тўлғама усул билан Хоразмшоҳни қуршаб олишга эришдик. Унинг ўлими ёки асир олинишига бир баҳя қолган эди. Ҳатто фарзандингиз Жўжихон ўғлон менинг ҳимоямда унинг қароргоҳига ёриб киришга эришиб, шамширини Хоразмшоҳ қалқонига бир неча зарб уришга муваффақ бўлди“. Субутой баҳодирнинг сўзини тасдиқлаш учун хоқон Жўжигга қараб: „Наҳот шунга эришган бўлсанг, бу нақ ғалабанинг ўзи-ку“. „Ҳа, худди шу воқеа содир бўлди, ота. Аммо ана шу лаҳзаларда қутилмаганда ғалабани яқунлай олмай қолдик“, — дейди отасидан кўзини олиб қочиб ва сўнгра пастга қараганича жим қолган Жўжи. Воқеа чигаллашиб Чингизхон тундлашиб, қовоғидан қор ёғишга ўтгач, яна Субутой воқеа қандай содир бўлганини жуда силлиқ қилиб баён қилишга киришди: „Ғалаба калити қўлимизда нақд бўлиб турган бир пайтда барханлар ортидан шамолдек учиб ғанимнинг қўшимча захира қўшини қуршов ҳалқамизга ханжардек санчилди ва ёриб кирди. Хоразмшоҳга ёрдамга етиб келди. Биз жанг аввалида ҳамма жойларни текшириб чиққанимизда Хоразмшоҳнинг на захираси, на пана-пастқам пистирмада бошқа захира қўшини йўқ эди. Аммо ёрдамчи кучлар довул тезлигида пайдо бўлди ва ҳалқани ёриб ўтиб, Хоразмшоҳни қутқариб олиб чиқиб кетишга эришдилар“. Шунда ғазабни қайнаб, кўзларидан нафрат учқуни отила бошлаган Чингизхон: „Унда мен шунча йиллар таълим берган сара қўшимиз Хоразмшоҳни олиб чиқиб кетаётганда томошагўй бўлиб турган экан-да, ана холос, менинг таянч саркардаларимга тасанно, — пичинг қилди хоқон. — Унда сизларни жанг майдонининг яловбардорлари, зафарнишон саркардалар эмас, саройдаги маросимларни ўтказувчи, элчиларни кутиб олиб, мулозаматни ўрнига қўйиб кузатувчи амалдорлар вазифасига тайин қилсам ҳам бўлаверар экан-да“, титрайди хоқон уларни „Ясоқ“қа тортишга бир баҳя қолиб. Ўртада шундан сўнг бир неча лаҳза бўрондан олдин уммон узра рўй берадиган даҳшатли жимлик ҳукм сурди. Сўнгра бу даҳшатли сукунатли лаҳзаларни яна Чингизхоннинг ўзи бузиб: „Шундан кейин сизлар сичқоннинг ини минг танга бўлиб қочдингизлар, шундайми? Қани галма-гал ўзларингизни оқлаб, мени ишонтиришга уринаверинглар-чи? Субутой сен билан жангтоҳларда ўсдик, улғайдик, наҳотки, улар биз неча бор тор-мор этган ғанимлардан ҳам кучли бўлсалар? Ёки улар бутун дунёнинг паҳлавонларини йиғиб, ўшалардан ташкил топган лашкарлар эканми? Жўжихон ҳали сандек тажрибага эга эмасдур. Бироқ сен қаерда эдинг, минг хил душманни чалғитадиган ва сўнгра ғаним устига арслон ўлжасига ташлангандай важоҳатларингни қайси шамоллар, қаёқларга учирди? Энди қулоғим сенда, менга батафсил таърифла, у қўшинни ким бошлаб келди-ю, сенларни Мўғулистонгача ким қувлади? Мен билишим шарт бўлган у баҳодир ва унинг шавкатли жангчилари кимлар экан? Балки у Хоразмшоҳ лашкарбошиси Темур Маликми ё Шихобиддин ал-Ҳевақиймиди, ё Аминалмулкмиди, ким экан, у саркарда?“ Субутой хоқон талаби билан қуршовни ёриб ўтган саркарда ва унинг жангчилари ҳақида бўёқсиз-бежовсиз шамшир ўйнатишлари-ю, ёяндозлик ва найза уришдаги шиддаткорликларини бирин-бирин баён қилишга киришди. „Қўшинни жангга бошлаб келган Хоразмшоҳнинг катта ўғли Жалолиддин Мангуберди экан“. „Тўхта Субутой, яна бир қайтар-чи, нима дединг. Жалолиддин дедингми?“, „Ҳа, хоқоним, Жалолиддин“. „Менинг ҳисобим бўйича ҳали у Хоразмшоҳнинг ўғли болакай ёки нари-бериси билан бир ўспирин йигитча бўлиши лозим эди, қанақасига у менинг Хитойнинг не-не саркардаларини синдирган сиз каби буюк саркардаларимга бас келдигина эмас, сизларни олдига солиб қулаб юрса, йўқ сизлар адашган бўлишларинг керак, ҳали у бундай саркардалик маҳоратига эга бўлиши учун яна



10 йиллар шафқатсиз жанг майдонларида ўсиб-улғайиши керак, сизларнинг ушбу маълумотларингизга ишонгим келмайди. Наҳотки, юзма-юз жанг қилган қўшин ва унинг саркардаси ҳақида менга маълумотни товуқнинг патини чала юлган одамга ўхшатиб келтирган бўлсангизлар. Бу хизматингизни бирингиз фарзандим, бирингиз ёшлиқдан жанггоҳда қўлни қўлга бериб ғанимлар бошида қилич ўйнатган қаҳрамон дўстим бўлсангиз-у, иккингизни ҳам Ясоққа муносиб кўрсам. Эй, Кўк тангрим, буларни нима қилай? Жўжи сен катта ўғлим бўлсанг, Жалолиддин Хоразмшоҳнинг катта ўғлига, шундай имкониятни қўлдан бердингми, кимсан хоқон ўғли шер бўлиб юзма-юз олишмадингми, қанча баҳодир, девсифат ҳукмдор-у, уларнинг саркарда фарзандларини бўрон ағдарган дарахтдай қулатгансан, улардан ҳам шу Жалолиддин деган ўспирин йигитча зўр чиқибдими, ҳали оғзидан она сутининг ҳиди кетмаган, тирмизакдан-а. Икки катта шаҳзода саркардалар — сен ва Жалол олишувидан кўра жангдаги тўқнашувдан аҳамияти зўр нима бор ўзи, қандай имкониятни қўлдан бергансан. Афсус, минг афсус, бу қандай юзи қаролиғ бўлдики, менинг фарзандим — Жўжихондек арслоним деб алқаганим думини туғиб, болакай шаҳзода Жалолиддин деганидан қашқирдан қочган тулкидек қочиб келиб, шумшайиб ўтирса-я, уят, шармандалик. Наҳот Жалолиддин дегани шу ёшда шер паланг эмас, ундан ҳам кўрқинчли Худонинг яратган ғазаби ва офати бўлса, ана холос! Авваллари Хитой — Чин-Мочинни олсак дунёни олганимиз дея қилган орзу-умидларимиз ва бунга эришиб оламни бузиб чалган ноғораларимиз-у, зафар тантаналаримизда ёзилган шоҳона дастурхонлардаги неъматлар Жалол дегани билан савашларда оғзи-бурнимиздан қон бўлиб отиларкан-да, сенларнинг бу ҳолатдаги аҳволингизда. Ҳамма эришган зафар ғалабаларим заҳар бўлди. Тезда кўзимдан нари бўлинг, мени холи қолдиринглар“, — деди хоқон заҳарли илон каби вишилар экан. Анча пайт ғазаб отидан тушмаган Чингизхон бир оз фурсат ўтиб саройбонини чақиртирди ва сафардан қайтган қўшиннинг қанча талафот кўрганлиги-ю, қанча ярадор ҳамда тирик қолган жангчилар сони ҳақида маълумот зарурлигини айтди. Сўнгра яна қўшимча қилиб ярадор жангчиларни тез дори-дармон ва етарли даражада табиблар билан таъминлаш зарурлигини эслатди.

Хоқон Жўжи ва Субутойларнинг Жалолиддин билан қилган жанг тафсилотидан мутлақо қўнгли тўлмай, уни жангда иштирок этган оддий жангчилар ҳамда ўнбоши ва юзбошиларидан билиб олмоқчи бўлди. Ўшандан кейингина Хоразмшоҳ ва Жалолиддин қўшинларига қарши курашнинг янги усуллари, режаларини тузишга киришиши мумкин бўларди.

## ҲАРБИЙ СИЁСАТ ВА РЕЖАДАГИ ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР

Чингизхон икки саркардасининг мағлубиятидан жиддий ҳулосалар чиқарди. Хоразмшоҳлар салтанати билан бўладиган уруш ўзи кутгандан ҳам узоққа чўзилиши мумкинлигини илғаб етди. Тулкидан-да айёр, шайтондек муғамбирлик усуллари ишга солиб, гўё бу ёғига бирор мамлакат ҳукмдору фуқароларининг бурнини қонатмасдан, ўзаро тинч-тотув шароитда яшашга киришган хоқон қиёфасига кириб олиш сиёсатини олиб бораётганидек иш тутиш режасини маъқул кўрди. Бу билан у ўзини „қўй терисини ёпиб олган бўри“ эканлигини Хоразмшоҳдан пинҳон тутмоқчи бўлди. Бунинг учун Хоразмшоҳ билан ташқи сиёсат бобида тинчликсеварлик байроғини баланд кўтариб, амалда уларнинг кўзини шамғалат қилиб куч-қудратда улардан устунликка эга бўлишини таъминлашдек пинҳоний сиёсат йўлини маъқул топди мўғул хоқони Чингизхон. У бундай масалалар ечимини топишда илон ёғини ялаган ҳукмдор эди.

Маълумки, бу вақтда Хоразмшоҳлар давлати жанубда Форс кўрфази, жануби-ғарбда Форс Ироқи ва Кичик Осиё чегараларигача бўлагн ҳудудларда ўз тобелигини ўрнатиб,

катта ғалабаларни таъминлаган эди. Тобе қилинган мамлакат ва ҳудудларда йирик шаҳарлар кўп бўлиб, уларнинг аксарияти мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган эди. Шуларни ҳисобга олган Чингизхон хитой, манжур ва корейсларнинг ҳарбий-муҳандис ва жанговар қуроолар, жумладан, деворбузар машиналар, оловотар механик асбоблар ясайдиган усталарини тўплаб, уларни қаттиқ назорат остида жанговар ҳарбий техника қурооларини тайёрлашга махфий фармон берди. Бундай устахоналар Хитойнинг бир неча йирик шаҳарларида ишга туширилди. Шаҳар ва қишлоқлардан 17 ёшдан 45 ёшгача жуда бақувват, жисмоний кучли йигитлар танлаб ҳарбий хизматга чақирилди. Улар эртадан кечга қадар ҳарбий машқларга жалб этилди. Ҳарбий хизматга чақирилганлар 25—30 кишилик гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга энг тажрибали, жангда суяги қотган қиличбоз ва найзабоз ҳамда камонбоз, шунингдек, яккама-якка жанг олиб бориш, шарқ кураши ва жанговар ҳимоя усулларини ўргатувчи паҳлавон мураббийлар тайинланди. Уларни озиқ-овқат ва кийим-кечак, жанговар қуроолар билан таъминлаш учун „Ясоқ“ тартибига кўра босиб олинган халқларнинг ҳар бир оиласига маҳсулот солиғидан ташқари ҳарбий солиқ солинди. Ҳарбий хизматга янада қизиқишни ошириш учун ҳоқон жангда алоҳида қаҳрамонлик кўрсатганларга ўлжаларнинг бир қисмини тақсимлаш, қишлоқ, туман, шаҳар ва вилоятларни тўхфа қилиш каби рағбатлантиришлар белгилади. Шунинг эвазига ҳоқон чиқарган фармонга кўра, Чингизхон қўшинидаги оддий жангчидан то саркардага қадар фидойилик билан жанг қилиши шарт ва мажбурий эди. Шунинг учун мўғул қўшинидаги ҳар бир жангчи бойиши, фаровон яшаши учун тўхтовсиз уруш олиб бориши, босқинчилик қилиши ва жангда бемисл жасорат кўрсатиши лозим эди. Уруш ва жанг мўғулларнинг энг севимли, энг зўр машғулот турига айланди. Энг яхши касб уруш, ғанимларни қириб талашдан иборат эди. Чингизхон ўзининг ташқи сиёсатини шу йўсинда олиб боришга қаратди. Хоразмшоҳларга қарши уруш тайёргарлиги тўхтовсиз ва зимдан олиб борилди. Хоразмшоҳни тинчлантириш, хавфсиратмаслик йўлида барча дипломатик устмонликларни ишга солди, чалғитиш сиёсатига катта урғу берди. Бунда Чингизхон фақат қўшинни жуда катта жангларга тайёрлабгина эмас, балки, ўз ғанимини синдиришнинг Хитой императорларига донишмандлари ишлаб берган ғанимини енгиш санъатининг руҳий ва мафкуравий сафдан чиқариш усулларини янада такомиллаштириб, қувлик, ақл, ҳийла-найрангни ўз вақтида қўллаш орқали ғанимининг давлат бошқарувини ичдан издан чиқариб, мағлуб этиш йўлларини пухта амалга оширишга киришди. Ушбу масалаларда Хитой олимлари ва донишларидан ташқари Чингизхонга туркий халқларнинг феъл-атворини яхши билган ва ўзлари ҳам туркий халқларга мансуб бўлган уйғурларнинг илми ҳикмат эгалари, сардорлари ақл-тафакқуридан ҳам ҳоқон давлат бошқарувида жуда унумли фойдаланди. Уйғурлар орасида таниқли олимлар ва ақли саркардалар ҳам анчагина бўлиб, Чингизхон уларни ўзига жуда яқин дўст тутди. Маърифатли зиёлиларни давлат бошқарув ишларига, сардорларни эса ҳарбий хизматга жалб қилди. Шулар орасида уйғурларнинг таниқли саркардаси Эдиқуд (Саодатбек) Чингизхоннинг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича энг ишончли маслаҳатчиларидан бирига айланди. Эдиқуд орқали ҳоқон мусулмон дунёсининг йирик савдогарлари ва халқаро, яъни шарқ ва ғарб мамлакатлари бўйлаб қатнайидиган карвонбоши — сарбонлар билан яқинлашди. Чингизхон уларни шундай йўллар билан қалбига қўл солдики, бу сарбонлар бора-бора ҳоқоннинг садоқатли хизматчиси ва ҳар қандай мамлакатлар ва ҳукмдорлар саройидаги ички сирларни билиб, унга муҳим маълумотларни етказиб берардилар.

## САВДО ВА ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ЗАМИРИГА ЯШИРИНГАН ЖОСУСЛИК

Аввалроқ таъкидлаб ўтганимиздек, хоқон Хоразмшоҳнинг саройидаги вазият ва унинг кўшини ҳақидаги маълумотларга қанчалик қизиқиб маълумотлар тўплашга киришар экан, Муҳаммад Султон ҳам Чингизхоннинг Хитой ва Шимоли-шарқий ҳудудларни эгаллаганми ёки йўқ қабалидаги саволларга ечим излай бошлади. Негаки, халифалик пойтахти Бағдодга қилинган юриш Муҳаммад Султонга ҳарбий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам жуда қимматга тушиб, бу талафот ва йўқотишларнинг ўрнини тўлдириш учун ўзига тобе вилоят ҳамда ноибликлар аҳолисига бир йўла бир неча марта солиқлар солиш билан иқтисодий аҳволни яхшилаб, хазинасини тўлдирмоқчи бўлди. Хоразмшоҳ кўшин сонини аввалги ҳолатига келтириш учун халқни келгуси йиллар солиқларини тўлашга мажбур қилмоқчи бўлди. Бу сиёсат Муҳаммад Султон билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни заифлаштириб, унинг халқ мададидан маҳрум бўлиш хавфини туғдирди.

Шу боис хазинани фақат халқнинг ҳисобидан эмас, жуда катта имкониятлар мамлақати Хитойни эгаллаб, унинг беҳисоб бойликларига эга бўлиш муаммонинг ижобий ечимини топишнинг энг мақбул йўли деб билди. Хоразмшоҳ, бунинг учун аввало, Хитойни Чингизхон босиб олган-олмаганлигини билиши талаб этиларди. Мўғул хоқонининг Хитойни босиб олганлиги ҳақидаги узук-юлуқ гапларга эса асло ишонгиси келмасди. Бунга чек қўйиш учун Хитойга элчи жўнатишга қарор қилган Хоразмшоҳ Ислом маънавиятининг йирик вакили, аллома Баҳоуддин ар-Розийни ҳузурига чорлаб, Пекинга элчи қилиб жўнатди. Жўнаш олдидан бу улuf сиймога жуда масъулиятли топшириқлар берди, шулар жумласига махфий маълумотлар ҳам кирар эди. Бу ишларни бажаришнинг уддасидан чиқадиган амалдорларни элчилик гуруҳи таркибига киритди. Агар Хитой эгалланган бўлса, унда мўғуллар ҳарбий кучларига дахлдор маълумотлар тўплашга бор диққатини қаратиш йўриқлари берилди. Узоқ сафарга чиққан Баҳоуддин ар-Розий бошчилигидаги элчилар ниҳоят Пекинга кириб келдилар. Улар аллақачон бу катта шаҳар — Хитойнинг юраги ва пойтахти мўғуллар ҳукмронлигига ўтиб, ҳатто Чингизхон ҳам ўз қароргоҳини шу ерга кўчирганлиги, фақат қурултойлар чақириладиган вақтдагина Мўғулистондаги Қорақурумга бориши, қолган барча фасларда Пекинни иккинчи пойтахтга айлантириб, Буюк Мўғуллар империясини шу ердан туриб бошқаришининг гувоҳи бўлдилар.

Хоразмшоҳнинг Баҳоуддин ар-Розий бошчилик қилган элчилар гуруҳини шахсан Чингизхоннинг ўзи кутиб олиб қабул қилиши маълум этилгач, элчи ва гуруҳ аъзолари Чингизхон қароргоҳига ташриф буюрдилар. Уларни Чингизхон ва қароргоҳ аъзолари зўр тантана билан кутиб олдилар. Музокаралар тугагач катта шоҳона базм айнан Хоразмшоҳ элчиси шарафига уюштирилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Базм чоғида ҳам Чингизхон Хоразмшоҳ элчиси Баҳоуддин ар-Розийнинг ҳурматини жойига қўйиб, нақ ўзининг тахти ёнидан жой бериб, уни ўзи билан ёнма-ён ўтиришга таклиф этган. Хоқон базм тугагунга қадар элчи билан жуда очиқ кайфиятда суҳбатлашган, элчига Хоразмшоҳ оиласи, унинг саройига дахлдор, шунингдек, Хоразм ҳақида саволлар берган. Ҳатто Хоразмшоҳнинг соғлиғи тўғрисида қизиқиб сўраган. Сўнгра мағриб оламининг энг катта давлатига айланганлигини, Хоразмшоҳни ҳурмат қилишини, ўзаро қўшничилик муносабатларини кучайтириш зарурлигини хоқон алоҳида таъкидлаган. Элчилар ўз юртига жўнаб кетиш олдидан хоқон уларга қимматбаҳо совғалар улашади. Шунингдек, Хитойдек бепоён ва бойликлари беҳисоб

давлатнинг ҳукмдори эканлигини кўз-кўз қилиш учун Хоразмшоҳга олтин ёмби инъом қилади. Бу олтин ёмби ўрта аср тарихчиларининг берган маълумотларига кўра, катталиги жиҳатдан туя ўркачидан кам бўлмаган. Бундай совғани ҳали ҳеч бир ҳукмдор ўзга мамлакат шоҳига ҳеч қачон тортиқ қилмаган эди. Чингизхон элчиларига Хоразмшоҳни бутун Фарб оламининг ҳукмдори дея эътироф қилишини, ўзини эса Шарқ дунёси ҳукмдори эканлигини таъкидлаган. Шунга кўра, бу икки буюк давлат савдо ва иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиб, яхши қўшнилар сифатида алоқада бўлиш зарурлигини изҳор қилади. Хитойнинг энг яхши моллари, ҳунармандчилик буюмлари, тўқимачилик нафис матолари ортилган карвонлари Хоразмшоҳлар юрти йирик шаҳарларига, ўз навбатида эса бунга жавобан Хоразмшоҳлар салтанати карвонлари камёб моллар билан таъминланиб, Хитой мамлакатларига қаратиб иқтисодий манфаат кўришини алоҳида қайд этади. Яна қўшимча қилиб хоқон „Ўша муносабатлар эшикларини мен биринчи бўлиб ўзим ташаббус кўрсатиб очаман ва савдо карвонларимни жўнатаман“, — дейди. Аммо бу карвонлар хавфсизлиги, бехатар қатновини иккала давлат ҳукмдорлари тенгликда таъминлашларини алоҳида уқтириб ўтади. „Бунга мен ўз ҳудудимда ўзим жавоб беришни зиммамга оламан, Хоразмшоҳ ҳам ўз ҳудудида савдо карвонларига дахлдор худди шу каби масъулиятни ўз зиммасига олиши керак“, — дейди. Бу иккала давлатнинг иқтисодий манфаатларига ҳам мос келишини билдиради. Ушбу муносабатларни йўлга қўйиш учун Хоразмшоҳ элчиларига қўшиб хоқон ўз элчиларини жўнатади. Бу пайтда Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон Самарқанд, яъни ўзининг иккинчи пойтахтида фаолият юритарди. Элчилар хоқоннинг шахсан Хоразмшоҳ номига битилган мактубини Муҳаммад Султонга топширадилар. Шу тариқа ўзаро элчилик ва савдо алоқалари қизғин юришиб кетади. Ҳатто аввалда чегара яқинидаги ҳарбий тўқнашув совуқчилиги атайлаб тилга олинмади. Ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик алоқалари тобора ривожланиб, бу алоқалар то 1218 йил Чингизхоннинг ўзи ташаббус кўрсатиб ташкил этган Шукуҳли карвон фожиасигача қизғин давом этди. Шу тариқа Хоразмшоҳ очган элчилик эшиги Чингизхон ғайрати билан янада кенгайтирилиб, бир-бирларининг савдо карвонларини дўстона қабул қилиб, сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ҳар икки давлат ўртасида ривожлантиришга доир масалалар элчилик воситасида келишиб олинди. Гарчи Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон ва Чингизхон ҳам шу муносабатлар ривожига катта эътибор беришининг таг-замирида савдо, иқтисодий алоқалардан ташқари энг муҳим сиёсий ва ҳарбий мақсад манфаатлари беркинган эди. Уларнинг ҳар иккаласи бу муносабатлар бир кун келиб, эрта-индин боши берк кўчага киришини ҳам сезиб турардилар. Бу савдо ва иқтисодий алоқалар бир-бирининг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий қудратларини билиб олишлари ҳамда шунга қараб ўз куч ва имкониятларини батафсилроқ, шубҳа-гумонлардан холи ўрганиб олишдан иборат қулай шароит ҳосил қилишга қаратилган эди. Шунинг учун улардан бир-бирига олиб кетилаётган савдо карвонлари ортилган моллар ранго-ранг бўлса-да, аммо мақсад битта — ҳар икки давлат бўлажак катта уруш олдидан ўз куч ва имкониятларини тарозига тортиб олишдан ва шу тариқа вақтдан ютишдан иборат эди. Аслида савдо орқали мол ташиш ҳукмдорлар учун баҳона бўлиб, ҳар бир карвон аъзолари зиммасида махфийлашган юклар тилла, кумуш ва бошқа қимматбаҳо нарсалар юкларидан оғир ҳамда масъулиятли эди. Улар қайси шаҳар ва чегара ҳудудларидан ўтар эканлар, шу шаҳарларнинг мустаҳкамлик даражаси, мудофаа куч-қудрати, сув захиралари ва озиқ-овқат билан таъминланиши, уларни қўриқлашга ажратилган ҳарбий кучлар, шунингдек, шаҳар ҳокими, унга масъул саркардаларга доир маълумотлар турли йўллар билан йиғиларди. Карвонлар келишувга кўра дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиб,

ҳар бир шаҳарда юқоридаги маълумотларни махфий тўплашлари учун гўё савдо ишларини қизғин ва кўпроқ олиб бораётгандек кўрсатиб, шу ерда узоқроқ муддат қолиб кетишни афзал билардилар. Ҳар икки ҳукмдор томонидан ўзларига юклатилган вазифа ва махфий топшириқларни уддабуронлик билан бажарган карвонбоши ва савдогарлар солиқлардан озод этилиб, уларга бериладиган имтиёзлар кенгайтирилди. Улар ҳукмдорларнинг яқин одамларига айлана борди, саройга монесиз кирадиган бўлдилар. Ҳукмдорлар уларнинг саройга келганлигидан хабар топиши ҳамано уларни навбатсиз ҳузурларига чорлар эдилар. Хоразмшоҳ Чингизхон жўнатган навбатдаги элчиларни 1218 йил баҳорида Бухородаги қароргоҳида кутиб олди. Уларнинг ҳурматини ўрнига қўйди, ўз навбатида, уларга ҳам қимматбаҳо совғалар тақдим этди. Улар қайтар чоғида, хоқон элчиларига қўшиб йирик савдогарлардан Аҳмад Хўжандий ва Аҳмад Балхийларни Пекинга жўнатди. Улар Хоразмшоҳ элчилари бўлиб хоқон пойтахтига йўл олар экан, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг энг асл моллари — зарбоф, зандона, кирбас, олтин, зардўзлик либослари каби Шарқ бозорларида харидоргир ноёб зеб-зийнатларни ўзлари билан Хитойга олиб кетдилар. Чингизхон элчилар келганидан мамнун бўлиб, улар қайтаётганида хоқон ўзининг энг яқин одами ҳисобланган асли хоразмлик Маҳмуд Ялавоч ал-Хоразмийни, унга қўшиб Алихўжа ал-Бухорий ва Юсуф Қанқа (қанг қабиласидан) Ўтрорийни жўнатди. Уларга Хоразмшоҳга топшириш учун хоқон янада ноёб, Хитойнинг машҳур чиннисоз ва шойи тўқувчи ҳунармандларининг энг сара буюм ва молларини совға тарзида юборди. Бу моллар ва буюмлар дунё бозорларида ҳам жуда қимматбаҳо ҳисобланарди. Бундан ташқари ноёб ва танқис балиқ тиши, рангли маъдан қиймалари, мушкли халтачалар, яшлар, уларнинг ҳар бири 50 динор ва ундан ҳам қиммат оқ туя жунидан тўқилган чакмонлар ҳам Хоразмшоҳ учун аталган эди.

Маҳмуд Ялавоч ал-Хоразмий бошчилигидаги элчиларга Чингизхон тинчлик ва дўстлик шартномасини имзолаш вазифасини ҳам топширган эди. Бу билан Чингизхон Хоразмшоҳ Муҳаммад Султонда узоқ масофалар бўйлаб Хоразмшоҳлар салтанати билан Мўғуллар империяси орқали туташган чегаралар ҳудудларига Шарқдан ҳеч қандай хавф-хатар йўқ, қабилдаги фикрни уйғотмоқчи эди. Бу Чингизхоннинг Хоразмшоҳни бамайлихотирликка берилишини таъминлашга қаратилган дипломатия ўйини эди. Буни шундан ҳам яхши англаш мумкин эдики, Хоразмшоҳ ҳузурига айнан Хоразмда ўсиб улғайган Маҳмуд Ялавочни жўнатар экан, худди шу аснода Хоразмшоҳнинг қалби тўрида турган ички сирларни, бундан кейин Мўғул империяси ва хоқонга нисбатан келажакда қандай йўл тутишини энг оддий усулни қўллаб жуда аниқ маълумотга эга бўлмоқчи эди. Ўтакетган айёр Чингизхон нишонни ушбу масалада жуда тўғри олган эди. Хоразмлик дунё кезган йирик савдогар Маҳмуд Ялавоч ал-Хоразмийни Чингизхон қандай қилиб ўзига шунчалар яқинлаштирдикки, у хоқоннинг сирдош ва маслақдош, жанговар дўстига айланди. Бунинг сабаблари ҳозирга қадар мозий илмининг сири бўлиб қолмоқда. Чингизхон Мовароуннаҳр ҳудудларини босиб олгач, уни жуда катта лавозим, яъни ўша ҳудуддаги ўзининг ноиб мансабига тайинлади. Маҳмуд Ялавоч Бухорода Маҳмуд Торобий қўзғолонига қадар, яъни 1238 йилгача Мовароуннаҳрда ноиб, ўша йилдан умри охиригача, гарчи Чингизхоннинг ўғли Чигатой отасига уни мансаблардан олиб ташлашни таклиф қилса-да, хоқон уни янада катта мансаб — Пекин губернатори қилиб тайинлади. Маҳмуд Ялавоч то умрининг охиригача шу лавозимда хоқон пойтахти ҳокими бўлди. Ўғли Масъудни эса Чингизхон отаси Ялавоч ўрнига Мовароуннаҳр ноиб қилиб тайинлади. Масъуд Чингиз ва чингизий сулолаларнинг ишончли одами сифатида 1238 йилдан то умрининг охиригача, яъни 1289 йилга қадар Ўрта Осий ҳудудларининг ноиб лавозимида фаолият кўрсатди.

Чингизхон Маҳмуд Ялавочни Хоразмшоҳ ҳузурига жўнатар экан, ўз номасини шахсан Муҳаммад Султон қўлига етказиш зарурлигини тайинлади. Айнан хоқоннинг ушбу мактубида унинг муғамбирона сиёсат юритаётганлиги, Хоразмшоҳга беписандлиги ва дунё ҳокимлигига асосий даъвогарлигининг ёвузона мақсадлари яққол сезилиб турарди. Мактуб Хоразмшоҳни мақташдан бошланиб, сўнгра ўзининг куч-қудрати ва бойлиги бемисллигини намойиш этиш ҳамда Хоразмшоҳни маънавий ҳақоратлаш билан якун топган эди. Мактубнинг ҳар бир қатори гап тагида нимчорак гап бор қабилада ғоят тағдор қилиб битилган эди: „Сенинг ишинг қандай улкан ва серқирралиги менга яширин эмас, сен ўз ҳукмингда нималарга эришганинг ҳам ва сенинг фармонларинг босиб олган кўп мамлакатларда сўзсиз амал қилинишидан ҳам хабардорман. Оғзингдан чиққан ҳар бир сўзинг улар учун қонун эканлигини ҳам яхши биламан. Шу боис бундай катта салтанат шоҳи билан тотувликда яшашни мен ўзимнинг асосий вазифаларимдан бири деб биламан. Сен мен учун азиз ўғлим қаторида турасан. Сенга махфий эмаски, мен Хитойни ва унга қўшни туркий қавмлар ерларини эгалладим. Уларнинг қабила сардорлари барчаси менга монесиз итоат қилишга қасам ичдилар. Сен шуни билиб қўйишинг керакки, менинг мамлакатимда бойлик шу қадар кўпки, ундан ортигини бошқа ерлардан излашга ҳожат ҳам йўқ. Шуларни ҳисобга олиб мен билан ҳамкорлик қилсанг, бу ҳаммамиз учун фойдали бўлур эди“. Бу мактуб Хоразмшоҳни жиддий ўйлашга мажбур қилди. Айниқса, хоқоннинг „туркий қавмлар сардорлари менга бўйсунди ва қасам ичди“ сўзлари билан энди бўйсунмаган сенгина қондинг демоқчимиз? Нега мен унинг азиз ўғли бўлишим керак, насл-насабимиз, динимиз, анъана, тилимиз ва қадриятлиримиз бутунлай бошқа-бошқа бўлсак. Биз энди Гоби чўлларида ўсган ярим ёввойи қавмлар билан қондош бўлдикми? Бизнинг халқимиз имон-эътиқодда ислом оламига қондош буюк ахлоқий-маънавий хазиналар ва уларнинг улуғ ижодкор аллома, илму ҳикмат пешволарини етказиб берса-ю, бу кўчманчи ёввойи муғуллар дунёга нима берди? Хоқон бойлик ва қудрати чексизлигини таъкидлаш орқали менга дашном бермоқчимиз ёки ўз ихтиёрим билан бўйсунушимга шама қилмоқдами? Нима бўлганда ҳам бу мактубнинг мазмунидан яхшилик ҳиди эмас, беписандлик тўла уфуриб турибди. Хоразмшоҳ ўзида пайдо бўлган қатор гумондорлик ҳиссиётларига Маҳмуд Ялавоч билан ошкора ва яккама-якка учрашиб жавоб топмоқчи бўлди. Негаки, Маҳмуд Ялавочнинг ота-бобо аждодлари шу Хоразм заминида ўсиб-улғайган бўлса, унинг ўзи ҳам қирчиллама 40 ёшдан ошгунча Ватанининг нон-тузини тотиб одам бўлган бўлса-ю, нега Ватани манфаатларига эмас, етти ёт бегона юрт ҳукмдорининг содиқ хизматкорига айланиши керак. Шунчалар ҳам одам деганда Ватанни унутиш, эл-юртга бўлган ғурур тез сўнадими, ахир. Йўқ, аждодлари ружини шод қиламан, она сутига, она-Ватанга заррача бўлса-да хиёнат қилмайман, деган одам барибир Ватан манфаатларини устун қўйиши керак, уни ўз йўриғимга юритаман, деган фикрда Хоразмшоҳ вақт ярим тундан ошган чоғда Маҳмуд Ялавочни сарой қоровулларини жўнатиб чақиртиришга қарор қилди. Маҳмуд Ялавоч қаттиқ уйқуда эди. Элчи Хоразмшоҳдан бўлак бошқа бирор амалдор, ҳатто Бош вазир чақирганида ҳам асло бормасди, тонг отишини кутинг, дея қайтариб юборарди, аммо хабар шоҳнинг ўзидан келгани ва уни саройга тез келишини кутаётганлигини ҳисобга олиб, ҳукмдор мулозимлари кетидан юришга мажбур бўлди. Вазият анча жиддийлиги уни олиб кетувчилар сўз оҳангидан ҳам яққол сезилиб турарди.

Маҳмуд Ялавоч Хоразмшоҳнинг саройидаги хос хонасига кирар экан, ҳукмдорнинг ҳолати ташвиш ва ҳадикли эканини дарҳол англади. Ўз навбатида, Хоразмшоҳ ҳам Ватанидан бош олиб ўзга юрт ҳукмдори хизматида кирган бу одам ўзга эллар муҳитига мослашиб,

қувлик ва шумликда анча пихини ёрган, қолаверса, мол-дунё илинжида жаҳоннинг қўлаб мамлакатларида турли табақа вакиллари билан мулоқот қилиб ичидагини тилига чиқмаёқ қараши, нафас олишидан англаб жавоб беришга шай турган бу одам билан, гарчи Ватандош, диндош бўлса-да, тил топишиш осон кечмаслигини сезган эди.

Тун ярмидан ошган чоғдаги суҳбат иккови учун ҳам силлиқ кечмади. Мулоқотни Хоразмшоҳ бошлаб берди: „Шундай қилиб ғирт хоразмликман денг?“ Маҳмуд Ялавоч тасдиқлади: „Ҳа, шоҳим, мен хоразмликман, аммо пешанамга тақдир ёзган экан, ҳозир ўзга мамлакат фуқаросиман, кўриб турганингиздек, Чингизхон элчисиман“. „Ярим тунда чақирганим малол келмасин жаноби элчи, барибир киндик қонингиз томган юрт олдида абадулабад қарздорсиз, ҳаммамиз ҳам инсон болаларимиз, аждодлар хоки пойи ётган муқаддас она юртга хизмат қилиб она сутини оқлаш илоҳий оят ва Ҳадиси шарифларда ҳам қатъий ўз ифодасини топган, шунга нима дейсиз“, — сўрайди Хоразмшоҳ. Маҳмуд Ялавоч „худди шундай“ дея ҳукмдор сўзини маъқуллайди. „Яна бир нарсага Султон сифатида аниқлик киритсак, нима дейсиз?“ Розилигини билдиради элчи. „Мабодо ота-боболарингиз ёки ўзингиз хоразмшоҳлар сулоласи ёхуд мендан жабр-зулм кўрмаганмисиз?“ Элчи бу саволга ҳам ижобий жавоб беради. Шундан кейин Хоразмшоҳ „Чингизхоннинг асл мақсади недур, Хитойни босиб олган бўлса, энди асл муддаоиси недур унинг? Бизга келажакда босқин уюштирадими ёки йўқ? Шу ҳақда Ватанимиз келажак тақдирини ўйлаб унинг режаларидан хабар берсангиз, ўз Ватанингиз, халқингиз ва дину диёнатимиз олдида хўп савоб иш қилган бўлурдингиз. Буни, яъни ушбу хизматларингизни, шунингдек, савдогарлик манфаатингизни ҳисобга олиб, мен хазинамдан сизни хурсанд қиладиган маблағ ажратиш билан тақдирлайман. Бунинг учун менга, Ватанингизга содиқлигингизни бир неча бор намоёиш қилиб, менинг ишончимни оқлашингизга тўғри келади. Сизга мен ким-у, бегона Чингизхон ким турур? Энди қулоғим сизда, шу ҳақда бор ҳақиқатни, Чингизхоннинг режаларини айтсангиз, негаки, сиз шу юрт фарзандисиз, шу боис бу ишингиз асло сотқинликка кирмайди, аксинча, Ватан учун қилган хизматингиздан парвардигор олдида ҳам, виждонингиз олдида ҳам юзингиз ёруф бўлади, бинобарин, нариги дунёда жаннатийликка дахлдор иш қилган бўласиз“. Натижада Маҳмуд Ялавоч Хоразмшоҳ фикрига сидқидилдан эмас, юзакигина қўшилган бўлиб, Чингизхоннинг мактубда келтирган сирти ялтироқ гапларини юзакигина асослашдан нарига ўтмайди. Бу сўзлардан Хоразмшоҳ тугул унинг ўзи ҳам қониқмай тилёғламалик, иккиюзламачилик қилаётганлигини сезиб, сездириб турарди. Бундан Хоразмшоҳнинг жаҳли чиқиб тутақа бошлайди. Натижада дўқ-пўписага ўта бошлаган Хоразмшоҳ „Бундан кейин менинг фойдамга хизмат қилсан, акс ҳолда ҳозирда менинг салтанатим ҳудудида эканлигингизни унутманг, сизларнинг Хитойга чиқиб кетиш жараёнингиздаги сафар хавф-сизлигингиз, ҳаётингиз омонлигига ҳам кафолат бера олмайман“ қабалидаги дарғазабона сўзлар билан сўзини яқунлади. Бошига қандай дахшатли кулфат тушиши мумкинлигидан огоҳ этилган бош элчи Маҳмуд Ялавоч шартларга бажону дил рози эканлигини айтиб, бундан кейин Чингизхон ҳузуридаги барча махфий кенгашларда кўрилган Хоразм салтанати хусусидаги сирлардан хабардор қилишини, бунинг учун ўзи билан учрашиб, маълумотларни ундан олиб кетадиган ишончли одамларини Хоразмшоҳ Пекингга ҳозироқ жунаб кетишига кўрсатма беришини Муҳаммад Султондан сўрайди. Хоразмшоҳ мамнун бўлиб: „Мана мен шу тарзда қаттиқроқ турмаганимда Ватандан йироқлашган ҳиссиётингиз қули бўлиб қолардингиз, мени энди тушуниб етдингиз, мудроқ уйқудан уйғондингиз. Ватанга келиб кўзингиз туғилгандан бери бу иккинчи очилиши бўлди, шунга ҳам шукур қиламиз“, дея унинг

ишларига омад тилаб, элчига жавоб берди. Кўнгли анча кўтарилган шоҳ дераза олдида туриб, нафис ва ғоят бежирим пардани сал четга суриб хаёл суриб турар экан, шарқдан қуёш бош кўтариб тонг ҳам ота бошлаган эди. Муҳаммад Султон шу тобда элчи Маҳмуд Ялавоч билан бўлган мулоқот чоғидаги берган саволларини мантиқан тарозига солди, унинг жавобларини ҳам. Элчининг Хоразмшоҳга хизмат қилишга розилиги олингач, ўзи берган саволлар Чингизхонга етказилса, унинг оқибатлари нима бўлади? Суҳбатнинг айрим жабҳаларини музокара эмас, терговга айлантириб юборганлари-чи: „Чингизхоннинг Хитойни олганлиги чиндан ҳам ростми, Тамғач қавмларини босиб олганлари ҳақиқатга хилофми ёки йўқ.“ Маҳмуд Ялавоч буларни яшириб бўлмаслигини, бу айти ҳақиқат эканлигини эътироф этди. Султон яқин келажақда бунга ўзи тўла иқроор бўлади. Маҳмуд Ялавоч суҳбат чоғида Хоразмшоҳга айнан ёқадиган ёлғон-яшиқ сўзлар билан Хоразмшоҳни авради ҳам. Бу ҳақда ўрта аср тарихчиси Хоразмшоҳ ва Чингизхон ҳукмдорлиги даврларида уларга замондош бўлган, ўзи ҳам элчилик сафарларида бўлган ан-Насавий Маҳмуд Ялавочнинг Муҳаммад Султонга ҳуш ёқадиган жавоб берганлигини қуйидагича ёзиб қолдирган эди: „Чингизхоннинг қўшини Хоразмшоҳнинг лашкарига қиёс қилинганда худди отлиқ қўшинга қарши турган сўққабош битга отлиқ суворий жангчи тургандек ёки тун қоронғуликка қарши кундуз 24 қора тундек“. Бундан шу маълум бўладики, Маҳмуд Ялавоч Хоразмшоҳни ҳақиқатдан йироқ, таги пуч рақам ва маълумотларга кўмиб ташлаган. Шунингдек, элчи Хоразмшоҳга ёқадиган сўзларни топиб, уни устомонлик билан бўяб-бежаб Муҳаммад Султонга таскин берибгина қолмай, уни мақтовлар билан алқаган, Хоразмшоҳлар куч-қудратига жаҳонда бирор давлат лашкари тенг кела олмаслиги, натижада уни Иккинчи Искандар сифатида барча эътироф қилаётганлиги билан мақтаган. Бу мақтовлар Муҳаммад Султонга ҳузур бағишлади. Мақтовлар гирдобида боши айланган Султон, ҳатто элчидан Чингизхон кучи Хоразмшоҳникидан кучсиз бўлса, Хитойдек қудратли империяни қандай қилиб емириб ташлади, тарзида қарши савол беришни хаёлига келтирмади ҳам. Чингизхоннинг куч-қудрати ўша ерда қандай намоён бўлгани, қандай ҳарбий усулларни қўллаб, уни тор-мор қилиб ташлагани ўзлаштирилмаган қўриқ ҳолида қолди. Асосий нарса очилмай, Хоразмшоҳда ҳиссиётлар ғолиб келди. У дўқ-пўписа қилиб, элчини қўрқитиш билан мақсадига етмоқчи бўлди.

Аксинча, Пекинга қайтиб борган элчи Маҳмуд Ялавочдан Чингизхон оламжаҳон муҳим маълумотлар олди. Муҳаммад Хоразмшоҳ билиб-билмай ўзининг шоҳ сифатидаги заиф жиҳатларини ҳам, салтанат сирларига даҳлдор сиёсий-ҳарбий режаларни ҳиссиётлар жунбушга келган пайтда сездириб қўйган эди. Унинг гап-сўзларидан Чингизхонга қарши тез орада, албатта, урушга кириш муқаррар деган фикр туғдирарди, Маҳмуд Ялавоч ҳам айнан шундай таассурот ва фикр билан Пекинга, хоқон ҳузурига тез етиб боришга шошилди. Шу дамларда уни Чингизхон ҳам интиқ бўлиб кутмоқда эди. Маҳмуд Ялавочнинг келиши Хоразм салтанати ва Муҳаммад Султон хусусида кўп нарсаларга ойдинлик киритарди. Шунга қараб хоқон пухта режалар тузишни бошламоқчи эди.

Маҳмуд Ялавоч Пекиннинг ғарбий дарвозасига етиб келиши билан қоровулар бошлиғи унинг ҳаялламай тўғри Чингизхон қароргоҳига ўтишини билдирди. Улар суҳбатининг бошланиши мактубидаги Хоразмшоҳни дарғазаб қилиши лозим бўлган қочириқ сўзлар ва уларга муносабат тўғрисида борди. Айёрликда тенгсиз хоқон: „Ўғлим иборасини ва Хитойни босиб олганим ҳақида хабар топганида Муҳаммад Султон қандай ҳолатга тушди, туркий қавмларнинг аксарият сардорлари менинг тобелигимга ўтганларини



билгач, жазаваси тутдими ёки атайлаб ўзидаги ҳаяжон ва менга нисбатан ғазаб ва ҳасад оловини ичига ютиб, билдирмасликка интилдими?” деб сўрайди. Шундоқ ҳам Чингизхон ҳузурига етиб келгунча ва бисёр янгиликларни етказгунча ёрилай деб келган Маҳмуд Ялавоч тўлиб-тошиб, яйраб-яйраб хоқонга муҳим маълумотларни оқизмай-томизмай етказди: „Айтганларингизни ортиғи билан адо қилдим, хоқоним, — дейди у тўлқинланиб, — ўғлим иборангиз ва Хитойни олганингиз хабари Хоразмшоҳни, шундай ҳолатга солдики, асти қўяверинг, ўзини қўйишга жой тополмади, худди тикан устига ўтириб қўйган одам ҳолатига тушди. „Нима учун менга нисбатан ўғлим сўзини қўллаши керак? — дея роса ғудранди, Хоразмшоҳ, сўнгра — бизнинг Шарқ ва дунёга машҳур хоразмшоҳлар — ануштегинлар сулоламиз бор, келиб-келиб мен ҳали ярим-яланғоч, ҳатто юз-қўлини ювишни эпга келтира олмаган мўғулларнинг қавми сардорига ўғил тутинишим керакми? Ўзининг мавқеини билмаган, аждодлари салтанат нималиғи у ёқда турсин, оддий бир уруф ва қабилани бошқармаган бўлса-ю, энди „ота“ бўлиб, мендек — кимсан Шарқда машҳур Султон Такаш ўлига тарбия бермоқчими? Хитойни олган бўлса олгандир, лекин бу бир тасодиф“, дея ўзига тасалли бермоқчи бўлди, аммо Хоразмшоҳ унинг ҳам уддасидан чиқолмай жигибийрон бўлди. Шунда Чингизхон: „Менинг бу сўзларим кўп нарсага ойдинлик киритишини ўйлаган эдим, ўйлаганимдан ҳам зиёда бўлибди. Хитойни олганим уни жиддий ўйлашга мажбур қилмабдими, мулоҳаза билан суҳбатни олиб боришга ярамабдими, демак, унинг ирода ва мулоҳаза юритиш салоҳияти заифлигидан далолатдур. Демак, у менинг куч-қудратим, Кўк тангрим берган истеъдод ва қобилиятим ҳақида фикрий тасаввури ҳам йўқ даражада. Менга унинг шу фикрда тургани жуда маъқул“. Чингизхоннинг мантиқий фикрлаши ғоят тўғрилигини маъқуллаган Ялавоч „Худди шундай хоқоним, сиз минглаб чақирим узоқда ўтириб, Хоразмшоҳнинг заиф жиҳатларини теран мулоҳаза қилиб, зарур хулосаларга келдингиз. Унга мақтов ёқар экан, агар шундай йўл тутмасам, менга ҳузурингизда сиз билан ҳозирда суҳбат қуриш насиб қилмаган бўлармиди?“ Хоқон суҳбатнинг шу ерига келганда: „Нима бўлди, орангиздан оламушук ўтган ҳолатлар ҳам содир бўлдими, ё?“ Бу тафсилотни хоқонга Ялавоч янада жиддий ва таъсирчан қилиб гапириб берди. Суҳбат Хоразмшоҳ билан ҳа деганда қовушиб кетмагани, охир-оқибат Муҳаммад Султон хоразмлик ватандошлар наҳот етти ёт бегона қавм ҳукмдори зарарига, аксинча, Ватанимиз, халқимиз фойдаси учун бир иттифоққа кела олмасак, дея аврашга ўтгани, унда ҳам мақсадга етолмагач, элчиларнинг чегарадан соғ-омон ўтишига кафолат бермаслигигача пўписа даражасига етиб боргани-ю, Султон учун Пекинда энг ишончли жосус бўлиб қасам ичилса, хазинадан устимга тилло сочиб, мансаблар билан сийлов қилишларининг барчасини тўкиб солганларини хоқонга батафсил ипидан-игнасига қадар гапириб берди. Пихини ёрган хоқон: „Гап шу даражагача етиб келибди-да“. Ялавоч: „Ҳа хоқоним, шу даражагача етиб келди“, — дейди. Хоқон Ялавоч билан суҳбатдан жуда мамнун бўлди ва унга суҳбат якунида шундай муҳим гапни айтди: „Хоразмшоҳ ибораси билан айтганда, гарчи қавм жиҳатдан, дину эътиқодимиз турлича бўла туриб, дўстлигимизга заррача хиёнат қилмай, Хоразмшоҳнинг олтин, қумуш ва мансаблар инъомини рад қилиб, унинг устидан қозонажак ғалабанинг калитини менга бус-бутун топширганинг учун, буюк хизматингни холис баҳолаб, сени Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларининг ноиби қилиб тайинлайман, сендан кейин менинг ва чингизийлар номидан уни идора қилишни катта ўғлинг Масъудбек зиммасида қолдираман. Сўзим сўз турур! „Ясоқ“ қонун китобим устига иккала қўлимни қўйиб уни гувоҳ қилдим“. „Йўқ, — дейди Маҳмуд Ялавоч — менинг

хизматимни жуда ошириб юбордингиз, қолаверса, ҳали бу ишлар вақт талаб қилади. Мен бир дунё кезувчи савдогар бўлсам, давлат бошқарув тўғрисида на малака, на тажрибам бор. Бундан бошқа..." деб сўзини давом қилдирмоқчи бўлди-ю, аммо айтишдан тийилишни маъқул кўрди. Аммо, ўта сезгир ва огоҳ Чингизхон: „Тортинмай фикрингни айт, мен учун Хоразмшоҳ кундасига бошини тутиб берган одамнинг ийманиб туриши нимаси“, дея қатъий тургач, у айтди: „Бошқа жиҳати шуки, ўртада тўрт улуг саркарда ўғил шаҳзода фарзандларингиз бундан хабар топгач, улар буни истамай, мен тугул сизга ҳам бошқача фикрда бўладилар. Шунинг учун ушбу қарорингиздан қайтинг. Ҳозирда бу сўзингизга фақат иккимизгина гувоҳимиз. Бу ҳукмингиз шу хонадан чиқмай, ёпиғлиқ қозонлигича қолгайдур. Акс ҳолда салтанатингиз зарар кўриши тайин. Ундан ташқари менинг ҳам, ўзингизнинг ҳам ҳаётингизни ташвишга қўйиш кимга зарур. Ўтиниб сўрайман, ҳукмингизни бекор қилинг, хоқоним!“ Шунда хоқон: „Мен сизни ҳаётдан шунча қўрқадиган одам деб ўйламагандим, унда яна бир бор эшитинг. Мен фарзандларимни отага қарши чиқувчилар эмас, падар учун жонини жабборга берувчилар қилиб тарбия берганман. Улар падардан қарғиш эмас, олқиш олувчилар тоифасидандур. Шу боис ҳукмим қандай айтган бўлсам, шундай ўз кучида қолгай. Мабодо, фарзандларим қарши тургудек бўлиб, тўрталаси мени инкор қилсалар, унда барчаси „Ясоқ“қа сазовар турур, гап тамом, яхшилаб дамингизни олинг“. Уларнинг ўртасидаги бу ҳайратомуз сирли яқин муносабатлар шунчалар илдиз отганлиги ҳали келажакда ушбу масалани очишга интилган қўлаб муаррихларни тер тўкиб изланиш олиб боришга мажбур қилади, унга вақт ҳакамдир, холос.

Шундан кейин Чингизхон Маҳмуд Ялавочни Хоразмга элчи қилиб жўнатиши ва Муҳаммад Султоннинг у билан мулоқоти чоғидаги фикрлашув ҳамда унинг ўша пайтдаги хатти-ҳаракатларини узоқ мушоҳада қилди. Ниҳоят янгидан катта қарвон ташкил қилиб, унинг барча аъзоларини ўзи танлади. Унга шахсан хоқоннинг ўзи ҳомийлик қилди. Буюк ипак йўли очилгандан буён ҳали бундай маҳобатли қарвонни жаҳон бозори билан боғлаган ҳеч бир иқтисодий ва маданий ривожланган шаҳарлардан бирортаси кўрмаган, қабул ҳам қилмаганди. Кимсан Чингизхондай буюк ва тенгсиз ҳукмдорнинг дунёни ҳайратга солган қарвони бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да, айнан шундай бўлиши керак.

## ШУКУҲЛИ ҚАРВОН ФОЖИАСИ

Хоқон шошилич ташкил этаётган қарвоннинг диққатга сазовар жиҳати шунда эдики, қарвонбошиларнинг ҳам, унинг таркибига киритилган савдогарларнинг асосий кўпчилиги Турон заминида ўсиб улғайган мусулмон фарзандлари эдилар. Қарвон сарбонлари Умархўжа Ўтрорий, Ал-Жамал ал-Мароғий, Фахриддин аз-Жиззакий ал-Бухорий ва Аминиддин Хиравийлар бўлиб, уларга 450 мусулмон савдогарлари ҳамроҳлик қиладиган бўлди. Шунингдек, хоқоннинг тавсияси билан мўғулларнинг ҳар бир уруғ ва қабиласидан икки-уч нафар вакил қарвон таркибига киритилди. Ажабланирлиси шундаки, мўғулларнинг асосий машғулоти чорвачилик ва жанговар қўшин хизматида фаолият кўрсатиш эдики, нима учун уларни хоқон мўғуллар савдо қилмаса ҳам уddaбуррон одамларини кўлаб қарвон таркибига киритди? Мақсад битта, у ҳам бўлса, уларга ғоят махфий топшириқлар юклаши аниқ эди. Қандай топшириқ берилганлиги фақат хоқоннинг қароргоҳидаги тор доира ва Шукуҳли қарвон аъзоларигагина маълум эди. Чингизхон уларга ғоят махфий топшириқлар берганлиги


аниқ эди. Чингизхон ўзининг яқин одамларидан Ухунани мўғуллар қавмлари вакилларига сардор қилиб тайинлади. Хоқоннинг ҳарбий юришларини мозий саҳифаларига битиб борувчи муаррихи Жувайний берган маълумотига кўра, Ухунага хоқон мактуб топшириб, уни Хоразмшоҳга етказиши керак эди. Унда хоқон қуйидагиларни баён этган: „Савдогарлар мамлакат иқтисодий ривожига катта вазифани бажарадилар. Хукмдору ҳокимлар ва зодагонларга турли мамлакатларнинг ажойиб ва қимматбаҳо буюмлари, молларини улар олиб келадилар, турмушларига янгиликлар олиб келади, хабардор қилади. Уларнинг бу ишларига тўсқинлик қилмай биз хукмдорлар уларга ёрдам беришимиз зарур. Мен ўз тарафимдан савдогарларимизнинг сизлар билан савдо қилишларига халал бермоқчи эмасман. Биз ҳар икки хукмдор мамлакатларимизнинг гуллаб-яшнаши учун келишиб, ҳамкорликда ҳаракат қилишимиз зарур. Шунинг учун биз шунга аҳд қилдикки, энди бундан буён барча мамлакатлар ўртасида тинчлик хукм сурсин, савдогарлар ҳеч қўрқмасдан, ҳадиксирамасдан эркин тарзда бир мамлакатдан иккинчисига бориб келсинлар. Кўпинча бу бизнинг уларни ҳимоя қилишимиз, қўллаб-қувватлаб туришимизга боғлиқ. Улар хоҳлаган ўлкаларига бораверсинлар. Бойлар ва камбағаллар тинчликда яшайди, шу сиёсатимизни қўллаб Оллоҳга шукроналар айтсинлар“.

Шу тариқа хоқон ташаббуси билан йўлга чиққан Шукуҳли карвон 1218 йил кузида Пекиндан хоразмшоҳлар пойтахти Кўҳна Урганч сари Бууок ипак йўли бўйлаб сафарга отланди. Турнақатор бўлиб, қарийб бир ярим-икки чақирим масофага чўзилган карвон сафи ўз маҳобати ва ҳайбатига кўра истаган бир одамни ҳайратга солгувчи ҳаракат оқими бўлиб, қўнғироқларни жаранг-журун қилганича мағриб сари кетиб борарди. Хоқон ҳурматини бажо келтириб, бутун Пекин аҳолиси уни кузатиб қолди. Сафар иримлари ҳам ундан мустасно бўлмади. Одатда, карвонларнинг бир мамлакатдан бошқа юртларга чиқиб кетиши кўркли, қайтиб келиши эса ундан-да қувончли, аммо бу карвон тақдирига бахтиқаролик толеи битилгани ва барча аъзоларининг тириги эмас, жасади келиши ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Улуғ карвонни даҳшатли фожиа кутарди. Улар дунёнинг энг йирик икки салтанати ўртасидаги бошланадиган инсоният бошига бемисл фалокат ва вайроналиклару қирғинликлар келтирувчи хунрезлик урушининг илк қурбонлари сифатида абадийлик дунёси сари илгарилаб борардилар. Бу уларнинг борса-келмас сўнги йўли эди ҳам. Аммо улар бундан мутлақо хабарсиз чўлу биёбонлар, дашту далалар, доvonлар оша Хоразмшоҳлар юрти сари илгарилаб, барханлар ортида қўздан ғойиб бўлдилар.

Ниҳоят узоқ йўл босган карвон Мўғуллар империяси ҳудудларини ортда қолдириб, Хоразмшоҳлар салтанатига қарашли салтанатнинг шарқий чегаралар бўйича таянч қалъаси Ўтрорга етиб келдилар. Ўтрорликлар неча бор чет эллардан карвонлар келишига гувоҳ бўлган эдилар-у, аммо бунақа ваҳималисига ҳали ҳеч дуч келмаган эдилар. Уларни карвонсаройга жойлаштириш ҳам анча қийин кечди. Айни шундан сал аввалроқ эса Хоразмшоҳдан Ўтрор ҳокими Инолчиқ баҳодир (Ғойирхон)га махфий фармон ҳам жўнатилган эди. Фармонда Мўғулистон ва Хитойдан келадиган карвонлар, савдогарлар ва сайёҳларни назоратга олишни кучайтириш уқтирилган эди.

Шаҳар ҳокими Хоразмшоҳнинг онаси Туркон Хотун қавмидан бўлиб, дашти қипчоқлик саркардалардан эди. Инолчиқ баҳодир карвон таркибига кирган аъзоларнинг кеча-кундуз хатти-ҳаракатларини кузатиб турадиган пойлоқчилар қўйди. Ҳоким ва унинг миршаб бошлиқларида савдога ўқуви бўлмаган мўғулларнинг шубҳали ҳаракатлари борлиги тобора ўз тасдиғини топа бошлади. Шундан кейин Инолчиқ баҳодир миршаб бошлиғига кўрсатма


бериб, мўғулларнинг эркин тарзда шаҳар-қалъани айланиб, кезиб юришларини тақиқлади. Уларга то карвон қалъа-шаҳардан чиқиб кетгунча карвонсаройдан чиқиш тақиқланганлигини билдириш, бу ҳокимнинг буйруғи эканлигидан хабардор қилиш топширилди. Бу жанжалга сабаб бўлди. Чингизхоннинг вакили Ухунанинг жуда баланддан келиши боис жанжал ва зиддият сусайиш ўрнига янада кучайди. Ухуна вилоят ҳокимининг бундай қилишга, умуман, ҳаққи йўқлиги, Карвон халқаро элчилик мақомига эгаллиги тўғрисида хоқон тасдиқлаган ёрлиқни кўрсатиб, ўз ҳуқуқларини Чингизхон номидан ҳимоя қилишга киришиб, мен ваколатимга кўра фақат Хоразмшоҳ билан музокара юритаман, деб ўзга мансабдорларни тан олмаслигини билдириб дардага қилади. Бироқ, Хоразмшоҳдан чегара ҳудудлари муҳофазаси бўйича ваколатлари кенгайтирилганлигини таъкидлаб, Инолчиқ баҳодир ҳам бўш келмайди. Ҳоким қарорига бўйсунмаганлиги ва савдо ишлари билан шуғулланиш ўрнига қалъанинг мудофаа аҳамиятига дахлдор жойлари билан қизиқаётган мўғулларнинг ҳаракати ички тартибларга мутлақо зидлигига далиллар келтириб, Ухунага бундан ҳам қаттиқроқ чоралар кўришини огоҳлантиради. Шундан сўнг Ухуна „Биз Чингизхон мактубини ҳокимга қолдириб, орқамизга қайтиб, бизга ҳеч қандай имконият берилмагани, элчилар Ўтрор ҳокими буйруғи билан карвонсарой ҳибс ҳолатида сақлангани, элчилар ҳуқуқи поймол этилганлигини хоқонга етказамиз. Шу боис элчилик фаолиятимиз Ўтрор ҳокими ноқонуний ҳаракати билан барбод этилди, деб ҳисоблаб кўч-кўронни йиғиштириб, Пекинга жўнаб кетамиз“, тарзидаги талабни қўйди. Ухуна барча карвонбоши ва унинг аъзоларига орқага қайтиш буйруғини берди. Шу тариқа воқеалар мутлақ чаппасига айланиб, карвон Ўтрорнинг Шарқий Туркистон ва Пекинга чиқиб кетиладиган шарқий дарвозасига келдилар. Аммо дарвозабон дарвозани ичкаридан беркитиб, калитни эса дарвозалар ва мудофаа деворлари хавфсизлиги бўйича масъул қўшин юзбошисига топширди. Дедики: „Менга топшириқ тепадан шундай берилди, уни шаҳар катталаридан сўраб билинлар, тезда орқангизга, ўша карвонсаройингизга боринг, бу ерда туриш сизлар учун тақиқланган“. Ҳеч қачон бундай тақиққа учрамаган карвон сарбонлари ва Ухуна, шунингдек, барча карвон аъзолари ҳафсаласи пир бўлиб яна карвонсаройга қайтишди. Ухуна ва сардорлар оворайи сарсон бўлиб, яна Инолчиқ баҳодирнинг қалъа қароргоҳига келдилар. Бир овоздан улар қалъа ҳокимига норозилик билдириб, бу ишингиз адолатсизлик ва қонунга умуман хилоф эканлиги ҳамда Чингизхоннинг шахсий вакилига қилинган бу ҳурматсизлик хоқон қулоғига етса, қутилмаган воқеаларга уланиб кетиши мумкинлигидан огоҳлантирди. Унга жавобан Ўтрор ҳокими қалъа хавфсизлиги ва Шарқий чегаралар осойишталигини таъминлашга бошини тикиб жавоб беражаклигини билдирди. Номаълум муддатгача ҳеч ким, ҳатто савдогарлар ҳам карвонсаройдан ташқарига бир қадам чиқмаслиги таъкидланди. Агар бунга риюя қилинмаса, бундай шахслар ҳибсга олинди, мол-мулки мусодара қилиниши огоҳлантирилди. Шу тариқа карвон, карвонсарой ҳибс қамоғига олинди ҳисоб. Муносабатлар шу тариқа боши берк кўчага кириб бўлган эди. Устига-устак ҳоким Инолчиқ баҳодир карвон аъзоларининг барчасини сўроқдан ўтказиб, мол-мулкларини рўйхат қилишни миршаб бошлиғи ва шаҳар қозисига топширди. Карвонбошилар, айниқса, Ухуна бунга қаттиқ қаршилиқ кўрсатиб, бу талабдан бош тортишга, барча аъзоларни чақириб, уларни чинакам мудофаа уюштиришга даъват этди. Шу тариқа карвонсарой уларнинг таянч мудофаа қароргоҳига айланди. Қози ҳам, миршаблар бошлиғи ҳам натижада Ўтрор қалъаси ичида вужудга келтирилган ички мудофаа маррасига дуч келишди. Шу тариқа карвонсарой жанговар ҳолатга келиб, Ухуна бошчилигидаги мудофаачиларнинг кичик ҳудудда жойлашган жанговар қалъасига айланди-қўйди. Карвонсарой



Ўтрор. Чегара яқинидаги қалъа. Чингизхоннинг Шукуҳли карво-  
ни аъзолари шу ерда қатл этилиб, мол-мулки қалъа ҳокими Инол-  
чиқ баҳодир томонидан талон-тарож этилган эди. Шу воқеа икки  
салтанат ўртасида урушга баҳона бўлган. 1218 йил кузи.



Ўтрор. Чингизхон қўшинининг  
хужумига биринчи бўлиб дуч кел-  
ган мустақкам қалъа. Қалъа ҳимоя-  
чилари олти ойга яқин ўз она шаҳ-  
рини қаҳрамонона ҳимоя қилган  
эди. 1219 йил бошлари.



Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар қў-  
шини хоразмшоҳлар чегара ҳудудларини бу-  
зиб ўтмоқда. 1219 йил бошлари.

Ўзининг гир айлана мустаҳкам девори ва дарвозаларига эга эди. Унинг ичида қудуқлар ва анча вақтга етадиган озиқ-овқат захиралари ҳам мавжуд эди. Шу тарзда ўзимизни ҳимоя қилиб турсак, дея ўйланган эди Ухуна ва қарвонбошилар „Бизнинг ҳол-аҳволимиздан хабар топган Хоразмшоҳ бизни албатта озод қилади. Негаки, „элчига ўлим йўқ“ ҳикматли мақоли жаҳон мамлакатлари ҳукмдорлари учун ёзилмаган қонун, биз мутлақо айбсизмиз“, деган фикрда эдилар. Шунингдек, яна ундай-бундай эмас, Чингизхон салтанатининг энг баобрў элчилари. Худди шу фикр уларнинг, албатта, қутулиб кетишига умидбахшлик берарди. Аммо бу сароб орзу-умидлар орзуси хаёлларга берилиб, ўзларини ўзлари овутаётган чоғда уларнинг тақдири қора кўланка билан чирмаштирилган ҳужжатга ҳоким қозиси билан, ҳар иккиси муҳрини босиб, имзо чекилиб, аллақачон бу ҳужжат ишончли одамнинг қўлига теккан бўлиб, Хоразмшоҳлар пойтахти сари ҳоким хабаргири отини елдириб сохта қарвон мутлақ жосуслардан иборатлиги, улар барчаси ҳибсга олинганлиги, шу боис салтанат ҳукмдорининг уларга қандай жазо берилишини кутиб турганлиги маълум қилинган эди.

Ўтрор ҳокими Инолчиқ баҳодирнинг феъл-атвори ва шахсига келганда ўша давр муаррихлари унинг бойликка анча ўчлиги ва Туркон Хотуннинг доимо уни қўллаб-қувватлашига ишониб, мансабини суиистеъмол қилиши ҳақидаги маълумотларига кўра, ҳукмдор Чингизхон ҳомийлигида жўнатилган қарвон жуда қимматбаҳо Хитой моллари билан таъминланганлиги, уни эгаллашга мойиллик ҳирси Хоразмшоҳга битилган мактубни ваҳимали қилиб ёзилишига сабаб бўлган бўлиши эҳтимол. Натижада Хоразмшоҳга ёзилган Инолчиқ мактубини, аввало, унинг доимий ғамхўри ва ҳимоячиси Туркон Хотунга берилиши, сўнгра Муҳаммад Султонни бундан хабардор қилиш кейинги ўринга қолдирилганлиги шундандир. Мактубни биринчи бўлиб ўқиган Туркон Хотун Хитойнинг энг ноёб чинни ва тилла идишлари-ю, жуда бежирим матоларига мафтун бўлиб, қарвоннинг бебаҳо бойлигини ўзлаштиргиси келиб, ўғли Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон билан маслаҳатлашмасданоқ, сохта элчилар ва бутун қарвон аъзоларини қатл қилишни Инолчиқ ҳокимдан талаб қилади. Қатл амалга оширилгунча мактубни ўғли Хоразмшоҳга топширишга шошмади. Бу вақтда Туркон Хотундан Инолчиқ аллақачон элчилар билан қарвон аъзоларини қатл қилиш ва молларни бутунлигича, ҳатто қарвоннинг 700 га яқин туялари билан мусодара қилиш руҳсатини олган эди.

Инолчиқ баҳодир Туркон Хотундан фармон етиб келиши биланоқ, қарвоннинг барча аъзолари (фақат икки-учтасидан бошқаси) қози фатвоси билан жаллодга топширилди. Тирик қолдирилганларига 50 туя ажратилиб, қатл этилган сафардошларининг бошларини хуржун ва қопларга жойлаштириб, хоқонга „совға“ қилиш топширилди. Улар Пекинга бориб хоқон ҳузурида бўлиб, даҳшатли фожиадан уни хабардор қилдилар. Чингизхон ва унинг вазиру вузаролари, шаҳзодалар ҳамда таниқли саркардалар барчаси даҳшатли хабардан ҳайкалдек қотиб, тиллари сўз топишга ожиз қолди. Сарой мутлақ мотам зулматига бурканди. Ҳеч ким чурқ этишга журъати етмай хоқоннинг ўзига келиши ва бир нима дейишини кутдилар. Чингизхоннинг барча мулозимлари уни ҳеч қачон шундай мотамсаро, ғазаб оташи чарсиллаган ҳолатда кўрмаган эдилар. Бу ерда ҳозир барчадан битта фикр ўтди. Хоқон ҳозироқ бош қўмондонга бутун лашкарини тўлаб Хоразмшоҳлар салтанатининг кулини кўкка совуриб ташлашга фармон беради, бошқача йўл тутиши мумкин эмас, деган қарор янграшини кутардилар. Аммо, Чингизхон ҳеч ким кутмаган ва хаёлига келмаган сўзни тилга олди. Ўзининг уйғур дўсти ва энг яқин маслаҳатчиси Ибн Кафрож Буғрога рўй берган фожиага Хоразмшоҳнинг айнан ўзидан аниқлик киритиб келиш ва шундан кейингина қатъий

қарор қабул қилиб, шунга жавобан иш кўришини билдирди. Унинг Хоразмшоҳга элчиси Ибн Кафрож Буғродан бериб юборган мактубида масалага ойдинлик киритиш қўйидагича талаб этилган эди: „Сен савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳеч бирига ҳужум қилмаслик, озор бермаслик ҳақидаги ваъдангни шоҳлик муҳрингни босиб, мени ишонтирган эдинг, энди эса шу олий ҳужжатга хиёнат қилиб ваъдангни бузганингни қандай тушунишим керак? Олий ҳукмдорнинг қўшни давлатга нисбатан бу хоинлигини қабиҳлик деб ҳисоблайман. Шоҳ деганлари ҳам шунчалар паст кетадими? Яна бу имон-эътиқод ҳимоячиси Ислом дунёсининг шоҳи томонидан амалга оширилган қабиҳлик ва жирканч иш бўлса. Агар бу Ўтрор ҳокими Инолнинг охир-оқибатини ўйламай қилган манфур иши бўлса, уни сенинг буйруғингиз амалга оширган бўлса, у хиёнаткор ва нобакорни менга топшир, биз уни гуноҳлари учун ўз қонун-қоидаларимизга амал қилиб жазосини берайлик. Шу тариқа икки давлат ўртасида қон тўкилишининг олдини олайлик. Акс ҳолда уруш, бунда энг қиммат жонлар нақадар арзонлашур ва найзаларнинг йиғочлари (дастаси) синур.“

Шуни таъкидлаш лозимки, мабодо Хоразмшоҳ Ўтрор ҳокимини Чингизхон ҳузурига жўнатишга фармон берганида ҳам унинг онаси Туркон Хотун бу фармонни бекор қилиб, Инолчиқ ҳокимни ўз ҳимоясига оларди. Бутун Дашти Қипчоқ саркардалари ҳам бир овоздан ва бор, кучи билан Туркон Хотун тарафида туриши аниқ эди. Фармон ҳам ўз кучини йўқотган ҳисобланарди. Жалолиддин Мангуберди бу фожиа ортидан келадиган ақл бовар қилмас қонли воқеалар бошланишини олдиндан кўриб, элчи Ибн Кафрож Буғро билан учрашиш чорасини кўрди. Хоқон элчиси билан шаҳзода Жалолиддин ўртасидаги суҳбат гоят жиддий бўлди. Элчи Буғро Жалолиддинга: „Хоразмшоҳ отангизнинг масалани қатъий бир ёқлик қилмай пайсалга солаётгани яхши оқибатларга олиб келмаслиги, шунинг учун энг оқил йўл хоқон талабини тезда бажариб, ёнаётган оловни ўчириш мумкинлигини отангизга уқтира оладиган ягона фарзанд сизсиз. Ҳар қандай шароитда уни кўндиринг, акс ҳолда Худо кўрсатмасин дунё ларзага келадиган қиёмат бошланади. Мени Чингизхон томонини олиб, бизни элчи кўрқитиб, дўқ қилиб мақсадига етмоқчи, деган фикрга асло бора кўрманг, ҳақиқатан шундай. Агар воқеалар жиловни қўлдан чиқиб кетса борми, унда хоқон ҳарбий сафарбарлик эълон қиладиган бўлса, бир Хитойнинг ўзиданоқ миллионлик қанча қўшин туза олади. Манжурлар, корейслар, тибетликлар, Шарқий Туркистон ва Сибирь халқлари-чи? Улар ҳам лашкар сафига қўшилса, унда хоқон қўшинининг ҳисобини олишга алжабр илмининг миқдорий сонлари ожиз қолади. Бу қўшин борган жойлар эса дўзах-монанд ҳолатга келиб, ҳаёт уни ўчади. Ундан кўра ҳар қандай шароитда Инолни хоқонга жўнатиш розилигини олинг ёхуд бу вазифани ўз зиммангизга олинг. Ҳозир бор умид фақат сиздан, акс ҳолда вақт дақиқалар ўтган сари Хоразмшоҳнинг нақ зарарига ишлай бошлайди, бу уруш демакдир“. Жалолиддин Мангуберди элчининг изтироб ва ташвиш билан гапирган сўзлари айни ҳақиқат эканлигини эътироф қилди. У отаси Муҳаммад Султон ҳузурига кирганида Хоразмшоҳ икки ўт ўртасида тахтда шоҳона ҳолатда кўр ташлаб эмас, узоқ йўл босиб, дуч келган жойда чарчаб ўтирган йўловчи одамдек ҳолда ўтирарди. Жалолиддин Мангуберди ортиқча мулозиматларни йиғиштириб муаллақ турган масалага ўтди-да, падари бузрукворига ақл берган бўлиб эмас, отасини боши берк кўчадан чиқарадиган фикрларини дангал билдириб, деди: „Падари бузрукворим, ҳозир қалтис бурилиш нуқтасида турибмиз, вақт алақачон Чингизхон фойдасига ишлашга ўтди. Бир марта, ҳеч бўлмаса шу бутун бувим Туркон Хотун ойингизнинг иродасига қарши чиқиб, Инолчиқ ҳокимни Ибн Кафрож Буғрога занжирбанд қилиб топширишга фармон беринг ва уни амалга оширишни

зиммамга юкланг“. Хоразмшоҳ: „Унда Дашти Қипчоқ саркардалари исён қўтармаслигига ким кафолат беради?“ деб жиддий сўрайди ўғлидан. Жалолиддин эса ҳозиржавоблик билан отасига қуйидаги маслаҳатини берди: „Бугуноқ кенгаш баҳонасида барча Дашти Қипчоқ сардор ва саркардаларини саройга тўлаб, уларни бувим қаршилигига қарамай вақтинча чора сифатида ҳибсга олдинг. Ҳозир улар билан тортишиб ўтирадиган пайт эмас, бу ишни тўғри амалга оширганлигимизни эса Инолчиқ ҳокимингизни Чингизхон ҳузурига жўнатиб, Хитой чегарасига ўтиб олгач, ҳал қилсангиз ҳам бўлаверади. Шу бугундан қолдирмай содиқ саркардаларимиз лашкарий қисмларини саройни қўриқлашга ва қолганларини пойтахт атрофида шай бўлиб туришига кўрсатма беришингизга тўғри келади. Фаол исён бошлашга ҳаракат қилувчи Дашти Қипчоқ сардорларидан бир нечасининг баҳридан ўтиш лозим бўлса, уни ҳам тез амалга ошириш лозим. Бундай қатъиятли вазиятни қўлдан чиқармаслик учун албатта қатъиятлилик зарур. Айниқса, ҳозирги дақиқаларда иккиланиб ўтириш ҳамма нарсанинг барбод бўлишини таъминлайди. Падарим, ўзингизни қатъият билан қўлга олинг, акс ҳолда кеч бўлади. Сирдарёдан Форс, Ироқ ва Сурияга қадар чўзилган салтанат ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларингиз кули кўкка совурилади. Чингизхоннинг ҳозирги куч-қудратини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Салтанатингиз узоқ давом этган кураш ва ҳарбий ҳаракатлардан эндигина холи бўлиб, фуқароларингиз қарор топган тинчликдан энди қаддини қўтара бошлади. Шаҳар ва қишлоқлардан хазинангизга солиқ тушумлари, савдодан бож-хирож келиши изга тушмоқда. Аксинча, Чингизхоннинг қўлида энди Хитой бор, бемисл бойликлар унинг измида. Уруш бу фақат ҳарбий тўқнашув, қон тўкишлардан иборат бўлмай, бу иқтисодий ва хазиналар тўқнашувидан иборат аёвсиз урушдир. Биз шуларни ҳисобга олиб ноқулай шароитда урушга кирмасак дейман. Ички муаммоларни ҳал қилиб, нафасни ростлаб олайлик. Ана шундан кейин Такаш бобомнинг енгилмас машҳур қиличини менга топшириб, сиз эса мени ва қўшиннинг зафар қучишини тилаб, дуо қилиб тахтингизда хотиржам ўтиринг, уруш олиб боришни менга қўйиб беринг. Падари бузругим, мени, Жалолиддин Мангуберди фарзандингизни минг бор маъзур тутинг, сергап бўлиб, тили чиқибди-да бунинг, деманг. Негаки мен эл-юрт, Ватанимиз, халқимиз осойишталиги, тинчлигини кўзлаб, қирғиндан омон қолиш учун куйинмоқдаман. Асло мени ёвдан ҳадик тортаяптимиқан, деган андишага борманг. Ёвдан қўрқиб ануштегинлардек буюк сулоламингизга мутлақ бегона, мен ҳам шу сулолага дахлдорлигимдан фахрланаман. Ўлимдан қўрқмаслик бизга бобомерос туйғу. Инолчиқ тоғамни Чингизга топшириш илтимосимни қабул қилинг. Эл-юрт ва давлатингиз хавфсизлиги, тинчлиги учун шундай қилинг“.

... Сиёсат майдонида ўз айтганидан қайтмайдиган, ўта шаддод Туркон Хотун ўғли Муҳаммад Султон билан узоқ суҳбатлашди. Инолчиқни Чингизхонга топширишга онасини кўндирмоқчи бўлди ҳам. Аммо Туркон Хотун уни эшитиш у ёқда турсин, аёлликнинг минг хил мақр усулларини қўлаб, гоҳ йиғлаб: „Ҳа, энди ақлинг кирибди болам, Инолчиқ тоғанг билан қўшиб мени ҳам Чингиз йиртқич панжасига топшир, берган оқ сутимни шундай қилиб оқла, онасини душманга қўш қўлаб топширган шоҳ деган ном ол! Отанг Такашнинг суюкли маликасини хор қил, шунда у ўрида тинч ётгай, эй раббим, буюк султоним, суянган тоғим, жуфти ҳалолим жонини олгандан кўра, менинг жонимни олсанг бўлмасмиди? Мени кимларга ташлаб кетдингиз, Султоним!“ Саройнинг тўс-тўполонини чиқариб, унинг деворларини муштлаб йиғлаган онасининг ушбу ҳолатидан юрак-бағри эзилган фарзанд Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон онасини юпатишга тушди: „Қўйинг, онажон, ўғлингизнинг гуноҳидан ўтинг, сизни ҳам, тоғам Инолчиқни ҳам ҳеч кимга бермайман. Подшолик ҳам, тахт ҳам



сизники, менга сиз кераксиз, сизни ҳеч ким билан алмашмайман. — Онасининг кўз ёшларини қўллари билан артди, бағрига босди. — Фақат мени қаргаманг“, — деди Хоразмшоҳ онасига ялиниб. „Агар мени дейдиган бўлсанг, — деди онаси Муҳаммад Султонга, — Чингизхоннинг сенга дағдаға ва таҳдид солиб келган элчисини менинг ҳукмимга топшир, ўғлимга ва салтанатимизга дўқ қилиш нималигини унга ўзим кўрсатиб қўяман“. Муҳаммад Султон онасининг бу талабига ҳам бажону дил рози бўлди. Шундан кейин Туркон Хотун Ибн Кафрож Буғрони ҳузурига чақиртириб, у билан қисқа суҳбат қилди ва унга деди: „Сенга салтанатимиз пойтахтига келиб ўғлим Хоразмшоҳнинг дилини оғритишга ким ҳуқуқ берди, ўша ёввойи мўғул қавмлари ҳукмдори Чингизингми? Унинг Шукуҳли карвони аъзоларини ким ўлдириб юборганини билмоқчимисизлар, билиб қўйинг, унга мен фармон бердим. Ўзинг мусулмон фарзанди бўла туриб, ғайридин Чингизхонга содиқ итдай хизмат қилишдан муддаоинг надур? Ювуқсиз чўл ҳукмдори элчисига келиб-келиб буюк Хоразмшоҳлар ҳисоб берсинми? Ундан кўра ғайридинларга хизмат қилиб хиёнаткор бўлгунча гуноҳларинг учун Ислом дунёси аёллари маликаси — онахони олдида тиз чўкиб, кечирим сўра“. Элчи эса бунга жавобан: „Мен кечирим сўрайдиган гуноҳ иш қилмадим“, — дея мағрур туриб олди. Туркон Хотун: „Ундай бўлса сени тиз чўктирадиган одамимиз бор, ислом аҳлига қилган хиёнатингни қонинг билан ювишинг лозим“, — дея дарҳол жаллодни чақиртирди. Шу билан Чингизхон жўнатган сўнгги элчи Ибн Кафрож Буғро ва унинг ҳамроҳлари ҳам қатл этилди. Натижада Жалолоддин Мангубердининг доноларча ва адолатли фикрлари шамолларга учди. Устига-устак кейинги жўнатилган элчи ҳам махфий тарзда қатл этилди. Энди даҳшатли уруш олови ёқилган эди. Карвоннинг барча бойликлари Туркон Хотун ва Инолчиқ ҳоким томонидан ўзлаштириб юборилди.

## **УРУШ ОЛОВИ ЁҚИШГА ТАЙЁР. СЎНГИ ТАРАДДУД**

Чингизхон мураса-мадора қилиш учун жўнатган элчилардан ҳам ҳа деганда дарак бўлавермади. Хоқон уни яна бир неча ойлар бетоқатлик билан кутди, бироқ, натижа бўлмади. Чингизхон ва унинг қароргоҳидагилар элчиларга бирор кори ҳол бўлганлигига энди мутлақо шубҳа қилмадилар. Бироқ, ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, буюк бир салтанатнинг элчиси номаълум тарзда йўқолиб кетиши мумкин эмасди. Орадан анча вақт ўтиб Пекинда яна мудҳиш хабар тарқалди. Бу сафарги элчилар ҳамроҳлари билан Хоразмшоҳ томонидан қатл этилибди. Чингизхон бу даҳшатли воқеадан ларзага келди. Воқеалар дард устига чипқон деганларидан ҳам юз чандон „ўлганнинг устига теп“ дан ҳам ачинарли ривожлана борди. Хоқоннинг ғазаби чек-чегарасиз қайнаб тошганди. Ўрта аср манбаларида ўша мудҳиш воқеани эшитгач, Олий руҳоний маслаҳати билан баланд тепаликка чиқиб кетиб, уч кеча ва кундуз Теб-Тангрийга илтижо қилиб: „Эй, оламнинг яратувчиси, парвардигор! Дунёни бузувчи ҳукмдорларнинг жазосини ўзинг бер, жазолаш куч-қудрати ижросини менга ато қил, мен сенинг адолат қиличинг бўлай, фанимларимдан қасос олишга ўзинг қувват бер. Бу бошланган жанжалда ўзинг гувоҳсан, менинг заррача айбим йўқ. Унинг сабабчиларига қаҳр-ғазабингни соч!“ — дея илтижо қилган.

... Биринчи бўлиб хоқоннинг 4 та фарзанди ва машҳур саркардаларидан Қорачар нўён, Субутоғ баҳодир, Тоҳучар нўён, Жаба нўён, Жемуха нўён, Шиқи-Хуту-Хи нўёнлар Хоразмшоҳлар салтанатига уруш эълон қилишни хоқондан ўтиниб сўрайдилар. Аммо бу уруш дунёнинг энг йирик икки салтанати ўртасида бўлишини ҳисобга олиб, хоқон

барчасини сабр-тоқатли бўлишга ундади. „Уруш муқаррар бўлади, бу ҳақиқат, — дейди саркардаларига. — Урушни эълон қилиш бир фармон билан бошланади, уни бошлаш осон, бироқ, бу асосий ўринда эмас, урушни бошлагач, уни зафар билан тугатиш зарур. Энг аҳамиятлиси шу. Ғалабани таъминлаш учун эса ҳарбий ва иқтисодий пойдеворни мустаҳкам қилиш зарур“. Хоқоннинг биринчи фармони урушни бошлаш эмас, унга оммавий тайёргарлик ва ялпи сафарбарлик эълон қилиш тўғрисида бўлди. Хитой бу фармондан худди ари уяси бузилгандаги ҳолатда гувулади. Устахоналар кеча-кундуз жанговар қуроллар, қилич, найза, қалқон, зирҳли кийимлар, ўқ-ёйлар ясаш билан банд бўлди. Қалъани бузувчи ва ёндирувчи муҳандислик-механик машиналар — манжаниқ ҳамда даббатлар минглаб ишлаб чиқарилди. Озиқ-овқат захиралари, учқур зотдор отлар тўпланди. Хитойнинг энг йирик шаҳарларига сафарбар этилган захира қисмлар чақиртирилиб, улар пиёда ва суворий қисмларга, туманларга бўлиб чиқилди. Улар бир жойга йиғиладиган бўлса, еру заминга сиғмаганлиги учун Хоразмшоҳлар салтанатига 3 йўналишда зарба берадиган йирик қўшин қилиб тузилди. Унинг таркибида 10 минг кишилиқ туманлар ташкил қилиниб, уларни жуда тажрибали ва моҳир қўмондонлар — нўёнлар, сардорлар, саркардалар бошқарарди. Бу қўшинлар туманлари орасида баҳодир қисмлар, махсус қисмлар ва яшиндек зарба берувчи зарбдор қисмлар, яккама-якка жангнинг барча усуллари мукамал эгаллаган жангари фавж қисмлар бор эди. Улар фармонга кўра эртадан кечга қадар тинимсиз тер тўкиб, ўз маҳоратларини такомиллаштирувчи жанговар машқлар билан шуғуллантирилди. Ҳар бир туман жанг қилиш машқлари кўрик-танловидан ўтиши, белгиланган муддатда унга тайёр бўлиши шарт эди. Муддатидан олдин тайёр бўлганларга мукофот ва совринлар топширилиши, аксинча, тайёргарликда кечикканлар жазоланиши таъкидланган эди. Кўрикни Чингизхон ва унинг энг яқин саркардалари ўтказиши эълон қилинди. Шунга кўра, ҳарбий машқлардан, умуман, ҳарб санъатидан хабари бўлмаган одам туманларнинг жангга тайёргарлигини кўрса, албатта уни чинакам уруш деган хаёлга бориши аниқ эди. Бу тайёргарлик нақадар шиддатли олиб борилганлигини билдирар эди.

Чингизхоннинг бундай қилишининг сабабларидан бири — Жалолиддин Мангубердининг энг машҳур саркардаси Жўжихон ва Субутой лашкарини мағлуб қилгани ҳам жиддий тайёргарлик кўриш зарурлигини тақозо қиларди. Ўспиринликдан йигитлик ёшига эндигина дастлабки қадамни қўйган бу шахзода Жалолиддин дегани хоқонга яна қандай услубдаги жангларни „сийлов“ қилади, ҳали бу ҳам унинг учун бир жумбоқдир. Шунинг учун ҳарбий машқларнинг ўта жанговар руҳда ўтишига катта аҳамият берди. Хоқон бу жараёнда яна бир муҳим ишни амалга оширди. У сафарбарлик эълон қилган бепоён ҳудудларда турли-туман жангари қабилалар — мўғуллар, чинликлар, манжурлар, корейслар, чўл ва даштларда юздан ортиқ кўчманчи уришқоқ қавмлар, туркийлар, сибирликлар, олтойликлар яшаб келардики, хоқон уларни ўз салтанатининг куч-қудратини ошириш йўлида ягона темир мушт қилиб бирлаштиришга эришди. Чингизхон тузилаётган янги қўшинига мўғул саҳройи қабилаларининг шиддаткор ва шафқатсизона майлдаги қарашларини, Хитой халқидаги ҳар қандай шароитларда машаққатлардан нолимайдиган сабр-тоқатни кўчманчи туркий қавмлардаги жангарилик хусусиятларини мужассамлаштириб, ҳарбий доктринаси ҳаётига сингдира олди. Натижада бу қўшин шундай ҳаракатчан ва ҳужумкор лашкарга айландики, олдидан тоғ чиқса тошни ҳам кемиришга қодир, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган сувсиз жазирама саҳроларда чанқашдан нолишни хаёлига келтирмайдиган, от ёки туянинг бўйнидан ханжар билан дарча очиб тилиб, унинг бир неча қултум қонини сўриб, ундан

ташналагини қондириб йўл босадиган темир ирода ва темиртан жангчилар сифатида тарбияланди. Ўша давр тарихчиларидан бири Чингизхон қўшинини қонга ташна йиртқичлар галасига ўхшатган эди. Бу қўшин турмуш тарзидан инсонийлик, меҳр-оқибат ва инсонпарварлик тушунчалари мутлақ йироқлаштирилган эди. Уларнинг шиори қирғин қилиш, бўйин эгтанларни эса қулликнинг оғир азобларига дучор этишдан иборат бўлган. Улар учун шафқат тушунчаси тушунарсиз ибора эди. Лашкарга жангга ташналик ва қонсираш тарбияси узлуксиз сингдирилди. Чингизхонга шундай қўшин асқатарди. Жангчилар Чингизхон ва саркардалар учун манқурт бўлиши юз чандон афзал эди. Чингизхон умр бўйи лашкари орасида раҳмдиллик руҳи уйғонмаслиги учун курашди. Шафқат ва раҳмдиллик ҳамда инсонпарварлик гоёси тарқалган лашкари ғалаба нашидасидан маҳрум бўлади, дерди хоқон. Шунга кўра, Чингизхон ёки унинг қўмондонлари ўзга мамлакатлар шаҳар ва кентлари остонасига етиб келар экан, уларни йўқ қилиш ишораси берилиши билан бу ердаги қайноқ ҳаёт сўна бошлаб, ўлим ҳукмронлиги жиловни қўлга оларди. Қарабсизки, бир ҳафта ёки ўн кун ичида гуллаб-яшнаб турган бу макон ер устидаги дўзахнинг бир қисмига айланарди. Чингизхон ва унинг хужумкор ва аёвсиз қўшини жизғанак бўлаётган шаҳар аҳолиси ва мудофаачиларнинг оқ-воҳлари, болалар ҳамда хотин-қизларнинг жон ҳолатда ўлимолди чинқириқ ва дод-войларидан мўғулларнинг тани яйраб, руҳланиб, илҳом олардилар. Шунга кўра ўрта аср манбаларида мўғул-татар қўшинини одамхўр ва ўлимсевар махлуқларга ўхшатишган эди. Бунда асло муболаға бўлмагани ҳақиқат. Негаки, уларнинг ваҳшиёна ҳаракатлари халқ оғзаки ижодида ҳам муҳрланиши ўша манбаларнинг яна бир қарра ўринли таъкидлаб ўтилганлигини тасдиқловчи далилдир. Мўғуллар босқинидан бизни ҳозирга қадар 800 йил ажратиб туришига қарамай, Шарқ халқлари, айниқса, вайроналик ва талафотларни бошидан энг кўп кечирган бизнинг аجدодларимиз хархаша қилувчи болакайларини „Жўжи келди, бўжи“ ёки бўлмаса „олабўжи, яъжуж-маъжуж келяпти“ деб қўрқитиб, жим бўлишини талаб қилган. Бу одат шу кунларгача сақланиб келмоқда. Мақоллар ва маталлар ҳаёт ҳақиқатларидан озиқланиши ҳам шундан.

Чингизхон хоразмшоҳларга қарши уруш бошлаш арафасида „Кешик“ деб номланувчи хужумкор ва яқсон қилувчи махсус қўшинини ҳам тубдан қайта тузди. Уларга ўзига бўйсунган турли халқлар, қабилалар ва уруғларнинг паҳлавон, қўрқмас, сув келса симириб, тош келса кемириб ўтадиган, ойни осмондан олиб туш деб кўрсатма берса, кўкка сапчийдиган жасур жангчилар қабул қилинди. Улар 10 минг кишилиқ туманга бирлаштирилди. Бу туман жангчиларининг ҳар биттаси ғаним лашкаридаги жангчилардан 5—10 тасининг хужумини қайтара оларди. Чингизхон талаби билан улар ҳар куни эрта саҳардан қоронғи кечгача шарқ, асосан, япон ва хитойларнинг жанговар ҳарбий санъати, яқка кураш, қуролсиз ҳолатда қуроли жангчиларни мағлуб этиш жанговар машқларини бажарар эди. Чингизхон бу қўшинига катта аҳамият беришининг асосий сабаби Жалолиддин ва Темур Малик каби Хоразмшоҳнинг машҳур саркардаларини қўлга олиш осон кечмаслигини яхши билар, ундан ташқари кутилмаганда Чингизхон қароргоҳига улар шердек ташланиб, хоқонга ўлим таҳдидини солиши эҳтимолдан холи эмасди. Шунинг учун хоқоннинг махсус „Кешик“ лашкари жанг пайти қароргоҳда хоқоннинг ҳаётига ўз бошлари билан жавоб берарди. Хоқоннинг асосий қўшини душманни ҳолдан тойдиргач эса ҳал қилувчи паллада фақат Чингизхоннинг кўрсатмаси билангина айрим ҳолатларда жангга киритиларди. Бошқа пайтларда айланавий доира ҳосил қилиб Чингизхонни муҳофаза ва хавфсизлигини таъминлаш билан банд бўларди. Хоқон тўртинчи, кенжатоё фарзанди Тўлини махсус қўшин қўмондони қилиб тайинлаган эди.

Ҳарбий жанговарлик кўригидан ўтиб бўлган туман лашкарлари ўз қўмондонлари бошчилигида Хоразмшоҳлар давлати чегара ҳудудларида тўплана бошлашди. Бу сафарбарлик

ҳолати 1219 йил кузига қадар давом этди. Чингизхон ва унинг қароргоҳи ҳужум режаларини жуда пухта ишлаб чиқди. Нафақат салтанатни узоқ ва оғир жангга ҳарбий ҳамда иқтисодий жиҳатдан тайёрлаб қолмай, Хоразмшоҳлар салтанатини ичдан емириб ташлайдиган мафкуравий жосуслик, мансабпараст сотқинларни ўз хизматига ёллаш усулларини ҳам вақтида ишга солди. Хоразмшоҳлар салтанатини ер билан яксон қилишга қаратилган нимаики имконияти бўлса, ҳаммасини аъло даражада ва изчиллик билан ишга солди.

## ХОРАЗМШОҲ САРОЙИДА ЧАҚИРИЛГАН ҲАРБИЙ МАШВАРАТ. ЖАЛОЛИДДИН ТУҒЁНИ

... 1218 йил кеч кузидан эътиборан ҳар икки томон уруш тадоригига жиддий киришди. Энди уруш бошланиши сўзсиз ва муқаррар эди. Инсоният яралгандан буён ўрта асрлар даврига қадар урушлар тарихидаги энг қирғинли, вайроналик ва талафотлар кўламининг ҳадсиз, ҳисобсизлиги жиҳатидан ақл бовар қилмас уруш Хоразмшоҳлар салтанати эшигини қоқиб турарди.

Хоразмшоҳ Ўтрор ҳокимини Чингизхонга топширишдан кўра уруш бошланишига кенг йўл очиб беришни ўзига эп кўрди. Аммо, унинг оқибатлари Ватанни, салтанатни, халқларни қандай кулфат ва кўргуликларга олиб келишини тасаввур ҳам қила олмасди.

Машваратга вилоят, ноибликлар ҳокимлари ва шаҳар раислари, йирик саркардалар, вазиру вузаролар, аркони дин, аркони давлат арбоблари ва Хоразмшоҳ маслаҳатчилари, шаҳзодалар чақирилди. Ҳарбий Машваратда икки масала кун тартибига қўйилди. Биринчиси, қўшинни уруш асбоб-ускуна, озиқ-овқат ва кийим-кечак ҳамда жанговар қурол-яроғлар билан таъминлаш учун солиқларни уруш даври шароитларига мослаб ошириш хусусида бўлди. Кун тартибидаги иккинчи масала эса қаҳрли Чингизхоннинг сон-саноксиз қўшини ҳужумини қайтариб, уни мамлакат ҳудудидан ҳайдаб чиқариш хусусида борди. Бунинг учун аввало ҳар шаҳар ва қалъалар ҳоким ҳамда лашкарбошиларидан уларни мудофаа қилиш, узоқ қамал шароитидаги жангларга тайёрлаш учун аҳолини сафарбар этиб, қалъа деворларини таъмирлаш топширилди. Хоразмшоҳ бу масалада Самарқандга алоҳида диққатини қаратди. Унинг ички девори душман ҳужумига узоқ бардош бериши мумкинлигини назарда тутиб, ташқаридан 12 фарсах<sup>1</sup> масофада мустаҳкам девор қуришга буйруқ берди. Бунинг учун вилоят аҳолисидан икки йиллик солиқни бир йўла ундириш тўғрисида фармон чиқарди. Унинг ташқарисидан катта зовур хандақ олиб, сув тўлдирилиши ҳам фармонга илова қилинди.

Аммо, Хоразмшоҳ жуда катта кўламли меҳнат ва вақт талаб этувчи тадбирнинг амалга оширилишига имкон бўладими ёки йўқ буни инобатга олмади. Хоразмшоҳ бутун фикр-зикрини мудофаа деворларига қаратиб, Чингизхоннинг асосий кучларини Самарқандга жалб қилиб, ўша ерда унинг лашкарини ҳолдан тойдириб, мамлакатнинг ичкарасига ёриб ўтишдан асраб қолиш режасига мойиллиги кучли эканлиги яққол сезилиб турарди.

Чингизхон қўшини ҳужумига қарши қандай тактика қўлаб жанг олиб бориш йўлини танлаш Хоразмшоҳ саройида катта тортишув ва баҳсларга сабаб бўлди. Биринчи бўлиб Хоразмшоҳ ўз фикри ва режаларини айтиш ва асослаб бериш учун сўзни ҳарбий назарийётчи олим, давлат арбоби ва ҳарбий вазири Шихобиддин ал-Ҳевақийга берди. У салтанатда жангга шай ва жанговар ҳолатдаги 400 мингдан ортиқ қўшин мавжудлиги, уларнинг жанговар

<sup>1</sup> Фарсах — тахминан 7—8 километрга тенг узунлик ўлчови.

тайёргарлиги, ўқ-яроғлари ҳам етарли эканлигини, гап фақат уруш тактика ва стратегиясини тўғри мувофиқлаштириб олиб борилса, мўғуллар билан ваҳимага берилмай бемалол беллашиш мумкинлигини билдирди. Ҳарбий вазир Шихобиддин ал-Ҳевақий мўғул қўшинини шимоли-шарқий чегараларимизда кутиб олиб, очиқ жанг қилиш тарафдори эканлигини айтди. Самарқандга қадар мўғул қўшинининг кириб келишига йўл қўйиб бўлмаслигини, бу катта вайроналиклар келтириши ва талафотларга сабаб бўлишини асослаб берди. Шихобиддин сўз якунида Олий бош қўмондонликни Жалолиддин Мангубердига ёки унинг устози Темур Маликка топшириш энг мақбул ва тўғри қарор бўлишини айтади. Негаки, улар ҳар икки — устоз-шогирдлар бир-бири билан тез тил топишади ва ҳарбий санъат бобида улар ҳақиқатда ҳам даврнинг етук саркардаларидир, деб таъкидлади. Қўшиннинг ғалабага элта олиш истеъдодларига тўла ишониб жангга кира олади, деган фикрни қатъий илгари сурди. Бу жуда тўғри, уларга берилган одилona баҳо эди. Уларнинг бемисл истеъдод ва саркардалик салоҳиятидан унумли фойдаланиш-фойдаланмаслик Хоразмшохнинг журъати ва қатъиятига боғлиқ эди.

Шундан кейин кенгашда кўпчиликни ташкил қилган Дашти Қипчоқ саркардаларига бирин-кетин сўз берилди. Улар азалдан Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик ва Шихобиддин ал-Ҳевақийларни кўришга кўзлари йўқ эди. Улар халқимиз орасидан етишган, юқорида номлари зикр этилган саркардаларимизга нисбатан ҳасадлари чексиз бўлиб, уларга қарши хоҳ ошқора, хоҳ яширин тўсқинлик қилиб келардилар.

Агар Олий бош қўмондонлик Жалолиддин Мангуберди ёки Темур Маликка ўтадиган бўлса, улар исён тайёрлаб давлат тўнтариши қилишдан ҳам тоймасдилар. Улар Хоразмшох онасининг яқин қариндошлари бўлгани учун уларга жазо беришга Хоразмшох ботина олмасди. Агар Хоразмшох томонидан қипчоқ саркардаларидан биронтасига жазо бериб, иш ҳибсга олишгача бориб етадиган бўлса, ўғлини тахтдан четлаштириб, Туркон Хотунга тахтни олиб беришга қасд қилган эдилар. Унда Мовароуннаҳр ва хоразмлик амалдор ва саркардаларни давлат бошқарувидан тамомила четлаштириб юбориши ҳеч гап эмасди. Бунда дашти қипчоқликларнинг асосий мансаблар ва қўмондонлик лавозимларининг аксарият кўпчилигини эгаллаб олганлиги Хоразмшох учун жиддий таҳдид эдики, улар бошқарув олий лавозимларида катта куч эдилар.

Дашти Қипчоқ катта амалдор ва саркардалари барчаси бир овоздан Шихобиддин ал-Ҳевақийнинг ҳарбий режаларини тиш-тирноқлари билан қарши туриб рад қилдилар. Улар биз учун энг мақбул уруш бу мудофаа жангидир, негаки, ҳам ички, ҳам ташқи девор орқасида паналаниб жанг қилинганда, очиқ ва ҳимоясиз майдонда келаётган лашкар энг кўп талафот кўриб, аксинча, қалъа девори орқасида мудофаада турган жангчилар энг кам талафот кўради. Қилич ва найза ҳамда ёй ўқининг зарби деворга урилади, бизнинг жангчилар омон қолади. Бундан ташқари, ҳар бир мудофаа жангида турган жангчиларнинг аёллари, бола-чақалари ўз эрлари, ака-укалари ёнларида туриб, бутун куч, имкониятлари билан уларга ёрдам беради. Лашкар билан шаҳар аҳолиси бир жон, бир тан бўлиб курашадилар. Энг мақбул йўл шу боис мудофаа жанги, дея қайсарлик отига миндилар. Дашти қипчоқликларнинг ғала-ғовурларини зўрға тинчитган Хоразмшох навбатдаги сўзни Ҳўжанд ҳокими Хоразмшохлар салтанати ҳарбий санъат арбоби ва чақноқ юлдузи, буюк саркарда Темир Маликка сўз берди. У ҳеч иккиланмай Шихобиддин ал-Ҳевақий режасини қўллаб-қувватлади, унинг ижобий жиҳатларини аниқ далиллар билан асослаб ва изоҳлаб берди. 400 минглик лашкарни икки қисмга ажратиб, унинг тенг ярмидан баҳодир ва жасур, тажрибали жангчиларни ажратиб, улардан алоҳида ҳужумкор лашкар тузиш, унга Олий бош қўмондон

қилиб Жалолиддин Мангубердини тайинлаш, 200 минг хужумкор қўшиндан 50 мингини жуванғарга, иккинчи 50 мингини баранғар қўшинга айлантириб, марказдаги 100 минглик қўшинни ҳам Жалолиддин ихтиёрига бериш, „Шундан мен, — дейди Темур Малик, — ё баранғар, ёхуд жуванғардан бирини бошқаришни зиммамга оламан. Агар Шихобиддин ал-Хевақий ва Аминалмулк саркардалар ўнг ва чап қанотга қўмондонлик қилсалар, унда мен қолган 200 минглик қўшинни захирада ушлаб тураман ва олдинги сафдаги марказ, ўнг ва чап қанот қўшинларни орқа ва икки ён тарафидан ҳимоя қилиб, мўғулларнинг бу лашкарий қисмларни қуршаб олиш ҳаракатларини тамомила барбод қилиб, якуний босқичда душман қўшинининг орқа тарафидан айланиб ўтиб зарба бераман, қўшинни шу тариқа Жалолиддин Мангуберди қўшини билан ҳалқасимон доира ясаб, Чингизхоннинг асосий қўшинларини қуршаб олишга эришамиз. Қуршовга тушган душманнинг аҳволини нима тақдир кутиши ҳаммага аён. Бу усул ўзини тўла оқлайди. Жангни Сирдарёнинг ўнг тарафидаги кенг чўлларда олиб бориш зарур. Бундай кенгликларда мўғулларнинг қўшини кўз олдимизда туради. Уларнинг ҳар бир ҳаракатини назоратда ушлаб турамыз. Шундай тадбир қўллаш яхши натижалар беради. Шу боис шаҳар деворлари ортида туриб эмас, очиқ кенг майдонда юзма-юз туриб жанг олиб борсак, биз албатта ғалаба қиламыз. Агар ҳар бир шаҳар ва қалъа ўзини ўзи ҳимоя қилсин қабилида мудофаа жанги олиб борилса, мамлакат ҳудудлари ҳаётий марказларига кириб олган душман юртни хароб қилади. Қўшинни озиқ-овқат, қурол-яроғ билан таъминлаш қийинлашиб, бу имкониятлар барчаси душман қўлига ўтади. Шунинг учун урушни мумкин қадар чўлу биёбонда олиб бориш лозим. Мудофаа жангини шаҳарлари деворларига таяниб кураш олиб борган Хитой салтанатини Чингизхон қандай қилиб тор-мор этди. Омон қолса, ўшалар омон қоларди. Қаршилиқ қилган, душман деворларини бузолмайди деб топилган Чин-Мочин шаҳарларининг кули кўкка совурилди. Бу бизга сабоқ бўлиши лозим. Ғалабани девор эмас, хужумкор қўшин ва уларни жасоратли жангга оқилона йўналтириш таъминлайди“. Темур Малик шу тариқа ўз сўзини ўта қатъиятлик билан якунлади.

Хоразмшоҳнинг ўзларига нисбатан бирор чора кўра олмаслигини билган дашти қипчоқлик саркардалар Темур Маликнинг ҳақли фикрлари олдида ожиз қолиб, саройда тартибсизлик ва бошбошдоқлик ҳолатини келтириб чиқаришга уриндилар. Бир овоздан улар биз бу режага қаршимиз, қаршимиз дея ҳайқириқ, қийқириқлар билан жавоб қайтардилар. Хоразмшоҳ бир амаллаб Дашти Қипчоқ саркардаларини тинчлантиргач, ҳарбий Машваратни ёпиб, қарорни эртага эълон қилишини билдирди.

Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳ отасининг ушбу ҳолатига ачинди, дашти қипчоқликларнинг Темур Малик, Шихобиддин ал-Хевақий ва Аминалмулкдек саркардаларга беписандлик қилишлари, шоҳни ҳам менсимаетганлиги, унинг қаттиқ ғурурига тегди. Улар билан отаси Муҳаммад Султоннинг муросасозликка келишга мажбурлигидан эзилди. Ҳарбий Машваратни ёпишга чоғланаётган отаси Муҳаммад Султонга мурожаат қилиб ўз фикрини айтишга ижозат сўради ва дадил ўрнидан турди. Унинг вазоҳатидан сўз бермасликнинг иложи йўқлигини илғаган шоҳ базўр розилик берди. Ахир мўғуллар билан илк тўқнашувда уларнинг додини бериб, отаси Хоразмшоҳни нақ фалокат домидан олиб чиққан шахзодага нима учун сўз бермаслик керак? Жалолиддиннинг сапчиб туриб сўз сўрашидан яна дашти қипчоқлик саркардалар гимираб қолишди. Аммо, уларга асло эътибор бермай, луқма ва кесатиқларига парво қилмаган шахзода Жалолиддин Мангуберди ўз ҳарбий ҳаракат режаларини баён эта бошлади: „Агар шу ерга тўпланган қипчоқлик тоғаларим, вазиятни тўғри баҳолаб, мўғулларнинг кучларига тўғри баҳо бера олганларида эди, мен

уларни қўлаб-қувватлаб қўя қолган бўлур эдим. Бу ерда уларнинг кўпчилик бўлиб туришларига қарамай қўшин кучларини бўлиб юборишга интилишлари ва Шихобиддин ал-Хевақий ва устозимиз Темур Маликдек энг тўғри йўлни танлай билган улўф саркардамизнинг ажойиб ва ғалабага элтувчи режаларига қарши чиқишлари мени гапиришга мажбур қилди. Устозларим айтгандай, кенг очиқ майдонга барча қўшинни олиб чиқиш керак. Бунинг учун Сирдарёдан вақтни бой бермай қўшин тез кечиб ўтиб, унинг ўнг соҳилидаги майдонда лашкарни жойлаштириш лозим. Салтанатимиз шимоли-шарқий чегараларидан туриб душманнинг қайси томондан юртимизга ҳужум уюштиришини ўша жойдан кузатиб, қатъий назорат қилиб асосий кучларини йўналтирган томонга биз ҳам кучларимизни тўплаб, тез ҳаракат қилиб, улар йўлини тўсиб, қарши зарба уюштиришимиз зарур. Қўшинимиз сон жиҳатдан Чингизхон лашкаридан кам эмаслигини назарда тутиб, улар билан иложи борича саҳро кенгликларига жанг қилсак биз энг тўғри йўлни танлаган бўламиз. Биринчидан, ўзини ўзи мудофаа қилсин деб, шаҳарларга лашкарни бўлиб юборсак, кескин тарзда қўшин кучи заифлашади ва лашкарлар ўртасида бир-бирини қўлаб-қувватлашнинг имкони бўлмайди. Қамал шароитида жанг қилиш мўғуллар устунлигини таъминлаш демакдир. Улар хитойликлар ясаган қалъа деворларини бузувчи ва ёндирувчи ҳарбий техника билан шаҳар деворларини қулатади ва ёндирувчи нафтандозлари шаҳарни дўзахга айлантиради. Сон-саноксиз тошлар, ғўлалар офати ёғилиб, лашкар ва аҳоли бемисл талафотлар майдонига айланади. Мўғуллар шаҳарларни қамал билан олишда гоят тажрибали жангчилар эканлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Жангари манжурлар, меркитлар, керойитлар, кўчманчи туркий сардорлар, айниқса, хитойликларнинг ҳеч бир қўшини мудофаада туриб бирортаси Чингизхон ҳужумини тўхтата олмаганлигини ҳисобга олсак, улар нақадар даҳшатли куч эканлигини назарда тутишимиз зарур. Душман кучларига тўғри баҳо бериб, унинг кучли ва кучсиз томонларини инобатга олиб, жанг услубини танлаш ҳарб санъатининг муҳим талабидир. Асосий масала Ватан ва салтанатни даҳшатли ҳужумдан ҳимоя қилиш ва сақлаб қолиш тўғрисида борар экан, уруш режасини мукамал тарзда ишлаб чиқишни Шихобиддин ал-Хевақий, Темур Малик, Аминалмулк ва менга ишониб топширсангиз. Йўқ, бугун бир қарорга келаман десангиз, яна бир ўйлаб қўйган ҳарбий режамни баён этишга изн беринг“, — деди-да Жалолиддин Мангуберди ўзининг шахсий ёрдамчиси бўлган амирларидан бирига қўлидаги ўроғлик нарсани очишга буюрди. Бу буюк аллома, Ватандошимиз ва бобокалонимиз ал-Хоразмий тузган жуғрофий харита бўлиб, унда Турон замин, Хуросон, Хоразм воҳаси, Аму ва Сирдарё ўнг соҳилидаги ерлар, Мўғулистон, Хитой, Манжур ва уларнинг қўшни юртлари аниқ чизилган дунё харитаси эди. Унда саҳролар, даштлар, дарёлар, тоғлар, текисликлар аниқ математик қоидалар параллель ва меридиан чизиқлар бўйича берилган эди. Бу жуғрофий масофалар отда босиб ўтилса, улар ораси неча чақирим йўл-у, савдо карвонлари бу масофаларни қанча вақтда босиб ўтиши изоҳлар билан қайд этилган эди. Жалолиддин Мангуберди Чингизхоннинг тахминан энг қулай йўлларни танлаб босиб келадиган йўллари, унинг кетидан келадиган озиқ-овқат захираларининг етиб келиши эҳтимол тутилган йўналишларини ўткир учли рангли қаламда яшил, қора, қизил чизиқларда белгилаб қўйган эди. Шунингдек, унга қарши ёғий йўли тўсиб қўйиладиган марралар ҳам квадрат, тўртбурчак тарзда чизиб кўрсатилган эди. Улар марказ, ўнг ва чап қанот қўшинлари ва захира лашкарий қисмлар жойлашувини ифода қиларди. „Душманнинг аниқ ҳаракат қиладиган йўлини топиб аниқлаш учун саҳро, дала-даштда шамолдек учадиган бақувват отлар билан жосус ва хабаргирларимизни таъминлаб, улар Марказ Бош қўмондон қароргоҳига энг аниқ маълумотларни етказиб

туриши керак. Уларнинг аниқ маълумотларига таяниб, соатма-соат қўшинни жанговар ва қарши ҳужумга шай ҳолда тайёр турамиз.

Мўғуллар чўл ҳудудларидан жуда тез ўтиб олишини назарда тутиб, уларнинг жанговар қўшини Гоби чўлларида Сирдарёгача йўлни босиб ўтиш чоғида, албатта, чарчамай иложи йўқ. Биз уларга ўзларини ўнглаб олиш имконини қолдирмай қарши қақшатқич зарба берамиз. Бундай усулда ҳужум уюштиришимиз мўғулларга жуда қимматга тушади. Вақт борида ҳозироқ шу режамни амалга оширишимга рухсат беринг. Хоҳланг, умрининг асосий қисми жангу жадалда ўтган буюк саркардамиз Темур Маликка, хоҳланг Олий бош қўмондонликни менга топширинг, буниинг фарқи йўқ. Ёвга қарши шаҳар ва қишлоқларимиздан узоқ ҳудудларда жанг қилишимизнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, бизни барча озиқ-овқат, жанговар жиҳозлар билан таъминлаб турадиган аҳолимиз, хотин-халаж, бола-чақа уруш бораётган жой ёки унинг вайроналик келтирувчи азоб-уқубатларидан холи ва хавфсиз бўладилар. Уларни асраб қолган бўламиз. Бу ҳам бизнинг асосий бурчимиздир. Салтанатдаги барча лашкарий кучларга фармони олий беринг. Саф-саф бўлиб Сайхун дарёсига қараб йўл оламиз. Ўнг соҳилда марра олиб ҳужумкорлик ҳарбий машқларини бошлаб юбориб, хоҳлаган дақиқада 400 минглик қўшин тоғ кўчкисидек ғанимга ёпириладиган ҳолатда шай турамиз, падарим, буйруқ беринг!“ дея илтижо қилди Хоразмшоҳга Жалолиддин Мангуберди. Бу режа энг ишончли ҳарбий стратегияда ғалабани нақ таъминлайдиган, энг мақбул режа эди.

Бу сўзлар ғалабага тўла ишонган шаҳзода Жалолиддин Мангубердининг қайноқ қалбидан олов бўлиб отилиб чиққан, ҳарб илмининг истеъдодли ва Худо берган беназир лаёқат эгасининг буюк саркардага хос сўзлари эди. Афсуски, ғалаба нақ қўлда бўладиган ҳарбий режалар, падарига илинж ва ўкинч билан айтилган дардли фикрлар кошона сарой деворларига урилиб, акс садо берса бердики, бироқ Хоразмшоҳ Муҳаммад қалбида акс садо бермади. Фалокатга эгасининг ўзи сабабчи деганларидек, Ватан, эл-улусни, асрлар давомида тер ва қон тўкиб вужудга келтирилган буюк салтанатни йўқликка, таназулга, халқни эса қулликка мубтало қилинадиган ҳарбий сиёсат йўли танланди. Яъни шаҳар мудофааси йўли билан жанг қилиш муддаоси Хоразмшоҳ миясини бўғма илондек чирмаб олган эди. Ақл эгалари, буюк саркардалар режалари шамолларга учди, уларнинг доно фикрлари рад этилди. Оқиллар боши хам, юраклари эса қон бўлди. Дашти қипчоқлик саркардалар Хоразмшоҳнинг бу қароридан беҳад шодмон бўлдилар. Шу тариқа оқиллар мағлуб, оёғи учидан нарини кўра олмаган шухратпараст, сўқирсифатлар фикри бу олишувда голиб бўлди. Фалокатга элтувчи фармони олий шу зайлда эълон қилинди. Шу билан Хоразмшоҳ эл-юрт, Ватан ва ўз сулоласи, аждодлари бино қилган салтанат устидан ҳам ўлим ҳукми чиқарилган мудҳиш фармони олий ҳукми эълон қилди. Бу мудҳиш ҳужжат мозий саҳифасидан ўрин олди.

Дашти қипчоқликлар ғалабани эмас, энг муҳими Олий бош қўмондонлик Жалолиддин ёки унинг устозларига ўтиб кетмаслигини ўйлаб, бор кучини шунга сафарбар этиб, ўзларининг ёвузона муродларига етдилар. Дўппи тор келганда эса, Чингизхон ғалаба қилиши аён бўлган заҳотиёқ юрти Дашти Қипчоқ қайдасан тарзида у ёққа от қўйиш, ёхуд ғаним тарафга осонгина ўтиш тарадудини кўриб, хиёнатга қўл уриши тайин эди. Пировардида худди шундай бўлди ҳам. Хоразмшоҳнинг уларга таслим бўлиб ҳукм чиқариши, Чингизхонга таслим бўлишидан кам фарқ қиларди. Энди бу ёғи Ватан дея ҳайқирган саркарда ва жангчилар учун тақдирида нима бўлса борини кўриб, сўнгги нафасигача қўлда қилишни маҳкам сиқиб, оёқни она заминга маҳкам тираганча жангга кириш қолган эди. Шундай



қудратли 400 минглик қўшин салтанатнинг кенг ҳудудлари бўйлаб сочилиб кетган шаҳар ва қалъаларига бўлиб, тарқатиб юборилди. Бўлинганни бўри ер мақолининг ҳаётда татбиқи ана шу ердан бошланади. Бу мўғуллар хоқони ва саркардалари учун кутилганидан ҳам зиёда совға бўлди. Ғалаба калити ҳали асосий жанглар бошланмаёқ Чингизхон қўлига келиб тушди. Хоразмшоҳнинг катта қўшинига Жалолиддин ёки Темур Малик бош бўлиб йўлимизни тўсадиган бўлса, унда оқибат нима бўлади деган хавотир, Пекиндаги хоқон қароргоҳидаги ечими топилмаётган оғир муаммо шу кунга қадар муаллақ турган эди. Чингизхонга Хоразмшоҳ билан дашти қипчоқликлар бу оғир муаммонинг ечимини осонгина топиб берар экан, Муҳаммад Султон ўз ғанимини ажойиб бир тарзда қўллаб юборди. Бунинг учун хоқон Хоразмшоҳдан бир умр миннатдор бўлди ва Хоразмшоҳлар салтанатини ўлимга маҳкум этувчи фармонга имзо ва муҳрини ихлос ва шодмонлик билан босиб, уни ижро қилувчи ўлимсевар мўғул саркарда ва тўрт шаҳзода фарзандларига қўшқўллаб топширди. Натижада тўфон ва дўзах олови дарвозаси ланг очилиб, Хоразмшоҳлар салтанати ҳудудларига йўналтирилди.

Шу тариқа Муҳаммад Султон йўл қўйган ҳарбий-сиёсий хато Жалолиддин Мангуберди ва унинг ҳарб санъати устозлари қалбида бир умр яра-чандиқ бўлиб, юрагига азоб берувчи дард ҳосил қилди. Бу яра уларнинг умрлари поёнига қадар битмади, сақланиб қолди, доимо азоб берди. Бироқ, бу воқеаларни энди ҳеч ким тўхтатишга қодир эмасди. Жин ва ажинасифат аждаҳолар ва мўғулнинг чигирткадек ёпирилган одамхўр махлуқлар қиёфасига кирган лашкарий қисмлари тараққиётнинг қадимий ўчоғи бўлган Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонни мўр-малаҳдай босиб, пайҳон қилишни бошлаб юбордилар. Жаҳон халқларига маданий тамаддун ва Уйғониш даврини бошлаб берган юрт олов ичида қолди.

Бу вақтда Хоразмшоҳ ақлу донолигига офаринлар ўқиб олқишлаётган Дашти Қипчоқ саркардаларининг мақтовларидан сармаст Муҳаммад Султон Бош вазирига қуйидаги мазмунда битилган фармони олийни ўз муҳри билан имзолаб топшираётган эди. Улар дарҳол вилоят, шаҳар, ноибликлар ҳоким ва саркардаларига етказилиши зарур эди: „Олампаноҳ Муҳаммад Султон Санжар ва замоннинг Иккинчи Искандари Олий фармон бердилар. Салтанатнинг барча вилоят, шаҳару қалъа қутволу ҳокимлари, саркардалар, сардорлар эшитмадим демасинлар, барча-барчага етказсинлар. Барча фуқаролар ўз она шаҳарлари мудофаасида иштирок этсинлар ва душман етиб келгунга қадар унинг девор ва хандақларини таъмирлаш, қазиш ишларига сафарбар этилсин. Меҳнатга яроқли барча фуқаролар ўзларининг от, арава, уловлари, белкурак ва меҳнат қуроллари, озиқ-овқатлари билан таъминланган ҳолда иштирок этсинлар. Турли баҳоналар билан ўзларини умумхалқ ишидан четга олувчилар дарҳол жазога тортилсин. Савдогар ва гадолар қиёфасидаги ва шунга ўхшаш шубҳали шахслар мўғул жосуслари сифатида ушланиб, миршаблар девони ёки қўшин сардорлари, дарвоза қоровул бошлиқларига тутиб берилсин. Ҳар бир шаҳар ўз-ўзини мудофаага тайёрласин. 18 ёшдан 45 ёшгача бўлганлар ўзига энг яқин шаҳар ва қалъалар қутволига учраб, ҳарбий хизмат рўйхатига ёзилиб, мунтазам қўшин ва мудофаачилар сафини тўлдирсинлар. Хотин-қизлар шаҳар ва қалъа табиблик бўлинмаларига бориб, ярадор жангчиларга ёрдам уюштириш мақсадида табиблардан турли шифобахш ўсимликларни йиғиш ва халқ табobati асосида дори-дармонлар тайёрлашни ўзлаштирсинлар. Қолганлари эса мудофаада қўлларидан келган ишларда фаол иштирок этсинлар. Фармон барча фуқароларга жангчилар, хабаргирлар томонидан етказилсин!“

*Фармони олий Муҳаммад Султон Искандари Соний Султон Санжар  
Ҳижрий 614 йил. 25-зулҳижжа кунда тарих қилинди.*

... Жалолиддин Мангуберди гарчи фармон чиқиб турли вилоятларга уни тарқатиш чоралари кўрилатган бўлса-да, орадан 2—3 кун ўтгач, Темур Малик, Аминалмулк ва Шихобиддин ал-Ҳевақий қистови билан отаси Хоразмшоҳ ҳузурига яна бир марта кириб, ўйлаб кўринг, зора хатолик рўй берган бўлса-да, ҳали ҳам уни тўғрилаш имкони кеч бўлса-да мавжуд, дея қисталанг қилавергач, чиқмаган жондан умид қабилда иш тутиб, Жалолиддин тождор ҳузурига кирди ва отаси пойига тиз чўкиб, қалб тўридаги унга мутлақ тинчлик бермаётган тугённи тўкиб солди: „Падари бузругим! Биламан, фармонингиз чиқди, эълон қилиш учун одамларингиз жўнаб кетди ҳам. Аммо шароит тақозо қилгани боис вазият ҳам ўзгарди, биз ҳам фармон мазмунини ўзгартирамиз десангиз олам гулистон. Мухими, хатоимизни даҳшатли воқеалар содир бўлмай тўғрилашдан иборат. Сиз шоҳсиз, ҳеч ким, ҳеч нарса дея олмайди. Бу ишингиз билан Ватанни қулликдан, салтанатимизни емирилишдан сақлаб қолган бўласиз, акс ҳолда, бу гуллаб-яшнаб турган юрт, ҳамма ҳавас қилган бу улўф мамлакатимиз қора тупроққа қорилиб, ёғийлар уни бойқушлар маконига айлантириши аниқ. Неча замонлардан буён аждоқларимиз тер тўкиб, ардоқлаб, балои қазолардан асраб, озод ва обод қилган, ёв келганда қонга қон, жонга жон олиб, қилич билан ҳимоя қилган юртимизни қалтис қилинган битта хато билан унинг тақдирини йўқликка йўлламайлик. Падарим, лашкарни менинг ихтиёримга беринг! Сиз мамлакатнинг ички тартиб-тадориги билан машғул бўлиб, юртга далда бўлиб, ғалабага барча фуқароларингизни ишонтиринг, сафарбар қилинг, халқимизнинг руҳини кўтаринг. Мен эса Ватанимизнинг баҳодир ва ўктам йигитларини улўф жангга бошлаб, бадкирдор мўғуларни маҳв этай! Иншоллоҳ, бу буюк жангда зафар туғимиз ҳилпираб, ҳузурингизга ёруғ юз билан қайтгайман. Эл-улус, она юртимизни топтамоқчи бўлиб қилич кўтарганларни қиличимиз зарби билан жазолаб, адолат ғазабига учратиб, Чингиз ва чингизий нўёнларнинг ё ўлиги, ё тиригини тахтингиз остонасига ташлагайдурман. Анўштегин Эл-Арслон, Отсиз Султон, буюк Такаш боболаримиз кўтарган музаффар байроғи салтанатимиз узра ҳилпираб қолсин. Менга ишонинг, фақат зафар қучиб, ёруғ юз билан ҳузурингизга қайтурман. Илло! Мени жангга йўлланг!“

Хоразмшоҳ ўғлидаги бемисл тугён ураётган ҳиссиёт ва туйғуларни тушуниб турарди. Саройда дашти қипчоқлик фаним амалдору саркардалар фитнасидан хавфсираш ва қўрқув Жалолиддиннинг ҳақли талабларини қабул қилишига изн бермасди. Хоразмшоҳнинг Жалолиддиндан кейинги 4 фарзандининг барчаси ҳам исёнчи гуруҳлар тарафида қоларди. Фитначилар улар орасидан шаҳзода Узлоқшоҳни тахтга ўтказишни мўлжаллар эди. Шу боис Муҳаммад Султон истеъдодли ўғли Жалолиддиннинг ҳам, шунингдек, ўзининг ҳам ҳаётини таҳликага қўйишни истамай, дашти қипчоқликларга қарши бориб, заҳарли илоннинг думини босишни истамасди.

Натижада миясини чирмовиқдай ўраб-чирмаб олган қўрқув ва саросима ваҳимасидан қутула олмаган Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди ва унинг тарафдорларининг талаб ва истақларини бажара олмасди.

Энди бу ёғига минг афсус-надомат ва фиғон чекишдан бирор наф йўқ. Ватанпарвар саркардалар қалби тўрида фақат битта илинж қолган эди. Ҳар қандай шароитда Ватанга, халқига содиқ қолиш. Ватаннинг забардаст ўғлонларини эрк ва озодлик курашига олиб кириш, ёвга қирон келтириш, Жалолиддин Мангубердининг юрти ва халқига садоқат туйғуси унга қуч-қувват бериб турарди. Унинг қўлида саркардалиқ қиличи маҳкам турган экан,

халқини озод кўриш ҳиссиёти жўш уриб иссиқ қонида айланар экан, у курашдан тўхтамайди. Ватанига човут солиш мақсади билан шумоёқлик қилиб ганим кириб келибдими келаверсин, ўлгиси келгани, яшашдан умидини узганлари менга рўпара келсин. Ор, номус ва гурур, имон тушунчалари вужудимда яшаб турган экан, она заминни сўнгги нафасгача ҳимоя қилганим бўлсин. Ана шу ўй-хаёлларда фикрлари тугён ураётган Жалолиддин Кўҳна Урганчда отаси Муҳаммад Султонни ўз деганларига юргизиб, тобора уни кўфирчоқ шоҳга айлантираётганларини кўриб юрагини илон кемираётгандек ҳис қилади ва чаёнлар галаси тўпланиб бораётган саройни тез тарк этишга қарор қилади. Хоразмшоҳ ҳам ўғлига бирор кори ҳол бўлиб қолмасин дея Жалолиддинни ноиб қилиб тайинланган Афғон мулкига кетиб, дашти қипчоқлар кўзидан йироқда бўлишини истарди. Жалолиддин отаси талаби билан Афғонистоннинг Ғазна шаҳрига кетди. Темур Малик эса бир оз олдинроқ Хўжандга жўнатиб юборилган эди. Шихобиддин ал-Ҳевақий ҳарбий вазирлик мансабидан бўшатилиб, Аминалмулк билан Хуросон шаҳарларида мудофаа ишларини ташкил қилиш учун жўнатилди. Туркон Хотун талаби билан дашти қипчоқлик лаёқатсиз саркардаларидан бири ҳарбий вазир қилиб тайинланди. Шу тариқа келгиндилар ва нодонлар саройнинг олий ва ҳарбий девонлар бошқарувини тўла қўлга олдилар. Нодон ва мансабпарастларнинг ақлли ва донолар устидан ҳукмронлик даври бошланиб, пойтахт Кўҳна Урганч ва саройнинг чинакам хўжайинларига айландилар. Машойихлар бу ҳолатни куюниб, аччиқ алам ва истехзо билан: „Нодонларинг от миниб, доноларинг пиёда юрган даври энди келди, кунинг кимларга қолди шўр пешана халқим, бир кун келиб ушбу кунларнинг куяси тутмаса эрди, эй парвардигоро!“ дея нолиш қилган эди.

Бу пайтда мозий саҳифаларини қалам ожиз қолиб қон билан ёзиладиган даҳшатли уруш бошланиб, Чингизхоннинг жамики лашкари хоразмшоҳлар ҳудудига баданга санчилган ханжардек ёриб кирган эдилар.

НОҒДТ НАИЛАҒИ ҲАҚДА ҚАЛҶОШИҒАРОҒ



# УРУШ ОЛОВИ АЛАНГА ОЛДИ. ҒАЗАБ ОТИГА МИНГАН ЧИНГИЗХОН



## ХОРАЗМШОҲЛАР ЮРТИГА ЙЎНАЛГАН ТЎФОН

*„Мен бу юртни номи билан қўшиб ер юзидан супуриб,  
ўчириб ташлайман, Хоразмшоҳ тириклайин қўлимга тушса,  
итларимга едираман. Агар ўлиги гўрда бўлса, қабрдан олдириб,  
оловда ёндириб, кулини кўкка совураман. Қасам ўрнидаги ушбу  
сўзим сўздир.“*

ЧИНГИЗХОН

Мўғул хоқони Хоразмшоҳлар мамлакатига уруш очгунча барча ҳарбий тайёргарликни ўрнига қўйиб, Хоразмшоҳлар салтанатини тор-мор этишнинг барча режаларини ипидан игнасигача ҳал қилиб қўйган эди. 1219 йилга қадар қўшинини зарба бериладиган йўналишларда тўплаб бўлган эди. 1219 йил кириши билан Чингизхон Хоразмшоҳлар саройидаги ички аҳвол ва зиддиятларнинг қайси тараф фойдасига ҳал бўлишини кузатди. У томондан аниқ маълумотларни ўз вақтида олиб турди. Хоқон ҳарбий қароргоҳининг режасига кўра Хоразм воҳасини Мовароуннаҳрдан, Мовароуннаҳр ва Хоразмни эса Хуросондан узиб ташлаш энг мақбул режа деб топилди. Ташқи сиёсатда эса Кичик Осиё давлатлари ва Араб халифалигини Хоразмшоҳлар салтанати билан ўзаро келиша олмайдиган ганим давлатларга айлантириш сиёсатини изчил олиб борди. Шу мақсадда Хоразмшоҳлар давлатини ғарбда ҳам, шимоли-шарқдан ҳам қамал ҳолатига келтириб, худди катта уммон ўртасида қолиб дунё билан алоқаси узилган орол ҳолатига туширди. Шу тариқа Чингизхон уруш арафасидаёқ ўзига жуда қулай имкониятларни вужудга келтириб, уни уруш якунига қадар ўз қўлида мустаҳкам ушлаб турди.

Чингизхон асосий зарбани Ўтрорга беришга қарор қилди. Бу шаҳар чегара муҳофазаси ҳудудига кирарди. Хоқоннинг Ўтрор ҳокими Инолчиқ билан алоҳида ҳисоб-китоби бор эди. Ҳокимни урушнинг асосий айбдорларидан ва Хоразмшоҳнинг арзанда қариндошларидан деб биларди. Инолчиқ баҳодирга Хоразмшоҳ унинг давлат чегарасининг ҳимоявий аҳамиятини ҳисобга олиб 50 минг кишилиқ қўшинни ажратган эди. Сўнгра Чингизхоннинг бу ерга қаҳр билан ҳужум ташкил қилиш қасди борлигини ҳисобга олган Хоразмшоҳ саркарда Қорача Ҳожиб қўмондонлигида 20 минг жангчи қўшимча куч жўнатди. Ўтрор шундай мустаҳкам тарзда қамал қилиндик, унинг аҳволи охир-оқибат тимсоҳ оғзига тушган ўлжа ҳолатига тушди. Иккинчи йўналишда ҳаракатга келган мўғул лашкари Ўтрор шаҳри жанубидан айланиб ўтиб, Бинокат ва Хўжандни муҳосара қилиш учун жўнатилди. Хўжанд мудофааси Чингизхон ва унинг саркардалари ҳайиқадиган қўмондон Темур Малик томонидан уюштирилаётган эди. Аслида бу қўмондон мудофаа жанги учун эмас, балки кенг ва очик саҳро, дала-дашт майдонида ҳужумкорлик руҳида жанг қиладиган истеъдод соҳиби эди. У қаноти қайрилган бургутдек иложсиз, тор шаҳар девори ичида туриб жанг қилиш зиммасига юклатилган эди. Унга берилган қўшин миқдорининг жуда чекланганлиги уни қамал ҳолатида кураш олиб боришга мажбур қилди. Чингизхоннинг шахсан ўзи бошчилигида ўғли Тўли, Тайнал нўён ўз туманлари билан Бухоро ва Самарқандни эгаллаш учун жадал ҳаракат бошладилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу қўшин айнан Жалолиддин Мангуберди



Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон томонидан отаси Хоразм-шоҳ Такаш Султонга атаб қурдирилган мақбара.  
XIII аср бошлари.



Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон томонидан қурдирилган минора. Миноранинг юқори қисми Чингизхон кўшини ҳужуми чоғида тошотар ҳарбий қуруллардан отилган ўқдан ағдарилган. 1221 йил.

тахмин қилган йўл бўйлаб бирон-бир қаршиликсиз Бухоро остонасига қадар чўлни шамол тезлигида босиб ўтди. Бу ерга келгач қамалдан олдин бамайлихотир жанг ҳозирлигини кўрдилар. Негаки, Бухоро дарвозалари зич беркитилган, атроф қишлоқлар ҳувуллаб, аҳоли турли тарафларга кўч-кўронини олиб кетган эди. Бухоро шаҳрида ҳаёт тўхтагандек ваҳимали сукунат ҳукмрон эди. Барча Чингизхоннинг даҳшатли ҳужумини кутарди.

Биринчи бўлиб Чингизхон Ўтрор устидан ўлим ҳукмини чиқариб қўйган эди. Инолчиқ ҳоким ўзининг икки давлат ўртасида уруш чиқишида катта гуноҳкор бўлгани учун қамал жангига қалъани жуда яхши тайёрлади, барча лаёқат ва саркардалиқ истеъдодини ишга солди. Ҳар бир гузар ва маҳалла, кўчаларда мудофаа марралар вужудга келтирилди. Инолчиқ баҳодир алақачон ўз ўлимини бўйнига олиб, қалъанинг энг сўнги жангчиси сифатида йиқилишини яхши биларди. Уни Чингизхон „Нима бўлса-да тириклайин қўлга олинг, унинг учун қанча мўғул ва чинлик жангчилар боши кетса-кетсин, тиригини келтиринг“, деб буйруқ берганди ўғли Чигатойга. Дастлабки ҳужумни Чигатой қўмондонлигидаги лашкар манжаниқ, деворбузар даббат, ҳарбий-муҳандислик жанговар қурооллардан шаҳар ичкарисига тош ва ёндирувчи, нефть ирғитувчи машиналар билан зарба беришдан бошлади. Фаним тош ва олов орқали зарба бериш машиналаридан тинимсиз ажал ёғдиришни кучайтирган сари мудофаачилар талафоти орта борди. Деярли ҳар куни мўғулларнинг деворга томон ҳужум қилиши олдидан соатлаб нафтандоз ва тош ирғитувчилар 50 дан ортиқ ана шу жанговар қуроолларни ишга солдилар. Унинг зарбидан уйлар, жамоат бинолари, мачит ва мадрасалар вайрон бўлди. Ҳар куни неча юзлаб одамлар қурбон бўлди, ярадорлар сони тинимсиз ортди. Шуниси даҳшатли эдики, нафтандозлар отган идишдаги нефть ва портловчи модда ёнғинидан чиққан оловни сув сепиб ўчириб бўлмасди. Сув сепган сари олов ўчакишгандай кучли чарсиллаб ёнар эди.

Мўғуллар Ўтрорни сув билан таъминлаб турган ариқни сув бошидан қўмиб ташлаб, мудофаачилар аҳволини янада танг қилдилар. Энди ҳар томчи сувни тежаш зарур эди. Ҳамма ёқни тутун ва олов аждаҳодек жаҳаннамга айлантираётган бир пайтда, аксига олиб сувга эҳтиёж кескин ошиб кетди. Айниқса, ярадорлар сув, сув дея инграб ётганларида уларга бир қултум сув берилмаса, уларнинг ҳоли не кечади, аёллар ва болалар-чи? Чингизхон Ўтрорнинг тақдирини бир ёқлик қилиш учун Чигатойга укаси Ўқтойни кўп минг кишилиқ қўшин билан ёрдамга жўнатди. Таслим бўлмай ҳали ҳам жангни давом қилдираётган мудофаачиларни қириб ташлаб, унинг қўмондон ва ҳокими Инолчиқни ҳузуримга келтиринг, деб кўрсатма берди Ўқтойга хоқон. Чингизхоннинг буйруғини бажариш учун чигирткадек ёпирилиб, ўлган-қолганига қарамай мўғуллар деворга тирмашишда давом қилар, шаҳар аҳолиси ёппасига ҳаракат қилиб мудофаада турган девор тепасидаги жангчиларга ёрдам бериб, ярадорларни ерга олиб тушар, қайтиб чиқишда тош, ғўла, қайноқ сув, қайнатилган сақични деворга олиб чиқиб фанимларнинг нарвонда келаётган жангчилари устига ағдарар эдилар. Шаҳар-қалъада бирор иш қўлидан келадиган борки, барча курашга отланган эди. Ўқтой ақасига ёрдамга етиб келгач, мудофаачиларнинг аҳволи янада танглашди. Талафотлар ҳар қачонгидан ортди. Деворбузар қурооллар ўз ишини қилиб деворларнинг бир неча жойини ўпириб, ағдариб ташлади, дарвозалар ҳам бардош беролмай мажақланди. Энди ўша ерга ёпирилиб кираётган мўғулларни тўхтатиш жуда қийин кечди. Ўпирилган жойлар ҳар икки тараф ўликлари билан тўлди. Натижада ҳар тараф ўзига тегишли жасадларни ўз томонига олиб кетиш учун маълум муддат оқ байроқларини кўтариб қўйишга мажбур бўлдилар. Бу пайтда улар маълум соат бир-бирига ҳужум қилмай жангни вақтинча тўхтатиб туришлари

шарт эди. Кучлар нисбати мўғуллар фойдасига ўзгаргани, фанимлар ғалабаси яқинлашаётгани аён бўла боргач, Қорача Ҳожиб Инолчиқ баҳодирга қаршилиқни тўхтатиб, таслим бўлишни таклиф қилди. Бироқ, Инолчиқ уни хоинлик ва сотқинлик қилмай курашни сўнгги томчи қони қолгунча давом эттиришга даъват этди. Ниҳоят, мўғуллар мудофаачиларнинг қаршилигини енгиб, қалъанинг турли тарафидан ёриб кириб, мудофаачилар аҳволини батамом танг аҳволга солдилар. Шаҳарда хунрезона қиргин бошланди.

Шаҳарнинг қамалдаги ҳолати ва унинг мўғуллар тарафидан хароб қилиб, мудофаачилар кириб ташланиши Мирзо Улуғбек томонидан „Тўрт улус тарихи“ асарида қуйидагича тасвирланади: „Ўқтойхон ва Чигатойга тобеъ, ҳисобсиз лашкар бир-бир ўзларини дарёга ташлаб, сувдан сузиб ўтиб олдилар. Ғойирхон (Инолчиқ) ва Қорача Ҳожиб Ҳисор тепасига чиқдилар ва қалъа муҳофазаси билан машғул бўлдилар. Инолчиқ баҳодир лашкар эню бўйини кўздан кечирди.

Офтобдек нур сочиб турган бир ойни кўрди. Беҳисоб лашкар зарралардек уни ўраб олган эдилар. Қўрққанидан жонидан умидини узди. Ҳаросда тол баргидек титрарди, ўзи эккан уруғ униб чиқиб, унга салом бераётган эди. (Инолчиқ баҳодир қатл этган Чингизхоннинг Шукухли қарвон аъзолари ва элчилари назарда тутилмоқда. Р. Ж.)

„Ўтрор муҳосарасига тайинланган Чигатой ва Ўқтойхонлар қалъа жанги асбобиға тартиб билан машғул бўлдилар“. Ўтрор мудофаачилари ўз жонажон шаҳрини мардларча ҳимоя қилишга киришдилар. Ҳамма ёшу қари демай қўлига қурол олди. Ҳолдан тойдирувчи қамалнинг бешинчи ойида Қорача Ҳожиб қамалдаги оғир аҳвол, озиқ-овқат танқислиги, очликка бардош беролмай сотқинлик қилиб, ўз қўшинлари билан мўғулларга таслим бўлди“. Муаррих ва ҳукмдор Мирзо Улуғбек Қорача Ҳожибнинг қоронғу тушгандан кейин ярим тундан ошганда мўғуллар тарафига қочиб ўтганлигини қуйидагича баён этади: „Ҳожиб лашкари билан сўфихона дарвозасидан ташқарига чиқиб ўзини Чигатой ҳузурига олиб боришни талаб қилди ва ундан қўшини ва ўзига омонлик берилишини тиз чўкиб, ўтиниб сўрайди. Чигатой ва Ўқтойхонлар уни қўшини билан бирга Чингизхон ҳузурига жўнатади“. Ҳоқон оёғига йиқилиб, Қорача Ҳожиб ҳаётини сақлаб қолишни илтижо қилади. Ҳоқон қилаётган иши нимага муносиб бўлса, шундай мукофотлашини айтади. Қорача Ҳожибга аввал қўшинининг жангчилари барчаси қуролларини йиғиштириб, совутларини ечиб, чарчоқларини чиқариб бир неча кун ўзларига келиб олсинлар. Ўнбоши, юзбоши, мингбоши аскар бошлиқлари қуролларини ташлаб алоҳида саф тортишларини буюради. Барча қуроллари йиғиштириб олингач, аскар бошлиқлари ва ўзинг билан алоҳида гаплашиб олмоқ-чиман, дейди Ҳоқон Қорача Ҳожибга. Чингизхон Қорача Ҳожибни қуролсизлантирилган ўзининг оддий жангчилари ҳузурига бошлаб борди ва деди: гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ўтиб қийналиб юргандан кўра, бўларинг-бўлди, энди бундай сарсонгарчиликда юргандан кўра, у дунёда тинч ётгани маъқул, бундай оворагарчилик кимга зарур. Шу сўзларни бамайлихотир айтган Ҳоқон Тайнал нўёнга имо қилади, у дарҳол 250 зирҳли жанговар кийим кийиб яхши қуролланган Ҳоқоннинг шахсий қоровулларидан иборат қисми бошлаб келади. Қуролсиз Қорача Ҳожиб жангчилари ўраб олинади. Чингизхон қўл ишораси билан уларни қириб ташлашга изн берилгач, зирҳли аскарлар қуролсизлантирилган Ўтрор жангчилари устига ташланиб, уларни қиргин қилишни бошлайди. Ҳоқон ўз қоровул қисмининг қуролсиз жангчиларни маҳорат билан чопиш ва найза билан сихлаб санчишларини мириқиб томоша қилади. Тайнал нўёнга қараб: „Анчадан буён бундай томошани соғиниб юрардим, худди шерлар тўдаси оҳулар подасини қуршаб тилка-пора қилаётганга ўхшайди. Майли, қоровул



қисмим жангчиларининг қилич ва найзалари зангламасин, улар ҳам фаним қони билан яроғларини тез-тез тозалаб туришлари керак“. Шу тариқа Қорача Ҳожибнинг 3000 га яқин жангчилари бир соатча қирғинда таналари бурдалаб ташланди. Эндиги навбат ажратиб олинган ўнбоши, юзбоши ва мингбошиларга келди. Чингизхон: „Ҳар ҳолда булар жангчилардан кўра ҳурмати юқори, шунинг учун уларни қилич билан чопгандан кўра, қонини тўкмай ўлдиришни сийлов қилдим, шунинг учун уларни бўғиб ўлдира қолсинлар, бу марҳаматимга сиз ҳам йўқ демасиз, сардор Қорача Ҳожиб“, дея уни руҳан эзиб адо қилмоқчи бўлди хоқон. Дарҳол маҳкумлар хоқон рўпарасида икки-учтадан тиз чўктирилди. Гавдалари катта ва бесўнақай, махлуқбашара кўринишли хоқон жаллодлари ҳозир бўлишди ва Чингизхон: „Бошланг“, буйруғини бериши билан ишга киришдилар. Ғоят эпчиллик билан ўз касблари маҳоратини намойиш қилиб, маҳкумлар жонини суғуриб олишни қойиллатиб, навбатдагисини олиб келишларини шай бўлиб кутардилар. Уларнинг чаққон ва эпчил ҳаракатлари жаллодларнинг ўз ишларидан мамнун эканлигини кўрсатарди. Акс ҳолда ҳаш-паш дегунча темирсимон омбурдек қўлларидан чамаси 40—50 нафар ҳарбий бўлинма ва қисмлар бошлиқлари у дунёга равона бўлмасди. Шу тариқа Чингизхон Қорача Ҳожибга: „Энг бахти қаро қўмондонларгагина кўзи олдида барча жангчиларидан айрилиб, уларнинг қиймаланган жасадлари олдида ёлғиз туриш насиб этади. Оғир кунда ўтрорлик сафдошларинг билан шон-шарафга бурканиб, мардона ўлимни истамай жонингни сақлаш учун ўз душманинг оёғига йиқилдинг, эрта-индин мен қийин аҳволда қолсам, сен мени ҳам шу алпозда ташлаб кетишинг тайин. Шундай экан хоинларга, сотқинларга ўзига яраша мукофот берилгани адолатдан бўлади. Бу сардорнинг бошини ўзига ҳадя қилинг.“ Унинг бошини танидан жудо қилишни буюради. Жаллодлар Қорача Ҳожибнинг бошини кундага қўйиб жанг болтаси билан бир зарбда танидан жудо қилади. Зарбанинг кучлигидан сардор боши қон сачраганича бир неча метр пастликка томон думалаб кетади.

Бу пайтда Ўтрор ҳокими Инолчиқ ихтиёрида ярадор жангчиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 20 мингтача мудофаачилар қолган эди. Улар оч-наҳор зўр-базўр қаршилик кўрсатардилар. Улар ташқи қалъадан энг мустаҳкам ички қалъага ўтиб жангни давом еттирдилар. Мирзо Улуғбекнинг тарихий асарида уларнинг оғир аҳволи шундай тасвирланган эди: „Ғойирхон 20 минг лашкар билан ўша қалъага кириб олишди. Барчаси жонидан умидини узуб, ўлим юзига тик боқиб, қарию ёш ўлимни замирлари лавҳига чекиб, яна бир ой давомида жанг қилдилар.

От, яроғ, сипоҳидан айрилиб, уйи ва тоmidан бўлак паноҳи қолмади. Мўғул сипоҳи уларни қўлга олди. Гулдек нозикларини от ёлига босдилар. Яъни қиз-жувонлар ҳам мудофаада иштирок этгани учун уларни от думига боғлаб, судратиб ўлдирдилар. Ўтрор Ҳисорини қўлга киритиб, ер билан баробар қилдилар. Инолчиқ баҳодир ҳолдан тойиб йиқилгунча жанг қилди. У бир неча жойидан ярадор бўлиб, ниҳоят ҳушсиз ҳолда қўлга олинди. 1220 йилгача асирликда сақланди“. Уни Чингизхон Самарқандни олганидан кейин ҳузурига олиб киришни тайинлайди. Хоқон айтганидек, Самарқандни олиб, зафар тантанаси чоғида Инолчиқни йўқлаб, ҳузурига келтиришни сўради. Инолчиқ темир қафасда хоқон ҳузурига олиб келинди. Унинг ўша жойда оғир жисмоний азоб-уқубатлар ва қийноқлар остида сақлангани афт-ангоридан, барча аъзолари қонталаш-мўматалоқ, яраларидан қон аралаш йиринг силқиб чиқиб турганидан ҳам билиш мумкин эди. Унинг кўз-қорачиқлари ҳам ичкарига ботиб, жаллодлар қийноғи даҳшатли бўлганлигидан дарак берарди. Чингизхон унинг қараб бўлмас авзойига боқар экан, атайлаб ва муғамбирлик қилиб: „Эҳ, аттанг, баҳодир ва шаҳар ҳокимига

ҳам шундай бепарво бўласизларми, ахир у Хоразмшоҳнинг арзандаси-ку?“ Чингизхонга қўшилиб, унинг нўёнлари ҳам бараварига Инолчиқ устидан куладилар. Сўнгра тилла суви бериб нақшланган қамчи дастасини унинг кўкрагига ниқтаб „Элчиларимнинг хуни учун сенга шундай жазо берайки, одам боласи ҳеч қачон бундай жазони кўрмаган, эшитмаган бўлсин. — Шундан кейин уни Регистон майдонига олиб чиқиб қатл қилишни буюрди. — Ўша ерда минг бир азоб-уқубатни бошига солинглар. Ит азобига қанча бардошли экан бу баҳодир. Унда ўзим ҳам иштирок этаман“, — дейди хоқон.

Чингизхон Регистон майдонига етиб келиб бош жаллодига: „Менинг Шукуҳли карвонимдаги аъзоларим қанча бўлган бўлса, унинг оёқ, қўл суякларини шунча миқдорда майдалаб синдириш. Иложи борича тез ўлишига йўл қўйманг, мен жангу жадалда узоқ йўл босиб чарчадим. Фанимларимнинг қийналиб ўлишини кўрсам, роҳатланаман“, дея хоқон жаллодларига қийноқни бошлашга рухсат берди. Жаллодлар Инолчиқни ўсиб кетган сочларидан тортиб, темир қафасдан чиқардилар. Сўнгра Чингизхон олдида қадар икки оёғидан судраб олиб келишди. Ғўла-ғўла қилиниб текис кесилган ва пол шаклида терилган дарахт кесмалари устига ётқизиблиб, Инолчиқ сардорга азоб беришни бошладилар. Қўл, оёқ ва панжалари болтанинг орқаси билан уриб синдирилди, муздек сув қуйиб яна ҳушига келтирилди. Хоқон уни мақтади: „Бардошли жангчи экансан, сенинг чидамлилигинг бизни қойил қолдирди. Ўлдириб қўймасдан қовурға ва умуртқаларини ҳам синдириб кўрингларчи, шундан сўнг унинг қандай мукофотга сазоворлигини айтаман“. Жаллодлар хоқоннинг бу талабини ҳам жуда усталик билан бажаришди. Хоқон табибига „Уни ҳушига келтир, унга қандай совға тайёрлаганимни айтишим лозим“, — дейди. Хоқон табиби ҳушига келтирувчи дорилар ҳидлатиб, юзларига муздек сув сепиб, зўр-базўр ўзига келтиргач, Инолчиққа қараб: „Ҳақиқатан жонинг тошдек қаттиқ, жисминг темирдек мустаҳкам экансан, бу жасоратинг ва чидамлилигинг кумушга муносиб“ деб, эритилган кумушни қулоғига қуйишни буюрди. Хитойлик ҳунармандлар биғилаб қайнатилган кумушни махсус идишда жаллодга узатишди. Иккита жаллод Инолчиқ баҳодирни ён томонлатиб ётқизиб, юқорига қаратилган ўнг қулоғидан кумуш эритмасини бош жаллод қуйиб юборди. Қайнаган кумуш эритмаси унинг чап қулоғи, оғзи, бурни ва кўзларидан қон аралаш отилиб чиқди. Инолчиқ баҳодир бир силкиниб жон таслим қилди. Ҳатто миқ этиб бақирмай, ғурурини душманлари олдида сақлаганча мардона жон берди.

Чингизхон урушнинг сабабчиси деб билган ғаними Инолчиқ баҳодирдан ана шу тарзда ўч олган эди. Қатл тугагач, у шундай дейди: „Хоразмшоҳ ва унинг фарзанду неваралари ҳамда саркардалари-ю, содиқ мулозимларини мана шундан ҳам баттар азоб-уқубатларга гирифтор этаман. Ҳали бу бошланиши, ақли бўлса улар мен билан қасдлашсин“. Шу тариқа Ўтрор ҳимоячилари ва унинг ҳокимини ваҳшиёна йўқ қилиб, шаҳар эса ер билан яксон этилди. Ҳаёт ушбу маконда тамомила ўчди. Энди Чингизхоннинг ғазабли фармони билан вайрон этиладиган Турону Хуросоннинг Шарқ уйғонишига буюк ҳиссаларини қўшган навбатдаги қатор шаҳарлар мўғуллар қурбонлигига яқин турарди.

Ўтрор қўлдан кетгандан кейин мўғуллар босқини ва муваффақиятларини таъминлайдиган ҳодиса юз берди. Бу мўғуллар тарафига ўтган хоин Ўтрорнинг Инолчиқ баҳодирдан аввалги собиқ ҳокими Бадриддин ал-Амид номи билан боғлиқ эди. Муҳаммад Султон қорахитойлардан бу шаҳарни тортиб олар экан, аскарларига қаршилик кўрсатишни ташкил қилишнинг раҳнамоларини қатл қилдирган эди. Улар орасида Бадриддин ал-Амиднинг ҳам яқин қариндошлари бор эди. Мўғуллар билан Хоразмшоҳ ўртасида зиддиятлар кучайиб борар

экан, ал-Амид бундай шароитда шаҳарни мудофаага тайёрлаш ташкилотчилиги бўлмагани учун Хоразмшоҳ уни ҳокимликдан олиб ташлаб, ўрнига Инолчиқ баҳодирни ҳоким қилиб тайинлагач, собиқ ҳокимнинг Хоразмшоҳга нисбатан хусумати бўлиб, у пайт пойлар эди. Мўғулларнинг шу шаҳарга биринчи бўлиб ҳужуми, ал-Амид учун айни муддао бўлди. У Хоразмшоҳдан қасос олиш онларини кутиб яшарди. У ғоят пасткаш, ўта мансабпараст, ичиқора одам эди. У Чингизхоннинг қўшини чегарани бузиб ўтиши билан хоқонни пешвоз чиқиб кутиб олган хоинлардан биринчиси бўлди. Чингизхон қабулида бўлар экан, хоқонни жуда катта ишлар қўлидан келишига ишонтирди: „Сизнинг Хоразмшоҳ салтанати устига босиб киришингизни кун-бакун яратгандан илтижо қилиб сўрадим ва кутдим. Мана менинг илтижоларим қабул бўлди. Бу ёғига бутун ҳаётим, молим, жонимни тикиб сизга садоқат билан хизмат қилишга қасам ичганман. Хоразмшоҳ мен учун Оллоҳ яратган махлуқларнинг энг нафратлисидир, чунки у менинг энг яқин қариндошларимнинг барчасини қатл қилди. Унинг кучли ва заиф томонлари, шунингдек, саройи ичидаги ўзаро пинҳоний гуруҳбозлар ўртасидаги курашлар ҳақида сиз хоқон олийларига керагича маълумотларни, маслаҳатларни бераманки, албатта, бу махфий сирлардан воқиф бўлиш сизнинг ғалабаларингизга кенг йўл очади. Мана Ўттор мисолида кўрдингиз, шаҳарларда мард ва ёвқир жангчилар кўп, бу шаҳарни олишга 6 ой вақт сарфладингиз, ҳолбуки, Турон ва Хуросонда мудофаада унданда тошдек қаттиқ турадиган шаҳару қалъалар кўп. Аскарларингиз кўплаб талафот кўриши аниқ. Сиз бундай қудратли лашкарни ана шундай ҳолатга келтиргунингизча қанча йил машаққат ва тер тўқдингиз. Мен Турон ва Хуросон ичкарасига кирганингиз сари лашкарингиз кам талафот кўриши учун қайғурмоқдаман, хоқоним. Шунингиз сизга маълум қиламанки, Султонда ҳам беқийс лашкарий куч ва бошқаришга қодир шахзода фарзанд ва қўмондонлар бор. Яхшиямки, Султон қўшинларини бўлиб, вилоятма-вилоят сочиб юборди. Унга шу катта хатосини ўнглаб олмаслик имкониятини қолдирмаслигингиз керак. Бунинг учун сизга бир сирни ошкор этаман. Султоннинг қўшини яна узокни кўра оладиган жасоратли қўмондонлар кўлига ўтиб кетмаслиги учун вақтдан ютишингиз керак. Мен айтган махфий сирни амалга ошириб улгурсангиз, марра сизники ва ғалаба калити нақд қўлингизда бўлади. Бунинг учун сиз фириб бериб, Хоразмшоҳ саройида жуда усталик билан бирданига иккита махфийлашган тадбирни амалга оширишингиз керак.“ Бадриддин ал-Амиднинг Чингизхонга берган ушбу маълумотларининг Чингизхон ғалабасида нақадар катта аҳамиятга эга бўлганлигини Марказий Осиё халқлари тарихининг чуқур билимдони ва мўғулларнинг Чингизхон бошчилигида Хоразмшоҳлар салтанатининг емириб ташланишига оид жилд-жилд тарихий асарлар муаллифи, таниқли шарқшунос олим, академик В. В. Бартольд қуйидагича баҳолаган эди: „Мабодо Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон мўғуллар ҳужумини қайтариш учун қўшинларини бирлаштириб ғалабага эришганида ҳам, бу даҳшатли куч (Хоразмшоҳ саройидаги зиддиятлар демоқчи) дарҳол ўзининг Султони ва сулоласига (сулоласи деганда Жалолиддинни назарда тутмоқда) қарши чиқарди“.

Ғоят айёр ва муғамбир Чингизхон Бадриддин қўлида Хоразмшоҳлар саройида ёнғин ҳосил қилувчи жанговар махфий қурол самарали ишга солиниб, ҳаракат қилинса, яъни Муҳаммад Султон саройидагиларни иккита ашаддий душман гуруҳларга айлантиришга кўмаклашиб юборилса, бу олов, аввало, саройни, Хоразмшоҳ қароргоҳининг кулини кўкка совуриб ташлашга қодирлигини билди. Бадриддинга Хоразмшоҳлар салтанатини емириш бўйича мутахассис сифатида ўз ёнидан жой берди ва маслаҳатчи қилиб тайинлади. Бадриддин ўзи айтган муҳим икки тадбирнинг хомаки нусхасини тайёрлаб, хоқонга ҳавола қилди. У

тайёрлаган иш иккита мактубдан иборат эди. Биринчи хат ёки сохта мактуб дашти қипчоқликлар номидан Чингизхон номига гоят махфий қилиб битилди. Унинг мазмуни қуйидагича эди: „Биз ўз қабилаларимиз ва биздан паноҳ топган бошқа қавмлар билан бирга туркийлар мамлакати (Дашти Қипчоқ эллари)дан хоразмшоҳлар сулоласи ва Туркон Хотунга хизмат қилиш учун келган эдик. Биз бу ердаги барча ҳокиму амалдорларга қарши токи, у ўша ерларга ҳоким бўлгунча, ҳокимлар ва тобелар бўйсунгунларича унга ёрдам бердик. Мана энди онасининг ҳуқуқлари ўзгарди: У ўзини (хоразмшоҳ Муҳаммад Султон) такаббурлик ва одобсизлик билан тутяпти. Шунинг учун онаси Туркон Хотун уни ўз мадади ва ёрданидан маҳрум қилиб, ёлғизлатиб қолдиришини астойдил истаяпти. Биз эса сенинг (Чингизхон назарда тутилмоқда) келишингни сабрсизлик билан кутиб турибмиз, сенинг ирода ва хоҳишингни бажо келтирамиз“. Сўнгра иккинчи мактуб ҳам шу тарзда ундан-да ваҳимали қилиб битилди. Унга асос қилиб Хоразмшоҳнинг 27 та ноибликлар, мамлакатлар ҳукмдорлари фарзандлари Кўҳна Урганчга гаров сифатида олиб кетилиб, улар уй қамоғида сақланар, фақат Хоразмшоҳ эрталаб турганида ва кечқурун ётиши олдиан, шунингдек, зафарли юришларидан қайтиб, пойтахтига етиб келиб саройига кириш олдиан олтин ногора-набат чалишлари вақтларидагина ташқарига чиқарилар эдилар, холос. Уларнинг оталари хизмат жойларида исёнлар кўтармаслиги учун Хоразмшоҳ уларни доимо гаров сифатида ушлаб турарди.

Сохта ёзилган иккинчи мактуб ҳам 27 нафар уй қамоғидаги тобе ҳокимлар фарзандлари номидан битилиб, мактуб ибтидосидан якунига қадар Хоразмшоҳга нисбатан уларнинг чексиз нафрату ланъатлари билан тўлиб-тошган эди. Бадриддин ал-Амид хатни тайёрлаб бўлгач, унинг мазмуни билан танишган Чингизхон бағоят хурсанд бўлди. Уни янада бадий ишлов бериб, пуфлаб шишириш учун хоқон қароргоҳи ҳузуридаги уйғур котибул-иншо ходимларига берди. Улар шундай ишлов бердиларки, ушбу мактубни ўқиган Хоразмшоҳ уйқусизлик балосига йўлиқиб, ҳатто сояси тугул ўздан ҳам ҳадиксирайдиган ҳолатга тушиши муқаррар эди. Мактубдаги масалалар Хоразмшоҳ учун бунингсиз ҳам бош оғриқ муаммо эди. Энди бу мактублар унинг қўлига тушса борми, у адоий тамом бўларди. Буни жуда чуқур англаган Чингизхон жосуслар орқали нима қилиб бўлса-да, Муҳаммад Султон қўлига ушбу мактубларнинг иккаласи бирин-кетин етиб борадиган қилиши лозим эди. Чингизхон жосуслари айнан Муҳаммад Султоннинг ишончли одамлари қўлига, ундан эса Хоразмшоҳнинг шахсан ўзига бориб етадиган тадбирни амалга оширдилар. Оширганларида ҳам хамирдан қил суғургандек қилиб, маҳорат билан амалга оширдилар. Бу ҳақда Чингизхон тарихчиси Жувайний ва Жалолоддин Мангуберди котибул-иншоси ва тарихчиси ан-Насавий, шунингдек, улар билан замондош тарихчи Ибн ал-Асирнинг „Мукамал тарих“ асарларида Хоразмшоҳнинг мактубни ўқигандан кейинги жуда оғир аҳволга тушиб, ваҳима ва ваввослик руҳий ҳолатига тушганлигини келтириб ўтадилар. Кеча-кундуз шу ваҳима унга тинчлик бермаган, юраги осойишталикни доимий тарк этган. Натижада, Искандари Соний номини олган Султон шундай руҳий чўка бошлаганки, унинг оқибати фалокат билан тугади. У мамлакати — Ватанни қутқариб қолиш хусусида бирор тайинли фикрга эга бўлмай, нуқул ўзини фалокатдан қандай сақлаб қолишдан бошқа барча ҳодисаларга бефарқ бўлиб қолган. Оқибат яратган Парвардигор ҳам унга қолган қисқа умрида у дунёдаги дўзах азобидан кам бўлмаган тақдирни унинг бу дунёсидаёқ раво кўрган эди. Бу Ватани, фуқаролари ва келажак авлодлари олдидаги шоҳлик масъулиятини ўрнига қўя олмаган, эл-улус олдидаги бурчини удалай олмаган ҳукмдорга йўлланган фожиали тақдирнинг рўёбга чиқарилиши бўлди. Ҳар ким

экканини ўради, деганлари ҳам шу эди. Хоразмшоҳ оқибат Хоразмни тарк этиб, пойтахтини ўз ҳолига ташлаб, Эрон ва Хуросон шаҳарлари, сўнгра дашту саҳроларидан паноҳ тополмай Каспий денгизи ороллариғача қочиб-қувилар экан, ўзи тайёрлаган заҳар-заққум ўзига насиб қилиб, хорлик ва зорлик азобларига бардош беролмай, у дунёга минг бир армон билан кетган ҳукмдорлар сирасидан ўрин олди. 1220 йил кеч кузига келиб, энди 400 минглик қўшин тугул, ҳатто уни ҳимоя қиладиган қоровуллик ҳарбий қисми ҳам қолмаган эди.

Ўтрор учун жанглар бошланиб кетган бир пайтда Чингизхон катта ўғли шаҳзода Жўжини Сирдарёнинг қуйи оқими тарафига катта қўшин билан жўнатиб, хоразмшоҳлар пойтахти Кўҳна Урганчга салтанатнинг шимоли-ғарбидан келадиган ёрдамчи кучлардан маҳрум қилишни мўлжаллаган эди. Жўжи лашкари билан Сифноқ шаҳрига етиб келди ва таслим бўлиш шартини қўйди. Таслим бўлиш шартларини Жўжи номидан мусулмон савдогари Ҳасан ҳожи олиб келди. Сифноқликлар унга „Ўзинг мусулмон бўла туриб, диндош ва қондошларингни ғайридинларга сотиш учун келган бўлсанг унда бизнинг қўлимизда ўлишинг лозим“, деб шаҳар мудофаачилари Ҳасан ҳожи ва унга ҳамроҳлик қилиб келганларни ўлдирадилар. Бундан ғазабланган Жўжи сифноқлик барчани — жангчими, оддий фуқароми қирғин қилишни буюрди. Жўжининг катта лашкари билан оз сонли шаҳар мудофаачилари ўртасида нотенг жанг бир ҳафта давом этди. Оқибат, мўғуллар қўли баланд келиб, ғанимлар шаҳар девор ва дарвозаларини бузиб-ёриб киришга муваффақ бўлдилар. Шаҳарликлар ёппасига қирғин қилинди. Шундан кейин Жўжи бошчилигидаги мўғуллар Ўзган, Барчинлиқкент ва Ашнос шаҳар ва қалъаларини босиб олишга киришдилар. Қаршилиқ қилган қалъа ва шаҳарлар бошига сифноқликларнинг қора ва мудҳиш кунлари туширилди. Чингизхон шундай талаб қилдики, „Қаршилиқ қилган шаҳар ва қалъаларни аёвсиз қириб ташланг, бу қонли воқеаларни эшитган қўшни шаҳарлар оммавий қирғиндан қўрқиб, қаршилиқ кўрсатмай таслим бўладилар. Ҳеч бўлмаганда жони ва молини, бола-чақаси ҳаётини ўйлаган хоинлар кўпайиб улар дарвозаларни бизга ланг очиб бериб, ғалабамизга катта ёрдам берадилар. Биз қалъа ва кентларни ташқаридан ҳужум билан олгандан кўра хоин ва сотқинлар хизматидан фойдаланиб, уларни ичкари томондан йўл очиб эгалласак кам талафот кўрамыз, — деб уқтиришни яхши кўрарди, хоқон. — Шунда мудофаачилар кучи ҳам, руҳи ҳам тез синдирилади“, дерди у. Мўғуллар ҳар бир шаҳарга шундай даҳшат солиб, ёпирилиб ҳужум бошлар эдики, ҳатто бўрибосар итлар ҳам уларнинг ваҳимали келишидан ўтакаси ёрилгудек қўрқиб, ҳуришга ҳам куч топмас, ўзларини пана-пастқам жойларга уриб кўздан ғойиб бўлишган.

Чингизхон шу боис хоҳ шаҳзода ўғиллари бўлсин, хоҳ саркардалари бўлсин — талаби битта эди. „Олинажак шаҳарга фақат бир марта огоҳлантирувчи элчингизни жўнатинг, таслим бўлишдан бош тортдим, ўша ерда ҳаёт унини ўчириб, унинг устидан дарҳол ўлим ҳукмини чиқаринг, уни тез амалга оширинг“, дерди. Чингизхоннинг бундай кескин ва ваҳшиёна ҳаракатлари шаҳарлар аҳолиси эмас, ҳали жангларда суяги қотмаган жангчи ва сардорлар қалбида ҳам қўрқув уйғотар эди. Фақат хоқоннинг бундай ёвузона буйруқ ва ҳаракатларидан заррача бўлса-да ҳайиқмаган Ватаннинг марду майдон йигитлари, баҳодир фарзандларигина мамлакат ёки она юртига келаётган тўфонга кўкракларини кериб, ўлимни писанд қилмай қарши чиқар эдилар. Сифноқдан кейин қаттиқ қаршилиқ кўрсатишга имконияти мавжуд бўлган қалъа-шаҳар бу — Жанд шаҳри бўлди. Шаҳар ҳокими Туркон Хотуннинг яқин қариндоши лашкарбоши Қутлуғхон эди. Унга Хоразмшоҳ амири амирхон унвонини берган эди. Унинг ихтиёрида 10 минг жуда яхши қуролланган, зирҳли жанговар кийимлар билан таъминланган кучли лашкари бор эди. Аммо Қутлуғхон Жўжи бошчилигида мўғуллар

қўшини келаётганлигини эшитиб, оёқ-қўли бўшашиб, Хоразмшоҳ берган ишонч ва юқори ҳарбий унвонларни оқламасдан, 1219 йилнинг 17 апрелида шаҳар мудофаасидан воз кечиб, аҳолини ўз ҳолига ташлаб, Туркон Хотун ҳузурига — пойтахт Кўҳна Урганчга йўл олди. Қутлуғхон Туркон Хотунга: „Мен ҳар қандай душмандан қўрқмайман, аммо шу кунларда Жанд ҳимоясидан кўра менга Сизни ҳимоя қилиб туриш афзалроқ, Сиз мамлакат таянчисиз“, дея ўзини оқламоқчи бўлди.

Жўжи лашкари билан Жанд шаҳри деворлари остонаси яқинида тўхтаб, дўқ ва пўписалардан иборат талабни шаҳарликларга изҳор қилиш учун ўз элчиси Чин Темирни юборди. У шаҳар мудофаачиларига: „Таслим бўлинглар, қаршилиқ қилишингиз ўзингизга фалокат олиб келади. Кейин шафқат сўрашингиз бефойда. Ўша пайтдаги аҳволингизга дунё аҳли йиғлайдиган қирғин юз беради. Чингизхон сизларнинг феълингиздан хабар топиб, қаҳри ва шафқат нелигини билмайдиган ўғли Жўжини жўнатди. Лашкарбошисиз қолгансизлар, шунинг учун дарвозангизни яхшилиқча очиб, Жўжини хурсандчилик билан кутиб олиб, омон қолишингизни ўйланг, кейин кеч бўлади“, деди. Шаҳар оқсоқолу катталари кенгашиб, аҳолини қирғиндан сақлаб қолиш учун шаҳар дарвозасини Жўжигача очиб беришга қарор қилдилар. 1219 йил 21 апрелда Жанд жангсиз олинди. Бироқ, Жўжи ўз сўзида турмади. Агар шаҳар жангсиз топшириладиган бўлса, ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмаслигини билдирган эди. Мўғуллар шаҳар ичига киритилгач, Жўжи барча аҳоли ҳеч бир мол-мулк ва буюмларини олмасдан шаҳар ташқарисига чиқишини, ундан бўйин товлаганларга қаттиқ жазо беришини маълум қилди. Шаҳар 10 кун талон-тарож этилди. Шундан кейингина аҳолига уйларига қайтишга рухсат берилди. Уларнинг хонадонларида на егулик, на мол-мулклари қолдирилди. Аҳолига қуллик меҳнати жорий этилди. Шаҳарда очарчилик ҳукм сурди, касаллик тарқалди. Мўғулларга сотилган хойн Алихўжа хонавайрон этилган Жанд ҳокимлигига тайин этилди. Унинг зулмидан Жанд аҳли қон йиғлади.

Мўғулларнинг Алақ нўён, Сукету Черби, Тақай нўён бошчилигидаги лашкарий қисмлар Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб ҳаракат қилиб, Банокат шаҳрига етиб келдилар. Шаҳар мудофааси Илатғу Малик зиммасига юклатилган эди. Шаҳар атиги 3 кунгина мўғулларга қарши тура олди. Қўлида қурол ушлаган мудофаачилар қиличдан ўтказилди. Хунармандлар рўйхат қилиниб, мўғулларга эгар-жабдуқ ва жанговар қуроллар ясаб беришга сафарбар этилди. Ёшлар ва қари-қартанглар эса „жонли девор“, яъни шаҳар ва қалъаларга мўғуллар ҳужум қилиш чоғида уларнинг жангчиларини ҳимоя қилиб боришга жўнатилди. Шаҳар мудофаачилари отган ўқ ва тошлар, шунингдек, тиг зарбидан дастлаб „жонли девор“га сафарбар этилганлар қурбон бўлардилар. Улар орқага чекинаёй десалар, мўғуллар аскарлари томонидан ўлдирилар, олдинга борсалар, шаҳар ҳимоячилари ўқидан қирилиб кетардилар. Нима қилганда ҳам совутсиз ва қалқонсиз бораётган „жонли девор“дан дастлабки ҳужумдаёқ ҳеч ким омон қолмасди. Қирғинли ва аёвсиз жангда „жонли девор“дан ном-нишон қолмасди. Мўғулларнинг шу ҳимоя усули талафотсиз ёхуд кам талафот эвазига энг мустаҳкам шаҳар остоналарига етиб боришини таъминлар эди.

Банокат муҳосара (талон-тарож) қилингач, навбат Хўжанд қалъасига келди. Мўғуллар Хўжандни олишга жуда катта кучларни тўплашга мажбур бўлдилар. Бу қалъа-шаҳарни мудофаа жангларига Хоразмшоҳлар салтанатининг машҳур ва довруқли саркардаси, Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий санъат илмидаги устози Темур Малик тайёрлади. Бу саркарданинг номи салтанатдан ташқаридаги шарқ оламида ҳам машҳур эди. Одатда, Хоразмшоҳнинг катта хатоларидан бири Темур Маликни ўртамиёна саркардаларидан бири

қўмондонлик қилиши лозим бўлган шаҳар ҳокимлиги лавозимига тайинлаши бўлди. Темур Маликка истеъдодига ва қобилиятига лойиқ бўлмаган иш топширилди. У буюк саркардага аслида бутун салтанатнинг қўшини Олий бош қўмондонлигини топшириб, улуғ жангга жўнатиш ўрнига ҳарбий санъат имкониятлари чекланган вазифага тайинланган эди. Темур Малик эртами-кеч мўғуллар бу ерга ёпирилиб келишини яхши биларди. Шунга кўра, Хўжанд шаҳрини кеча-кундуз мудофаа жангига тайёрлашга киришди. Мўғулларнинг ҳоқон ишонган энг тажрибали саркардалари ҳам унинг билан жанг олиб боришга юраклари дов бермасди. Лекин Темур Маликдек жасур саркардани Хоразмшоҳ занжирланган шер ҳолатидаги ҳоким қилиб Хўжандга жўнатган эди. У кенг майдонда ёвга қирон келтирадиган суворий жангчи, арслондай наъра тортиб ҳужумга лашкарни бошлаб борадиган довюрак қўмондон эди.

Чингизхон икки саркарда — Хоразмшоҳнинг тўнғич фарзанди шаҳзода Жалолиддин Мангуберди ва унинг устози Темур Маликдан гоят ҳадиксирар эди. Шунинг учун Хўжанд қалъаси муҳосарасига жангларда тобланган ва Хитой урушида ҳарбий маҳорат мактабини ўтаган забардаст саркардаларидан 5—6 нафарини лак-лак қўшинлар билан таъминлаб, Темур Маликни тириклайин, фақат тириклайин қўлга олишга йўлади. Бунинг билан ҳам кўнгли тўлмади, ҳоқон уларга бош қўмондон қилиб ўзининг эски, болаликдан ва ўсмирликдан буён жанговар дўсти, машҳур лашкарбоши Субутоини ҳам кўп минг кишилик лашкари билан Хўжандга жўнатди. Субутой қўшини етиб келгандан кейин Хўжанд атрофида худди чигирткаларнинг сон-саноқсиз галаси қоплагандек ҳолат рўй берди. Чингизхон шунини уқтирдик, устоз ва шогирд Жалолиддин ва Темур Малик иккиси учун бутун Хитойни сафарбар қилиб, улар қирилиб кетса-да, эвазига ана шу саркардалар тутиб келтирилса, шунинг ўзи кифоя. Субутой Хўжандга жўнаб кетиш олдидан: „Дўстим, сени тушуниб турибман, зиммамга юклаган вазифанг қанчалик оғир бўлмасин, жонимни фидо қилиб бўлса-да, уни бажаришга уриниб кўраман“, дея ҳоқонни тинчлантиришга ҳаракат қилди.

Темур Малик Хўжанд қалъасида душманнинг ўзидан сон жиҳатдан (6—7 карра) устун бўлган кучларини тўхтатибгина қолмай, қалъага киришга йўл бермадигина эмас, балки шаҳар айлана девори бўйлаб унинг остонасини мўғуллар қабристонига айлантирди. Аммо душман қанча талафот кўрмасин, Субутой Чингизхоннинг „Темур Маликни тириклайин қўлга олиш учун қанча лашкар нобуд бўлиши мен учун аҳамиятсиз“, қабилидаги талабини бажариши лозим эди. Субутой нўён шуларни ўйлаб кундан-кунга ичидан зил кетиб ўз аскарларини ўлимга сафарбар қилаверди. Неча ойки, ўнлаб марта қилинган ҳужумлар бесамар кетмоқда. Ҳар бир ҳужумдан кейинги асосий иш ўлик йиғиштириш ва ярадорларни жойлаштиришдан иборат бўлиб қолаверди. Деворбузар қуроллар зўр-базўр кечга бориб деворларнинг айрим жойларини бузишга эришса-да, аммо тонгача яна аввалгидек бус-бутун таъмирланганлигини кўрардилар. Энди барчасини янгидан бошлаб бузишга киришиш учун яна қанча мўғул жангчилари ўлиб-тирилиб тер тўкишлари керак. Бунинг устига Чингизхон: „Шунча аскар билан ҳали ҳам Хўжандни ола олмаган қандай ношуд саркардаларсиз. Ер юзидан супуриб ташланг“, деб дағдаға қилиб чопар юборгани-юборган эди. Шундан бошқа нима ҳам десин, ҳоқон. Ахир унинг қўшинларига қалъа ичида туриб бўлса-да, аёвсиз курашаётган кимсан Туроннинг улуғ саркардаси Темур Малик бўлса.

Шуниси оғир бўлдики, қамал бошланганига ярим йилга яқин вақт ўтса ҳам, Хоразмшоҳнинг хаёлига „шаҳар мудофаачилари аҳволи не кечди-ю, қўмондон Темур Маликка нима ёрдам қўлимни чўзсам экан“, деган фикр ҳам келмади. Охир-оқибат, Темур Малик марказдан юбориладиган ёрдамдан мутлақ умидини узди. Озиқ-овқат, дори-дармон тақчиллиги бошланди. Шундоқ ҳам сафлари сийраклашиб, талафотлари ошиб бораётган бўлишига қарамай, шаҳар

остидан ерости йўли ковланиб, тунда шаҳарни тарк этиш режасини тузди. Катта қийинчилик билан бу ишнинг уддасидан муваффақиятли чиқилди. У лашкарининг омон қолган қисмини Сирдарёнинг юқори оқимидаги оролга олиб ўтди. Буни олдиндан ўйлаган Темур Малик кемаларни қамал жанглари кетаётгандаёқ тайёрлаб қўйган эди. Энди у оролни мустаҳкам қалъага айлантириб олган эди. Уларга яқинлашиш учун мўғулларга жуда кўплаб кемалар зарур бўларди. Бунинг иложи йўқ. Субутой ва унга бўйсунувчи мўғул саркардалари оёғи қуйган товукдек отларини соҳил бўйида гоҳ ўнга, гоҳ сўлга йўрттириб жиғибийрон бўлдилар. Ўқ- ёйдан ўқ ёмғирини ёғдирай деса, ўқларнинг бири оролга келиб тушса, 10 таси сувга тушиб, нафсиз оқиб кетарди. Етиб келгани ҳам ўқ эмас, болалар отган кесакдек кучини йўқотиб, зарарсиз келиб тушади. Бемисл кучли паҳлавонлар отгани эса бундан мустасно, ундайлар эса кўпчиликни ташкил қилмайди. Тошотар қуроллардан отилган тош ва ёндирувчи нафтандозлар ашёлари ҳам наф бермади. Натижада Субутой қўл остидаги саркардалари билан кенгашиб, оролга борадиган масофагача тўғон қуриб, Темур Малик жангчиларини дарёга фарқ қилиб юборишга қарор қилдилар. Асир олинган аҳолини „жонли девор“ қилиб, қўшинни ҳам шу ишга сафарбар қилдилар. Аммо неча бор мўғуллар қурган тўғон битай деганда тун билан Темур Малик жангчилари уни вайрон қилиб ташлайверди. Темур Малик кўплаб соллар ясаттирди. Унинг тепасини хода билан яримёй қилиб ёпиб, сомон лой сувоқ билан мустаҳкамлаттирди. Намат билан бекитиб, устига сирка септирди. Тунда тўғон томонга инзол (десант) тушириб, мўғул қоровуларини қириб ташлаб, кўтарилаётган тўғонни йўқ қилиб ташлайверишди. Тўғон қурилаётган жой тор йўлак бўлгани учун бу ерга фақат чекланган ҳарбий қисмлар жўнатиладди. Темур Малик уларнинг додини бериб, ўликларини сувга оқизди. Чингизхон Темур Маликнинг оролдаги хатти-ҳаракатларидан хабар топиб, Субутой ихтиёрига яна қўшин жўнатди. Уни шу оролда ҳеч қаерга қочирмасдан қопқонга тушириб қўлга олиш, бу жуда яхши имконият эканлигини таъкидлайди. Дарё соҳили бўйида мўғулларнинг жуда катта ва янгидан-янги кучлари тўпланганлигини кўргач, Темур Малик дарёнинг қуйи оқими томон сузиб, сўнгра пайт пойлаб мўғулларнинг соҳилда турган қўшини сафини ёриб ўтиб, салтанат пойтахти Кўҳна Урганчга бориб, Жалолоддин Мангуберди билан қўшилмоқчи ва биргаликда курашни давом эттирмоқчи бўлди. Унинг буйруғи билан кичикроқ ҳажмли кемалар ясатилди. Уларни дарёда бошқариш осон эди. Энг зарур даражали озиқ-овқат ва дори-дармонлар олиниб, тун қоронғулигида Сирдарё оқими бўйлаб сузиб кетилди. Эрталаб мўғуллар кўрадики, оролда Темур Малик жангчиларидан ҳеч ким қолмаган. Ниҳоят, мўғуллар туну кун уларнинг изидан тушиб етиб олишди. Темур Малик отларни солларга ортишни буюрган эди. Улар сузишни давом эттириб, Банокатга етиб келдилар. Шу ерга келганларида мўғуллар соҳил бўйига чодирларини қуриб, ҳар жой-ҳар жойларга олов ёқиб қўйиб, уйқуга кетдилар. Тун ярмидан ўтиб, қоровулар ҳам мудроққа кетдилар. Мўғуллар Темур Маликнинг ҳужумини умуман хаёлига ҳам келтирмадилар. Ёқилган оловлар ҳам ўчиб, уйқунинг ўлимдан фарқи қолмаган ширин палласи бошланган пайтда Темур Малик мўғуллар ухлаётган соҳилга инзол туширди. Бу сув орқали десант тушириш ҳарбий тактикаси эди. Уйғоқ қоровулар ими-жимида ўткир ханжарларда ҳалқумидан кесилиб, сўнгра чодирлардаги қаттиқ уйқуда ётган мўғулларни шов-шувсиз қиличдан ўтказиш бошланди. То улар уйқусираб, буни англаб ўзларига келгунча минглаб мўғулларга қирон келтирилди. Улар бонг уриб, ҳаммани оёққа турғизгунча Темур Малик жангчилари дарҳол кемалар билан дарё ўртасига қадар сузиб келдилар. Темур Малик жангчилари билан тун қоронғусидан фойдаланиб соҳилга тушиб, бир неча бор шу тарзда ҳужумлар уюштириб, кўплаб ганимларни у дунёга равона қилдилар.



Эрта тонгда Банокатдан ўтиб сузишни давом эттирар экан, уни қандай қилиб қўлга олишнинг йўллари қидириб, ғазаб билан Темур Маликдан кўзини олмай отда тек қотиб турган мўғул Бош қўмондони Субутой билан машҳур саркарданинг кўзи тўқнаш келди. Темур Малик манаман деган ёйчилардан ҳам узоққа нишонни аниқ урадиган мерган ёйчи эди. Нафрат ва хаёл дарёсига фарқ бўлган Субутой Темур Малик ўқи менгача етиб келмайди деган фикрда бемалол турарди. Темур Малик ўзига махсус ясатилган узоққа отишга мўлжаллаган оғир ёйини қўлга олиб, ўқ узди. Ёй ўқи мўғуллар қўмондонининг нақ кўзига қадалди. Ҳатто Хитойнинг машҳур жарроҳ табиблари ҳам унинг кўзини асраб қола олмади. Субутойнинг бир кўзи умрбод сўқир бўлди. Шундан сўнг мўғуллар дарёнинг торайиб оқадиган жойини қидириб топиб, Темур Малик ва унинг баҳодир жангчиларини ё асир олиш, ёки сувга фарқ қилиш мақсадида дарёнинг иккала соҳилига занжир тортдилар. Кемалар йўлини тўсиб занжир тортар эканлар, „Темур Малик ҳам, унинг жангчилари ҳам нақ қўлимизда, бу тузоқдан уларнинг бирортаси ҳам қутулиб кетолмайди. Фанимларимиз ҳолига маймунлар йиғлайдиган фурсат келди“, деб ўйладилар ўз тадбирларидан мамнун бўлган мўғуллар. „Уларни қандай қопқонга туширганлигимизни кўринг“, деб ҳатто оғир аҳволда ётган Бош қўмондон Субутойни икки ёнидан суяб, соҳилга олиб келдилар. Кемалар келиб занжирга урилишига саноқли дақиқалар қолган эди. Бутун мўғул қўшини соҳилда турнақатор бу воқеани томоша қилиб, ватанпарвар жангчиларнинг таслим бўлиши ёки фарқ этилишини кузатмоқда эди. Темур Малик занжирга кўзи тушгач, иккиланиб ҳам ўтирмай жуда ўткир, Дамашқ пўлатидан тайёрланган ишончли ва аъло сифатли оғир қиличини олиб: „Ё Олоҳим, ўзинг мадад бер!“ дея ҳайқириб, икки қўлаб шамширини зарб билан занжирга урди. Занжир худди арқон кесилгандек икки бўлакка ажралди. Мўғуллар уни кўриб, соҳилни ларзага келтириб, ёввойилардек увулаб юбордилар. Темур Малик кемаларда яна олға юришни, мўғуллар эса соҳил бўйлаб таъқибни давом эттирдилар. Шу тариқа Банокат яқинидаги ҳалокатли қопқондан омон-эсон қутулиб олинди. Гоҳо-гоҳо тарафлар ёйлардан ўқ узишиб Ўтрор, Сигноқ ва Жанд шаҳарларини ҳам орқада қолдиришди. Энди мўғуллар уларнинг йўлини тўсишнинг бошқача йўллари қидириб топишга киришдилар. Йўл-йўлакай учраган соҳилдаги балиқчилар қайиқлари ва қўшимча соллар ясатиб, дарёнинг икки соҳилини шу усул билан бирлаштириб кўприк ҳосил қилмоқчи бўлдилар. Улар соллар устига манжаниқ жанговар қуролларни жойлаб, тошбўрон қилмоқчи ва нафтандозлар эса олов улоқтириб, Темур Малик қўшинини мажақлаб ташламоқчи бўлдилар. Аммо жуда ҳушёр, мўғулларнинг мақсадларини дарҳол англаган қўмондон қуёш ботиши билан яна соҳилга десант тушириб, шундай бир жанг қилдиларки, мўғуллар анча пайтгача ўзларини ўнглаб ололмадилар. Соҳил мўғулларнинг ўлик ва ярадорлари билан тўлди. Бу жанг Темур Маликнинг мўғулларни доғда қолдиришга қодир улўф саркарда эканлигини яна бир бора исботлади. Фақат бир нарса — мўғул қўшинининг Темур Малик қўшинидан сон жиҳатдан ҳаддан ташқари ортиқлигигина ёғийларни тор-мор бўлишдан асраб қолди. Улўф саркарданинг қаҳрамонона курашиб, соҳилдаги жангда мўғуллар бошига кулфат солган жангини ўша давр муаррихлари офаринлар айтиб битган эдилар. Шулардан машҳур тарихчи, мўғуллар ҳарбий юришларида бевосита қатнашган хоқоннинг шахсий котиби ва тарихчиси Жувайний „Тарихи жаҳонкушай“ асарида Темур Маликни эронликларнинг афсонавий баҳодир жангчисидан устун қўйиб: „Агар Темур Маликнинг соҳилдаги жангу жадалда қилич серпашини „Шоҳнома“ нинг бош қаҳрамони, бемисл куч соҳиби Рустам кўрганида баҳодирликдан воз кечиб, саркарданинг

хизматкорига айланган бўларди.“ Ҳолбуки, Рустам бутун шарқ халқлари эътироф этган жанг майдонининг жасоратдаги тенгсиз қаҳрамони эди. Мўғуллар ўзларининг қўшини сони ҳаддан ташқари кўплигидан фойдаланиб, нима қилиб бўлса-да, саркардани тириклайин қўлга олиш, шу ердан чиқиб кетмаслиги учун бир неча ҳалқа ҳосил қилиб, хоқонга берган ваъдаларининг устидан чиқмоқчи бўлиб, бутун кучи, имкониятларини сафарбар этадилар. Бироқ, Темур Малик узоқ жангларда сийраклашиб қолган ҳарбий қисмларини зич қилиб бир жойга тўплаб, мўғуллар ҳалқасини бир зарб билан ёриб ўтгач, ўзини таъқиб қилиб келаётган мўғул лашкаридаги жангчилар уни таъқиб қилишдан воз кечдилар. Шу тариқа Темур Малик Хўжанддан мўғуллар билан қирғинли жанглар қилиб тўхтовсиз ва омонсиз курашларда Сайхуннинг қуйи этаklarига саҳролароша узоқ ва машаққатли йўл босиб Кўҳна Урганчга етиб келди. Унинг бу босиб ўтган йўли, кўрсатган шу жараёндаги жасорати аслида бир неча тарих китобларига жилд-жилд саҳифаларни безашга етади. Бироқ, уни биз улуг ҳукмдор ва олим Мирзо Улуғбекнинг Темур Малик ҳақидаги ажойиб ва буюк саркардани улуглаб берган баҳосини келтириш билан чекланамиз. „Тўрт улус тарихи“ асарида саркарда ҳақида шундай битикларни ўқиймиз: „Чингизхон саркардаси Алоқ нўён Фанокат ишидан кейин Хўжанд шаҳрига келди. Шаҳар арбоби Ҳисорда эмас эдилар. Шаҳар волийси Темур Малик эди. Шижоатда шундай мартабада эдики, Рустаму Зол тирик бўлганда унинг савлатидан фахрланган бўларди. Агар Соми-сувор ҳаётдан баҳрадор бўлганида, унга бўлган бандалиги ҳалқасидан боши осмонга етарди. Лекин, давр толеъи инқилобидан ночору ноилож қолди. (Бу ерда Мирзо Улуғбек Хоразмшоҳнинг унинг истеъдодидан умуман фойдаланмагани, қарийб, Чингизхон қўшинларининг жаҳаннам оловидай қуршовлари жангида бирон-бир ёрдам бермай, ўз ҳолига кам сонли лашкар билан ташлаб қўйилганлигини назарда тутмоқда. Р. Ж.) Сайхун номи билан маълум Хўжанд дарёси ўртасидаги Ҳисорда, сув икки шоҳга (ирмоққа) бўлиниб оқадиган жойда, бир олий қалъа бунёд қилган эдилар. Мўғтаמיד ул-истеъдод минг нафар киши билан ўрнашиб олиб, тезлик билан Ҳисорни мустаҳкамлаш ва жангга тайёргарлик билан машғул бўлди. (Бу оролда мудофаа иншооти барпо этишга доир ишлар эди.) Темур Малик жангчилари билан белгиланган ерга (кемалардан тушиб соҳил бўйида мўғулларга қарши жангга кирган жой), саҳрога келганларида ўз кемаларини соҳилга яқин суриб, дарёдан ташқари чиқдилар. Биёбон сари йўналдилар. Мўғул лашкари Темур Малик ва унинг жангчилари ортидан тушдилар. Темур Малик ҳар соатда ўз дўстлари билан елкама-елка туриб жанг қиларди. Бир неча кеча-кундуз ичидаги жангдан сўнг лашкарининг аксари нобуд бўлди, баъзилари эса ярадор бўлдилар. Темур Малик бир гуруҳ барқарор одамлари билан душман йўлини тўсди“.


... Кўҳна Урганчга омон-эсон етиб келган Темур Малик пойтахтни ўз ҳолига ташлаб, Бухоро томонга душманни ўтказмасдан уларнинг ҳужумини тўхтатиб қоладиган аниқ режа йўқлиги, Муҳаммад Султоннинг онаси Туркон Хотун атрофида тўпланган Дашти Қипчоқ сардорлари салтанат пойтахтини яқдил бир куч ва мустаҳкам қалъа ҳолатига келтириб, қўшинни ҳам, аҳолини ҳам мудофаа жангларига тайёрламай сусткашлик қилаётганлигининг гувоҳи бўлди. Бу Темур Маликка жуда ёмон таъсир қилди. У ўзини дашти қипчоқлик рақиб сардорлар орасида худди бегонадек ҳис қилди. Темур Маликни қўлаб-қувватлайдиган қўмондонлардан ҳеч ким пойтахтда қолмаган. Жалолиддин Ғазнада, Шихобиддин ал-Ҳевақий ва Аминалмулк ҳамда ватанпарвар саркардалар Хуросондаги Нисо, Нишопур, Марв ва Исфаҳон каби шаҳарларга бўлиб юборилган эди. Таянч ва пойтахт шаҳар эса мўғулларнинг

эрта-индин бўрондай ёпирилиб келишидан таҳлика ва ваҳима остида ҳаёт кечирар эди. Шаҳарда бир илинж ва ишонч таҳлика остида қолган аҳолига умид бағишларди. У ҳам бўлса, „Жалолиддин Мангуберди Ғазнадан катта куч тўплаб пойтахтга келармиш, унинг ўзи пойтахт остоналарида мўғулларни яксон қилиб, мўғуллар босқинига чек қўярмиш, шаҳзода шу ишга жазм қилибди. Яқин кунларда у етиб келиб, мўғулларнинг додини берармиш, ҳатто ғанимларни Чин-Мочинга қадар қувлаб боришга аҳд қилганмиш“. Бу халқнинг бор умиди Жалолиддинга тикилганлигини кўрсатарди.

Бир томондан таниқли саркарда Темур Маликнинг Кўҳна Урганчда пайдо бўлиши аҳолида бир оз кўтаринки кайфият ҳосил қилса-да, аммо буюк саркарда ғанимлар билан тўқнашиб, уларнинг йўлини тўсиб қола олмай, лашкарининг асосий қисмидан маҳрум бўлиб қайтиб келиши аҳоли орасида мўғуллар куч-қудрати ҳақида, шунингдек, уларнинг енгилмаслиги тўғрисида гап-сўз тарқалишига ҳам сабаб бўлди. Демак, шундай машҳур саркарда ҳам мўғулларга зарба беришнинг уддасидан чиқа олмадими, Хоразмшоҳ ўз пойтахтини ташлаб қаёқларга бош олиб кетганлиги бежиз эмас экан-да. Бу қабилдаги миш-мишлар пойтахт аҳолисининг кайфиятига янада салбий таъсирини кўрсатди. Темур Малик ташаббусни ўз кўлига олай деса, унинг сиёсий ҳуқуқи йўқ. Қолаверса, у кўмондонликни зиммасига олмоқчи бўлса, Туркоқ Хотун ва дашти қипчоқлик сардорлар унга тиш-тирноғи билан қарши. Ҳатто ҳаёти ҳам хавф остида қолади. Мўғулларнинг сон-саноксиз қўшини олдида заррача қўрқув нималигини билмаган Темур Малик пойтахтга кириб келар экан, ана шундай оғир ҳолатни бошидан ўтказди. Не-не зафар тантаналарида олқишларга кўмилган, салтанатнинг таянч шамшири, қайтмас қиличи дея ном олган кўмондон учун бу шаҳар гўё энди бегонадай туйилди саркардага. Ўша оғир ижтимоий-сиёсий муҳитда Темур Малик қандай бўлмасин, Жалолиддиннинг келишини интиқлик ва сабрсизлик билан кутди. Шогирдини кутган ҳар куни худди йил каби узоқ туйилди. Бу пайтда Хоразмшоҳлар салтанатининг шимол, шарқ ҳудудларидан ёриб кирган Чингизхоннинг аёвсиз ва даҳшатли қўшини шамолдан аланга олиб, ўчириб бўлмас оловдай мамлакатнинг ҳаётини марказлари томон йўналиб, салтанат ҳудудларини вайроналик қаърига тортиб, кулини кўкка совуриб бормоқда эди. Субутой ва Жўжи ҳамда Черби нўён бошчилигидаги қўшин Хоразмшоҳлар салтанатининг Сирдарёнинг юқори, ўрта ва қуйи оқимидаги барча ҳудудларини забт этиб, хоқон буйруғига кўра Зарнуқ шаҳрига йўл олдилар. Чингизхон уларнинг етиб келишини кутиб, унинг остонасида тўхтаб, ҳокиму катталарига таслим бўлиш талабини қўйди. Чингизхон ўзининг яқин одамларидан бўлмиш Ҳожиб Донишмандни жўнатиб, Зарнуқ шаҳри раиси ва ҳокимига ўз талабларини қўйганда шаҳар аҳолиси ширин уйқуда эдилар. Шаҳарнинг шимолий дарвозаси бошлиғига хоқоннинг қуйидаги талаблари етказилди: „Хоқон сизларнинг уйғонишингизни кутиб, ширин уйқунгизни бузишни истамади. Ўйлаб кўрсам, лашкаримнинг ўндан бири ҳам шаҳрингизга сиғмас экан. Яхшиликча, менинг шартларимни монесиз қабул қилинглар. Агар рад жавобини берсангизлар, уйқудан уйғонмасдан тўғридан-тўғри у дунёнинг абадий уйқусига жўнайсизлар. Шунинг учун шаҳрингиз дарвозаси узра таслимлик байроғингизни тикинглар. Шундай қилсангиз сизларнинг барчангизга омонлик ваъда қиламан. Акс ҳолда, ҳадемай даҳшатли воқеаларга гувоҳ бўласизлар“. Сўнгра мактубни топширган Ҳожиб Донишманд дарвозабон бошлиғига ушбу сўзларни қўшимча қилиб: „Мен ҳам мусулмон фарзандиман. Шу ваъдасига хоқон мени кафил қилиб жўнатди. Сизлар Чингизхон талабларини қаршилик қилмай бажарсангиз, бемалол ўз машғулотларингизни давом эттираверасизлар, фақат Чингизхон

шаҳрингизнинг баобрў зодагонлари, уламоларидан вакиллар юборишингизни сўраяпти. Хоқонга тобелик изҳорингизни ҳам мактубда битилган ҳолда, ҳам ўз оғизларингиздан эшитмоқчи“. Хоқоннинг бу талабларидан бўйин товлайдиган бўлсалар, бир ишора билан бу кичик шаҳардан ном-нишон қолмаслигини билган шаҳар ақобирлари Чингизхон талабларини бажаришдан бошқа иложлари йўқлиги боис таслимлик байроғини кўтардилар. Чингизхон ўз сўзида турди. Чингизхон Зарнуқ аҳолисидан хурсандлигини билдириб, унга Қутлуғ Шаҳар (Қутлуғ Балиқ) номини берди. Бироқ, аҳолининг аксарият қисми бошқа шаҳарларни эгаллашда иштирок этиш учун меҳнат мажбуриятларини ўташга сафарбар этилди.

Шундан кейин Чингизхон қўшини билан зарнуқликлардан Бухорога бориш йўлларини яхши билган савдогарларни топдириб, йўл кўрсатувчиликка жалб қилиб, Ислом маънавияти бўйича улуғ алломаларни етказиб бераётган Бухорои Шарифга йўл олди. Йўл-йўлакай мўғуллар Бухорога яқинроқ Нури Бухоро шаҳарчасига дуч келдилар. Уларга ҳам зарнуқликларга қўйилган талаб қўйилди. Шаҳар бошлиқлари, обрў-эътиборли кишилар, зодагонлар вакиллари кўп тортишув ва мунозаралардан кейин улар ҳам хоқон талабига кўнишга рози бўлишди. Хоразмшоҳга қанча миқдор солиқ тўлайдиган бўлсалар, Чингизхон хазинасига ҳам шунча миқдорда солиқ олинадиган бўлди. Унинг ярми аёлларнинг тилла, кумуш ва шу каби қимматбаҳо тақинчоқлари ҳисобидан дарҳол тўланиши керак эди.



**АЛАМ ВА ИЗТИРОБЛИ ОФИР  
МАҒЛУБИЯТЛАР.  
САЛТАНАТ ТАНАЗЗУЛИ**

## БУХОРОГА ҚИЛИНГАН ҲУЖУМ. ЧИНГИЗХОН ҚАҲР-ҒАЗАБИ ОЛОВЛАНДИ

... 1220 йил февраль ойи бошларида Чингизхон ўзи бошчилигидаги қўшини билан Ислом оламида Қуббат ул-Ислом номини олган Бухорои Шариф остоналарига етиб келди. Хоразмшоҳ бу шаҳар мудофаасига Ўғул Инончни қўмондон қилиб тайинлар экан, унга 30 минг жангчи ажратди. Чингизхон Бухоро қамалини тезроқ бир ёқлик қилиш учун Сирдарёнинг юқори, ўрта ва қуйи оқимида жойлашган қалъа ва шаҳарларнинг асир олинган 100 минг аҳолисидан „жонли девор“ ҳосил қилиб, ўз қўшинини ҳимоя қилиш учун унинг олдинги қисмига жойлаштирди. Улар мўғул қўшинининг тирик қалқонлари вазифасини бажарар, бухороликлар отган ёй ўқлари биринчи бўлиб уларни йиқитар эди. Бухорога биринчи ҳужумини уюштириши арафасида Хоразмшоҳ мудофаани ташкил қилиш, қўшинларга қўмондонлик вазифасини Ҳамид Пурага топшириш ва Ўғул Инонч эса унинг ёрдамчиси қилиб тайинланганлиги тўғрисида фармон жўнатди.

Шу тарзда Чингизхон Бухорога бош ҳужумини бошлаб юборди. Қиргин-қиёмат жанг 3 кун давом этди. Ҳар икки тараф жуда катта талафот кўрди. Бироқ, Чингизхон бу талафотларга пинагини ҳам бузмади. Ҳали захирада асосий қўшинининг учдан икки қисми жангга кирмай, хоқон буйруғини кутишар эди. Бухоро қўшинлари қўмондони Ҳамид Пура, ёрдамчилари Ўғул Инонч ва Ихтиёриддинлар ҳарбий кенгаш чақириб, мўғулларнинг кучи бениҳоя устунлигини ҳисобга олиб, мудофаа жангида бутунлай қирилиб кетгандан кўра фанимлар қўшинига тунда ҳужум қилиб бўлса-да, ёриб чиқиб, омон қолган қўшинларни Кўҳна Урганчга олиб кетишга келишиб олдилар. Қамалнинг 4-куни эрта тонгда шаҳарнинг ғарбий дарвозаси шов-шувсиз очилиб, мўғулларнинг ҳали уйқудан уйғониб улгурмаган қўшинига тўсатдан ҳужум уюштирилди. Мўғуллар бу ҳужумни умуман кутмаган эдилар. То мўғуллар уйқудан уйғониб қаршилиқ кўрсатгунларича фанимларнинг минглаб жангчилари тивдан ўтказилди. Чодирларга ёй ўқлари селдек ёғдирилиб, илма-тешик ҳолга келтирилди. Ниҳоят, мўғулларнинг темир ҳалқа қамали ёриб ўтилди. Бу таваккал қилиб бошланган ҳужумда қўмондон Ҳамид Пура мардларча ҳалок бўлди. Уни мўғулларнинг ўнлаб баҳодир жангчилари ўраб, йўлини тўсдилар, у жангчиларига „мени қутқараман, дея овора бўлмай, мўғуллардан тез узоқлашиб, пойтахт сари отланинг“ буйруғини бериб, ҳатто оёқ-қўлларидан оғир яраланган бўлишига қарамай, чўккалаб турган ҳолда ҳам жангни давом эттирди. Охири нафасигача олишиб ҳалок бўлди, уни тириклайин асир олишнинг имкони бўлмади. Шу тобда Ихтиёриддин Қўшлу ва Ўғул Инонч қамалдан тирик чиқиб, қуршовни ёриб ўтган жангчиларни олиб, Кўҳна Урганч сари равона бўлдилар. Мўғуллар барханлароша тез илгарилаб кетган лашкарни таъқиб қилишдан воз кечдилар ва орқасига қайтиб кетишга мажбур бўлишди.

Шуни таъкидлаш лозимки, қуршовни ёриб чиқишга улгурмаган жангчилар яна ғарбий дарвоза томон чекиниб, шаҳар ичкарасига кириб дарвозани беркитиб олишга эришдилар. Бухоро 12 кун мардона ҳимоя қилинди. Асосий қўшин уни тарк этгач, ҳимоячилар янада камайиб, вазият энди тўлиқ мўғуллар фойдасига ўзгарди. Энг кўрқмас ва мард 400 жангчи мустаҳкам қўрғонга кириб ўша жойдан мўғулларни тутдек тўқдилар. Қўрғон атрофи мўғул



Жалолиддин Мангуберди жанговар машқ пайтида. У қиличбозлик, найзабозлик, ёйдан ўқ узиш ва гурзи билан жанг қилишда йиллаб тер тўкиб маҳоратини оширар экан, ўз даврининг мислсиз жангчисига айланган эди.

ўликлари билан тўлди. Чингизхон уларни ва ватанпарвар жангчиларнинг беқиёс қахрамонликларини кўрди. Воқеалар унинг нақ кўзи олдида рўй бераётган эди. У кўрғон ичида мўғулларни ҳалокат чоҳига ташлаётганларнинг биттасини ҳам асирга олинмасин, деб буйруқ берди. Уларнинг ҳам асло асир тушиш нияти бўлмаган, охирги нафасигача курашиб, ўлишга аҳд қилган фидойилар эдилар. Уларнинг бу қаршилигига жавобан Чингизхон неча юз йиллардан буён буюк олимларни тарбиялаб, учирма қилиб келаётган масжид ва мадрасалар, гўзал ва ноёб меъморий ёдгорликларни, кутубхоналардаги маънавий меросларимизнинг кулини кўкка совуришни буюрди. Улар улуг алломалар Ибн Сино, Исмоил Бухорий ва яна қанча Бухорий Ҳавофий, Кабир Бухорий номлари билан оламга машҳур улуг мутафаккирлар, пир ва авлиёлар илмий-маънавий меросларини оловга ташладилар. Бу билан жаҳон маданият-маърифий бойликлари сирасига кирган дурдона илму ҳикмат китоблари, ноёб асарлар йўқ қилиниб, катта жиноят қилдилар. Бу маърифат ва маданиятга қилинган ёвузлик ва варварлик ҳамда ўта ваҳшийлик эди.

Бухоро мудрофаасида фаол иштирок этган ва аҳолини мўғулларга қарши курашга ундаган Имом Рукниддин ва унинг ўғли Бухоро қозиси Садриддин ҳамда уларнинг яқин диндор ҳамфикрлари кўпчилиги ярадор ҳолда қўлга олинди. Чингизхон ҳузурига келтирилиб, оғир қийноқ ва азоблардан кейин қатл этилдилар. Улар мана шундай қийноқларга солинаётганда аҳоли қатл майдонига ҳайдаб келтирилиб, намойишкорона қатл жараёнини кўришга мажбур қилинди. Кўпчилик аёллар ва болалар ваҳшиёна қийноқларни кўриш чоғида қаттиқ кўрққанларидан руҳий касалликка чалиниб, майдонда юраклари бардош беролмай ўлганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилган. Ўша мудҳиш воқеадан кейин Чингизхон кўрғонга чекиниб жанг қилаётган 400 нафар баҳодирнинг устига ёндирувчи ва портловчи муҳандислик жанговар қуроаларидан (манжаниқ ва даббат) олов пуркатиб, барчасини куйдириб юборди. Нафтандоз қуроаларни ишга солувчиларга хоқоннинг ўзи шундай топшириқ берганди. Шундан кейин кўрғон ичи ёнаётганлигини томоша қилиб, кули кўкка совурилгач, хоқон тулпорида Бухоро жоме масжидига кириб, ўлимдан омон қолган аҳолининг барчасини масжид олдидаги майдонга тўплашга фармон берди. Йиғилган аҳолига қараб хоқон шундай мурожаат қилади: „Эй, худонинг нафратига сазовор қавм, у мени сизларнинг ҳузурингизга газаб ўт-оловини бошингиз узра сочишим учун йўлади. Сизлар кибри қавм ва сипоҳ экансизки, худо газабини ўзларингиз чақирдингизлар. Мана мен сизларга жазони мустаҳиқ қилаётirman. Шунинг учун яхшилаб эшитиб олинглар, ҳозир шаҳарда битта одам қолмай ташқарига чиқасизлар, ўзларингиз билан тирноқча ҳам буюмларингизни на уйдан, на ҳунармандчилик савдо дўконингиздан олиб чиқмайсизлар. Кимки фармонга бўйсунмас экан, дарҳол боши танасидан жудо қилинади“. Шундан кейин лашкарлар бутун аҳолини шаҳар ташқариси томон ҳайдаб чиқаришга киришди. Шаҳарни қий-чув, аёллар ва болалар йиғиси, дод-фарёди қоплади. Ташқарига олиб чиқилганлар икки қисмга ажратилди. Эркаклар Самарқандга қилинадиган ҳужум чоғида „жонли девор“га олиб кетиладиган бўлди. Аёллар, қизлар мўғулларга тақсимлаб, қул қилиб берилди. Мўғуллар уларга ювуқсиз қўлларни чўзиб, исломий покиза инсонлар номусларини топтадилар, ғайриинсоний қилиқлар қилдилар. Сўнгра Чингизхон Бухорои Шарифни талон-тарож этишга рухсат берди. Бухоро ўзининг минг йиллик тарихида бундай хунрезлик ва ваҳшийликни кўрмаган эди. Шаҳарга ўт қўйилди. Масжид ва мадрасаларга ҳам аёвсиз ўт қўйилди, маърифат ўчоқлари отхоналарга айлантирилди. Олий мадрасаларда минглаб талабаларга турли фанлар — Ислом маърифати, мантиқ, фалсафа, тиббиёт, тарих, шеърият илми ва жуғрофий илмлардан сабоқ бериларди. Илм-маърифатдан йироқ мўғуллар мадрасалар ҳузуридаги кутубхоналардаги ноёб илмий асарлар, диний ахлоқий китобларни оловга ташлаб



ёндирдилар, мадрасалар мўғуллар отхоналарига айлантирилиб, аждодларимиз минг йиллар давомида яратган маънавий меърос отлар туёғи тагида топталди. Олимларни қул ва хизматкорларга айлантириб, уларни ва илмларини хор қилдилар. Чингизхон Бухорога бор ғазабини ана шу тариқа сочган эди. Шарқ олами ва Мовароуннаҳрнинг маданият, маърифат ўчоғи бўлган Бухорода шу тариқа ҳаёт бир неча 10 йиллар сўниб, вайрона ва култепа ҳолида ётди. Унинг ўзини қайтадан ўнглаб олишига узоқ йиллар керак бўлди.

## АЛВИДО, ТУРОН ЗАМИН ЮРАГИ САМАРҚАНД

Энди шундай аччиқ қисмат Турон заминнинг юраги Самарқанд бошига тушиш арафасида турар эди. Бу шаҳар Хоразмшоҳлар салтанатининг Мовароуннаҳр ҳудудидаги юраги ва таянчи, Кўҳна Урганчдан кейинги пойтахт шаҳар ҳисобланар эди. Шунинг учун Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон Самарқандга жуда катта эътибор қаратиб, лашкарларининг асосий кўпчилигини (110 минг киши) шу шаҳар мудофаасига ажратиши бежиз эмасди. Агар Самарқанд ҳам қўлдан кетса, Мовароуннаҳр буткул Чингизхон ихтиёрига ўтган ҳисобланар, бу салтанатнинг тамомила ҳалокатга учраб емирилишини кўрсатарди. Шунинг учун Хоразмшоҳ Ҳиндистон юришида ўлжа олинган 20 дан ортиқ жанговар филларни ҳам унинг мудофаасини кучайтиришга ташлаган эди. Агар Самарқанд қўлдан кетса, салтанатнинг Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ ҳудудлари томон Чингизхон қўшинига зафарли юриш йўли очиларди. Шунинг учун Хоразмшоҳ Мовароуннаҳр ва Хуросонни қўлда сақлаб қолишнинг калити Самарқанд эканлигини яхши англаб, бор умидини шу шаҳар мудофаасига қаратди. Самарқандда турган Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон Бухоро фожиасини эшитиб кайфияти кескин тушиб кетди, ўзини йўқотиш даражасига келиб қолди. Самарқандда бўладиган жангда иштирок этишга на Жалололдинни, на Темур Маликни қақриш эсига келмади ёхуд унга журъати етмади. Хоразмшоҳни дастлаб оғир аҳволга туширган воқеа Бухоронинг қўлдан кетиши ҳақидаги хабар бўлса, навбатдагиси эса Чингизхоннинг Самарқандга келаётганлиги тўғрисидаги хабар бўлди. Хоразмшоҳ энди шундай ваҳимага туша бошлаганки, унга сичқоннинг ини минг танга бўлиб кўрина бошлади. Ҳатто кучли қўшин ҳисобланган Самарқанддаги 100 мингдан ортиқ жангчиларга қараб, уларни ватанпарварлик ва ғалабага чорловчи оташин сўзлари билан аҳоли ҳамда қўшиннинг ҳам руҳини кўтаришнинг уддасидан чиқолмади. Шундай жангталаб бўлиб турган катта қўшинни шиддат билан хоқон йўлини тўсиш учун ҳудудда лашкари учун қулай табиий тўсиқлар ҳам мавжуд эди. Агар қўшинни шу марраларда мустаҳкам жойлаштириб, дадил жанг тадоригини кўриш билан бир вақтда Жалололдин, Темур Малик ва Хуросондаги Аминалмулк саркардаларига тезлик билан етиб келишни таъминлаб хабар йўлаганида Чингизхоннинг мағлубияти муқаррар эди. Минг афсуслар бўлсинки, мўғуллар Самарқандга етиб келишига бир неча кунлик йўл қолибди. Эрта-индин шаҳар деворлари остонасига етиб келади, деган хавотирли хабарлар тарқалгандан кейин Хоразмшоҳ барчани ўз ҳолига ташлаб кетар экан: „Мен ҳозирда бу ерни тарк қилурман, бироқ, қачондир бу ерга қайтиб келурман. Шунгача бардам бўлинглар. Энг кўп ва жанговар қўшинни сизларнинг ихтиёрингизга қолдирыпман. Бу қўшин билан бемалол жанг олиб борса бўлади. Шундай экан, асло бўш келманглар, худо ёр бўлсин сизларга“. Шу сўзларни айтиб қўшин ва аҳоли билан хайр-маъзур қилар экан, Хоразмшоҳ ўзининг сўзига на қўшин ва на аҳоли тугул, ҳатто ўзини ҳам ишонтира олмади. Агар қўрқувни унутиб, жасорат отига миниб қўшинни руҳлантириб турганида Чингизхоннинг қўшини жуда катта талафот кўриши аниқ эди. Ҳолбуки, Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳар ва қалъалари орасида

деворлари, дарвозалари жуда мустаҳкам, жанговар қўшини ҳам етарли шаҳар бу Самарқанд эди. Бироқ, Чингизхон қўшини Самарқандга яқинлашиб қолганида Хоразмшоҳнинг бу ерни тезлик билан тарк этиб чиқиб кетиши Самарқанд аҳолисига ҳам, шунингдек, қўшинга ҳам жуда ёмон салбий таъсир кўрсатди. Демак, жанг арафасида Хоразмшоҳ бу ерни тарк этибдими, Чингизхон қўшинлари хужумини тўхтатиб ҳам, қайтариб ҳам бўлмас экан-да, деган фикр барчанинг юрагига гулгула солди. Жанг бошланмаёқ қўшиннинг, аҳолининг ҳам руҳи кескин тушиб кетишига сабаб бўлди. Ғалабага бўлган ишонч мутлақ йўқолган эди. Бу ваҳима ва салбий тушкунлик ҳолати ҳали жанг бошланмасданоқ Самарқанднинг қўлдан кетишига йўл очиб, мудофаачилар мағлубиятини олдинданоқ таъминлади. Бу Самарқанднинг ночор ҳолат, бошбошдоқлик мағлубиятини жанг бошланмаёқ таъминлади. Бухоро қўлдан кетиши биланоқ, Хоразмшоҳнинг омади юришмай, мағлубликка юз тутаётганлигини англаган айрим амир ва қўмондонлар Чингизхон тарафга ўтиб, Муҳаммад Султондан юз ўгиришни бошлаб юборган эдилар. Қундуз шаҳри ва вилояти ноиби Алоуддин, Балх ноиби Моҳруйи шулар жумласидан бўлиб, яна қўлаб амир ва ҳокимлар вазиятнинг қай томон ўзгаришига қараб шундоқ ҳам иккиланиб турмоқда эдилар.

Хоразмшоҳ Самарқандни ташлаб Нақшаб, Термиз орқали Балх томонга қочар экан, кетиш олдидан Самарқанд мудофаасини уюштириш ва ташкил этишни Туркон Хотуннинг укаси Тўғайхонга топширди. У аслида катта қўшинни бошқариш салоҳиятига эга эмасди. Тўғайхон Бош қўмондонликка номуносиб эди. Унга ёрдамчи саркардалар қилиб Шайхон, Алп Эрхон, Сарсиғхон, Улағхон ва Боришмасхонлар тайинланди. Балхга бориб ўзи тайинлаган қўмондон ва саркардалардан кўнгли тўлмай, жангари ғурий сардорларидан Хурманж, Хурзур ва Ҳусомиддин Маъсудбекларни қўшин билан таъминлаб, Самарқанд мудофаасини кучайтиришга жўнатди. Самарқанд мудофаасига масъул қилиб тайинланган саркардалар Чингизхоннинг турли хил жангларида қўллайдиган айёрона тактикаларидан хабарсиз бўлиб на хужум, на мудофаа жангларида ҳали тажрибалари йўқ бўлибгина қолмай, уларнинг ҳарбий лаёқатлари ҳам ҳамин қадар ўрта миёна, йирик жангларида кўзга ташланмаган эдилар. Натижада Чингизхон Самарқанд муҳосарасининг дастлабки кунлариданоқ ташаббусни ўз қўлига олди.

Чингизхон дастлабки хужумданоқ Бухоро ва Сирдарё соҳили бўйларигаги шаҳарлардан ҳайдаб келтирилган 100 минглик асирлардан ташкил топган „жонли девор“ ҳимоясида асосий лашқарини Самарқанд деворлари остонасига олиб келди. У Самарқанд қўшинларига зарба беришнинг оддий ҳийла усулини қўллаш билан қамал жангини бошлади. Бунда ҳоқон Самарқанд мудофааси қўмондонларининг тажрибасиз ва уқувсизлигини албатта ҳисобга олди. Наридан-бери қуроллантирилган „жонли девор“ қисмларини Самарқанднинг ғарби ва жанубий дарвозалари томон хужумга ташлади. Асосий қўшинни эса пистирмага қўйди. Самарқанд мудофаачилари „жонли девор“ аскарларини тутдай тўкиб, ҳаволаниб кетдилар ва асосий дарвозани очиб уларни таъқиб қилиш учун қўшин ташқарига олиб чиқилди. „Жонли девор“ Чингизхон тузган режа бўйича пала-партиш қочар экан, мудофаачилар бор кучи билан уларни анча жойгача тирқиратиб қувиб келдилар. Бу атайлаб қўйилган қопқон эди. Ана шу пайтда икки тарафда пистирмадаги даҳшатли мўғул қўшини уларга томон ёпирилдилар. Мўғулларнинг баҳодирлардан тузилган ҳарбий қисмлари асосий дарвоза томонга хужум қилиб, бир-бир ярим чақирим йўл босиб, хужумга берилиб кетган Самарқанд лашқарининг ташқарига чиққан қисмларининг чекиниш йўлини тўсдилар. Натижада эса энг моҳир мўғул лашқарий кучлари жангнинг биринчи кунидек ташқи қалъа хужумига чиққан лашқарий қисми қуршаб оладилар. „Жонли девор“ Чингизхон қўйган талабни аъло даражада бажариб, гарчи кўпчилик қисми қирилиб кетганига қарамай, самарқандликларни тузоққа

тушириб берди. Чингизхон учун „жонли девор“нинг қанчалик қирилиб кетиши-ю, қанчалик ярадор бўлишининг аҳамияти мутлақо йўқ эди. Улар барибир эртами, индинми ўлимга маҳкум одамлар эдилар.

Ташқарига алдаб олиб чиқилган Самарқанд лашкарий кучлари қуршаб олингандан кейин ҳалокат домига тортилганликларини билдилар. Аммо бу даҳшатли қуршовдан ҳеч бир жангчи чиқиб кетолмас эди. Мўғуллар ҳар томондан Самарқанд жангчиларини сиқиб, доирани торайтирдилар. Шундан кейин 10 минглаб ёй ўқлари ажал бўлиб улар устига ёғдирилди. Қочадиган жой йўқ эди. Ўқ-ёйчи мўғуллардан кейин мўғул суворий ва пиёдалари ҳужумга ўтиб, қуршовдагиларни қириш ва чопишни бошладилар. Шу тариқа Самарқанд лашкарларининг катта қисми дастлабки жангдаёқ қилич тифидан ўтказилди. Бу ўрнини тўлдириб бўлмас йўқотиш эди. Самарқанд мудофаачилари дастлабки кундаги тўқнашувдаёқ мислсиз талафотга учради. Уларнинг жанговарлик руҳи тушиб, шаҳар ичидагиларда саросималик бошланди. Очилган дарвозаларни то беркитгунларига қадар дарвоза олди майдонлари ўликларга тўлди. Нима қилиб бўлса-да, ўша мағлубият қасосини олиш учун қўмондонлар филларни жангга киритиб, устунликка эришмоқчи бўлдилар. Лекин жанговар филларга бўлган ишонч ҳам ўзини оқламади. Манжаниқдан тош ва оловотар муҳандислик қуролидан олов ва тошлар ёғдирилиб, уларнинг анчаси майиб-мажруҳ қилинди. Қолганлари оловдан қўрқиб, орқага қайтиб, қайтишда кетларидан чиққан ўз жангчиларини босиб-янчиб шаҳар ичкарасига қочишга тушдилар. Натижада филларнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлиб, бу ҳам кутилган галабани таъминлай олмади. Аксинча, орқага тартибсиз қочаётган филлар бошга бало бўлиб, мудофаачиларнинг лашкарини пайҳон қилди. Шу билан бу ҳужум ҳам ҳеч нарса бермай барбод бўлди, мудофаачилар орасида тушкунлик бошланди. Бунни пайқаган Чингизхон барча қўшинини асосий бошланадиган ҳужумга шай ҳолатга келтирди. Самарқанд аждаҳо домига тушган ўлжадай фалокат оғзи олдида турарди. Ҳужумга ўтишнинг сўнгги тайёргарликлари кетаётган пайтда дарвоза очилиб, оқ байроқ кўтарган бир гуруҳ шаҳар вакиллари ташқарига чиқдилар. Чингизхон уларни қароргоҳига ўтказиб юборишга кўрсатма берди. Улар Самарқанд бош қозиси ва шайхулисом бошчилигидаги зодагонлар ва ҳарбийлар вакиллари эдилар. Чингизхон улар билан қароргоҳида ўзи музокара юритди. Таслим бўлиш шартларини айтиб, ёздирди. Хоразмшоҳнинг қариндоши ва унга содиқ хизматчи ҳамда амалдорларнинг рўйхатини талаб қилди. Уларнинг аёлу қизлари, мол-мулклари Чингизхон ихтиёрига топширилиши, ўзлари қатл қилиниши қайд этилди. Вакилларга ҳамроҳлик қилувчи мўғул ҳарбий бўлинмасига рўйхатда қайд этилганлар тезда тутиб келтирилиб, хоқонга топширилиши лозим эди. Самарқандликларга бир йўла 200 минг динор солиқ тўлашлари шарт қилиб қўйилди. Яна 50 минг одам мажбурий ҳарбий хизматга берилиши талаб этилди. Самарқанд ҳунармандлари мўғул қўшинига зарур ҳарбий анжом ва усқуналар ясаб бериши ҳам шартлар таркибига киритилди. Самарқанд тўлиқ „Ясоқ“ қонунларида кўрсатилган тартибларда бошқариладиган бўлди. Бу бўйсундирилган аҳолини қулик кишанларида эркисизлик ва ҳуқуқсизликка мубтало қилиниб, фақат мўғуллар манфаатига эрта тонгдан кечгача, жабр-зулм остида меҳнат қилиш дегани эди.

Чингизхон ва унинг саркардалари мўғуллар учун энг кўп қон тўкиладиган ва талафот кўриладиган шаҳар Самарқанд остонасидаги жангда бўлишини тахмин қилган эдилар, аммо Самарқанднинг кўп минг кишилик қўшини бир неча куннинг ўзидаёқ тор-мор этилди ва асир олинди. Бу эса Муҳаммад Султоннинг салтанати қанчалик таназзул ботқовига ботганлигини кўрсатса, аксинча, Чингизхоннинг зафар байроғи Мовароуннаҳр ҳудудларида янада баландроқ ҳилпирай бошлаганидан дарак берарди. Самарқанднинг қўлдан кетиши

билан Муҳаммад Султон юрагига ҳам ханжар санчилган эди. 1220 йил 17 мартда Самарқандни олган мўғуллар зафар тантанасини ўтказдилар.

Самарқанд қўлга олингач, Чингизхон ундан чиқиб салтанатнинг жанубий ҳудудлари сари йўл олди. 1220 йил ёзида Нақшаб эгалланиб, мўғуллар Термизга ҳужум бошлаб юбордилар. Термиз аҳолиси мўғулларнинг сон-саноксиз қўшинига 11 кеча-кундуз қаршилиқ кўрсатди. 12- кун мўғуллар ҳар тарафдан деворларни бузиб, шаҳарга ёриб кирдилар. Барча аҳоли қиличдан ўтказилди. Бу ерда мўғуллар ўртасида хотин-қизлар тилла тақинчоқ ва жавоҳир тошларни бермасдан, яшириб қолдириш мақсадида ичларига ютиб юбораётган экан, қабалида гап тарқалгач, ҳатто ҳомиладор аёлларнинг ичларини ёриб тилла ва қимматбаҳо жавоҳир тошларни излаганлар. Бу ерда ваҳшийлик чек-чегара билмади. Термиз шаҳри бутунлай вайронага айланди. Термиз олинishi билан бутун Мовароуннаҳр ерлари Чингизхон империяси таркибига киритилди. Бу мустамлакачилик бошқаруви Турон заминда нақ бир ярим аср давом этди. Бу ҳудуд мулкларини Чингизхон иккинчи фарзанди Чигатойхонга совға қилиб топширди. Бу ердаги қулик тузуми то Амир Темури мўғулларни ҳайдаб чиқаргунча сақланиб қолди. Бу 150 йилги давр Турон халқлари учун мудҳиш азоб-уқубатли қора кунлар сифатида тарих саҳифасидан жой олди.

## ВАТАНГАДОЛИК АЗОБЛАРИ ВА КАФАНГАДОЛИК ҚИСМАТИ

Термизни эгаллаб Турон заминни тўла ўз мулки таркибига киритган Чингизхон олдида энди иккита вазифа турарди. Биринчиси, Хоразмшоҳ Муҳаммад Султонни қўлга тушириб, мағлуб ҳукмдор билан ғолиб ҳукмдор ўртасида жаҳон тарихига муҳрланиб қоладиган суҳбат ўтказиб, сўнгра уни ит азобидаги ўлимга маҳкум этиш. Иккинчидан, унга қарам бўлган Хуросон ва Эронни босиб олиб, Муҳаммад Султон ворислари бўлган шаҳзодалар, яъни Жалолиддин ва унинг барча укаларини қўлга олиб, отаси Хоразмшоҳга қандай даҳшатли тақдирдаги ўлимни раво кўрса, уларни ҳам худди шундай ваҳшийёна қатлдан насибадор қилиш, қолаверса, Хуросон ва Хоразмда яширилган Султоннинг Шарққа машҳур хазинасини қўлга киритишдан иборат мақсад уни яшин тезлигида таъқибни давом эттиришга ундади. Хоразмшоҳ шаҳзодалари орасида Чингизхон учун энг оғир бош қотириқ Жалолиддин Мангубердини бартараф этиш, уни қанча сарсонгарчиликлар ва ташвишларга кўмиб ташлашини ҳали хоҳон аниқ-тиниқ тасаввурига сиғдира олмасди. Бу забардаст саркарданинг қандай ҳарбий кучлари бор, хоҳонга қарши қаерларда тузоқ қўйишга тайёргарлик кўрмоқда, хоҳон бу маълумотларга ҳам етарлича эга эмасди. Хоҳон аввал Муҳаммад Султонни қўлдан чиқариб юбормай, уни бир ёқли қилишга қатъий киришди. Уни чангалидан чиқариб юбормаслик учун изма-из борувчи ва айланиб ўтиб, унинг бораётган йўлини тўсовчи ҳужумкор ва ўта „Тезкор“ суворий алоҳида қисмларни жўнатди. Уни қўлга тушириш ҳарбий қисмлар ўртасидаги мусобақа шаклида ташкил этилди. Қўлга туширган ҳарбий қисм саркардаларидан оддий жангчиларигача Чингизхон давлати эъзозидан бўладиган хоҳон ёрлиғи билан тақдирланадиган бўлди. „Менинг Хоразмшоҳ билан қатъий ҳисоб-китобим бор. Шунинг учун менга унинг фақат тиригини келтиринг, ўлигини эмас“ буйруғини бериб, хоҳон шу сўзини бир неча бор таъкидлайди.

Самарқанд қамалидан сал аввалроқ бу шаҳарни тарк этган Хоразмшоҳ уни ҳимоя қилиб келаётган ҳарбий қоровул қисм паноҳида Нақшабга келиб бир фурсат тургач, у ердан Термизга тез жўнаб кетди. Термиз аҳолисига умумий ва тўмтоққина икки оғиз сўзини айта

олган холос. Сўнгра бу ерни ҳам тез тарк этиб, Амударёдан кечиб ўтиб, Хуросон ерларига қараб от сурди. Уни мўғуллардан қочиб қутулиш фикри шундай чулғадики, бўридан қочаётган оҳунинг куни бошига тушди. Мамлакат бошбошдоқлик ҳолига келди. Жалолиддин Мангуберди Ғазнадан туриб отасининг Хуросонга келаётганлигини эшитиб, Амударё соҳили томон тулпорини елдирди ва отасининг истиқболига шонди. Ота-ўғил учрашиб, Балхга қараб йўл олишди. Жалолиддин Мангуберди отаси Хоразмшоҳнинг аҳволига назар солар экан, ғоят ачинди. Унда Хоразмшоҳ дегулик ҳеч нарса қолмаганини кўрди. Ота тушкунлик ботқоғига ботиб, кўзлари уйқусиз йўл азобларидан ҳорғин киртайиб, юзлари оғир касал тортиб, заъфарон ва синиққан афтода бир ҳолда эди. Ўғил унинг аҳволидан жуда эзилди.

## **БАЛХДАГИ СЎНГГИ КЕНГАШ. ФАЛОКАТЛИ ҚАРОР**

Ана шундай ҳолатда Хоразмшоҳ Хуросондаги шаҳзода фарзандлари, саркардалар, амирлар иштирокида ҳарбий кенгаш чақирадиган бўлди. Ҳарбий кенгаш Хуросоннинг Балх шаҳрида бўлиб ўтишини маълум қилди. Шаҳзодалар, амирлар ва саркардаю ҳокимлар шу ерга тўпландилар. Мовароуннаҳр бутунлай қўлдан кетган шароитда бу ёғига қандай тадбир қўлаб, Хуросон, Эрон, Афғонистон ва Эрон Ироқини қўлда сақлаб қолиш мумкин? Ана шу ҳарбий-сиёсий масала Балх ҳарбий кенгашининг кун тартибига қўйилди. Бу тўғрида Мирзо Улуғбек ўзининг „Тўрт улус тарихи“ асарида ишончли далилларга таяниб, қуйидагиларни ёзиб қолдирган эди: „Султон Муҳаммад бу воқеа тадбири не натижага муяссар бўлур, деб аркони давлатдан ким билан маслаҳат қилмасин, ҳар ким ўз ақли андозасича сўз деди ва маслаҳат кўрди. Қўриқчиликда айём тажрибали ва тадбирда ниҳоятда мулоҳазали ва фикрловчи кишилардан бир жамоа дедик, Мовароуннаҳр қиссаси уни бу ҳолда сақлаб қолиш мумкин бўлган чегарадан ўтгандир. Энди Хуросон ва Ироқнинг қўлдан кетмаслиги чораларини кўрмоқ зарур. Бугунги кунда ҳар шаҳар ва атрофга жўнатиб юборилган лашкарни қайтармоқ лозим. Ёлпасига ҳужум қилиб, Жайхун дарёсини қўлга киритиб (яъни ўнг соҳили), мудофаа билан машғул бўлмоқ лозим. Мўғул лашкарининг дарёдан ўтишига ва бу тарафга (Хуросон тарафига) келишига йўл қўймасликка саъй қилмоқ керак. Яна бир тўда одамлар Ҳиндистон ва Ғазнин томонларга кетиш лозимлигини айтишди. Султон Муҳаммад шу истакка мойиллик билдирди ва иккинчи таклифни ихтиёр қилди. Йўлга чиқиб, Балхга етиб келди. Бу вақтда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғли Султон Рукниддин Ироқда эди. Шу вақтда Хоразмшоҳнинг бошқа бир ўғли Имодулмулк Савожини туҳфа ва ҳадялар билан отаси ҳузурига жўнатди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳузурда Имодулмулкнинг фирибгарлик йўллари кўп бўлди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ дилига Ватанга меҳр ҳиссини солди. Бу жамоат кўп тортишувлардан кейин ўзини ундан узоққа тортишимиз ва Ироқ томон кетишимиз лозим, деган қарорга келди. У ерда лашкар тўплайжакмиз ва сўнг ишга киришурмиз“, дедилар. Султон Жалолиддин бу вақтда отаси билан бирга эди, отасининг қарорини инкор этиб деди: „Агар Султон Ироққа кетадурғон бўлса, лашкарни менга қолдирсин. Мен эса Жайхун бўйида тургум. Дарёнинг у томонини мўғуллар эгаллайдиган бўлса, бу томонига уларни ўтказмагайман, монёлик қилурман. Энг тўғри йўл шул, Жайхун томонга чодир (ҳарбий қароргоҳ) тикамен. Сипоҳ билан у ерга бориб етсам, дарёнинг у томонига ғаним боролмагай“. Мирзо Улуғбек келтирган ишончли далиллар Жалолиддин Мангубердининг отаси қарорига қатъий қарши чиққанлигини ва отаси Хоразмшоҳнинг фикрларини, уни қўллаган лаганбардор саркардаларнинг номақбул маслаҳатларини кескин рад қилганлигини

кўрсатиб турибди. Балх ҳарбий Кенгашида Жалолиддин Мангуберди отасини чекиниш ва қочишга даъват этувчиларнинг фикр ҳамда маслаҳатларини газаб ва қатъият билан инкор қилди. Жалолиддин Мангуберди мўғуллар ҳужуми арафасидаги отаси Хоразмшоҳ Кўҳна Урганчда ўтказган ҳарбий Машваратдаги сиёсий-ҳарбий хатони эслатди: „Падари бузрук! Наҳотки яна ўша мудҳиш хато ботқоғига ботишда давом этсак! Бу хато салтанатингизни қай ҳалокат ёқасига келтирганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Мовароуннаҳрнинг ўнлаб шахарларига бўлиб юборган 250 минг қўшинингиз қани? Самарқандда мўғулларни тўхтатмоқчи бўлиб, аввал 110 минг, сўнгра яна 50 минг лашкар йўлладингиз, улар неча кун ўзларини ҳимоя қила олди. Фақат Самарқанд остонасида 150 минг қўшин тайинли жанг олиб боролмай, қирилиб, сочилиб кетди. Устозим Темур Малик қириб юборилган 250 минг қўшинингиз олдида бир сиқим тариқ уруғидек кам бўлган лашкари билан нақ ярим йилдан ортиқ 100 минглик мўғулларнинг қўшинини ўзига банд қилиб турди. Энди айтишга мажбурман, нимага Темур Маликнинг буюк саркардалигини била туриб, Самарқанд қўшинини унга топширмадингиз? Ана шу хатолар боис Ватанимиз юраги Самарқанд, Мовароуннаҳр тўла қўлдан кетди. Ота, сизга ва сизни қочишга даъват қилувчиларга ҳақли саволим бор. Қочиб-қочиб қаерларгача бормоқчисизлар? Инсонлар, айниқса, шоҳ ва саркардалар жони шунчалар ширин бўладими, ахир! Шоҳ ва саркардалар она-Ватани, фуқаролари учун ҳал қилувчи жангга кирмаса, бу олий шоҳлик, олий ҳарбий унвону тожу тахт, бежирим тилло сопли қилич кимга керак? Майли, ота, сизлар қочишни ихтиёр қилиб қатъий турган экансизлар, сўнгги бор сўрайман, шоҳ сифатида барчамиз тақдиримиз қил устида турган бир пайтда шуни ҳисобга олиб, фақат шу сафар талабимни бажариб Хуросондаги қўшинларнинг Амударё бўйида йиғилишига фармони олий бериб, бу қўшин Бош қўмондонлигига мени тайин қилганлигингизни эълон қилдингиз. Сиз эса Балхда қароргоҳ қуришга. Агар бу ҳам маъқул бўлмаса, хоҳлаган томонингизга кетаверинг. Мўғулларни тор-мор этгач, ўзим сизни топиб оламан. Мўғулларни аёвсиз қириб, қолганини ўз юртларига ҳайдаб чиқаришим учун Хуросон қўшини менга кифоя қилади. Яна илтифот қиламан десангиз, устозимни Кўҳна Урганчдан чақириб берсангиз нур устига аъло нур бўлур эди. Йўқ десангиз, бунга ҳам майли. Менга қўшинни топширинг, бу сўнгги имконият, буни қўлдан чиқарсак, вассалом, барчаси тугайди. Ироққа кетиб, қўшин тўплашингиз бу саҳро жазирамаси кунлари осмондан ёмғир кутишдек гап. Шунинг учун тахтингиз ўзингизга буюрсин, аммо қўшинни менга фармонингиз бўйича бўйсундириб берсангиз менга қарши бўлган орамиздаги саркарда ва амалдорлар ҳам тийилиб туришга мажбур. Фармонингизга қаршиларни жазолашни ҳам менинг ихтиёримда қолдингиз. Бу ҳарбий сиёсий вазият тақозосидир. Бу сўнгги имконият. Буни ҳам қўлдан чиқарсак она юрт тамомила мотам либосини кияди. Тарих ва келажак авлод лаънати, қарғишига қоламиз. Ҳеч бўлмаганда энг сўнгги бор ақл-идрок билан, энг сўнгги имкониятни ишга солиб, фалокатдан халқимизни асраб қолайлик, пойингизга тиз чўкиб ёлбораман, падарим!“

Минг афсуслар бўлсинки, жасорати қайнаб-тошиб, қалбининг тўридан оташ олови бўлиб отилиб чиқаётган дил сўзлари отанинг муз қалбини илита олмади. Кар қулоқлар эшитмади. Мустаҳкам деворга урилган тошдек ерда қолди. Инобатга олинмади. Жалолиддин фарёдини ижобат қилувчи ёки қўлловчи инсон топилмади. Бир шахзода фарзанд ва саркардада шер юраклик, бемисл мардлик мавжланса шунчалик бўларки, бундан ортиғи бўлмас! Жасур фарзанди Жалолиддин Мангубердининг Ватан манфаати, эл-улус эркини сақлаб қолиш йўлида оловланаётган оташ сўзлари том битган қулоқларга етиб бормади, сўқир кўзлар зимистони ичра йўқликка юз бурди. Ана шу ерда шоҳ ота билан шахзода ва лашкарбоши фарзанд сиймосида шижоат билан қўрқоқлик, ақл ва тиниқ ҳарбий салоҳият тафаккури

билан яроқсиз ва умрини тугатган гоё, темир ирода билан заифлик, Ватан ва халққа садоқат билан шахсий манфаат устуворлиги, маънавий-ахлоқий туйғулар, шунингдек, эски дунёқарашда ривожланишдан тўхтаган инсон билан Ватан тақдирига дахлдор барча оғир масъулиятни елкасига олган илғор дунёқарашли инсон фикрлари тўқнашди. Жалолоддин Мангубердининг Жайхуннинг ўнг соҳилида мўғулларга лашкардан мустаҳкам саф қилиб бунёд этмоқчи бўлган буюк Турон мудофаа деворини яратиш режаси Балх қароргоҳи деворларига етиб, акс садо берди. Жалолоддин Мангубердининг ақлий ва ҳарбий даҳоси билан ишлаб чиқилган ажойиб режа Муҳаммад Султоннинг қўрқоқлиги ва лоқайдлиги билан йўққа чиқарилди. Уни рад қилиш билан эса Чингизхоннинг галабасини ҳали навбатдаги жанглар бошланиши арафасидаёқ таъминлаш имкониятини берди. Шунингдек, Балх ҳарбий кенгашидаги чекиниш қарорига имзо чекар экан, Хоразмшоҳ ўзининг сулоласи устидангина эмас, балки буюк Хоразмшоҳлар салтанати устидан ҳам ўлим ҳукмига имзо чекди. Ватаннинг асоратга, халқнинг эса мўғуллар асрий қуллик сиртмоғига тушишига сўнгги бор муҳрни иссиққина нафаси билан пуфлай-пуфлай фармони олийнинг охириги матни тагига қўллари қалтираганича маҳкамлаб босди. Бу рад фармони Жалолоддиннинг ҳақ, ҳақиқатни, дея урган бонгини елларга учирди. Қалбини вайрон қилди, дилида битмас жароҳат қолдирди. Унинг камтарлик қилиб, „Мен жамики бирлашган лашкар билан Жайхун бўйида саф тортсам, мўғуллар бу ҳудудларга босиб келишга (Эрон, Хуросон, Афғонистон ва Ироқ) ботина олмайди“, деган сўзларининг моҳиятини Балх қароргоҳидаги ҳарбий кенгашни бошқараётган на Хоразмшоҳ, на бошқа иштирокчи саркардалар англамадилар. Англаганлари ҳам Жалолоддинни ёқтирмайдиган Хоразмшоҳнинг ҳайбаракаллари, иккиюзламачи, мунофиқ Дашти Қипчоқ сардорлари ва амалдорлари эдилар. Улар бўридан қочган қуёндек қочиш касалига йўлиққан эканлар, кўзларига на Ватан, на эл-улус кўринди. Шу тариқа сиёсат ва ҳарб майдонининг тақдири ҳал этиладиган айни палласида буюк саркарда Жалолоддин Мангубердининг Ватанни озод ва мустақил сақлаб қолиш йўлидаги олий мақсади ҳам Балх заминига ота ва шоҳнинг чиркин ва қўрқоқлик фикрининг маҳсули сифатида шиббалаб, тупроқ тортиб кўмилди. Хуросоннинг энг йирик шаҳри Балх тарихда қилинган бу хатодан, Жалолоддин Мангубердининг Ватанни сақлаб қолиш йўлидаги отаси Хоразмшоҳга қилган фарёди ва ҳақ-ҳақиқат овози тириклайин кўмилганлигини кўтара олмай, бу иш гуноҳи азим тадбири, шунингдек, унга ўзи ҳам гувоҳ иштирокчи бўлганлигидан мозий ва келажак авлодлар олдида гуноҳкор бўлиб қолиши мумкин, бу қадимий шаҳар Балх?

Негаки, шу машъум Балх ҳарбий Машваратида чиқарилган хато қарор нафақат Хоразм ва Мовароуннаҳр, балки Хуросон, Эрон, Ироқ, Кичик Осиё ва Араб халифалиги мамлакатлари ва халқларининг мўғуллар қуллиги, асоратига тушишини асрий таъминлаган эди. Бу тарихдаги энг катта сиёсий-иқтисодий ва маданий-маърифий фожиа, Шарқнинг таназзулига сабаб бўлган эди.

Отаси Хоразмшоҳнинг бу хато қароридан дили қаттиқ оғринган Жалолоддин Мангуберди Муҳаммад Султоннинг қайсарона феъл-атворидан норози бўлганича ўзини ҳалокат чоҳига ташлаётган ота билан совуққина хайрлашиб, улар юрган йўлдан кетмаслигини билдирар экан, у Фазна тарафга — Шарққа йўл олди. Отаси Муҳаммад Хоразмшоҳ эса Фарбга — Эрон Ироқида ноиб бўлиб турган ўғиллари Имомулмулк ва Рукниддин шаҳзодалар тарафга қараб кетди. Очиги, бу қочишдан бошқа нарса эмасди. Жалолоддин Мангуберди талаб қилган қўшин — Хуросон, Эрон ва Ироқ ҳудудларида сочилиб, бўлиб юборилган қўшин

200 мингдан ортиқ эди. Гарчи Мовароуннаҳр ҳудудларида мўғуллар томонидан алоҳида тор-мор келтирилиб қириб ташланган қўшин 200 мингдан ортиқ бўлса-да, бироқ, Хуросондаги қўшинларни Жалолиддин Мангуберди ихтиёрига берилганида вазият ва воқеалар бориши Ватан манфаатлари ва фойдасига ўзгариб кетиши муқаррар эди. Бироқ, асосий муаммо ва масала бу қўшинни ким бошқаради, бу лашкарни ким зарур ҳолда мудофаага ва сўнгра қарши ҳужумга бошлаб бора олади? Хоразмшоҳда бундай буюк салоҳият эгаларидан учта ҳарбий саркарда бор эди: Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик ва Шихобиддин ал-Хевақий. Аммо, уларнинг ҳеч бирига бу қўшин топширилмай, худди олмос қилич ғилофида иш бермай, деворда кўз-кўз учун осиглиқ тургандек эди. Буюк саркарда Жалолиддин катта салтанатнинг нисбатан кичик вилояти Фазнада ҳоким, Темур Малик Кўҳна Урганчда Хоразмшоҳнинг қачон чақириб лашкар беришини кутарди, лекин Хоразмшоҳдан нидо ёхуд буйруқдан дарак йўқ. Улар энг оғир дамлар мўғуллар салтанат ҳудудларининг қарийб ярмини эгаллаб бўлганида ҳам лашкарсиз қўмондон сифатида ишдан четлатилган эдилар. Улуғ учлик саркардаларга шуниси алам қиларди. Хоразмшоҳнинг мўғулларга қарши қўйиб жангга йўллаган саркардаларидан бир-иккитасидан бошқа ўнлаб қўшин қўмондонлари ўзларининг лаёқатсизликларини намойиш этдилар. Ҳолбуки, ўша саркардаларнинг ноқобил ва ношудлиги туфайли, эскирган ҳарбий усулларда жанг усулига ёпишиб олган қўмондонлар айби билан 100 минглаб жангчилар қирилиб кетди. Мовароуннаҳр халқи чингизийларнинг тифлари зарбидан қонлари дарё бўлиб оқди. Тирик қолганларнинг оху фарёди фалакни тутди. Бунга Хоразмшоҳ тарих ва абадият олдида доимий жавобгар, шунингдек, гуноҳқордир ҳам. Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг Ватан ва халқи олдидаги кечирилмас хатоларга йўл қўйиб, бу билан халқи, эл-юртини нақ бало-қазо домига рўбарў қилганлигини Чингизхоннинг тарихчиси Жувайний „Тарихи жаҳонкушай“ асарида ўзи гувоҳ бўлган ўша давр асл манбалари орқали тасдиқлайди. Бу эса Муҳаммад Султонга Мирзо Улуғбекнинг берган баҳосига тўла ҳамоҳанг келади. Гарчи Чингизхонга хизмат қилиб, шу орқали катта бойлик, мол-дунё ва амалдорлик мансабларига эга бўлган Жувайний Муҳаммад Султоннинг яроқсиз сиёсати туфайли Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари бошига тушган кулфатлар, фожиали қисматига ачинади. Фанимлар тарафи ҳукмдори Чингизхоннинг сарой муаррихи бўла туриб, бундай мардона жабҳадан туриб Турон ва Хуросон халқларига қайғудошлигини асарида баён этиши унинг ҳақиқатсевар тарихнавис бўлганини кўрсатади. Ҳатто Жувайний Чингизхоннинг газабига учрашдан тап тортмай қўп ҳолларда адолат қаламини чекканлигини кўрсатади. Айниқса, Чингизхоннинг кўрарга кўзи бўлмаган рақиби Жалолиддиннинг мардлигини Жувайний барчага ибрат қилиб кўрсатиши бунга яна бир бора тасдиқлайди.

Энди Жалолиддиннинг отасига нисбатан муносабатига келсак, Иргиз дарёси соҳилидаги мўғуллар билан дастлабки жангдаёқ отасининг ҳарбий-сиёсий соҳада, ундан ҳам аввалроқ эса қорахитойлар билан жангда уларга асир тушгандаёқ, Муҳаммад Султон падарининг қуёши ботганлигини ҳамма қатори Жалолиддин ҳам англаб етган эди. Аммо ота, шунингдек, устоз ва пир олдида фарзанд ҳамда шогирд ўртасидаги маънавий-ахлоқий қадриятларга даҳлдор қоидаларга риоя этиш Жалолиддин Мангубердидек комил инсон учун ҳам бурч ва мажбурият, қолаверса, жамиятнинг қатъий талаби, ажоддмерос анъана эди. Шулардан келиб чиқиб, падаридан тахтни тортиб олиб, исёнкор фарзанд номига эга бўлишни ва ота қарғишини олишни асло истамади. Вақт физиллаб замон чархпалаги салтанат зарарига айланиб туришига



қарамай, Жалолиддин сабр-бардош билан отасининг инсофга келишини кутди, кутаверди. Ота рози — худо рози удум ва ҳикматига собит турди. Мусулмон ахлоқи ҳам жамиятда шу қоида устуворлигини ёзилмаган ҳаётнинг қонуни даражасига кўтарган эди. Шу боис отадан тахтни деб дуоибад олишни мутлақ истамади. Аммо шу ахлоқий миллий қадриятларга амал қилай деган Жалолиддин кўзи ўнгида Ватан ва эл-улус, халқ мустақиллиги барбод бўлиб борар, бу даҳшатли ҳодиса ва воқеликни ҳазм қила олмас, ҳайқириб, шер бўлиб жанг қилай деса лашкар йўқ, мавжуд қўшин эса падари Хоразмшоҳ измида. Жалолиддин Мангуберди мисоли занжирланган арслон, бундай шароитда нима қилиш керак? Эрта-индин чингизийларнинг чигирткамисол қўшини бўрондек Хуросонга ёпирилади, бунга заррача шубҳа йўқ. Жалолиддин шуларни ўйлаб, ўз ёғига ўзи қовурилиб борарди. Бунинг устига, Ғазна афғонларнинг юрти, энг зиддиятли макон қабилалараро биринчилик, мансаб талашувчи, бошқа элдан келганларга кун бермайдиган талаш-тортишиш майдони. Жалолиддин нима қилсин? Афғон сардорлари билан гижиллашиб кунини ўтказсинми, ё отаси Хоразмшоҳ билан яна эски ярани тирнаб, кераксиз ва ўринсиз баҳсни бошлаб, таранг тортилган асабларни қақшатувчи қулоқсиз ота билан курашсинми? Жалолиддин Мангубердининг тошдан ҳам қаттиқ боши ғувуллаб, кўз олди қоронғулашди, темир иродаси анча лат еди: „Эй, худо инсонни шунча азобга, уқубатга қўйиб, бандасини шундай бу дунё синовларига ташлашнинг боиси недур? Майли, қандай азобни бошимга солсанг сол, қандай уқубатга рўбарў қилсанг қилгин, Оллоҳим ҳар қандай синовингга бардош бериб менга туғилиш, яшаш имконини берган Ватаним учун, халқим учун нимаики кўргулик бўлса тайёрман. Жонни бергувчи ҳам ўзинг, тортиб олгувчи ҳам ўзинг, ҳузурингга қанча яшашимдан қатъи назар, имоним бутун бўлиб, ёруғ юз билан борсам бас! Шунга қадар сўнгги нафасгача яшашдан мақсадим ювуқсиз ва ёввойисифат ғанимларга қарши кураш бўлсин!“ Жалолиддин Мангуберди бўшашаётган иродасини қайта тиклаб, руҳий қувватларини йиғишга ҳаракат қилиб Ғазнага кириб борар экан, ўзига ўзи қасам ичди. Бутун борлиғи билан ғаним мўғулларга қарши курашишни бир неча хил режаларини тузиш билан машғул бўлди. Натижада „жаҳл келганда ақл кетар“ ҳикматидан хулоса чиқариб, отасини ўз ихтиёрига қўйиб беришни мақбул кўрди, ота қалбини сал бўлса-да фарзанд сифатида оғритиб, оғринтириб қўйишдан тийилди. Маҳшар кунинда ота-ўғил юзма-юз келган чоғда бу дунёда қаттол ёвлар олдида эгилмаган баланд боши абадият оламида Парвардигор олдида падаркуш шаҳзода сифатида яратган ҳақ томонидан жазоланиши ва дўзах азобига тушишини асло истамади. Икки дунё саодатини таъминлаган фарзанд мақомида қолишни афзал кўрди. Нажмиддин Кубро пири комилнинг берган исломий-маънавий тарбияси ҳам шундай эди. Ватанни мустақилликка ва озодликка элтувчи энг оғир юк — унинг ор-номусини ҳимоя қилувчи юкни елкасига олди. Ватан ва халқига қилич кўтариб, қуллик сиртмоғини тортмоқчи бўлган ғанимлар ва уларга сотилган хиёнаткорлар билан ҳисоб-китобни адолат қиличига қолдирди. Унинг адолат қиличи бундан кейин улар бошида чарх уриб айланишга мунтазир эди. Бу қилич адолат, ҳақиқат ва эзгулик дея наъра тортган забардаст ҳамда буюк инсоннинг ишончли қўлида турарди.

Балхни тарк этганидан кейин Хоразмшоҳ Султон Муҳаммаднинг дарбадарлик ҳаёти бошланиб, қайга бориб бош урса таҳдид, хавф-хатар, ўлим шарпаси уни изма-из таъқиб қилиб келарди. Гўё уни фалокат домига ўлим фариштаси, ажалнинг ўзи ўлиши лозим бўлган ҳудуд сари судраб, етаклаб борарди. Мирзо Улуғбек шоҳ эмас, энди борган сари ғариб ва нотавон

бир одам ҳолатига тушаётган Муҳаммад Султоннинг ушбу ҳолатини қуйидагича тасвирлаган эди: „Оқибатда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Имодулмулк фикрини мақбул топди. Ироқ томон азимат қилмоққа ихтиёр айлади. Заҳардан аччиқроқ айш билан Балх шаҳридан чиқиб кетди. Ўша кезларда баногоҳ хабар келдики, Бухоро олинибди, деб. Султон дарҳол ўз салтанати фаноси учун тўрт бора такбир ўқиди, юзини захга бериб ётди“.

Ироққа йўл олиш чоғида Хоразмшоҳ Муҳаммад Султонни Дашти Қипчоқдан Туркон Хотун билан бирга Хоразмга келиб Хоразмшоҳнинг Олий девонида амалдорлик лавозимида ишлаётган уран қабиласидан бўлган қариндошлари уни ўлдирмоқчи бўлиб фитна тайёрлайдилар. Жалолиддин Мангуберди бу тайёрланаётган фитнадан хабар топиб, отаси Хоразмшоҳни ҳимоя қилиб, исёнчи Дашти Қипчоқ амалдорлари ва унга тарафдорларни қиличдан ўтказди. Отасидан қайси тарафга кетишини ихтиёр қилмоқчи эканлигини сўрайди Жалолиддин. Хоразмшоҳ Нишопурга қараб кетишини билдирди. Жалолиддин отаси Хоразмшоҳни Нишопур йўлигача кузатади ва шунда ҳам отадан „барча ваколат ҳамда бутун масъулиятни сенинг зимманга юкладим“, деган мардона сўздан садо чиқмагач, падарига оқ йўл, бехатар сафар тилаб, Ғазнага қайтди. Шу билан липпилаб турган умид учқуни Балх-Нишопур ажралиш йўлидаги хайрлашув чоғида бутунлай ўчди. Бу ота шоҳ ва шаҳзодаларнинг падари ўлимидан олдинги учрашуви бўлди. Ундан кейингиси эса ўлимолди видолашувидан иборат бўлди.

## **ЧИНГИЗХОН: МЕНГА ХОРАЗМШОҲНИНГ ФАҚАТ ТИРИГИНИ КЕЛТИРИНГ!**

Муҳаммад Султон анча йўл юриб, кўч-кўронини тушириб, унга ҳамроҳ бўлган сарой ходимлари ва қўриқчи лашкарий қисмга бир оз дам олиб йўлга тушишини билдиради. Шунда Балхдан етиб келган хабарчи эндигина дам олишни бошлаган Хоразмшоҳга тезда бу йўлни тарк этиб, Бистом томон кетиш шошилиш хабарини берди. Хабарга кўра Жаба ва Субутой нўёнлар катта лашкар билан уларнинг Нишопурга бориш йўлини тўсмоқ учун жадал таъқиб қилишни бошлаб юборганлиги, Хоразмшоҳ кетаётган йўналишни аниқ маълумотга эга бўлиб топганлиги ва Чингизхондан кўрсатма олганлиги маълум бўлган. Энди тез жўнаб кетиш учун анча муҳим юклардан воз кечиш лозим эди. Шулардан Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг саройига тегишли ва Ануштегин боболарининг бой архив ҳужжатлари эдики, улар миллий давлатчилигимиз тарихини ёритишда бебаҳо маънавий меросимиз ҳисобланар эди. Уларни бундан буёнги сарсон-саргардончиликда олиб юришнинг мутлақо имкони йўқ эди. Бистом йўлида уларни махфий бир жой танлаб сандиқларга жойланган ҳолатда қўмишни буюрди. Уни сарой ходимлари қўмаётганларида Хоразмшоҳ сулоласи тарихи архиви билан салтанати ва ўзи учун қазилаётган гўрга ўхшатиб юраги орқасига тортиб кетди. Наҳот, куним тугаган бўлса? Хоразмшоҳ олдинда уни кутиб турган фалокатни сезгандай бўлди. Ана шундан бошлаб унинг иродаси мутлақ синди, руҳи соатма-соат сўлғинлашиб, фикри ўзгарувчан, шоҳлик шуқуҳидан асар ҳам қолмаган таназзул гирдоби домига тортилди. Бистом йўлига тушиб анча масофани босиб ўтгач, яна шум хабар келди. Уни таъқиб этувчи мўғуллар қўшини Бистом йўлига бурилгани ҳақида хабар олинди. Хоразмшоҳ яна Нишопур йўналишига бурилишга мажбур бўлди.

1220 йил 18 апрелида Хоразмшоҳ ниҳоят Нишопурга етиб келди. Аммо бу ерда ҳам кутилгандек дам олишга имкон топилмади. Мўғуллар яқинлашиб қолгани маълум бўлгач,

яна Бистом томон жўнаб кетишга тўғри келди. Хайрият, Бистомга етиб келар экан, уларни мўғулар таъқиб қилаётганлиги тўғрисида хабар йўқлиги билан хурсанд қилдилар. Муҳаммад Султон Бистом ҳокими Тожиддин ал-Бистомий билан учрашиб, унга қиммати жуда бебаҳо бутун хазинасини, ҳатто алжабр илми унинг миқдорини санашга ожизлик қиладиган жавоҳир бойликларни омонат қилиб, шароит тақозосига кўра маълум вақт махфий сақлаб бериш топшириғини беради. Бу ҳақда Жалолиддин Мангубердиннинг давлат сарой котиби ва тарихчиси ан-Насавий вақти келиб Тожиддин ал-Бистомий билан учрашар экан, унинг ўз оғзидан тарих учун қуйидагиларни ишончли далил сифатида ёзиб олганлигини ва воқеа қандай содир бўлганини шундай баён этади: „Султон бу гал Ироққа келганида Бистомда ҳам бўлди. У мени ўз хузурига чақиртирди ва ходимларидан энг ишончлиларига 10 сандиқни келтиришни буюрди. Кейин мендан сўради: „Буларда нима борлигини биласанми?“ Мен унга: „Буни Султоннинг ўзи билса керак“, — дедим. Шунда Султон ўзи жавоб бериб: „Буларнинг ҳаммаси қимматбаҳо зумрад, жавоҳир тошлар, уларнинг баҳоси йўқ, бебаҳо. Фақат мана шу икки сандиқдаги тошларнинг баҳоси маълум. Улардаги тошлар шу даражада ноёбки, агар пулга чақиш мумкин бўлса, улар ер юзининг йиллик солиғини тўлашга бемалол етади“, — деди. Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон менга уларни Ардахий қалъасига олиб боришимни буюрди. Бу қалъа заминдаги (ер юзидаги) энг мустаҳкам, эгаллаб бўлмайдиган қалъалардан бири ҳисобланарди. Унинг устига бургутлар ҳам учиб чиқа олмас, қалъа аҳли қушларни тепадан туриб кўришарди. Мен Султон топшириғи билан сандиқларни ўша қалъага олиб бордим ва унинг волийси (ҳокими) дан уларни қабул қилиб олганлиги ҳақида тилхат олдим. Кейинчалик мўғул-татарлар Султонга қарашли кўп мамлакатларни босиб олди. Жумладан, мустаҳкам қалъа Ардахийни ҳам босиб олди. Қалъа волийси ўша 10 сандиқ қимматбаҳо тошларни мўғуларга топшириб, омонлик битимини тузди. Сандиқлар барчаси Чингизхон ихтиёрига жўнатилди“.

Муҳаммад Султон Бистомда бир оз тургач, у ердан Ҳамадон ҳудудига қарашли Давлатобод водийси томонга қараб кетади. Чунки ўша ерда мўғул-татарлар қўшинидан енгилган, чекинган, қочган Хоразмшоҳ қўшинининг ҳарбий қисмлари тўпланаётгани маълум бўлди. Уларнинг сони 20 минг атрофида бўлган. Хоразмшоҳнинг ўзига қарашли бу қўшинлари билан учрашув хурсандчилиги ҳам узоққа бормади. Жаба ва Субутой бошлиқ мўғул лашкарлари Султон Муҳаммад Хоразмшоҳга нафасни ростлаб олиш имконини бермай, уларга қарши ҳужум бошладилар. Икки ганим лашкарлари ўртасида аёвсиз жанг бошланиб, оқибат Хоразмшоҳ лашкари мағлубиятга учради. Ҳар қанча уринмасин, мўғулар Султон Муҳаммад Хоразмшоҳни қўлга тушира олмайдилар. Улар жон-жаҳди билан уринсалар-да, Султоннинг лашкарлари уни қочириб юборишга эришдилар. Унинг йўлини тўсган қўшин эса бутунлай қириб ташланди. Шу тариқа бу жангчилар жонларини тикиб бўлса-да, Султонни бу сафар ҳам сақлаб қолишга эришиб, ўз бурчларини адо қилдилар. Хоразмшоҳ ўз лашкарининг жонини жабборга топшириб мўғулар йўлини тўсиб турганлигидан фойдаланиб, Филон шаҳри тарафга қочди. Ундан Эроннинг Мозандарон ҳудудидаги Исфизар шаҳрига етиб келди. Энди Хоразмшоҳ учун янада оғир, сичқоннинг ини минг тангага тенг кўнлар бошланди. Қочиш ва қувилишларнинг адоғи кўринмасди. Дастлаб Мовароуннаҳрдан йўлга чиққанда катта карвон ҳолатида йўлга чиққан Хоразмшоҳ атрофидагилар тобора сийраклашиб, Муҳаммад Султон билан сафарда ҳамроҳ бўлиш охири фалокат ва ўлим эканлигини англаб, кўпчилик ҳамроҳлари ундан юз ўгира бошлади, бир қисми эса мўғулар билан тўқнашувларда

ҳалок бўлдилар. Исфизар тоғлар орасидаги шаҳар бўлиб, бу ерда пана-пастқам ва яширинишга қулай жойлар кўп эди. Унинг атрофидаги қишлоқлар ҳам тоғлар ораларида сочилган ҳолатда жойлашган бўлиб, ўрмон, дов-дарахтлар уларни кўздан яшириб турарди. Хоразмшоҳнинг бундай ҳолга тушишига тамомила ўзи сабабчи бўлди. Саройининг оқил, узоқни кўрувчи ҳарбий ва сиёсий арбобларининг сўзига, доно маслаҳатларига қулоқ солмай, оёғи учидан сал нарига назар сола олмаган, шухратпараст, мансабпарастларнинг кўрсатган йўлидан юрар экан, жаҳаннамий азобларга лаҳзама-лаҳза дуч кела бошлади. У ҳеч бўлмаганда „Кўр ҳассасини бир марта йўқотади“ мақолини эсга олиб, сиёсий-ҳарбий сиёсатдаги хатосини тўғрилаш ўрнига, сўқирларча йўлидан қайта-қайта адаша бориб, оқибат ўзи тайёрлаган захарли ошни ичишга мажбур бўлди. Бу унинг Ватани, халқи олдидаги катта гуноҳи учун юборилган ҳақнинг жазоси эди.

Хоразмшоҳ Чингизхон қўшини таъқибидан қочиб, Исфизарни ҳам тарк этишга мажбур бўлди. У Фаррозин қалъасига кириб келди. Бу ерда уни ўғли шаҳзода Рукниддин Ғурсанжти кутиб олди. Унинг ихтиёрида 30 минг жангчиси бор эди. Эрталаб етиб келган Хоразмшоҳ нонушта қилиб улгурмаёқ, мўғул лашкари яшин тезлигида қалъага келиб ҳужум уюшгирдилар. Шиддатли жангда Рукниддин қўшини тор-мор келтирилди. Ота-ўғил — шоҳ ва шаҳзодалар бир ҳовуч омон қолган қўшини билан яширин йўл орқали қочиб Рой ва Табаристон оралиғидаги Қорун тоғининг тепасидаги Қорундеж қалъасига келдилар. Аммо қалъа аҳолиси уларнинг келиши фалокат олиб келишини билгач, улар қалъага киритилмади. Натижада бу ерни ҳам тарк этишга тўғри келди. Ҳар қандай шароитда тириклайин қўлга олишга барча имкониятларини ишга солиб Хоразмшоҳни таъқиб қилишга киришган мўғуллар лашкари унга етиб олишига бир оз масофа қолиб турарди. Муҳаммад Султон мушукдан қочган сичқондек жонини асраш учун олдинга ташланса, мўғуллар эса ўз хоқони Чингизхонга ажойиб ва энг қиммат совға — Хоразмшоҳни тутиб топшириш мақсадида тинимсиз йўл босар эди. Мутлақ ҳолдан тойиб, силласи қуриган Муҳаммад Султон отлари ярамай, ўзларининг ҳам тинка-мадори қуриб, адойи тамом бўлаётган ҳамроҳларига хоҳлаган тарафга кетиб яширинишга рухсат берди. Бундай оғир аҳволда қолганлар бундан кейин мўғуллар кўзини шамғалат қилиб, йўлни адаштириб, чалғитиб қочишга ҳалал берарди.

## **ЖУРЖОН ДЕНГИЗИДАГИ КИМСАСИЗ ОРОЛ ХОРАЗМШОҲГА СЎНГИ МАКОН**

Муҳаммад Султонда қутулиб кетиш мумкин бўлган ягона битта йўл қолган эди. Бу отнинг бошини Журжон денгизи (Каспий денгизининг номи) тарафга буриб, бирор-бир бандаргоҳни топиб, кемага ўтириб шимол йўналишига сузиб кетиш, агар кемалар кўпроқ бўлса, ортиқчасини чўктириб ёки ўзлари билан денгиз ичкарисигача олиб кетиб, мўғуллар таъқибига шу тарзда чек қўйишдан иборат эди. Уларнинг бахтига кичик бандаргоҳга дуч келинди. Шу орада мўғулларнинг олдинда келаётган ҳарбий қисмлари ҳам кўриниб қолдилар. Кемаларга жуда тез жойлашишди. Жуда бўлмаганда ёй ўқи етмайдиган масофага қадар сузиб бориш лозим. Акс ҳолда ўқ ёмғиридан омон қолиш даргумон. Соқчилар қисми то Хоразмшоҳ ва унинг бир-иккита сарой ходимлари денгиз ичкарисига сузиб кетгунча сўнги нафасгача жанг қилиш учун соҳил бўйида саф олдилар. Бу улар етиб келган сўнги манзил бўлди. Уларнинг қаршилиги узоққа бормади. Аммо ана шу 10—15 дақиқалик жангда улар Хоразмшоҳнинг қутулиб, денгиз ичкарисига шитоб билан кириб кетишини таъминладилар. Соқчи қисм бажариши зарур бўлган бурчини ортиғи ва садоқат билан бажарди. Мўғуллар

уларни бурдалаб ташладилар. Энди мўғуллар учун таъқибни давом эттирадиган имконият йўқ эди. Бу пайтда Хоразмшоҳ тушган кема анча олислаб, мўғуллар кўзидан бутунлай ғойиб бўлган эди. Уларнинг бу ҳолатни ғазаб ва алам билан кузатишдан бошқа иложлари йўқ эди. Шу билан мўғулларнинг Хоразмшоҳни таъқиб этиш ва Муҳаммад Султоннинг эса шармандаларча Балх шаҳридан Эрон, Ироқ ва Журжон ҳудудлари бўйлаб қочишларига яқун ясаб, бу воқеалар ўз интиҳосига етди. Денгиз ичкарасига суза-суза Хоразмшоҳ кemasи, ниҳоят Ашур Адо (Абескун) оролига етиб келди. Бу орол Хоразмшоҳлар салтанатида ўлимга маҳкум бўлган пес ва моховларни сургун қилинадиган кимсасиз макон эди. Тақдир Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг ўзини шу ерларга ҳайдаб олиб келди. Қандай даҳшат ва қандай кўргулик бу. 20 йил давомида дунёнинг энг катта салтанатларидан бирини бошқариб, тилла тахтда кўр тўкиб, 3 қитъадан келган юзлаб давлатлар элчиларини виқор билан қабул қилган, 30 мамлакат ҳукмдорларини тиз чўктириб, уларнинг гаровга олинган фарзандларига ўзининг давлат ва ҳарбий зафарлар мадҳиясини олтин ноғораларда кунига икки марта чалдирган Хоразмшоҳнинг ўлимолди хору зорлик кунлари бошланди.

Хоразмшоҳнинг ана шу даҳшатли ва сўнги кунларидаги ҳаёти иккита одам ҳамроҳлигида кечди. Шулардан бири саройнинг унга содиқ амалдорлари Шамсиддин Маҳмуд ибн Ёлоқ ва унинг ётоқхонасига масъул амалдор ал-фаррошия лавозимида ишлаган Муқориббиддин унинг билан бирга эдилар. Улар анча вақтгача катта ер билан алоқа боғлай олмай, ташқи оламдан узилиб қолдилар. Аммо, озиқ-овқат ва егуликлар захираси тугагач, нима қилиб бўлса-да, катта ер билан боғланиш лозим эди. Муҳаммад Султон бошига тушадиган, инсон бардош бериши жуда ҳам қийин воқеа-ҳодисалар шиддат билан ривожланиб, Хоразмшоҳни зах ерга бағрини бериб, адоий тамом қиладиган хабарлар оқими оролдаги ғалати ва ваҳимали жим-житлик билан алмашган эди. Бу жимликни фақат денгиз тўлқинларининг соҳилга келиб урилишигина бузиб турарди.

Кун ботиб қоронғулик оламни қоплаб олгач, ҳам егулик, ҳам янгиликлар тўғрисида маълумотлар олиш учун Хоразмшоҳни ёлғиз қолдириб, унинг ходимлари соҳилга қараб сузиб, мўғуллар кўлига тушиб қолиш хавфи остида катта машаққат ва қийинчиликлар билан ҳар икки вазифани уйдлашга эришдилар. Аммо ундан ҳам оғири мўғуллар эришаётган ғалабалар ҳамда энг даҳшатлиси Хоразмшоҳ оиласининг бир қисми, невараларидан бир нечталари ганимлар томонидан кўлга олинганлигини Муҳаммад Султонга етказиш эди. Нима бўлганида ҳам уни барибир айтиш лозим. Катта ер билан алоқа боғлаб келган ходимлари Хоразмшоҳга қанчалик аламли бўлмасин, бу аччиқ ҳақиқатни маълум қилмаса бўлмасди. Маълум вақт уни айтмасдан турганларида ҳам Муҳаммад Султон фожиалар рўй бериши муқаррар эканлигини дилдан сезиб, англаб турарди. Негаки, мўғуллар айнан ануштегинлар сулоласи илдизини то гўдакларигача аёвсиз йўқ қилмасдан, уларнинг тинчи бўлмасди. Шунга кўра, эгаллаб бораётган ҳудудлардаги қалъа ва шаҳарларни элақдан ўтказиб, титигини чиқариб, Муҳаммад Султон фарзандлари, неваралари ва унинг садоқатли амалдорлари, узоқ-яқин қариндошлари уруғини қуритмагунча осойиш топмасди. Ўрта асрлар ҳарбий-сиёсий ва сулолавий курашлар даврининг ғолиб ва мағлуб кучларининг оқибат яқунлари ҳам шундай ҳодисалар билан тугар эди. Камдан-кам ҳолларда буни истисно қиладиган ҳолатлар ҳам бўлган.

Хоразмшоҳга янгиликни етказувчи икки ходими Қорундеж қалъасидаги фожиани дабдурустдан айтмадилар. Аввало, Муҳаммад Султонни руҳий тайёрловчи сўзлар билан

овутиб, инсон бошига тушадиган яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам инсон хоҳишидан ташқарида, парвардигор иродаси эса шу ҳодисалар содир бўлиш жараёнида фақат воситачи қилиб юборилиши орқали рўй бериши, шунга кўра бу оғир синовларга доимо сабр ва ирода билан бардош бериш лозимлигини айтиб, далда бердилар. Ана шунданок фалокат содир бўлганлигини Хоразмшоҳ дарҳол англади. Гапни жуда юмшоқ ва ғамгин оҳангларда, мулоўймона тарзда етказадиган Шамсиддин Маҳмуд жуда босиқлик билан бошлайди: „Мўғуллар Эрон ва Хуросоннинг кўплаб шаҳар ва қалъаларини босиб олиб, Қорундеж қалъасига ҳужум қилибди. У ердаги сизга содиқ ҳарбий қисмлар бир неча бор душманнинг қутуриб қилган ҳужумларини мардона қайтарибди. Бу қўшин қалъани олиш уддасидан чиқа олмагач, Жаба ва Субутой нўёнлар етиб келиб, қалъадагиларга қарата шундай талаб қўйибди. „Бу ерда Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг оиласи, неваралари бор, бундан хабаримиз бор. Агар уларни яхшиликча бизга топшириб, дарвозаларни очиб, қалъа ичида бизнинг қўшинга ҳиммат кўрсатиб, ўқ отиш ўрнига дастурхон ёзиб сийласангизлар, сизларга биз ҳам мурувват кўрсатиб, омонлик берамиз. Агар йўқ десангизлар, биз бу қалъани олиб, ҳеч ким, ҳатто чақалоқ ва хотин-қизларгача ҳеч кимни қолдирмай қалъани ер билан яксон қиламиз“. Қалъадагилар мўғулларнинг кучлари жуда кўплигини кўриб, уларга бас кела олмасликларига кўзлари етиб, қалъа дарвозасини очишдан ўзга чора топа олмабдилар“.

Қорундеж қалъасида оила, фарзандлари ва невараларининг бир қисми асир олиниб, Чингизхон ҳузурига жўнатилганлигини эшитгач, Хоразмшоҳнинг юрагини кўзга кўринмас бир махлуқ суғуриб олгандай бўлиб, ғоят ёмон руҳий ҳолатга тушган. Жағларини синиб кетгудек даражада сиқиб, бир неча бор юрагини, гоҳ бошини қаттиқ гижимлаб, чангаллаб, сўнгра кўллари билан ерни муштлаб йиғлаган, уни ходимлари юпатишларига қулоқ солмай, юзларини тимдалаб, сочларию соқолини юлиб-юлиб, ерга чўзилиб қолган. Анча пайтдан кейингина ўзига келиб, тентакнамо бир ҳолатда, ҳамма нарсага бефарқ ҳолатда денгиз томонга тикилганича соатлаб ўтирган. У ўзи эккан заҳарли ва тиканли уруғлар ҳосилининг аччиқ мевасидан оролда тўйиб-тўйиб баҳраманд бўлмоқда эди. Унинг ўша хабардан кейин юраги куйди, вужуди олов бўлиб ёнди. Қалъада ҳали болакай ҳолдаги фарзандлари, неваралари бор эди. Энди улар шу дамларда йиртқич Чингизхоннинг нақ чангалида, уларга инсон болалари чидай олмайдиган азобларни бериб, уларнинг бу азоб-уқубатларга бардош беролмай чинқиришларини эшитиб, роҳатланиб ўтиргандир, ўша итдан тарқаган ваҳший. Бу мудҳиш ўйлар, ёмон хотиралар Хоразмшоҳни мутлақ синдирди. У ўша воқеани эшитиб, дарди бедаво одамга айланди. Унда руҳий соғлом бўлмаган хатти-ҳаракатлар, тентакнамолик ва васвос касали аломатлари содир бўла бошлади. Ўзи эккан ҳосил заҳри жисмини олов қилиб ёндирса, унинг тикани эса нақ қалбини илма-тешиқ қилиб яралай бошлади. Ундаги руҳий хасталик аломатлари яққол сезила бошлаб, кимларнидир сўкиб ҳақоратлар, сўнгра яна жим қолганича, бир қараса ўзи билан ўзи гаплашар, ўзининг гапига ўзи кулар, гоҳ ўз гапини ўзи маъқуллаб, гоҳо йиғлар эди. Табибликдан хабари бўлмаган Шамсуддин Маҳмуд ибн Ёлоқ ва Муқориббиддинлар бу ҳолатдан нима қилишини билмай, нима қилиб бўлса-да, турли жойларда чекиниб ёки бирор қалъада кучли мудофаа ташкил қилиб, жанг қилаётган фарзандларини топиб, улардан зарур ёрдам олиш ва ҳар қандай шароитда руҳий хасталикни даволашга кучи ва илми етадиган табиб, дори-дармон топиш чорасини кўришга келишиб олишди. Бундай касалликка чалиниш табиий бир ҳол эди. Шунча фожиалар, кетма-кет келаётган шум хабарлар, бунинг устига кеч куз ва қишнинг дастлабки изғиринли шамоллари орол томон эсиб аҳволни янада қийинлаштирди. Бир вақтлар оғзидан чиққан сўз ҳар

дақиқада бажарилиб, юзлаб аркони давлат арбоблари эгилиб-букилиб хизматида турган шоҳ бугун оч, юпун, бир бурда нон ва бир қултум сувга зор бўлиб, соҳил томон сузиб кетган ходимлари ўша ҳаётий эҳтиёж ва заруратларни қачон олиб келар экан, дея мўлтиллаб ўтирса. Шоҳнинг бу кунидан одамлар орасида тиланчилик қилиб юрган гадо ҳаёти юз, минг бор афзал эмасми? Бир инсонни худо гуноҳ ва қилмишлари учун урса, ана шундай жазони раво кўради.

Фақат тунларигина катта ер одамлари билан мулоқотга кириша бошлаган Хоразмшоҳнинг амалдор хизматкорлари ғурбат кунларда асқатиб қолар деган мақсадда белларига ўраб, маҳкам боғланган тилла дирҳам пуллар, қимматбаҳо тошларни сарфлаб, Султоннинг ва ўзларининг аҳволини бир оз яхшилашга интилиб, қишдан сақланиш чораларини кўришга киришдилар. Бундай аламли ва оғир дамларда Муҳаммад Султонга қиш-қировли кунларда эсаётган кучли шамолдан ҳосил бўлган узоқдаги ўрқач-ўрқач тўлқинлар ҳам гўё нажот ва халоскор кемадек кўриниб кетарди. Аммо улар орол қирғоғига келиб урилгандагина кема бўлиб кўринган тўлқинлар ҳам, унинг орзулари ҳам барчаси сароб, алдамчи хаёл эканлигини кўрарди. Аммо, уқубатли ҳаётдан қутулиш илинжи Хоразмшоҳни қисман бўлса-да, умид соҳилига кўз тикишга ундарди. Негаки, чиқмаган жондан умид деб шуни айтадилар-да. Барибир нима бўлганда ҳам, бу кимсасиз оролда тушқунлик ва умид ўртасида сичқон-мушук ўйинидек ҳаёт-мамот кураши борар, давом этарди. Қайсидир хайрли инсон, уни ҳалокатдан сақлашга интилиб, гарчи ўз насибасидан қийилиб бўлса-да, бир хумча сув ва қотган нон бўлагини олиб келаётгандек туюлаверарди. Хоразмшоҳда бу ҳолат унинг икки хизматкори катта ерга сузиб кетиб, ҳаяллаб қолган кезларда, ҳар дақиқа кун ва ойлардек ўтмаётган дамларда, айниқса, уни шундай ҳиссиётлар қамраб оларди. Хоразмшоҳнинг ана шундай хору зор ҳолатга тушишини ўша давр тарихчиси ан-Насавий шундай тасвирлаган эди: „Агар кимдир ўша кунлари Султонга бирор егулик ёки зарур нарсалардан бир нима келтирса бас, унинг номига ё юқори мансаб берилгани, ё бирор вилоятдан мулк иқтоъ қилгани ҳақида фармон битиларди. Бундай фармонни аксарият пайтларда ўша фармон олувчи шоҳга ғамхўрлик кўрсатган одамнинг ўзи битишига тўғри келарди, чунки баъзан Султоннинг „орол фармонлари“ни ёзадиган одам ҳам топилмай қоларди. Аниқроғи, бу фармонларни Жалолиддин Мангуберди номига берилган ёрлиқлар деса тўғри бўларди. Негаки, вақти келиб, буюк саркарданинг сиёсат ва ҳарб майдонида зафарли байроғи ҳилпирай бошлагач, отаси Муҳаммад Султонга озгина бўлса-да эҳсон келтириб, шу ҳақда Хоразмшоҳ муҳри ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжатни Жалолиддинга кўрсата олган одамларни хатда кўрсатилган мансабга тайинлар ёки иқтоъ мулк ажратиб берарди. Агар кимнингдир қўлида бу иқтоъ ёки мансаб бериш борасидаги фармонни тасдиқловчи Султонга тегишли бирор буюм, унинг шахсий фойдаланган пичоғими, дастрўмолими ё бошқа ашъвий далилий нарсалари бўлса, Жалолиддин аввал бу буюмни юз-кўзларига суртиб, сўнгра ўпар ва шундан сўнг ўша фармонга ўз муҳрини босиб имзоларди“.

## ЧИНГИЗХОН ЭЛЧИСИ МАЛИКА ТУРКОН ХОТУН ҲУЗУРИДА

Муҳаммад Султон Хуросонга қочар экан, онаси Туркон Хотун билан Эронга қараб йўлга чиқиши ва ёш фарзандлари ҳамда набираларини олиб, мўғулларнинг оёғи етмас энг мустаҳкам қалъалардан бирига жойлашиб олиши тўғрисида кўрсатма берган эди. Хоразмшоҳлар хазинасини ҳам бутунлай ўзлари билан олиб чиқиш ва махсус соқчилик ҳарбий қисмлари кучайтирилган ҳолда қўриқлаб боришини таъкидлаган эди.



Хоразмшоҳ ва унинг йирик саркардалари учун тилла суви берилиб ишланган жанговар қурол-яроғ ва анжомлар.



Хоразмшоҳ саройида ваҳима ва парокандалик бошланганлигидан аниқ далил ва ишончли маълумотлар асосида хабардор бўлиб турган Чингизхон саройдаги парокандаликни мутлақ таназзул ҳолатига келтириб, бу жараёни тезлаштириш мақсадида Кўҳна Урганчга ўзининг ишончли вакили Ҳожиб Донишни жўнатиб, Туркон Хотун номига ушбу мазмундаги хоқон мактубини топширишни ҳам элчиси зиммасига юклади. Бу мактуб она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларга ғаламислик билан душманлик уруғини сочиб, уларни нифоққа тортиш орқали Хоразмшоҳ саройи ичида ўзаро уруш оловини ёқишга қаратилган эди. Мактуб мазмуни мутлақо шу мазмунга йўналтирилган эди. Унда бундай дейилади: „Сенинг ҳуқуқларингга нисбатан ўғлинг Муҳаммад Султон қанчалик нонқўрлик қилгани сенга маълум. Мана энди мен унинг айрим амир ва саркардалари билан келишиб олганим ҳолда ўғлинг Хоразмшоҳга қарши чиқмоқдаман, ҳатто урушни бошлаб ҳам юбордим. Лекин сенинг мулкларингга зарар етказмасликка сўз бераман. Бирор бойликларингнинг мўғуллар жангчиларига талон-тарож этилишига ҳам йўл қўймайман. Агар сенга менинг талаб ва таклифларим мақбул бўлса, менинг ишончли вакилим Ҳожиб Дониш билан ўз элчингни қўшиб менинг ҳузуримга жўнат. Мен сенга Хоразм, Хуросон ва Эронга тегишли ҳудудлардан мулкларингни тасдиқлаб беришни ўша юборган вакилинг билан келишиб олғаймиз. Ана шунда сенинг мулкларинг, бойликларинг муҳофазаси ва сенинг хавфсизлигингни таъминлаш менинг зиммамда қолади. Йўқ, аксинча бўлса, ҳеч нарсага — на ҳаётинг, на мулкларинг дахлсизлигига заррача кафолат бера олмайман“. Хоқон шайтоний айёрлик ва қувликда иблисга ҳам сабоқ берадиган устомон одам эди.

Манбалардан маълумки, Туркон Хотун ақлли ва доно сиёсатдон аёл — Малика бўлиб, шу боис Муҳаммад Султоннинг отаси Хоразмшоҳ Такаш замонида унга гўзал ва латофатли аёл бўлиш билан бирга, шоҳ куёвининг давлат сиёсат ишларига ёш келинчақлик давридаёқ аралашиб, оғир ташқи сиёсат, ҳарбий муаммоларнинг ечимини топишда эрига катта ёрдам ва ақлли маслаҳатлар бериб, саройда катта обрў орттирган эди. Кейинчалик бу обрў-эътибор уни ҳаволантириб, кибр ҳамда манманлик, ҳатто шоҳлардан ҳам узоқни кўра оладиган давлат арбоби, уларнинг ҳам ақл чироғи деган ғурурланиш мавқеига кўтарди. Сарой ва салтанатдаги биринчилик олий мартабасида мустаҳкам туриш ақли ва жисмини чирмовиқдай ўраб олди. Бу ҳиссиётлар жунбуши мавжланган сари ўғли Хоразмшоҳ обрўсига қанчалик путур ва шикаст етказётганлигини дастлаб билиб билмаганга олди. Бора-бора сув омборидаги кичик тирқишдан оқиб чиқаётган томчи ўпқон ҳосил қилганидек, она Туркон Хотун ва ўғли Муҳаммад Султон Хоразмшоҳ муносабатлари чуқурлашиб, сарой ва салтанат қарама-қарши қутб кучларига бўлиниб, бу Чингизхон ғалабасини таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга бўлди. Агарда, Туркон Хотун худо берган шу ақл ва сиёсатдаги илмларини ўғли Муҳаммад Султоннинг давлат ишларига кўмаклашиб, давлат, Ватан ва фуқаролар манфаати йўлида сафарбар қилганидами? Унда воқеаларнинг бориши фожиага эмас, юрт равнақиға хизмат қилган бўларди. Афсуски, сиёсат бобида катта ишлар қўлидан келадиган Туркон Хотунни дашти қипчоқликларга қабила ва уруғдошлик муносабатлари, қариндошчилик, маҳаллийчиликка хос биқиқлик хатолари юқорида қайд этилган ижобий фазилатларига дастлаб соя ташлаган бўлса, Чингизхон бостириб кириши арафаси ва босқинчилик урушини яшин тезлигида бошлаб юборган дамларда ўнглаб бўлмас хато қадамлар ташлаб, ўз сулоласи ва салтанатнинг ҳам жарга улоқтирилишига замин бўлди. Ҳамма даврлардаги тарихий жараён ва воқеалар шуни исботладикки, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик таъсири ҳукмронлик даъво қилган жойда тараққиёт ўрнини таназзул, инқироз эгаллайди. Бунини буюк салтанат яратиб, сўнгра тақдири ҳал бўлаётган паллада қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик курашларига берилиб,

улуғ давлатни заифликка олиб борган, сўнгра душманлари олдида аламли мағлубият доғида куйган ануштегин хоразмшоҳларнинг сулоласи яна бир карра исботлади.

Она билан Муҳаммад Хоразмшоҳ зиддиятлари фарзандларга, шаҳзодаларга мерос бўлиб ўтди. Акс ҳолда Узлоқшоҳ, Оқшоҳ, Пиршоҳ ва Рукниддин Гурсанжтилар ҳар бири 30—50 минг қўшинга эга бўла туриб, буюк саркарда, акаси Жалолиддин Мангубердидек беназир ва бетакрор лашкарбоши атрофида бирлашиб, унга қанот ва суянч бўлиш ўрнига, унга қарши душманлик байроғини кўтармаган бўлур эди. Чингизхон ҳам уларни алоҳида-алоҳида қўлга олиб, одамзод кўзи кўриб қулоғи эшитмаган азоб-уқубат жазоларини бера олмаган бўлур эди. Уларнинг ҳар бирини хоқон жаллодларига рўбара қилиб, ўлимга маҳкум этилганларини эшитганида Жалолиддин Мангуберди укаларининг барчаси душманлик жабҳасида турган бўлишларига қарамай, жигарларидан ажралиб қанчалар азоб тортиб, диллари вайрон бўлди. Йиғлаб-йиғлаб, кўзларидан шашқатор оққан ёшларини ҳатто энг яқинларига кўрсатмай, билдирмай пинҳон тутди. Негаки, муғулар билан жангу жадалларда „бўлинганни бўри ер“ қабилда укаларидан бирортаси қайсидир вилоят ёки қалъадан асир олинганлигини эшитганида юрагининг бир парчаси узилгандек, хоразмшоҳлар саройининг бир устуни қулагандек бўларди, бу қилғилик, сиёсий кўрлик ва ғўрлик улар, яъни укалар содир этган барча қилғиликлар учун азоб-уқубатларнинг заҳар-заққум хирмони ҳосилидан келган зарарларнинг касофати Жалолиддинга зарба бўлиб тушарди. Бунда укаларни акага қарши қўювчи яроқсиз тарбия усулини қўллаб ўстириб, вояга етказган буви — Туркон Хотуннинг айби катта эди. Туркон Хотунга Хоразмшоҳнинг онаси, невараларнинг бувиси сифатида улуғ жангга фарзандини ҳам, невараларини ҳам Тўмарисона майлда она-Ватан рамзига айланиб, оилавий саркардаларни битта куч, битта залварли мушт қилиб Чингизхон ва унинг фарзанд ҳамда саркардаларига қарши урушга жўнатишдек бахт насиб этмади. Шу буюк ишни амалга оширганида Тўмарис момонинг XIII асрдаги бетимсол ворислиги Туркон Хотуннинг тимсолига ўтган бўлурди. Аммо қилган гуноҳли ишларига лойиқ тарихнинг олтин саҳифаси Туркон Хотун Ватан, халқ манфаатидан қандай юз ўтирган бўлса, ундан ҳам худди шундай юз ўтирган эди. Халқимизнинг: „Экканингни ўрасан“ ҳикмати ҳам худди шудир. Она ва ўғилга мозий тавқи лаънат лаҳвасини чекди. Туркон Хотун Ватанини тарк этиб, Хуросон ва ундан Эрон ҳудуди сари йўл олди. Ўзи билан келинлари, неваралари, Хоразмшоҳнинг хазинасини олиб сафарга отланар экан, унга яна бир махфий топшириқ берилди. У босиб олинган 30 га яқин мамлакатларнинг ҳукмдорлари фарзандларини Кўҳна Урганчда гаровда сақланаётган жойидан бирга олиб кетиши лозим эди. Жайхунни кечиб ўтиш чоғида уларнинг барчасини ўлдиртириб, жасадларини дарёга ташлатиб юборди. Улар ўзларининг қандай гуноҳлари учун қатл этилаётганлигини ҳам била олмай, бу оламни ғам-алам билан тарк этдилар. Шундан кейин Туркон Хотуннинг катта сафар карвони Илол қалъаси томон йўл олди. Ўша қалъага яқин қолганида қалъага бориш йўлини яхши билган вазири Муҳаммад ибн Солиҳ билан Язир ҳокимининг ўғли Умархон ҳам қатл этилдилар. Шу билан хазина ҳақида маълумотга эга бўлган ишончсиз ва гумон қилинган одамлардан йўл-йўлакай воз кечиб борилди.

## ХОРАЗМШОҲ ОИЛАСИ ВА БОЙЛИГИ ЯШИРИЛГАН ҚАЛЪА ЗАБТИ

Илол қалъасига атайлаб тунда етиб келинди. Хоразмшоҳнинг 20 миллион динор олтин пули, тўлиқ бир карвонга юк бўладиган 1000 боғлам атлас, шойи ва бошқа нафис, қимматбаҳо матолар, шунингдек, қимматли тошлар, қуйма олтин ва тила буюмлар — бойликнинг барчаси қалъа ичига яширилди. Сирасини айтганда, Хоразмшоҳ дунёнинг энг бой ҳукмдорларидан

эди. Аммо энди бу бойликларнинг на Хоразмшоҳга, на Туркон Хотунга сариқ чақалик фойдаси йўқ эди. Илол қалъасига Хоразмшоҳнинг бутун оиласи, онаси бошчилигида катта карвон бўлиб кириб келганлигининг эртасигаёқ мўғул қўшини улар кетидан етиб келди. Улар Хоразмшоҳнинг оиласи ва бойликлари ҳақида ҳамда уларнинг Илол қалъасига қараб кетаётганлиги ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлган эдилар. Шунинг учун кеча-кундуз суворий қўшинлар изма-из улар кетидан етиб келган эдилар. Хоразмшоҳ хазинаси шу ерда яширилганлиги учун, бирорта инсон қалъадан чиқиб кетмаслиги учун Турон ва Хуросон шаҳарларидан минглаб асирлар олиб келинди. Қўшин ва асирлар Илол қалъасини ташқи томондан баланд девор билан ўраб олишга киришдилар. Шу йўл билан Илол қалъасини бирданига олишга шошилмай, аввало, уларни ташқи дунё билан алоқасини бутунлай узиб ташлашди. Шундай қилиб қилни қирқ ёрувчи одамлар ҳам бу қалъадан чиқиб кетолмайдиган ҳолга келтирилди.

Илол қалъаси Шарқ оламида мустаҳкамлиги жиҳатидан энг машҳур қалъа бўлиб, Чингизхон: „Агар Хоразмшоҳ оиласи ва дунёга машҳур хазинасига изма-из тушиб етиб олиш имкони бўлмаса, албатта, улар ғоят мустаҳкам қалъалардан бирини танлаб, ўша жойга бойликлар яширилади. Ундай ҳолатда уни қамал қилишга шошилмай, унинг атрофини деворидан ҳам баланд девор қуриб ўраб олинглар. У ердан нафақат одам, балки бирорта зог ҳам учиб чиқа олмасин. Хоразмшоҳ хазинасидан битта динор йўқотилмай, менинг қароргоҳимга элтинглар“ тарзида қўшини саркардаларига буйруқ берган эди. Демак, хоқон Хоразмшоҳ оиласи учун нима сабабдан ўша қалъа танланганлиги бежиз эмаслиги, унга олдиндан озиқ-овқат, жанговар қурооллар кўп миқдорда тўпланиб, сўнгра бутун оиласи, бойлигини шу ерда махфий сақлашини билиб олган. Чингизхон жосуслари ернинг тагида илон қимирласа, ундан ҳам хабар топадиган изқуварлар бўлганлар.

Қалъанинг афзал томонларидан яна бири душман бу қалъани қанча вақт қамал қилса-да, тўрт фасл давомида доимо ёмғир ёғиб, сув танқислиги бўлмаган. Бу эса узоқ вақт ҳимояланиш имкониятини берарди. Кўпинча душманларнинг тинкаси қуриб, қамалдан воз кечиб, кўплаб талафотлар кўриб қайтиб кетганлар. Бироқ, аксига олиб, бу сафар ва бир сафар табиат мудофаачилар зарарига, Чингизхон қўшинлари ғалабасига хизмат қилди. Илол қалъаси тўрт ой қамал қилинди. Авваллари доимо ҳар ойнинг ҳар ҳафтасида ёғадиган ёмғирдан ҳеч дарак бўлмай, қалъа ҳимоячиларининг сув захиралари тугаб қолди. Чанқоқлик шундай азоб берганки, жангчилар тик туришга мажоллари келмаган, чанқоқ азоби ҳамма нарсадан ёмон ҳодиса. Қалъа саркардаси ва қутволи таслим бўлишдан бошқа иложлари қолмай, мўғулларга дарвозаларни очишга мажбур бўлишган. Шу тариқа Туркон Хотун ва Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг хотинлари, кичик фарзандлари ва неваралари барчаси мўғулларга асир тушишдан ўзга чора топмай, тақдирга тан берадилар. Дарвоза очилиб, мўғуллар қалъага ёпирилиб кириши билан мўъжиза рўй бериб, шаррос ёмғир ёға бошлаган. Бу ҳодисадан сабр қилмаганига минг бора пушаймонлар бўлган Хоразмшоҳ оиласи ув тортиб йиғладилар. Аммо энди бўлар иш бўлиб, қалъада мўғуллар ҳукмронлиги ўрнатиб бўлинган эди.

Мўғуллар дастлаб Хоразмшоҳ оиласини ҳимоя қилган соқчи қўшин ва мудофаада иштирок этганларни битта қолдирмай қиличдан ўтказдилар. Сўнгра навбат Хоразмшоҳ оила аъзоларига келди. Чингизхон буйруғига кўра, Туркон Хотун ва унинг битта кичик невараси қолдирилиб, қолган кичик фарзандлари, невараларининг барчаси ҳалқумидан бўғизланди. Туркон Хотун ва маликалар невараларининг бундай азоб ва таҳқирлар билан ўлдирилиб, сўйилишларига бардош беролмай сочларини юлиб, юз-кўзларини тимдалаб, йиғлаб,

хушидан кетиб йиқилишар, улар хушига келтирилгунча бўғизлаш тадбири тўхтатилиб, хушига келгач, яна давом эттириларди. Туркон Хотун бу ваҳшиёна азобларни кўргунча аввал мени ўлдиришлар, дея жаллодлар қўлига ёпишиб зор йиғлади, ёлворди. Жаллодлар унга парво ҳам қилмай, ўз ишларини зўр иштиёқ ва ҳафсала билан амалга оширишда давом этдилар. Мўғуллар жаллодлари Чингизхоннинг бу топшириқларини бажариб бўлгач, Туркон Хотундан бойликлар қаерга яширилганлигини сўрадилар. Энди Туркон Хотун учун бу бойликлар кимнинг қўлида бўлиши аҳамиятсиз эди. Негаки, қолган умри неча куну неча соат, уни Чингизхоннинг оғзидан чиққан битта сўз ҳал қиларди. Атрофидаги келинлари, канизаклар, уларга яқин хотин-халажлар ва ёнидаги битта бўғизланмаган невара улар нимага тирик қолдирилганлигининг сирини билмасди. Аёллар тақдирини фикран билса бўларди. Улар салтанатнинг гўзал ва латофатли аёллари, уларни Чингизхон саркардалари ва шахзодалар ўртасида тақсим қилиб юборади. „Бироқ, ёшим бир жойга бориб қолган мен ва битта қолдирилган неварамни Чингизхон ўз кўзи олдида тириклайин теримни шилдириб роҳатланмоқчимикан?“ Ўша ўй-фикрлар Туркон Хотунга қаттиқ азоб берди. Бойлик ва салтанат хазинаси яширилган жойни эса ортиқча қаршиликсиз кўрсата қолди. Бу беҳисоб бойликлар ва тилла буюм ва қўйма олтин ҳамда қимматбаҳо тошлар баҳоси шунчалар катта эдики, бир мамлакат аҳолисини ишламасдан бир неча йиллар боқишга етарди. Барчаси от ва туяларга ортйиб, Чингизхон хузурига жўнатилади. Бу қарвонда Хоразмшоҳ онаси ва аёллари, келинлари бойликнинг таркибий қисми сифатида рўйхатга олинган, хоқонни хурсанд қиладиган нодир совға сифатида олиб кетилмоқда эди. Уларни Чингизхон қароргоҳида ғоят ачинарли қисмат кутарди. Шундай бўлди ҳам. Хузурига келтирилган Муҳаммад Султон аёлларидан энг ёш ва гўзалларидан бир нечтасини Чингизхон ўзига танлаб олди. Қолганларини қароргоҳининг қўриқчи қўшин саркардалари ва бошлиқларига тортиқ қилди. Шунингдек, уларга қайнонаси Туркон Хотун бошчилигида шундай талаб қўйилди. Чингизхон қўшинлари Хуросон ва Эрон ҳамда Хоразм воҳасини тўла босиб олгунига қадар хоқоннинг кўчма ҳарбий қароргоҳи қаерда ўрнатилса, унинг ёнида тикланган чодирда яшаб, Чингизхон қўшини қайси вилоят, Хоразмшоҳ салтанатига тегишли катта шаҳарлардан қайси биринидир эгаллаганлиги хабари хоқонга етказилиши билан улар хоқон қароргоҳи олдида Чингизхонни бу ғалаба билан табрикловчи олқишлар билан шарафлаб, Муҳаммад Султоннинг ҳар бир мағлубияти учун кейинги навбатда уввос солиб, сочларини юлиб, бетларини тимдалаб йиғлашлари, яъни ғалабани шарафлаб, мағлубиятлар учун мотам маросимини ана шу тарзда ўтказишлари керак эди. Эрон эгаллангач, Чингизхон кўп вақтини Пекин ва Қорақурумдаги қароргоҳида ўтказадиган бўлди. У Туркон Хотун ва унинг неварасини ҳам ўзи билан олиб кетди. Чингизхоннинг қароргоҳи ўнг томонида яхши кўрган ити сақланса, чап томонидаги тикилган чодирда Туркон Хотун ва невараси тутқунликда сақланди. Буви ва неварага итидан қолган чиқинди овқатлар бериларди. Невараси Туркон Хотуннинг ёнидаги ягона овунчоғи эди.<sup>1</sup> Орадан бирон йил ўтгач, хоқон соқчилари неварани бувиси бағридан юлиб олиб, хоқон буйруғига кўра жаллодга топширдилар. У неварам ёнимда қолсин дея зор

<sup>1</sup> Изоҳ: Туркон Хотуннинг неваралари жуда кўпчилик бўлган. Чингизхон лашкарлари томонидан Илол қалъасида Хоразмшоҳ оиласининг маликалари, уларнинг фарзандлари (бундан катта саркарда ўғиллари мустасно), кичик ўғиллари, набиралари барчаси асир олинди. Хоразмшоҳ аёллари мўғул саркардалари ўртасида тақсимланди. Қиз набиралари, ўғил фарзанд ва набиралари барчаси бўғизланди. Туркон Хотун Қорақурумга асира қилиб олиб кетилар экан, фақат битта набираси бувиси билан тирик қолдирилди. Аммо, орадан бир йил ўтар-ўтмас у ҳам бувиси бағридан юлиб олиниб, жаллодга рўбару қилинди. Бу набирани Жалолиддиннинг Синд дарёси соҳилида қатл этилган фарзандлари билан чалкаштирмаслик керак.

йиғлади. Аммо, унинг бу дардли, фарёдли йиғисини ҳеч ким эшитишни истамади. Шундан сўнг Туркон Хотун руҳий азобларга учраб, барча ҳақоратларни бошидан кечириб, дунёга келганига, бошига шу кунларни солганларга минг ланъатлар айта-айта кучдан қолди, тез қарий бошлади. Ит қаторидан ҳам пастдан жой олган, қуллиқ ҳақоратларига охир-оқибат кўникиб, худодан тезроқ ўлим йўллашни сўраб, 1233 йилгача ана шу ҳолатда яшади. Бу инсон хор бўлишининг энг сўнгги чўққиси эди.

## ВИДОЛАШУВ ВА СЎНГГИ ВАСИЯТ

Хоразмшоҳ Илол қалъасида онаси ва кичик фарзандларининг мўғуллар томонидан қўлга олинганлиги ҳамда ўғил фарзанд насллари қатлини эшитиб, адойи тамом бўлди. Соатма-соат аҳволи ёмонлашиб, ўлими муқаррар яқинлаша бошлади. Видолашиб қолиш учун ўғилларини чақиришни ходимларидан илтижолар қилади. Саройнинг икки ходими — Шамсиддин Маҳмуд ибн Ёлоқ ва сарой ётоқхона бошлиғи Муқориббиддин унинг ёнидан бир дақиқа ҳам жилмадилар. Жўнатилган чопарлардан отасининг оғир аҳволини эшитгач, ўғиллар йўлга тушдилар. Дастлаб Жалолиддин Мангуберди, сўнгра бирин-кетин Узлоқшоҳ, Оқшоҳ, Пиршоҳ ва Рукниддин Ғурсанжтилар етиб келишди. Ўлим тўшагида ётган Хоразмшоҳ ўғилларини кўриб анча ўзига келгандай бўлди. У ўғилларимни кўриш насиб этармикан, деган хаёлда уларнинг етиб келишини интиқ бўлиб кутарди. Ота ва фарзандлар анча пайтлардан бери шундай бир жойда учрашмаган эдилар. Ўлими олдидан видолашув васиятларини қийнала-қийнала айтишга киришди: „Салтанатда ҳукмронлик иплари узилди, давлат асослари кучсизланди ва оқибат емирилди. Бу ғаним душманларимизнинг асл мақсадлари нималиги энди аниқ аён бўлди, унинг тирноқ ва тишлари мамлакат баданига қаттиқ ботди. Мен учун улардан албатта қасос ола оладиган ўғлим Жалолиддин Мангубердидир. Гарчи кеч бўлса ҳам, мен ўз хатоимни тўғрилаб, кўзим очиқлигида уни қонуний тахт вориси қилиб тайинлайман. Қолган тўрталовингиз яхшилаб эшитиб олинглар, Узлоқшоҳ, Оқшоҳ, Пиршоҳ ва Рукниддин, қулоқларингизга ушбу сўзларимни яхшилаб қуйиб олинглар. Гина, гап-сўзларга чек қуйиб, аканг Жалолиддин Мангуберди фармонига бўйсуниб, унинг қаноти остида жанг қилсангизлар ҳали ҳам мўғулларни юртдан ҳайдаб чиқарадиган кучларингиз ихтиёрингизда бор. Мен бувингиз қистови билан Узлоқшоҳ сени тахт ворисим деб фармон бериб, адолатсизлик қилдим, ҳақиқатни ҳимоя қила олмадим. Бунинг оқибатида мен бутун оиламдан, салтанатимдан ажралдим. Сенга Такаш бобонгдан мерос қилиб қолдирилган ва мен белингга тақиб қўйган қилични аканг Жалолиддин Мангубердига ҳозироқ ечиб бер. Мен сени валиаҳдликдан тушириб, адолатни тиклаб, у дунёга бемалол кетмоқчиман. Бу менинг ҳам ўлимоқди васиятим, ҳам сўнгги фармоним. Уни аканг Жалолиддиннинг белига тақиб қўй.“ Шу сўзларни айтиб Муҳаммад Султон ўрнидан туришга уринди. Мулозимлари уни суяб турғаздилар. Кўз ёшлари дув-дув оқаётган ота қўллари қалтираб оғир қилични Узлоқшоҳ белидан ечишга интилгандай бўлди. Мулозимлар ёрдамлашиб, ечиб олдилар. Муҳаммад Султон қиличга бир зум тикилиб турди-да, уни ўпди ва Жалолиддинга қараб „Такаш бобонг эришган зафар сенга ёр бўлсин, шунда унинг руҳи шод бўлади, у билан мўғулларга қирон келтир, токи мен ҳам гўримда тинч ётай, менинг хатоларимни албатта сен тўғрилай оласан. Бор ишончим, умидим сенсан, сендай шер ва арслон ўғлимнинг сўзларига кирмай сўқирлик қилдим“. Шу сўзларни айтиб, Хоразмшоҳ бўшашиб, нафас олишлари қийинлашиб, кўз қорачиқлари кенгайгандек алланечук ҳолга туша бошлагач, дарҳол уни ётқиздилар. Жалолиддин

отасини кучоқлаб, бағрига босиб: „Отажоним, падарим, хотиржам бўлинг, ҳали сиз яшайсиз, тожу тахтингизни лаънати мўғуллардан олиб бераман, салтанатингизда яна узоқ йиллар ҳукмдорлик қиласиз. Ўзингиз шунга гувоҳ бўласиз, мана кўрасиз.“ Забардаст ўғил кўлида шу сўзлардан осойиш-оройиш олган Муҳаммад Хоразмшоҳ худди алла оҳангидан уйқуга кетган боладек Жалолиддин Мангуберди елкасига бошини қўйганича абадий уйқуга кетди. Бу Ватандан узоқда, кимсасиз оролдаги фожиали ўлим эди. Муҳаммад Султонга унинг жасадини ўз саройида улкан маросим тадоригини ўтказиб қабрга кузатиш эл-юртга насиб этмади. Уни кўмишда иштирок этувчилар 10 кишига ҳам етмади. Шоҳни, дунёнинг йирик салтанати ҳукмдорини кўмишга кафан топилмади. Шошганда лаббай топилмас деганларидек, катта ердан келганлар уни олиб келишни хаёлларига ҳам келтирмагандилар. Бунинг устига замон нотинчлиги, мўғуллар босқинидан замин уяси бузилган арилардек тартибсиз, аралаш-қуралаш, алғов-далғов ҳаёт, ким қаёққа бошни яшириши билан оворайи сарсонгарчилик. Ҳеч ким, ҳеч кимдан ҳеч нарса умид қилиб, мадад кутмаган ва кута олмайдиган ваҳима, ўлим бўрондаги ҳаракатланаётган булут қуёнидек Эрону Турон заминни ўз домига тортган.

Исломиё дафн маросими удумларига путур етмасин, деган андишада Муқориббиддин Султоннинг қўйлагини узунасига қирқиб, кафан ҳолига келтириб, Муҳаммад Султон жасадини шунга ўраб, гўрга кўмишга мажбур бўлдилар. Яратган парвардигор бундай хор-зорликдаги ўлимни ҳеч кимга раво кўрмасин.

Жалолиддин Мангуберди отасининг қабрини кучоқлаб йиғлар экан: „Падари бузругим, шундай борса келмас жойларда сизни қолдириб кетмайман, шоҳона мақбара қуриб, уни кўпчилик зиёратгоҳ қиладиган табаррук жойга айлантираман, руҳингиз шод бўлсин, отажон, жойингиз жаннатдан бўлсин, деб дуо қилиб, кемаларга ўтириб отанинг дўппайган қабрига қарай-қарай катта ер томон сузиб кетдилар. Ушбу дафн маросими 1220 йилнинг декабрь ойи охирларида бўлиб ўтди.

... Шу билан озодлик ҳаракати ва мустақиллик учун курашнинг янги саҳифаси очилди. Бу улғу жанг палласининг ҳал қилувчи босқинчи бошланганлигини билдирар эди. Буюк бобоси Такашнинг машҳур қиличини отасидан қабул қилган Жалолиддин Мангуберди мўғулларнинг қуллик истибдодига қарши жанг яловини кўтарди. Муҳаммад Султон отасининг „албатта ғанимлардан сенгина қасос ола оласан“, „бобонг бу қиличда душманлари устидан доимо зафар қучган“ деган ишонч билан айтган сўзлари, ўғлига „ғалаба сенга ёр бўлсин“ деган дуолари уни курашга ундади. Ана шундан Жалолиддин Мангуберди йўлбошчилигида жасорат ва шон-шарафга бурканган буюк қаршилиқ ҳаракати бошланди. Бу курашларга Ватан ва жаҳон тарихи илми ўзининг оддий саҳифаларини эмас, минг йилликлар мозий воқеаларининг ҳайратомуз ҳодисаси сифатида олтин саҳифаларидан жой ажратиши адолатдан эди. Аммо, мустамлакачилик мафкурасига бўйсундирилган тарих илми Шўролар даври таълим-тарбия андозасига бўйсундирилиб, Жалолиддиннинг буюк жасоратга чулганган кураши ва ҳаётини тарихий адолат ва ҳақиқат билан ёритишга имкон бермади. Ана шу тарихнинг улғу сиймоси ва озодлик йўлбошчиси, буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг жаҳон тарихида тутган ўрнининг халқдан пинҳон сақланган ва пўлат сандиқларда тақиқ ва махфийлик белгиси босилган ҳужжат ва манбаларни тарихнинг қатъий ҳукми билан, Мустақиллик деб аталмиш буюк ҳодиса берган имконият туфайли Ватан солномасининг олтин саҳифасидан жой олди. Бу ҳақиқатнинг адолатсиз фирром сиёсатга асосланган жамият устидан чинакам ғалабаси эди.

## ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

### Хоразмшоҳнинг хору зорликда вафоти ҳақида қайд этилган манба

„Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Қорундеж ва Илол қалбаларининг босиб олинганлигини, онаси, хотини ва фарзандларининг асир олиниб, ўлимга гирифтор бўлганидан воқиф бўлгач, ҳайратининг дуди бошини чулғаб, беҳуш йиқилди. Юракни ҳуркитувчи бу даҳшатли ҳолатдан ошпуфтадил Султон хабар топди. Жонидан фарёд овози чиқди, зорланиб йиқилди ва ҳушидан кетди. Яна ўзига келганида, хаста танидан мўйларини юла бошлади. Гам қўли жони ҳалқумидан олган эдики, мисли кўрилмаган бу дармонсиз дарддан ўлди.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг хизматидаги қолган мулозимлари намак андешалик қилиб, унга ҳамроҳ бўлдилар. Қанча уринишмасин, кафан топа олмадилар. Бинобарин, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳни ўзининг кийиб юрган кийимида дафн қилдилар“.

Қудратидан аёнки, шоҳ ўлимига марсия ҳатто қасд қилиб тақдир,  
Унга қарши чиқса гар, ўзи ожиз қоладир!  
Мана чиқди олдидан, ғазабкор маъбуд — Ажал,  
Ва қиличини кўтарди, қону жонига маҳтал.  
Унинг мулозим қуллари беролмай ёрдам,  
Қолди ажал қошида бари ожиз, боши хам.  
Дунёнинг ишлари шу: ким кўрсатса зўрини,  
Тақдир бирма-бир ушлаб, сўлдиражак барини!

*Ан-Насавий*

## КАЛОЛИДДИНГА ТАЙЁРЛАНГАН ФИТНАЛАР ТҶРИ ВА ТУЗОҚ

Отаси Муҳаммад Султонни шошилиш дафн қилган Жалолиддин Мангуберди ва унинг укалари оролни тез тарк этдилар. Зудлик билан пойтахт Кўҳна Урганчни мудофаа жангига тайёрлаш лозим эди. Жалолиддин Мангуберди, Узлоқшоҳ, Оқшоҳ, Пиршоҳ, Рукниддин Ғурсанжтилар — беш ака-ука шаҳзода, беш навқирон саркардалар салтанат юраги бўлган она шаҳри Кўҳна Урганч сари от сурдилар. Улар мўғуллар бу шаҳарга етиб келмасдан, шаҳарга етиб боришлари лозим эди. Энди васият ва фармонга кўра Жалолиддин Мангуберди қонуний тарзда отасининг тожу тахти вориси бўлди. Укалари ҳар қандай шароитда акаси Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг фармону буйруқларига бўйсунуишлари лозим эди. Бироқ, минг афсус, улар на ота васиятига амал қилиш, на Жалолиддиннинг ўнг ва чап томони қўшинларига бош бўлиб, мўғулларга ҳамжиҳатликда зарба бериш мақсадида бораётганлари йўқ эди. Улар дашти қипчоқлик амаки ва тоға, жиян саркардалари билан бирлашиб, акаси Жалолиддинга қарши фитна уюштириш, отаси фармонини рад қилиш учун от суриб борардилар. Улар буни Кўҳна Урганчга етиб боргунча акадан қатъий сир тутдилар.

Бу пайтга келиб шарқнинг энг гўзал шаҳри сифатида дунёга донг таратган Кўҳна Урганч, муқаддас макон, ҳар қарич ери кўзга тўтиё замин ҳаёти хавф-хатар остида бўлиб, шаҳарда ваҳима тўла ҳукмронлик қиларди. Шаҳар аҳолиси орасида миш-мишлар тўхтамасди. Ҳар бир тунни беҳаловат ўтказиб, тонгни кўрқув билан қаршилаш одатга айланди. Шаҳарга кириб келаётган карвондаги одамларми, савдогар ёки сайёҳ бўлсин мўғуллар ваҳшийлиги, уларнинг қайси вилоят ва шаҳарни олиб аҳолисини бутунлай қириб ташлагани, яқин кунларда

Чингизхоннинг ўзи бошчилигида сон-саноксиз лашкар Кўҳна Урганчи қамалга олиши ҳақида бир-бирдан ёмон шум хабарлар етказардилар. Бу табаррук заминда Хоразмни дунёга танитган не-не буюк зотлар етишган эди. Ўрта асрларда Уйғониш даврининг улуғ аллома ва даҳлари математика, астрономия, жуғрофия, тасаввуф, мантиқ, тиббиёт, фалсафа, шунингдек, бошқа фанларнинг кашшофлари ал-Хоразмий, Беруний ва шу буюк олим таклифи билан Кўҳна Урганчда „Илми тиб ал-қонун“ ва бошқа кўплаб жилд китобларини йигирма йил яшаб илмий ижод қилган Ибн Сино, „Оллоҳнинг қўшниси“ унвонига сазовор Замахшарий, Шайхул-Валитарош дея улуғланган Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Валад, Жалолиддин Румий, Паҳлавон Маҳмуд каби юзлаб, минглаб алломай замон тафаккур эгалари бўлган буюк зотлар улғайиб ўсган, қадами теккан ва ижодига илҳом ва имкон берган шу маскан эди. Уч қитъа карвонлари Кўҳна Урганч карвонсаройида учрашиб, яна дунёнинг турли мамлакатларига шу бағри кенг, саховати Жайхун янглиғ бисёр, халқи Хотами тойдек кўнгли, қўли очиқ юртдан йўлга отланардилар. Жаҳон савдо ва иқтисодий ҳамда фан, маданият, санъат маркази эди бу шаҳар. Энди мўғуллар ажал кўзини ва ўлим тилларини шу шаҳарга қаратган. Бундай дунё маънавияти ўчоғига ажал уруғини сепиш-у, олов дўзахини қуондай ёғдириш у ёқда турсин, ювуқсиз афт-башара ва қўл билан қадам босишнинг ўзи гуноҳи азимлигини Гўби чўлларидида ўсган мўғул қаердан ҳам билсин. Даврнинг энг буюк фан, мадраса ва имон булоғини улашаётган эътиқод ўчоғи масжидлар қадрини улар қаердан билсин. Улар учун булар аҳамиятсиздир.

Энди эса шу кунларда жаҳон устахонаси даражасига кўтарилган ҳунармандчилик ишхона ва дўконлардаги қўли гул усталар, газлама тўқувчи ҳунарманду косиблар, мадрасалар ва бозорлар, жамоат жойлари-ю, давлат бошқарув идоралари, кўча-куй, маҳаллаю гузарлар, қўни-қўшни — ҳамманинг қўли ишдан совиб, дув-дув ва миш-миш гап. 7 яшардан 70 яшаргача ҳамманинг оғзида мўғулларнинг ана келди, мана келдиси. Ҳаммадан тинчлик ва хотиржамлик юз ўтирган, шаҳарда тушкунлик ҳукмрон. Айниқса, дастлаб пойтахтни ўз ҳолига ташлаб Хоразмшоҳнинг чиқиб кетиши, сўнгра кўч-кўрони ва хазинасини олиб Хоразмшоҳ оиласининг Туркон Хотун бошчилигида катта карвон бўлиб, намойишкорона халқни ўз ҳолига ташлаб кетиши шаҳар аҳолисида ёмон таассурот қолдириб, шаҳар ҳаётини таназзул ёқасига келтирди.

Шундай фаромушлик ва тушкун кайфият пойтахтни қора булутдек босиб, қўнгилларга чироқ ёқса ёришмай турган бир пайтда саркарда, халқ севган ва суйган шаҳзода Жалолиддин Мангуберди Кўҳна Урганчга келаётганлиги хабари тарқалди. Бу мисли чақмоқ чаққандек шаҳарга тез ёйилиб, шаҳарликларнинг зимистон қалбларини ёриштириб юборгандек бўлди. Аҳоли руҳиятидаги тушкунлик ва синиқлик улар жисму танини тарк этиб, шодлик, қувонч олиб келди. Шаҳарликларнинг моли-жони омонлик топадигандек умид ҳосил қилди. Бироқ, буюк саркарда келишигача дашти қипчоқлик саркардалар шаҳзода (эндиликда эса шоҳ) га фитналар тўрини мустаҳкам қилиб тўқиб, унга қўйилган тузоқни пухта ўрнатиб қўйган эдилар. Улар аввалроқ ҳам Жалолиддин Мангубердини ва устози Темур Маликни йўқ қилиш режасини пухта ишлаб чиққан эдилар. Фақат унга рақиб бўлган укаларининг етиб келиши кутилди. Уларнинг режасига кўра, Жалолиддинга жуда ғайри ва ганимлик жабҳасида ашаддий турган ё Пиршоҳ, ёки Узлоқшоҳни тожу тахт ҳукмронлигига кўтармоқчи эдилар. Қайси бирини танлаш эса уларнинг етиб келишидан сўнг ҳал қилинадиган бўлди.

Ҳамма нарсадан тез хабар топадиган Узлоқшоҳнинг тоғаси саркарда Қутлуғхон Жалолиддин Мангубердига отаси ўлими олдидан шоҳлик тахтини эгаллаш фармони берилиб, тожу тахт муҳри ҳам унга тақдим этилганлигининг хабарини олди. Фармон ва Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ васияти шаҳар аҳолисини саройолди майдонига йиғиб эълон



қилиниши лозим эди. Қутлуғхон шу кечаси Дашти Қипчоқ саркарда ва аркони давлат олий амалдорларини йиғиб, Узлоқшоҳ иштирокида махфий кенгаш чақирди. Бироқ, уларнинг қораният ва мақсадларидан Темур Малик огоҳ эди. Аммо ўзини яхши муҳофаза қилган ҳолда ҳеч нарсадан хабарсиздек бўлиб юрди. Қутлуғхон бошчилигидаги фитначилар Узлоқшоҳдан Муҳаммад Султон Узлоқшоҳни Хоразмшоҳ валиаҳди деб эълон қилдирган фармонини бекор қилиб, ҳатто бобомерос қилични олиб Жалолиддинга топширганлигини билиб олди. Улар ўша махфий кенгашда эрталаб халққа фармон ўқиб берилмасдан шу кечасиёқ Жалолиддин Мангуберди ва устози Темур Маликни ўлдириб, жасадларини Жайхун дарёси музи тагига чўктириб юборишга келишиб олдилар. Бу ишни амалга ошириш учун Кўҳна Урганчдаги қўшинларнинг асосий кўпчилиги, жумладан, сарой Олий девони ҳам ҳозирда уларнинг амалдорлари, яқин қариндошлари ўзларига дахлдорлигидан вазиятни фитначи гуруҳлар томонига оғдиришга қатъий ишонч билан киришдилар. Суиқасд фитнаси ширин уйқунинг авж палласига белгиланди. Қишда туннинг узоқлиги боис фитнани пишиқ ва пухта амалга ошириш лозимлиги таъкидланди. Ватанпарвар кучларга қарши Дашти Қипчоқ саркардалари ихтиёридаги кучларни тайёр ҳолга келтириб қўйдилар.

Бу пайтда Темур Маликда Хўжанддан Сирдарё қўйи оқимиғача олиб борилган жанглардан 300 нафар баҳодир жангчиси қолган эди. Жалолиддин Мангубердида эса 45—50 та қоровул вазифасидаги мард йигитлар бор эди, холос. Пойтахтга келган куни Жалолиддинни кўриш ва унга хизмат қилишни орзу қилган яна 50 тага яқин паҳлавонсифат чайир йигитлар ҳам Жалолиддиннинг тарафида туришга аҳд қилган эдилар. Шундай қилиб икки улуғ саркардада 400 нафар қоплонга менгзаш баҳодирлар уларни ҳимояга олдилар. Темур Малик Жалолиддинни шу бугуноқ ярим тунда жанубий дарвозада ўзларига тегишли одамлар турганлиги, дарвозабон ҳам ўзлариникилар эканлигидан фойдаланиб, пойтахтни тарк этишга кўндирди. Акс ҳолда, 400 нафар йигитларимиз Дашти Қипчоқ саркардаларининг 45—50 минглик ҳужуми остида қолиши, фалокат нақд эканлигидан огоҳ этди. Шунда ҳам 400 жангчи гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб, ҳеч кимнинг диққатини тортмай шаҳардан чиқишга келишиб олишди. Эътиборни тортмаслик учун найза қуроллардан воз кечилиб, қилич ва гурзи каби қуроллар беркитилиб, совутлар устидан узун чакмон, пўстин, оддий одамлар кийими кийиб олинди.




## ШАЙХУЛ-ВАЛИТАРОШ ҲУЗУРИДАГИ СЎНГИ ДИЙДОРЛАШУВ

1221 йил январь ойининг охириги ҳафтаси шанба куни ярим тунида Жалолиддин ва Темур Малик ҳарбий бўлинмалари шаҳарни шошилинч тарк этиб бўлдилар. Йўл-йўлакай устоз-шогирд саркардалар Нажмиддин Кубро дуосини олиб хайрлашиш ва бир неча дақиқа унинг ҳузурида бўлиш учун тўхтаб ўтдилар. Жалолиддин Мангуберди шам милтилаб турган деразадан боқди, пири комилнинг нуруний юзи кўринди. Дарвозани секин чертди. Валитарош шамни қўлига олиб ташқарига чиқди. Пири комил ўша онларда унинг ботиний ва лодуний илоҳий қуввати жунбушга келиб, шогирдининг келишини интиқ бўлиб кутмоқда эди. Устоз-шогирдлар анча йиллардан буён бир-бирларининг дийдорларини соғиниб яшардилар. Улар узоқ вақт кўришмаган ота-ўғиллардек бир-бирларини бағирларига олдилар. Сўнгра алпқомат Темур Маликни қучоқлаб, муборак қўллари билан елкаларини силади. Барча сўзлар тилда эмас, кўз ва дил орқали сўзлашилди, танадаги меҳр воситасида диллар маънавий-руҳий озуқа олди. Улуғ Шайх айни шу чоғдаги учрашув бу дунёдаги учрашувнинг сўнгисини эканлиги, кейингиси эса маҳшарга қолганини илоҳий туйғу билан англади. Уни



дилига туйди-ю, аммо тилига чиқармади. Буни ҳис қилиб турган устозу шогирдлар хайрлашдилар, ҳам видолашилди. Сўнгра Шайхул-Валитарош дуога қўл очди: „Оллоҳ сизларни ўз паноҳида асрасин, сафарларингиз бехатар бўлсин, қилич ушлаган қўлларингиз дард кўрмасин. Бошлаётган улўф курашларингизда парвардигор мададкор бўлсин, Омин, Оллоҳу акбар!“ Улуф Шайх эшиги остонасидан ҳар бирига бир сиқим тупроқ олиб улашди. „Юрагингизга яқин жойда маҳкам сақланглар, қаерларда, қаёқларга тақдир қисмати сизларни ташламасин сизлар шу Ватан, муқаддас юртнинг фарзандисизлар, шу Ватанни деб ўзларингизни жанг оловига урасизлар. Тез отланинг, ғанимларингиз ҳам ғимирлаб қолгани аниқ. Тонг ёришгунча Хуросон чўллари чегарасига етиб олишга улгуринг, саҳро шамоллари ва барханлари изларингизни яшириб, ғанимлардан ўзларингизни паналаб яширишга ёрдам беради. Қани шошилинг, арслонларим! Ватаннинг бемисл баҳодирлари, йўлларингиз бехатар бўлсин!“

Тун зулмати уларни бир зумда кўздан яшириб, гижинглаган тулпорлар Ватаннинг 400 баҳодир ва икки буюк саркардани бепоён Қорақум чўллари ичкари ҳудудлари сари олиб кириб кетди. Қоп-қоронғи тун ва изғирин қиш шамоли Ватан баҳодирлари изини ғанимлар кўзидан яширди. То отларни қишки совуқдан тер босиб, оғзи-бурнидан паға-паға буғ отилиб чиққунча жадал йўл босдилар. Улар отларига бир озгина дам бериб, яна йўлни давом эттирдилар. Улар Хуросоннинг Нисо шаҳри йўлига тушиб олишди.

Саҳардан дарак берувчи хўрозларнинг дастлабки қичқириғидан уйғонган Жалолиддинни йўқ қилиш ташкилотчиси 10 мингдан ортиқ лашкарини оёққа турғазиб фитна исёнини бошлаб юборган Қутлуғхон Кўҳна Урганчининг ҳар мавзе, кўча ва маҳаллалари, ҳукумат ва жамоат бинолари, Жалолиддин Мангуберди тунаш эҳтимоли бўлган жойларнинг титиғини чиқариб, саркардани ахтаришга жўнатди. Шаҳардан Жалолиддин Мангуберди дарагини тополмагач, Дашти Қипчоқ саркардалари барчаси Хоразм воҳаси шаҳар ва қишлоқларига ўз қўшинларини юбордилар. Аммо Темур Малик ва Жалолиддинни ҳеч қаердан топа олмадилар.



**ОЗОДЛИК ВА МУСТАҚИЛЛИК  
ЯЛОВБАРДОРИ —  
ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ  
„ЁВГА ЁЛИМ!“ ШИОРИНИ  
ЖАНГ МАЙДОНИГА ТИКДИ**



## НИСО ОСТОНАСИДАГИ ИЛК ИНТИҚОМ

Ҳар икки буюк саркарда ихтиёридаги 400 чоғли жангчилари билан 16 кун чўл ичида от елдириб Нисо шаҳридан 10—15 чақирим шимолда барханлар орасида ўзларига ҳам, отларига ҳам дам бериб, Нисо шаҳрида мўғуллар бор ёки йўқлигини билиш учун уфқ энди шафақ зарраларини шарқдан нишона кўрсатаётган гира-шира паллада иккита гуруҳдан иборат хабаргирларини жўнатишди. Шундан сал ўтмай саксовул панасида кумни ковлаб, чор атрофни кузатишга қўйилган соқчилар ўзларидан бир оз нарида отлиқ ҳарбий қисмлар пайдо бўлганини хабар қилишди. Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди дарҳол қўшинни шовқин-суронсиз жанговар ҳолга келтиришга буйруқ бердилар. Ҳамма нарса аниқ-ойдин бўлмагунча ҳеч ким, бирорта ёйчилар ўқ узмаслиги, отлар кишнаб юбориб билдириб қўймаслиги учун уларнинг оғзига боғлаб қўйиладиган ем тўрваларини илиб, отнинг жилови билан боғлаб туришга кўрсатма берилди. Уларнинг қайси қўшинга дахлдорлигини аниқлаш учун ҳар икки саркарданинг ўзлари хабар етказган соқчи билан эҳтиётликни таъминлаган ҳолда ўша томонга кетдилар. Темур Малик ҳам, Жалолиддин ҳам мўғулларнинг лашкарий қисмларини туғ ва байроқларидан яхши танир эдилар. Соқчилари яшириниб ётган панага ўтиб, саркардалар яхшилаб разм солиб, уларнинг мўғуллар лашкари эканлигини аниқ билиб олдилар. Зудлик билан ўша хабар берган соқчини яна орқасига қайтариб, отлиқ эмас, отларни етаклаб келишни топширишди. Шу пайтга келиб уфқ томон аввалгидан яхшироқ ёриша бошлаган эди. Уларнинг қўшинидан мўғулларнинг қўшини икки мартадан кўпроқ эканлиги маълум бўлди. Мўғуллар чўлда узоқ юриб чарчаганлиги ва туни билан йўл юриб уйқусираб бораётган айрим суворий мўғуллар от устида мудраб, чайқалиб бораётганлигининг гувоҳи бўлишди. Мўғуллар ёй ўқи бемалол етадиган масофага етиб келганида ҳам ҳужум қилинмади. Ватан баҳодирлари барханнинг бир томонида қаттиқ кузатиб турар, иккинчи томонида мўғуллар яқинлашиб келардилар. Бироқ, улар барханнинг паст тарафидан тонгги ширин уйқу таъсирида тартибсиз имиллаб ўтиб борарди. Жалолиддин ва Темур Малик қўшини барханнинг қарама-қарши тарафида турганча бир оз ҳужумдан тийилиб турдилар. Мўғуллар чамаси 50—60 метрлар ўтказиб юборилгач, орқа томонидан қуюндай ташланиб, ҳужумга ўтиладиган бўлди. Мўғуллар икки гуруҳ бўлиб, биринчи гуруҳдагилар орқадагилардан 100—150 метрлар олдинда борардилар. Икки саркарда шиддат билан отларига миндилар ва қиличларини қинидан суғуриб, қўлларини олдинга чўздилар. Бу ҳужум бошланганлигини билдирар эди. Саркардалар отга қамчи босиб шиддат билан олдинга ташландилар. Лашкар ҳам улар билан бақамти етиб келиб мудроқ, ҳеч нарсадан хабарсиз, чала уйқуда кетаётган орқадаги мўғуллар лашкарига ташланишди. Бу гуруҳдаги мўғуллар қиличини кўтаришга ҳам улгурмай бир ҳамлада қириб ташланди. Зум ўтмаёқ олдинги қисмда ҳали нима воқеалигини англаб улгурмаган мўғуллар устига зарб билан ташландилар. Шиддатли ҳужум мўғулларни шундай гангитдики, олдинги қисмдаги мўғуллар ўзларини ўнглаб олишига имкон берилмади. Шу тариқа қисқа муддатда мўғуллар бутунлай қириб ташланди. 5—10 та енгил яраланиб, асир олинган мўғулларни

Темур Малик ва Жалолиддин сўроқ қилдилар. Шундан кейин маълум бўлдики, Кўҳна Урганч ва бошқа шаҳарларга жўнатилган Чингизхон жосуслари Темур Малик ва Жалолиддин лашкари билан Нисо томонга кетгани ҳақида хабардор қилинган. Натижада, Чингизхон Марвдан Фарова вилояти ва Нисо тарафга гуруҳ-гуруҳ қўшинларни жўнатиб, Жалолиддин ва Темур Маликни қўлга олиш учун сафарбар этган. Бироқ, кутилмаган ҳужум туфайли улар ана шундай фалокатга учрадилар. Натижада, Нисо яқинидаги чўлдаги бу жангдан ҳеч бир мўғул қутулиб кета олмади. Мўғул асирлари бундай баҳодир ва абжир жангчиларни биринчи бор кўришлари эканлигини бир оғиздан эътироф этишган. Шундай оғир шароитда асирларни олиб юриш ноқулайлик туғдириши ҳисобга олиниб, шу ерда уларнинг ҳам баҳридан ўтишларига тўғри келган. Уларнинг йўл-йўлакай Хуросон қишлоқларининг аҳолисини қиличдан ўтказиб, ўлжа қилинган озиқ-овқат, мол-мулклари, қурол-яроғлари Жалолиддин ва Темур Малик жангчиларининг моддий таъминотлари ва қуролланишларини кучайтиришда айни муддао бўлди.

Ўлжа тилла буюмлар, тилла дирҳам пуллар Хуросон шаҳарларида лашкарий қисмлар тузишда жуда асқатар эди. Негаки, бу жангда жуда кам талафот кўрилишига қарамасдан, бундай оз сонли қўшин билан катта жанглар олиб бориб бўлмасди. Ҳали олдинда одам ақли бовар қилиб бўлмас даражада қирғинли, қиёмат жанглар кутарди. Вақт жуда зиқ, вазият ҳам, вақт ҳам Чингизхоннинг мутлақ фойдасига ишлаб турган бундай қалтис дамларда унга қарши тура оладиган қўшин тузиш ва уни даҳшатли жангларга олиб кириш шундай мураккаб ва оғир вазифа эдики, Чингизхоннинг ҳам асосий мақсади бор кучи, имконияти билан Жалолиддин Мангубердига айнан шундай имкониятни бермасдан, уни мажақлаб ташлашга қаратилган эди.

Кучлар нисбатининг энг мураккаб жиҳати Чингизхонда оммавий сафарбар этилган, жанг санъатини, тажриба ва маҳоратини мукаммал эгаллаган ўз даврининг энг уришқоқ ва жангари ҳаракатдаги 300 минглик қўшин, Мўғул ва Хитойда ундан ҳам кўпроқ захира лашкар тайёр эди. Унинг қўшини билан Жалолиддиннинг бир ҳовуч ҳарбий қисмини таққослаш, бу ақлга сифмас даражадаги нисбийлик миқдори эдики, бундай ҳарбий қисм билан бирор қўмондон ёки саркарда Чингизхонга қарши жангга боришга юраги дов бермаган бўлур эди. Жалолиддин заррача иккиланмай, Чингизхоннинг сон-саноксиз қўшини билан жанг қилишга қатъий бел боғлаб, ўзининг Хуросон халқлари билан тил топишиб, лашкарий қисмлари сонини ошириш ва кучли йирик қўшин туза олишига қатъий ишониб, ҳаракат бошлаб юборди.

Нисо яқинидаги дастлабки жангдаёқ Жалолиддин Мангуберди ва Темур Маликнинг кам сонли лашкари мўғулларнинг илғор қўшинига тегишли 700 дан ортиқ суворий жангчиларини тутдек тўкиб, бу ерни тарк этиб йўлга тушдилар. Улар Нисо шаҳрига кирмай тўғри Нишопурга томон кетдилар. Аммо уларнинг ғалабаси ҳақидаги хабар Нисода тез тарқалиб, шаҳар аҳолиси бу хушxabардан ғоят шодумон бўлиб, уларни зўр хурсандчилик билан кутиб олишга тайёргарлик кўрдилар. Ғолибларни кутиб олиш учун Нисо ҳокими Ихтиёрдин Занги бошчилигидаги эътиборли кишилардан ташкил топган вакиллар улар йўлига пешвоз чикдилар. Жалолиддин ҳозирда бу ерда қола олмаслиги, Нишопур Шарқнинг аҳолиси кўп, катта шаҳарларидан бўлгани учун ўша ерда кўнгил-дилардан лашкар тузиб, янги жангларга тайёргарлик кўришини маълум қилди. Ихтиёрдин Занги Нисо шаҳри аҳолисидан лашкар учун йиғилган озиқ-овқат, кийим-кечак, йиғилган пул маблағларини Жалолиддинга топширди. Сўнгра кеча-кундуз йўл босиб

Нишопурга етиб келгач, Жалолиддин бозор майдонлари, шаҳарнинг аҳоли тўпланадиган жамоат бинолари, жомеъ масжидлари ва мадрасалар олди майдонларида мўғул босқинчиларига қарши жиҳод уруши эълон қилгани, мўғуллар Турон замин шаҳарларининг аҳолисини қириб ташлаб, кулини кўкка совуриб ташлагани, эндиги навбатда Хуросонни гонат қилишни бошлаб юборганлигини, шунинг учун қалбида орномуси бор инсонларни ваҳшийлашган мўғул ғанимларга қарши жангга отланиб, оила, юрт шаънини ҳимоя қилишга чақирди. Аслида шундай чақириқ ва даъватни у она шаҳри Кўҳна Урганчда амалга ошириб, мўғулларга қирон келтиришни ўша ердан бошлаб, унинг атрофини мўғуллар жасадига тўлдириб, ғанимлар қабристонига айлантirmoқчи эди. Аммо тақдир ва замон бевафолиги бунга монелик қилди, йўл бермади. Аммо босқинчиларни Хуросон мулкида ҳам бошлаб додини бериб, мўғул ва чин-мочинликларнинг туман ҳамда вилоятларда қўша-қўша мазористон ҳудудларини вужудга келтирса бўлади. Султон Жалолиддин Хуросон ҳудудларидаги жанг майдонларини ўзининг бобомерос олмос қиличи, баҳодир жангчиларининг ўткир найзалари кучи билан ғанимларнинг адоғсиз қабристонларига айлантиришга азму жазм қилди.

## ЛАШКАР ТўПЛАШ ЙўЛИДАГИ МАШАҚҚАТЛИ ОЙ-КУНЛАР

Жалолиддин Мангуберди Нишопурдан туриб Хуросон ва Эроннинг вилоят ва шаҳар ҳокимларига мўғулларга қарши муқаддас уруш бошлагани, шунинг учун улар бошчилигидаги аҳоли ўз атрофида бирлашиб, Турон ва Хуросондан босқинчи ғанимларни ҳайдаб чиқаришга даъват этди, уларга мактублар жўнатди. Акс ҳолда, бу қаттол ёвга қарши биргалашиб курашилмаса, жирканч қуллик сиртмоғи узоқ йиллар сақланиб, исломий маърифат, исломий ахлоқ ўрнини ахлоқсизлик, мутелик, исломий никоҳ ва оилавий олий қадриятлар ўрнини маънавий бузуқлик, покизалик иффати ўрнини кўчманчиларнинг ғайриахлоқий зўравонлик ҳаёти эгаллашидан огоҳ қилди. Жалолиддин Нишопурда лашкарий сафларини кўпайтириш, ҳокимларга ёзилган жавоблар натижаларини кутиб, бу шаҳарда бир ой кеча-кундуз сафарбарлик тадбирлари, унинг моддий таъминоти ва мўғулларнинг асосий зарбаларни қайси тарафдан беришга ҳаракат қилаётгани хусусида аниқ маълумотлар тўплаш ишлари билан банд бўлди.

Чингизхон бу вақтда асосий захира кучларини Толиқон қалъасида тўплаб, қароргоҳини ҳам шу ерга кўчирган эди. Унинг бутун фикру зикри тезроқ Жалолиддин ва унинг устози Темур Маликни мағлубиятга учратишга қаратилган бўлиб, агар бунга эриша олмаса, унинг дунёга ҳукмрон бўлиш режаси Хуросондаги жанглардаёқ барбод бўларди. Шунга кўра ҳоқон Жалолиддин Мангубердини мағлуб қилиш учун энг тажрибали ва машҳур саркардаларини танлаб, ўта моҳир ва чапдаст суворий жангчиларни ажратди. Толиқонда ҳарбий кенгаш ўтказаетган пайтда чопарлар Жалолиддин Мангубердининг изини топгани ва Нисо яқинида саркарданинг изини ахтариб чўлларни кўздан кечириб, сафарни давом эттираётган илғор қисм қириб ташланганлиги, бирор суворий у ердан чиқиб кетолмай, барханлар ораси мўғул жасадлари билан тўлиб-тошганлигини маълум қиладилар. Ҳоқон бунини эшитиб: „Хоразмшоҳ Муҳаммад билан бўлган жанглар бу жанг эмас, бу мушук-сичқон ўйинидай бир гап эди. Турон мулкани эгаллашдаги жангларимиз бизнинг қўшин учун ҳарбий машқдан кам фарқ қиларди. Жалолиддин қиличи бошимиз узра кўтарилган экан, энди биз учун у кўп фалокатларга сабабчи бўлади. Уйқудаги шер энди уйғонди. Нисо чўлидаги саҳрони титратган наъраси

Толиқонда акс садо берди. Бу шер қандай бўлмасин тузоққа туширилмас экан, мўғул қўшини унинг ўлжасига айланади, зарби танамизга ботиб бизни адо қилади. Қандай бўлмасин Нисо ва Нишопур атрофидан уни чиқариб юбормай қўлга олмоқ лозим“. Чингизхон Жалолиддиннинг Нишопурда қўшин тўплашига имкон қолдирмаслик учун катта қўшин жўнатди.

Жалолиддин Мангубердининг Нишопурдаги қўшин тўплаш режасини Чингизхон қарийб барбод қилишга муваффақ бўлди. Саркарда ўз ихтиёридаги кам сонли қўшини билан мўғулларнинг чигирткадек Нишопур томон келаётган лашкарига қарши ҳал қилувчи жанг олиб бора олмади. Шунга кўра, Жалолиддин Мангуберди Нишопурдан шошилиничи чиқиб, Завзон вилоятидаги ал-Қоҳира қалъасига йўл олди. Қалъа ҳокими Айнулмулк саркардани кутиб олишга кутиб олди, аммо қандай бўлмасин Жалолиддинни тезроқ бу ердан чиқариб юбориш йўлларини қидириб, шунингдек, унинг шаънига мақтовлар ёғдириб, бундай дейди: „Сен каби улўф мартабали Хоразмшоҳ қандайдир кичик бир қалъага, агар бу қалъа Катта ва Кичик Айиқ юлдузлар туркуми тепасида, ҳатто улардан ҳам юксакларда жойлашган бўлганда ҳам бу ерда қамалиб ётишинг яхши эмас. Қалъалар ичида мен каби кичик мансабдор ҳокимлар ҳимояланса тўғри келур, аммо арслонлар учун эса кенг далалар, катта жанг майдонлари керак. Агар сенинг қалъада мустаҳкамланиб олганингдан мўғуллар хабар топсалар, уни албатта қамал қилиб олмасдан қўймайди, қалъа ер билан яксон қилинади. Аҳолидан ҳам ҳеч ким омон қолмайди“. Жалолиддин Мангуберди бундай қалъаларни мўғуллар ер юзидан бир неча кун ичидаёқ супуриб ташлаб юборишини, уруғ сепадиган далага айлантириб ташлашини яхши биларди. Саркарда ҳам ҳокимнинг гапига мос жавоб қайтариб: „Менинг кенг далаларга чиқиб жанг қилишим учун сиздан қандай мадад кутсам бўлади“, — дея ундан жавоб кутади. Қалъа ҳокими Айнулмулк саркарданинг мақсадини тушуниб, унга ҳокимлик хазинасидан бир қоп тилла беради. „Менинг бор имкониятим шу“, — дейди Айнулмулк. Бу маблағ билан анча пайт, чамаси бир, бир ярим ой қўшинни озиқ-овқат билан таъминлаш мумкин бўларди. Шундан кейин Жалолиддин қўшини билан ал-Қоҳира қалъасидан чиқиб, Буст томонга йўл олди. Бу ерга келишдан асосий мақсад яна ўша сафарбарлик масаласи эди. Бу ерда унга халал берадиган икки сабаб тўсиқ эди. Биринчиси, Чингизхон буйруғига кўра саркардани қўшини кам ҳолатда қўлга олиш бўлса, иккинчи тўсиқ, „Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога“ ҳикматида таъкидланганидек, ўз жигари — укаси Пиршоҳнинг Хуросондаги барча ҳокимларни Жалолиддинга қарши гижгижлаб қарши қўйиши бўлди. Бунинг устига-устак Чингизхон Хуросон, Эрон ва Ироқдаги вилоят ва ноибликлар ҳокимларига элчилар ва мактублар йўллаб, навбатма-навбат „кимки Жалолиддинга хоҳ ҳарбий, хоҳ моддий таъминотда ёрдам берса, ўша вилоят ва шаҳарни ер юзидан супуриб ташлайман“, деган пўписа ва дўқлар ёмғирини ёғдирар эди. Учинчи томондан Эрон ва Хуросондаги аҳоли дин, тил ва мазҳаблар ранг-баранглиги Жалолиддин Мангубердига нисбатан ётсираш, бегонасираш, баъзи ҳолларда ганимлик кўзи билан қараш ҳоллари ҳам қўшин тўплашда муаммо туғдирарди. Бегона элда бундай ҳолат бўлиши табиий эди. Лашкарсиз саркардани ким ҳам эътироф этади. Шоҳман деса пойтахт ҳам, унда муқим ўрнатилган тахт ҳам йўқ. Қолаверса, шарқ Ислом оламини сақлаб қолишга қодир истеъдодини дарҳол эътироф этишга бу етти ёт бегона элларнинг ҳокиму ноибларининг ҳам кўзи учиб тургани йўқ.

Улар вилоят ҳокими ёки ноиби бўлгандан кўра, ўзларини шу қалтис вазиятдан фойдаланиб, ҳукмдорлик тахтида тож кийиши иштиёқида турганлар қанча эди. Уларга эртага дунёни ўзлари билан қўшиб тўфон босадими ёки уни ёвуз мўғул хароб қиладими, ўйлаб ҳам кўрмасдилар. Уларнинг сўқир кўзлари мўғуллар оёқ-қўлига қуллик кишанларини кийдириб, хор бўлишнинг энг пастки тубанлигидаги зимистон зиндонига олиб кирилгандан кейин очиладиган амалдор сирасидан эди. Улар ана шундагина Жалолиддин Мангубердини кўкрагидан итариб, уни рад қилгани, гуноҳи азим ишга қўл урганани эслаб, виждонлари олдида азоб чекувчилар сифатида ўзлари устидан ҳукм чиқарувчиларга айланар эдилар. Аммо бу пайтда даҳшатли олов ҳамма ёқни куйдириб, кулини қўкка соvuриб, ёвузлик эзгулик устидан ғолиблик ногорасини қоқаётган даврга қадам қўйган бўларди. Уларда Чингизхон билан муроса-мадора қилиб ҳокимликни сақлаш хаёллари ҳам йўқ эмасди. Ана шу сароб майдонида адашганлар ҳам оз эмасди. Бундайлар Хуросон ва Эронда бисёр эдилар.


Кичик Осиё ҳукмдорлари орасида Кўния Султони ва унинг қўшни иттифоқчилари Жалолиддин Мангубердини мўғуллар ҳужумидан ҳимоя қилишга қодир ягона ва буюк саркарда деб эътироф этардилар. Аммо улуғ саркарда атрофида, унинг бош қўмондонлигида бирлашган қўшин тузиб, сўнгра унинг кўрсатмаси ва буйруғига итоат қилиб жангга киришга ғурури, қолаверса, ҳасадгўйлик, мўғуллар тор-мор этилгач, биз ҳам унинг қарамлигида қолиб кетармиз деган гумондорлик, ишончсизлик, қора кўнгилик фикрлари саркардадан ўзларини узоқроқда тутишга мажбур қиларди. Шунинг учун улар Жалолиддиннинг қўшинларни ягона иттифоқдаги қудратли куч қилиб бирлаштириш таклифини минг бир баҳоналар билан орқага сургани-сурган эдилар. Гина-қудурат, ўзаро ишончсизлик, буюк ва истеъдодли ҳукмдор ва саркардага ҳавас эмас, ҳасад тарафида туриш, ўзларига эса ортиқча баҳо бериш, мақтовлар олдида эсанкираш каби қусурлар Кичик Осиё ҳукмдорларининг ноқисликлари бисёрлигини кўрсатарди. Шунинг учун Жалолиддинни ўртадан юлиб ташлаш учун ҳатто Чингизхон билан махфий тил бириктириш каби иккиюзламачилик сиёсатини юритишдан ҳам қайтмасдилар. Оқибат шундай бўлди ҳам. Аксинча эса хоқоннинг асл мақсадидан улар мутлақо беҳабар эдилар. Улар Чингизхоннинг макрига учаётганлигини ҳамда улар ёрдамида Жалолиддин Мангубердини йўқ қилишга эришса, хоқон улар билан тинч-тотув яшаш шартларини бир парча қоғоз сифатида йиртиб-йиртиб, бурдалаб, уни шамолга соvuриб ҳужум навбатини уларнинг ўзларига қаратишини тасаввур ҳам қилолмасдилар. Чингизхон учун хоҳлаган пайтдаги тайёр ўлжа эди улар. Кичик Осиё ва халифалик ҳукмдорлари Чингизхоннинг асосий душмани Жалолиддин Мангубердини хоқон бир ёқли қилса, Хуросон, Эрон ва Турон ҳудудлари ва бойликлари билан чекланиб, орқасига қайтиб кетади, деган фикрда собит эдилар. Ҳатто иккала тараф элчилари бир-бирларига қатнар эканлар, уларнинг ҳукмдорлари ҳам шуни тасдиқлар эди. Чингизхонга эса, ўз ғалабасини таъминлашда худди шундай муваққат иттифоқчилар зарур эди. Чингизхон Кичик Осиё ҳукмдорлари ва Араб халифалигини ана шу давр оралиғида қўғирчоқ ўйнатгандек ўта айёрона майлда ўйнатди.

Жалолиддиннинг олд томонида Чингизхоннинг сон-саноқсиз қўшини таъқиб қилишни соатма-соат, дақиқама-дақиқа кучайтираётган бўлса, орқа томонида, асосан, Чингизхоннинг иттифоқчилари унга тинчлик бермас, бир сўз билан айтганда ўнгда ҳам,





Хўжанд. Хоразмшоҳлар салтанатининг энг мустаҳкам шарқий ҳудуд қалъаси. Қалъанинг қаҳрамонона мудофааси унинг ташкилотчиси, жасур саркарда Темур Малик томонидан уюштирилган эди. 1219 йил.



Хўжандни тарк этган Темур Маликнинг ўқ ўтмас кемалар ясаб, жангу жадал билан Сирдарё қуйи оқими томон сузиб кетаётган пайти. 1219 йил.

сўлда ҳам, орқада ҳам, олдинда ҳам душман ва ғанимларнинг тўла қуршовида қолган саркарда энг оғир дамларни бошидан кечирмоқда эди. Аммо Жалолиддин Мангуберди доирасимон қарийб лашкарсиз душманлар қуршовида бўлишига қарамай, душманга бош эгиш, унга таслим бўлишни асло хаёлига келтирмади. Қандай қилиб бўлмасин, бу оғир вазиятдан қутулиш йўлида ҳаракатдан, фикрлашдан бир зум ҳам тўхтамади. Мингинчи имкониятлар эшиги зич қилиб ёпилган дамларда, минг биринчи тирқиш йўлларни излади. Осонгина ўлиб кетишни ҳам истамасди, бундай ўлим, ҳеч кимга фойдаси тегмайдиган ўлим ғанимдан ўзга кимга зарур. Қалтираб, қўрқиб-қақшаб ўлишдан нима фойда бор? Йўқ! Шундай ўлиш керакки, Ватан, эл-юрт учун сўнгги нафаси, сўнгги томчи қони қолгунча курашиб, она берган оқ сутини оқлаб, Ватаннинг асл фарзандлик бурчига садоқатни юз бора намоён этиб, шон-шарафга бурканиб ўлиш борки, Жалолиддин ана шундай ўлимга рози эди. Нажмиддин Кубро ўз сабоқларида „Ҳаёт ва ўлим“ мавзуларида фалсафий тушунчалар берар экан, Парвардигор ҳузурида бундай инсонлар олқиш ва иззат ҳамда ҳурматга сазовор кўрилиб, яратганнинг суюкли бандалари қаторидан ўрин олишини таъкидлаган эди. Шунинг учун Жалолиддин Мангубердига ўлимдан қўрқиш тушунчаси бегона эди. Худди шу туйғу уни мардлик ва баҳодирликнинг кенг майдонига, катта жанглар суроғига чорлайверарди. Она-Ватан ва халқи учун, унинг мустақиллиги, эрки ва озодлиги учун курашдан ҳам улуғ ҳодиса борми, бу дунёда. Жалолиддинни бемисл руҳий куч ва жасоратга чорлайдиган маънавий қудрат ҳам айнан шу эди. Пири комил буюк саркардага ўша маърузаси якунида: „Мард ва баҳодир инсонлар бир марта ўладилар, аммо шараф билан ўладилар, номардлар эса хавф-хатар ва қўрқувда ўлаверадилар. Улар тириклигидаёқ ўликдирлар“, дея сабоқ берганди.

Жалолиддин энг оғир дамларда ўзига ўзи тасалли берди. Ҳозирча унинг таянадиган отаси Муҳаммад Султон берган уни шоҳликка тайинлаш тўғрисидаги фармон, бобоси Такашнинг машҳур шамшири ва минг кишилиқ лашкаридан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Шундай машаққатларни бошидан ўтказиши яратганнинг ўзи унинг сабр-тоқатини синовдан ўтказиши учун синов кунларидир.

... Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, ниҳоят, Жалолиддин Мангубердини тушқун кайфиятдан хурсандликка йўллайдиган муҳим воқеа юз берди. Мўғуллар Хуросон шаҳарларини ёппасига босиб ола бошлагач, унинг тоғаваччаси Аминалмулк саркарданинг Хуросонда эканлигидан хабар топади, у, ўз навбатида, Жалолиддинни изламоқда эди. Аминалмулк Ҳирот ҳокими эди. Унинг яхши қуролланган 10 минг суворий қўшини бор эди. Бу суворийлар жангларда тажриба ва маҳоратга эга мард жангчилар эдилар.

Жалолиддин Мангуберди Завзонни тарк этиб Қандаҳорга йўл олар экан, унинг олдинда кетаётган хабаргирлари қандайдир катта қўшинга дуч келиб, уларнинг кимлигини аниқлашнинг имкони бўлмаганлигини саркардага етказдилар. Жалолиддин Мангуберди уларни ўз кўзи билан кўришга жазм қилиб, хабаргирларини ўша томонга йўл бошлашга амр қилди. Уларни узоқроқдан туриб кузатдилар. Ўша номаълум лашкарга тушлик қилиб олиш кўрсатмаси берилиб, шундан дарак берувчи байроқлар атрофга қадалиб, соқчилар қўйилаётган эди. Жалолиддин Мангуберди байроқларни синчиклаб кузатар экан, салтанат ҳарбий вазири ва девонининг Аминалмулк суворий лашкари учун махсус тайёрланган байроқлари экани, кўчма қароргоҳи устидаги катта байроқ эса Хоразм-

шоҳлар давлати байроғи эканлигини қийинчиликсиз таниди. Хурсандлигидан кўзида қувонч ёши порлади. Негаки, анча пайтлардан буён салтанат байроғи-ю, бундай қўшинни кўрмаган эди. Қўмондон ўзининг тоғаси эканлигидан қувонч ва хурсандчилиги ичига сиғмади ва отига қамчи босди. Соқчилар уни тўхтатди. „Қўмондонингизни шу ерга бошлаб келинг“, дея буйруқ берди соқчиларга Жалолиддин Мангуберди. Соқчилар бошлиғи Аминалмулка ушбу хабарни етказди. Қўмондон: „Мени чақираётган одам кимлигини сўрамадингми?“ „Албатта сўрадик“, — дейди соқчилар бошлиғи. „Унда ким экан у?“ Соқчилар бошлиғи қўмондонига: „Келган одам ўзини Хоразмшоҳ Жалолиддинман“, — деди. Суворийлар қўшини Бош қўмондони Жалолиддин сўзини эшитиши биланоқ ўрнидан даст туриб ўша томонга от қўйди. Не кўз билан кўрсинки, ҳақиқатан ҳам неча ойлаб қидираётган жияни Хоразмшоҳ Жалолиддин ўз оёғи билан тоғани, гарчи тасодифий бўлса-да, топиб келган эди. Тоға-жиян қўлларини кенг ёйиб, бир-бирига томон отилдилар. Бир-бирини қучганча анча қўйиб юбормадилар. Улар хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Сўнгра қароргоҳдаги суҳбат мудҳиш ва мотамсаро воқеаларга бориб тақалди. Жалолиддин Мангуберди отаси Хоразмшоҳни ўз қўли билан дафн этганлиги, оиласи мўғуллар қўлига тушиб мислсиз фалокат содир бўлганлиги, Хоразмшоҳнинг хазинаси Чингизхон қўлига ўтганлиги, хуллас, Турон замин қўлдан кетиб, салтанат қисқа бир вақтда инқирозга юз тутганлигини алам ва изтиробга тўлиб гапириб берди. Суҳбатнинг асосий қисми мотамсаро воқеаларни хотирлаш билан ўтди. „Дунёнинг қандай буюк салтанати эдик жиян, нега биз шунчалар тез мағлубият аламини тотдик, ақл бовар қилмайди, ярим миллионлик қўшинимиз Чингизхонга бирор айтарли талафот етказмай, қирилиб, тарқалиб кетди-я, эсиз шунча лашкар“, надоматлар билан бошини чайқайди хўрсинганича нафас олар экан Аминалмулк. Жияни Хоразмшоҳ эса: „Дойи нимасини айтасиз, отамни айблаб, унинг руҳини чирқиратайми, ё энам Туркон Хотун — аёл кишига айбни ағдарайми? Энди бундан кимга не фойда, дойи мана шу юрагим олов бўлиб қовурилиб бўлди, дардимни кимга айтай?“ Тоға-жиянлар шуларни қора кунлар сифатида эслаб, анча жим қолдилар. Ҳар бири ўзидан ўтган дарду аламлар ёғларига ўзларини қовуриб олдилар. Бу оғир сукунатни анча вақт ҳеч бири бузишга журъати етмади. Ниҳоят, анчадан кейин жиянига юзланиб: „Буни қанча эсламайлик, энди содир бўлган воқеаларни, йўқотишларни орқага қайтариб бўлмайди, жиян. Бу ёғига қандай режанг бор?“ Жалолиддин жавоб берди: „Қасос жанги, жангу жадал майдони менинг доимий қароргоҳим бўлади, менинг ёнимда сўнгги нафасгача туришга ваъда бера оласизми дойи? Мен отамга берган сўнгги ваъдамни ва Ватан, халқим олдидаги бурчимни сўнгги қатра қоним қолгунча бажаришга азму қарор қилганман“. Унга жавобан Аминалмулк: „Жиян сен тоғам (дойи) мени оғир дамларда ташлаб кетар деб ишончсизлик билдирмоқчимисан, шунинг учун қасам ичишимни истаяпсанми? Унда мен Хуросонда от суриб сени излаб юришимдан не наф? Мана шу 10 минг суворий баҳодир жангчиларим билан Чингизхоннинг сон-саноксиз лашкарига қарши қалқон бўлиб сени ҳимоя қиламан. Дойинг — Аминалмулкнинг бу сўзини хоҳла қасам ўрнида, хоҳла қондошлик юзасидан қабул қил! Бу ўзингга ҳавола. Қолаверса, сен юрт ҳукмдори Хоразмшоҳсан, қай тарафга қўшинни бошлашга фармони олий берсанг, ўша томонга от сураман“. Бу сўзлардан Хоразмшоҳ Жалолиддин ғоят мамнун бўлди. Тезроқ мўғуллардан интиқом олиш учун тоға-жиян навбатдаги режани тузишга киришдилар.

## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ЖАНГ ЯЛОВИНИ КЎТАРДИ

Аминалмулк кўшини билан Жалолидин Мангубердига келиб кўшилгач, Чингизхоннинг турли шаҳарлар ва Хуросондаги вилоятларни ғорат қилаётган лашкарларига қарши жанг бошлаш имконияти вужудга келди. Шунда Аминалмулк Қандаҳорни қамал қилиб турган мўғуллар кўшинига ҳужум қилишни маслаҳат берди. „Мўғулларнинг ўша шаҳарни қамал қилаётгани жуда аниқми?“ сўрайди Жалолидин суворийлар кўшини қўмондонидан. У буни қатъий тасдиқлайди. Унда қуюндек Қандаҳорни қамал қилувчи ғанимларга қирон келтирамиз. Жалолидин Мангуберди отининг жоловини Қандаҳор томон бурар экан, тулпорига зарб билан қамчи босди. Жалолидиннинг кетидан кўшин оёққа туриб, чанг-тўзон кўтарганча саркардага етиб олиш учун бор вужуди билан олға интилдилар. Қандаҳорга бир неча чақирим етмасдан кўшин тўхтатилди. Кўшин ва отларга дам бериб, жанголди тамадди қилиб, охирги тайёргарликни кўриб бўлдилар. Жалолидин Мангуберди шундан сўнг ҳужумга буйруқ берди ва момақалди роқдай гумбурлаб мўғуллар устига ташланди. Мўғуллар бундай ҳужумни асло кутмаган эдилар. Шунингдек, қалъа мудофаачилари ҳам ўзларига ёрдамга келган бундай шиддатли кўшин қайси бир саркарданики эканлигини анча пайт аниқлай олмадилар. Чанг-тўзон ва қий-чув, урҳо-ур, тўс-тўполонда уни аниқлашнинг ўзи мушкул эди. Бир нарса аниқ эдики, мўғулларни чалғи билан ўт-ўлан ўргандек аёвсиз қирғинга дучор этилаётган эди. Буни кўрган девор тепасидаги мудофаа жангини олиб борувчи қандаҳорлик жангчиларнинг ғайратига ғайрат қўшилиб, камондан ўқ ёмғирини ёғдиришни янада кучайтирдилар. Натижада мўғуллар бир томондан Жалолидин Мангуберди кўшини тиглари ва найзалари зарбаси остида, иккинчи тарафдан мудофаачилар қуршови орасида қолиб аҳволи оғирлашиб, қутилмаган фалокат домига тушиб қолдилар. Жалолидин Мангуберди жанголди тайёргарлик чоғида „бирор мўғул Қандаҳор жангидан омон чиқмаслиги керак“, деган талабни қўйган эди.

Жанг авж палласига етганда мўғулларнинг туманбоши сардорларидан бири Жалолидинни таниб қолишга муваффақ бўлади. Негаки, у Жалолидинни Иргиз дарёси яқинидаги жангда кўриб, саркарда номини эшитса жисми бўшашадиган бўлиб қолган эди. Туманбоши яраланиб, асир олинди. У сўроқ пайтида: „Мен саркардангизнинг қилич уриш важоҳати ва унинг байроғидан дарҳол танидим. Мен уни жанг майдонида иккинчи бор кўришим, — дея эътироф этади. — Шунча жангларда қатнашиб кўп жасур ва баҳодирларни кўрганман, аммо ҳеч қачон бунақа қиличбозликда тенгсиз саркарда ҳамда шижоатда бетақрор жангчи суворийни кўрмаганман. Шундай саркарда ёнида, унинг байроғи остида жанг қилган жангчиларга, гарчи сизларга ғаним бўлсам-да, мардона айтай, ҳавасим келади. Мен шу саркарда қиличидан ўлишни истайман. Шу истагимни саркардангизга етказинг“. Бу мўғул туманбошисининг жангчи сифатидаги мардона ўлимолди сўзлари бўлди.

Мўғуллар Жалолидин Мангубердининг қуршовидан қанчалик чиқиб кетишга уринмасин, бунинг иложини топа олмадилар. Икки тарафлама зарба остида қолган мўғулларнинг қаршилиги тобора пасайиб, жангчилари сони ҳам кескин камайди. Буни яхши англаган қалъа тепасидаги девор оша кўриб турган мудофаачилар дарвозаларни очиб, улар ҳам қарши ҳужумни бошлаб юбордилар. Тобора сийраклашиб бораётган мўғуллар доира ясаб, бир оз қаршилик кўрсатдилар, ҳар томондан сиқиб бир жойга

тўпланган мўғулларнинг охириги қаршилик кўрсатганлари ёппасига тизга тортилдилар. Шу билан Қандаҳор қалъаси гир атрофи мўғуллар қони билан суғорилди ва жасадлар тепалиги ҳосил бўлди. Жалолиддин Мангуберди бу ғалабани хору зорликда вафот этган отаси Хоразмшоҳнинг руҳини шод этишга бағишланган қасос деб атади. Отаси топширган бобоси Такашнинг зулфиқор қиличи унинг қўлида шундай моҳирлик билан айландики, юзлаб мўғуллар унинг даҳшатли зарбидан тилка-пора бўлди. Жангга киришдан олдин ялтираб турган Дамашқ пўлатидан тайёрланган бу қилич жанг тутаган пайтда қип-қизил қондан дастасидан то учига қадар бўялган кўринишда эди. Сачраган қонлардан саркарданинг кийимлари ҳам худди шу кўриниш тусига кирган эди. Бу жангнинг нақадар беаёв бўлганлигининг яққол далили эди. Бу буюк саркарданинг нафрат оловини оташга айлантириб мўғулларни қирпичоқ қилган иккинчи зафарли жанги бўлди.

Бу жанг ҳақида ўша даврда Жалолиддин Мангубердининг котибул-иншоиси бўлган ан-Насавий қуйидагиларни келажак авлод учун ёзиб қолдирган эди: „Оллоҳга шукурлар бўлсинки, душманлар худди кўзларига мил тортилгандек устларига қандай бахтсизлик бостириб келётганлигини кўрмадилар. Улар душман биздан оҳу каби қочади, уларда ҳужум қиладиган ҳеч қандай куч қолмади, қаршилик кўрсатадиган найзалар алақачон синиб бўлган, жанг қилишга ярайдиганлар энди йўқ, деб ўйлашарди. Жалолиддиннинг қўққисдан қилган ҳужуми чоғида уларнинг бўғиз ва юракларига муқаррар санчилишга тайёр турган найзаларни кўрдилар. Шу заҳотиёқ отларига миниб орқасига қарамай қочишга тутиндилар. Лекин бу қочганлар ҳам омон қолмади. Қутулиб чиққанлари эса бармоқ билан санарлик эди. Қутулиб қолганлар Чингизхонга қўшин бошига тушган фалокат, мўғул жангчиларининг даҳшатли тарзда қирғин қилинганлигининг хабарини етказишди. Сафдошларининг ўткир қиличлар тиғи остида жасадга айланиб, бургут ва қузғунларга тайёр емиш ва озиқ бўлганлигини эшитган Чингизхон саросима ва ваҳима остида қолган“.

## ЧИНГИЗХОННИ ЛАРЗАГА СОЛГАН ШУМ ХАБАРЛАР

Чингизхон Толиқондаги қароргоҳидаги кўчма тахтида бу фожиали хабарга қадар ўз яқинлари билан яхши кайфиятда ўтирар экан, унинг бутун тани жисмини совуқ тер босиб, ёмон ҳолатга тушиб, борган сари юз-кўзлари кўкаргансимон даҳшатли қиёфага кирган. Атрофида ўтирган нўёнлар унинг бундай пайтдаги ғазабнок ҳолатида бирор сўз айтишга, кўзига тик боқишга журъатлари етмай, оғир ва қалтис жимлик ҳолатида ердан кўзини олмай, сукунат ҳукмронлиги шароитида турганлар. Хоқон муштларини ва тишларини қаттиқ инграб сиққанидан жағларининг қисирлаган овози нўёнларни янада ҳушёрроқ бўлиб, тилларини тийиб туришга мажбур қилган. Сўнгра тилга кира бошлаган Чингизхон: „Унга қўшин тўплашга имкон қолдирмагандим. Тимқур нўён, тур ўрнингдан. Сенинг жосуслик ҳарбий қисмларинг Хуросон ва Хоразм бўйлаб изғишиб, менга чўпчак хабарларни етказиб, „бу маълумотлар ўта махфий“, дея мени чалғитиб юрган экансан-да? Жалол 400 жангчидан камроқ лашқарга эга дегандинг, қани айт, шу лашқар билан Нисо яқинида мингга яқин баҳодирим чўлда жасадлар тепалигига айлантирилди, улар қашқирларнинг емишига айланди. Энди эса Қандаҳор қалъаси атрофи мўғул қўшинининг ўлиги билан тўлдирилди. У ерда катта лашқарий кучларим барчаси ўлим топди. Хўш, уларни 35 минг лашқарий куч қилиб Қандаҳорни эгаллашга ташладим.

Ўшанда ҳам Жалол Хоразмшоҳ қўшини ўша 400 жангчимиди? Ўша бир гуруҳ жангчилар бутун бошли катта ҳарбий туманларимни қириб, у дунёга равона қилиб, қашқир-қузғунларга ем қилаверса, мен Чин-Мочиндай яна неча Хитой ҳудудларидан қўшин йиғиб келишим керак бу юртга. Унда мен ҳозиргача дунёнинг энг қудратли қўшинини эмас, Жалолнинг 400 жангчисига 100 минглаб қурбон бўладиган ўлаксаларни етаклаб келган эканман-да. Тимқур, гапир! Бурро тилингни шундан кейин жаллодларим калтайтириб қўйсалар, менга ёлгон-яшиқ маълумот етказмайдиган бўласан“. Тимқур нўён эса „Биз қайта-қайта маълумот олганимизда ҳам Жалолнинг қўшини ўша миқдорда эди“ деди-ю, бошқа бир сўз айтишдан тийилди. Негаки, жазаваси тутаётган хоқон битта ортиқча ва ўринсиз гапи билан уни ясоққа етказиб юбориши оддий ҳодиса эди, унинг учун. Тимқур қалтирай-қалтирай шу сўзларни хоқонга айтишни лозим топди: „Хоқоним, ўлимдан хабарим бор, аммо Қандаҳор жангидан ҳам, Хоразмшоҳ Жалолнинг ўша ерга келиб қанча қўшин билан жангга кирганлиги ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумотимиз йўқ эди. Мени ўлимга раво кўрсангиз, розиман“ дея қилич ва хоқон берган лашкарий қисмининг туғи ҳамда нўёнлик нишонини келтириб хоқон олдига қўйди. Бу жаллод қатлига тайёрлигини билдирувчи хатти-ҳаракат эди. Анча пайт фикрлари қарама-қаршилигига эрк берган хоқон Тимқур нўёнга қараб бундай деди: „Мардона ўлимни бўйнингга олишинг ҳам мардлик, ҳозирга қадар менга қилган хизматларинг учун жазога гирифтор этишдан тийилдим. Аммо бу биринчиси ва хатоингнинг охиригиси бўлсин! Жойингга бориб тур, асло ҳушёрликни қўлдан берма.“ „Ўлгунча содиқ хизматингизда бўлурман, улуф хоқоним“, дея Чингизхон пойига йиқилди Тимқур нўён.

Сўнгра нўёнларига бундай деди: „Жалол Хоразмшоҳ ҳозиргача бизни 3 марта чув туширди. Дастлаб у оёғимга темир тикан бўлиб санчилган бўлса, энди унинг қиличи бўғзимга қадалишга яқин турибди. Ҳозир кайфиятим ёмон бузилди. Бундай шароитда уни қўлга олишнинг мукамал режасини туза олмаймиз. Эртага миридан-сиригача бу масалани чуқур ҳал қилишга киришамиз. Бу Жалол дегани мен учун туганмас бош оғриғи, Худонинг бир балоси бўлди. Бу аҳволда Хуросонда ўзимизга ўзимиз гўр қазимасак дейман“. Хоқон бу сўзлари билан ҳақиқий ва даҳшатли рақиб сифатида Жалолиддин Мангубердини эътироф этишга мажбур бўлиши эди. Ҳа, бу жаҳонни титратаётган йирик империянинг ҳукмдори, жаҳонгир саркарда Чингизхоннинг чинакамига эътирофи эди.

## ҒАЛАБАДАН ҒАЛАБАЛАР САРИ

Жалолиддин бу пайтда Қандаҳордан Фазна томон йўл олди. Кетиш чоғида Қандаҳор мудофаачиларидан мингдан ортиқ кўнгиллилар саркарда қўшини сафига кирди. Фазна Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон томонидан Жалолиддин ихтиёрига берилган эди. Шунинг учун бу ерларнинг ижтимоий, иқтисодий ва жуғрофий-худудий аҳволи билан у бошқа жойларга нисбатан яхши таниш эди. Чингизхон Фазна ва унинг атрофлари Жалолиддинга тегишли эканлигидан хабар топиб, у ерга ҳам қўшин жўнатган эди. Жалолиддин эса бундан хабарсиз эди. Фазна вилоятида турли жангари уруғ ва қабилалар яшар эдилар. Уларнинг ҳар бирини уруғ ва қabila сардорлари бошқарарди. Улар билан ким, қайси ҳукмдор ноиб ёки ҳоким қилиб жўнатилмасин ўша ҳоким муросамадора қилмаса, улар дарҳол ё исён кўтарар, ёки йўқ жойдан зиддият ҳосил қилиб, осойишталикни издан чиқарардилар. Отаси Муҳаммад Султон катта фарзанд

Жалололидинни икки сабабга кўра — биринчиси, укалари билан унинг орасидаги салбий муносабатлар чуқурлашиб кетмаслиги бўлса, иккинчиси, Ғазнадек жуда оғир жойда ғоят мағрур, манман ва ҳаддан ташқари шуҳратпараст сардорлар билан тил топишиш, хушёрлик ва огоҳликнинг аҳамиятини чуқур тушуниш ва сиёсатнинг нозик қирраларини амалиётда эгаллаб, салтанатнинг Афғонистон ҳудудида осойишталик, хавфсизликни сақлаб туриш мақсадини кўзлаб, у ерларнинг ҳокими қилиб жўнатган эди. Жалололидин Мангуберди учун Ғазна алоҳида ҳаёт мактаби бўлди. Сардорларнинг муғамбирликда устаси фаранглари, жангарилари ҳам шу ерда эдилар.

Хоразмшоҳ Жалололидин Мангуберди мўғулларнинг йирик кучларини бирин-кетин тор-мор этиш учун ўша сардорларнинг лашкарий қисмларини иттифоқчиликка чорлаши, бунинг учун Афғонистондаги барча қабил ва уруғ сардорларию саркардалари билан музокара олиб бориб, уларни умумий ғаним мўғулларга қарши ягона кучга бирлаштириш мақсадини кўзлаб, Ғазнага кетишга қарор қилган эди. Унинг Ғазнага йўл олиши билан бир вақтда мўғулларнинг ушбу вилоят ва шаҳарни эгаллаш учун жўнатилган қўшин тасодифий бир-бирига дуч келди. Ҳар икки томон аввали байроқлари, кийимлари ва тўғларидан бир-бирларини тез илғадилар. Шунга кўра улар қандай ҳаракатланиб келган бўлсалар, қарама-қарши йўналишда шу тарзда сафланиб, узоқ тайёргарлик кўриб ўтирмасданоқ юзма-юз келиб, бир зумда аралаш-қуралаш бўлганича жангга киришиб кетдилар. Аминалмулк 10 минг суворийни икки қисмга ажратиб, 5 минг суворий жангчисини марказни бошқараётган Жалололидин Мангуберди ихтиёрига жўнатди. Ўзи қолган 5000 суворийси билан саркарда Жалололидиннинг чап қанотини ҳимоя қилиб жангга кирди. Темур Малик эса ўзининг лашкарий қисми ва Қандаҳор кўнгилилари билан саркардани ўнг тарафдан ҳимояга олди. Кеч пешин маҳалигача икки томон жангчиларининг ҳеч бири чекинишни хаёлига ҳам келтирмадилар. Жалололидин Мангуберди нима қилиб бўлса-да, марказ қўшини билан мўғулларнинг ғул қисмини иккига ажратиб ташлашга интилиб, ҳужумни тобора кучайтирди. Кун ботишига икки терак бўйи қолганида ниҳоят мақсадига эришди. Тоҳучар нўённинг ғул қисми кескир тиф арқонни кесгандек иккига ажратиб ташланди. Бундан руҳланган чап ва ўнг қанот саркардалари қўшини ур, ур ҳайқириқлари остида бор кучлари билан мўғулларга ташландилар. Натижада мўғуллар сафи бутунлай бузилиб, сочилиб кетди. Тоҳучар нўён қўшини мағлуб бўлиб, бир қисми эса жонини асраш учун тун қаърида кўздан ғойиб бўлдилар. Шу тариқа мўғулларнинг машҳур арзанда саркардаси ҳам лашкарининг асосий қисмидан ажралиб, хоқони ҳузурда бу рўй берган ҳалокатни қандай баён этишга ожизлик қилиб, Чингизхон олдида тиз чўкканича унинг маълумот сўрашини кутарди. Ниҳоят, жимликни бузиб хоқон: „Қани гапир-чи, ардоқли саркардагинам, не янгиликлар олиб келурсан? — дейди Тоҳучар нўёнга қараб. — Мени хурсанд қиладиган хушхабаринг борму?“ Бунга жавобан Тоҳучар нўён: „Бир қошиқ қонимдан ўтинг хоқоним, бу сафар сизни хурсанд қиладиган ҳеч нарса йўқ“, деди-да, кейинги сўзларга тили айланмай дудуқланди. „Очиқ гапир, сен ҳам бир балога гирифтор бўлганга ўхшайсан, шумшайиб туришингга қараганда.“ „Ғазна йўлида Жалололидинга йўлиқдим. Тасодифан унинг қўшинига дуч келиб қолдик. Эртадан кечгача жанг қилдик, жангчиларимиз уззукун матонат билан олишдилар. Бироқ, омад бизга кулиб боқмади, биздан омад юз ўтирди хоқоним“. „Демак, сенинг ҳам бошингга Тимқур нўён куни тушибди-да“, — дейди хоқон. „Ҳа, шундай хоқоним. Биз охирига қадар курашдик, олишдик, не иложки, бўлмади.

Тақдиримни қандай ҳал қилсангиз ўзингизнинг қўлингизда хоқоним“, — деди-да тиз чўкканича кўзини ерга қадаб жим қолди нўён. Шунда Чингизхон: „Бу боришда Жалол Султон барча қўмондон ва нўёнларимни ўз қўлим билан йўқ қилдиришга мажбур қиладими дейман? Бу мағлубиятларнинг охири борми ўзи, Жалол дегани бу биз учун ажал деганимикан, ё? Арзимаган миқдор қўшини билан номдор саркардаларимнинг қўшинларини ҳалокат чоҳига отмоқда. Бахтимга отаси Муҳаммад Султон Хоразмшоҳнинг ҳарбу зарбда ношуд йўл тутиши, йўл бошида Турондаги ғалабаларимизга замин бўлди. Уруш бошида кунимиз Жалол Султон билан тўқнашувга қолмаганига минг шукур“. Чингизхон саркардаларининг тор-мор бўлаётгани бу уларнинг уқувсиэлигидан эмаслиги, улар ҳа деганда орқага бўридан қочган оҳудек қочмаслиги, балки бор кучи билан олдинга ташланишини, ҳатто ўлимни писанд қилмай жанг олиб бориш руҳида тарбияланганлигини, шунингдек, шиддатга тўла эҳтирос билан жанг қилишини яхши биларди хоқон. Гап Жалолиддин Мангубердининг улардан ҳам саркардалик истеъдодининг юксаклигига ва жасоратда тенгсизлиги ва жангчиларини ўзи билан бир сафда руҳлантириб, ёв устига довулдек ташланиб, жангнинг боришини ақл бовар қилмас қирғин муҳораба қайноқ палласида ўз қўшини ва ғаним қўшини ҳаракатларини майдон узра назоратда ушлаб, уни ўзининг ғалабаси манфаатларига буриб юборишдек мураккаб ҳарбий стратегияни таъминлашида эди. Жалолиддинда Худо назар солган қобилият ва истеъдод бор эди. У бамисоли айнан жанг майдони учун туғилган улўф саркарда, айни бир вақтда бемисл суворий жангчи эди. Ҳар бир жангда унинг кўпчилик кўрмаган ва билмаган қирралари янгидан очилиб борарди. Қайси қурол билан жанг олиб бормасин — хоҳ қилич, хоҳ найза ёки гурзи бўлсин унинг чайир қўлларида кўз илғамас тезликда, аммо жуда эркин ҳаракатланарди. Яратган парвардигор унга жанг майдонида жавлон уриш учун зарур бўлган жисмоний қудрат, темир ирода, кучли ва мустаҳкам руҳий қувват, яшин тезлигида ҳаракатланиш ва аниқ зарба бериш каби фазилатларни ортиғи билан берган эди. Энг эҳтирослари жунбушга келган жанг пайтлари юқорида қайд этган куч-қувватлар унинг кўз нурида ифодаланиб, чақинлик ва нафрат ўқини тиф ва найзаси зарбидан аввал йўналтиргани боис, унга дуч келган ҳар қандай душман баҳодирини унинг кўз нури нафратидан биринчи зарбани оларди. Ана шу пайтда у ташаббусни душмандан тортиб олиб, изчил иккинчи зарбани жанговар қуроли билан берарди. Шунинг учун Жалолиддин Мангуберди 11 йиллик узлуксиз жангу жадалларда шахсан ва юзма-юз минглаб ғаним баҳодирлари ва саркардаларига сафнинг олдинги жангчилари тирик қолиши даргумон маррасида доимо биринчи бўлиб, кўкрак кериб турар, биринчи бўлиб шамол тезлигида душман сафига етиб олиб, жанг олиб борарди. Жанг қора кечгача давом қилиб тун бошланганда ҳаммадан кейин жанг майдонидан қайтар эди. Бу сифатлари билан ҳам Жалолиддин Мангуберди саркардалар орасида жаҳоннинг энг олдинги ва сарбаланд мавқеини эгаллаб турарди. Қанча давр ва замонлар ўтмасин, шу мавқе ва шу баландликда муҳташам кўринишда авлодларини ватанпарварликка чорлаб, ибрат чўққиси бўлиб туриш унинг тақдирига ёзилган эди.

Жалолиддин Мангуберди Фазна ва Қандаҳор оралиғидаги жангларда мўғулларни тор-мор келтириб, катта ўлжаларга эга бўлди. Энди навбатдаги юриш масалалари кун тартибига қўйилаётган чоғда Жалолиддин Мангуберди қароргоҳига чопар келиб, мўғулларнинг катта лашкарий қисмлари Валиён қалъасини муҳосара қилишга киришганлиги хабарини етказдилар. Саркарда Валиён қалъаси ҳимоячиларига ёрдам бериш



учун қўшинни дарҳол оёққа турғазди. Йўлда тез ҳаракатланаётган қўшинга Ҳирот жангида мўғулларга қарши жангда иштирок этиб, улардан мағлубиятга учраган қабақлиён уруф ва қабилаларининг омон қолган қўшини саркарда сафини тўлдирдилар. Бир вақтда афғон амир ва саркардаларига элчилар жўнатиб, алоҳида ҳаракат қилмасдан уларни ўз қўшинига келиб қўшилишларига даъват этди. Улар қалгис пайтда алоҳида тарқалган ҳолда жанг қилиш қабила қўшинларига яхшилик келтирмаслигини сезгач, Жалололиддинга қўшилишга розилик беришди. Улардаги энг ёмон одат ва қусур қайси ҳукмдор кўп мол-мулк инъом қилса, ўшаларга ёлланиб жанг қилаверардилар. Бу жиҳатдан ҳам улар хавфли бўлиб, уларга тўла ишониб бўлмасди. Аммо, ҳарбий шароит юзасидан Жалололидин Мангуберди улар билан муроса қилишни лозим топди. Олдинда адоқсиз жанглар турарди. Ҳар бир жанг катта йўқотиш ва талафотлар кўриш билан тамомланар, ғалабалар қурбон беришлар эвазига келарди. Урушнинг асосий талаби шу эди.

1221 йил апрелнинг иккинчи ҳафтаси бошларида Жалололидин Мангуберди Бозон қалъасига етиб келди ва ўша ерда мўғуллардан олинган ўлжалар ҳамда ортиқча юкларни қолдириб, Валиён қалъасига тезда жўнаб кетди. Чингизхон бу қалъани муҳосара қилиш учун йирик саркардаларини катта қўшин билан таъминлаб, бу қалъани қўлга киритиш ва уни ер билан яқсон қилишни топширди. Бу қалъага Хоразмшоҳнинг Хуросон ва Турон заминда мағлуб бўлган қўшинларининг анча-мунча қолдиқлари йиғилаётгани ва улар ўша ердан чиқиб, Жалололидин Мангуберди лашкарига қўшилиш тайёргарлигини кўраётганлиги тўғрисида хоқонга хабар берилгач, Чингизхон шундай буйруқ берганди. Бу вазифани бажаришни хоқон Бекчак ва Тимқур нўёнларга юклади. 50 минг қўшин 2 мўғул саркардаси қўмондонлигида Валиён қалъасига етиб келиб, уни қамал қилишни бошлаб юбордилар. Дастлаб деворбузар қуроолар билан қалъа деворларини бузишга киришдилар. Кетидан оғир тош ва ёндирувчи „Хитой олови“ деб аталувчи қурооллардан қалъа ҳимоячилари ҳамда аҳолиси устига ажал ёғдиришни бошладилар. Валиён қалъа ҳимоячилари ва аҳоли аҳволи кундан-кун оғирлашиб борар, девор бузувчи қурооллардан кейин Бекчак ва Тимқур нўёнлар бир йўла ихтиёридаги 50 минг лашкарни ҳужумга ташлашди. Жуда катта талафотлар кўра бошлаган қалъадагилар охириги имкониятлари билан мўғуллар ҳужумини зўр-базўр тўхтатиб, бу ёғига умидлари сўна бошлаган пайтда Жалололидин Мангуберди қўшинлари қалъага шамол тезлигида етиб келиб ғалабага бир қадам қолган мўғулларга қарши жангга кирдилар. Ўлимларини бўйнига олиб, умидлари узилган қалъа ҳимоячилари чақирилмаган иттифоқчи кучларнинг ёрдамга етиб келишидан бениҳоя шодландилар ва аҳолининг қувончи бу воқеадан чексиз эди. Ўзларини худди қайта дунёга келгандек ҳис қилдилар. Жалололидин Мангубердининг қандай пайдо бўлганини била олмаган мўғулларни саросима босди. Кутилмаганда мўғулларни аниқ нишонга олиб отилган минглаб ёй ўқлари мўғулларнинг нақ жисмини, қалби, бўйинини тешиб ўтди. Сўнгра мўғуллар қонига ташна қилич ва найзалар аёвсиз танасини пора қилди. Бу жангда мўғулларнинг бошига Жалололидин Мангуберди ва унинг лашкари қандай офатлар келтирганлигини Мирзо Улуғбек тарих саҳифаларига ушбу тарзда битган эди: „Баҳор етиб келганидан Султон Жалололидин Ғазнадан чиқди ва Бозон сари йўналди. У ерга тўхтаб ўтгач, хабар етиб келдики, Бекчак ва Тимқур нўён чексиз мўғул лашкари билан Валиён қалъасининг муҳосарасига машғул бўлдилар. Валиён қалъасини тасхир (эгаллаш) қилишга яқин қолди. Шижоатли Султон Жалололидин бу хабарни

эшитгач, юклари ва бойликлари (ўлжалар)ни ўша ерда қолдириб, ўзи ўта жасоратли катта лашкари билан ул бадкирдор қавм устига илғор уюштирди. Булжор куни хужумлар уюштириб зўр саваш кўргизди. Мўғул-тотор муқаддимасидан (олдинги сафда турган ғанимлар) қарийб 9 минг суворийни дорулбовар (у дунё)га жўнатди. Султон Жалолоддин ибн Муҳаммад Хоразмшоҳ лашкарининг сони зиёда бўлгач, дарёдан кечиб ўтиб тўхтадилар. Валиён қалъасини муҳосара қилмоқ учун бораётган мўғул лашкарининг фул (марказ) қисмини хароб қилдилар. Қоронғу тушгач, мўғул лашкарлари қочишга юз тутдилар. Султон Жалолоддин катта ўлжани қўлга киритиб қайтди ва Бозонга етиб келди“. Шу тариқа мўғул саркардалари Жалолоддин Мангуберди номини эшитишлари билан тани-бадани музлаб, тан жисми зир қақшайдиган бўлишди. Жалолоддин Мангуберди номи Чингизхондан нўёнларигача, хоқоннинг саркарда фарзандларидан оддий мўғул жангчиларига қадар нақ улар юрагига қўрқув даҳшатини соладиган бўлди.

Чингизхон қайси саркардасини жангга жўнатмасин, Жалолоддин Мангуберди томонидан қақшатқич мағлубиятга учраб, мўғул қўшинига ўлим муҳри босилиб, жанг бўлиб ўтган майдон ғаним мурдалари билан лиқ тўлган. Жанг бўлиб ўтган майдонлар мўғуллар ўликларидан ҳосил бўлган катта қабристонга айлана борди. Уларни қора ер қаърига зеру забар қилаётган ҳам Жалолоддин Мангуберди эди.

Чингизхоннинг Жалолоддинга дуч келган қўшини гўё кўзга кўринмас офат, ақл бовар қилмас даҳшатли махлуқ домига тушгандек йўқликка дуч келарди. Бу сафар Валиён тарафдан келган шум ва фожиали хабар хоқон учун дард устига чипқон бўлди. Нима қилса Жалолоддин Мангубердини тўхтатиб қолиш мумкин, нега бу мағлубиятларнинг охири кўринмайди, нега? Уни бу саволлар тамоман ҳолдан тойдирди. Кўзлари тиниб, бошлари ғувуллаб, чидаб бўлмас оғриқ азоб бериб, хитойлик табибларнинг турли ноёб шифобахш ўсимликлардан дори-дармон тайёрлаб, қилмаган эмлари қолмади. Ҳаддан ташқари дори-дармон ва уйқу дорини кўп қабул қиладиган бўлди. Гоҳ қон босими ошиб, боши оғриқдан ёрилай деса, бошқа бир куни тўсатдан мажоли қочиб, қон босими тушиб, юраги беҳоллашадиган бўлди. Жалолоддин Мангуберди билан жанглар бошланди-ю, Чингизхонни ҳаловат бир умрга тарк этди. То ўлимига қадар шу касалликлар уни гирибонидан олганича асло қўйиб юбормади. Уни ўз ҳолига қайтаргунча табибларнинг ўзлари минг ўлиб, минг тирилар, шунча имкониятлар бўла туриб хоқон оталарини оёққа турғиза олмаганлигида табибларни айблаган шахзодалар, саркардалар ва аёлу атволлари табибларга айбни қўйгани-қўйган, отамга бир гап бўлса, сизлар ҳам соғ-омон қолмай-сизлар, деб дағдаға қилгани-қилган эдилар.

Чингизхон қўшинларининг 4 ой давомидаги узлуксиз мағлубияти қўшинларнинг хужумкорлик руҳини синдирди. Хоқон мағлубият сабаблари-ю, Жалолоддиннинг ҳарбий санъат бобида ўзидан шунчалик илгарилаб кетишларини тарозуга солиб кўрди. „Агар икки ўртадаги уруш ҳозирги ҳолатдагидек давом этадиган бўлса, Турон ва забт этилган Хуросон ҳамда Эроннинг катта ҳудудлари Жалолоддин Султон измига ўтиши аниқ ва муқаррар. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, мен жаҳонга ҳукмрон бўлиш мақсадида Чин-Мочиндек дунёнинг йирик салтанатини емириб ташламадимми? Иштиёримда сон-саноқсиз ва адоғсиз қўшин тузиш мумкин бўлган Хитой ва ундан бепоён Сибирь ва Дашти Қипчоқ ҳудудлари тиз чўкиб ҳар қандай амру фармонларимга тайёр туришибди. Битта фармонимдан сўнг миллионлик қўшин итоат камарини боғлаб, қароргоҳим

остонасида буйруғимни кутадилар. Хоҳласам, яна миллионлик захира лашкар империямнинг турли вилоят ва шаҳарларида шай туради. Бундай имконият кимда, қайси ҳукмдорда бор? Фақат менда, бошқа ҳеч кимда йўқ, шундай экан мен нега мағлубият аламида хаста, кўз ёши қилиб ўтирган нотавон ҳукмдор бўлишим керак? Турон ва Хуросонда сон-саноксиз қўшин камлик қилганидек хоқон Хитой ҳудуди Манжурия ва Шарқий Туркистон, Олтой ҳудудларида 20 ёшдан 40 ёшгача эркакларни сафарбар этишга фармон берди. Бу сафарбарлик унга сон жиҳатдан дунёда энг катта қўшинга эга бўлиш имконини берди. Тузилган қўшиннинг тенг ярмини хоқон Толиқондаги қароргоҳига жўнатиш ва иккинчи ярмини захирада сақлаб туришга кўрсатма берди. Бундан ташқари, Хуросон, Туркистон ва Эрондаги қўшинларини икки ярим ой ичида бир жойга тўпланиб, қароргоҳида жам бўлишга амр қилди. Шу тариқа турли томонларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган қўшин Толиқонда йиғила бошлади. Чингизхон кундан-кун қароргоҳи атрофига келиб қўшилаётган лашкарий қисмларининг беҳисоблигини кўриб, ўзига ўзи далда берди: „Мен бу ерга Хуросонда Жалол Султон билан мушук-сичқон ўйнагани ёки фақат Шарқ ҳукмдори бўлиш учун эмас, етти иқлим мағрибу машриқда замин у замон ҳукмдори бўлиш учун келганман. Энди менинг бу адоқсиз ва беҳисоб лашкаримни нафақат Жалол Султон, балки унингдек беш-ўнта саркарда ғанимларим ҳам қириб адо қила олмайди. Менга ким ҳам: „Эй хоқон, сен Жалол Султонни ҳақиқий истеъдоднинг ва саркардалик маҳорат ҳамда ҳарбий санъатинг илми кучи билан эмас, лашкарингнинг беҳисоблиги билан енга олдинг, бу мардона эришилган ғалаба бўла олмади“, дея эътироз қила олади. Ҳеч ким! Замона зўрники, ким урушда қандай ва нимаики имконияти бўлса, шуни ишга солади. Мен урушни мардона ва кучлар тенглиги шароитида олиб бораман, дея ҳеч ким билан шартнома тузганим ҳам йўқ. Мен ҳадсиз-ҳисобсиз қўшиним билан ҳужум қилиб Жалол Султоннинг тинкасини қуритаман. Қани, унинг ҳарбий даҳолик истеъдоди қанчагача бардош берар экан? Шунда ҳам бу темирдек мустаҳкам одамни ёки одам кўринишидаги махлуқни енга олмасам, бутун Кичик Осиё ҳукмдорларидан тортиб Араб халифалигию Миср султонларининг барчасини тулкидай айёрлигим ва олтин-қумуш хазинамни ишга солиб бўлса-да, Жалол Султонни мағлуб этишга сафарбар қилавераман. Бу йўлда виждон ва виждонга хос бўлмаган қандай имкониятим бўлса, шу воситаларнинг барча-барчасини унга қарши йўналтираман. Диндошлар, қариндош-туққанларининг барчасининг орасига нифоқ уруғини солсам-да, бошлаган ишимни охирига етказиб, Жалол Султонни йўлимдаги асосий тўсиқ сифатида олиб ташлайман. Сўнгра мен ва менинг лашкарим, шахзода ўғилларим ва саркардаларим ҳақида дунё тарихини биттувчи тарихчилар нима деб баҳо берсалар бераверсинлар“. Кўрамизки, хоқон ўз мақсадини амалга ошириш учун ҳар қандай ёвузликлардан қайтмай, инсонпарварлик ғояларидан йироқ туради. Мўғулларнинг дунё узра ҳукмронлиги ва қуллик тузумини ўрнатиш учун жаҳон халқлари қонини дарё қилиб оқизишга тайёр. Унга бу йўлда бирдан-бир буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди ўтиб бўлмас ров бўлиб турган эди.

Жалолиддиннинг феъл-атворини Чингизхон қанчалик ўрганишга ҳаракат қилган бўлса, саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳам уни атрофлича ўргана борди. Шуниси аниқ эдики, хоқон Жалолиддин эришган ғалабаларини шундоққина сийлов қилиб бериб юбормасди. Асосий қўшини етиб келгунча ихтиёридаги катта кучларидан танлаб олинган жангчиларидан махсус қўшин тузди. Улар қиличбозликда ўта моҳир баҳодир ва

жангларда тобланган жангчилар эдилар. Ундан ташқари найзабозликда ғанимнинг исталган жангчисини ғафлатда қолдира оладиган найзабозлардан алоҳида туман жангчилари тузилди. Мерган ўқ-ёйчилар фавжларидан ҳам алоҳида қисмлар ташкил этилди. Уларнинг барчасини бирлаштириб, бу катта янги тузилган махсус қўшинга „Жазокор“ номини берди. Махсус қўшинга танлаб олинган мўғул-хитойлик жангчилар сони 60 мингдан ортиқ эди. Чингизхон шу сафар бу қўшинининг ғолиблик байроғини баланд кўтариб қароргоҳига келишига ишонарди. Хоқоннинг бу танлов билан ҳам кўнгли унчалик хотиржамлик топмай, бу тадбирни пухта амалга ошириш учун уни юзлик, минглик гуруҳларга бўлишни буюрди. Шарқ жанговарлик кураши, қиличбозлик ва найзабозликда тенгсиз жангчи баҳодирларни ажратиб олиб, уларни ўша бўлинган гуруҳларга йўриқчи-устоз қилиб тайинлади. Уларга бир ой муҳлат берди. Махсус „Жазокор“ қўшини фақат номи билан эмас, амалда ҳам номини тўла оқлайдиган, исми жисмига монанд бўлишини таъминлади. Чингизхон эртадан то қош қорайгунча олиб бориладиган жанговар шарқ кураш усулининг барча амаллари қандай бажарилишини ўз назоратига олди. Бу қўшин жисмоний ва руҳий катта куч сарфлаётганлигини инобатга олиб, қўшин таъминоти девонига „Жазокор“ қўшини учун озиқ-овқат истеъмоли белгиланган миқдордан ортиқроқ, бир ярим баробарига оширилди. Раппа-расо бир ой тўлганда жанговар ҳарбий машқлар тўхтатилди. Оғир сафарга чиқиши муносабати билан қўшинга 3 кун дам берилди. Бир вақтда сафар тайёргарлиги ҳам шу куннинг охириги учинчи кун қилиб белгиланди.

Чингизхон шу кунлар ичида „Жазокор“ қўшинига қайси машҳур саркардасини бош қўмондонликка тайинлаш устида бош қотирди. Дастлаб Жўжи билан Ўқтойни бирини бош қўмондон, иккинчисини ёрдамчи қўмондон қилиб тайинламоқчи бўлди. Аммо бу фикридан ҳам воз кечди. Ниҳоят, саркардалар орасида жуда саботли ва жасур, шунингдек, темир иродали лашкарбошиси Шиқи-Хуту-Хини танлади. Бу саркарда ҳам Субутой нўён, Жаба, Тоҳучар ва Тимқур нўён кабилардек Чингизхоннинг барча босқинчилик юришларида иштирок этган энг катта ва оғир жангларда хоқон назарига тушган машҳур лашкарбошилардан эди. Чингизхон уни ўз ҳузурига чақирар экан, унга шу сўзларини алоҳида таъкидлаб бундай деди: „Мен Турон, Хуросон ва Эрондаги жамики қўшинларимдан жасур ва баҳодир жангчиларни танлаб-танлаб номига мос ва хос „Жазокор“ қўшинни тузиб, уни фарзанд саркардаларим ва бошқа ўнлаб қўмондонларга топширмасдан, улар орасидан сени танладим. Қайси саркардани ўзингга муносиб кўрсанг, шуни ёрдамчи қўмондон қилиб бераман. Қўшиннинг энг сараси, ишонган тоғим ҳам ҳозир сенга топшираётган қўшиним ҳисобланади. Бу қўшин билан зафар қучиб, дунёнинг нариги чеккасигача борса бўлади. Шунга муносиб бу лашкар. Хабаринг бор, Жалол Султон сенга жанговар сафдош бўлган нўёнларнинг қайсинисини унга қарши жангга йўлласам, барчасини мағлуб этди. Жўнатган қўшинининг барчаси қора ер қаърига равона этилди. Мен қасосга ташнаман. Зиммангга қандай масъулиятли вазифа юкланаётгани қўшиннинг номиданоқ кўриниб турибди. Менинг юрагимга фақат битта нарса таскин беради. У ҳам бўлса шу даҳшатли қўшин билан Хоразмшоҳ Жалолнинг лашкарини битта қолдирмасдан қириб ташлаб, жасадларини қора қонига бўяб, қиймалаб ташлайсан. Унинг лашкари ўлик таналаридан оққан қонларидан ҳосил бўлган халқоблар, жасадлар тепаликлари қаршисида ўтириб ором олиш, ҳордиқ чиқаришни кўнглим тусамоқдаки, ҳозироқ йўлга отлан. Жалол қўшинидан фақат икки одам тирик

қолсин, Султон Жалолиддин ва Темур Малик. Султоннинг қўшини жасадидан хирмонлар ҳосил бўлган жойда улар иккисини ушлаб тур. Токи мен етиб боргунча ярадор жангчиларининг жон бера олмай қийналган оҳ-воҳларидан қалблари озорлансин. Голиб Чин-Мочин ҳукмдори билан мағлублик шаробидан қониб ичган Турон султони ва унинг мағрур устози Темур Малик билан суҳбатим ўша мудҳиш жанг олиб борилган жойнинг қоқ марказида бўлади. Мозий битикларига ёзиладиган саҳифаларни уларнинг жасадлари терисидан, сиёҳни эса уларнинг халқоб бўлган қонидан, сиёҳдонни эса Жалол Хоразмшоҳ ва устози Темур Малик бош чановидан, ёзув қуролини ўша икки саркарда — устоз-шогирдларнинг қовурға суякларидан Хитойнинг моҳир усталарига бежирим қилиб тайёрлашга буюртма бераман. Хитой ва уйғурларнинг донишманд муаррихларига бу буюк ғалабамизни битишни Хитой йил ҳисобида ғалабамизни улуғ байрам қилиб нишонланаётган дамларда тарих битишга фармон бераман. Мана шундан қатъий хулоса чиқариб, ҳар қандай шароитда ҳам голиб бўлиб жангни яқунлашинг шарт“. Шиқи-Хуту-Хи: „Ҳар қандай ҳолатда ишончингизни оқлайман, хоқоним, йўлга отланишга ижозат беринг“, деди таъзим бажо келтирганича, танг қотиб.

Жалолиддин Мангуберди ғалабаларидан асло эсанкирамади. Аксинча, ҳали даҳшатли ва қирғин<sup>2</sup>-барот жанглар олдинда эканлиги, унинг олдида ҳозиргача олиб борилган жанглар арзимас жанглар қаторида қолишини қалбан сезарди. Дарё-дарё қонлар оқишига сабаб бўладиган беаёв жанглар энди бошланаётган эди.

ЧИНГИЗХОННИ ВАСВОС КАСАЛИГА  
УЧРАТГАН ҚОНЛИ ЖАНГЛАР.  
ЖАЛОЛИДДИННИНГ ҚАСОС ҚИЛИЧИ

## ПАРВОНДА КЎТАРИЛГАН ҚАСОС ҚИЛИЧИ

Султон Жалолоддинга Парвон йўли бўйлаб Чингизхоннинг жуда катта қўшини келаётганлиги ҳақида Вахш тарафдаги жосуслик бўлинмалари ўз хабаргирларини жўнатди. Чопарлар бу қўшин ўта моҳир ва баҳодир жангчилардан тузилганлиги, Чингизхон унга жуда тажрибали саркардасини бош қўмондон қилиб тайинлагани ва ҳар қандай шароитда шу сафарги жангни ўз фойдасига ўзгартириш учун чоралар кўргани ҳамда Жалолоддин ва Темур Маликни тириклайин қўлга олиш тўғрисида Чингизхон бош қўмондонига кўрсатма берганини алоҳида таъкидладилар. Бу хабарни олиши билан Жалолоддин Мангуберди лашкарни оёққа турғазди. Ўша маҳалда қувончли ҳодиса рўй берди. Иттифоқлик қилиш учун афғон амир ва сардорларига жўнатилган Султон элчилари уларни Жалолоддин Мангуберди ҳузурига бошлаб келди. Султон уларни кутиб олар экан, элчиларидан ҳам, афғон амирларининг иттифоқчилик қилишга розилигидан ҳам ғоят хурсанд бўлди. Халаж қабила сардори Сайфиддин Афғок ал-Халажий, Балх ҳукмдори Аъзам Малик, қарлуқ қавми йўлбошчиси ал-Ҳасан Қарлуқ Жалолоддин Мангубердига мурожаат қилиб, мўғулларга қарши биргалашиб курашишга тайёрликларини билдирдилар. Уларнинг ихтиёридаги қўшинлар келиб Жалолоддин Мангуберди лашкари сафига қўшилгач, Султон қўшинининг қудрати янада ортди. Бу лашкар сон жиҳатдан Чингизхон қўшинидан ҳам анча кам бўлса-да, аммо унинг асосий бирлашган кучлари билан бемалол жанг қила оларди.

Жалолоддин Мангуберди мўғулларнинг махсус „Жазокор“ қўшини Парвон йўлидан келаётганлигини эшитиб, афғон амирлари қўшини иттифоқчилигида уларнинг йўлини тўсиш ва уларнинг ўзларини ўнглаб, нафасни ростлаб олишларига имкон бермай, жанг майдонига улардан олдин етиб келишга жазм этди. Бир вақтнинг ўзида Шиқи-Хуту-Ҳи қўшини қандай тезликда, қачон етиб келиши ҳақида аниқ маълумот олиб туриш учун уларга қарама-қарши йўналишда бир неча гуруҳ жосусларини шимоли-шарқ ҳамда жануби-ғарб ва бир қисмини ғарб томон йўналишлари бўйлаб жўнатди. Уларнинг келишини кузатиб ё чап, ёхуд ўнг томондан алдамчи йўллардан Султон Жалолоддин лашкарининг орқа тарафга ўтишига йўл қўймаслик учун назоратни янада кучайтирган эди.

Парвон даштига мўғуллар тахминан 3—4 соатлар ичида етиб келишини хабаргирлар маълум қилгач, Жалолоддин Мангуберди лашкарига майдон бўйлаб саф олишга буйруқ берди. Лашкарни уч йирик қисмга ажратди. Марказ, ўнг ва чап қанот бўйлаб саф олди. Сўнгра барча саркарда ва мингбошилари билан қисқа жанг режасини тузди. Афғон амирларига душман ҳарбий санъат усуллари бўйича ўта тажрибали ва ҳийлакорликда тенгсиз эканлигини таъкидлаб, қуйидагиларни уқтирди: „Менинг буйруғимсиз на ҳужум қилиш, на менинг рухсатимсиз бир қадам чекиниш тўғрисида бирор ҳаракат бўлмасин. Акс ҳолда, бу жанг бой берилишидан огоҳлантираман. Учала афғон саркарда ва амирларига қўшинингиз олдида туриб лашкарингиз билан барала қасам ичиб, мени ишонтиришингизни сўрайман. Токи жанг бошланишидан охирига қадар менинг кўнглим сизлардан тўқ бўлиб туриши керак. Мен ўшанда жангни ишонч билан олиб бораман ва ишонч билан қўшинни ғалаба сари бошлаб, ғанимларни қириб ташлаймиз, вассалом. Барча ўз жойини эгалласин, ҳаммамизни худо ўз паноҳида асрасин, Иншооллоҳ!“

Жалолиддин афғон амирлари қўшини сафига от елдириб келди. Жанг майдонида Султон номига қасам янгради: „Ўлсак ўламизки, бир қадам ҳам орқага чекинмаймиз. Буюк лашкарбоши Жалолиддин Мангубердига ғалаба ёр бўлсин, биз сизга содиқмиз, онг ичиб айтамиз, биз сизга содиқмиз!“ Жалолиддин Мангуберди эса: „Зафар ёр бўлсин, биродарлар, олинг-у олдирманглар. Ёвга ўлим!“ „Ёвга ўлим!“ дея қилич ва найзаларини баланд кўтарган жангчилар саркардага ҳамоҳанг осмону фалакка туташган қийқириқлар билан олқишладилар саркарда Жалолиддинни. Бутун қўшиннинг ушбу сўзларни қайта-қайта такрорлаш ҳайқириғидан майдон ларзага келди. Сўнгра жанг майдонининг қулай марралари эгалланиб, жанг тадоригининг охирига тайёргарликлари кўриб бўлинди ҳамки, чанг-тўзон ғарб томондан Парвон йўли бўйлаб, осмону фалакка кўтарилди. Бу мўғуларнинг қўшини яқинлашиб қолганлигини билдирар эди. Буни тезда хабаргирлар ҳам тасдиқладилар. Яна 30—40 дақиқада ғанимлар лашкари шу ерга етиб келишини тасдиқладилар.

Мўғулар етиб келгунча Жалолиддин Мангуберди Парвон даштининг жуғрофий-худудий, паст-баланди ва табиий ҳолатини синчиклаб, саркардалари билан текшириб чиқдилар. Жанг майдонининг қулай ва катта қисмини Султон қўшини эгаллаб, кичик ва тор, ноқулай қисмини мўғулар лашкарига қолдирди.

Жалолиддин Мангуберди учун жанг майдони марказида ғул қисмини бошқариши қулай эди. Ўша жойдан туриб ўнг ва чап қанот лашкарий қисмлар ҳолати ва мўғуларнинг чалғитувчи усулларини кузатиб, унга қарши тез бартараф этувчи чоралар кўрарди. Аминал-мулкни 10 минг суворий лашкари билан ўнг қанотга тайин қилди. Темур Малик қўшиннинг манглай қисмини бошқарадиган бўлди. Халаж қавми сардори Сайфиддин Ағроқ ал-Халажий ва Балх ҳукмдори Аъзам Малик қўшиннинг марказ қисмини чап қанотдан мустаҳкам ҳимоя қиладиган бўлди. Қорлуқлар сардори ал-Ҳасанни ўз лашкарий қисмлари билан захирада туриши маъқулланди. Жалолиддин бир вақтда унга бошқа бир вазифа ҳам топширди. У душманнинг кўзини шамғалат қилиб, ўнг ёки чап қанотдан айланиб ўтишига ҳам асло йўл қўймаслиги, ҳар икки томондан зийракликни бир дақиқа ҳам унутмай ғанимнинг чалғитувчилик ҳаракатларини кузатиши лозим эди. Шунингдек, ғаним айланиб ўтадиган йўлларни мустаҳкам кўриқлаш топширилди. Жанг бошланишидан охирига қадар Султон Жалолиддин ўнг ва чап томон саркардалари билан мустаҳкам боғланиб туриш учун, шунингдек, унинг буйруқ ва кўрсатмаларини саркардаларга тез ва аниқ етказиш учун топқир ва жасур жангчилардан чопар хабаргирлар тайинланди. Уларнинг отлари ўқ еб яраланса, исталган қўшин ўнбоши, юзбоши ва мингбошилари уларга дарҳол улов топиб бериши, агар унинг иложи бўлмаса, ўзларининг уловларини зудлик билан уларга топшириши зарур эди. Негаки, минглаб жангчиларнинг, ҳатто бутун лашкарнинг тақдири шу хабарнинг тез етказилишига боғлиқ бўлиб қоларди. Жанг давомида ғаним чалғитувчи ҳарб усулларини тез-тез ўзгартириб турарди. Жалолиддин Мангуберди уни дарҳол бартараф қиладиган чораларни кўришга киришар, унинг қабул қилган қарорларидан саркардалар тез хабардор қилинарди.

1221 йилнинг 27 июлида Шиқи-Хуту-Ҳи лашкари Парвон дашти ёзининг иссиғи авж палласида узоқ ва жадал йўл босиб Парвонга етиб келар экан, қутилмаганда қилич ва найза тифлари мўғуларнинг жигар-бағрини ёриб ташлашга шай ҳолда тайёр турган Султон Жалолиддин қўшинига дуч келди. Уларнинг режасига кўра, бу қўшин билан мўғулар Ғазнада учрашиши қутилган эди. Қўшинга жанголди нафасни ростлаб дам олиш вақти ҳам шаҳар остонасига белгиланганди. Мўғулар қўшини тартибсиз ҳолатда тўхташга мажбур бўлди. Султон Жалолиддин уларнинг бемалол нафасни ростлаб олишларига мутлақо имкон бермади.



Чингизхон бу қўшиннинг шу сафар ғалаба қилишига қаттиқ ишонар, бунга заррача шубҳа қилмасди. Шиқи-Хуту-Хини ҳарбий сафарга йўлаш олдидан унга махсус совға — арава тақдим қилди. Арава мустаҳкам панжаралар билан ўралган кўчма қамоқхона эди. Чингизхон уни „Ҳазокор“нинг Бош қўмондони Шиқи-Хуту-Хига тақдим қилар экан: „Хоразмшоҳ Жалол билан Темур Малик устоз-шоғирдларга кенг жаҳонни тор қилиб, қолган умрини қафасга солинган йиртқичлардек шу ерда ўтказишга мажбур қиламан. Жанг тугаганда мен уларни шунинг ичида кўришим шарт. Сенга берилган мана шу баҳодирлардан ташкил топган лашкар бу ишни бемалол уддалайди“. Бош қўмондон Шиқи-Хуту-Хи ҳам хоқонни ишонтириб: „Жангдан кейин албатта сиз орзиқиб кутган „азиз икки меҳмонингиз“ни қафас ичида занжирбанд ҳолда сизга ўз қўлларим билан топширгайман, хоқоним“. „Бор умидим сен ва шу қўшиндан“, дея хоқон қароргоҳидан чиқиб, „Ҳазокор“ қўшини Бош қўмондонини кузатиб қўйган эди. Шундан эътиборан хоқон ғалаба хабарини интиқ кута бошлади.

... Шиқи-Хуту-Хи қўшинининг олдинги сафи Жалолиддин Мангуберди қўшинидан 400—500 метрлар оралиқ масофа сақлаганча тўхтадилар. Жалолиддин Мангуберди қўшинлари ҳужумга тўла шай эди.

Шиқи-Хуту-Хи эса қўшини куч-қудратига қаттиқ ишонган ҳолда, „менинг қўшинимнинг сони ва вазоҳатини кўрибоқ“ Жалолиддин Мангуберди биринчи бўлиб ҳужум қилишга асло ботина олмайди, фақат мудофаа жанги олиб боришга мажбур, деган фикрда эди. Унинг қўшинининг жанг майдонига кириб келаётганлигини кўрган ҳар қандай ғаним бундай лашкардан ҳайиқмаслиги мумкин эмасди. Ҳақиқатан ҳам улар шундай даҳшатли куч эдилар. Мўғулларнинг олдинги сафи орқасидан келувчи лашкарлар сафи бетўхтов кўпайиб борар, уларнинг адоғи кўринмасди. Жалолиддин лашкарининг ҳужум қилишига мутлақ ишонмаган мўғуллар ўз ғанимларига беписандларча қараб, бамайлихотирлик билан от-уловларидан тушиб, бемалол бир ҳолатда осма қозон-ўчоқларини осиб, овқат ва дам олиш тараддудини бошлаб юбордилар.

Уларни диққат билан кузатаётган Жалолиддин Мангуберди афғон амирлари, Аминалмулк ва Темур Малик билан келишиб олдилар. Улар тушдан кейин узоқ йўл босиб келган қўшинга дам беришни бошлади ва емиш тараддуди билан бўлиб, ҳужумни эрта тонгда бошламоқчи. „Пиширмоқчи бўлган овқатини оғзидан қон қилиб оқизамиз бу ғанимларнинг, майли бирпас халал бермай турамиз. Шундай экан, жуда яхши, биз ҳам худди уларнинг ишини такрорлаб, тушлик тараддудини бошлагандек қилиб кўрсатамиз, ўзимизни.“ Жалолиддин Мангуберди устози Темур Маликка: „Устоз, сизнинг манглай олдинги қисмингизга дарҳол ўтин, қозон-товоқ, сув ва масаллиқлар етказиб бераётгандек ҳолатни содир этиб, қозон тагига жангчиларингиз олов ёқсинлар, шунда мўғуллар бизнинг ҳужум қилмаслигимизга тўла ишонсинлар. Ана шу пайт мўғуллар чарчаб келганлиги учун улар совут, қалқон ва жанговар қуролларидан бирпас бўлса-да, фориг бўладилар. Айниқса, мўғулларнинг асосий кучи суворийлар, отлар чарчаса, жангга ярамайдилар, лашкар ҳам. Биз ана шу фурсатни қўлдан бермай ҳужум қиламиз.“

Тезлик билан Темур Маликнинг манглай қўшинига қозон-товоқ ва ўтин, саксовул шохлари етказиб, ўт ёқилди. Буни кўрган мўғуллар „Хоразмшоҳ қўшини ҳужумга ботина олмади“га йўйдилар. Буюк саркардага худди шу керак эди. Жалолиддин Мангуберди мўғулларнинг хотиржамлигини кўрди-да, саркардаларига хабар юборди. Кўрсатма шундай бўлди. „Қароргоҳим устида оқ байроқ кўтарилиши — бу „Ҳужумга тайёрланинг!“ шартли белгиси, кетидан осмонга қароргоҳ тепасидан изма-из учта ёй ўқи отилиши — бу



Жалолиддин Мангуберди Шимоли-шарқий чегараларни назорат қилиш учун Хоразм баҳодирларини ҳарбий сафарга олиб чиқмоқда. Бу пайтда саркарда энди 16 баҳорни қаршилаётган эди. 1215 йил.



Жалолиддин Мангуберди ҳарбий сафарда чегарани бузиб ўтган мўғулларнинг машҳур саркардаси Субутой нўён ва Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи бошчилигидаги йирик қўшинни Ирғиз чўли ва дарёси бўйида тор-мор келтирди. Бу ёш саркарданинг мўғуллар устидан қозонган биринчи йирик ғалабаси эди. 1215 йил.

„Шиддат билан хужумни бошланг!“ буйруғи берилганидир, тулпорларга аччиқ қамчи босиб, мўғуллар устига қуюндек ёпириламиз“. Белгиланган тартибда қароргоҳ устида, маълум фурсат ўтиб, оқ байроқ ҳам кўринди. Сал ўтмай ёйнинг биринчи ўқи ҳавога кўтарилди, кейин иккинчиси, сўнгра ниҳоят учинчи ўқ ҳавода осмонга кўтарилди.

Жалолиддин Мангубердининг марказ қисми унинг ўзи бошчилигида шамол тезлигида бир нафасда мўғулларнинг олдинги сафида дам олишга киришган қисмларига қирон келтиришга киришиб кетди. Мўғулларнинг энди бошлаган чой-нони заҳарга айланди. Жалолиддиндан кейин барча ҳарбий қисмлар, афгон амирлари ёпасига душман устига ташландилар. Мўғулларнинг ютиб улгурмаган овқатлари оғзи-бурнидан қон бўлиб отилиб чиқди. Кўпчилигининг бўғзига тортилган қилич зарбидан еяётган овқатлари оғзидан эмас бўғзидан тўкилди. Мўғуллар совутларини кийиб, қурол-қалқонини олиб, отларига етиб боргунча ўткир қилич ва найзаларга сикландилар. То босқинчи ёв ўзларини ўнглаб, жанговар ҳолга келгунча Жалолиддин Мангуберди қўшини мўғул лашкарининг неча минглаб жангчиларини у дунёга равона қилди. Улар учун қутилмаган бу хужум катта талафотга олиб келди. Майдонни ўлик ва ярадорлар босиб кетди. Мўғуллар 2—3 соатларга қадар тўс-тўполон ичида қолиб, ўзига кела олмади. Улар на шу вақт ичида бир саф бўлиб ўзларини қўлга ола олди, на чекиниш тўғрисида буйруқни эшита олди. Бошқарув тўла издан чиқди. Шу билан кун ҳам бота бошлади. Фақат кун ботиш арафасида мўғуллар бир тартиб ва сафга келгандай бўлдилар. Энди қасос аламида жангга кириш мумкин бўлиб, мўғуллар ўзига келиб, жанг бошлай деганда кун уларга ўчакишгандай мағриб олами тарафга ўтиб, чор атрофга зулмат сепини ёйди. Ҳар икки қасосга ташна томонлар орқага қайтишга мажбур бўлдилар.

Чингизхоннинг махсус „Жазокор“ қўшини, Бош қўмондон Шиқи-Хуту-Хининг беписандларча ҳаволаниши биринчи тўқнашув куниёқ қимматга тушди. Жалолиддин қўшинидан қутилмаган жазосини олди. Бу жазо унинг қалбини чаён чакқандай оғритди. Ўзининг ҳаддан ташқари мағрурлиги ва қўшинига шунчалар ортиқча баҳо бериши нақадар катта фалокат ва талафотга сабаб бўлди. „Шу хатоимни эртага тўғриламасам, ҳолим нима кечади? Ахир бу лашкар хоқоннинг асосий таянчи, лашкарнинг бош устун, Чингизхоннинг суянган тоғи-ку? Йўқ, эртага ҳар қандай вазиятда ҳам бутунги мағлубиятнинг аламини олишим, нима қилиб бўлса-да, галабани ўз томонимга буриб юборишим шарт“. Шуни ўйлар экан, қароргоҳи олдида турган темир панжарали қафас кўчма аравага кўзи тушди. „Агар бу жангни қўлдан бугунгидай бой бериб қўйсам, унда нима бўлади? Унда хоқон: „Бу ўзинга насиб этиб, сенга мендан сийлов бўлди“, деса, унда ҳолим не кечади? Ғазаби келса, кимни аяб ўтирган, бу хоқон.“ Ана шундай ваҳимали фикрлар миясида ғужғон ўйнаган Шиқи-Хуту-Хи тунда ўзи билан ўзи олишиб тонг отгирди. „Нима бўлса ҳам бугун жангда бурилиш ясайман“, дея шиддат билан туриб қароргоҳидан ғазабнок ҳолатда жангга қўшинини сафлаш учун чиқиб кетди.

Жалолиддин Мангуберди ҳам биринчи кунги жангдан кейинги тунни руҳий зўриқиш билан, асабий ўтказди. Тўғри, унинг қўшини ярим кунлик жангни қутилгандан ҳам муваффақиятли бошлаб, душманнинг камида учдан бир қисм лашкарини ер тишлатди, майдонни мўғулларнинг ўлиги ва ярадорлари билан тўлдирди. Жангчилари қутилмаган хужум билан ёвнинг то кечгача ўнглаиб олишига имкон бермадилар. Мўғулларни пала-партиш ва тартибсиз жанг қилишга мажбур қилдилар. Натижада мўғуллар жангнинг биринчи куниёқ катта йўқотишга учрадилар. Аламзадалиқ билан чекинишга мажбур бўлдилар. Аммо жангнинг энг оғир, ҳал қилувчи куни эрта тонгдан бошланадиган жангни

қандай ўтказиш керак? Кўпчилик саркардаларнинг маслаҳатига кўра, биринчи кунги жанг услуги ўзини яхшигина оқлагани марказ, чап ва ўнг қанот ҳамда бир қисм лашкарнинг захирада вазиятга қараб жангга киритилиши мақбул топилди.

Эрта тонгги соат 4 ларда қасос жангига ташна икки томон лашкари жанголди сафга тизилиш тайёргарлигини бошлаб юбордилар. 28 июль куни Парвон дашти ўзгача бир воқеа ва ҳодисалар гувоҳи бўлиб турарди. Эрталаб тонг ота бошлаган маҳалда ҳар икки томоннинг карнай, сурнай ва жангга чорловчи бурғуларининг мусиқий наъра тортувчи овозини тонгнинг тиниқ ҳавоси, бир маромда эсаётган салқин шабада узоқ-узоқларга олиб кетмоқда. Сафларини топишга интилаётган суворий ва пиёдалар уйқуга тўймаган кўзларини уқалаганча гоҳ у томон, бошқа бирлари эса бу томон чопадилар. Юз минглаб лашкарларнинг бақириқ-чақириқлари майдонни ларзага келтирмоқда.

Мўғуллардан эртароқ саф олишни тугатган Жалолиддин Мангуберди қўшинлари, асосан, жангга шай. Султон Жалолиддин жуда бақувват гижинглаган тулпорига шиддат билан, аммо қушдек енгил ҳаракат қилиб минар экан, жанг олдидан жангчиларига гумбурлаган, баланд овозда мурожаат қилди: „Турону хуросон ва хоразмлик баҳодирларим, азиз ватандошларим, бугун сизу бизга Ватан ва жафокаш халқимиз айни шу дамларда умид кўзларини тикиб турибди. Қасосга ташна яроғимиз кучи билан ёвни қириб ташлайлик. Ҳаммамизга Худо ёр бўлсин! Олга!“ Султон Жалолиддин олмос ва Дамашқ пўлатидан қўшиб ишланган Такаш бобосининг қиличини шаҳд билан сопидан суғуриб, ёғий томон чақмоқдек чақиниб, от сурди ва ғаним ғулига ўткир ханжардек санчилди. Марказ, ўнг ва чап қанот баланд тоғдан тушаётган тоғ кўчкисидек буюк саркарда орқасидан душман устига ёпирилди. Июль куёшининг эрталаб сочаётган нурида ялт-юлт душман боши узра айланаётган Жалолиддин қиличи олдинги сафдаги бир неча душман баҳодирлари бошини танасидан жудо қилди. Темур Маликнинг лашкари Жалолиддиннинг чап қанот томонини ҳимоя қилиб жангга кирди. Унинг арслондай наърасидан унга рўбарў келган мўғул жангчиси омонлик топмади. Ўнг қанотдан момақалдироқ каби даҳшат солиб суворийлар қўшини қўмондони душманнинг ўнг томон лашкарига найза бўлиб қадалди. Шу тариқа жангнинг энг қирғинли палласи кучайиб бораётган бўрондек барчани домига тортди. Ҳеч қачон зилзила нималигини билмаган Парвон ҳудудда жанг қудрати зарбидан замин титради.

Жалолиддин Мангуберди баланд бўйли тулпори — қорабайир отида Марказ қўшини билан Шиқи-Хуту-Хи қўшинининг ғул — асосий қалб қисмида шундай жанг олиб бормоқда эдики, унинг шу жанг давомида ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган қирралари очилиб, жанг майдонида тобора шишиниб, шердек наъраси душман баҳодирлари юрагига кўрқув солар, ўз жангчи баҳодирларига эса бундай сабъ-ҳаракатлари билан куч бағишлаб, уларни жангга илҳомлантирар эди. Султон Жалолиддиннинг бошқа кўплаб ҳукмдорлардан фарқли хусусияти шу эдики, у жангни ҳеч қачон қароргоҳидан туриб бошқармасди. Жаҳондаги кўп ҳукмдорлар ва шоҳлар ўзлари кўпинча жангга кирмасдан, бош қўмондонлари ва саркардаларини жангга йўлаб, ўз қароргоҳида кузатиб турар эдилар. Жалолиддин Мангуберди эса мўғуллар ва бошқа ғанимлари билан жангда доимо душманларининг марказ қисми бўлган лашкарига найзадек санчилиб, ёғий баҳодирларига биринчи бўлиб қилич уриб, уни тилка-пора қилиш орқали жангни бошлаб берарди. Унинг қиличи кучи шунчалар қудратли эдики, душманнинг энг кучли паҳлавон жангчилари ҳам қалқон, қилич ва совутлари билан ҳимояланишларига қарамасдан биринчи зарбанинг

ўзидаёқ оти устидан лаҳзалар ичида ерга гурсуллаб қуларди. У қилич ёки найза урганида бирор душман жангчиси ярадор бўлмасди, балки тил тортмай у дунёга равона бўларди. Жангда гувоҳ бўлганларнинг фикрига кўра Султон билан юзма-юз келган ҳар қандай ғаним тез ўлиб қутулишдан бошқа бирон чора топмаган, фақат жонидан умидини узган ғаним унга рўбарў бўлган. Унинг қиличи чап қўлида ҳам, ўнг қўлида галма-гал алмаштирилганда ҳам бир хил куч, бир хил зарб билан урилган. Эрта тонгда бошланган жанг майдонини қоронғи тушиб тарк этмагунча саваш шиддатини кучайтирса кучайтирганки, пасайтирмаган. Яна бир жиҳати шунда эдики, Жалолиддин Мангубердини тириклайин қўлга тушириш душманнинг бош мақсади бўлиб, унга қарши жўнатилаётган ғаним жангчиларининг жанг майдонини титратувчи, бир-биридан моҳир қиличбоз, бир-биридан моҳир найзабоз баҳодирлар унга бор кучи ва маҳорати билан ҳамла қилишини кўз олдимизга келтирсак, улуғ саркарданинг ҳар лаҳза ва дақиқаларда фақат ўлим билан нақ юзма-юз турганлигини ҳис қилиш мумкин. Кети кўринмай офат тўфонидай босиб келаётган душманнинг кечгача қутуриб қилган ҳужумларини 40—50 марталаб қайтариб қолмай, ёвнинг ғиж-ғиж келаётган сафини ёриб ўтиш учун олға ташланиши, бу ҳолатга ақл бовар қилмайди. Булардан ташқари, 15—20 метр масофадан туриб унинг бошига арқон сиртмоғини ташлаб жанг майдонидан бақувват оти билан судраб олиб чиқиб кетишга интилувчи баҳодир ва паҳлавонлардан ташкил топган ўлжачи махсус гуруҳларнинг хавфли таҳдиди-чи? Барча-барчаси олдиндан ўйланган режалар, махсус топшириқ олган қисмлар бир вазифа — Султон Жалолиддинни қуролсизлантиришга сафарбар этилган. Ана шуларни жангнинг ибтидосидан интиҳосигача бартараф қилиб, уларни ўзи қазиган чоғга ўзларини йиқитиб, жаҳаннамга жўнатаётган Жалолиддин Мангубердининг муҳораба майдонининг йиқилмас қояси бўлиб туриши жангчилар, Ватан баҳодирлари учун маънавий-руҳий қудрат манбаи бўлганидан далолат беради. У жанг майдонининг доимо бош қаҳрамони, афсонавий баҳодир эди. У фақат ва фақат жанг ва жанг майдони учун туғилган, дунёга келгандек таассурот қолдирарди барчада. Шу сифатлари билан ғанимлар учун саркарда даҳшатли куч ҳисобланарди.

Жалолиддин Мангубердини жанг майдонидан йўқ қилиш учун ғанимлар ҳарб санъатининг ҳамма усулларини бирин-кетин амалга оширишдан тўхтамасдан, талафотлари қанча ошиб бормасин, уни қуршаб олиб чиқиб кетишга қаттиқ зўр берардилар. Бундай пайтларда жанг майдонининг шунқор, марду майдон паҳлавонларидан минг баҳодир жангчиси Султон Жалолиддин Мангубердини зич бўлиб ўнг, чап ва орқа тарафидан бир неча саф ҳосил қилишиб муҳофаза қилиб борарди. Уларнинг сафи сийраклаша бошлаши билан ўрнини сафнинг орқасидан келаётганлар зудлик билан доира муҳофазасининг бўшашган, очилган, сочилган жойларини тўлдириб борардилар. Ана шу сафнинг ўзи жанг майдонида мустаҳкам, олиб бўлмас қалъа деворини ва тоғ қоясини эслатарди. Жалолиддин ва унинг ана шу баҳодирлари бутун лашкарнинг жону дили, суянчи ва руҳий куч-қувват берувчи асосий манбаи ҳам эди.

Худди шунингдек, бу ерда Темур Маликнинг оз сонли қўшинлари душманнинг бир неча бор устун қўшинлари билан олишуви ҳам тасанноларга лойиқ эди. Душман бир неча ҳужумлар уюштириб, Жалолиддиннинг марказ қисми зарбасига такрор-такрор дуч келавергач, Шиқи-Хуту-Ҳи режасига ўзгариш киритиб, қўшинининг асосий кучини селдек Темур Маликнинг қанот қўшинига қарши йўналтирди. Темур Маликнинг қанот қисмини қириб битиргач, Жалолиддиннинг марказ қўшини орқа томонига чиқиб олишни мўлжаллади. Душман бош қўмондонининг шум ниятини англаган Темур Малик шундай

бир жанг қилдики, ғанимлар сон жиҳатдан бир неча бор ортиқ бўлишига қарамай, ҳужумдан воз кечиб, мудофаага, ундан эса чекинишга мажбур бўлди. Шу пайтда душманнинг ҳолини янада танг қилиш учун Аминалмулк 3000 отлиқ суворийларини Темур Малик қўшинлари ҳужумларини кучайтириш мақсадида мададга жўнатди. Натижада Аминалмулкка қарши жанг олиб бораётган мўғулларнинг йирик кучларидан 10 минг кишилиқ туманини Шиқи-Хуту-Хи Темур Малик ҳужумини тўхтатиш учун ташлашга мажбур бўлди. Аминалмулк томонда ҳужумга ташланаётган мўғуллар кучи сезиларли камайганлигини сезган суворийлар қўмондони бундан фойдаланиб, қўшинини қарши ҳужумга бошлади. Натижада Шиқи-Хуту-Хи Аминалмулк ҳужумини қайтариш учун марказ қўшинидан бир қисми ва захирасини суворийлар ҳужумини тўхтатиш учун жўнатишга мажбур бўлди. Энди захирасиз қолган Шиқи-Хуту-Хининг аҳволи танглаша бошлагани аниқ эди. Жалолиддин Мангуберди худди шу ҳолатни кутаётганди. Чамаси бир соатдан кейин захирада турган афғон амирларига кўрсатма бериб, шамол тезлигида қатъият билан душманнинг орқа томонидан айланиб ўтиб, Шиқи-Хуту-Хининг гул қўшини қароргоҳига зарба беришни буюрди. Жанг давомида уззукун нафасни ростлаб захирада турган афғон сардори 15 минг жангчи суворийлари билан душманни айланиб ўтиб, ҳужум бошлаб юбордилар. Шу билан Шиқи-Хуту-Хининг „Ҳазокор“ қўшинига уч тарафдан ҳужум қилиниб, уларнинг бошига жангнинг биринчи кунида бўлгандек офат ёғилди. Шиқи-Хуту-Хи қўшини катта йўқотишларга учради. Жангнинг биринчи кунида бўлганидек, қўшинни бошқариш яна издан чиқди. Унинг қўшини томон яна мағлубият шамоли эса бошлади. Устига-устак Жалолиддин Мангуберди мўғулларнинг аҳволи оғирлашадиган ҳолатни содир этиб, қуршаб олишга зўр бериб, доира ҳалқаси ҳосил қилиш учун барча кучларнинг ҳамжиҳатлиқдаги ҳужумига зўр берди. Аммо қуршов ҳалқаси ҳосил бўлиб, унинг қуршов қозонида қайнайдиган бўлса, бу ўлим эканлигини англаб, мўғуллар ҳалқа ҳосил қилинишига имкон бермаслик учун, силласи қуриган қўшинни бу фалокатдан сақлаш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилдилар. Шу кунги қирилиб кетишдан мўғул қўшинининг қолган қисмини фақат бир кечага, учинчи кундаги бўладиган жангга қадар тун ҳукмронлиги бошланишигина сақлаб қолди. Шу тариқа қуршов ҳалқаси яқунланмай қолди. Бироқ „Ҳазокор“ қўшиннинг ушбу кунги қиймат жангидан сўнг ваҳимали номи ва бир кечалик умри қолган эди, холос. Бу даҳшатли сараланган мўғул қўшинининг умуртқа поғонаси уриб синдирилган эди. Қўшиннинг омон қолган қисми шундай хароб аҳволда Чингизхон олдига боришга нафақат ҳарбий бурч бўйича, балки маънавий ҳуқуқи ҳам йўқ эди. Бу ҳукмдорнинг жанг майдони тўғрисида „Низом“ қонун-қоидаси ҳисобланган „Ясоқ“ тартибларига кўра қочиб бориш улар учун нақ ўлим эди. „Ҳазокор“ қўшинининг омон қолган қисмини олдинда Жалолиддиннинг қутулиб бўлмас қасос қиличи, орқага қараб қочса, ўз ҳукмдорининг хиёнаткор, қочоқларга аталган жазо қиличи тайёр турган эди. Буни яхши англаб, билиб ва ҳис қилиб турган мўғул жангчилари Жалолиддин қиличидан ўлиш афзаллигини жангчининг бурчи деб ҳисобладилар. Ҳар ҳолда курашиб ўлиш мард жангчига ярашади. „Ясоқ“нинг талабига кўра қочишдан унинг афзаллиги, қадри баланд турарди. Мўғуллар қўшинида майдонни ташлаб қочиш ҳукмдорга хиёнат қилган жангчилар сифатида қаралиб, бундай жангчилар қўшин кўзи олдида даҳшатли қийноқларга солиниб, кўпчилиги шу азоб-уқубатли қийноқларга бардош бера олмай жон таслим қилардилар, чалажон бўлиб қолганларнинг энг сўнгги қийноқлардан кейин боши танасидан жудо қилинар эди.

## МАҒЛУБИЯТДАН ҚУТУЛИШ ЙЎЛИДАГИ ҲИЙЛА

Жангнинг учинчи куни Шики-Хуту-Хи ҳийла ишлатиш орқали Жалолиддин қўшинлари жангчилари орасида ваҳима солиб, осонгина ғалабани қўлга киритмоқчи бўлди. Бу „чиқмаган жондан умид“ қабилидаги охирги уриниш бўлди. Ҳали тонг отмаёқ қоронғи тунда ўтовлари, кўч-қўронини кўтариб ўзлари тунаган майдонни тарк этиб, салкам бир чақиримча орқага чекиндилар. Шики-Хуту-Хига қайсидир саркардаси „Ўша ҳийлани қўллашдан бошқа чорамиз йўқ, нима бўлса ҳам шу усулдан фойдаланишимиз зарур. Зора иш бериб, Жалолиддин Мангуберди қўшинига гулгула сола олсак, балки душманни жангда қочишга мажбур қила олармидик“, деди. Бу ҳийлага мўғуллар бош қўмондони рози бўлди, бошқа иложи ҳам йўқ эди. Бу усулга кўра қўшиннинг барча отлари бир неча қатор сафга тизилади. Фақат биринчи қатордагилар ҳақиқий суворий жангчилар бўлиб, узун найзаларини чўзганича қалқонларини жангга шай қилиб тайёр турадилар. Уларнинг орқа сафига турли ўт-ўланлардан одамнусха сохта жангчилар ясалади. Уларга совутлар кийдирилади. Шундай қилиб, тун зулматидан фойдаланиб, ярим кечада жангда ўлганларнинг устки кийимлари ярим яланғоч қилиб ечиб олинди. Мўғуллар шу ерда из қолдирмаслик, фош бўлмаслик учун ярим тунда бир оз ҳушига келган ўз ярадорларини ҳам ўлдириб, қилаётган сирли ҳийласи очилмаслиги учун ўзлариникими ёки тунда фарқига бориб ўтирмасдан Жалолиддин жангчисими, баҳридан ўтдилар. Лекин уларнинг бир жиддий хатоси, яъни сирни фош қилувчи далилни — тунги ҳаракатлари давомида тамомила очиб ташлайдиган далилни унутган эдилар. Бу ўликларнинг кийими, жанговар дубулға ва совутлари ечиб олинди, жасадларни ярим-яланғоч ҳолга келтирилганлиги эди. Шунингдек, иккинчи шубҳа шу эдики, отличлар пиёдалардан анча олисда сафланган эдилар. Негаки, пиёдалар олдига сафга тизилганда уларнинг сохта, ясама одамлар экани тонг отиши билан кўзга яққол ташланар эди.

29 июль жангнинг энди бошланадиган учинчи кунда, тонг ғира-шира ёришаётган дамларда Жалолиддин Мангуберди ўз қўшинини жангга сафлаб, ҳужумга тайёр ҳолатга келтирди. Анча узоқдан мўғулларнинг пиёда сафлари, улар турган майдон манзараси кўзга ташлана бошлади. Жалолиддин ҳужумолди сўнгги кўрсатмаларини бераётган чоғда тонг ота бошлагач, пиёдалардан анча олисда сон-саноксиз суворийларнинг ғимир-ғимир, бироқ секин-аста олдинга ҳаракат қилаётган ҳолатига кўзи тушади. Бу келаётган суворийлар кети кўринмас даражада эди. Биринчи бўлиб афғонлар амирларини ваҳима босди. Улар Жалолиддинга мўғулларнинг адоқсиз сафини кўрсатиб, „Чингизхон бутун қўшинини устимизга бошлаб келибди. Демак, бизни икки кунлик жангда лақиллатиб, хоқон қўшини етиб келгунча ҳаммамизга гўр қазиб тайёрлаб, бошлаб тузоққа тушириш учун қилинган чалғитувчи жанги экан-да. Биз қасам ичиб айғамизки, бу ердан агар тез чекинмайдиган бўлсак, битта жангчи тирик кетолмаймиз, барчамиз қирилиб кетамиз. Беҳуда ўлиб кетишдан бирон наф йўқ.“ Ҳақиқатан, бир қарашда улар ҳақдек эдилар. Жалолиддин Мангуберди уларга жавоб берар экан: „Биродарлар, сизларнинг сўзларингиз тўғри, бу келаётган қўшин Чингизхоннинг асосий сафарбар этган суворий лашкари бўлиши мумкин. Аммо, озгина сабр қилинг, мусулмончиликда „сабр таги олтин“ деган ҳикматли сўз бор. Ҳозир бунга аниқлик киритамиз“, — дея жосуслар гуруҳи юзбошисини ҳузурига чақирди. Султон: „Уч кун аввал биз жанг бошламасдан душманнинг орқа томонини титигини чиқариб, ёрдамчи кучлари келаётган-келмаётганлигини текшириш учун жўнатган эдим“, — деб мурожаат қилди қилни қирқ ёрувчи жосуслар бошлиғига. Жосуслар қисми бошлиғи эса: „Шу сўзимизга бошимизни тикиб жавоб берамиз.

Чингизхоннинг асосий қўшини тугул бир қисм лашкари ҳам ёрдамга келаётгани йўқ. Қолаверса, Султоним, бу суворийларнинг ғимирлаб келишига шубҳа-ғумоним бор. Ҳаракатлари суворий ҳаракатига эмас, бир нарсани қўнқайтириб қўйганга ўхшаяпти. Султоним, ўзингиз чинакам суворийсиз, яхшилаб киприк қоқмай кузатинг-чи“. Жосуслар бошлиғини Жалолиддин кўп синовлардан кейин, барча нарсаларни миридан-сиригача ўрганиб, ўта огоҳ ва мулоҳазали бўлгани боис унинг ўзи шу вазифага қўйган эди. Жосуслар бошлиғи отамерос касби ёввойи ҳайвонларни овлашда тенгсиз овчилар сулоласи бўлганлигини мавруди келганда Султонга айтгани бор эди.

Жалолиддин Мангуберди жосуслар бошлиғига менинг изимдан юринг, ишорасини қилиб, қўшин жойидан жилмасин, деб саркардаларга буйруқ берди-да, тулпорини мўғуллар билан кеча жанг бўлган ўликлар майдонига қараб сурди. Юзбоши ҳам тез изма-из етиб келди. Жалолиддин юзбоши айтганидек, бир лаҳза киприк қоқмай мўғуллар ҳаракатини кузатди. Бу пайтда тонг ҳам аввалгидан-да ёришиб бораётган эди. Сўнгра яримьяланғоч ўликларга кўзи тушди. Юзбошисига „бу нимадан далолат?“ дея унинг фикрини билмоқчи бўлди. Юзбоши деди: „Султоним, бу ҳийла, ўша биз ғумон қилган сонсиз-саноқсиз дея хавотирга тушган нарсанинг сири очилди. Улар сохта суворийлар.“ „Топдинг, юзбоши“, дея тез орқага қайтиб, бир зумда гул қўшини олдиға етиб келди.

Сўнгра жосуслар гуруҳи ва хабаргир чопарлар юзбошисига кўрсатма берди: „Буйруғимни ўнг ва чап қанот саркардалари ва мингбошиларга шамол тезлигида етказинглар. Бутун қўшин ҳужумга тайёрлансин. Менинг гул (марказ) қўшиним ҳаракатга келиб, олға ташланиши билан улар ҳам ҳужумга ўтсинлар. Мўғуллар бизни чалғитиш учун саросималик туғдириб, жангсиз тарқалиб кетишимизни истаб, сохта суворий жангчилар ясашган. Менинг бош байроғимга қараб жанг қилинсин. Ҳеч ким чекинмасин!“ Хабаргир чопарларнинг бу хабарни етказишларига ярим соатлар вақт кетди. Ҳаш-паш дегунча хабаргирлар Султон Жалолиддин Мангубердига „Буйруғингиз қўшинга тўла етказилди“, дейишлари биланоқ, Султоннинг бош байроғи баландга кўтарилди. Султон Жалолиддин тулпорига шиддат билан қамчи босди. Тулпор ғаним сари бургут бўлиб учди. Сўнгра марказ қўшин суворий жангчилари буюк саркардаси кетидан от қўйишди. Улардан кейин ўнг ва чап қанот қўшинлари жон-жаҳди билан олдинга ташландилар. Шу тариқа мўғулларнинг бу ҳарбий ҳийла усули барбод бўлди.

Жалолиддин Хоразмшоҳнинг ёвга қўрқув солувчи шамшири ёвнинг нақ боши узра омонсиз ўйнай бошлади. Унинг марказ қўшини мўғуллар қалб қисм қўшинларига келиб ханжардек қадалди. Аламзада мўғуллар ҳам бор кучини ишга солиб, Хоразмшоҳ қўшинининг ўз сафларини ёриб ўтмаслиги учун қасдма-қасд жанг бошладилар. Аммо, жанг давомида мўғуллар қалб қисмига тобора чуқур ёриб кираётган Султон Жалолиддиннинг қандай бўлмасин ғаним қўшинини қоқ иккига бўлиб ташлашга уринаётгани равшан бўлди. Султон Жалолиддиннинг мақсадини дарров тушуниб етган Темур Малик ва Аминалмулк қанотлардан ҳужумга янада зўр бердилар. Мўғуллар ҳам Жалолиддиннинг мақсадини илғадилар. Мўғулларнинг марказ қисми иккига ажралиб кетишига ана кетди, мана кетди бўлиб бир баҳя қолиб турганида иложсиз қолган Шиқи-Хуту-Ҳи ўз сирини фош қилиб бўлса-да, сохта суворийларини пана қилиб турган олдинги икки қатор суворийларини жангга ташлади. Бу билан мўғул қўмондонининг туни билан сохта жангчи суворийлар ясаганлиги бирор фойда бермай, аксинча, яхши дам ола олмай, уйқулари чала бўлган мўғуллар учинчи кунги ҳал қилувчи жанг охирларида қаршилиқ кўрсатишлари кескин пасая бошлади. Мўғуллар захирасининг жангга киритилиши ҳам бирон-бир ўзгариш ясай олмади. Жалолиддиннинг марказ қисми зарба ва ҳужум ҳаракатларини янада кучайтирди, яна бир ҳамла қилинса,



мўғуллар қалби пароканда бўлиш арафасида турарди. Энди Султон Жалолиддин ўз захирасини жангга киритиш вақти етди, деб ҳисоблаб, ҳужумга ўтишга буйруқ берди. Захира қўшин Султон кўрсатмаси бўйича чап ва ўнг қанотлар ҳужумини кучайтиришга ташланди. Улар ҳужумга етиб келиши билан Жалолиддин марказ қўшинини сўнгги зарбага шитоб билан ташлади. Унинг гоҳ ўнг, гоҳ сўл томонга от қўйиб мўғулларга қирон келтириши жангчиларнинг ғайратига ғайрат қўшди. Жалолиддин ва унинг мард баҳодирлари матони кесаётган ўтқир тигдек мўғулларнинг захира қисмини қирғин қилишни ниҳоялашга киришган эдилар. Темур Малик, Аминалмулк қанотлари ва афғон амирлари ҳам шиддатли зарбалари билан ғаним қанотларига ўнглаб бўлмас талафот етказдилар. Энди мўғулларнинг „Жазокор“ қўшинининг ўша пайтдаги ҳолатини кўрса, маймунлар йиғлайдиган ҳолга дуч келган эди.

Ниҳоят, Жалолиддин Хоразмшоҳнинг марказ қўшини сўнгги ҳамладан кейин мўғулларнинг энг мустаҳкам ва зич мудофаада турган гул қисмини, понасимон зарба усулини қўллаб, ўтқир болта тиви тошдан-да қаттиқ тугунали тўнкани ёриб ташлагандек, икки бўлиб ажратиб ташлади. Мўғулларнинг қалб қўшини довулда қолган заъфарон барглардек сочилиб кетди. Жалолиддин Хоразмшоҳ ушбу қўшиннинг қочиб кетишига имкон бермаслик учун захира қўшин қўмондонларига ғанимларнинг орқа тарафига ўтиб олишга буйруқ берди. Бир оз вақт ўтмай Султоннинг буйруғини афғон амирлари амалга ошириб, мўғулларнинг орқа томонига ўтиб, қуршов ҳалқасини ҳосил қилдилар. Бу ёғида мўғулларни чинакам фалокат, нақ ўпқоннинг оғзи кутарди. Ушбу темир омбур сиқувидан тирик чиқиш фақат ғанимларнинг ўлимолди ушалмайдиган сароб хаёли эди. Улар учун фалокатнинг оғзи нақ аждаҳодек очилган эди. Улар энди нақ қурбонлик ўлжага айланишига оз вақт қолган эди.

Қуршов ҳалқаси ичида қолган мўғулларнинг „Жазокор“ қўшинига икки йўлдан бирини танлашгина қолган эди. Ё найза ва қиличларини ерга улоқтириб таслим бўлиш, ёхуд буни рад қилсалар, битта қолдирилмай қириб ташланишлари эди. Султон Жалолиддин мўғулларни яхшиликча таслим бўлишга ундаб кўришни топширди. Мисдан ясалган овозкучайтиргич асбоблар ёрдамида турли тарафдан ғанимлар қўшинига таслим бўлиш талаб этилди. Шу кунгача бирор марта жангда қиличи қайтмаган, ғолиблик нашидасини суриб, Мовароуннаҳр ва Хуросон, Эрон халқларининг қонини дарё қилиб оқизган Чингизхоннинг сараланган қўшини ўлимолди сўнгги нафасини олиб турарди. Уларни у дунёга кетиш ёки бу дунёда қолишларини фақат таслим бўлиш талабига „Ҳа“ ёки „Йўқ“ деб бериладиган ишора ҳал этар эди. Улар шу кунга қадар шаҳар ва қишлоқларни ғорат қилиб гуноҳи азимга бота-бота, қонсираб ана шу ерга етиб келган эдилар. Навбат энди уларнинг ўзларига етди. Улар исломий ифбат булоғига чўмилган хотин-қизлар ор-номусини поймол этдилар, иффатини топтадилар, ҳатто ҳомиладор аёллар, келинларни ҳам аямай, найзага илиб улоқтирдилар. Дунё дунё бўлиб яралгандан буён башарият кўрмаган, эшитмаган ваҳшийликларни амалга ошириб келдилар, ҳатто ўликларни ҳам хор қилдилар. Ана шундай хунрезлик ва ваҳшийликнинг рамзига айланган Чингизхоннинг суянган тоғи ҳамда арзанда лашкари „Жазокор“ олий жазога гирифтор ҳолатдаги тақдир бўсағасида чорасиз турарди. Туркий аждодларимизнинг „қайтар дунё“ ёки „экканингни ўрасан“ деган ҳаётий ҳикмати шу бўлса керак.

Ниҳоят қайсарона майл устун келиб Султон Жалолиддин талаби рад этилди. У ёйчиларини олдинги сафга чорлади. 10 минг паҳлавон мерган ёйчилар дақиқалар ичида сафланиб тайёр турдилар. Доирасимон сафни олган ёйчиларга Султон Хоразмшоҳ Жалолиддин буйруқ берди: „Ёппасига ўқ узилсин.“ Мўғуллар томонга отилаётган сон-саноқсиз ажал ўқлари ҳавода учарди. Мўғуллар турган ҳалқа ичида тўс-тўполон, қий-чув, дод-войлар овози Парвон дашти узра осмону фалакка ёйилди. Чамаси 20 дақиқа ёйчилар садоқларидаги ўқларни

сарфлаб ўз ишларини бажаргач, ёйчиларга яна лашкар орқароғига ўтиш буйруғи берилди. Жалолиддин Хоразмшоҳ мўғулларни битта қолдирмай қириб ташлашга даъват этиб, бутун қўшинини ҳужумга бошлади. Қуршов ҳалқаси тобора торайиб борар экан, бу дунё ҳам мўғуллар учун янада торайиб борарди. Мўғуллар ўликларидан дўнглик тепаликлари ҳосил бўлди. Жалолиддин қўшинлари олдинга юриш, қаршисида турган ганим жангчисини тигдан ўтказиш учун мўғул ўликлари ва ярадорларини босиб ўтишдан ўзга иложи йўқ эди. Не илож, сен ганимни ўлдирмасанг, ганим сени ўлдиради. Доирасимон қуршов ҳалқасининг энг сўнги зич сиқувга олинган кичик тор майдонида 4—5 минггача мутлақ ҳолдан тойган мўғул жангчилари бир-бирига суйанганларича зўр-базўр қаршилиқ қилар, уларнинг асосий кўпчилиги ўқ-ёйчилар ўқ ёмғиридан ярадор бўлганлар эди. Бу бахти қароларнинг боши узра Жалолиддин, Темур Малик, Аминалмулк ва афғон амирлари ҳамда қасоскор жангчиларнинг қиличи тинимсиз айланар экан, улар бирининг устига бири йиқилар, бошлари жасадлар дўнглигидан пастга думалар, натижада пастга томон тариқ уруғи сочилгандек танасиз каллалар думалаётган бўлса, сал нарироқда бошсиз гавдалар хирмони ҳосил бўлиб, қонига чўмилиб, бўялиб ётарди. Бу ҳолатни тасвирлашга ҳар қандай қалам ожиз қолиб, муаррихнинг юраги дов бермаслиги аниқ. Ниҳоят, мўғулларни қиришнинг якунига етиб, Ватан баҳодирлари қонга ювилган қиличлари билан энг сўнги бор қаршилиқ кўрсатаётган ёғийларнинг ҳалқумидан тиг тортиб, жангни интиҳоладилар. Шу тариқа Чингизхоннинг баҳодирларидан танлаб тузилган сара қўшини қириб ташланиб, Парвон дашти улар учун очиқ қабристонга айланди. Ур-қорлардан уч кун ларзага келган жанг майдонида энди Жалолиддин жангчиларининг голибона ҳайқириқларидан еру замин ларзага келди. Мўғулларнинг еру кўкни ларзага келтириб Парвонга етиб келган 60 минг кишилиқ қўшини жасадга айлантирилиб, селдан кейин қўлмақлар пайдо бўлганидек, қонли халқоб қўлмақлар ҳосил бўлди. 3 кунлик қирғин-барот жанг Парвонда даҳшатли манзарани вужудга келтирди. Жалолиддин Мангубердининг буюк саркардалиқ истеъдоди ўзини шу жангда яна бир бор исботлади. Ҳатто Хитойдек қудратли салтанат қўшинига ҳал қилувчи зарбани ҳам худди шу „Кешик“ дея аталувчи қўшин берган эди. Аслида мўғулларнинг бу қўшинига дунёда бас келадиган қўшин ҳам, саркарда ҳам топилмасди. Аммо Султон Жалолиддин аёвсиз, 3 кунлик ҳаёт-мамот жангида мўғулларнинг энг атоқли саркардаларини доғда қолдирди, аёвсиз қириб ташлади. Бу билан отаси Муҳаммад Хоразмшоҳга: „Ҳеч бўлмаганда менга Хуросон ҳудудидаги қўшинларингизни топширинг, мен Жайхуннинг ўнг томонида оёғимни заминга шундай тираб туриб жанг қилайки, Хуросон ва Эрон мулкингизга ёғийнинг бирор жангчисининг қадами тегишига имкон қолдирмагайман. Мана, Мовароуннаҳрдаги қамалда жанг қилган 250 мингдан ортиқ қўшинингиз нима иш бажара олди-ю, улар қаёққа кетди. Мўғуллар ҳаммасининг бўғзини кесди. Сиз бежавотир Балхдаги қароргоҳингизда ўтиринг. Мени Хуросон қўшинига бош қилиб Жайхун бўйларига жўнатинг“, дея Худонинг зорини қилганида ўша сафар ҳам Жалолиддиндек зийрак фарзанди маслаҳатларига кирмай, ўртамиёна фикрлайдиган, олди-қочди гаплар билан ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам авраб юрган иккиюзламачи амалдорларидан нажот кутиб, ўшаларнинг маслаҳатига учиб, хору зорлик, дарбадарлик сафарини бошлаган эди. Қўшинсиз қолган Жалолиддин Мангуберди минг бир машаққатлар билан териб-термичлаб, йўқни бор қилиб, йўл-йўлакай анча қўшин тузди ва Нисо жангидан то Парвон жангига қадар босиб ўтган йўлларида учраган мўғулларнинг барчасининг додини берди. Тарқалиб, мўғуллардан қочиб-қувилиб юрган дарбадар гуруҳ сардорлар саркардаларини бирлаштириб, шу қўшини билан Парвон жангидаги қириб ташланган мўғулларни қўшиб ҳисоблаганда 100 мингдан ортиқ ганим у дунёга равона қилинди. Агар Муҳаммад Султон фарзанди Жалолиддин Мангубердига Балх ҳарбий Кенгашида Хуросон мулкидаги қўшинларни топширганида 200 минглик бу

қўшин билан буюк саркарда Жайхунда режалаштирган жанги билан Чингизхон қўшинини бемалол Мовароуннаҳр орқали Мўғулистон чўлларига қадар суриб, асосий қисмини қириб ташлаган бўлиши муқаррар эди. Парвондаги даҳшатли жанг ва унда Жалолиддин Мангуберди кўрсатган афсонавий жасорат ҳар қандай ғаним сардорлари, паҳлавон жангчилари юрагига қўрқув, тани жисмига титроқ солди. Ёғийларнинг жанг майдонида оёқ-қўлини бўшаштириб, баданини совуқ тер босишига мажбур қилди. Ғанимларнинг барчаларини қандай қилиб бўлмасин, шу жанг майдонининг арслонини йўқ қилиш мақсади уларни бирлашишга ундайверди. Жаҳонни титратган Чингизхон барчадан аввал Жалолиддин Мангубердини йўқ қилишдан астойдил манфаатдор бўлган Шарқ ҳукмдорларини ўзи атрофида бирлашиши, шу тариқа унга бирор томондан тинчлик бермай, унинг силласини қуриштириб бўлса-да йиқитиш, сўнгра ундан бутунлай қутулишга интилаверди. Шуларни ўйлай-ўйлай неча тонгларни бедор оттирди. Хоқон чинакамига қудратли ва тенгсиз, шунингдек, муносиб рақибга дуч келган эди.

Жалолиддин Мангуберди Парвон жанги якунланиши биланоқ ўз қўшинининг ярадор жангчиларини тез қидириб топиб, табиблар чодирларига элтиш, сўнгра шаҳид кетган қаҳрамон жангчиларини иззат-икром билан дафн этишга кўрсатма берди. Ўлим билан олишиб ётган оғир яраланган жангчилар анча кўплиги ва уч кунлик оғир оғир жангда жангчиларнинг ҳолдан тойганлиги ҳисобга олиниб, жанг майдонидан бир-бир ярим чақирим сувга яқинроқ жой танланиб, шу ерда ҳордиқ чиқариш учун икки-уч кун туриб дам олинадиган бўлди.

## ЎЛАКСАХҲҲРЛАРГА АДОҚСИЗ ЕМИШ

Шу кеча Парвон даштида тун осойишталигини икки ҳодиса бузди. Бири қон ҳидини олган бўрилар, йиртқич ҳайвонларнинг ваҳимали увуллашларию чийиллашлари, тонгда эса бургут ва калхат, хуллас ўлаксахҳр қушларнинг вағиллаши бўлса, иккинчиси жонини жабборга бериб жанг қилган оғир ярадор жангчиларнинг оғриқ зарби боис оҳу ноалари, инграшлари инсон руҳиятини яна эзарди.

Шу тариқа Парвон даштига узоқ-яқин ҳудудлар — тоғ, чўл ва дашту қирлардан қон ҳидини олган пода-пода, гуруҳ-гуруҳ йиртқичлар-у, 10 минглаб ўлаксахҳр қушлар, илонлар ҳамда қурт-қумурсқаларгача мўғуллар жасадларидан ўз насибаларини олиш учун шу ерга йиғилиб, ҳафталаб макон қурдилар. Фақат қоқ суяклар қолгачгина бу ерни тарк этиб, ўз маконларига равона бўлдилар. Мўғулларни Парвонда юртимизда шаҳид кетган аждодларимизнинг қони тутган эди. Улар ҳам айнан мана шу Парвонда ўлим азоби қандай бўлиши, ширин жонга қилич ва ўткир найзалар тешиб кириб, тилка-пора қилганда руҳнинг танадан ажралиб, фалакка кўтарилиши чоғидаги жаҳаннамий азобларни тотитишни навбат ўзларига келганда англадилар. Доно халқимизнинг: „Қилич кўтарган қилич зарбидан ўлиши керак“, деган ҳаётий ҳикмати айнан шундай ҳодисага нисбатан айтилгандир, балки.

Жалолиддин Мангубердининг буюк ғалабаси тез овоза бўлди. Ниҳоят бу даҳшатли фожиа Толиқонда ўз қароргоҳини қуриб, „Жазокор“ қўшинининг ғалабасини кутиб, кундуз кунлари йўл қараб, тунлари тонгни бедор оттириб, зафарли қўшинига севимли тулпориди қайси гўшада пешвоз чиқишни ўйлайвериб, охир-оқибат бардоши тугаб, донг қотиб ухлаб қолган хоқонни чошгоҳда ҳам уйғотишга журъат этмаган кунда даҳшатли шум хабарни хоқонга қайси жонидан тўйган сарой амалдори айтади. Сарой амалдорлари кўчма қароргоҳи сардори бу фалокатли шум хабарни ўз хоқонига у уйғонган чоғда етказишнинг турли йўлларини ахтарар эди. Ниҳоят, Чингизхон ёмон ва даҳшатли туш кўраётди, бирдан бақариб уйғонди. Қароргоҳ сардори икки букилганича югуриб кириб: „Хоқоним ёмон алаҳсирадингиз,

бирор ножўяроқ туш кўрдингиз, шекилли“, — дея ҳукмдорини юпатишга уринди. „Ҳа, — дейди хоқон, — шомон олий руҳонийни тез чақиринг, таъбирини билгим келмоқда“. Тезда шомон руҳоний чақириб келинди. „Баъзан тушдаги воқеалар ҳаётий воқеаларга тўғри келади, дегансан“, дейди хоқон шомонига. „Ҳа, баъзан шундай бўлади деганман, хоқоним. Сизни нима безовта қилмоқда, хоқоним?“ — „Шиқи-Хуту-Ҳи қўшинидан қаттиқ норози бўлганича, орқасига бир қарамай, отига қамчи урди-да, дашту биёбон қаърига кирганича қайта кўринмади, кўздан ғойиб бўлди. Бир неча бор унга қўшинни ташлаб қаёққа кетяпсан, орқанга қайт, дедим, эшитишни ҳам истамади. Сўнгра қўшини жангчиларини кўрқинчли учар махлуқлар келиб бургутлар ўлжасини кўтаргандек баланд тоғлар тепасига чиқариб ташлай бошлади. Улар қора қуондек келишди. Ўша махлуқларнинг даҳшатли наъраси қўшиним жангчиларининг ўлимолди дод-войидан кўрқиб уйғониб кетибман.

Сўнги пайтлар „Ҳазокор“ қўшиним ва унинг қўмондонидан хабар бўлмагач, кўнглимда безовталиқ кучайган эди. Аксига олиб, улар билан алоқа ўрнатишга жўнатган чопарлардан ҳам дарак йўқ. Сенингча нима воқеалар рўй бермоқда?“ Шу савол билан хоқон шомонига илтижо қилиб қаради ва унинг жавобини кутди. „Хоқоним, бир қошиқ қонимдан кечинг, мен ҳам сизникига ўхшаш туш кўрдим, бунга икки кун бўлган эди. Афсуски, тушлар бугун эрталаб ҳақиқатдан хабар берди, тонг саҳарда хабаргирларингиз қайтиб келиб шуни тасдиқладилар. Бу ёғини қароргоҳ бошлиғингиз ёки чопар-хабаргирларингиздан, гувоҳларнинг ўзларидан эшитганингиз яхши. Энди ҳузурингизда мен айтадиган сўзга эҳтиёжингиз йўқ, хоқоним, кетишимга рухсат этинг.“ Бу хабар Чингизхоннинг шафқатсиз бир темир қўл кўкрак қафасини ёриб, нақ юрагини суғуриб олган ҳолатга солди. Унинг кўзлари косасидан чиқар даражада чақчайиб, юзлари даҳшатли тусга кирди, бу шум хабардан тани-бадани қақшаб, анча вақт ўзини босолмади, тишлари йиртқич бўриникидек қарсиллади, ғижирлади, сўнгра уҳ тортиб жағларини синиш даражасида қисирлатиб сиқди, лунжидан қон силқиб чиқди. Энди унинг атрофида парвона бўлиш навбати табибларга келди. Хоқоннинг чин-мочинлик шахсий табиби, доришунослари асабни тинчлантирувчию юмшатувчи дориларни ичиришга тушиб, атрофида парвона бўла бошладилар. Табиб бир оз ором олиб, ўзига келган хоқонга гувоҳларнинг юз берган Парвон фалокатини силлиқроқ тарзда етказиш зарурлигини чиқиб кетиш олдидан саройбонга секингина тайинлади. Шу пайтда табибларга яна бир дардисар ҳолат юз бериб, уларни ташвиш ва саросимага солди. Хоқоннинг бурнидан қон кета бошлади. Қон босими бирдан ошиб, майда қон томирлари ёрилган эди. Муолажа анча давом этиб, дориларнинг ижобий таъсири кўрина бошлагач, чин табиблари ухлашни тавсия қилиб қўшни хонага чиқиб, уни икки-уч кун тарк этмай барча ташвишлардан холи тарзда сақлаб, хоқон соғлиғини навбат билан узлуксиз назорат қилдилар.

Хоқонга табиблар асабийлашмаслик, руҳий тушкунликка тушмасликни қайта-қайта таъкидладилар. Аммо, бу сўзни ёдга солиб туриш уларнинг касбий вазифаси, бироқ унга амал қилиш эса беморга қанчалик мушкул иш эдики, юз берган катта мағлубият, бемисл йўқотишлар ҳукмдор асабини қақшатмасдан беиз кетармидики, бу фожиаларни тани, қалбига зиён-заҳмат етказмасдан ўтказиб юборса. Бир неча кун вақт ўтиб, анча ўзига келган Чингизхон Парвон дашти томон жўнатилган хабаргир-чопарларини ўз қабулига олиб киришни буюрди. „Кўрган-билганингизни очиқ айтаверинглар, биламан, табиблар чийриғидан кейин менга юзаки ва силлиқ воқеалар тарзида етказмоқчи бўласизлар. Мен эртақни болаликда бувимдан кўп эшитганман. Унинг эртақлар дунёси таъсирида уйқуга кетардим. Қуловим сизларда. Эртақни ўзим бошлаб бера қолай. Кейин сизлар давом эттирасизлар, дея хоқон „Бир бор

экан, бир йўқ экан, яқин ўтган замонда Афғон деган томонда Парвон номи билан аталувчи бир дашт бор экан. Дунё, ер-мулк, тож талашган қудратли икки ҳукмдор тождорларининг сон-саноқсиз қўшини ўша ерда жангга кирибди. Бу жангни ҳар икки томоннинг буюк саркардалари бошқарибдилар. Бири Шарқ ҳудудлари ҳукмдори саркардаси бўлса, иккинчиси мағриб ҳудудлари Султони экан. Бу ёғини давом эттириш сизларга тегишли“, — дейди хоқон. Бу пичинг тагида нималар яширин эканлиги қилни қирқ ёрувчи, ҳеч бир нарсани кузатувдан четда қолдирмайдиган чопар хабаргирларга „табиблар чийриғи“ сўзини хоқон тилга олишиданоқ равшан бўлган эди. Хабаргир-чопарнинг каттаси воқеани хоқонга баён этишни бошлади: „Қани, бу ҳодиса буюк хоқонимиз сиз бошлагандай эртақ бўлиб қолса эди. Минг афсус, бу ҳақиқат. Ундан ҳеч ким, айниқса, жанг суронлари ичида ўсиб, ҳаёт тарзимиз фақат қирғин уруш, жангу жадалда ўтаётган жангчиларга бўяб-бежашдан не фойда. Мен сиз хоқонимнинг душманларингизни тор-мор этган қўшинингизни 30—40 марталаб буюк зафар қозонган хушxabарларни шамол тезлигида қароргоҳингизга етказиб, сизни ғалаба билан қутлаб, шодлигингизга, хурсандчилигингизга шерик бўлганман. Аммо, бу сафар Парвондаги даҳшатдан юрагимиз қон, кўзларимиз гирён бўлди“. Юрак- бағри ва дийдаси тошдек қотиб кетган хабаргир шу ерда ўзини тўхтата олмай томоғига тош тиқилгандек, бирдан овози хириллаб, кўзларидан оққан ёшдан қорайиб кетган юзларини ювди. Сўнгра хоқонининг ўзингизни босиб олинг-да, давом қилинг, тарзидаги далдаси билан сўзини давом эттирди. „Парвон дашти — кенг бир майдонни ишғол қилиб, ҳали етиб бормасимизданоқ бадбўй ҳидни афғоннинг тонгги чўл шабадаси димоғимизга ура бошлади. Бу сон-саноқсиз жасадлардан келаётган ҳидга бардош бера олмай мато, латта-путталар билан оғзи-бурнимизни боғлаб олдик. Тахминимизча, бу ердаги жанг бундан нари-бериси билан 5—6 кун аввал бўлиб ўтгани сезилиб турарди. Биз даштга яқинлашган пайтда калхат қузғунлар турли тарафдан қоп-қора ёмғир булути каби ёпирилиб, жасадларни нишонга олиб, бир неча бор айланиб учгач, қўниш тараддудига тушмоқда эдилар. Ҳамма тарафни ўлаксахўр йиртқич қушларнинг овозлари босиб кетгач, кечаси алламаҳалгача жасадларни тилка-пора қилиб ғажиган йиртқичлар ҳам ўзларини пана-паналарга ура бошладилар. Уларнинг бир қисми эса эринибгина ўринларидан туриб иштаҳа билан эмас, номига инсон қолдиқлари, жасадларини ҳидлаб қўйишларидан билдикки, қоринлари тўқ, бошқа томондан эса ўз улушларини учиб келаётган калхатлар галасидан қизғанаётганлигидан дарак берарди. Бир оздан кейин ўша ерни макон қилган йиртқичлар минглаб эканлигини кўришимиз билан ўзимизни улардан ҳимоя қилишимиз, уларнинг навбатдаги ўлжасига айланмаслигимиз учун отларга зирҳли ёпинчиқларни ёпиб, сўнгра ўзимизнинг совут ва дубулға жанговар кийимларимизни кийиб олдик. Уларнинг тўда бўлиб ҳужум қилишлари эҳтимолидан отларимизни емлаб, ўтлоқда дам олдирдик. Шунда қувватга кирган отларимиз билан улардан хавфсиз масофагача узоқлашиб улгурамиз дедик. Хоқонимиз! Сиз билан бепоён Чин-Мочин, Манжур, Собир (Сибирь), Турону Хуросон эларида юзлаб жанг қилиб, бизнинг жанговар сафдошларимиз шундай қирғинга учратилганлигига Парвонда дуч келдик.

Ушбу қароргоҳингиз олдида жангга кетиш олдидан бундан бир неча кунлар олдин „Жазокор“ қўшинингизнинг саф тортиб туришларини, сизнинг уларни анча жойга қадар гурурга тўлиб кузатиб боришингизни биз Парвондаги кўрган чексиз фожиа билан таққослаш нақадар оғир. Еру кўкни ларзага солиб кетаётган баҳодирларингиз қора тупроққа қорилиб ётибди, хоқоним! Бу ёғини гапирганимдан кўра тилимни кесиб қўя қолинг, буюк ҳукмдор. Бу паҳлавон жангчиларингиз шу кенг даштнинг бирор жойидан тирқиш ҳосил қилиб ёриб

чиқиш иложини топмаган бўлсалар, улар тегирмон орасидан бутун чиқадиган жангчиларингиз эди-ку, хоқоним. Нафақат ердаги душманни тор-мор этишга қодир, балки фармон берсангиз ойга сакраб, сизга уни ҳады қилиш куч-қудратига эга сара баҳодирлар шунчалик, барчаси бараварига ўлиб кетадиларми, улар“. Хабаргир Хитой гиламдўзлари тўқиган гиламга пешонасини босиб йиғлай бошлади. Чингизхон бошини маҳкам чангаллаганича хабаргирни ҳузуридан олиб чиқишга ишора қилди. Сўнгра ёлғиз қолажагини айтди. Ёлғизлик, ўй-хаёллар уммонида анча вақт фарқ бўлди. Яна ҳамма кучини қўлига йиғиб, тахтининг ўнг ва чап тараф суянчиқларини бармоқлари қисирлаб, жағларини шундай инграб сиқдики, тишлари кесиб юборган лунжларидан қон томчилари сизиб чиқди. Унинг қон аралаш оғзидан қуйидаги нафратли сўзлар вишиллаб чиқди: „Хоразмшоҳ, Жалол, 60 минг сара қўшинимни қашқирлар, қузғунлар тўдасига ем, емиш қилдинг. Мен ҳам сенинг қўшинингга, албатта, шу кунни соламан. Ундан ҳам баттарини қиламан. Сени асир қилиб хор қиламан, сўнгра гўштларингни тилло баркашда итларимга едираман. Ҳа, Парвоннинг қасосини албатта шундай қилиб оламан. Бунга Кўк Тангри гувоҳ бўлсин“.

Чингизхон қўшинларининг Парвондаги мағлубиятига мотам тутиб, бутун қароргоҳида ҳам барча мотамсаролик ҳукмронлиги забтига учраб турган дамларда „дард устига чипқон“ бўлган янги ғоҳуш хабар олди. Хоразмшоҳлар салтанати пойтахти Кўҳна Урганч муҳосараси пайтида хоқоннинг катта ўғли Жўжи билан унинг укаси Чигатой ўртасида зиддият чиққан, натижада шаҳарни эгаллаш чўзилиб кетиб, у ерда ҳам муғуллар катта талафот кўраётганлиги маълум бўлди. Ака-укалар қамалнинг чўзилиб кетишида бир-бирини айблаб, бу ўзаро жанжал даражасигача бориб етган. Чингизхон Жўжиге „Хоразмшоҳлар пойтахтини олсанг, Хоразм воҳасининг барча ҳудудини Кўҳна Урганч билан қўшиб сенга хусусий мулк қилиб бераман“, дея ваъда берган эди. Саркарда Жўжи қўшини билан шаҳар остонасига етиб келар экан, бунақа гўзал шаҳарни умрида кўрмай, оғзи очилиб лол қолган, уни вайрон қилмай олишни режалаштирар экан, бошқа бир жиҳатини ҳам ўйлади. Бу шаҳар дунёнинг энг йирик шаҳри, Буюк ипак йўлининг мағриб ва машриқ оламини боғлайдиган кўприк, жаҳон савдо марказларидан бири экан, унинг бемисл катта бойликлари ҳам вайроналар остида қолмасин, ёниб қулга айланмасин, отам Хоразмни менга мулк қилиб берган экан, бир вақтда бу шаҳар менинг мулким пойтахти бўлиб қолаверади, деган мақсадда безарароқ олиш ҳақида бош қотирар эди. Укаси Чигатой бўлса, бу шаҳарни ер билан яксон қилиб, отаси хоқонни хурсанд қилиб, хоқон қароргоҳи ҳузурида ўз обрў-эътиборини янада оширишни истар эди. Ана шу мақсад ва манфаатлар қарама-қаршилиги ака-укаларнинг низолашувига сабаб бўлди. Бунинг учун улар хоқон отасининг қаҳр-ғазаби қайнаган ҳолатдаги ҳақоратларини Чингизхоннинг уларга жўнатган ишончли вакили ва ака-укаларга ёзилган мактуб орқали „сийлов“ олишди. Гўё мактуб ота номидан эмас, балки шафқатсиз бир бегона юрт подшоҳининг энг нафрат қилган ва ўлимга лойиқ топилган вилоят ноибига жўнатилган мактубидан фарқи йўқ эди. Мактуб мазмунига кўра, „Бундай номақбул жанжал ва келишмовчиликларингиз билан мен вужудга келтирган салтанатнинг илдизига болта урмоқдасизлар. Хоразмшоҳлардек дунёнинг буюк салтанатини аввало емиришни бошлаган кимлар эди? Унинг фарзандлари эди. Акс ҳолда, биз бу юртга бир қадам ҳам босиб кира олмаган бўлардик. Уларнинг кунига қолишимни истаяписизларми? Агар шундай ўйласангиз, сизларнинг қилаётган хатти-ҳаракатингиз давлатга, салтанатимга хиёнат қилган билан баробар бўлиб, сизларнинг ҳар иккингиининг баҳрингиздан ўтиб, „Ясоқ“қа етказишимга тўғри келади. Ҳозирда бу ёқдаги муаммолар менинг гирибонимдан олиб тургани боис, мен бу ерни ташлаб, сизларни тартибга чақиришга ўзим боролмайман. Аммо менинг номимдан ҳар иккингиизга айтган сўзим сизлар ва

қўшинларингиз саркардалари учун қонун ҳамда фармони олий даражада бўлган мавқеда ишонган ва суянган тоғим, ақл-фаросатда чироғим валиаҳд укангиз Ўқтойхонни сизларга тартиб ва тарбия сабоғи бериш учун қўшин ва қозилар гуруҳини қўшиб жўнатяпман. „Энди бизнинг кунимиз укага бўйсунушга қолибди-да“, деган сўз оғзингиздан чиққанлигини қозилар гуруҳи эшитсалар, улар буни гувоҳлари билан тасдиқласалар, жазони уларнинг жазо маҳкамаси ўша ерда тайин қилур. Уларга шундай ваколат бердим. Бу шахсан отанинг эмас, хоқоннинг буйруғидир. Шунда ҳам кўзингиз очилмаса, оқибати нима бўлишига иккингиз ҳам тезда гувоҳ бўласизлар“<sup>1</sup>. Бу якуний сўзлар икки фарзандини ҳам қатл қилишга ишора эди.

Мактубни ўқиб Жўжи ва Чигатой укаси Ўқтойхоннинг оёғига йиқилиб, хатолари учун минг бор узр сўрадилар. Отамиз олдида катта гуноҳи азимга ботдик, афв қилсинлар, дея илтижо қилдилар. Ўқтойхон: „Буни отамизга етказурман, бундан кейин қатиқни пуфлаб ичишга қарор қилганингиз, минг афсусда эканлигингизни айтурман. Акажонларим, сўзларингизда доим собит туришингизга ўзим кафолат бериб, отамиз кўнглини хотиржам қилурман“, деди. Шундан кейин Кўҳна Урганчни эгаллаш ҳарбий ҳаракатларининг бутун масъулияти ҳам, Бош қўмондонлик масъулияти ҳам хоқон талаби билан Ўқтойхонга юклатилди.

## МАНБАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши олиб борган бемисл мардона жангу жадаллари, унинг қаҳрамонона кураши, шунингдек, Хуросон ва Эрон ҳудудларидаги халқларга ҳадсиз-ҳисобсиз жабр-зулм, вайроналик ҳамда хору зорликлар келтираётган мўғулларнинг энг машҳур, мағлублик аламини тотиб кўрмаган саркардаларининг бошларини жанг майдонларидан неча бор эгиб чиқиб кетишга мажбур қилганлиги ўша даврнинг машҳур тарихнавислари Жувайний, Ибн ал-Асир ва бошқа кўплаб тарихчилар қаторида Амир Темурнинг суюкли набираси, улуғ олим ва Мовароуннаҳрнинг одил ҳукмдори Мирзо Улуғбекнинг ҳам алоҳида диққат-эътиборини тортди. Унинг кутубхонаси нодир ва ноёб китоблар, манбалар, тарихий ҳужжатлар тўпланиши жиҳатидан Шарқгина эмас, бутун дунё ҳукмдорлари кутубхоналарининг ҳеч бири буюк олим кутубхонасига тенглаша олмас, шу боис улуғ мутафаккир Мирзо Улуғбек тилла, жавоҳир хазинаси қийматидан маънавий-илмий хазинасини устун кўрарди. Мирзо Улуғбек математика ва астрономия соҳасида дунёнинг улуғ олимлари қаторидан ўрин олар экан, қомусий олим сифатида мозий илми соҳасида Ватани тарихининг энг оғир ва фожиали даври мўғуллар томонидан Мовароуннаҳрнинг истило этилиши ва Чигатой ҳамда унинг ворислари томонидан жабр-зулм асосида идора этилиши даврлари мавзуларини ихтиёридаги асл манбалар орқали ёритиб, кейинги авлодларга маънавий-тарихий мерос қилиб қолдирди. Адолат ва ҳақиқат тарафида туриб, мўғулларнинг ҳарбий салоҳияти ва саркарда-нўёнлар истеъдодлари, мардликларини камситмасдан, эътироф этган ҳолда буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг тенгсиз жасоратини ҳаққоний баҳолайди. Унинг баҳодирлик қиссаларини ёритар экан, жасур қаҳрамонимиз Жалолиддиннинг жисми тани ва қиличининг бемисл кучидан маънавий руҳ олган Мирзо Улуғбек халқ қаҳрамони ҳаётининг жанговарлик воқеаларини тарих илми саҳифасига туширар экан, саркарда кўтарилган баланд чўққидан туриб унга ҳаққоний баҳо беради. Айнан, фақат Жалолиддин Мангубердигагина айтилиши жоиз бўлган иборалар,

<sup>1</sup> *Изоҳ*: ушбу мазмундаги хоқон мактуби Чингизхоннинг машҳур тарихчиси Жувайнийнинг „Тарихи жаҳонкушай“ ва Мирзо Улуғбекнинг „Тўрт улус тарихи“ асаридан ҳам жой олгандир.

ўхшатишлар ва қиёслар келтириладики, буюк саркарданинг афсонавийлашган қиёфаси улут олим Мирзо Улуғбек қалами ифода сеҳрида ўзини тўла намоён этади. Шубҳасиз, даҳо тафаккур эгаларининг буюклар тўғрисидаги фикрлари, қарашлари ҳозирги давр замондош ижодкорлар, муаррихлар учун асосий далил ва таянч манбалар вазифасини бажаради, асарга мустаҳкам пойдевор бўлишини назарда тутган ҳолда, шунингдек, ишимизнинг илмий ва оммабоплиги, айниқса, ишончлилигини янада мустаҳкам таъминлаш мақсадида манбалар тилга киритилади. Воқеа-ҳодисалар ўша давр руҳида сақланиб туришида ҳам асл манбалар янада асқатади. Эро, шоир айтганидай:

Мозий меросидан бўлиб баҳраманд,  
Насллар тарихга боқса ҳавасманд.  
Тарих жабҳасида бўлса фидокор,  
Ҳар китоб қаърида сўнмас нидо бор.  
Аждодлар нидосин эшитса кошки,  
Ҳақиқат хамирин пишитса кошки.  
Мозий тандирида ёпиб нонини,  
Ўтида тобласа ўз имонини.

## МИРЗО УЛУҒБЕК ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ҚАРШИ ЖАНГГА КИРИШ ЗИКРИ ҲАҚИДА

... „Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ бу фано манзилидан дорулбақога кўчганда Султон Жалолуддин ва унинг укалари ўзларининг бир тўда одамлари билан Обескун оролидан қайтиб келдилар. Султон Жалолуддин мардоналик майдонида жавлон қилмоқ истади ва замон гардиши навосига жўр бўлиб, мухолифлик шўъбасини чалмоқликни ихтиёр айлади. Токи, отасига ўхшаб халқнинг маломати ўқига нишон бўлиб, башарият суннийлари таънасига қолмагай. У Хоразмга келиб, ҳукму насақ ижро қилса, ўшанда мўғул лашкарининг қадами ул диёрга етмагай эди (яъни Султон Жалолуддин Хоразм тахтига ўтириб, барча унинг фармонида турганида эди, мўғул қўшини бу юртга босиб кирмаган бўларди, демоқчи Мирзо Улуғбек. *Ж.Р.*). Қабақлиёнлардан (бунда Дашти Қипчоқ уруғлари назарда тутилмоқда) 90 минг нафар киши Хоразм аҳолиси орасида яшар эди. Султон Жалолуддин келгандан кейин уларнинг баъзиси унинг фармони чизигига бўйсунди. Бошқалари эса адоват йўлига тушиб олдилар. Шу сабабли Султон Жалолуддин ул фитначи мунофиқ қавм билан учрашишдан ташвишга тушди. Ироқ томонда мўғул хабарини эшитди. Ёлоғ деган кишини Хоразм даштига инилари Узлоқ Султон, Гўрхон, Хумортегин ва Темур мулки соҳиби Ўғул хузурига жўнатди. У ерда тўқсон минг қаттол жангчи турарди. Ўзи Нисо йўли билан Шодмоҳ сари йўналди. Устуворга етгач, бир тўда мўғул лашкарига дуч келди. Шом тушгунча жанг қилдилар. Қоронғу тун чарх узра этагини тортганда султон Жалолуддин шошилинич равишда Шодмоҳ томонга жўнади.

Қуёш жаҳондан яширинганда қоронғу тун кун устига этагини ёпганида Султон ўртадан камондан отилган ўқдек жадал чиқиб кетди.

Султон Жалолуддин мўғул лашкари орасидан ўшал кечаси ғўлдек чиқиб кетганида Узлоқ Султон акаси билан мўғул лашкарининг ўзлари томонга келаётгани хабарини эшитдилар. Тўхтаб туришни ўзларига муносиб билмай, Султон ортидан равона бўлдилар. Йўл асносида Султонга дучор бўлган мўғул лашкарига учрашишгач, улар билан жанг қилишга қодир эмасликларини мулоҳаза қилиб, бир ҳамладан кейин қочишга



юз тутдилар. Мўғуллар улар кетидан равона бўлдилар. Улардан бир тўдани қўлга олиб ўлдирдилар. Султон Жалолуддин Шодмоҳга етгандан кейин уч кун шу ерда туриб қолди. Қурол-аслаҳаларини ҳозирлаш билан машғул бўлди. Ногоҳ, ярим кечада айланиб турган фалак тўхтаб қолди, қуёшнинг оёқ-қўли сустлашди. Бу ердан Султон Жалолуддин таваккал отига миниб, санаи 617 да Зулҳижжа ойининг 11- куни Парвон йўли билан отаси унга бағишлаган Ғазнин (Ғазна) томонга равона бўлди. Бирор соат ўтгандан кейин лашкар Шодмоҳга етди. Маълум қилишларича, Султон Жалолуддин у ерда тўхтамасдан йўлида давом этди. Токи, Ҳирот музофотидан беш кунлик йўлни босиб ўтдилар, аммо етиб ола олмадилар. Қайтиб кетдилар. Султон Жалолуддин Ғазнинга етгач, тарқалиб кетган Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ҳар томонга қочиб, омон қолган лашкари унинг атрофига келиб тўпландилар.

Ҳирот малиги ҳам шаҳзода Тўлихоннинг юришидан енгилган эди. Ўз қавми ғурийлар ва лашкари билан Султонга келиб қўшилдилар. Қабаклийен қавмидан қирқ минг нафар киши Хоразм тарафдан етиб келди. Лашкар суворийлари енгилиб, илтижо билан ҳар тарафдан Султон Жалолуддинга анжуман бўлдилар.

Турли томондан лашкар шу тариқа унинг атрофига келиб тўпландики, унингдек меҳтар Эронда йўқ эди.

Баҳор етиб келганданоқ Султон Жалолуддин Ғазниндан чиқди ва Бозонга йўналди. У ерга етиб келгач, хабар келдики, мўғул саркардалари Бекчак ва Тимқур нўён чексиз мўғул лашкари билан Волийен қалъаси муҳосараси (қамали)га машғул бўлдилар. Волийен қалъасини тасхир қилишларига яқин қолди. Шижоат асарли Султон бу хабарни эшитгач, юклари ва бойлигини ўша ерда қолдириб, ўзи ўта жасоратли лашкари билан ул бадкирдор қавм (мўғул) лашкари устига илғор (ҳужум) уюштирди. Булжор куни ҳужумлар уюштириб, зўр саваш кўргизди. Мўғул-татар лашкари муқаддимасидан қарийб тўққиз минг суворийни дорулбоварга жўнатди. Султон Жалолуддин ибн Муҳаммад Хоразмшоҳ лашкарининг сони зиёда бўлгач, дарёдан кечиб ўтиб, тўхтадилар. Волийен қалъасини муҳосара қилмоқ учун бораётган мўғул лашкарининг гул қисмини хароб қилдилар. Қоронғу тушгач, мўғул лашкари қочишга юз тутди. Султон Жалолуддин катта ўлжани қўлга киритиб қайтди ва Бозонга етиб келди.

Султон Жалолуддиннинг мўғул лашкари устидан ғалаба қилгани, Бекчак, Тимқур ва уларнинг лашкари таслим бўлгани хабари Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам бу хабарни эшитиб, Қайқур нўённи ва яна бир амирни ўттиз минг нафар лашкар билан Султон Жалолуддинни дафъ қилмоқ учун жўнатди. Ўзи ҳам унинг ортидан йўлга тушди. Қайқур нўён қиёмат асарли лашкар билан Султон Жалолуддин Қароргоҳи Бозон мавзеига етиб келди. Султон Жалолуддин жанг қилишга мойиллик билдириб, ботирлик яловини нарра шердек думини бошига соябон қилди.

Қўрқмай лашкарни жангга киритди. Гўё паланг билан жанг бошловчи шер каби. Ўнг ва сўл қанотларини тартибга келтириб, қалб (марказ) ўртасида ўз ўрнини ростлади. Йиртқич шер каби пиёда бўлиб, ғазаб билан бел боғлаб жанг қилди. Икки саф ўртасида қаҳрамон ботирлар адоват камонини қўлга олди. Ўқни тортиб шастни очиб юбордилар. Мардлик билан душманга ташландилар. Ўша куни шомгача Чину Ҳабаш, Руму Занг ботирлари сингари жанг қилдилар. Жанггоҳда халойиқ кўз ўнгида ҳаво сипоҳ чиқарган чанг сингари қоп-қора бўлди. Нур сочиб турган қуёш ботгач, қоронғу тун фалак узра ўз этагини ёпди.

Куни бўйи ботирлар жанг майдонида паланг каби бир-бирлари билан олишдилар. Икки томоннинг ҳам бирортасига зафар ёр бўлмади. Ўшал куни ҳар бир жангчи адоват

тўла дил билан жанг майдонидан орқага қайтди ва ўз марказларида (тунда дам олиш жойи) қарор топди. Қайқур нўён Султон Жалолуддин олиб борган жанг шиддатининг зўридан яна танг аҳволда қолганлигидан бунинг олдини олиш учун ясо тортиб берди (Жалолуддин жанги важоҳати ва унинг баҳодирларидан кўрқиб рухсатсиз орқага чекинганларни жазолаш тадбири) ва дедики, ҳар бир суворий ўз фалокатлари (бахтсизликлари) тимсоли тарзида намад ва чўбларни (сохта суворий жангчи) ўрнатгайлар.

Тонг отгач, ҳар икки тараф яна жанг талабида саф тортдилар. Жалолуддин лашкари мўғуллар сафи ортидан сафларни кўрди. Уларга мадад етиб келибди, деб тасаввур қилдилар. Хавфга тушдилар. Чекинмоққа жазм қилдилар. Султон Жалолуддин ўз лашкарини бу паст ниятдан қайтарди. Иккинчи марта мўғуллар пиёда бўлиб жангга кирдилар. Султон Жалолуддин лашкари бу тадбирдан хабар топиб, барчаси отга миниб мўғул лашкари устига ҳужум қилди. Мўғул лашкари ажиб бир ҳолатда шикаст еди, уларнинг аксари ўлдирилди. Султон Жалолуддин лашкари катта ўлжани қўлга киритди.

Ҳар иккала нўён озгина одамлари билан Соҳибқирони аъзам ҳузурига етиб келди. Шу заҳотиёқ Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ўз одамлари билан Толиқон, Бадахшон вилоятларидан Султон Жалолуддин ибн Муҳаммад Хоразмшоҳни дафъ қилмоқ ниятида йўлга чиқди.


Шу ўртада ўлжага тушган бир от устида Хоразмшоҳнинг мўътабар амирларидан бири Сайфуддин Ўғроқ билан Ҳазора малиги ўртасида бошланган тортишув охир-оқибат низога бориб етди. Ҳазора малиги Сайфуддин оти устига тозиёна урди. Султон Жалолуддин бу низони бартараф этмади. (Чунки Жалолуддин Хоразмшоҳ биттагина ўлжа от жанжал ва низога сабаб бўлади, дея ўйламаган эди. Қолаверса, саркардалар орасидаги майда-чуйда гап-сўзлар, хафагарчиликлар шоҳ аралашадиган иш эмас тарзида қаради. Бир от масаласидаги келишмовчилик кўшинда катта ўпирилиш келтиради деган фикр унда йўқ эди. Жалолуддин ўз қароргоҳида йирик ҳарбий режалар тузар экан, Чингизхоннинг асосий кўшинини қаерда кутиб олиб, унга қайси ҳарбий усулда зарба бериш муаммоси билан банд эди. *Ж.Р.*) Бу масалага Султон Хоразмшоҳ Жалолуддин аралашмагач, Сайфуддин Ўғроқ хафа бўлиб қолди. Қоронғу тушгач, Сайфуддин Ўғроқ ўттиз минг нафар кишиси билан Синқирон тоғлари томон кетиб қолди. Қабақли туркман ва халаж сипоҳлари ҳам Султондан юз ўғирдилар. Шу сабабли олиймакон Султон аҳволи батамом заифликка юз бурди. Султон Жалолуддин томонга Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг юриши тайин бўлди. Йўл асносида у Бадахшон Андорибига яқинлашди. Бу диёр аҳолиси унга қаршилик кўрсатдилар. Шу муносабат билан бу ерда бир ой қолиб кетди. Бу қалъа забт этилгач, Бомийён қалъасига етди. Бу ернинг халқи ҳам жангга отланди. Ҳар икки томондан ўқ ва манжаниқ отишмалар бўлди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам учун жуда севимли бўлган Бомакон ибн Чигатойхонга Бомийён қалъасидан отилган чарх ўқи келиб тегиб ҳалок бўлди.

Пурдил шоҳнинг дили ғамга тўлди. Зеро, энг суюкли набираси ҳалок бўлди. Ғазаб билан у шундай жангга киришдики, тобидан тошнинг дили танг бўлди. Турклар нар аждаҳодек бир ҳамла қилиб, у қалъани осонликча қўлга киритдилар.

Қалъа забт этилгач, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам у қалъанинг барча аҳолисини — эркагу аёл, кичигидан каттасигача битта қолдирмай қатл этишга буюрди. Бирор жонзотни қолдирмадилар. Ҳатто ёввойи ҳайвон ва ўша ноҳиядаги қушларгача барчасини ўлдирдилар. Бомийён қалъасини вайрон қилдилар.



# ХОРАЗМШОҲЛАР ШАЖАРАСИ



Бирдан дил тутунидан оташ алангаланди. Бутун қалъа аҳолиси билан ёниб кул бўлди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ул қалъани „боди болиғ“ деди. Яъни ярамас шаҳар, минбаъд унда ҳеч ким яшамаслиги керак. Бу мусибатли воқеа туркий ит йилига мувофиқ бўлган санаи 619 ҳижрийда содир бўлди.“

„Тўрт улус тарихи“ асаридан.

## АН-НАСАВИЙ ПАРВОН ЖАНГИ ҲАҚИДА

... „Жалолиддин Хоразмишоҳ 1221 йил апрелида Ғазнага қайтиб келди. Одамлар унинг келишини қувонч билан, худди қурғоқчиликдан қийналган одамларнинг бетиним ёмғирни, рўза тутганларнинг рамазон тугаб, ҳайитни кутганидай кутиб олишди. Унинг хизматига Сайфиддин Эгроқ ал-Халажий, Балх ҳукмдори Аъзам Малик, қарлуқлар йўлбошчиси ал-Ҳасан Қарлуқ кабилар ўтишди. Жалолиддин қўл остида ўзининг ва Амин Маликнинг қўшинлари жамланган эди. Чингизхон Қандаҳорда қўшинлари бошига қандай талафотлар тушганини билгач, ўғли Тўлихонни кескир қиличдек мард, тўқим тагига солинадиган наमतдай садоқатли, энг яхши сараланган лашкардан иборат кўп минг сонли қўшинига бош қилиб отлантирди. Жалолиддин уларни исломни ҳимоя қилиш, жиҳод бошлашдек жиддий мақсад билан қарши олди. Уни Парвон ёнида тордан тушаётган сел оқими сингари беҳисоб отлиқлар, шеркелбатли лашкарлар билан қаршилади. Иккала қўшин бир-бирига кўринганда унинг ўзи Тўлихон марказига отилиб кирди, уларнинг жанговар сафларини бузиб ташлади, ёғий байроғини отлар туёқлари остига итқитди. Уни ўз сафини ташлаб орқага қочишга мажбур қилди. Шундан кейин тоторлар қиличларга нишон бўлди. Ғазаб отига минган Жалолиддин душманлардан қанчасининг бошини танасидан жудо қилди. Бошқача бўлиши мумкинмиди? Ахир улар унга, отасига, укаларига, давлатига, Ватанига, яқинларига, ҳимоячиларига қанча беҳисоб азоблар берди? Ахир у отасиз ва авлодсиз, хожасиз, хизматкорларсиз қолди, ўзи эса бахтсизлик чўлига, хавфларга тўла саҳрога итқитиб ташланди. Тўлихон ҳужум айни кучайган, жанг авжига чиққан пайтида ҳалок бўлди.<sup>1</sup>

... Жанг якунида кўплаб мўғул навқарлари асир олинди, хизматкорлар асирларни Жалолиддин ҳузурига олиб келар, уларнинг қулоғини тешиб, темир исирға осишар, шу тариқа ҳисобга киритишарди. Жалолиддин буни ним табассум билан кузатарди. Уларни бу дунёда ана шундай қийноқларга солишди. „Охират азоби эса шак-шубҳасиз, қаттиқроқ ва узунроқдир“.

Тоторлар қўшинларидан бир қисми шунгача Валиён қалъасини қамал қилиб турганди, уларнинг ҳам аҳволи оғирлашиб қолди. Тўлихон ва унинг қўшини Оллоҳнинг оғир қийноқларига учраганини эшитиб, орзу-умидларини рўёбга чиқара олмай, қўрқув аралаш

<sup>1</sup> Турли ўрта аср тарихчилари берган маълумотларда Парвондаги даҳшатли жангга қўмондонлик Тўли зиммасида бўлмай Шиқи-Хуту-Ҳи Бош қўмондан қилиб тайинланган. Жангда Шиқи-Хуту-Ҳи бир ҳовучгина қароргоҳ аъзолари билан қуршовдан қутулиб чиқишга муваффақ бўлиб, Чингизхон ҳузурига бориб, оёғига йиқилади. Бош қўмондоннинг ўринбосарлари ва бошқа кўзга кўринган саркардалар қуршовда ҳалок бўладилар. Чингизхоннинг тўртинчи кенжа ўғли жанг майдонида ўлмасдан, отаси вафотидан кейин ҳам ўзига ажратилган ҳудудий мулкларда ҳукмронлик қилди. Аммо шунга таъкидлаш лозимки, Чингизхоннинг махсус („Кешик“) „Ҳазокор“ лашкарига Парвондан бошқа барча жангларда Тўли қўмондонлик қилганлиги айни ҳақиқатдир. Шундан кўринадики, муаррих асарида Тўлихон вафоти хусусида бир оз чалкашлик мавжуд (*Ж.Р.*)

бу ердан чекиндилар. Оллоҳ мусулмонларни қамалдан халос қилди. Қочоқлар Чингизхон ҳузурига боргандан кейин унинг ўзи еру қўкка сиғмайдиган, агар бир жойга тўпланганида пасттекисликларни тўлдириб юборадиган даражадаги қўшини билан Жалолиддинга қарши отланди.

Бу вақтга келиб шундай бўлдики, Сайфиддин Эгроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Малик бошчилигидаги халажлар, қорлуқлар лашкарлари жаҳл билан Жалолиддин қўшинини ташлаб кетдилар. Афсуски, бу иш улар ниҳоятда зарур ва ёрдами керак бўлган пайтда рўй берди. Бунга сабаб, Чингиз қўшинларини Жалолиддин Парвон яқинида мағлубиятга учратганида Оллоҳ инояти билан қўлга киритилган бойликларни бўлиш пайтида улар ўртасида низо чиқди. Бу низо улар юзига уятсизлик тамғасини босди. Ҳатто Амин Малик сафдошлари бўлган туркийлардан баъзилари Аъзам Маликнинг лашкарлари тоторлар отхонасидан олган отларга эга бўлишга уриндилар. Натижада улар ўртасида низо кучайди. Туркийлардан бири халажлар қавмининг сардорини қамчи билан урди. Бу улар қалбида нафрат туйғусини уйғотди. Қўлга киритилган бойликларнинг адолат билан бўлинишига эриша олмасликларини билгач, уларнинг ақли ўрнини адоват эгаллади. Жалолиддин уларни ўзаро келиштиришга уринган сайин туркийлар жаҳл отига минди, қайсарлиги тутди. Улар ўзларига нисбатан яхши муносабат, ғалабага қўшган ҳиссаларига қараб рағбат бўлишини талаб қилдилар. Уларнинг бу жабҳада тажрибаси кам эди, охир-оқибатда нималар рўй беришини англашни хоҳламасдилар. Бошқа жойлардан келганлар (ғурлар, афғонлар) бир-бирларига дардларини тўкиб солишарди. Улар „туркийлар тоторларни инсон зотидан эмас, қўрқув билмайди, баданида қилич тигининг ўрни йўқ, чекинмайди, найзалар таъсир қилмайди“ дейишарди, „мана биз қўрдикки, уларнинг ҳам бўғинларини қилич кесаркан, уруф-аймоқлари ўртасида келишмовчилик, низо, ўлим ҳукмронлик қиларкан, ҳатто қасам ичиб, унга амал қилмайдиганлари, битим тузиб, уни бузадиганлари бор экан“, дея гап тарқатишарди. Оқибатда Қуръони Каримда айтилганидек, улар Ерда мутакаббирлик қилган ва ёмон макр-ҳийла қилган ҳолларида ҳидоятдан узоқлашдилар. „Ёмон макр-ҳийла эса фақат ўз эгаларини ўраб ҳалок қилур.“ Агар Жалолиддин уларга эҳтиром кўрсатиб, кетиш раъйидан қайтариш учун уринса, бузилмас иттифоқ тузиш мақсадида орага элчилар қўйса, туркийлар бунга норозилик билдирардилар. Натижада „Оллоҳнинг амри иродаси тақдири азалий бўлди“, улар Жалолиддин қўшинини тарк этдилар. Шундай қилиб, бу уйнинг ҳукмдорлари (хоразмшоҳлар) турфа хил худоларга сиғинадиган қабилаларга (мушрикларга) қарама-қарши ўлароқ, туркийларни ўзига ёрдамчи қилиб олиб хатога йўл қўйдилар. Негаки, ким дин ва имон-эътиқод йўлида курашса мукофотлар кутмайди, жазодан қўрқмайди, оғир пайтларда Оллоҳнинг қудратига шак-шубҳа қилмайди, зарур бўлган ҳар қандай вақтда унинг хоҳиш-иродаси йўлида ўзини фидо қилади.

Жалолиддин Оллоҳ душманлари ўзининг асосий қўшини билан унга қарши юриш бошлаганини, уни амирлари қўплаб лашкари ва шерюрак қаҳрамонлари билан тарк этган пайтда шайтоний куч ила ўраб олишга интилаётганини билганида ташвишга тушди, юрагини бир зум қўрқув босди, агар ўзини тарк этганларнинг хоҳишларига бўйсуниб, уларни қайтариб келмаса, Чингизхонга қарши кураша олмаслигини яққол англади. У Синд дарёсининг нариги қирғоғига ўтиб ҳимояланишга қарор қилди. Кейин ўзидан аразлаб кетган иккита амир билан музокара олиб боришни режалаштирди. Агар улар таклифига кўнса, Жалолиддин улар билан ягона қудратли куч бўлиб, Чингизхонга эрта тонгданоқ ҳужум қилишни мўлжаллади. Лекин у ўйлаган ишларни амалга оширишга Чингизхон имкон бермади“.

# ХОРАЗМШОҲЛАР САЛТАНАТИ ПОЙТАХТИ

## ЖАҲОНГАШТА ОЛИМ-САЙЁҲЛАР ТАВСИФИДА

Хоразмшоҳлар салтанати пойтахти Кўҳна Урганч XIII асрда дунёнинг энг обод, энг гўзал, шунингдек, иқтисодий тараққий топган, фан-маданият ўчоқларидан бири эди. Хоразмнинг юраги ҳисобланган бу шаҳар Жалолиддин Мангубердиннинг туғилиб вояга етган она шаҳри ҳам эди. У жаҳонга юзлаб алломаларни берган, Шарққа эса минглаб маънавият, илм-фан аҳлларини олий даргоҳларидан тарбиялаб бергувчи муқаддас макон эди. Агар Абу Райҳон раҳбарлик қилган Фанлар Академияси (Маъмуношуҳ номидаги) ва Нажмиддин Кубронинг машҳур фалсафий-ахлоқий мактабини ўзига хос маънавият юлдузларини етиштириб берувчи донишмандлар маркази эканлиги назарда тутилса, бу шаҳарнинг жаҳон тамаддунидаги ўрни беқийёс эканлиги яққол намоён бўлади.

Илм-фан ва маърифатдан йироқда, ўзаро қабила ва уруғларнинг низо, жанжаллар майдонида қиличбозлик ва доимо қон тўкишлар майдонида от суриб, чўл ҳаётида дунёқараши шакланган Темучин (Чингизхон)га жаҳон фан-маданиятида Кўҳна Урганчнинг қандай мавқеда турганлиги-ю, буюк алломаларга бешик бўлганлигининг заррача аҳамияти ҳам, қизиғи ҳам йўқ эди. Унинг асосий мақсади шу шаҳарнинг сиёсий мавқеини сиңдириб, Хоразмшоҳлар пойтахтини ер билан бир текис қилиб, салтанат ҳам, пойтахт ҳам ўз аҳамиятини йўқотиб, бу ҳудудлар унинг давлати таркибига кирса, шунинг ўзи кифоя. Пойтахт бор экан, демак, давлат мавжуд, салтанат пойтахти йўқ бўлса, давлат ҳам йўқ. Чингизхон масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашди. Бу шаҳарда яшовчи юз минглаб одамлар тақдири ҳам худди шундай, Чингизхонга қолса, нафақат юз минглаб, балки миллионлаб инсонларнинг ҳаёти, бор-йўқлиги заррача қизиқтирмайди. Шунингдек, оналари қиличдан ўтказилаётганда ёш ўғил-қизларнинг дод-фарёд кўтариб, чопиб ташланаётган ота-онасига талпинишлари на хоқоннинг, на унинг ҳукмидаги ваҳший руҳда тарбияланган мўғул лашкарларининг раҳмини келтириши у ёқда турсин, қайтанга она томон талпинаётган фарзандлари — норасида болақай, қизалоқлар билан бирга, она-болани чопиб ташласа, найза ушлаган мўғул жангчи ўлимолди қўрқувида ота-она болалари бир-бирини маҳкам бағрига босганларича қапишиб турганларида уларни оилавий найзага бир зарб билан сихлаб ўлдиришларидан завқ оладилар. Шу одамхўрлик, ёввойилик ишларидан фахрланиб, жангдан бўшаган дамларда бир-бирларига ҳикоялар айтишиб, қотилликларидан бири олиб, бири қўйиб завқланганликлари ҳақида ўша давр тарихнавислари ёзиб қолдирган манбалар талайгинадир. Мўғуллар ваҳшийлиги чек-чегара билмаган, уларнинг ёвузлиги алақачон тарихий манбаларда ёвузлик тимсолларига айланиб бўлган эди. Уни Кўҳна Урганчнинг мўғуллар томонидан эгалланиб, инсон зоти қолдирилмай қириб ташланиб, то ҳозирги кунларгача шаҳар харобаларидан ташкил топган очиқ қабристонга айлантирилган ҳолатдаги мудҳиш манзара ҳам бу ваҳшийлик ҳад-ҳудуд билмаганлигининг яққол далилидир. Чингизхон ва унинг даҳшатли қўшини нимаики қаҳр-ғазаб оташи қайнаб тошган бўлса, уни Хоразмшоҳлар пойтахти Кўҳна Урганчга сочиб, уни дўзахнинг бир қисмига айлантириб, ундаги ҳаёт уни тамомила ўчириб ташлаган эди. Дунёда бундай ваҳшийлик ва ёвузликни тарих кўрмаган. Тинч аҳолини тажриба ўрнида қирғин этиш ҳам шу ерда содир этилди. Хотин-қизларнинг ор-номусини поймол этишнинг ёввойи ва жирканч усулларидан тортиб, ғайриинсоний хатти-ҳаракатларнинг турли кўринишлари шу қатлга маҳкум этилган шаҳарда юз берди. Маданият, маърифат ва маънавиятнинг юксак ўчоғида барча ғайриинсоний

ахлоқсизлик шу шаҳарга муносиб кўрилди. Бу шаҳарнинг Чингиз ва Чингизий шаҳзодаларнинг ғазабини чексиз қайнаши ва нафратомуз ёндашувига сабаб хоразмшохларга бўлган ашаддий ғанимлик муносабати бўлса, иккинчи тарафдан бўйсунмас ва қасоскор Жалолиддин Мангубердининг она шаҳрини заминидан сугуриб ташлаш, учинчи тарафдан Чингизхондай дунёни титратган хоқоннинг таслим бўлиши талабини қайта-қайта уч мартагача рад қилиб, Ватан туйғусини барча нарсадан юқори қўйган Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубронинг Чингизхон дўқ-пўписаларини сариқ чақага олмай, Ватанга бўлган муҳаббатини амалда намойиш этиши ва барча шаҳарликларни бир бутун кучга айлантириб, муқаддас юрт қандай ҳимоя қилинишини қаттол ёвга кўрсата олиши бўлди. Жалолиддин ҳам, Шайхул-Валитарош ҳам дунё аҳлига Ватан учун қандай курашиш кераклигини, Ватанни қандай улуғлаш лозимлигини, Ватан қалдрини қандай қилиб юксак поғоналарда сақлаб туриши зарурлигини кўрсата олдилар. Шу сифатлари билан улар башариятга ибрат бўлиб қолдилар. Уларнинг юраги ҳар сонияда Ватан деб урганлиги, ҳар олган нафасларида Ватан, курашларида Ватан тақдири турганлиги, уларнинг борлиғи Ватан билан мужассамлашиб кетганлиги бугунги ва келгуси авлодга ибратдир. Пири комил Шайхул-Валитарош ва буюк саркарданинг ҳаёти ва кураши, ҳар бир босган қадами шундан далолатдир.

Шайхул Валитарошнинг Шарқ оламида машҳурлиги, Кўҳна Урганчдаги унинг фаолият юритган „Кубровия“ тариқати мактаби (уни бемалол ўз даврининг фалсафий-ахлоқий академияси деб аташ мумкин) бу шаҳарга дунёнинг тенг ярмидан бўлажак пир ва валисифат, шунингдек, валий ҳамда авлиёкаронат истеъдод эгаларининг Нажмиддин Куброга мурид бўлиш истагида келишлари шаҳарнинг доврўғини янада ошириб юборган эди. Шунга кўра, бу улуғ инсон Валитарош, яъни валийларни тарбияловчи авлиёи аллома номи билан дунёга танилган эди.

Кўҳна Урганч не-не буюкларга бешик ва буюк Хоразмшохлар салтанатини дунёга кўз-кўз қилган шаҳар. Унинг таъриф тавсифини тарихий, жуғрофий асарларига битмаган олиму шоир, географ ва сайёҳ қолмаган. Уларнинг барчасини келтиришнинг иложи йўқдир. Фақат ўрта асрнинг улуғ ва таниқли алломалар ва жаҳонгашта сайёҳларнинг айримларининг фикрларини келтириб ўтиш билан чекланамизки, шунинг ўзиёқ бу шаҳарнинг ўрта аср шарқу ғарбида тутган ўрни, мавқеи ҳақида етарли маълумот бўла олади. Шу боис мўғул босқинчилари бу шаҳарга оч бўрилар ўз ўлжалари сероб бўладиган майдонга қарагандай кўзини найзаддек беҳудага қаратмаган эдилар.

Мўғуллар ҳужумидан бир оз олдинроқ ушбу шаҳарга сафар уюштирган жаҳонгашта географ ва этнограф араб олими Ёқут ал-Ҳамавий ўзининг кўп жилдли „Жуғрофия қомуси“ номли машҳур асарида Кўҳна Урганч ҳақида ғоят қимматли таъриф келтиради: „Хоразм ерларидай кенг ва аҳоли кўп яшайдиган жой дунёнинг ҳеч бир ерида бўлмаса керак, бунинг устига аҳолиси машаққатли ҳаётга ва оз-оз нарсага қаноат қилишга ўрганиб қолган. Хоразмнинг аҳоли ўрнашиб қолган аксар жойлари, бозорлари, ғамлаб қўйилган нарсалари ва дўконлари бўлган шаҳарлардир. Бойликларининг мўллиги, сероблиги ва пойтахтининг катталиги, аҳолисининг кўплиги, яхшиликка яқинлик ҳамда дин ва мазҳаб буюрган нарсаларни бажариши жиҳатидан Хоразмнинг бош шаҳрига (Кўҳна Урганчга) ўхшаш шаҳар дунёда бўлмаса керак“. Энди Кўҳна Урганч тўғрисида ўрта асрлар даври географ ва тарихчиси ҳамда машҳур сайёҳи ал-Қазвиний ёзиб қолдирган таъриф хотираларга мурожаат қилайлик. Олимнинг тавсифида Кўҳна Урганчга шундай таъриф берилади: „Гурганч (шаҳарнинг қадимда юритилган номи) Жаннатдаги шаҳар, куёвнинг

уйидаги келин мисоли, фаришталар эътиборини қозонган бағоят гўзал шаҳардир.“ Олим ва сайёҳ ал-Қазвиний Гурганжда 50 хил жаҳон бозорларида машҳур ҳунармандчилик нафис ва гўзал маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, улар дунё бозорларида рақобатбардош ва харидоргир бўлгани, ҳатто фақат мусиқа асбоблари ясаб кун кўраётган ўн мингдан ортиқ оилавий ҳунармандларни мисол қилиб келтириб ўтади. „Кўҳна Урганч ҳунармандлари ясаган маҳсулотлар мен кезган дунё мамлакатлари бозорларида бозори энг чаққон моллар эди“, дея эътироф этади машҳур сайёҳ ал-Қазвиний. Бу таърифнинг ўзиёқ Кўҳна Урганчнинг жаҳон майдонида тутган аҳамиятини яққол ифодалаб турибди. Жаҳон кезган географ ва тарихчи олимларнинг бир шаҳарга берган таърифи бўлса, шундан ҳам ортиқ бўлмас.

Ҳаёт ва тараққиёт барқ уриб, қайнаб-тошиб ётган жой мўғуллар томонидан қандай қилиб бутунлай ўликлар абадий ҳукмрон бўлган, абадий жимжитлик дунёси ҳукм сураётган маконга айлантирилганлигига, уни қандай амалга оширилганлигига ҳар қандай тил лол қолади. Шундай улуғ ва муқаддас жойда инсонлар шу хунрезликни амалга оширганлигига ҳар қандай қалб ишонгиси келмайди. Қандай ҳам ишонсин, ахир бир фармон билан дунёнинг олиму фозиллари таърифу тавсифларига сифмаган, фаришталар ҳавас қилиб сайр қиладиган, дунёнинг келинчак шаҳри зеру забар қилиниб, жаҳон шаҳарсозлигининг ажойиб намунаси ўрнида тирик жонзот қолдирилмаган гўристон вужудга келтирилса, буни ҳар қандай ақл ҳазм қила олмаслиги аниқ, унга инсон қалби жавоб топиши амри маҳоллиги ҳам тайин, аммо бу ваҳшийлик тарихан рўй берган ҳодисадир. Тарихнинг сабоғи ҳам шундаки, уни ўқиб ёки фожиа фактларини хотирлаб, зиёрат қилиб, сўнгра: „Уруш ва ёвузлик, қотиллик ва қатағонликнинг уни ўчсин!“ дея инсоният бор ақл-идроки билан унинг қайта рўй бермаслиги йўлида бор кучи, имкониятлари билан қарши курашади.

Чингизхон ҳали катта ўғли Жўжи Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимидаги шаҳар ва вилоятларни ғорат қилаётган вақтлардаёқ у ерларни бўйсундириб бўлгач, Хоразмшоҳлар салтанати пойтахти Кўҳна Урганчни эгаллашга унга кўрсатма бериб, ҳали уни босиб олмасиданоқ, Шимолий Хоразм ва ўзи эгаллаган Дашти Қипчоқ юртларини унга мулк қилиб берган эди. Кўҳна Урганч ўз даврининг мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги учун фақат Жўжининг ихтиёридаги қўшинлар билан уни эгаллаб бўлмасди. Шунинг учун Жўжи қўшинларига қўшимча куч сифатида, шаҳарни босиб олишни тезроқ амалга ошириш мақсадида, иккинчи ўғли Чигатой ихтиёридаги лашкарни ҳам унга ёрдамга жўнатди.

Туркон Хотун Муҳаммад Султон таклифига биноан Хоразмшоҳ хазинаси, келин ва невараларининг барчасини олиб, дастлаб Хуросонга, ундан эса Эрон ҳудудларига қочар экан, Кўҳна Урганч шаҳар мудофаасини ташкил этишни ўз қариндоши дашти қипчоқлик саркардалардан бири Хумортегинга юклади. Унинг ихтиёрига юз минг қўшин қолдирилган эди. Аммо бундай катта қўшинни невараси Жалолиддин Мангуберди ёки Темур Малик ихтиёрига берганида Хуросон ва Эрон томонларга хоразмшоҳлар бойлиги ва ўзининг оиласи билан гоҳ у вилоят, гоҳ бу вилоят бўйлаб қочиб юрмаган, оқибат пешанасига мудҳиш бахтиқаролик битилмаган, барчаси буюк саркарда невараси ҳимоясида бўлур эди. Аксинча, бундай катта қўшинни Жалолиддинга бериш у ёқда турсин, дашти қипчоқлик яқин қариндош саркардалар билан тил бириктириб, уни ўлдириш учун фитна тепасида турди. Шу туфайли ўзи ва бутун оиласининг хору зорликда қатлга тортилишини таъминлади. Бунга Кўҳна Урганч аҳлини ҳам шерик қилиб, қатағонлик қурбонига



айланишини таъминлади. Мўғулларнинг ваҳшиёна ҳис-туйғулари Кўҳна Урганч қамалида ёввойиларча жунбушга келиб, шаҳарда ҳаёт изларини қолдирмаслигига кўзи етган Муҳаммад Султон Каспий денгизига орол томон қочаётганида пойтахти аҳолисини қиёмат қирғинидан асраб қолиш учун қуйидаги таслимчилик руҳидаги охирги мактубини жўнатишга улгурган эди. Уни саройда қолган мулозимларига жўнатар экан, унинг мазмунини халққа таништиришни ҳам таъкидлаганди, Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон. Унда қуйидагилар таъкидланган эди: „Ҳақиқатан, аждодларимиз ва бизнинг Хоразм халқи олдидаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларимиз ўтмиш замонлардан буён катта бўлиб келган. Бу эса бизларнинг сизлар ҳақингизда доимий ғамхўрлик қилишимиз ва маслаҳатгўй бўлишимизни талаб этади. Душман ғолиблик хирқасини кийди, шунинг учун сизлар улар билан тинчлик аҳдномасини тузинглар. Бу ёмонлик ва зулми бартараф этиш учун яхши усул ҳисобланади.“ Кўринадики, мактуб батамом таслимчилик руҳидадир.

Кўҳна Урганччи муҳосара қамали учун Чингизхон 150 мингдан ортиқ лашкарий кучларни сафарбар этди. Бу кучлар мисоли ҳамма ёқни вайрон қилувчи тўфон офатининг ўзгинаси эди. Бу кучлар ёвузлик қудратига кўра Кўҳна Урганч сингари бир неча катта шаҳарларни ер юзидан йўқ қилиш қудратига эга эди. Бунинг устига-устак 150 минглик мўғулларнинг ҳужумкор қўшинини махсус ҳимоя воситаларидан ташқари, Мовароуннаҳрнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидан асир олинган „жонли девор“ тўсиқлардан иборат элик мингдан ортиқ ўлимга маҳкум этилган асирларни оломон тарзда ганим қўшинини ўз таналари билан ҳимоя қилиб бориш учун пода сингари олдинда ҳайдаб бордилар. Натижада Кўҳна Урганч мудофаачилари ёй ўқи ёки сон-саноксиз ғўлалар, қайноқ сув, биғиллаб қайнатилган сақич эритмаларини дастлаб „жонли девор“ни ташкил қилган ўз биродарлари устига ёғдиришга мажбур бўлардилар. Мўғуллар шу усул билан кам талафот кўргани ҳолда шаҳарга ёппасига ҳужум уюштириб, уни эгаллашни мақсад қилган эдилар.

Муҳаммад Султоннинг шаҳар аҳолисига таслим бўлиш ва мўғуллар талабларини қабул қилиш тўғрисидаги таклифини пойтахт аҳли қабул қилмади, балки рад қилди, орномусини, ғурурини қўлда қурол билан ҳимоя қилиб, сўнгги нафасигача она шаҳрини ҳимоя қилишга аҳд қилишди. Таслим бўлиб душман олдида бош эгиб туришдан кўра, ўлимни мардона кутиб олишни афзал кўрдилар. Энг азобли ҳодиса бу ўз юртингда босқинчиларга итоат қилиб, қуллик шароитида яшаб, оламдан армон билан ўтишдир. Ўз юртинг, ўз оиланг, ўз халқинг билан она-Ватан фаровонлиги, тараққиёти йўлида меҳнат қилиб, ўз миллий давлатининг, давлатчилигининг қонун-қоидалари асосида бахтли яшаш, фарзанд ва неваралар камолини, халқнинг эркин ва ҳурлигини кўриб яшаш қаерда-ю, босқинчи найза ва қиличи, тепаликка қуриб қўйган дори остида яшаш азобида ўтадиган умр мазмуни ўртасида қанча фарқ бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Муҳаммад Султоннинг таслимчилик руҳида битилган пойтахтликларга қилган таклифи Кўҳна Урганч мудофааси ишониб топширилган Бош қўмондон Хумортегин ва унинг ёрдамчи саркардалари Ҳожиб ўғил, Шайххон ва Эрбуға паҳлавонлардан иборат дашти қипчоқлик сардор ҳамда қўмондонларга мақбул келди. Улар мўғуллар шаҳарга биринчи ҳужум қилган куниданоқ ўзларининг лашкарий қисми билан дарвозаларни ланг очганича намоийшкорона душманга таслим бўлиб, улар томонга ўтиб кетдилар. Мўғул қўмондонлари эса, „Биз томонга ўтганлигининг исботи сифатида олдинги сафда туриб шаҳар мудофаачиларини қириб ташлашда фаол иштирок этсангизларгина сизларнинг сўзларингизга ишонишимиз мумкин. Акс ҳолда, амалда бундан

бош тортсангизлар барчангизни қуролсизлантириб, чора кўришимизга тўғри келади“, тарзида уларга талаб қўйдилар. Улар мўғулларнинг талабини бажариб, хиёнат йўлига кириб, шу пайтгача уларга нон, туз ва амал бериб вояга етказган замин аҳолисига сотқинлик қилиб, мудофаачиларни қирғин қилиш йўлини танладилар. Хиёнат ва сотқинлик шуниси билан энг хавfli иллатдир. Кечагина бир дастурхон атрофида ўтирган биродар, дўстларга қарши бугун қилич кўтариб, уларни ўлдиришга бел боғлайди, қасд қилади. Бундан ортиқ сотқинлик ва кўрнамаклик бўлмас.

## НАЖМИДДИН КУБРО ҲАЗРАТЛАРИ ПОЙТАХТ ҚЎШИН БОШ ҚЎМОНДОНИ

Ишониб топширилган саркардалар жанговар қўшини билан душман тарафга ўтиб кетишди. Бу ёғига шаҳар аҳолисини қуролсизлантириб, умри давомида касби уруш, жанг қилиш, инсонлар қонини тўкишнинг барча тур ва усулларини пухта эгаллаган жанг майдонларининг иблиссифат мўғул лашкарига қарши пойтахтликларни улўф ва беомон жангга ким бошлайди? Бу оғир саволга жавоб тез топилди. Ҳеч қачон қўлига жанговар қуролдан на қилич, на найза ушламаган, жанговар қуроли илму ҳикмат, маънавий-ахлоқий соҳада минбар нотифи бўлган аллома Нажмиддин Кубро Шайхул-Валитарош Бош қўмондонликни, мудофаани ташкил қилиш, душманга қарши сафарбарлик, жангда йўлбошчилик қилишдек мураккаб вазифаларнинг барчасини ўз зиммасига олди. Акс ҳолда шаҳар аҳолиси бошсиз танадек ҳолатга тушарди. Она шаҳрини ҳимоя қилиш истагида ёнган меҳнаткаш табақа — ҳунарманд, косиб, кир ювувчи, баққол, шаҳар атрофидаги деҳқонлар, зиёлилар, барча катта-кичик мансабдор ва давлат хизматчилари она шаҳар учун оёққа қалқди. Ҳунармандлар кеча-кундуз мудофаачилар учун жанговар қуроллар ясадилар. Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубронинг „Кубровия“ тариқат фалсафий-ахлоқий мактаби Олий бош қўмондонлик қароргоҳига айланди. Унинг жувонмард толиби илм шогирдлари, минглик, ўн минглик кўнгилли халқ лашкарлари мудофаа марраси олдинги сафини эгаллади. Улар орасидан мард ва баҳодирлар қўмондон ва саркардаларига айланиб, Нажмиддин Кубронинг ёрдамчи лашкарбоши лавозимини эгаллаб, қўшини билан дарҳол деворлар тепасидан ўрин эгаллаб, мўғуллар ҳужумини даф қилишга киришдилар. Аҳолидан тузилаётган ва ихтиёрий кўнгилли гуруҳлар гир айлана шаҳар деворлари бўйлаб мустаҳкам мудофаа ҳосил қилдилар.

Ҳар минг ва ўн минглик қўшин мудофаа ҳосил қилиб турилган девор устида Нажмиддин Кубро кўтарган бош байроғидаги „Ё Ватан, ё шарофатли ўлим!“ шиоридан олинган чақириқ ҳилпиллаб, мудофаачиларнинг кураш мақсадини аниқ ифодалаб жангга руҳлантириб турарди. Бу шиор шаҳар мудофаачиларининг кураш мафкураси ҳам эди. У кураш мақсадини етти яшардан етмиш яшар барчага бир хил, ғоят лўнда ифодалар эди. Нажмиддин Кубро жангга кетаётган ҳар минглик ва ўн минглик лашкарий қисмларга оташнафаслик билан: „Ўлимдан қўрқмангиз, Ватан, эл-юрт йўлида тўкилган шаҳидлар қони Худо, яратган Парвардигор олдида қутлўф қон ҳисобланиб, улар учун доимо жаннат эшиклари очиқ туриши, Ватан учун жон фидо этганлар Оллоҳнинг энг суюкли бандалари қаторида абадий ардоқда бўлиши“ни таъкидлаб жангга жўнатар эди. Нажмиддин Кубронинг қароргоҳига шаҳар аҳолиси селдек оқиб келар, у барчани қўлга қурол олишга даъват этар, еру осмонни ларзага келтирган „Ё Ватан, ё шарофатли ўлим!“ дея ҳайқариб жангга кетаётган кўнгиллилар нақадар бахтли, имон-эътиқодли инсонлар эди улар. Негаки,

бу ватанпарварлар онгли равишда она юрти учун ўлимга тик боқиб, буюк мақсад сари интилмоқда эдилар. Нажмиддин Кубронинг улуғ ишларидан бири — бу „Кубровия“ тариқати, умуман, тариқатлар таълимотига ватанпарварлик, Ватанни муқаддас билиш ва уни ҳимоя қилиш, шу йўлда иккиланмай жонини фидо қилиш, яъни жувонмардлик ғоясини олиб кирди. Шунингдек, унинг назарий соҳили билан амалий ҳаётга татбиқ қилишини ўз ҳаёти давомида исботлаб берди. Тариқатнинг барча талаба-шогирдлари ватанпарварлик байроғи остида шундай бир жанг қилдиларки, мўғуллар шаҳар остонасида айрим мамлакатларни босиб олганида ҳам ҳатто шундай катта талафотга учрамаган эди. Буни шундан ҳам таққослаш мумкинки, агар мўғулларнинг ҳужумига Россиянинг Владимир, Киев, Рязань, Псков, Тверь, Владимир-Суздаль ва Москва каби шаҳар ҳамда князликлари уч-беш кундан ортиқ бардош беролмай, таслим бўлиш байроғини кўтарган бўлсалар, Нажмиддин Кубро бошчилигидаги шаҳар мудрофааси 1221 йил эрта баҳоридан то кузга қадар мўғулларга қаҳрамонона қарши курашди. Чингизхон ва чингизийларга дунёда бирон-бир мамлакат Жалолиддин Мангуберди ва унинг пири комил авлиё устози Нажмиддин Кубро қўмондонлигидаги лашкарлар сингари буюк бир қаршилик кўрсата олмаган. Шу боис ҳам улар Ватаннинг, эл-улуснинг ор-номуси, ғурури ва ифтихори даражасидаги халқ қаҳрамони юксаклигига кўтарилиб, тарихимизнинг шонли саҳифаларидан шаксиз ўрин олдилар. Она юрт осмонининг порлоқ юлдузларига айландилар.

Энг оғир дамларда масъулиятни елкасига олган Дашти Қипчоқ саркарда ва қўмондонлари хиёнат ботқоғига ботиб, Хоразм аҳлининг нон-тузини оқламай, Ватан тақдим этган лашкарбошилиқ бурчини адо этмай, душманга ялтоқланиб таслимчилик байроғини кўтариб, улар оёғига бош уриб борар эканлар, бутун пойтахт аҳолиси нажот кўзларини 76 ёшни қаршилайётган Валитарош Нажмиддин Кубро ҳазратларига тикдилар. Ул зоти шариф ҳазрати инсон имон-эътиқоднинг энг юксак поғонаси „Қуръони Карим“ ва „Ҳадиси Шариф“даги инсонларнинг уларга туғилиш, яшаш имконини берган Ватанни ардоқлаш муқаддас бурч эканлигини англатувчи „Ватанни севиш иймондандур“ ҳикматига жавобан мўғулларга қарши курашга даъват этувчи „Ё Ватан, ё шарофатли ўлим!“ шиорига сўнгги нафасигача содиқ қолди. У барчани умумий ва ёппасига муқаддас халқ озодлик курашига чорлади. Бу шиор мўғулларга офат келтирди. Чингизхоннинг қўшинлари учун Кўҳна Урганч девор остоналари ўлим ва ўликлар майдонига айлана борди. Ғаним ҳужумлари қанчалик кучая борса, унга жавобан қаршилик кўрсатиш кўлами шунча кучая борди. Энди душманларга икки йўлдан бири қолди. Гир айлана Кўҳна Урганч деворлари остонасида беҳисоб қалашиб ётган ўз сафдош жангчилари жасадларини йиғиштиришга катта куч сарфлаб, орқага олиб кетиб йўл очиш ёки шу жасад тепаликлари устидан ўз ўликларини босиб, топтаб, шаҳар деворига кўтарилиш каби ахлоқий мезони кўндаланг бўлди. Шу ҳақда Толиқонда Жалолиддин Мангубердини бир ёқлик қилиш Чингизхоннинг ҳаёт-мамонт масаласига айланиб, гангиб нажот ахтараётган хоқонга Кўҳна Урганчдаги Нажмиддин Кубронинг халқини муқаддас урушга даъвати ва мўғул қўшини оғир талафотлари, ҳар куни минглаб мўғул жангчилари пашшадек қириб ташланиб, ундан бир неча бор кўп жангчилар ярадор бўлиб сафдан чиқаётганлиги шум ва ёқимсиз хабарини етказдилар. Бу хабар Чингизхон учун „дард устига чипқон“ бўлди. Энди Жалолиддин Мангуберди муаммоси устига янги бош оғриғи — Нажмиддин Кубро дардисари келиб қўшилди, хоқонга. Наҳот, шу устоз-шогирдлар доимо йўлимда ўтиб бўлмас ғов бўлиб, қўшиним учун офат бўлса, дея жиғибийрон бўларди хоқон.

Кўхна Урганч қамалининг асосий ташкилотчилари 150 минглик қўшин қўмондонлари бўлган Жўжи, Чигатой ва Ўқтойхон фарзандларига Чингизхон алоҳида кўрсатма берди. Шунингдек, Нажмиддин Кубро Шайхул-Валитарош номига мактуб йўллади. Мактубда Чин-Мочиннинг адоқсиз одам захираларини қўшинига сафарбар этиб бўлса-да, шаҳарни эгаллашга қасд қилгани, ундан кўра яхшилиқча икки томондан қон тўқишларни тўхтатиб, талафотларга барҳам бериб, сулҳ тузиш, Нажмиддин Кубро ўз сафдошлари, сўфий жувонмард шогирдларини олиб, бетараф томонлардан хоҳлаган ҳудудларга шаҳарни ташлаб кетадиган бўлсалар, уларга заррача зиён-заҳмат етказмасликни мен хоқон сифатида ўз сўзимда қатъий тураман тарзида баён этди. „Бу сўзим ва ваъдамни қасам ўрнида қабул қилинглр“, дея таъкидлаб мактубни яқунлайди. Қўшин орасидан элчилар тайинлаиб, музокара юритишни таклиф этади, хоқон. Шундан кейин отаси Чингизхон номидан иш юритувчи хоқоннинг учинчи ўғли Ўқтойхоннинг шахсан ўзи Нажмиддин Кубро билан учрашадиган бўлди. Музокара байроғини кўтарган Ўқтой девор остоналарига яқинлашиб келди. Қамални амалга ошираётган барча мўғул қўшинларига музокара тугагунча ҳарбу зарб қуролларидан бирор ўқ отмаслик, ҳужумни тўхтатиб туришга буйруқ берилди. Ўқтойхон отаси Чингизхоннинг сўзларини етказиш ваколатига кўра Шайхул-Валитарошга: „Отам кўрсатма бердиларки, шаҳарни ташлаб чиқсангиз, бас, хоҳлаган одамларингиз, қариндош-туққан биродарларингиз ва муридларингиз, хоҳлаган нарсаларингизни олиб кетишингиз мумкин. Бизнинг тарафимиздан бирор монелик қилинмайди. Бирортангизнинг ҳаётингизга хавф ва таҳдид туғилмаслигига отам Чингизхон кафил бўлгани сингари биз ҳам шу ваъдага собит турурмиз. Сиздай улуғ инсоннинг ҳурмат-иззатини отамиз ўрнига қўяётган экан, биз ҳам шунга қатъий амал қиламиз. Мактубда барчаси сизнинг томонингиздан бажарилиши зарур бўлган талаблар қайд этилган. Агар қайси дарвозани очиб чиқаман, десангиз, чиқишингиз билан сиз ва сизга ҳамроҳ бўлувчиларнинг хавфсизлигини тўла таъминловчи отам имзо ва муҳр қўйиб тасдиқлаган ёрлиқни ўзим сизга топшираман. Ана шу ёрлиқ бўйича сизга ва сиз билан бирга кетувчи ҳамроҳ ҳамда сафдошларингизга ҳеч ким бирон зиён-заҳмат етказа олмайди. Мана, отам хоқоннинг мактуби. Дарвоза ташқарисига, яъни менинг ҳузуримга ишончли вакилингизни туширинг, уни олиб кетсин. Маслаҳат қилиб олишларингиз учун эрталабгача вақт бераман“.

Қуёш эртасига эрталаб ердан терак бўйи кўтарилганда Ўқтойхоннинг Нажмиддин Куброга жўнатилган элчиси оқ байроғини ҳилпиратганича девор остонасида пайдо бўлиб, „Ўқтойхонга жавобингизни хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки бўлсин, маълум қилинглр“, деди. Шунда Бош дарвоза устига ўтиладиган мудофаа девор йўлаги устига чиқиб туриб Нажмиддин Кубро: „Чингизхонингиз ва Ўқтойхонингизу ҳаммасига тааллуқли бўлсинким, биз ўз она шахримиз ва она-Ватанимизни қолдириб, ташлаб, бошқа юртларга бош олиб кетмаймиз. Шу юртда туғилдик, шу ерда ўламиз. Талабларингизнинг бирортасини бажара олмаймиз, охирги томчи қон ва охирги нафасгача курашишга аҳду паймон қилдик, шиоримиз ўз кучида қолади. Мана у, дарвоза кенглигида ёзилиб турибди: „Ё Ватан, ё шарофатли ўлим!“ Шайх уни баланд овозда жарангдор қилиб ирод этди. Девор бўйлаб мудофаада турган жангчилар, минглик, ўн минглик қўшин улуғ шайхга ҳамоҳанг бўлиб, ушбу шиорни бир неча бор ҳайқариб такрорладилар. Бутун шаҳар бўйлаб гумбурлаган қудратли овоз ҳайқариғи нафақат бир ажиб тарзда мўғуллар қўшинини ҳайрат ва даҳшатга солди, балки осмону фалақда момақалдироқдек акс садо берди. Унга жавобан, Ўқтойга бўйсунган қаҳрли 150 мингдан ортиқ мўғул қўшини нафрат оташини олов иргитувчи, ёндирувчи ашёларга мужассам этганича, шаҳарни дўзахнинг бир қисмига айлантириш учун ҳужумни

бошлаб юбордилар. Энди шаҳар ичидаги эркак ва аёл зоти ўлимга руҳан тайёр эдилар. Улуғ шайхнинг „Ватан учун курашиб ҳалок бўлиш шараф, шаҳид бўлиб қони тўкилганлар яратганнинг энг суюкли бандалари сифатида уларнинг абадийлик макони жаннатдур“, деган сўзлари барча мудрофаачиларнинг юрагидан, тану жисмидан ўлим кўрқувини улоқтириб ташлаган эди. Улар қалбида душманга нафрат туйғуси чарсиллаб аланга олган сари Ватан учун жон бериш, унга борлигини бағишлаб фидо бўлиш истаги ҳам шунчалик кучли тарзда жўш урди. Шоир айтгандай, тарих бу ерда ҳосил қилаётган воқеалар:

Тарих буюк мозий шоҳномасидир,  
Элу-юрт шодлиги, оҳномасидир.  
Мозийда қоқилмай юриш мушкулот  
Мозий тийра хокдон, мозий тилсимот.  
Мозийда яралган муаззам тарих  
Кўзларига каж замона санчди мих

қабилда фожиалар майдонига айланиб кетди. Шу орада Чингизхоннинг чопари ҳам хоқоннинг хабарини Ўқтойхонга етказди: „Агар менинг таклифим рад этилган бўлса, шайх ўзидан кўрсин, бу ерда ҳаёт уни тамоман ўчириб ташлансин. Бу шаҳар номи йўқотилиб, Хоразмшоҳлар пойтахти ер юзидан ўчирилиб, шаҳар хоразмликлар гўристонига айлантирилсин. Дунё аҳли менинг қаҳр-ғазабим қайнаб-тошганда нималарга қодирлигимни ўша абадият маконига айлантирилиб ташланган ўлик шаҳар харобалари орқали эсласинлар“.

## **„ЭРК УЧУН ТЎКИЛГАН ҚОНЛАР ҚУТЛУҒДИР“. КЎҲНА УРГАНЧ ЎТ ВА ОТАШ ИЧИДА**

Чингизхон буйруғи билан Бухоро ва Самарқанд ҳудудларидан Кўҳна Урганч муҳосарасини янада авж олдириш учун эллик мингдан ортиқ Мовароуннаҳр аҳолисини жонли девор учун сафарбар этилди. Хитой усталари ясаган моторли даббат каби ёндирувчи ашё, тош ва ғўлалар ирғитувчи жанговар муҳандислик қуроллари билан яна уч юз эллик, тўрт юзтага яқин ҳарбий машиналар ясалиб, Кўҳна Урганч қамалига жўнатилди. Шу билан шаҳар аҳолиси ва мудрофаачилар устига оташ олови ирғитувчи қуроёлардан эрта тонгдан кечга қадар зарба уриш имконияти вужудга келтирилди. Бу жанговар қуроёлардан отилган олов оташи сув сепган билан ҳам ўчмасди. У бориб тушган жойнинг кулини кўкка совуриб, сўнгра ўзи ёниб, ўзи ўчарди. Натижада, шаҳар ёнғин остида қолди. Шаҳар тутун билан қопланиб, мудрофаачиларнинг ҳатто нафас олишлари қийинлашди. Ташқаридан келадиган сув захиралари беркитилди, сув фақат шаҳар ичидаги қудуқларда қолган бўлиб, унинг ҳам тез кунда таги кўриниб қолди. Талафотлар кун-бакун орта борди. Ярадорларга дори-дармонлар етишмасди. Озиқ-овқат захиралари ҳам тобора тақчиллашди. Эрлари жангда йиқилса, энди уларнинг ўрнини аёллари, ака-укалар ўрнини эса опа-сингиллар эгалладилар. Улар деворлар устида туриб, дошқозонларда қайнаб турган сақич ва иссиқ сувларни душманнинг нарвонлар орқали деворга чиқиб келётган жангчилари боши узра ағдариб, уларни жизғанак ҳолатга келтириб, нариги дунёга жўнатдилар. Қилич ва найза билан жанг қилишга қурби келганлари эса ҳақиқий жангчилардек жанг қилиб ўлдирилган эрлари, акалари, укалари, қўшнилари қасосини олдилар. Ўқ-ёй тортишга қурби келганлари ёвнинг нақ бўғзи, кўксини нишонга олиб жаҳаннамга равона қилдилар. Ўсмирлар, болалар ҳам ҳақиқий жанг иштирокчиларига

айландилар. Хунармандлар ясаган ўқ-ёйларни девор устидаги жангчиларга тиним билмай етказиб бериб турдилар. Сақичларни қайнатиш учун ўтинга қатнадилар, ўт ёқиб душманга қарши ажал ашёсини тайёрлаб бердилар. Ярадорларга ёрдам бердилар. Бу чинакам халқ уруши эди. Барча-барча, ёшу қари, ҳамма жангчига айланган эди. Бутун шаҳар аҳолиси гир айлана мудофаа деворида туриб, қўлни қўлга берганича ҳалқасимон мудофаа жанги олиб борарди. Шайхул-Валитарош эртадан-кечгача девор устидаги йўлак бўйлаб қўлида найза кўтарганича мудофаачиларнинг руҳини кўтариб, ёвни аёвсиз қиришга даъват этар, унинг жанговар ҳаракатлари жангчиларнинг янада ғайрат-шижоатини жўш урдириб юборар, мўр-малахдек деворга тирмашиб келаётган мўғулларнинг тутдек тўкилишини таъминлар эди. Бир томонда доимо тинч меҳнат билан банд бўлган турли касб эгаларидан иборат халқ кўнгилли лашкари билан, иккинчи тарфда касби уруш, қирғин ва босқинчиликка айланган даҳшатли мўғул қўшини ўртасида жанг ўзининг ҳал қилувчи палласига кирди. Хоразмлик мудофаачиларнинг кураши бу ерда оммавий қаҳрамонлик жангига айланиб кетди. Бу жанг шуни исботладики, агар инсонлар қулликдан ўлимни, таслимчиликдан кўра имон-этиқодни юқори қўйишса, ўлим тушунчаси тўғрисидаги ваҳима ва қўрқув ўз аҳамиятини йўқота борар экан. Ўлимни инсонни даҳшатга солувчи ҳодиса сифатида эмас, ўзини Ватан озодлигига фидойиларча бағишлаб, она юрт олдидаги инсонийлик бурчини адо этиш, шунингдек, Ватан олдидаги қарздорликдан халос бўлиш воситаси деб биладилар. Шу боис мудофаачи жувонмардлар учун ўлимолди қўрқув васвасаси улардан узоқлашиб, унинг ўрнини мардларча кураш мақсади моҳиятан қалб ва танада устуворлик мавқеини эгаллаб туришга эришилди. Шу боис хоразмлик мудофаачи ватанпарварларнинг оммавий қаҳрамонлиги инсоният иродаси ва бардошининг, Ватанга тикилган жонларнинг бетақрор тимсоли бўлди.

Худди шуниси билан бу кураш, тенгсиз жанг башариятга сабоқ, қаҳрамонликка, инсон бардошига, Ватан учун шон-шарафга бурканиб ҳаёт билан видолашиш йўлидаги ҳам мадҳия, ҳам марсия қўшиғи бўлди. Тарих учун эса ҳам шонли, ҳам қонли икки саҳифа битигини ифодалаш имконини берди.

Ажал ашёлари барча воситалардан отилавергач, шаҳар олов-аланга остида қолди. Ғўла ва тошлар отилавергач, Шарқ цивилизациясига улур аллома, мутафаккирларни, санъат аҳлини етказиб беришнинг маънавият ўчоқлари — олий мадрасалар ер билан яксон бўлди.

Буюк ипак йўлининг Шарқий Европа ва Ғарбий Осиёга жўнаб кетадиган ҳамда у томонлардан келадиган, шукуҳли халқаро карвонларни қабул қиладиган ва жўнатиб юборадиган карвонсаройлар, мадрасалар, масжидлар вайрон бўлди. Уйлар култепага айланди. Аланга тобора осмону фалакка туташиб, шаҳар тунлари кундуздагидан кам фарқ қилган. Аммо душманлар уни дўзахнинг бир бўлагига айлантирдик, дея мақтансалар-да, ватанпарварлар курашни бир зум ҳам бўшаштирмадилар.

Тобора ғазаб отига минган ғанимлар шаҳарни ишғол этишнинг барча усулларини ишга солдилар. Бухоро ва Самарқанддан ҳайдаб келинган асирларнинг маълум бир қисми ерости йўли ковлашга сафарбар этилди. Девор ташқарисидан шаҳар ичкараси томон ковлаб бориладиган усулни лаҳим уруши ёки лаҳим қазил деб аталарди. Шаҳарга ер остининг тўрт-беш жойидан бирваракайига ёриб кириш учун туну кун лаҳим ковлашга киришдилар. Бир вақтда эса қандай бўлмасин бир неча дарвозаларни вайрон этувчи махсус механик жанговар қуроллар тинимсиз зарб уришга киришди. Мудофаачи жувонмард ватанпарварларга энг оғири шу бўлдики, улар ташқи дунёдан узиб ташланган, на озиқ-

овқат, на дори-дармон, на ёрдамчи қўшин уларга ҳеч қардан кела олмасди. Худди катта бўлма илон ўз ўлжасини қаттиқ сиқувга олиб ҳолдан тойдирганидек, мўғуллар ҳам бу шаҳарга нисбатан ана шундай ҳаракат қиларди.

Ана шу вақтдаги мўғуллар ваҳшийлиги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада авж олганлиги учун Хоразм воҳасида ҳозиргача ота-оналар йиғидан тўхтамай хархаша қиладиган кичкина болаларни „Жўжи келди, бўжи келди“, дея йиғидан тўхтатмоқчи бўладилар. Саккиз юз йилдан ортиқ вақт ўтибдики, бу қўрқинч ифодаси сифатида асрлардан-асрларгача етиб келмоқда. Бу Чингизхоннинг катта фарзанди Жўжи номи билан ёвузлик тимсоли синонимлашиб кетганлигининг яққол далили эканлигидан далолат беради. Унинг қўшини ўлимсевар, ўлдириш, қирғин қилишни кўтаринки, байрамона майларда олиб боришдан роҳат олиб ҳузурланганлар, золимлик туйғуси билан лиммо-лим тўлган ва ёвузлик руҳидан қувват олган жисму танлари инсонлар қонини тўкишдан ҳузур-ҳаловат олганлиги боис ғайриинсонийлик улар учун оддий ҳолга айланган эди.

Хоразмликлар Жўжини яъжуж-маъжуж — одамхўр махлуққа қиёс қилишган. „Жўжи келди, бўжи келди“ ибораси айнан Кўҳна Урганчнинг сўнги одамини қолдирмай қонини тўккани учун шу маконда қонхўрликнинг рамзига айланган номга эга бўлди. Улар ваҳшийликнинг, хунрезликнинг, ғайриинсонийликнинг хилма-хил усулларини худди шу шаҳарда, шу ерда ўйлаб топдилар, амалга оширдилар. Ҳомиладор аёлларнинг қорнини ёриб, энди ёруғ дунёни кўриш арафасида турган ҳомила — чақалоқларни найзага олиб кўтариб юрганлар. Бу ваҳшийликни душманларидан қасос олишнинг энг зўр усули деб билдилар. Бизга таслим бўлмаган халқларнинг уруғини шундай қилиб қуритамиз, шундай қилмасак эрта-индин яна йўлимизда ров бўлади, деган фикрда бўлдилар.

Мўғуллар асосий ҳужумни мустаҳкам Қобилон дарвозасига қаратди. Нажмиддин Кубро мўғуллар ҳужумини қайтариш учун жувонмардлардан иборат бир неча юз кўнгилиларни ўша дарвоза томонга жўнатди. Улар дарвоза ҳимоясига етиб келганда мўғуллар дарвозани вайрон қилиб, икки-уч минг душман жангчилари шаҳарга ёриб киришга, уни ҳимоя қилувчиларни орқага суриб ташлашга муваффақ бўлган эдилар. Бу қалтис вазиятни бартараф этиш учун Шайхул-Валитарош ўзининг ўлимини писанд қилмайдиган мурид шогирдлари билан етиб келиб жувонмардлар гуруҳини ҳимоя қилиш ва биргаликда дарвоза ичкарасига ёриб кирган душманларни шаҳар ташқарисига улоқтириб ташлаш учун жанг бошладилар. Мўғуллар қандай шиддат билан ёпирилиб шаҳар ичкарасига кирган бўлса, ватанпарварлар тазйиқига бардош беролмай худди шундай ташқарига суриб ташлаб, ҳайдаб чиқарилди. Уларга шундай зарба берилдики, улар шаҳар ичидан ўз ярадорларини ҳам олиб чиқа олмадилар. Шу пайтда мўғулларнинг шарқий дарвозалардан бири томондан ёриб кирганлигининг хабари келди. Нажмиддин Кубро Қобилон дарвозаси ҳимоясини Фаридун ал-Ғурий сардорга топшириб, салафлари билан Шарқий дарвозадаги хавfli ҳолатни бартараф қилишга йўл олди.

Фаридун ал-Ғурий дарвоза томонга чекиниб бораётган ғаним қўшини ўртасига ёриб кириб, мўғулларнинг катта бир гуруҳ жангчиларининг чиқиб кетиш йўлини тўсиб, қаттиқ жанг олиб бориб, ичкарида қолиб кетган мўғулларнинг барчасини қиличдан ўтказди. Мўғуллар Қобилон дарвозасининг ҳар икки томонида катта талафот кўрдилар. Шундан кейин ғазабга минган Жўжи шаҳар аҳолисини мутлақ сувга фарқ қилиш мақсадида Кўҳна Урганчни сув билан таъминлаб турган Жайхун ирмоғи тўғонини Самарқанддан ҳайдаб олиб келинган „жонли девор“га уч минг мўғул жангчилари назорати остида вайрон қилиб ташлашга буйруқ берди. „Жонли девор“дагилардан кимдир бу ишда фаол

қатнашмайдиган бўлса, дарҳол чопиб ташланди ёки қопга солиб дарёга чўктириб юборилди. Аммо, энг ботир жангчилар мўғуллар кутмаганда шундай ҳужум уюштириб, тўғон бузишда иштирок этган уч минг мўғул жангчиларини жаҳаннам қаърига рўбарў қилдилар.

Чингизхоннинг уч саркарда ўғиллари Жўжи, Чигатой ва Ўқтой нўёнлар шаҳар мудофаачиларининг руҳини синдиришнинг турли йўллари қидирдилар. Талафотлар ошгандан ошиб бораётганлиги учун Ўқтойхон иккинчи марта аввал айтилган шартлар ўз кучида қолишини билдириб сулҳ таклиф қилди. Шайх Нажмиддин Куброга мурожаат қилиб: „Сизнинг ва шаҳар аҳолисининг қаҳрамонлиги ва ботирлигини эътироф этганимиз ҳолда, бизга маълумки, озиқ-овқат, сув захираларингиз тугаб бормоқда. Барчангизга омонлик берамиз, шаҳарни қолдириб, ташлаб чиқиб кетинглар“. Нажмиддин Кубро ҳазратлари: „Не иложки, бу талабларингизни ҳам бажариб бўлмас. Ватан учун курашиб ўлиш ҳуқуқи, шубҳасиз, бизнинг томонимизда қолади. Шунга қадар, тақдирда Парвардигор нимани раво кўрса, шунга шукроналар айтиб, курашни давом қилдиришга аҳд қилдик. Зинҳор-базинҳор бу аҳддан қайтиш йўқ. Аҳддан қайтиш бу имонсизликдир. Бизнинг мақсадимиз Худо ҳузурига имонимиз бутлигини сақлаган ҳолда она-Ватанни ҳимоя қилиб, ёруғ юз билан боришлиқдир. Нонимиз, сувимиз кам, аммо курашдан кўнглимиз тўқ, имонимиз бутун, шу боис курашни давом қилдираверамиз“.

Бу вақтда қамалнинг олтинчи ойига яқинлашиб қолган эди. Мўғуллар таъкидлаганидек, мудофаачи ватанпарварларнинг озиқ-овқат, дори-дармон ва сув захиралари тугаб бораётган эди. Бунинг устига дарвоза ва мудофаа деворлари олти ойлик жанг-жадалда илматешик бўлиб, ватанпарварларнинг оз сонли тирик қолган кучлари билан бўрондек ёпирилиб келаётган душманнинг зарбаларини тўхтатиб бўлмасди. Шунингдек, бундан икки-уч ой олдин душман ерости йўлини шаҳар ичига қадар қазиш ишлари ҳам ўз ниҳоясига етиб қолган эди. Душман орадан ярим йил ўтгач, ҳар жиҳатдан устунликни қўлга олди. Буюк қаршилиқ кураши шу билан яқун топишига ҳам оз кунлар қолди. Нажмиддин Кубро бошчилигидаги ватанпарварлар душманга қарши кураш олиб бориш мумкин бўлган ишларни ортиғи билан бажардилар. Бу ёнига ҳар бир уй, ҳар бир жамоат бино харобалари, ҳар бир маҳалла истехкомга айланган эди. Кўчалар жангнинг энг қизғин майдони бўлиб, уларни эгаллаш мўғулларга жуда оғир кечди. Катта-кичик кўчалар икки тарафнинг мурда ва ярадорларига тўлиб кетди. Кўҳна Урганчнинг шаҳар марказига олиб борувчи бош кўчасининг ўзида мўғуллар ўн мингдан ортиқ жангчисидан ажралди. Мудофаачи ватанпарварлар сафи ҳам сийраклаша бориб, турли тарафдан чекиниб келар экан, оқибат уч маҳаллани истехкомга айлантириб, шу ерда айлана мудофаа ҳосил қилдилар. Охирги шиддатли жанг ана шу уч маҳалла ҳудудида содир бўлди. Нажмиддин Кубро ҳам, жувонмардлар, кўнгилли лашкарнинг омон қолган қисмлари ҳам ҳаётларининг сўнгги лаҳзалари шу кичик ҳудуд эканлигини англадилар.

## **ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ҲУЖУМ. ЧИНГИЗХОН БОШ ТУҒИ ШУНДАЙ ЙИРТИЛГАН ЭДИ**

Шайхул-Валитарош жувонмардлар, кўнгилли жангчиларни ўз атрофига зич қилиб тўпланишни буюрди. Мўғулларга қарши жангни мудофаада туриб эмас, бор кучни йиққан ҳолда ҳужум билан яқунлашга қарор қилди. Фанимлар Бош қўмондони Ўқтойнинг лашкари келаётган тарафда қўшиннинг бош байроғи ҳилпираб, баланд кўтарилганича ўн минглаб мўғул жангчилари селдек шаҳар ҳимоячилари томон қўйилиб келарди. Нажмиддин



Кубро ҳам ҳужумга қарши ҳужум билан жавоб берар экан, икки ўртада шиддатли ва шафқатсиз жанг бошланиб кетди. Шайхул-Валитарошнинг жувонмард гуруҳи Ўқтой қўшинининг байроқдори турган масофагача ёриб кирдилар. Шайхул-Валитарошнинг ити мўғул паҳлавон байроқдорининг байроқ тутган қўлига сакраб, жон-жаҳди билан тишлаб, байроқни ўз хўжаси илиб олишига имкон яратиб берди. Шу пайт Шайхул-Валитарош байроқни бор кучи билан ўзи томонга, байроқдор мўғул паҳлавони эса уни ҳимоя қилиб Нажмиддин Кубро қўлидан халос қилиш учун ўзи тарафга бор кучи билан тортди. Натижада Ўқтойнинг бош байроғининг бир қисми Шайхул-Валитарош қўлида, қолган ярми мўғул байроқдори қўлида қолди. Нажмиддин Куброга бирваракайига байроқни ҳимоя қилувчи ўнлаб мўғул барзанги жангчилари ташланишди. Нажмиддин Кубро танасининг тиф ва найза урилмаган жойи қолмади. Унинг сеvimли ити ҳам қийма-қийма қилиб ташланди. Шунда ҳам мўғул байроқдорининг панжа бўғини тепароғидан тишлаганча жонивор ганим қўлини қўйиб юбормай уни ражиб ташлади. Ваҳшийлашган мўғуллар Валитарошнинг мурид ва сафдошларидан ҳеч кимни қолдирмай тифдан ўтказдилар. Мўғуллар шаҳарни эгаллаб, тирик қолган аҳолини шаҳар ташқарисига ҳайдаб чиқардилар.

Ҳунармандлардан 100 минг касб-ҳунар эгалари қул қилиб Мўғулистон пойтахти Қорақурумга, Чингизхон қароргоҳига жўнатилды. Аёллар, қизлар шаҳар ташқарисидаги кенг майдонга олиб чиқилди. Босқинчи мўғуллар ўз ғалабаларини ёввойиларча нишонладилар. Мўғуллар ўзларининг тубан ва маънавий қашшоқликларини намойиш этиб, исломий қадриятга чулганган хотин-қизларни ечинишга мажбур қилдилар. Қилич ва ханжарларни ишга солиб, кийимларини кесиб, йиртиб туширдилар. Сўнгра уларни икки қисмга ажратишди.

„Бизга зўр қаршилик кўрсатдингизлар, сизлар аёл бошларингиз билан зўр ва мардона жангчилардек жанг қилдингиз. Энди бир-бирингизни ўлдириб, яна бир марта зўр жангчилигингизни исботлайсизлар“, дея уларни ўзаро жанг қилишга мажбур қилиб, томоша қилмоқчи бўлдилар. Аёл асираларга Жўжининг кўрсатмаси билан калта қилич, найза ва ханжарлар улашилди. Мўғуллар икки тараф бўлиб турган исломий ахлоқ билан тўйинган хотин-қизлар устидан мазах қилиб кулдилар, масхараладилар, уят сўзларни йўллаб ҳақоратладилар. Исломий маънавият, ор-номус, ифбат булоғидан баҳраманд бўлиб ўсган бу аёллар жанг бошлаш ишорасини билдиришлари билан Шайхул-Валитарошнинг „Ё Ватан, ё шарофатли ўлим!“ шиорини барчаси жўр бўлиб айтиб, майдонни ларзага келтирганча мўғулларга ташланишди. Байрам, ғалаба нашидаси билан маст бўлган мўғуллар Хоразм аёлларининг бундай ҳужумини кутмаган эдилар, уларнинг бу ҳаракатидан бир муддат эсанкираб қолишди. Натижада ғалаба қувончи заҳарга айланиб, минглаб мўғуллар ўлдирилди ва ярадор бўлдилар. Энди мўғуллар аёлларнинг бу мардлиги олдида уларни озод қилиш ўрнига номардларча йўл тутиб, ўзларининг маънавиятсиз, ҳақиқий эркак жангчиларга хос бўлмаган пасткашликка бордилар. Аёл жангчиларга ҳужум қилиб, эркаклик гурурига иснод келтирдилар. Аёллар қириб ташланди. Шу ўринда ҳақиқий жангчи қандай бўлишига оид Искандар Зулқарнайга доир бир воқеани эслаш ўринлидир. Хуросоннинг Марв шаҳри орқали Хоразм чегарасига, бепоён Қорақум кенгликларига чиқиб, Ҳазорасп, Кат ва Ҳевақ томон йўл олган Искандар Зулқарнай чегараларда суворийларга дуч келади. Уларнинг барчаси гарчи жанговар кийимларда бўлса-да, эркак суворий жангчиларига ўхшамас, уларнинг аёллар эканлиги юз ва кўкрак

тузилишидан сезилиб турарди. Синчков Искандар Зулқарнайн яқинроқ бориб, форсий тилмоч таржимон ва йўл кўрсатувчиларининг ёрдамида улар билан музокара олиб боради.

Искандар Жаҳонгир улардан сўрайди: „Кимсизлар?“ Улар жавоб беради: „Ўзларингиз кимсизлар? Биз сизлардан сўрашимиз керак. Негаки бу бизнинг Ватанимиз сарҳади“. Жаҳонгир Искандар жавоб беради: „Сизлар жуда мағрур экансизлар. Одатда, чегарани эркак жангчилар қўриқлар эдилар. Сизлар эса уларга ўхшамайсизлар“. Хоразмлик массагетлар қавм авлодлари шунда Искандарга жавоб бериб: „Ҳа, биз аёллардан тузилган жанговар чегарачилармиз, орқангизга қайтинглар, акс ҳолда, бизни қон тўкишга мажбур қиласиз. Биз жангда, қурол ишлатишда сиз эркаклардан қолишадиган жойимиз йўқ“, дея улар ўзларининг жангга тайёр эканлигини намоён этиди. Жаҳонгир Искандар шунча мамлакатлар билан уруш олиб бориб, шундай жасур ва жанговар аёл жангчиларни кўрмаганлигини эътироф этиб, тан беради ва дейди: „Мен Жаҳонгир Искандар шоҳман, мендай жаҳонни бўйсундирувчи буюк саркарда аёллар билан жанг олиб борган тарзда тарихда лаънатланиб қолишни асло истамайман. Сизларга омонлик инъом қилдим. Умуман, Хоразм сарҳадларида уруш олиб боришдан воз кечаман“, дея орқасига қайтиб кетади. Сўнгра Хоразмшоҳ билан сулҳ тузади.

Аксинча, мўғуллар буюк саркарданинг шу саъй-ҳаракатларини, жаҳонга ибратомуз мардликларини эсламадилар ҳам. Аёлларга қилич кўтариб иснод ботқоғига ботдилар, номардлик қилдилар. Аёллар битта қўймай қириб ташланди.

Чингизхоннинг Мўғулистондаги Бош қароргоҳи Қорақурумга ҳайдаб кетилаётган бахтиқаро асир ҳунармандлар билдиларки, вайронага батамом айлантирилган она шаҳрини энди кўриш йўқ. Улар қайтиб келмас бегона эларга кетаётганлигини аллақачон тушуниб етган эдилар. Уларнинг оиласи, ўғил-қизлари, қариндош-уруғ, ёру биродарларию бутун ҳамшаҳарлари билан қўшилиб ҳунармандларнинг оҳу ноласи ҳам улар билан бирга кўмилди. Бу инсонларнинг ҳеч кими қолмаган. Барчаси қириб ташланган, ҳатто, бешик ва беланчаклар қонга бўялган ва майда-майда қилиб синдирилган. Улар ҳам чақалоқлар билан бирга қўшиб чопилган. Чопилган, синдирилган муқаддас бешиклар ўзининг охириги эгалари қонига бўялганча чақалоқлар жасадлари билан аралаш-қуралаш даҳшатли кўриниш ҳолатига ўтган, ҳунармандлар вайрона ва култепа уйлари, кўчалари, она шаҳрига сўнгги бор йиғлаб-бўзлаб, тўймай, қарай-қарай муқаддас заминни мўғуллар ҳақорат ва қистовлари остида тарк этишга мажбур бўладилар. Она замини билан абадийликка видолашиб, унинг тупроғини кўзларига суртадилар, бир сиқимини олиб, Ватанни қўмсаб соғинганларида шу бир сиқим тупроқни ҳидлаб, юзларига босиб, ундан маънавий-руҳий тўйиниб оладилар. Ёт эл-юртларда ўлсак қабримизга ярар дея эҳтиётлаб сақлашга ҳаракат қиладилар.

Шу билан она шаҳрига сўнгги бор илинж билан қараган юз минглаб инсонларни тақдир шимоли-шарқнинг энг катта ҳудудларини ишғол қилиб ётган бепоён Гоби чўллари томон ҳайдади. Алвидо, қора тупроққа қориб ташланган қондошлар, алвидо, мотам либосига бурканган она юрт, она замин!

Энди дунёнинг гўзал шаҳри Шарқнинг кўрки, жамоли, тимсоли йўқ. Унинг ўрнида, салкам минг гектар майдонни эгаллаган шаҳар ўрнида осмон остидаги очиқ қабристон, ҳар бир инсон учун ҳатто алоҳида қабр ҳам йўқ, жангда қандай ҳалок бўлган бўлса, жувонмард ватанпарвар жангчилар, қарию ёш, бола-чақа — барча аралаш-қуралаш ётган жасадлар саногига етиб бўлмайди. Улардан жасадлар тепалиги ҳосил бўлган.

Шаҳар ўрнида абадий мазористон ҳукмронлиги. Бир вақтлар ҳаёт қайнаган бу жойда тирик жонзотдан ном-нишон йўқ. Жимжитлик сукунати билан абадий муҳрланган. Тарихда бундан-да қирғин, бундан-да ваҳшийлик ҳукм сурган даҳшатли воқеани мозий билмайди ва билмаган.

Чингизхон Толиқондаги қароргоҳида турган пайтда Кўҳна Урганч қамали қай ҳолатда кетаётганлигидан доимо хабардор бўлиб турди. Хоразм аҳлини оммавий жангга чорлаган Шайхул-Валитарошнинг сўнги тақдири ва унга қандай муносабатда бўлиш лозимлиги ҳақида Ўқтой, Жўжи ва Чигатой отаси хоқоннинг фикр-маслаҳатини олдилар. Шунда Чингизхоннинг бундай улуғ инсонга ҳаваси келиб: „Ёши саксонга яқинлашиб қолганда халқни ўз кетидан эргаштириб, сизлардай марду майдон саркарда фарзандларимнинг 150 минг қўшинининг йўлини ярим йилдан ортиқ кўкрагини қалқон қилиб тўсиб турган инсоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйинглар. Биз жангчилар, гарчи у душманимиз бўлса-да, шу ёшда ўзини, халқи, Ватани озодлиги, эркига бағишлаб, ўлимни афзал билган бу инсонни исломий удумлар бўйича дафн этинглар“. Чингизхон қўшинида ислом динини қабул қилган уйғур ва туркий кўчманчи қавмлар кўп бўлиб, улар ўз уруғлари сардорлари бошчилигида хизмат қилардилар. Шайхул-Валитарошни дафн этишни Ўқтойхон уларга топширди.

Мўғуллар улуғ шайхнинг қўлидаги бош байроғидан йиртиб олинган парчани ҳарчанд уринмасин ола олмадилар. Ул шайх ҳазратларининг душманга бўлган чексиз нафратлари байроқни йиртиб олаётган чоғларида жисмоний кучлари билан руҳий кучлар ўзаро мужассамлашиб, ўнлаб тиглар танасига санчилган чоғдаги тана азоблари ўрнини душмандан ўч олиш истаклари эгаллаб, панжалари темир омбурда сиқилгансимон ҳолат содир бўлган эди. Мўғуллар, умри жангу жадалда ўтиб, бунақа ҳодисани ҳеч учратмаган эдилар. Улуғ шайх ҳазратларининг руҳлари Арши аълога абадий сафарга отланиш чоғида ихтиёридаги мавжуд жисмоний, руҳий ва маънавий куч-қудратини душманнинг рамзий тимсоли — байроғини чангаллашда барча кучини бир нуқта — қўлларига тўплаши натижасида Чин-Мочиннинг моҳир тўқувчи ҳунарманд усталари томонидан ғоят мустаҳкам қилиб, узоқ жангу жадалларга бардошли тарзда тўқилса-да, бироқ, Нажмиддин Кубро бир зарб билан уни йиртиб олишга муваффақ бўлди. Ул ҳазрат қўлидаги байроқ парчасини ҳадеганда олиш имкони бўлмагач, Ўқтойхон ўткир устарадек ханжарини чапдаст мингбошиларидан бирига тутқазиб ҳазратнинг бармоқларини кесишни буюрди. Аммо бу иш амалга оширилаётганда байроқ парчаси шикаст топмаслигини таъкидлади. Улуғ шайхнинг бармоқлари кесиб олиниб, байроқ панжаларидан халос этилгач, Ўқтойхон чинлик табибига шайхнинг бармоқларини қайтадан тикиб қўйишни топширди. Жарроҳ табиб Бош қўмондон Ўқтойхон айтгандек, шайхнинг бармоқларини ўз ўрнига тикиб қўйди. Нажмиддин Кубро жасади Ўқтойхон қўшинидаги мусулмон динига эътиқод қилувчи уйғур ва кўчманчи туркий қавм сардорлари ихтиёрига берилиб, улар хоқон айтганидек иззат-икром билан шайхни дафн қилдилар. Қабри устига тош лавҳа ўрнатиб, Нажмиддин Кубронинг шаҳид бўлган йили, ойи ва қуни тош битик қилинди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Кўҳна Урганч Шарқдаги энг йирик салтанат пойтахти ва Буюк ипак йўлининг йирик чорраҳасида жойлашганлиги боис аҳоли жуда гавжум бўлган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бу шаҳарда мўғуллар босиб кирган пайтда бир миллион икки юз минг аҳоли яшаган. Шаҳар ичкарисига ёриб кирган мўғуллар билан саваш шундай авж оладикки, шаҳарнинг катта-кичик майдонлари, кўчалар ва



Чингизхоннинг асосий кўшини Хоразмшоҳлар салтанати пойтахти Кўҳна Урганчга ҳужум уюштирмоқда. Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро: „Ё Ватан, ё шарофатли ўлим!“ шиори остида халқни жангга чорламоқда. 1221 йил баҳори.



Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро чақириви билан халқ лашкари кўнгиллилари Кўҳна Урганчнинг жанубий дарвозасидан ёриб кирмоқчи бўлган мўғул босқинчиларига қирон келтирмоқда. 1221 йил ёзи.

маҳаллаларнинг икки тарафи жасадлар билан тўлган. Ҳатто, ўликлар шунчалар кўп қалашиб қолганлигидан ғанимлар ўз сафдош жангчиларини ажратиб олишлари қийин бўлгач, тезда шаҳарда талон-тарожлик ишларини бошлаб юборганлар. Талон-тарож ишлари бир неча кун давом этиб, мурдаларнинг қўланса ҳидидан нафас олиш қийинлашган. Натижада Ўқтой шаҳарни сувга фарқ қилишни буюрган. Амударё суви Кўҳна Урганч тарафга буриб юборилган. Шаҳарнинг мўғуллар томонидан сувга фарқ этилиши тарихий манбаларда кўплаб келтириб ўтилади.

## МАНБАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА КЎҲНА УРГАНЧ МУҲОСАРАСИ ҲАҚИДА АН-НАСАВИЙ МАЪЛУМОТЛАРИ

„Мен унинг бошқа шаҳарлардан фарқли ўлароқ, катта аҳамиятта молик эканлигини назарда тутган ҳолда қамал қилиниши тафсилотига алоҳида эътиборни қаратдим. Шунингдек, унинг босиб олиниши хусусида ҳам кенгроқ тўхтадим, чунки бу тоторлар йирик ғалабаларининг бошланиши эди.

...Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўғиллари Хоразмни тарк этганларидан кейин тоторлар унинг сарҳадларига яқинлашдилар. Лекин улар қўшинлари тайёргарлиги тугамагунча, қамал пайтида ишлатиладиган қуролларни ясаб бўлмагунча, бошқа мамлакатлардан қўшинлар ёрдамга етиб келиб, сафлари мустаҳкамланмагунча (бу ерда бошқа мамлакатлар деганда ан-Насавий Чингизхон томонидан босиб олинган шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий Осиё қитъаси, жумладан, Хитой каби катта салтанат ҳудудларидан сафарбар этилган қўшин назарда тутилмоқда — *Ж.Р.*) шаҳарга яқин бормадилар (яъни босиб ололмасликларига кўзлари етиб, ҳужум қилишга шошилмадилар). Ёрдамга биринчи бўлиб катта қўшин билан Бойжубек нўён етиб келди. Кейин Чингизхоннинг ўғли айни шу кунларда хоқонлик қилаётган (Чингизхоннинг учинчи ўғли Ўқтойхонни босиб олинган бутун ҳудудларга хон қилиб тайинлаб, уни хоқоон (хонлар хони) валиаҳд дея эълон қилинган эди) Ўқтой қўшинини бошлаб келди. Булардан сўнг улар ёнига Чингизхон ўзининг ярамас Буғуржи нўён бошчилигида ёвуз ва қўрқинчли ифритларидан иборат шахсий қўшинини юборди. (Бу ерда ан-Насавий Буғуржи нўёнга нисбатан ярамас сўзини ишлатиш сабаби шуки, бу қўшин ўта шафқатсиз, одамхўр қароқчи ва жинойтчи йўлтўсарлар, яъни чўл қашқирларидан иборат тўдаларни бирлаштириб тузилган қўшин бўлиб, улар босиб келган жойда ҳаёт уни тамоман ўчарди.)

Тўлон Черби, Усун нўён, Қадан нўёнларга бош қилиб, 100 минг қўшин билан жўнатди. Улар Кўҳна Урганчни қамал қилишга ҳозирланиб, тош отиш асбоби (манжаниқ), юрувчи қалъа (бу катта тўрт вилдиракка ўрнатилган барча тарафи ҳимоя воситалари билан мустаҳкамланган жанговар муҳандислик машинаси бўлиб, уни шаҳар мудофаа девори остонасигача асир олинган жонли девор ҳаракатга келтирган. Унинг билан деворлар тешилган, шаҳар дарвозаси бузилган, ҳужумкор гуруҳлар ва уларнинг деворга тирмашиб чиқадиган нарвонлари, ёндирувчи нефть идишлари ташиб келинган), матарис — офир тўқмоқ-жамалаунатларни тайёрладилар. Хоразмда ва унга яқин жойларда манжаниқларда отиш учун тош йўқлигини билганларидан кейин тут дарахтидан фойдаланиш тадоригини кўрдилар. Улар тутларни кесиб, бўлак ғўлаларга ажратиб, сувга бўқтирдилар. Шунда тут бўлаклари офирлишиб, тош каби қаттиқлашди. Улар

манжаниқларга жойланиб отишга тайёр бўлди. Аммо улар барча қуроллар тайёр бўлмагунча шаҳарга яқинлашмадилар. Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин Мовароуннаҳрдан Душихон (Жўжихон) ўз лашкари билан пайдо бўлди. У Хоразм аҳолисига элчилар юбориб, агар улар шаҳарни урушсиз топширсалар, ҳаммага омонлик беришини маълум қилди. Шунингдек, у отаси хоқони Чингизхон шаҳарни ўзига ҳады қилгани, уни бузиш, вайрон қилиш нияти йўқлигини, аксинча, асраб қолиш нияти борлигини билдирди. Унинг бу мақсадини қўшини келиб тушган жойни лашкарига талон-тарож қилдирмаганидан ҳам билса бўлади. У бошқа вилоятларга нисбатан Хоразмга илтифотлироқ ва марҳаматлироқ муносабатда эди, унинг тақдир қурбонига айланишини, вайроналик исканжасида қолишини истамади. Аммо огоҳлантиришлар эътиборга олинмади, ҳукмронлик тизгини унинг эгалари қўлидан чиқди.

Шунда Душихон (Жўжихон) Хоразмга барча қўшинларини тўплаган ҳолда денгиз мисол қутуриб ҳужум бошлади. У ҳар бир маҳалла, кўча, уйни бирма-бир босиб олишга киришди. У бир маҳаллани босиб олар экан, одамлар иккинчи маҳаллага ўтиб жон сақладилар. Улар оиласини ҳимоя қилиш учун жон-жаҳдлари билан курашдилар. Аммо ҳимояланиш тобора қийин бўлиб қолди, ёвузлик ҳамма томонга ўз панжасини урди. Шаҳарда улар босиб оладиган учта маҳалла қолди, бу маҳаллалар одамлар билан лиқ тўлган эди. Улар ҳимояланиш чоғида ҳолдан тойиб, омонлик сўрашдан бошқа имконлари қолмади. Шунда Душихон ҳузурига Хоразм муҳтасиби, фақиҳ (ҳуқуқшунос олим) Аловуддин ал-Ҳаётини элчи қилиб йўладилар. У илмда ҳам, амалда ҳам юксак даражага эришган, шу сабабли султон ҳурматиға сазовор бўлган инсон эди. Бу вақтда шаҳар деярли Жўжихон томонидан эгаллаб бўлинган эди, қонга ботган ҳолатда бўлиб, деярли уни ҳимоя қилиш имкони қолмаган эди. Душихон ғазаб ўтида ёнарди. Бу ишни аввал, ушбу зарурат туғилмасдан илгари қилиш мумкин эмасмиди? Омонлик сўраш вақти ўтмаганмиди?

Душихон уни ҳурмат билан қабул қилишини, қабул учун алоҳида хонларга монанд чодир тиклашни буюрди. Аловуддин унинг олдиға келиб тиз чўкиб деди: „Биз хоннинг қаҳри қай даражада эканидан воқиф бўлдик, эндиликда унинг илтифотидан баҳраманд бўладиган пайт келмадимикан?“ Бу сўзларни эшитиб лаънати Жўжининг жаҳли чиқиб, афти буришиб деди: „Хоразмликлар менинг қайси қаҳримдан баҳраманд бўлишибди? Уларнинг ўзи уруш бошлаб, лашкарларимни ўлдирдилар-ку! Ҳозирча мен уларнинг қаҳрини кўрдим! Ана энди мен қаҳр ва қўрқув қандай бўлишини хоразмликларға кўрсатаман!“

Жўжининг буйруғига кўра одамларни бирин-кетин гуруҳ-гуруҳларға, бўлак-бўлакларға бўлган ҳолда шаҳардан ташқарига олиб чиқа бошладилар. Уста-ҳунармандлар тўпланиши эълон қилинди. Буйруққа итоат этганлар омон қолдилар. Баъзи усталар ажратиб олиниб, тоторлар юртиға олиб кетилармиш, қолганлар эса бу ерда қолиб, ўз уйларида яшашға рухсат берилармиш деган гапларни эшитиб, умумий тўдадан ажралмадилар. Қолган бандилар ўқ-ёйлар, қилич ва найзалар зарбидан ўлим гирдобига фарқ бўлдилар“.

Мана шу далилий манбалар ҳам гувоҳлик бериб турибдики, Кўҳна Урганч фожиаси, шубҳасиз, башарият оламидаги энг даҳшатли фожиалардан ҳисобланиб, ўрта аср урушлари тарихида бундай қирғин-барот ва ваҳшиёна ҳаракат жуда камдан-кам ҳолатлардагина қайд этилади. Шу боис ўз аجدодларимизнинг қаҳрамонона кураши, номусларини ўлим ва қони билан ва озодликни жонидан кечиб ҳимоя қилганлиги

бугунги мустақиллигимиз қадр-қимматини, шунингдек, бу олий қадриятлар аҳамиятини теран англашимизга имкон беради. Ор-номусни, эрк ва озодликни ҳар нарсадан устун қўйган аждодларимиздан фахрланиш туйғусини кучайтиради. Ватанга, халққа меҳр-муҳаббат ҳиссини янада оширади.

Меҳр офтобидан тонглар ёришса,  
Тарихдан бебаҳра онглар ёришса,  
Билинг, бу миллатнинг уйғонишидир,  
Миллат бўлиб яшашнинг чин даъвосидир.

Аждодларимизнинг эрк ва озодлик, шунингдек, Ватан мустақиллиги йўлидаги курашлар тарихини билиш виждонни уйғотади, иродамизни пулатдек тоблайти ва ўзликни англантишда тенгсиз жанговар қуролдир.

Тарихнинг жон озиғи манбалардир. Шу боис тарихнавис ан-Насавий асаридан жой олмаган айрим воқеалар, Кўҳна Урганч мусоҳарасига дахлдор тарихий ҳодисалар ўз даврининг ва барча замонлар учун буюк мутафаккир ҳисобланган Мирзо Улуғбекнинг тарихий асаридан қандай ўрин олганлигига диққатни қаратамиз. Илмни қиёсий, солиштирма услубда ўрганиш ҳам кўп нарсаларга ойдинлик киритади. Шунини таъкидлаш лозимки, Мирзо Улуғбекка бобоси буюк Амир Темурдан жавоҳир ва олтинлардан ҳам қиммат Шарқда энг бой кутубхона қолган эди. Унда қадимги даврлардан то XV асргача турли фанларга доир нодир китоблар, ноёб ҳужжатлар тўпланган эди. Амир Темур ҳарбий юришлари давомида, биринчи навбатда, эгаллаган давлатлар ҳукмдорларининг олтин, кумуш тўплаган хазинасини эмас, ноёб асарлари ва алломалар ҳамда моҳир ҳунармандлар рўйхатини туздирар эди. Уларни пойтахти Самарқандга жўнатарди, иккинчи навбатда эса ўлжа ва хазина масалаларига вақт ажратарди.

Ана шу бобоси тўплаган маънавий-илмий хазина Улуғбек Мирзонинг подшоликда тожу тахт эгаси бўлишдан кўра, улуғ олим, дунёга машҳур математик, астроном бўлиб танилишини таъминлаб қолмай, мозий илмининг йирик олими, мўғуллар, Хоразмшохлар ва Темурийлар даври тарихининг билимдон донишманди бўлиб етишувида катта аҳамиятга эга бўлди. Шунга кўра, унинг „Тўрт улус тарихи“ асари жаҳон шарқшунослари томонидан ноёб ва бой манбаларга таяниб ёзиллиши жиҳатидан қимматли тарихий асарлар сирасига киритилиши бежиз эмас. „Тўрт улус тарихи“ асарида Мирзо Улуғбек Кўҳна Урганчнинг мўғуллар томонидан шаҳар аҳолиси қонини дарё қилиб оқизиши, аммо мудофаачилар ўлимни писанд қилмай, оммавий қархромонликлар кўрсатиши, Нажмиддин Кубронинг аҳолини мўғулларга қарши курашга даъват қилиб, барчага жасорат бобида намуна кўрсатганликларини атрофлича ёритадики, бу олим ихтиёрида бой манбалар етарлича бўлганлигидан дарак беради.

Ушбу қимматли манбаларга таяниб ёзилган „Тўрт улус тарихи“ асарида Кўҳна Урганчнинг узоқ давом этган қамали, охир-оқибат мўғуллар уни аёвсиз вайрон қилиб, шаҳар аҳолиси ваҳшиёна қирғинга учратилиши асар саҳифаларида қуйидагича ёритилади: „Мазкур муддатда Жўжихон, Чигатой ва Ўқтойхон ҳам Хоразм (Урганч) қамали билан машғул эдилар. Жўжихон билан Чигатойхон ўртасида бўлиб ўтган ихтилоф туфайли Хоразмнинг (Кўҳна Урганчнинг) олинлиши етти ойга чўзилди. Шаҳзодалар ўртасида, яъни Жўжихон билан Чигатойхон ўртасидаги адоват содир бўлгани ҳақида соҳибқирони аъзам Чингизхон муаззамга етказдилар. Биринчи ғазабга минганида иккинчиси паст келарди“. Шу туфайли Хоразм тадбири чўзилди.

Замони соҳибқирон фармонига кўра Хоразмга лашкар жўнатилди. Сипоҳ бошлиқлари Жўжи ва Чигатой бўлиб, буларнинг учинчиси Ўқтой эди. Улар Хоразмга етиб келиб, Барзину Гаразмдек жангга киришдилар. Ҳар икки томон жангчилари бир-бирларига ташланиб, ўқу найза отишдилар. Мўғуллар ҳужуми ҳаддидан ошиб, Хоразм ботирлари забун бўлди. Қалъа дарвозаларини кўтариб, мўлчарларида юкдек чўкдилар. Чигатой билан Жўжи ўртасида айтиб бўлмас адоват пайдо бўлди. Ҳар иккала шаҳзода орасидаги душманлик бир-бирига шикаст етказмоқ даражасига бориб етди. Таассуб алангаси кўтарилиб, қалъа дарвозаси фатҳи мумкин бўлмади. Бу ҳол сипоҳ ишини орқага сурди. Бошдан-оёқ зиёндан иборат бўлган бу машмаша хабари соҳибқирон Чингизхонга етди: икки сара ўғил ўртасидаги зиддият Хоразм ишини пайсалга солмоқда. Мўғул сипоҳининг кўпи ўлди. Гўё у қонга айланди. (Бу ерда гап мўғулларнинг жуда катта талафот кўрганлиги ҳақида бормоқда — *муаллиф изоҳи.*) Жаҳон шоҳи Чингизхон буни эшитиб, Жўжи ва Чигатой фарзандларидан ғоят ранжиди. Ғазабга келиб буюрди. „Ёрлиғ (фармон) сипоҳга ёзилсин. Севимли ўғлим Ўқтой янги шоҳ, у сипоҳга бош бўлғуси. Унинг сўзини икки қилмай, унинг фармони билан ҳужумга ўтинг“. Ёрлиғни элчи билан жўнатди: „Тезда Хоразмга етиб борғил, сипоҳу учаласини ушбу фармонимдан хабардор эт. Адоватни тўхтатиб, иттифоқ бўлишсин. Жўжию Чигатой қўшинга бош эди, энди бу икки сарварга бош Ўқтой бўлади. Ҳеч ким унинг амру фармонидан чиқмасин. Жони хор бўлмасин. Бунга хилоф иш кўрувчилар бўлса, жон тифини ғилофидан суғураман. Ким Жўжию Чигатой ҳолига қулоқ солгудек бўлса, жазолангуси“. Шоҳдан лашкарга жарчи етиб келди. Сипоҳи ул тўртовидан эшитганини ундан эшитди. Ҳамма камон ўқидек Ўқтой эшигига етиб келди. Бошларини эгиб, унга таъзим бажо қилдилар, юз-кўзларини оёғига сурдилар. Элчи сўзича: Укангиз Ўқтой шоҳликка сазовор кўрилибди. Соҳибқирон фармонини эшитиши билан акаси сари юзланди ва отасининг гапини айтди. Оққўнғил Ўқтой дам униси, дам буниси олдига югурарди. Ҳар бири уни таъзим билан табрик этарди, бу муборак бошини эгарди. Дерди: „Шаҳзодага софлик ва сахийлик ярашади. Мардлар иши хусумату ҳасад эмас. Ҳар қандай юмалоқ қора нарса оқ бўлавермайди. Кимнинг йўлбошчиси ақл бўлса, хусумат ва ҳасаддан қочади. Ғарази бор одамларга қулоқ берманг, меҳру муҳаббат йўлидан бирга юринг, отаю отабек иккинги менга, сиз не сабаб бир-бирингизга дағаллик қиласиз. Шоҳлар ақлдан бегона бўлмас, шаҳриёр дили ором билмайди. Душманлар сўзига нега парво қиласиз? Бу баландпарвоз сўзлардан тийилинг. Хоқон фармонига бўйсунинг. Соҳибқирондан ёрлиғ келди. Сизу бизга жон ташвиши у. Келинлар, нифоқни дилдан қувайлик“. То қалъани қўлга киритгунча ҳар икки ўғил ёрлиғни эшитди. Ота хитобидан юракларига ваҳима тушди.

Чигатой ва Жўжи сафга туришиб, жангга киришди. Ўқтойдек зафар байроғи бўлган хоқон туғи остида турмоқ лозим. Кийнаю нифоқни четга суриб, бир лашкарга иттифоқ бўлдилар. Бошлиғи ботирлар ўз тумоғалари сари жангга киришди. Ҳар икки тарафдан чопилдилар. Фақат хоразмликлар бу борада ягона бўлдилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам бу хабарни эшитиб, ғамга ботди. Бир кишини элчиликка тайинлаб, деди: „Тезликда хоразмликлар мамлакатига бормоқ лозим. Барча лашкарга ёрлиғ етказурсан. Барча Ўқтой фармонида бўлсин. Жўжи ва Чигатой сўзига амал қилмасинлар. Агар кимда-ким Ўқтой амрига хилоф иш қилсалар, аниқ билсинларки, уларнинг боши танасидан жудо қилинғай. Жўжи ва Чигатой сардор (қўмондон) бўлганлари билан Ўқтойни сардорлар хоқони санасинлар. Тезлик билан иттифоқ бўлиб, Хоразмни фатҳ этиш тадбирини бир ёқлик қилишсин“.



Элчи қаҳрли лашкарга етиб келгач, соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ёрлигини кўрсатди. Барча сипоҳ диловарлари ва аскар саромадлари Ўқтой даргоҳига йиғилдилар. Жон белларига итоат камарини боғладилар.

... Иттифоқ аҳдини тузиб (Жўжи билан Чигатой зиддиятларига барҳам берилиб), нифоқни даф этди. Сўнгра аскарлар ўртасида сулҳ тартиб берди (яъни Жўжи қўшини билан Чигатой лашкари орасидаги келишмовчилик ҳам бартараф этилди) ва барча иттифоқ бўлиб жанг-жадалга киришдилар. Созлаб қўйилган манжаниқларни очиб, шаҳарни ўққа тутдилар. Ўқтойхон лашкар ва қўл остидаги халққа (қўл остидаги халқ дегани асир олинган „жонли девор“) сув тўлдирилган хандақни хору хашак билан тўлдиришни буюрди. Буйруқ бажарилгач, мўғул лашкарлари ботирлари Хоразм (Кўҳна Урганч) ҳисорига ташланиб (мудофаа деворига ҳужум қилиш учун), қалъа кунгураларига арқон ташладилар. Нарвонлар қўйиб, шаҳар деворига чиқиб олдилар. Ўз сардорлари яловини (яъни мўғулларнинг ўн минглик қўшинида ўз байроқлари мавжуд бўлган. Шу байроқлар белгиларига қараб қайси қўмондон қўшини қаерда жанг олиб бораётганлиги аниқланган) кўтардилар. Ўронлари (ҳужумга чорловчи барча жангчилар ҳайқириқлари) бонгу жўшидан ер қалбини хурушга келтирдилар.

Жанг оташини қизитганларида Хоразм қўлини паст қилдилар (хоразмликлардан устун келдилар). Тотор сипоҳи қалъага кириб олиб, Хоразм азизларини хору зор этдилар. Шаҳар ичидаги аҳоли танг аҳволда қолди. Ҳар бир ҳовлига тўсатдан ҳужум қила бошладилар.

Найза ва ўқлар билан одамларни бир-бирига михлай ва сихлай бошладилар. Оёқлари етмаган баланд иморат, иншоотларни қоруралар отиб ёндирдилар. Шу тартибда бир неча кун давомида ҳарб маросими тинмади. Бу ҳол шу даражага етдики, ўлдирилганлар сон-сановига етиб бўлмасди. Юз минг нафар санъат ва ҳунар арбобини ажратиб олиб, аёлу болаларни асир олдилар. Қолган одамларни саҳрога ҳайдаб чиқиб, аскарларга бўлиб бердилар. Айтишларича ҳар бир қотилга 24 мақтул тўғри келган (ҳар бир мўғул жангчиси қуролсизлантирилган 24 нафар одамни қилич билан чопиб, найза санчиб ўлдирган). Мўғуллар сипоҳининг сони 100 минг нафардан ошарди. Асир олинганларнинг барчасининг ҳалқумини кесдилар. Улар қони дарё бўлиб оқди. Улар Хоразмни яқсон қилдилар.

## **МИРЗО УЛУҒБЕК, АН-НАСАВИЙ, ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ КАБИ БУЮКЛАРИМИЗ КЎҲНА УРГАНЧ МУСОҲАРАСИ ВА НАЖМИДДИН КУБРО ҚАҲРАМОНЛИГИ ҲАҚИДА**

Мирзо Улуғбекнинг „Тўрт улус тарихи“ асарида Кўҳна Урганчни ғорат қилиш кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийлик асосида амалга оширилганлиги ўз ихтиёридаги ноёб тарихий ва далилий ҳужжатларни тилга киритганлиги олимнинг тарихий ҳақиқатга қанчалик таянганлигини, тарихий адолатга амал қилганлигини кўрсатади. Асарнинг шу жиҳатларга кўра илмий аҳамияти ғоят каттадир. Яна бир жиҳати шундаки, асарда Мирзо Улуғбек улуг шайх Нажмиддин Кубронинг Ватанига, халқига содиқ қолади, ҳатто Чингизхон ва унинг саркарда фарзандлари бир эмас, бир неча бор Шайхул-Валитарошнинг Шарқ ислом олами маънавий ҳаётидаги тутган обрў-эътибори ва шу соҳада тенгсиз илоҳий илмини ҳисобга олиб, ҳаётини сақлаб қолишга қатъий ваъда берадилар. Фақат эвазига курашни тўхтатиб, қуролсиз шаҳарни тарк этишни таклиф этадилар. Аммо, Нажмиддин Кубро озодлик ва эрк учун курашиб шарафли ўлим йўлини танлаганлигини Мирзо

Улуғбек келажак авлод учун ибратомуз воқеа сифатида ёритади. Ватан, халқ учун қандай яшаш кераклигини Нажмиддин Кубро тимсолида кўрсатиб, унинг ўлимолди қаҳрамонона курашини, душманлар хоқонию сардорларига ватанпарварона раддия жавобларини алоҳида саҳифага муҳрлайди. Шу билан Мирзо Улуғбек XIII аср Ватанимизга ёрилган бало-қазо, офатларнинг аччиқ манзарасини Кўҳна Урганчни ер юзидан йўқ қилиб ташланиши, аҳолининг эса оммавий қатл этилиши билан Нажмиддин Кубронинг шон-шарафли ўлим фожиаларини ёритиш орқали бу маконда ёвузлик билан эзгулик ўртасидаги аёвсиз муҳораба давом қилганлигини даврининг етук муаррих алломаси сифатида очиб бера олган. Кўҳна Урганч қамалида шаҳар аҳолиси кеча-кундуз етти ой энг қаҳоли, энг ёвуз кучлар билан жасоратомуз ва мардона жанг қилди. Дунёнинг бирорта шаҳри Чингизхон ва Чингизийлар сулоласига бунчалик қаршилиқ қила олмаганлиги ҳисобга олинса, бу ерда мардлик мезони ўз сарҳадларидан бир неча бор ошиб-тошиб кетганлигини кўрамиз. Бу ҳолатни таъминлашда барча тоғдек суянган, тақдири Ватан тақдири билан мужассамлашиб кетган Нажмиддин Кубро ҳазратларининг хизматлари тарихий аҳамиятга эга бўлди. Буни олим асарида алоҳида инобатга олар экан, Мирзо Улуғбек келажак авлодни Ватанга, халқига содиқликни Шайхул-Валитарош ва Жалолиддин Мангуберди каби аждодлардан ўрганишга даъват этган эди.

Тарихнавис Мирзо Улуғбекнинг Нажмиддин Кубронинг кураши ва ҳаётининг қаҳрамонона ва жасоратга тўлиб-тошган саҳифасини қандай безаганлигига назар ташлаймиз: „Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Хоразм томон лашкар жўнатган вақтда ҳазрати шайх Нажмиддин Кубро ҳузурига менинг лашкарларим ўша ёққа юриш қилмоқда, деб хабар берди. Шояд Хоразм аҳволи ғорату қатл билан бартараф бўлгуси. Маслаҳатим шулки, сизлар у ердан (яъни шаҳар ташқариси назарда тутилмоқда) ташқари чиқсангизлар дарвешларингизга ҳам зиён етказилмагай. Ҳазрати Шайхул-Валитарош, Оллоҳ унинг арвоҳини муқаддас тутсин, дедилар: „Мана етмиш йилдирки, Хоразм халқи билан яшаб келмоқдаман. Бугунги кунда қазойи илоҳий бало жазосини юборди. Уларнинг миясида мурувват деган нарса бўлмайдики, орасидан қочиб ўзимни бир чеккага олсам. Балки улар билан беғамона яғмога дучор бўлганим тузукроқ бўлар. Балоларга ҳам халқим билан бирга ёр бўлсам дейман!“

Бир кекса умри охирлашиб қолганди. Шу сабабдан унга сўз кор қилмади. Қуйидагича жавоб берди: „Етмиш йилдирки Хоразмда хушҳол яшайман. Тақдир муруввати шуни тақозо қиладики, келган балога тан бергум гоҳо. Қонимни шу ерда тўкадиган бўлишса, тангри фармонидан қочмагум. Кийна (гина) олови ёнган экан, Урганчда ҳўлу қуруқ ёнди. Шоҳ (хоқон) лашкари ўқи тиғи билан банд, доною нодон ҳоли билан иши йўқ. Унинг бошини кесмасанг яхши бўларди, деган пандни мўғулнинг эшитгиси йўқ. Қазо тиғи тақдир туфайли ўткирлашган экан, кексаю ёшнинг боши кесилгуси“. Алқисса, Хоразм шаҳри озод этилгандан кейин (бу иборани Кўҳна Урганч шаҳридан битта қолдирмай барча аҳоли ташқарига мўғуллар томонидан ҳайдаб чиқилиши тарзида тушуниш лозим) халойиқни саҳрога ҳайдаб чиқиб қатл этдилар. Ҳазрати шайх Нажмиддин Кубро, унга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин, ўша шаҳид этилганлар жумласидан эдилар. Машҳурдирки, қатл чоғи ҳазрати шайхи бузруквор бир қўли билан қатл этаётган қофир яловининг учини ушлаб турдилар. Кейин қанчалик уринишмасин, қофирнинг яловини ул кишининг қўлидан чиқара олмадилар. Охири ул қофир яловини қирқиб олдилар. Яловнинг учи ҳазрати шайх шаҳиднинг муборак қўлларида қолди. Бу ҳазрати шайхнинг минг-минглаб ғайритабийй одатларидан биридир. Ўз қўллари билан тутган ялов учи „сари парчам“ ўз вафотлари санаси таъмияси эканини аниқлашди. (Бу жумлаларни келтираётган Мирзо

Улуғбек Нажмиддин Кубро ҳазратларининг ўз ҳаракатлари билан илоҳий мўъжиза ва кароматлар кўрсата олишларини таъкидлар экан, ҳаётлик чоғларида Нажмиддин Кубро минг-минглаб кароматлар кўрсатган бўлсалар, ҳатто муборак бошлари танасидан жудо қилинаётган чоғида ҳам мўъжизавий каромат кўрсатиб, мўғул байроғини тошдек қотиб қолган қўлидан бир амаллаб олган чоғларида ўша йиртилган байроқ парчасида араб ёзувида шайх ҳазратларининг вафоти, шаҳид бўлиш йили, ойи ва куни ёзилганлигини кўрадилар. Уни чингизийларга хизматга кирган уйғур уламоларига ўқитганларида Нажмиддин Кубронинг охирги жанг куни ва шаҳид бўлиш саналари ёзилганлигини улар ҳам тасдиқлайдилар. Шу боис уйғур уламолари Чингизхон ва унинг ўғил саркардаларидан шайхни иззат-иқром билан исломий удумларга амал қилиб дафн этиш зарурлигини ўзларининг Чингизхон саройи мавқеидан фойдаланиб, хоқон ва хон шаҳзодаларга уқтира олганлар. Чингизхон ҳам бу таклифни тўла қувватлаган. Чингизхоннинг Кўҳна Урганч қамали арафасидаги Шайхул-Валитарошга элчиси орқали йўллаган илк мактуби ҳам Нажмиддин Кубро довуғи ҳақида хоқон яхши маълумотга эга бўлганлигидан дарак беради.

Шунингдек, Чингизхон ҳали Хоразм мамлакатига юриш бошламаган, аммо уни босиб олиш режасини тузаётган чоғларидаёқ Хоразмнинг машҳур арбоблари, саркардалари ҳақида маълумотлар йиғар экан, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик ва Шихобиддин ал-Ҳевақийлар фаолиятига алоҳида аҳамият берган эди.

... Мирзо Улуғбек „Сари парчам“ ўз вафотлари санаси таъмияси эканлигини аниқлашди“, дея таърифлар экан, асарининг ўша саҳифаси давомида қуйидаги қимматли маълумотларни беради: „Ўша „сари парчам“ даги ҳарфлар қиймати мажмуи 618 га тенг экан. Ҳазрати шайх бузруквор Валитарош Нажмиддин Кубро, тангри унинг руҳини муқаддас тутсин (вафоти битилган), тарихда шундай дейилади. Муршиди аъзам Нажмиддин Кубро худо амри билан Хоразм учун бошини тикди. Бошини топширишда қотил яловига ёпишди. Дини ҳақ илмининг шоҳи. Ул пир сарпанжасидан ўн забардаст йигит (яъни мўғулларнинг энг кучли жангчилари) яловини чиқариб ола олмадилар. Саидлар шайхи сарпанжасида кофир яловини кўриб ҳайратда қолган оқиллар бу ҳолни шарҳладилар: Ялов учини шайх тутиб, тарих айтдики, вафотим санаси шоҳиди шуҳадо (шаҳидлар шоҳи)дир.“ Бу фикрлари билан Мирзо Улуғбек Нажмиддин Кубронинг ғайритабиий ва илоҳий-мўъжизавий кароматларни шу воқеаларга шоҳид бўлганлар номидан тасдиқлаб“ кофир яловининг йиртиб олинган қисмини шайх ҳазратларининг қўлида кўриб ҳайратда қолган оқиллар (бу воқеани ўз кўзлари билан кўриб гувоҳ бўлган чингизийлар саройидаги хизматда бўлган мусулмон уйғур уламоларини тушунмоқ лозим. Муаллиф — *Ж.Р.*) дея тасдиқлаб, ишончли далилга таянганлигини таъкидлаб ўтади.

Негаки, Чингизхон қўшини таркибида ғайримусулмон қавм жангчиларидан тортиб то қўмондон саркардаларгача Шайхул-Валитарошдаги бундай илоҳий қудрат ва илоҳий кароматлар сир-синаотларини, битта инсонда шундай мўъжизавий ҳодисалар содир этилиши сабабларидан мутлақо хабарсиз бўлиб, уни тушунишдан ожиз эдилар. Авлиё ва пир инсонларда содир ва зоҳир бўладиган бундай кароматлар сирини фақат исломнинг дониш, билимдон уламоларигина тавсиф қилиб бера оларди.

Нажмиддин Кубронинг мўғуллар томонидан қатли чоғида ҳазратнинг бўйнига тортилган тиг зарбидан муборак бошлари ерга думалаб тушган. Шу топда ҳазрати шайх ҳаммани лол қолдирган битта саъй-ҳаракат содир қилади. Думалаб тушган муборак бошларини дарҳол ердан олиб даст кўтаради. Парвардигор даргоҳига йўл олиш сонияларида қўлидаги байроқ парчасига ишора қилиб, арабий ва ҳижрий матнда вафот қилган сана, яъни тарих

битилганлигини барчага эълон қилиб, сўнгра бошларини бағрига босганича ерга йиқилади. Не-не воқеалар содир бўлганки, аммо юз минглаб гувоҳлар бундай ҳодисани ҳазрати шайх Нажмиддин Кубродан ўзга ҳеч кимда кўрмаган.

Мирзо Улуғбек ўша давр манбаларини шунчалик чуқур ўрганар экан, Нажмиддин Кубронинг Ватан, эл-улус йўлидаги фидойилиги, охири нафасини ҳам халққа бақишлаганлигига минг бора тасаннолар айтиб, ўлаётган чоғида ҳам душманларни ёқа ушлашга мажбур қилганлигини бағоят эъозлаб, ғоят аъло сўзларни ҳазрат шаънига мозий ва келажак учун битиб қўяди: „Жами мусулмонлар аълосига Оллоҳ таоло раҳмати ёғилсин“ иборасини қўллаш билан Нажмиддин Кубро ҳазратларини Парвардигорнинг пайғамбарларининг даражасига яқинлашиб қолган (аммо Муҳаммад с.а.в. охири пайғамбар бўлганлиги учун Шайх ҳазратлари авлиё мақомати даражасида қолган эди) инсон эканлигини таъкидлайди, муаррих Мирзо Улуғбек. Бу сўзларни Жалолиддин Румий каби буюк маънавият эгасидан далиллар келтириш билан тасдиқлайди. Дунё маънавияти ва маърифатининг порлоқ юлдузи Мавлоно Жалолиддин Румийнинг Шайху-Валитарош Нажмиддин Кубронинг марду майдонлиги инсониятга буюк сабоқ бўлишини ёзиб қолдирган оташ сўзларини келтириб шундай ёзади: „Яна дейдиларки, ҳазрати Мавлоно Жалолиддин Румий, унинг сирри муқаддас қилинсин, ҳазрати шайхи бузруквор Нажмиддин Кубро Оллоҳ унинг сиррини муқаддас тутсин: „Биз шундай улуғларданмизки, гавҳар тутамиз; ориқ эчки тутган пасткаш эмасмиз. Имон қадаҳидан бир қўлимиз билан май ичсак, иккинчи қўлимиз билан кофир яловидан тутамиз“. Ўзининг ҳайратомуз ижоди билан жаҳонни лол қолдирган ва маърузалари билан ҳатто Шарқ оламининг кўплаб ҳукмдорларини ҳақиқат, адолатни ва халқни ҳимоя қилишга чорлаб сел қилган мавлоно Жалолиддин Румий „Имон қадаҳидан бир қўлимиз билан май ичсак“ иборасини қўллар экан, барчани Ватан, эл-улусга содиқ бўлишда Нажмиддин Кубродан ибрат олишга, Ватанга хиёнат қилишдек пасткашлиқдан йироқ бўлишга даъват этади. „Иккинчи қўлимиз билан кофир яловини тутамиз“ ибораси жуда катта маъно ва ҳикматни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, бунда шайх Нажмиддин Кубронинг ҳужумкор душманнинг асосий олға бошловчи тимсоли қўшиннинг бош байроғини йиртиб ташлаб, яроқсиз ҳолга келтиришига ишоратдир. Негаки ҳужумкорликка даъват этиб, барча қўшинни ҳужумга бошлаб, олға елиб бораётган ғаним байроғини яроқсиз ҳолга келтириши ҳар қандай лашкарнинг аслида мағлубиятидан дарак беради. Шунинг учун қадимдан ҳозирга қадар бутун дунё ҳарбий санъати ва қондасига кўра бош байроқни ҳимоя қилишга қанча миқёсларда талафот талаб этилса ҳам уни жангда зарарсиз сақлаб қолиш ҳаётий ҳарб қонуни ҳисобланади. Нажмиддин Кубро душманнинг бош байроғи турган масофагача қандай шижоат ва қудрат билан етиб борганлиги, уни қўриқлаш учун неча минглаб мўғулнинг баҳодир жангчиларини қириб ташлаш зарурлигини тасаввур қилсаккина бобокалонимиз Шайху-Валитарошнинг ушбу ҳаракатининг Ватан учун аҳамияти барча унинг ворислари, мустақил Ўзбекистон фуқароларига унинг босиб ўтган йўли ибрат мактаби эканлигини тушуниб етамиз. Негаки, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро ҳамда Амир Темурдек фарзандлари бўлган бу озод, эркин Ватанга ким ҳам ғаразли кўз билан қарай олади, қайси ғаним унга қурол кўтариб босиб келишга юраги дов беради? Ана шундай фарзандлари бор юртга ҳеч кимнинг босиб киришга журъати етмайди, ўзлари қазиган чоғга ўзлари тушишларини яхши биладилар. Демак, тарбия кучини ўша мард ва буюк аждодларимиздек жасоратга тўлиб-тошган фарзандларни вояга етказишга сарфлашга тўғри келади. Бундай тарбияни уддалай олишимизнинг

тарихий илдиэлари, маънавий-ахлоқий, шунингдек, сиёсий имкониятлари мавжуддир. Фарзандлар қанча мард, баҳодир бўлса, Ватан ҳам шунча қудратли бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Жалолиддин Румий томонидан Нажмиддин Кубро Шайхул-Валитарошга нисбатан қўллаган ҳикматли сўзлари айрим китобхонларга тушунарсиз қолмаслиги учун унга аниқлик киритиб ўтишни лозим топамиз. Ҳазрат Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад Нажмиддан Кубро қўлида машҳур уламо бўлиб етишган, ота-она томонидан хоразмлик эдилар. Баҳоуддин Валад Хоразмшоҳ қизларидан бирига уйланган эди. Нажмиддин Кубронинг сеvimли шогирдларидан бирига айланган Баҳоуддин Валад ўғли Жалолиддин Румийнинг келажакда буюк инсон бўлиб етишувини астойдил истаб, Балх шаҳрига оиласи билан кўчиб кетган вақтда ҳам пири комил Нажмиддин Кубронинг ҳузурларига келиб ўғлига келажакда порлоқ ва машҳур инсон бўлиб таниладиган даражага кўтарилишини Парвардигордан сўраган эди. Баҳоуддин Валад ўғлини ўз пири устози Шайхул-Валитарошга саводини мукаммал қилиш учун топширган эди. Нажмиддин Кубро сеvimли шогирди Баҳоуддин Валаднинг илтимосини ижобат қилиб: „Кел, шундоғ бўлсин, сен Эрону Румда машҳур бўлсанг, бу фарзандимиз қалами қудрати, имоний кучи билан мағрибу машриққа машҳури олам бўлсин“, дея болакай Жалолиддиннинг буюклик парвозини таъминлайдиган илоҳий назарини қаратиб, елкасига муборак қўлини қўйганича „Исломий маънавиятнинг порлоқ юдузи бўлсин, шаҳзода Жалолиддин Мангуберди қиличда тенгсиз саркарда бўлса, бу Жалолиддин фарзандимиз имон-эътиқод куйчиси бўлсин, овозаси етти иқлимга ёйилсин“, дея дуо қилган эди. Сўнгра Жалолиддиннинг юзига илоҳий кучга тўйинган нафасларини уч марта йўналтиради. Баҳоуддин Валад шогирдига қараб: „Энди илтижомиз Оллоҳга етди. Бу фарзандимиз ҳам Жалолиддин Румий номи билан жаҳонни забт этади. Бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз. Унинг ваъзхонлигини эшитганлар симобдек эриб, сел бўлиб оқадилар. Шаҳзода Жалолиддин султонлик ва саркардаликда дунёга танилса, бу Жалолиддин фарзандимиз қалам ва тил қиличи билан оламга машҳур бўлади, маънавият оламининг порлоқ юдузига айланади. Ҳар икки адаш Жалолиддинлар тарих саҳифасидан мустаҳкам ўрин эгаллайдилар. Энди улар худди менинг эгизак фарзандларим бўлиб қанотим остида улуғликка парвоз қиладилар. „Айтганингиз ижобат бўлишига асло шубҳа йўқдир ҳазрат“, дейди султон-уламо номи билан машҳур бўлган Баҳоуддин Валад бағоят хурсанд бўлганидан. Бу башоратни Нажмиддин Кубро XIII асрнинг илк бошида айтган эди. Орадан йигирма йил ўтмай Чингизхоннинг еру осмонни ларзага солган қўшини йўлини тўсишга Жалолиддин Мангуберди киришган бўлса, XIII асрнинг қирқ, эллагинчи йилларида Жалолиддин Румий маънавият фаввораси, имон куйчиси бўлиб, номи мағрибу машриқ заминга ёйилди. Шунга кўра, Жалолиддин Румийга ёшлигидан улуғ йўлга парвоз этиш йўлланмасини бериб, албатта, буюкликка юз тутишини каромат қилган эди, Нажмиддин Кубро Валитарош Мавлоно Жалолиддин Румий тўғрисида нималарни башорат қилган бўлсалар барчаси рўёбга чиқди. Шунга кўра Нажмиддин Кубронинг дуоси орқали барқ уриб кўкарган мавлоно Жалолиддин Румий: „Биз шундай улуғларданмизки, гавҳар тутамиз, ориқ эчки тутган пасткаш эмасмиз. Имон қадаҳидан бир қўлимиз билан май ичсак, иккинчи қўлимиз билан кофир яловидан тутамиз, яъни душман йўлини тўсиб, унинг байрогини йиртамиз“ дейиш билан ўзини буюк ва улуғ инсон Нажмиддин Куброга тўғридан-тўғри ворис эканлигини таъкидлайди. Замон нотинчлиги, давр алғов-далғовлиги Баҳоуддин Валад ва унинг фарзанди мавлоно Жалолиддин Румий — ота-ўғил маънавият юдузларини Хоразмдан Балхга, ундан Кичик Осиёнинг Кўния шаҳрига кетиб, ўша ерда

„Кубровия“ тариқатининг жувонмардлик ғояларини Эрон, Ироқ, Ажам, Озарбайжон ва Араб дунёсига ёйиш билан қизғин шуғулланиш сари етаклади. Аслини олганда ҳақиқий воқеа бундай эди: Нажмиддин Кубро ҳам, султон-уламо Баҳоуддин Валад ҳам унинг ноёб қобилият эгаси инсониятга „Маънавий Маснавий“ жавоҳирот асарини туҳфа қиладиган Жалолиддин Румий — ота-ўғилларни мўғуллар босқинида қирилиб кетишини истамай Шайхул-Валитарошнинг ўзлари уларни узоқ юртларга кўчириб юборишга кўндирган эди. Жалолиддин Румий Шайхул-Валитарош ишончини оқлаб ўша ҳудуд халқларини имон нуридан баҳраманд этди. „Маънавий-маснавий“га борлиқ эзгу мақсадларини тўлаб башариятга буюк маънавий сарчашма булоғини инъом этди. Пири комил Нажмиддин Кубронинг ўзлари тўғрисидаги билдирган каромату башоратлари ҳаётий ҳақиқат эканлигини амалда тасдиқлайдилар. Бу билан Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро ҳақиқатан Худонинг назари тушган Ҳазрати Хизрни кўриб, унинг фатвосига сазовор бўлган авлиё инсонлигини яна бир карра исботладилар. Шунингдек, Шайхул-Валитарошнинг ота-ўғилдан кутган орзу-умидларини рўёбга чиқариб, шогирдлик бурчини маънавий жиҳатдан тўла адо қилдилар.

## **НАЖМИДДИН КУБРО ҚАҲРАМОНЛИГИ АЛИШЕР НАВОИЙ ВА АБУЛҒОЗИЙХОН ТАВСИФИДА**

Имон-эътиқод рамзи ва унинг мустаҳкам, нурашни билмайдиган улуғвор қалъаси Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубронинг эрк ва юрт мустақиллиги йўлидаги жасоратга тўла ва шу олий мақсад учун жонини тикиши, шеърият мулкининг султони, авлиё инсон Алишер Навоий учун ҳам ижод манбаи бўлди. Мавлоно Ҳазрат Алишер Навоий Жалолиддин Румий, Мирзо Улуғбек ва бошқа машҳур мутафаккир алломалар қаторида Нажмиддин Кубро Шайхул-Валитарошнинг эл-юрт ор-номуси, озодлиги йўлидаги мардлигини мамнуният билан қаламга олар экан, Турону Эрон ва Хуросон заминининг энг буюк зотларининг олдинги сафидан эканлигини қайд этган эди. Улуғ шоир ўзининг „Насойим ул-Муҳаббат“ машҳур асарида Шайхул-Валитарошга алоҳида саҳифа ажратиб, авлиёларга хос сифатларини, Ватан ва ганимларга бош эгмаган мардликларини қудрат қалами билан безайди. Шунини таъкидлаш лозимки, улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий катта ижод ва давлат ишлари билан банд бўлгани боис Хоразмга бориб абадиятга дахлдор Кўҳна Урганчдаги Нажмиддин Кубро мақбарасини зиёрат қилишни доимо орзу қилган. Нафақат зиёрат қилиш, балки шу улуғ инсон мақбараси ва унинг атрофларини жаннатнинг бир қисмидек ҳолатга келтириш, қолган умрини Шайхул-Валитарошнинг зиёратига келувчиларга хизмат қилиш, ул зотнинг ҳақларига дуо қилиш, ҳатто шу ернинг чиннидек тозаллигини шахсан ўзларининг қўл кучлари билан амалга оширишни ният қилган: „Ана шунда Нажмиддин Кубро Абул жанноб Шайхул-Валитарошнинг руҳларини шод қилган бўлур эрдим“. Бироқ, Хоразм сафарига тайёргарлик кўраётган чоғларида Алишер Навоийнинг бу мақсадига монелик қиладиган тарихий-сиёсий воқеалар авж олиб, шиддат билан ривожлана бошлади. Бир томонда темурийзодалар ўртасидаги тахт талашувлари Турон, Хуросон ва Эрон заминини ларзага келтирса, иккинчи томондан Хоразм тарафдан темурийлар мулкларига шайбонийларнинг босиб кириб, Бухоро, Самарқанд ва Ҳиротга қараб ҳужумларни авж олдириб юбориши шоир орзусининг армонга айланишига сабаб бўлди. Бундай пайтда унинг дўсти, шоҳ Ҳусайн

Бойқаро ҳам ишончли дўсти, давлат қутби Алишер Навоийнинг бирон жойга кетишини асло истамасди. Ички низоларни бартараф этишда унинг ақли ва маслаҳатига жуда муҳтожлик сезарди. Гарчи шундай бўлса-да, Алишер Навоийнинг Нажмиддин Кубро мақбарасида қолган умрини ўтказиб хизматга бел боғлаш истагининг мавж уриши Шайхул-Валитарошга бўлган чексиз ҳурмат ва „Кубровия“ тариқатидан ўз ижоди учун маънавий-руҳий қувват олганидан миннатдор эканлигини ифодалайди. Шоирнинг Шайхул-Валитарошга томон маънавий-руҳий талпиниши яна шундан далолат берадики, эл-улус ва Ватанга фидойилик бобида Нажмиддин Кубро барчага ўрнак ва ибратомуз ҳаёт кечирди. Мол-дунёсининг барчасини етим-есир, мискинлар, мусофирлар ва қолаверса, толиби илм шогирдларига нон, ош, иссиқ овқат, кийим-бош, бошпана қилиб берди. Ватан, халқ учун нафақат бойлиги, балки жонидан кечиби, борлигини бахшида қилди. Шу сифатларининг барчасини ўзлаштириб олган Алишер Навоий ҳам бутун бойлигини юрт ободлигига сарфлади. Борлигини халқ маънавиятини юксалтиришга сафарбар этди.

Нажмиддин Кубронинг ибратли ҳаёти кўплаб олимлар ва давлат арбобларининг ижодини четлаб ўтмади. XVII асрда яшаб ўтган давлат арбоби, тарихчи ва этнограф олим Абулғозий Баҳодирхон ўзининг машҳур „Шажараи турк“ асарида Шайхул-Валитарош ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: „Манқул турурким ҳазрати шайх — Нажмиддин Кубронинг овозаси оламга машҳур бўлиб эрди. Ул сабабдан шаҳзодалар (Чингизхоннинг ўғиллари Жўжи, Чигатой ва Ўқтой) ҳазрати шайхга киши (элчи) юбордилар. „Шайх оёқ остида қолмасунлар, ўғлон ва ушоқлари (оиласи, шогирдлари, дўсту биродарлари) билан қалъадан чиқиб кетсунлар“, теб. Ҳазрат шайх юбордиким, мен якка эмасман. Менинг қариндош ва муридларим бор турур. Шаҳзодалар айтиб юбордиларким ўн киши билан келсунлар. Шайх айтдиларким, ундан кўп турурмиз. Шаҳзодалар айтадиларким, унда юз киши бирлан келсунлар. Нажмиддин Кубро бутун шаҳар аҳли унинг энг яқин одамлари эканлигини айтиб мўғул шаҳзодаларига шундай жавоб қайтарарди: „Осойиш кунларда мен бу халқнинг барчаси бирла ошна ва ёр эдим. Энди ёмон кунларда нечук буларни ташлаб борайин, мен бора билмасман теди...“ Ул маҳалда мўғуллар шайхнинг маҳалласига қуйилиб келдилар. (Кўҳна Урганч мудофаачилари охири уч маҳаллага чекиниб, Нажмиддин Кубро раҳнамолигида охирги нафасларигача мўғулларнинг сон-саноксиз ёпирилиб келаётган ҳужумларига қарши қаҳрамонона жангини аввалги саҳифаларда ёритган эдик, *муаллиф изоҳи.*) Ҳазрати шайх бир неча мўғулларни ўз қўллари билан даражаи жаҳаннамга юбордилар. Тақи шаҳид бўлдилар“. Агар Абулғозий Баҳодирхон берган маълумотларга назаримизни диққат билан қаратсак, Нажмиддин Кубронинг овозаси оламга машҳурлиги ва мўғул шаҳзодалари уч маротабага қадар шаҳарни тарк этиб, жонини сақлаб қолишга даъват этганлигининг гувоҳи бўламиз. Унинг: „Бу шаҳар аҳлисининг барчаси ошно, ёру биродарларим“ дея мўғулларнинг уч маротабалик таклифларини рад қилиб, уларнинг эчиларини қуруқ қайтиб кетишга мажбур этилишини кўз олдимишга келтирсак, Шайхул-Валитарошдаги халқига бўлган ҳадсиз, ҳисобсиз муҳаббат ҳамда садоқатини ҳис қиламиз.

Жалолиддин Мангуберди шаҳар аҳлиси ва ўзининг жувонмардлик муридлари юрагига илоҳий ва лодуний маънавият қудрати воситасида марду майдонлик, баҳодирлик руҳий қувватларини сингдирган Шайхул-Валитарош уларни Ватан ҳимоясига даъват этди. Нажмиддин Кубро Ватанни, она юртни маънавий жабҳада Каъбатуллоҳ даражасига кўтарди. Шу йўлда жонни бахшида қилувчилар Парвардигорнинг энг азиз инсонлари қаторидан жой олиб, абадий жаннатга сазовор эканлигини илоҳий маърифат йўриқлари билан асослаб берди. Шунинг учун курашиб ўлаётгандаги мудофаачи ватанпарварлардаги жисмоний азобланиш ўрнини Ватан учун байрамона ўлиш, ўла олиш ҳис-туйғуси, эрк

учун курашувчи ҳар бир жангчи қалби ва шуурида Ватан озодлигига бағишланган умрларидан миннатдорлик ҳисси эгаллади. Бу илоҳий ҳодиса ўлим даҳшатидан устун келди. Муғуларнинг оммавий қатли амалга оширишлари жараёнида аҳоли ўлим васвоси, қўрқувидан халос бўлган ҳолда ўлимни оддий ҳол тарзида қаршиладилар. Нажмиддин Кубро халқини душманга бўйин эгмай, мағрур, қуллик кишанини киймасдан, озод, эркин инсон бўлиб ўла билиш шарафига эриштира олди. Бу билан инсоннинг қалби ва жисмида ўлимдан ҳам кучли маънавий-руҳий қувватлар мавжудлигини Шайхул-Валитарош тасаввуфий таълимоти ғоялари билан исботлаб бера олди. Унинг бу инсоний сифатларидан душманлар ҳам лол қолди, ҳайратдан ёқаларини ушлашга мажбур бўлдилар. Бу душманларнинг мутлақ буюк инсонга эътирофи эди. Нажмиддин Кубро инсонларга, кейинги авлодларга Ватаннинг муқаддаслиги, унда яширинган сир-синаотлар тушунчалари моҳияти мазмунини янада теран англаш имконини берди.

## ОҒА-ИНИ ШАҲЗОДАЛАР ФАРЁДИ ВА ҲАЛОКАТИ

Айтмаганми боболар:

„Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар“, деб.

Ахир бу ҳикматда мазмун, маъно ғоят кўп.

Аждодларимиздан ҳикматга айланмаган бирон гап қолмаган, десак, бу айна ҳақиқатдир. Улар ҳаётнинг минг йиллик тажрибаларини бошидан кечириб, сўнгра ундан фалсафий, мантиқий хулосалар чиқариб, халқ донишлигининг маҳсули сифатида мақол ва маталларга кўчиб, авлоддан-авлодга етказганлар. Шу билан бу маънавий маҳзан халқнинг маданий бойлигига айланиб, оила, жамият ва жамият аъзоларини огоҳлик, эзгулик ва ҳар қандай муҳолифат ва бошбошдоқликни инкор қилиб, бирликка, низоларни тўхтатиб, ярашувга хизмат қилган. Ўзаро низо-жанжалларнинг эл-улус ва халққа, миллий давлатчилигимизга етказадиган зарари, салбий оқибатларидан тарих номидан бонг уриб огоҳликка чорлаган. Унинг ўғитларидан сабоқ олган чоғларда ҳар қандай машаққатларни енгиб, мустақилликларини сақлаб қолишга эришган. Бу ўғитларга амал қилмаган чоғларда юз йиллаб эришган тарихий ютуқлар ғанимлар фойдасига бой берилган. Ватан, эл-улусга қуллик кишанлари кийдирилган. Бунда халқнинг бирлигини сақлашга масъул ва бурчли бўлган, Ватан қудратининг рамзи, кўзи ва қулоғи бўлган олий бошқарув мияси ҳисобланган сарой муҳитидаги амалдорлар, вазирлар, девонлар, қолаверса, сулола ҳукмронлигининг етакчилари ҳисобланган шоҳ оиласи, ҳукмдор ҳамда шаҳзода валиаҳд ака-ука, оға-инилар бирлиги ёки зиддиятлашуви, тожу тахт йўлидаги ғаразли курашлар Ватан, халқ тақдирининг қайси тарафга қараб кетишида муҳим ўрин тутган. Сарой муҳити бўлсин, оиладаги муносабатларнинг оқибат якуни бўлсин — нимага, қандай салбий ёки ижобий оқибатларга олиб келишини халқ донишлик ҳикматлари бундай ифодаб қўя қолган: яъни:

Тўртовлон тугал бўлса,

Битмагани битирар.

Олтовлон ола бўлса,

Оғзидагин олдирар.

Жалолоддин Мангубердиннинг тўрт укаси ўзларига яраша истеъдод соҳиблари, ҳар бири катта вилоят ва ноибликларни идора қилаётган шаҳзодалар эдилар. Оқшоҳ, Пиршоҳ, Узлоқшоҳ ва Рукниддин Фурсанчтилар Муҳаммад Султон салтанатининг йирик



саркардалари ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири ихтиёрида ўттиз-қирқ минг атрофида қўшин мавжуд эди. Агар улар буюк саркарда акаси Жалолиддин Мангуберди қўл остида бирлашиб ҳаракат қилганида воқеа ва ҳодисалар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фожиаларга олиб келмаган, мўғулларни Жалолиддин Мангуберди шердан қочган бўридек Мўғул ва Хитой юртларига қадар қувлаб, ғанимларнинг додини берган бўлур эди. Бироқ, акаси Жалолиддинга қарши ёшлиқдан ҳасад ва гина-қудуратлар зиддияти билан тарбияланган бу укалар бирлик сув ва ҳаводек зарур бўлиб, салтанат ва ўз тақдирлари қил устида қилтиллаб турган чоғларда ҳам тахт даъволаридан воз кечмадилар. Аждаҳо домига тортилаётган ўлжа каби мўғуллар томонидан ўзларига тайёрланган дор ва қатл майдони томон от суришда давом этдилар. Акаси Жалолиддинга нисбатан хусумат, ғаламислик ва аканинг буюклигига ҳасад касалидан қутула олмадилар. Жалолиддин Мангуберди турган ўзлари учун омонлик майдонини рад этиб, мўғуллар тайёрлаган чоҳ ва ҳалокат майдонини танладилар. Улар на „тўртовлон тугал бўлса, битмаганни битирар“ мақолидан сабоқ чиқардилар, на Худо берган ақлдан фойдаланиб, сўқирлашган кўзини ёхуд қар қулоқларини очиб, Жалолиддиннинг „Салтанат ва ўз ҳаётингизни сақлашнинг ягона йўли — менинг қанотим остига тўпланинг“, деган эзгу сўзларига қулоқ тутмадилар. Акага нисбатан хусумат ва ҳасад мавжланиб, ғанимлик ҳиссиётига айланди. Бу ҳам майлига, дерсив, улар тожу тахт васвасасида Жалолиддин тугул, ҳатто абадият дунёсига кетиш олдидан, ҳатто отаси султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Худонинг зорини қилиб айтган васиятларини ҳам унутдилар.

Муҳаммад Султоннинг бешта ўғлига Худо сиёсат ва ҳарбу зарб, саркардалик маҳоратидан турлича қобилият ва истеъдодларни раво кўрган эди. Қолган фарзанд ва неваралари ҳали ёш эдилар. Катта ўғли Жалолиддин Мангубердига ақлу фаросат, жисмоний қудрат, шерюраклик, қобилият, иқтидор, Ватан, эл-улусни жонидан ортиқ кўриш каби улғуликларни мужассам қилиб берганди. Унда туғма қобилият ва истеъдод ёшлигидан ярқ этиб, ўзини эрта намоён эта бошлаган эди. Давлат арбоби ва буюк саркардалик салоҳияти кун-бақун кўзга ташлана борган эди. Унга буюк ва улғулик мавқеига кўтарилиш, ўсиб ўтиш тақдирини битилган бўлиб, айнан шунинг учун дунёга келгандек эди. Қолган тўртта ўғил фарзандлар Туркон Хотуннинг дашти қипчоқлик қариндош-уруғларидан бўлган малика келинлардан туғилган эдилар. Жалолиддин Мангубердини яқкалаб қўйиш учун унга қарши курашда маҳаллийчилик, уруғчилик қуроли усулидан кенг қўламда фойдаландилар. Муҳаммад Султоннинг иккинчи ўғли шаҳзода Қутбиддин Узлоқшоҳ эди. У жасур саркарда бўлиб етишди. Сарой муҳитида ўзига хос обрў-мавқе эгаси эди. Аммо унда Туркон Хотун тарбиясидаги шахсиятпарастлик, тожу тахтга интилиш истаги кучли эди. Сарой муҳитидаги биринчиликка интилиш ҳисси уни акага нисбатан нафрат ҳиссиётининг кучайишига томон судради. Аммо унда вазиятни тўғри баҳолаш, сиёсий онг етуклиги анча тақчил эди. Шу боис истеъдод ва қобилиятда бемисл ва беназир акаси Жалолиддин Мангубердини эътироф этиш, унинг ёрдами, паноҳида ўз қобилиятидаги очилмаган қирраларни очиш, нуқсонлардан қутулиб, етукликнинг янада юқори поғоналарига кўтарилиш ўрнига ака йўлига тўғаноқ бўладиган йўлни танлади, ғараз отига миниб, тўсқинлик қилди. Холбуки, халқдан ҳеч нарсани пинҳон сақлаб бўлмасди. Шу сабабдан унинг халқ орасида обрў-эътибори юқори эмасди. Давлат арбобига хос кўп хусусиятлар етишмаслигига қарамай, ўзини тахт эгаси бўлишга ҳар томонлама лойиқ деб биларди. Бу ўзига тўғри баҳо бера олмаслик оқибати эди.

Оқшоҳ Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг дашти қипчоқлик хотинларидан туғилган учинчи фарзанди эди. Шунга кўра Узлоқшоҳнинг онаси билан унинг онаси қабиладош

қариндош бўлиб, у Узлоқшоҳ таъсирида эди. Натижада, акаси Жалолиддин Мангубердига нисбатан ғайирлик жабҳасини эгаллаган эди. Узлоқшоҳ билан Оқшоҳ иккиси ёшлигиданоқ бирга ўйнаб ўсди, улғайгач ҳам Жалолиддин Мангубердидан узоқлашиш, бегонасирашлик жабҳасида ҳаракатларини давом қилдирдилар. Бегонасирашликдан ёвсирашлик тарафига ўтиб олдилар. Мўғулларга қарши курашда Узлоқшоҳ ва Оқшоҳ иккиси қўшинларини бирлаштириб ҳаракат қилишга келишиб олдилар. Аммо улар ҳарб маҳорати бобида мўғуллар улардан қанчалик илгарилаб кетганлигини баҳолашда енгил-елпи хулоса чиқардилар. Мўғулларга зарба бергач, Жалолиддин Мангубердини султонлик тожу тахтидан азл этмоқни режалаштирдилар. Ўзларига ғоят ортиқча баҳо беришнинг аччиқ аламларини мўғуллар билан дастлабки тўқнашувдаёқ тотиб кўргач, сўқир кўзлари мошдек очилди. Ҳолбуки, улар ҳаволаниб, „Иккимиз бирлашсак акамиз Жалолиддин Мангуберди олдимизга бош уриб келишга мажбур бўлади“, деб катта хато қилиб, жар ёқасига яқинлашганликларини сезмасдилар. Бу пайтда мўғуллар уларни қўлга туширишнинг пухта режасини тузиб темир исканжасига олиш ҳарбий ҳаракатларини бошлаб юборган эдилар. Хоразмшоҳнинг тўртинчи ўғли Ғиёсиддин Пиршоҳ эди. Акаси Жалолиддин Мангубердига нисбатан ганимлик жабҳасида Узлоқшоҳ ва Оқшоҳдан ҳам илгарилаб кетган эди. Жалолиддинга кўп марта садоқатсизлик қилди. Акасининг кечиримлилик, бағрикенглигини доимо сунистеъмол қилди. „Иттифоқликда сиз билан мўғулларга қарши курашда 35–40 минглик қўшиним билан ё чап, ёки ўнг қанотингизни охири нафасгача ҳимоя қилиб жанг қиламан“, деб ваъдалар бериб, Жалолиддин Мангубердини ишонтириб, жанг бошланишиданоқ жанг майдонидан қўшинини олиб кетиб хиёнат йўлига ўтди. Шу билан акаси Жалолиддинни мўғуллар тиғи воситасида йўқ қилинишига эришмоқчи бўлди. Қарда Жалолиддинга душман кучлар бўлса, нафақат мўғуллар, балки унинг Эрон, Ироқи Ажам, аюбийлар, исмоилийлар ва Кичик Осиёдаги ғаним давлатлар ҳукмдорлари барчаси билан алоқалар ўрнатди, фитналар тўрини тўқишдан тўхтамади ва чарчамади ҳам. Неча марта бундай бемаъни ишларни қилмасликка сўз берди, ҳатто қасамлар ичди, Жалолиддин уни кечиринда давом этди. Мўғулларга қарши қирқ минг кишилик қўшинни жангга солиш ўрнига Жалолиддинга қарши кураш олиб бориш йўлларини қидиришдан тўхтамади. Унинг ҳарбий ва моддий захира имкониятлари Узлоқшоҳ ва Оқшоҳларникидан анча катта эди. Ҳар бир жангчининг ўрни Жалолиддин Мангуберди учун сув-ҳаводек катта аҳамият касб этиб турган бир вақтда акасининг ёнида бардам турганида, буюк саркарда бу бирлашган кучлар билан қанча тарихий жанглари эл-юрт фойдасига ҳал қилган бўларди. Шунча бемаъни қилғиликларни амалга ошираётган Пиршоҳ Жалолиддин Мангубердининг биқинига санчилган тирдек, саркарданинг машаққат билан эришаётган ғалабаларини бир неча бор шамолларга совурди. Жалолиддин Мангуберди укаси Пиршоҳни бир ҳамла билан тор-мор келтириб ташлар эди, аммо ҳар ҳолда у жигарим, эрта-индин ақли кириб, кўзи очилиб, инсофга келар, мўғуллар тиғи унинг баданига яқинлашаётган пайтларда бўлса-да, иложсиз сўнги имкониятни қўлдан чиқармай ҳузуримга қайтади, деган фикрда укасининг душманлигидан кўз юмар эди. Аммо акаси Жалолиддин Мангубердининг истеъдодига ҳасад ва унинг муваффақиятларига нисбатан ичи қоралик унинг мияси ва қалбини чирмовиқдай ўраб олган эдики, Жалолиддиннинг ундан инсофга келар тарзидаги умиди сароб майдони бўлиб қолаверарди. Жалолиддин Мангубердига қилган бир неча фитна-фужурлари, қазиган чоҳлари, қасамхўрликлари ва хоинликлари орадан бир неча йил ўтиб Пиршоҳнинг ёқасидан маҳкам тутди. Даҳшатли ўлимга дуч келди. „Аканг Жалолиддин қаноти остига кир, ягона омонлик жабҳаси офанг билан иттифоқликдаир“,

дея ақлли онаизорининг ўғитларига қулоқ тутмай, фақат ўзини манманлик қурбонига айлантирибгина қолмай, оқ сут берган онаси, оиласини ҳам ўзи билан жаҳаннам қаърига судраб олиб кетди. Кўрнамаклик ва лаънатланганлик оқибат жазоси шу бўлди.

Муҳаммад Султоннинг бешинчи фарзанди, Жалолиддин Мангубердининг тўртинчи укаси Рукниддин Ғурсанчти эди. У мард ва ғурурли саркарда бўлиб етишган эди. Саркардалиқ қобилияти ва истеъдодида Жалолиддин Мангубердидан кейинги ўринда турарди. Акаси Жалолиддин Мангубердига нисбатан ғараз ва хусумати пинҳоний ва ошқора кўзга ташланмаган эди. Жасур шахзода эди. Бироқ, Жалолиддин Мангубердидан узоқ бўлиш, унинг билан яқин муносабатда бўлмаслик руҳида Туркон Хотун бувисининг тарбияси таъсирида ўсганлиги уни „Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас“ қабилдаги кураш майдонида туришга ундади. Мўғуллар билан тинимсиз ва шафқатсиз кураш олиб борди. Аммо унинг бу кураши мўғулларга сезиларли зарба бериш даражасига бориб етмади. Фақат шахсий ботирлик доирасида қолиб кетди. Саркарда Рукниддиннинг чекланган миқдордаги қўшини ва ўзининг кураши худди узоқ оролда кўп сонли ғаним билан нажотсиз ҳолда жанг қилаётган лашкарнинг ҳолатидан фарқ қилмасди. Шунинг учун унинг кураши шахсий ботирлик доирасидан четга чиқа олмаган, мўғулларга жиддий хавф-хатар вужудга келтира олмаган жангдан иборат бўлди, дейиш ҳақиқатга яқиндир. Ўртага понасимон тарзда ёриб кирган мўғуллар Жалолиддин Мангуберди ва Рукниддин ака-ука салоҳиятли саркардаларни охирига қадар бирлашишга йўл қўймадилар. Тақдир тақозосига кўра мўғуллар билан шиддатли жангга кирган икки ака-ука саркарданинг бири салтанатнинг шарқий ҳудудларида кураш олиб борса, Рукниддин Ғурсанчти эса салтанатнинг жануби-ғарб тарафига чекиниб, жангу жадални давом қилдирди. Бири мағриб, иккинчиси машриқда минглаб чақирим масофаларда бир-биридан узоқлаштирилган Жалолиддин Мангуберди ва Рукниддин қўшинлари энди улар қанчалик бирлашишга интильмасин айёр ва ғоят тажрибали мўғуллар икки саркарданинг ягона куч бўлиб олишларига асло имкон бермасди.

Жангу жадал доимо қурбонлик талаб қилади. Ака-ука шахзодалардан Узлоқшоҳ ва Оқшоҳ дастлаб ажалга нишон бўлдилар. Салтанатнинг тор-мор этилишини тезроқ таъминлаш учун Чингизхон барча фарзандлари ва саркардаларини катта кучлар билан таъминлаб, Хоразмшоҳ ўғилларини алоҳида-алоҳида бир ёқлик қилиш учун яшин тезлигида ҳаракат қилиб, таъқибни тўхтовсиз олиб боришга буйруқ берди. Узлоқшоҳ ва Оқшоҳнинг Нисо қалъасида мудофаа жангига тайёргарлик кўраётганлигидан хабар топган мўғулларнинг йирик ҳарбий кучлари Нисога етиб келиб, уни қамал қилишни бошлаб юбордилар. Қалъа деворларини бузиш учун 20 та манжаниқ қурол ўрнатдилар. Улардан тинимсиз олов ва тошлар отилиб, қалъани вайрон этишни бошлаб юбордилар. Қамалдаги шаҳар мудофаачилари икки ҳафта она шаҳарларини қаттиқ ҳимоя қилдилар. Мўғулларга анча талафот етказдилар. Аммо, мўғуллар жуда катта устунликка эга бўлганлиги сабабли душман ҳужумини тўхтатиб қолишнинг иложи бўлмади. Бу шаҳар мудофаасини ташкил қилган инсон Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг мудофаа ишлари вазири, олим ва ҳарбий назарийетчи саркарда Шихобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Ҳевақий эди. У ҳарбий машваратда мўғулларга зарба беришнинг энг маъқул ва тўғри йўлини Муҳаммад Султонга таклиф қилиб, бир йўла тўрт юз минглик қўшин билан Сирдарё бўйида чўлдан чарчаб келган Чингизхон қўшинларига дам олиш имконини бермай, ҳужум уюштириб, уларни тор-мор келтиришга даъват этган эди. Қўмондонликни бу жангда Жалолиддин Мангуберди ёки Темур Маликка топшириш зарурлигини ҳам Шихобиддин ал-Ҳевақий

илгари сурган эди. Аммо бу ажойиб таклифлар ҳавода муаллақ қолдирилибгина қолмай, сал вақтдан кейинроқ у вазифасидан олиб ташланган эди. Мўғуллар собиқ мудофаа ишлари вазири ҳам Нисо қамалида қаршилик кўрсатиш ташкилотчиси сифатида жанг қилаётганлигини билиб олдилар. Мўғуллар шаҳар дарвозаларини бузиб қалъага киргач, мудофаа иштирокчиларини қиличдан ўтказдилар. Шихобиддин ал-Хевақий бир неча жойидан оғир яраланиб, ҳолсизланиб йиқилгач, уни мўғуллар асир олдилар. Чингизхон ва унинг саркарда фарзандлари, таниқли нўёнлари Шихобиддин ал-Хевақийни Хоразмшоҳлар салтанатининг энг ақлли ва моҳир саркардаси деб билар, энг ашаддий рақиблари қаторига киритиб қўйган эдилар. Мўғуллар Нисода улар юракларига бир пайтлар қўрқув солган ана шу жасур саркарда билан юзма-юз келиб турган эдилар. Мўғулларнинг нисоликларни қаҳр-ғазаб билан қирғин этишга ундаган яна бир сабаб бор эди. Жалолиддин Мангуберди Кўҳна Урганчдан Нисога қараб юрар экан, унга яқин чўлда мўғулларнинг саркардани қидириб изғиб юрган ҳарбий қисмини қириб ташлаганда биринчи бўлиб нисоликлар саркардани дастлабки зафар билан қутлаб, қурол-яроғ, озиқ-овқат билан таъминлаган эди. Шунингдек, Жалолиддин Мангубердига ҳарбий санъатдан сабоқ берган устозларидан бири Шихобиддин ал-Хевақий эдики, мўғуллар буни ҳам алоҳида ҳисобга олишди. Асир Шихобиддин ал-Хевақийни Чингизхоннинг арзанда нўёнларидан Қорачар нўён сўроқ қилди: „Хўш, Хоразмшоҳнинг ақлда ва қиличда тенгсиз саркардаси, бу ерларга қайси шамоллар учирди, бизга қарши йўлламоқчи бўлган ярим миллионли қўшининг қани? Бундай моҳир саркарда, саркардалар устози ҳам шундай аҳволда тупроққа беланиб ётадимиз? Яхши эмас, уни турғазиб қўйинглар, туролмас экан ёрдам бериб ушлаб туринглар, — дея соқчи жангчиларига буйруқ берди. Сўнгра: — Саройни жаранглатиб турган бурро тилларинг қани, нега гапирмайсан саркардалар даҳоси?“ „Сизлардай ваҳший қавмга гапирадиган гапим йўқ, фақат битта талабим — тезроқ ўлдириб қўя қолинглар“, — дейди машҳур ва мағрур саркарда. „Йўқ, — дейди мўғул саркардаси, — сени тез ўлдириб қўйсак, сенга катта ёрдам қилган бўламиз. Жаллодларимиз сенга азоб-уқубатларда ўлиш қандай бўлишини ўлимингдан олдин бир кўрсатсин-чи, бу дунёга келганингдан минг бора пушаймон бўласан“. Сўнгра одам қонига ташна уч нафар мўғул жаллодлари инсонларни юз хил азобда қийнайдиган, оёқ-қўлларга тиқиладиган бигизга ўхшаш учи ўткир металл жаллодлик асбоблари, кўзларни ўйиб оладиган илмоқлар, оёқ ва қўлларни синдирадиган махсус болгалар, ҳалқумни кесадиган пичоқлар ва темирни қиздириб босишда қўллайдиган ускуналар, тирноқни бармоқлардан ажратиб олувчи омбурсимон жаллодлик асбобларини хитойлик ҳунармандлар ясаган сандиқчаларидан олиб, ерга ёйилган матолари устига териб қўйдилар. Сўнгра Қорачар нўён имоси билан Шихобиддин ал-Хевақийга барчанинг кўзи олдида инсон бардош бериши мумкин бўлмаган жаҳаннам азобини беришни бошлашди. Саркарданинг оёқ-қўллари жаллодлар учун ясалган махсус қийноқ жиҳозларида қарсиллатиб синдирилди. Юзларига совуқ сув урилиб, бир оз ҳушига келтирилгач, анча пайт ўзига келишини таъминловчи дорилар ҳидлатилиб, навбатдаги қийноқни давом қилдирдилар. Энг охирида „мўғуллар устидан валаба қилишга ундаган бийрон тилини кесинг“, дея мўғул саркардаси буйруқ бергач, жаллодлар уни ҳам ҳафсала билан бажариб, оғзидаги бир парча гўшти ҳам холи қилдилар. Шу билан улуғ саркардалардан бири ҳисобланган Шихобиддин ал-Хевақий жаллодлар қийноқлари остида омонат жонини эгасига топширди.

Сўнгра мўғуллар шаҳарнинг барча аҳолисини (улар етмиш мингга яқин бўлган) бир-бирига боғлаб Жалолиддин мўғулларни илк бор қириб ташлаган шаҳардан узоқ бўлмаган



Кўҳна Урганч мудофааси. Шайхул-Валитарош бошчилигида қасоскорлик гуруҳлари мўғулларнинг қутуриб қилган ҳужумларини мардонавор қайтармоқда. 1221 йил кузи.

чўлга ҳайдаб олиб бориб барчасини қиличдан ўтказдилар. Шунини таъкидлаш лозимки, мўғуллар катта куч билан келаётганлигини эшитгач, Узлоқшоҳ ва Оқшоҳлар тунда шаҳарни тарк этиб, бу ердан қочишга муваффақ бўлган эдилар. Уларни қўлдан чиқариб юборганлигидан хабар топган мўғуллар Нисони вайрон қилиб, таъқиб қилишни яна давом эттирдилар.

Мўғуллар ака-ука шаҳзодаларни тутиш учун Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларини галвирдан ўтказишга киришдилар. Ниҳоят улар Узлоқшоҳ ва Оқшоҳларнинг изларини топиб Ҳабишон вилояти Вашта қишлоғига изма-из етиб келдилар. Аммо, улар душманнинг асосий қўшини бўлмай, илғор қисми эди. Бу вақтда шаҳзодалар узоқ йўл юриб, тинимсиз қочқин-қувғинларда бир оз нафасни ростлаб олиш учун чодирларини тикишга киришаётган эди. Қўйилган соқчилар мўғуллар яқинлашганлигининг хабарини берди. Мўғуллар сон жиҳатдан қўп бўлмаганлигидан жанг қилишга қарор қилдилар. Душманнинг қишлоққа кириб келишини кутиб турган шаҳзодалар фанимнинг илғор қисмига қарши жанг бошлаб юборишди. Қисқа жангда мўғуллар анча талафот кўргач, тум-тарақай қочишга тушдилар. Ҳатто, оғир ярадорларини ҳам олиб кетишмади. Жаҳлга минган шаҳзодалар уларни ҳам қиличдан ўтказиб, бу кичик ғалабани катта зафар ўрнида кўриб базми жамшид дастурхонини шоҳона қилиб ёздилар. Бироқ, ошга пашша тушгандек, тантана авж палласига энди чиқаётган бир пайтда қоровул қисм бошлиғи мўғулларнинг катта лашкарий қисми Вашта қишлоғини ўраб олаётганлигини маълум қилишди. Базм ёниб турган олов устига сув қуйгандек тўхтади. Шоҳона дастурхон заҳарга айланиб, эгасиз қолди. Тақдирга тан бериб, ноилож ва умидсиз тарзда жангга киришга мажбур бўлдилар. Шаҳзодалар қўшини мўғулларнинг темир исканжасига олинди. Барча жойда нажот эшиклари беркитилган. Ундан чиқиб кетишнинг эса иложи йўқ. Аммо чиқмаган жондан умид деганларидек, шаҳзодалар кучларини бир жойга тўплаб, қуршов ҳалқасини ёриб ўтмоқчи бўлдилар. Бироқ, ҳар сафар катта талафот билан орқага улоқтириб ташландилар. Энди шаҳзодалар қўшинига ҳам орқа, ҳам ўнг ва чап тарафдан ҳужум бошланди. Улар сув тошқинида қолган оролчага ўхшаб душманнинг доиравий ҳалқаси ичида қолдилар. Ҳалқа эса тобора торайиб, шаҳзода ва уларнинг камайиб бораётган қўшинига кенг дунёни тор қила борди. Узлоқшоҳ ва Оқшоҳ бир-бирларига орқа ўгириб ўнгдан, сўлдан, олддан ва орқадан келаётган мўғулларга қарши мардона курашдилар.

Улар бир-бирларига: „Ҳар қандай шароитда асир тушмаслигимиз керак, — деб онт ичишди. — Йўқса, Шихобиддин ал-Ҳевақийнинг азоб-уқубатларидан ҳам даҳшатли гўр азобида ўламиз. Бир-биримиз билан ёнма-ён, далда бериб ўлганимиз афзал, ярадор бўлсак, бир-биримизни суяб туриб жангни давом қилдирайлик, укажоним, яна бир оз бардош берайлик, сўнгра у дунёда учрашамиз, азоблардан қутуламиз“. Унинг сўзини Оқшоҳ маъқуллаб: „Оғажоним, ҳаммасига бардош бераман, бир вақтда ўлишга ҳаракат қиламиз“. Ўнлаб тифлар гоҳ оғир, гоҳ енгил ҳолатда баданларига санчилар экан, ана шу лаҳзаларда оғриқларнинг қаттиқ азоблари таналарини олов босгандек ловуллатаётган, жисму таналаридан қон тизилаб оқиб совутларини юваётган, Азроил фариштаси уларнинг бирварақайига жонларини суғуриб олишига яқин қолиб, сўнги нафас олиш онлари оз қолган сонияларда шаҳзодаларнинг сўқир қалб кўзи очилиб, кўз олдида абадий дунё манзаралари намоён бўлаётган чоғдагина Жалолиддин Мангуберди катта оғаси олдидаги хатоларига иқрор бўлдилар. „Оғажонимиз, ношуд ва сўқир укаларингизни кечиринг, алвидо!“ дея ака Узлоқшоҳ устига ука Оқшоҳ ҳам гурсуллаб йиқилди. Вашта қишлоғидаги жанг майдони ҳар икки шаҳзоданинг сўнги манзили ва абадий уйқуга кетган макони

бўлди. Шу билан жанг майдонини беш шахзодадан иккитаси доимийликка тарк этди. Улар ҳар иккисининг боши мўғуллар сардори талаби билан кесиб олиниб, Хуросон шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб кўтариб ўтилди. Бу мўғулларнинг „Кимки, Хоразмшоҳларга мансуб бўлса, барчасини шу аҳволга соламиз, кимки, улар тарафида туриб курашса, уларни ҳам шундай хору зорликдаги тақдирга гирифтор қиламиз“, тарзидаги ваҳшиёна тарғиботи эди. Мақсад, халқ орасига қўрқув васвасасини солиш орқали шахзодаларни халқ мададидан маҳрум қилиш ва шу йўл билан уларнинг барчасини тезроқ тор-мор келтириб, Хуросон, Эронни эгаллаб, ҳарбий ҳаракатларни Кавказ, Кичик Осиё ва Араб халифалиги, Миср сўнгра Рус ерлари, Шарқий Европа ҳудудлари томон кўчиришдан иборат эди.

Узлоқшоҳ ва Оқшоҳларнинг ўлими қандай рўй берганлиги фожиасини ўрта аср муаррихи ан-Насавий қўйидаги тарзда баён этган эди: „Узлоқшоҳ ва унинг сафдошлари тез ғалабага эришганларидан мағрурланиб (бу ерда мўғулларнинг илғор қисми устидан қилинган ғалаба таъкидланмоқда; *муаллиф изоҳи*) кетдилар ҳамда тақдир ўзларига қандай келажак тайёрлаётганлигини унутдилар. Улар Хуросонда ўзлари қиличдан ўтказган ва жанг майдонидан қочиб қутулганларидан бошқа тоторлар қолмади, деб ўйлаган эдилар. Шундай қилиб улар ўз марраларида турганларида лаънати тоторларнинг бошқа бир қўшини қутилмаганда ҳужум қилди. Улар ҳужум қилувчиларни англаб етмасдан, маржон ўралган бўйиндек қуршовга тушиб қолдилар. Осон қийинга айланди. Ғалаба кетидан мағлубият келди:

Кафан кийди қони билан бўялди буткул,  
Нур бағрида яшил рангга айланди ул.

У имон-эътиқод йўлида шахид бўлди. Унинг билан бирга укаси Оқшоҳ ҳам бир вақтда ёнма-ён жанг қилаётганда ўлдирилди. Уларнинг сафдошлари барчаси қайғу-алам ва ўлим шаробини тотдилар. Тоторлар уларнинг, ака-укаларнинг бошларини найзалар учларига илдирган ҳолда орқаларига қайтдилар. Яхшиликка қасдма-қасд, ёмонликнинг тантанаси сифатида бу бошлар мамлакат бўйлаб олиб юрилди. Уларни кўрган халқ зимдан эзилди, гўё Ҳасан ва Ҳусаннинг фожиалари қайта такрорлангандек бўлди“.

Жалолоддин Мангуберди укаларининг ҳалокатини тасодифий тарзда қирғиндан омон қолган Нисо ҳокими Нусратиддиндан эшитди. У жуда кўп сарсон-саргардонликларни бошидан кечириб, катта қийинчиликлар билан Жалолоддин Мангубердини излаб топади. Укаларига тегишли қимматбаҳо омонат бойликни бу ҳалол инсон саркардага топширди. Омонатга хиёнат қилмади. Улар Бадахшон лаъли, олмоси ва жавоҳир тошлар бўлиб, ҳар бирининг оғирлиги 3—4 мисқол атрофида бўлган. Султон Жалолоддин бу қимматбаҳо тошлар ҳақиқатан укаси Узлоқшоҳга тегишли эканлигини тасдиқлаган.

Жигари, укаларининг ўлиmidан қаттиқ қайғуга тушган. „Улар мўғуллар ҳарбий куч ва салоҳиятига тўғри баҳо бермадилар. Ўзларининг куч-қудратларига эса ортиқча баҳо бериб, катта хато қилдилар“, дея укалари айбини собиқ Нисо ҳокимига ошкор этмади. Уларнинг хусуматини, ғанимлик жабҳасида туриб ўзига қанчадан-қанча ташвиш орттириб, тўсиқлар қўйганлигини ва ниҳоят мўғуллар қўлида ўлим топганларининг Жалолоддин Мангуберди Нусратиддинга ғийбатини қилишдан ўзини четга олди. Нусратиддин эса улўф саркардага: „Укаларингиз бўлмиш шахзодаларга Нисони тарк этиб, биргаликда мўғулларнинг додини бераётган акангиз Жалолоддин Мангуберди паноҳига ўтиб жанг қилсак, бу ғалабалар янада ортиб, эришган ютуқлар мустаҳкамланган бўлув эди, дея

маслаҳатлар бердим, ёлвордим. Бироқ маслаҳатларимга қулоқ солмадилар. Уларни ҳузурингизга бошлаб келиб сиз султонимизни гоят хурсанд қилмоқчи эдим. Уч оғайни шаҳзодалар бирлашиб олганида мўғулларга бемисл зарбалар берган бўлур эдингиз, шохим! Не иложки, сизга уларни эмас, уларнинг ҳалокати ҳақидаги хабарни келтирдим“, — деди. Жалолиддин Мангуберди: „Сиз қўлингиздан келган барча ишни қилдингиз, хижолат тортманг, шундоқ ҳам бурчингизни бажарганлигингиз ҳалол, имон-эътиқодли инсонлигингизни кўрсатиб турибди. Нима бўлса ҳам энди жигарларимдан айрилдим, тақдирга тан бермай илож йўқ. Энди сиз ёнимда бўлиб укаларим, сизнинг она шаҳрингиз Нисо учун мўғуллардан биргаликда қасос оламиз“, — дея собиқ ҳокимнинг кўнглини кўтарди Султон Жалолиддин.

## ЎЛИМ ФАРИШТАЛАРИ УЧИНЧИ УКАНИ ТАЪҚИБ ЭТМОҚДА

Мўғуллар икки оға-ини шаҳзодаларни кесилган теракдек қулатгач, таъқибни Рукниддин Фурсанчти шаҳзодага қаратдилар. У ихтиёридаги қўшин билан отаси Хоразмшоҳ Муҳаммад Султонни ҳимоя қилмоқда эди. Фурсанчти отасини қўлга туширишга интилган мўғулларнинг йўлини тўсиб, Эрон ва Ироқи Ажам ҳудудларида жанг қилди. Бирон-бир жойда мўғулларга сезиларли зарба беришга муваффақ бўлмади. Фақат мўғуллардан отаси Хоразмшоҳ Муҳаммад узоқлашиб кетгач, дарҳол Рукниддин Фурсанчти ҳам орқага чекинишда давом этди. Отаси Хоразмшоҳ салтанатнинг чекка ҳудудларидан Ироқни унга мулк қилиб берган эди. Рукниддин Фурсанчти дастлаб мўғуллар билан Фарразинда тўқнашди. Аммо мағлуб бўлиб, Кирмон вилоятига чекинди. Бу ерда қисқа вақт ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди. Сўнгра ўз ҳудудини кенгайтиришни кўзлаб Исфаҳонга юриш қилди. Бироқ, бу ерда Исфаҳонни бошқариш, ўзларига бўйсундиришга даъвогарлар анчагина эди. Исфаҳонни кўз остига олган ҳокимиятпараст сардорлар Рукниддинни Исфаҳон, Кирмон ва Фарразин ҳудудларига яқинлаштирмаслик учун шаҳзодага қарши йирик куч бўлиб бирлашдилар. Фарразин сардори Жалолиддин Муҳаммад ибн Ой-Оба ал-Фариззиний, Ҳамадон ҳокими ибн Лочин Жокиржа ва Музаффариддин Боздорлар бирлашиб иттифоқ туздилар. Айниқса, Исфаҳон қозиси Масъуд исфаҳонликларни Рукниддинга қаттиқ қаршилиқ кўрсатиб шаҳарга киритмасликка даъват этди. Бироқ, нима қилиб бўлса-да, Исфаҳондек мустаҳкам ва бой шаҳарни эгаллаш ниятидан қайтмаган Рукниддин Фурсанчти ҳужумга қаттиқ тайёргарлик кўра бошлади. Аммо, шаҳарга асосий ҳужумни бошлай деб тайёргарликни охирига етказган пайтда ишонган саркардаларидан бири хиёнат қилиб, Рукниддинни тарк этиб, Куч Буғахон Ой-Оба тарафига ўтиб кетади. Оғир аҳволда қолган шаҳзода Исфаҳон ҳужумини тўхтатиб, Рай тарафга чекинади. Бу ерда заифлашган қўшинини тўлдириш учун сафарбарлик бошлаётганида мўғуллар ишнинг белига тепиб, қўшинни тўлдиришга имкон қолмайди. Шаҳзода тезда Рай шаҳрини тарк этиб мустаҳкам қалъа Устунаванд қалъасига кириб мудофаа тадоригини кўришга киришади. Тарихчиларнинг берган маълумотларига кўра, қалъа баланд тоғ тепаси қоялари орасига қурилганлигидан, ҳатто устидан бургутлар учиб ўтиши амри маҳол бўлган. Мўғуллар бу қалъани олиш учун Эроннинг кўп шаҳарлари аҳолисини қалъа остоналарига ҳайдаб олиб келиб, унинг девор ва дарвозаларини бузишга сафарбар этганлар. Ҳайдаб олиб келинганларга қуллик тамғаси босилган бўлиб, уларнинг қанчаси ўлиб, қанчаси тирик қолишининг



аҳамияти йўқ эди. Асирлардан ўн мингдан ортиғига Устунаванд қалъаси деворидан ҳам баландроқ девор қуриб, қалъа ташқарисидан ўраб олиш буйруғи берилди. Шу баланд иккала девор ўртасини боғлайдиган нарвон кўприк ҳам қурилди. Қўшимча девор қуриб битказиш жараёнида унга кирадиган яширин йўл ҳам борлиги аниқланди. Натижада мўғуллар яширин йўлдан тўғонни бузиб, тошган сув каби қалъага ёпирилиб кирадилар. Шаҳзода Рукниддин Ғурсанчининг оз сонли қўшини охирига нафасларига қадар мардона жанг қиладилар. Дақиқама-дақиқа улар сони камайиб, ниҳоят шаҳзода энг бақувват тан-соқчилари ҳимоясида жангни давом эттирди. Бироқ уларнинг зич бўлиб қуршов доирасини торайтириб келаётган ёв қўшинига узоқ қаршилиқ кўрсатиши амри маҳол эди. Мўғуллар сардори Тайнал нўён Рукниддинни ҳимоя қиладиган жангчиларни қириб ташлаб, шаҳзодани ҳар қандай шароитда тириклайин қўлга олишни буюрди. Шаҳзода Рукниддин асир тушмаслик учун бутун маҳоратини ишга солиб жанг қилди. Бир неча жойдан яраланган бўлишига қарамай, қилич тортиб, анча вақт ёнига ёғий жангчиларини яқинлаштирмади. Унинг жасорати ва моҳир қиличбозлигига мўғуллар ҳам тан бердилар. Аммо ярадор шерни бир тўда қашқир ва сиртлонлар галаси ўраб олгандек, барча жангчилари ўлдирилган шаҳзодани қўлга олишга шошмай ҳаракат қиладиган душман баҳодирлари энди Рукниддиннинг қанча вақтга бардош беришини томоша қилиш учун яккама-якка жангга киришдилар. Аммо кўп қон йўқотаётган шаҳзоданинг кўзлари тиниб, боши айланиб, тобора ҳолсизланиб борар, буни кўриб турган Тайнал нўён навбатдаги олишувга чиқадиган сарбозига шаҳзоданинг қиличини қўлидан уриб тушириши билан чекланиши зарурлигини уқтирарди. Ниҳоят ўнлаб мўғул баҳодирлари билан ярадор ҳолатда жангни давом эттирган шаҳзода Рукниддин тик туриб олишишга қурби келмагач, чўккалаб гоҳ ўнг, гоҳ чап тиззаларини алмаштириб жангни давом эттирди. Ҳолдан тойиб, қилич кўтариш ва серпашга мадори қолмай шамширига суяниб йиқилди. Кўзини очганда ғанимлар сув сепиб уни ҳушига келтирганлигини, кийимлари шалабболигини англади. Уни мўғуллар сардори Тайнал нўён сўроқ қилишга тайёр турганлигини ҳушига келгач билди. Тайнал нўён агар шаҳзода Рукниддин унинг оёғини ўпса, Тўлихон ёки Чингизхондан унинг ҳаётини сақлаб қолиш нияти борлигини айтди. Акс ҳолда, уларнинг қай бирининг ихтиёрига жўнатса, инсон боласи чидаб бўлмайдиган азоб-уқубатли ўлим топишини айтди. Рукниддин Ғурсанчти икки дунё азобига гирифтор этилганида ҳам асло тиз чўкмаслигини билдирди. Аксинча, Тайнал нўёнга „Мени сақлаб қолиш сенинг қўлингдан келмаслигини ўзинг билиб туриб, сен ҳам мени мазаҳ қилмоқчимисан? Биламан, сенинг оёғингни ўпсам, „мана, кимсан Хоразмшоҳнинг ўғлини тиз чўқтирган Тайнал мен бўламан“, дея мақтанмоқчисан? Мард нўёнга ёлғон сўзлаш ярашмас экан. Мен шараф билан номусимни сақлаб ўламан. Хоҳла ҳозир ўзинг ўлдир, хоҳла хоқонинг Чингизхонга мени рўпара қил, ҳамманг бир ваҳшийлар тўдаси, қонга тўймаган одамхўрлар, мен ювуқсиз, исқирт мўғуллар оёғини ўпиш учун дунёга келганим йўқ. Тақдиримда шу фожиа бор экан, мен мағрур ўламан“, — деди. Бунга жавобан Тайнал нўён: „Унда менинг қўмондоним Тўлихон (Чингизхоннинг тўртинчи ўғли) ҳузурига жўнатиб, терингни шилиб олдираман“, — деди. Тайнал нўён қўмондонининг: „Агар шаҳзода Рукниддинни асир олишга муваффақ бўлсангизлар, менинг ҳузуримга жўнатиш“ кўрсатмасига амал қилиб, унинг ҳузурига йўллади. Тўли Рукниддиннинг терисини шилиб олишга кўрсатма берди. Мўғул жаллодлари Рукниддиннинг терисини худди қассоб қўйнинг терисини шилгандек, шаҳзода танасидан ажратиб олдилар.

Қамал шароитида тўхтовсиз олти ой жанг қилган Рукниддин ва унинг жангчилари шу тариқа қириб ташланди. Агар аввалдан шу кучларининг лаёқатини Жалолиддин Мангуберди лашкарининг ё ўнг, ёки чап қанотида туриб, акаси билан ёнма-ён жанг қилишга қаратганда борми, икки жасур саркарда мўғуллар учун офат эшикларини очиб юборарди. Мўғулларга уларнинг ўзаро келишмовчиликда ҳар томонга сочилиб юриши қўл келди. Ана шу катта имкониятдан фойдаланган мўғуллар моҳир овчилардек ҳаракат қилиб, шерларни ўлжага олиб, Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг фарзандлари ва сулоласининг учинчи шахзодасига ҳам ўлим шарбатини ичирдилар. Шу тариқа Рукниддин Ғурсанчти ҳам жанг майдонидан юлиб ташланди.

Энди мўғулларга қарши жанг майдонида Жалолиддин ва Гиёсиддин Пиршоҳлар, яъни бешта шахзодадан иккитаси қолди. Шуни таъкидлаш лозимки, Пиршоҳ, асосан, мўғуллар билан эмас, акаси Султон Жалолиддин Мангубердига қарши кураш олиб борди, дейилса, мантиққа тўғри келарди. Ана шу сўжирларча ҳаракатлари боис Пиршоҳ даҳшатли фалокат чоҳи томон илгарилаб борарди.

Жалолиддин Мангубердига укаларини ғанимсифат қилиб тарбиялаган Туркон Хотун оиласи қандай фожиаларга юз тутганлигини алам билан ёзган ўрта аср муаррихларидан бири бу ҳақда таъкидлаганидек: „Туркон Хотун ўз авлодлари билан асир бўлган эди. Ўғилнинг шум қилмишларига боқ, онанинг бошига нима келди-ю, ўғлига нима бўлди? Дунё мукофотида шундай расм бор, бир одамнинг шумлигидан бир шаҳар ёнади. Ўлдирдилар, боғладилар, асирга олдилар ва хўрладилар“. Туркон Хотуннинг шумликлари, ғайриликлари, акани укаларга, укаларни акага қарши қўйишлари нафақат машҳур бир сулоланинг, балки бутун бир дунёнинг йирик салтанати ва маданий дунё бешиги бўлган юртнинг таназзулига сабаб бўлди.

Шунинг учун шоирнинг ҳаётдан олган фалсафий мисралари Хоразмшоҳлар салтанати инқирозидида она ва ўғил — Муҳаммад Хоразмшоҳ ва Туркон Хотуннинг сиёсий хатоларига урғу бериб ёзганидек:

Бир неча яхшилардан бир ёмон пайдо бўлур,  
Бу ёмоннинг касридан мавж урган дарё қурур.

Шу хатолардан жуда унумли ва самарали, шунингдек, шиддат билан фойдаланган Чингизхон Хоразмшоҳнинг нафақат тожу тахтини кулини кўкка совурди, балки унинг гўзал ва тенгсиз пойтахтини хароба ҳамда ўлик шаҳар-қабристонга айлантириб ташлади. Халқимизнинг кимга тўй, кимга аза тарзидаги ҳикматига қулоқ тутилса, Чингизхоннинг бу босқинидан Эрону Турон неча замонлар мотам тутди, қора либосга бурканишга мажбур бўлди. Мағлублик аждодларимизга хору зор бўлиш муҳрини босди. Аксинча, бу мағлубликни шодиёна ва тантаналар билан нишонлаган бочқинчи мўғуллар ва уларнинг хоқони, ташкилотчилари, қирғин-барот тепасида турганлар, жангларда ҳалок бўлган аждодларимиз жасадлари устига қурган тожу тахтда қандай ишрат базмларини уюштирганлигини Мирзо Улуғбек асарига мурожаат қилиб қўз олдимизга келтирамиз. Саройнинг Хоразмшоҳ оиласига мансуб асир олинган эркак фарзанд, хоҳ гўдак бўлсин қатл қилиниб, маликалар, келинлар, Хоразмшоҳ ва шахзодаларга даҳлдор канизаклар барчаси Чингизхон ихтиёрига жўнатилди. У ўз фарзанд ва нўёнлари, сардорларининг хизматларига яраша аёлларни тақсимлаб берди. Бу ҳодиса ва воқеотларни муаррих тасвирида қуйидагича келтириб ўтилади: „Эрон ва Турон ерларининг ҳокимига жаҳоннинг яратувчиси бу мулкларни берган эди. У (Чингизхон) жаҳонни олган эди, ҳатто нур сочувчи қуёш, Хумоюннинг бахтиёр кунларида унинг табаррук ўрдусига кириб келган

эди, кўм-кўк чарх ҳам унинг хоҳишига асир бўлган эди. Турон хонимлари ва амирлари унинг бағрида ҳалқа тортиб, ён тўлланган эди. Чин, Чигил ёки Хўтоннинг гўзаллари ҳар ёнда завқу сафо билан ўтиришарди. Ҳар бири кафтида лиммо-лим қадаҳларни хоннинг айши учун шароб билан тўлдириб ушлаб турарди. Тироз ва Хўтоннинг парипайкарлари, ҳар битгаси бу ерга йиғилиб келиб, тотли лабларидан лаззатли май нисор қиларди. Бундай айш-ишратни ҳатто Жамшид, Кайхусрав ҳам қилмаган эдилар. Турон ва Эрон юртининг гуландомлари ҳар томонга гўзаллик бахш этиб, жуфт-жуфт бўлиб ишрат сурнайини чалиб, ҳаммаси ноз қадаҳларни сипқориб, гўё ой қуёшга яқинлашган каби шоҳга ниёз ва шодлик қадаҳини сўнишиб, шаҳару қишлоқларнинг барча дилраболари, Ҳиндистоннинг нозик беллари каби Шаҳриёр (Хон)нинг юрак захмига туз сепишиб, ишрат асносида баҳор тонгига ўхшатиб, шундай қилиб, Чингизхон бир неча муддат гулруҳлар билан вақтини шодликда ўтказди“.

Жалолиддин Мангуберди Парвонда Чингизхоннинг энг кучли ва тоғ каби суянч қўшинини даҳшатли қирғинга учратиб, қора қузғун ва йиртқичлар емишига айлантиргандан кейин хоқонга Чин-Мочиннинг машҳур табиблари бу руҳий ва жисмоний толиқиш оқибати тузалмас дардга айланиши эҳтимолидан хоқонга бу қайғу ва мотамдан холи бўлиб, юқорида тилга олинган базму жамшид тадбирлари билан чалғиб, ҳарбу зарб муаммоларидан холироқ бўлишни қатъий маслаҳат берадилар. Шунга кўра, Чингизхон анча вақт оғир жанглар олдидан фақат гўзал аёллар даврасида эртадан кечгача шоҳона тадбирлар оғушида бўлади. Бу хоқонга хитойлик табибларнинг тавсияси эди. Шунга қадар хоқон барча сиёсий ва ҳарбий ишларга раҳнамолик қилишни Ўқтой шаҳзода ўғлига юклади. Жалолиддин Мангубердининг узлуксиз мўғулларни қирғин этиши хоқоннинг силласини қуритган эди.

## **РУКНИДДИН ҒУРСАНЧТИ ШАҲЗОДАНИНГ ҲАЛОКАТИГА ДОИР ЎРТА АСР МУАРРИХЛАРИ МАЪЛУМОТЛАРИДАН...**

### **(ТўРТ УЛУС ТАРИХИ)**

...,Тарих китобларида битиладики, Султон Рукниддин Ғурсанчти ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ отаси Обескун оролига кетганидан кейин Кирмон сари шошилди. Малик Равзон хазиналарини қўлга киритди. У ердан Исфаҳонга йўналди. Ул шаҳар аҳолиси унга қарши чиқди. Султон Рукниддин Ғурсанчти билан Исфаҳон аҳли ўртасида қатлу қаттол, жангу жадал бўлиб ўтди. Ҳар икки тарафдан минг нафарга яқин одам ўлди. Султон Рукниддин иложсиз қолиб, ҳаракат жilовини бўшатиб, Рай йўли орқали Хуросоннинг Ферузқўҳ қалъаси томон кетди. У қалъада бир неча кун яшагандан кейин, Пасокўҳ ва Валишон тоғи сарҳадлари орқали Чахчарон жилғаси йўли билан Халокухон ибн Тўлихон ибн соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг беқиёсу беадад лашкари келаётгани хабари етди. Султон Рукниддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Ферузқўҳ ҳисорида мудофаа чораларини кўрди. Ҳар куни икки бор мўғул-татар лашкарлари билан жанг қилди. Ул беҳисобу саноқсиз сипоҳ Ферузқўҳ ҳисорини олти ой давомида қамал қилди. Айтишларича, Халокухон ибн Тўлихон ибн соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ўзининг катта бобоси рухсатини олиб, Пасокўҳ йўли билан Хуросон сари жўнаган эди. Йўл давомида тошу харсанглар кўплигидан уларнинг отларидан анчасининг оёқлари шилинди, юришга мажоли қолмади. Ночор у отларини ўша сарзаминга қолдирдилар.

Ҳар фирқадан (ҳарбий қисмлар) бир неча нафар одам ажратиб, отларни қўриқлашга қолдирди. Сўнг буюрдик, қайтиб келгунимизгача бу манзилдан бошқа жойга силжймайсизлар. Олти ойдан кейин Ферузқўҳ қалъасини фатҳ этдилар ва Султон Рукниддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ устидан қалаба қозондилар. Ўша вақтда Тўлихон ибн соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Хуросон малиги устига ҳужум қилиб келган эди, Халокухон Чашт, Уба ва Сафлон йўли билан Хуросонга бориб, отаси Тўлихон лашкарига қўшилди. У отларини қараш учун қолдирган одамларини эсламади ҳам. Орадан ярим йил ўтиб кетган эди. Уларга эса ўрnidан ҳеч қаерга жилмаслик буйруғи берилган эди. Шу сабабли ул жамоа ўша ерда яшаб қолишга мажбур бўлган эди. Ўша ҳудуд қишлоқлари ва ҳазораларидан аёлу қизларни олиб келиб, асирликда сақладилар. Қисқа бир давр ичида улардан кўплаб фарзандлар туғилди. Ўша сарзамин бугунги Мўрийи Сутургой номи билан машҳур бўлди. Мўғул тилида отни мўри деб аташади. Сутургой оқсоқланган дегани. Зероки, аслида у одамлар отлар оқсоқлангани боисдан ўша жойда қолиб кетдилар. Шу жихатдан ул мавзени шу ном билан атаганлар. Халокухон ибн Тўлихон лашкари Султон Рукниддин Ғурсанҷи валади Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ лашкари устидан ғолиб келганидан сўнг Султон Рукниддинни асир олган Тайнал нўён уни Тўлихон ҳузурига жўнатди. Султон Рукниддинни Тўлихон ҳузурига олиб келганларидан кейин лашкар сардори Тўлихон олдида тиз чўктиришга, унга таъзим бажо келтирмоққа қанчалик уринмасинлар, у бундан бош тортди. Шу ишни таклиф қилган одамларнинг барча уринишлари бекор кетди. Султон Рукниддин ҳар қандай тақдирда ҳам уни ўлим кутаётганлигини тушуниб етди, шу сабабдин ҳам ўз душмани олдида бош эгиси келмади. 619 йил ҳижрий, туркий қўй йилига мувофиқ йил келгунга қадар бандиликда бўлди. Мазкур йилда ўзига тааллуқли барча одамлари билан бирга шаҳодат даражаси (бошини танидан жудо қилиш)га етказилди“.

## **ХОҚОННИНГ ЯНГИ РЕЖАСИ. ЯЛПИ САФАРБАРЛИК**

Жалолиддин Мангуберди ўзининг қатор эришган ғалабалари билан Чингизхоннинг пайтавасига қурт туширди. Ана шундан бошлаб хоқон ўз ҳаловатини мутлақ йўқотди. Уйқусизлик касалига учради. Кўп ҳолларда Хитой табибларига тез-тез мурожаат қиладиган бўлди. Хитойдек қудратли салтанат билан бўлган катта жангларда бўлсин, Помир-Тибет жангари қавмлар бўладими, ёхуд Манжурия, Шарқий Туркистон ҳудудларида кўплаб давлатлар, ҳукмдор ва саркардалар билан узоқ уруш қилиб Жалолиддин Мангубердидек девқур ва довюрак саркардага дуч келмаган эди. Айниқса, унга Парвонда энг сара кўшини ва энг атоқли саркардалари шармандаларча мағлуб этилиши Чингизхон ва унинг саройини мотамсаро ҳолатга тушириб, бу мағлубиятни ҳазм қилиши жуда оғир кечди. Натижада соғлиғига ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиддий зарар етди. Доимо ғалабалар, зафар хабарларидан сармаст бўлиб, ўша шодиёналарга кўникиб қолган хоқонга Жалолиддин Мангуберди Хуросон ва Эрон ҳудудларида унинг йўлини тўсишга киришди-ю, худди хитойликлар қурган буюк девордек йўлига жиддий ров бўлди-қўйди. Хоқон Толиқондаги қароргоҳида Хоразмшоҳлар салтанатига уруш қилиб, эришган зафарлари-ю, йўқотишларини сарҳисоб қилиб, ўзига ўзи ҳисоб берди. Хоразмшоҳнинг узоқни кўра олмаган жиддий ҳарбий-сиёсий хатоларидан жуда вақтида фойдаланиб, эришган зафарларидан хурсанд бўлса, Жалолиддинни ўйлаб жиддий хаёл сўрадиган, жиззаки, сиркаси сув кўтармайдиган

бўлиб қолди. „Она-ўғил — Муҳаммад Султон ва Туркон Хотунларнинг менга шундай имкониятларни яратиб бермасдан, барча қўшин Жалолиддин ихтиёрига ўтганида ҳолимга маймунлар йиғламасмиди? Худди шундай бўларди. Шаҳзода укаларини Жалолиддинга фанимсифат қилиш Туркон Хотун тарбиясининг маҳсули кимга хизмат қилди? Албатта, менинг ғалабаларимга пойдевор бўлди. Улар икковининг менинг зафарларимга ўзлари билмасдан қилган хизматлари шунчалар катта бўлдики, бу ғалабаларни қўлга киритишим учун қанча лашкарларим неча йил қонли жанглар олиб боришларига тўғри келарди. Бу хизматлари учун мен тутқунликда сақлаётган Туркон Хотунни итимдан қолган қолдиқ овқатлар билан „сийламасдан“, аслида мукофотга лойиқ кўришим керак эди. Бироқ, хоразмшоҳларга қарши уруш бошламаган тинчлик даврида менинг шукуҳли карвонимни қариндоши Ўтрор ҳокими Инолчиқ баҳодир билан ҳамтовоқ бўлиб талон-тарож қилиб, 450 савдогар фуқароларим ва элчиларимнинг барчасини қатл қилгани учун уни инсон ва аёл бўлиб туғилганлигига пушаймон қилдириб, ўлимнинг охирига қадар хору зорликда сақлашга қилган қарорим қатъий ва тўғри бўлди. Қўлимга тушган Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг учта шаҳзода ўғли, кичик гўдак ва ўсмир ёшдаги фарзандлари, невараларини ҳам жаҳаннамга равона қилдим. Аммо, Хоразмшоҳнинг тўнғич ўғли уни тор-мор этиш учун жўнатган барча қўшинларим қонини дарё қилиб оқизиб, қаерга қараб қадам боссам оёғимга темир тикан бўлиб қадалмоқда. Орқасидан жўнатган қўшиним ҳаёт билан видолашиб, лашкаримни дўзах билан юзма-юз қилмоқда.“ Шуларни бирма-бир фикр тарозисига тортган Чингизхон бутун фикр-зиқрини Жалолиддин Мангубердини қандай маҳв этиш ва заифлаштириш йўллариини излаб топишга қаратди. Оқибат, шундай қарорга келди: „Шерлар шери Жалолиддин Мангуберди экан, унинг билан шерлар жангини ўтказиб бўлмаса, тулкидай айёрлигим — бу менинг кучли қуролим-ку. Айёрлик — бу қўшиндан ҳам кучли қурол, деб чин-мочинлик Конфуций таълимотининг донишмандларидан бири Пекинда Конфуцийчи файласуфлар билан ўтказган суҳбатда эслатиб ўтмаганмиди? Қўшин билан енгиб бўлмайдиган душманни айёрлик билан ғаним орасига кириб олиб, душман қўшинида низолар уруғини ундириб, сўнгра яқуний зарбани лашкар воситасида берса, енгилмас душманни тор-мор қилса бўлади. Бунинг учун тулкидан ҳам айёрроқ жосусларимни Жалолиддин қўшинидаги афғон, Хуросон сардорлари ҳузурига жўнатиб, Хоразмшоҳ инъом қилган бойлик ва мулклардан ўн карра кўп олтин, жавоҳир ва катта вилоятлар ҳокимлигини инъом қилиб, олдиндан унинг бир қисмини, Жалолиддин тор-мор этилгач эса ваъда этилган бойликнинг барчасини беришга ишонтирсам-чи? Жосуслар ўз вазифаларини бажаргунга қадар Чин-Мочиндан қайтадан ялпи сафарбарлик ўтказиб, талафотга учраган қўшиним сонини Султон Жалолиддин лашкаридан ўн-ўн беш марта устунликни таъминлаб, сўнгра заифлашган қўшинига қақшатқич зарба бериб, шу тарзда энг ашаддий рақибимдан қутулиб дунёнинг нариги чеккасигача ғолибона юришимни давом қилдираман“. Мўғул хоқонига ўзи тузган ушбу режа мақбул бўлиб, ёқиб тушди. Бутун куч-ғайратини, эътиборини, шу режани амалга оширишга қаратди.

## **ТУЛКИНИНГ ШУМЛИГИНИ БЎРИ ҚУВЛАГАНДА КЎР**

Қўшинни қизгин жангларга тайёрлаш ва сафарбарлик ғоят қизгин тус олдирилган бир пайтда Толиқондаги хоқон қароргоҳига жосуслар бошлиғи Чингизхон кайфиятини кўтарадиган хабарни ишончли одамлари орқали жўнатди. Бу Жалолиддин Мангуберди қўшинини янги бошланадиган жанг олдида заифлаштириш учун афғон амирларига хоқон

қўйдирган қопқонга афғон сардорлари ўлжа бўлиб тушганлиги ҳақидаги хушxabар келтирилиши ҳақида эди. Бу Жалолиддин Мангуберди қўшинида чиққан ички низонинг аланга олганлиги, афғон ва хуросонлик йирик учта сардорнинг буюк саркардани оғир аҳволга тушириб, арзимаган баҳонани рўқач қилиб Жалолиддиндан юз ўтириб, уни тарк этганлиги тўғрисидаги маълумот эди. Анча пайтдан бери Чингизхонга ҳеч ким томонидан хоқон беҳад хурсанд бўладиган бундай хабар келтирилмаган эди. Бундан чексиз шод бўлган хоқон: „Мана энди, Жалол, сенинг бошингга отанг, укаларинг, Туркон бувингнинг кунидан юз карра даҳшатлироқ ит азобларини солмасам, Ясугай баҳодир ўғли Чингизхон эмасман. Бу сўзларимни менинг тарихимни битаётган муаррихимга қандай бўлса, шундай етказинг“, дея қароргоҳ қутволига кўрсатма берди. Шу кунларда Шарқнинг йирик тарихчиси Жувайний Жаҳон фотиҳи хоқоннинг мукамал тарихи („Тарихи жаҳонкушай“) асарини Чингизхон ҳузурида ёзишга киришган эди. Хоқон топшириғига кўра Чингизхоннинг ота-боболарига, хоқоннинг ҳарбий-сиёсий фаолиятига доир уйғур котиблари тайёрлаган ҳужжатлар, ҳар бир мамлакат ҳукмдор ва лашкарбошилари устидан қучилган ғалабаларга доир манбалар Жувайний ихтиёрига берилган эди. Шу тариқа Жувайний Чингизхоннинг энг йирик тарихчисига айланган эди. Бироқ Чингизхоннинг назарига тушган бу муаррихнинг Жалолиддиннинг буюк саркардалигини эътироф этиш, мардликда тенгсизлигини жаҳон тарихига киритишга ҳеч ким монелик қила олмади. Чингизхоннинг ғазаби келишидан заррача ҳайиқмасдан тарихий адолат томонида туриб баҳо берди. Шу билан муаррих ҳақиқатгўй олим сифатида жаҳон маърифат ва маданият арбоблари эъзозига сазовор бўлди. Аммо хоқоннинг тузини оқлаш йўлидаги айрим ҳаракатлари бундан мустасно.

...Чингизхоннинг Жалолиддин қўшинидаги парокандаликка олиб келган низони эшитиб, ғоят хурсанд бўлиши бежиз эмасди. Султон Жалолиддин энди навбатдаги жангни хоқоннинг ўзи билан ўтказиш ва бунда Чингизхоннинг лашкарини тор-мор этиш режасини ишонч ва ғайрат билан ишлаб чиқишга киришай деганда саркарда қўшинида чиққан ички низо учқунидан аланга чиқди. Буюк саркарданинг орзу-умидларини елга совурди. Асло арзимайдиган бир баҳона ҳар қандай душман устидан ғолиб чиқишга шай турган жанговар қўшиннинг пароканда бўлишига сабаб бўлди. Жалолиддин бошига бундай йўқотишни Чингизхоннинг беҳисоб қўшини ҳам сола олмаслиги аниқ эди. Ўша давр тарихларида битилишича, Парвон жангидан сал ўтмаёқ буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди Чингизхоннинг ўзига мактуб битиб: „Сен қаерда жанг қилишни хоҳласанг, ўша ерда ҳозир нозир бўламан. Менга қолса ўша Чин-Мочин аҳолисини бутунлай сафарбар қилсанг ҳам майли, жанг қандай бўлишини сенга ўзим кўрсатиб қўяман“, дея жангталаб эканлигини айтиб мурожаат қилганди. Бу қатъий ишончдан Чингизхоннинг вужуди музлаб, анчагача ўзига кела олмаганди, ҳатто унга ҳуч қандай жавоб ёзишга журъат қила олмаганди. Худди ўша пайтда хоқонга қайтадан жон киритадиган юқорида қайд этилган хабарнинг келиши унинг руҳиятидаги умидсизлик ўрнини қувонч эгаллашини таъминлаган эди. Жалолиддин қўшинида содир бўладиган бундай ўпирилишни асло кутмаган эди. Афғон амирларига қўйиладиган тузоқ ҳам таваккалига эди. Аммо у кутгандан ҳам аъло бўлиб чиқди. Вақт энди ёвуз кучлар фойдасига ишлай бошлади.

Жалолиддин Мангуберди қўшинидаги парокандалик оддий келишмовчиликдан бошланиб, оқибати эса ғоят хунук воқеага айланиб, Султон уни бартараф этишга қанчалик уринмасин, бунинг иложи топилмади, минг афсус!

## ЎЛЖА ТУЛПОР БАҲОНАСИДА ЧИҚҚАН КАТТА ЖАНЖАЛ

Парвон жангидан кейин афғон ва Хуросон амир ва сардорларидан Сайфиддин Афроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Қарлуқлар мўғуллардан олинган ўлжаларнинг ўзларига тегишли ҳиссаларини бўлиб беришларини талаб қилдилар. Ана шу чоғда афғон амирларининг кўзи ўлжа олинган мўғул сардорларидан бирининг чиройли ва бақувват тулпорига тушиб, Сайфуддин Афроқ ўша отни мен оламан, деб туриб олди. Уни Аминалмулк ўзига олмоқчилигини айтиб, афғон амираи талабини рад этди. Келишмовчилик катта жанжалга айланиб, Аминалмулк Сайфиддин Афроққа юз-кўзи аралаш қамчи тортиб юборди. Афғон амираи бу ҳақорат ва жисмоний куч ишлатилишига қарши қилични ишга солишга ҳаракат қилди. Натижада хоразмлик жангчилар ўз қўмондонини ҳимоя қилишга мажбур бўлдилар. Сайфиддин Афроқни эса афғон ва хуросонлик лашкарлар ҳимоя қилиб, бири-бирига қурол ўқталдилар. Бу хабар Жалолиддин Мангуберди қароргоҳига етиб келди. Саркарда воқеа авж олиб бораётган жойга етиб келиб, қонли тўқнашувни тўхтатишга муваффақ бўлди. Аммо, қанчалик уринмасин, афғон амирларини бундан кейин қўшин таркибида ушлаб қолиш имконини топа олмади. Аслида Чингизхон афғон амирларига инъом этган тилла бойликнинг бир қисми ғоят махфий етиб келганлиги уларга маълум бўлиб, Жалолиддин қўшинини тарк этишлари биланоқ, уларга олтин пуллар топширилиши таъкидланган эди. Шунини таъкидлаш лозимки, афғонларнинг юқорида номлари зикр қилинган амирлари Парвон жангидан икки ҳафта олдинроқ Жалолиддин қароргоҳига келиб, охирига қадар мўғулларга қарши Султон Хоразмшоҳ байроғи остида туриб жанг қиламиз, дея саркардага таъзим қилиб қасам ичган ва Хоразмшоҳнинг байроғини ўпган эдилар. Чингизхон уларга Султон Жалолиддин инъом қилгандан ҳам катта бойлик ва вилоятлар, ҳокимлик мансабларини инъом қилгач эса, Жалолиддинга ичган қасамларини тезда унутиб, асов ўлжа отга эга бўла олмаганлигини баҳона қилиб, саркардадан дарҳол воз кечдилар. Ўз қўшинларини олиб Сайфиддин Афроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Қарлуқлар Малик Дарвоз қалъасига кетиб қолдилар. Ўша ерда Чингизхон ваъда қилган олтин маблағларга эга бўлгач, дарвозани ичкари томонидан беркитиб, кайфу сафога берилдилар. Инсонлар қонини дарё қилиб оқизиш эвазига келган бу бойлик афғон сардорларига вафо қилармидики, мана бу олтин-кумушлар етти пуштимизга етади, деб улар хурсандчилигининг чеки бўлмади. Аммо Чингизхон бойликка ўч бу амирларга хўрак ташлаб, уларни қопқонга тушириб, яна омонат қилиб берган олтинни афғон сардорларининг каллалари билан қўшиб қайтариб олишини улар қаердан ҳам билсинлар? Шунини айтган-да улуғлар „Тулқининг жилвасига, айиқнинг панжасига ишонма“ деб. Хоқоннинг бу ҳаракати бир ўқ билан иккита ўлжани уриш, яъни ўлжа қилиниши лозим бўлганларни нафс балосига йўлиқтириб гирибонидан олиш, айёрона усулни қўлаб мақсадга эришиш сиёсатини амалга ошириши эди. Катта бойликка эга бўлганлигини нишонлаётган ва базму жамшид оғушида тонгги ширин уйқуда ётган сардорлар уйқусини заҳарга айланттирувчи хабарни қалъа дарвозабони келтирар экан, улар дастлаб шум хабар келтирувчининг сўзларини уйқу аралаш тушунмадилар. Аччиқ устида Жалолиддин Мангуберди қўшини билан қалъани қамал қилдимикан, деган хаёлга боришди. Девор устига чиқиб, қалъа атрофини кузатиб, афғон сардорлари кўзларига ишонмадилар. Яқин бир ҳафта аввал Жалолиддин қўшинини тарк этиб, бетараф туриб ўзларингизни четга олиб туринг, деган мўғул элчилари қалъага сон-саноқсиз қўшинини бошлаб келар экан, қабул қилиб олган олтин пулларнинг

бир тангасини ҳам камайтирмасдан жойига қўйиб, қалъа ичидаги аҳоли ва зодагон, савдогару ҳунармандлар — барчаси қалъа ҳокими саройи олдига барча олтин, кумуш ва қимматбаҳо мол-мулкларини йиғсинлар, деган дашном билан айтилган важоҳатли талабдан сардорлар уйқулари ўчди. Қалъа атрофини денгиз тўлқинидек қамраб олган мўғул қўшинини кўрган афғон сардорлари олтинларни айтилган жойга келтиришдан бошқа иложи йўқлигини дарҳол тушуниб, мўғуллар талабини бажариб, дарвозани очишлари билан мўғуллар селдек ёпирилиб, қалъага бостириб кирдилар. Барча қиличдан ўтказилиб, олтинлар қайтариб олинди. Бироқ, унинг билан чекланмай, қалъадаги барча мол-мулк талон-тарож этилди. Шу билан от можароси тилла можаросига айланиб, қалъа аҳолиси қирғин, қалъа эса вайронага айлантирилди. Натижада сардорлар ўз қўшини билан Жалолиддиндан ажралар экан, саркарданинг қўшини жанговарлигини йўқотган бўлса, иккинчи тарафдан афғон сардорлари ўзлари қазиган чоҳга Малик Дарвоз қалъа аҳолисини ҳам судраб, қурбонликлар сонини оширгандан ошириб, абадийлик дунёсига равона бўлдилар. Тиллаларга тўймаган кўзлар бир сиқим тупроққа тўйди. Ҳолбуки, Жалолиддинга бўлажак жанг олдидан учта афғон сардорларининг қўшини сув ва ҳаводек зарур эди. Ажралиб кетган бу қўшиннинг сони 60 мингга яқин эди. Агар ушбу қўшин Жалолиддин раҳнамолигида, унинг саркардалик маҳоратига таяниб жангга кирганларида Чингизхоннинг анча ортиқ қўшини ҳам уни ҳалокатдан қутқариб қола олмасди. Бироқ, ҳодиса рўй бериб бўлган, воқеаларни орқага қайтариб бўлмасди. Вақт энди тўла Чингизхон фойдасига ишлай бошлаган эди.

Бу воқеалар Жалолиддин Мангуберди мутлақ кутмаган бир пайтда унинг зарарига ўзгариб кетди. Ихтиёридаги бундай кучлар билан Чингизхонга қарши катта жанг олиб бориб бўлмасди.

## ЧИНГИЗХОН ҚАРОРГОҲИДАГИ ШОШИЛИНЧ ҲАРБИЙ КЕНГАШ

Чингизхон бундай имкониятни қўлдан чиқармаслик учун зудлик билан Толиқондаги қароргоҳида ҳарбий Кенгаш чақирди. Биринчи вазифа — Жалолиддинга камайиб кетган қўшинни тиклаб олиш учун имкон бермаслик. Чингизхон Эрон, Хуросон, Хоразм ва Мовароуннаҳрдаги қўшинларининг барчасини Толиқонда тўплаш тўғрисида фармон берди. Бунинг билан чекланмай, Мўғулистон, Чин-Мочиндан қайта сафарбарлик эълон қилган қўшиннинг тенг ярмини захирада қолдириб, қолган қисмини қароргоҳга кечакундуз шамол тезлигида йўл босиб етиб келишини маълум қилиб, Қорақурумдаги саройига чопар жўнатди.

Парвонда Шики-Хуту-Хидек номдор саркардаси бошчилигидаги сара қўшинларининг ҳалокати Чингизхонни энди ҳарбий ҳаракатлар олиб боришда, ҳатто бундан кейин қаттиқни ҳам пуфлаб ичишга мажбур қилган эди. У ҳарбий Кенгаш якунида сардор ва нўёнларига қарата бундай деди: „Жалолиддин ўта хавfli ганим. У Парвондаги ғалабаси билан менинг „Жазокор“ қўшинимни тор-мор этиб, буюк саркарда эканлигини яна бир бор исботлади. Бу Қорақум йўлбарсини (Чингизхон Парвон даштидаги Жалолиддин ғалабасидан кейин уни тилга олганида шу тарзда эслайдиган бўлган эди) ҳозирги ночор ҳолатда қўлга олмасак, у бошимизга бундан кейин ҳам кўп бало-қазолар ёғдириши, кулфатлар келтириши аниқ. Шу сафар унинг қолган оз сонли лашкарини бутунлай қириб ташлаб, саркарданинг ўзини фақат тириклайин қўлга олишимиз шарт. Қисқа муддатда



барча шахзода фарзандларим ва жамики саркарда нўёнлар Толиқондаги Ўрдугоҳимда тўплансин, кечикиш учун бирон сабаб қабул қилинмасин. Лашкарларни қабул қилиш Ўқтойхон ва Субутой баҳодир зиммасида бўлсин. Ўрдугоҳда тўпланаётган қўшин орасидан ўн минг кишилиқ баҳодир ва паҳлавон, ўта моҳир қиличбоз, мерган, найзобоз жангчилардан алоҳида танлаб, янгидан „Кешик“ (махсус ҳарбий қисм) туман ташкил қилиш Тўлихонга юклатилсин. Жўжи ва Чигатой ҳамда Тайнал нўёнлар лашкарнинг манглай, марказ, ўнг ва чап қанотлари, шунингдек, захира туманларини тузишга киришсинлар“. *Фармони Олий хоқони Чингизхон Ясугай баҳодир ўғли.*

Фармони Олий янги ҳисоб билан 1221 йилнинг сентябрь ойи учланжи куни хоқон муҳри билан тасдиқланди.

Чингизхон фармонига кўра лашкар Толиқонда йиғила бошлади. Толиқон даладашлари бўйлаб минглик, ўн минглик, юз минглик ҳарбий лашкарий қисмлар ўтовлари олдида ёқилган оловлар тунги юлдузлар осмонни қоплагандек узоқ-узоқларга, кўз етмас кенгликларга ёйилди. Келаётган қўшинлар сони адоғсиз бўлиб, Чингизхон ўз қўшинини яқин ўн йиллар давомида шу тарзда бир ҳудуд кенгликларига тўпламаган эди. Ҳар бир туман лашкари ўз қурол-яроғ, озиқ-овқат ва аскарий захиралари билан етиб келишда давом этарди. Бу тадбир икки ой вақтни олди.

Бу пайтда Жалолиддин Мангуберди учун вазият оғир ва қалтислигича қолди. У қўшин тўлаши мумкин бўлган шаҳарлар, вилояту мамлакатлар барчаси Чингизхон қўшини назоратига ўтган бўлиб, фақат битта йўл, у ҳам бўлса Ҳиндистон ҳудуди сари кетиш мумкин, аммо у ерда ўндан ортиқ ҳукмдорлар ҳудуд талашиб, мамлакат сиёсий тарқоқлик шароитида яшар эди. Уларда турли динга мансуб халқлар ҳаёт кечирар, ҳукмдорларнинг, кўпинча, ўзаро низолардан боши чиқмас эди. Устига-устак исломий юртдан Ҳинд сари қадам қўйган ҳар қандай ҳукмдорга душманлик ва ишончсизлик билан қараб, ҳудудига йўлатмасликка ҳаракат қилардилар.

## ИЛОЖСИЗЛИК ЧОРАСИ – ЧЕКИНИШ

Жалолиддин Мангуберди Парвон жангида анча жиддий талафот кўрган бўлиб, бу ҳам етмагандек, халаж, қарлуқ ва ғурийлар сардорлари унга хиёнат қилиб қўшинини олиб кетгач, оз сонли қўшин билан ёт элларда қолиб кетди. Қўшиннинг анчасини ярадорлар ташкил қиларди. Султон Жалолиддин Ҳинд ҳудудига чекинишга қарор қилди. У аниқ билардики, дунёга ҳукмронлик даъво қилган Чингизхон унга ўнгланиб олиш имкониятини қолдирмасдан таъқиб қилади. Жалолиддин бор истеъдоди ва ташкилотчилик қобилияту маҳоратини ишга солиб, аффон ва пуштун қавмларидан ўз лашкарлари сафини бирмунча тўлдиришга эришди. Аммо, бу Чингизхон қўшинига қиёс қилганда урвоқ ҳам эмасди. Жалолиддинга шу боис Чингизхоннинг 300 мингдан ортиқ темир оқим бўлиб келаётган қўшини қуршовига тушиб қолмаслик учун муттасил ва тинимсиз чекиниб боришдан ўзга йўл қолмаган эди. 1221 йил сентябрь охирларида у Ҳинд ҳудудларига етиб келди.

Чингизхоннинг адоғи йўқ қўшини ҳам уни изма-из таъқиб қилиб келарди. Жалолиддин Ҳиндистоннинг энг хавфли, тезоқар дарёсига етиб олиш учун яна бир ой йўл юрди. Ниҳоят, Синд дарёси бўйи жуғрофий ҳудудини ўрганиб чиқиб, тез бу ҳақда маълумот беришни жосусларига топширди. Тегишли шахслар тезда ишга киришиб кетдилар. Улар катта соллар ёрдамида қўшинни ўтказиш тўғрисида маслаҳат беришди. Соллар ясашга киришилди. Бир неча соллар тайёр бўлгач, уларга аскарлар жойлаштирилиб, нариги

соҳилга суза бошлаши билан сув тезлиги ва тўлқин зарбига бардош бера олмай, жангчиларнинг кўпи ютагон дарё қаърига чўкиб кетди. Маълум бўлдики, энди соллар ёрдамида бу қутуриб оқувчи дарёдан ўтиш режаси ҳам йўққа чиқди. Султон Жалолиддин кўпириб ва ҳайқириб оқаётган дарёга нигоҳ ташлар экан, чуқур ўйга толди: „Наҳотки, сипоҳ йиғиш мақсади амалга ошмай қолиб кетса. Орқада сонсиз-саноқсиз душман қилич ва найза ўқталиб шиддат билан тобора яқинлашиб келмоқда. Уларга Чингизхон ва унинг манаман деган сардорлари ва сарҳанглар бош бўлиб, лашкарларнинг барчасининг дийдаси қонли урушда қотган. Наҳот эзгулик ва адолат учун жанг қилувчиларга омонлик эшиклари ҳамма томондан беркитилган бўлса, ё раббим! Наҳот ёвузлик кучларига ҳар жиҳатдан имконият эшиклари ланг очилаверса, бу сир-синаотлар фақат яратган Парвардигорнинг ўзигагина аён. Ҳатто табиат ҳам адолат, озодлик ва эрк учун курашувчилардан юз ўгириб, ёвузлик олами билан иттифоқ ҳамда иноқлашиб олгандай. Наҳот у ҳам ҳақиқат учун курашувчилар зарарига хизмат қилса. Вақт ва сониялар ҳам. Қутурган дарё Жалолиддин Мангубердининг салкам эллик минглик қўшинини ютиб юборишга афсонавий махлуқдай шай“. Султон Жалолиддин Мангуберди таваккал қилиб дарёдан кечиб ўтиб, ўз жангчиларининг ҳалокатига сабаб бўлишдан кўра ёв билан охири нафасгача олишиб ўлишни афзал билди. Таслим бўлишни бир сония бўлсин хаёлига келтирмади. Ватан учун жондан кечиб шаҳид бўлишдан ортиқ шон-шараф йўқ! Султон шундай алфозда чуқур хаёл дарёсига фарқ бўлиб турар экан, онаизорининг унинг елкасига оҳиста қўлини қўйганлигини ҳам сезмай қолди. Она шоҳ ўғлининг елкаси тоғдай оғир юкни кўтаришга қодир бўлса-да, бироқ, шу дамларда Ватан, эл-улуснинг масъулият юки уни ҳар дақиқада тоғ оғирлиги каби эзаётганлигини ҳис қилди. Жалолиддин Мангуберди ёғийларга қилич уриб қадоқ бўлган бақувват қўллари билан онаизори Ойчечакни кенг елкали бағрига олди. Она-ўғил бир неча дақиқалар дунё урҳо-урларидан холи бўлиб, бир-бирларининг меҳр уммонида фарқ бўлишди. Бу дунёда она бағридан-да юқори турувчи меҳр-муҳаббат булоғи йўқ фарзанд учун, бўлмайди ҳам. Уларнинг бу меҳр дарёси олдида Синддек шиддатли дарё ҳам, Чингизхоннинг бемисл лашкарларидаги куч-қудрат ҳам кичрайиб борарди, гўё. Онанинг буюк ва қудратли меҳри билан фарзанд Жалолиддин Мангубердининг онаизорига бўлган беҳудуд меҳр булоғи қўшилиб, шундай улғайик ва мусаффолик ҳудуди ҳосил бўлдики, соғинчли Ватан туйғуси шу икки инсон — она-ўғил муштарак ва мужассамлигида намоён бўлгандек эди. Онаси Ойчечак ўғлининг юзларига юзини босиб, Жалолиддинни бағрига тортар экан: „Болам, сендек фарзандим борлигидан ва сени тарбиялаб вояга етказганимдан бахтлиман ва розиман. Олтин бошинг омон бўлсин, ўғилгинам. Илоё сенга қасд қилганлар паст бўлсин. Яратганнинг ўзи сени паноҳида асрасин, жон ўғлим. Буюк боболаринг руҳлари сенга мадаккор бўлсин, илоҳим“. Сўнгра дастўмолига ўроғлик туморни очиб ўғлига узатар экан, „Манави туморни бобонг Такаш Султон ўз қўли билан ясаптириб берган, уни ол, буни шахсан ўз қўллари билан бешинг бош тарафига осиб қўйганди. Бу тумор сени баногоҳ фалокатлардан асрагай“. Жалолиддин Мангуберди онаизорининг тумор билан узатилган қўлларини юз-кўзларига суртди. „Наҳот, бу тумор айнан менга буюк бобомдан қолдирилган ноёб ёдгорлик бўлса“, дея сўрайди овозлари титраганича Султон. „Ҳа, айнан бобонгдан қолган“, дейди она. Бу билан она шоҳ ўғилга навбатдаги жанг ҳар қачонгидан ҳам қирғинли ва даҳшатли бўлишини эслатгандек бўлди. Гарчи ўғил буни билиб турса-да, кўнглида кечганини билдирмасликка уринди. „Болам, Чингизхоннинг ўзи келяпти, деб

эшитдим, шу тўғримикан?” деди онаизор. „Ҳа, ойижон, ўзи келаётгани рост, унинг бошқа йўли йўқ“, жавоб қилди Жалолиддин. „Итдан тарқаган Чингиз ўта муғамбир ёв, илоё Худонинг газабига учрагур“, дея пичирлади она.

„Онажоним, ортиқча ташвиш тортманг, ана, Темур Малик ва Аминалмулк тоғам, саркардаларим ҳам келяпти. Ҳозир улар билан муҳораба режаларини тузиб оламиз. Сиз эса невараларингиз ва суюкли келинингиз олдига бориб, уларнинг руҳини кўтаринг, асло тушқунликка тушмасин, улар қуюнавермасинлар“, деб Жалолиддин улар учун ажратилган чодирга боришга ундади.

Зум ўтмай Темур Малик, Аминалмулк ва забардаст саркардалардан ҳисобланган Жаҳон Паҳлавон, Ихтиёриддин Харпўштлар етиб келдилар ва Султонга садоқатларини яна бир бор изҳор қилдилар. Султон Жалолиддин уларни баланд жойга қурилган кўчма қароргоҳ чодирга таклиф қилди. Нилаб дея номланувчи катта майдонда бўладиган жангни олиб бориш режасини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш учун султон ҳарбий Кенгаш чақирди. Ҳарбий Кенгаш кетаётган пайтда Нилаб майдонини назорат қилиш учун қўйилган соқчилар Чингизхоннинг Гардиз тарафдан чиққан қўшинининг Хировул илғор қисми яқинлашиб келаётганлиги хабарини етказди. Жалолиддин Мангуберди ҳеч иккиланмасдан чап ва ўнг қанот қисмларига дам олишни буюриб, фул қисми билан ўзи жангга отланиб, Чингизхоннинг асосий қўшини етиб келгунча уни қириб ташлашга аҳд қилди. Хировулга топширилган вазифа Жалолиддин қўшинларининг Синдни кечиб ўтишига халақит қилиб, хоқон қўшини етиб келгунча Султон Жалолиддинни жанг қилишга мажбур қилишдан иборат эди. Жалолиддин билардики, Хировул қўшини Чингизхон топшириғини тўла-тўқис бажариш учун иложи борица тўхтовсиз йўл босиб келарди. Чарчаб, ҳолдан тойган бундай қўшин жанговар ҳолатини тиклаб олиш учун уларга камида бир-икки кун керак эди. Жалолиддин уларга бундай имкониятни бермай, уларнинг йўлини тўсиб чиқди. Йўл бўйлаб чўзилиб келаётган мўғулларга жанговар сафга тизилиш фурсатини бермай, тўсатдан шиддатли ҳужум бошлаб юборди. Мўғуллар кутилмаган зарба туфайли сочилиб кетган ҳолда пала-партиш қаршилиқ кўрсатишга уриндилар. Уларнинг қаршилиги мутлақ уюшмаган тарзда бўлиб, фақат омон қолиш йўлида жанг олиб боришдан иборат бўлди. Жанг бошланишиданоқ мўғуллар учун бирор тактик ҳаракатни амалга оширишга йўл қолдирмадилар. Мудофаа тизимини ҳосил қилишнинг уддасидан чиқиб бўлмади. Тартибсиз, бирор қоидага амал қилишсиз, мўғуллар учун ноқулай бошланган жанг оқибати тартибсиз чекиниш, сўнгра қочишга айланди. Аммо мўғул суворийлар жангчилари ва отлари ҳам тинимсиз йўл чарчоғи билан жанг чарчоғи муштараклашиб, оқибат қочишга ҳам ярамай қолиб, Султон Жалолиддин жангчиларининг қаҳрига учрадилар. Мўғуллар Хировули бутунлай қириб ташланди. Бу ҳақда Чингизхонга омон қолиб хабар беришга ҳам одам топилмади. Бир ҳафта ўтиб, Чингизхон бу бахти қора жангчиларининг даҳшатли қирғинга учраганлигининг гувоҳи бўлди. Тиканларга илиниб ётган байроқлар парчалари ва жасадларни йиртқичлар ҳар томонга судраб, титиғи чиқиб кетган мўғул лашкарларининг ҳарбий кийимлари қолдиқларидангина ўз лашкарлари эканлигини танидилар. Кенг майдон бўйлаб ўн минглаб мўғул жангчиларининг ёввойи йиртқичлар гажиб ташлаган суяклари сочилиб ётарди. Парвон жангидаги мағлубият аламини босолмаган Чингизхон Гардиздан чиққан Хировул қўшинининг даҳшатли қирғинга учраганлигини кўриб, ўз кўзларига ишонмади. Ўзини жуда ёмон ҳис қилар экан, баданини худди ўлим арафасида танадан чиқадиган совуқ тер босган. Қўшинини тўхтатиб, ҳалок бўлган жангчилари учун мотам тутишга буйруқ бериб, сўнгра жасадлар қолдиқларини

йиғиш ва кўмишга ҳозирлаганлар. Шундан кейин Жалолиддин Мангуберди номи ҳоқон ва унинг саркардалари, шунингдек, мўғул лашкарлари учун янада ваҳимали ва янада қўрқинчли эшитиладиган бўлди. Уларнинг Жалолиддинга бўлган нафрату қаҳр-ғазаби ваҳшиёна кўзиди.

Жалолиддиннинг мўғуллар Хировулини бир зарб билан ҳалокатга учратганлиги ва жасоратини ан-Насавий қўйидагича тасвирлаган эди: „Жалолиддин тунда отига минди ва эрта тонгда мўлжаллаган ерга (мўғуллар Хировули келаётган жой) етиб келиб, Оллоҳга шукроналар айтди. У Оллоҳнинг раҳнамолиги ва ато қилган куч-қудратига таяниб йўлга чиқар экан, тоторларнинг Гардиздан келаётган Хировулига қутилмаганда ҳужум қилди. Унинг бу ишининг амалга ошишига туёғидан чақин сачраган отлар ёрдам берди, ўзини ва қўшинини ҳам чаққон тулпорлар, тун қоронғулиги асради. Бу ҳақда лаънати (Чингизхон) эшитганида (яъни Жалолиддин лашкари томонидан илғор қисмининг қириб ташланганлиги) уни қўрқув босди, ғалабага ишончини йўқотди. У тезлик билан йўлга тушди, ҳеч нарсага эътибор бермасдан белгиланган масофани босиб ўтди. Жалолиддиннинг Синд дарёси бўйидаги қароргоҳига етиб келди. Бироқ саркардага қилмоқчи бўлган ишлари, яъни дарёдан сузиб ўтадиган кемаларни тайёрлаш учун вақт етишмади. У бу кемада онасини, хотини ва унинг ҳимояси остида яшайдиганларни нариги қирғоққа олиб ўтишга буйруқ берди. Бироқ, кема ишдан чиққан ва нариги қирғоққа ўтиш имкони қолмаганди. Шу пайт жангга ҳозир бўлган Чингизхон етиб келди.

Чингизхоннинг еру кўкни ларзага келтирган 300 минглик қўшини 1221 йил 27 ноябрда Жалолиддин Мангуберди қароргоҳ қурган Синд дарёси бўйидаги Нилаб майдонига етиб келди. У Жалолиддин қўшинининг бу тезоқар, ютагон дарёдан кечиб ўтиш учун бирор чора топа олмаётганлигидан жуда мамнун бўлди. Агар дарёдан ўтиш мумкин бўлганда ғоят кенг дала-дашту чангалзор ва тўқайзорлар, тоғ-адирлар бағрига кириб кетган Султон қўшинини тополмаган, мавжуд қўшин кучлари билан Жалолиддин бутун Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини албатта ўрнатган бўларди. Бироқ, воқеаларнинг тез ривожланиб бориши бутун ҳарбий кучини тўла сафарбар этган босқинчи ёв Чингизхон фойдасига ишламоқда эди.

Жалолиддин Мангубердининг кам сонли қўшини уч томондан ўраб олинди. Орқада эса даҳшатли дарё ҳайқириб, кўпириб оқарди. Жалолиддин Мангубердининг қўшини нақ қопқонга тушган ҳолатда эди. Чингизхон ўзини қанча вақтдан бери оворай сарсон қилиб, вужудига қўрқув ва ғулғула солган Жалолиддин ҳамда унинг баҳодир лашкарини ўз кўзи билан яққол яқиндан илк бор кўриб турарди. Шу боис уларнинг ўз кўз ўнгида сон-саноксиз лашкари томонидан қандай қирилишини бошидан то жанг интиҳосига қадар кўргиси келди. Ахир алоҳида-алоҳида жўнатилган не-не машҳур саркардалари Жалолиддин ва унинг баҳодир жангчилари зарбидан боши эгилган ҳолда қайтди. Қайтмаганлари-чи? Ана шуларни ўйлаган Чингизхон қасос ва адоват олови билан ёнарди. Жалолиддин ва унинг устози Темур Маликни тириклайин асир сифатида кўриш, қолиблар ва мағлублар суҳбатини уюштириб, ўз тарихчиси Жувайнийнинг ҳали ҳоқон тириклигидаёқ бошлатиб юборилган „Тарихи жаҳонкушай“ асарига киритишни мўлжаллаб қўйган эди.

Жалолиддин ва Темур Маликни асир қилиб олгач, умри поёнига етгунча ҳарбий юришларида ўз кўчма қароргоҳи билан ёнма-ён олиб юрадиган махсус аравага ўрнатилган қамоқхонани иккинчи бора Хитой усталарига ясаттириб қўйган ҳам эди. Биринчи нусхасини Шики-Хуту-Хи қўмондонига тақдим қилган эди. Бироқ Парвон жангидаги мағлубият туфайли Жалолиддинни унда тутқун қилиб олиб бориш ва ҳоқонга

ҳада қилиш насиб қилмаган эди. Энди ушалмаган орзуси Нилабда амалга ошишига ишониб, Султон Жалолиддинни тутқунлик ҳолатида кўришни тез ва астойдил истаётган эди. Бу учрашувнинг мозий хотирада қолиши учун нафақат Жувайнийдек аллома тарихчига, балки хитойлик тарихчиларга ҳам бу жаҳоншумул воқеани ўз кўзлари билан кўриб, суҳбатда иштирок этиш шароитларини ҳозирлатиб қўйган эди.

Чингизхоннинг Султон Жалолиддин ва Темур Малик саркардага шунчалик адовати кучли эдики, агар улар асир сифатида қўлга тушиб, мағлуб саркардалар суҳбат жараёнида мағрурлигини намоёиш этиб жиғига тегадиган бўлса, ўз қўллари билан уларни бўғиб ўлдириш ва шу тариқа кўнгил хижиллигини ёзиш, уни темир қўлли бош жаллодлари иштироки ҳамда ёрдамида амалга оширишни бир неча бор таъкидлаган эди. Чингизхон бир имо-ишораси билан Нуҳ пайғамбар замонидагидек оламни тўфонга бостирадиган важоҳат ва қаҳру ғазабли кўшинига 28 ноябрь эрта тонгда тартиб беришга киришди. Хужумолди тайёргарлиги янада ваҳимали бўлди. Бу ерда бошланадиган қиёмат жанг нафақат унинг иштирокчилари ёки уни узоқдан кўзи тушган инсонлар учун бутун даҳшат ва ваҳшати билан сезилиб қолмай, шу куни осмону фалак одатий кўринишини йўқотиб, шу қирғинга гувоҳ бўлишни хоҳламагандек сукунатга чўмган. Қуёш ҳам юзини инсонларга кўрсатишдан чўчигандек туман ва булутлар орқасидан чиқишга хоҳиши бўлмаган ҳолатда эди. Тонг алақачон отиб кетадиган маҳалда ҳам тун кундузга ўрнини бўшатиб беришни хоҳламаётгандек эди, гўё. Табиатан қушлар, йиртқич ҳайвонлар сирли ҳодисаларни сезишда инсондан устун туриши кўпчиликка маълум. Шу куни қушлар Нилаб осмонида чарх уриб учишдан воз кечиб, эрта тонгдан Ҳиндистон жанубий ҳудудларига шитоб билан учиб кетган. Шу атрофдаги йиртқичлар ҳам ўзларининг бу ердаги сеvimли маконларини тез тарк этиб, пана-пастқамларга яширинишга мажбур бўлиб, бу бошланажак жангнинг нақадар аёвсизлиги ва қонлар дарё бўлиб оқишининг даракчилари бўлдилар. Ҳақиқатан ҳам Нилаб ҳудудида бир-бирига қарама-қарши турган икки лашкар қаҳру ғазаби, важоҳатидан еру осмон титради.

## НИЛАБДАГИ ДАҲШАТЛИ ЖАНГ АРАФАСИДА

Чингизхон ёвузлик рамзи Аҳриман қиёфасига киргандек мудҳиш воқеаларни тезроқ содир этишга шошиб, ўз саркардаю нўёнларига қатъий ва сўнгги кўрсатмаларини бериб, Жалолиддин Мангуберди лашкарининг чиқиб кетишига бирон йўлак ва тирқиш қолдирмасликка қатъий даъват қилар, қўмондонларга устма-уст кўрсатмалар берар, ундан буйруқ олиши билан улар тезда белгиланган жойга минглаб, ўн минглаб лашкарий қисмларини бошлаб кетишда давом этарди. Шу тариқа унинг сон-саноксиз лашкари Нилаб майдонига сифмай, уфқ сари кенгайиб, ёйилиб борар, Чингизхон қўлидаги ҳукмдорлик белгиси туширилган тилла таёқчасини Жалолиддин кўшини томон „шахт билан хужумга“ ишорасини қилса бас, майдонда денгиз устида қутурган бўрондек кўшин кўз очиб-юмгунча ҳаракатга келишга қарийб тайёр бўлиб қолган эди. Шу тариқа Чингизхон катта кўшинни жангга ҳозирлашга анча вақт сарфлади. Ана энди шарқдан таралаётган уфқлар ҳудуди тобора кенгайиб, тонг ҳам ёриша бошлади. Дарё соҳили томондан кеч кузнинг совуқ шамоли ҳам эсар экан, табиат ҳам бу мудҳиш воқеадан титраётгандек эди. Соҳил бўйида Жалолиддин Мангуберди кўшини жойлашган томон ҳам ғира-шира кўрина бошлади. Тонг отгач, ҳар икки томонга ҳамма нарса аён бўлди-қўйди. Жалолиддин Мангуберди лашкари уч томондан қуршаб олинган. Орқа томонда



Шайхул-Валитарош Нажмиддин Кубро қаҳрамон жангчилари ҳимоясида мўғул қўшини Бош байроғини йиртиб олмоқда. Ҳазратнинг ушбу бемисл қаҳрамонлик жасорати Буюк мутафаккирлар — Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва Жалолиддин Румийлар томонидан юксак баҳоланган эди. 1221 йил кузи.

ютагон дарё, чекиниб бўлмайди, ундан сузиб ўтиш тўғрисида фикр юритиш асло ақлга сирмайди. Соҳилнинг энг паст тик жойи баландлиги чамаси ўн беш-йигирма метрлар бўлиб, бу баландликдан дарёга шўнғиш нақ ажалнинг ўзи. Чингизхон ўзи сиғинган Кўк тангри худоси ҳам Жалолиддинни қўлга туширишга ана шундай қулай тузоқ жойни танлаб беришга имконият яратгандек эди. Нилаб майдони жуғрофий тузилиши ва жойлашувига кўра, ўлжа қопқонга тушмагунча чиқиб кетолмайдиган бир ҳудуд эди. Айнан шундай жойда учрашиши Чингизхонга анча яхши кайфият бағишлади. Катта имконият ҳам берди. Ахир Жалолиддин номини эшитиш унинг учун қанчалик азобли эди. Қолаверса, уни тор-мор қилиш учун жўнатилган қанчадан-қанча доврўқли саркардалар қўшини жанг майдонида неча бор қириб ташланди. Саркардалардан қанчаси Жалолиддин Мангуберди қиличи зарбига бардош беролмай, лашкарини ўлим майдонида ўз ҳолига қолдириб, бу гуноҳлари учун хоқонларининг оёқларини ўпиб, тиз чўкканларича кечирим сўрадилар, агар Чингизхон кечирмайдиган бўлса, „Ясоқ“ жазосини олишга тайёрлигини ҳам эътироф қилгандилар. Буларни хаёлидан ўтказган хоқон интиқом ҳисси билан янада оловланди. Шу боис ўзининг гул марказ қўшинига қирғин-барот жангларда кўзи пишиб, дийдаси тошга айланиб, қон кечиб ҳузур-ҳаловат топувчи саркардаларидан Субутой нўённи бошлиқ қилиб тайинлади, уни ўнг ва чап қанотдан ҳимоя қилишни эса Жаба нўён ҳамда Қорачар нўёнларга топширди. Жаба ва Қорачар нўёнлар лашкарини баранғар ва жуванғардан ҳимоя қилиш учун Жўжи, Чигатой ва Ўқтойларни масъул қилди. Ҳал қилувчи зарба берадиган ўзининг махсус тарбияланган туманини кичик ўғли Тўлихон нўёнга топшириб, уни захирадаги Изофа қўшини қўмондони қилиб тайинлар экан, бир вақтда Чингизхон қароргоҳини жанг асносида ҳимоя қилиб туришни унинг зиммасига юклади. Негаки, Жалолиддин Мангуберди қўшини кам сонли бўлишига қарамай, қутилмаган сонияларда даҳшатли қарши ҳужум уюштириб, жанг оқибатини ҳал қиладиган ҳарбий санъат сирларини яхши эгаллаган ана шундай вазиятларда ўзининг душманни доғда қолдирувчи шахсий намуна бўладиган баҳодирлик майлларини намоён этиб, ҳар қандай кучли рақибни доғда қолдирадиган жиҳатлари бисёр эдики, бу хоқонни янада пухта жанг режасини тузишга мажбур қилди. Хоқон шу пайтга қадар олиб борган жангларининг бирортасида Нилабдагидек асабий зўриқишга ҳали учрамаган эди. Аламзадалик, асабийлашув уни тобора қақшатиб борар, шунча даҳшатли лашкар билан Жалолиддин Мангуберди қўшинига бас кела олмаса, унинг машриқдан мағриб қадар олиб борган ғолибона жангларининг хасчалик аҳамияти қолмайди, хоқоннинг умри бўйи қон кечиб тўплаган обрўси-чи? Ҳаммаси елга совурилади. „Йўқ, бундай бўлмаслиги керак. Ахир менинг лашкаримнинг ўндан тўққиз қисми қирилиб кетса ҳам, Жалолиддиннинг қўшинидан ҳеч кимса қолмай, жасадга айланган бўлади. Жалолиддин ва унинг лашкари қанчалик матонат ва баҳодирлик майдонида қилич ўйнатмасин, охириги сўзни айтиш, ғалабани таъминлаш менинг лашкаримнинг беҳисоб кўплигига қолади. Менинг томонимда яна бир устунлик ва имконият бор, бу ҳар бир сардорларим аскарини туманларимни жангга киритиб, жангталаб бўлиб турган туман қисмлари билан икки-уч соатда навбатма-навбат уларни алмаштириб тура оламан, бундай имкониятга эга бўлмаган Жалолиддин қўшини куну тунги муҳорабада силласи қуриб ҳолдан тояди. Ўлгани ўлади, ярадор бўлганлари сафдан чиқади, аммо унинг қўшинига улар ўрнига битта жангчи ҳам сафга келиб қўшила олмайди. Жалолиддин қўшини захирасиз жанг қилишга мажбур, натижада уларнинг

жангчилари қанчалик марду майдонлик кўрсатмасин, уларнинг руҳан сустлашиб, ҳалокат майини ичишдан ўзга чораси қолмайди“. Чингизхон қўнгида кечаётган туйғулари аввалда бўрондай босиб келган ваҳимали азоб берувчи ҳиссиётлардан бир оз бўлса-да чалғиб, ўзида қониқиш ҳис қилди, ўзига ўзи далда берди.

Хоқон авангард қўшини қўмондонига Жалолиддин Мангуберди қўшинига ёй ўқи бемалол нишонга оладиган масофада яқинлашиб боришга буйруқ берди. Авангард қисмлар буйруқ берилиши билан тез ҳаракатга келиб, Жалолиддин манглай, яъни жангни биринчи бўлиб бошлаб берувчи ҳарбий бўлинмалар томон яқинлашиб, 200 — 250 метр оралиқ масофа қолдириб тўхтади. Натижада ғаним томонлар бир-бирларининг турқтароватларигача бемалол кўриб, бор бўйи билан юзма-юз келишди. Рақиб томонларнинг юз-кўзларидан бир-бирига бўлган адовату чексиз нафрат билан қарашларигача яққол сезилиб турарди. Ҳар икки тарафнинг жанг тайёргарлик лаҳзаларининг ўзи жангдан-да ваҳимали, ғоят руҳий зўриқишли эди. Жанг бошланишидан олдинги сокинлик худди денгизда бўрон туришидан олдинги қўрқинчли сокинликни эслатарди. Қўёнат жанг бошланишининг сўнгги тадбир-тадориклари томонларда қарийб тугай деб қолган эди. Фақат ҳар икки ҳукмдор — Султон Жалолиддин ва хоқоннинг жанголди буйруқлари қандай адо қилинганлигини етказувчи хабаргирлар саркардалар турган қароргоҳдан тилла иплар билан тикилган ва Хитой шойиларидан ясатилган хоқон қароргоҳи томон бўзчининг моксидек от солишар, фармоннинг қандай бажарилганлиги ҳақидаги сўнгги ва аниқ маълумотларни етказмоқда эдилар...

## ЁЯНДОЗ — ЭНГ МАҚБУЛ МУДОФАА УСУЛИ

... Жалолиддин Мангуберди ҳам ҳал қилувчи жанг олдидан жаҳон ҳарбий санъати тарихида ҳеч бир саркарда қўлламаган усулни қўллашга қарор қилди. Чингизхон лашкари чигирткадек майдонни тўлдирибгина қолмай, балки қўшинининг анча қисми Нилаб майдонига сифмай, захирада ўнлаб саркардалар жанг қилиш навбатини кутишга тўғри келарди. Шу боис Жалолиддин бундай сон-саноқсиз қўшинга қарши курашда бир неча соатлар ичида тор-мор бўлиб, қирилиб кетмаслик ва ўз қўшинини мавжуд имкониятларидан охириги дамларгача фойдаланмоқ, шу тариқа Турон баҳодирларининг жасорати ва мардлиги нималарга қодирлигини, ҳатто энг ашаддий душманларини ҳам тан олишга мажбур қилишга жазм этди.

Жалолиддин яхши билар эдики, Чингизхон очиқ майдонда жангни бошлар экан, биринча зарба беришни камончилардан бошлайди. Ҳар бир мерган камончилари садоғидаги 40 — 50 ёй ўқини рақиб томонга ажал тариқасида йўллайди. Бундай мерганлар Чингизхон лашкарида ўн мингдан то ўттиз минггача бўлиб, улар барчаси ажал ўқларини душман томон йўналтирганида жанг майдони устидан қуёш юзини булут қоплагансимон соя ҳосил қиларди. Жалолиддин Мангуберди Чингизхоннинг ёйчилари зарбасидан ҳимояланиш учун фақат қалқоннинг ўзи кифоя қилмаслигидан ҳар бир жангчисига шох-шаббадан тўсиқ тайёрлатиб қўйган эди. Ёй ўқлари осмону фалақда кўриниши билан жангчилар тиз чўкиб ўтирганича шох-шаббадан тўқилган тўсиқни кўтариб, унинг орқасида иккинчи ҳимоя воситаси қалқон билан ҳам ҳимояланиши лозим эди. Агар Жалолиддин шу ҳимоя усулини қўлламаса, унинг қўшини мўғулар ёйчилари томонидан оғир талафот кўриб, сўнгра Чингизхоннинг асосий зарбдор кучи даҳшатли ҳужумкор қўшин — отлиқ туманларининг дастлабки зарбасидан қириб ташланар эди. Шунинг учун Жалолиддин Мангуберди Чингизхоннинг ёйчи лашкарлари ҳужумидан



мумкин қадар кам талафот кўриб, бутун кучини мўғуллар отлиқ кўшини ҳужумини қайтаришга қаратди. Минг-минглаб ёй ўқлари ёмғири шох-шабба тўсиғига келиб санчилди. Жалолиддин фурсат топиб, бу ўқлардан душманнинг ўзини қирғин этишда фойдаланишга кўрсатма берди.

Жалолиддин жанг олдида отлиқ кўшинларининг пиёда бўлиб жанг қилишига буйруқ берди. Дарё соҳилининг тор жойига жамики кўшинини ярим доирасимон — ёяндоз қилиб жойлаштирди. Бутун кўшинидаги 45 минг жангчилар барчаси зичлашиб, қарийб елкама-елка туриш топширилди. Бу билан пиёдаларга айлантирилган Жалолиддин кўшини душман отлиқлари ёриб кира олмайдиган мустаҳкам қўрғонга айланди. Зич турган пиёда кўшинга душман отлиқлари яқинлашиб, тўқнашувга саноқли сониялар қолганида ерга ташлаб қўйилган узун найзаларни зудлик билан олиб, найзалар девори ҳосил қилинганда уларга келиб урилган олдинги сафдаги отлиқлар ё найза зарбидан, ё катта тезликда келаётган отлар ўзини найзалар тўсиғидан сақланиш учун бирдан тўхтаб, устидаги суворий эса ағанаб, ағдалиб тушарди, олдинги қатор мўғул отлиқлари дастлабки талафотни татишга мажбур бўлар, натижада кейинги сафдаги суворийлар сафи бузилиб, шиддатли ҳужум тўлқини кескин пасайиб кетарди. Жанг бошланишидаёқ бундай талафот душман руҳий ҳолатига албатта салбий таъсир қилмасдан қолмасди. Аксинча, Ватан марду майдонлари учун жангнинг дастлабки муваффақиятли бошланиши руҳий кўтаринкилик бағишлар эди. Ҳолбуки, Чингизхон аждаҳодек важоҳатли кўшиним бирикки ҳамла уюштирса, Султон Жалолиддин кўшини тутдек тўкилади, деган фикрда эди. Султон Хоразмшоҳ Мангуберди Парвон жангида мўғулларнинг махсус тайёргарликдан ўтган йирик лашкарий қисмларини яримдоира ҳолатида жойлаштириб, Шиқи-Хуту-Хидек ғоят тажрибали ва машҳур қўмондоннинг тинқасини қуритиб, сўнгра ҳал қилувчи зарба бериб, унинг кўшинини қириб ташлаган эди. Нилаб жангида ёяндоз ҳарбий тактика усулини янада такомиллаштириб, жаҳон ҳарбий санъат назарияси ҳамда амалиёт ривожига буюк саркарда катта ҳисса қўшди. Орадан бир ярим асрга яқин вақт ўтгач, юз йиллик урушда Англия қироли бу уруш тактикасини Францияга қарши қўллаб, катта муваффақиятларга эришган эди.

... Жалолиддин Мангуберди бу усулни такомиллаштириб, поёнига етказар экан, Чингизхоннинг бир зарб билан Жалолиддин Мангуберди кўшинини пароканда қилиш ва қуршаб олиб, бирорта рақиб жангчисининг бу қуршовдан чиқиб кетишига имкон бермасликни асосий вазифа қилиб қўйган режасининг тез амалга оширилишини йўққа чиқарди.

## УЛУҒ МУАРРИХГА ЖАЛОЛИДДИННИНГ МУҲИМ КЎРСАТМАСИ

Бўлажак жанг кўлами, қирғин келтирувчилик миқёси жиҳатидан ҳали тарих бундай муҳорабага илк бора дуч келаётганлигини чуқур ҳис қилган Султон Жалолиддин Мангуберди дониш маслаҳатчи, ҳарбий тарихчи олим ҳамда сарой муншийси Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийни жанг бошланишидан бир кун аввал, кечаси тун яримдан ошганда ўз қароргоҳига чорлади. Ватаннинг буюк фарзанди, жасоратда тенгсиз ва беқийёс баҳодир, эл-юрт ва она юрти озодлиги йўлида ўлимларни доғда қолдирувчи саркарда ва юртбоши билан ҳамнафас бўлиб курашишни ўзига шараф деб билган тарихчи Шаҳобиддин ан-Насавий Султон ҳузурда тезда ҳозир бўлди.

Султон Жалолиддинга ғоят содиқ бўлган бу донишманд аллома муаррихни нафақат улуғ саркарда, балки сарой аъёнлари, лашкарбошилар, шунингдек, жангчиларгача ҳурмат қилар, иззатини жойига қўяр эдилар. Уларнинг барчаси билардики, жаҳоннинг тақдирига дахлдор шонли ва қонли, жасорат ва мардликка лиммо-лим мўғуларга қарши шафқатсиз кураш тарихини мозий саҳифаларига адолатпешалик ҳамда ҳақиқат тарозисида битиш ғоят савоб иш эди. Келажак авлод ҳам шу ватанпарварларни айнан муаррихнинг юрак қони билан аралаштирилган битиклари орқали хотирлайди, авлод бемисл уларга миннатдорлик дуоларини йўллайди. Айниқса, Ватан баҳодирлари ва шаҳидлар тўғрисида ёзиш қандай масъулиятли бўлса, шунчалар савоб, шон-шарафли иш. Шоир айтганидек:

Эрк учун тўкилган қонлар қутлуғдир,  
Замин юрагига бағишлар ҳаёт.  
Курашиб олинган шонлар улуғдир,  
Шонли инсонларни олқишлар ҳаёт.

Ан-Насавий маърифатнинг улуғлик поғонасига кўтарилиш учун маънавий юлдузларининг кўплаб асарларини қунт билан ўрганди. Ўз тажрибасидан шуни англадики, келажак авлодларга тарихий асар сарчашмасини қолдириш учун муаррих тарих илмидан ташқари, адабиёт, фалсафа, мантиқ, жуғрофия, коинот илми каби қатор билимлардан яхшигина хабардор бўлиши, давлат ҳукмдори муншийси сифатида ахлоқ, муомала маданияти, суҳандонлик санъатини эгаллаши лозим. Бу илмлар алломага кейинчалик Жалолиддин Хоразмшоҳ номидан турли мамлакатлар ҳукмдорлари ҳузурига элчи бўлиб борганида янада асқатди. Шунингдек, муаррих олим тарихчи сифатида Шарқ ҳукмдорларининг кўпчилиги ҳақидаги сиёсий, ҳарбий ва маданиятга ҳомийлигига дахлдор фаолиятлари юзасидан ибратомуз ишларини жуда яхши билгани боис Жалолиддин Мангубердига энг оғир дамларда маслаҳатлар бериб турарди. Аммо бу сафарги чорлов алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, келажакка дахлдор, авлодларга аждодлар жасоратини етказиш, маънавий ворислик узвийлиги, ўтмиш билан келгуси замон ўртасида кўприкни таъминлаш каби ғоят масъулиятли топшириқни Султон ан-Насавий зиммасига юклашга қарор қилди.

...Қароргоҳ соқчилари бошлиғи ан-Насавий ташриф буюрганлигини билдирар экан, Султон Жалолиддин „кираверсин“ ишорасини қилди ва унга яқинроқ ўтиришга изн берди. Султон жиддий гап бошлади: „Сизнинг менга нақадар садоқатда чексиз содиқ эканлигингизни биламан. Сиз фақат ақл ва билимингиз билан менга хизмат қилаётганингиз йўқ. Барча баҳодир жангчиларим қўлда қилич билан жон олиб, жон бераётган бўлсалар, сиз эса икки жанговар қурол — бир қўлда қалам, бир қўлингизда тиф ушлаб ёғийга қарши борлигингиз билан жанг қилмоқдасиз. Жангда ҳолдан тойган лашкар бир неча соатгина мизғиб, яна тонг отиши билан ўлим майдонига йўл оладилар. Сиз эса ухламай Ватан баҳодирларининг ёв билан бемисл олишувларини юрагингиз қони билан иншо қиласиз. Биламан, муаррихлик қисматингиз жуда оғир, бир саҳифаси шонли бўлса, бир саҳифаси қонли фожиаларни битиш вазифаси сизнинг зиммангиздадир. Не илож, бу яратганнинг тақдир синови, ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Қазойи қадар тақдир пешанамизга шу битикни раво кўрибдики, биз бундан нолимаймиз! Унга мардона ва пешвоз чиқаверамиз. Бизнинг олиб бораётган курашимиз, Ватан озодлиги йўлидаги

қон кечишимиз ор-номус учун курашувчиларга ибрат бўлиб қолиши зарур. Унинг бутун масъулияти сизга тушади. Чунки бу воқеалар ичида ўзингиз ҳар куни нафас оляпсиз. Қирғинлар гувоҳисиз, бошқа тарихчилар бошқалардан эшитганларини ёзсалар, сиз эса қирғин-барот нақ марказида воқеаларнинг фаол иштирокчисиз. Шундай экан, қаттол душман ҳам, улар бошлиғи Чингизхон ва унинг барча ўғил саркардалари-ю, довруқли нуён лашкарбошилари сиз билан юзма-юз турибди. Бу муаррихга катта имконият ҳамдир. Менинг истагим жаҳонни дўзахга айлантираётган шу ёғийлар, унга қарши ушбу балои қазони даф қилишни зиммасига олган Ватаннинг асл қоплону шерсифат фарзандларининг тенгсиз жангу жадалдаги мардлик ва жасоратга тўлиб-тошган бемисл қаҳрамонона курашидан кейинги авлодларимиз албатта хабардор бўлишлари керак. Бу ҳақиқатни етказиш ҳам сизнинг елкангизга тушади. Токи келажак ворисларимиз ўз бобокалон аждодлари тўғрисида гумонсирашларга бормасинлар. Уларда биз ҳақимизда бошқача фикр туғилмасин. Инсон фарзандлари бардош беролмайдиган жанг майдонида ўлимга тик боқиб, душманни танг аҳволга солиб келган бу жангчилар эртанги бўладиган ҳал қилувчи муҳорабада шаҳидлик шаробини ичадиган бўлишса, улар йиқилган жойларидаги икки метрлик абадийлик маконларида тинч ётсин, десак, бу ҳақиқат биздан кейинда қолувчиларга шу ҳолда етиши лозим. Кўришиб турибдики, эртага бўладиган жанг шер ва фаланглар олишуви бўлади.

...Биз ёвдан ҳеч қачон қочмадик, қўрқмаганмиз ҳам, куч йиғиш учун гоҳо чекиндик. Бироқ, ёвнинг енгилмаслиги ҳақидаги дунёга тарқатган ва тарқатилган ваҳима ҳамда ёлғонларини бир неча бор пучга чиқардик, уларни қиличимиз ўткир тифлари билан бир неча бор кесдик, қочишга мажбур қилдик. Унга путур етказдик ҳам. Ҳатто Чингизнинг даҳшатли саркардаларини Исфаҳон, Нисо, Қандаҳор ва Парвон жангларида мағлуб этиб, уларнинг бошини жанг майдонидан эгиб чиқиб кетишга мажбур қилдик. Буларнинг барчасига, аввало, Оллоҳ, Турон ва Хуросон аҳли, шунингдек, муаррих сифатида ўзингиз ҳам гувоҳ бўлдингиз. Йигитларимиз шердек олишдилар, уларнинг қанчасидан айрилдик ҳам, ватан учун кураш қурбонсиз бўлмайди, бироқ зарур бўлса, қолган барчамиз улус озодлиги учун сўнги нафасгача курашамиз. Ватан ор-номуси, шарафи йўлида жонимизни тикканмиз, аяйдиган нарсамиз йўқ. Эрта тонгдан бошланадиган жанг Шарқ дунёси тақдирини ҳал қилади. Елкамизга нафақат она-Ватан, балки бутун Ислом дунёси халқлари — биродарларимизни қулликдан омон сақлаб қолмоқ учун шарафли жанг бошлаймиз. Сизга вазифа шулким, шу жанг ниҳоясига етгунга қадар холислик камарини боғлаб, тарих ҳақиқатини олий-илоҳий ҳақиқат деб билиб, муҳораба то поёнига етгунга қадар асабингизни метин қилиб, қиёмат-қойим жанг қандай бошланиб, қандай тугашини ибтидосидан интиҳосига қадар қалб оташи билан ёзурсиз. Токи қиёматда кўришганимизда ҳам бир-биримиз билан виждонимиз қийналмай кўришайлик, келажак авлод олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлсин. Биз қазо фармони келган дамларда ўтиб кетамиз, фақат маънавий мулк бўлиб, келажакка ўтмишнинг жанговарлик саҳифаси бўлиб сиз битган тарих қолади. Аввало, Ватаннинг шерсифат ўғлонлари она заминга оёғини маҳкам тираб, тўфон ва балои қазо бўлиб ёпирилган душманнинг қайта ва қайта қилган адоқсиз ҳужумларига қарши кўкракларини сон-саноқсиз найза ва тифларга қалқон қилиб олишганларини ёзинг. Ғанимлар томонидан ёзилганлари бизга ғаразу аразга чулғаниб ёзилади. Келажак эл-улус уларни ўқиса, қалби ранжийди, озор чекади, эл-улус ҳақиқат тарихини ўқиса, руҳимиз шод бўлади, шунда гўримизда ҳам тинч ётамиз, устоз!”

„Сиздай Ватаннинг буюк ўғлони ва атрофингизни ўлимга тик боқиб ўраб турган баҳодирларингиздан ўлим ҳам чекинади, Султоним“, — дея ан-Насавий Жалолоддин Мангуберди кўнглига тасалли ва таскин бермоқчи бўлди. „Сиз ҳақсиз, устоз. Шунинг учун ҳам биз Чин-Мочин ва мўғул ҳудудларидан сафарбар этилган адоқсиз-у, сон-саноқсиз лашкарга қарши турибмиз. Эрта тонг саҳардан ўзингизга қулай жойни танланг. Бутун жанг майдони қафтдай кўриниб, назоратингизда турсин. Бу тенгсиз жангимиз келажак авлодга ёдгор бўлсин! Сизга Оллоҳдан сабр-бардош, қудрат қалами, тиниқ тафаккур ёр бўлсин!“ „Сизга ҳам зафар ёр бўлсин. Буюк салтанат қурган улўф боболарингиз руҳи мададкор бўлсин, Султоним!“ Буюк саркарда ва улўф муаррих бир-бирларини ана шундай алқаб, маҳкам бағирларига босиб, ярим тунда хайрлашдилар. Улар бир неча соатгина мизғиб олар-олмас, даҳшатли қирғинга чорловчи ногора, сурнай, карнай овозлари муҳораба майдонини эрта тонгданоқ босиб кетди. Муаррих ўз чодирни томон йўл олар экан, Чингизхон лашкари турган тарафга назар ташлади. Қарийб тўрт-беш чақирим кенгликка ёйилган ҳолатда худди тун қўйнидан чиққан юлдузлардек шимол, шарқ ва ғарб — уч томондан яримдоирасимон майдон бўйлаб мўғул аскарлари ёққан гулхан шуъласи кўзга яққол ташланар, бу олов гулханлари шунчалар кўп эдики, улар ёғий аскарлари сонининг адоқсизлигидан далолат берарди. Шуларни ўйлаган ан-Насавий Султон Жалолоддин учун олиб бориладиган бу жанг нақадар оғир бўлиши, Ватан ўғлонларининг қанчаси бутун охири тун уйқусини ухлаб, эртага жанг майдонида абадий уйқуга кетишларини кўз олдидан ўтказар экан, не иложки, бу тақдирдан узоқлашиш чораси йўқ. Улар Ватан учун фидо бўлиш қисмати билан туғилган, эсини танибдики, уруш-уруш ўйини билан ўсиб, қўлда шамшир билан жон берадиган мард ўғлонлардир. Улар синалган марду майдон йигитлар. Аммо душман қириб адо бўлмас даражада кўп. Йигитларимизнинг ҳар бирига хоқон жангчилари нечтадан тўғри келар экан? Бешта, ўн ёки ўн бешта. Бунақанги нотенг жангни дунё дунё бўлиб кўрмаган. Ахир мардлик ва жасоратнинг ҳам ўз чек-чегараси бор. Ишқилиб, Худо бу жасур фарзандларини ўз паноҳида асрасин. Жалолоддин Мангуберди лашкаридаги жангчиларнинг ярми ҳали чимилдиққа кирмаган, ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган бўз йигитлар. Бироқ, уларни Ватан жуда эрта — ўспирин йигитликда қўлига қилич, найза ва гурзи ушлашга ундади. Эрта шу гулларнинг ҳар бири ўнлаб ёғий жангчиларининг шамшир ва найзаларини кўкракларини қалқон қилиб тўсади, ўзлари ҳам хазонга айланади. Улар ҳақиқий даҳшатли қиёмат қайновида ажал билан рўбару турадилар, ... инсонлар нега бир-бирларини тиф билан ёриб, илма-тешик қиладилар. Шундоқ ҳам қисқа умрларини янада қисқартириб, қайчилаб ташлайдилар, пора-пора қиладилар. Инсонлар, эл-улуслар, халқлар қачон қирғиндан, ёвқарашликдан холи бўлиб, бир-бирига қучоқ очиб яшайдилар, қачон? Ана шу оғир хаёллар оғушида шундоқ ҳам қисқа тунда миясида ғужғон ўйнаб уйқу бермаётган саволларга жавоб излаб, мишжжа қоқмади. Эндигина кўзи уйқуга илинай деганда жангта икки томоннинг довул қоқиб чорловчи ҳарбий жанговар мусиқий дастаси даранг-дурунг, гумбур-гумбурларидан уйғониб кетган ан-Насавий Султон Жалолоддин айтган қулай жойга қоғоз ва қаламини кўтарганча чопиб борди. Бу жой жанг майдонидан четроқдаги баланд бир дўнглик бўлиб, у ердан ҳар икки томон тўқнашуви қафтдай кўриниб турар, жанглар боришини бор бўйи билан кузатишга қулай эди.

Улуғ тарихчи ёзув жиҳозларини апил-тапил тайёр қилди-да, Нилабдаги қиёмат бошланишини сабрсизлик билан кутди...

Томонларнинг мусиқачи ҳарбий дасталари бор кучи билан маҳоратларини намойиш этиб, лашкарларни жанговар сафга тизилишга қисталанг билан чорлар, овозлар, шовқин-

сурон билан қўшилиб тобора ваҳимали ва даҳшатли воқеалар бошланишига саноқли дақиқалар қолганлигидан огоҳ қилмоқда эди. Ўлимга чорловчи бу мусиқий овозга нафақат жангчилар, ҳатто уларнинг отлари ҳам жанг кўравериб ўрганиб, мослашиб қолган эдилар. Жанговар мусиқа чалина бошланиши билан улар ўт-ўлан ейишдан тўхтаб, ўз суворий жангчи хўжасини қидириб, олд оёқларини даст юқорига кўтариб кишнаиб бошлар, қулоқларини динг қилиб, мусиқа овозлари чалинаётган баландликка қараб безовталанар эдилар. Бу жониворлар ҳам жанговар ҳаракатларга ана шу тарзда мослашиб кетган бўлиб, ўз феъллари билан хонаки, тинч ҳаётдаги отлардан кескин фарқ қилган жанговар отлар эди. Ҳа, уруш инсонларнинг ҳам, жониворларнинг ҳам дийдасини қотириб, шафқатсиз майлдаги муносабатлар майдонида ўз қонун ва тартибларига бўйсундириб борувчи қудратли ҳодиса. Уруш талаби — қонсираш ва ёвсираш. Натижаси эса ё галаба, ёки мағлублик. Уруш ана шу икки ҳодисани эътироф этади. Шу воқеликка ўзининг аёвсиз муҳрини босади. Ана шу талабларга бўйсунган Нилаб майдони ҳам тўкилган қонлардан тўйиниб, ўз қурбонларини, сон-саноқсиз жасадларни ўз бағрига олишга шай турарди. Вақт чархпалаги тинимсиз айланиб, ана шу макон ва майдонда рўй берувчи қирғиннинг илоҳий гувоҳлари бўлмиш ўлим фаришталари гурсулаб ерга қулаётган таналардан жонини суғуриб олишларига шароит яратиб бермоқда. Арши аълодан Нилаб майдони томон шошган ўлим фаришталари жанг қурбонларига шахидлик насибасини улашишлари ва уларнинг абадиятдан ўрин оладиган рўйхатини яна самога кўтариб, буюрувчиси ва олам яратувчисига элтишлари лозим. Негаки, ердаги ҳеч бир нарса — хоҳ тинчлик, хоҳ уруш ҳодисаси бўлсин, тақдири азал олий қонунидан ташқарида рўй бермайди, унинг измида бўлади. Рухонийлик билан дунёвийлик орасидаги узвий боғланишлар моҳияти ҳам шундадир.

... Рақиб томонларнинг минглик ва туманлари ўз туғ ва лашкарий қисмлар байроқларини баланд кўтариб, белгиланган марраларни эгаллашга киришган. Қачондан буён Жалолиддин Мангуберди қўшинини пароканда қилиб, ўзини эса асир олиш мақсади билан ёнган Чингизхон ўз нуёнлари ва саркарда ўғилларига берган фармони ижросини интиқлик билан кутмоқда. Нилаб майдонига сизмай уфқ қадар ёйилиб, унинг қўшини шу бугуноқ хоқон орзуси ушалишини таъминлашга қатъий шай бўлиб туришибди.

Жалолиддин Мангубердини хоқон ҳузурига тирик тутиб келтирган ҳарбий бўлинманинг барча жангчилари Мўғул давлати ардоғида бўлиши, оила аъзолари билан солиқлардан умрбод озод қилиниши жар солиб эълон қилинган. Хуллас, Чингизхоннинг қўлидан бундай ёрлиқни олиш умиди 300 мингдан ортиқ қўшинда, ҳар бир туман лашкарий бўлинмаларида кучайгандан кучайган. Жалолиддин Мангубердининг боши учун тикилган бойлик миқдори шундоқ ҳам босқинчиликни касб даражасига кўтарган ҳар бир мўғул ва Хитой аскарлари ўртасида унга эга бўлиш ҳирсини кескин кучайтирди. Хоқон ва унинг давлати ардоғида бўлиш, бўлганда ҳам етти пушти келажагини таъминлашга эришиш илнжи мўғуллар ва чин-мочинликларда Жалолиддин қўшинининг гул ва қароргоҳ ҳимояси қисмларини бир ҳамлада янчиб ташлаш иштиёқини кучайтирган эди.

Султон Жалолиддинга Чингизхоннинг ҳужум тактикаси жуда яхши маълум, шу боис Темур Малик, Аминалмулк ва Харпўшт саркардаларига мудофаани жуда мустаҳкам ушлашни, бирон жойдан ёриб ўтишга йўл қўймасликни қайта-қайта уқтирди. Агар қарши ҳужум уюштириладиган бўлса, фақат Султоннинг буйруғи билан амалга оширилишини қатъий тайинлади.

## БАҲОДИРЛАРНИНГ ЖАНГОЛДИ ЯККАМА-ЯККА ОЛИШУВИ

Чингизхон ҳужумга интиқ бўлиб турган қўшинининг руҳини янада кўтариш учун ўрта асрлар уруш ва тўқнашувларида анъанага айланган — ҳар икки томон баҳодирларининг яккама-якка олишуви билан бошлашни маъқул деб топди. Бунда у ўзининг лашкари орасида қандай паҳлавонлар борлигини кўрсатиб, шу орқали жанг бошланишиданоқ ташаббусни Жалолиддин Мангубердидан тортиб олиб, маънавий-руҳий зарба беришдан бошлаб, сўнгра уни ялпи ҳужумга айлантириб юбормоқчи бўлди. Шунингдек, шу паҳлавон жангчисининг жанголди ғалабасидан завқ-шавқ олган ҳолда, юқори кайфият ва кўтаринкилик билан катта жангни бошқармоқни ният қилди. Негаки, хоқоннинг бош паҳлавони, баҳодир мўғул жангчиси яккама-якка жангларда ғолиб чиқиб, ғанимларнинг доврўқли баҳодирларини мағлуб қилиб, хоқони хурсандлигини доимо таъминлаб келган, ҳеч қачон мағлуб бўлиб, юзини ерга қаратмаган. Бутун қўшин ва рақиб лашкари олдида жанг қилиш, рақибни мағлуб этиш мўғул паҳлавонининг энг севимли курашига айланган эди. Хоқоннинг бош паҳлавони рақиблар томонининг не-не баҳодирларини, кўпинча, дастлабки ҳамладаёқ ё ўлдирар, ёхуд ярадор қилиб, ҳолсизланган жангчини ҳаш-паш дегунча бўйнига арқон отиб, ўлжасини чалаўлик ҳолатда хоқон оёғи остига олиб келиб ташлар, натижада, унинг жасоратидан жунбушга келган мўғул қўшини аждаҳо мисол тўлғаниб, ҳатто тоғлар ларзага келадиган ҳайқириқлар остида хоқон қўлини бигиз қилиб кўрсатган рақиб томон от солардилар. Чингизхон шу усули билан ғанимлари қўшинига руҳий зарба беришни ёқтирарди.

... Жалолиддин лашкари тарафга мўғул суворий жангчиларидан бири оқ байроқни кўтарганича елиб келди ва Султоннинг фул қўшини билан юзма-юз келиб тўхтади. У уйғур тилида туркийлар бир-бирини таржимонсиз тушунадиган ҳолатда: „Улуғ хоқонимиз жангни яккама-якка олишув билан бошлашни таклиф қилдилар. Агар рози бўлсангизлар жавобини ҳозироқ айтинглар. Шуни таъкидлайки, элчига ўлим йўқ. Хоқоннинг айтганини бажо келтиришга масъулман. Жалолиддин тарафдан ким чиқса чиқсин, бироқ ҳар қандай баҳодирини ўлимни бўйнига олиб майдонга чиқсин, ҳозирга қадар юзма-юз жангларда бирор марта мағлубият нималигини билмаган мўғул паҳлавон жангчиси Чин-Мочиннинг афсонавий баҳодиридир. Унинг кўтарган найзасини, унинг кўтарган гурзисини ўзидан бўлак бирор кучли жангчи кўтара олмайди. Жанг бошланиши белгиси сифатида уч бора довул урилади. Бонг чалинган, аввало, хоқон баҳодирини, сўнгра сизнинг томондан талабгор чиқиб бир-бирига ҳамла бошлайдилар. Яккама-якка жанг бошлашга юраги дов берадиган паҳлавонингизни жангга ҳозирланг“, дея мўғуллар хабаргири қандай тезликда келган бўлса, отининг жиловини орқага бурганича яна шу тезликда ўз лашкари томон от сурди. Шундан кейин зум ўтмай мўғуллар қўшини марказидан узун найза ва қалқон кўтарган, ҳамма ери тиф ўтмас совут ва зирҳга ўралган Чингизхон паҳлавони жанг майдони марказига шиддат билан гижинглаган тулпоридан кириб келди. Мўғул паҳлавонининг оти ҳам бундай жангларга ўрганиб қолганидан сувлигини чайнаганича рақиблар лашкари турган томонга ташланар, олд оёқлари гоҳ униси, гоҳ бунисида туёқлари билан тупроқни орқа тарафга бор кучи билан сачратар, мўғул суворий паҳлавонига зўр-базўр бўйсунар эди. Жанг майдони қоқ марказига келиб тўхтаган суворий жангчи оти жиловини маҳкам тортганича иккинчи қўлидаги узун найзасини боши узра шитоб билан чириллатиб айлантирар экан, у аввал бу билан барча

олдида ўз кучини кўз-кўз қилиб, Жалолиддин Мангуберди лашкари томондан чиқадиган рақиб паҳлавони юрагига руҳий гулгула солмоқчи бўлаётгани ҳам айна ҳақиқат эди. Бу паҳлавон хоқоннинг шахсий қўриқчиси ва мингбошиларидан бўлиб, номи Жалма эди. Чингизхон унинг жангларида доимий ғалаба қилишига ишониб, ўрганиб ҳам қолган эди. Бу сафар ҳам шундай бўлишига қаттиқ ишонарди. Унинг курашидан хоқон жанг олдидан завқ олар, ғалабасидан боши осмонга етиб, сўнгра қирғин жангга кўтаринки кайфиятда буйруқ берарди. Бу жанг олдидан ташаббусни тортиб олишнинг хоқон учун синалган усулларидан бири эди.

... Чингизхон яккама-якка жангни истабдими, Жалолиддин Мангуберди бу таклифни албатта қабул қилади. Жалолиддин Мангубердининг ўзига қолганида битта ўзи Чингизхоннинг тўрт ўғли билан (Жўжи, Ўқтой, Чифатой ва Тўли) жангга бемалол чиқарди. Бунга бирор шубҳа ва гумон йўқ. Шундан олти йил кейин гуржиларнинг енгилмас баҳодирлари билан яккама-якка ўзи жангга чиқиб, барча гуржи баҳодир жангчилари устидан ғолиб келганига томонларнинг юз мингдан ортиқ жангчиси гувоҳ бўлганига мозий шохид бўлганди. Агар шу олишувига мўғул баҳодирининг жангталаб бўлиб майдонда туришидан ҳадиксирайдиган бўлса, Султон баҳодирларидан бирортаси таҳдидга тушиб заррача иккиланса, ўртада баҳайбат мўғул баҳодирлари билан жангга ўзи чиқишини кўнглидан ўтказиб қўйди. Жалолиддин хоқон ўғилларининг барчасини талаб қилиб, юзма-юз жангга чорлагани билан бунга нафақат Чингизхоннинг, балки тўртовлон фарзандларининг ҳам юраклари дов беролмайди. Султон Жалолиддин Мангуберди мўғулчалаб бир нималар деб ҳаволаниб, майдонда найзаси билан турли ҳужум ва руҳий таҳдид усулларини намойиш қилиб, рақиб томонни жангга чорлаётган Жалмага қарши ким кураш майдонига талабгорлигини билиш мақсадида қўшинига юзланиб: „Хоразмшоҳлар юртининг шеру шикор баҳодирларидан мўғул паҳлавонига қарши ким майдонга тушади?“ Гул қўшиндаги юзлаб баҳодирлар мўғул паҳлавонига қарши жангга тайёрлигини билдириб, найза, қилич ва қалқонларини юқорига кўтариб, „Мен, мен, мени йўланг, Султоним“ дея ҳайқиради. Жалолиддин ҳайқираётган бу мард жангчиларининг кўпчилигини яхши танир, улар деярли барча жангларида ё ўнг, ё худ сўл қанотдан туриб Жалолиддинни ҳимоя қилиб, жанг қилувчи забардаст жангчилар эдилар. Уларнинг барчаси бир-биридан моҳир, жанг санъатини мукамал эгаллаган баҳодирлар бўлиб, фавқулодда вазиятларда уларнинг ҳар бири душманнинг бир неча жангчиси йўлини тўсиб турадиган маҳорат соҳиби эдилар. Улар орасидан яқинда бўлиб ўтган Парвондаги даҳшатли жангга бемисл қаҳрамонлик кўрсатган Жалолиддин Мангубердининг сараланган қисмида хизмат ўтаётган суворий жангчи Маҳмудбийга Султон юзланиб, унга ишонч билдирди. Парвондаги муҳорабадаги мардлиги учун буюк саркарданинг ўзи унга миннатдорчилик изҳор қилиб, шох қўлидан тилла дастали қилич олишга сазовор бўлган эди. Жуда бақувват ва чайир бўлган маҳсус қисм жангчиси оддий аскарликдан шу қисмнинг юзбоши даражасига кўтарилган бўлиб, у шахсан Султоннинг назарига тушган эди. Жалолиддин Мангуберди Маҳмудбийга кучли от беришни буюрди. Ҳарбий саркардалардан Харпўшт дарҳол отининг жиловини унга тутқазди. Султон ундан қай бир қурол билан жанг қилиш мақбуллигини сўрайди. У ота-боболаридан мерос гурзиси билан жанг қилишини билдиради. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди унинг елкасига қўлини қўйиб: „Зафар сенга ёр бўлсин, Маҳмудбий! Лашкарга руҳий мадад бериш сенинг жангингга боғлиқ. Майдондан сафимизга яна ғолиб бўлиб қайтишингни тилаб қоламиз. Албатта, бу олишувдан тирик қайтишинг шарт!“ „Худо хоҳласа, сиз айтгандай

бўлади, Султоним. Ҳузурингизга, албатта, тирик қайтаман, — дея ишонч билан таъкидлади Маҳмудбий. — Ҳар аҳтимол менга арқон ҳам керак бўлар,“ дейди паҳлавон жангчи. Султон уни дарров тушунди, айтгани тез бажарилди. Учи сиртмоқ қилинган ўн метрлар чамаси узунликдаги арқон ҳам берилди. Сўнгра бутун лашкар дуога қўл очди: „Олу олдирма, йигит, Худонинг ўзи юзингни ёруғ қилсин, голиб бўлиб қайт! Илоҳо омин! Оллоҳу акбар!“ Минглаб лашкарнинг майдонни тўлдирган ҳайқириғи ва дуои фотиҳаси остида Маҳмудбий баҳайбат рақиб паҳлавони сари от солди. Ҳар икки томон полвон суворийси бир-бирига ғазаб ва нафрат билан юзландилар. Жалма узун найзасини олдинга ўқталганча ҳужум бошлади. Маҳмудбий ҳам ўзининг гурзисини шахт юқори кўтарганча аламзадалик ва қаҳр билан рақибини кутиб олиб, қарши зарба бериш сари шайланди. Шиддат билан келаётган ҳужумни даф қилиш учун маҳорат ва катта куч керак. Маҳмудбийнинг нақ кўкрагига тўғрилланган найза ё ўнг, ёки чап томонга чаптастик билан ўтказиб юборилмаса барчаси тамом. Маҳмудбий лаҳзалар ичида кабобга тайёрланган парча гўштдек душман найзасига сихланади. Лаҳзалардаги хатолик ҳалокатга олиб келади. Ҳар икки тулпор тезлиги масофани ақл билан ўйлаб ҳисоблашга имкон бермайди. Ўқ тезлигидаги Жалма найзасини шундай буриб юбориш керакки, Маҳмудбий қалқонига тегар-тегмас ҳолатда унинг уддасидан чиқиш керак. Бу тезлик ҳисобини қалбан ва руҳан англаб, сўнгра барча кучни гурзи ушлаган қўлига тўплаб, биринчи ҳужумни даф этиш, сўнгра яшин тезлигида бир вақтнинг ўзида иложи бўлса рақиб қалқонини пачақлаб, ҳеч бўлмаганда душман баҳодирига тан жароҳати етказиб, ярадор қилиш зарур. Бутун вужуди билан жангга кирган Маҳмудбий шу режани амалга оширишни асосий вазифа деб билган ҳолда олға интилди. Майдонда сув қўйгандек жимлик, сукунат ҳукм сурарди. Гуё майдонда шу икки баҳодир жангчидан бошқа ҳеч бир жонзот йўқдек. Ниҳоят, тош-тошга урилганидек, икки жангчи суворий тўқнашди. Маҳмудбий тезкорлик билан кўкрагини нишонга олган найза йўналишини ўзгартиришга муваффақ бўлди-да, зум ўтмаёқ гурзини шитоб билан кўтариб, Жалманинг бошини нишонга олди, энди душмanning найзаси иш беролмайди. Унинг ягона ҳимоячиси қалқон, ҳимоя қилишга киришган рақиб ўзини қалқон панасига олишдан ўзга чораси қолмади. Маҳмудбий туширган оғир зарба кучидан Жалманинг боши ҳимояланди. Аммо қалқон бир томонга оғиб кетиши боис, гурзи зарби ярим очилиб қолган Жалманинг ўнг елкасига анча зарар етказди. У найзани айнан шу тарафдан маҳкам сиқиб ушларди. Жалма бу зарбдан чайқалиб кетди-ю, бироқ йиқилмади. Аммо, унинг найза билан берадиган зарбалари Маҳмудбий учун энди аввалгидек ўлим хавфини турдира олмайди. Шундай қилиб ташаббусни илк тўқнашувдаёқ ўз томонига оғдиришга эришган Маҳмудбий энди ҳужумкор жангни олиб бориш имкониятига эга бўлди. Жалма ўзини ўнглаб олиш учун отига қамчи урганча Маҳмудбийдан узоқлашди. Унинг кўриниши ва ҳаракатларидан оғриқ азоб бераётгани, жангдан ҳафсаласи пир бўлиб, қаршисида даҳшатли рақиб, муносиб баҳодир турганини англади. Бироқ номус, ор уни яна олдинга ундади. „Майдонга чиққан мард манглайини қашламас“ деган удумга бўйсуниб, бор кучи, вужуди билан иккинчи ҳужумини бошлади. Бироқ, бу ҳужум биринчи ҳужумдек ваҳима ва важоҳатли чиқмади, чорасизликдан қилинган ҳаракат бўлди. Маҳмудбий бу ҳужумни қийинчиликсиз қайтарди. Энди рақиб томонларнинг ҳар икки лашкари Хоразмшоҳ паҳлавони голиб бўлишига шубҳа қилмасди. Жанг майдонларида неча баҳодирларни найзасига сихлаган Жалма ҳолдан тойиб, тобора ҳолсизланиб борар экан, энди унга оғир найзаси ҳам иш бермай қўйди, шиддатли олишувда Маҳмудбий



зарбидан ғаним найзаси қўлидан чиқиб кетдимиз ёки уни кўтаришга мадори қолмадимиз, буни кузатиб турганлар ҳам англамай қолдилар. Бундан бир неча дақиқа олдин майдонни ларзага келтириб турган Жалманинг найзаси ерда ётар, ўзи эса қалқон паноҳида зўрға ҳимояланар, бу ҳимоя воситаси ҳам тешилиб, қийшайиб, қалқон дегулик кўриниши қолмаган эди, аксинча, Маҳмудбий унинг кўзини очишга имкон бермай, гурзи зарбалари ёмғирини кучайтирарди, ниҳоят мўлжаллаб урилган ҳал қилувчи зарба олишув тақдирига яқун ясади. Ҳолсизланган Жалма бирданига мункайиб, ағдарилиб тушмаслик учун эгарни чангаллаб олди. Бундан фойдаланган Маҳмудбий учи эгарга маҳкам боғланган арқоннинг сиртмоқ томонини Жалманинг боши узра отди. Сиртмоқ Жалманинг бўйнига аниқ нишон билан тушди. Маҳмудбий ўлжа олинган чалаўлик ҳолатидаги Жалмани отига судратганича Жалолиддин Мангуберди турган фул қўшини томон елди. Ҳамма ёғи пачақ, юзлари шилиниб кетган Жалма жасад ҳолатида қизил қонига бўялганича ачинарли бир аҳволда ётарди. Султон олдига етиб келган Маҳмудбий „Жанголни совғамни қабул қилинг“, дея отдан чаққонлик билан тушиб, Жалолиддин Мангубердига таъзим қилди.

Султон: „Маҳмудбий баҳодирга шон-шарафлар бўлсин!“ дейиши билан майдонни олқишлар овози босиб кетди. „Офарин, ботир йигит, қойил, отанга раҳмат, ота ўғил! Баракалла ўғлон!“ Нилаб бу қувонч ҳайқириқларидан ларзага келди.

## НИЛАБДА ҚИЁМАТ ЖАНГ БОШЛАНДИ

Улар тенгсиз ботирлар эди,  
Ҳар бирининг сийнаси  
Пўлатдек мустаҳкам,  
Тошдан ҳам метин эди!  
Уларга на дубулға, на совут эди даркор,  
Уларнинг мардлигига ғалаба эди ёр.

(Қадимий ёзишмалардан)

Ниҳоят, ҳар икки томоннинг жангга чақирувчи юзлаб довуллари чалиниб, ғанимларни жанг ва ўлим майдонига чорлади. Аламзада ва дарғазаблик отига минган Чингизхон бирданига уч йўналишда марказ, чап ва ўнг қанот жанговар туманларини ҳаракатга келтирди. Ҳоқон қарийб ўттиз мингча мерган камончиларга Жалолиддин лашкари устига ўқ ёмғирини ёрдиришга буйруқ берди. Осмонда сон-саноксиз ўқлар визиллаб учди. „Қалин қилиб тўқилган шох-шабба тўсиқлари ва қалқонлар билан мустаҳкам ҳимоя қилинсин“, дея буюрди барча саркардаларига Султон Жалолиддин. Чамаси 20 — 30 дақиқа қуёш юзини тўсган камон ўқлари Жалолиддин Мангуберди лашкарини тинимсиз ўққа тутди. Жалолиддин Мангуберди камончиларига ҳоқоннинг суворийлари ҳужум бошлаган пайтда яқинроқ масофа қолганидагина аниқ нишон билан ўққа тутишни топширди. Ниҳоят камончилар мўғул суворийларига йўл бўшатиб четландилар. Ҳоқон олдинги сафдаги уч туманни бир йўла жангга киритди. Чингизхон жангнинг бутун боришини кузатиб, назорат қилиб туриш учун Нилаб майдони кафтдек кўриниб тирадиган жойга баланд қилиб кабаргоҳини қурдирган эди. Бу билан вазиятга қараб

жангни бошқаришга қулай бўлишини таъминласа, иккинчи тарафдан эса Жалолиддин Мангубердининг ўзи ва қўшинининг фавқулодда қарши ҳаракатларидан хабардор бўлиб, уни тўхтатишнинг чораларини ўз вақтида кўриш, қўшинидаги юз бериши мумкин бўлган ўпирилишлар олдини олишни ҳам режалаштирган эди. Буни ҳисобга олган тажрибали хоқон қароргоҳи орқасида катта захира ҳам ҳозирлаб қўйди.

... Жалолиддин гул қўшин олдида турар экан, пиёда қўшинга айлантилган лашкарига қатъий тартибни сақлаб, совуққонлик билан ҳужумни қайтаришга буйруқ бериб, олмос қиличини филофидан ғазаб билан суғурди. Султоннинг қиличи юқори кўтарилганлигини кўрган жангчилар қуюндай ёпирилиб келаётган мўғул отлиқлари ҳужумини қайтаришга шайландилар. Ана шу тарзда қиёмат-қирғин Нилаб жанги бошланиб кетди. Мўғул қўшинининг отлиқ қисмлари довул бўлиб ёпирилиб келарди. Қўшиннинг олд қисми Жалолиддиннинг гул қисмига яқинлашиб қолиши билан Султон камончиларга „бошланг“ ишорасини қилди. Яқин масофа бўлгани учун камон ўқлари мўғул суворийларини аниқлик билан нишонга олиб, уларни тутдек тўқдилар. Улар жангнинг илк қурбонлари бўлдилар. Ярадорлар ерга ағдарилганича типирчилаб ётардилар. Жанг майдонида бирданига таниб бўлмас тўс-тўполон ҳукмронлиги юз берди.

Жалолиддин Мангуберди барча қўшинига ерга ташлаб қўйилган узун дастали найзалардан тиф девори ҳосил қилиб, душман суворийларини қириб ташлашга буйруқ берди. Ўқ-ёйдан омон қолган мўғуллар Жалолиддин Мангубердининг гул қўшинига келиб тўқнашдилар. Сўнгра гул қўшинни ўнг тарафдан ҳимоя қилаётган саркарда Темур Малик, чап қанот ҳимоячиси саркарда Аминалмулк ва сардор Харпўшт, Жаҳон Паҳлавон сардор ҳам ўз лашкарий қисмларини жангга киритдилар. Бу қирғин-қиёмат жангни само ҳам кўтаролмагандек, бирдан қуёш юзини яшириб, изғирин шамол турди, сўнгра ёмғирга айлана бошлади. Бу ўткир қилич ва найзалар зарбидан жон бераётганлар учун табиат ҳам бардош беролмай тўкаётган кўз ёшларнинг мотамсаролик белгисидир, балки. Унинг сири фақат Парвардигор измидадир. Агар ёмғир ёмганида отлиқлар ва пиёдалар тўс-тўполонидан кўтарилган чангдан нафас олиб бўлмайдиган ҳолат содир бўларди.

Мўғуллар бошлаган ҳужумнинг илк босқичидаёқ катта талафотлар берилаётганлигини кўрган Субутой сипоҳсолар сифатида хоқоннинг асабий ҳолатини кўриб: „Хоқоним, кейинги туманларни бирин-кетин жангга солмасак, ҳужумга биринчи бўлиб ташлаган суворийларингизнинг барчаси қирилиб кетади. Рухсат этинг, иккинчи сафдаги бешта туман, улар 50 минг жангчи, ҳужумга биринчи бўлиб ташланганларни ҳимояга олиб жангга кирсин“. Хоқон Субутойга ўта айёр кўзларини яримқисганича: „Сен нима деб ўйловдинг, улар ҳам, кейинги жангга йўлламоқчи бўлган беш туман ҳам мардона ўладилар, Жалол қўшинининг тинкасини қуришиб ўладилар. Улар шу тахлитда ўлиб кетмай, ғалабани таъминлаб кетадилар, бир оз сабр қил“. Сўнгра жанговар саркардасига: „Субутой, очиги, сен билан қанча жанг кўрдик, бироқ, Жалолнинг қўшинидек ботир жангчиларни кўрмадик. Ана, қара, улар чинакам баҳодирлар“, деди олтин сопли қамчисини Жалолиддин жанг қилаётган гул қўшин тарафга йўналтириб. „Ҳа“, дейди, машҳур лашкарбошиси Субутой хоқоннинг сўзини маъқуллаб, „Яхшиямки, Султоннинг қўшини бизнинг қўшинимиз олдида ёмғирдан томчи, акс ҳолда аҳволимиз нима бўларди. Буни Кўк тангридан ўзга ҳеч ким билмасди. Яхшиям ўз вақтида Чин-Мочинни эгаллаб, бемисл аскар тузиб қолганимиз“. Бу пайтда Жалолиддин Мангуберди лашкари чекинишни ўйламай, олдинга ташланаётган мўғулларнинг сийраклашиб қолган қисмини

қириб ташлаётган эди. Чингизхон бу ҳолатдан ичини ит тирнаётган бўлса-да, сафдаги дўсти олдида ўзини вазмин тутишга уринди. Ниҳоят Субутоғ баҳодир хоқондан бешта туманни жангга киритишга рухсат олди. Жангнинг иккинчи навбатида 50 минг мўғул лашкари ҳужумга ўтди. Жанг энди янада қизгин паллага кирди. Жалололдин Мангуберди бу сел оқими бўлиб келаётган мўғулларнинг навбатдаги ҳужумини қайтариш учун олмос қиличини ҳавода ўйнатиб, барчани қарши ҳужумга бошлади. Зич бўлиб, ёяндоз ҳолатни мустаҳкам сақлашни, мўғуллар ҳийлаларидан сақланишни қайта-қайта ўқтириб, жанг яловини янада баландроқ кўтарди. Мўғулларнинг навбатдаги иккинчи ҳужуми мустаҳкам қояга урилгандек Жалололдиннинг ғул қўшинига урилиб тўхтади. Ҳар икки томон аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Қарама-қарши томон жангчиларининг ўрхо-ур бақриқ-чақриғи, отларнинг ё эгасини йўқотиб, ё найза ва оғриқ зарбидан кишнашлари боис жанг майдонида мислсиз, инсон ақли бовар қилиб бўлмас манзара юз бермоқда эди. Улуғ олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбек забардаст муаррих сифатида ўзининг „Тўрт улус тарихи“ асарида Нилаб жанги бошланишини қуйидагича тасвирлайди: „Тонггача ёруғлик кундуз юзидан ёғилиб, субҳнинг оқ сути уфқлар сийнасидан тошиб чиққан пайтда етиб келиб, Султон Жалололдин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ орқасидан етишди ва тўхтовсиз жангга киришди. Хоқон ўз атрофига шундай лашкар йиғдики, дарё ўқ, аскарлар эса камон эди (Мирзо Улуғбек мўғуллар лашкари сон-саноксиз эди демоқчи) ва Султон Жалололдин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзини сув-олов ўртасида кўрди, чунончи, бир тарафида кескир қиличлар олов сочарди, бошқа тарафидан эса ютағон дарё оқарди. Ҳеч бир томондан чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди. Ноилож жангга киришди. Баҳодирлик отини кураш майдонига солиб, тотор-кофирлардан кўпини ҳалокат тупроғига қориди. Жалололдин Мангуберди, улуғ мутафаккир Мирзо Улуғбек тўғри келтириб ўтганидек, ҳад-ҳисоби бўлмаган, уммондек чексизликка ёйилиб кетган лашкарий қисмларни хоқон бирин-сирин жангга йўллаш билан, то қоронғу зулмат заминга сепини ёйгунча банд бўлди. Агар аввалда хоқон Жалололдин Мангуберди жасоратини ўз қўмондонлари таассуротлари орқали эшитган бўлса, энди Султон Жалололдиннинг қандай баҳодирлик майлда жанг қилаётганлигини аниқ илғайдиган ҳолатда ўз кўзлари билан кўриб, ёшлиқдан жанг майдонида суяги қотган жангчи сифатида бир томондан ҳавас қилса, бошқа тарафдан унинг ҳукмдорлик мақсадларининг рўёбга чиқишини кечиктираётганлигидан ҳасади ичига сиғмас, нафрат оташи алангаланиб борарди.

Жалололдин Мангуберди ғул қисмида мўғул баҳодирларининг шиддатли ҳужумини тўхтатишда, аввало, ўзи намуна бўлди. Қайси рақиб Жалололдинни асир олиб хоқонига ўлжа сифатида топшироқчи бўлиб аламзадалик билан унга ташланар экан, ўша мўғул ёки Чин-Мочин баҳодир жангчиси ажал шаробини ичиб, Султоннинг олмос ва Дамашқ пўлати аралашмасидан қўшиб ишланган қиличи тиғидан юмшоқ новда кесилгандек кесилди, боши сапчадек узилди. Тинимсиз ўнгу сўлга серпалаётган, шамширидан совут, қалқон ва тиғларга зарб билан урилаётган Султон қиличидан учқун сачраб, юзлаб газанда мўғуллар жаҳаннам қаърига равона бўлдилар. Ёвга бемисл нафрат, Ватани ва халқига бўлган садоқат унга бемисл куч ва ғайрат бағишлаб, уни жанг майдонининг буюк қаҳрамонига, шерлар шерига айлантирди. Тарихда абадий қоладиган шон-шараф жангини мардлик ва жасоратда тенгсизлик саҳифалари билан безаб ташлади.

Забардаст саркардалар Темур Малик, Аминалмулк ҳам мардлик намуналарини кўрсатиб, мўғулларнинг на ўнг ва на чап қанотдан ёриб ўтишларига йўл қўймадилар.

Жанг Чингизхон ўйлаганчалик мазза қилиб томоша қиладиган, Жалолиддин Мангуберди ва унинг жангчиларининг биринчи кунийёқ ҳолига воё бўладиган қора кунли ҳолат содир бўлмади. Хоқоннинг жангга юборган лашкарий қисмлари ва туманлари тоғ қоясига урилгандек парчаланди. Улар хоқон кўзи олдида қиймаланиб ётар, уларнинг орасида оғриқнинг кучли зарбидан жон беролмай, икки дунё аросати орасида турганлари ҳам минглаб эдилар. Эрта тонгда Чингизхон лашкарларининг олдинги сафини тўлдириб турган мўғуллар Нилаб майдонида бошсиз, оёқсиз ва қўлсиз даҳшатли кўринишда аралаш-қуралаш бўлиб ётарди. Думалаб ётган каллалар ва одам танаси бўлакларидан ҳосил бўлган дўнглик ва тепаликларни кўрган инсон бу ерда ажал водийси ҳукмронлик қилаётганлигига ишонч ҳосил қиларди. Иккинчи навбатдаги жўнатилган туманларнинг мисоли беда ўрилгандек қирилиб кетаётганлигини кўрган Чингизхоннинг ўғиллари Жўжи, Чиватой, Ўқтойлар бардош беролмай, хоқонга бараварига мурожаат қилишди: „Улуф хоқонимиз, ота, биз ўғилларингизга ҳам рухсат беринг. Акс ҳолда ўша жўнатган беш туманингиз мутлақ қирилиб кетади. Салдан кейин улардан бирорта тирик жон қолмайди. Бизни жангга киритинг. Ота, ўғиниб сўраймиз, бизни жангга ташланг!“ Уларга Субутой ва Жаба ҳамда Жемуха каби йирик сарҳанглар ҳам қўшилиб, Чингизхондан жангга рухсат берилишини сўрадилар. Ўз сафдошларининг ўлимини четдан туриб кузатишларига сабр-бардоши қолмаган бу саркардаларнинг руҳий зўриқиши ҳаддан ошиб, асаблари ўзларига асло бўйсунмаётган эди. Авзойи бузилган Чингизхон жанг майдонига тикилганича навбатдаги жангталаб бўлиб турган саркардаларига рухсат бермай, юзлари даҳшатли қиёфада жангнинг боришини асабий кузатишда давом қилди. На ўғиллари, на Бош сипоҳсолар Субутой ва унинг сафдош саркардалари жангга рухсат сўрашга энди ботинолмадилар. Улар ҳам жимликни сақлашни маъқул топишди. Негаки, жанг пайти бошқарув жараёнидаги хоқон феълени улар яхши билардилар. У ғазаб отига минган пайтда ортиқча ёки ўринсиз ҳаракат қилиш яхшилиқка олиб келмасди. Хоқон бу пайтда заҳар сочишга тайёр турган илонга ўхшарди. Ҳатто энг яқинларига ҳам.

Шу тобда Нилабдаги қиёмат жангнинг биринчи куни ҳам тугай деб қолди. Халқоб бўлган қонлар, жасадлардан ҳосил бўлган ўликлар хирмони, тепаликлар, ҳамма ёқда сочилиб ётган жасад парчаларини кўришдан чарчаган қуёш тезроқ бу заминдан узоқлашиб, машриқ заминдан мағриб замин томонга йўналиб, бу ўлим майдонини зулмат олами пардаси билан ёпишга шошилди. Эртадан кечгача давом этган Нилабдаги жангнинг биринчи куни ана шу тарзда поёнига етди. Фаним томонлар бир-биридан ғазаб ва нафрат оловини сочган ҳолда ажрала бошладилар. Яхшиямки, қирғинни бир оз бўлса-да кечиктириб туришга ёрдам берувчи тун бор.

... Силжитиб бўлмас метин тоғдек ёяндоз усули билан мудофаа жангини олиб борган Жалолиддин Мангуберди лашкарий қисмлари ҳам жанг тугаганлигини билдирувчи бурғуларини чалдириб, ўз қароргоҳ ва жангчилар учун қурилган чодирлари томон алам билан қайтдилар. Буюк саркардани жанг давомида кўрилган талафот, ўлган ва ярадорлар сони қизиқтирди. Эртага бўладиган жанг учун бу маълумот жуда муҳим эди. Шунингдек, биринчи кунги жангда Султон Жалолиддин Чингизхон қўшини ҳужумига қарши қўллаган ҳарбий тактикаси энг тўғри йўл эканлиги яна бир қарра ўз исботини топди. Агар шу мудофаа усули қўлланилмаганида дастлабки ҳужумдаёқ Жалолиддин Мангубердининг кам сонли қўшини пароканда бўлиб, шу куннинг ўзидаёқ кечга етмасдан Султон қўшини қириб ташланган бўлар, натижада Султоннинг бу кураши на Ватан, на жаҳон тарихида буюк жанг сифатида тилга олинмас, саркарданинг ўзи ҳам

мозийнинг улуф саркардалари қаторида турмаган ва тарихнинг шонли ва шавкатли саҳифасидан жой олмаган бўлур эди. Жалолиддин ушбу усули билан жаҳон ҳарбий санъати илми ва амалиётига илк бора янгилик киритди. Жаҳоннинг йирик саркарда ва тарихчилари бу ҳарбий усулни эътироф қилдилар.

Жалолиддин Мангуберди Нилаб майдонида олдинги сафда туриб ўлимдан заррача қўрқмади ва ҳайиқмади. Негаки, мардлар бир марта ўладилар, номардлар юз марта, минг марта ўладилар. Жалолиддинга эса қўрқув ҳам ёт тушунча. Аммо унинг юрак-бағрини илондек кемираётган нарса бу Ватан, улус тақдири эди. Унга ҳар бир жангчининг ҳаёти шу дамларда сув билан ҳаводек қадрли, негаки, уларнинг биттаси жанг майдонида қуласа, Жалолиддин юрагининг бир парчаси узилиш билан баробар эди. Унга йиқилган баҳодир ўрнини тўлдирадиган жангчи келиб қўшилмас, Чингизхон лашкарига ўхшаб биттаси жон берса, орқа захирада унинг ўрнига ўнта жангчи тайёр бўлиб турмаган эди. Бу муаммонинг энг қалтис ва оғир тарафи эди. Не илож!

Ҳатто ярадор жангчи агар қилич ушлашга қодир, ёнидаги соғлом жангчига суяниб бўлса-да, сафни тўлдириб туришдан бошқа чораси йўқ эди. Жалолиддин Мангуберди жангда баҳодирларнинг шу зайлда жанг қилаётганлигини кўриб, саркарда ва инсон сифатидаги тошдан қаттиқ метин иродаси қаттиқ азобланди. Улардан қанчаси кўзи олдида душманга қоплондек ташланиб, уларнинг бўғзини кесди, ҳар бири бир гуруҳ мўғулнинг йўлини тўсиб чиқди, мардларча олишиб жон берди.

Эртага бўладиган жанг бундан оғир, бундан-да даҳшатли тус олади. Султон инсон зоти бардош бериши қийин бўлган, Синд дарёсида сув ўрнига қон оқадиган ақл бовар қилмас ҳодисанинг олдинги сафида туради. Султонлик гурури ва саркардалиқ қудрати нималарга қодирлигини ўз баҳодирлари билан навбатдаги жангларда, эрта-индин давом этадиган жангларда кўрсатади. Душманлари нақ юрагида қўрқув, ҳасрат ва ҳасад туйғусини уйғотади. У Ватан, Турон замин ва халқи куч-қудрати тимсолида намоён бўлади. Мўғуллар бу юрт қандай арслонсифат йигитлар макони эканлигини билсинлар, юзма-юз жангда эътироф этсинлар.

... Жалолиддин Мангуберди ўз хабаргирларини саркарда ва сарҳанглари соғомонлигини билиб келиш, уларни эртага бўладиган жанг режасини муҳокама қилиш учун жўнатди. Сал ўтмай Темур Малик, Аминалмулк ва Харпўшт ҳамда Жаҳон Паҳлавон Султон қароргоҳига кириб келишди. Султон Жалолиддин уларнинг ҳар бирини бағрига босди ва кўрсатган бемисл жасоратлари учун офаринлар айтди, алқади ва шахсий миннатдорчилигини билдирди. Сўнгра уларни ўтиришга таклиф қилиб, шахидлар шарафига дуога қўл очдилар. Султон Жалолиддин ярадор жангчиларга табиблар, ошпазлар яхши қарашни, уларни мумкин қадар хавфсизроқ жойларга жойлаштириб, қўлдан келган шароит ва ёрдам уюштиришни уқтирди. Бундай шароит аслида йўқ эди ҳам. Фақат мавжуд имкониятлар ишга солинди, холос.

Сўнгра мақсадга қўчилиб, душманнинг қутуриб қилган ҳужумлари қайтарилибгина қолмай, уларнинг йирик кучлари қириб ташланганлиги, аммо ҳали олдинда энг оғир жанглар турганлиги, эртага бошланадиган навбатдаги ҳужумда Чингизхон қандай кучларни сафарбар этиши, агар асосий зарбани марказдан бошласа, Султон Жалолиддин ўнг ва чап қанот қисмлари, фул қисми бараварига, чап ва ўнг қанот қўмондонлари қандай ҳаракат қилишлари таҳлил этилди. Борди-ю хоқон фул, чап ва ўнг қанот қисм устига бирваракайига юз-юз элик минглик қўшинни ташласа, унга бардош беришнинг энг мақбул йўллари ҳар томонлама муҳокама қилинди. „Хуллас, хоқон эртага майдонни

оташ ва жаҳаннамнинг бир қисмига айлантириши муқаррар. Бизга ҳеч қаердан, ҳеч қандай ёрдам йўқ! Ҳар бир жангчимиз мўғулнинг камида беш-ўнта жангчиси билан олишуви муқаррар. Мадад Оллоҳдан, марду майдон бўлиб оёқни заминга маҳкам тираб жанг қилиш биздан. Ҳаммамизни парвардигор ўз паноҳида асрасин. Бир-биримизга шу ҳолатда, эртага бошланадиган жангдан кейин соғу саломат дийдор кўришиш насиб қилсин“, дея саркардаларига рухсат берди Султон. Бирпасгина мизғиб олар-олмас саркарда ўрнидан турганида ҳали уфқ қизармаган эди.

... Ниҳоят яна тонг отиб Нилаб узра жанг сурони чалинди. Чингизхон жангнинг иккинчи куни муҳораба турларини эрта кўтаришга киришди, унга қарши Жалолиддин Мангуберди ҳам лашкарни дарҳол оёққа турғазди. Худди катта тўй тараддудидек рақиб лашкарлари ҳарбий мусиқий дасталарининг жангга чорлови остида барчаси бор кучи билан сафга тизилар, ҳарб мусиқа қисм ва дасталарининг жанг бошланаётганлигидан огоҳлантирувчи овозлари майдонни тутарди. То икки тарафнинг лашкари аралаш-қуралаш бўлиб кетгунча ноғора, сурнай, карнай ва бурғулар овозлари Нилабда янграб турди.

Хоразмнинг қуролсоз уста-хунармандлари Шарқда биринчилардан бўлиб энг мустаҳкам ва кийишга қулай совутларни ясаб ҳали милоддан аввалги IV асрлардаёқ Искандар Зулқарнайн диққатини жалб қилган эдилар. Шунингдек, оғир ўқ-ёйлар ҳам сифатли ясалган бўлиб, душман совутларини пайкон 100 — 150 метр масофадан тешиб ўта олган.

Жалолиддин Чингизхоннинг еру заминни титратиб келаётган 100 минглик бўлинма ва суворий қисмларини моҳир камончиларига ўқ ёмғири билан қарши олишга буйруқ берди. Уларнинг орқа тарафида зич ҳолда пиёдага айлантирилган лашкар турарди. Камончилар Чингиз суворийлари жуда яқин масофагача ўқ ёмғирини селдек ёғдириб, сўнгра тезлик билан ўзларининг орқасида жангталаб бўлиб турган, қилич ва найза билан қуролланган авангард ҳамда асосий қўшин орқасига ўтиб олишлари ва жангга тайёр турган пиёда жангчилар тезликда душман отлиқларини кутиб олишлари тўғрисида қатъий топшириқ олган эдилар.

## **АЖАЛ МАЙДОНИ. ЖАНГНИНГ ИККИНЧИ КУНИДА**

...Хоқон иккинчи кундаги ҳужумни одатдагидек уч йўналишдаги ҳужум билан бошлади. Бироқ, бу сафар жанг давомида ўзининг айёрона ҳийлалари билан Жалолиддин Мангубердининг ўнг ва чап қанот қисмларини Султоннинг гул қисмидан ажратиб ташлаш тактикасини қўллаб, сўнгра Жалолиддиннинг асосий кучини ўраб олиб қириб ташламоқчи бўлди. Мўғулларнинг ўз ғанимларини чув туширадиган энг асосий қалтис ҳийлаларидан бири шу эдики, бир неча соат ғанимни жазава билан жанг қилишга имкон яратиб берар, шу билан душман қарама-қаршисида юзма-юз жанг қилаётган олдинги маррадаги лашкарий қисмлар, сўнгра уларни орқа тарафдан ҳимоя қилувчи лашкарий қисмлар бирин-кетин атайлаб чекиниб, жанг майдонидан тум-тарақай қочаётгандек кўрсатиб, панада ғазаб ўтини сочишга тайёр турган қўшин устига бошлаб келар, шу тариқа рақиб томоннинг ҳужум қилувчи қўшин қисмлари тузоққа туширилгач, тезда қуршаб олинарди. Қуршов кўз очиб-юмгунчалик лаҳзаларда содир бўлгач, гангиб қолган рақиб томон аёвсиз қириб ташланар эди. Бу Чингизхоннинг зафар кучишдаги энг ишончли ҳарбий усули эди. Икки-уч соатлик жангу жадалдан кейин хоқон ҳужумкор қисмларига чекинишни топширди. Субутой Чингизхоннинг бу талабини бажариб, чекиниш ишорасини кўрсатувчи байроқларини кўтариб олган суворий хабаргирларини олдинги



Жалолиддин Мангуберди мўғулларнинг „Жазокор“ махсус қўшинининг авангард қисмини қириб ташлашга шай бўлиб турган ҳолати. 1221 йил ёзи.



Жалолиддин Мангуберди лашкари Чингизхоннинг сараланган (махсус „Кешик“) қўшинини қириб ташлаётган пайти. 1221 йил ёзи. Парвон дашти.

қисмдаги жанг қилаётган мўғул ҳужумкор қисмлари томон шамол тезлигида жўнатди. Чекиниш белгисини ифодаловчи байроқларнинг ўнг ва чап тарафга ҳаракатлантирилаётганлигини кўрган мўғул жангчилари, келишилгандек, дарҳол орқага тисландилар. Жалолиддин Мангуберди мўғулларнинг бу чекиниши маврудсиз ҳолатда содир бўлаётганлигини кўнглидан сезиб, буйруқсиз на чап, на ўнг қанотлар қарши ҳужумга ўтмаслигини топширди. Тезда Темур Малик ва Аминалмулк саркардаларига бу ҳақда хабар юборди. Аммо Чингизхон ҳам фақат шу ҳийлага боғланиб қоладиган овсар хоқон эмасди: „Агарда бу ҳийладан хабардор бўлиб, Жалолиддин Мангуберди қўшини қарши ҳужум бошлаб, ҳужумкор суворийларимни таъқиб қилишдан воз кечса, майли, унда уларни турган жойида мажақлаб ташлайман. Бу қопқондан ҳам қутулиб қолсалар, бошқа бир ҳийла тузовига илтираман“. Тажрибали овчи ҳеч қачон фақат ўз ўлжаси уяси олдидагина тузоқ ёки қопқон қурмайди. Ўзини овчидан ҳимоя қилувчи йиртқичларнинг ўз уясига бир жойдан эмас, бир неча жойлардан кириб-чиқадиган махфий йўллари бўладики, тулкидай айёр хоқон ана шу ов сир-синоатларини жангда қўллаб, Жалолиддинга ана шу жангда бирданига иккита тузоқ қўйди. Албатта, бири бўлмаса, иккинчисида ўлжа қўлида бўлишига қатъий ишонди. Аммо шер ва арслон ови нақадар оғир ва мураккаб, шунингдек, ғоят хавфли, кутилмаганда овчини пора-пора қилиб ташлаган ҳоллар ҳам кўп бўлган. Чингизхон буларни ҳам кўз олдидан ўтказди. „Бу масалада мен, қўриқловчи ўғлим Тўлихон бошлиқ ўн минг баҳодирдан тузилган махсус қисмини, қароргоҳимни янада ва ҳар қачонгидан ҳам қаттиқ ҳимоя қилишни таъминлашини огоҳлантириб қўйишим лозим“. Шуларни ўй-хаёлидан кечирган Чингизхон Бош қўмондони ва ёрдамчиси Субутойга қўшимча топшириқ ва кўрсатмалар бериб, қароргоҳ ҳимоясини янада огоҳлик билан қўриқлаш лозимлигини унинг зиммасига юклади.

Чингизхоннинг биринчи ўйлаган ҳийласи Жалолиддин Мангуберди томонидан пучга чиқарилгач, дарҳол ўйлаган янги тактикани ишга солишга жазм қилди. Одатда, қамал қуроллари — манжаниқ, катапульта ҳарбий техник-механик мосламалардан мустаҳкам, олиб бўлмайдиган қалъаларни бузиш, ёндириш, тош ва ғўлалар отиб мудофаачиларга оғир талафот етказишда фойдаланилган. (Бу қуроллари моҳир ҳарбий муҳандис Хитой ҳунармандлари тайёрлаб берардилар.) Аммо Чингизхон Жалолиддин Мангубердининг ёяндоз ҳолатда зич жойлашган қўшинини худди олиб бўлмас қалъа ҳолатида кўрди. Мана, иккинчи кундирки, ҳужумга йўллаган жангчилари катта талафот кўрмоқда. Агар жанг бир неча кун шу зайлда давом этса, Чингизхоннинг лашкаридан тирик қоладиган жангчи қолмайди ҳисоб. У ҳузурига хитойлик ҳарбий техника мосламалари бўйича муҳандис ва манжаниқ ҳамда катапульта қисми қўмондонларини чақиртирди.

## НАВБАТ ҲАРБИЙ ЖАНГОВАР ҚУРОЛЛАРГА

Хоқон ҳузурига тезда олиб келинган хитойлик ҳарбий муҳандис Чжи Чжао ва ҳарбий жанговар қуроолар қисми қўмондони Фу Эн Лайлар қалъаларни бузиш, мудофаачиларга ҳарбий жанговар қуроолари билан зарба беришда жуда моҳир эдилар. Хоқон уларга: „Хабарингиз бор, икки кундан бери суворий қисмларим Жалолиддин Хоразмшохнинг мудофаа тизимини ёриб ўтолмаяпти, гоҳ ўнг, гоҳ чап қанотдан айланиб ўтиш ва уларни тўла қуршовга олиб, тор-мор қилиш жуда қимматга тушиб, кўплаб жангчиларимиздан ажралдик. Ҳужум шу зайлда давом этса, аҳвол янада оғирлашиши турган гап. Сизларни чақиритишимдан асосий мақсад, очиқ майдонда зич турган Хоразмшох қўшинини (кўрсаткич бармоғи билан кўрсатар экан), ана, бемалол кўряпсизлар, шу ҳолатда



улар устига ҳарбий техника қуроларингиз билан зарб урса, улар мудофаасини бузиш мумкинми ёки йўқ? Шунга фикр-мулоҳазаларингизни ҳозироқ айтсангизлар“. Улар шу соҳага масъул сифатида фикрларини айтишди. Чжи Чжао: „Мен жанговар техниканинг бузуқ-тузук жиҳатлари ва уларнинг зарб урувчи таъминот захираси ишлари билан шуғулланаман. Ғанимлар устига отиладиган тош ва ғўлалар ҳамда ёндирувчи кимёвий ашёларимиз аскарлардан анча орқа масофада муҳофазада турибдики, унинг учун суворий жангчиларингизни сафарбар этиб, жанговар қуроларингизни жанг майдони олдинги сафига чиқариш лозим“, деди. Хоқон: „Буни ҳал қилиш имкони бор. Суворийлардан иккита туман буни ҳал қилишга етадими? Агар бу камлик қилса, яна иккита, жами тўрт туман суворий қисмларни ихтиёрингизга бераман“. Сўнгра хоқон Фу Эн Лайга юзланиб: „Зарб урувчи қўмондонда қандай муаммо бўлиши мумкин?“ — деди. „Қуроларни жанг майдонининг қоқ марказига олиб боришга тўғри келади. Шунда душман устига ёндирадиган тош, ғўла ва ёндирувчи оташ ўқларимиз зое кетмай, уларга катта талафот беришимиз мумкин. Камида уч соатлар узлуксиз ажал ёғдирсак, шундан кейин оғир аҳволда қолиб, пароканда бўлган Хоразмшоҳ лашкари устига анча дам олиб қувват олган суворий лашкарларингизни бемалол ҳужумга йўллашингиз мумкин“.

Хоқон ихтиёрида бу муаммони тезда ҳал қилиш учун имконият катта эди. Ҳарбий муҳандис ва жанговар мосламалар қисми қўмондони айтган фикрларни амалга ошириш учун тахминан икки соат атрофида вақт кифоя қиларди. Ғўла ва тошларни унинг сон-саноксиз қўшини қўлма-қўл узатганларида ҳам ҳаш-паш дегунча тайёрлаб қўярди.

Чингизхон фармони билан қўшин ҳаракатга келди. Отларга боғланган жанговар техника мосламалари жанг марказига судраб олиб келинди. Уларни қўшинлар қаттиқ муҳофазага олдилар. Катта қўшин тош ва ғўлаларни, нефть тўлдирилган идишларни қўлма-қўл жанг майдонига узатдилар.

Жалолиддин Мангуберди сездики, бу чекиниш ва жанг майдонидаги рўй берган бундай танаффус кетидан кутилмаганда қалтис вазиятни ҳосил қилиши мумкинлигидан қўшинни огоҳлантириб, душман ҳаракатларидан ғоят огоҳ ва шай бўлиб туришни талаб қилди. Бир оз ўтмаёқ хоқон янги тактика қўллашга ҳаракат бошлаганлиги ошкор бўлди. Катта қўшин ҳимоясида зарб урувчи ва оташ сочувчи мосламалар майдон бўйлаб олиб келинади. Жалолиддин ва Темур Малик ҳамда бошқа саркардалар сездики, уч томондан Синд дарёсининг тор бурчагига сиқиб қўйилган қўшиннинг ёндоз усулини пароканда қилишни жанговар ҳарбий мосламалардан зарб уриб амалга ошироқчи. Султон Жалолиддин саркардаларига Чингизхон ҳужумнинг кутилмаган усулларини қўллаб бошласа, пиёдага айлантилган қўшиннинг барчаси отларни тайёрлаб, жанговар суворий жангчига айланиб, буйруқни кутишни таъкидлади. Ана шу дақиқаларда чамаси бир-бир ярим чақирим масофа тўғри чизиқ бўйлаб жойлаштирилган манжаниқ, катапульт ва олов иргитувчи даббатлардан бир йўла тошлар, ғўла ва олов қуюни Жалолиддин Мангуберди лашкари устига дўдек ёғила бошлади. Чекиниб ҳимояланиш учун эса заррача имкон йўқ. Орқа тарафда ҳайқириб оқаётган дарё. Осмон узра айланиб учаётган ажал тошлари, минглаб ғўлалар ва ёндирув, нефть тўлдирилган ғўлалар оташ сачратиб Жалолиддин қўшини турган майдонга ёғилар экан, жангчилар ва отлар ўртасида саросималик бошланди. Агар бунинг тезда олди олинмаса қўшинда тартибсизлик рўй беради. Асосийси эса бу тошлар ва олов қуюнидан ҳеч нарса билан ҳимояланиб бўлмайди. Бутун лашкар бир неча соат ичида мажақланиб, пашшадай қирилиб кетади.

Чингизхон Жалолиддин Мангуберди қўшинидаги саросима ва ваҳимали ҳолатни кузатар экан, ўзининг вазиятни ҳисобга олиб ҳужум тактикасини ўзгартириб, бирдан-бир тўғри қарорга келганига ишонч ҳосил қилди. Аввалда муваффақиятсиз ҳужумлари туфайли асабийлашувлари анча барҳам топиб, кўнгли кўтарилди. Энди Жалолиддин Мангуберди аҳволи оғирлашгандан оғирлашиб, таслим бўлишдан ўзга чораси қолмайди, деган ўй-хаёл уни шодлантириб юборди. „Энди бу офатдан қутулиб бўлсан-а, Султон Жалол!“ дея хурсандлигини ошкор этарди ҳоқон.

Жалолиддин Мангуберди вақтни қўлдан бермай, юз берган оғир вазиятдан чиқишнинг ягона йўли барча қўшинни пиёдалардан ёппасига суворий жангчига айлантириб, қарши ҳужумга ўтиш ва яшин тезлигида майдон бўйлаб ажал сочаётган Чингизхоннинг ҳарбий-техника мослама мажмуаларидан иборат жанговар ускуналарни бир зарб билан эгаллашдан бошқа чора қолмаганлигини англаб етди. Барча саркардаларга ҳужумга ўтишни буюрди. Ҳужумни ҳам дастлаб гул қўшини билан ўзи бошлаб берди. Ҳужум шундай тез ва саноқли лаҳзаларда амалга оширилдики, Чингизхон томонидан ҳеч ким бундай бўлишини кутмаган эди. Мўғулларнинг устига от солган жангчилар кўз очиб-юмгунча ҳарбий-техника қисмларигача бўлган масофани босиб ўтдилар. Жалолиддин Мангубердининг байроғи мағрур ҳилпираб бораётганлигини кўрган Темур Малик ва Аминалмулк ўнг ва чап томондан айланиб ўтиб, зарб урувчи мосламани ҳимоя қилувчи мўғулларга қарши жангга кирдилар. Бу пайтда Жалолиддин гул қисми эса ажал ирғитаётган мўғул ва хитойлик муҳандислик қисмларини қиличдан ўтказдилар.

Энди Султон Жалолиддин ўзини ўнглаб ололмади, дея ишонган Чингизхон Султоннинг бу тахлитда қилган ҳужумини мутлақо кутмаганлигидан бир неча фурсат ҳангу манг бўлиб қолди. Ана шу пайтда Султон Жалолиддин Мангуберди асосий ишни қилиб улгурди. Темур Малик ва Аминалмулкка бир қадам ҳам чекинмасликка, барча жангчилар оёқларини заминга маҳкам тираб, олдинги эгалланган маррада мустаҳкам туришни буюрди. Харпўшт саркардасига ихтиёридаги барча кучлар билан мўғулларнинг ўлжа олинган ҳарбий муҳандислик жанговар механизмларини аввалда мудофаа марраси эгаллаб турилган чизиги — дарё томон олиб кетишни топширди. Ўзи эса Харпўшт жангчи суворийларини ҳимоя қилишга киришди. Харпўшт ўз Султони ният ва мақсадини илғаб, фавқулодда тезлик билан ўлжа қурооларни отларга торттирганича тез олиб кетди. Шунингдек, гўла ва тош, нефть тўлдирилган ёндирувчи идишларни ҳам улгурганларича ташиб кетдилар. Мўғуллар қанча уринмасин Жалолиддин Мангуберди гул қўшинини ёриб ўтиб, ўлжа олинган ҳарбий мосламалар техникасини қайта қўлга кирита олмади. Харпўшт Жалолиддин Мангуберди гул қўшинининг мустаҳкам ҳимоясидан тез ва унумли фойдаланиб, жанг бошланиши куни эгаллаб турилган марра — Жалолиддин Мангубердининг гул қисми турган жойга жойлаштирди. Темур Малик ва Аминалмулклар яна чамаси бир соатга қадар шу зайлда жасорат билан жанг олиб борса. бас, шу билан кеч кириб жанг суронлари тўхташга қақрилувчи бонг янграйди. Чингизхон ҳам буларни ҳисобга олиб, шундоқ ҳам майдонга сирмай жон олиб, жон бераётган икки томон лашкарининг ҳолатини кўрди-да, қўшимча захира кучларини жангга йўлламади. Негаки, яшин тезлигида амалга оширилган Жалолиддин лашкарининг ҳужуми асосий ишни қилиб улгурган эди. Аммо унинг нақ кўзи олдида Жалолиддин ва унинг жангчиларининг бемисл баҳодирлиги туфайли қанча заҳмат ва маблағ эвазига қурилган ҳарбий техника ускуналарининг душманга ўлжа бўлиб олиб кетилиши ҳоқон дилини вайрон қилди. Айбни кимга ағдаришни билмади. Ҳеч бир саркарда ва жангчилари ҳужумга кетганича орқага

тисарилиб қочмади. Олдинги маррада турганича ўлиб кетса кетяптики, мардона жанг қилмоқда. Рақиб томонни ҳам эътироф этиш зарур. Бу чинакам мардлар ва баҳодирлар тўқнашуви, азаматлар жанги. „Жанг шу зайлда ҳафта давом этса ҳам менинг лашкарларимнинг камида учдан бири тирик қолади, Султон Жалололдинда эса мутлақ захира йўқ. Шу устунлигим сақланиб турса ҳам оқибат ғалаба мен томонда бўлиши муқаррар“. Ана шу далда берувчи фикрлар билан ўзига тасалли берган хоқон жангни тўхтатишга буйруқ берди. Шу билан жангнинг иккинчи куни тутаганлиги бонг уриб маълум қилинди. Ҳар икки томон орқага қайтди.

Жалололдин Мангуберди ўлжа ҳарбий жанговар техника қурилмаларини зич жойлаштириб, ундан мудофаа тўсиғи сифатида фойдаланиш, шунингдек, эртанги кундаги жанг олдида душманга ўзлари олиб келган тош ва ғўлаларни, ёндирувчи идиш-ашёларини фанимлар бошига аёвсиз улоқтиришга тайёрлаб қўйишни буюриб, уни ишлата биладиган жангчиларни танлаб қўйишни ҳам огоҳлантирди.

Кун ботди ва сўнгра тонг ҳам отди. Шу билан Нилаб жангининг энг қирғинли, тарафларни ўлим майдонига чорловчи учинчи куни бошланди. Чингизхоннинг аламзадалиги яна қўзғалди ва ошгандан ошди. Жалололдин Мангубердининг кечаги жангдаги ҳарбий техника жанговар қуролиларини бир ҳамлада қўлга киритиб, ўз қароргоҳи томон олиб кетиши дақиқалари уни тентакнамо бир ҳолатга солиб қўйган эди. Уни қайтариб олишга қанчалик уринмасин мўғул қўшини уддасидан чиқа олмади. Энди бугунги жангда унинг ўзи хитойлик ҳарбий муҳандисларга буюртма қилиб ясаттирган жанговар техникаси душман қўлида ўзига қарши ажал уруғи ва оловини ёғдирса, бу қандай кўргулик? Шунинг учун қандай бўлмасин Жалололдин Мангуберди ғул қисми олдида унга ҳам мудофаа марраси вазифасини бажараётган, ҳам мўғулларга қирон келтиришга шай қилиб қўйилган тош ва олов отувчи қуролиларни қайтариб олишни хоқон шу бугунги ҳарбий ҳаракатларнинг асосий вазифаси қилиб белгилади.

Жалололдин Мангуберди ҳам, ўз навбатида, Чингизхон лашкарига берилган зарба унинг қалбига нақ ханжар урилгандек руҳий азоб бераётганлигини ва шу боис юрагида оловланаётган нафрату ғазаб бугунги жангда намоён бўлишини чуқур ҳис қилиб турарди. Агарда чақмоқ ва яшин тезлигида аввалги икки кунлик жангдигандан-да кўп сонли суворийларни хоқон жангга ташлайдиган бўлса, Хоразмшоҳ Жалололдин лашкарига янада оғир вазият бўлишини билиб, жанговар техника мўғуллар қўлига тушиши эҳтимолини ҳисобга олиб, Султон ёяндоз тизимида сафланган ҳолатда мўғулларнинг ҳужумини дастлаб икки хил усулда қайтаришга буйруқ беради. Биринчиси, жанговар техникани бошқарувчилар нишонга тегиш даражасидаги масофага қадар ҳар дақиқада сергак ва шай туриши, иккинчидан, мўғуллар қўшини ҳужум ҳаракатларини бошлаши билан жанговар техника орқасида паналаниб турган ёйчилар камондан қилич ва найзалар билан жанг бошланишига яқин масофа қолгунча тошлар, олов ва камон ўқлари бўрони билан душманни кутиб олиши лозим эди. Юзма-юз жангга яқин келиши билан камончилар ўз қуролини узун дастали найзаларга алмаштириб, жанговар техникани ҳаракатга келтирувчи қисмларни тиш-тирноғи билан ҳимоя қилиш вазифаси улар зиммасида эди. Жалололдин Мангуберди буларнинг барчасини навбатдаги давомий жанглар учун режалаштириб қўйди. Туни билан ичини ит тирнаган хоқон Нилаб жангининг боришини шу бугун ўз фойдасига ўзгартириб юборишига астойдил бел боғлади. Ҳал қилувчи жанг бошланишидан олдин Чингизхон ўрилари Жўжи, Чигатой, Ўқтой ва Тўли ҳамда таниқли саркардаларидан Жаба, Черби нуён, Субутой баҳодирларни

қароргоҳига чақиртириб, муҳорабани қандай бўлмасин ўз фойдасига ўзгартириб, бурилиш яшаш талабини қўйди: „Агар кутилган натижадан дарак бўлмаса, сўнгги чора сифатида ҳарбий ҳаракатлар жараёнининг энг шафқатсиз қонунларини ишга солишга мажбурман. Бу тартиб сизларга беш қўлдек маълум. Кимнинг чекига „Ясоқ“ бўйича жазоланиш чеки тушса, уни амалга ошираман“. Бу тартиб бўйича жангда ўзгариш бўлмай, сусткашлик қилганликда айбланган лашкар бир сафга тизилиб, ҳар ўнта жангчидан биттаси қўшин олдида жаллод томонидан боши танасидан жудо қилинарди. „Ясоқ“ни тилга олган Чингизхоннинг совуқ нафаси нафақат мўғул ва Чин саркардаларини, ҳатто тўртта йирик лашкарий қўшилмаларни бошқараётган ўфилларининг ҳам капалагини учуриб, отасининг ҳар қачонгидан ҳам шафқатсиз қиёфада намоён бўлаётганлигидан сергак тортишга мажбур бўлдилар. Чингизхоннинг тобора йиртқиचлашиб бораётганлиги шундан маълум бўлдики: „Ўфилларим ва доврўқли саркардаларим бугунги жанголди сўзларимни икки қулофингизга яхшилаб қўйиб олинглар. Аввалги қаҳрамонликларингизни оқлашга бу қарорим қалқон бўла олмайди. Қайси бирингизга бахтиқаролик чеки тушадиган бўлса, уни мендан эмас, ўзларингизнинг ҳаракатингиз шу жазога лойиқлиги оқибатидан деб билинглар. Майли, шу билан мени келажак дунё ўз ўфил ва яқин сафдошларига ҳам раҳм қилмаган шафқатсиз ҳукмдорлардан эди, дея тарих битсалар ҳам майли. Менга бугун кимнинг ўлиши ё тирик қолишидан кўра, сўнгги натижа керак. Чин-Мочиндек дунёнинг йирик қўшин ва саркардалари билан жанг қилиб, уларни тиз чўктиришда мунча тоқатим тоқ бўлмаган. Нега энди Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг бир ҳовуч қўшини ўтиб бўлмас тоғдек йўлимни тўсиб, буюк мақсадимнинг амалга ошувига тўғаноқ бўлиши керак! Субутой баҳодир, жанг ноғорангни қоқ, марказ қўшинда ўзинг бош бўл! Жўжи, Субутой баҳодирни 50 минг қўшининг билан ўнг томонидан, Чигатой, сен эса сўл томонидан марказ қисми 45 минглик қўшининг билан ҳимоя қилиб жанг бошлайсизлар“. Шу пайт Чингизхоннинг машҳур саркардаларидан бири Қорачар нўён ҳам Жўжи ва Субутой бошчилик қилаётган қўшинга Жалолиддин Мангуберди лашкари томонидан кутилмаган зарбалар берилиб, қўшинда ўпирилиш содир бўлишига йўл қўймаслик учун ҳужумкор қўшин ортидан ёрдамчи куч бўлиб, орқа девор ҳимояси чизифини эгаллашга рухсат сўради. Бир оз сукут сақлаган хоқон Қорачар нўёндек тажрибали саркардаси беҳуда ташвишланмаётганлигини сизди ва унинг фикрини маъқуллади. Шу тариқа Жалолиддин Мангубердининг қўшини мудофаада турган тор майдонга Чингизхон 200 мингдан ортиқ суворий қисмларни жангга ташлади. Шу билан Нилаб майдонида ақлга сизмас даражада жангу жадал бошланди. Жалолиддин Мангуберди еру заминни титратиб ҳужумга ташланган мўғулларнинг тоғ кўчкиси янглиф келаётган суворийлар тўфонини ҳар доимгидек энг олдинги сафда мардоналик билан кутиб олди. У жангларда панд бермайдиган шамшир дастасини маҳкам сиққанича газабнок бир ҳолатда мўғулларнинг қуюндек яқинлашиб келишини мағрурона бир ҳолатда кутарди. Шу ҳолатда нишон масофасига мўғуллар етиб келиши билан ўлжа манжаниқлардан тош ва олов ёғдиришни буюрди. Осмонда ҳар икки томондан отилган ёй ўқларидан тош ва ғўлалар ҳамда нефть тўлдирилган ашёлар оташидан фалакда ажабтовур қўрқинчли ҳолат юзага келган эди. Омонсиз ва аёвсиз муҳораба шундай бошланди. Ер юзини тўфон босаётгандек вазият содир бўлди. Аввалда мўғулларга хизмат қилган ажал машиналари энди Жалолиддин буйруғи билан мўғулларнинг суворийларини дўзах олови ичида қолдирди. Қанчаларининг бошларию таналарини ғўлалар парчалаб ташлади. Бир неча дақиқалар ичида Нилаб майдони сочилиб ётган инсон таналари ва

жасадлар билан тўлди. Қонлар ҳалқоби ҳосил бўлиб, Синд дарёси аввал қизғиш, жанг энг авжига чиққан паллада эса қип-қизил қон бўлиб оқа бошлади. Дарё ўн кун давомида ўзининг шаффофлик рангини йўқотиб, инсонлар қонидан тўйиниб оқди.

Жалолоддин Мангуберди қўшин олдинги сафида афсонавий баҳодир қиёфасида жанг олиб борди. Унинг оғир қиличи бақувват қўлида шундай бир тарзда ҳаракатландики, мўғулнинг жангу жадалда ўсиб улғайган баҳодир ва паҳлавонлари уни қўлга туширишга бутун вужуди билан ташланди-ю, аммо арралаб ташланган дарахтдек ерга қуладилар. Уларни на совути, на қалқони сақлади, ажал домига тортилаверди. Ана шундай оғир, машаққатли дамларда Хоразмшоҳлар давлатининг боболаридан мерос бўлиб келаётган табаррук ва давлат рамзи бўлган байроқнинг Жалолоддин Мангуберди ўз ёнида ҳилпираб туришини истаб, байроқдорларидан жанг байроғини мағрур ҳолда ушлаб туришни талаб қилди. Байроқ жангда маънавий-руҳий қувват тимсоли, у салтанат рамзи.

Душманларнинг энг кучли ва довюраклари байроқни йўқ қилиш учун тинимсиз ҳамла қилар, Жалолоддин бир вақтда ўзини, шунингдек, давлат байроғини ҳимоя қиларди. Шундай ҳолат бўлардики, душман мўғулларнинг дев каби бақувват паҳлавонлари олдинма-кетин бир саф бўлиб ёпирилиб келарди. Жалолоддин Мангуберди саманининг ўнг ва чап томонида махсус ирғитишга мосланган найзалари илиб қўйилган эди. Султон лаҳза ўтказмай найзани шундай куч ва шиддат билан улоқтирардики, уларнинг икки-учтасини найзага сихлаб, яна шамшир билан жангни давом эттирар эди. Жанг давомида у вазиятга қараб жанговар қуролларнинг шу тариқа бир неча туридан моҳирлик билан фойдаланган. Шунингдек, қилич ва найзадан ташқари, Султонни гоҳ-гоҳида қўлида гурзи тутган ҳолда душманни мажақлаётган ҳолатда ҳам кузатишган. Гурзи билан жанг қилган пайтда душман учун Жалолоддин янада хавfli рақибга айланган. Мўғулларнинг бақувват жангчилари Жалолоддиннинг гурзи зарбига бардош беролмай ё найзаси синган, ё қиличи уриб туширилган ҳолда ҳимоясиз қолар, натижада душман баҳодир ажал домига тушиб, ҳаёт билан видолашишдан ўзга чораси қолмасди. У зарб уриш чоғидаги шердек ҳайқирғи билан душман қалби ва жисмига қўрқув даҳшатини соларди. Унга дуч келган рақиб қай даражада бақувват душман бўлмасин, фақат ўлимни бўйнига олганича рўбарў бўларди. Унда жисмий қувватдан ташқари, ботиний-руҳий ва лодуний-илоҳий куч ҳам бор эдики, душман у билан юзма-юз келганда ҳатто буюк саркарда кўзларидан душманга қарши нафрат нурлари ўқтин-ўқтин чиқиб турганки, бу пайтда у билан юзма-юз турган душман рақиб жангчиси ёмон руҳий ҳолатга тушиб, қурол ушлаган қўлида ва жисмида кучсизлик ва бўшашганлик ҳолатини сезишган. Бундай руҳий тушкунлик билан Жалолоддинга қарши турган душман жангчиси Султондан тиф зарбини олишдан аввал руҳий-ботиний зарбага учрагач, Жалолоддиннинг зум ўтмай даҳшатли урилган қиличи зарбидан ҳалокат тупроғига қорилар эди. Нилабдаги жангда у эрта тонгдан кечгача ўз жангчиларига бемисл куч бағишлаб, душманлари устига офат, балои қазо бўлиб ёпирилиб, Чингизхоннинг ниятларини пучга чиқариб турди. Ниҳоят, хоқон нима қилиб бўлса-да, Султон Хоразмшоҳ ўлжа олган ҳарбий техника мосламаларини тушгача қўлга киритиш учун яна 50 минг қўшинни захирадан олиб жангга ташлади. Бу Черби нўён қўмондонлигидаги қисмлар эди.

Жалолоддин ўз қўшини нақадар жасорат билан жанг қилаётган бўлса-да, шундоқ ҳам катта талафотлар кўраётган қўшиннинг олдинги қисмини ўлжа жанговар қуроллар орқа тарафига ўтиб, талафотларни камайтиришга аҳд қилди ва жанг билан сафларни бузмай, чекиниб, ҳарбий мосламалар панасида бир оз бўлса-да, нафасни ростлаб олишни

мўлжаллади. Черби нўённинг 50 минглик қўшинининг ҳужуми шуни тақозо қилди. Жалолиддин энди бу ўлжа қурооларни қўлда сақлаб қолиш мушуқлигини англаб етгач (улар ўз вазифаларини бажариб ҳам бўлган эди), уларни зудлик билан ёндириб ташлашга буйруқ берди. Охири асраб қўйилган нефть ёнилғисига ўт қўйилиб, аланга олдирилди. Олов бўрони Нилаб осмонига кўтарилиб ҳамма ёқни тутун қоплади. Дарё томондан эсган шамол Ватан ҳимоячиларига малҳам бўлиб, майдонни оташ ва тутуннинг аччиқ заҳри билан тўлдириб, мўғуллар жангчилари тарафга йўналтирди. Нафас олиши оғирлашган мўғул жангчилари юз-қўзларини беркитиб, орқага чекинишдан ўзга иложи қолмади. Отлар ҳам олдинга юришдан бош тортди. Жалолиддин барча нефть захираларини ёндириб ташлашга буйруқ берди. Шу билан ярадорларни дарё соҳили бўйига олиб ўтиб, кўп талафот кўрган қисмларни бирлаштириш ва душманнинг навбатдаги ҳужумини қайтаришга ҳар дақиқада тайёр бўлиб туришни огоҳлантирди.

Жангнинг бундан кейинги босқичи Жалолиддин Мангуберди ва унинг қўшини учун янада оғир машаққатлар гирдобиди кечиши аён бўлиб қолган эди. Энди унинг қўшини сафи соатма-соат, дақиқама-дақиқа камая бораётган эди. Агар сафдан чиққанлар, ўлганлар ва ярадорлар ўрнини тўлдирадиган биронта захира қисм йўқлиги ҳисобга олинадиган бўлса, аҳволнинг нақадар оғир, жиддийлиги кундек равшан. Султоннинг тошдан-да қаттиқ, темирдан-да метин иродаси қўшинга жисмий-руҳий-маънавий куч-қувват бағишлаб, ўзидан ўн марта кўп душман кучларининг қутуриб қилаётган ҳужумларини мана уч кундирки қайтариб турибди. Аммо жасорат ва мардликнинг ҳам чеки, чегараси бор. Жалолиддин Мангуберди ва унинг баҳодир жангчилари башарият улуғлари жасорат ҳамда мардлик тушунчаларига қандай изоҳу таърифлар берган бўлса, амалдаги қонли жангларда жасорат ва мардликнинг чек-чегара билмас кенгликларини бўйи ва энига кенгайтириб, уни энг юқори даражага кўтардилар. Бу жасорат ва мардлик тушунчаларини кенгайтирадиган янги имкониятларни эртанги, индинги аёвсиз муҳорабаларда яна кашф этадилар. Ватанга муҳаббат, душманга нафрат ҳам шуни тақозо қиларди.

## МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТНИНГ ОЧИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

Мардлик, жасорат ҳақида буюк аждодларимизнинг ҳикматларига қулоқ тутиб, Жалолиддин Мангуберди жангчилари, уларнинг баҳодирликка берган юксак баҳолари сарҳадларини қанчалик юксакликларга кўтарганлигини англашга ҳаракат қиламиз.

Хожа Самандар Термизий жасорат ва мардликни шундай таърифлайди. Бу ҳикматлар айнан Жалолиддин ва унинг баҳодирлари учун берилган таърифдай гўё: „Азизим, шундай кишини баҳодир дейдиларки, агар у ўз давлати манфаати, тинчлиги учун жонини фидо қилиб, азоб-уқубат косасидаги майни кўтарса, жасур, довюрак деб шундай кишиларга айтадиларки, Ватаннинг бошига бирор кулфат тушганда зудлик билан қатъий қарорга келиб, ҳаётини хавф остида қолдириб, қўлини ажал суви билан ювиб, тирикчилигидан умидини узиб, ўз мақсадига эришмоқ учун мурод майдонига қадам қўйса“.

Ботир улдир, майдон ичра

Ўзини дев билса ким.

Бахт қиличин даст тутиб

Қонлар кечиб жанг қилса ким.

Жалолиддин Мангуберди, унинг атрофига бирлашган Ватан, эл-юрт ботирлари юқоридаги таърифу тавсифнинг барча кўринишларини ўзларида мужассамлаштирган

фидойилар эдилар. Халқ озодлиги, эрки, дея улар ҳеч иккиланмай азоб-уқубатларнинг минг хил юкини елкасида кўтарган, эрталаб юз-қўлини Синднинг мусаффо сувига эмас, ажал сувига ювиб, юрт мустақиллиги йўлида ажал майини ичиб, ор-номус жангига йўл олаётган асл фарзандлар эди улар.

Иссиқ қонларини Ватан учун тўкаётган, қасоскорона майл билан муҳораба майдонида кўкрак кериб турган бу йигитларнинг қўли кетмондан, агар ҳунарманд бўлса, болга уришдан чиқишиб, қилич ва найза уриш ҳам ўнгидаги, ҳам тушидаги асосий машғулотиغا айланган жангчилар эдилар. Уларнинг ярмидан ортиғи ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, ҳали келинчак қўлидан ушлаб, чимилдиқ сари юриш насиб қилмаган бўз йигитлар бўлиб, улар чекига Ватан учун жон фидо қилиш тақдири битилган эди. Жалолиддин Мангубердининг қўл остидаги қўшиннинг бор-йўқ таржимаи ҳоли ўз умрларидек қисқа, аммо она-Ватанга борлиғи билан бағишланганлигига кўра шон ва шарафга бурканган ҳаёт намунаси эди, улар ҳаёти. Негаки, Ватан озодлиги албатта қурбонлик талаб қилади. Ватан учун жонни тикиш — бу фақат мардлар иши.

Нилаб майдонини қоплаб олган қора тутун ҳадеганда тарқалмагач, томонлар жанг майдонида ўлик ва ярадорларни йиғиш билан машғул бўлдилар. Шу билан ушбу кунги жангу жадал ҳам якунига етди. Чингизхон орзуси бутунги жангда ҳам ушалмаганидан, Жалолиддин Мангуберди қўшинини яксон қилолмаётганидан аччиғини кимдан олишини билмади. Лашкарининг атоқли саркардалари, ҳатто ўғиллари ҳам шу кунгача унинг қароргоҳига бамайлихотир кирган бўлсалар, Нилаб жанги бошлангандан бери ўтган уч кун хоқон билан улар ўртасида совуқлик тушишига сабаб бўла бошлади. Муваффақиятсизлик сабабини Чингизхон Жалолиддин ва унинг бемисл довьорак жангчиларининг буюк қаршилиги, ақл бовар қилмас матонати натижаси деб билса-да, бироқ, ўз саркардаларининг тилини қисик қилиш, ўзларини хоқон олдида гуноҳкорона ҳис қилишлари учун айбни улар зиммасида қолдиришни афзал кўрди.

Бир вақтда Жалолиддин Мангуберди ҳам Чингизхон ихтиёрида гарчи кўп қўшин бўлиб, уларнинг анчасини қириб ташлашга эришса-да, ҳали бош ҳужум ҳаракатларига тортиладиган, хоқоннинг шу ҳақдаги бир ишорасини кутиб турган қўшини мавжудлигини яхши биларди. Чигирткадек босиб келадиган Чингизхон лашкарининг эртанги кун ҳужумини қайтариш масаласи саркарда ва Султон сифатида унга тинчлик ва уйқу бермади. Иродаси тошдан-да қаттиқ Темур Малик устозининг, суворийлар қўмондони Аминалмулк, Жаҳон Паҳлавон деса дегулик номи билан жангу жадалдаги жасоратда тенгсиз Жаҳон Паҳлавон ва Харпўшт саркардаларининг тақдири не кечади? Уларнинг шер бўлиб олишувларига гумон йўқ. Аммо ҳамма нарсани мардлик, жасорат ҳал қилавермайди. Шундай бўлганда буни ўйлаб ўтиришга ҳожат қолмаган бўлур эди. Ахир улар темир эмас, жонли инсонлар. Уларнинг ҳар бир жангчиси кўзига қон тўлган, шафқат нималигини билмайдиган ўн-ўн беш, айрим баҳодирлар Чингизхоннинг ўн беш-йигирмата жангчиси билан юзма-юз олишади. Бундай нотенг жангни шу пайтгача на тарих илми қайд этган, на умри суронли жангларда ўтган, касби жангчи бўлиб, тиши муҳорабаларда чиққан саркардалар эшитмаган. Жалолиддин шуни яхши ҳис қилиб турарди. „Чингизхон нима бўлса ҳам қўшин сони устунлиги боис жангни ўз фойдасига ўзгартириб юбориш учун ҳеч нарсадан қайтмайди, ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Ўлим пешанамизда бор нарса, буниси қўрқинчли эмас. Фақат қайсидир жангчи қисмларим Чингизхоннинг бош ҳужумига бардош беролмай, мени ор-номус ва виждон азобида қолдирмаса бас, тарихга номимиз шундай гуноҳ муҳри билан кетмаса бўлди. Шарафли

ўлим, ватанга, эл-улусга фидо бўлиб ўлиш нақадар лаззатли. Ишқилиб, эртанги жангда душманга жанг майдонида битта бўлса ҳам жангчимнинг таслим бўлиб, қўл кўтариб чиққанлигини кўзим кўрмасин. Эй Оллоҳ! Жангчиларимни ҳар қандай қийин, машаққатли дамларда ҳам имон-эътиқодини собит қил! Ватан озодлиги, ор-номус учун шаҳид бўлиш эр йигитга ярашади. Мен жангчиларимнинг орқага чекинишини кўрсам бахтсиз, аксинча, шарафли ўлим сари олдинга ташланиб жон бераётганлигини кўрсам бахтли Султонман“. Жалолоддин Мангуберди шундай ўй-фикрлар уммонида бир неча соатгина мизғиб олди, холос.

## ЎЛИМ МАЙДОНИНИНГ ҚИРҒИНЛИ УЧИНЧИ КУНИ. ЧЕК-ЧЕГАРА БИЛМАГАН БАҲОДИРЛИК

... Шу билан навбатдаги жанг сурони чалинди. Чингизхон ҳам шу кеча туни билан тонгнинг тезроқ отишини кутиб, қасоскорлик оташида ёниб, кўнглига қил сиғмаган ҳолатда ҳар қачонгидан вақтли уйғонди. Ғира-шира эрта тонгдан жанг бурғуларини ишга солди. Қўшинга тартиб бериб, ҳужум тадоригини кўрди. Ҳар икки тарафнинг жангга ҳозирланиши қаттиқ интизом асосида борди ва узоққа чўзилмади ҳам. Ҳоқон ихтиёридаги барча қўшинни ҳужумга ташлади. Фақат сараланган мўғул-хитой паҳлавонсифат жангчилардан, шунингдек, Чингизхонга тобелик изҳор қилиб, унга ихтиёрий қўшилган бошқа турли қавмларнинг чайир жангчиларидан тузилган махсус ўн минг лашкарий қисмини ўз қароргоҳи орқа томонидаги кўздан йироқ, пана-пастқамликда пистирмада сақлади. Унга ғоят ҳушёр ва тадбиркор ҳамда жасур кенжа ўғлини қўмондон қилиб тайинлади. Қолган ўғиллари-ю, барча саркардаларини яқунловчи жангга ташлади. Айниқса, қуёш ердан терак бўйи бош кўтаргач, жангнинг даҳшатли ва аёвсиз манзараси Нилаб майдонида ўзини тўла намоён этди. Мўғулларнинг жамики қўшини ҳаракатга келиб, уларнинг сон-саноксиз жангчилари дубулғалари, қалқонларига урилиб қайтган нурдан инсон зоти кўзи қамашиб, гуё катта металл оқими эриб оқиб, йўлида учраган жамики жонзот ва жонсиз нарсаларни бир зумда йўқликка юз туттираётгандек. Темир оқим ҳеч тўхтамайди. Қилич ва найзаларнинг ялт-юлт ҳаракатланиши бир сония ҳам тиним билмайди. Энди бу ҳодиса сабабчиси инсонларнинг ўзлари бўлса ҳам, оқибати нима билан тугаши фақат яратганнинг ўзига аён. Қолган барча иш қонли фожианинг иштирокчиси ва ижодкори, мақсади эса олддан чиққан ғанимга омонлик бермаслик. Қолган барча ҳодисаларнинг яқун топишида замон ҳам, макон ҳам воситачи. Вақт эса ғолиб ва мағлубни аниқловчи олий ҳакам. Рўй бераётган қонли воқеа ва ҳодиса эса тарихий жараённинг бир таркибий қисми. Қирғинга чорлаётган карнай ҳам, туғ ҳам, сурнай, довул, инсонларнинг урҳо-ур ҳайқириғи, ўлимолди чинқириғу оҳ-воҳлари отларнинг кишнашлари қирғин-барот, қиёмат жанг палласининг авжига чиқишини таъминлаб бермоқда.

Тўфон бўлиб босиб келаётган Чингизхоннинг марказ қўшини Жалолоддин Мангубердининг шахсан ўзи бевосита бошқараётган гул қисми билан юзма-юз тўқнашди. Султон Жалолоддин Мангубердини сиқувга олишни Чингизхон Субутой нўён зиммасига юклади. Марказ қўшинни олддан ҳимоя қилувчи манглай, чап ва ўнг томондан ҳимояловчи баранғар ва жуванғар лашкарга Жаба, Жемуҳа ва Қорачар, Тайнал нўёнлар бошчилик қилдилар. Нилаб жанг майдони дўзах оташининг бир қисмига айланди. Жангни ғалаба билан яқунлайдиган битта илинж Чингизхонга далда ва суянч бўлди. Бу жанг асносида Султон Жалолоддин қўшинига ўлган ва ярадорлар ўрнини тўлдирадиган



бирорта жангчи келиб қўшила олмаслиги, аксинча, сонияма-сония, дақиқама-дақиқа мудофаа марраси торайиб бориши хоқонга қўл келар эди. Бош ҳужумнинг бошланиши Жалолиддин Мангубердига янада мураккаб ва машаққатли вазиятни содир этди. Тенгсиз жангда унинг баҳодирлари ҳар бири кўзи қонга тўлган душманнинг ўнлаб жангчиларига қарши оёғини заминга маҳкам тираганича марду майдонликнинг ҳали очилмаган қирралари саҳифаларини очиб, жон олиб, жон бермоқда эдилар. Қасоскорлик тўқнашуви тобора авж пардасига чиқиб, томонларнинг жангга ундовчи байроқлари янада баланд ҳилпирамоқда. Отлар ва инсонларнинг оёғи тагидан чиққан чанг-тўзон осмонга кўтарилиб, бундан жанг майдони хиралашиб, нафас олиш янада оғирлашди. Дастлаб тартиб билан бошланган саф-саф ҳаракатлар бузилиб, ақл бовар қилмас аралаш-қуралаш ҳолатга ўрнини бўшатиб берди. Ажал доми ва жодусига тортилаётганлар сони ошгандан-ошди. Жанг худди шамол кучидан гуруллаб авж олаётган офат оловидай чарсиллайди. Барча қон тўкиш мақсади билан қаҳрланган ва унинг ижрочисига айланиб бўлган. Тўкилган қонлар дарё, ирмоқ ва жилғалардай Синд дарёсига шариллаб қўйилади. Бу дарёдан бир ҳафта давомида сув ўрнига инсонлар қони оқади. Қиёмат жанг якуни қандай интиҳо топиши бир Худонинг ўзига аён, бандаси уни идрок этишга ожиз. Ҳар икки тарафнинг аламзадалиги шундаки, агар қилич ва найзалари синган жангчи рақибининг бўғзига ташланса, кекирдагини суғуриб олишга тайёр. Кўп ҳолда бу ҳодиса ўша кун воқеасининг оддий машғулотига айланиб ургурди ҳам. Жанг майдонида кекирдаги қўл билан юлиб ташланган юзлаб жасадлар шундан далолат эди. Ўлимсевар хоқон Чингизхон жангчи ва саркардаларига янада қаҳрли ва қўрқинчли қиёфада устма-уст кўрсатма ҳамда буйруқлар бериб, шундоқ ҳам ўликлар майдонига айланиб бораётган жанг майдонини жангчилар қабристонига айлантириш чораларини кўриш билан банд. Қанча лашкар қирилса қирилсин, қанча талафот кўрилса кўрилсин, эвазига Жалолиддин ва Темур Малик асир қилиниб, олдига келтирилса бас. Ғолиб сифатида улар билан суҳбат қуришга интиқ, мағлублар ҳолатини ўз кўзи билан кўриш хоқонга қанчалик завқ-шавқ бағишлайди. Бундай пайтда дунёда Чингизхондан кўра бахтли одам бўлмайди. У доврўқ таратган душман саркарда ва ҳукмдорларнинг ўз оёғи остида титраб-қақшаб туришларини жанг оқибатининг олий якуни деб билади. Тақдири хоқон қўлидалигидан роҳатланади. Айниқса, Жалолиддиндек номи шарқу ғарб оламида афсонавий саркарда дея эътирофга тушганлар билан ғолибона мулоқот юритиб, мозий саҳифасида қолишга бўлган интилиш унга тинчлик бермайди. Аммо, ҳозиргача у кутган ғалабадан дарак йўқ. У аламзадалик ва дарғазаблик отига минган.

Бу пайтда Жалолиддин Мангуберди бемисл жасорат майдонида қон кечарди. Унинг қилич уришдан бир сония ҳам тўхтамаган, қадоқ бўлиб кетган ўнг кафтидан қон ва қонли йиринг силқиб чиқарди. У қилични чап қўлига алмаштиради. Султон Жалолиддин бир вақтда ўзи томон ёпирилиб келаётган ёвни қайтариш билан, унинг буйруғига кўра ўзидан бир неча қадам нарида бош байроғини кўтариб турган жангчинини ҳам ҳимоя қилади. Агар байроқдори ёй ўқидан йиқилса, унинг ёнидаги захирада турган байроқдор жангчи йиқилган байроқдорнинг ўрнини эгаллаши лозим эди. Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳлар давлати бош байроғини чангаллашга яқин қолган душман баҳодирларига зарба бериш учун самани ўнг ва чап томонига илиб қўйилган найзалардан бирини шиддат билан аниқ нишонга олиб улоқтирар, шу тариқа байроғи ва байроқдорини зудлик билан хатардан халос қилиб, қиличбозлик жангини давом қилдириб, душманни қора тупроққа қориб ташлашда давом этиб, лашкарига бемисл руҳий кўтаринкилик бағишларди.

Лекин бу кўтаринкиликнинг тобора маънавий-руҳий зўриқишга айланишини таъминлаган ўпирилиш юзага келишига яқин турган фалокат шарпаси ўз кўланкасини ташлаётган эди. Чингизхоннинг бутун қўшини бор маҳобати билан ҳаракатга келгач, бу сел ва довулдек қўзғалган куч ўз таъсирини майдон узра кўрсатмасдан қолмади.

Жалолиддин Мангуберди ва унинг қўшини башарият тарихида бетакрор бўлган буюк қаршилик ҳаракатини бошлади. Агар инсоният тарихида озодлик, Ватан эрки учун олиб борилган жангларда мардликнинг юзинчи даражаси ишга солиниб, бундан кейин мардликнинг бу ҳудудини юқори поғонага кўтариб бўлмайдиган ҳол дея қаралса, Жалолиддин ва унинг жасур баҳодирлари мардлик ҳамда жасурлик сарҳадларининг мингинчи баландликларини забт этиб, унинг минг биринчи имкониятларини ишга солиб, бемисл қаҳрамонлик шоҳсупасида жангга кирдилар. Шу билан Ватан, озодлик, эрк ва мустақиллик, ор-номус тушунчаларининг муқаддаслиги, улуғворлигини она юртга бахшида ҳаёти, жони ва қонини бағишлаш билан исботладилар. Шунга қадар кам сонли қўшин билан сон-саноқсиз душман қўшинига бундай қаршиликни жаҳон аҳли кўрмаган, ўқимаган ҳам. Чингизхондек даҳшатли ва қаҳрли ҳукмдорнинг жисмий ва руҳий-асабий мувозанатини бузиб, натижада уни тузалмас хасталикка чалинтирган ҳам Жалолиддин Мангуберди кўрсатган буюк қаршилик ҳаракати бўлди.

Жалолиддин Мангуберди вужудга келаётган оғир аҳвол янада мураккаб ҳолатга олиб келишини англаб, оз сонли лашкарининг силласи қуриб бораётганлигини ҳис қилар экан, дониш халқининг: „Оғзинг қонга тўлган бўлса ҳам, душман олдида асло тупурма“ ҳикматига таяниб, яраланган шер қиёфасида майдонда наъра тортди. Ҳатто энг бақувват иккита тулпори жангда ҳолдан тойиб сафдан чиқди. Шунда Султон Жалолиддин Синд дарёси қирғоғида жойлашган қароргоҳидан энг оғир дамларда ҳам ишончини оқлайдиган асов тулпорини келтиришни сўрайди. Унинг ушбу тулпори Гўрўғлибекнинг достонида таърифланган Фиротидан ҳам чапдаст, хўжасининг овози, жилови ҳамда узанги орқали берилган туртки ҳаракатлариданоқ Султоннинг фикрини англаб, ёв устига бургутдай ташланадиган зийрак ва ақлли қорабайирлар сирасидан эди. У чинакамига жанг майдонида кўзи пишган, душман суворийсига ноқулай бир вазиятда яқинлашиб бориб, Султон Жалолиддиннинг рақиб устидан ғалабасини таъминлашга қулай имконият ҳосил қилиб берарди. Жанг майдонида тулпор билан суворийнинг бир-бирини тушуниб ҳаракат қилиши саркарданинг от устида жанг қилиш, қилич ва найза уриш имкониятларини янада оширар эди. Султон Жалолиддин шу боис ушбу қорабайир тулпорини жуда яхши кўрар, уни парвариш қилувчи ходимидан аҳволини суриштириб турар, ўзи ҳам жангдан бўшади дегунча унга кўриниш бериб турарди. Буни жонивор ҳам сезиб, ўз хўжасини кўрганидан мамнунлигини билдириб, гоҳида кишнаб қўйса, гоҳида бошини силкиб-силкиб, Султонга суйкаланиб-эркалангансимон қилиқлар қилиб қўярди.

... Жанг майдонида олиб келинган Жалолиддиннинг суюкли самани муҳораба майдонини соғинган бир ҳолатда шиддат билан кириб келди. Уни зўрға бошлаб келган икки суворий тулпор жилловини Султонга тутқазиши билан Жалолиддин чарчаган оти устидан яшин тезлигида гижинглаб турган қорабайири устига сакраб ўтиб, уни жанг жаҳаннами қайнаб турган майдон сари йўналтирди. Саркарда учун ҳар нафас ғанимат бўлиб, хавф-хатарнинг нақ қайноқ жабҳасидалиги ҳам шунини тақозо қиларди. Шунингдек, Султон чавандозликнинг барча сир-асрорларини мукамал эгаллаган забардаст суворий жангчи эдики, натижада у отдан бу отга сакраб ўтгани лаҳзалардан ҳам қисқа сонияларда содир бўлгани учун уни кўпчилик илғай олмай қолган эди.

Шу саманида Жалолиддин Мангуберди шундай бир ҳолатда жангни давом эттирдик, мўғулларга бўлган ўч ва қаҳрини аёвсиз сочди. Уни ҳам қарама-қарши, ҳам чап ва ўнг тарафдан қуршаб асир олмоқчи бўлган ғанимларга омонлик бермади. Султон Жалолиддиннинг қайтмас қиличи совут, дубулға, зирху қалқон билан ҳимояланган мўғулнинг хос ва шиддаткор жангчиларини қиймалаб ташлашда давом этди. Душманнинг зирху танасини тилка-пора қилаётган қиличи зарбидан тиф ўткирлаш чоғида чархдан чиққан учқун каби зарра юлдузчалар сачраб чиққан. Унинг душманларига ўлжасига ташланган шер каби ҳолатини, бемисл қаҳрамонлигини адолатли ҳукмдор ва улуғ олим, забардаст тарихнавис Мирзо Улуғбек тасвирлар экан, Султонни Шарқнинг афсонавий, жасоратда тенгсиз марду майдон баҳодирларидан ҳам юксакликка кўтариб, бундай баҳо берган эди: „Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳеч бир кулфатсиз жанг қилишини агар Рустами Достон тирик бўлиб кўрганида унга бўлган муҳаббат ёпинчигини унинг елкасига солган бўларди. Агар кумуштан Исфандиёр бу жангни мушоҳада қилганида, унинг хизматига қуллик лавозимини жону дил билан қабул қилган бўларди. Агар бу жангни Золнинг ўғли кўрса эди, у Султон Жалолиддиннинг қўлини ўпган бўларди“. Жалолиддиннинг қаҳрамонлигига бундан ўтқазиб баҳо бериб бўлмайди. Ҳолбуки, „Шоҳнома“дек буюк санъат асарини ёзиб, маънавият юлдузлари қаторидан жой олган Фирдавсий юқорида номлари афсоналашиб кетган қаҳрамонларни жанг майдонларининг тенгсиз қаҳрамонлари даражасига кўтариб, бадииятнинг куч-қудратини жаҳонга Эрон баҳодирлари орқали кўз-кўз қилган эди. Шунга кўра ўз даврида Шарқда қудратли марказлашган давлат барпо қилган машҳур туркий ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавий туркий баҳодирлар қилич серпаш, ҳарбу зарб майдонида жаҳоннинг манаман деган марду майдонларини доғда қолдиришга қодирлигини башорат қилиб, „Шоҳнома“ни тақдим қилган Фирдавсийга эътироз билдирган эди. Мирзо Улуғбек бу масалага даврнинг улуғ мутафаккири ва мозий илмининг чуқур билимдони сифатида ёндашиб, Жалолиддин Мангубердининг Нилабдаги жасорати олдида „Шоҳнома“нинг афсонавий қаҳрамонларининг жанг майдонларидаги ҳаммани лол қолдирган жанглари, мардликлари оддий жангдан фарқ қилмаслигини қиёсий ва таққослов услубида жуда ишонарли тарзда, манбаларни тарихий ҳақиқат асосида „Шоҳнома“ муаллифи, улуғ шоирни камситмаган ҳолда, тарихий холислик билан очиб берди. Бу Мирзо Улуғбекнинг тарихнавислик соҳасида ҳам истеъдод соҳиби бўлиб, воқеаларни баён этишда адолат тамойилини устун қўйганлигидан далолат беради. Шунингдек, Ватан ҳимоячиси, озодлик яловбардори, адолат курашчиси ва улуғ саркарда Жалолиддин Мангубердининг шахсий фазилатлари, эрк учун курашдан иборат шон-шарафга бурканган ҳаёт йўлига дахлдор манбаларни йиғиб, келажак авлодларга ноёб маънавий мерос ва сабоқ қилиб қолдиришга жазм қилган мутафаккир бебаҳо вақтини шу эзгу ишга сафарбар этган эди. Натижада олим ва тарихнавис ҳукмдорнинг ақл чироғи, тафаккур кучи Жалолиддин Мангубердининг очилмаган мардлик ва жасурлик қирраларини очишга йўналтирилди. Шу боис машҳур Рустами Достон, ўқўтмас Исфандиёр, темиртан Зол ва унинг ўғиллари жанг майдонининг „Шоҳнома“ саҳифасидаги юлдуз баҳодир суворийлари сифатида муҳрланса, Жалолиддин Мангуберди муҳораба майдонининг порлоқ юлдузи, суворий жангчиси қиёфасидаги бетакрор тарихий арбоб ва саркарда сифатида Ватанимиз тарихидан мустаҳкам ўрин олди.

## ХОҚОН АХРИМАННИНГ АЖАЛ МАЙДОНИДАГИ ТИМСОЛИ. АМИНАЛМУЛК ҲАЛОКАТИ

... Жалолиддин Мангуберди лашкарига Чингизхоннинг асосий қўшинлари қайта-қайта қутуриб ҳужум қилмасин, хоқон асосий мақсадга эриша олмагач, чайир ва бақувват оти жиловини марказий қўшин орқа тарафида қароргоҳ тикиб, жангни бошқараётган Субутой баҳодир томонга бурди. У саркардаларга янгидан-янги топшириқлар бериб, ҳар қандай шароитда шу бутун ташаббусни қўлга олишни уқтириб, дўқ-пўписа билан жангнинг олдинги қисмига бориб, ҳужумга айнан ўзларининг лашкарини бошлаб боришни талаб қилмоқда эди. Юзида даҳшат аломати яққол қалқиб келаётган хоқонга кўзи тушиб, бош қўмондоннинг юраги „шиғ“ этиб, танаси жунжикиб кетар экан, мўғул одатига риоя қилганича Чингизхонни тавозе билан кутиб олишга ҳаракат қилди ва унга пешвоз чиқди. Гарчи хоқон билан Субутой қароргоҳлари орасидаги масофа унчалик узоқ бўлмаса ҳам, унинг келиши ҳар ҳолда мақтов эмас, аччиқ таъналардан иборат бўлишини дарҳол сезган эди. Худди шундай бўлди ҳам. Доимо ундан олқиш ва мақтов эшитиб ўрганган Субутой баҳодир хоқон олдида ўзини айбдор ҳис қилиб, Чингизхоннинг дағдағали эътирозларини кутди. Хоқон уни қовоғари бўлиб чақиб олар экан, захрини ёйиб, тилла нақш дастали қамчисини Жалолиддин жанг олиб бораётган фул қўшини томонга ишора қилиб, пичинг аралаш деди: „Хоразмшоҳ Жалолиддин ҳаммангизнинг юрагингиздаги шиддатли оловга сув сепиб ўчирган шекилли, ўн карра кўп кучни ихтиёрингизга берсам ҳам уни синдиришни эпполмаяпсизлар, Чин-Мочиннинг девсифат баҳодирларини тиз чўктирган қудратинг қани? Қани, Жаба, Жемуха, Қорачар нўёнлар билан Хитой манжур, керайит ва меркитларнинг олиб бўлмас тош қалбаларини толқон қилиб, шамолга совурган важоҳатларинг қани? Наҳот Хоразмшоҳ сизлар учун қўзғатиб бўлмас тоғ бўлса, ҳамманг талтайиб, ҳаволаниб кетгансизлар. Фалабалар, мукофотлар, мақтовлардан эсанкираб қолгансизлар, ё Жалолиддинга бас кела олмаётганлигингизни эътироф қилишга ожизлик қилмоқдасизлар? Султон Жалолиддин менга Олий бош қўмондан бўлиб хизматга кирганида эди, ҳамма нўёнларни унга жангчи, хизматкор қилиб берардим. Афсус, бу таклифимни ғазаб билан рад қилди. Мард баҳодирдан бундан бошқа жавоб кутиб ҳам бўлмайди“. Субутой қўшин ва саркардалари, шунингдек, хоқоннинг шиддатли жанг олиб бораётган ўғилларини ҳимоя қиладиган, бироқ бўёқ, бежовсиз, ҳақиқат манзараларига мос келувчи фикрларни айтишга жазм қилди. Негаки, хоқон Субутой бошқараётган қўшин қандай жон олиб, жон бераётганлигини шундоқ ҳам аниқ кўриб турган эди. Жанг жараёни дўзах оловига айланиб бўлган эди. Оддий жангчидан саркардаю нўёнларгача, Хоразмшоҳу хоқонга қадар барча-барчанинг асаб таранглиги бардошнинг сўнги сарҳадидан қаҳр ва жаҳл саҳросига қадар тўлиб-тошиб бўлган эди. Шунга кўра, Субутой баҳодир хоқоннинг бу ўринсиз дағдағасини жавобсиз қолдирмасликка ҳаракат қилар экан, уни жаҳлдан туширадиган фикр айтишга уриниб кўрди: „Хоқоним, ана фул томон жанг тўфонига қаранг, мўғул жангчиларингиз азаматлардек олишмоқда, аммо рақиб томоннинг қаршилиги, бемисллиги, жасоратини ҳам жангчи сифатида пастга уролмаймиз. Баҳодир ўғлингиз Жўжи Жалолиддин Хоразмшоҳнинг энг ишонган саркардаси ва устози Темур Малик лашкарини асосий қўшиндан ажратиб ташлаш, сўнгра қириб ташлаб Султоннинг ўнг томон мудофаасини издан чиқариш арафасида турибди. Манави томон тепалиқдан эса сизни ҳеч бир жангларда хижолатга қўймай, ишончингизни доимо оқлаб келган баҳодир ўғлингиз Ўқтой

Султоннинг суворийлар лашкари қўмондони Аминалмулкка қарши муваффақиятли ҳужум қилмоқда. Чигатой баҳодир таниқли саркардаларингиз билан бир мушт бўлиб, Султоннинг ўзи бошқараётган фул қисмига зарб урмоқда. Фаним эғаллаб турган мудофаа марраси ҳудудлари торайиб, уларнинг сафлари тобора сийраклашиб бораётгани биз учун айни муддао. Демак, бу ғалаба биз томонга оғиб кетишидан нишона“. Унинг сўзини бўлиб Субутойга хоқон ҳукм қилди: „Чигатой ва Ўқтой лашкарини орқа томон ҳимоясида турган лашкарий қисмлар билан тезда алмаштир, улар тонгдан бери савашнинг олдинги қисмида катта талафот кўрганга ўхшайди, аксинча эса, Султон Хоразмшоҳга ўзини ўнглаб олишга мутлақ имкон берманг, уқдингми, бир сония ҳам!“ Субутой баҳодир хоқон буйруғини ҳар икки саркардасига етказиш учун хабаргирини Чигатой ва Ўқтой ҳарбий қароргоҳига жўнатди.

Ўқтой отаси хоқоннинг ўзига берган буйруғи, чекинишни нима учун талаб қилаётганлигини, унинг замирида рақибга тузоқ ва ҳарбий ҳийла маккорлиги мавжудлигини тез англади. Ҳужумни у дастлаб сусайтирди, сўнгра секин-аста чекинишга кўрсатма берди. Аминалмулк ва унинг суворий лашкари уззукунги жанг оқибати бизнинг ғалабамиз томон оғди, деган фикрда лашкарни мудофаадан ялпи ҳужумга бошлади. Шу тариқа Жалолиддин Мангубердиннинг фул қўшинини чап қанотдан ҳимоя қилиб турган мудофаа марраси очилиб қолди. Худди шу пайтда юз берган бўшлиққа хоқон орқа томон захирада турган қўшинларни зудлик билан жангга киритиб, Аминалмулк суворий қисмлари олд томонда, орқа томондан эса мўғулнинг энди ҳужумга ташланган лашкарий қисмлари темир қуршовига тушиб қолди. Султон Жалолиддин бу ўпирилишнинг олдини олиш учун энг эпчил жангчилардан бир гуруҳини жўнатар экан, нима қилиб бўлса-да, саркарда Аминалмулк аввалги мудофаа маррасига қайтиши тўғрисида Султон буйруғини тезликда етказишга жўнатди. Бироқ бу жўнатилган гуруҳ Жалолиддин буйруғини етказа олмади. Ўқтой лашкарий қисмлари билан алмаштириш лозим бўлган мўғул захира қисмлари тўсифига дуч келди. Бу пайтда Аминалмулк ўз суворий қисмлари билан тўла қуршов тузориға тушириб бўлинган, энди уларни бу ажал оғзидан олиб чиқишнинг ҳеч қандай чораси йўқ эди. Энди уларда фақат битта йўл қолган эди, у ҳам бўлса озик-овқатсиз, сувсиз ҳолатда сўнги нафасгача курашиб, мардона ўлимни кутиб олиш. Шу фожиа билан қуёш шарқ оламиға тун пардасини ёйиб, мағриб оламиға юз бурди. Тун зулмати ҳукмронлиги қирпичоқ бўлаётган рақиб қўшинларини ўз қароргоҳ ва чодирларига қайтишга мажбур қилди. Саваш эртанги кунга қолганлигини билдирувчи довуллар ҳар икки томондан бонг урди. Томонлар аламзадалик билан жойларига қайтдилар. Чингизхон Аминалмулкнинг қуршовга олинган суворий қисм жангчиларининг жасоратини инобатга олиб, уларга тонггача яшаш ҳуқуқини берди ва эрта тонгда уларни асосий жанг бошланишдан олдин мутлақ қириб ташлашга фармон берди. Улар бўғма илон домиға тушган ўлжадек тонгни қуршов азобида оттиришга маҳкум қилинди. Ана шундан бошлаб бу фожиа Жалолиддинни ўтқонга сабаб бўлувчи ҳодисалар тақдири билан юзма-юз туришга мажбур қилди. Чингизхон эса ғалаба калитига эга бўлгандай, руҳий-асабий зўриқишлардан анча қутулгандай ҳис қилди ўзини. Энди эрта тонгдан ўнг қанотда кўзига балои азим бўлиб кўринаётган Темур Маликни бир ёқлик қила олса, демак, ғалаба шубҳасиз ўзи томонида бўлиши, шунинг учун Жалолиддиннинг ўнг қанотини синдириш, сўнгра якуний жанг оқибат Жалолиддинни мағлуб этиш билан интиҳо топтирилишини мўлжаллади.

... 1221 йил декабрнинг биринчи куни, шунингдек, қиш ҳавосининг авзойи бузилиб, изғирин шамол Нилаб осмонига Осиёнинг энг баланд тоғ тизмалари томондан ёмғир

булутларини ҳайдаб келмоқда. Рақиб томонлар қаҳрига қишнинг қировли, этни жунжитувчи қаҳри қўшилиб, уни муҳораба қаҳри билан уйғунлаштиришга интилаётгандек, фасл муҳити билан уруш, қон тўкиш муҳити мувозанатга келмоқчидай гўё. Шу тарзда тонг отиб, томонлар жанг довули, бурғуларини баланд пардаларда чалишни бошлаб юбордилар. Чингизхон лашкари томонидан пўлат қуршов ҳалқасига олинган Аминалмулкнинг аҳволи жуда оғир эди. Хоқон унинг лашкарини таслим бўлишга ундаб кўринглар, агар шартимга кўнса, бемисл мардликларини инобатга олиб омонлик бераман, агарда рад қилса, барчасини қиличдан ўтказаман, деди. Субутой баҳодир хоқон топшириғига кўра элчи жўнатди. Аминалмулк талабни рад қилди. Озиқ-овқатсиз, сувсиз ва қиш изғиринида тунни қарийб уйқусиз ўтказган чап қанот қўшин ўз жанговарлигини йўқотган эди. Бунинг устига темир ҳалқа ўрови шунчалик мустаҳкам эдики, бирон жангчи ҳам тирик чиқиб кетишдан ҳеч қандай умид йўқ эди. Устига-устак Аминалмулк жангчиларидаги очлик, уйқусизлик азобидан ташқари ачинарли ҳолат шу эдики, уларнинг кўпчилиги ярадор бўлиб, найза ёки қиличига суяниб ёки бировнинг кўмагидагина ўрндан базўр туришлари мумкин эди. Чингизхон уларнинг таслим бўлишдан бош тортганлигини эшитгач, Аминалмулк бошчилигидаги қўшиннинг ўлимолди ҳолатини томоша қилиш учун қуршов майдонига тезликда етиб келди. Унинг келиши билан майдонни сукунат ҳукмронлиги эгаллади. Бир зум бўлса ҳам соғлом жангчилар ярадор жангчиларни ҳимоя қилиб, жангталаб бўлган ҳамда ўз бурчларини адо қилишга тайёр турдилар. Ўлимга тик боқиб турган бу жасур жангчиларнинг ҳолатини зимдан кузатган Чингизхон уларнинг мағрур туришига бир ҳавас қилса, қанчадан-қанча жангчиларимнинг танасини тилка-пора қилган ана шу рақибларим бўлади, начора, ўлиш навбати сизларга келган экан, уни адо қилиш бизнинг вазифамиз ва бурчимиз қабилида иш тутар экан, шундай бир нафрат билан қўшинига буйруқ бердики, ўлжани важишга тайёр турган йиртқичдай кўзи қонга тўлган мўғул қўшини хоқоннинг „қириб ташлансин“ ишорасини кўрсатиши ҳамано, денгизда кўтарилган бўрондай Аминалмулкнинг қуршовга олинган қўшини устига ёпирилдилар. Жанг қисқа, аммо шафқатсиз ва аёвсиз бўлди. Кичик ҳалқа даражасига сиқиб келинган Аминалмулк қўшини тор доирасимон ҳолатга келтирилиб, мўғулнинг ўн, ўн беш найзадор босқинчи ёв жангчилари биттадан жангчиларга ҳужум уюштириб, уларга найза урганича чалажон қаҳрамонни даст юқорига кўтариб, жони узилгунча намоийшкорона ушлаб туриб, сўнгра қиличдорлар томонга ирғитдилар. Улар жасадни қиймалаб ташлайвердилар. Шу тариқа Аминалмулк қўшини чамаси бир соатлар мобайнидаги хунрезлик фожиасидан кейин чавақланишдан ҳосил бўлган уюм-уюм жасадлар тепалигига айлантирилди.

Аминалмулк қўшинидан айрилиш Султон Жалолиддин учун оғир жудолик бўлиши билан, фалокатнинг нақ бошланиши бўлиб, хоқон ғалабасини таъминлаш сари ташланган муҳим қадам бўлди.

Чингизхон ғалаба калити энди ўз қўлига ўтганлигига ишонч ҳосил қилди. Асосий зарба кучини Жалолиддинни ўнг томондан ҳимоя қилиб турган Темур Малик лашкари томон йўналтирди. Темур Малик жасурликда тенгсиз саркарда бўлиши билан Султон Жалолиддин Мангубердиннинг устози эдики, у Хўжанд қалъаси ҳокимлиги давридаёқ мўғуллар учун, айниқса, хоқон ва унинг саркардалари кўзига балои азим бўлиб кўринарди. Энди хоқон Темур Маликнинг бошига Аминалмулк кунини солишни астойдил қасд қилган эди. Йўқ! Ундан ҳам баттар ўлимни, азоб-уқубатни унга раво кўриш истаги билан ёнарди. Бу ғазаб олови Темур Маликни, сўнгра Жалолиддинни тириклайин қўлга

олингандагина пасайиши мумкин эди, холос. Хоқоннинг ғазаб олови унинг қўшинининг ҳужумида намоён бўлар экан, Темур Малик бу ҳужумга ўзининг ва жасур баҳодир жангчиларининг нафрати ҳамда мардлигини қарши қўйиш билан жавоб берди. Асосий зарба Жалолиддин Мангубердининг фул қўшинини Темур Малик қўмондонлигидаги ўнг қанот қўшиндан ажратиб ташлаш, сўнгра уларнинг ҳар бирини алоҳида қириб ташлашга қаратилди. Мўғулларнинг бундай ҳужум усулларида яхши хабардор бўлган Жалолиддин ва Темур Малик бу ҳужум оқибатини дарров англаб етдилар. Жалолиддин устоз саркарда Темур Маликни қўшинларнинг сочилиб кетмасликларидан ва фул билан ўнг қанот ўртасига мўғулларнинг ёриб киришига йўл қўймасликдан огоҳ қилди. Агар ёриб кириш хавфи пайдо бўлса, ўз қўшини, яъни ўнг қанот лашкарий қисмларни марказ қўшини сафига қўшиб юборишга кўрсатма берди.

Темур Малик ўз саркардалик бурчини ҳам, жангчилик бурчини ҳам Нилабдаги қирғин-барот жангларда шон-шараф билан адо қилди. Хоқоннинг Темур Маликни бир зарба билан қириб ташлаш учун уринишлари тугул мўғулларнинг бир неча бор қутуриб қилган ҳужумлари ҳам барбод бўлди. Аммо ана шу ҳужумларни зўр матонат билан қайтарган ўнг қанот қисмлари ҳам катта талафот кўрди. Натижада ҳолдан тойиб ва сийраклашиб қолган жангчиларига Жалолиддин жанг олиб бораётган марказ (фул) қўшинига қўшимча буйруқ берди. Темур Малик лашкари тинимсиз жанг билан асосий қўшин таркибига келиб қўшилишга муваффақ бўлди.

Худди шу лаҳзаларда душманнинг ҳужум қилувчи лашкарий қисмларидан катта бир гуруҳи Жалолиддин Мангубердининг оиласи ва онаси турган чодир тарафга қараб йўл олди. Жалолиддин Мангуберди бу қалтис ҳодисадан тез хабардор қилинди. Султон Жалолиддин уларнинг йўлини тўсишни довурак саркардаларидан бири бўлган Жаҳон Паҳлавонни бир даста гуруҳ баҳодир жангчиларга бош қилиб жўнатди. Султоннинг буйруғини олиши билан Жаҳон Паҳлавон Султон оиласи ҳамда Жалолиддин қароргоҳи жойлашган дарё соҳили томон от қўйди ва душман билан дарҳол жангга кирди. Жаҳон Паҳлавоннинг шиддатли олишувини кузатиб турган Субутой жанг бошлаб юборган мўғулларга ёрдам бериш учун камида ўн минглик туман қўшимча кучларни унга қарши жангга ташлади. Хоқон бу билан Жалолиддинни руҳий-маънавий жиҳатдан синдирмоқчи бўлган эди. Гарчи Жаҳон Паҳлавонга ажратилган жангчилар сони уч минг суворий ва пиёда жангчилардан сал ортиқ бўлса ҳам мўғулларнинг камида ўн беш минг кишилик лашкари билан мардона жанг олиб борди. Орқага чекиниш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмасди. Агар шундай бўлганида қароргоҳ ҳам, Султон оиласи ҳам қўлга олинган бўларди. Шунингдек, жангга яроқсиз, қўплари ўлим билан олишиб ётган ярадор жангчилар ҳам шу қароргоҳ ёнгинасидаги чодирларда сақланаётган эдилар. Уларга туну кун Жалолиддин ва унинг саркардалари оилалари тиббий ёрдам кўрсатар эди. Мўғуллар ярадорларни ҳам аяб ўтирмасди. Уларни ҳимоя қилиб жангга кирган Жаҳон Паҳлавон ва унинг жангчиларининг шу кунги жангдаги кўрсатган жасорати бемисл қаҳрамонликнинг ёрқин саҳифаси сифатида мозийга битилди. Ўзига қўйилган номни муносиб тарзда оқлади. Султон Жалолиддиннинг дардига дармон бўлди. Қаттол ёвнинг йўлини ўтиб бўлмас қоядек тўсиб турди. Тобора сийраклашиб бораётган Жаҳон Паҳлавон лашкарини ҳимоя қилиш учун Жалолиддин Мангуберди ўз саркардаларидан бири Харпўштни унинг ихтиёрига жўнатди. Мадад қисмлар етиб келиши Жаҳон Паҳлавон учун айни муддао бўлди. Нилаб майдонида жанг шу тариқа қизигандан-қизиб, дўзах оловига айланди. Инсон ақл-идрокига сифмас жанг тўғрисида еру осмон зир



Жалолоддин Хоразмшоҳ Ғазна шаҳри аҳолисини мўғул босқинчиларига қарши иттифоқ бўлиб курашишга даъват этмоқда. 1221 йил ёзи.



Султон Жалолоддин Чингизхоннинг таслим бўлиш талабини рад қилиб, оилавий қасамёд қилаётган пайти: „Биз ҳеч қачон ёвга таслим бўлмаймиз. Ватанни сўнги томчи қон ва охири нафасгача ҳимоя қиламиз. Ёвга ўлим, ўлим, ўлим!“ Ўндан чапга: 1 — Жалолоддин Мангуберди, 2 — улуғ саркарда Темур Малик, 3 — онаси Ойчечак, 4 — олти яшар ўғли Жамолиддин. 1221 йил, Нилаб.



титради, бу ерда фақат қириш ва қирилиш жараёни тўлиқ ҳукм сурди. Саф-саф турган инсонлар тўқнашуви, аёвсизлиги шу бўлдики, ғоят моҳир чалғичи ўт-ўлан ва майсани қандай ўриб ташласа, томонлар ҳам бир-бирини шундай тигдан ўтказдилар, сихладилар, чопдилар, янчдилар. Жанг хунрезона майлда борди. Асир олиш бўлмади, ҳеч ким ҳеч кимга шафқат қилмади, барчанинг шу жангдан қасос қони кўпириб, қайнаб тошди. Ҳар икки рақиб тарафнинг узоқ адовати ана шу жанг майдонида юзага қалқиб чиқди.

Жалолиддин Мангубердининг жаҳон ҳарбий санъати эътирофига сазовор бўладиган ушбу жангини ҳар куни соатма-соат ва кун-бақун қузатган саркарданинг онаизори Ойчечак Темур Маликнинг ўнг қанот қўшини огир ва тенгсиз жангда катта талафот бериб, асосий қўшинга келиб қўшилгандан кейин огир вазиятга тўғри баҳо берди.

## **ОНА ВА ФАРЗАНДЛАР БИЛАН ВИДОЛАШУВ. КЕЙИНГИ УЧРАШУВ МАҲШАРГА ҚОЛДИ**

Ойчечак ўз даврининг жуда зукко, ўқимишли, маърифатпарвар, шунингдек, ҳарбий-сиёсий масалаларни ҳам теран тушуна оладиган, зарур пайтларда ҳукмдор Муҳаммад Султонга давлат бошқарув масалаларида ўз фикрларини дадил айта оладиган маликалар сирасидан эди. Шунингдек, ўғли Жалолиддин Мангуберди онасидаги бу инсоний-ахлоқий сифатларни юксак кадрлар, шарқ, қолаверса, туркий аёл маликаларда бўладиган шу фазилатлар, айниқса, мардлик, ҳақиқатга мойиллик, жасоратлилиқ хислатларининг ўз онасида янада яққол намоён бўлишидан фахрланарди. Ўз навбатида, она ҳам ўз фарзандидаги бемисл баҳодирлик, ватанпарварлик, истеъдодли хислатлар уйғунлигидан, шундай фарзанд онаси эканлигидан ғурурланарди. Малика она ва шоҳ ўғилдаги шу инсоний туйғулар мужассамлашиб, она-Ватан манзарасига зеб бериб турарди. Шу боис она ва фарзандлар Ватан ғурури ва номусига айланиб бўлган эдилар. Яқун топаётган бетакрор ва даҳшатли жанг буни яна ва яна тасдиқлади. Хоқон бошчилигидаги юз минглаб сафарбар этилган босқинчиларнинг оддий жангчисю саркардаларидан тортиб, дунёни ларзага келтирган Чингизхонга қадар барчаси бу буюк шахсларнинг шахсий ва оммавий жасоратларига таҳсинлар ўқидилар, ҳайрат ёқасини ушладилар. Душманлар эътирофи тарих илмида жангда юз минглаб ҳалок бўлган жангчиларнинг тўкилган қони ва жасадлари совиб улгурмаёқ хоқон тарихчиси Жувайний ва Султон Жалолиддин Мангуберди тарихнависи ан-Насавийлар келажак авлод учун битик қилиб муҳрладилар. Икки тараф қирилишди ва бўғизлашдилар. Муаррихлар бунга гувоҳ бўлиб, тарих йилномасини оқаетган қонлар рангига ҳамоҳанг қилиб саҳифа битдилар.

... Вазият жуда қалтислашиб, жанг сурони мўғул ва Чин-Мочин қўшинлари тарафига оғиб, Чингизхоннинг сон жиҳатдан ҳаддан ташқари устунлиги ўз сўзини айта бошлагач, қалби минг пора онаизор Ойчечак ўғли Султон Жалолиддин билан видолашув пайти етиб келганлигини англади ва уни маълум дақиқага жанг майдонидан чақириб олишга журъат этди. Қароргоҳнинг ишончли ва хос соқчиларидан бирини жанггоҳнинг қоқ марказида душманларни тилка-пора қилаётган Султон ҳузурига жўнатди. Хабарни Жалолиддинга етказувчи қоровуллик хизмати хос соқчисининг Султон жанг қилаётган майдонга кириши ва унинг ёнига етиб бориши бундай қирғин-барот паллада даргумон эди. Аммо онанинг сўзини бажариш ҳам шарт эди. Ниҳоят, хос соқчи Жалолиддин Мангубердини уч томондан ярим ёй бўлиб ўраб турган саркарда жангчилари олд сафига етиб келди. Улар Жалолиддинни ҳимоя қилаётган марду майдонликда тенгсиз, жанг

яловбардорларидан ташкил этилган махсус минг кишилик ҳарбий қисм эди. Уларга юклатилган вазифа жуда оғир бўлиб, Султонни қўлга олиш учун Чингизхоннинг шахсан топшириғини ҳар қандай шароитда уддалашга қодир бўлган, ғоят тезкор ҳаракатланувчи, жисмоний жуда кучли, ўта топқир мўғул ва Чин лашкари ичидан танлаб олиб тузилган махсус ҳарбий қисмларнинг шиддаткор, қутилмаган ҳужумларини даф этишдан иборат эди. Қароргоҳ хабаргири Султонни ҳимояловчи махсус қисмнинг юзбошисини учратиб, Султон онаси малика Ойчечакнинг илтимоси ғоят жиддийлиги, ҳар қандай шароитда она ва Султон Жалолиддин учрашувини таъминлаш лозимлигини айтди. Юзбоши вазиятни дарҳол тушунди, соқчини орқасига қайтариб, ўзи эса Жалолиддин жанг олиб бораётган гул қўшиннинг қоқ маркази томон шиддат билан от суриб кетди. Минг бир машаққат билан Султон ҳузурига яқинлашган юзбоши тан сақловчи қисм мингбошисига Султон онасининг илтижоларини етказди. Жалолиддин ўз ўрнини Султонни ҳимоя қилувчи махсус қўшин саркардаси Харпўшт баҳодирга топшириб, ўз қароргоҳи ва Ўғруқ тарафга тулпори жиловини бурди. Қароргоҳ билан жанг бораётган майдон ораси унчалик узоқ эмасди. Султон Жалолиддин Мангубердининг онаси Ойчечакнинг ёши 40 ларга бориб қолган бўлса-да, жуда гўзал ва латофатли эди. У жуда мард малика бўлишига қарамай, ўша даҳшатли Нилаб жанги бошлангандан кейин унинг юзи ва кўзларида ҳадик ҳамда сўлғинлик аломати, пешанасида ажин излари, қоп-қора сочлари орасида оқарган толалар пайдо бўлган эди. Бу ҳадик ва ташвиш беҳуда эмасди. Ўғли Жалолиддин Мангуберди мўғул хоқони ҳосил қилаётган тўфонни тўхтатиш йўлида буюк жасорат ва қаршилиқ кўрсатаётган бўлса-да, Чингизхон янгидан-янги кучларни келтириб, денгизда қутурган бўрондай Ватан баҳодирларини қириб ташлаш қасди билан ҳужум ҳаракатларини соатма-соат кучайтириб борарди. Ўғли Хоразмшоҳнинг аскарлари мўғуллар қўшинига нисбатан жуда кам, ёмғирдан томчи бўлгани ҳолда, ҳар кунги жанг давомида лашкар сафи сийраклашиб борар, Ватаннинг ҳар бир жангчиси қаҳрамонларча кураша-кураша фарзандлик бурчини сўнгги нафасгача тўла бажариб, сўнгра тоғ қулагандек йиқиларди.

...Ҳарбий-сиёсий масалалар тўғрисида яхшигина тушунчага эга бўлган Ойчечак учинчи кунги жанг тамомила Чингизхон фойдасига ўзгариб бораётганлигига ишонч ҳосил қилган эди. Малика Ойчечак шу қисқа фурсатда кўп воқеаларни хаёлидан тез ўтказди. Жаҳонга донғи кетган хоразмшоҳлар сулоласи тақдири-ю, Ватан тақдири, эл-улус қисмати-ю, истеъдоди юз-қўзи ва ҳаракатларидан яққол сезилиб турган келажаги порлоқ бўлган суюкли невараси Жалолиддин, асалдек ширин жажжи невараси Гулруҳбонуларни қандай қисмат кутади, маликалар-чи, келинларининг ўзи бир дунё, бир олам, барчасининг ўн гулидан бир гули ҳали очилмаган. Ана шу хатарли ўй-хаёллар дарёсига фарқ бўлиб, икки неварасини бағрига олиб, жанг майдони тарафга ҳадик кўзларини тикиб турган она чақмоқдай елиб келаётган соқчи суворийлар орасидан ўғли Жалолиддинни дарҳол таниди. У суворийлардан анча олдинроқда мисоли момақалдироқдай елиб келарди. Жалолиддин оғзидан кўпик сачратиб қушдек учаётган самани жиловини куч билан тортиб тўхтатди. Эпчилик билан тулпоридан ирғиб тушар экан онаизори бағрига отилди. Она ва фарзандлари Султон Жалолиддин бағрига симобдек сингдилар. Она фақат „болам, болагинам“, Жалолиддин эса „онажоним, онагинам“ сўзларини такрорлардилар холос. Фарзандлари Султон оёғига ёпишганича „Отажон, энди бизни ташлаб кетмайсиз-а“, дегани деган эди. „Ташлаб кетмайди отанг, фақат анави махлуқ Жўжи-бўжиларни ҳайдаб юборсин, сўнгра доим сизлар билан бирга бўлади“, деб юпатди бувиси Ойчечак. Онанинг кўз ёшлари душман қонидан қип-қизил алвон ранг ҳосил қилган совутга оқиб тушарди.

Жалолиддин Мангуберди барча азоб-уқубату машаққатларга бардош бериши мумкин, бардош бериб келарди ҳам, аммо инсон ўз онаси, фарзандлари, суйган вафодор ёри билан абадиятга видолашув дақиқаларини қандай кўтара олади? Жигарбандларининг кўз ёшларини нима билан тўхтатсин? Фанимнинг отаётган ўқ ва ажал тошларини қайтариши мумкин, аммо бу дилбандларига нима деб тасалли берсин? Бунга яратгандан ўзга ҳеч ким жавоб беролмайди. Бу фожиани ёритишга ҳеч бир истеъдодли адиб, қалами қудрат кучига таянган манаман деган тарихчилар ҳам ожиз қолади. Бу руҳоният ва қалб изтиробига дахлдор воқеа сир-синоатига яратганнинг ўзидан бошқа ҳеч ким таг-тугига ета олмайди. Тошдан ҳам қаттиқ бўлган Жалолиддин иродаси фақат бир нарсадангина нажот топиб, курашни давом қилдириши мумкин эди. У ҳам бўлса Ватан, эл-юрт мустақиллиги йўлида қасоскорона жангу жадални сўнгги нафасгача олиб бориш, қўлидаги пўлат тигли бобомерос қилич билан душманга қирон келтириш орқали таскин топишдан бошқа нажот йўқ. Видолашув жараёнига маликаларнинг келиб қўшилиши, оилавий фарёдни, фожиани ўзининг энг дард ва аламли поғонасига кўтарди. Жалолиддиннинг кўз олди қоронғилашиб, томоғига бир нарса тикилгандек бўлди, вужуди қақшади, юрагини даҳшатли ваҳший махлуқ темир панжали тирноқларини кўкраги қаърига ботириб, юлиб олаётгандай оғриқ сезди. Оиласи билан ажралиш ғоят қийин кечди. Олдинда аёвсиз жанг борар, орқада эса қалблар турғени ва вайронлиги ҳукм сураётган, вақт эса ғоят зиқ эди. Шу пайт жанг сурони оловланаётган жойдаги Султон хабаргири етиб келиб, аҳвол ғоят овирлашиб, танг ҳолатга кирганлиги, бутун қўшин — аскардан саркардаларгача Жалолиддинни кутаётганлигини билдирди. Султон сўнгги бор оила аъзоларини қаттиқ бағрига босди. Кетишга чоғланган онаизор ўғлига юракларини эзиб юборувчи сўнгсўзини бутун кучини йиғиб дадилона шундай ирод этди: „Болагинам, дилбандим, сени кўп ушлаб туролмайман, жанг баҳодирлари сени интиқ бўлиб кутмоқда. Хаяллаб қолганинг учун гумонсираб қолмасинлар. Сўзим қисқа бўлади, диққат билан эшит! Бу сафар сен мени, ўғил-қизинг, суюкли келиним, невараларим ва ўзингнинг ягона синглингни ҳукмдорлик фармони билан мана шу ҳайқириб турган асов дарёга ташлашга ҳукм қиласан. Она сифатида сўнгги талабим шудир. Мен битта ўғил, ўғил эмас Ватаннинг шердан-да кучли арслонини туғдим. Бу сенсан. Бирор марта билиб-билмай кўнглингга келадиган гап айтган бўлсам кечир, болагинам. Энди кўришмоқ насиб этса маҳшарга қолганга ўхшайди. Мен оилам, келиним, невараларим, синглинг — барчаси номус-орини душманга топтатмаган ҳолда абадият дунёсида тинч ва осуда ётмоқчиман. Бирортамизга ёвнинг ювуқсиз, ҳаром қўлларини теккизишга йўл қўя олмайман. Ҳар қандай ҳолатда отанг Муҳаммад Хоразмшоҳнинг вафодор маликаси бўлиб бу дунёни тарк этаман. Ваҳший Чингиз қўлига тушгандан кўра мен мана шу дарёда сузаётган балиқларга ем бўлганим минг бора афзал. Мен сендан она сифатида сўрайман, сен эса фарзанд сифатида менинг ҳозирги талабимни бажаришинг жуда қийин. Аммо уни шоҳ ва ҳукмдор сифатида амалга оширишинг шарт. Аввало, мени, сўнгра келиним, болаларинг ва синглингни дарёга улоқтиришга буйруқ берасан. Буйруқ бергину бир тош нари кет, орқанга зинҳор-базинҳор қарама, у пайтда биз, худо хоҳласа, яратганнинг ҳузурда бўламиз. Мен билан видолашганинг бутун оиланг билан видолашганингдир. Уларни бағринга олишинг, ажралишинг қиёмат-қойим, дод-фарёдга айланади. У ёқда эса якуний жанг сени кутмоқда. Энди тақдирга тан бермай илож йўқ, парвардигор шу кунларни раво кўрибдими, начора! Қани, шер фарзандим, жигарбандим, арслоним менинг, севимли тулпорингга мин-да, биз учун ёвдан қасос ол! Неки ғазабинг бўлса, душманга аёвсиз соч,

уларнинг қонини дарё қилиб оқиз! Орқанга бир қарамай кет, болажоним. Бўла қол, фармон бер, Султоним!”

Онанинг бу оху нола билан видолашув олдидан айтган сўзларини нафақат инсон, нафақат Султон ва шоҳлар, балки виқорли буюк тоғлар ҳам кўтара олмаслиги аниқ. Жалолиддин онаизор илтижоларини қалби вайрон, дили гирён бўлиб қабул қилди. Орномус, Ватан ва эл-улус озодлиги, мустақиллик учун шоҳ Жалолиддин ўз онаси ва оиласи ҳаётини бутунлай қурбон қилишга фармони олий берди. Шу тобда кенг жаҳон торайиб кетгандек бўлди, Султон Жалолиддин кўзига гўё. Ниҳоят, қароргоҳни ҳимоя қилувчи ўн беш-йигирма чоғли басавлат жангчилар фармонни бажаришга киришдилар. Малика она Ойчечакнинг талаби билан Жалолиддиннинг фарзандлари, онаси, суюкли аёли ва синглиси катта кигизга ўтқазилиб, тик соҳилдан дарёга отилди. Ютағон дарё бир зумда Султон оиласини ўз домига тортди. Фармонни бажараётган қўриқчи жангчилар бағри қон бўлиб, икки юз-уч юз метрлар чамаси нарида она илтимосига кўра „биз чўктирилаётганимизда орқа ўгириб тур, зинҳор орқанга қайрилиб қарама“ деган сўнгги илтижо ва видолашув чоғидаги ваъдасини бажарганча тулпори устида орқа ўгириб, ҳайкалдек қотиб турган Султон томон равона бўдилар ва Султонга етиб олиб, Жалолиддиндан „нидо чиқишини кутиб жим қотдилар. Султон Жалолиддин: „Буйруғим бажарилдими?“ деди уларга қарамай. Улар ёш болалардай хўнграб йиғлаб юбордилар. Жалолиддин эса „Ё раб, қайси гуноҳларим учун, менга бундай аччиқ тақдирни раво кўрдинг эй Оллоҳ!“ деди-да, шаҳт билан қиличини қинидан суғуриб, шундоқ ҳам жангталаб бўлиб турган тулпориغا зарб билан қамчи урди. Тулпор Султонни бир баҳя ўтмай жангнинг пўртана бўлиб қайнаётган дўзах майдонига элтди. Ҳозиргина бутун борлиғи — оиласи, онаси, фарзандлари ва синглисидан ажралиб, кўзига дунё қоронғи кўринган Жалолиддин бор газаб ва нафратини билаги, қиличига тўплаб, душманларни ҳайратдан ёқа ушлашга мажбур қилган жангу жадал, ажал майдонига кирди. Унинг учун жанг моҳияти ал-қасосу минал-ҳақ эди. Дунё кўрмаган буюк бир қаршилик бошланди. Жалолиддиндан бошқа бирор-бир саркарда бўлганида бу бемисл йўқотиш, тенгсиз оилавий фожиадан кейин жанг майдонига қадам қўйиш у ёқда турсин, шу ондаёқ юрагини чангаллаганича, дунё торайиб, адойи тамом йиқилган бўлур эди. Метин тошлар бардош беролмайдиган ҳолатни инсонга берилган пўлат ирода билан енга олди ва ўзини жанг майдонига урди. Бу ҳақда муаррих: „Энди оиласидан кейин унинг йўқотадиган ҳеч нарсаси қолмади“, деган эди. Аммо Жалолиддин учун унинг жонажон оиласидан, ўз жонидан ҳам юқори турувчи маъвоси бор эди. Бу унинг Ватани, унинг озодлиги ва мустақиллиги эди. У олиб бораётган курашининг бош мақсади ҳам шунга йўналтирилган эди. „Мол-дунё кетса-кетсин, жон кетса-кетсин, аммо Ватан, эл-улус озод бўлса бас, миллат мустақил бўлиб яшасин!“ У қуллик ва қулдорлик тузуми зулм занжирининг Шарқ олами узра ёйилишидек даҳшатли хатарига қарши адолат қиличини аёвсиз чекди, буюк бир жасоратга лиммо-лим қаршилик кўрсатди. Бу қаршиликнинг энг чўнг ва сарбаланд нуқтаси Нилаб жанги бўлиб, Жалолиддин, айниқса, ушбу жангнинг якуний босқичида шундай бир қаҳрамонликлар ва жасоратларга қўл урдик, инсоният тарихида у кўрсатган жасоратни унғача ҳам, ундан кейин ҳам Султон кўтарган баландликка кўтариш на бир жангчи, на саркардаларга насиб этди. Шу боис мардлик ва жасорат жаҳон ҳарбий санъатининг бетакрор ҳудуди фақат Жалолиддин Мангубердига даҳлдор бўлиб қолди. Бунга Нилаб жангининг якуний босқичидаги халқ қаҳрамонининг бемисл ҳаракатларида яна ва яна ишонч ҳосил қиламиз.

...Жалолиддин Мангуберди ўз оиласи билан абадиятга видолашиб, жанг майдонига етиб келганда ташаббус Чингизхон томонга асосан оғиб бўлган эди. Энди ҳарбий ҳаракатларнинг боришида ҳеч қандай сир-синаотлар, махфийлик қолмади, ҳамма нарса ойдинлашган эди. Бундан фақат Чингизхоннинг ҳал қилувчи якуний зарба бериш учун асраб қўйган тўртинчи, яъни кенжатоё арзанда ўғли Тўли қўмондонлигидаги бир туман, яъни ўн минг кишилик махсус қисмигина мустаснодир. Умри жангу жадалда ўтган Чингизхон бу қўшинини кутилмаган зарбаларни беришга қодир Жалолиддиндан ғоят хавфсирраганликдан, ўзининг қора кунларида бошига тушадиган кулфатлардан сақланишни мўлжаллаб, жангнинг энг сўнги соатларигача асраб қўйган эди. Хоқон ўша махсус тумандан бошқа ҳаммани муҳорабага ташлаган. Ана шундай қалтис вазиятда тезоқар Синд дарёси Мангубердининг онаси, қизчаси ва бир неча маликаларни аллақачон ўз домига тортиб бўлган эди. Аммо, қисматни қарангки, Султоннинг ўғли ва синглисини дарё тўққини ва оқим кучи соҳилнинг мўғуллар эгалаб турган саёзлик тарафга оқизиб кетди. Мўғуллар Жалолиддиннинг оиласи дарёга ташланаётган жойни кўриб турар, унга яқин масофада саркарда Жаҳон Паҳлавон бир гуруҳ баҳодирлари билан улар йўлини жон-жаҳди билан тўсиб турарди. Жаҳон Паҳлавон лашкари жанг давомида сон жиҳатдан ўзидан бир неча бор устун душманнинг қутуриб қилган ҳужумларини қайтариб, ҳолдан тойганлиги боис, Султоннинг ўғли ва синглисини мўғуллар қўлидан қутқариб ола олмади. Мўғуллар бу икки тутқун оддий асир ва асира эмаслигини, дарёга ташланганлар Хоразмшоҳ оиласи аъзолари эканлигини билар, жуда яқин масофадан кўриб турган эдилар. Шунга кўра дарёдан тортиб олинган ўлжаларнинг қиймати жуда юқори туриши, хоқонга энг қимматли тортиқ Султоннинг ўғли — Жалолиддин ва синглиси бўлишини билардилар. Улар қўлга олинishi биланоқ Чингизхон қароргоҳига жўнатилди. Хоқон ғалабанинг дебчаси бўлган бу тутқунлар Жалолиддин жигарбандлари эканлигидан ғоят мамнун бўлди ва Нилаб жанги бутунлай ниҳоясига етгунча уларни кучайтирилган назоратда сақлаб туришга кўрсатма берди. Жалолиддиннинг қўлга олинган ўғли эндигина олтинчи баҳорни қаршилаётган, кўзлари ўткир, ҳаракатчан, зийрак, шунингдек, ёшига нисбатан соғлом ва улурвор ўсаётган, 9 — 10 ёшлардаги шахзодалардек кўринишли таассурот қолдирадиган ўспиринча эди. Чингизхон учун шахзоданинг қўлга олинishi айни муддао бўлди. Хоқонга бу асирларнинг баҳоси тенгсиз эди. Шу боис йирик давлатларни тор-мор қилиб, уларнинг бебаҳо жавоҳирларини қўлга туширганида ҳам бунчалик хурсанд бўлмаган эди.

Жалолиддиннинг онаси малика Ойчечакдан фақат икки фарзанд — бир ўғил, бир қиз туғилган эди. Каттаси Жалолиддин, кичиги эса қиз фарзанд бўлиб, улар бир онадан туғилган эдилар. Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг қолган барча ўғил-қизлари бошқа маликалардан туғилган фарзандлар бўлиб, ота бир, она бошқа ака-ука, опа-сингиллар ҳисобланарди.

Ҳар қандай инсон Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг энг фожиали ва бундай даҳшатли воқеаларини ўз бошидан кечирганда юраги тарс ёрилиб, руҳий тушкунликнинг энг қуйи нуқтасига тушиб, оқибат бу руҳий синиш уни ақлий тизимларни ҳам барбод қиладиган инқироз жарии ёқасига келтирган бўларди. Бир томонда қўшини нақ фалокат домида тобора сувга фарқ бўлган кемадек йўқлик дунёсига бир қадам турган бўлса, иккинчи тарафда бутун борлиги — жонажон оиласи нақ кўзи олдида ютагон дарё қаърига кетди. Ўғли ва синглиси ғаним қўлида тутқун. Уларни не азоб-уқубатлар

кутмоқда? Йўқ! Бундай фалокат ва фожиани ҳеч бир инсон бандаси кўтариши амри маҳол. Бу фожа миқдорию кўлами, оғирлиги жиҳатдан тоғ қоясидан-да оғир. Буни кўтара олмаган Жалолиддиннинг энди барча орзу-умидлари, курашлари қора ерга кўмилиб, саробга айланди, ҳеч нарсадан умид қолмади тарзида ўзини ишонтирса, тирик жасадга айланган, демак, ҳаммаси тутаган ҳисобланарди. Унда Жалолиддинга икки йўл қоларди. Бири Чингизхонга енгилганлигини тан олиб, таслим бўлиш талабига кўниб, ўғлим, ўзим, синглим ва тирик қолган жангчиларим — барчамиз қулингиз бўлиб умрбод хоқон ва чингизий шахзодаларга содиқ хизматкорликни қабул қиламиз тарзида хоқон оёғига йиқилиш бўлса<sup>1</sup>, иккинчиси Ватаннинг ғоят содиқ, пўлатдек мустаҳкам иродали ҳукмдори сифатида мотамсаролик вазияти олдида ўзини йўқотмай, қоқилиб йиқилаётган жойидан шиддат билан ўрнидан туриб, ана шундай қалтис дамларда ҳам ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиб қўйишга куч, имкон топишдан иборат эди. Ғанимлар ва уларнинг хоқони Чингизхонда, асосий рақибим энди мутлақ синди, ҳеч қачон бундан кейин менга қарши кураш майдонига йўлланолмайди, қабилидаги ишонч юзага келган бир пайтда Жалолиддин Мангуберди ғанимлари ёқасини ушлаб дод дегизувчи бемисл жасоратга қўл урди. Жанг амалиётида ҳали ҳеч қачон, ҳеч бир машҳур саркарда ва қўмондонлар жўрват қилмаган, ҳеч кимнинг юраги дов бермайдиган ҳақиқий шер ҳужумини уюштиришга жазм этди. Бунинг учун ақл бовар қилмас ишни — қарийб икки юз минг киши ҳимоясида турган Чингизхоннинг жангни бошқараётган қароргоҳига ёриб кириб хоқоннинг бошини танасидан жудо қилишга қарор қилди. Наридея билан ўн-ўн беш минг қўшин билан тоғ қоясидек мустаҳкам турган мўғулнинг бундай даҳшатли қўшинини ёриб ўтиб, Чингизхон қароргоҳига етиб боришга аҳд қилган саркардани фақат шерга қийослаш билангина воқеа-ҳодиса моҳиятини очиш амри маҳолдир. Жалолиддин ушбу ҳолатини фақат шерлар шери, арслонлар арслони дея қийос этилгандагина мантиққа тўғри бўлади. Чингизхон эса бу пайтда барча саркардалари, шахзода ўғиллари ва нўёнларига Султон Жалолиддин қўшинини янчиб ташлашнинг сўнгги кўрсатмаларини бериб бўлган эди. Бир вақтда Султон ҳам зудлик билан бемисл мард ва баҳодир жангчиларидан минг жангчисини икки қисмга ажратди. Уларнинг ҳар бири найзабозлик, қиличбозлик ва гурзи ўйнатиш ёки ёйбозлик турларими ёхуд қўл жангими барча-барчасида жасоратда тенгсиз жангчилар эди. Султон бу жангчиларга ўзига ишонгандек ишонар, бир қадам орқага чекиниш тўғрисида ўйламайдиган, Жалолиддин билан доимо ёнма-ён туриб, ўлимларни доғда қолдирувчи, ҳаётлари, борлигини Ватанга бағишлаган азаматлар эди, улар. Жалолиддин Мангуберди кўриқчи қўшин бошлиқларига, „Мени ҳимоя қилишга уриниб, олд томондан ҳалқа қилиб ўраб олманглар, у ҳолда менинг жанг қилиш йўлимни тўсиб, менга халақит берасизлар. Душманга тиккасига зарба берадиган йўлим очик қолдирилсин. Мени фақат ўнг ва чап ҳамда орқа тарафдан ҳимояга олинглар“, — деди. Жалолиддин бу буйруқларни бераётган пайтда мўғуллар қарийб чор тарафдан Султон Жалолиддин Мангубердининг жуда сийраклашиб қолаётган қўшинини тўла қуршовга олиб бўлган эди. Ҳаддан ташқари катта қўшинга эга Чингизхон Жалолиддиннинг қўшинини қириб ташлаб, ўзини асир олишга энди ҳеч шубҳа қилмасди. У шундай кун келишини неча йилдан буён орзу қилиб келарди. Жалолиддин бемисл кураши билан хоқоннинг бу орзуларини неча бор саробга айлантириб улгурган эди. Чингизхоннинг Жалолиддинга нисбатан хусумат ва гина-кудурат, ҳасади ўзи ҳарбий

<sup>1</sup> Ушбу мазмундаги хоқон мактуби Чингизхоннинг машҳур тарихчиси Жувайнийнинг „Тарихи жаҳонгушо“ ва Мирзо Улугбекнинг „Тўрт улус тарихи“ асаридан ҳам жой олгандир.

юришларда босиб ўтган юксак чўққилардан кўра баландликка кўтарилиб, нафрати эса чексиз, чегара билмас ҳолатга етган эди. Хоқон жанг якунлангач, асир олинган Жалолоддинни тутқунликда сақлаб турган жажжи ўғли ва синглиси билан учраштиришни, шу ҳолатда уларнинг ачинарли ҳолатларини буюк бир виқор билан томоша қилгиси келди. Чингизхон жуда мустаҳкам истехком ҳолатига келтирилган ҳарбий-дала кўчма қароргоҳидан отилиб чиқиб, жанг бораётган майдон яққол кўринаётган тепалик сари йўналди. Унга бир-биридан қувонч бағишлайдиган хушxabарларни қўмондон ва саркардалари тезкор алоқа боғловчи хабаргирлари орқали жўнатиб турдилар. Улар ғалаба, асосан, таъминланганлиги, Султон Жалолоддин аҳволи танг бўлиб бораётгани, тез орада Султоннинг битта жангчиси қолдирилмай қириб ташланиб, Жалолоддин ва унинг устози Темур Малик ўз жангчиларининг жасадлари устидан юргизиб ўтилиб, улар билан хоқоннинг юзма-юз учрашишига оз фурсат қолганлигининг хушxabарини бирин-кетин етказишда давом этарди. Голиб ҳукмдор ва саркардага ўзининг ашаддий мағлуб ҳукмдор арбобини кўришдан ҳам зиёда шодлик йўқ эди, бу дунёда.

## ХОҚОН ҚАРОРГОҲИГА ҲУЖУМ

Жалолоддин Мангуберди ғалаба тантанаси яқинлашиб қолган мўғуллар учун қутилмаган ҳолатдаги қарши ҳужум „совғаси“ сифатидаги тайёргарлигини тугатар экан, саркарда ва устози Темур Малик, саркарда Жаҳон Паҳлавон ва Харпўшларга омон қолган жангчиларни зич қилиб тўплаб тўғри ва тиккасига Чингизхон қароргоҳи томон яшин тезлигида қарши ҳужум бошлашга буйруқ берди. Жалолоддинни асир олишга жон-жаҳди билан ташланаётган мўғул паҳлавонларининг йўлини тўсиб туришни ўз баҳодирларига топширди ва оғир совутини ечиб ташлаб, қалқонини эса елкасига маҳкам боғлаб олди. Ҳилпираб турган Хоразмшоҳлар давлат байроғини байроқдори, яъни жанг майдонида уни кўтариб турадиган баҳодир жангчисидан олиб, уни белига маҳкам боғлаб, сўнгги жанг олдидан қушдек енгил бўлиб олди. Сўнгра бутун кучини тўплаб Чингизхон қароргоҳи томон шиддат билан от солди. Султон Жалолоддинни уч томондан ҳимоя қилиб, махсус ҳарбий қисми унга ҳамоҳанг бўлиб, ханжардек душманнинг қисиб келаётган зич сафларига санчилдилар. Улар кетидан бор кучлари билан Темур Малик, Жаҳон Паҳлавон ва Харпўшлар қуюндек олға босдилар. Жалолоддин Мангуберди минг паҳлавон аскарлари билан икки юз, икки юз эллик метр масофа кенглигида ҳужум қилиб келаётган душман сафларини тўзғитиб, чақмоқдай еру кўкни ларзага келтириб, олдинги сафни ҳимоя қилиб келаётган мўғул қисмларига ташландилар. Жалолоддин Мангубердининг яшин тезлигида берган бу зарбаси шундай кучли бўлдики, бир неча лаҳзаларда мўғулларнинг саф-саф бўлиб келаётган қўшинининг аксарияти қириб ташланди. Жалолоддин Мангубердининг бу мислсиз жасорати шарқу ғарбда ўтган афсонавий баҳодирларнинг мардлик ва жасорат бобидаги қаҳрамонлигини янги-янги шароитда юксак поғонага кўтариб, мардлик тушунчасининг уфқлари ва ҳудудини абадиятга дахлдор қилиб кенгайтди. Бу бетакрор мардлик ва жасорат башарият учун тимсолга айланди. Мардликнинг чўнг ва ҳайратомуз юксаклиги бўлди.

Жалолоддин Мангубердининг бу ҳаракатини ҳеч бир мўғул лашкари на қайтара олди, на ақлга сиғдира олди. Уни кузатиб турган Чингизхон ҳам рўй бераётган таназзулни на идрок қилишга ўзида куч топа олди, на бирор аниқ қарорга келишга фурсат топа олди. Анча пайт тили ҳам бирон сўз айтишга айланмади. Воқеалар ҳаддан ташқари тез

ривожланиб кетди. Жалолиддин бу лаҳзаларда қуюндек ёпирилиб, энди Чингизхоннинг нақ рўпарасида жойлашган учинчи тўсиқни ҳосил қилган қўшинга шиддатли тарзда ҳужум уюштирди. Ана шу масофагача майдонни босиб ўтган Жалолиддин мўғулларни қора қонига ботириб, ҳеч кимга омонлик бермай Чингизхон қароргоҳига қараб от қўйди. Эс-ҳушини эндигина йиғиштириб олишга улгурган Чингизхон бу даҳшатли воқеалар тушида эмас, ўнгида эканлигини англагач, мустаҳкамланган қароргоҳи сари отига қамчи босди. Мўғул хоқони умри бино бўлиб жангу жадалда бундай оғир ҳолатга ҳеч қачон тушмаган эди. Икки ҳукмдор ва саркардаларнинг қочиш ва қувиш масофаси тобора қисқариб борарди. Жалолиддин шундоқ ҳам шамолдек учиб бораётган саманига кетма-кет қамчи босар, Чингизхон ҳам жуда чайир ва бақувват отини савалаганича тезроқ чопишга ундар эди.

Жалолиддин Мангуберди дарҳол захирада сақлайдиган найзасини олишга чоғланди. Найза иргитиб нишонга олишда ҳам Жалолиддинга бас келадиган жангчи топилмасди. Ана шу лаҳзаларда Чингизхоннинг жуда оғир вазиятда қолганлигининг хабарини топган хоқоннинг махсус ўн минглик ҳимоя қўшини — „Кешик“ лашкари Чингизхонни қутқариш учун пистирмадан Жалолиддин Мангуберди йўлини тўсиш учун отилиб чиқдилар. Бу қўшинни Чингизхоннинг кенжа ўғли Тўли бошлаб келарди. Хоқон ҳаёти қил устида тўрарди. Ҳамма нарсани лаҳзалар ҳал қилди. „Кешик“ қўшинининг энг сара суворийларидан беш-олтитаси етиб келишга базўр улгурди холос. Улар Чингизхонни девордек тўсиб ҳимоя қилдилар. Жалолиддин отининг узангисига оёғини маҳкам тираб, жисмий ва ғазабга тўлган руҳий кучини мужассам қилиб, Чингизхонга қараб найзасини отди. Зарб билан отилган найза тиғи бир эмас, иккита мўғул баҳодир суворийларини сихлади. Натижада узлуксиз қўйилиб келаётган мўғул баҳодир жангчилари ўз хоқони Чингизхонни ўраб олгач, Жалолиддин эгарга боғлоғлиқ арқонни Чингизхон бошини нақ нишонга олиб отди. Шитоб билан отилган арқон Чингизхон бўйнига сиртмоқ бўлиб тушди. Ғазаб билан Султон арқонни тортиб хоқонни ерга ағдарди. Отасининг оғир аҳволига қўзи тушган махсус „Кешик“ қўшин сардори Тўли бор кучи билан ташланиб, ажал арқонини чопишга муваффақ бўлди. Дарҳол ўтиб бўлмас лашкарий гов ҳосил қилиб, отаси Чингизхонни муҳофаза қилишга киришди. Шу лаҳзаларда етиб келган „Кешик“ лашкари Жалолиддин ва унинг баҳодир жангчилари йўлини Хитой деворидек тўсиб, дарҳол жангга киришдилар. Бу пайтга келиб Жалолиддин қўшинида барчаси бўлиб етти минггача жангчи қолган эди, холос. Жалолиддин Мангуберди ашаддий рақиби хоқонни жанг майдонида ўз қўли билан йўқ қила олмаганидан умри поёнига қадар афсус чекди. У ҳарб майдонида лаҳзаларнинг аҳамиятини янада теран англаб етди. Хоқоннинг боши танидан жудо бўлишига бир баҳя қолди, холос.

... Жалолиддиннинг таваккал қилиб ҳужумга ташланиши мўғулларни мутлақ саросимага солди. Унинг қасос қиличининг мўғуллар боши устида айланиши Чингизхонга ҳам, унинг лашкарига ҳам жуда қимматга тушди. Хоқон қароргоҳигача масофа ва ҳудудлар мўғул мурдаларига қалашиб, тўлиб кетди. Бироқ, энди Жалолиддин омон қолган оз сонли қўшини билан Чингизхон лашкарининг тўла метин қуршовига тушиб қолди. Унинг ҳалокатли томони шунда эдики, Султон қўшинидан сон жиҳатдан ҳаддан ташқари устун бўлган Чингизхон лашкари ҳолдан тойган Жалолиддин жангчиларини ер юзидан супуриб ташлайдиган имкониятга эга эди. Энг даҳшатлиси махсус „Кешик“ қўшини бир неча кун жангга киритилмай куч-қудратини оширганидан-ошириб, захирада сақланиб туриши бўлди. Жалолиддиннинг бемисл матонат ва жасорат



билан жанг қилган қўшинидан эса Нилаб жанги ниҳоясига қадар ўттиз беш минг жангчилари қаҳрамонона курашиб, ҳалок бўлишди. Омон қолган қўшиннинг ярмидан озроғи оғир ва енгил ярадорлар эдилар. Хоқоннинг эса ўлган ва ярадорлардан бошқа бир юз элик минг чоғли жангчиси жангга ташланган. Ушбу рақамларни таққослаган ҳар қандай одам бундай қуршов ҳолатидан бирорта жангчи тирик чиқиб кетишига кўзи етмаслигига шубҳа йўқ. Бундай кучлар нисбати нотенг жангни дунё дунё бўлиб кўрмаган.

... Чингизхон ўзига келиб олгач, мустаҳкам истехком ҳосил қилинган қароргоҳидан чиқди. Энди хавф-хатар уни тарк этган эди. Аммо отдан йиқилган пайтдаги олган зарбаси бутун тани — баданини зирқиратишига қарамай, у ўзининг бошига тушган танг ҳолатни Жалолиддин Мангуберди аҳволида кўришга иштиёқманд бўлди. Қаҳру ғазаби булутга туташгандек мавжланиб Чингизхон Субутоё ва ўғли Тўлига деди: „Жалолиддин ва Темур Маликдан бошқа ҳеч бир Хоразмшоҳ жангчисини кўзим кўрмасин, барчасини ярадорлари билан қўшиб қиймалаб, бурдалаб ташлансин!“ Улар эса барала: „Худди айтганингиздан ҳам зиёда қилурмиз, улуг хоқонимиз!“ дея таъзим қилар экан: „Юринг, ўз кўзингиз билан кўринг, томоша қилинг, дам олиб чарчофингизни ёзинг“, деди Субутоё. Унинг фикрини хоқоннинг кенжа ўғли Тўли ҳам тўла маъқуллади. Икки саркарда Субутоё ва Тўли хоқон билан ёнма-ён жанг қафтдагидай кўришиб турадиган тепалик томон отларини елдириб кетдилар ва жанг манзарасини кузатишга киришдилар.

... Бу пайтдаги оғир вазиятга тўғри баҳо берган Жалолиддин, Темур Малик, Жаҳон Паҳлавон ва Харпўштлар қатъий бир қарорга келишди. Ҳар бир саркарда омон қолган жангчиларини бир мушт қилиб бирлаштириб, Синд дарёси томон ёриб ўтиб, дарёни кечиб ўтишга қарор қилишди. Қароргоҳга ҳужум пайтида Жалолиддиннинг минг баҳодир жангчисидан уч юзтаси ҳалок бўлган эди. Шу тариқа ҳар бир саркарда ёриб ўтадиган йўналиш тарафни имкониятидан келиб чиқиб ўзи белгилайдиган бўлишди. Жалолиддин саркардаларига дарёдан кечиб ўтилмагунча бошқа буйруқ ва кўрсатмалар бермаслигини, навбатдаги йўриқлар шундан кейингина берилишини билдирди. Шунга қадар ҳар бир жангчи, ҳар бир саркарда ўз ақл-идроки, қиличининг кучига таяниб, ваҳимага тушмай, бутун диққат-эътиборини хоқоннинг темир ҳалқа қуршовини ёриб чиқиб кетишга қаратди.

Аҳволнинг ғоят оғирлиги шунда эдики, хоқоннинг қўшини ҳад-худудсиз уммонда кўтарилган бўрон каби дуч келган нарсани ютиб, йўқликка юз туттирадиган вазоҳатда кўпириб қайнар, Жалолиддин Мангуберди аскарлари уммоннинг қоқ ўртасида гирдоб қаърига кириб бораётган кемадек ҳалокат домига тортилган эди.

„Ёв қочса, ботир кўпаяр“ деганларидек мўғуллар ўз ғалабаларининг энди шак-шубҳасиз эканлигига қатъий ишониб, Жалолиддин Мангуберди ва Темур Маликни хоқонга тенгсиз ва ноёб совға сифатида тортиқ қилиш ва шу йўл билан Чингизхоннинг юксак илтифоти ҳамда ҳурмат-эҳтиромини қозониш учун ёввойиларча қийқириқлар остида қуршаб олинган Султон лашкарларига шиддатли ҳамла қилдилар. Юз элик минглик мўғул қўшинининг майдон узра ҳайқириғи, бақириқ-чақириғидан еру осмон ларзага келарди.

Жалолиддин Мангуберди жангнинг бу интиҳо палласида бутун куч-қудратини билагига тўплади, қиличи зарбидан учқун сачраса, душманга бўлган чексиз нафратидан кўзида ғазаб ўти порлаб ёнди. Унинг олиб бораётган жанги яраланган шернинг ҳолатини эслатарди. Яъни кўпчилик йиртқич-махлуқлар зич бўлиб, шерни йиқитмоқчи бўлар, бироқ,

шер шерлигича ёнига йўлаган йиртқич ваҳшийларни омон қолдирмай бурдалаб ташлайверарди. Жалолоддиннинг қуршов ҳолатида мўғулларга қарши олишуви шундан ҳеч фарқ қилмасди. Жалолоддин мўғуллардан аёвсиз қасос олишга киришар экан, ўзининг энг яхши кўрган тулпорининг панд бермаслигига, унинг ишончини мутлақ оқлашига ишонди. Садоқатли тулпор Султоннинг фикрини унинг қилаётган ҳаракатидан илғаб олар, душман суворийсига чап бериб, ўз хўжасининг ғалабасига, ғанимнинг эса мағлуб бўлишига шароит яратиб беришнинг уддасидан чиқарди. Тулпор шундай ақлли эдики, ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ўзини йўқотмай, ўзига қарама-қарши келаётган душман отларига ваҳима солар, тумшуғи билан уриб йиқитар, тепар, тишлар, шумлик қилар, асовлиги тутиб, қаттиқ кишнаганча олд оёқларини шиддат билан кўтариб, бирданига олдинга ташланиб, яна чириллаб айланиб, атрофийи тўс-тўполон ҳолга келтирарди. Султон тулпорининг бу ҳаракатларининг биронтасини зое кетказмас, ғанимнинг унга яқинлашиши жуда мураккаб кечар, юзма-юз келгани эса унинг қиличи зарбидан фақат ўлим топар, қайси мўғул ғанимини ажал истаса Жалолоддинга ва уни уч тарафдан ўраб ҳимоя қилиб қон кечаётган етти юз марду майдон хос жанг баҳодирлари ҳамда Темур Маликнинг бемисл қаҳрамонлик ва жасоратга чулғанган ёвқур жангчиларига рўбарў келгач тилка-пора бўларди.

...Жалолоддин Мангуберди жанг суронларидан жавлон ураётган чақмоқдай тезкор тулпориغا ишониб, унинг жиловини фурсат топиб, эпчиллик билан эгарига, истаган маҳалда тез ва осон ечиладиган усулда илиб қўйди. Уни қуршаб келаётган душман лашкари бўғма илон ўз ўлжасини исканжага олгандек, майдонни тобора торайтириб, шундоқ ҳам камайиб қолган Султон қўшинини сиқувга олишга зўр бериб, катта талафотлар эвазига бўлса-да, мақсадни амалга оширишга интиларди.

Жалолоддин Мангуберди отининг жиловини ўз ихтиёрига қўйиб юборди ва энди ўнг қўлидаги қиличига қаноат қилмай, захирада турадиган бир неча найзаларидан бирини олди. Энди унинг қасоскорлик шиддати қайнаб тошиб, бир қўлида қасос қиличи бўлса, иккинчи қўлида бир неча душманни сихлайдиган, ёвнинг юрак ва жигар-бағрини ғалвир қиладиган ўтқир найза ўйнай бошлади.

Ёв аскари ўнг тарафдан келса Султоннинг қиличидан қулади, сўлдан келганининг нақ қалбидан дарча очди. Жалолоддин Мангуберди ушбу жанг интиҳосидаги сўнгги соат ва лаҳзаларда ҳам буюк жасорат ва қаршилиқ кўрсатди, қаҳрамонликларнинг янгидан-янги саҳифаларини очишда давом этди. Ёнига яқинлашган ғаним нақ у дунё жаҳаннамига равона бўлаверди.

...Бу жангни кузатаётган Чингизхон ушбу ҳолатни мутлақ ҳазм қила олмади. Жалолоддин Мангубердидаги битмас-туганмас, инсон ақли бовар қилмас шижоат ва ғайратдан лол қотди, ороми бузилди. Бирон-бир паҳлавон жангчиси-ю, афсонавий баҳодири қўлга ола олмаётган Қорақум қоплони дея ном олган Жалолоддиннинг қоплон эмас, арслондек ҳаракатини ўз кўзи билан кўрдигина эмас, жанг майдонидаги даҳшатли наърасини қулоғи билан эшитдигина эмас, ўзи шахсан синаб кўрди, бўйнида сиртмоқнинг ўз қони билан муҳрланган Султон „совғаси“ бир умр ғанимдан қаҳрли ва аянчли хотира ҳам қолди. Натижада юрагидаги қўрқув ва ғулғула аста-секин васваса, ваҳима туйғуси билан алмашинаётганлигини атрофидаги қуршаб турган саркардаларига билдирмасликка ҳаракат қилиб, ўзига ўзи зимдан тасалли берар, ўзини қўлга олишга ҳаракат қиларди ва „Уни қўлга олинглар, тиригини, фақат тиригини келтиринглар“ дан бошқа бирон-бир сўз тилига келмасди. Тез қўлга олинади деб ишонган Чингизхон умидини Жалолоддиннинг

жасоратга лиммо-лим тўла ҳаракатлари саробга айлантириб, лашкари қонини аёвсиз тўкиб, халқобга айлантираётган эди, хоқон лашкари талафотининг эса кети кўринмасди. Натижада Жалолиддин Мангуберди сўнгги соатдаги бемисл жанги билан Чингизхонни тузалмас касалга йўлиқтирди. Ушбу соатдаги жасорат ва марду майдонлик бобидаги Султон олиб борган жанг хоқон қалбида тўпланган ҳасад туйғусини жунбушга келтириб, буни хоқоннинг жисму тани кўтара олмади. Руҳий зўриқиш уни тобора ҳолдан тойдириб, тез-тез юрак ва қувват дорисиз туролмайдиган бўлиб, хитойлик табиблар унинг ёнидан бир қадам жилмайдиган бўлишди. Чин-Мочиннинг машҳур табиблари ҳам то хоқон вафотига қадар унинг бу жисмий-руҳий бедаво касалига шифо топа олмадилар. Султон Жалолиддин Нилаб жангида Чингизхондек қудратли рақибига ҳасаддан ва ҳаддан ташқари асаб зўриқишидан пайдо бўладиган „эсдалик совға“ сини ҳадя қилдики, хоқон бу касалдан умри поёнигача ғурбат ва озор чекди, ғалабаси ҳам татимади. Уни жанг тугаши биланоқ ўзи тан олди, эътироф қилишга мажбур бўлди: „Қанчадан-қанча баҳодир жангчиларим унинг қиличидан ўлди. Уларга урилган қилич зарби неча кундирки, менинг юрагимни ҳам чандиқ ва жароҳатлар билан илма-тешик ғалвир ҳолатига келтирди. Бу ҳам камлик қилганидек, беҳисоб лашкарим марказига ёриб кириб, мени ҳам жисмий мажруҳ қилди. Бўғзим ва бўйнимга ўчмас қасос тамғасини босди. Бу Жалолиддин деганлари кўшиним, мен учун тангри йўллаган балои азим бўлди. Эй Кўк тангрим, ундан қутулишга ўзинг мадад бер!“

Жалолиддин Мангуберди қуршов шароитидаги жанг мудофаадаги жангга нисбатан жуда хавfli ва ҳатто ҳалокатли эканлигини теран англаб, ёвнинг қутилмаган заиф жойини топиб ҳалқани узиб ташлаши, акс ҳолда омон қолган лашкаридан ном-нишон қолмай қириб ташланишини ҳар лаҳзада илғади. Энди Султон учун битта йўл бор эди. У ҳам бўлса, ҳалқа ёриб ўтиладиган йўналишдаги зич бўлиб келаётган мўғул кўшини орасидан йўлак очиши ва рўбарў келган душманни тигдан ўтказиб, ғанимнинг темир ҳалқасини ёриб ўтиши зарур эди. Уларнинг жасадларини босиб ўтиб, шамол тезлигида ҳар қандай шароитда ҳам соҳилга етиб олиши лозим эди. Қуршов бу тўла ва соф маънода ажал ҳукмронлик қилган майдон ҳукмида бўлиб, камида мўғул баҳодир жангчиларининг 25 — 30 минг суворийларини тигдан ўтказиб, Синд бўйига етиб олиш мумкин эди. Ана шу ўлим ва ажал майдонини Жалолиддин Мангуберди қандай руҳий, жисмоний ва ақлий кучларини бирлаштириб босиб ўтганини буюк саркарданинг ўзи ва ёнидаги ёвқур паҳлавон Ватан баҳодирларидан бошқа ҳеч ким тасвирлашнинг улдасидан чиқолмайди. Шунинг учун биз ҳам китобхонларимиздан минг бора узримизни ва қалам кучимиз бу воқеани ҳаққоний очиб беришга иқтидоримиз етмаслигини ошкор эътироф этамиз. Шунингдек, ақл-тафаккуримиз етганича бу манзарани ёритиб ўтишни лозим топдик. Жалолиддин Синд соҳилига ёриб ўтадиган энг қисқа йўлни мўлжалга олиб зарба беришга киришди. Зарба бериладиган йўналишда фурсатни бой бериш — бу ҳалокат чоҳига тушиш эди. Душман кучлари ҳар қандай талафотлар бериб бўлса-да, унинг қуршовдан чиқишига йўл қўймаслик учун бир неча қатор зич доира ҳосил қилдилар. Улар тоғ кўчкисидек Жалолиддин ва унинг ҳимоя қисми устига ташландилар. Даҳшатли жангда Жалолиддин уни ўраб келаётган ғанимнинг дастлаб биринчи, сўнгра иккинчи, учинчи, ниҳоят, темир ҳалқанинг кейинги тўсиқларининг доирасимон занжирларини ёғийлар учун доимо ажал воситаси бўлган олмос шамшири билан узиб ташлаб, яшин тезлигида Синд дарёси соҳили томон от сурди. Бу ҳолатни кўрган Чингизхон бўғилганича бир нималар деб бақирар, болохонадор сўзлар билан кимларнидир ҳақоратлар, сўнгра жазавадан ҳолдан

тойиб, бошини чангаллаганича қимирлашга мажоли етмай, анча пайт ҳайқалдек тош қотди. Бироқ, у ҳеч кимни тингламасди. Бош табиби уни тинчлантиришга уриниб, асабийлашмасликка чақирди. Бу пайтда Жалолиддин Мангубердининг қорабайир тулпори мисоли қушдек учди. Султон билан мўғуллар қўшини орасидаги масофанинг очилиб кетишида уни ҳимоя қилувчи етти юз мард баҳодир жангчиларнинг ҳиссаси ҳам катта бўлди. Уларнинг ҳар бири ўнлаб мўғулларнинг йўлини тўсиб, бирин-кетин ҳаёт билан видолашдилар. Елкама-елка, орқама-орқа туриб, сўнгги нафасларигача оёқларини заминга қаттиқ тираб, хужум қилаётган ғанимларга кўкракларини қалқон қилиб турдилар. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётини мўғуллардан сақлаш учун жонларини ҳеч иккиланмай тикдилар. Шу билан ҳам ватани, ҳам эл-юрти ва ўз ҳукмдорига бўлган садоқатини охириги дақиқаларигача намоён этдилар, шунингдек, фарзандлик, жангчилик бурчини шон-шараф билан оқладилар. Шоир айтганидай:

Сизни деб, бизни деб, авлодини деб,  
Аждодлар қон тўкди жангда беомон.  
Она юрт ҳуснига беролмасдан зеб,  
Армон билан кетди миллионлаб инсон.

Шу тариқа Ватан баҳодирлари кўпчилиги она юрт озодлиги йўлида шаҳид кетдилар. Жалолиддиндан кейин зўр матонат ва сабр-бардош намуналарини кўрсатган Темур Малик, Жаҳон Паҳлавон саркарда ҳамда қўшинлари катта талафот билан бўлса ҳам қуршов доирасини ёриб чиқишга муваффақ бўлдилар.

...Жалолиддин шу лаҳзаларда яшин тезлигида учаётган тулпорида дарё соҳилига яқинлашиб келди. Султон Жалолиддин елиб келаётган отини „чу жонивор, чу“ дея янада тезроқ чопишга ундар экан (дарё соҳилидан қарийб 20 фарсах баланд жойга етиб келиб — ҳозирги ўлчов бирлигида сув сатҳига нисбатан ўн метр баландликдан) отининг жилловини маҳкам тишлаганича белидаги Хоразмшоҳлар салтанати байроғини боши узра баланд кўтариб тик қоядан от устида дарёга сакрайди. Жуда бақувват тулпор нариги соҳил томон шитоб билан сузиб кетади. Бу пайтда Жалолиддин Мангубердининг марду майдон етти юз баҳодирининг сўнгги қаршилиги синдирилиб, улардан фақат икки юз нафар жангчи омон қолиб, улар ҳам ўзларини дарёга ташлаб, нариги соҳил томон сузиб кетдилар. Лаҳза ўтмай мўғулларнинг олдинги қисми ҳам соҳил бўйига етиб келишди. Ушбу лаҳзаларда Жалолиддин Мангуберди Синд дарёсининг нариги соҳилига яқинлашиб қолган эди. Мўғул қўшинининг авангард қисми соҳил бўйига етиб келганидан сал вақт ўтар-ўтмас Чингизхон ҳам саркардаю мулозимлари қуршовида ҳозир бўлди. Ҳамма ҳайратдан ёқасини ушлаб, дарёнинг ўнг соҳилига яқинлашиб қолган Жалолиддин Мангубердининг оти билан сузиб боришини кузатарди. Султон бир қўлида қилич, иккинчи қўлида Хоразмшоҳлар давлат байроғини баланд кўтарганича мағрур илгарилаб борарди. Дунё дунё бўлиб яралгандан буён бани башарият инсондаги бундай ғурур ва жасоратнинг беқиёс улғуворлигига гувоҳ бўлмаган, бирон манбада қайд этилганлигини кўрмаган. Жалолиддин Мангуберди ақл бовар қилмас марду майдонлиги билан мардлик ҳудудининг мозий зарварағи олтин саҳифасини очди. Бу бемисл ва бетакрор жасорат тарих эндиликда яратадиган миллий ва халқ қаҳрамонлари эътирофи учун мезон бўлди. Жалолиддин Мангубердининг ўқ етмас масофага бориб қолганлигини кўрган хоқон бутун қаҳроу ғазабини қуршовни ёриб чиқиб олдинги сафи Синд сувининг ўртасига, охирида ўзини сувга ташлаб ҳали қирғоқдан унча узоқлашиб улгурмаган Темур Малик, Жаҳон

Паҳлавон ва Харпўшт лашкарларини ёйдан аёвсиз ўққа тутишни буюрди. Дарёда сузиб бораётган Жалолиддин Мангуберди лашкарлари устига саноқсиз ёйдан ўқлар ёмғири ёғдирилди. Синд дарёси аввал қизғиш, сўнгра қип-қизил алвон рангига кириб оқа бошлади. Ҳолдан тойган ярадор жангчиларни ҳам дарё ўз домига олди. Ватанпарвар шоир Эркин Самандар ушбу лаҳзаларни эслаб шундай ёзган эди:

Сув ўрнига қон оққанин  
Сўйласин Жайхун ўзи.  
Қирди бу элни ёв беаёв  
Жўжи, Ўқтой, Чингизи.

Шу куни қуршовни ёриб чиққан Жалолиддиннинг қирқ беш минглик лашкаридан фақат тўрт минг жангчи ўнг қирғоққа базўр етиб олди, холос. Ўлим майдонидан омон қолган ватаннинг тенгсиз баҳодирларини бепоён Ҳинд ҳудудининг сир-синоатига тўла машаққат ва азоб-уқубат билан қайнаб-тошган суқунатли чангалзорлари, тоғу ўрмонзорлари чорларди. Бу ерда пинҳон қурилган пистирма-тузоқлар ўзининг янги қурбонларини интиқ бўлиб кутарди. Поёни йўқ жангу жадаллар! Қиш изғиринлари, оч ва юпунлик каби даҳшатлар Ватан баҳодирларини навбатдаги азобларга мубтало қилди. Машаққат ва азоб-уқубатларнинг поёни, чек-чегараси йўқ эди. Не илож!

... Жалолиддин Мангуберди уммондаги наҳанг каби сузиб борар экан, Чингизхондан тортиб дарё соҳили бўйлаб тўпланган жамики лашкари, гарчи ашаддий рақиб бўлса-да, Султон Хоразмшоҳнинг ушбу ҳолатдаги саъй-ҳаракатларига сўзсиз қойил қолдилар. Қойил қолмасдан иложлари ҳам йўқ эди. Бу фаройиб воқеани Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори ва забардаст қомусий олими Мирзо Улуғбек „Тўрт улус тарихи“ асарида шундай таърифлаган эди: „Чингизхон Султон Жалолиддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан бу аҳволни мушоҳада қилгач, либосининг ёқасини таажжуб бармоқлари билан тутди.

Олий нишонли Султоннинг бу ҳоли Чингизхонга манзур бўлди. Унга офарин айтди-ю, деди: „Отадан дунёда ҳали бундай ўғил туғилмаган. У саҳрода шер каби жангчи, дарёда эса наҳанг (акула) каби ботир. Қандай қилсинки, ҳали ҳеч ким тақдир билан, ҳеч бир можарода тенг келолмаган. Лекин у мардликнинг додини берди. Қазойи қадар қаршисида қудрат қўлини мардона очди. Мардлик билан ундан (қазо) қутулиб бўлмайди. Нима қилсин-қилмасин бу улуғ Худо ишидир“. (Бундан зўр эътироф бўлмас.) Яна муаррих сўзини қалам кучига йўллаб: „Султоннинг барча феълу ҳаракати Чингизхонга манзур бўлиб, таҳсин оғзини очиб, ўғилларига юзланди ва деди: „Отага шундай ўғил зарурки, у икки гирдоб — олов ва сув гирдобидан Озодлик майдонига чиқа олди!“

„Бу Султондан кўп ишлар ва ҳисобсиз қиссалар вужудга келди ва унинг ишларидан ҳар қандай оқил ўғил ғофил қолмаслиги керак!“ Муаррих бу мислсиз жасоратни келажак авлод асло унутмасдан, ундан доимо сабоқ олишга даъват тариқасида битик қилган эди. Негаки, Жалолиддин ҳаёти ва кураши ибрат мактаби ва буюк педагогикадир. Ўспиринликдан бошланган ҳаёти қон ва жангу жадал билан кечаётган Чингизхон умри давомида ўнлаб давлатлар, юзлаб қабила ва қавмларнинг қанчадан-қанча ботирлари, баҳодирлар жасур саркарда ва қироллари билан олишувда доимий ғолиблик поғонасига кўтарилиб, уларни тиз чўктирган бўлса-да, ғанимларидан ҳеч кимни эътироф қилмаган эди. Аммо Жалолиддин Мангубердидаги буюкликни, бемисликни жангчи саркарда сифатида ҳам,

жаҳонгир ҳукмдор сифатида ҳам эътироф қилар экан, тасанною офаринлар айтди. Иккинчи тарафдан Соҳибқирон Амир Темур суюкли невараси Мирзо Улуғбекни ўспиринлик давридаёқ кўзи пишсин, дийдаси жангларда қотсин учун даҳшатли муҳорабаларни қароргоҳдан туриб кузатиш, ҳарбу зарб тажрибаларини мушоҳада қилишга олиб чиқар эдики, бу Султоннинг бемисл жасоратини мозий саҳифасига туширишда янада асқатди. Ҳодисаларни Жалолиддин ва Чингизхон ўртасидаги қирғин жанглар билан қиёс қилиб, муаррих олим сифатида келажак авлод меросхўрларига миллий қаҳрамонимизнинг шон-шарафга тўла ҳаётининг қирраларини мозий саҳифаларига муҳрлашга имкон берди. Келажак авлодлар учун тарбиявий аҳамияти, айниқса, Ватан, элулус учун фидо бўлишда Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва кураши сабоқ бўлишини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Жалолиддин Мангубердининг ибратомуз ҳаёти ва душманга бемисл қаршилиги ёзилажак кўплаб китобларга сирмаслигини алоҳида таъкидлаган эди, адолатпеша ҳукмдор ва муаррих Мирзо Улуғбек. Ҳатто буюк шоир Фирдавсий „Шоҳнома“ асарида тасвирланган афсонавий баҳодир жангчиларнинг қаҳрамонликлари Жалолиддин Мангубердининг Нилаб жангидаги тенгсиз жасоратлари олдида оддий ҳодисага айланишига қиёсий шундай баҳо беради. Мирзо Улуғбек: „Султон Жалолуддин лашкарининг қалбида (маркази) етти юз мард билан бирга мардоналик оёғини ерга маҳкам қўйиб, тонгдан то туш пайтигача қаршилиқ кўрсатиб, душманни чапдан ўнгга, ўнгдан чапга қувди ва ҳар бир ҳамлада қанчалаб кишини қулатди. Қайси томонга от чоптирмасин, тупроқни ганимлар қонига бўяр эди, агар бу жангни Золнинг ўғли кўрса эди, у Султон Жалолуддиннинг қўлини ўпган бўларди“.

„Чингизхоннинг лашкари беҳисоб эди, улар соатма-соат қўпайиб борарди. Султон юраги гирён, кўзлари нигорон бўлиб, болалари ва улуғлари билан дарду фироқ ила видолашиб, қора тўриқ отига миниб, мўғуларнинг беҳисоб лашкарига яна ҳамла қилди. Уларни орқага суриб ташлаб, сўнг жиловини орқага тортди. Совутини елкадан ташлаб, чатрини қўлига олди. Чўбини<sup>1</sup> ерга отиб, отига қамчи босди. Синд дарёси қирғоғидан то ўзангача ўн газдан ортиқроқ эди. У отни тўғри дарёга қараб ҳайдади. Лашкардан бир тўдаси унга эргашган эди, мўғуларнинг ўқидан йўқлик денгизига фарқ бўлди. Бу фириб дарёсининг наҳанги ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг марҳамати билан Султон отининг сузишига назарини солди. Чингизхон дарё қирғоғидан ҳеч кимса ўқ отмаслигига амр қилган эди.

Айтишларича, сувда қатл этилган мурдаларнинг кўпчилигига шу даражада ўқ теккан эдики, сув ўликларнинг қони билан қип-қизил бўлиб кетган эди. Султон Жалолиддин сувдан омон ўтиб, ўша йўқлик денгизининг фарқобидан халослик топди. У қирғоқ бўйлаб юриб, ўз лашкаргоҳи турган жойга, душман қаршисига етиб келиб, ўрдуси, хазина-ю, хонумонини ҳамда ўзига тааллуқли қариндош-туққанларини душман қандай талон-тарож этаётганлигини мушоҳада қилди. Чингизхон дарё қирғоғида турар экан, Султон Жалолиддин унинг рўпараси (қарама-қарши соҳил)га етиб келиб, сувнинг у қирғоғида қора тўриқ отидан тушди ва эгар-жабдуқларини отнинг белидан олиб, ўз чопони ва ўқлари билан бирга офтобга қўйиб қуритишга бошлади. Чатрини (байроғини) эса найзага илиб, ўзи унинг соясида ёлғиз ўтирди“. Султон Жалолиддиннинг ўша дамлардаги даҳшатли ҳолатини ҳукмдор ва муаррих Мирзо Улуғбек шундай бетарафлик ва

<sup>1</sup> Чўби — байроқ дастаси.

бефарқлик билан эмас, ватандошлик, диндошлик, шунингдек, қондошлик, миллатдошлик муштараклиги доирасида ғоят ачиниш билан ифодалади. Улар орасидаги давр бир ярим аср ўтганига қарамай улуғ ҳукмдор Мирзо Улуғбек Жалолиддин бошига тушган мусибат ва фожиани худди ўзига келган дарддек оғриниш билан қабул қилади. Темурхон наслидан Султон Улуғбек Султон Жалолиддин кечинмаларини мозийга битиш учун ғоят қимматли вақтларини кўп йиллар манбалар йиғишга сарфлаган эди.

## ҒАЛАБА ТАНТАНАСИГА УЛАНГАН ХУНРЕЗЛИКЛАР

... Жалолиддин Мангуберди ўз оиласини гарчи Синд дарёсига онасининг талаби билан ташлатган бўлса-да, яқин қариндошлари, уларнинг жажжи ўғил ҳамда ўспиринчалари, хотин-халажлар Ўрдугоҳда тўпланган бўлиб, дарёга ташлашни ижро қилувчи сарбозлар вақт зиқ келиб фармонни охиригача бажариб улгура олмадилар. Улар мўғуллар томонидан қўлга олинган эди, улар рўйхат қилинса, сони анчага борарди.

Чингизхон Нилаб жанги бошланиб кетгандан буён ором олиш нималигини қарийб унутганди. Гарчи асосий мақсад, яъни Жалолиддин Мангуберди қўлга олинмаган бўлса-да, унинг кайфиятини анча кўтарадиган сабаблар бор эди. Дарё соҳилига Хитойнинг машҳур шойи тўқувчилари моҳирлик билан тўқиган ранго-ранг ва зарранг иплар билан тикилган гўзал газлама матолардан қароргоҳ ўтови тиклаттирди. Хоқон ғалаба нашидасини тантанавор қилиб нишонлашни ярадор бўлиб, гоҳ хушидан кетиб, гоҳ хушига келиб, у дунёси бир қадам бўлиб ётган Жалолиддин жангчиларидан бошлади.

Хоқон буйруғи билан мўғул аскарлари ярадорларнинг барчасини топиб, оёғи ёки қўлидан ваҳшиёна тарзда судраб тортқилаганича қароргоҳ майдонига келтира бошлашди. Бир неча юз мўғул жангчилари соҳил бўйида ўсган ўт-ўлан ва қамишларни қиличлари билан ўриб ярадорлар устига қалин қилиб ташлаб, текислагач, ўт-ўланлар устига кигиз ва сафар гиламларини ёйдилар. Бахтиқаро ярадор асир жангчилар устида манжур, хитой ва мўғулча рақслар тушилиб, базм бошланди. Бир томонда хоқон буйруғи билан Жалолиддинга қариндош бўлган Ўрдугоҳда қўлга тушган гўдак ва ўспирин демай, ўғил бола зотини қўймай, Чингизхон бош жаллодлари ўз ишларини ғоят эпчиллик ва усталик билан бажариб, хоқон хоҳишича иш тутиб, қайси биринидир бўғизласа, бошқа бирларининг терисини шилар ёхуд яна бирларини дағал ва бақувват қўллари билан бўғиб ўлдирарди. Буни кўриб ором олаётган Чингизхоннинг кўзларида қасоскорлик нафрати чақнар, зафар натижаси бўлган бу ҳодисотдан гоҳо кўзларида нафрат ўрни қувонч шодиёнаси билан алмашинарди. Жаллодларнинг ҳар бири ўз ишини тугатиб, энди қайси ўлимга маҳкумни қатлга тортай дегандек хоқонга юзланганда ҳамма ёғи қон сачраган жаллодига тулкидай айёр кўзлари ва имоси билан миннатдорчилигини изҳор қилиб, навбатдагисига ишора қиларди. Инсонларни мол каби сўйиш ва азоблаб ўлимга йўллашнинг минг хил усулларини қўллаб тажрибаси ошган бу одамхўр жаллодлар кўз очиб-юмгунча тутқунлар жонини суғуриб олардилар.

Тутқун асирларни жирканч усулларда қатл этиш маросими тугагач, хоқон Ўрдугоҳда қўлга олинган қиз-жувонларни тақсимлаш тадбирини бошлади. Чингизхоннинг катта ўғли Жўжигга Нилабдаги хизматлари учун Жалолиддиннинг бир ота, бир онадан бўлган ягона синглиси (Султоннинг ота бир она бошқа сингиллари ҳам бор эди — Ж. Р.) Ойсултон тортиқ қилинди, яъни унга хотинликка берилди. Айнан Жўжининг ҳарбий

бўлинмасига қарашли жангчилар Жалолоддиннинг Синд дарёсида оқиб бораётган синглисини дарёдан олиб чиқишнинг уддасидан чиққан эдилар. Чингизхон буни ҳам ҳисобга олди. Агар уни бошқа ўғилларидан бирига совға қилганида ака-укалар ўртасида зиддият кучайиши аниқ эди. Хоқон ўлжа аёллар ва қизларни қолган уч ўғли ҳамда саркардаларига мавқеларига қараб бўлиб берди. Бу маросим бораётганда кўплаб ярадор асирлар ўт-ўланлар остида ё нафаслари бўғилиб, ёхуд мўғулларнинг офирликларини кўтара олмай жон бердилар. Уларнинг жуда қийналиб жон бериш арафасидаги оху ноалари билан мўғулларнинг қийқириғу бақириқлари кўшилиб, инсон ақлу идрокига сифмас ёвузлик, ёввойилик ва ваҳшийликдан иборат воқеа билан интиҳо топди бу тадбир. Унинг ниҳояси ва чўққиси Жалолоддин учун Султоннинг ўғли Жамолддин Абдулмузаффардан ўч олиш билан тугади.

## АСИР ШАҲЗОДА ХОҚОН ҲУЗУРИДА. ГАЙРИНСОНИЙ ҚОТИЛИК

Чингизхон борлиқ нафрат ва ғазаби ҳамда адоватини эндигина олтинчи баҳорни қаршилаётган норасида ва валиаҳд шаҳзодага сочди. Бу мурғаккина тож давомчиси шаҳзода ўлим нима-ю, ҳаёт мазмуни нима, ёвузликларнинг ибтидоси нима-ю, интиҳоси моҳияти нималигини ҳали тўла англаб етмаган эди. Фақат эндигина Ватан, эл-юрт, дўст ва душман тушунчаларини бувижониси Ойчечакнинг эртақнамо усуллардаги ўғитлари орқали тушуна бошлаган пайтлари эди. Мардлик ва жасоратнинг илк тушунчаларини эса отаси ҳамда унинг баҳодир жангчилари, паҳлавонлари, босқинчилик ва ёвузликнинг тимсоллари яъжуж-маъжуж мўғуллар, уларнинг хоқони Чингизхон мисолида сабоқ берарди бувижониси шаҳзодага. Аммо бу сабоқлар куй авжида узилган тордек интиҳо топди. Шоҳона сарой муҳитида ҳар томонлама шодон ва шўх ўсаётган Жамолддиннинг ҳаётини Чингизхон босқини ва машъум уруш остин-устун қилиб ташлади. Шаҳзодада отаси Жалолоддинга хос буюклик ва улуғликнинг барча қирралари кўзга яққол ташланиб келаётган эди. Ҳа, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган эди унинг, не илож қилсинки, гўдак пешанасига қисмат ва тақдир очилмай сўлишни раво кўрди, унга ғоят эрта қазо қўлини очди. Шаҳзода бу тақдирга тан бермасдан иложи йўқ эди. Аммо у ёвуз Чингиз ва унинг жамики саркардалари, ўғиллари ҳамда лашкарлари олдида асло бўйин эгмади, тиз чўкмади. Шаҳзодаларга хос мағрур турди. Важоҳатда, ота душманига нафратда ҳақиқий ота ўғли эканлигини мағрурона майлда намоёйиш этди. Ота-она, меҳри-дарё буви бағридан юлиб олинган Жамолддин бувиси тасвирлаган ёвуз яъжуж-маъжужларнинг ва ёвузлик рамзи Чингизхоннинг кимлигига, улар қилаётган одамхўрликлар, тутқунликда ва қолаверса, ваҳшийлик билан мужассамлашиб кетган соҳил бўйидаги ўлимсеварларнинг зафар тантанасида ўзи айнан гувоҳ бўлди. Аввалги беғубор даврлари, энг сеvimли инсонларини, жонажон оиласини соғиниб, кўзларидан шашқатор ёшлар оқиб, гўзал юзларини сел бўлиб ювди. Шу дамларда инсонийликдан заррача йироқ, одам қиёфасидаги йиртқичлар тутқунлигидаги болакай эканлигидан кўнгли ғам-ғуссага лиммо-лим тўлди. Мардликда ва жасоратда тенгсиз падари бузрукворини жуда-жуда кўргиси келди, яна ва яна соғиниб кетди. Кўзларини умид ва ишончга тўлдириб чор атрофдан излади. „Отажоним, отажоним“, дея йиғлади, нола қилди. Кўзларини очганида унинг қаршисида кўзи қонга тўлган, қўли қонга бўялган, яримёйсимон пичоғидан қип-қизил қон томиб турган даҳшатли қиёфадаги жаллод турганлигини кўрди.





Баҳодирларнинг жанг олди олишуви.

Ўрта асрлар жанги талабига кўра, кўпинча, асосий жанг олдидан томонлар паҳлавонлари яккама-якка олишув билан жангни бошлаб берганлар. Қирғинли Нилаб жанги арафасида Чингизхон паҳлавони Жалма ва Хоразмшоҳ Жалолиддин баҳодири Маҳмудбий олишуви. Ўнг тарафда Маҳмудбий мўғул баҳодири хужумини даф қилмоқда. 1221 йил 28 ноябрь.

Жаллод ишни бошлайверайми, дегандек ўз ҳукмдоридан рухсат этилганлик ишорасини кутади. Хоқон қўл ишораси билан ўзи томонга жаллодни имлаб чақиради ва қулоғига бир нималар деб шивирлайди. Хоқон топшириғидан мамнун ишшайган бош жаллод шаҳзодани силтаб қўлтиқлаб олганича хоқон рўпарасига олиб келди ва авайлаб эмас, қўполлик билан ерга туширди. Бўри қараш қилиб қўрқинчли қиёфада шаҳзодага бирпас тикилиб турди. Сўнгра хоқон саркарда ва ўғиллари ҳамда юқори мавқедаги амалдорларининг барчасини ўзининг ёнига келишини талаб этди. Гўё шу билан давлат жиноятчисига оғир сиёсий айб қўйгандек вазиятни атайлаб кескинлаштирмоқчи бўлди. Муғамбирликда илон ёғини ялаган хоқон шаҳзодага раҳми келгандек, Жамолиддиннинг ички туйғуларига дахлдор бир неча саволлар берди ва шу билан чарчоқларини ёзмоқчи бўлди. Унинг асл мақсад-муддаоси аслида Жалолиддин Мангуберди билан ҳисоб-китобни жаҳон тарихида қоладиган икки ғаним ҳукмдор, унинг бири голиб бўлса, иккинчиси эса мағлуб Хоразмшоҳ ўртасида мулоқот юритиб, дунё аҳлини лол қолдирувчи суҳбат қурмоқчи эди. Аммо тутқич бермас Жалолиддин хоқон тайёрлаган Нилабдаги чиқиб бўлмас тузоққа бу сафар ҳам тушмади. „На чора, ота учун ўғил ҳам жавоб бераверади. Отага атаб қўйган қийноқ ва кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азобли ўлимни фарзандига раво кўрсам нима бўлибди. Қайтанга фарзандига берилган азоблар, даҳшатли қийноқларни эшитган Жалолиддин юрагини заҳарли илон чаққандек, руҳан эзилиб, танасини захга ташлаб ётсин. Менга деса оламини бузиб йиғласин, қақшасин, адон тамом бўлиб йўқликка юз тутсин. Қани, Жалолнинг ўғли қўйнига қўл солиб кўрай-чи, унинг ўлимолди ҳолатини бир ғалвирдан ўтказай-чи, болакайнинг кўнгли нималарни орзу қилаётган экан. Ҳар ҳолда оғир жангдан кейин чарчоғим чиқишига бу ҳам бир яхши эрмак“. Сохта табассум билан Чингизхон Жамолиддинни суҳбатга тортади:

- Хоразмшоҳ ўғлиман, дегин, болакай?
- Ҳа, Султон Хоразмшоҳ ўғлиман.
- Ота-онангни, бувижонингни соғингандирсан?
- Жуда соғиндим.
- Қўйиб юборсам уларни топа оласанми?
- Жон деб топардим, аммо сиз...
- Қўйиб юбормайсиз, демоқчи эдинг, шундайми?
- Шундай.
- Қўйиб юборсам-чи?
- Барибир қўйиб юбормайсиз.
- Сен бунга нега, нима учун ишонч билан айтяпсан?
- Чунки сизлар яъжуж-маъжужсизлар.
- Бунга сенга ким ўргатди?
- Бувижоним, ойижоним.
- Яъжуж-маъжуж деганлари кимлар экан ўзи. Уларни қандай таърифлади сенга улар?
- Улар одамхўр махлуқлар, улар одамларни хўрлашади, ўлдиришади, оналар ва болаларни, гўдакларни сўйишади. Ана, жаллодларингиз кўз олдимда менинг тоғаларим, амакиларимнинг болалари, жиянларим, ўзимнинг бирга ўйнаб юрган жўраларимни сизнинг буйруғингиз билан сўйишди-ку.
- Менинг бу ишларга нима дахлим бор?

— Ҳаммани ўлдиришга сиз буюрасиз, чунки сиз яъжуж-маъжужларнинг энг каттасисиз. Махлуқи ҳам сизсиз.

— Мен Чингизхонман, мен яъжуж ҳам, маъжуж ҳам эмасман. Нега сен шаҳзода бўлиб менга тухмат қиласан. Мен сени мард саркарданинг ақлли ўғли ва хоразмшоҳлар сулоласининг асл шаҳзодаси десам, сен ғирт тухматчи экансан-ку?

— Йўқ, мен тухмат қилаётганим, ёлгон сўзлаётганим ҳам йўқ, Чингизхон дегани — бу яъжуж-маъжужлар каттаси дегани, ҳамма ерни ер билан яксон қилишга, ҳаммани ўлдириш, қирғин этишга бошчилик қилувчи, дегани, улар одам эмаслар, улар одамга ўхшаш махлуқ, йиртқич, дегани.

— Бу сўзларинг учун сени (жаллодни кўрсатиб) мана шу кўрқинчли одамга топширсам, ўлимдан кўрқмайсанму?

— Бу жаллод, сиз эса жаллодлар жаллоди, жаллодингиз кўрқинчли, бироқ сиз жаллодингиздан ҳам кўрқинчисиз! Бувижоним сизнинг ёвузлигингиз ҳақида кўплаб ҳикоялар қилиб берганлар.

— Тилиннга эрк берма, болакай, акс ҳолда сени қийнаш ва азоблашни шу бийрон тилингни суғуриб олишдан бошлайман.

Орадаги бироз сукунат ва жимликдан кейин, — майли, кел, келишиб олайлик, ҳали ёшсан, ашаддий душманам ўғлисан, мард султоннинг ўғлисан, буни биламан. Отанг Жалолиддин сенга душманга бўйин эгмасдан яшашни миянг ва тананг, сочингдан тортиб тирнофинггача қуйиб ташлаган, бундан ҳам хабарим бор, ҳар бир шоҳ, ҳатто мен ҳам болаларимга сенинг айнан шу ёшларингда шундай тарбия берганман. Ҳозирда ҳам шундай. Сенга бир таклифим бор, яхшилаб ўйлаб кўр, шаҳзода, сени шундай шарт билан ҳаётингни сақлаб қоламан, отанг яратиб берган шоҳона ҳаётдан ҳам афзал шароит яратиб бераман, нима дейсан. Отанг Султон Жалолиддиндан кечиб, менинг тўрт ўғлим бор (Жўжи, Чифатой, Ўқтой ва Тўлини кўрсатади), ана улар, сени бешинчи ўғлим деб қабул қиламан, туркий-хоразмча номингни ўзгартириб, машҳур мўғул уруғи номларидан бирини қўйишни олий руҳоний устозимга тайинлайман. Мўғилиён номини бераман. Бунинг маъноси мўғулларнинг энг тоза насли дегани, бўлажак янги отанг, яъни мен Темучин Ясугай баҳодир ўғли шу наслданман. Мўғилиён номини олганингда кейин сен хоразмшоҳ сулола наслингни мутлақ унутишинг лозим. Энг яхши таклифим, ўйлаб ол, ҳали ҳаётда қанча яшаб жавлон уришинг, мендай тутинган, жаҳонга доврўқ таратган отанг билан фахрланишинг мумкин. Буни қабул қилсанг, олам сеники! Дунёда бахт-иқболли инсонга айланасан. „Отанг Жалолиддиндан кечдим, сизнинг паноҳингизга ўтдим“, десанг шунинг ўзи кифоя турур. Яна бир бор ўйлаб кўр. Катта бўлганингда худди мана шу тўрт ўғлим қаторида сени ҳам машҳур саркарда қилиб тарбиялайман. Хоҳлаган мамлакатлардан бирига хон қилиб тайинлайман.

— Буни ўйлаб кўриш керак эмас. Мен отанг Султон Жалолиддин Мангубердининг ўғлиман. Ҳеч қандай яъжуж-мажуж қонхўр ота, одамхўр ҳукмдор ўғли бўлмайман, мўғул номини қабул қилмайман. Менинг боболарим дунёда катта салтанат қурган. Мен катта боболаримдан еттитасини ёд биламан, уни бувижоним — устозим ўргатганлар. Ануштегинлар сулоласини дунё биледи, сен уларни билишинг шарт деган. Менга энг ёмон шарт қўйдингиз. Сизлар барибир ёмон одамсизлар. Мен йиртқич ва ёввойилар қавмига асло кирмайман. Биламанки, мени барибир ўлдирасизлар.

Ёш бўлишига қарамай, ўлим шарпаси боши узра чарх ураётганлигини сезган шаҳзода Жамолиддин хоқон талабини кескин рад қилиб, улардан тез қутулишнинг ягона йўли —

шундоқ ҳам йиртқишлашиб, кўзи қонсираб бораётган хоқон юзига бутун вужуди билан туплади ва бор кучи билан Чингизхонга ташланди. Дарҳол бош жаллод ва ёрдамчи жаллодлар шаҳзодага ташландилар. Жон ҳолатда ташланган шаҳзода қўлига Чингизхоннинг сийрак сариқ соқолидан бир тутами илинди. Жаллодлар шиддат билан шаҳзодани орқага тортиши билан Жамолиддиннинг ҳаракати уйғун келиши боис хоқоннинг сийрак соқолининг шаҳзода қўлида мустаҳкам сиқиб ушланган бир қисми юлиниб чиқди.

Шернинг фарзанди шербаччалигини Чингиз қароргоҳида намойиш этиб, зафар тантанасини фожиа билан алмаштиришга бир баҳя қолди. Ким билсин, шаҳзодадан ҳечам бундай шиддатни кутмаган хоқон ҳам, ёнидаги жаллодлару шахсий соқчилар ҳам агар улар бир-биридан узоқроқда бўлганларидами, Чингизхон белидаги ханжарга ташланган бўлармиди, унда тантана фожиа маросими билан тугаган бўлармиди? Негаки, шаҳзода энди олтинчи баҳорни қаршилаётган бўлса-да, бироқ тез улғаяётган, ўзининг тенгдошларига қараганда анча ҳаракатчан ва бўйдор, жуссали, фикрлари жуда тиниқ, сўзлари қатъиятли бўлиб, уни кўрган-кузатган ҳар қандай одам шаҳзоданинг келажаги буюк ҳодисаларга уланиб кетишини илғаб оларди. Ундаги ушбу важоҳатли, кескин ҳаракатларни кўрган хоқон ҳам, саркардалар ва унинг ўриллари ҳам худди шу фикрда эдилар. „Кўрдингизми, — деди Чингизхон уларнинг барчасига қараб, — шерни шер-баччалигида йўқ қилган дуруст. Катгайишига қўйиб бердингми, у бизни бутун уруғимиз билан йўқ қилади“. Даҳшатли қиёфага кирган Чингизхон қароргоҳ бошлиғи (қутвол)га тилла баркашини келтиришни буюрди. Қутволи ҳаш-паш дегунча тилла баркаш келтирди. Хоқон қутволга яна бир нималарни деди. У хоқонга таъзим бажо келтирганича орқаси билан юриб, жаллодларга яқинлашди ва баркашни нима учун олиб чиққанлигини айтди. Жаллодлар „тушунарли“ дегандек бош силкидилар. Чингизхон ишни бошлашга ишора қилди. Инсонларни бўғизлашдан роҳат олувчи жаллодлар ишга киришдилар. Шаҳзода ерга ётқизилди. Ёрдамчи жаллод оёғини босиб турди. Бош жаллод шаҳзоданинг қўлини орқасига қилиб боғлади, иккинчи ёрдамчи жаллод бақувват қўллари ва оғир гавдаси билан Жамолиддиннинг бошини чангаллаб босар экан чалқанча ҳолга келтирдилар. Бош жаллод энди ҳафсала билан иш бошлай деганда Чингизхон улар ёнига келиб яна алланималар деди. Шаҳзоданинг бўғзига яқинлашган ўткир қассоблик пичоғини жаллод қайтариб олар экан, хоқон маслаҳати билан Жамолиддиннинг устки кийимларини ечиб олдилар. Ярим яланғоч ҳолда қайтадан чалқанча ерга ётқизишди, сўнгра бош жаллод шаҳзоданинг кўкрагини ўта усталик билан ёриб очди. Боланинг қичқиривини эшитишни истамадилар шекилли, бош томондан ушлаб турган жаллод иш бошланаётганда темир каби мустаҳкам қўли билан оғзини маҳкам босди. Шундан кейин шаҳзоданинг иссиққина буғи чиқиб турган кўкрагига қўлини тикиб, жажжигина юрагини суғуриб олди. Қутволга тилла баркашни яқин келтиришга ишора қилди. Чингизхон Жамолиддиннинг суғуриб олинган юрагини баркашга ташлашни буюрди. Норасида болажон юраги яшашни астойдил истаб, ҳали ҳам уриб турарди. Баркашга ташланганида бу ёш юрак яшашга бўлган мойиллигини тўхтатмай, анча лаҳза сакраб-сакраб, сўнгра дир-дир титраб, секин-секин жон берди. Чингизхон севимли този итининг номини айтиб чақиритиши билан у тез чопиб келди. Баркаш ит олдига қўйилди. Хоқон итига „ол, е!“ дея буйруқ берди. Хўжасининг итоаткор содиқ қулига айланган ит лаққа юракни оғзига олди ва лунжидан инсон қони томганича келган томонига қараб қайтиб кетди. Малъунлар итнинг орқасидан иржайдилар, қулишдилар, хандон отдилар.




Чингизхон ҳовуридан тушгандек бўлди. Сўнгра „Мен ҳарбий Кенгашда Жалолни тутсам гўштларини итларга едираман, албатта қонини ичаман, деб қасам ичган эдим. Шу сўзимга собит қолиб, ўғлида унинг қони оқиб турганлиги учун унинг қонидан татисам ҳам бўлади“, дея қондан татидаи хоқон. Ўзининг ваҳшиёна ва одамхўрлик феълени намоён этган хоқон: „Нима бўлганда ҳам ёш нарса ёш-да, шаҳзода қонидан барра гўштдан қилинган қайнатма шўрванинг таъми келадур. Сира фарқи йўқ,“ — деди ишшайганча. Шунда катта ўғли Жўжи: „Ирғиз чўлидаги жангда мен ҳам айнан сиз ичган қасамни ичган эдим“. „Унда қасамингга амал қил, ота ўғил шундай бўлади“. Жўжи шаҳзода кўкрагига қўлини тиқиб бармоқларини ялайди. Шунда Чингизхон: „Ғанимдан ўч олишнинг лаззати ҳам худди ана шундадир“, — деди. Шу билан маросимнинг норасида шаҳзода ни таҳқирлаб ўлдириш каби жирканч қисми ҳам тугади.

Хоқон ўзини анча енгил ҳис қилди ва „Тантанани авжига чиқаринглар. Менинг ғалабамни дунё кўрсин, билсин“, — деди. Жасадлар йиғиштириб олинмаган, ўликлардан тепаликлар ҳосил бўлаётган Нилаб майдонининг соҳилга туташ ҳудудида ёввойилик, ваҳшийлик, одамхўрлик базми шундай давом этарди. Нилаб майдони ва Синд дарёси соҳили шу ваҳшийлик, одамхўрликнинг гувоҳи сифатида тарихга кирди.



Энг аламли ва даҳшатлиси шу бўлдики, ана шу ваҳшиёна қатл амалга оширилаётганда Жалолиддин ўзининг юрагини афсоналарда келтирилган одамхўр махлуқ суғуриб олаётгандек жисмидан олов сачради. Соҳилга санчилган байроғи тагида чўккалаб ўтириб қолди. Анча маҳал ўзига келмади. Жисму танасида қарахт ҳолат содир бўлдики, бундай муносабатни инсон тугул виқорли тоғлар ҳам кўтаришга ожиздир.

Бу воқеаларга Мирзо Улуғбек „Тўрт улус тарихи“ асарида алам ва изтироб билан шундай таъриф берган эди: „Шундай қилиб, Султон Жалолиддиннинг сувда чўкмаган лашкаридан қолганлари соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам фармонининг тиги остида ўлдирилди. Султон Жалолиддиннинг хотин ва фарзандларини ҳам ҳозир қилдилар, эркакларини ўлдириб, эмизикли ўғил болаларини ҳам қатл этиб, қузғунлар учун насиба қилдилар. Султон Жалолиддин ўзига қарашли бўлган хазинани Синд дарёси сувига тўккан эди, бундан хабар топишгач, соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ёрлиғи билан ғаввослар қўлидан келганича топганларини сувдан чиқариб олдилар.

Бу дарёдан садафдан ҳеч бир ранжсиз тоза дурлар чиқди. Шоҳ фармонига амал қилиб, дурларни йиғиш учун лашкар дарёга тушди. Бир неча кун бу ерда турдилар ва соҳибқирони аъзам шу жойга супа қуришни буюрди. Шу билан даҳшатли Нилаб қирғини ва инсонларни хору зор қилиб бўғизлашу қатл аралаш базму жамшид тантаналари бу ерда ўз ниҳоясига етди. Энди Чингизхон янги-янги қонли режалар тузишга киришди. Синдни кечиб ўтган Жалолиддин Мангуберди ва тирик қолган саркардалар ҳамда Султон жангчиларини навбатдаги жангу жадаллар кутарди“



**ЖАЛОЛИДДИН ХОРАЗМШОҲ  
ШИМОЛИЙ ҲИНДИСТОН, ЭРОН ВА  
ОЗАРБАЙЖОН ҲУКМДОРИ. ЖАНУБИЙ  
КАВКАЗ САЛТАНАТ ТАРКИБИДА**



## ҲИНД САРИ ЙЎЛ, ЯНА УЗЛУКСИЗ ЖАНГУ ЖАДАЛЛАР

1221 йилнинг декабрь ойи бошида Ҳинд заминига кириб борган Жалолиддин ва унинг лашкарини навбатдаги аёвсиз воқеа-ҳодисалар кутарди. Жалолиддин Мангуберди Синд дарёсини кечиб ўтган жойдан Шимолий ва Марказий Ҳиндистонга кетадиган бепоён ҳудудлар бошланарди. Султон Жалолиддин Мангуберди Нилаб майдонида мардлик ва шижоатнинг буюк намуналарини кўрсатмасин, Чингизхон лашкарининг беҳисоб кўплиги ўзининг якуний сўзини айтди. Негаки, беҳисоб лашкарларга қарши қанча мардлик-жасорат кўрсатилмасин, Жалолиддин Мангуберди қириб адо қилиб бўлмас ганимларга дуч келган эди. Жалолиддин қисматига битилган энг офир мағлубият аламини тотди. Аммо Нилаб жангида минг бир имкониятдан фойдаланиб, Чингизхоннинг яшин тезлигида Шарқ ва бутун дунёни эгаллаш ниятларини йўққа чиқариб, унинг ҳужумкорлик руҳини синдирди. Ҳатто Чингизхон Хитойни ва бошқа уруш олиб борган мамлакатлар ҳудудларидаги жанглarning барчасида бунчалик офир йўқотишга учрамаган эди. Хоқон лашкари ҳам катта талафот кўрди. Жалолиддин Нилабдаги дўзах ўпқонидан қутулибгина қолмай, хоқоннинг бундан кейин яна энг асосий ва даҳшатли рақиби бўлиб қолаверди. Хоқоннинг бир неча йиллаб пухта ҳолатда тузган режаларини барбод ҳам қилди. Хоқоннинг Шарқни пайҳон қилиб ташлаш учун қилган ҳаракатларига асосий тўсиқ бўлди. Чингизхоннинг Шарқ халқларини тезда қуликка тушириш мақсадларини ўн йиллар орқага суриб юборди. Нилабда хоқон Жалолиддин устидан ғалаба қилган бўлишига қарамай, ўзи ва лашкарининг тинкаси қуриди, жаҳонгирлик даъвосидан ҳам анча қўнгли совиди, шашти қайтди. Тузалмас, доимо хуруж қилувчи юрак касалига чалинди. Шунингдек, ҳарб майдонида ўзини ҳаммадан юқори қўйиб, дунёда тенгсиз саркарда ва қобилият эгаси дея ҳисоблаган фикрлари қаттиқ лат еб, Жалолиддин Мангубердининг ҳар томонлама ўзидан устун, истеъдоди порлоқ саркарда эканлигига шак-шубҳа қилмади. Уни ошкора эътироф ҳам қилди. Фақат унга икки нарса панд берганлиги — биринчиси, отаси Муҳаммад Хоразмшоҳ унга охириги имкониятгача қўшинни топширмаганлиги бўлса, иккинчидан, хоқон Хитойдан Манжурия, ундан Сибирь ва Шарқий Туркистондан Марказий Осиёгача бепоён ҳудудларда сон-саноксиз қўшин тузиб, уни хоҳлаган дақиқаларда жангга кирита олиш бемисл имконияти мавжудлиги, фақат шу устунликкина унга ғалаба келтирганлигини тан олди. Шу боис Нилабдаги ғалабасини у соф ғалаба дея ҳисоблай олмади. Адолатга сал бўлса-да изн берган ҳар бир саркарда ҳақиқатни эътироф қилмасдан иложи йўқ эди. Чингизхон ҳам хоқон, ҳам саркарда, ҳам жангчи сифатида эътироф этиб, Жалолиддинга Синдни кечиб ўтиб бораётганидаёқ ўғиллари, саркардаларига уни ибрат қилиб кўрсатиши бежиз эмасди.

Жаҳоннинг энг йирик саркардалари учун рақиб томон ҳарбий йўлбошчиларига баҳо бериш азалий анъана бўлиб келмоқда эдики, Чингизхон ҳам бу анъанани ҳурмат қилди, уни четлаб ўтмади. Шу боис унинг Жалолиддинга берган баҳоси ҳам холислиги, ҳақиқатни тўлиқ оча олганлиги жиҳатидан жаҳон тарихшунослигида юқори баҳоланди, тиллардан тилларга ўтиб дoston бўлди. Зеро, мардликка мардлик билан баҳо бериш ҳам

мардлик саналади. Чингизхоннинг бу эътирофи ҳам чинакам мардлик ва мардона холис баҳо эди. Ашаддий ганимнинг ўз рақибига буюк поғонадан туриб юксак баҳо бериши тарихда кам учрайдиган ҳодисадир.

## СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН РУҲИЙ АЗОБ-УҚУБАТЛАР УММОНИДА

Халқда кимга тўй, кимга аза деган нақл бор. Дарёнинг нариги соҳилида хоқон ғалаба базми ўтказар, дарёнинг Султон Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди сузиб ўтган қарама-қарши тарафида эса мотамсаролик ва мағлубликнинг оғир азоби ҳукмрон эди. У Нилаб жангида борлиғидан, онаизори ва севимли оиласидан, кўплаб дўсту биродарлари, тенгсиз баҳодир жангчилари, тожу тахти ва хазинаси, ҳаммасидан жудо бўлди. Бутун бир мамлакатнинг Султони энди ҳеч бир зот кўринмайдиган Синд нариги соҳилидан бошланадиган бепоён тўқайзор билан юзма-юз турарди. Жалолиддин шоҳ эмас, кимсасиз соҳилда ўзини бирам ғарибдек ҳис қилдики, унинг миясига анча вақт аниқ бир фикр ҳам келмади. Осмонга қараса осмон, ерга қараса ер, темир иродаси ҳам бўшашиб, асаблари эса қақшаб, жисман ҳаддан ташқари чарчаган ва руҳан синиш даражасида турарди. У дуч келган бу машаққатлар ва дарду ситамларга инсон тугул, тоғ ҳам бардош бериши амри маҳол эди. Шу пайтда қуёш ҳам мағриб олами томон бош қўйди. Бепоён тўқайзор томондан бўри галаларининг гоҳ у, гоҳ бу тарафдан емиш излаётган ёқимсиз овозлари барала кела бошлади. Султоннинг жангда ҳайиқмаган жангари тулпори огоҳ бўл дегандай, йиртқичлар овози келаётган тарафга қулоқларини динг қилганича бирпас хашак ёйишдан тўхтаб, бошини тик кўтарганича ўша томонга қараб-қараб қўярди. Жалолиддин Мангуберди севимли тулпорини бўйни ва боши узра силаб бағрига босар экан, „Қўрқма тулпорим, энг даҳшатли бўри ва йиртқичлардан омон қолдик, унинг олдида бу бўрилар чиябўрича қўрқинчли эмас“, — дея ўзини ҳам, тулпорини ҳам юпатгандек бўлди. Ақлли тулпор ўз хўжасининг бу далдасидан кўнгли тўлди шекилли, кеч кузнинг ширин таъмли майсаларини яна бош кўтармай иштаҳа билан ёйишга киришди. Жалолиддин отининг жилловини халал бермасин деб ечиб олди ва ўзини майсалар устига ташлади. У даҳшатли жангу жадалда тамомила ҳолдан тойган эди. Белидан Хоразмшоҳларнинг давлати рамзи байроғини ечиб олди. Уни ҳам майсалар устига авайлаб ёйди, сўнгра қиличи билан сал нарироқда ўсиб турган новдани кесди. Силлиқ қилиб бутаб ташлагач, байроғини даста қилиб унга илди, байроқ ҳали қуриб улгурмаган бўлса-да, юқори кўтариши биланоқ ҳилпирай бошлади. Бир вақтлар Шарқ узра мағрур кўтарилган бу байроқ Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қалтис сиёсий-ҳарбий хатолари боис ўз шукуҳини йўқотиш даражасига тушган эди. Жалолиддиннинг қўлига етиб келгунча бу байроқ синай деб турган эди. Минг бир азоб-уқубатлар билан уни Жалолиддин асраб қолди. Бу байроқ остига ватаннинг асл баҳодир йигитларини тўплади. Байроқнинг шамолда ҳилпираган овоз чиқариши Султон Жалолиддин учун ушбу дамларда шундай чексиз қувонч бағишладикки, бобомерос ануштегинлар сулоласининг не-не зафарларига гувоҳ ва уларни буюк ғалабаларга ундаган бу табаррук байроқни ушлади ва меҳр билан бағрига босди, ўпди, юз-кўзларига суртди. Тошдан-да қаттиқ жони анча таскин топиб, ором олди, қайғу-аламлари сал унутилгандек бўлди. Дийдаси симобдек эриб, кўзларидан дув-дув оққан ёш байроққа оқиб тушди. Бу Жалолиддиннинг энг оғир, оиласи, Ватани, дўсту биродарлари, тожу



тахтидан, лашкари, бор-йўғидан ажралган дамлари эди. Султонга ушбу оғир дақиқаларда байроқ ҳам суянч, ҳам таянч бўлди

...Тун қўйнидан чиққан ой соҳилни ва жимир-жимир оқаётган Синд сувини, тўқайзорни ёритиб чор атрофга нурини соча бошлади. Шу маҳал тулпор бирданига қандайдир хавфни сезгандай дарё соҳили томонга қараб бошини чўзганича, юлиб олинган оғзидаги майсани чайнашдан тўхтаб яна динг қотди. Сўнгра безовта бўлиб, хўжасини хавф-хатардан огоҳ этиш учун олд оёқларини ерга гуп-гуп уриб, қаттиқ кишнади. Безовталик билан тулпорнинг кишнаши тўқайзордан акс садо берди. Султон Жалолоддин севимли тулпорининг ҳаракатлари беҳуда эмаслигини англаб, эндигина пинакка кетаётган уйқусидан уйғониб, дарҳол отининг жилловини тезда олди-да, уни тулпори бошига тезда илди ва қиличини жангга шайлаб, жанговар ҳолда хушёр турди. Йигирма беш, ўттиз метрлар наридаги дўнглик орқасидан одам шарпаси кўрингандай бўлди. Энди тулпор янада қаттиқроқ кишнаб икки оёғини шиддат билан юқорига кўтариб ташлади. Султон Жалолоддин ҳужумни даф қилиш учун диққат билан шарпалар келаётган тарафни кичрик қоқмай кузатишда давом этди. Ой ёруғида анча жойни бемалол кўриш мумкин эди. Шу дақиқаларда тун сукунатини бузиб, „Ўзимизники, ўзимизнинг байроқ, Султонимиз тирик, Султонимиз тирик“, — дея бирин-кетин еттита жангчи дўнглик орқа томонидан отилиб чиқиб, Султон томонга қараб жон-жаҳди билан чопишга тушдилар. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳам уларни овозидан дарҳол таниди. Тулпоридан ўқ тезлигида сакраб тушди-да, уларга пешвоз чиқди. Не кўз билан кўрсинки, улар Жалолоддин Мангубердини Нилаб қиёмат жангининг дўзах оловида охиригача ҳимоя қилган еттита баҳодир жангчилари бўлиб чиқдилар. Балои қазо тўфонидан омон чиққан Султон ва унинг кўриқчи хос жангчилари бир-бирининг қучовига отилдилар, қувончдан йиғладилар, юзларини юзларига суртдилар. Улар орасида Чингизхоннинг бош паҳлавони Жалмани яккама-якка олишувда ер тишлатган марду майдон жангчиси, мингбоши Маҳмудбийнинг борлиги Султон қалбини янада қувончга тўлдирди. Узоқ ва қирғинли жанглар ва дарёдан кечиб ўтиш машаққатларидан ҳолдан тойган Султон ва унинг етти баҳодирлари байроқ тагида бир оз суҳбат қургач, жангчилардан олтитаси қаттиқ уйқуга кетдилар. Жалолоддин ва Маҳмудбий яна анча маҳал гурунги қилишди, оғир дамларни эслашди. Маҳмудбий Султонни ухлашга зўрға кўндирди. Ўзи эса тиқ этган товушдан огоҳ бўлиб, тун соқчилигига ўтди. Султон бирпас мизғиб олгач, бир вақт уйғониб, жангчиларини кўздан кечирганида соқчилик қилувчи навбатдаги соқчи Маҳмудбий мингбошининг яқиндагина уйқуга кетганини айтди. Бир оздан сўнг тонг отиб, бирин-кетин жангчилар ҳам уйғондилар. Етти ёт бегона Ҳинд заминидан уларни сир-синоатга тўла ҳад-худудсиз ҳодисалар қайнови кутарди. Бу ёғи таваккалчилик дунёси, яшаш учун, мақсад сари яна тошдан қаттиқ бошни, худо берган ақлни ва темирдек иродани ишга солиб кураш сари олға юриш лозим. Мардлар дийдиё қилмайдилар. Майдонга чиқдимиз, бошини ҳам қилиб, манглайини қашламайдилар. Осмон узоқ, ер қаттиқ, ана шу қаттиқ заминга оёқни мардона тираб курашга шайланган одамгина ўзларига нажот йўлини топади.

## **ЎЛИМЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРГАН МАРДУ МАЙДОНЛАР БАЙРОҚ ОСТИДА ТўПЛАНДИЛАР**

„Ботирга калтак ҳам қурол“ мақолига амал қилиб, Жалолоддин Мангуберди баҳодирлари ўзларига йўғонлиги билан келадиган юлғунлардан қурол тайёрлаш учун тўқайдан юлғун кесишга киришдилар. Уларнинг еттитасидан фақат Маҳмудбийдагина

қилич бор эди. У дарёдан кечиб ўтишда чўкиб кетишига рози бўлса бўлдики, отаси ясаб тортиқ қилган меросий қиличини йўқотмасликка қарор қилган эди. Бу қилич унга падари бузрукворидан ягона эсдалик эди. Сувда узоқ сузувчи одамга ҳар қандай енгил буюм ҳам тобора оғирлашиб, сузувчини ҳолдан тойдиради. Бироқ, Маҳмудбий уни йўқотмай соҳилга ўзи билан бирга олиб чиқишнинг уддасидан чиқди. Жалолиддин Мангуберди бундан хурсанд бўлиб, „ҳар ҳолда иккимизда қурол бор, байроқдаги илиниб турган дастак найза билан учта, бешта жангчимизда юлғун найза, демак, биз яна жанговар кучмиз“, — деди жангчиларининг кўнглини кўтариб. Ҳақиқатан ҳам юлғун новдаси жуда пишиқ, шунингдек, ғоят қаттиқ, агар унинг учи найзасимон ўткир қилиб йўнилса, қарийб ҳақиқий найзадан кам фарқ қиларди. Ҳар ҳолда рақиб дуч келганида у билан совутини теша олмаса ҳам, куч ва зарб билан урилса, душманни бемалол ярадор қилиш, ҳатто ўлдириш ҳам мумкин эди.

... Тонг отгач дарё соҳилида ҳилпираб турган байроқ Синдни сузиб ўтишга муваффақ бўлган Жалолиддин Мангуберди жангчилари учун тўпланишга нишон бўлди. Тирик қолиб, нажот ахтараётган, пана-пастқамларда яшириниб тонгни қаршилаган, омон қолган жангчилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўз Султони ва байроғи остида тўплана бошладилар. Уларнинг кўпларида қурол ҳам, улов ҳам йўқ эди. Иккинчи куни тушдан кейин Султоннинг оғринган қалби қувончга тўлган воқеалар содир бўлди. Аввалда таниқли буюк саркарда ва Жалолиддиннинг устози Темур Малик, сўнгра Харпўшт ва Жаҳон Паҳлавон каби атоқли қўмондонлар омон қолган лашкарий гуруҳлари билан сафни тўлдирдилар. Улар бир-бирларини узоқ йиллар кўрмаган инсонлардек қучоқларига отилдилар. Бегона юртда ўлимларни доғда қолдирган бу қуролдош ва ватандошлар хурсандчилиги чегара билмасди. Кечгача уларнинг сони тўрт минг кишига етди. Чингизхоннинг ялпи қирғинидан омон қолган бу жангчилар ундай-бундай, оддий одамлар бўлмай, ўзларининг қудратли жисмоний кучи, маҳорати ва жанг қилиш санъатини мукамал эгаллаганликлари боис қирқ йил қирғин бўлса-да ажалга чап бера олган, дуч келган душманларига омонлик бермаган паҳлавонлар тоифасидан эдилар. Улар Ватаннинг ор-номусини муносиб ҳимоя қилиб келаётган, ўзларини озодлик ва мустақиллик курашига мутлақ бағишлаган эл-юртнинг асл ўғлонлари эдилар. Нилабда мўғулларга аёвсиз қирон келтирган баҳодирлар ҳам шулар эдилар.

Султон Жалолиддин устози Темур Малиқдан „мўғуллар соҳилга сиқиб келган пайтда жуда кўплаб жангчиларимиз ярадор бўлиб йиқилган эдилар. Уларни мўғуллар оғир азобларга дучор қилиб ўлдириб юборган бўлсалар керак“, — деб сўради. „Асир тушганлари кўп бўлмади, — деди маъюс бўлиб Темур Малик. — Уларнинг асосий кўпчилиги асир тушишдан кўра ўлимни афзал кўрдилар. Азоб-уқубат билан ёв қўлида ўлишни истамай, биздан ўзларини ўлдиришларини ўтиниб сўраб, ёлвордилар. Ўлимолди илтижоларини қабул қилишдан ўзга чорамиз қолмади, Султоним. Илтижо ва талабларини не иложки, бажаришга мажбур бўлдик. Улар бемисл қаҳрамонлар эдилар. Не илож қилайликки қутқара олмас эдик, орқада чигирткадек ёв, олдинда асов дарё, улар ўлимини енгиллаштиришдан бошқа ишга ярамадик. Уларни ваҳший мўғуллар қўлига топшириб бўлармиди, Султоним“. „Бизга худо яна қандай оғир синовларни раво кўрар экан. Эй парвардигор, бу қандай кўргулик? Ўз оналаримиз, оиламиз, фарзандларимизни ўз қўлларимиз билан дарёга отсак, чўктирсак, сафимизда шер бўлиб олишган биродарларимизни ярадор бўлса, ўз қўлимиз билан уларга қилич тортсак? Ё раб! Она-Ватанда ўссак, улғайсак, аммо ўз юртимизга сифмай, ўзга элларда юриб, жон олиб, жон берсак, бир кун қазо қўлини очиб етти ёт бегона юртларда кафансиз кўмилсак, бу не

хол!“ Жуда оғир ва вазмин табиатли жангчи ва муаррих устозлардан ан-Насавий Султон ва Темур Маликка тасалли бериб, руҳни кўтарувчи сўзлар билан тинчлантириш учун: „Кўп куюнманг, бўталарим, ойнанинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, сабр қилинглр. Бизга ҳам парвардигорнинг атаб қўйган ёруғ кунлари албатта келади“, — дея юпатди. „Раҳмат, — деди бир овоздан ҳар икки буюк саркарда устоз ан-Насавийга. — Илоҳим айтганингиз келсин. Бу кунлар худонинг бизга оғир синови, унга шак келтириш гуноҳ, шундай экан, бундан баттаридан ўзи асрасин. Мана шукур қилайлик, соппа-соғмиз, яна биргамиз, бу кунлар ортда қолиб худо хоҳласа яна кўп рўшноликлар кўрурмиз“. „Қаранг, қаршингизда тўрт минг баҳодир жангчиларингиз буйруғингизни кутиб турибди. Уларга раҳнамоликни қўлга олиб, музаффар байроғингизни кўтаринг, Султоним, бу ёғига Худонинг ўзи қўлласин“, — деди аллома ан-Насавий. „Жуда тўғри айтдингиз устоз, тез ишга киришиб ўзимизни ўнглаб олайлик, бизга ҳеч ким келиб муаммоларимизни асло ҳал қилиб бермайди, аниқ бир қарорга келиш учун маслаҳатлашиб олайлик“, — деди Султон Жалолиддин.

## ҚИЛИЧ ЎРНИГА ЮЛГУН ТАЁҚЛАР БИЛАН ЖАНГ ТАДОРИГИ

Биринчи масала, қуролсиз жангчиларни қуроллантириш, қиличи борларни юлгун новдасини кесишга сафарбар этиш бўлса, иккинчиси, жангчиларга овқат топиш. Юз-юз эллик жангчи қурол ясашга киришиб кетдилар. Асосий ашё юлгун новдаларини йиғиш бўлса, ундан кам бўлмаган оғир муаммо озиқ-овқат топиш бўлди. Бунинг учун тўқайзорга ўн-ўн беш чақирим майдон бўйлаб доира ҳалқаси ясаб, ҳалқа доирасини кучайтириб, жангчилар бир-бирига қараб юрдилар, натижада қуён, оҳу ва бошқа турли йиртқич ҳайвонлар қочиб, охири тўрт мингга яқин киши кичик ҳалқаси қуршови ичида тўпланишга мажбур бўлишди. Йиртқич ҳайвонлар тош ва калтаклар билан уриб йиқитилиб, олов чиқарувчи чақмоқ тошлар ёрдамида гулхан ёқиلىб, кабоб пиширилди. Шу усул ёрдамида жангчилар анча қувватга кириб, тўқайзордаги ёввойи жийда ва шу каби дарахт меваларидан нон ўрнида фойдаланилди. Шу тариқа ўрмон тўрт минг жангчига ҳам бошпана бўлди, ҳам қорин тўйдиришга имкон берди. Аммо бу усул билан узоққа бориб бўлмас эди. Тўқайзор Жалолиддиннинг ибтидоий тарзда қуроллантирилган жангчилари учун муҳим аҳамиятга эга бўлдики, узоқ жангларда силласи қуриган лашкар анча кучга тўлди. Муҳими мана шу кунларда Чингизхон ҳам қўшини ҳаддан ортиқ талафот кўргани ва толиққани боис дарҳол Султоннинг қолган-қутган жангчиларини таъқиб қилишга киришмади. Зафар тантанаси нашидасини суриш билан машғул бўлди. Бироқ, бу ёғидаги жанглар энди ҳиндлар билан бўлиши муқаррар эди. Негаки, давлат чегарасини бузиб ўтган лашкар шу давлат учун ғаним ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам ўз чегараси яқинида катта жанглар бошланганлиги ва бу тўқнашув хоразмшоҳлар ва мўғуллар ўртасида бўлиб ўтаётганлигидан хабар топган Шимолий Ҳиндистон рожаси ўзининг жанговор кучлари билан Нилаб томон келарди. Парокандаликка учраган қўшин Султон Жалолиддин ва Темур Маликнинг интизомни ўрнатиш учун қилган қатъиятли ҳаракатларидан кейин яна қайтадан анча изга тушди, руҳий сўлғинлик чекиниб, сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Доимгидек қатъий ҳарбий тартиб-интизом қарор топди. Бу ёғига ҳар бир босиладиган қадам ҳушёрлик ва огоҳликни талаб қиларди. Гир айлана соқчилик қисмлари ҳарбий Низомга асосан ички ва ташқи назоратни қўлга олдилар. Улар бир-бирига сайроқи қушлар овозига ҳамоҳанг бемалол овоз бериш усули

орқали алоқага чиқиб туришди. Олдинги ой ва кунларга нисбатан олганда уруш ва жангу жадалдан мутлақ йироқ ушбу дамлар Жалолиддин Мангуберди ихтиёрида қолган жангчилар учун Ватани, оиласи, дўсту биродарлари, суюкли ёрлари ҳақида хотирлаш, суҳбат қуриш имконини берди. Улар Ватанини соғиниб йиғладилар. Оила, ота-она, опасингил, ака-ука — жамики жигарларини эслаб бўзладилар. Уҳ тортишди, куйинишди, ниҳоят тақдирга тан беришди. Яшаб қолиш қонуни шуни талаб этарди. Муҳими, барибир тирик, ҳозирда соғ-омон қолганларига шукрона айтишди. Нима бўлганда ҳам тўқайзорда ўтган қисқа кунлар келажакда олиб бориладиган ҳарбий ҳаракатлар учун олтин дамлар бўлди. Натижада қўшин яхшигина ҳордиқ чиқарди, ҳар жиҳатдан ўзига кела бошлади, тўйиб-тўйиб ухладилар. Анчадан буён тўйиб ухлаш ҳам улар учун армон эди, ахир. Шу тариқа тўқайзордаги ҳаётнинг учинчи куни ҳам тинч-осойишталикда ўтди. Фақат жой-жойига қўйилган соқчилар хушёр ва сергак турар эдилар. Жангчилар шунчалар мириқиб ором олишардики, гўё улар учун доимо бўлганидек қон тўкишлар, урҳо-урлар, даҳшатли жанг суронлари энди йўқдек, эртадан бошлаб уруш тутаган-у, жангчилар барчаси ўз оиласи ва тинч меҳнатга қайтадигандек. Аммо ҳақиқий қонли воқеалар қайтадан бошланадиган ва кети кўринмас воқеаларга уланиш фурсати оз қолган эди.

## ҲИНДЛАР БИЛАН ИЛК ТўқНАШУВ ВА ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

1221 йил 6 декабрь тун ярмидан оққан, шу туннинг соқчилик хизматига масъул юзбоши Каримбердининг ҳарбийга келиб қўшилгунча ҳаёти овчиликдан иборат эди. У ҳарбий ҳаракатлар сафига киргач, тез ўзгарди. Жанглардан жангларга чиниқди, маҳорати ошиб етук жангчи, сўнгра ўнбоши, юзбошиликка кўтарилди. У жуда синчков овчи бўлганлиги учун туннинг сир-синаотларини яхши билар, тун қўйнида тик этган шарпа ва ҳодисалар қайси ҳайвон ҳаракатига тегишлилигини ҳам дарҳол ажрата олар, хуллас ўрмон тилини билишда устаси фаранг эди. Ана шу фазилатлари унга жангчилик фаолиятида жуда қўл келди. Айрим йиртқичларни овлаш учун ини оғзида туну кун мижжа қоқмай ўтириб чиқарди. Ана шу дамларда уйқу тортиши, уни енгиш жуда мураккаб кечишини неча бор бошидан кечирган эди. Уйқу инсон учун табиий-руҳий зарурат. У нафақат инсонни, ҳатто девни ҳам йиқитадиган қудратли куч. Шундай экан ярим тундан ошгандаги уйқу жуда интизомли ва иродали жангчи-соқчиларини ҳам ўз домига тортиши, бу эса нотаниш элда хунук воқеаларга олиб келишини ўйлаб, қоровуллар ҳолатини текшириб чиқишга қарор қилди. Айланар экан, ўйлаганлари тўғри бўлиб чиқди. Ярим тундан кейинги ширин уйқу айрим соқчиларни таслим қилганига гувоҳ бўлди. Ёрдамчиси Эл-Арслонни ёнига олиб, олисроққа жойлашган соқчилар тарафга йўл олди. Ўша томонга кетар экан, ой ёғдусида тўқайзорнинг сийраклашиб, ялангликка айланган тарафида дарахтлар соясидан фарқ қилувчи пиёда ва отлиқларга ўхшаган кўланкаларни илғагандай бўлди. Собиқ овчи Каримберди Эл-Арслонга гапирма дегандай кафтини оғзига босиб, ишора қилди ва улар дарҳол ўзларини панага олдилар. Пана-панада юриб, уларни яқинроқдан кузатар экан, шу ялангликка ҳинд қўшинларининг тўпланаётганлигига шак-шубҳа қилмадилар. Шилт этган товуш чиқармай орқага қайтиб, шамол янглиғ учиб Жалолиддин Мангуберди ва Темур Малик жойлашган чодирга етиб келиб Султон соқчиларини огоҳлантиришди. Султон отилиб ташқарига чиқди. Юзбоши душман қўшини тўпланаётган томонни кўрсатиб, бўлган воқеани қисқа изоҳлади. „Султоним, уларда жанговар филлар ҳам бор“. „Улар бизнинг лашкардан кўпми?“ — сўради

юзбошидан Султон Жалолиддин. „Кўп Султоним, улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келмоқдалар“, — деди юзбоши. „Бизни ўша ёққа бошла, юзбоши“, — деди Султон. Сўнгра қўшинни оёққа турғазига буйруқ берди. Султон Жалолиддин ва Темур Малик бир гуруҳ соқчилари билан Ҳинд қўшинлари тўпланаётган томонга қараб кетишди. Ҳар икки саркарда душман ҳаракатларини зимдан пинҳона кузатар экан, энди ҳамма нарса ойдинлашди. Демак, Ҳинд тупроғига мажбуран чекинган Жалолиддин Мангуберди лашкарини қаттиқ уйқуда қириб ташлаш режаси тузилган, бунга энди шубҳа йўқ. Шатра ҳукмдори Рана Жалолиддинни душман сифатида кутиб олмоқда, акс ҳолда унга элчи жўнатган бўларди. Жалолиддин ва Темур Малик вазиятга тўғри баҳо бердилар. Яна жанг, бошқа йўл йўқ. Султон ва Темур Малик душмanning тўпланишига имкон бермай тўсатдан ҳужум қилиб, уларни тор-мор қилишга келишиб олишди. „Улар ҳужумни тонгга тайинлашган, биз эса фурсатни қўлдан бермай, ҳозироқ ёпирилиб ҳужум бошлаймиз. Шундай ҳайқириқ билан ёпириламизки, уларга ўзини ўнглиб олишига имкон бермаймиз“.

Жалолиддин ҳиндларнинг кўзини шамғалат қилиб овозсиз, шовқинсиз ўрмоннинг қалин, кўзга ташланмайдиган тарафидан уларга яқинлашиб келди. Ҳужум белгиси Султоннинг ўзи бўлди. Унинг юқорига кўтарилган қўлини бутун лашкари ой ёруғида бемалол кўриб турарди. Барча унинг қўли шиддат билан пастга тушишини кутди. Юқорига кўтарилган қўл шиддат билан пастга тушди, тулпор бир қамчи зарбидан елдек учиб, барчани ҳужумга бошлади. Тўрт минг жангчининг тунги ҳайқириғидан тўқайзор ларзага келди. Жалолиддин биринчи бўлиб Шатра ҳукмдори Рана қароргоҳига етиб келди. Шатра ҳукмдори Шимолий Ҳиндистоннинг машҳур ва паҳлавон ҳукмдори эди. У тўсатдан берилган зарбадан эсанкираб, отига минишга ҳам улгурмай қолди. Султон Жалолиддин биринчи зарбадаёқ Рананинг қиличини қўлидан уриб туширди. Шу пайт ўзларини ўнглаб олган соқчилар Ранани ҳимоя қилишга киришдилар. Жалолиддин Мангуберди кўз очиб-юмгунча, лаҳзада уларни қиличдан ўтказди. Иккинчи марта Шатра ҳукмдорига ҳужум чоғида Рана Султон қиличидан ҳалок бўлди. Ҳукмдори Рананинг ҳалокатини кўриб саросимада қолган ҳинд қўшинининг кўпчилиги тўқайзорнинг дуч келган тарафига ўзини уриб, жонини асрашга тушди. Қаршилиқ кўрсатганлар қириб ташланди. Қўл кўтариб қуролини ташлаганлари асирга олинди. Жони омон қолдирилди.

Қарийб ўн минг Ҳинд лашкари тундаги кутилмаган зарбани қайтаришдан ожиз қолдилар. Узоқ давом этмаган жанг Жалолиддин қўшини ғалабаси билан тугади. Талафот ҳам кам бўлди. Аммо олинган ўлжа жуда катта эди. Ўн минг ҳинд лашкарининг захира озиқ-овқатлари, қурол-яроғлари барчаси юпун ҳолдаги Султон қўшини ўртасида тақсимланди. Қўшиннинг бутланиб олиши учун ҳам, қолаверса, Нилабдаги мағлубият ва тушкунликдан кейинги руҳий-маънавий зўриқишни барҳам топтириш учун бу ғалаба сув ва ҳаводек зарур эди. Шунга эришилди. Энди Жалолиддин Мангубердининг байроғи Ҳинд узра ҳилпирай бошлади. Бу пайтга келиб зафар тантанаси маросимини тугатган мўғул хоқони Чингизхон ҳордиқ чиқарган қўшиннинг бир қисмини ажратиб, тажрибали нўёнлардан бошлиқлар тайинлаб, Султон Жалолиддинни таъқиб қилишни давом эттириш тўғрисида фармон берди. Чингизхон Жалолиддинни Ҳиндистоннинг Мўлтон вилояти тарафида қўшин йиғяпти, деган маълумотни олгач, Тўрбой Тўқшин ва Бола нўён саркардаларини 20 минг қўшин билан ўша вилоятга жўнатди. Мўғуллар Мўлтонгача шаҳару қишлоқларни талаб, ўт қўйиб, аҳолини аёвсиз қириб, айниқса, Султон Жалолиддинни қўллашга мойил аҳолидан қасос аламини олиб, талон-тарожни авж олдирилди. Ҳиндистоннинг табиий иқлимга мослаша олмаган мўғуллар Мўлтондан орқага қайтишга

мажбур бўлдилар. Жалолоиддиннинг Шатра хукмдорини мағлуб этиши Шимолий Ҳиндистондаги ҳокимлар ва ноибларга яшиндек тез тарқалди. Бир томондан, Мўлтон томонда мўғуллар ҳужуми, бошқа томондан Жалолоиддиннинг ҳарбий юришларининг кучайиши Синд, Учча, Мўлтон, Лоҳур ва Пешавор ҳокими Носириддин Қубачанинг (1205—1227) ноиби Қамариддин Кирмонийни ваҳимага солди. У Жалолоиддиннинг ўз мулкларига яқинлашиб қолганлигининг хабарини топгач, Султонга тобелик изҳорини қилишдан бошқа иложи қолмади. Энди навбат Қубачанинг ўзига келган эди. Унинг билан Султон музокаралар бошлаган пайтда Жалолоиддиннинг укаси Гиёсиддин Пиршоҳ саркардаларидан Санжақонхон, Элчи Паҳлавон, Ўрхон, Сайиржа ва Текчороқ Хонкишилар унинг сиёсатидан норози бўлиб, Жалолоиддин хизматига кириш учун Ироқдан Ҳиндистонга етиб келишган эдилар. Султон уларни жуда яхши кутиб олди, уларнинг ҳурматини жойига қўйди. Бу саркардаларнинг Султонга келиб қўшилиши Жалолоиддин Мангуберди лашкарининг ҳарбий қудратини янада оширди. Ўрта аср тарихчиларидан бири бу келиб қўшилган мадад кучларига баҳо бериб „музлаган қалбнинг қайта иссиши“ қабалида таърифлаган эди.

## ҲИНД ЗАМИНДА ҲИЛПИРАГАН МУЗАФФАР БАЙРОҚ

Жалолоиддин Мангуберди кенг қўламли ҳарбий ҳаракатларни бошлаб Пуштунистондаги Оқ тоғнинг жанубидан оқиб ўтадиган Кармон дарёси бўйидан илгари юриб, Кармон ва Сакун қалъаларини забт этди. Ундан Нандан қалъаси томон юрди. Қалъани ҳужум билан эгаллаб олди ва қаршилиқ қилган 40 минг кишилиқ қўшинни тор-мор келтирди, ушбу жангдан сўнг Султон Балол тоғидан ошиб ўтаётганда пистирмадаги ҳинд қўшинлари унинг лашкарига ҳужум уюштирди. Аммо, Жалолоиддин Мангуберди бундан саросимага тушмади. Тезда ўзини ўнглаб олиб, қарши зарба берди, ҳиндларнинг пистирмадаги қўшини ҳам унинг йўлини тўса олмади. Жалолоиддин қаршилиқ кўрсатганларни қиличдан ўтказиб, қуршовга олинганларни, қуролини ихтиёрий ташлаганларни бирон-бир инсоний камситилишга йўл қўймасдан ўз қўшинига қабул қилишини билдирди. Султоннинг мард ва жасурлиги ҳақида кўп эшитган аскарлардан кўпчилиги бу таклифни қабул қилди. Натижада Жалолоиддиннинг лашкарий қудрати янада ортди.

Энди Жалолоиддин Шимолий Ҳиндистоннинг яна бир нуфузли хукмдорларидан Носириддин Қубача билан иттифоқ тузиш, сўнгра Султонни маҳв этиш учун катта тайёргарлик кўраётган қудратли хукмдорлардан ҳисобланган Шамсиддин Элутмиш (1211—1236) билан ҳисоб-китоб қилишни мўлжаллади. Носириддин Қубача ва Шамсиддин Элутмишларнинг ҳар иккиси анча айёр бўлиб, Султон Жалолоиддин билан тинч-тотувликда ҳамкорлик қилишни истаётгандек кўринса-да, аммо асл нияти бошқача эди. Имконият топилди дегунча Султонни йўқотиш уларнинг асл мақсади эди. Султон Жалолоиддин Қубачага иккита шарт қўйди. Тақдир тақозоси билан мўғуллар босқини туфайли Қубача ҳузурига бошпана сўраб келган собиқ вазири Шамсулмулк ва Аминалмулкнинг қизини (у Жалолоиддиннинг жуфти ҳалоли бўлиб, қандайдир тасодиф билан омон қолиб, укаси Қизилхон билан уни қутқарганлар Қубачанинг Уччадаги қароргоҳига олиб келиб топширган эдилар) топширишни талаб қилди. Қубача бу талабни бажарди ва совға-саломлар билан Жалолоиддиннинг хотинини унинг ҳузурига жўнатди. Аммо, Носириддин Қубача давлатнинг кўп сирларини билган Шамсулмулкни қатл қилишни лозим топди. Аммо Жалолоиддин барибир Қубача ҳамда Элутмишларнинг ўзига нисбатан душманлик жабҳасида турган сирларидан воқиф бўлди. Бу маълумотларни

Шамсулмулкнинг Ҳазор Мард номи билан машҳур бўлган мулозими амир Аёз ва Нусратиддин Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Хурмиллар Султонга етказдилар. Натижада бу ҳудудлар ҳар қадамда унинг қўшинига кутилмаган кўнгилсизликлар келтиришини англаб, Султон хабаргир ва жосуслик қисмларига атрофни ҳамда ҳаракат қилинадиган ҳудудларни жуда огоҳлик билан ўрганиш ва кузатишни топширди. Қубача Шамсулмулкдан кейин Жалолоддиннинг ёш қайниси Қизилхонни ўлдиришни бошқалар қўли билан амалга оширди. Ан-Насавийнинг гувоҳлик беришича, уни ўлдирган қароқчи гуруҳлар Қизилхоннинг қулоғидаги дурни юлиб олиб, Қубачага совға тариқасида топширганлар. Қубача уларнинг бу қотиллигига миннатдорчилик сифатида ва дур учун қароқчиларга мулк хатлаб берган. Жалолоддин бунинг учун дарҳол унга қарши қасосга отланди. Гўё ўзининг ғазабини яшириб, ҳарбий тазйиқ эмас, дипломатик фаолият йўли билан босим ўтказишни маъқул кўрди. Аммо, албатта, улардан пайт пойлаб қасос олишни кўнглига туғиб қўйди. Шундан сўнг Жалолоддин ўз қўшинини Синд дарёсидан Шарқдаги Камар тарафга йўналтирди. Бу қалъа ҳам Қубачага қарашли эди. Уни қаттиқ қамал билан эгаллади. Шаҳар аҳолиси қаттиқ қаршилик қилди, аммо Султоннинг шиддатли ҳужумини тўхтата олмади. Жалолоддин бу шаҳарда катта ўлжалар: озиқ-овқат, қурол-яроғ ва уловларга эга бўлди. Ундан Тарнуж қалъасига қараб отланди. Бу қалъа ҳам талон-тарож этилди. Эндиги навбат Парасвагар қалъасига келган эди. Қамал чоғида бу шаҳар қаттиқ зарарланди ва вайронага айланди. Шундай қилиб Қубачага қарашли анча мустаҳкам шаҳар ва қалъалар Жалолоддин қўл остига ўтди. Ер-мулк ҳудудлари тобора камайиб, Султон ҳукмига ўтаётганлигидан ташвишга тушган Қубача Жалолоддин аввалги хиёнаткор ишлари учун ўзидан қатъий қасос олаётганлигини англаб, ўн минг суворий ва пиёда қўшини билан унинг йўлини тўсишга отланар экан, Шамсуддин Элутмишдан ёрдам беришини сўраб чопар жўнатади. Мамлуклар сулоласининг учинчи вакили бўлган Шамсуддин Элутмиш катта кучлар билан ёрдам жўнатиб, Қубачанинг илтимосини қабул қилади.

Жалолоддин жанг олдидан ўз қўшинининг жанговар руҳини кўтаради. Қубача ва унинг иттифоқчиси устидан ғалаба ниҳоятда зарурлигини, бирон-бир саросимага ўрин йўқлигини, агар ғалабага астойдил ишонч билан жангга кирилса, зафар ёр бўлишини уқтиради. „Биз Нилабда бахтсизлик ва ғам, аламларни бошдан кечирдик. Энди бу қора кунларнинг қайта такрорланишини асло истамаймиз. Мардлик майдонида шундай от сурайликки, душман доғда қолсин. Биз уларга яшашга ҳақлилигимизни тифимиз зарби билан кўрсатишимиз даркор“. Бу нутқ ироддан кейин Жалолоддин Қубача етиб келадиган жанг майдонида ўзининг тактик устунлигини таъминлади. Бир эмас, икки жойга пистирма лашкарий қисмларни жойлаштириб улгурди. Ана шу пайтда Жалолоддинга Ҳаккар Сангин қабиласи бошлиғи ўз ўғли бошчилигида ёрдам кучларини жўнатади. Айни муддао пайтда бу ёрдамнинг етиб келганлигидан ғоят хурсанд бўлган Жалолоддин унинг ўғлига Қутлуғхон лақабини берди. Бу қабилла саркори билан Қубача ўртасида азалий зиддиятлар мавжуд бўлиб, Қубачанинг босқинчиликка мойиллиги ва айёрлигини Жуд тоғининг мағрур қабилалари ёқтирмас эди. Ҳаккар Сангин қабиласи тоғликларга хос мард ва мағрур қавм эдилар. Шунга кўра Жалолоддиндек мард Султонга хизмат қилишни ихтиёр қилдилар.

Қавм сардори Жалолоддин Қубачага қарши жангга қизгин тайёргарлик кўраётган пайтда ўз ишончли вакили орқали Султонга тобелигини изҳор қилиб мактуб ҳам жўнатди. Унда Жалолоддинни ўзига суюкли куёв қилажagini ҳам билдирди. Жанг

олдидан иттифоқчиликка даъват этилган бу хушхабар Султонга яхшигина далда бўлди. Бошланадиган жанг олдидан Жалолиддин учун энди хавотирга ўрин қолмади.

Жалолиддин жанг бошланадиган майдонда барча тайёргарлигини кўриб бўлганда Қубача ҳам лашкари билан бу ерга етиб келди. Жалолиддин Мангуберди унинг кўшини сафга тузилишини ҳам кутиб ўтирмасдан ҳужумга ўтишни энг мақбул усул деб билди. Пистирмага қўйилган кўшин икки тарафдан, Жалолиддин эса асосий кўшинни жангга марказдан олиб кирди. Қубача катта талафот кўрди ва оқибат қуршовга тушиб қолди. Жон-жаҳди билан ҳаракат қилиб қуршовдан базўр чиқиб, қочишдан ўзга чораси қолмади. Жалолиддин уни таъқиб қилиш учун саркардаларидан Ўзбек Тоисийни 7 минг кишига бош қилиб орқасидан жўнатди. Ўзбек Тоисий қўмондонлигидаги лашкар Қубачани Синд дарёсидаги оролда жойлашган қароргоҳигача қувиб боради. Натижада Ўзбек Тоисий Қубачанинг қароргоҳи ва ороллардаги Бхаккар, Акар қалъаларини эгаллайди. Қубача бу ердан ҳам қочишга муваффақ бўлади ва ўзига қарашли мулкларидан яна шошилишч кўшин тузишга киришади. Жалолиддин Қубачанинг кучлари заифлашиб қолганлигидан фойдаланиб, унга қарашли Парасравар қалъаси ва Колор шаҳрини олди. Ундан яна Мўлтон тарафга юрди. Бундан хабар топган Чингизхон Мўлтон тарафга кўшин жўнатди. Натижада Жалолиддин Учча шаҳрига бурилиб, ҳарбий ҳаракатларини давом қилдирди. Учча шаҳри аҳолиси Султонга тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатди. Жалолиддин шаҳарга ўт қўйишга буйруқ берди. Бу ердан Садусон шаҳрига йўл олди. Шаҳарда Қубачанинг ноиб Фохриддин ас-Салорий ҳокимлик қиларди. Шаҳар ва унинг атроф мулкларини Қубача томонидан қўйилган волий ас-Салорий бошқарарди. Ҳарбий бошлиқ эса келиб чиқиши қорахитойлардан бўлган амир Лочин эди. Улар ўртасида Жалолиддинга муносабат масаласида қарама-қаршилик келиб чиқди. Ас-Салорий Жалолиддиннинг ҳарбий салоҳиятини яхши билар, аммо қўмондон Лочин эса Султон билан асло иттифоқдош бўлишни истамас эди. Хоразмшоҳ ануштегинлар билан қорахитойликлар XII асрдан бери азалий душманлашиб келарди. Қорахитойларга асосий зарбаларни Хоразмшоҳ Эл-Арслон, Такаш ва Муҳаммад Хоразмшоҳ, яъни Жалолиддин Мангубердининг боболари, сўнги ҳал қилувчи зарбани эса Султоннинг отаси берган эди, шу боис амир Лочин ота-боболари қасосини Жалолиддиндан айнан Садусан шаҳри остоналаридаги жангда олмоқчи бўлди. Жанг олдидан Султон ўз кўшини хировулига амир Урхонни қўмондон қилиб тайинлади. Шиддатли жангда амир Лочин ҳалок бўлади. Унинг кўшини тум-тарақай қочади. Бундан хабардор бўлган шаҳар волийси Фохриддин ас-Салорий ан-Насавийнинг маълумотига қараганда ўлимни бўйнига олиб, „елкасига қилич ва кафанни қўйиб“ Жалолиддин қароргоҳига илтижо қилиб кириб келади. У Лочинни қаршилик қилмасликка ундагани, аммо амир унга қулоқ солмай, жангталаб бўлганини гувоҳлар ҳузурида исботлаб бергач, Султон қалъага уни ҳукмдор қилиб тайинлайди. Садусан унинг ҳукмига бўйсунгач, Жалолиддин Хатисар, Девал ва Дамрил томон юришни давом қилдиради. Бу ерларнинг ҳукмдори рожипутлар сулоласидан бўлиб, Сумронларнинг ўн биринчи вакили Малик Синониддин Хатисар эди. Жалолиддин Девал ва Дамрил оралиғида ўзига доимий қароргоҳ, шунингдек, Дамрилда Жоме масжиди қурдиради.

Жалолиддин Ҳиндистоннинг ўзи забт этган юқорида қайд этилган вилоят, шаҳар ва қалъаларга ишончли вакилларида ноиб ва ҳокимлар тайинлаб, солиқларни тартибга солади, ўғри ва йўлтўсар, халққа бебошлик, зулм қилувчи амалдорларни қатъий жазолайди, товар-пул, бозор муносабатларини изга тушириш учун ўз қароргоҳи ҳузурида зарбхоналар очиб, ўз номидан мис ва тилла танга пулларни муомалага



чиқаради. Бозорларда маҳсулотлар сифатини, озодалиги, аҳолининг маънавий -ахлоқий хулқ-атворларини назорат қилувчи мухтасиблар тайинлайди. Аммо бу хайрли ишлар Шамсуддин Элутмиш ва унинг иттифоқчиларининг Жалолиддин Мангубердига қарши кучларни бирлаштириб, урушга тортиши сабабидан охирига етмасдан қолди. Аммо шу қисқа муддатда ҳам Султон анча халқчил тадбирларни амалга оширишга улгуради.

## СУЛТОН ХОРАЗМШОҲГА ҚАРШИ ИТТИФОҚ

XIII асрнинг 20-йилларида Ҳиндистонда ягона марказлашган давлат йўқ эди. Бу ҳудудларда ўндан ортиқ давлат мавжуд бўлиб, улар бир-бирлари билан тинч-тотув яшамас, улар ўртасида ҳудуд ва бойлик талашиб ўзаро низолар ва урушлар бўлиб турарди. Ана шу давлатлар орасида анча қудратлиси Шамсуддин Элутмиш ҳукмронлик қилаётган давлат эди. Шамсуддин Элутмиш ўзининг атрофидаги давлатларга нисбатан куч-қудрати таъсиридан фойдаланиб, уларга ўз элчиларини жўнатиб, низоларга барҳам бериб, ўзаро иттифоқликда, қандай бўлмасин Жалолиддин Хоразмшоҳни Ҳиндистондан қувиб чиқариш, агар бунга қаршилиқ қиладиган бўлса, батамом қуршаб олиб қириб ташлаш учун биргалашиб ҳаракат қилишга чақирди. Ташқи душман сифатида кутиб олинган Жалолиддинга қарши у ҳали ўзини ўнглаб олар-олмас Шамсуддин Элутмиш бошчилигидаги бирлашган кучлар юриш бошлади. Жалолиддинга қарши 30 минг отлиқ суворий, 100 минг пиёда ва 300 та жанговар фил жангга отланди. Бу жуда хавfli ва катта куч эди. Жалолиддин Мангуберди улардаги отлиқ ва жанговар филларнинг хавfli куч эканлигини ҳисобга олиб, саркардаси Хосхонни қўшин билан таъминлаб, Гужарот бозорларига жўнатди. У ерларда туялар кўп сотилишини эшитиб, Шамсуддин Элутмишнинг катта жангга тайёргарлик кўраётганлигидан ҳам хабар топган эди. Султон Жалолиддин отлиқ ва филларга қарши курашда туяларнинг яхши иш беришини ҳам билган. Агар туяларнинг устига сомон, хашак ортиб, нефть қуйиб ёқилса, бу отлар учун ҳам, филлар учун ҳам жуда қўрқинчли бўлиб кўринарди.

Шуниси диққатга сазоворки, орадан бир ярим аср вақт ўтиб, Соҳибқирон Амир Темур 1398—1399 йилги Деҳли остонасидаги офир жангга ҳиндларнинг катта ва даҳшатли ҳужумини Жалолиддиннинг Хатисар чўлидаги жанг тактикасини, яъни айнан Султоннинг ҳарбий усулини қўлаб, ҳиндлар устидан ғолиб чиққан эди.

...Бу эса Амир Темурнинг Жалолиддин ҳарбий жанг услубини яхши эгаллаб, энг офир дамларда ўз ғалабасини таъминлаганлигини кўрсатади.

Жалолиддин Мангуберди Шамсуддин Элутмиш ва унинг иттифоқчилари қўшинлари жуда катта куч бўлишига қарамай саркарда ва лашкарларини мардонавор жангга шахсан ўзи бошлади. Жанг Хатисар яқинидаги кенг саҳрода бошланди. Жалолиддиннинг саркардаси Ўзбек Тоисий Элутмишнинг илғорига, Султоннинг ўзи эса барча қўшини билан душманнинг марказига яшиндек тезлик билан ҳужумга ўтди. Шамсуддин Элутмиш жанг бошланишиданоқ катта талафот кўриб, дарҳол сулҳ сўради ва Султон қароргоҳига элчисини жўнатди. У Султон номига битилган мактубни Жалолиддин котибига топширди. Мактубнинг мазмуни қуйидагича эди: „Махфий эмаски, сенинг ортингда диннинг душмани (Чингизхон назарда тутилмоқда) турур. Сен эса мусулмонларнинг Султонисан. Мен ўзимни сенга қарши қўймайман, тақдирнинг ёрдамчиси бўлмайман ва содир бўлаётганнинг қуроли бўлишни ҳам истамайман. Ва менингдек бир инсон сенингдек Султонга қилич кўтариши ҳам яхши иш эмас. Буни



Жалолиддин Мангуберди Чингизхоннинг марказ қўшинига ёриб кириш учун икки қўлда қилич серпаб, ғанимларга қирон келтирмоқда. 1221 йил 28 ноябрь. Нилаб жанги (Ҳиндистон).



Жалолиддин Мангуберди жанг майдони қоқ марказида арслондай наъра тортиб мўғуллар аҳволини танг қилмоқда. Буюк саркарда жангини кузатган Чингизхон „Султон Жалолиддин қуруқликда шерлар шери, сувда эса наҳанг. У буюк ишларга қодир“, дея эътироф этган эди. 1221 йил 29 ноябрь. Нилаб жанги.

фақат мудофаа юзасидан ёки эҳтиёткорлик ва ноиложлик тақозоси ила шундай қилиш мумкин. Агар сен лозим деб топсанг мен сенга қизимни берай, зеро, шу билан ўртамиздаги ишонч кучайса, меҳр туғилиб, рақобатга чек қўйилса!“ Жалолиддин бунга хайроҳлик билан қараса-да, бу мактуб рақиблари уни хотиржамликка ундаб, амалда эса Султонни йўқ қилиш фикридан заррача қайтмаётгандек гумонсиради. Бу гумонсираш бежиз эмасди. Ҳақиқатан ҳам Шамсуддин Элутмиш қуда-андаликни таклиф қилиб, қизининг баҳридан ўтиб бўлса-да, Жалолиддинни Ҳиндистондан даф қилиш фикридан заррача қайтмаган эди. Жалолиддинга садоқатини билдирар экан, зимдан унга қарши қиличларини қайрашни давом эттирмоқда эди. Унинг аниқ режалари Шимолий Ҳиндистон ҳукмдорлари томонидан иттифоқликда қатъият билан ишлаб чиқилди. Унда барча саркардалар, ҳокимлар ҳамда эл-юрт ноиблари, рожалар иштирок этишди. Ҳарбий режага кўра уч томондан Жалолиддин Мангуберди қўшинлари сиқиб борилади. Ҳиндларнинг бирлашган кучлари Султон қўшинларини Панжшир дарёси томон чекинтириб, шу ерда қуршаб олиш ёки ҳалокатли дарёга суриб ташлаб, мағлубиятга учратишдан иборат эди. Аммо Жалолиддин Мангуберди ҳам уларнинг ҳужумини кутиб ер чизиб ўтирадиган саркардалар сирасидан эмасди. Султон Жалолиддин Мангуберди шошилиш тарзда янги жанглarning тайёргарлигини кўра бошлади. Бироқ, шу пайтда яна сотқинлик рўй берди. Иккита йирик саркардаси — Йазидак Паҳлавон ва Сунқуржиқлар ўзлари ихтиёридаги лашкар билан Элутмиш тарафга ўтиб кетдилар. Уларнинг бу сотқинлиги Жалолиддин Мангуберди ва унинг қўшини жанговарлик ҳолатига қаттиқ салбий таъсир қилди. Шунга қадар бутун қўшин Шамсуддин Элутмиш ва унинг Шимолий Ҳиндистондаги иттифоқчилари бирлашган қўшинларини тор-мор этишга ҳар томонлама шай ҳолга келган эдилар. Натижада рўй берган аҳволдан қутулиш учун Султон Жалолиддин Мангуберди қароргоҳида ҳарбий Кенгаш чақирди. Нима қилмоқ керак? Ҳиндистонда ҳозирги ҳолатда қолиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Агар қолинадиган бўлса, қайси ҳудудларга чекиниб, қўшин тўплаш мумкин? Айрим саркардалар ҳар қандай шароитда Ҳинд юртида туриб қолиш ва мудофаа жангларига асосий эътиборни қаратиш лозим десалар, Султонга укаси Пиршоҳдан келиб қўшилган саркарда ва лашкарбошилар эса Жалолиддинни Пиршоҳ эгаллаб турган Ироқ ва Форснинг бир қисмини ундан тортиб олиб, ўша ерда куч йиғиб, рақибларни бирин-кетин мағлуб этишни, сўнгра асосий зарбани яна муғулларга бериш энг мақсадга мувофиқ йўл дедилар. Ҳарбий Кенгаш кейингисини қабул қилди. Бу қарор бўйича қўшин узоқ ва машаққатга тўлиб-тошган, шунингдек, тинкани қуритувчи йўлни босиб ўтиши лозим эди. Натижада Жалолиддин Мангуберди барча қўшин ва Ўрдугоҳига шошилиш сафарга отланиш тўғрисида фармон берди.

## УЗОҚ САФАР, ИРОҚҚА ЕТИБ ОЛМОҚ ЛОЗИМ

Жалолиддин Мангуберди Ҳиндистонни тарк этиш арафасида саркардаларидан бири Жаҳон Паҳлавонни ўз ўрнига Ҳиндистонда қолдирди. У бу ерда Султоннинг ноиб ҳисобланарди. Жаҳон Паҳлавон Ҳиндистонда ўзи ноиблик қилувчи ҳудудларни тиштирноғи билан охириги имконияти қолгунча 1230 йилгача қўлида сақлаб турди. Шамсуддин Элутмиш ва унинг иттифоқчилари ҳужумларини бир неча бор қайтарди. Оқибат, ҳеч иложи қолмагачгина Ҳиндистонни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Жалолиддин Мангуберди Ироқ сари йўл олар экан, улар етти ухлаб тушига кирмаган ҳад-худудсиз саҳро ичкарасига кириб борарди. Бу саҳродан қуш учса қаноти,

одам юрса оёғи куяр, ҳатто қумга тухум кўмилса, ўн-ўн беш дақиқада бемалол пишадиган ҳолатда чўл олов оташини сочарди. Муаррих ан-Насавий Султон Жалолиддин Мангубердининг қўшини қандай оғир азобда чўлни босиб ўтиб, Қирмонга етиб келишини шундай тасвирлаган эди: „Жалолиддин ва унинг сафдошлари Ҳиндистон билан Қирмон оралиғидаги чўзилиб ётган ҳадсиз саҳрони босиб ўтгунча адоқсиз азоб-уқубатларни бошдан кечирдилар. Бунинг натижасида улар бошқа ғам-ташвишларни унутдилар. Уларни бу ерларга ўлим гирдоби бошлаб келди. Улар бу саҳрода овқат ҳақида гапириш нари турсин, томоқларини хўллаш учун бир томчи сувга зор бўдилар. Одам мум каби эриб ётган қайноқ ҳаводан нафас олар экан, иситма ўпкани ишдан чиқарар, бу эса уни ўлим сари етакларди. Ниҳоят катта талафотлар кўриб, бу ўлим саҳросидан қутулган Жалолиддин Қирмонга бор-йўғи фақат тўрт минг лашкар билан етиб келди. Бу лашкарларнинг аксарияти ўзи юролмас, шу боис сигир ва эшакларни миниб олишга мажбур бўлган эдилар“.

Қирмонда бу пайтда Бароқ Ҳожиб ноиб эди. У Жалолиддин Мангубердининг укаси Гиёсиддин Пиршоҳнинг тобелигида ушбу ҳудудларни идора қиларди. Бароқ Ҳожибнинг асли келиб чиқиши қорахитойлардан бўлиб, уларнинг ҳукмдорлари саройида ҳожиблик олий мансабида аждоглари хизмат қилиб келганлар. Қорахитойлар ҳукмдори Гўрхон Бароқ Ҳожибни Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон ҳузурига элчи қилиб жўнатганида Хоразм ҳукмдорига унинг дипломатик устомонлиги ёқиб қолиб, Бароқни унинг ўз юртига қайтиб кетишига рухсат бермай, уни ўз лавозимида қолдириб, сўнгра Қирмонда эндигина ноиблик фаолиятини бошлаган ўғли Гиёсиддин Пиршоҳ ҳузурига жўнатди. Сал ўтмай Пиршоҳни Муҳаммад Султон Хоразмшоҳ Ироқ ва Форс мулкининг ноиби қилиб тайинлагач, Гиёсиддин Пиршоҳ Бароқ Ҳожибни Қирмонда ўз ўрнига ноиб қилиб тайинлади. Шундан буён Бароқ Ҳожиб Гиёсиддин Пиршоҳга тобе сифатида Қирмонни бошқариб келарди.

Бароқ Ҳожиб хоразмшоҳлардан қанчалик ҳурмат-иззат кўрса ҳам унинг қалбида хоразмшоҳларга нисбатан садоқат туйғуси мустаҳкам илдиз отмаган бўлиб, иккиюзламачилик сиёсатини юргизар, аслида бу сулоланинг йўқ бўлишини астойдил истар эди. Аммо буни Бароқ асло юзага чиқаришга шошилмас, пайт пойлар эди. Ироққа Тўлан Черби бошчилигида мўғуллар лашкари яқинлашиб, Пиршоҳни таъқиб қилишга киришаётган бир пайтда, у ўз ҳаёти ва мол-мулкани сақлаб қолиш учун Жалолиддин Мангуберди ҳузурига кетишни ҳам режалаштираётган эди. Бироқ, Султоннинг Ироққа келаётганлигидан хабар топгач, у билан яқин муносабат ўрнатиш йўллари қидирди. Жалолиддиннинг лашкари мутлақ ҳолдан тойиб, оч-наҳор ҳолда келганини билгач, пайт пойлаб фурсат кутади.

Жалолиддин тўғри Жувошир қалъасига кириб келади. Жалолиддин Жувошир қалъасини ўзига вақтинча пойтахт қилиб, шу ерда куч тўплаш чораларини кўради. Ана шундан бошлаб, Бароқ Жалолиддиндан қутулиш йўллари астойдил излай бошлади. Султон Жалолиддин унинг қора ниятларидан воқиф бўлгач, ўртасидаги зиддиятларни юмшатиш учун Султон Бароқнинг қизига уйланиш нияти борлигини билдиради. Бароқ рози бўлади. Жалолиддин тўйга Бароқнинг душмани Жувошир ҳокими Абул Қосимни ҳам таклиф қилади. Аммо Жалолиддин саркардаларидан бири Урхон Бароқ қизини бергани билан у ғоят ҳокимиятпараст шахс бўлганлиги учун хоҳлаган пайтда Султонга хиёнат қилиши мумкинлигини айтиб, Бароқни сиёсат майдонидан олиб ташлаш лозимлигини маслаҳат берди. Жалолиддин Урхон маслаҳатини маъқуллаб, уни йўдан олиб ташлаш ҳаракати бошланай деб турганда Жалолиддин вазири Шарафулмулк

Султонни бу ниятидан қайтариш учун анча куч сарфлади. Агар у йўқ қилинса, Эрону Ироқ ва Озарбайжон ҳоким ва ҳукмдорлари сизга ишонмай қўяди, бу эса бизнинг бундан кейинги ишларимиз муваффақиятли кечишига тўсиқ бўлади қабалида фикр бериб, Жалолиддин қарорини ўзгартиришга эришади.

Натижада Султон Жалолиддин ўз қарорини ўзгартириб Форс томон юриш бошлайди. Форс пойтахти Шерозга кириб келади. Форс ҳукмдори отабек Саъд эди. У Жалолиддинни қурол билан эмас, нон-туз ва қимматбаҳо совға-саломлар билан кутиб олади. Озиқ-овқат захираларидан ташқари Султонга 500 арғумоқ ҳадя қилади. Вазир Шамсулмулк отабек Саъд саройига ҳам элчи, ҳам совчи бўлиб келади. Отабек Саъд Хоразмшоҳ Жалолиддинга қизини беришга рози бўлди. У Султонни қўлидан келган барча воситалар билан ҳимоя қилишга тайёрлигини билдиради. Жалолиддин Форсда ўз ҳукмронлигини эътироф эттиргач, Эроннинг энг йирик шаҳарларидан бири — Исфаҳон шаҳрига қараб юрди. Султонни Исфаҳон аҳолиси ўз халоскори сифатида шодиёналик билан кутиб олди. Шаҳар қозиси Рукниддин ва шаҳар кадхудолари Жалолиддинга пешвоз чиқдилар. Исфаҳон аҳолиси — бою камбағал бутун мол-мулки, бойлиги билан Султоннинг лашқарини таъминлашни зиммасига олдилар. Натижада Жалолиддин қўшини Исфаҳонга келгач, жанговарлиги ошди. Унинг лашқари сафини аҳолининг кўпчилиги кўнгилли бўлиб тўлдириш истагини билдирди. Бунда Исфаҳон қозиси Рукниддин Масъуд ибн Саиднинг хизматлари ҳам катта бўлди. У Жалолиддин Мангубердини мўғулларга қарши кураша оладиган Султон, Шарқу Фарб оламида тенгсиз лашкарбоши эканлигини яққол кўра олган ақлли қози эди.

Исфаҳон аҳолининг қўллаб-қувватловидан ташвишга тушган Султон Жалолиддиннинг укаси Гиёсиддин Пиршоҳ аканинг куч-қувватга тўлиб бораётганлигидан қалбида Жалолиддинга нисбатан ҳасад олови алангаланди. Пиршоҳ акага қарши ўттиз минг қўшинни жангга ҳозирлади. Ўз жигарига ёмонликни раво кўрган Пиршоҳга ўз ноиблари, яқинлари ҳам ишончсизлик билдириб, ё пинҳон, ё ошқора уни қўллашдан юз ўгира бошлади. Агар ўз ихтиёридаги куч ва имкониятлар билан охирига қадар Жалолиддин қаноти остида бўлиб, умумий душманга қарши ягона бир мушт бўлиб курашганида борми, ҳар икки ака-ука тақдири ҳалокат томонга эмас, балки хоразмшоҳ ануштегинлар сулоласи вакиллари сифатида ушбу сулоланинг авлодларига миллий давлатчилигимиз байроғини кўтариш ва давом эттириш имкониятини берган бўлур эди. Йўқ, Пиршоҳ узоқни кўрадиган шахзода, сиёсатчи ва буюк лашкарбоши мақомига кўтарила олмади. Аксинча, улуф Султон ва буюк сарқарда акаси Жалолиддиннинг Ватан озодлиги йўлидаги бемисл курашларига катта тўғаноқ бўлди. Асосий зарбани қаттол ва ёвуз душман мўғулларга қарши беришга чоғланган дамларда, у акаси Жалолиддин Мангуберди оёғига темир тикан бўлиб санчилаверди. Пиршоҳнинг сўқир кўзлари ўлим унинг бошида гир айлана бошлаган дамларда ҳам очилмади. Жалолиддин укасини ғаразли ниятдан қайтариш учун амир Ўдоқни унинг қароргоҳига жўнатди. У Пиршоҳга акаси Жалолиддиннинг қуйидаги номасини топширди: „Укагинам Пиршоҳ! Сен падари бузрукворимиз вафотларидан кейин менинг бошимга тушган ҳодисаларнинг қанчалик даҳшатлилигини билмайсан. Мен бошимдан кечирган азоб ва кулфатлар шунчалар фожиалики, уни инсон тугул тоғ елкасига қўйилса, улар ҳам буни кўтаришдан ожиз қоладилар. Мен сенинг мулкиннга уни олиш учун келмадим. Чарчаб, ҳолдан тойгач, куч йиғай деб келдим. Ҳолбуки, ўз жигарим паноҳидан ҳам ишончлироқ жойни қаердан топай? Лекин не илож қилайки, меҳмон бўлиб келган ака учун ҳам уканинг қиличлари қайралганлигини кўрдим. Бу ердан ҳам паноҳ топмадим, майли сенинг мулкингда турмай

чиқиб кетаман.“ Кўринадики, Жалолиддин ака-ука билан тиф яланғочлаб, ўзаро қон тўкишни асло истамаётган эди. Аммо укаси — жигарбандининг бу қора фикрли мақсадларини ака сифатида ҳазм қилолмади. Султон Жалолиддин унинг билан муросамадора йўлларини қидирар экан, унинг инсофга келишидан умидини асло узмади. Ҳеч бўлмаса қон тўкмай, дипломатик ва тактик усуллар билан уни қуролсизлантириш йўлларини ахтарди. Охиригача укасининг душманлигидан кўз юмиб, бағрикенглик қилишда давом этди. Ҳатто Пиршоҳнинг онаси турган Сулукан қалъасига шамол тезлигида етиб келган Жалолиддин ўғай онасига укаси ҳақида қуйидагиларни билдирди: „Отамнинг ўғиллари орасида ундан бошқа ҳеч кимим қолмади, шунинг учун у нимага интилаётган ва нимани хоҳлаётган бўлса, ҳаммасини муҳайё қилиб бераман. Ҳақиқатан укам Пиршоҳ бугунги кунда мен учун кўзимнинг қорачиғи, ҳатто ундан азизроқ, белимнинг қувватиدير“.

Жалолиддиннинг ушбу сўзларида ишонч ва самимият барқ уриб турганлигини кўрган Пиршоҳнинг онаси ўғлини акасига қарши қилич кўтармай унинг хизматида бўлишга кўндирди. Лекин бунга Пиршоҳ ноиложликдан кўнишга мажбур бўлди. Ўзини акасининг ноиби дея истар-истамай эътироф этди. Чунки кўрдикки, Пиршоҳнинг амир ва лашкарбошилари Султон Жалолиддин хизматида ихтиёрий тарзда ўтаётган эдилар. Султоннинг бағрикенглиги, айниқса, мардлигини эътироф қилиб, саркарда ва амирлар унинг хизматида туришни афзал билдилар. Жалолиддин Кирмон ва Ироқ ҳоким ва раисларию лашкарбошиларнинг уни қўллаб-қувватлашга бел боғлаганликларидан бу ўлкаларни бошқаришга киришар экан, адолатли фармонлар чиқарди, бошбошдоқликлар ва тартибсизликларга чек қўйишга киришди. Деҳқон, чўпон ва хунарманд ҳамда савдогарларнинг бозорларида ўз маҳсулотларини эмин-эркин сотиш ва олишларига шарт-шароитлар яратиб беришга киришди. Султон Жалолиддиннинг халқ манфаатини кўзлаб қилган бу ҳаракатлари аҳоли турли табақалари томонидан қўллаб-қувватланди. Пиршоҳ ҳукмронлиги даврида бебошликлар ва зўравонликларга чек қўйилмаган, натижада халқнинг ҳаёти оғирлашиб, кундан-кунга турмуш даражаси пасайиб борарди. Жалолиддин бу ҳудудларга келиб ҳукмронликни қўлга олгач, катта ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади.

Кирмон ва Ироқда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Жалолиддин энди Озарбайжондаги воқеаларга аралаша бошлади. Бу ҳудудда турли муаммолар йиғилиб қолган эди. Озарбайжон аҳолиси ҳукмрон сулола отабекларидан норози эдилар. Аввало халқ гуржи ва арманларнинг тез-тез тақрорланиб турадиган босқинчилик юришларидан оғир аҳволга тушиб қолган эди. Улар хоҳлаган пайтда шаҳар ва қишлоқларга босиб кириб халқнинг мол-мулкани шип-шийдон қилиб, хотин-қизларни ҳам тутқун сифатида олиб кетардилар. Бу хуружларнинг бирортасини сулола вакиллари қайтара олмас, натижада халқ олдида уларнинг обрў-эътибори тушиб борарди. Натижада мўғулларга қарши курашда шон-шухрат қозонган Султон Жалолиддиннинг Озарбайжон ҳудудларига яқинлашиши халқнинг машҳур саркарда ҳимояси остида бўлиш истагини кучайтироқда эди. Озарбайжондаги турли табақалар вакиллари орасида Султоннинг тобелигида яшашга интилиш кучайиб борарди.

Шуларни ҳисобга олган Султон Жалолиддин Мангуберди Озарбайжонни ўз тасарруфига олиш фурсати етилди, деган қарорга келиб, юриш бошлади. Султоннинг Ироққа ва ундан кейин Озарбайжонга юриши Кичик Осиёдаги ҳукмдорларни, шунингдек, Араб халифалиги, Эрондаги айрим вилоят ва ўлка ноибларини ташвишга

солди. Ҳатто Дашти Қипчоқ ва ундан Россия князликларини босиб олишни мақсад қилиб, Европанинг бепоён шимоли-шарқий ҳудудлари бўйлаб йўл олган Чингизхон ҳам ўзининг ҳарбий-сиёсий режаларидан воз кечишга мажбур бўлди. Энди Чингизхоннинг юрагига қайтадан гулгула туша бошлади.

1223 йилда Чингизхоннинг асосий қўшинлари Дашти Қипчоқ ерларини эгаллаб, Россия чегараларига чиқди. Бу пайтда Русь ерларида ўндан ортиқ князликлар ҳукм суриб, феодал тарқоқлик давом этарди. Дашти қипчоқликлар мўғуллар ҳужумларини қайтара олмай Русь ерларига чекинар экан, Русь князликларига ёрдам сўраб мурожаат қилди. „Агар ёрдам бермасангизлар, мўғуллар биздан кейин ҳужумни сизларга қаратади, сўнгра кеч бўлади“ тарзида рус князликларини огоҳлантирди. Русь князликлари Дашти Қипчоқ ҳукмдорлари ва саркардаларининг бу илтимосларини қондириб, Русь ва Дашти Қипчоқ бирлашган қўшини Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар ҳужумини Калька дарёси бўйида тўхтатишга қарор қилдилар. Шу тарзда Калька дарёси бўйида иккала томон кучлари 1223 йилнинг 31 майида шиддатли жанг бошладилар. Дарё бўйидаги жанг Чингизхоннинг катта ғалабаси билан тугади. Энди Россия князликлари ҳудудлари сари Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар лашкарига йўл тамомила очилган эди. Бироқ, Чингизхонга Калька дарёси бўйидаги ғалаба нашидасини суриш насиб қилмади. Жалолоддиннинг Ҳиндистондан кутилмаганда Эрон, Ироқ ҳудудларида пайдо бўлиши Русь ерларининг мўғуллар томонидан босиб олинишини яна ўн йиллар кечиктириб юборишини таъминлади. Россия тарихида бу воқеа асл сабаблари „оқ доғ“ сифатида қолдирилди. Ҳолбуки, Чингизхонга Калька дарёси бўйидаги ғалаба жуда қимматга тушган эди. Бундан ташқари, Чингизхон бирор давлат қўшини устидан порлоқ ғалабага эришиб ҳеч қачон орқага қайтмаган. Жаҳонга ҳукмрон бўлиш орзуси уни Европа сари от суришга ундаган эди. Русь тарихида Чингизхон Дашти Қипчоқ ва Русь князлари устидан ғалаба қилди ва сўнгра орқасига қайтиб кетди дея баён этилади, холос. Аммо Россияни Чингизхоннинг хароб қилувчи босқинларидан сақлаб қолган халоскор Жалолоддин эканлигини эътироф этишдек — тарихий ҳақиқат русия манбаларида сирлигича қолдирилди. Улар шу буюк хизматлари учун Жалолоддин Мангубердига шон-шараф айтишдан тийилдилар. Бу сир мустақилликни қўлга киритгунча очилмади. Жалолодин Мангубердининг зафар байроғи қайтадан унинг нақ орқа ҳудудида ҳилпирай бошлаганлигини эшитган Чингизхон Шарқда эришган ғалабаларини хавф остида қолдириб, қандай қилиб Европа давлатлари устига юриш қилсин? Шу боис Чингизхон Русда эришган ғалабаларидан, яъни тайёр ўлжадан воз кечди. Русни Чингизхоннинг мутлақ босқинидан Жалолоддин Мангубердининг ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборганлиги, шунингдек, бу ҳаракати билан мўғуллардан ҳам ислом олами дунёси мамлакатларини, ҳам Россияни ҳимоя қилиб қолганлигини таъкидлаш, буюк саркарданинг ушбу хизматлари олдида ҳам Шарқ, ҳам Ғарб дунёси маънавий-сиёсий қарздор эканлигини мардона эътироф этишдан тийилдилар. Агар Русия шарқшунос тарихчилари тарихчилик бурчини тарих ҳақиқати олдида виждонан ва ҳалол бажарганларида эди, Жалолоддинни чорак аср мобайнида мўғуллар ҳужумидан асраб қолган „Русия халоскори“ дея холис баҳо берган бўлур эдилар. Афсус, бундай эътироф анқонинг уруғига айланди. Ҳолбуки, Султон Жалолоддиннинг бу хизматлари Шарқ учун ҳам, Шарқий Европа учун ҳам бирдек муҳим тарихий аҳамиятга молик буюк воқеа эди. Мустақиллик бу тарихий ҳақиқатни барала айтиш ва тиклаш имконини бердики, биз муаррихлар буюк аждодларимизнинг жаҳон тарихига даҳдор кураш солномасини бор бўйи билан истиқлол ғоясига ҳамоҳанг ёритишга бурчлимиз. Шоир айтгандай:

Кўрай десанг ҳақиқатни ҳақ,  
Тарихингга, ўзлигингга боқ.  
Тарих сени алдамас асло,  
Ҳақиқатнинг онаси тарих.  
Тарих билан боғлиқ у дунё.  
Тарих билан боғлиқ бу дунё,  
Дунё дунё бўлмас тарих бўлмаса,  
Тарихга муносиб таъриф бўлмаса.  
Келажак тарихсиз бўлмайди бино,  
Тарих билан боғлиқ муҳташам дунё.

## ЭРОН ВА ОЗАРБАЙЖОН УЧУН ОЛИБ БОРИЛГАН ЖАНГУ ЖАДАЛЛАР

Жалолоддин Мангуберди озар халқини гуржиларнинг ҳужумларидан холос қилиш ва бу ердаги ҳукмрон сулола отабекларининг мамлакатни бошқаришдаги адолатсизликларига чек қўйишга аҳд қилди. Шу пайтда Гиёсиддин Пиршоҳнинг отабеги ва тоғаси Ифрон Тоисий 50 минглик лашкар билан Ҳамадон тарафга қараб юрди. Бу ҳудуд аҳолиси ҳам Жалолоддинни Исфаҳон шаҳри аҳолисидек кутиб олишга тайёргини билдирган эди. Жалолоддин 1224 йилда бошлаган юришини бир оз кечиктириб бўлса-да, Ифрон Тоисийни тор-мор этишга жазм қилди. Араб халифаси ан-Носир энди Султон Жалолоддинни Пиршоҳнинг тоғаси қўли билан йўқ қилишни айни муддао деб билди. Ан-Носир Ифрон Тоисийни қўллаш билан Султон Жалолоддинга ошкора душманлик жабҳасида эканлигини ҳам ошкор қилди. Энди Жалолоддин олдида янада оғир муаммоларни ҳал қилиш вазифаси турарди. Бир томонда халифалик, бир томонда Кичик Осиё ҳукмдорлари, орқа тарафда кучли мўғуллар, унинг нақ биқинида укаси Пиршоҳ ва Жалолоддин ҳолати ва аҳволини қадамма-қадам кузатиб турган иккиюзламачи сотқин ҳокимлар, ноиблар, вазиятга қараб ўзгариб турувчи саркардалар. Буларнинг ҳар бири ҳарбий-сиёсий куч, адоғсиз ғанимлар бўлиб, улар ҳар қандай буюк шахснинг давлат арбоби, гарчи иродаси темирдан қаттиқ бўлса-да, шундай улуғ инсоннинг тинка-мадорини қуритишга ҳам қодир эдилар, бу ғанимлар. Шундай бўлса-да, Султон Жалолоддин бу қашқир ва бўрисифат ва жоҳиллашган, шунингдек, қуроли тиф, заҳар, сотқинлик, тузга туплаган, мардликка мардлик билан жавоб беролмайдиганлар қуршовида шердек наъра тортиб, ўн бир йил буюк қаршилик майдонида қилич серпади. Ҳақиқат ва озодлик учун борлигини сарфлашда давом этди. Эрк деганларни ўз сафига тортди. Ор ва номус жанг майдонига бошлайверди. Уни буюкликка бошлаб бораётган мақсад ҳам айнан шу эди. У айнан буюк бўламан деган эгоистик фикрдан йироқ эди. Султон Жалолоддин ёвузлик, жабр-зулмга, қулликка асосланган тузумга қарши муқаддас уруш эълон қилди. Энг олий қадрият — инсон озодлиги, эрки йўлида курашчи ва йўлбошчига айланди. Ватанни мустақил кўришни истади, фақат истадигина эмас, борлигини унга бахшида этди.

Жалолоддин Озарбайжонга бораётган йўлини бирдан ўзгартириб, кутилмаганда Ҳамадон сари йўналди. Ан-Носирнинг қутқусига учган Ифрон Тоисий Султоннинг бу тактик ҳаракатидан беҳабар қолди. Бу пайтда Тоисий бошчилигидаги лашкарлару саркардалар Озарбайжон ва Аррондан талон-тарож эвазига халқдан тортиб олинган ўлжа бойликларни бўлиб олиш билан овора эдилар. Худди шу тунда Ифрон Тоисийнинг



Ўрдугоҳига Жалолиддин томонидан тўсатдан ҳужум уюштирилди. Ифтон Тоисийнинг таслим бўлишдан ўзга чораси қолмади. У Жалолиддинга садоқат билан хизмат қилишга қасам ичди. Султон Жалолиддин араб халифаси ан-Носирнинг унга нисбатан душманлик сиёсатини кўргач, халифа билан орани очиқ қилиб олишга бел боғлади. Иккинчи тарафдан эса Кичик Осиё мамлакат ҳукмдорлари билан зиддиятлар ҳам кучайиб борди. Натижада Султон Жалолиддин ушбу ҳудудларда ҳам ҳарбий, ҳам дипломатия соҳасида чигал тугунларга дуч келди. Кундан-кун адоғи кўринмаган, калаванинг учи топилмайдиган ҳодисалар гирдоби сари кириб борди. Бу воқеаларнинг чек-чегараси ҳам йўқ эди. Қайси томонга юзланса, шу тарафда ғаним, олдинда ҳам фақат жанг, орқада ҳам жангталаб ғаним кучлар, Султон Жалолиддин ҳолати худди шу кезларда катта бўғма илон исканжасига тушиб қолган ўлжа аҳволдан унчалик фарқ қилмасди. Султон Жалолиддинга қарши турган ўнлаб давлатлар ҳукмдорлари Хоразмшохгина мўғуллар ҳужумини тўхтатиб қолишга қодир ягона куч, ўзлари учун ягона халоскор эканлигини сезмай, ақл тарозисига тортмай жон-жаҳди билан уни йўқ қилишга отланмоқда эдилар. Улар узокни кўра олмайдиган ҳукмдорлар эдилар. Улар Жалолиддин мағлуб бўладиган бўлса, уларни мўғуллардан ҳимоя қиладиган, унинг ўрнини босадиган давлат арбоби ва саркарда қолмасдан улар устига чўл ғанимлари ёввойиларча ёпирилиб, уларнинг барчасини давлат ва ҳукмдорлар сифатида йўқ қилиб, бу ўлкаларни бойқушлар маконига айлантириб юборишларини заррача ўйламас эдилар. Аксинча ўзлари учун Султонни мўғуллардан кўра хавfli рақиб деб билиб, ўнглаб бўлмас ҳарбий-сиёсий хатоларга йўл қўйиб, ўзларининг ҳам, шарқ халқларининг ҳам ҳалокатига сабаб бўлиб, мўғуллар қуллик занжирининг мустаҳкам солинишини таъминлашга шарт-шароитлар яратиб бердилар. Шу билан кейинги авлодлар томонидан абадий тавқи лаънат билан тилга олинувчи юрт ҳукмдорлари номига сазовор бўлдилар.

Султон Жалолиддин уларни ақл билан иш кўриш, диндошлик, қондошлик ришталарини мустаҳкамлаш орқали умумий душманни даф этишга қанчалик чорламасин, улар бу ҳақли талабга қарши тиф кўтариб жавоб бердилар. Жалолиддинга қарши фитналарнинг адоғсиз тўрини тўқишдан дақиқа ҳам тўхтамадилар ва чарчамадилар ҳам. Шу билан бу ҳукмдорлар ўзларининг дунё сиёсатини тушунишга асло қодир ва қобил бўлмаган, узокни кўра олмаган сиёсатчи давлат ва ҳарбий арбоблар эканлигини ҳам кўрсатдилар. Уларнинг заиф сиёсатлари Жалолиддинга билдирган ишончсизлик ва душманликларида яққол намоён бўлди. Ушбу воқеалар тизгини ҳарбий ва сиёсат майдонида қуйидагича йўналиш жабҳаларида ривожлана борди.

Миср ва Суриянинг ҳукмдори ал-Малик ал-Одил 1218 йил вафот қилгач, Кичик Осиё ва Сурия ҳамда унга тобе мулкларни бошқариш унинг учта ўғлига қолди. Улар ўртасида тожу тахт йўлида иноқлик бўлмади, аксинча, улар ўзаро зиддиятларга боришда давом этар экан, оқибат ўзаро душманлик муносабатларига етиб келишди. Мисрдаги ҳукмронлик ал-Малик ал-Комилга, Дамашқ, Қуддус ва Табария ал-Малик ал-Муаззамга, Жазира, Хилот ва Майафариқин эса ал-Малик ал-Ашрафга ўтди. Бироқ шундан кейин ҳам улар ота мулкларида биринчи ҳукмдорлик мавқеи учун курашни тўхтатишмади. Ал-Комил ва ал-Ашрафлар ўзаро тил бириктириб ал-Муаззам мулклари ҳисобланган Дамашқ, Қуддус ва Табарияни босиб олиш, сўнгра икки ака-ука ўзаро мулкларни бўлиб олмоқчи бўлишди. Худди шу муаммолар аланга олаётганда Султон Жалолиддин халифалик чегараларига яқинлашиб келди. Ака-укаларнинг уруш бошлаб мулкларини босиб олишларидан хавфга тушган ал-Муаззам Жалолиддиннинг келишидан

фойдаланиб, унинг билан яқинлашиш ва ака-укаларига қарши кучли курашда кучли иттифоқчига эга бўлишга ҳаракат қилди. Бу пайтда Жалолиддин ўз лашкарини Хузистон ва Тустар томонга йўналтирган эди. Тустар шаҳрини Султон қамал қилишга киришди, аммо шаҳар мустаҳкам бўлгани ва аҳолиси жон-жаҳди билан ҳимояга киришганлиги учун қамални тўхтатиб, тўғри халифалик пойтахти Бағдодга қараб юрди. Бир вақтда Жалолиддин халифани пойтахти томон бораётганлигидан ошкора огоҳлантирди. Халифа ан-Носир ўзининг машҳур саркардаларидан Қуштемурни 20 минг жанговар қўшин билан таъминлаб, Жалолиддиннинг йўлини тўсиш ва тор-мор этиш учун юборди. Айни вақтда эса халифа Бағдодни мудофаа қилиш учун тобе ноибликлардан ўз қўшинлари билан дарҳол етиб келишга фармон берди. Бағдод чинакам хавф остида қолди. Шунга қарамай Жалолиддин Мангуберди халифа ва унинг иттифоқчилари билан душманликни тўхтатиб, умумий душман мўғулларга қарши курашда бирлашишга қайта-қайта даъват қилиб кўрди, аммо наф чиқмади.

Жалолиддин ўртадаги келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиб, умумий душманимиз мўғулларга қарши курашда ўзаро ёрдамлашиш энг мақбул йўл эканлигини таъкидлаб, ўзининг ҳарбий ишлар бўйича девонбегиси Зиё ал-Мулк Алоуддин Муҳаммадни ан-Носир ҳузурига элчи қилиб жўнатди. Аммо ан-Носир Жалолиддиннинг элчисига ҳам, мактубига ҳам тайинли жавоб беришни эп кўрмади. Шундан кейин Султон халифанинг Қуштемур бошчилигидаги қўшинига қарши ҳужум бошлаб, унинг қўшинларини дастлабки ҳужумдаёқ тор-мор келтирди. Лашкарбоши Қуштемур Жалолиддин қиличи тифидан жангда ҳалок бўлди.

Умуман олганда, Жалолиддиннинг халифа ан-Носирдан қасос олиши лозим бўлган асосий иккита сабаби бор эди. Биринчиси, бу Жалолиддин Мангубердининг отаси Хоразмшоҳ Муҳаммад Султонга қарши Чингизхонни урушга ундаган араб халифаси, шунинг учун унинг давлати ва Султон ҳалокатида асосий айбдор деб халифани биларди. Иккинчидан эса Жалолиддин ан-Носирни ҳам мўғулларни, ҳам Кичик Осиё ҳукмдорларини биргаликдаги ҳарбий ҳаракатлар орқали йўқ қилиб ташлаш ташаббускори дея айбларди. Жалолиддин қўлида араб халифасининг мўғул ҳукмдорига йўллаган Жалолиддинни йўқ қилиш тўғрисидаги махфий мактуби ҳам сақланарди. Буни ал-Малик ал-Муаззамга йўллаган Жалолиддиннинг мактубидан ҳам билиш мумкин. Унда қуйидагилар таъкидланган эди: „Сен тайёр бўлиб тур, мен билан иттифоқ бўлганлар ҳам тайёр, биз халифага қарши юриш қиламиз, чунки мусулмонлар ҳалокатининг ҳам, отам ҳалокатининг ва кофирларнинг ислом мамлакатларига тажовузининг ҳам асосий сабабчисидир“. Ана шу давр ичида Бағдод ҳимоясига турли ўлка ва ислом мамлакатларидан катта қўшинлар етиб кела бошлади. Халифа хазинасидан Бағдодни ҳимоя қилиш учун катта маблағ ажратди. Шу аснода Кичик Осиёнинг қудратли ҳукмдорларидан айюбий ал-Малик ал-Ашраф ва Миср ҳукмдори ал-Комил билан иттифоқлашиб Жалолиддинга қарши аёвсиз уруш олиб бориш тўғрисида шартнома тузишга эришди. Кучлар нисбатини инобатга олган Жалолиддин Мангуберди бундай вазиятда Бағдодга юриш қилишдан наф йўқлиги учун бу қароридан воз кечиб, яна Озарбайжонга қараб юришни лозим топди. Озарбайжон чегарасига келиб тўхтар экан, бу ердаги вазиятни аниқлашга киришди. Жалолиддиннинг етиб келганидан хабар топган Мароға вилоят улуғлари ва аҳоли вакиллари гуржиларнинг тинимсиз ҳужумлари ҳамда Озарбайжон ҳукмдорию амалдорлари адолатсиз сиёсатларидан ўз норозилиklarини билдириб, улар устидан Султон Жалолиддинга шикоят қилдилар. Бошқарувни ўз қўлига олиб тартиб ва адолат ўрнатиб, гуржиларга зарба беришни сўрадилар. Ўз дахлсизликлари

ва осойишта ҳаётларини Султон Жалолиддин қўлида деб билдилар. Аслида отабеклар давлати таназзул ёқасига келиб, бошқарув издан чиққанлигини таъкидлаб, уни ҳокимиятни эгаллашга ундадилар. Ҳақиқатан Ўзбек отабеги давлат ишларидан четлашиб, амалда сўнгги салжуқий Султон Тугрул III нинг қизи Малика Хотун Озарбайжонда амалда ҳукмдорлик қилар, унинг амалдорлари халқдан оғир солиқлар ундириб мол-дунё тўплаш ва шунинг эвазига айш-ишратда кун ўтказиб, халқдан узоқлашиб, ҳақли тарзда аҳоли норозилигига сабаб бўлаётган эди. Марофа аҳолиси Жалолиддинга ҳокимиятни шу тариқа жангсиз топширди. Мароғаликлардан кейин Озарбайжоннинг бошқа ўлка ва вилоятлари Султон Жалолиддин тобелигига ўтганликларини маълум қилдилар. Жалолиддин Мангуберди Озарбайжон халқининг истаklarини қондириб, Марофа шахрини муваққат пойтахтига айлантириб, шу ердан ўз тобелигидаги мулкларини адолат билан бошқариш, бошбошдоқликка чек қўйиб, савдо-сотиқ, экин-тикин ишларини йўлга қўйиш учун аҳоли ўзи истаган адолатпеша вакиллардан ҳоким ва қозилар тайинлади, солиқларни тартибга келтиришга қатъий киришди. Султоннинг бу ишлари халққа манзур бўлди. Жалолиддин Марофада анча мустаҳкам ўрнашиб олгач, Кичик Осиё ва Миср, Сурия ҳукмдорлари билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйишга киришди.

1225 йил ёзида Кўния Султони Алоуддин Кайқубод I га, Жазира ҳокими ал-Малик ал-Ашрафга, Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Муаззамга ва Миср ҳокими ал-Комилга ўз мақсадлари нимадан иборатлиги, Озарбайжонга юриш сабаблари ва гуржилар бу юртда кўплаб тажовузкор ишларни амалга ошириб, босқинчилик юришларини тинимсиз олиб борганлиги, натижада мусулмонларга катта зиён-заҳмат етказганлигини ҳисобга олиб, уларнинг устига юришга тайёрланаётганликларини маълум қилди. Бундай ҳаракатларимга хайрихоҳлик билдирасизлар, дея уларга ишонч кўзи билан қараётганлигини маълум қилди. Кичик Осиё, Сурия ва Миср ҳукмдорлари ҳузурига элчи қилиб Султон Жалолиддин Хоразму Моварауннаҳр ва Хуросонда машҳур қомусий олим ҳамда ҳуқуқшунос Мужириддин Умар Ибн Саъд ал-Хоразмийни жўнатди. Айниқса, элчидан Кайқубод I номига берилган мактуб унинг шаънига мақтов ва олқишлар ёғдирилганлиги билан ажралиб турарди: „Бизнинг қалбимизда сиз билан иттифоқ тузишдек бахтга эришиш истаги ва сиз билан бирлашиш умиди шу қадар кучлики, қалам қанчалик тез рафтор бўлмасин, барибир буни қорозда битишга ожиздир. Агар шу пайтгача замона зайли ва давр тақозоси узоқ масофадаги ва жудоликдаги дўстларнинг хурсандчилиги учун керак бўлган ёзишмалар йўлини тўсиб турган бўлса, энди эса айрилиқ ва адоват пардасини кўтариш керак ва меҳр, бирлик дарвозасини очишга барча кучни сарфлаш лозим...

Бизнинг ўртамызда Оллоҳнинг марҳамати билан жиҳод ва уруш эълон қилишда тенглик ва ишларимиз, халқларимиз ва динимизда бирлик бор. Кишининг меҳр ва садоқатига муносиб одам бу унга тили ва дини мос бўлганидир! Сизнинг мағриб подшоҳлари орасидаги Олий мавқеингиз — у янада юқори бўлаверсин! Ислом сарҳадлари мудофаасининг маркази ҳамда инсонларни жаҳолат ва гийбатдан тозалаш воситасидир. Машриқ мамлакатларида эса биз ўз қудратимиз билан кофирларнинг фитна ўтларини ўчириб турибмиз. Агар биз халқларимиз шунчалик яқин бўлган бу аҳволда дўстлик йўлларини очмасак, бирлик кўчасидан бормасак, ўз манфаатларимизни биргаликда ҳимоя этмасак, у ҳолда бизга ким дўст бўлади? Биз ўзимизга қандай жойлардан сув ва озуқа топамиз?

Ушбу мактуб Оллоҳнинг марҳамати ва илтифоти билан битилиб, биз унинг доимий бахт ва саодатда бўлишини истайдиган Олий даргоҳ (622 йил жумодул соний ойининг

охири, милодий 1225 йил июли) да ҳозир бизнинг зафар ва ғалаба байроқларимиз билан безалган Марофа шаҳридан юборилди. Биз сизнинг ҳузурингизга садри муаззами олам, мужтаҳиди қавомул мулк мужуруддавад-дин Тоҳир шараф ал-Ислом вал муслимин, ифтихори Хоразм ва Хуросон ноибларининг энг олийси ва қозийи қуззосини (бу эса бизнинг давлатимиздаги энг кўҳна мансабдир) юбордик, зеро, у дўстлик йўлини очсин ва адоват чангини қалб ойнасида тозаласин, унинг тили бизнинг юқори даражадаги самимийлигимизни етказди, мавжуд адоват чодирини кўтаради ва дўстлик ҳамда бирлик дарвозасини очди!“ Кўния Султони Алоуддин Кайқубод I Жалолиддин элчисини иззат-ҳурмат билан қабул қилди. Ўзаро дустлик ва қардошлик муносабатлари иккала мамлакат ҳукмдорлари ва халқи учун фоят манфаатли эканлигини қайд этар экан, бундай муносабатлар бошланишидан мамнунлигини билдирган.

Жалолиддин Дамашқ ва Эрбилнинг ҳокимларига ҳам шундай мазмундаги мактублари билан мурожаат қилди. Улардан ҳам ижобий жавоблар келди. Ҳатто Жалолиддинга тобе бўлиш истагини билдириб, Султон Жалолиддин номини Хутба намозига қўшиб ўқитди ва номидан тангалар чиқардилар.

## **ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ЭРОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ҲУКМДОРИ**

1225 йил 25 июлда Жалолиддин Табризга ҳужум бошлади ва уни эгаллади. Табриз шаҳар раиси Низомиддин ат-Тугроий етти кунлик жангдан кейин шаҳар дарвозаларини очиб, Султоннинг шартларига рози эканлигини билдирди. Табриз ҳокими Ўзбек отабеги Ганжа шаҳрига қочди. Унинг хотини Малика Хотун эса эри билан кетишни истамай Жалолиддинга пешвоз чиқди ва Жалолиддиндан омонлик сўради. Малика Хотун илтимослари қондирилиб, у ўз амалдорлари, хизматкорлари билан Ҳўй шаҳрига кетишга рухсат сўради. Султон Жалолиддин Ҳўй шаҳрини унинг ҳукмига топширди. Ва Султон Жалолиддин ноиби сифатида фаолият юритадиган бўлди.

Табриз ўз даврининг йирик шаҳарларидан ҳисобланганлиги учун Султон Жалолиддин Озарбайжон ва Ғарбий Эрондаги тобе мулкларини бошқариш учун ушбу шаҳарни ўзига пойтахт қилишни мўлжаллади. Аҳоли билан муносабатда одилликни асосий қуролига айлантди. Барча гуруҳ ва табақалар манфаатини ҳимоя қилувчи фармонлар чиқарди. Шаҳар ва вилоят аҳолисининг ҳар қандай шикоят ва илтимосларини адолатпешалик билан ҳал этишга киришди. Шикоятлар бўйича уларни қабул қилиш кунлари аниқ белгиланди. Султон шаҳар майдонига аҳолини йиғиб, шундай мурожаат қилди: „Мен Марофада қандай хайру саховатлар қилганимни ва қандай бинолар барпо қилганимни сиз кўрдингиз. Энди сиз менинг бу ерда қандай одиллик билан ҳокимиятни идора қилишим ва ободонлаштириш ишларимнинг гувоҳи бўласизлар“.

Жалолиддин халққа берган ваъдасини бажаришни ҳақиқатгўй уламо инсон раис Низомиддин ат-Тугроийни ҳокимликка тайинлашдан бошлади. Унга аҳолининг шикоят ва арзларини пайсалга солмай, бирон-бир норози бўлишга ўрин қолдирмай ўз вақтида ҳал этишни топширди. Бозорларда тош-тарози, солиқ тўловлари устидан назорат тартибга солинди. Ўғри ва талончиларга қаттиқ жазо тайинланиб, уларни топиш учун миршаблар гуруҳлари куну тун жанговар ва огоҳлик жабҳасида ҳушёр турадиган бўлди. Шу тариқа қисқа бир вақт ичида халқнинг осойишта ҳаётини таъминлайдиган тадбирлар амалга оширилди. Ушбу ишларни давом қилдиришни вазири Шамсулмулк ва шаҳар

ҳокими Низомиддин ат-Турғроий зиммасига юклаб Жалолиддин гуржилар билан боғлиқ чигал муаммоларни ҳал қилишга жиддий киришди. Негаки, асосий шикоятлар гуржиларнинг Озарбайжон халқига ўтказган жабр-зулми, зўравонлик ва талончилиги устидан тушган эди. Ўзбек отабеги ўз ҳукмдорлиги даврида гуржиларнинг ўнлаб марта қилган ҳужумларидан бирортасини тўхтата олмаган, аксинча, бўшаган хазинасини таланган халқ ҳисобига тўлдириш ва уни ўз маишати, айш-ишратига сарфлашдан қўли бўшамаган эди. Султон Жалолиддин қарийб ҳам ички, ҳам ташқи томондан ҳимоясиз қолган Озарбайжон халқини ҳимояга олишга киришиб, ҳақиқий ҳаёт маромини таъминлашга бел боғлади. Гуржилар талончилиги туфайли бор будидан ажралганлар ва уларнинг талон-тарож этилган мулкларининг рўйхати ва ҳисобини олдириди. Уларнинг барчасини босқинчилардан ундиришга ваъда берди. Натижада озар халқи Жалолиддин сиёсатини қўллаб-қувватлашга астойдил киришди.

Бу пайтга келиб гуржи ва арманлар иттифоқи боис Ван, Севан ва Урмуя ҳудудлари бўйлаб марказлашган кучли грузин давлати ташкил топган бўлиб, бу давлат грузин қироличаси Тамара ва Русудана даврида ўзининг куч-қудрат чўққисига чиқиб Европа, Осиё ва Африканинг шимоли-шарқий мамлакатлари билан савдо ва дипломатик алоқаларга киришган даври эди. Шунингдек, бу давлат кучли қўшинга ҳам эга бўлиб, уларни машҳур саркардалар бошқарарди. Улардан Европа қироллари салб юришларида ҳам фойдаланиб турар, қўшни мусулмон давлатларига босқинлар уюштиришда гуржилар қиролига тез-тез мурожаат қилиб турардилар.

Жалолиддин Мангуберди айнан шу қудратли куч гуржиларни тор-мор келтиришга қарор қилди. Ўз қўшинини қатъий ва бўлажак ғоят оғир, қирғинли жангларга тайёрлади.

Айни бир пайтда Грузия қиролиги машҳур саркардаси Иване Мхирградзели ҳам рицарлик қўшинини Жалолиддинга қарши бўлажак жангларга ҳозирлай бошлади. Унинг талаби билан гуржилар қироличаси бутун Кавказнинг (Шимолий ва Жанубий Кавказ) жангари қабила ҳамда қавмлари орасидан сараланган қўшин тузди. Улар гуржи, арман, алан, сарир, лакз, қипчоқ, сван, абхаз, жонитлар, шунингдек, Шом ва Румнинг ёлланган лашкарларидан иборат эди. Бу қавм ва халқлардан тузилган ҳарбий гуруҳ ҳамда лашкарий қўшинларнинг жангларда тажрибаси ғоят етук лашкарбошилари бор эди. Улар кўплаб жангларнинг ғолиблари бўлиб, ҳайқириб жангга кирганларида акс садосидан Кавказ тоғлари ларзага келган. Бу қўшин ўз ғанимларини руҳий синдириш учун ҳужум бошлаш олдидан тоғ водийларини батанга келтириб ҳайқириб, сўнгра шиддатли зарба бериш учун душманлари устига қуюндай ёпирилишган. Шунингдек, улар тоғ ва дараларда жанг қилганда ҳар қандай ғанимларини доғда қолдириш усулларини яхши билишган. Уларнинг тоғликларга хос эпчиллик, мағрурлик ва шиддаткорлик хислатлари бўлган. Жалолиддин Мангуберди Кавказ жангари қавмларининг жанговарлик хусусиятларини анча чуқур ўрганиб, қўшинини гуржилар ҳудуди томон бошлади. Иване Мхирградзели уларни 60 мингдан ортиқ рицарлик қўшин билан кутиб олди. Ўн мингликларга бўлинган ҳар бир лашкарий қисмни жангларда тобланган 12 та доврўқли саркардалари жангга олиб кирарди. Бу ўн минглик, минглик ва юзликларга бўлинган ҳарбий қисмларнинг девкелбат баҳодир ва паҳлавонлари тоғ тизмасидай саф-саф бўлиб ҳужумга ўтганларида улар ҳар қандай рақиблари юрагига ғулғула ва қўрқув соларди. Султон Жалолиддин қўшини сон жиҳатдан кам бўлишига қарамай (улар 40 мингдан ортиқ бўлмаган), гуржиларнинг тоғ чўққилари ва мустаҳкам тошдеворлар билан истехкомланган қалъаларига ҳужум бошлади. Бунда шахсан Султон Жалолиддиннинг

гуржилар қўшинининг маҳобатидан заррача ҳайиқмай жангчи ва саркарда ҳамда сарҳангларни жангга бошлаб бориши, руҳий жўшқинлиги, олган ҳар бир нафасида жасорат ва мардлик шижоатининг қайнаб-тошиб турганлиги лашкарга алоҳида ғайрат бағишлади.

Улар ўз саркардасидаги важоҳат ва шиддатни кўриб ўзларидаги қўрқув туйғусини унутиб, бўлғуси жангга пухта ҳозирландилар.

Жанг бошланиш арафасида гуржиларга ёрдам бериш учун Шом ва Румдан Жалололиддинга душманлик жабҳасида турган ҳукмдорлардан яна 20 мингдан ортиқ қўшин келиб қўшилади. Шундан кейин уларнинг ғалабага ишончи янада ортади. Султон Жалололиддин ғанимнинг қўшини тобора соатма-соат кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, уларга ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиш, душман қалбига қўрқув даҳшатини солиш билан бир вақтда, ўз қўшини руҳий қувватини мустаҳкамлаш мақсадида гуржи саркардаси Иванега гуржи ва кавказликларнинг девсифат баҳодирларини яккама-якка жангга чақиради. Бу таклиф гуржилар бош қўмондонига жуда мақбул тушди.

## **ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ЯККАМА-ЯККА ЖАНГ МАЙДОНИДА**

Гуржилар саркардаси Иване машҳур паҳлавонларини ҳузурига чорлади. Уларнинг ота-ўғиллардан иборат яккама-якка олишувда донг таратган паҳлавон баҳодирлари бор эди. Улар ота ва унинг тўрт баҳодир ўғли бўлиб, улар қўшин орасида Эльбрус чўққисидай ҳаммадан қомати ва бўй-бастининг баҳайбатлиги билан ажралиб турганлар. Бу тўрт оғайни ака-укаларнинг яна учта сафдош девсифат дўстлари бўлган. Саккизта гуржи, арман, абхазлардан иборат бу паҳлавонлар совут ва дубулғаларини кийиб, жанг анжомлари билан жанг майдонига от ўйнатиб кириб келганларида ҳар қандай ғаним лашкарию баҳодир жангчиларининг юрагига гулгула сола олардилар. Уларнинг доврўғи Миср, Шом, Рум, Бағдод ва Кавказ ҳудудлари бўйлаб ёйилган эди. Бу баҳодирларнинг яккама-якка олишувлари ва жанг майдонларидаги қаҳрамонлиги, ғоят жасурлиги ҳақида Кавказ шоирлари мадҳлар битишган, ҳофизлар қўшиқларда куйлаганлар. Худди шунингдек, қарама-қарши томон Султони Жалололиддин Мангубердининг бемисл жасорати, кавказлик баҳодирлар билан битта ўзи жангга кириб, барчани ҳайратдан ёқа ушлашга мажбур қилганлигини ҳам мозий зарварақларига ўрта аср тарихчилари муҳраб қолдирдилар. Демак, томонлар баҳодирлари бир-бирига тамомила муносиб ғанимлар эди.

Яккама-якка олишув жанги қай ҳолатда бошлангани ҳақида ўша давр муаррихлари солнома битикларда хабар берар экан, Жалололиддин Мангубердининг довьюракликда шерлар ичра шер, мардликда бетакрор ва бемисл жангчи саркардалигини яна ва яна эътироф қиладилар, тасаннолар айтадилар. Ҳеч ким яккама-якка жангга Султон Жалололиддин Мангубердининг ўзи машҳур тулпори билан кураш майдонига отилиб чиқади дея кутмаган эди. Унинг жанголди ва жанг давомидаги ақл бовар қилмас жасоратини ўрта аср муаррихлари қаламига мансуб саҳифалардан қуйидагиларни ўқиймиз: Гуржистон қўшини сафга тизилаётган пайтда Султон Жалололиддин ҳузурига уларнинг раҳнамоси Иване бир чопар жўнатди. Чопар Иваненинг Султонга қуйидаги фикрларини етказди. „Сизлар узоқ йўлдан бугун етиб келдингизлар, отларингиз ҳолдан тойган, одамларингиз эса толиққан. Бугун ҳам ўз жойимизда қолайлик. Ҳар икки тарафдан жанговар ёшлар майдонга тушиб, яккама-якка беллашсинлар. Биз эса бу олишувни томоша қилайлик. Асосий жангни эртага қолдирайлик.“

Султон Жалолиддин бу таклифни дарҳол қабул қилди. Уларнинг лашкари орасидан гавдаси тоғ билан баҳслашувчи бир сардор майдонга чиқди. Бу тарафдан эса Мункирмонанд Султон.

Лашкар ичидан шердек ташланиб зоҳир,  
Хужир олдида пайдо бўлди баҳодир.

Ҳар икки томон лашкарнинг нигоҳи уларда эди. Султон отини елдирганича такбир айтиб,

Санчди найза нишон олиб белини,  
Ўтди тешиб чакмону белбоғини.

Шу тариқа Султон Жалолиддиннинг жанг майдонига чиқишини на у томондан, на бу томондан ҳеч ким кутмаган эди. Султон Жалолиддин Мангуберди лашкари орасида тоғга қилич урса уни толқон қиладиган алп баҳодирлар оз эмасди. Аммо гуржиларнинг гўё: „Қани, Хоразмшоҳнинг қайси бир баҳодир борки, ўлимни нақд бўйнига олганинг бизга рўбарў келавер“, дегандай мағрурланишларини Жалолиддин Мангуберди ҳазм қила олмади. Кутилмаганда жанг майдони маркази томон шамолдай гупуриб ёвнинг саккизта баҳодирга қарши момақалдироқдай гумбурлаб от солди. Душман томондан яккама-якка олишувни тўрт ака-укалар сардори Паҳлавон ота бошлаб берди. Тўртала оғайни ва уларнинг учала дўсти бўлмиш етти нафар паҳлавонлар саф тизиб дастлаб падари жангини кузатдилар. Жалолиддин Мангуберди уларнинг узун ва оғир найзасига қарши ҳаракатлантириш қулай бўлган ўртача оғирликдаги найза билан қуролланиб жанг бошлади. Ҳар доимгидай найза синиб кетиш эҳтимолини ҳисобга олиб, қилични захирада сақлади. Жалолиддин Мангуберди биринчи ҳужумдаёқ паҳлавонлар сардорининг найзасига чап беришга улгурди ва зарб билан ўз найзасини рақибининг нақ кўкраги бўйлаб йўналтирди. Найза шундай кучли ва шиддатли урилдики, гуржи баҳодирлар сардорининг совути тешилиб, у саркарданинг найзасига сихланганча отдан гурсулаб қулаб тушди. Отасининг талвасада жон бераётганлигини кўрган тўртала ака-ука баҳодирлар, улар кетидан эса уларнинг қуролдош учала баҳодир дўстлари Жалолиддинга бирварақайига ғазаб билан ҳужумга ташландилар. Ана шу аёвсиз олишувда Жалолиддиннинг Синд дарёсидан омонлик соҳилига олиб чиққан асов тулпори Султоннинг жонига оро кириб, ўзининг жангари ва жанговарлигини яна ва яна намойиш этди. Рақиб отларини чалғитиб, уларнинг устига тўфондай ёпирилиб, хўжаси Жалолиддиннинг ғалаба қилишига катта ҳиссасини қўшди. Жанг майдонида асовлиги тутгандан тутиб, душманларнинг бирлашиб ҳаракат қилишига имкон бермади. Қорабайир Султоннинг фикрини, юрагидаги туйғу ва ҳиссиётларини аниқ англаб, майдонни ларзага келтирди. Улар ўртасида қувлаш, қочиш каби усуллар тез-тез содир бўлиб, Султон оқибат бу қувлашмачоқ жанговар ҳаракатларда рақибларининг майдон узра сочилиб кетишига эришди. Бундай жанг услубини кўрмаган икки томон лашкарлари олишувни ҳайрат билан томоша қилишда давом этдилар. Илгари бундай ҳолдаги жангни жангу жадалларда суяги қотган жангчилар ҳам ҳеч қачон кўрмаган эдилар. Негаки, катта жанг олдидан томонлар келишувига кўра ё тождорлар, ёхуд бош қўмондонлар, ёки рақибларнинг баҳодир жангчилари яккама-якка жангга чиққанлар. Лекин етти ёки ўнта девсифат майдон диловарларига қарши Жалолиддиннинг якка ўзи жанг майдонида қиличи ҳеч кимга омонлик бермаган ганимининг бир гуруҳ машҳур паҳлавонларига қарши от суриши Хоразмшоҳда ақл бовар қилмас жисмоний, руҳий қудрат мавжудлиги,

шунингдек, ранг-баранг жанговар қурол турларини ҳаддан ташқари моҳирлик билан ишлата билганлигидан далолат беради. У жангда ҳақиқий ва бетимсол ҳамда тенгсиз суворий жангчи эканлигини Кавказ баҳодирлари билан олишувда яна бир бор исботлади. Икки томон қўшин жангчилари ҳайратдан тошдек қотган.

Жалолиддин Мангуберди тулпорини бор кучи билан чопишга ундар экан, уларнинг бирваракайига яқдил ҳужум уюштириш режаларини бузиб юборди. Улар Жалолиддинни ҳам ўнг, ҳам сўлдан ва ҳам орқа тарафдан ўраб олиш учун доиравий қуршов ҳосил қилиб, сўнгра бу доира ҳалқасини тобора торайтириб, Хоразмшоҳни ер тишлатамиз деган фикрда, жанговар ов услуби бўйича ҳаракат бошладилар. Жалолиддин Мангуберди эса уларнинг бу услубини йўққа чиқариш учун тулпорининг кучига ва унинг топқирлигига, қолаверса, ҳар бир юзага келган имкониятдан яшин тезлигида фойдалана олиш қобилияти ва ҳарбий истеъдоди, шунингдек, яратган ато қилган жисмоний кучига ишониб ҳаракат қилди. Рақибларни кенг майдонда сочилиб ҳаракат қилишга мажбур қилган Жалолиддин Мангуберди отаси қасоси билан ёниб келаётган гуржи ака-укалардан бирига ҳужум қилишга жазм қилди. Қолган биродарлари анча олисроқда эдилар. Султон бундай лаҳзалардан яшин тезлигида фойдаланишга интилди. Рақибига зарб билан найза санчди. Найза шундай зарб билан урилдики, гуржи паҳлавони эгарни чангаллаганича от устида қолди. Жалолиддин урган найза рақиб гавдасини тешиб ўтиб, уни суғуриб олиш яна анча вақт ва куч талаб қиларди. Негаки, гуржи баҳодир жон талвасасида кўкрагига зарб билан санчилган найзани қўллари билан маҳкам сиққанича тошдек қотган эди. Жалолиддин найзасини шу санчилган ҳолатда қолдириб, саманининг жиловини рақиблар эгалламаган очиқ майдон ҳудуди сари бурди. Бу билан рақибларни янада аламзада ва жаҳл билан ҳаракат қилишга ундади. Халқимизнинг „жаҳл чиққанда ақл кетар“ деган дониш мақолига амал қилиб, фаним паҳлавонларини пала-партиш ва ғазабнок ҳаракат қилишига мажбур қилди. Жалолиддиннинг қўлида қуроли йўқлигидан фойдаланиб қолишга интилган гуржи баҳодирларидан ака-ука суворий паҳлавонлар Султон сари ёпирилдилар. Улар бир-биридан 40—50 метр масофа фарқ қилиб шиддат билан етиб келарди. Жалолиддин Мангуберди қарийб шу масофадан туриб узоққа отувга мўлжалланган найзаси билан исталган нишонни моҳирлик билан ура оларди. Унинг тулпорининг икки биқинида бир неча найза жанг давомида захирада турарди. Шунингдек, қилич ва найзадан ташқари махсус ғилофга солинган ҳолда жанговар гурзиси ҳам Жалолиддинга исталган дақиқа ва сонияда фойдаланишга тайёр, тулпор эгариде осиялиқ турар эди. Хоразмшоҳ Жалолиддин иргитишга мўлжалланган захира найзаларидан бирини зудлик билан олиб, чамаси ўзига яқинлашиб келишга 30—35 метр масофа сақлаб келаётган гуржи баҳодирга йўллади. У бу зарбага бардош беролмай ерга ағдарилди. Аканинг бу ҳолатини кўрган ука акага ёрдам бериш ёки Жалолиддин билан олишувни давом эттириш, қайси бирининг тез уддасидан чиқишни билолмай иккиланди ва сустлашиб қолди. Аммо шу пайтда бир қарорга келолмай аросатда қолган фаним устига Жалолиддин бургут ўлжасига ташлангандек ёпирилди. Жалолиддин боши узра шамол тезлигида гурзисини айлантирганича фанимга ташланди. Гурзи зарбига дош беролмаган найзаси қоқ ярмидан синиб кетгач, рақиб қиличини даст қинидан суғурар экан, жангга кирди. Бироқ, Султон Хоразмшоҳ биринчи зарб уришида унинг найзасини яроқсиз ҳолга келтирган бўлса, иккинчи зарбаси билан қиличини қўлидан учуриб юборди. Энди бу паҳлавон жангчининг Жалолиддин қурбонига айланишдан бошқа чораси йўқ эди. Учинчи марта рақиб боши ва юз-кўзини мўлжаллаб урилган гурзи зарбасидан



пахлавон рақибнинг боши тошга уриб парчаланган шишадек сачраб, сочилиб кетди. Шундай қилиб, Жалолиддин Мангуберди ота бошчилигидаги уч ака-ука баҳодирларни мағлуб қилди. Отаси ва уч ака-уканинг жанг майдонида жасаглари тилка-пора бўлиб ётганлигини кўрган ака-укаларнинг тўртинчиси эса тамомила руҳан синган бўлиб, ўз ҳалокати муқаррарлигини англади. Жалолиддинга ҳамла қилиш ёки ўзини муҳофаза қилишдек жанговар ҳаракатни амалга оширишга мутлақо қодир эмасди. Энди уларга сафдош бўлган Кавказ ва унинг атрофларида донг таратган уларнинг яна учта девқомат жанговар дўстлари, арман, алан ва абхаз баҳодирлари Жалолиддинни йўқ қилишга бел боғлаб турардилар. Уларда бир ишонч ва илинж устун эди. Жалолиддин Мангуберди ва унинг тулпори ҳам катта куч сарфлаб ҳолдан тойди. Бу биз учун катта имконият. Бизлар бор кучимизни энди ишга солсак, Султон Жалолиддин эса асосий жисмий кучини сарфлаб бўлди, унинг ҳужум шашти сўнди, у нари борганда фақат бирпасгина мудофаада тура олади, холос. Сўнгра на найза, на қилич ва на гурзи ушлашга қуввати қолмайди, деган фикр билан ҳужум бошладилар. Жалолиддин уларга қарши неча бор жангларда мўғуларга бемисл қирон келтирган олмос қиличи билан жанг бошлади. Ҳақиқатан ҳам Жалолиддин Мангуберди жангнинг биринчи босқичида бешта гуржи ота-ўғил паҳлавонлар билан яккама-якка жанг олишувида катта жисмоний-руҳий куч сарфлади. Нақадар бақувват тулпорини ҳам жиққа тер босди. Аммо нима қилиб бўлса-да, жангни узоққа чўзмай яқунлаш лозим. Жанг чўзилдими, демак, у рақиб фойдасига ҳал бўлади. Тез фурсатда дастлаб ҳар қандай ҳолатда иккисини даф қилиш шарт. Ҳужумни биринчи бўлиб арман ва абхаз баҳодирлари бошлаб берди. Жанг шиддатли тус олди. Жалолиддин ўз тулпорининг ҳаракатлари сустлашаётганлигини сизди. Барча кучини йиғиб, энг кучли ва хавфли арман ва абхаз баҳодирларига ташланди. Бу ҳужум натижасида ғанимнинг биттаси яраланди, аммо оти ёлига ёпишганича қолди. Иккинчисининг найзасини даста қисмидан тенг ярмидан тиг уриб кесиб ташлади ва уни ҳам ерга қулатди. Ярадор жангчининг эса ўз оти устида қапишиб қолганини кўриб, алан паҳлавони томон отига қамчи босди. Бироқ Жалолиддин тулпори чопмоқчи бўлди-ю, беш-ўн метр юриб бирданига оқсаб қолди. Ана шу пайтда аланлик паҳлавон елдек учиб, у томон қирондек ёпирилди. У энди Султоннинг устидан ғолиб чиқишига шак-шубҳа қилмай майдонни ларзага солиб ҳайқириб келарди. Аммо Жалолиддин шу лаҳзада ҳам ўзининг моҳир суворий ва забардаст чавандоз жангчи эканлигини яна бир бор исботлади. Бутун гуржилар лашкари қасос ҳайқирғи билан ўз баҳодирини ғалабага чорлаб, Султонга ўлим тиладилар. Бундан руҳий илҳомланган алан баҳодирини янада ғайрат кўрсатиб, Султонга ҳамла уюштирди. Жалолиддин қарама-қарши томондан тоғ кўчкисидек келаётган паҳлавон ҳужумини қайтариш амри маҳоллигини билгач, чавандозликдаги тенгсиз маҳоратини ишга солди. Захирадаги охирги найзасини зудлик билан қўлига олди ва иккала оёғини тулпори узангисидан бўшатиб турди. Алан баҳодирини узун найзаси санчилишидан бир неча лаҳза олдин Жалолиддин ўқ тезлигида отидан ерга сакради. Ғаним паҳлавонининг шиддатли ҳужумига кўз илғамас тезликда чап бериб улгурди. Рақиб катта тезликда ўтар экан, то отининг жиловини тортиб тўхтатгунча Жалолиддин захира найзани унинг орқасидан зарб билан улоқтирди. Натижада алан баҳодирини қайрилишга улгурмаёқ найза зарбидан отдан ағдарилиб тушди. Бу воқеани ақлга сиғдира олмаган гуржи қўшинининг овози ёниб турган ўт-оловга сув қуйгандек ўчди. Энди ғолиб Султон Жалолиддинни олқишлаган Турон ва Хуросон жангчиларининг овози Кавказ тоғларини ларзага келтириб, узоқдаги чўққилардан акс садо

берди: „Султонимизга офарин, офарин, волиб шоҳимизга офарин!“ ҳеч ким шу пайтга қадар бундай олишувнинг гувоҳи бўлмаган эди. Жалолиддин Мангубердининг буюк ва жасур саркарда бўлганлигини эътироф этган муаррихлар қаторида Хоразмшоҳнинг мардлигини қайд этганлардан бири эронлик олим Ризоқулихон Ҳидоят (1800—1871) эди. Олим гуржилар баҳодирлари билан Султон Жалолиддин жангини шеърӣ услубда ҳаққонӣ тасвирлайди. Бунда олим тарихӣ манба сифатида Чингизхон тарихчиси Жувайнийнинг „Тарихи жаҳонкушай“ асаридан фойдаланганлиги кўзга яққол ташланади: „У малъун отдан ерга ағдарилди ва жон берди. Унинг тўрт нафар ўғли бор эди. Улар навбат билан бирма-бир майдонга тушар, Султон уларни отасининг орқасидан у дунёга бирин-кетин равона қиларди.

Сўнгра сумбати Бесутун тоғидек келадиган бошқа бир азнавур фил суратли отда сутундек найза билан Султонга ташланди. Султоннинг оти бағоят толиққани боис ҳаракатдан қолган эди. Азнавур эса бундан фойдаланиб ҳар лаҳза ҳамла уюштириб, Султонни бир неча жойидан яралади. Вазият оғирлашган, шайтони ражимнинг Султони раҳим устидан волиб келишига, шоҳнинг ёвуз дев чангалига тушишига бир баҳя қолган эди. У яна Султонга ташланган пайтда, Султон Жалолиддин мадори кетиб, чопишга базўр бардош бераётган отидан шиддатли сакраб тушиб,

Солди Ашқобуснинг бошига найза,  
Ўпди Само унинг қўлини шул лаҳза.  
Ҳар бири дедики, бу ё Рустамдир,  
Ва ёки бир офтоби субҳидамдир“.

Мўғуллар тарихчиси Жувайний Фирдавсий „Шоҳнома“сидан парчалар келтириб, воқеани қиёсий тасвирлар экан, жанг майдонида кузатаётган ҳар икки тараф лашқар Рустам ва Золга ҳам муяссар бўлмаган бу жасоратдан ҳайрат ёқаларини ушлаб, Жалолиддинни даврнинг буюк қаҳрамони дея эътироф этганлигини таърифлар экан, саркардани муаррих „Шоҳнома“да келтирилган барча афсонавий қаҳрамонлардан ҳам устун қўяди. Бу Жалолиддин жасоратига берилган бемисл баҳо эди. Бунда-да ортиғи бўлмайди.

„... Султон яккама-якка олишувда ғанимларнинг саккизинчи баҳодирини ер тишлатгач, ўша майдон қоқ марказидан туриб қамчисининг сопи билан ишора қилди. Шул сонияда марди майдон Султон Жалолиддин жангчилари олға босдилар. Гуржи қўшини таҳликага тушди. Зафарнинг илк аломатлари зоҳир бўлиб, нусратнинг жозибадор нурлари чехра очди. Улар вақт борида қочиб қолиб, оқшом этагига ёпишдилар ва сўнгра тун зимистонига яширинишдан ўзга чора топа олмадилар“. Муаррих яккама-якка жанг тугаб, сўнгра асосий қўшинларнинг жангга киришини шундай чизгиларда тасвирлаган эди.

## ГАРНИ ВА ДВИН УЧУН ЖАНГ. ГУРЖИЛАР МАҒЛУБИЯТИ

Жалолиддин Мангуберди 1225 йил августида Двин қалъасини бир зарб билан эгаллаб, гуржиларни довдиратиб қўйди. Бу қалъани аслида ўрта асрларда озарбайжонлар гуржи ва арманлар ҳужумидан ҳимояланиш учун қурган эдилар. Бироқ гуржилар давлати кучайиб, бу мустаҳкам қалъани босиб олгач, ундан озарбайжонлар юртига ҳужум ва босқинлар уюштиришда таянч истехкомга айлантирдилар. Хоразмшоҳ юришини айнан шу қалъани эгаллашдан бошлаши бежиз эмасди.



Жалолоддин Мангуберди Чингизхоннинг Мўғул-Чин баҳодир ва паҳлавонларидан ташкил топган қароргоҳ соқчиларини қирғин қилиши. Ўша кунги жангу жадалда Султон Жалолоддин хос ҳарбий гуруҳи билан хоқоннинг гул (марказ) қисмини ёриб ўтиб, Чингизхонни ўлдиришига бир баҳя қолган эди. Хоқоннинг ўтиб бўлмас қўшинини ёриб ўтиб, унга ўлим таҳдидини солишидаги бундай мардлик ва жасорат бетакрор баҳодирлик эди. Бу ҳарбий тарих учун ҳам ноёб ҳодисадир. 1221 йил 30 ноябрь. Нилаб.

Грузия шоҳи Георгий IV Лаша вафот этгач (1222 йил) Русудана қироличалик тахтини эгаллаган бўлиб, Хоразмшоҳ Жалолиддинга зарба бериш учун у саркардалари билан маслаҳатлашиб, асосий қўшинини Гарни қалъаси остоналарида тўплади. Қалъа Ереваннинг жануби-шарқий қисмида жойлашган. Гарни ўз даврининг энг мустаҳкам қалъаси эди. Уни эгаллаш босиб олувчи қўшиндан катта талафот беришни талаб қиларди. У тоғ тепасида бўлиб, унга кўтарилиш қийин ва ғоят машаққатли бўлган. Шунга кўра, унинг сақлаб қолиниши бутун арман ва грузин ҳудудларига ёвнинг киришига асосий тўсиқ бўлиб, аксинча, қўлдан кетиши эса Жанубий Кавказ ҳудудлари қўлдан кетишига йўл очар эди. Шу боис малика Русудана машҳур саркардалари бошчилигидаги катта қўшинини Гарни остоналарида тўплади.

Ўрта аср араб тарихчиси Ибн ал-Асир ўзининг йирик „Мукамал тарих“ асарида гуржилар қўшини миқдори бу жанг олдида 80 минг эди, дея келтиради. Уни христиан епископи ва тарихчиси Степанос ҳам гуржилар 80 минг киши бўлиб жанг бошлаганлигини қайд этади. Агар ҳар икки ўрта аср тарихчиларининг манбаларидаги қўшинлар сони бир хиллигини инобатга олсак, гуржилар бу жангга катта тайёргарлик кўрганлиги яққол кўринади. Шунингдек, ан-Насавий ҳам гуржилар ғоят катта кучни тўплаганлигини қайд этиб: „ўзларининг қудратли кучга эга эканлигини Султон Хоразмшоҳга кўрсатиб қўймоқчи бўлдилар“, — дея таъкидлайди аллома муаррих. Ҳақиқатан ҳам Султон Жалолиддин қўшинининг анча қисмини Ироқни назоратда ушлаб туриш учун қодирган эди. Аммо Султон Хоразмшоҳ лашкари камлигидан иккиланиб ўтирмади. „Йигит сўзидан, арслон изидан“ ҳикматига таяниб, озар халқига берган ваъдаси устидан чиқиб, гуржи ва арманлар ҳудудини, жумладан, Жанубий Кавказни Ироқ ва Озарбайжондаги мулкларига қўшиб, шу ердан мўғулларнинг асосий кучларини мағлубиятга учратишни мўлжаллади. Жалолиддин Мангуберди қўшини камлигига қарамай жадал тарзда Аракс дарёси бўйлаб юрди. Натижада баланд тоғ тепалигидаги қалъа олдида бирлашган гуржилар қўшинига дуч келди. Уни ўз кўзи билан кўрган ан-Насавий гуржилар қўшини тоғ бағрида ўрнашиб олганлиги, қоп-қора тусда, худди тун зулмати сингари атрофга ёйилганлигини таъкидлайди. Ҳатто уларнинг Жалолиддин ва унинг қўшинини қўрқитиш учун ғанимлар бир-бирига яқинлашган чоғидаги ҳайқириқларини ҳам келтириб ўтади. Уларнинг ўша куни ўзларини намоён қилувчи ишларидан бири тоғ дараларини ларзага келтирувчи бақириқлари бўлди. Гуржилар осмонни тешиб юборгудай, кар қулоқлар ҳам эшитгудай ҳолда атрофни қичқириққа тўлдирдилар. Султон уларнинг қўлигидан заррача ҳам қўрқмади. Ҳеч иккиланмай тунда қўшинини зудлик билан улар қаршисига сафлантириб чиқди. Қўшини орқасини отлиқ лашкарлар билан тўлдирди. Марказни ўз паҳлавон лашкарлари ҳисобига кучайтирди. Ўнг томонни мард, алп ҳимоячилар эгаллашди, чап томонга эса ёяндозлар жойлашди. У кун бўйи гуржилар жанг қилгани тоғдан пастга тушади деб кутди, бироқ улар тушмади. Қуёш мағрибга бош қўйганда Султон учун марказда чодир тикланди. У тунни шу ерда ўтказди. Хонлар ва амирларга тонггача навбатма-навбат қоровуллик қилишни буюрди. Улар буйруққа биноан тун бўйи гулханлар ёнида ўтириб чиқдилар. Тонг маҳали у лашкарбошиларини ҳузурига чақириб деди: „Душман жанг қилишни истамай, ҳужумни орқага сурмоқда. Шунинг учун уларга ўзимиз ҳамма томондан ҳужум қилишга қарор қилдик. Агар ҳужум қиладиган бўлсак, улардан аввал бошлашимиз, уларнинг пастга тушишига йўл қўймай, ўқлар ёмғирини ёғдиришимиз керак“. Султон тепаликка кўтарилиб, юришни бошлади. Аслида уни Оллоҳнинг ўзи юксакликка кўтариб қўйди. Унинг кетидан

лашкарлари қанотини ёзган бургутлар мисол ҳужумга ташландилар. Бошқалар билан биргаликда Султон қўшинининг чап томони, Гиёсиддин, Урхон, Ирон Тоисий ва бошқа амирлар бошчилигидаги лашкарлар тоғ ёнбағрида тез кўтарилдилар. Уларга қарши гуржиларнинг энг айёр лашкарбошиларидан бири Шальва ҳужумга ташланди. Улар ўртасида жанг қизиди, камон ўқлари бўрон учирган қор учқунлари, кўкдан ёниб тушаётган юлдузлар мисол ёғилди. Мусулмон кофир билан, ғолиб мағлуб билан, тепадан тушаётган пастдан чиқаётган билан, отлиқ пиёда билан аралашиб кетди. Улар бир-бирларининг юраклари ва бўйин томирларини мўлжаллаб, аёвсиз қилич солар, шу тариқа тепаликни эгаллашга интиларди. Жанг майдонидан қочганлар фақат тоғ тепасида жон сақлаш мумкинлигини билдилар. Шу сабаб отлиқ лашкарлар ҳужумга ташланиб, жанг майдонига мардонавор кириб борганида гуржилар жанг майдонини ташлаб шармандали тарзда, уятсизларча қочдилар. Улар орқаларидан таъқиб қилаётган қўшинлар олдида бамисоли овчилар олдидаги ўлжадай қочарди. Жанг майдони ўликлар билан тўла эди. Ан-Насавий Султон қўшини тик қояни жангу жадал билан олар экан, гуржиларнинг жуда катта талафот кўриб, тор-мор этилганлигини таъкидлаб, Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг қоя тепасига чиқиб қочганларни таъқиб қилувчи жангчилари қайтиб келгунча ўша ёрда турганлиги, кимдир унинг ёнига топшириқ юзасидан чиқмоқчи бўлса, фақат ўликлар устидан юриб ўтишга мажбур бўлганлигини келтириб ўтади.

Гуржиларнинг ўнга яқин машҳур саркардалари ҳалок бўлади, бир қанчаси асир олинади, хуллас, 80 минглик қўшин Гарни учун бўлган жангда оғир мағлубиятга учрайди. Бу ғанимлар учун бемисл йўқотиш бўлди. Кавказ мотам либосини кийди.

Гуржиларнинг иккита йирик саркардалари Иване ва Шальва тақдирлари янада ачинарли тугайди.

Табриз Жалолиддин Мангуберди қўл остига ўтгунга қадар унинг ҳукмдори бўлган Ўзбек отабеги ўзининг ҳожибларидан бири бўлган Шамсиддин ал-Қулий Гарнида турган Иване ва Шальвалар ҳузурига элчи қилиб юборилган эди. Аммо ал-Қулийни улар яхши кутиб олса-да, бироқ улар ўзларининг куч ва қудратлари билан ҳаддан ташқари ҳаволаниб мақтанганлар: „Мен, — дейди ал-Қулийга Шальва, — шу пайтда амир ал-Мўминин Али Абу Толиб тирик бўлишини истардим“. Яъни исломдаги тўртинчи халифани гуржилар Бош қўмондони Шальва тилга олади. Ҳазрати Алини келтиришдан асосий мақсад унинг Бадр ва Ҳайбардаги кофирларга қарши жангдаги қаҳрамонлиги, қиличининг машҳурлигини яхши билган ва ҳозирда у тирик бўлганида унга куч қандай бўлишини кўрсатиб қўярдимки, у Бадр ва Ҳайбар жанглари эсдан чиқарарди, деб мусулмонлар олами қаҳрамонини камситиб, ўзидаги куч-қудратдан ғоят ҳаволанган. Унинг мақтанчоқлиги-ю ва куч-қудратига қарамай Жалолиддин Мангуберди Шальва қўшинини елга созуриб ташлади. Ҳатто ака-ука машҳур саркардалар билан Жалолиддин яккама-якка олишувни астойдил истаб жанг майдонида уларни ғазаб ва мардлик отига миниб ахтарди, жангга чорлади. Бош қўмондон ўз қўшинининг саҳрода бўрон остида қолган карвондай тўзриб кетаётганлигини кўриб, жонини асрашга киришди. Эндигина жон бераётган ўз жангчисининг қонларини юзларига суркаганча гуржи саркардаси Шальва жон ҳолатда ўн беш-йигирма чоғли ўликларнинг тагига базўр кириб яширинди. Аммо Жалолиддин Мангубердининг синчков жангчиларидан бири унинг тирик эканлигини билиб оёғидан судраб, жасадлар тагидан тортиб олди. Аниғи уни Жалолиддин Мангубердининг укаси Пиршоҳ энагасининг ўғли Султон қароргоҳига асир қилиб олиб келди.

Жалолиддин Мангуберди гуржиларнинг жуда катта кетиб гапирган бу саркардасини ва унга ёрдамчи гуржи саркардаларини қанчалик жанг пайтида руҳий-жисмоний зўриқишга учраб, жаҳл отига миниб турганига қарамай қатл этишга шошмади. Султон уларнинг яратган эгам сўқир кўзларини асирликда очиш имконини бериб, унинг хизматига ўтишга рози бўлсалар, Гуржистон ва Кавказ ҳудудида катта қўшин тузиб мўғулларни бутунлай ана шу ҳудудда тор-мор келтиришни ният қилган эди. Аммо гуржилар, арманлар ва абхазлар Жалолиддин Мангубердининг бу ажойиб олий мақсадининг амалга оширилишига тиш-тирноқлари билан қаршилиқ қилиб, оқибат Кавказ халқининг мўғуллар томонидан вайрон этилишига имкон бердилар, Султон Хоразмшоҳ Жалолиддинга ишончсизлик билдирдилар. Иттифоқликда умумий душманга қарши курашишдек Жалолиддиннинг ажойиб режаси барбод этилди. Жалолиддин буни англаб етгач, Абхазиягача чўзилган Кавказ ҳудудларини куч билан забт этишга азму қарор қилди. Султон Жалолиддиннинг мўғулларга қарши иттифоқ бўлиши йўлидаги барча уринишлари оқибат зое кетди. Гуржиларнинг энг йирик қўмондони Иване ва Шальва ушбу иттифоқнинг тузилмаслиги ва барбод бўлишида асосий ролни ўйнадилар. Муқаддас оятларнинг тарғиботчилари Муҳаммад саллоҳу алайҳи васаллам ва ҳазрати Алини ҳақоратлашга журъат қилган бўлишларига қарамасдан, Жалолиддин Мангуберди ўзининг ашаддий душманлари бўлган иккита гуржи саркардасига инсонпарварона муносабатини давом эттирди. Ака-ука Шальва ва Иванени Султон Жалолиддин нафақат асирликдан озод қилди, балки уларга Моранд, Солмас, Урмиё ва Ушну шаҳарларини бошқариш ҳуқуқини ҳам берди. Бу ғоят олижаноблик эдики, Жалолиддин уларнинг бир умр азобланиб дунёдан ўтишини истамади.

Бироқ улар Султон Жалолиддиннинг бу тухфалари-ю, инсоний ҳаракатларидан кўз юмиб, уни йўқ қилиш ниятидан асло қайтмадилар. Ўзларини Султон Жалолиддиннинг ўша ҳудудлардаги содиқ ноиби дея тан олган бу саркардалар Хоразмшоҳга қарши фитна тайёрлаб, Тифлис (Тбилиси)да турган малика Русудана билан тил бириктириб, махфий режалар туздилар. Унга кўра Марқоб довоида Жалолиддинни пистирмага тушириб йўқ қилишга келишиб оладилар. Бу билан Султон Жалолиддинга берган қасамларига хиёнат қилдилар.

Жалолиддин Мангуберди Шальва ва Иванени чақириб Тифлисга қайси йўлдан бориш қулай ва хатарсиз эканлигини сўрайди. Улар Карсс йўлидан Гуржистон пойтахти Тифлисга бориш ғоят хавфли, Марқоб йўли энг маъқул йўл, деган фикрни билдириб, сизнинг хавфсизлигингиз учун бошимизни гаровга қўйиб жавоб берамиз, деб Жалолиддинни бир овоздан қатъий ишонтирадилар. Тифлисга Султон уларнинг фикри билан дарҳол қўшин тортмайди. Негаки, Двин ва Гарни учун олиб борилган жангларда Хоразмшоҳ Жалолиддин ҳам анча талафот кўрган эди. Лашкар бу катта жангда ўлган ва ярадорлардан ташқари толиқиб, мадорсизланган ҳам эди. Буларнинг ўрнини тўлдириш учун вақтдан ютиш, ҳарбий ҳаракатлардан анча вақт тийилиб, дипломатик босим ўтказишга интилди. Шунингдек, гуржилар саркардаси Шальва ва Иванелар фикрининг тўғри ёки нотўғрилигини ҳам текшириш лозим эди. Шунингдек, Тифлис, Абхазия ва бутун Жанубий Кавказ Султон Жалолиддин тобелигига ўтиши энг маъқул йўл эканлиги, бу ҳудудларнинг энди бу ёрига қаршилиқ кўрсатиши бефойда эканлиги, ундан кўра Хоразмшоҳ атрофида бу ҳудудлар қолган кучларни бирлаштириб, асосий зарбани яқинлашиб келаётган мўғулларга қарши қаратиш энг ақлли ва тўғри йўл эканлигини билдирувчи хат билан таъминлаб, Тифлисга элчи жўнатди. Султон Жалолиддин ўз

ҳарам ва ҳаммоми бошқарувчиси — таштдорини Тифлисга айнан Шальва ва Иване энг хавфсиз дея ишонтирган Марқоб довони орқали боришини тайинлади. Султон ўз элчисига ушбу довонни сафар жараёнида жиддий кўздан кечириб боришни тайинлаган бўлиши ҳақиқатдан узоқ эмас. Элчи-таштдор Султон Жалолиддиннинг аниқ кўрсатмаларини олиб гуржилар маликаси Русудана билан музокара олиб бориш учун Марқоб довони орқали кетар экан, Султон кўрсатмаларига аниқ риоя қилди. Кура дарёси бўйига етиб келган элчи ва унинг аъзолари носаролар ибодатхонасига яқинроқ жойда дам олишга қарор қиладилар. Шу ерда маст ҳолдаги роҳибга дуч келишади. Уларнинг бошқа юрт одамлари эканлигини англаган роҳиб улар билан гангир-гунгур гаплашгиси келиб элчилар ўтовига кириб келади. Мулоқот асносида маст роҳиб ўзининг мастлигига бориб, муҳим сирни айтиб қўяди. Тахминан шу ердан бир ярим-икки чақирим нарида қоялар орқасидаги пастқамликда Тифлис ва унинг қўшни вилоятлари ҳамда Абхазиядан ҳар куни фақат тунда қўшин тўпланаётгани, бундай қўшин тўплаш тоғ довонининг яна икки жойида шошилиш амалга оширилаётганини, шунингдек, Шальва ва Иванелар ҳам бу ердаги қўшин лашкарбошилари билан яширин учрашиб, тез-тез келиб-кетиб тургани, яқин кунларда шу тинч кўринган Кура дарёси бўйи ва Марқоб довони кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қирғин гувоҳи бўлишини, Ислом оламининг буюк лашкарбошиси Султон Жалолиддин учун чиқиб бўлмас тузоқ-пистирма уяси шу ерда эканлигини элчилар дастурхони даврасида роҳиб ҳаволалиб ва мақтангандан-мақтаниб, мусулмонлар қўшини қонини дарё қилиб оқизамиз, дейди. Таштдор Малик элчилик вазифасини бажариб, бироқ Русудана билан бирор натижага эришолмай тез орқасига қайтади. Қайтаётиб яна ўша дам олган манзилда чодир тикиб, ишонч ҳосил қилиш учун роҳиб айтган лашкар тўпланаётган жойларни ғоят сергаклик билан кўздан кечиради. Бу қалтис ишлар ярим тундан кейин амалга оширилди. Роҳибнинг сўзлари аниқ тасдиқланди. Буларнинг барчаси элчи Малик томонидан далиллар билан Султон Жалолиддинга оқизмай-томизмай етказилди. Жалолиддин кенгаш ўтказиш баҳонасида Шальва ва Иване ноибларини қароргоҳига чақиртирди. Ҳар икки ака-ука гуржи саркардалари сўроқ чоғида фитна тайёрланаётганлигини тан оладилар. Шу ерда улар ҳибсга олинди ва сўроқ қилиниб, ҳар иккиси қатл этилдилар.

Умуман олганда, Гарни ва Двин учун жанглар жуда оғир кечиб, катта талафотлар келтирилганлиги учун унинг тафсилоти ҳақида ҳам Шарқ, ҳам Ғарб олимлари, муаррихлар тарихий асарларида баҳо беришга уринар экан, Султон Жалолиддиннинг забардаст саркардалигини эътироф қилишга мажбур бўлиши улар асарларида кўзга яққол ташланиб туради. Ҳақиқатан ҳам Жалолиддин Мангубердининг Гуржистон, шунингдек, Кавказ томон зафарли юриши, унинг мағрур тоғликларни бўйсундириши йўлидаги жангу жадаллари Султон Хоразмшоҳ ҳарбий таржимаи ҳолининг шижоатга тўла саҳифалари унинг саркардалик истеъдоди, темир иродавий сифатларини ёрқинроқ очишга имкон беради. Негаки, Кавказ халқларини четдан келиб бошқариш, улар устидан ҳукм юритишдан кўра оғир иш йўқ эди. Жалолиддин гарчи кам умр кўрган бўлса ҳам 1225 йилдан 1228 йилга қадар Жанубий Кавказ ҳудудларида яшаётган ранг-баранг тилли мағрур халқлар устидан ҳукмронлик қилди. Ўз номидан пул зарб қилди, шароитга қараб адолатли фармонлар чиқарди, солиқларни жорий этишда адолат мезонларидан четга чиқмади. Аммо ҳарбий юришлар, шаҳар ва қалъаларни олиш чоғидаги талафотлар ўрнини тўлдириш, захира озиқ-овқатлар тўплаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш чоғидаги вазиятлар бундан мустаснодир. Юқоридаги фикрлар эса тобеликни қабул

қилган ҳудудлар қамровига даҳлдордир. Негаки, Жалолиддин Мангуберди босқинчи саркардалар ёки ҳукмдорлар Александр Македонский, Рим империясининг императорлари ёки Чингизхонга ўхшаб дунё халқларини тиз чўктириш, қуллик тамғасини босиш учун қирғин урушлар олиб бормади. Ўз юртидан мўғуллар босқини туфайли чиқиб кетган Жалолиддин ўзга юртларга атайлаб босиб кирмади. Унинг ҳарбий юришлари бошқалар ерини босиб олишни олдиндан режалаштирмади. Султоннинг битта мақсади бор эди. Қарда бўлмасин, қайси халқлар юртига кирмасин уларни мўғулларнинг, албатта, хароб қилувчи босқинчиликлари муқаррар рўй беришига қарши иттифоқ бўлиб курашиш, уларни тор-мор қилгач, хоразмшоҳлар юртида тинч, яратувчилик ишларига бош бўлиб, мамлакатни адолат билан бошқариш ва уни гуллаб-яшнатиш каби эзгулик мақсади бор эди. Аммо замон ғаддорликлари, хиёнатлар, сотқинликлар ва турли ноиб ва ҳукмдору ҳокимларнинг иккиюзламачилик ҳаракатлари Султон Жалолиддиннинг феъл-атвори, руҳиятига салбий таъсирини ўтказмай қолмади. Улар Султон мардлигига мардлик билан жавоб бера олмадилар. Тор манфаатлар ва қарашлар доирасида қолиб кетдилар. Нуқул биқин ва орқадан ханжар бўлиб санчилдилар, темир тикан бўлиб Жалолиддиннинг оёғи остидан чиқавердилар. Султон Ҳиндистондан, Эрон, Ироқу Ажамдан Кавказ тизмалари қадар яраланган шер бўлиб наъра тортди. Аксинча, улар бутун кучларини мўғулларга қақшатқич зарба беришга эмас, Жалолиддинни йиқитишга йўналтиравердилар. Фитна-фужурлар, кети кўринмаган ғаламисликлар, адоқсиз жангу жадаллар Султон Жалолиддиннинг дийдасини қотирди, шафқатсиз ҳолатларни содир этишга, гоҳида адолатдан чекинишга мажбур қилди. Шарқ ва Кичик Осиёнинг ҳукмдорлари, ноиб ва ҳокимлари тутган душманлик сиёсати Султон Жалолиддин учун қилич билан иш кўриш, қон тўкишдан ўзга йўл қолдирмади. Адоқсиз урушлар, қон тўкишлар майдонига мажбурий тортдилар. У қайси томонга қараб юрмасин, камдан-кам ҳолатлар бундан мустасно, қилич ва найза ўқталиб кутиб олиш юқорида қайд этилган ҳукмдорларнинг одатий сиёсатига айланди. Оқибат темирдай мустаҳкам, пўлатдек тобланган, арслондай ҳайбатли инсон Жалолиддиннинг тинкасини қуритувчи, руҳий синдиришга йўналтирилган, нафас олиш имкониятини бермайдиган боши берк кўча томон сиқиб бориш, ҳолдан тойдириш, хиёнат йўли билан ундан қутулишга келишдилар. Султон Жалолиддиндек буюк саркардани йўқ қилишдек ёвуз мақсад барча ёвуз кучларни бирлашиб ҳаракат қилиш сари ундади. Даҳшатли кучлар мўғуллар ва халифалик, Кичик Осиё ҳамда Кавказ ҳукмдорлари Султонни доиравий ҳалқасимон қуршовга олиб, унинг ҳарбий-сиёсий фаолиятига бутунлай нуқта қўйиш режаларини пухта ишлаб чиқдилар. Жалолиддиннинг Двин ва Гарнидаги ғалабалари бу режаларни амалий ҳаракатларга кўчиришларини янада тезлаштирди. Ўнлаб мамлакатлар ҳукмдорлари қазиган бу чоҳ фақат Султон Жалолиддин учун эмас, сал кейинроқ уларнинг ўзлари учун ҳам қора гўр вазифасини ўтади. Доно боболар: „Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушарсан“ деганларидек, Жалолиддин Мангубердининг Двин ва Гарнидаги катта ғалабаси ғарбу шарқнинг кўплаб тарихчилари эътиборини тортди. Аввало гуржи солномаларида ҳар томонлама чуқур ёритилди, таҳлил этилди. Улардан айрим парчаларни келтириб ўтамиз. Манбаларда қуйидаги битиклар мавжуд: „Малика Русудана хоразмликларнинг ўз мамлакатига бостириб келаётганлигини эшитганда мағриб ва машриқдаги қўшинларини чақиртирди. Унга отабек Иванени лашкарбоши қилиб тайинлади ва мамлакат байроғини тутқазди. Хоразмликлар Гарнига ўз қароргоҳларини тикдилар. Уларга қарши жойга малика Русудана қўшинлари жойлашди. Отабек Иване



қўшин илғорига ака-ука лашкарбошилар Иване ва Шальва бошчилигидаги лашкарни қарши қўйди.

Гуржилар ва Султон қўшинларининг илғори бир-бирига яқинлашганда отабек Иване жанг қилишдан бош тортди. Гуржиларнинг илғоридаги лашкарлар унга чопар жўнатиб, ёрдам сўрадилар. „Бизлар Султон лашкарига яқинлашдик. Олдимизда эса қонли кураш турибди. Сизлар бизларга бундай пайтда тез ёрдамга келишларингиз керак“. Улар икки-уч марта кетма-кет чопар жўнатдилар. Лекин отабек Иванедан ака-ука лашкарбошиларга жавоб келмади. Ахалсилик лашкарбошилар Иване ва Шальва мард, ботир саркардалар эди. Улар Султонга қарши жанг бошланиш арафасида ёрдам ололмаё аламзадалик билан жангга кирдилар. Ниҳоятда оғир ва талафотли жанг бўлиб ўтди, ҳар икки томондан ҳам кўплаб лашкарлар ҳалок бўлди. Отабек Иване ва гуржи лашкарлари бу жангни кузатиб турдилар, лекин ўз одамларига, юртдошларига ёрдам бермадилар. „Айтишларича, — дейди тарихий асарида К. Цховреба — отабек Иване бу жангда қўрққанидан эмас, ахалселик лашкарбоши Иване ва Шальвага аввалдан хусумати бўлганлиги учун жангнинг боришини ташқаридан кузатувчи сифатида туриб, уларга ёрдамга бормаган.

Жанг қизиган пайтда ҳар икки лашкарбоши Иване ва Шальванинг отлари ўлади, натижада улар пиёдалар сафига кириб жанг қиладилар. Ахалсиликлар қиличи сингач гуржилар қочадилар“.

Шунингдек, арман тарихчиси Себастици ҳам жанг қаттиқ бўлганлиги, бироқ гуржи қўшини Султон Жалолоиддин лашкардан қақшатқич зарба еганлигини шундай тасвирлаган эди: „Гуржи лашкарбошиси Иване қўшинларини йиғиб Жалолоиддинга қарши юрди. Иване Худонинг қаҳрига йўлиқди. У Гарни шаҳарчаси яқинида мағлубиятга учради. Қўшинларининг аксарият қисми қоя тошларга урилиб, даралар бағрида ҳалок бўлди“. Жалолоиддин Мангуберди ғалабаси довуғи, ҳатто узоқ Европа жанубидаги албан ҳудудларигача етиб борди. Албан тарихчиси Киракос Гандзакеци Гарни жанги ҳақида шундай битиклар қолдирган эди: „Иване кўп миқдорда қўшин йиғиб Султон Жалолоиддинга қарши курашга бел боғлади. Султон Котайк вилоятига келди. Иване ҳам ўша ерга иберлар қўшинини бошлаб борди. У хоразмликлар лашкарини кўриб ваҳимага тушди ва шу ерда тўхтади. Султон Жалолоиддин эса қўшинини унинг лашкарига бақамти олиб келди. Иберлар князларидан Шальва ва унинг укаси Иване мард, жангларда синалган, шуҳрат қозонган лашкарбошилардан бўлиб, бошқа лашкарларга қарата бундай деди: „Бизлар жангга кирамиз, сизлар эса шу ерда кутиб туринглар. Агар бизлар уларнинг бирор қисми лашкарини орқага чекинтирсак, бас ғалаба биз томон бўлади. Шунда сизлар ҳам жангга киринглар. Агар улар бизларни мағлуб қила бошласа, унда сизлар қочинглар, ўзларингизни қутқаринглар“. Улар жангга кирдилар, жанг борган сари шиддатли тус олиб, оқибат Султон лашкарининг қўли баланд кела бошлагач, иберлар қоча бошладилар ва Гарни қалъасидан тепадаги дарага қараб чекиниб, яширинишга киришдилар. Бундан хабар топган Султон Жалолоиддин лашкари уларни таъқиб қилишга тушди. Уларнинг кўпчилигини қириб ташлади ва бир қисмини қоядан улоқтирди.“ Яъни гуржи лашкарларининг кўпчилиги қоя томон чекинар экан, оқибат чекинадиган жой қолмагач, гуржиларнинг ўзларини тик қоядан ташлашдан ўзга чора ва йўли қолмади. Гарни яқинидаги жанг 1225 йил август охирлари ва сентябрь бошларида бўлиб ўтар экан, ўрта аср машҳур тарихчиларидан Ибн ал-Асир маълумотига кўра, бу жангда гуржилар тарафидан 20 мингдан ортиқ лашкар ҳалок бўлган, қолган қисми асир олинган.

Бу асирлар орасида ўндан ортиқ гуржиларнинг таниқли лашкарбошилари, жумладан, Шальва ва Иване ҳам Султонга тамомила таслим бўлган. Султон олдига олиб келинган Шальвага Жалолоддин шундай дея мурожаат қилган: „Қани, сенинг мақтанган кучинг ва қудрати тенгсиз зулфиқоринг қани? Қани, бу қиличнингнинг ҳаммани ҳайратга солувчи зарбалари?“ Шунда у: „Бу борада омад юлдузи Султонга кулиб боқди“, — деб жавоб берди. Гарни яқинидаги ғалаба Жалолоддинга гуржилар пойтахтига борадиган йўлнинг очилишини таъминлади. Уларнинг машҳур саркардалари лашкарлари билан тор-мор этилгач, қиролича Русудана сарой амалдорлари билан ғоят мураккаб вазиятга тушиб қолган эди. Нима қилса Хоразмшоҳни тўхтатиб қолиш мумкин? У икки йўлдан бирини танлаши лозим эди. Биринчи йўл Жалолоддин билан сулҳ тузиб, унинг никоҳига кириб, гуржи, арман ва абхаз қўшинларининг ихтиёридаги кучлар билан барчасини Жалолоддин ихтиёрига топшириб, мўғуллар ҳужумини даф этиш йўлида бирлаштириш эди. Жалолоддин Мангуберди гуржилар маликаси-ю, унинг сарой аҳлидан айнан шуни талаб қилаётган эди, буни қон тўкишларсиз амалга оширишни истаётган эди.

Иккинчи йўл эса Жалолоддинга қарши бўлган Кичик Осиёдаги ҳукмдорлар билан иттифоқ тузиб, Султон билан яна қонли жанглар олиб боришдан иборат эди. Малика Русудананинг шахсан ўзига қолса Жалолоддин билан ҳамкорликни қай йўсинда бўлса-да мустаҳкамлаш мақсади йўқ эмасди. Аммо ўзларининг куч-қудратига ортиқча баҳо берган машҳур гуржи саркардалари қиролича Русуданани Султон билан муносабатларини фақат қилич билан ҳал қилишга ундади. Шундагина маликани қўллашга аҳд қилишди. Бири олиб, бири қўйиб жангда гуржилар байроғи ҳилпираб, зафар кучишларига қироличани ишонтирдилар. Кичик Осиё ҳукмдорлари албатта ёрдамга келишини таъкидладилар. Натижада Русудана қайтадан оммавий сафарбарлик ўтказиб, тезда Двин ва Гарнидаги талафотларнинг ўрнини тўлдириб, лашкарлари сонини аввалги ҳолатидан ҳам ошириб, йирик шаҳарлар бўлган Тифлис ва Кутаисини сақлаб қолиш ва Гуржистоннинг Жалолоддин эгалламаган ҳудудларида ўз ҳукмронлигини давом қилдириш мақсадида ҳаракат қилади.

Шошилич чоралар кўриб, янгидан тузилаётган қўшинга қўмондон қилиб таниқли саркарда Иване Мхаргдзеленинг ўғли Авакни тайинлайди. Малика Авакни тайин қилар экан, у Султон Жалолоддиндан лашкарбоши отаси учун қасос олади ва ўзининг мавқеини мустаҳкамлаб олиш имкониятидан фойдаланиб жон-жаҳди билан жанг қилади, деган фикрда эди.

Жалолоддин Хоразмшоҳ қалтис бир ишга қўл уради. У Авак билан юзма-юз учрашишга қарор қилади. Учрашув жойи қилиб Бжни қалъасини танлайди. Султон қўшинини қалъа ташқарисиди қолдириб, хос соқчилари билан унинг учун очилган маҳсус дарвоза орқали қалъага кириб келади.

Мақсад кейинги қон тўкилишларнинг олдини олиш эди. Музокара жуда ошкора руҳда олиб борилади. Учрашув чоғида Жалолоддин Хоразмшоҳ Авакка қуйидагиларни таъкидлайди: „Мен Гуржистонга уни талон-тарож қилиш мақсадида келмаганман, тинчлик асносида ҳамкорлик учун келдим. Лекин сизлар негадир тезликда қуролланиб, менга қарши чиқдингиз. Шу боис тинчлик ҳақидаги ният мен учун фақат орзу бўлиб қолди. Сен ҳозир гуржилар давлатининг асосий вазири ва ҳарбий ишларига масъул экансан, гапимга диққат билан қулоқ сол, эшит. Сен менинг аждодларим, мамлакатимнинг улуғворлиги ҳақида эшитмаганмисан? Мен улуғ ҳукмдор Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғлиман, аммо омад хоразмшоҳлардан юз ўғирди. Юртимизни сақлаб қола олмадик.

Қаерда бўлмасин Чингизхондан мағлуб бўлдим. Натижада унинг кучли, ўзимнинг эса кучсиз эканлигимни билганимдан сўнг, мамлакатни ташлаб, Гуржистонга тинчлик истаб келдим. Мен сизларнинг мамлакатингиз қудрати, гуржиларнинг матонатли халқ эканлигини эшитганман. Эндиликда эса биз ўзаро ҳамкорлик қилиб, душманга қарши биргаликда курашишимиз керак. Эшитишимча, сизларнинг ҳукмдорингиз аёл экан. Уни менга хотинликка беринглар. Мен сизларни ҳукмдорингиз бўлай, ана шунда душманларимизга қарши биргаликда курашамиз. Қудратли куч бўлиб бирлашсаккина мўғулларни албатта мағлуб қиламиз. Агар бунга рози бўлмасангизлар, мамлакатларингиз тез орада хонавайрон қилинади. Бу ишни мен қилмаган тақдиримда ҳам мўғул-тоторлари қилиши аниқ. Сизлар асло уларга бас кела олмайсизлар. Кучларни ягона иттифоқ қилиб бирлаштира олсак, албатта, уларни мағлуб қилиб, омонликда қоламиз. Акс ҳолда барчамиз қирилиб кетамиз. Улар билан мендан кўра кўп олишган ҳукмдор йўқ, шундай экан фурсатни қўлдан бермай ундан фойдаланиб қолинглар. Кейин кеч бўлади. Сўнгра уларнинг йўлини тўсиб тўхтатиб қоладиган куч ҳеч қаердан топилмайди. Шундай экан менинг таклифимга кўниб, ҳукмдорингизга тезда чопар юборинглар, яқин орада тоторлар чигирткадек юртингизга ёпирилади. Уларнинг ҳужумига сизлар мутлақо бардош беролмайсизлар. Улар Шарқдан йўналган тўфон ва офатдир. Ўртадаги ишончсизлик говларини олиб ташлаб, қўлни қўлга бериб, бир жон, бир тан бўлиб курашсак, бу тўфонни даф қиламиз. Акс ҳолда ҳамма нарса бой берилади. Қуллик сиртмоғи асрий бўйингизга солинади. Ақл ва ишонч билан иш кўринглар. Қатъий сўзим шу, яна тақрор айтаман, мен Гуржистонни босиб олишни истамайман, уни сизлар билан бир мушт бўлиб бирлашиб душманлардан ҳимоя қиламан. Ана шундагина тинчлик ўрнатилади.“ Қартлис Цхобреба битикларида Жалолоддиннинг гуржиларни ҳарбий-сиёсий иттифоқликка чақириб қалбдан отилиб чиққан бу сўзларининг нақадар тўғри ва ҳақиқат нидоси бўлганлигини тарих тасдиқлади. Бу ҳақли чақириққа Кавказнинг юксак чўққилари акс садо берса-бердики, гуржи ҳукмдори Русудана ва унинг узоқни кўра олмаган лашкарбоши ҳамда сарой аҳлларидан одил жавоб чиқмади. Жалолоддиннинг бу ҳақ сўзлари Эльбурсни ларзага солса-солдики, лекин малика ҳукмдорнинг қулоғи ҳақиқатни эшитишдан ожиз қолди. Гуржи ҳукмдорлари ва халқи ҳам орадан икки йил ўтмай Жалолоддин астойдил истаган ҳарбий-сиёсий иттифоқни рад қилганларининг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азоб-уқубат ва бемисл қирғинига дуч келди. Бу офат ва тўфон Хоразмшоҳ Жалолоддин огоҳ қилган мўғулларнинг даҳшатли босқини бўлди.

Гуржилар маликасига Авак Султон Жалолоддиннинг таклиф ва талабларини етказиш учун чопар жўнатди. Жалолоддин гуржиларнинг аниқ жавобини эшитиш ва шундан кейин қатъий бир қарорга келиш учун ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб кутишга жазм қилди. Худди шу пайтда Табриздан нохуш хабар келди. Султон Жалолоддиннинг вазири Шарафулмулк Табриз шаҳри раиси томонидан ўзига суиқасд тайёрлаб уни ўлдиришга ҳаракат қилгани ва Султонга қарши исён тайёрлаётганлигини билдирган эди. Аслида вазирнинг бу иши раис ва шаҳар қозисига нисбатан бўхтон ҳамда туҳматомуз ҳаракат бўлиб, Жалолоддинни асосий ишлардан чалғитиш, бегуноҳ инсонларни жазолаб, уларнинг мол-мулкани тортиб олиш учун вазирининг фирромона мақсадда қилинган адолатсизлиги эди. Шунини таъкидлаш жоизки, Озарбайжон ва Фарбий Эрон Султон Жалолоддин томонидан эгаллангандан кейин вазири Шарафулмулк Хоразмшоҳнинг кўзини шамғалат қилиб, мансабини суиистеъмол қилар, Жалолоддиннинг ишларига усталик билан зиён етказар, натижада Султоннинг давлат ишлари бошқарувида

муаммолари кўпайиб борар, уларни тўғрилаш ва йўлга қўйишга Жалолиддин жуда кўп куч сарфлар, жанглاردан-жангларга уланиб кети кўринмаётган машаққатли кунлар Жалолиддиннинг тинкасини қуришиб, метиндай иродасини заифлаштириб, асабларини қакшатиб, емириб борарди. Мол-мулкка муккасидан кетган, феъли айниб, ўз мавқе ва обрўсини оширишга ҳар қандай йўллар билан интилаётган вазир Шарафулмулк Жалолиддин Мангубердига таянч бўлиш ўрнига унинг ҳарбий-сиёсий ишларининг таназзул томонга кетиши йўлида зимдан иш олиб борарди. Шу қора мақсад ва ниятларини қанчалик пинҳоний амалга оширишга уринмасин, бир куни фош бўлиши аниқ эди. Султон Жалолиддин вазирга нисбатан ишончсизлик ва гумондорликни аввал сир сақлади. Жуда аниқ, рад қилиб бўлмайдиган далилларга эга бўлгунча сукут сақлади. Бироқ вазир қора ниятлари фош бўлгунча ҳам Жалолиддинга катта зиён-заҳматлар етказишга улгурди. Султон Жалолиддиннинг ҳарбий-сиёсий, дипломатия соҳасидаги сув ва ҳаводек зарур бўлган ғалабаларини шамолга совурди, йўққа чиқарди. Натижада Кичик Осиёнинг қудратли ҳукмдорлари билан тузиладиган битим битай деб турганида барбод бўлди.

Вазир берган навбатдаги хабар Жалолиддин Мангубердига жуда ёмон таъсир қилди. Негаки, Табризнинг энг мўътабар, ҳақиқатгўй дея эътироф этилган раиси Низомиддин ва қози Шамсиддин ат-Тугроийлар Султонга садоқат билан хизмат қилишга, уни доимо қўллаб-қувватлашга қатъий сўз берган эдилар. Айни пайтда мамлакатнинг ташқи сиёсатида Жанубий Кавказдек ғоят оғир масала ҳал бўлаётган бир пайтда қимматли вақтни йўқотиб, исён масаласи билан шуғулланиш кўп муҳим ишларни янада мураккаблаштириб юборарди. Шу боис Жалолиддин ғазаб отига миниб Табриз томон йўналди. Табриз Озарбайжон ва Ғарбий Эронда Жалолиддин тузган давлатнинг пойтахти ҳисобланарди. Шунга кўра, бу муаммони бир дақиқа ҳам кечиктирмасдан ҳал қилиш лозим эди.

Султон Табризга кетиш олдидан амирларидан бирини Гуржистонда қолдирилаётган қўшинга бош қилиб тайинлар экан, абхазлар юртига ҳужум уюштириб, ғалабаларни мустаҳкамлаб туришни топширди.

Сўнгра кеча-кундуз тиним билмай от суриб Табризга кириб келди. Шарафулмулк Султон келгунча туҳматларни гўё чин тарзда исботлайдиган, ўзига ўхшаган мол-дунё деса ҳар қандай ёлғон сўзларни ростга чиқариб берувчи кимсалардан гувоҳлар тайёрлаб қўйган эди. Ан-Насавий уларга: „Одам қиёфасидаги шайтонлар эди, фақат Оллоҳ уларга шайтоний қиёфа, бош ва дум бермагани“, — деган таърифни берар экан, муаррих жуда ҳақ эди. Султон Жалолиддин вазир сўзига ишониб одил инсон, раис Низомиддинни етиб келибоқ қатл қилди. Қози ат-Тугроий банди қилинди. Юз минг динордан ортиқ мол-мулк маблағини Шарафулмулк мусодара қилар экан, Жалолиддин Мангуберди хазинасига фақат ўттиз минг динорини ўтказиб, қолган етмиш минг динорини шахсий манфаати йўлида ўзлаштириб юборди. Вазир ат-Тугроийни ҳам раис каби қатлга буюришни истаб, унга эришиш учун Султондан фармон чиқартириб олишга анча куч сарфлади. Бироқ эриша олмади. Султон уни сургун қилиш билан чекланди. Ат-Тугроий Мароғага жўнатилди. Бу кўнгли пок инсон Мароғадан Ирбил орқали Бағдодга, ундан эса Каъбатуллоҳга кетди. 1227 йил декабрида Каъба ҳажчилар билан тўлган маҳалда: „Ҳой мусулмонлар! Ҳамма мўминларга яхши маълумки, Оллоҳ учун мана шу жойдан муқаддасроқ маскан йўқдир. Ва мана шу кундан ҳам улуғроқ кун ҳам йўқ. Шунга кўра муқаддас Қуръони Каримдан буюкроқ китоб ҳам йўқ. Шу сабабли

мен мана шу учта нарса — муқаддас жой, муқаддас кун, муқаддас китоб ҳурмати қасам ичиб айтаманки, Шарафулмулк томонидан зиммамга қўйилган барча айблар ёлгон ва бўҳтондан бошқа нарса эмас! Бу сўзларни Олоҳ номига қасам ичиб айтаман.“ Йиғилганлар орасида Султон амалдорлари вакиллари ҳам бўлган эдилар. Улар ат-Туғройни танир эдилар. Шу боис унинг Каъбатуллоҳда ичган қасами Жалолиддинга етиб келади. Шунда Султон Қуръони Каримнинг қуйидаги оятини эсга олиб, ат-Туғрой ва Табриз раиси Низомиддинга қилган фармони хатолик бўлганидан ғоят афсусланди, виждони қийналди. Яхшиямки, илоҳий оятлар бандасини хато қилмаслик ёки қилинган хатоларни такрорламасликка ундаб гуноҳлардан қутқаради, огоҳ қилади, ҳидоятга йўллаб, хом сут эмган бандаларини тўғри йўлга бошлайди. Оят: „Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сизлар билмаган ҳолингизда бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун аниқлаб, текшириб кўринглар“. Султон Жалолиддин ўз хатосини тўғрилаш учун Каъбатуллоҳга махсус топшириқ билан ўз одамини жўнатди. У ат-Туғрой билан учрашиб Султоннинг уни ҳузурига чорлаётгани ва унинг мавқеини тиклаганлиги ва мусодара этилган бойлик ва мол-мулкларини қайтариш тўғрисидаги фармондан воқиф қилди. Ат-Туғрой Султон саройига қайтиб, турли муаммоларни ҳал этишда маслаҳатчи сифатида машваратларда фаол қатнашадиган бўлди. Султон Жалолиддинга яна садоқат билан хизмат қила бошлади.

Султон Табриздаги сиёсий масалаларни йўлга қўйгач, Озарбайжон ва Ғарбий Эрондаги машҳур олиму фузало, шоир ва илм, санъат вакилларидан ўтгиздан ортиқ илму урфон арбобларини тўплаб, уларнинг ҳар бирининг фан, маърифат, иқтисод бобидаги ваъзларини сабр-тоқат билан эшитди. Халқ аҳволини яхшилашга доир фикрларини тинглади. Уларнинг ҳар бирининг аҳволини адолат билан эшитди, давлат ҳомийлигига олди. Солиқлар хусусида ҳам халқ манфаатларини кўзлаб иш тутди. Натижада Султон Жалолиддин сиймосида унинг фуқаролари адолатпарвар ҳукмдор турганлигини тушуна бошладилар. Давлат, ҳукмдор ва фуқаролар ўртасида ишонч ришталари мустаҳкамлана борди. Султон Жалолиддин озар ва эрон халқлари, шунингдек, шарқ халқлари нигоҳида мустақиллик учун бемисл курашчи, адолат ҳимоячиси, шарқ оламининг буюк саркардаси сифатида намоён бўла бошлаган эди.

Жалолиддин Мангуберди Табризда турар экан собиқ Озарбайжон ҳукмдори Ўзбек отабегига қарашли қатор қалъа ва шаҳарларни ўз мулкига қўшиб олишга ҳаракат қилди. Саркардаси ва қариндоши бўлган Урхонни Бойлакон, Барда Шомхур ва Шутурни қўлга киритиш учун жўнатди. Ҳатто Ўзбек отабеги қочиб паноҳ топган Ганжа шаҳрини эгаллашга кўрсатма берди. Урхон топшириқни бажариб, шаҳар ва қалъаларни забт этди. Шу тариқа саркарда Урхоннинг обрўси Жалолиддин ва унинг сарой амалдорлари олдида тобора ошиб борарди. Урхон истеъдодли саркарда бўлиши билан бирга, зийрак ва огоҳ, шунингдек, чўрткесар феълли инсон эди. Вазир Шарафулмуллка ботиниб сарой амалдорлари орасидан фақат шу амиргина ҳадиксирамай қарши фикр айта оларди. Ан-Насавийнинг ишончли маълумотига кўра, улар иккиси ўртасида келиштириб бўлмайдиган зиддият, гоҳ очиқ, гоҳ пинҳоний курашлар давом этган. Чунки Урхон вазирнинг фирромликлари, давлат ишларидаги хато-камчиликлари, Султонга фириб беришдаги алдовларини қоралар, очиб ташлар эди. Аммо Шарафулмулк ҳам жуда устомон ва ҳийлакор, илоннинг ёғини ялаган, истаган ҳолат ва вазиятда сувдан қуп-қуруқ чиқиш йўлини биладиган амалдор эди. Нима қилганда Жалолиддинга маъқул бўладиган

йўлларни яхши биларди. Жалолиддин эса узлуксиз жангу жадал билан банд бўлар, асосан, бошқарувдаги ички масалалар, айрим ҳолларда ташқи муносабатлар ҳам вазир ҳукмига ҳавола қилинар, худди шундай ҳолатларда ўз шахсий манфаатларини давлат ва Султон Жалолиддин Мангуберди манфаатларидан устун қўйиб, шахсиятпарастликка бериларди. Вазирнинг бу қора ниятларидан анча хабардор саркарда Урхон Шарафулмулк тўғрисидаги бор ҳақиқатни Султон Жалолиддинга етказиладиган вақт пишиб етилди, деган фикрга келган эди. Урхон эгаллаган ерларда тартиб ўрнатиш, бу ерларни Султон мамлакати таркибига киритиш ишлари билан жиддий банд бўлиб, афсус Табризда турган Жалолиддинга ўз вақтида айтишга улгурмади. Фақат жангу жадаллардан бир фурсат бўшаган саркарда Урхон қисқа мактублар битиб, Бош вазирнинг давлатга зиён етказувчи хатти-ҳаракатлари тўғрисида баъзи бир мулоҳазаларини Жалолиддин Мангубердига билдириб қўйиш билан чекланар эди. Авваллари буни Султон Жалолиддин Бош вазир ва ўз саркардаси Урхон ўртасидаги шахсий зиддиятларнинг бир кўриниши дея фикрлаб, бу мактубдаги маълумотларга унчалик эътибор бермади. Султон бутун диққатини бир томонда Кавказ масаласига, иккинчи тарафдан эса унинг олдида жиддий ҳарбий-сиёсий муаммо бўлиб турган исмоилийлар, шунингдек, Араб халифалиги билан бўладиган муносабатлар ечимига қаратган эди. Бошқа бир томондан Эроннинг турли ўлка ва вилоятлари ҳукмдорларининг вазиятга қараб тарозининг оғир томонига ўтиш сиёсатлари Султон Жалолиддинга кутилмаган ташвишларни туғдирарди. Султон Жалолиддин шундай бир вазиятда фаолият юритдики, у олов ёниб турган ҳудудлар бўйлаб от сурар, кучларни тўлдириш, нафасни ростлаб олиш тушунчаларидан тобора узоқлашиб борар, бу бемисл инсон тақдирига тоғу тошлар бардош беролмайдиган битик битилган эдики, бу битиклардан ватан тарихининг ҳам қонли, ҳам шонли саҳифалари вужудга келмоқда эди.

Жалолиддин Мангуберди Чингизхон босқинини ҳеч бўлмаганда Кавказ тоғлари остонасида тўхтатиб қолишга умид билдириб, нима қилиб бўлса-да, шу ҳудудда таянч истеҳком ҳосил қилиш орзуси билан яшади. Кавказ халқларини ўзига ҳарбий-сиёсий иттифоқ бўлиб ҳаракат қилиш йўлини қидираверди. Агарда бу ҳудуд ҳукмдорлари Султон Жалолиддиннинг узоқни кўзлаб қилган таклифларини қабул қилганларида эди, Шарқ ва Кавказ халқларининг мўғуллар асорати ва қуллигига тушаётган аянчли тақдир бутунлай бошқа йўналишга — озодлик ва адолат тантанаси сари бурилиб кетган бўларди. Султон Жалолиддин учун араблар дунёсида ҳам, Кавказ ҳудудида ҳам сиёсий йўллар билан тил топишиб, ўзаро ҳамжиҳатликда мўғулларга қарши зарба бериш имконияти тобора йўққа чиқа борди. Натижада тинч-тотувликда ҳал этиладиган эшиклар бекитилиб, улар билан ҳам сўнг сўзни айтиш фақат қиличга қолди. Султон ҳам, унинг мухолифига айланган юқорида қайд этилган ҳудуд ҳукмдорлари ҳам ушбу кўтарилган қиличлар зарбидан ўнглаб бўлмас талафотлар билан чиқдилар. Иттифоқчи бўлиши лозим бўлганлар ўртасида уруш оловининг чиқиши уларнинг барчаси учун келгусида фалокатлар, фожиалар дебочаси бўлди. Уни фақат Султон Жалолиддингина тушуниб етди, калтабин ҳукмдорлар ўз халқини не-не жабру жафоларга йўлиқтириш йўлидан кетаётганлигини ўйлар экан, сўқир сиёсатчилар, саркардалар ўз мамлакатини неча юз йиллар таназзул ботқоғига ботириб, келажак авлодларнинг абадий қарғишу нафратига гирифтор бўлишини ўйлаб дард-алам чекди. Адолат ва озодлик учун курашнинг минг бир азоб-уқубатли йўлидан бораверди. Сўнгги нафасигача бир қўлида мардлик қиличини, иккинчи қўлида давлатчилигимизнинг тарихий рамзи бўлган Хоразмшоҳлар салтанати

байроғини мағрур кўтарар экан, буюк мақсад сари интилишдан заррача чекинмади. Ана шундай мураккаб ҳарбий-сиёсий вазиятларда ҳам Султон Жалолиддин Табриздалик чоғида Озарбайжон ва Фарбий Эронда барпо қилаётган ўз давлатини мустаҳкамлаш юзасидан қатор тадбир-чоралар кўрди. Бу ҳудудларда сийсий ҳукмронликни қўлга киритгунга қадар Озарбайжон ва Аррон вилояти, унинг атрофи Ўзбек отабеги ҳукмронлиги остида эди. Унинг хотини машҳур салжуқий сулоласи ва салжуқийларнинг охирги вакили Султон Туғрул II нинг қизи эди. У ёшлигидан сарой муҳитида ўсиб-улғаяр экан, давлатни бошқариш сиёсатидан яхшигина хабардор эди. Ўзбек отабеги давлат ишларини юритиш, ички ва ташқи сиёсатидаги масалаларни ечишда кўпинча малика маслаҳатларига эҳтиёж сезарди. Шу боис бора-бора сиёсий ҳаётда маликанинг мавқеи ошиб, амалда у тахт соҳибасига айланиб бўлган эди. Шу боис Жалолиддин Мангуберди Озарбайжон ва Арронни эгаллаш чоғидаги ҳарбий-сиёсий масалаларни Ўзбек отабеги билан эмас, балки малика билан кўриб ҳал қилишга катта эътибор берди. Султон Жалолиддин Табризни қамал қилиб олишга жазм этиб, ҳужум бошлар экан, малика саркарданинг шерсифат ҳаракатлари, бемисл мардликларини ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилиш учун қамал авж палласига чиққан маҳалида қалъа девори тепасига чиқиб Султон ҳаракатларини кузата бошлайди. Жалолиддиннинг жанг майдонида тенгсиз баҳодирлигига тан беради. Эри Ўзбек отабегини жонини омон сақлаб қолишга ундаб, мустаҳкам Ганжа қалъасига бориб жон сақлашни маслаҳат беради. Ўзи эса охирги нафасигача мудрофаачиларни жангга илҳомлантириб Табризни ҳимоя қилишини билдиради. Аммо эри Ганжага кетгач, воқеалар бориши тубдан бошқача тус олиб, Султондан ҳужумни тўхтатиб музокарага тайёрлигини маълум қилади. Малика ўз элчиларини Султон ҳузурига жўнатар экан, элчилар таркибидаги маликанинг ишончли канизаклари унинг Жалолиддинга кўнгли тушиб, ишқ савдосига дуч келгани ва Табризни Султонга топширишга азму қарор қилганлигини айтадилар. Султон Жалолиддин шарият аҳкомларини қаттиқ ҳурмат қилганлиги учун маликанинг ўз эридан ажралганлиги ҳақидаги, талоқ қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқий ҳужжат талаб қилади. Негаки, Султон Жалолиддин эл кўзи олдида ўзга ва мағлуб ҳукмдорнинг жуфти ҳалолини зўрлик билан тортиб олди қабалидаги нохуш хабар тарқалишини асло истамайди. Бинобарин, буни исломдаги оилавий ҳуқуқ муносабатлари ҳам оқламас эди. Султон Жалолиддин маликанинг Ўзбек отабегидан қонуний ажралмаганлиги тўғрисида ҳужжат ва далиллар етарли бўлмаса, ўз никоҳига оломаслигини эшитгач, малика уларни расмийлаштириш йўлларини қидирди. Ўша пайтда Табриз қозиси бўлган машҳур фикҳ олим Изиддин ал-Қазвиний маликанинг розилиги билан Ўзбек отабеги никоҳидан чиққанлигини эълон қилади. Бу ҳукмни Варзукон қозиси Камолиддин Аҳмад ибн ал-Азиз ал-Мароғий ҳам қўллаб-қувватлайди. Фақат бунга Изиддин ал-Қазвиний қўл остида хизмат қилаётган Табриз адлия девони қозиси Қавомиддин ал-Жидарий қарши чиқиб, отабек Ўзбек хотинига расмий талоқ ҳужжати бермаганлигини айтади. Анча можаролардан сўнг Султон маликани ўз никоҳига олди. Табриз аҳлига улар эр-хотин бўлганлиги маълум қилинди. Тўй тантана билан ўтди. Тўй маросимида иштирок этувчиларга малика ўз ҳисобидан тилла тангалар тарқатди. Келин ва куёв устидан олтин тангалар сочиш тадбири ҳам малика кўрсатмаси билан амалга оширилди. Салжуқий малика тўйга янада кўп сарф-харажатлар қилиб маросим шукуҳини ошироқчи эди, аммо Султон Жалолиддин бунга кўнмади. Малика кўнглини кўтариш учун Жалолиддин унга Солмас ва Урмиёни атрофидаги ҳудудлар билан қўшиб мулк қилиб берди. Бу вақтда Ўзбек

отабеги Ганжада ҳам кўнгли хотиржам бўла олмай Нахичевоннинг Олинжа қалъасига кетди. Унга содиқ бўлган вазири ас-садр Робибиддин ҳам у билан бирга кетади. Табриздаги воқеалардан анча узоқлашиб кетган Ўзбек отабеги вазиридан пойтахти ва хотини тақдири ҳақида маълумот олишни истайди. Вазир аниқ маълумотларга таяниб ҳукмдорига аччиқ ҳақиқатни етказди. Ан-Насавий бу ҳақда айнан вазир Робибиддин Султон муаррихига қуйидагиларни ўз оғзидан гапириб берганлигини шундай баён қилади. У ўзига хабар келтирувчидан сўради: „Никоҳ маликанинг ўз хоҳиши билан бўлганми ёки унинг истагига зид ҳолда амалга оширилдими?“ Хабар келтирган деди: „Тўй унинг ўз хоҳишига ва Султонга бир неча бор совчи юбориши натижасида бўлди. У аввалги никоҳни ўзи бекор қилдирди ва бу ишга бош қўшганларни муносиб тақдирлади“. Робибиддин ўз ҳикоясини бундай деб якунлади: „Шунда отабек Ўзбек бошини ёстиққа қўйди, унинг бирдан ҳарорати кўтарилди ва у бир неча кундан кейин оламдан ўтди“. Ушбу хабар Ўзбек отабегини қаттиқ руҳий азобга солди, натижада у офир хасталикка учради ва ҳаётдан кўз юмди.

## **ТИФЛИС УЧУН ЖАНГ. ЖАЛОЛИДДИН — КАВКАЗ ҲУКМДОРИ**

Султон Жалолиддин никоҳ ва тўйга тегишли маросимларни якунлаб, гуржилар юртига иккинчи юришни бошлашга қарор қилди. Негаки, гуржилар ҳукмдори Русудана Кавказдаги вилоят ҳокимлари, гуржи, арман ва абхаз саркардаларининг охиригача жанг олиб бориши, оқибатда ғалаба қозонишга бўлган ваъдаларига ишониб иш кўрди. Ўзларининг мустаҳкам тоғ чўққилари янглиғ бўй чўзган бир неча қалъаларига таяниб Султон Жалолиддинга қарши курашни давом эттиришга қарор қилдилар. Жалолиддин ҳам гуржи, арман, абхазларнинг бирлашган қўшинидан заррача ҳайиқмай лашкарини жангга тайёрлади. Шу тариқа Тбилисини шиддатли ҳужум билан олиш тадориги бошланиб кетди. Султон асосий кучларни Тбилиси яқинига тўплай бошлади. Аксига олиб, 1226 йилнинг январь ва февраль ойлари ҳар қачонгидан қаттиқ келиб, қиш рақибларнинг бир-бирига бўлган қаҳридан ҳам ўтиб тушди. Султон лашкарлари тоғ дарасида икки ой туриб қолар экан, одамларнинг қўл-оёқлари музлабгина қолмай, ҳатто отлар туёқлари ҳам музлай бошлади. Аммо Султон Жалолиддин қиш ва рақиб қаҳридан ҳам устун келиб қўшинни орқага қайтармади. Энди у гуржилар юртини бутунлай босиб олишга қасд қилган эди. „Улар менинг иттифоқчилик тўғрисидаги олижаноб ва энг мақбул таклифимни рад қилган эканлар, улар уруш, қон тўкиш тарафини қабул қилдилар, мен уни энди амалга ошираман. Улар шуни астойдил исташдим, демак, мен ҳам шуни уларга раво кўрганим бўлсин“. Шу тариқа кавказликлар Султоннинг Чингизхонга қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқ режасини барбод қилиб, таназзул ва ҳалокат йўлини танладилар. Минг афсуски, Жалолиддин Мангуберди лашкарлари ҳам бу жангларда катта йўқотишга учради. Негаки, ҳар бир тоғли ҳудудлар орқали Кавказ тизмалари доволаридан олиб ўтиш жуда мураккаб бўлиб, бу тез ҳарбий ҳаракатлар уюштиришга имкон бермас, устига устак, йўл-йўлакай тоғ тепаларида қурилган мустаҳкам қалъалар Султон қўшинининг илдам юришларига асосий ғов бўлар эди. Султон Жалолиддин вазири Шарафулмулкка Аракс дарёсининг Сурмарига яқин жойда кўприк қуришга кўрсатма берди. Ана шу пайтда гуржиларнинг Гарни ва Двин жангларида асир олинган машҳур саркардаларидан Шальва Султонга қарши жанг ҳозирлигини кўраётган бирлашган кавказлик лашкарини қисмларга Жалолиддиннинг Гуржистонга навбатдаги ҳал



қилувчи иккинчи юриши ҳақида хабар бериб огоҳлантирди. Бу Султон учун вазиятни янада мураккаблаштирди. Шу боис у Шальвани қатл қилишга фармон берди.

Султон Жалолиддин гуржилар юртига навбатдаги юриши давомида Кавказ тоғ тизмаларига кўп миқдорда қор ёғиб доvonлар орқали юриш ғоят қийинлашди. Бироқ Жалолиддин Мангуберди ҳарбий юришни тўхтатишни асло хаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, шиддатли ҳужум билан Тбилисини қамал ҳалқасига олди. Тбилиси остоналари ва деворлари остида аёвсиз жанг бошланди. Гуржилар, арман ва абхаз мудофаачилари жон-жаҳди билан Кавказнинг бош қалъа шаҳрини ҳимоя қилишга киришди. Қилич ва найзаларнинг бир-бирига урилиши-ю, томонларнинг ғазабнок ҳолатда қаҳр билан ташланишлари ҳамда азобли оғриқдан ҳосил бўлган бақирӣқ, чинқириқлар Тбилиси шаҳрини қиёмат майдонига айлантириб бўлган эди.

Хоразмшоҳларнинг кучли ҳужумига кавказликларнинг бирлашган қўшини бардош беролмай, шаҳар девор ва дарвозаларини рақибларига топширишга ҳамда қалъа томон чекинишга мажбур бўлди. Ҳар бир кўча ва хонадон учун шиддатли жанг бўлди. Шаҳарнинг катта қисми Жалолиддин лашкарлари томонидан эгаллангач, гуржи ва уларнинг иттифоқчилари бўлмиш абхаз ва арманлар ҳарбий қисмлари шаҳар ичидаги ўта мустаҳкам қилиб қурилган қалъа томон чекина бошладилар. Шаҳар билан қалъани Кура дарёси ажратиб турарди. Дарё катта бўлиб, у тезоқар эди. Бу эса уни жанг билан кечиб ўтишни қийинлаштирган. Шаҳар ва қалъани боғлайдиган ягона восита ёғоч кўприк бўлиб, шаҳар мудофаачилари қалъага чекинаётиб, ўзлари қалъага кириб олгач, кўприкка ўт қўйиб, уни ёқиб юбордилар. Натижада Султон Жалолиддин дарёни кечиб ўтиб ҳужум бошлагунча қалъадагилар фақатгина бир кун жон сақлашга муваффақ бўлдилар. Қалъа ҳимоячилари эрталаб Султон қўшинлари ҳужумга шай бўлиб, уларни ҳалқасимон тарзда ўраб олганлигини кўришди. Султон ҳужум бошлашга изн берди. Минглаб нарвонлар қалъа деворига тақалди. Жалолиддин бош ҳужумни шиддат билан бошлар экан, қалъа тепасида гуржиларнинг оқ байроғи ҳилпирай бошлаб, улар Султондан омонлик сўрадилар. Жалолиддин мудофаачилардан дарвозаларни очиш ва қалъа майдонига жамики жанговар қуроллар ҳамда қўшин байроқларини ташлашни талаб қилди. Қалъа мудофаачиларининг бу талабга қўнишдан бошқа иложи қолмади. Кавказнинг ҳукмдоридан тортиб лашкарбошилар, катта-кичик амалдор ва боёнлар — барчаси шу қалъа мустаҳкамлигига ишониб бойликлари, мол-мулкларини шу ерда сақлар эдилар. Қалъа ўзининг ҳарбий иншоотлигидан кўра кўпроқ Кавказнинг олтин-кумуш, қимматбаҳо бойликларини сақловчи бош хазина омбори вазифасини бажарарди. Жалолиддин буларнинг барчасини давлат хазинаси ҳисобига киритишни буюрди. Ан-Насавий Тбилиси (Тифлис)дан олинган бойликни шундай таърифлаган эди: „Бу ердан олинган нарсаларни ҳисоблаб чиқишга бармоқлар етмаслиги, уларни ёзиб олишга эса қоғозлар камлик қилиши аниқ эди“.

Тбилиси қалъа арки мудофаачиларнинг сўнгги таянч марраси бўлди. Бу ерда гуржиларнинг энг таниқли саркардаларидан бири Боцо мудофаани қаттиқ ушлаб туришга ҳаракат қиларди. Унинг қўл остида Кавказ баҳодирларидан иборат сара қўшин жанг қиларди. Аммо улар ҳам жанг давомида шунини аниқ англаб етдики, Жалолиддин уюштирган ҳужум худди баланд тоғ тепасидан шиддат билан ёпирилиб келаётган тошқин селидай ҳалокатли эди. Султон Жалолиддин ва унинг қаҳрга тўлган лашкари тоғликларни мағрурона янчиб ташлади. Буни қўмондон Боцо жанг авж алангасида бўлган пайтдаёқ ҳар қандай қаршилиқ бефойдалигини билди ва лашкарига қуролларни ташлаб

Арк ташқарисига чиқишга буйруқ берди. Мустаҳкам Арк ичидан ўн мингдан ортиқ гуржилар қилич, қалқон ва найзаларни ерга улоқтирган ҳолда турнақатор бўлиб чиқиб келдилар. Шу тариқа олиб бўлмас Исааки арки устида Жалолоддин Мангубердининг давлат байроғи ҳилпирай бошлади. Бу эса Жанубий Кавказ ерлари Султон тобелигига ўтганлигини билдирар эди. Султон Жалолоддин Озарбайжон ва Ғарбий Эрон халқларининг гуржи ва арман ҳамда абхазлар томонидан юз йиллар давомида аёвсиз босқинлар уюштириб, мусулмонларга доимий таҳдид солиб, азоб-уқубатлар келтирганлигини ҳисобга олиб, Тбилисида асир олинган гуржи ва арманларга битта шарт билан уларни озод қилишини маълум қилди. Бу шартга кўра, улар ислом динига ўтиши лозим эди. Улар аввалда асир олинган мусулмонларга ҳам христиан динига ўтиш шартларини қўяр эдилар. Жалолоддин „салом қандай оҳангда берилса, алик ҳам шу тарзда бўлади“ қабалида иш тутди. Албатта, ҳар бир халқ учун ўз дини, урф-одатларини ташлаб, бошқа бир диний мафкурага ўтиш — бу руҳий-маънавий жиҳатдан жуда оғир зарба ва, шунингдек, фожиа ҳам эди. Энди эса худди тарих такрорлангандай, бир вақтлар христиан дунёси ўтказган тазйиқ Тбилиси олингандан кейин гуржилар бошига тушди. Қасоскорлиги тутган Султон Жалолоддин худди шундай талабни асирларга ҳам қўяётган эди. Халқда ҳикматли бир гап бор: „Қайтар дунё, экканингни ўрасан“ деганларидек, навбат энди гуржиларнинг ўзларига етиб келганди. Асир жангчилар Кура дарёси устига қурилган кўприк томон ҳайдаб олиб келинди. Омон қолиш шартлари баланд овозда асирларга қайтадан уч марта такрорий эълон қилинди. Султон Жалолоддин: „Мен ҳеч қачон қўлда қуроли бўлмаган асирларга бундай мудҳиш жазони қўлламаганман. Ҳақиқий жангчи асирларга қарши қурол кўтармайди. Аммо мен озар халқига унинг Султони бўлгунга қадар, айнан сизлар томондан қилинган жабру жафоларнинг жавоби сифатида буни ўзларингга қайтармоқчиман“, — деди. Сўнгра берилган муддат тугагач, Султон буйруғи билан ўн минг гуржи асир жангчилари кўприк устида қатл этилди. Тиниқ Кура дарёсининг мовий суви қизил қон рангига кириб оқа бошлади. Бу азалдан давом этиб келаётган зиддиятларнинг сўнг сўзни айтиш қилич ва ғазабга қолганда мағлуб томон билан ғолиб томоннинг ҳисоб-китобни жойига қўйишнинг навбатдаги фожиавий кўриниши эди. Тарих бундай мудҳиш воқеаларга кўп марта гувоҳ бўлган.

Гуржи халқи бу ерда кечган қонли воқеани унутмади. Аждодлари қатлга тортилган бу машъум кўприк ҳодисасини хотирлаб, унга „ўн минг тифлислик шаҳидлар кўприги“ дея ном бердилар.


Султон Жалолоддин Жанубий Кавказни тўла ўзига бўйсундириш учун Тифлисни олгач, ҳарбий юришларини давом қилдирди. Натижада бирин-кетин Кавказнинг Сомхити, Картли, Триалсти, Самцхе, Тао, Жавахети, Артаани қалъа ва вилоятларини жанг билан эгаллади. Султон Жалолоддиннинг Кавказнинг Жануб томонларидаги ғалабаси ғарбий ҳудудларни забт этишининг чўққиси бўлди. Бу ҳам катта ғалаба бўлиши билан бирга, Султон Жалолоддиннинг кейинги давр ҳарбий, сиёсий ва дипломатик фаолиятида энг оғир ҳамда мураккаб ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўладиган воқеаларнинг кети кўринмас гирдоб майдонига олиб чиқди. Кавказнинг Жалолоддинга таслим бўлиши унинг ашаддий душманлари бўлган чингизийларни, Кичик Осиёдаги катта-кичик хукмдорларни ва Араб халифалиги-ю, ҳатто Миср султонларини ҳам Хоразмшоҳга қарши бирлашиб бош кўтаришларига сабаб бўлди. Энди улар Жалолоддинни йўлдан олиб ташламаса ўзларига на ҳузур, на ҳаловат бўлмаслигини тушуниб етдилар. Султон Жалолоддиннинг Кавказ ғалабалари шундоқ ҳам ҳаловат нималигини билмаган буюк

саркардани бўлма илондек ўраб олинган, чиқиб кетиш ҳеч бир инсон бандасининг қўлидан келмайдиган, бутун атрофи риж-риж душманлар ўровидан иборат майдонда ёлғиз қолдирди. Бу майдон шундай хавф-хатарга лиқ тўла эдики, жанг ва қон тўкишларнинг ниҳояси кўринмасди. Адолат ва озодликнинг қиличини кўтарган Жалолиддин Мангуберди қай томонга қарамасин, олчоқлар, иккиюзламачилар, сотқинлар ва азалу абад ўзини Султон рақибидеб ҳисоблаган рақибларининг уни оч бўридай рағишга тайёр турганлигини кўрди. Ажал сувига қўлини ювган саркарда улардан қўрқувга тушмади, заррача ҳайиқмади ҳам.

Ҳарбу зарб майдонида нафас олиш, ҳаёт кечириб саркарданинг кундалик турмуш тарзига айланиб бўлган эди. Ўзининг яна қанча йил яшаши, нафас олиши ва яна қанча имкон берилганлигининг тагига етолмаган Султон Жалолиддин бу парвардигорнинг илоҳий иродаси эканини ҳис қилар экан, аммо яратган ато қилган умрнинг ё узун, ёхуд қисқалигидан қатъи назар сўнгги нафасигача Ватан, эрк, озодлик ва миллат, эл-улус манфаати дея наъра тортишга аҳд қилган. Юртининг Султони, Ватанининг асл фарзанди сифатида курашади, курашаверади. У Ватанга бағишланган умрнинг зоя кетмаслигига қатъий ишонади, келгуси авлодлар уни дунё тургунча номини шон-шараф билан хотирлайди, Ватан учун хизматларини абадий эъзозлайди. Шундай экан, бу жангу жадал майдонларидаги даҳшатли, қирғинли ҳодисалар, ҳатто, шу йўлда ўлим ҳам муқаддас Ватан учун юз берар экан, бу оддий инсоний бурчдир. Озодлиги учун Ватанга жон миннат билан тикилмайди, балки фидойилик ва фақат ризолик, ихтиёрийлик билан берилади. Яшашдан олий мақсад шудир. Бу Султон Жалолиддиннинг ҳар бир инсоннинг яшашдан мақсад нима деб ўзига ўзи берадиган саволига фалсафий жавоби эди. Жалолиддин Мангуберди Кавказнинг жанубий ҳудудларида ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, ўз қонун-қоидаларини жорий қилди. Сиёсий ва иқтисодий тизимларни бир маромда ривожлантириш чораларини кўрди. Нархлар, солиқ ва бозор муносабатларини тартибга солишга киришди. Ўз номидан пул зарб қилдирди. Тарихчиларнинг манбаларда қайд қилишларича, гуржиларнинг аввалги қироли қанча пул зарб қилдирган бўлса, чиқарган пуллар қиймати улардан ҳам баланд бўлди. Бу тадбирлар гуржилар, умуман, Жанубий Кавказ ўлка ва вилоятлари иқтисодий ривожланишига ижобий таъсирини ўтказди.

## ЯНА КИРМОН ВА ПИРШОҲ МУАММОСИ

Султон Жалолиддин гуржилар муаммоси билан анча ушланиб қолганлигидан фойдаланган Ироқнинг йирик ҳудудий ўлкаси Кирмоннинг ноибиди, кейинчалик ҳақиқий ҳукмдорига айланган Бароқ Ҳожиб Хоразмшоҳга қарши исён ва фитна-фужур ҳаракатларини бошлаб юборди. Унга айғоқчилари ўз вақтида Жалолиддиннинг ҳарбий-сиёсий ҳолати ҳақида маълумотлар етказиб туришган эди. Шулардан муҳими Султон гуржилар билан курашда анча талафотлар кўриб заифлашганлиги, шунингдек, яқин орада бу ҳудудларни тарк этиши амри маҳоллигини англаб, ўзини мустақил деб эълон қилди ва Султонга хирож тўлашдан бош тортди. Бароқ Ҳожиб сиёсий-ҳарбий фаолияти давомида кўп ҳукмдорларни кўрган, жуда зийрак, тажрибали, шунингдек, истеъдодли ноиб бўлиши билан бирга, шухратпараст, ер тагида илон қимирласа биладиган, мақсадини амалга ошириш йўлида ҳар қандай разилликдан қайтмайдиган қасамхўр, хавфли шахс эди. Инсонлар ички руҳиятини яхши англай биладиган Жалолиддиннинг машҳур саркардаларидан Урхон Бароқ Ҳожибни Ҳиндистонни тарк этиб, Султон Ироқ сари



Жалолиддин Хоразмшоҳ Чингизхоннинг Бош қароргоҳига ёриб кирган пайти. Ўн минг кишилик махсус „Кешик“ лашкарий кўшин кўмондони Тўлихон отаси хоқонни ўлимдан зўр-базўр сақлаб қолган эди. Сўнгги имкониятдан фойдаланиб, Жалолиддин хоқон бошига сиртмоқ арқон улоқтирмоқда. 1221 йил 1 декабрь. Нилаб жанги.

юзланган йилдаёқ унинг баҳридан ўтиб юборишини айтган эди. Аммо Султон Жалолиддинга бошқача маслаҳат берган Хожаи Жаҳон номи билан танилган вазир Шарафулмулк келажакда Султон ҳокимиятини мустаҳкамлашда Бароқ Ҳожибнинг истеъдоди ва тажрибаси асқатади тарзида фикр бериб, уни қаттиқ ҳимоя қилган эди. Султон соясида писиб иш юритаётган Бароқ Ҳожиб Жалолиддиннинг барча рақиб ва душманлари бир мушт бўлиб иттифоқликка юзланаётганлигига ишонч ҳосил қилгач, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ва Жалолиддин Мангуберди, яъни ота-ўғил ҳукмдорларнинг ҳар иккиси берган нон-тузни ҳам, инъом қилинган мансабларни ҳам оқламай нонқўрлик, сотқинлик қилди. Ғоят қийин ва мураккаб шароит юзага келаётган дамларда Жалолиддинни рад қилиб, ёвлар тегирмонига сув қуйиб, уларга тарафкаш бўлди. Қайси ҳудудда Султон Жалолиддинга қарши ҳукмдорлар пайдо бўлса, уларнинг барчаси билан тил топишиб, элчилар жўнатди, Султон аҳволига доир маълумотларни етказиб, Жалолиддинни тезроқ йўқ қилишга даъват этди. Ўша даврда энг тўғри маслаҳат берган Урхоннинг сўзига қулоқ солмай, ўз бағрида илон сақлаганлигини Султон, афсуски, кеч тушунди. Аммо энди афсусдан заррача фойда йўқ эди. Ҳарбу зарб сиёсати аста-секин ёғийлар, сотқинлар, иккиюзламачи ва мунофиқлар фойдасига ўзгариб, аксинча, озодлик байроғини мардона тутган Султон Жалолиддин ва унинг марду майдон Турон ва Хуросон баҳодирларидан омад юз ўгиришни бошлаб, кун ўрнини зулмат ва адолатсизлик қуюни эгаллаётган бир қаҳрли давр бошланаётган эди. Қуёш юзини қора булутлар қоплаб, бу даҳшатли ҳодиса интиҳоси қачон яқунланиши яратгандан бошқа барчага сир эди. Ана шу қабоҳатга қарши таслим бўлиш нималигини билмай, даҳшатли бўрон тўфонида сузишни давом эттираётган уммон ўртасида кетаётган кемадай, ўлимни писанд қилмаган Султон ҳамда унинг эрк ва озодлик қиличини кўтарган лашкари олға борарди. Ўт-оташ майдонида буюк саркарда Ватан дея, эл-юрт озодлиги дея ҳайқирар, бу ҳайқириқ мисли довюрак шернинг наърасидай неча-неча ёвлар, ғанимлар юрагига ғулғула ва қўрқув соларди. Ана шу шер наъраси Жалолиддиннинг мағрибу машриқ заминдаги барча душманларини бирлашиб ҳаракат қилишларига мажбур этди. Сиёсатда ғўр ва сўқир ҳукмдорлар барчаси эрк, озодлик йўлбошчисига қарши бирлашди. Жалолиддин ҳали нафасини ростлаб олмаёқ, Бароқ Ҳожибни бир ёқлик қилиш қарорига келди. Бу ҳақиқатан ҳам пайсалга солиб бўлмайдиган иш, биқинга тиралган хавфли тиф эди. Ҳолдан тойган қўшинга бир неча кун дам олиш имконини бермай, лашкарни Кирмон сари йўналтирди. Асосий қўшинни Тбилиси ва гуржиларнинг тоғли ҳудудларида қолдирди. Негаки, гуржилар, арман ва абхазлардек қасоскор халқлар асосий қўшин Ироққа кетадиган бўлса, шунча машаққатлар ва талафотлар эвазига қўлга киритилган ғалаба кучли бир халқ ҳаракати билан йўққа чиқиб кетиши аниқ. Кавказ мисоли кул остига яширинган бир чўғ эди. У исталган пайтда алангаланиб кетарди. Шу боис Кирмон юришига Жалолиддин енгил қуролланган ҳарбий қисм лашкарини ўзи билан олиб кетишни маъқул кўрди. У Кирмонга олти минг қўшин билан отланди, фақат бу юришда укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ қўшини билан Бароқ Ҳожибни таслим қилишни режалаштирди. Укаси Ғиёсиддин бунга рози бўлди. Бу билан Султон укасининг ўзига бўлган садоқатини яна бир карра синовдан ўтказмоқчи эди. Битта отадан бўлган ака-ука фарзандлар гумон ва ҳадик ҳамда ишончсизлик майдонида турганда Султон тузга хиёнат қилган ноиб Бароқ ва унга ўхшаган вассал ҳукмдорлардан нимани ҳам қутсин. Энг хавфлиси, буқаламун ва мунофиқлик, иккиюзламачиликни касб даражасига кўтарган кимсалар, қарам амалдору ҳокимлар, раислардир. Ҳаёт ва ўлим ўртасидаги кураш ўзининг

авж палласига чиққанида бундай шахслар баҳор ёмғирдан кейин чиққан қўзиқориндай кўпаяди, унга ватанфурушлар ҳам қўшилганда Султон додини кимга айтсин? Аламини фанимлар бошида қилич серпаб олишдан бошқа нажот йўқ. Бу сир-синоатларнинг тагига етолмаган Жалолиддин жангда йўқотгандан-да кўпроқ куч-қувватини, маънавий-руҳий азобларни ана шу ғайриинсоний нусхалар муносабатларидан тотди. Асаблари қақшади, кўз олди қоронғилашди, аммо бу азоб ва кўргуликларни лашкар нигоҳидан пинҳон сақлади. Шундоқ ҳам қон кечиб, чарчаб, ҳолдан тойган лашкарга Султон таянч, ишонч, бемисл йўлбошчи. У ҳар қандай шароитда қўшинга умид ва нажотдир. Юртбошилиқ бу имконият ҳам, мукофот ҳам эмас, у бемисл масъулият ва эл-юрт тақдирига жавобгарликдир. Ана шу ўй-фикрлар уммонида саркарда Қирмон сари от сурди. Укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ кўнглини гумондорликдан холи қилиш учун Жалолиддин Қирмонни унга мулк қилиб беражаклигини билдирди. Султон Жалолиддин Қирмонга кетиши билан Тбилисида бошқарув ишлари билан шуғулланаётган вазири Шарофулмулкка қарши кавказликларнинг исёни рўй берди. Султон Жалолиддинга бу хабар юришга отланган пайти етиб келди. Натижада у орқага қайтишга мажбур бўлди. Исён бостирилди. Тбилиси шаҳри ва унинг атрофларини назорат қилишни Султон саркардаларидан бири Хирмаликка топширади. Сўнгра қўзғолонни биринчи бўлиб бошлаб берган Ани ва Қарс шаҳарларига ҳужум қилади. Йўл-йўлакай Кемаҳ ва Арзинжон қалъаларини босиб олади. Шундан кейин Жалолиддин Жазира ҳукмдорига қарашли муҳим вилоят, шунингдек, кучли ва мустаҳкам шаҳар Хилот юришига тайёрланади. Бу ерда Жазира ҳукмдорининг ноиб Хожиб Али эди. Ал-Малик ал-Ашраф ўз ноиб Хожиб Алини Жалолиддин юришидан хабардор қилиб, бутун куч-имкониятини тўплаб мудофаани ташкил қилишни талаб қилади. Ҳужум тўғрисида ўз вақтида маълумот олган Хожиб Али Жазира ҳукмдоридан қўшимча кучлар юборишини сўрайди. Жалолиддин шаҳар остонасига етиб келганда қамал жангига мудофаачилар тайёр эдилар. Жалолиддин қўшинлари шаҳарга ёриб кириб, унинг қоқ марказигача етиб борадилар. Шаҳарнинг Суқ ал-дақиқ бозори майдонида даҳшатли жанг бўлди. Бутун шаҳар аҳли жон-жаҳди билан курашга отланади. Ҳар икки тараф катта талафот кўради. Султон Жалолиддин талафотни камайтириш учун қўшинни шаҳар ташқарисига олиб чиқади ва қамал ҳолатига ўтиб уларни таслим қилмоқчи эди. Аммо, қамал чўзилиб қиш бошланади. Совуқ тушганлиги ва қор ёққанлиги сабабли қамални давом эттириш оғирлашади. 1226 йил 5 декабрь Султон Жалолиддин қўшинга дам бериш учун Хилот қамалини тўхтатишга буйруқ берди. Жалолиддин қўшинининг ҳолдан тойиб кўп талафот кўрганлигидан хабар топган ўғузларнинг уруғларидан Иваъий туркман қабилалари Султон мулкларига ҳужум бошлайди. Улар мўғул ҳукмдорига тобе эдилар. Улар Озарбайжон ҳудудидаги Султонга тобе Аштар ва Урмиё шаҳарларини босиб оладилар. Ҳатто Султон Жалолиддиннинг Табризга келганида никоҳига ўтган салжуқий Турғул II нинг қизи турган Хой шаҳрини қамал қилиб, катта миқдорда пул талаб қилади. Хой аҳолисига солиқ солиниб, бу пул йиғиб берилади. Бунинг билан ҳам чекланмай, туркман қавми Табризга борадиган карвон йўлини эгаллаб, савдогар ва ҳунармандларнинг 29 минг бош моли ва мулкларини тортиб олиб катта иқтисодий зарар келтирадилар. Султон Жалолиддин туркман қавмларининг бу исёнкорлигидан қаттиқ ғазабланади. Буни туркманлар қавмининг ўзига нисбатан сотқинлиги деб билган Жалолиддин Хой шаҳрида турган хотинидан шикоят қилинган мактуби ҳам етиб келади. Бу мактуб шундоқ ҳам ғазаб отига минган Султон учун қизиган ёғ устига совуқ сув қуйган билан

баробар бўлди. Ғазабланган Султон Иваъий қабиласи устига шундай бир шиддатли ҳужум уюштирдик, натижада уларнинг асосий қисмини қиличдан ўтказди. Бойликларини тортиб олади. Султон Жалолиддин Иваъий туркманларидан қасос олгач, Ганжага йўл олади. Йўл-йўлакай Хой шаҳрига кириб малика билан учрашади. Қисқа муддат Ганжада дам олган Жалолиддинга сафар олдидан узоқ Африкадан Судан элчилари келганлигини маълум қилишди.

## СУДАН ЭЛЧИСИ БИЛАН СУҲБАТ

Жалолиддин бу мамлакат ҳақида маълумотга эга бўлмаганлиги учун ушбу элчилар хусусидаги гумонсираш ва шубҳалардан холи бўлгунча уларни қабул қилмай туришини билдирди. Кейинчалик шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам тилларда дoston бўлиб кетган Султон Жалолиддиннинг қаҳрамонлиги Африка ғарбий ҳудудларигача етиб борган. Бу вақтда Суданда ал-Ҳамидийлар сулоласи ҳукмронлик қилиб турган. Шунга кўра, ал-ҳамидийлар ҳукмдори Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Одил Султон Жалолиддиндек доврўкли ҳукмдор ва саркарда билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга аҳд қилган. Элчи учрашишга муяссар бўлган Жалолиддиннинг буюк бир сиймо, шон-шарафга бурканган бетақрор инсон эканлигини англаб етгач, бир йил Ганжада қолиб, унинг кураш йўли, таржимаи ҳолини ўрганишга киришган. Султон ҳам, ўз навбатида, элчининг жуда софдил, жаҳонгашта инсонлигини билгач, унга Ганжадаги харажатлари учун хазинасидан 10 минг динар беришни буюрган. Бироқ, танти ва ҳалол элчи бу пулни ўз эҳтиёжи учун эмас, балки бева-бечораларга улашган. Бундан хабар топган Султон: „Бошқа бирор-бир тилагингиз борми, ижобат қиламан“, деганда элчи: „Битта илтимосим бор, мен асли дамашқликман, шаҳар атрофидаги Жаннат аз-заба Дания мулки менга тегишли эди. Замон тўфонлари, зўравонликлари айби билан мен бу мулкларимдан айрилиб, узоқ юртларда саргардон юрдим. Ниҳоят, кунлардан бир кун, ал-ҳамидийлар ҳукмдори назарига тушиб унинг ишончига киришга муваффақ бўлдим. Парвардигор мени бугун сиздай улур ҳимматли, дунё эътирофига сазовор Султон билан учрашишга муяссар қилди. Дамашқ ва унинг атрофлари сизнинг ҳукмингизга дахлдор экан. Отамерос мулкни олий фармонингиз билан ҳужжатлаб, яна уни тавқ этувчи туғ ва дўмбира берсангиз. Мен ушбу мурувватингиздан умрбод миннатдор бўлур эдим“. Ўша давр тарихчиларининг берган маълумотларига қараганда, ал-ҳамидийлар ҳукмдори билан араб халифаларининг муносабатлари яхши бўлмаган. Шунга кўра, Судан Султони Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Одил Султон Жалолиддиндек Шарққа донғи кетган буюк саркарда ва Султон билан яқинлашишга интилганлигини таъкидлайдилар. Аниқ манбаларда қайд этилишича, Кичик Осие ҳукмдори Аловуддин Кайқубодга узоқ мағриб юртидан элчи келмоқда, деб хабар беришади. Элчиларни кутиб олиш учун Кайқубод алоҳида чодир тикдирган. Ўша ерда зўр тантаналар билан қабул қилинган чоғида элчи Кайқубод саройига ташриф буюриш топшириғи билан эмас, балки йўл-йўлакай учрашиш нияти борлиги, асосий мақсад эса Хоразмшоҳ Жалолиддин билан учрашиб, дипломатик алоқалар ўрнатишдан иборатлигини Кайқубодга маълум қилгандан кейин ҳукмдорнинг ҳафсаласи пир бўлиб, тантанали учрашувни тўхтатиб, элчини кузатиб, уни Султон Жалолиддин мулки томон ўтказиб юборишни буюрган. Музокара учрашуви гоят илиқ ва ижобий тугаб, элчи Султондан кетишга рухсат олади. Мағриб элчилигига, ўз навбатида, Султон Жалолиддин қароргоҳида юқори мавқени эгаллаган мансабдорлардан

бири Тоқиддин ал-Хофизни тайинлайди ва мағриб элчиси ёнига қўшиб жўнатади. Аммо орадан ўн кунлар чамаси вақт ўтгач, Султон Жалолоддинга элчининг қайтиб келганлигини маълум қилишди. Султон билан бир масалада тез кўришмоқчи эканлигини, муҳим янгилиги борлигини билдирди. Султон дарҳол уни қабул қилди. Сухбатда шу нарса маълум бўлдики, мўғуллар Жалолоддин Мангуберди қўшинига асосий зарба бериш учун чор атроф ҳудудларда туну кун қўшин тўплаётганлиги, Султоннинг Араб халифалиги ва Кичик Осиёдаги жамики душманлари иттифоқчилик кучларини бирлаштириш ҳаракатлари кучайганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлди. Элчи ҳарбий ишлардан анча хабардор бўлган шекилли, Султон қўшинининг жанговар ҳолатини кўришга ижозат сўрайди. Султон котиби ан-Насавийни элчига қўшиб Жалолоддиннинг асосий марказ қўшинини кўздан кечиришга жўнатади. Элчи қайтиб келгач, Султон ундан таассуротлари билан ўртоқлашишни сўрайди. Шунда элчи рақиблари қўшинида отлиғу пиеда кўпчилик эканлигини, аммо, Султон қўшини кам бўлса-да, бу лашкарлар марду майдон жангчилар эканлигини айтади.

Шундан сўнг элчи Жалолоддин Мангуберди ва унинг лашкари келгуси жангларда зафар қучишини астойдил тилаб юртига жўнайди. Аммо элчи Мўсул ҳудудига етганда халифалик жосуслари уни қўлга олиб Бағдодга жўнатадилар. Жалолоддин Мангубердига ихлоси баланд бўлган элчининг кейинги тақдирини номаълумлигича қолади.

Элчининг қуюнчаклиги, Султонни огоҳлантириши бежиз эмас эди. Ҳақиқатан ҳам бу пайтга келиб Жалолоддин ва унинг лашкари теграсида тўфон булутлари янада қуюқлашаётган эди. Барча рақиблар чор тарафдан худди шерни йўқотишни асосий мақсад қилган йиртқич бўрилар каби бирлашиб, буюк саркардани катта сиқувга олиб келаётган эдилар. Аммо Жалолоддин улардан заррача ҳайқмай жанг майдонида от суришда давом этарди. Султон Жалолоддиннинг ҳар кунги ҳаёти тасодифий тарзда жангсиз ўтган кунларни ҳисобга олмаганда, қарийб узлуксиз ҳолатда ҳарбу зарб майдонида кечди. Унинг мислсиз қаҳрамонлик ва жасорат билан лиммо-лим тўлган ҳаёти инсон иродасининг пўлатдан-да мустаҳкам бўлиши мумкин эканлигининг чинакам далилидир, бу жиҳатдан Жалолоддин ҳаёти башариятга чинакам ибрат намунаси бўлиб қолади.

## **ҚЎШИННИ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТАДОРИГИ. ЯНГИ ҲАРБИЙ РЕЖАЛАР**

Элчининг огоҳлантиришидан кейин Жалолоддин ўзининг таянч мулкларидан ҳисобланган Исфаҳонга қараб юрди. Йўлда Эрон Озарбайжони ҳудудида жойлашган майдон Майнанижида тўхтаб, оқ дарё (Сафидруд) бўйидаги кенгликда қўшинини кўриқдан ўтказишга қарор қилди. Негаки, тинимсиз жангларда қурол-яроғ, озиқ-овқат, отлиқ қўшинлар учун ем-хашак ва зарур асбоб-ускуналар тақчиллиги сезилаётган эди. Шу кўриқда келажакдаги аёвсиз жангларга салбий таъсирини ўтказиши мумкин бўлган жиҳатлар аниқланиб, уларни бартараф этиш талаб этиларди. Жалолоддин ҳарбий кенгаш аъзолари, таниқли давлат арбоблари, саркардалар, ҳарбий ишлар вазири ҳамда қози аскари ҳамроҳлигида қўшин саф тортган майдонни айланиб, котиби ан-Насавийга сезилган ва кузатилган камчиликларни ёзиб боришни буюрди. Муаррих ва котиб ан-Насавий Султон топширигини бекаму кўст бажарди. Сўнгра Султон жангларда мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатган баҳодир жангчиларини алқади. Ватан, эл-улус озодлиги йўлида кўрсатилган қаҳрамонлик ва шу йўлда фидо бўлганларни тарих ҳам, келажак



авлод ҳам ҳеч қачон унутмаслигини таъкидлади: „Тақдир бизнинг пешанамизга кураш, душманга тиз чўкмаслик, тик туриб яшаб, тик туриб мардона ўлиш муҳрини босганки, бизнинг бошқа йўлимиз йўқ!“ Султоннинг қалбдан чиқариб айтган оташин сўзлари лашкар ҳайқириғидан Сафидруд дарё бўйи кенгликлари ларзага келди ва лашкар томонидан: „Султонимизга шон-шарафлар“ акс садоси бир неча бор такрорланиб турди. Ватаннинг бемисл марду майдонларининг бу олов пўртанасидай ҳайқириқларини Эрон заминининг қўлаб қишлоқлари аҳолиси ҳам эшитди. Қалблари мўғулларга қарши нафрат руҳи билан тўлган ўша қишлоқларнинг ор-номусли йигитлари охуридаги отлар жиловини ечиб, Жалолиддин Мангуберди лашкарлари сафига келиб қўшилдилар. Кўрикдан ўтиш ниҳоясига етай деганда яна бир ташвишли хабар олинди. Ҳиндистонда Жаҳон Паҳлавон билан бирга қолдирилган саркардалардан бири Билгахон бир қисм қўшини билан Султон қароргоҳига яқинлашганлигини билдиришди. Кўрик якунида Жалолиддин келгуси узоқ давом этадиган жангларда отлиқ қўшин учун ем-хашак, озиқ-овқат захираларини тўплаш ва ярадор жангчиларга ғамхўрлик масалаларини ҳал этишни вазири Шарафулмулк зиммасига юклади. Хоразмшоҳ хазинасидан бу муаммоларни ҳал этиш учун етарли миқдорда маблағлар ажратилди. Шунингдек, унинг ўрнини тўлдириш учун Эрон ва Ироқдаги тобе мулклардаги вазиятни ҳисобга олиб, адолатли солиқлар ундириш, уларни фақат жонини Ватан йўлида фидо қилишга аҳд қилган жангчилар ва босқинчиларнинг жабр-зулмига учраганларга сарфлаш қарори кўрикдан кейинги машваратнинг диққат марказида бўлди.

Бу тадбирлардан кейин Жалолиддин Мангуберди 1226 йил охири — 1227 йилнинг бошида Бойлақон ва Ардобил томон юриш қилди. Шаҳарга кирар экан, нафақат бу икки шаҳар, балки унинг атрофидаги қишлоқларнинг аҳволи хароб эканлигини кўрди. Агар шу ердаги аҳолига давлат томонидан ёрдам кўрсатилмайдиган бўлса, бундан-да қашшоқликка тушиб қолиш ҳеч гап эмаслигини ҳис қилди. Султон аҳоли оқсоқоллари ва ақобирларини йиғиб, бу ерларни ҳам ўзига қўшиб олганлигини, ўз қонунларини кучга киритишини, барча табақалар ўз ишлари билан машғул бўлишини, савдо, ҳунармандчилик фаолияти эркин давом этишини, қароқчи, ўғри, каззоблардан халқни ҳимоя қилишини маълум қилди. Буни эшитган, аввал мўғуллар ҳужуми даврида (1221 йиллар) юртидан қочган, қувилганлар ўз она шаҳри, қишлоқларига узоқ-яқин жойлардан қайтиб, тинч меҳнатга киришдилар. Шаҳар деворлари қайтадан мустаҳкам қилиб қурилди. Дарвозалари тикланди, кечалари ёпилиб қоровуллар қўйилди. Натижада босқин остида қолган қаровсиз аҳоли Султон Жалолиддин давлати соясида ўз қаддини тез тиклади. Ҳар икки шаҳар ва унинг атроф аҳолиси Жалолиддинни ҳақли равишда халоскор Султони деб билди. Шунингдек, ўз оилалари қора қозонини бемалол қайнатибгина қолмай, Султон қўшинига бажону дил ҳарбий солиқ тўлади, қишлоқ аҳли эса отлар учун ем-хашак, озиқ-овқат етказиб бериш мажбуриятини зиммаларига олди. Бу ишларни йўлга қўйиш ҳам вазир Шарафулмулк зиммасига юклатилди. Натижада фақат қўшин учун Бойлақон аҳолиси етказиб берган маҳсулот Ганжа ва Табриздан йиғилган даромад солиғидан ҳам ортиқроқ бўлди. Султоннинг адолатпеша ҳукм ва фармонлари Бойлақон ва Ардобил аҳолисида катта ижобий хотира қолдирди. Миннатдор аҳоли Султонга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, шунингдек, қўшин сафини тўлдиришда имкон даражасидаги барча ёрдамларини берди. Натижада мўғуллар билан бўладиган навбатдаги жанглар олдидан Султон Жалолиддин нафасини ростлаб олди.

Ана шу воқеалар жараёнида Озарбайжоннинг собиқ ҳукмдори Ўзбек отабегининг ўғли Малик Хомуш Жалолиддин хизматига келди. У жисмонан заиф, қар ва соқов бўлган. Ан-Насавийнинг ёзишича, Султонга қимматбаҳо тош ва жавоҳирлар билан безатилган камар совға қилган. Бу камарнинг тарихий қиймати унинг моддий қийматидан ҳам юқори бўлиб, у Эрон шоҳи, аҳоманийлар сулоласининг энг қудратли ва машҳур ҳукмдори Кайковусга тегишли бўлган, унда нафақат аҳоманийлар, балки сосоний шоҳларининг номлари камарга жуда чиройли хаттотлик услуби билан ёзилган. У тенгсиз тарихий манба бўлиши билан бирга, ҳунармандчилик санъатининг гўзал намунаси ҳам ҳисобланган. Унинг жавоҳир тошлар шодаси орасида дунёга донғи кетган Бадахшон лаъли ҳам жой олган бўлиб, катта ва қиррадорлиги учун нур тушганда ял-ял ёниб, камалакнинг жилосидек теварак-атрофни гўзал манзаралар билан жилолантирган. У, шунингдек, руҳий-жисмоний чарчоқ ва зўриқишни бартараф этишга ёрдам берган.

Муаррих бу камарга Султон Жалолиддин ўзгариш киритганлигини қайд этади. Ақиқ тошлар ўрнини ўзгартириб, Султон унга ўзидаги зумрадлардан ҳам намуналар қўшдирган. Бадахшон лаълини ўртасига жойлаштириб, унинг кўринишига янгидан чирой ҳосил қилдирган. Султон бу камарини камдан-кам ҳолларда — Наврўз ва Ҳайит байрамлари, шунингдек, катта жанглардан сўнг зафар тантаналаридагина тақиб чиққан. Афсуски, 1231 йил август ойида мўғул-татарларнинг катта қўшини Амид шаҳри яқинида тўсатдан Султон қароргоҳига ҳужум уюштирган пайтда бу машҳур камарни мўғуллар ўлжа қилиб олишга эришдилар.

## СУЛТОНГА ТАЙЁРЛАНГАН ФИТНА

Султон Бойлақон ва Ардобилни ривожлантиришга доир ишларни йўлга қўйгач, бир фурсат яна Ганжага қайтди. Ана шу пайтда Жалолиддин Мангубердига энг жасур ва истеъдодли саркардаси Урхоннинг Исмоилийлар давлати ҳукмдори Аловуддин Абус Саодат ал-Кўхистоний томонидан уюштирилган фитна қурбони бўлганлиги тўғрисида хунук хабар келди. Урхоннинг соқчилари бир фурсат уни кўчада бўш қолдирган чоғда жосуслардан учтаси тўсатдан ҳужум уюштириб, пичоқлаб ўлдиришди. Юзма-юз жангларда душманларнинг паҳлавон жангчиларини ер тишлатган бу жасур саркарда ана шундай фожиали ўлим топди. Султон Жалолиддин буни эшитиб қаттиқ дарғазаб бўлди. Султоннинг энг ёмон кўрадиган ва нафратланадиган одами — бу писмиқланиб, ошқора жангдан қочиб, пинҳоний ҳужум билан рақибидан ўч олувчи жосуслар эди. Султоннинг ўзи ошқора ва очиқ жангни мардлар жанги деб ҳисобларди. Ҳатто рақиб ва ашаддий душмани мардларча жанг қилса, бундай рақиблари жасоратини эътироф этарди. Бундай рақиблар билан жон олиб-жон берувчи қирғин жанглар энг авж олган паллада асаблар қанчалик зўриқмасин, заррача ҳақоратомуз сўзларни ганимлар баҳодирларига раво кўрмасди.

Султон Жалолиддин, айниқса, рақиб томон кийимини кийиб, яширин террорни амалга оширувчи, суиқасд қилувчиларни қўлга олса, уларга номард нусха тарзида қараб, аёвсиз жазога гирифтор этарди. Исмоилийлар давлати қўшни ёхуд бирон-бир давлат раҳбари бўлсин, улар сиёсатига қарши турса, ёки ўзлари учун ёқмаган машҳур саркарда, элчи бўладими, уни суиқасд йўли билан йўқ қиларди. Шунинг учун унча-мунча давлат ҳукмдорлари, вазирлари уларнинг бу сиёсатидан ҳадиксираб, хавф-хатар остида яшардилар. Улар бирор давлатга элчи йўллар эканлар, албатта, дўқ-пўписа ва қатъий шартлар қўйиш билан босим ўтказар эдилар. Шундай қўрқитиш сиёсатини Султон

Жалолиддиннинг саркарда ва вазирларига нисбатан ҳам қуллашга уриниб курдилар. Улар ҳеч қачон қўрқув нималигини билмаган, ҳатто ўлимларни доғда қолдириб Ватан, элулус дея наъра тортганларни байроғи остида тўплаб, улуғ жангларга бошлаган Жалолиддин юрагига қўрқув солмоқчи бўлдилар. Хоразмшоҳлар саркардаларидан Урхон суиқасднинг биринчи қурбони бўлган эди. Сўнгра Султон Шарафулмулкка ошкора тиф қайраш бошланди. Шарафулмулк уларнинг элчиси Камол билан учрашиб, улар қандай талаб қўйса, бажаражагини билдириб, муроса-мадора қилишга киришди. Унинг таслимчилик қилаётганидан хабар топган исмоилийлар ҳукмдори Аловуддин ал-Кўхистоний пойтахти Аламутдан Шарафулмулк ҳузурига элчи қилиб ўзининг ишончли кишиси Бадриддин амалдорини жўнатди. Элчи Бадриддин Аҳмад вазир Шарафулмулк саройига келиб гап орасида: „Сизга ачинамиз, Урхоннинг тақдири сизнинг бошингиз узра чарх урмоқдаки, қутулиб қолишни истасангиз Дамғон мулкининг исмоилийлар қўлига ўтганлигини Султонингиз томонидан тасдиқлатиб беринг, шундагина Урхонга қисматдош бўлишингиздан сақланишга кафолат берамиз. Ўзингизга маълум бўлса, биз саркардангиз Урхонга ҳам шундай таклифлар ва огоҳлантиришлар билан чиққан эдик. Аммо бу мағрур саркарда биздан аввал элчи бўлиб келган ал-Комилни писанд қилмай, унга қуйидагича жавоб қилган: „Сизлар биз ва бошқа рақибларингизга яшириб қўйилган пичоқлар билан ҳужум қиласиз. Бизларнинг эса тифи омонлик бермайдиган узун қиличларимиз бор. Шундай экан, обрўйингиз борида жўнаб қолинг. Пўписаларингизга сизлардан оёғи қалтираб қўрқувга тушадиган юраксиз рақибларингизгина кўнар. Биз билан хоналардаги ғийбатсифат гапларни йиғиштириб, хоҳласангиз жанг майдонида учрашинг“, деган фикрни ирод этган Урхонингиз учун очиқ жанг куни абадиятга орзу бўлиб қолди. Шундан икки-уч кун ўтмаёқ у жасадга айланди“. Шу сўзларни Аламут элчиси Бадриддин Аҳмаддан эшитар экан, Урхоннинг даҳшатли ўлимидан қўрқув васвасасига тушиб, уларни Султон билан учраштириш учун тезда йўлга отланди. Аямасдан харажат қилди, элчи ва унинг ходимларига қимматбаҳо совғалар берди. Ниҳоят, Шарафулмулк Сароб водийсига етганда йўлда чарчаганлигини айтиб, элчиларни дам олишга чорлаб, катта зиёфат ташкил қилди. Уларга ўткир май тортилди. Сароб водийсидаги базми жамшид икки-уч кунга чўзилиб, навбатдаги шаробхўрликлардан бирида алжираган элчи Бадриддин: „Энди яқин кунларда Урхоннинг қисмати Султонингиз бошига тушади, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз“ дея ғўлдирайди, Шарафулмулк эса нимага буни жуда ишонч билан гапираётганини сўрайди. Сўзлари рост эканлигига амин бўлган Шарафулмулк унинг сирини ҳеч кимга билдирмасликка сўз бериб, элчига дастрўмол узатади. Бу одат ўрта асрларда урф бўлиб, „ҳаётим ва сўзимни кафолатлаб қасам ичдим“ дегани эди. Шундан кейин элчи Бадриддин май кучи билан жўш уриб: „Бизнинг жосусларимиз қўшинингиз орасидагина эмас, балким Султонингиз қароргоҳи ва унинг хос соқчилари орасида човуш бошлиқ бўлиб хизматга ўтганлари ҳам бор“, — дея мақтанади. Халқимизда „деворнинг ҳам қулоғи бор“ мақоли беҳуда ҳаёт синовидан ўтмаганки, шу ерда хизмат қилувчилардан хуфёна ходим Султон Жалолиддиннинг махфий хизмат кишиларидан бири эди. Шу кечаси у яшин тезлигида тун қўйнида ғойиб бўлиб, Султон қароргоҳига келиб, Сароб водийсидаги элчи ва Шарафулмулк ўртасидаги сирли мулоқот оқшоми воқеаларини қароргоҳ қутволига етказди. Қутвол эрталаб Султон Жалолиддинни жиддий тайёрланаётган фитнадан огоҳ қилди.

Вазир Шарафулмулк элчи билан Султон қароргоҳига етиб келгач, вазирни чақириб ҳар қандай шароитда жосусларини элчи орқали ҳузурига чақиритишни топширди. Элчи

билан жуда яқин бўлиб олган вазир Сароб водийсида тилга олинган жосусларни кўриш истаги борлигини, қасамга охиригача содиқлигини таъкидлади. Элчи рози бўлди. Элчи Бадриддин: „бу учрашувни ғоят махфий амалга оширишимиз керак“, деди. Шарафулмулк ҳаммаси кўнгилдагидек бўлишини уқтиргач, элчи ўзининг яқин одамлари орқали жосусларни вақт ярим тундан ошганда Шарафулмулк хонасига чорлади. Шарафулмулкни ҳам, Султонни ҳам ўлдиришни кўз остига олиб юрган жосуслар шу кеча вазирнинг баҳридан ўтиш учун кўрсатма берилди деб ўйлади шекилли, вазир ҳузурига олиб кирилиши билан уни яхши таниган ёлланма қотиллардан бирининг келиб чиқиши ҳинд бўлиб, вазирни дарҳол таниб, унга бундай дея мурожаат қилган: „Мен сени фалончи кун фалон уйда ўлдириш имконига эга бўлган эдим. Аммо мен сени ўлдиришни юқоридан берилган кўрсатмага амал қилиб кечиктирдим ва янги буйруқни ҳамда унинг муддатини кутдим. Ажалинг бугунга белгиланган экан, яна қўлимиздасан“. Шарафулмулк вазирлик либосини ечиб ташлаб, кўйлакчан ҳолда улар олдида чўккалаб олар экан, элчи ва гоҳ жосусларга қарата қуйидаги саволлар билан ялингансимон мурожаат қилди: „Бунинг боиси недур Бадриддин, сизлар мендан нима истайсизлар ўзи? Унга мен нима ёмонлик қилдимки, у мени ўлдирмоқчи, унга менинг қоним шунчалар зарур бўлибдими? Мен Султон олдида қандай мамлук бўлсам, унинг олдида ҳам шундай мамлукман. Мана, мен сизларнинг олдингиздаман, нима истасангиз, шуни қилаверинг“, дея мутелик одоби доирасидан ҳам четга чиқиб кетди.

Шу пайтда тўсатдан Султоннинг хос навкарлари бостириб кириб, 5 та жосус қотилларни қўлга олди. Улар қаттиқ қийноқ остида сўроқ қилинди.

Азобли сўроқ ва терговлардан тинкаси қуриган жосуслар бу ерларга қандай усуллар билан етиб келиб, минг хил ҳийла-найранг ва топқирлик ҳаракатлари туфайли бири Султон отхонаси, иккинчиси Жалолиддиннинг шахсий қоровуллари таркибига ва қолган 3 таси эса Султоннинг энг ишончли ҳарбий қисмларига зобит бўлиб хизматга жойлашганликларини ошкор қилишди.

Даҳшатли қийноқлардан ўлим талвасасига тушган жосуслар ҳам, Аламут элчиси ҳам Султондан бирдек кечирим сўрадилар. Аммо жаҳл отига минган Султон уларни азоб-уқубат билан ўлимга маҳкум этди. Ҳаммага ибрат бўлиши учун Султон бутун лашкарини сафга тизди. Ўртага катта гулхан ёқтириб, бешта бахтиқаро жосусларни гулхан олдига олиб келишни буюрди. Султон жаллодлари маҳкумларни қоп кўтаргандек чангалаб келтиришди. Шўрпешана жосуслар билдики, кечирим сўраш ҳам ижобатга олинмади. Улар ўтга ташланиш олдидан „ўз ҳукмдоримиз Аловуддин учун қурбонмиз“, дея бир неча бор бақирганларича олов домида кулга айландилар. Бу воқеа Султон Жалолиддиннинг дийдаси тошдек қотган, ҳар куни қон тўкиладиган давомли жанглардан шафқатсизона майлдаги туйғулари жунбушга келиб, қаҳр-ғазаб оти жиловига эрк бериб, ҳаётнинг ўзи мажбур қилган бир даврга тўғри келган дамлари эди. Шу қайнаб-тошган ғазаб оташи Султон Жалолиддинни ўз қароргоҳи хавфсизлигини таъминловчи (човуш-боши) мингбошиси Камолиддинни ҳам жазо домига тортишга мажбур қилди. Уни қози аскарга рўбарў қилди. Қози аскар (ҳарбий суд) Камолиддинни тергов қилиб, ўз ишига совуққонлик ва масъулиятсизлик билан қараб, олий даргоҳга бирданига 5 та ашаддий жосус ва қотилларни хизматга олганлиги учун ўлим жазосига ҳукм қилди. Шу ҳодисотлардан кейин Султон билан исмоилийлар ўртасидаги шундоқ ҳам узилай деб турган сиёсий алоқалар мутлақ барҳам топди. Бу воқеа Султон тобелигидаги мулкларнинг гир айлана душманларнинг доиравий қуршови ҳолатига тушишига сабаб бўлди.

Мўғуллар ва Араб халифалиги, шунингдек, қудратли кучга эга булган Гуния Султони Кайқубодлар шу қуршовнинг фаол ижодкорлари ва иштирокчилари бўдилар. Бу қуршов Жалолиддиндек буюк саркарданинг бундан кейинги ғолибона ҳарбий ҳаракатларига катта ғов бўлди.

## ИСФАҲОН ОСТОНАСИДАГИ ДАҲШАТЛИ ЖАНГ

„Султон Жалолиддин, шубҳасиз, даврнинг бемисл даҳо саркардасидир

*Чингизхоннинг машҳур саркардаси  
Тайнал нўён эътирофи*

Сароб водийси воқеаларидан кейин Султон Жалолиддин Табризга кетди. Бироқ, орадан 2—3 кун ўтмаёқ, Жалолиддинга шошилиш хабар келтиришди. Хабарга кўра, Чингизхон жуда катта кучларни тўплаб Султон Жалолиддинга асосий ва ҳал қилувчи зарба бериш тайёргарлигини кўриш учун Тайнал нўённи 100 мингдан ортиқ лашкар билан Жайхундан кечиб ўтиб, Исфаҳонга ҳужум қилиши маълум бўлди. Жалолиддин Мангуберди асосий қўшини билан дарҳол Исфаҳонга қараб юрди. Исфаҳон аҳолиси Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий салоҳияти, мард ҳукмдорлиги, шунингдек, адолатли сиёсат юритиши боис унинг қўшини билан бир жон, бир тандек ўзларини ҳис қилар, уни озодлик курашининг ҳақиқий йўлбошчиси ва яловбардори деб биларди.

Султон Жалолиддин асосий қўшини билан Исфаҳонга йўл олар экан, мўғул-татарларнинг чалғитувчи усулларидан яхшигина хабардор бўлганлиги учун Рай ва Дамған тарафга 4 минг отлик суворийларни жўнатди. Уларга топширилган вазифа мўғулларнинг асосий кучи қайси томонга йўналтирилаётганлигини доим кузатиб бориш ва душманнинг асосий қўшини олдида илғор гуруҳ бўлиб борувчи кучларга гоҳ ҳужум, гоҳ чекиниб жанг қилиш, асосийси эса, душманга тинчлик бермай, асосий жангга қадар уларнинг асабига тегиб, фанимларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиш эди. Бу қўшин пировардида Султоннинг барча топшириқларини бекаму кўст бажарар экан, ҳам жосуслик хабарларини ўз вақтида етказиб, ҳам душман мақсадлари ва ҳаракат йўналишлари ҳақида аниқ маълумотлар бериб, рақиблардан ташаббусни тортиб олишга ўз ҳиссаларини қўшди. Натижада Жалолиддин Мангуберди халқ лашкари ва ўзининг жанговар кучларининг уйғун ҳаракатларини таъминлашга доир режаларини амалга ошириб, бўлажак жангга пухта тайёргарлик кўрди. Мўғул-татарларнинг катта қўшини Исфаҳон остоналарига етиб келганда шаҳар катта жангга тўла шай ҳолда, рақибнинг етиб келишини хотиржамлик билан кутиб турарди. Шаҳар мудофаасини ташкил қилиш, халқ лашкарларини айлана мудофаа ва қарши ҳужумга тайёрлаш ишларининг барчасини амалга оширишга шахсан Жалолиддиннинг ўзи бошчилик қилди. Энг сара ҳунармандлардан ташкил топган кўнгилли ҳарбий қисм ва бўлинмаларга Исфаҳон дарвозаларини қўриқлаш, ҳимоя қилишни топширди. Ўқ-ёйчилар ва душман нарвонларини девордан қулатувчилар мудофаа деворлари устига жойлаштирилди. Мудофаага қарийб бутун шаҳар аҳолиси сафарбар этилди. Мис дошқозонлар девор тепасига чиқарилиб, сақич, смолалар эритишга, сувлар қайнатишга шай қилиб қўйилди. Бу воситалар душманнинг бошига нақ ажал бўлиб ёғилиши зарур эди. Негаки, тажрибали мўғуллар бирданига чигирткамисол ёпирилиб, нарвончилар катта тезлик билан қалъа девори тепасига ҳужум уюштириши аниқ. Уларнинг барча нарвонларини девордан ағдаришга эришиб бўлмайди. Ана шунда бифиллаб қайнаган сақич, смола ва сув

душманни ажалга йўлиқтирувчи асосий восита бўлади. Бу ишни чаққон, мард аёллар, қизлар ота-оналари ёнида ғайрат билан амалга оширадилар. Шаҳар аҳли худди бузилган ари уясидек ҳаракатга келган авж паллада хабаргирлар мўғулларнинг катта зарбдор қўшини Исфаҳон шарқидан 4 фарсах (1 фарсах салкам 8 км масофани ташкил қилади), яъни 30 км узоқликда жойлашган ас-Син қишлоғи яқинидаги ялангликка келиб тўплана бошлагани, шу ерда жанголди кўриқдан ўтиш тадоригини амалга оширмоқчи эканлигини етказдилар.

Исфаҳон жангига мўғулларнинг энг номдор саркардаларидан Тайнал нўён, Бойжу Наку нўён, Ҳасан Туғон нўён, Ётмас нўён, Ясовур нўён ва яна бошқалар етиб келишди. Умумий қўмондонлик эса Чингизхоннинг арзанда саркардаси бўлган Тайнал нўён зиммасига юклатилган эди. Юқорида номлари зикр этилган барча лашкарбошилар Тайнал нўёнга жанг бошидан то охиригача чекинмасликка, ҳар бири алоҳида-алоҳида унинг қароргоҳига келиб қасам ичдилар. „Чингизхон асосий кучларини Исфаҳонга ташлаб, бу шаҳарга ҳам Кўҳна Урганчининг қора кунини солармиш“, қабилдаги ваҳималар бир-биридан кўрқинчли эди. Негаки, жаҳоннинг энг катта ҳудудини ташкил этган Осиё ва Африка, Европа қитъаси халқлари ҳукмдорлари орасида мўғул-татарларни мағлуб қиладиган куч йўқ деган фикрлар кўпчиликнинг онгида шаклланиб бўлган эди. Фақат таслим бўлиш нималигини билмай буюк қаршилиқ ҳаракати тепасида саркарда Жалолоддин Мангубердигина ягона бас келувчи афсонавий шарқ қаҳрамони сифатида гавдаланарди. Исфаҳон аҳли ва мудофаачилари оралаб юрган миш-мишлар, ҳатто Жалолоддинни жангда қўллашга ваъда берган айрим хуросон, форс ва ироқлик саркарда ҳамда ноибларнинг юрагида кўрқув даҳшатини туғдирди. Бундайлар Султонга берган аввалги ваъдаларидан тониб, турли баҳона, важ-корсонлар ила Исфаҳон бўсағасида бошланадиган жангда иштирок этмаслик йўлларини қидира бошлаган эдилар. Бу ҳолат Султон Жалолоддинни жиддий-асабий ҳолатдаги таҳликага солди. Аммо темир иродали, ҳар қандай хунук хабарларни эшитавериш дийдаси қотган Жалолоддин рўй бераётган иккиланиш ва тебранишларни бартараф этишда асосий вазифа ўзининг зиммасида эканлигини англаб, ўзини жуда вазмин тутди. Душманнинг илғор ва марказ қисми ҳаракатга келиб ас-Синни бирин-кетин тарк этаётгандан сўнг қарийб уларнинг Исфаҳон остоналарига етиб келишига ярим кун кетарди. Буни эшитган амирлар, саркардалар, ноиблар, хон мавқеидаги амалдорлар Султон Жалолоддиннинг қароргоҳига тўплана бошладилар. Жалолоддин Мангуберди атайлаб уларни дарҳол қабул қилмади. Улар қароргоҳ олдида бир соатлар кутиб қолдилар. Улар орасида турли гап-сўзлар қочди. Балки мўғулларнинг энг сара қўшини, айниқса, Тайнал нўённинг жангда ўта хилма-хил услубларни қўллаб, ҳар қандай рақиб саркардаларини мағлуб қилишни аъло даражада уддалаб келаётганлиги Султон Жалолоддинни ягона бир қарорга келиб жанг бошлашдан чалғитдимикан? Қандай бўлмасин, қўшин саркардалари ҳар бир лаҳзалар жуда оғир кечаётган ушбу дамларда унинг қандай руҳий ҳолатда эканлигини тезроқ билгиси келарди. Бундай ҳал қилувчи тигиз ва хатарли дамларда кутиш жудаям азоб бўлиб, устига-устак вақт ҳам секин ўтарди. Ниҳоят, Султон Жалолоддин саркарда ва сарҳанглар, ноибларга ичкарига киришга рухсат берди. Бунга ўзи гувоҳ бўлган ан-Насавий: „Уларни Султон ўз ҳузурига чорлади. Жалолоддин саркардаларини кенг ҳовлида кутиб олди. Буюк саркарда кутилмаганда улар билан мулоқотни умуман мўғулларга алоқаси йўқ масалалардан бошлади. Бу билан Султон мўғулларнинг босиб келаётган куч-қудрати ҳеч нарса эмасдек, бепаовонамо килиб кўрсатишга атайлаб ҳаракат

этар экан, ўзини жуда вазмин тутди. Султон Жалолиддин ўзини гўё бошланадиган жанг оддий тўқнашувлардан фарқ қилмайдигандек, уларнинг келиши қўрқув, хавотир уйғотишга арзимайдигандек руҳий ҳолатда намоён этди. Сўнгра гап йўсинини аста-секин мўғуллар масаласига қаратар экан, бу жангда жиддий қўрқув ва таҳдид соладиган ҳеч қандай хавф-хатар йўқдай қилиб кўрсатди. Натижада йиғилганларда ҳам шундай фикр уйғонди. Султон ҳар бир саркарданинг яхши сифатларини тилга олиб, ҳали уларнинг тилларда дoston бўладиган жасоратли ишларини кўплаб амалга ошириш имкониятларини эслатди. Ҳар бирининг қайсидир жангдаги баҳодирона майлда ўз ҳарбий фавжларини муҳораба майдонига олиб кириб душманга қирон келтирган дамларини тилга олди, мақтади ҳам. Оқибатда саркардаларнинг хижил кўнгиллари ёзилиб, қалбдаги ғуборлари ювилди. Шу суҳбат чоғида Жалолиддин саркардалар қалбига йўл топиб яқдиллик билан жангни бошлаш муҳитини вужудга келтирган эди. Тўғри, бу ерга келишни истамай, панапастқамда қолиб, мўғуллар билан бўлажак юзма-юз жанглардан турли баҳоналар билан ўзларини четга олиб қочган саркарда ва ноиблар ҳам бўлди. Уларни Султон ўз ҳузурига келтиришни буюрди. Жалолиддин уларни қатл қилдириши ҳам мумкин эди, аммо уларга сабоқ бўладиган бошқа маънавий жазо қўлади. Улар жанг давомида ҳибсда ушланди. Қандай жазо турини қўллашни мўғулларни бир ёқлик қилгач амалга оширадиган бўлди.

Жалолиддин саркардалар билан ҳарбий ишларга алоқаси бўлмаган мулоқотдан ўзи кутган ижобий натижа бераётганлигига ишонч ҳосил қилгач, мавзунини ҳарб масалаларига бурди. Суҳбат жиддий ҳарбий кенгаш мақомига кўчди, аввалда ўзини жуда мулоийм тутган Жалолиддин энди мўғуллар билан бўладиган жанг мавзусига ўтар экан, суҳбат ибтидосидаги сўз бошловчи самимийликдан асар қолмаган юртнинг ҳақиқий Султони, бемисл саркардаси қиёфасига ўтиб бўлган эди. Саркардалар бор вужуди билан Султоннинг оташдек чарсиллаган ватанпарварлик руҳидаги сўз сеҳри гирдобида симобдек эридилар. Оқибат барча саркардалар бир саф бўлиб, гоҳ ўринларидан турганича, гоҳ Султонга ўз садоқатлари рамзи сифатида чўккалаб жанг майдонидан бир қадам ҳам ортга чекинмасликка қасамёд этдилар. Кенгаш охирида Султон Жалолиддиннинг ўзи ҳам: „Худо ато этган куч-қудратим ва бор истеъдодимни намоёйиш этажакман, бунга бошланадиган жанг давомида ўзларингиз гувоҳ бўласизлар, иншооллоҳ“, — дея онт ичиш билан ҳарбий машваратни тугатди. Машваратдан кейин Исфаҳон раиси ва қозисини чақиртириб, яна бир бор мудофаачиларни охириги марта жанговар кўриқдан ўтказишни буюрди. Пиёда қўшинга совут ичидан қалин пахталик кийим кийиб олиш тавсия этилди. Қалин пахталик кийим танани қилич тифи ва ёй ўқи зарбидан яхшигина ҳимоя қиларди. Бу тадбирни қози ва раис тез амалга оширди. Ҳатто мудофаачилар учун аҳоли ўзларининг ортиқча кўрпа, ёстиқ, кўрпача ва тўшаклари пахталарини ҳам аямадилар. Жалолиддин Мангуберди аҳолининг бу тарздаги ватанпарварлик ташаббусларидан гоят мамнун бўлди. Шу тариқа ғалабанинг маънавий-руҳий жиҳати таъминланган эди.

Мўғуллар Султон Жалолиддин лашқарларининг ҳужумни биринчи бўлиб бошламаётганлигидан унинг қўрқаётганлигини, у доим ҳужумкорлик руҳида жанг олиб боришни маъқул кўришини, демак, ўзларининг ас-Синдаги тўпланган қўшини Султонни ваҳимага солганини, шунга кўра ҳарбий ҳаракат ташаббусини ўзлари бошлашларини маъқулладилар. Тайнал нўён икки минг отлиқ аскарни ажратиб, Исфаҳон атрофидаги қишлоқларнинг озиқ-овқатлари, молу қўйларини талон-тарож этиш эвазига кўп миқдорда қўшиннинг

моддий захирасига эга бўлмоқчи бўлди. Мўғуллар Тайнал нўён буйруғини дарҳол амалга ошириш учун тоғ тепалигига кўтарилдилар. Тоғ орқасида катта-катта қишлоқлар ястаниб ётарди. Мўғулларнинг ҳар бир ҳаракатини қатъий назоратга олган Жалолоддин хабаргирлари Султонга душманнинг илғор қисми атроф қишлоқларни талаш учун тоғ тепалигига кўтарилаётганлигини етказдилар. Султон Жалолоддин душман ниятини тез илғади ва ҳар қандай шароитда мўғулларнинг икки минг отлиқ қисми йўлини тўсиш учун уч минг қўшинни зудлик билан жўнатди. Султон бу қўшинга мўғулларнинг биронтаси қишлоққа ёриб ўта олмаслиги, чекиниш йўллари тўсиб, уларни тор-мор этиш вазифасини юклади. Султон топшириғини олган қўшин тоғни яхши билган йўл бошловчилар ҳамроҳлигида тез отланиб чиқдилар. Уч минг лашкарнинг сарҳанги йўл бошловчилардан мўғуллар орқа тарафига айланиб ўтиш мумкин ёки йўқлигини сўради. Шундай йўл борлигини айтишди. Бир ярим минг жангчи тонг отишини кутиб, тоғ тепасида турган душман орқасига олиб ўтилди. Бу пайтда ғира-шира тонг ҳам ота бошлади. Мўғулларга шу тариқа ҳам олд, ҳам орқа томондан тўсатдан ҳужум қилинди. Мўғуллар қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Мингдан ортиқ мўғул жасадлари тоғ тепасида қолди. Қолганлари таслим бўлишдан ўзга чораси йўқлигидан қуролларини ташладилар. Асирлар тўрт юздан ортиқ эдилар. Султон уларни шаҳар қозиси ихтиёрига топширди. Саркарда фақат мўғуллар қўшинида ўнбоши, юзбоши ва мингбоши қабилидаги бошлиқларни ўз ихтиёрида қолдиришни талаб этди. Сўроқ қилиб кўп ҳарбий сирларини билиб олди. Сўнгра уларни қатл эттирди. Қози ихтиёрига топширилган асирлар эса йиғилган Исфаҳон аҳолисига ҳавола этилди. Улар тошбўрон қилинди. Мўғулларнинг жасадлари қалъа ташқарисига ташланди. Ҳали катта жанг бошланмаёқ икки минг жанговар суворийдан ажралиш мўғулларнинг энг даҳшатли қўмондонларидан бири Тайнал нўёнга жуда қаттиқ таъсир қилди. „Агар шу жангда ғолиб чиқсам, Исфаҳон ва унинг атрофларида тирик жонзот қолдирмай қириб ташлайман“, — дея қаҳр отига минди нўён.

Султон ҳам нўённинг қаҳрига қарши қаҳр-ғазаб оловини авж олдирди. Ташаббусни тортиб олишни тоғ баландлигиданоқ бошлаган Султон Исфаҳон олдида ўз қўшинини жангга тайёрлаб, барча минглик, ўн минглик қўшин сарҳанглари эгаллайдиган марраларни бирин-кетин белгилаб берди. Чап қанот лашкарлари суворийларини кул ранг, ўнг қанот суворийларини эса оқ отлар билан таъминлади. Марказ, ўнг қанот ва чап қанот биринчи, иккинчи қаторни эгаллаган сафдаги суворийларини жуда тажрибали, баҳодир жангчилар билан тўлдирди. Одатдагидек, Султон ўзининг сараланган қўшини билан марказда саф олди. Бу сафар ўнг ва чап қанот оралиқ масофасини атайлаб бир-биридан узоқ масофада жойлаштирди. Лашкарни бундай жойлаштириш сирини Султон Жалолоддин ўзида қолдирди. Кўплаб қирғин ва даҳшатли жанг кўрган саркардалари ҳам Жалолоддиндан янги ҳарбу зарб усулини қўллашга қарор қилганлиги боисини сўрашга ботинмадилар.

Мабодо чап ёки ўнг қанотдан қайси биридир душман ҳужумига бардош беролмай чекинадиган бўлса, томонлар бир-бирига зудлик билан ёрдам беришлари ушбу ҳарбий саф тузилмасида қийин кечарди. Чап ва ўнг қанотни бир-биридан узоқда жанг қилишга мажбур қилиш билан фақат битта нарса кўзланди — чап ва ўнг қанот саркардалари бундай тартиб билан жангга кирадиган бўлса, чекинмасликнинг ҳам, душман қуршовига тушмасликнинг ҳам чорасини ўзлари топишлари лозим бўларди. Сўнги имконияти қолгунча курашдан бошқа йўли қолмасди. Жалолоддин шу ҳарбий тактикани Исфаҳон



жангида таваккал тариқасида қўлади. Бунинг учун ҳар бир жангчи ўз маррасида метиндек маҳкам туриши, мардликнинг ҳали мисли кўрилмаган қирраларини намоён этиши талаб этиларди. Саркардалардан янада кўпроқ ҳушёрлик, тадбиркорлик, топқирлик, шунингдек, ҳарбий истеъдоднинг очилмаган кўриқларини шу жангда ўзлаштириш, ҳарбий санъатнинг янги саҳифалари сари таваккал қилишга жазм этишни тақозо қиларди. Шу кунги жангда Султон Жалолиддин оддий жангчилари ва саркардалари қобилиятларини синов майдонига ташлади. Бундай синовни ҳаёт-мамот қайновига ташлашга жаҳоннинг манаман деган доврқли буюк саркардалари ҳам журъат қилмаган. Жалолиддин Мангуберди Исфаҳон остонасидаги катта жангда мўғулларга қарши биринчи марта шу ҳарбий усулни қўлади.

Султон Жалолиддин кун бўйи юз минглик катта лашкарни тер тўкиб сафга тизаётганида укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ ўзининг қирқ минглик қўшини билан келиб ўз акаси билан елкама-елка туриб жанг қилишини таъкидлади ва аввалдаги хиёнатлари, душманлик ҳаракатлари учун кечирим сўради. Бундан кейин доимо акасини Султон деб эътироф этишини, унинг йўриқ ва кўрсатмаларига садоқат билан амал қилишини маълум қилиб, жанг майдонида барча жангчи ва саркардаю ноиблар олдида қасам ичди. Бундан димоғи чоғ Султон Жалолиддин укаси Пиршоҳга ҳимоя қиладиган ҳудудни кўрсатиб, дарҳол ўзига ажратилган майдонда буйруқ берилишини кутишни топширди. Сипоҳсолар унга ажратилган муҳораба майдонини кўрсатди. Укаси Пиршоҳ қўшинини орқа тарафдан ҳимоя қилиш учун Султон Жалолиддин машҳур саркардаларидан Жаҳон Паҳлавонни ўн минг лашкар билан таъминлаб, укаси ихтиёрига берди.

Султон Жалолиддин қўшинларини зўр ғайрат билан жангга тайёрлар экан, мўғуллар ҳам Тайнал нўён буйруғи билан унинг қарама-қарши тарафида жанг тадоригини кўра бошлади. Тайёргарлик тутагунча ҳеч бир томон бир-бирига халақит бермади. Қайси тараф тайёргарликни эрта тугатса, жанг суронини чалдириб, қарши тарафни огоҳ қилади ёки яккама-якка жанг таклиф қилади. Бундай таклиф тушмаса, манглай ёки илғор қўшин жангни бошлаб беради. Одатдагидек, манглай ёки илғор қўшин ҳужуми зарбасини қайтариш, ёки сусайтириш учун эса ёйчилар бор маҳоратини ишга солиб, садоқидан ўтгиз-қирқтагача ўқ узиб, кейин отлиқ ва пиёдаларга йўл бўшатиб берадилар. Шундан кейин томонлар бирин-кетин марказ, ўнг ва чап қанотларни ҳужумга ташлайди. Ана шундан бошлаб жанг майдони ларзага келиб қирғин-қийматга айланади. Бу ерда энди ажал ҳукронлиги бошланади. Худди парвардигор ўзи яратган дўзахининг бир қисмини гўё Исфаҳон остонасида бу дунё оламига кўчиргандай. Томонларда пишиб етилган нафрат ва ғазаб учқуни аланга олади. Бу нафрат ва ғазаб оташидан ҳўлу қуруқ ёнади. Тирик қолганлардан кўра бу даҳшатли жанг майдонида жасадлар ҳукронлиги устунлик қилади.

Мўғуллар бош қўмондони ўз қўшинини саф-саф ва зич қилиб жойлаштирди. Буни ҳисобга олган Султон пиёдаларни жангга киритмасдан тезда уларни Исфаҳон мудофаачилари сафини тўлдиришга фармон берди. Пиёда қўшин Султон фармонига кўра қалъа мудофааси остонасига йўл олди. Жангни фақат отлиқ қўшин билан олиб боришни энг мақбул тактика деб билди.

Ниҳоят, ҳар икки томон сафланиш тадоригини тугатиб, жанг бошлашга тўла тайёр ҳолга келди.

Исфаҳон остоналаридаги бу аёвсиз жанг 1227 йил 18 августида Жалолиддин Мангуберди лашкарининг ўнг қанот ҳужуми билан бошланди. Бу жанг Нилаб жангидан кейинги энг оғири ва ҳар икки томондан кўп қон тўкилган, талафотлар ҳам бемислиги

билан тарихга кирди. Жангни ўнг қанот ҳужуми билан бошлаган Жалолиддинга хабаргирлар ноҳуш маълумот етказдилар. Яъни, чап қанотдан жой берилган укаси Пиршоҳ ўзининг қирқ минглик ва Жаҳон Паҳлавон саркарданинг ўн минглик қўшинини ҳам олиб номаълум томонга бирданига ғойиб бўлди. Бу Султон Жалолиддинга маънавий-руҳий томондан жуда салбий таъсир қилди. Бу соф маънодаги хиёнат, хиёнат бўлганда ҳам кечириб бўлмас сотқинлик эди. Жалолиддин бу хабардан қаттиқ овринди, аммо саркарда тушқунликка тушмади, укасининг виждонига қарши бориб, шу қилган соф хиёнати учун Исфаҳон жангидан галаба билан омонликда чиқадиган бўлса, укасини қилган ишига яраша жазолашга аҳд қилди. Чап қанотининг кучи сусайиб қолганини жанг бошланишиданоқ билган Жалолиддин унинг қўмондонига зудлик билан қаттиқ мудофаа жангини олиб боришга кўрсатма берди. Ўзи эса марказ лашкарини ҳужумга бошлаб, душманнинг (марказ) қалб қисмига зарба беришга киришди. Бир вақтда мўғулларнинг чап қанотига тўфондек ташланган ўнг қанот лашкарларини биқиндан туриб ҳимоя қилишга ҳам имкон топди. Шу тариқа Исфаҳон остонасидаги жанг майдони кўз очиб-юмгунча дақиқалар ичида жаҳаннам қозонидек қайнай бошлади. Худди денгизда бошланган бўрондек бор офатини ёғдириб, денгиз махлуқи даҳшатли тўлғаниб, ундаги кемаларни бир зумда ютиб, йўқликка юз туттиргандек ҳодиса бошланди. Бу ажал майдонини Исфаҳон аҳли ва мудофаачилари қалъа девори тепасидан ёқаларини ушлаганча ҳайрат билан кузатдилар. Қалъа аҳли Султон Жалолиддин лашкари галабасини парвардигори оламдан сўраб дуои такбир қилдилар. Кўплари эса бу ажал майдонидаги қирғин-баротни кўриб туришга куч ва иродалари етмай, девордан қайтиб тушдилар. Бироқ, қалъа ичидагилар „Кўзим кўрмасин ҳам, куймайин ҳам“ деганлари билан жанг ваҳимасидан қутула олмасдилар. Жанг майдонида юз минглаб суворийлар ҳаракатидан кўтарилган чанг-тўзон осмону фалакни қоплаб, аста-секин Исфаҳон қалъаси томон йўнала бошлади. Исфаҳонликлар қилич, найзаларининг бир-бирига урилишидан ва рақибларнинг ғазабли наъраси-ю, инсонларнинг ўлимолди даҳшатли овозлари ҳамда минглаб отларнинг кишнаб чопишларини барала эшитиб турдилар. Шунинг ўзиёқ Исфаҳон остонасида аёвсиз ва шафқатсиз жанг бораётганлигидан нишона эди. Жалолиддин Мангуберди шахсан ўзи бошқараётган марказ лашкарини Тайнал нўённинг қалб қўшини устига довулдек ёпирилиб ташлади. Қалъадек мустаҳкам ҳимоя ҳосил қилган мўғуллар сафини ёриб ўтиб, мўғуллар бош қўмондони қароргоҳи томон шиддат билан ҳужумни давом эттирди. Тайнал нўён қароргоҳ ҳимоясини кучайтириш учун ўнг қанот қисмларидан бир ярим мингта мўғул баҳодир суворийларни юборишни сўраб, зудлик билан хабаргирини Ясовур нўёнга жўнатди. Ясовур нўён бош қўмондонни ҳимоя қилиш учун айтилгандан кўпроқ мўғул ва Чин-Мочин баҳодир суворийларини жўнатди. Улар Тайнал нўён қароргоҳини гир айлана ўраб олиб, жонли мудофаа девори ҳосил қилдилар. Султон Жалолиддин Мангуберди Тайнал нўён қароргоҳи яқинида шундай бир жанг қилдики, натижада бош қўмондоннинг қалб лашкарий қисми ажал майини симириб ичишга мажбур бўлди. Оқибатда, Тайнал нўён қуршов домига тушиш хавфи остида қолди ва дарҳол қароргоҳини дарё орқасига кўчиришга мажбур бўлди. Ҳужум шиддатидан қалб ва чап қанот қўшинини бошқариш, назоратда ушлаб туриши издан чиқди. Бундан фойдаланган Султон Жалолиддин ялпи ҳужум бошлаб мўғуллар қўшинининг қалб ва чап қанотини пароканда қилиб ташлади. Султон Жалолиддиннинг марказ қўшини ва ўнг қанот қисми мўғулларни то Кошон ҳудудигача қувлаб борди. Мўғуллар йўл-йўлакай орқага чекинар эканлар, бошларини омон сақлаш учун нафақат

ўликларини, балки ярадорларини олиб кетишга ҳам улгурмадилар. Ярадор мўғулларнинг кўпчилиги отлар туёқлари остида жон бердилар. Шу зайлда мўғуллардан омон қолганлар дарёни кечиб ўтиб, тун қўйнида кўздан ғойиб бўлишди. Бу пайтда қуёш ҳам мағриб оламига юзланиб, шарқда зулмат ҳукмронлиги бошланиб, таъқиб қилинишдан чарчаган қўшин соҳил бўйига келиб тўхтади. Султон ҳам дарёнинг тик қирғоғидаги қулай жойга келиб отидан тушди. Отининг жиловини эгарига боғлаб, уни ўтлаш учун қўйди-да, дўнглик устига ўтириб, душман ғойиб бўлган дарёнинг нариги томонига қараб ўтирар экан, унинг лашкарбошиларидаан Йилон Буғу Султон Жалолиддин ўтирган жойга етиб келди ва Султонга деди: „Биз кўпдан бери бу лаънатилар бошига мана шундай қора кун тушишини истар эдик. Юракларимизда уларга нисбатан туғилган нафрат ва ғазаб алангаси мана шундай тарзда босилишини хоҳлардик. Вақт бизнинг истакларимиз ва хоҳишларимизни ушалтириш учун имкон берди. Аммо шундай ўтираверсак бизнинг ўч олиш борасидаги чанқоқликларимиз қонмай қоладиганга ўхшайди. Фурсатни бой бериб қўйсак, шу тундаёқ тоторлар икки кунлик йўлни босиб ўтиши ва мутлақ қутулиб кетишлари аниқ. Кейинчалик биз уларни қўлдан чиқариб юбориб афсусланишимиздан фойда йўқ. Ўшанда кеч бўлади. Таъқибни кучайтириб, йиртқичларни тун қўйнидан топиб, инидалигидаёқ қириб ташлайлик, — деган фикрни илгари сурди. — Улар бизларни (Нилаб жангини эслатиб) қандай азоб-уқубатларга солган бўлсалар, биз ҳам шу бугун бундан ҳам баттар кунларни уларнинг бошига солайлик, токи улар эртагача ўзларини ўнглаб олишга улгуришмасин. Ана шундагина яраланган қалбларимиз ором ва таскин топади“. Қони ва ғзаби қайнаган Султон шу заҳоти отини келтиришни буюрди ва қўшинига дарёни кечиб ўтишга буйруқ берди.

Аммо қутилмаганда тунда қилинган ҳужум фойда ўрнига кони зарар бўлиб чиқди. Тайнал нўён ҳам анойи саркардалардан эмасди. У рақиб томон билан юзма-юз олишишдан ташқари душманга турли хил усуллар билан тузоқ қўйиб, кўплаб машҳур саркардаларни доғда қолдирган, мўғул хоқонининг энг ардоқли саркардаси даражасига кўтарилган бўлиб, Чингизхон уни энг мураккаб, тугунини топиш қийин жабҳаларда жангга ташлар эди. Жалолиддин билан курашда Тайнал нўён мағлубиятлардан эсанкирамайдиган, мард ва истеъдодли саркардалар сирасидан эканлигини исботлади. Натижада Султоннинг тунги ҳужуми жанг бошланишида эришилган муваффақиятларни барбод қилиш хавфи остида қолди. Узоқни кўзлаб иш кўрадиган тадбиркор мўғул саркардаси ё қора кунлар бошига тушиши эҳтимолиданми, ёки Жалолиддин лашкарини исканжа тузоғига туширишни мақсад қилибми, энг азамат ва баҳодир, урушда суяги қотган жангчиларни алоҳида ҳарбий гуруҳ қилиб, дарё соҳилида жуда ҳам махфий пистирма тўсиғи қўйган эди. Аксига олиб Жалолиддин қўшини эртадан кеч тунга қадар саваш қилиб чарчаб анча ҳолдан тойган, ҳатто тушлик овқатсиз курашни давом эттираётган эди. Қочган душманни биратўла янчиб ташлаб ғалаба нашъасини суриш мақсади билан олға интилиб, кун бўйи овқатсиз ва дам олишсиз ҳаракат қилишга берилиб кетган лашкар интиқом олишга шай турган пистирмадаги қудратли мўғул қўшинининг яшин тезлигида берилган қарши зарбасига йўлиқди.

Пистирмадаги камонбозлар тунда учиб тушаётган юлдузлардек ёй ўқи учига нефть шимдириб отган ўқлар Жалолиддин Мангуберди суворийларининг айрим қисм ва гуруҳларини тутдай тўқди. Ан-Насавийнинг гувоҳлик беришича, Султоннинг битта жангчисига ўнлаб ёй ўқлари санчилган. Бироқ Жалолиддинга содиқ жангчилар орқага қочмай, ўлимга тик боқиб олдинга ташланганлар. Ҳатто ҳар гуруҳ ва қисмларнинг туғ,

белги ва байроқларини ушлаб турган туғдор ва байроқ тутувчиларнинг кўпчилиги ҳалок бўлиб яраланган. Мўғуллар, аввало, Султоннинг чап қанотини бутунлай қуршаб олиб йўқ қилиш учун асосий кучни шу қисмлар устига ташлаган. Жалолоддиннинг забардаст саркардаларидан бири Ахаш Малик ўз лашкарий қисми билан ўзидан бир неча баробар ортиқ мўғулларнинг қутуриб қилган ҳужумларини қайтариб, ганимларнинг Султон Жалолоддиннинг фул қисми орқа томонига айланиб ўтишига имкон бермаган. Ахаш Малик душманга ёриб ўтиш имконини бермагач, Тайнал нўён Ахаш Малик ҳарбий қисмларини бутунлай қириб ташлаш учун энг паҳлавон, энг мерган ва уч юз, тўрт юз метр узоқликдан бехато нишон олувчи сара ёйчиларга алоҳида кўрсатма беради. Натижада бу баҳодир саркарда ва унинг мард жангчилари чамаси ярим соат мобайнида ўқ ёмғири остида қолади. Ахаш Малик шундай жасорат кўрсатиб лашкарини жангга илҳомлантирдики, унинг бу жасоратига душманлари ҳам тан беришди. Унинг танасига ўқ-ёй қадалмаган жойи қолмаган. Уларнинг кўпчилигини қўллари билан суғуриб олиб ташлаб то йиқилгунча жангни давом қилдирган, уни ҳимоя қилган атрофидаги жангчилари барчаси ҳалок бўлиб, ниҳоят Ахаш Малик қиличига суянганича ерга чўккалаган ва ғазаб билан ташланиб уни йўқ қилмоқчи бўлган яна бир неча ёвни ерга қулатиб, сўнгра ўзи ҳам ерга қулайди. Ғазабланган мўғуллар ушбу қаҳрамон саркардани қиймалаб ташлаган. Ушбу қирғин-барот жангда минглик лашкар сарҳангларидан Алпхон, Ортиқхон, Куч Буғохон, Юлуқхон ва Менглибек Тойилар ҳам Ахаш Малик қаҳрамонлигини такрорлаб саркардаси кетидан қаҳрамонларча шахид бўлдилар.


Ушбу саркардаларнинг бемисл жасоратлари боис чап томондан Султон Жалолоддин фулига томон ёриб ўтиш имкони берилмади. Фақат улар билан ёнма-ён жанг олиб бораётган Язд ноибни Алоуддавла отахон мўғуллар қуршовида жанг қила-қила асир олинди. У мўғулларнинг минг хил азоб-уқубатли қийноқларидан сўнг қатл этилди.

Жалолоддин Мангуберди бу ноибини ҳурмат қилиб „отахон“ деб чақирарди. Мўғуллар Жалолоддиннинг чап қанотига зарба бергач, Тайнал нўён асосий ҳужумни Султоннинг ўзи бошчилик қилаётган фул ва ўнг қанотига уюштирди. Шу тариқа жанг ўзининг энг юқори палласига чиқди. Ниҳоят Тайнал нўён ташаббусни ўз қўлига олди.

Дарё этагидаги жанг бошланишидаёқ пистирма ҳужумига учраб катта қурбон берган Султоннинг ўндан ортиқ байроқдорларидан фақат охиргиси — ўнинчиси тирик қолган эди. Унинг мингдан ортиқ шахсий тан сақловчи фуломларидан фақат ўн тўрттасигина жанг асносида тирик қолган. Оғир вазиятни яна бир бор идрок қилишга интилган Султон Жалолоддин яраланган шер мисол ўн тўрт фуломи ҳимоясида мўғулларга аёвсиз ҳамла қилди. Унга рўбарў келган ёғий тирик қолмади. Лекин Султонни қўлга олишга зўр бериб олға ташланаётган мўғуллар чор атрофдан кенг майдонни тор қилиб қуршов доирасини тобора қисқартириб, тоғдан тушаётган даҳшатли сел тошқинидек Жалолоддин томон от солиб келарди. Ҳаётдан умиди узилган Султоннинг байроқдори ҳам бу ҳолатга дош беролмай отининг жилловини орқага бурди. Уни пайқаган Султон бир ҳамла билан унинг қўлидан байроқни юлиб олди ва унга қилич тортди. Шу тариқа сўнгги байроқдор мўғул қўлидан эмас, ўз Султони тифидан жон берди. Султон ўн тўрт фуломини еттитадан ўнг ва чап томон ҳимоясига қўйди. Сўнгра душманнинг қуршаб келаётган минглаб суворийларига қараб тулпорига қамчи босди. Унга ўқталган минглаб найза ва қиличлар девори ичидан ўлимни писанд қилмай, қулфатсиз ёриб чиқди. Бундай қуршовни ёриб чиқиш ҳарбий санъат тарихида камёб ҳодиса, ҳатто ақл бовар қилмайдиган ҳол эди. Бундай қатъий ишонч ва чексиз жасоратга чўмилган ғайрат Султонга қаердан



Чингизхон: „Султон Хоразм-шоҳ Жалолиддин ҳар қандай шароитда тириклайин қўлга олинсин“ деган фармони бераётган пайт. Чингизхон минг бир усулларни қўлласа ҳам унга эриша олмади. Аксинча, Султон Жалолиддин қаҳрамонлик бобида янги-янги саҳифалар очадиган жасоратлар кўрсатиб, хоқонни ҳолдан тойдирди. Хитой табиблари унинг ёнидан жилмайдиган бўлдилар. Чингизхон Султонни тўла тор-мор эта олмай, 1227 йил армон билан бу дунёни тарк этди. 1221 йил 1 декабрь. Нилаб.



Султон Жалолиддин ютагон Синд дарёсини шиддат билан кечиб ўтмоқда. Соҳил тепалигида Чингизхон ва унинг лашкари Жалолиддиннинг кечиб ўтишини ҳайрат билан кузатмоқда. 1221 йил декабрь.

келганлиги яратгандан бўлак барчага пинҳон ва сирлидир. Жалолиддин Мангуберди ўлим нақ чарх урган майдондан омон чиқди ва пароканда бўлган марказ қўшин лашкарини ўнг қанот қўшиннинг тирик қолган қисми билан бирлаштириб, жангни давом эттиришга киришди.

Тайнал нўён қуршовда қолган Султон Жалолиддинни қўлга олишга қатъий ишонган ва бу қуршов қозонида қайнаётган саркарданинг ҳолатидан қувончга тўлиб, ўз қароргоҳида мағрур кузатиб турарди. Тинимсиз қуршовни торайтиришга устма-уст буйруқ беришда давом қилди: „Наҳот буюк Чингизхон уддалай олмаган ишни мен уддалаб, унинг чексиз ишонч ва илтифотини қозонсам. Бу қуршов мен учун чинакам бахт қуши, уни учирмаслигим керак“. Аммо бир неча сонияда ҳодисалар ўзгача тус олиб, кўз очиб-юмгунча қўнаётган бахт қуши тўсатдан учиб, барчаси бир зумда саробга айланди-қўйди. Афсонавий баҳодир баҳодирлигини, шер шерлигини қилди. Йўлида учраган мўғул баҳодирлари Жалолиддин тифидан ўлим шаробини ичдилар, кўзларига ишонмаган Тайнал нўён ва унинг ёнидаги саркардалари не кўз билан кўрсинки, қуршов ҳалқасини ханжардек ёриб Хоразмшоҳлар салтанати байроғини ҳилпиратганича жанг майдони бўйлаб саман отида шамолдек елиб борарди. Ниҳоят, Султон Жалолиддин ўнг ва марказ қўшиннинг тўзғиб кетган қисмини бирлаштириб, яна қўшинни назоратга олишга эришди. Сўнгра Исфаҳонда жанг учун рухсат берилишини кутиб турган халқ лашкари ва пиёдаларни жанг суронига келиб қўшилишга фармон бериб чопар жўнатди. Шунга қадар ҳар қандай шароитда Тайнал нўённинг асосий хужумига яна бир оз бардош бериб туришнинг урдасидан чиқишга ундади. Бу билан Жалолиддин мўғулларнинг асосий қўшини тинкасини қуритди. Асосий қўшинни ва захираларини ҳам ишга солиб бўлган Тайнал нўён лашкари энди хужум шашти сусайиб ҳолдан тойиб бўлган эди. Орадан икки соатлар чамаси вақт ўтиб томонлар жангни эртага қолдирдилар.

Эрталаб тонг отганда қўшинни сафга тизишга киришган Тайнал нўён Султон Жалолиддиннинг денгиздай чайқалиб турган лашкарига кўзи тушди. Мўғуллар кечаги жангда Султоннинг зарбдор кучи қириб ташланди, энди эртага бўладиган жангда Султоннинг оз қолган қўшинини кечи билан тушга қолар-қолмас қиличдан ўтказиб, жангни ғалаба билан яқунлаймиз, деб ишонган эдилар. Уларнинг кўзларига кечагина ўзлари қириб ташлаган Султон жангчилари қайтадан тирилгандек кўринарди, гўё. Тайнал нўён қанчалик ичини ит тирнаётган бўлса-да, отдан тушса-да, эгардан тушгиси келмай мағрурлигини, мўғулча қайсарлигини қўймай майдонни тарк этгиси келмади. Бамайлихотир лашкарини сафлайверди. Султон Жалолиддин ҳам унинг ҳолатини тушунди. Бу ёри „майдонга чиққан мард манглайини қашламас“ қабилада охирига қадар курашилади. Бунинг устига кимсан Чингизхоннинг энг доврўкли, энг мағрур саркардаси у, қочиш Тайнал нўён учун номусдан ўлишдир. Унинг энди қайсарлик отига ҳам минишдан ўзга чораси йўқ, энг сўнги жангчиси қолгунча курашни давом эттиради. Ана шу қарорида собит турганича у жанг суронини чалдирди. Минг қилса ҳам кечаги жанглардаги довулдек хужумкорлик шашти йўқ. У мудофаа усулини танлади, бошқа чораси ҳам йўқ эди. Аксинча, Султон эса ўз қўшинини шиддат билан хужум жангига тайёрлади. Мўғулларни қириб ташлашга ташна лашкар Султоннинг хужумга чорловчи қароргоҳи бош байроғи ва сўнгра саркардаларнинг хужумга тайёр бўлганлик туғу туғро белгилари кўтарилишини интиқ бўлиб кутиб турардилар. Ниҳоят Султон Жалолиддин афсонага айланган олмос тифли шамширини шахт билан баландга кўтарди. Хужумга ундовчи саркарданинг ушбу ҳаракатидан сўнг барала юзлаб карнай-сурнайлар майдонни

тўлдириб янграй бошлади. Хужумни Султоннинг марказ қўшини бошлади. Султоннинг ҳамма томондан бемалол кўриш мумкин бўлган байроғи ҳилпираб олға кетаётганлигини илғаб олган чап ва ўнг қанот қўшин ҳам ҳаракатга келди. Саркарда барча кучларини бирваракайига жангга ташлади.

Тайнал нўёнда захира қўшин қолмаган эди. Шамол тезлигида ҳаракат қилган марказ қўшини Султон наъраси остида Тайнал нўён қалб қўшинига келиб тўқнашди. Султоннинг чап қаноти етиб келиб душманнинг ўнг қанотига, ўнг қаноти мўғулларнинг чап қанотига ханжардек қадалди. Бирпасда қўшинлар аралашиб, майдон жаҳаннамнинг нақ ўзига айланди. Бу жангга гувоҳ бўлган ан-Насавий жанг бошланишини қуйидагича таърифлаган эди: „Сафлар бир-бирларига аралашиб кетди. Қиличлар зарбидан қўллар елкалардан, бошлар бўйинлардан ажралди. Найзалар эса қувонч ва ташвишлар маскани бўлган юракларга санчилди. Кўкдаги қушлар ҳам самони тутган шовқин-сурондан орқага қайтдилар. Ер одамлар кўплигидан ва лашкарларнинг залварли қадамидан ларзага келди. Оқибат тоторлар Исфаҳон остоналаридан қўрқув аралаш қочдилар. Мағлуб сифатида орқага қайтдилар. Магар ланъатга дучор бўлган ҳолларида улар қаерда топилсалар ушландилар ва қириб ташландилар. Қочганлардан деярли ҳеч ким тирик қолмади, ҳеч ким қутулмади. Улардан оз қисмигина Жайхундан кечиб ўта олди, холос“.

Исфаҳондаги жанг ғарчи катта талафотлар эвазига бўлса-да, Султон Жалолоиддиннинг катта ғалабаси билан тугади. Султоннинг бу ғалабасидан Турон, Эрон ва Ироқдаги вилоят аҳли кўпчилиги хурсанд ва шод бўлдилар. Аммо бу ғалабадан Жалолоиддиннинг Кичик Осиёдаги рақиб ҳукмдорлари, Араб халифалиги ва мўғуллар салтанати мотамсаро ҳолатга тушдилар. Бу аҳамияти катта ғалаба эди. Султон Жалолоиддиннинг бу ғалабасидан мўғуллар ҳам, Шарқдаги рақиблари ҳам талвасага тушдилар. Уларнинг яна пайтавасига қурт тушди. Ғанимлар учун Қорақум йўлбарси, Турон шери Жалолоиддиндан қутулиш рақиб ҳукмдорлари ташқи сиёсатининг бош муаммоси бўлиб қолаверади. Улар шерни қопқон ва тузоққа туширишнинг яна турли режалари, фитналар тўрларини тўқидилар. Уни амалга ошириш йўлида бош қотиришдан сира чарчамадилар, маблағ ва лашкарни аёвсиз сарфладилар. Иттифоқчи рақиблар шундай вазиятни вужудга келтирдиларки, Султон Жалолоиддин учун бир оз осойиш топадиган на бир ҳудуд, на бир макон ва на бир осойишта гўша қолдирмаслик йўлини қидиришдан тўхтамадилар, чарчамадилар ҳам. Султон имкониятлар тобора ўзи учун торайиб бораётган хавф-хатарлар уммонида фақат қилич, жасорат куч-қудрати билан ўзига йўл очиб борарди. Кураш ва озодлик йўлини бош мақсади деб билган Жалолоиддин Мангуберди ва унинг баҳодир жангчилари учун жанг майдонида туриб ўлимни исталган сонияда мардона қарши олиш туйғуси қалби ва жисмида мустаҳкам ўрнашиб бўлган эди. Ўлаётиб қулликдан нафратланиб, озодликдан ғурурланиб, шодланиб ўлишни ўзларига бахт деб билганлар Султон лашкарининг қалби ва ишонган тоғи бўлдилар.

Мардлик ва жасорат тушунчалари ўз моҳиятларини улар қалбидан қидириб топишга, улар этагидан ушлаб қолишга интиларди. Бу тушунчалар Жалолоиддин ва унинг лашкари тимсолида ўзларини ислоҳ қила борди. Жалолоиддин Мангуберди ва унинг баҳодирлари мардлик ва жасорат тушунчасини аввалда барқарор макон қурган жойидан қудрат кучи билан кўтариб, уни қўл етмас юксаклик чўққисига кўтардилар. Мардлик ва жасоратнинг ўша эгалланган жойи башарият учун энди ўзгармас рамзий мезонга айланган. Ватан, эл-улус озодлиги учун курашда маёқ, ватанпарварлик тарбияси беришда мактаб ва комил

инсон тарбиясида буюк педагогика, шунингдек, озодлик ва мустақилликнинг қадрини англаш, англатиш ҳудуди бўлиб қолди.

Хатто ашаддий рақиб саркарда Тайнал нўён Жалолиддиннинг пўлат ҳалқадек мустаҳкам қуршовни ёриб чиқиб кетганлиги гувоҳи бўлар экан, Султонга офаринлар айтиб, мардона тан бериб, унинг орқасидан қуйидагича мурожаат билан ҳайқирган. Энг ишончли манба ан-Насавий асарида бу воқеа мозий ва келажак учун муҳланди: „Тайнал нўён Султоннинг бу ҳаракатларини кузатар экан, унинг мардлигига тан берди, қаҳрамонлигини улуғлаб, орқасидан қўлини бигиз қилиб кўрсатиб, бундай деди: „Сен қаерда бўлма, ҳар қандай шароитда қутулиб кета оласан! Ҳақиқатан сен ўз даврининг улўф қаҳрамонисан, лашкарингнинг буюк йўлбошчисан!“

Улуғ муаррих бу сўзларига далил келтириб, уни Султон Жалолиддин Мангуберди томонга Исфаҳон остонаси жанги якуни арафасида қочиб ўтган мўғул саркардаси айтиб берганлигини қайд этиб ўтади. Душман саркардасининг бу таърифига эътироф йўқ. Ўзининг ашаддий рақибига бундай ҳаққоний баҳони бериш, эътироф этиш учун оёқни мардлик майдонига тираб, қўлини эса ҳаққониятнинг тоза суви билан юва олиши лозим. Тайнал нўён ҳам Жалолиддинга бундай юксак баҳони бериш билан ўзи ҳам буюк саркарда сифатида тарихдан ўзига янги саҳифа очди. Ҳақиқий эътироф, хатто ашаддий душманники бўлса-да, тан бериш ҳам чинакам мардликдир, хатто ибратдир.

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва кураши нафақат ўша давр муаррихлари асарларида, балки душманларининг ҳаққоний баҳоларида яққол безанди, улуғланди. Агар бундай таъриф тавсифларни тарих саҳифаларида кўрмас эканмиз, Жалолиддин Мангубердининг босиб ўтган жангу жадалдаги йўли қаҳрамонлик эпопеяси дейилса, унда мутлақ муболаға йўқ, аксинча, унинг қилич серпаб жанг майдонида туриш жараёни қалам кучи билан, инсон ақлий салоҳияти билан очишга ожиз қолинадиган, ўзлаштириш қийин бўлган сир-синоатли майдондир. Уни очиш учун келажак муаррихлари ҳам ҳали фидойилик билан кўп тер тўкишлари, афсонавий қаҳрамон қирраларининг башариятга ўрناк жиҳатларини китобот қилишларига тўғри келади. Улардан халқ қаҳрамонининг, буюк саркарданинг тўлақонли ҳам шонли, ҳам фожиали юртимизнинг XIII асрга дахлдор „Ўзбекнома“ ва „Ҳасоратнома“ солномаси ҳосил бўлади. Мустақиллик, озодлик ва эрк учун курашдан иборат бу дoston миллат, эл-улус учун, Ватанни ҳимоя қилишнинг абадият қўшиғига айланади, шундан ўзликни англаш поғонасидан, Ватан қадрини англаш ватандошларимиз учун юксаклик пиллапоясига кўтарилади. Уни қуйлаб ўсган миллат завол билмайди, қуллик кишанини киймайди, кийдирилишига эса асло йўл қўймайди ва ўзгаларга имкон ҳам бермайди. Жалолиддин Мангубердининг жанг суронларидаги ҳайқирғи билан уйғонган миллат озодлик, мустақиллик нафаси билан яшайди, шундай ҳаёт кечирishi абадият қонунига айлантиради.

Тайнал нўён қўшинларини Жайхунга қадар тирқиратиб қувган Султон Жалолиддин зафар қучиб, фолиблик туғини баланд кўтариб, Исфаҳонга кириб келди. Исфаҳон аҳли қайта дунёга келгандек уни ва лашкарларини зўр шодиёналик билан кутиб олди. У бу ерда бир неча кун ғалаба нашидасини аҳолининг барча табақалари билан бирга сурди. Бемисл қирғин ва қон тўкиш майдонидан қайтган лашкарларга дам берди. Аҳоли яқин орада бундай хурсандчилик ва байрамона кайфиятни кўрмаган эди. Бу ғалабани улар ухламай нишонладилар, зўр шодиёналикда тонгни қаршиладилар. Байрам нафаси ҳар бир кўча, уй ва маҳалларни қамраб олди. Жалолиддин Мангуберди ва унинг қаҳрамон лашкарлари шарафига айтилган шон-шарафли ҳайқирғи садолари Эрону Хуросон осмони



билан бўйлашди. Исфаҳон остонасидаги ғалаба овозаси узоқ-узоқ ҳудудларга тарқалди. Қўлчилик ҳудуд ва вилоятларда мўғуллар зулматидан қутулиш, озод бўлиш ишончи кучайди. Султонни алқаб минг-минглаб умидвор бандалар дуога қўл очдилар. Қалбларида қувонч, кўзларида хурсандчилик ёшларидан йиғладилар. Гўё яқин кунларда мўғул истибдодидан бутунлай қутуладигандай орзу-истаклар зулм остида қолган халқларда жунбушга келди. Жалолиддин шарқ учун мустақиллик тимсолига айланди.

## ПИРШОҲНИ ТАЪҚИБ ҚИЛИШ РЕЖАСИ. ЧИНГИЗХОН ЎЛИМИ ҲАҚИДА ХАБАР

Жалолиддин олиб бораётган жангу жадал ўзининг хусусиятига кўра ер юзидаги чўлу биёбон, чангалзору ўрмон ва тўқайзордаги бўрилар, чиябўри, тимсоҳлар, илону чаёнлар, жамики аждаҳосифат йиртқичлар бирлашиб шерни ғажишга ва уни тилка-пора қилишга интилганлар билан бўлаётган ҳаёт-мамот курашига ўхшарди. Ана шундай ёвуз кучлар иттифоқчисига айланган Фиёсиддин Пиршоҳ акаси Жалолиддин Мангубердига таянч ва қанот бўлиш ўрнига ёвуз душмандан ҳам баттар пасткашликларга қўл урди. Султон Жалолиддин уқаси содир этган хоинликларни кечириб бир неча бор бағрикенглигини дариф тутмади. Унинг инсофга келишини узоқ кутди. Аммо уканинг кир ва гина билан тўлиб кетган қалби акага нисбатан покланмади. Исфаҳон остонасидаги жангда унга чап қанотни ишониб топширди. Унинг сотқинларча номардлик иши шу бўлдики, акаси Жалолиддинни Тайнал нўённинг темир панжасига топшириб, ўзини катта жангдан олиб қочди. Бу кечирилмас хиёнатгина эмас, балки оғир жиноят ҳам эди. Жангда ўпирилиш юз бериб, Султон Жалолиддин қуршовга тушиб, ҳаёти қил устида қолди. Ўн минглаб сара лашкар сафини тўлдириб турган азамат жангчилар унинг хоинона ҳаракатидан ҳалок бўлдилар. Қанча жангларда ғолиблик байроғини кўтарган Жалолиддиннинг таянчи бўлган жасур ва атоқли саркардалар сўнгги нафасгача олишиб шаҳид кетдилар. Энди шу гуноҳларидан кейин ака-укалар ўртасидан шундоқ ҳам узилай деб турган ишонч ришталари мутлақ барбод бўлди. Халқимиз „Ўзимдан чиққан балога, қайга бораёй давога“ мақолини ҳаёт синовларидан ўтказиб, муомалага киритганлиги бежиз эмас. Тарихда энг лаънатланган ҳодисалардан бири бу шоҳ ва шаҳзода, яъни ота ва бола ҳамда тождорлик даъвоси билан бир-бирига тиф кўтарган ака-укалар хатти-ҳаракатидир. Султон Жалолиддин нақадар қийин бўлмасин, энди душманлар билан жангни орқага суриб, укаси Фиёсиддин Пиршоҳни йўлидаги асосий ғов сифатида бир ёқлик қилишга аҳд қилди. Ғалабани мустаҳкамлаш ўрнига Жалолиддин энди укаси учун оворай сарсонгарчиликка вақт сарфлади.

Фиёсиддин Пиршоҳ жанг майдонини ташлаб мўғулларга ғалаба қилиш ва акасининг мағлуб бўлишига имкон яратиб жанг майдонидан чиқиб кетар экан, яна иккита қабих ишга қўл уриб улгурди. Биринчиси, Жалолиддин Мангубердининг истеъдодли саркардаларидан бири Жаҳон Паҳлавонни ҳам айнитиб, ўзи билан олиб кетишга улгурди. Сўнгра Исфаҳонни тарк этаётиб, Жалолиддиннинг содиқ саркардаси ва маслаҳатчисига айланган лашкари билан бирга Исфаҳон шихнаси вазифасида турган Нусратиддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасанни ҳам ўлдириб чиқиб кетади. Нусратиддин Жалолиддин қўшини сафига Ҳиндистондаги Синд, Учча, Мўлтон, Лоҳур ва Пешавор ҳукмдори Носириддин Қубачага қарши жанг арафасида келиб қўшилган ва бундан кейинги умри давомида Султон Жалолиддинга содиқ хизмат қилишга қасам ичган эди. Султоннинг

Нусратиддинга ихлоси баланд эди. Ан-Насавий уни шахсан яхши билар, шу сабабли ўз асарида унинг инсонийлик фазилатларини қуйидагича ижобий фикрларда тилга олган: „У Жалолиддиннинг ўзига ғамхўрлик қилишига ишонди. Шунинг учун унга хизмат қилиш мақсадида саройига ташриф буюриб, Султоннинг оёғи остида ер ўлди. У ниҳоятда ақлли, илтифотли, ҳар бир сўзига ўзига яраша жавоб топиб бера оладиган одам эди. Султонга сидқидилдан хизмат қилди, унинг ҳурматини қозонди. Шундан кейин Султон уни ҳамтовоқ қилиб олди, хурсандчилик анжуманларида марҳаматини аямади. Султон Нусратиддинни Исфаҳон шихнаси этиб тайинлади ва бу ердан каттагина мулкни унга иқтоъ қилиб берди.“

Султон Жалолиддин Нусратиддин ўлимини эшитиб қаттиқ ғамга ботади. Унинг қайғуси муаррих отасидан ажралган фарзанднинг қайғусидек оғир бўлганлигини эслатади. Султон укасига бор ғазабини сочиб мактуб ёзади. Хат мазмунида „энди сенинг қилган ишларинг фақат ўлимга лойиқ, бундан кейин яшашга ўрнинг ҳам, ҳаққинг ҳам йўқ“ тарзида дарғазаблик оҳанги уфуриб турарди: „Сен менга дўстинга дўст, душманинга эса душман бўламан, деб қасам ичган эдинг. Сен ўлдирган одам менга дўстдан ҳам ортиқроқ, яқинларим ичида энг яқини эди. Мен у билан учрашганимда ғамдин фориф бўлардим, у келган жойдан кулфат чекинарди. Сен уни ўлдириб, энг баттол қотилга айландинг ва қасамингни буздинг. Мен ҳам эндиликда сенга берган қасамимдан воз кечаман. Лекин шунга қарамай, бу борада сен ҳақингда ҳукм одил қонунлар асосида чиқарилишини истайман“. Сўнгра Султон Жалолиддин бу қотиллик юзасидан жиноий иш қўзғашни Исфаҳон қозисига топширди. Ҳам жангдан ўзини четга олиб, ўн минглаб жангчиларни ҳалокат чоҳига ташлаб кетганлиги, ҳам қасамхўрлиги ва қотиллиги учун уни фақат ўлим жазоси кутарди. Мактубни очиб ўқир экан, шу заҳотиёқ Гиёсиддиннинг юзларида даҳшатли қўрқув аломати зоҳир бўлган. Худди бирпасдан кейин эшик очилиб, қўлида ё ўткир ханжар, ё дорга осиладиган арқонни елкасига ташлаганича қўрқинчли жаллод кириб келадигандай титраб-қақшаган. Кўз олдидан ўлимнинг қай усулда амалга оширилиши ўта бошлаган. Наҳот у молдек бўғизланса, йўқ, сўйилиш жуда азобли ўлим, Дор-чи!!! Йўқ! Бу ҳам бўлмайди. Нафас ола олмай ўпка ёрилиб ўлиш, жон бера олмай сиртмоқли арқонда қийналган тананинг жон талвасада пириллаб айланишлари кўз олдидан ўтди. Йўқ, йўқ! У осилиб ўлишни ҳам истамайди. Энди жаллоднинг қайси ўлдириш услуби қолди? Гиёсиддин Пиршоҳнинг бирдан авзойи баттар бузилиб, ваҳима домида қолди. Жаллод қўллайдиган яна бир усул осиб ўлдиришдан сал бошқачароқ, темирдек пўлат совуқ қўллар уни чўккалаб ўтиришга мажбур қилади ва ҳафсала билан бўғзидан ушлаб, бўғма илон ўз ўлжасини ихлос ва шиддат билан ўлимга маҳкум қилгандай ҳолатни ўз қисматида синаб кўради. Бундай жазога гирифтор бўлганлар жуда қийналади. Бу қийналишдан эса жаллод ҳузур олади. Ўз ишини роҳат олиб охирига етказади. Бу пайтда жон берувчи бахтиқаро маҳкумнинг кўзлари қийноқ зарбидан косасидан отилиб чиққан пайтлари кўп содир бўлган. Буларнинг қайси биридир ўзида такрорланишини даҳшат билан ўйлаган Пиршоҳ кўз олди қоронғилашиб, қўлидаги хатни якунига етказа олмай, бошини чангаллаганича уҳ тортди. Энди бундан кейинги ҳолати то ҳибсга олингунча таҳлика, бошида ўлим васвасаси чарх уриб яшашга мажбур. Ўлим уни соатма-соат, сонияма-сония таъқиб қилар, унинг учун ўзининг соясига қараш ҳам жуда қўрқинчли эди. Шунга айтган-да халқимиз: „Мард бир марта ўлади, аммо ўлганида ҳам мардона ўлади, номард эса минг марта ўлиб ҳам ўла олмайди“. Гиёсиддин Пиршоҳ ана шундай аянчли ўлиш ҳодисасига мактубни олиши биланоқ дуч келган эди. Номардга

ўлим ҳам ўзига хос тарзда яқинлашиб келади. Пиршоҳ шундай ўлишга маҳкум эди. Оқибат шундай бўлди ҳам. Аканинг адолат қаҳридан қочиб қувилган Фиёсиддин Пиршоҳнинг ўлими юз бергунча ҳаётида тентириш ва дарбадарлик даври бошланди. Не-не бегона сарой эшикларига бош уриб, бошпана сўрамади. Илтижолар қилди, қулларча тиз чўкди, кейин паст кетиб, ғурусизлигини намойиш этди. Бор-будини гаровга тикди. Султон Жалолиддин қаерда паноҳ топаётган бўлса, Фиёсиддинни тутиш ва қўлга олиш, уни бир ёқлик қилгач эса унга гоҳ пинҳон, гоҳ ошқора курашга чоғланган иккиюзламачи, садоқатсиз ноиблар, ҳукмдорлар билан курашга киришмоқчи бўлди. Исфаҳондаги жангда анча путурдан кетган қанотлар лашкарий қисм ва марказ қўшинининг сафларини тўлдиришга киришди. Айниқса, ўнг қанот қўшинининг қонли жангда жасорат кўрсатган саркарда ва амирлар хизматларини муносиб тақдирлади. Чунончи, саркарда Йигит Маликка — Утурхон, Тегчорик; Хонкишига — Хосхон; Қўйсунқур Маликка — Сунқурхон; Абу Бакр Маликка — Иномхон олий даражали унвонлар ҳамда уларга иқтоъ мулклар ажратиб берди. Ана шундай ташкилий ҳарб масалалари билан шуғулланаётган бир вақтда хабаргирлар Султонга муҳим янгилик олиб келганликларини билдиришди. Бу янгиликни келтирувчилар „Султон Жалолиддинга ушбу хабар берилиши билан ўзида йўқ хурсанд бўлади, яқин ўн йиллар ичида Султонга ҳеч ким бундай хурсандчиликка сабаб бўладиган хушxabар етказа олмаган“, деб ўйлаган эдилар. Жосуслар бошлиғи дарҳол Султон Жалолиддин қароргоҳида қабул қилинди. Жосуслар бошлиғи Султонни бирданига ашаддий рақиблари бўлмиш Чингизхон ҳамда унинг тўнғич ўғли Жўжидан қутулганлиги, уларнинг ҳар иккиси ажал домига йўлиқиб, бу дунёни тарк этишганлигидан хабардор қилган. Буни эшитган сарой аҳли Султон Жалолиддинни бу хушxabар билан қутлаб, муборакбод қилишган. Шунда Жалолиддин Мангуберди хурсанд бўлиш ўрнига маъюс тортган: „Наҳотки шу тўғри бўлса, бундай бўлмаслиги керак эди. Улар менга муносиб келадиган жангчи, хоқон ва саркарда эдилар. Ҳар икки ота-ўғил хоқон ва саркардалар билан жанг майдонида яна юзма-юз учрашиш менинг асосий орзу-истагим эди. Тайнал нўён билан қандай учрашсам, худди шундай учрашмоқчи эдим. Наҳот бу орзуим саробга айланса. Агар бу хабар рост бўлса, афсусдан фойда йўқ. Омонат жонни қайтариб олиш бу яратганнинг иши. Бу дунёдаги қилмишлари учун улар Парвардигор олдида жавоб берадилар. Ҳар ким экканини ўради. Майли, не илож, қилич билан қила олмай қолган ҳисоб-китобимни маҳшарда учрашиб, тил тиғи билан жанг қилиб яқунлайдиган бўлибмиз. Худонинг хоҳиши бу, бандасига тегишли эмас. Ҳалиям бўлса, бу хабарнинг ҳақиқат эканлигини яна бир марта аниқлашга уриниб кўринглар“.

## ЖАЛОЛИДДИНГА СИНГИЛДАН КЕЛГАН МАКТУБ

Сўнгра Султон Жалолиддин: „Кейинги янгилик хабарингиз нима?“ дегандек котибул-иншо амалдори томонга юзланди. Шунда ан-Насавий қўлидаги мактубни Султонга узатар экан: „Бу синглингиздан“, — деди. „Синглимдан?“ — такрорлайди Жалолиддин. „Ҳа, Султоним, бу хат айнан синглингиз Исфаҳон остонасидаги ғалабангизни эшитиб жўнатган табрик хати бўлса ажаб эмас“. Султон Жалолиддин ан-Насавийдан мактубни ўқиб беришни сўрайди. Жалолиддин Мангуберди феъл-атворини яхши билган котибул-иншо ан-Насавий мактубни эҳтиётлик билан очиб, Султон кайфиятига мослаб ўқий бошлади. Унда жондан ортиқ синглисининг қуйидаги кўнги сатрлари маржондек тўкила бошлаган эди: „Буюкликда тенгсиз, жасоратда ягона акажоним, сизни нақадар

софинганимни сўз билан ифодалашга ожизман. Қанийди, шу мактуб ўрнида қалдирғочдек учиб борсам-у, шеркелбат елкангизга бошимни қўйиб, акалик меҳрингиздан тўйсам. Сизни ва сизнинг арслонсифат ҳайқириқларингизни жанг майдонларида кўргим, эшитгим келади. Булар ҳозирда мен учун, минг афсус фақат орзу, не илож! Тақдир мени жуда аччиқ ҳақиқат билан рўбарў қилди. Мен ҳозирда ашаддий душманингиз хоқоннинг тўнғич ўғли Жўжигга хотинман. Ундан фарзандлиман, бироқ, у ҳозирда отасиз етим, мен эса бева. Бу менга яратган эгамнинг кўргулигидир, балки. Мана шу йил бирин-кетин ҳам қайнотам Чингизхон, ҳам эрим вафот этишди. Зора энди мушкулларингиз осон кечар, деган умиддаман. Улар туфайли Шарққа машҳур буюк хоразмшоҳлар сулоламиз таназзулга юз тутди. Сиз эса қўлдан кетган минг имкониятдан кейин ўзингизни ўнглаб, Ватан ва салтанатни сақлаш учун ҳаёт-мамот кураши олиб бормоқдасиз. Ҳар бир ғалабангизни эшитганимда, билсангиз эди, хурсандлигимдан дунёга сифмай кетаман. Илоҳим Такаш бобомнинг зафар қиличи қўлингиздан тушмасин, ёвларга омонлик бермасин. Эрим вафот этгач, менга ундан жуда катта мулк мерос қолди. Қанийди, буларнинг барчасини сизнинг музаффар лашкарингиз эҳтиёжига сарфлай олсам: ҳозирча бунинг иложи йўқ, аммо имкон топдим дегунча буни амалга оширишга аҳд қилганман. Бу мулк „Ясоқ“ қонунига кўра мен ва мерос тариқасида фарзандимга хатлаб берилди. Бу бойликлар мени қизиқтирмайди. Бутун вужудим билан кечаю кундуз сиз ҳақингизда ўйлайман. Исфаҳонда эришган ғалабангизни эшитиб, хурсандлигимдан йиғладим. Бу ғалабаларингиз илоё бардавом бўлаверсин. Юртимиз, элимиз ва халқимизни не-не азоб-уқубатларга солган душманларингизнинг барчаси қўлингизда ўйнаб турган бобомдан сизга мерос қолган қасос қиличидан жаҳаннамга равона бўлаверсин. Буни Оллоҳга беадад дуолар қилиб сўрайман, зора ижобат бўлса. Мен шон-шухратингиз Арабу Ажам, Эрону Хуросонда тобора зиёда бўлиб, зафар байроғингиз Кичик Осиё, Форс, Ироқу Кавказда ҳилпираётганлигини эшитиб, бошим осмонга етди.

Акажоним! Сиз эришаётган ютуқлар ва ғалабалар кўплаб душманларингизни ғулғулага солиб, ушбу зафарларингизни яқдил бўлиб йўқ қилишга қасд қилаётганлигидан ҳам хабарим бор. Иложи бўлса, уларнинг бирлашиб олишларига йўл қўймай, алоҳида-алоҳида тор-мор келтирсангиз эди. Асло ақл берди, демангу, бу менинг астойдил истагимдир. Душманга қарши курашда ўзингиздан тажрибали баҳодир Султон ва саркарда йўқ. Оғажоним! Имконингиз бўлса уларни тезроқ қириб ташлаб, машҳур салтанатимизни Турон ва Хуросон узра тезроқ тикланг. Боболаримизнинг зафар туғи бу ўлкалар узра мағрур ҳилпирасин.

Хоразмшоҳлар салтанати ўлмаганлиги, яшаб қолишга қодирлигини халқ сизнинг қаҳрамонлик тимсолингизда кўрсин, душманларингиз куйиб, дўстларингиз қувонсин. Агар уларни енгишга кучингиз камлик қилса, элчиларингизни Ўқтой ва Чигатойлар қароргоҳига жўнатинг. Улар билан сулҳ тузишингизга уларнинг розилигини олдим. Саройдаги ўз таъсирим ва мавқеим орқали шунга эришдим. Ўқтойхон ва Чигатойхонлар сизнинг Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва Кавказдаги ҳукмронлигингизни тан олишга сўз беришди. Бу имкониятдан фойдаланиб, лашкар ва сиёсатдаги каму кўстларингизни ҳар томонлама мустаҳкамлаб олсангиз. Сўнгра мағриб оламидаги душманларингизни тўла мағлуб қилиб, ўз она юртимизни мўғуллар истибдодидан озод қилишга киришишингизни астойдил истаб, зафар туғингиз ўз заминимизда ҳилпирашини кўриш менга ва истибдод остида эзилган халқимизга насиб этишини Худодан сўраб қолувчи Ойсултон синглингиз“. Ан-Насавий шу тарзда мактубнинг охириги сатрларини ўқиб тугатиб, сукут сақлар экан, Султон Жалолиддиндан садо чиқишини кутади. У Султонининг қалб

дунёсида қандай руҳий кечинмалар жунбушга келганини аниқ сезиб турарди. Синглисидан келган хатни ўқигач, Султоннинг қалб яралари қайтадан тирналди. Мактуб Жалолиддин Мангубердини қаттиқ изтиробга солган эди. У дастлаб бир лаҳза онаси, синглиси билан бирга кечган беғубор болалигини хотирлади. Қани, ушбу онлар бир дамгагина ортга қайтса, йўқ, бу туш каби тез ўтган дамлар. Сўнгра хотирасидан даҳшатли воқеалар ўта бошлади. Мўғулларнинг юртга харобалик келтирувчи ҳужумлари, ундан хароб бўлган шаҳару қишлоқлар, кети кўринмаган қон тўкишлар, салтанат таназзули, юртнинг бузилган ари уясидек тўзғиб кетишлари, ҳамма жойда ўлим соя ташлаган, бунга барҳам берадиган бирон куч йўқлиги бир лаҳзада Султон хаёлидан ўта бошлади. Адоғи йўқ чекинишлар ва йўқотишлар. Айниқса, Нилаб жангидан кейин фожиали ҳолат, онаси, суюкли ёри, фарзандларини ўз фармони билан Синд дарёсига оқизиш ва шу жараёндаги айрилиқ, дод-фарёдлар ҳаммаси Султон Жалолиддин кўз олдида намоён бўлди. Ўша даҳшатли ондаги оиласининг видолашув чинқириқлари, нолалари қулоғи остида қайта акс садо берди. Аммо, Жалолиддин оддий бир жангчи эмас, ёхуд оддий бир саркарда ҳам эмас, у Султон — ўз саркарда ва девонлари олдида фожиаларни эслаб мунгайиб ўтиришга мутлақ ҳаққи йўқ. Ҳали олдинда ҳам, орқада ҳам, ўнгда ҳам, сўлда ҳам адоқсиз жанглар. У барчани шу қонли жангларга йўллаб, Ватан дея ҳайқириви, ҳужумга бошлаши керак. Шуларни ўйлаган Султон ўзини тезда йиғиштириб, мактубдаги синглиси билдирган сулҳ тузиш билан боғлиқ масалага ҳукмдор сифатида ўз муносабатини билдириши зарур. Қароргоҳ аъзолари унинг қарорини интиқ бўлиб кутмоқда.

Синглиси ўз мактубида жуда катта сиёсий муаммолар ечимига даҳдор масалалардан сўз юритиб, акаси Жалолиддиннинг бундан кейинги тақдири билан боғлиқ муҳим фикрларни илгари сурган эди. Агар, синглиси айтгандек, мўғуллар ҳукмдори Ўқтой хоқон билан ўша мактубдаги ҳолатда сулҳ тузганида Жалолиддин Эрон, Ироқ, Хуросон ва Озарбайжон, Кавказ ҳудудларида мустаҳкам ўрнашиб бўлган бўлур эди. Лекин Султон синглисининг бу таклифини қабул қиладими ёки йўқ. Ҳамма сарой аҳллари Султонни қандай қарорга келишини кутди ва сукутда турди. Кўпчилик эса мўғуллар билан сулҳ тузиб, мамлакат ҳудудларидаги тобе вассал, ноиб ва ҳукмдорларининг жоловини тортиб, сўнгра атрофдаги рақибларни бирин-кетин тор-мор келтиришга киришса керак, деган мулоҳазада турдилар. Бироқ, бундай бўлмади. Жалолиддин Мангуберди ғоят мағрур Султон эди. У ҳеч қачон мўғуллар салтанатида катта мавқега эга бўлган синглиси соясига ўтиб мўғулларга ёлвориб боргансимон яраш сулҳига асло рози бўлмас эди. Бундай қилиш буюк саркарда ҳамиятига мутлақ зид эди. У бундай сулҳни мўғулларга эгилиб, ёлвориб боришдан фарқи йўқ таслимчиликка тенг ҳолат, дея баҳолади. Шу боис синглиси мактубини жавобсиз қолдиришни афзал деб топди. Шу билан мўғуллар ва ўзи ўртасида тузиладиган битим масаласига раддия бериб, унга нуқта қўйди: „Мўғуллар билан яраш сулҳи тўғрисида ҳеч қачон гап бўлиши мумкин эмас, сўнгсўзни айтиш фақат қўлимиздаги қиличга қолган. Мўғуллар босиб олган ва қон тўкилиб тортиб олинган Ватан фақат қон тўкиш йўли билан қайтариб олинади. Шу йўлда жонимиз ва борлигимиз фидо бўлсин“, — деди-да, ан-Насавийга синглисидан келган ушбу мактубни жавобсиз қолдиришни, дарҳол уни ёқиб ташлашни буюрди: „Мен эшитмадим, сиз эса уни ўқимадингиз“. Ан-Насавий Султон сўзларини тасдиқлаб: „Сиз нима десангиз, шу бўлади Султоним“, — дея бош эгиб таъзим қилади. Сарой аҳллари ҳам биргаликда котибул-иншо сўзларини такрорладилар. Шу билан бу тўғрида ҳеч ким, ҳеч қачон гап очмади. Ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолди.




## ШАҲЗОДА ПИРШОҲ ВА МАЪСУМА ОНА ҚАТЛИ

Султон Жалолиддин Исфаҳондан чиқиб Эроннинг Рай шаҳрига йўл олди. Шу ерда унга Фиёсиддин Пиршоҳ Хузистон тарафига кетаётганлигини хабар қилишди. Бу ерга етиб келганда у Аламут томонга қочганлиги маълум бўлди. Султон таъқибни кучайтириб Аламутнинг кириш ва чиқиш йўллари нazorатга олди. Фиёсиддин Пиршоҳ қаерда акаси Жалолиддиннинг рақиблари мавжуд бўлса, уларнинг барчасига ёрдам сўраб мурожаат қила бошлади. У вазири Карим аш-Шарқни Араб халифаси ал-Мустансир хузурига юборди. Аш-Шарқ Бағдодга етиб келиб, Султон Жалолиддин ҳақида ҳақиқатдан йироқ уйдирмаларни тўқиб ташлади. Араб халифалигини тугатиш Султоннинг асл мақсадларидан эканлигини минг хил важ-корсонлар билан исботлашга уринди. Халифа эса шунингсиз ҳам Султон Жалолиддинни энг хавфли рақиб деб биларди. Шунинг учун халифа Фиёсиддин Пиршоҳ элчисини зўр мамнуният билан кутиб олар экан, акасига қарши курашда Пиршоҳни қўллашга астойдил тайёрлигини билдирди. Элчи аш-Шарқ Пиршоҳга Ироқни Жалолиддиндан тортиб олишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни халифа ал-Мустансирдан ўтиниб сўрайди. Натижада халифанинг ёрдам бериш ваъдасини олади. Қайтариб олмаслик шarti билан Фиёсиддинга 30 минг динар пул ажратади. „Бу хамир учидан патир“, — деди. Халифа кейинроқ кенг миқёсли ёрдам бериш йўллари топиб, ҳатто лашкарий қисмлар ҳам ажратишини ваъда қилди. Бир вақтда исмоилийлар ҳукмдори Аловуддин Муҳаммад III ҳам Пиршоҳ ҳаётини сақлаб қолиш учун воситачилик қила бошлади. Жаҳл отига минган Жалолиддин Аловуддин Муҳаммад III дан укасини ўз ҳимоясида ушламаслигини, уни тутиб беришни талаб қилади. Агар талаби бажарилмаган тақдирда Аламутга ҳужум қилишини маълум қилади. Шунда Аловуддин Султонга қуйидаги номасини йўллайди: „Уканг бизларнинг ёнимизда паноҳ топган. У ҳам Султон ва Султоннинг ўғли. Бизлар уни сенга беролмаймиз. Уни ўз ёнимизда олиб қоламиз. Сенинг қўл остингдаги мулкларнинг бирига ҳам юбора олмаймиз. Биз сени унга меҳр-оқибатлироқ бўлишингни илтимос қиламиз. Бу хусусда сен бизга ваъда бер“. Султон бу талабга кўниб, Хилот тарафга кетади. Укасини таъқиб остига олишни амирларидан бири ат-Тавашийга топширади. Унинг лашкарлари Фиёсиддинни то Кирмон ўлкасига қадар таъқиб қилиб боради. Лекин йўлда кетаётиб Жалолиддинни Исфаҳон жангида ташлаб Пиршоҳ билан кетишни ихтиёр этган Жаҳон Паҳлавоннинг қаттиқ ҳимояси билан у Кирмон ҳукмдори Бароқ Ҳожиб хузурига етиб боради. Бу вақтда Пиршоҳ ихтиёрида атиги 500 га яқин лашкар қолган эди холос. Ўз чегара ҳудудида кутиб олган Бароқ Ҳожиб Пиршоҳнинг афтода ҳолатини кўриб раҳм қилгандек уни ўз ҳимоясига олишга қарор қилади. Фақат бир шарт, яъни унинг гўзал онасига уйланиш шarti билан ҳимоясига олишга розилик беради. Аммо Пиршоҳнинг онаси бу таклифни кескин рад қилади: „Мен Муҳаммад Султон Хоразмшохнинг содиқ бевасиман, ҳеч кимга турмушга чиқмайман“, — дейди у. Шунда Бароқ Ҳожиб унинг ўғлини тутиб ат-Таваший ихтиёрига топширишини билдиради. Шунда Пиршоҳнинг онаси: „Майли, Султон Жалолиддиндан ўзим гуноҳларингдан ўтишини сўрайман. Ахир мен ҳам унга иккинчи она ҳисобланаман“, дейди. Пиршоҳ эса акасидан кўрқиб, онаизорининг бу маслаҳатини рад қилади. Ундан кўра Бароқ Ҳожиб шартларини афзал кўради. Шу тариқа Бароқ зўравонлик билан Пиршоҳнинг онасига уйланади. Аммо орадан бир ҳафта ўтмаёқ Пиршоҳни ва онасини ҳам ҳибсга олдириб, ҳар иккисини бўғиб ўлдиради. Шу тариқа онгли ва кучга тўлган ҳаётини акаси Жалолиддинга

қарши курашга сафарбар этган Пиршоҳ ўлим топди. Фақат ўзини эмас, онаизорини ҳам ўз қўли билан бераҳм Бароқ Ҳожибга топшириб, ҳалокат чоҳига отди. Онасининг барча машаққатларга чидаб, эри Хоразмшоҳ Муҳаммад Султонга бўлган садоқатининг поймол этилишидек гуноҳи азимга ботган ишга қўл уриб, онаси номусидан кечиб бўлса ҳам Пиршоҳ ўз ҳаётини сақлаб қолмоқчи бўлди. Акасига қилган хиёнатлари етмагандек, онасига нисбатан ҳам кечирилмас, жаҳаннамий хиёнат ишини қилди. Пиршоҳнинг онаси Муҳаммад Султон Хоразмшоҳнинг маликаларидан бири эди. Ор-номусли онани ифлос Бароқ Ҳожиб қўлига топширди. Бароқнинг қўллари темирдек жаллоди Ботирқуш аввал зиндонга кириб банди Пиршоҳни минг бор азоб-уқубатга солиб жонини суғуриб олди. Сўнгра ўғли Пиршоҳнинг жасади совиб улгурмаёқ қотил онанинг нозик бўйнига омбурсимон шафқатсиз қўлларини солди. Муҳаммад Султон Хоразмшоҳ беваси шу тариқа бу дунё разилликларига лаънатлар ўқий-ўқий жон таслим қилди. Бунга сабаб бўлган ўғил эса дўзахнинг абадий маконидан ўзига жой ҳозирлади ва тарихга она қотили сифатида кирди. Ҳақиқий эр йигит оналар, опалар, сингиллар ор-номуси учун курашсалар, номард ва қўрқоқ, номуссизлар улардан ўзларига қалқон ясайдилар. Уларга хиёнат қиладилар, сотқинлик ботқоғига ботадилар. Ширин жонларини сақлаш учун тубанлик уммонида сузадилар, фарқ бўладилар. Пиршоҳ ҳам мозий саҳифаларига ўзининг жирканч хатти-ҳаракатлари билан кирган лаънатланган кимсалардан биридир. У қўлида қурол билан на Ватанни, на эл-улусни ҳимоя қила олди. Натижада тарих уммонида ғойиб бўлаётган хас-чўпдек йўқликка юз тутди. Унинг калласи кесиб олинди, Чингизхон ўлиmidан кейин хоқонлик тахтига ўтирган Ўқтой хоқонга жўнатилди. Кўзлари бўғилаётгани чоғидаги азобдан чақчайганича қолган ҳолатдаги кесиб олинган калла махсус қутига жойланиб, хоқонга қуйидаги мактуб билан совға қилинган эди: „Сизнинг хоразмшоҳлар сулоласидан иккита ашаддий душманингиз бор эди. Жалолиддин ва Ғиёсиддин, улардан бирининг калласини сизга юборяпман. Совғани эҳтиром билан қабул қиларсиз, деган умиддаман. Кейинги биргаликда амалга оширадиган ишимиз Султон Жалолиддинни қўлга олиш бўлажак. Хоқонга буюк зафарлар тилайман. Уни амалга оширишда лашкарим ва ихтиёримдаги барча имкониятларим билан сиз улуғ хоқонга мадад беришга доимо тайёрман. Кирмон ҳукмдори Бароқ Ҳожиб“.

Онаизорнинг оқ сугини оқламаган, уни хиёнаткор ва шухратпараст малъун кимсага зўрлаб топширган, шунингдек, волидан муҳтарамасини жаллодлар қатлига йўллаган нонқўр ва ноқобил фарзанд жасади душманлари томонидан топталиши унга Худонинг йўллаган нафратли жазоси ҳам эди. Шу тариқа Муҳаммад Хоразмшоҳ ўғилларидан фақат Султон Жалолиддингина кураш майдонида қолган эди. Қолган барча саркарда даражасидаги шахзодалар ва неваралардан ҳеч ким қолдирилмай қириб ташланди.



Буюк саркарда акаси атрофида бирлашмаган Султон укалари ғанимларнинг қўлида минг бир азобда қатл этилдилар. Агар уларнинг барчаси Жалолиддин байроғи остида, ака раҳнамолигида жанг қилганларида, уларга ҳеч қандай душман бардош беролмаган, хоразмшоҳ ануштегинлар сулоласи эса дунёнинг йирик салтанати сифатида муғуларни Эрону Турондан ҳайдаб чиқариб, эл-юрт, Ватан мустақиллигини сақлаб қолган бўлур эди. Надоматлар бўлсинки, укалари қилган узлуксиз тарздаги хиёнаткорона сиёсат, буюк инсон Жалолиддин Мангубердидек ватанпарвар саркардани ҳам душманларнинг темир ҳалқасига тушиб қолишига сабабчи бўлди. Бироқ, Жалолиддин инсон зоти бардош беролмайдиган оғир дамлар олдида таслим бўлишни заррача хаёлига келтирмай, жанг майдони сари от суришда давом этаверди.



---

# ХОРАЗМШОҲ ЖАЛОЛИДИНГА ҚАРШИ ҒАНИМЛАР ИТТИФОҚИ ВА ФАЛОКАТ ЧОҲИ

---





## ХИЁНАТ ВА СОТҚИНЛИКЛАР ГИРДОБИ ЁХУД ТАНАЗЗУЛ ШАРПАЛАРИ

„Мамлакатда Султон мулкига кўз тикадиган, нафси ҳакалак  
отган таниқли давлат арбоблари ҳам кўп эди“.

*Ан-Насавий*

Муаррих бунга афсус ва надоматлар билан тилга олади. Замон алғов-далғовликлари ва шафқатсизликлари Жалолиддин Мангубердини шундай муҳитда яшаш ҳамда курашга мажбур этди. Яратган парвардигор замоннинг энг оғир синовларига одамзод қандай бардош бериши, иродасининг темирдан кўра яна бир карра мустаҳкамлик даражасини башарият ичра имтиҳон қилиши учун Султон Жалолиддинни танлаган бўлса, не ажаб. Негаки, тоғдек оғир сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий муаммолар кун ва тунга уланган жангу жадаллар ўзига сафдош, елкадош бўлган минглаб баҳодирлар, дўсту биродарлар, қариндошлару яқинларни қирғин майдонларида чалаўлик ва чавақланган жасад ҳолларда кўриш азоблари, адоғи кўринмаган фожиалар иродаси пўлатдек мустаҳкам одамнинг белини букиши, қалбини ларзага келтириши ва ҳар қандай мустаҳкам асабларни емириб ташлаши аниқ эди. Бунинг устига энг азиз оила ва фарзандларидан жудо бўлган Султон учун ўлим майдонига киришдан не наф, қабилдаги саволлар кўнгил торларини азоблаб, чертиб ўтиши аниқ. У яшашдан мақсади қолмагандан кейин жонини овлаб узоқ-узоқ юртларга бош олиб кетиши, бир хуржун ёки бир кўзача тилла ва жавоҳир бойликни ғамлаб ҳаловатсиз яшашни ихтиёр этиши мумкин эди, аммо Жалолиддиннинг қалби ва юртбошлик ғурури ана шу кураш майдонида бир жуфтгина сўз — Ватан ва эл-юрт учун охириги томчи қони, охириги нафасигача курашиш олий мақсади уни жанг майдонига ҳайқириб киришга ундарди, ундайверарди. У борлиғи Ватан учун туғилган фарзанд эл-улусни деб ўлимни елкасига ҳеч иккиланмай олган Султон ва шоҳ эди. У бу масъулият ва бурчни то охириги нафаси қадар имкон даражасида ушлади, эътиқод даражасига кўтарди. Бу интиҳоси йўқдай кўринган курашлар, қирғин жанглар, албатта, бир кунмас бир кун келиб, ўлим шохидлиги Султон Жалолиддиннинг ёқасидан олиб уни абадият дунёсига шаҳид кетишини қўл остидаги мансабдорлар, айрим ноиблар, раислар, баъзи саркардалар, саройдаги жони ширин амалдорлар ва девоннинг масъул ходимлари тушуниб ета бошладилар. Шунга кўра уларда бундан кейин ўзини ўтга-сувга урмай, панароқ жойларда ҳаётни асраш, кейинги даврда фароғатда ҳаёт кечириш учун хазинани ўмариш, озроқ хизмат учун кўпроқ маош ва мукофотлар олиш каби шайтоний хаёлларга берилиш истаги кучая борди. Бу ҳодисалар Султон Жалолиддинга кун ва ҳафталар ўтган сари муаммоларни кўпайтирса-кўпайтирдикки, аммо камайтирмади. Даҳшатли қирғин жангларда Жалолиддин Мангубердиннинг миллат, Ватан учун жонини иккиланмай берган минглаб, ўн минглаб баҳодирлари, жасорат шон-шарафига бурканган садоқатли саркардаю жангчилари энди шаҳидлик шаробини ичиб, Турону Хуросон, Эрону Озар ҳудудларида хотирага айланиб қолган эдилар. Натижада Султон Жалолиддинга, Ватан учун шаҳид кетган марду майдон жангчи саркардалар рўйхати тобора кўпайиб, лашкар сафини ёт эларда тўлдириб бориш муаммоси дақиқама-дақиқа долзарб муаммо бўлиб борди.

Энди Жалолиддин Мангубердининг тақдирини фақат маош, пул эвазига жанг қилувчи лашкар хатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлиб қолган эди. Шу боис Султон Жалолиддин бундан кейинги бўладиган ҳал қилувчи жангларда ёлланма лашкар билан душманни доғда қолдирувчи ғалабаларни қўлга киритиши ҳам амри маҳол эди. Ватаним, элим деган баҳодир ва қаҳрамонлар ҳал қилувчи жангларда шаҳид кетдилар. Бироқ энди орқага йўл йўқ, жанг майдони домига тортилган, ундан чиқиш ҳам йўқ. Ҳеч қаерда омонлик ва ҳаловат майдони ҳам йўқ. Гир айлана барча жойда душман ва рақибларнинг кўзи қонга тўлган лашкари Жалолиддин ва унинг кун-бакуни сийраклашиб бораётган лашкарини тамомила яқсон қилиб ташлаш пайида. Барчаси ўлжа олинмиши лозим бўлган Жалолиддинни ражишга тиш қайраган, тиглар устарадек чархланган. Аммо Қорақум йўлбарси номини олган Жалолиддин Мангубердини қашқирлар галаси мана тўққиз йилдирки таъқиб қилгани қилган, фақат шу ўлжани йиртқич панжалари билан бурдалаб ташлашга урингани-уринган. Гўё ярадор шер ёнига йиртқичлар галалари яқин бора олмагандай, шер наъра тортиб, гоҳ Ироқ чўлларида, гоҳ Хуросон ва Эрон водий-воҳаларда, гоҳ Шому Озар, Гуржи ҳудудлари тоғ этаклари, гоҳ Дамашқ ҳамда Кичик Осиё теграларида пайдо бўлиб, душманлари қалбига қўрқув солгани-солган. Турон шери рақибларини даҳшатга солиб, Хоразмшоҳлар салтанати байроғини мағрур кўтариб ана шу ҳудудларда наъра тортмоқда эди.

## ИСЁН. БОШ ВАЗИРНИНГ ФИРРОМЛИК СИЁСАТИ

Жалолиддин Мангуберди бир вақтда давлати ичидаги мурасасиз зиддиятларга ва иккинчи тарафдан эса бир-биридан тажрибали, маккор ёвлари билан кураш олиб боришга мажбур эди.

Султон Жалолиддин Ироққа йўл олар экан, вазири Шарафулмулкни ҳам ўзи билан олиб кетди. Лекин бир оз ўтгач, Озарбайжондан нохуш хабар келди. Султоннинг узоққа кетганлигидан хабар топган фитначилар ҳокимиятни Табризда қўлга олишни, бу ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатишни амалга оширмоқчи бўладилар. Натижада Жалолиддин вазири Шарафулмулкка фитнани бостириш, уларнинг ташкилотчиларини жазолаш учун кўрсатма ҳамда зарур даражада лашкар берди. Аммо Шарафулмулк турли баҳоналар қилиб, Табризга боришни бошқа саркардалардан бирига юклашни сўрайди. Шунда Султон бу воқеаларга айнан у чек қўйиши зарурлигини айтади. Шундан кейин Султон унинг Озарбайжондаги ваколатларини ўзининг ваколатлари даражасига кўтариб, вазирага ўз номидан иш кўришини билдиради. Вазир рози бўлиб, албатта, исённи тез бартараф этиб, унинг фаолларини қаттиқ жазога тортишини ўз зиммасига олди. Исёнчилар Озарбайжоннинг собиқ ҳукмдори отабек Ўзбекнинг сарой амалдорлари Носириддин ибн Сунқуржа, Сайфиддин ас-Садидий ва уларнинг ҳамтовоқлари эдилар. Улар отабек Ўзбекнинг неварасини зиндондан озод қилиб, номига уни қўғирчоқ ҳукмдорликка кўтаришни режалаштирдилар.

Шарафулмулкнинг асл мақсади исённи бартараф этишдек кўринса-да, бироқ, ўз ваколатидан фойдаланиб, шу баҳонада жуда катта мулк ва бойлик эгаси бўлиб олишдан иборат эди. У исёнчиларга қарши жанг олдидан саркарда Носириддин Қуштемирни лашкарга бош қўмондон қилиб тайинлади. Иккала томон Табриз билан Дих Хваркон оралиғида юзма-юз келиб жанг бошладилар. Жанг шиддатли кечиб, оқибат Носириддин Қуштемир ташаббусни қўлга олиб, исёнчилар бардош беролмай жанг майдонини ташлаб

қоча бошлайдилар. Натижада исёнчилар бошлиқлари асир олинди. Улар орасида фитначиларнинг асосий ташкилотчиларидан Носириддин ибн Сунқуржа, Сайфиддин ас-Садидий ва бошқалар ҳам бор эди.

Бу пайтда Жалолиддин ҳам Ироқ томон сафаридан воз кечиб, Табризга қараб елдек учди ва ўзи учун қурилган саройига келиб тушди. Шарафулмулкнинг исёнчи бошлиқларни қандай жазога тортиши билан қизиқди. Уларнинг ишига тўғридан-тўғри аралашмай, кузатувчилик қилди. Сўроқнинг биринчи кунида вазир фитначи бошлиқларга фақат танбеҳ берди, уларга аввал қилган яхшиликларини эслатди, аммо Султон Жалолиддин терговнинг иккинчи куни кириб келар экан, сўроқ қилишлар аёвсиз тарзга кўчди. Энди терговга Табриз бош қози ва муфтийлар ҳайъати чақирилди. Хукм олдидан Шарафулмулк қозикалонга савол бериб, фитна бошлиқлари тақдирини олдиндан ҳал қилиб қўя қолди. У қози ва муфтийлар ҳайъатига қуйидагича мурожаат қилди: „Мусулмонлар ва тоторлар ўртасида мустаҳкам девор, қалқон янглиғ турган Султонга, улуғ ҳимоячига қарши ғалаён кўтарганларга нисбатан қандай жазони лойиқ кўрасиз?“ „Оллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни узадиган ва ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун Оллоҳнинг лаънати бўлур ва улар учун энг ёмон диёр — жаҳаннам бордир“. Бу ўлим жазоси берилиши учун шаръий далил сифатида кифоя қилар эди. Шарафулмулк шундан кейин майдонга ёғочлар келтиришни буюрди. Улардан дурадгорлар буйруққа кўра чормих ясадилар. Фитначи раҳбарлар чормих олдига судраб келтирилар экан, ой зулмат булутлари ичига кириб қандай сўнса, улар юзидаги ҳаёт нурлари ҳам шундай ўчди. Зум ўтмай улар ўзларини чормихда михланган ҳолатларида кўриб, азоб-уқубатда жон бердилар.

Бу жазо Аррон ва Озарбайжондаги фитначиларга қўшилган бошқа вилоят ва шаҳардаги қатнашчиларга сабоқ бўлди. Уларнинг ташкилотчи ва фаоллари ҳам вилоятлардан Шарафулмулк оёғига бош уриб кела бошладилар. Вазир уларнинг барчасидан боши учун товон ундира бошлади. Аммо келаётган бу маблағларнинг асосий қисмини Султон хазинасига кирим қилдирмасдан, ўзлаштириб юборди. Шарафулмулк бойлик тўплаш касалига йўлиқиб, Султондан пинҳона молия девони, мулклар девони ва бош хазиначи билан келишиб, давлат хазинасига кўз олайтира бошлади. Султон Жалолиддин ўша мансабдорларга шундай ишонар эдики, ҳисоботларини ҳам талаб қилмай қўйган эди. Улар бу ишончни бутунлай сунистеъмол қилдилар. Бу ишонч ўзини оқламади, хазинада сунистеъмол қилишлар янада кўпая борди. Вазир Шарафулмулк исённи бостиришдан катта даромад манбаига эга бўлар экан, энди ўз бойликларини кўпайтиришнинг бошқа бир манфаатдорлик йўлларини излай бошлади. Шу орада яна қулай имконият пайдо бўлди. Исён бостирилгач, Султон Жалолиддин Ироққа жўнаб кетди. Ироқ ва унинг атрофларидаги ҳудудлар ҳукмдорлари билан қилич ва дипломатияга хос муаммолар етарлидан ҳам анча ортиқ эди. Буни яхши билган вазир Шарафулмулк Султоннинг кўзини шамғалат қилувчи шайтоний фикрларга эрк берди. Аррон ва Озарбайжон, Хой, Солмас, Урмуя ҳудудларида шахсий бойлик орттиришга доир солиқ сиёсати юритди. Ўша ҳудуд, вилоят ва шаҳар ноибларига таҳдидлар қилди. Уларнинг айримларига Султоннинг душмани отабек Ўзбекнинг тарафдорлари унинг фойдасига айвоқчилик қилиб, Султон мулки бўлган ушбу ерларда яна ўзларига маъқул давлат барпо қилмоқчи эканликлари каби тухматомуз нўписалар билан қўрқитиш Шарафулмулк учун оддий ҳодисага айланди. Бу билан Султон Жалолиддин ва улар ўртасида ўзаро ишончсизлик уруғини сепиб, бу ҳодисалар замирида ҳам уларни Султонга

қарши қўйиш ҳамда вазирнинг соясига қуллуқ қиладиган итоаткорларга айлантириш сиёсатини амалга оширомоқчи бўлди. Қолаверса, бу сиёсат замирида иқтисодий манфаатдорлик етакчи ўринни эгаллади. Султон ҳокимиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, кўз қорачиғидек асраш бош вазирнинг энг муҳим бурчи бўлгани ҳолда шахсий манфаатларга ружу қўйиш Шарафулмулк ва унинг атрофидагиларнинг энг гуноҳи азимга ботган иши бўлди. Бу билан улар нафақат ўзларини, балки Султон Жалолиддин бутун борлигини сафарбар этиб барпо қилаётган салтанатнинг тагига сув қўйиб, таназул ботқоғига ботирмоқда эдилар. Шундай воқеалардан бири қуйидагича содир этилган эди. Маълумки, Султон Жалолиддин Озарбайжон ва Арронни ўз мулки таркибига киритиш учун аввалда кўп ҳукмдорлар синовидан ўтган усул — қудандачилик дипломатиясини ишга солиб, отабек Ўзбекнинг талоқ қилинган хотини маликага уйланиб, унга Хой ва унинг атрофидаги Солмас, Урмиё шаҳарларини мулк сифатида тортиқ қилиб берган эди. Шарафулмулк йўқ жойдан зиддият чиқариб, Султон ҳокимиятини бу ерда заифлаштирадиган очкўзлик сиёсатини бошлаб юборди. Ташқаридан қараган ҳар қандай одам Шарафулмулкнинг бу ердаги сиёсати Султон ҳокимиятини сиёсий, иқтисодий жиҳатдан қўллашга қаратилган тадбир дея ўйларди. Аммо зимдан мутлақо унинг тескараси эди. Вазир Шарафулмулк маликага сиёсий ва иқтисодий тазйиқ ўтказишга киришар экан, бунга Султон олдида ўзини оқлайдиган сохта далиллар тўплади, шунингдек, тухматлар ҳам ишга солинди. Агар, борди-ю малика Шарафулмулк устидан Султон Жалолиддинга шикоят қилса, уни сиёсий томондан айблайдиган далилларни ишга солиш режасини ҳам ўйлаб қўйди. Бу фириб ишга солинса, Жалолиддин малика билан никоҳини бекор қилиб, уни жазога тортиши аниқ эди. Бунда Шарафулмулк Дамашқ ҳукмдори ал-Малик ал-Ашрафнинг Хилотдаги ноиби Ҳожиб Али билан малика ўртасида махфий сиёсий алоқалар борлигини исботлайдиган манбаларга эғалигини исботлашга ҳам тайёр турди. Буни унинг ўзига нисбатан салбий муносабатларини сезаётган малика вазирдан Султон билан ўзини тезда учраштириш имконини беришни бир неча бор илтимос қилди, сўнгра талаб ҳам қўйиб кўрди. Ўта маккор Шарафулмулк бу илтимос ва талабларни турли баҳоналар билан пайсалга солди ва оқибат кескин рад қилди. Шу тариқа Жалолиддин билан малика ўртасидаги илиқ муносабатлар ўрнини шубҳа-гумонлар булuti эгаллай бошлади. Шарафулмулк худди шундай бўлишини истаган эди. У маликага мулк қилиб берилган ерлардан солиқ ундириш ва маликанинг ҳуқуқларини чеклаш учун унга берилган ерларни мулки хос эмас, балки иқтоъ ер-мулклар дея ҳужжатлаштирди. Уни ўзининг итоатида доимий ушлаш учун ишончли амалдорларидан ҳисобланган аз-Зайн ал-Баҳорзийни маликага вазир қилиб жўнатди. Ал-Баҳорзий илоннинг ёғини ялаган, жуда ҳийлакор ва мансабпараст одам эди. Маликани ўзига бўйсундириш ва буйруқларини сўзсиз бажариш учун нимаики найранглари бўлса ишга солди. Охир-оқибат бош вазир Шарафулмулк ва ал-Баҳорзийлар биргалашиб, Туғрул қизи маликага қарши зимдан иш кўриб, отабек Ўзбек тарафдорларини қайта ҳокимиятга келтириш учун душманларига ҳомийликни ўз зиммасига олган тарзда Султон Жалолиддинга сохта мактублар йўллашдан тоймадилар. Жалолиддинда маликага нисбатан шубҳа уйғонгач, мақсадга ўтди.

Натижада энди уни ҳибсга олиш, қийноқ ва азоблар билан жиноятларини фош этиш учун Шарафулмулк малика қароргоҳи Хой шаҳрига йўл олди. Аслида бу дўқ-пўписа ва қўрқитишлар маликани барча мол-мулкларини ташлаб, Жалолиддиннинг ашаддий душманларидан ҳисобланган Ҳожиб Али ҳузурига қочишга мажбур қилиш учун

қилинган тухматомуз сиёсий тадбирлардан бири эди. Султон Жалолиддин билан боғланиш ва ўзини ҳимоя қилишдан маҳрум этилган малика Хойни ташлаб Тала қалъасига кетишдан бошқа чораси қолмади. Бу қалъа Урмуё кўлининг шимолида жойлашган бўлиб, ўрта аср шарқидаги энг мустаҳкам баланд қоятош устига қурилган ва табиий тўсиққа эга эди. Қалъа уч тарафдан сув билан ўралган бўлиб, бир тарафидан тор йўлак орқали кириларди. Шарафулмулк Талага кетган маликани Султон Жалолиддиннинг ашаддий душмани даражасидаги хавfli одамга чиқариб, тўғри унинг Хойдаги саройига жойлашиб олди. Маликанинг Хойдаги саройида жуда катта бойликлари, қимматбаҳо тошлари, жавоҳирлари бор эди. Отаси подшо Туғрулдан ҳам анча катта мерос қолган эди. Уларнинг барчасини вазир Шарафулмулк тортиб олди. У бу билан ҳам чекланмади, маликанинг гўзал канизақларидан ҳам танлаб, ўз тасарруфига олди.

Бу зўравонлик ишларидан хабар топган малика Таладан аш-Шариф Садриддин ал-Аълавийни вазир ҳузурига элчи қилиб жўнатар экан, бундай бедодликларни қилмаслик, ҳар бир ишда инсоф-адолат чегарасидан чиқмаслик зарурлигини билдирувчи Худонинг зорини қилган мактубини жўнатди. Мактубда унга яна бир сўнгги илтимоси Султон Жалолиддин билан учраштиришни ўтиниб сўрайди. Бунга жавобан Шарафулмулк Садриддин ал-Аълавий ёнига қўшиб ўзининг энг бемехр ва ёвуз одами Тожиддин Соҳиб ибн ал-Ҳасанни қўшиб юборди. Бу қўрқинчли одамни кўрган маликанинг охириги умидлари ялт этиб сўнган юлдуздек сўнди. У жинояткорона ишларни амалга оширишнинг устаси фаранги эди. Ўз манфаатига дахлдор кўплаб ишларни Шарафулмулк шу каби маккорликлари билан амалга оширарди. Тожиддин маликанинг Султон Жалолиддин билан учраштириш илтимосини оловга сув сепиб ўчиргандек ўчириб қўя қолди. Бу ишларнинг барчаси Султон кўрсатмаси билан амалга оширилаётганлигини керагидан ортиқча қилиб тушунтирди. Шундан кейин маликанинг авзойи ўзгариб адо бўлди. Аёллик нафрати қўзғалиб, сўнгги чора сифатида Султоннинг энг ёмон кўрган рақиби Хилот ноиби Ҳожиб Алига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Бу Ҳожиб Али учун айни муддао эдики, унга бу таклиф сарийёдек ёқди. Ҳожиб Али рақиблар учун эътироф этилган саркарда, бир ишга жазм қилса уни амалга оширмасдан орқага қайтмайдиган, шунингдек, қайсар бир шахс эди. Ҳам обрў, ҳам бойлик учун курашчанлик хусусияти унда кучли бўлган. Султон Жалолиддинга муносабати жуда ёмон, уни ҳечам жини ёқтирмасди. Шунга кўра Жалолиддин Мангуберди ҳам уни, ўз навбатида, бир кунмас бир кун йўлида халақит берувчи ғов сифатида олиб ташлашни режасига киритиб қўйганди.

Ҳожиб Али малика билан Шарафулмулк ўртасидаги муносабатлар ёмонлашуви ўзининг авж пардаларига етган бир пайтда вазир катта қўшини билан малика турган Тала қалъаси томон юрди. Малика унга Шарафулмулк ўтказаётган зулм тазйиқларидан озод қиладиган бўлса, ўз мулкани бошқариш ваколатини унга беришини ваъда қилди. Уни ўз зиммасига олган Ҳожиб Али Талага юриш бошлаб, маликани ҳимоясига олишга ваъда берган пайтда Шарафулмулк Солмас шахрини қамал қилиш тараддудини кўраётган эди. Маликага содиқ кишилар шахарни мудофаа қилишга киришган эдилар. Шу пайтда Шарафулмулкка Ҳожиб Али катта қўшини билан Суқмонободга яқинлашганлиги ҳақида хабар беришди. Бу қалъа Хойга яқин жойлашган бўлиб, агар суворийлар жадал юриш қилиб от сурса, бир чой ичим вақт ичида Хой остонасида бўларди. Шарафулмулк Ҳожиб Али каби саркардага бас кела олмаслигига кўзи етгач, Табриз томон қочишдан бошқа чораси қолмади. Ҳожиб Али ана шу юриши чоғида



Жалолиддиннинг машҳур самани Султонни ютагон дарёдан омонлик соҳилига олиб чиқаётган пайти. Ана шу жанг суронидан сўнг Султон бу саманини жанггоҳлардан озод қилди. Бу унинг тулпорига алоҳида миннатдорчилиги бўлиб, вақт топиши билан унинг бўйнидан қучоқлаб, силаб-сийпаб, эркалаб пешанасидан ўпиб, уни ардоқлаган.

Нилаб, 1221 йил 1 декабрь.



Жалолиддин Мангуберди бағри қон, дили вайрон бўлиб, мўғул хоқони Чингизхон буйруғига кўра, дарёнинг нариги соҳилида ўғли Жамолиддин Абулмузаффар қатл этилишини дарёнинг нариги соҳилида минг бир азоб билан кузатмоқда, 1221 йил 1 декабрь.

Озарбайжоннинг ўнлаб қалъа ва шаҳарларини, жумладан, Хойни, Маранд ва Нахичевонни ҳам босиб олди. Энг даҳшатлиси, Жалололдиннинг хазинасини қўлга туширди. Ҳатто, Шарафулмулкнинг қизини ҳам асир олишга муваффақ бўлди.

Султон Жалололдин бу фожиали воқеалар кечаётганида Ироқда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш чораларини кўриш билан банд эди. Вазир Шарафулмулк Султонга суянч бўлиш ўрнига Жалололдин Мангуберди неча йиллар қанча куч, асаб ва йўқотишлар эвазига қилич серпаб, Фарбий Эрон ва Озарбайжонда барпо қилган давлатни аёл киши билан қасдлашиб, таназзул бўсағасига яқинлаштирди. Султон Жалололдинни ҳалокатга етаклайдиган разил сиёсатини бошлаб юборди.

Шундоқ ҳам Султон Жалололдин ечимини кутаётган ҳарбий ва сиёсий масалаларнинг домига янада чуқурроқ тортилиб, содиқ иттифоқчи топиш учун ҳаракат қилиб, ушбу масалалар анқонинг уруғи бўлиб турганида дард устига чипқон чиққан дардли ҳолат содир бўлди.

## ЗИДДИЯТЛАР ТУГУНИ ВА ХИЛОТ ҚАМАЛИ

Султон Жалололдин Ироқда турганда Ҳожиб Али ва ўзининг бошқа рақиблари унинг мулкида талончилик юришлари бошлаб анча шаҳар, қишлоқларни тортиб олганлигининг хабари етиб келгач, тезда орқасига қайтишга қарор қилди. Биринчи бўлиб Ҳожиб Алини таъқиб қилишга тушди. 1228 йили Ван қўлининг шимоли-шарқидаги Барки яқинида Ҳожиб Алининг йўлини тўсишга муваффақ бўлди. Ҳожиб Алининг жанг қилишдан ўзга чораси қолмай, жангга кирди. Жанг давомида Ҳожиб Али қўшини пароканда бўлиб, ўзи эса қуршовдан базўр қутулиб чиқди. Эндиги навбат исёнчилардан бўлган Изиддин Балбон ал-Ҳалҳалийга келган эди. У ҳам Ўзбек отабегининг саркардаларидан бири бўлиб, ўзига қулай пайт пойлар эди. Ҳожиб Али юришларидан у ҳам фойдаланиб, Султон тобелигидаги Ҳалҳал қалъаси атрофлари ва Ардобил вилоятидаги бир қанча шаҳарларни эгаллаган эди. 1228 йил сентябрь охирларида уни қўлга олиш учун Жалололдин Ферузободга тунда яқинлашиб келди ва тўсатдан Балбан қўшинлари қаттиқ уйқудалиги пайтида қалъани ўраб олди. Балбан қўшини жангдаги ҳужум натижасида қириб ташланди. Исёнчи Балбан ва унинг ёрдамчилари асир олинди. Улар аҳоли кўзи олдида қатл этилдилар. Шундан кейин Султон Жалололдин Ширвоншоҳ юртига қараб юришини давом эттирди. Унинг келаётганлигини эшитган Ширвоншоҳ Султон Жалололдинга қаршилик қилмасдан Султон йўлига пешвоз чиқди ва ўзининг тобелигини билдириб, катта совға-саломлар, лашкар учун қурол-яроғ, ема-хашак, қимматбаҳо тилла буюмлар ҳадя қилди. Султон бу иши учун Ширвоншоҳдан миннатдор бўлиб, ўз ўрнида қолиб, фаолиятини давом эттиришга рухсат берди. Аммо вазир Шарафулмулк Султонга бошқача маслаҳат берди. Ширвоншоҳни банди қилиб, унинг ҳудудини бутунлай ўз мулклари таркибига киритишни тавсия қилди. Султон унинг бу таклифини рад қилиб, эгилган бошга қилич тортиш инсофдан эмаслигини билдириб, ўз сўзида қатъий турди. Султон Жалололдин бундан кейин асосий эътиборини Хилот муаммосига қаратди. Негаки, Ҳожиб Алининг маликани ўзи билан олиб кетиши, Озарбайжонда уюштирган талончилик юришлари, ҳатто Султон йўқлигидан фойдаланиб, унинг хазинасини шип-шийдам қилиб, ўз хазинасига қўшиб юборишлари Жалололдинда унга нисбатан ўтли нафрат олови ёқилишига сабаб бўлганди. Ҳожиб Алининг қароргоҳи Хилотда эди. У Дамашқ ҳукмдори ал-Малик ал-Ашрафнинг энг машҳур саркардаси

бўлиб, энг катта ҳудуд Хилот ва унинг атрофидаги шаҳару қишлоқлар ҳам Ҳожиб Алига идора қилиш учун берилган эди. У бу ерларни ал-Ашраф номидан бошқарар, гоҳо ал-Ашрафнинг рухсатисиз қўшни давлатларга босқинчилик юришларини тез-тез амалга ошириб ал-Малик ал-Ашрафга: „Сизнинг сарҳадларингиз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳарбий юришлар қилишимни тақозо қилди“, тарзида ўзини оқлашга уринарди. Аммо, бу сафарги унинг Озарбайжонга қилган вайроналик юриши охир-оқибат ўзининг ҳам ҳалокатига сабаб бўлди. Талон-тарож этилган Жалолиддин хазинаси унга вафо қилмади. Бошига бало-қазони нақд таъминлаган эди. Хирмон-хирмон бойликлар ҳам уни ўлимдан асраб қололмади. Балки ўлимини янада тезлаштирди, холос.

Жалолиддин ал-Комил ал-Ашрафга элчи йўллаб ҳар қандай шароитда Ҳожиб Алини ўз қўлига топшириш ва хазинасини қайтаришни талаб қилди. Жавоб келишини ҳам кутмасдан 1229 йил июль охирларида асосий қўшин билан Хилот юришига отланди. Ал-Ашраф Султон элчиларини иззат-икром билан қабул қилар экан, Ҳожиб Алининг Султон мулкидаги талон-тарожлик юришларидан мутлақ хабарсизлигини билдирди. Ҳожиб Алини ноибликдан бўшатиб ўрнига ноибликка Изиддин Ойбекни жўнатди. Янги тайинланган Изиддин Ойбек ҳукмдори фармонини олиши билан Хилотга етиб келиб Ҳожиб Алини банди қилди ва уни Дамашққа ал-Ашраф ҳузурига жўнатди. Ҳожиб Али Дамашққа олиб келиниши биланоқ, икки давлат ўртасидаги муносабатларга ўзбошимча ҳаракатлар қилиб раҳна солди. Натижада дўст ҳукмдорлар душманга айландилар. Бу ҳақда Султон Жалолиддинга зудлик билан хабар бериш учун чопар жўнатилди. Султон эса: „Ҳожиб Али талабим бўйича менга топширилиши зарур эди. Лекин у Дамашққа жўнатилди. Шундай экан, Хилот қанчалик мустаҳкам, олиб бўлмас қалъа бўлишига қарамай уни босиб олиб, кулини кўкка совураман“ тарзида қамал тараддудини бошлади. Жалолиддин дарҳол қалин девор бузувчи оғир манжаниқ ва даббат каби механизмлар билан жиҳозланган ўз даврининг ҳарбий машиналарини қалъа биқинига жойлаштириб, қамал ҳозирлигини жадал бошлаб юборди. Баҳайбат девор бузувчи машиналардан 12 таси гир айлана қалъа бўйлаб қўйиб чиқилди. Улар Хилотнинг жуда мустаҳкам девор ва дарвозаларини вайрон қилувчи ғўла ўқ, итқитиладиган оғир тошлар ва ёндирувчи нефть солинган махсус идишлар билан таъминланиб, мудофаачиларни ваҳимага солиши лозим эди. Лашкар бу қуролларни ишга солар экан, дарвозаларнинг қисирлаб синиши, деворларнинг гумбурлаб ағдарилиши, сув билан ўчириб бўлмайдиган нефть идишларининг осмону фалакда айланиб ҳимоячилар устига ажал олови бўлиб ёғилиши қалъа мудофаачиларини узоқ ҳимоядан умидини уздириб, тез таслим бўлади, деган фикрда эдилар. Изиддин Ойбек Жалолиддинни ўз фикридан қайтариш учун кетма-кет элчиларни жўнатди. Ҳатто Султонга бўйсунушга розилигини билдирди. Бу ҳаракатлари бекор қилинган, лашкарга ва шаҳар аҳолисига барча куч ва воситалар билан охириги нафасгача ҳимояланишга фармон берди. Ҳар икки томон учун энг машаққатли кунлар бошланди. Қалъа-шаҳар жуда мустаҳкам эди. Мудофаачилар қанчалик тошдек маҳкам турсалар, Султон янада қаҳр-ғазаб алангасида ёниб қамални кучайтира борди. Қамал кучайган сари уни ҳимоя қилувчилар қаршилиги ҳам ошаверди. Жалолиддин қалъа ҳимоячиларининг руҳини синдириш учун бирор жонзот чиқиб кетмаслиги, бирорта томондан ёрдам олинмаслиги чораларини кўриб, қамал кунлари жуда қаттиқ тартиб ўрнатди. Шу тариқа Хилот ташқи дунё алоқасидан бутунлай узилди. Натижада қишга бориб озиқ-овқат захиралари тугаб, мудофаачилар от, ит, эшак, ҳатто мушукларни ҳам



ейишга мажбур бўлдилар. Ярадорларга дори-дармон захираси тугади. Султон киши кириши билан лашкарларни кичик гуруҳларга бўлиб, уларни атроф қишлоқлардаги аҳоли уйларига кириб исиниб, иссиқ овқат тамадди қилиб, ўзига келиб олишлари учун қатъий тартиблар асосида навбати билан жўнатиб туришга мажбур бўлди. Ҳар икки томон, айниқса, мудофаачилар томон кўп талафот кўриб, оилаларда очдан ўлиш, касаллик авж олди. Қиш қаҳри билан ҳужум қилувчи ва мудофаачи томонлар қаҳри қўшилиб, даҳшатли Хилот фожиаси бошланди. Ўлимтиқлар ҳам еб бўлинди. Изиддин Ойбек ўз ҳукмдори ал-Ашрафдан бир неча бор ёрдам сўради, аммо жавоб ҳам, лашкар ҳам, озиқ-овқатдан ҳам дарак бўлмади. Ниҳоят, туркман қабиласи сардорларидан Исмоил ал-Ивайй очлик ва сувсизликка бардош беролмай ўзи ҳимоя қилишга топширилган девор ҳудудидан ошиб тушиб, лашкари билан қаршиликни тўхтатиб, ихтиёрий таслим бўлишини маълум қилди. Унинг лашкари шаҳарнинг энг муҳим қисмларини ҳимоя қилаётган эди. Султон унга аввалда маликага инъом қилган ҳудудларни иқтоъ қилиб беришни ваъда қилди. Шундан кейин Исмоил ал-Ивайй лашкарларига ўзлари ҳимоя қилаётган шаҳар бош дарвозасини очишга буйруқ берди. Дарвоза ярим тундан кейин очилишига келишилди. Ивайй келишилган пайтда дарвозани очди. Хоразмшоҳ лашкари тунда селдек ёпирилиб, Хилотга кирди. Оч-яланғоч ҳолатга тушган мудофаачиларнинг бу ҳужумни қайтаришга на куч, на имконлари бор эди. Қоқ суякка айланаёзган қанча одамлар жон бериш арафасида, ўн минглаб ўликлар эса кўчаларда уруш сўзини ижод қилганларга ланъат тошларини отганларича ётардилар. Йигирма мингдан ортиқ одамларнинг бостириб кирган жангчилардан биринчи илтижоси бир парча нон беришларини сўраш эди. Султон уларнинг илтижосини қабул қилди ва тезда овқатлантиришни тайинлади. Аммо кўпчилиги бу луқмани ютишга ҳам мажоллари етмай жон берди. Хилот шаҳридаги фожиага гувоҳ ан-Насавий шаҳарни олувчиларга ҳам бу ортиқча дахмаза юк ва бахтсизлик бўлди, дея баҳо берган эди.

Ҳақиқатан ҳам Хилотдаги ғалаба Султон Жалолиддиннинг қасос оловини бир оз сўндирган бўлса-да, аммо бундан кейинги фаолиятининг қуёши ботишини таъминлаган асосий омилардан бири бўлди. Хилотнинг йиқитилиши Султон Жалолиддин ва унинг давлатининг йиқитилишини тезлаштирувчи воқеаларнинг эшикларини ланг очиб юборди. Ан-Насавий айтганидек, Хилот Султон учун ҳақиқатда бахтсизлик манбаига айланган эди.

1230 йил 14 апрелда Хилот бир ярим йиллик қамалдан сўнг олинди. Аммо Султонга баҳор нафаси ҳам татимади. Қўшин ғоят ҳолдан тойди, хазина қақшади. Лашкар ўз жанговарлигини йўқотди, талафот катта бўлди. Ғазаб саркарданинг ақлига чанг солди. Изиддин Ойбекнинг қамалолди таслим бўлиш таклифи қабул қилинмади. Буюк саркарда биринчи марта ҳарбий стратегик имкониятларидан четга чиқди. Кучларини асраб, келгуси жангларга сақлаб қолишдан воз кечди. Жаҳон тарихидан муносиб ўрин олган жангларни улуғлик ва жасорат поғонасида туриб бошқариб дунёни лол қолдирган Жалолиддиннинг Хилотни тинч йўл билан олишдан воз кечиб, бир ярим йиллик қамал йўлини танлаши тарих учун ҳозиргача қоронғи ва ҳайратомузлигича қолмоқда. Шунинг учун донолар: „Кичик бир хато ҳам баъзан катта хатоларга йўл очади, унинг ниҳояси эса ўпқондир!“ дейиши бежиз эмас. Бироқ, воқеа содир бўлган, уни орқага қайтариб бўлмайди. Жаҳл устида қилинган иш ҳеч қачон наф бермайди. Жалолиддин Мангуберди Хилот қамалида ал-Ашрафнинг укалари Мужриддин, Тақийиддин ва Изиддин Ойбекни, шунингдек, саркардалардан Ҳусомиддин Тўғрул, Ақсоли, Асад ал-Меҳронийлар ҳамда ал-Малик ал-Ашрафнинг хотини Тамтани ҳам

асир олди. У гуржиларнинг бош қўмондони Иване Мхарградзелининг қизи бўлиб, улар қуда-анда эдилар. Ал-Ашраф Жалолиддиннинг талабини бажармай, Ҳожиб Алини Султонга топширмаганлиги қасдига Тамтани Султон ўз никоҳига киритди. Султоннинг бу иши ал-Ашраф ва унинг билан яқин ҳукмдорлар ўртасидаги зиддиятлар кучайишига яна бир сабаб бўлди. Эрта-индин бундай кун ўзларининг ҳам бошига тушиши мумкинлигидан хавотирландилар.

## КИЧИК ОСИЁ ҲУКМДОРЛАРИ ТАҲДИД ОСТИДА

Султон Жалолиддиннинг Кичик Осиё ҳудудларига яқинлашиб бориши тобора бу ҳудуд ҳукмдорларини ташвишга сола бошлади. Улар учун нима қилиб бўлса-да, Жалолиддиннинг Кичик Осиё томон юришини тўхтатиш ташқи сиёсатнинг бош масаласи бўлиб қолди. Шулар орасида Хоразмшоҳ Жалолиддиндан энг кўп ташвишланаётгани Кичик Осиёнинг қудратли ҳукмдорларидан Аловуддин Кайқубод I эди. Негаки, Жалолиддин Ван ва Севан кўли атроф ҳудудларида кескин зафарли юришларни амалга ошира бошлаганлиги эртами-кеч Кайқубод I мулкларига ҳам бу ҳужум бўлиши эҳтимолини келтириб чиқарарди. Кўния Султонининг давлат чегаралари ана шу кўллар ҳудудларига яқин жойдан ўтарди. Кўния Султони Кайқубод I ҳаддан ташқари ҳужумкор ҳаракат тарафдори Султон Жалолиддинни кўпроқ икки душман — тоторлар ва аюбийлар билан тўқнаштириб, уни фарбий ҳудудлар сари юришдан тўхтатиб қолишни кўпроқ ўйлар, бу билан Жалолиддинни ўз ҳудудлари чегараларидан узоқда ҳаракат қилишини режалаштирмоқда эди. Ҳеч бўлмаганда уни мўғуллар билан муросага келтириб Озарбайжон, Фарбий Эрон, Форс ва Ироқ ҳудудлари билан қаноат қилишга ундаш ва сўнгра дўстона муносабат юритишни кўзда тутди. Қўшинлар Султон буйруғи билан Муқонга, Жалолиддин эса Хойга томон йўл олиб, ўша ерда дам олиш, етилган ички сиёсий муаммолар ва халқдан тушган шикоят ҳамда аризаларни кўриб чиқишни мўлжаллади. Жалолиддин узлуксиз ҳарбий юришлар ва бунинг устига вазир Шарафулмулкнинг вилоят ноиблари, амалдорларга шахсий манфаат устуворлигида қилган тамагирлик муносабатлари боис халқнинг тинкаси қуриганлиги, натижада аҳоли турли қатламлари турмуш даражаси ёмонлашиб кетганлигининг гувоҳи бўлди. Бундан ташқари, Султон Жалолиддин вазирнинг малика ва унинг тарафдорларига қилган адолатсиз хатти-ҳаракатлари ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлди. Унинг инсофсизлик билан канизакларини тортиб олганликларигача амалга оширган ишларидан хабар топди. Маликага ўзининг ҳақлигини исботлашига ҳеч қандай ўрин қолдирмай жабр-зулмни авж олдириб, тўхматлар гирдобига итқитиб ташлагач, малика сўнги нажот сифатида Ҳожиб Алидан паноҳ топишдан бошқа чораси қолмаганлигидан Султон воқиф бўлди ва қаттиқ ишонган вазирига бўлган фикри салбий томонга ўзгарди. Кўплаб вилоят ноиблари ва амалдорлар ҳам вазир Шарафулмулк сиёсатидан норозилигини билдирдилар. Султон Хой ва унинг атроф ҳудудларидаги шаҳар, қишлоқлар турмушини жиддий ўрганиб чиқар экан, кўп жойларда ачинарли аҳволни кўрди. Сўнгра Табризга бораётиб, Кўзакинон қишлоғида тўхтади. Жалолиддин қачонки ҳарбий юришлардан қайтар экан, кўпинча, бу қишлоққа тез-тез кириб ўтарди. Қишлоқнинг оқсоқоли Султон феълига лойиқ тарзда уни кутиб олиш ва кузатиш ҳамда унинг дам олиш шароитларини жуда ўрнига қўяр, шунга кўра Жалолиддиннинг кайфияти ушбу масканда чоғ бўлиб, чарчоғи тез ёзилар эди. Аммо бу сафар ундай бўлмади. Қишлоқ раиси қамалган, аввалда гуллаб-яшнаб

турган Кўзакинон вайроналик ва қашшоқликка юз тутган. Унинг сабабини суриштирганда бу воқеалар яна Шарафулмулкка бориб тақалган. Тортиб олинган мол-мулк ва солиқлар Султон хазинасига кирим қилинган дафтарда қайд этилмаган. Жалолиддин маликанинг тухматга дучор бўлиши, унинг гуноҳсиз бўлса-да, таҳқирланиши ва устига-устак унга яқин бўлган олижаноб инсон қишлоқ раисининг зиндонбанд қилиниб, қишлоқ аҳли талон-тарож этилишларини ўз кўзи билан кўргач, вазирнинг ўз мавқеи ва лавозимини сунистеъмол қилишга киришганлигига қатъий ишонч ҳосил қилди. Султон хонавайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни рўйхат қилдириб, уларнинг тикланиб олишлари учун уч йилгача солиқлардан озод этиш тўғрисида фармон чиқартириб, уларни бозор майдонларига илиб қўйдирди. Султоннинг бу адолатпарварлигидан халқ жуда шод бўлди. Ана шундан кейин вазирдан озор кўрганлар Султон саройига қўлаб шикоятлар билан кела бошлайди. Бироқ, Шарафулмулкни дарҳол жазога тортишдан Султон тийилиб, унга парво қилмагандек ўз ишини давом эттиришга имкон берди. Аммо дастлаб сиёсий айб қўймасдан вазирни иқтисодий заифлаштиришга киришди. Унинг дон омборхоналарини очтириб, қашшоқларга ва лашкарларга улаштирди. Бу ишларни Султон Табризда амалга ошираётганда вазир Муқонда эди. Орада бўлаётган воқеаларни вазир ҳам, Султон ҳам кўрмагандек ҳеч бири бу вазиятдан гап очмадилар. Лекин ичидан зил кетаётган вазир Султон Жалолиддиннинг ўзига нисбатан фикри ўзгарганлигини билса ҳам вазифасини ўлганининг кунидан адо этишда давом этди, Султон ҳам қулай вазият келишини кутди. Мураккаб шароитда вазирни бирданига қатл қилиб, аҳволни кескинлаштиришдан ҳозирча тийилиб туришни маъқул топди. Бироқ, қишда дарёдаги сув қаҳратонда музлаб, баҳор қуёши тафтидан дарз кетгандек Султон ва унинг вазири ўртасидаги муносабатлар ҳам дарз кетиб бўлган эди. Қайси бир кун вазир бу қилмишлари учун боши билан жавоб бериши аниқ эди. Мансабни сунистеъмол қилиш ва нафс қулига айланиш касофати Шарафулмулк кўзини сўқир, қулоғини кар, қалбини шафқатсиз шайтоний туйғулар билан чирмаштириб ташлаган эди. Натижада у Султон Жалолиддиннинг қаҳрли фармони чиққунча ўз фаолиятини яна бир оз давом эттирди. Вазир Шарафулмулк Султон Жалолиддин билан ўзи ўртасидаги муносабатлар дарз кетганлиги яхшилик билан тугамаслигини ҳар дақиқада ҳис қилиб турарди. Шу боис нима қилиб бўлса-да, Султоннинг нафратини сўндирадиган, унга қувонч бағишлайдиган тадбирлар ўтказишни, гарчи кеч бўлса-да, бошлаб юборди. Ўз ихтиёридаги қўшин билан Аракс дарёсидан кечиб ўтиб, Гуштасфи вилоятини босиб олди. Бу ер жуда бой ўлка ҳисобланиб, хазина учун катта даромад манбаи эди. Шунга кўра вазир Гуштасфидан олинadиган маблағ йиғимларни бутунича Султон хазинасига ўтказди. Шарафулмулк бу ўлкадан орқасига қайтиб яна Аракс дарёси томон қайтди. Шу ерда тўхтаб аҳолини қазув ишларига сафарбар этиб, Султон номига катта ариқ қаздирди. Унга „Султонжўй“ номи берилди. Шу ариқ суви туфайли ўзлаштирилган ерларнинг ўзидан саксон минг динор хазинага кирим кирадиган бўлди. Бироқ, вазир энди жон-жаҳди билан қанчалик ҳаракат қилмасин, Жалолиддиннинг ишончига аввалдагидек сазовор бўлиши қийин эди. Буни ширвоншоҳ ва хоразмшоҳлар ўртасидаги муносабатлар қай йўсинда бўлишига доир Олий девон доирасидаги кенгашида Шарафулмулкнинг маслаҳатлари безътибор қолдирилганлигига ҳам яққол кўриш мумкин эди. Давлат кенгашида Султон Шарафулмулкнинг Ширвоншоҳлар ҳукмдорлигини тугатиб, уни Хоразмшоҳ мулкига батамом қўшиб юбориш ҳақидаги таклифини Султон мутлақ рад қилди. Ҳатто Гуштасфи вилоятини Жалолиддин Султоншоҳ ибн Ширвоншоҳга иқтоъ қилиб берди. Султон Жалолиддин бу

вилоятни тасарруфига олгунча Ширвоншоҳ ҳукмдори Рашиднинг ўғлини гуржиларга гаров қилиб бериб юборганди. Гуржилар эса Султоншоҳни чўқинтириб, грузин маликаси Русуданага уйлантирган эдилар. Жалолиддин уни гуржилар тутқунлигидан озод қилиб, ўзининг тарбиясига олган эди. Бироқ, оқибат Султон Жалолиддиннинг Жалолиддин Султоншоҳ ибн Ширвоншоҳни қайта тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари зое кетди. У Жалолиддиннинг душманлари ҳузурига қочиб кетди. Аммо бу пайтда Русудана аллақачон Ширвоншоҳ Султоншоҳдан воз кечиб, бошқа эрга тегиб бўлган эди. Шу тариқа ўз динидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилган ширвоншоҳлар сулоласининг вакили Султоншоҳ ибн Ширвоншоҳнинг тақдири хор-зорликда ўтди. Ҳатто Султон Жалолиддин қўллаб-қувватласа-да, ўнгланиб кетмади. Шунини айтадилар-да, Парвардигор хор қиламан деса, уни рўшноликка чиқариш бандасининг қўлидан келмайди, деб. Илоҳий ҳикматлар жуда юқори поғонада туради. Ширвоншоҳ тақдири ҳам шу ҳикматлар мантиқи доирасида яқун топди.

Жалолиддин Мангуберди Кичик Осиё ҳукмдорлари орасида энг қудратлиси бўлган Алоуддин Кайқубод I билан дўстона муносабатлар ўрнатишга интилди. Ўз навбатида, Кайқубод I ҳам худди шундай йўл тутишга ҳаракат қилди. Аммо Султон вазири Шарафулмулк турли йўллар билан улар ўртасидаги муносабатларни издан чиқаришга интилди. Кайқубоднинг элчиларини Султон Жалолиддин билан қандай бўлмасин учраштирмасликка, аксинча, вазиятни кескинлаштириб, охири боши берк кўчага киришини таъминлади. Оқибат, Шарафулмулк уларга душманлик жабҳасида туриб, томонларни қиргин-барот урушга тортадиган сиёсатни ишга солиб, қўпол хатога йўл қўйди. „Агар Султон сизлар билан боғлиқ ишларни менга қўйиб берса, аллақачон сизларнинг юртингизни босиб олган бўлардим“, деган таҳдидомуз жавоб қайтарди. Султон Жалолиддин Тўғтоб мавзеида бир неча кун дам олиш учун чодирини тикар экан, Кайқубод I ҳузурига ўз элчиларини жўнатди. Кўния Султони Жалолиддинга етказиш учун элчиларга қўйидаги фикрларни билдирди: „Биз Музаффар Султонни қаттиқ ҳурмат қиламиз. Унга айтингларки, унинг олий ниятлари, айрим хоинларнинг ифвоси (элчилар хоин деганда кимни назарда тутаётганлигига аниқлик киритишни сўрашганда вазир Шарафулмулкни назарда тутаётганлигини яширмаган) туфайли Хилот тарафга қаратилди, унинг бу ҳаракатлари эса оқилона фикрдан анча узоқдир. Биз ўйлаймизки, ҳозирги кунда биз учун энг мақбули мўғуллар билан тинч келишув йўлини танлашдир. Агар шу мақбул бўлса, Султон тинчлик ҳақидаги музокаралар эшигини очиш учун барча чораларни кўрсин. Агар Султон мўғуллар тарафга дарҳол элчилар жўнатса, бу барча мусулмонларнинг манфаати учун фойдали бўларди. Умидвормизки, юмшоқ сўзлар; пул ва ҳадялар билан иккала тараф ҳамма ёқда ёниб турган нифоқ ўтини ўчира оладилар.

Шубҳасиз, Султонга маълумки, агар бу йўналишда ҳаракат бошласа, у бизнинг имкониятларимиздан ҳам фойдалана олади. Бунини сиз Султонга аниқ қилиб етказинг. Агар Султон унинг давлатининг гуллашига олиб келувчи шу биргина тўғри қарорни амалга ошира олса, у ҳолда ўз қўшинларини Гуржистон насронийларига ва қўшни ерларга юришлардан халос қилади ва улардан Арронга юришларда фойдаланади. Агар Султон мўғулларга элчилар юбориб, сулҳ ҳақида битим тузилишини сўраса, мусулмон мамлакатларини жабрлашни ва беҳуда қон тўкишни тўхтатса, у ҳолда биз унинг учун олтинни ҳам, кумушни ҳам аямаймиз. Бироқ, агар у хоинларнинг сўзига кириб, бу маслаҳатлардан юз ўгирса, у ҳолда барча мусулмон мамлакатлари раҳбарларининг

иттифоқи томонидан унга аниқ ва тушунарли маслаҳат бериш зарурати туғилади. Биз мақсадларимизни амалга оширишга ҳаракат қиламиз ва хавф-хатарни даф этиш йўлини танлаб, ўз мақсадларимиз учун жанг қиламиз“.

Кўния Султонининг бу талаблари Султон Жалолиддинга ёқмадигина эмас, унинг шаини келтирди. Кайқубод I шундоқ ҳам қизиб турган ёғга муздек сув қуйгандек ҳолатни содир қилиб ўз амакиваччаси Ар-Рум ҳокими Рукниддин Жаҳоншоҳни занжирбанд қилиб ҳузурига жўнатишни Султон Жалолиддиндан талаб қилди. Султон бу талабларни кескин рад қилди. Ана шундан кейин Кўния Султони Кичик Осиё ҳукмдорларини Жалолиддинга қарши қайрашни кучайтириб, Султонни тор-мор келтириш учун катта уруш тайёр-гарлигини кўра бошлади. Мусулмон дунёсини Жалолиддинга қарши қўядиган ташқи сиёсат юритишга киришиб кетди. Кайқубод I дипломатиясини ўнлаб мамлакатлар ҳукмдорлари жон-жон деб қўллаб-қувватладилар. Улар ўзаро биргалашиб ҳаракат қилиш тўғрисида битим ва шартномалар тузишга киришдилар. Унда Кўния Султони ташаббусни қўлга олиб Султон Жалолиддинга қарши иттифоққа бош-қош бўлди. Бу иттифоққа Кичик Осиё мамлакатлари, Сурия, Шимолий Ироқ, шунингдек, Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Ашраф, Хилотнинг собиқ ҳокими Иброҳим Ширқуҳ, Хартабарт ҳокими Артуҳхон, Ҳалаб ҳокими Шамсиддин Савоб, Майофариқин Султони Шаҳобиддин Ғозий ва Бадғис Султони ал-Азиз Усмонлар кирдилар.

Султон Жалолиддинга қарши катта иттифоқ тузиш байроқдори бўлиб турган Кайқубод I нинг Дамашқ ҳукмдори ал-Малик ал-Ашрафга жўнатган мактубида Жалолиддинни фақат бир йўл — уруш очибгина тўхтатиб қолишдан бошқа чора йўқлигини таъкидлаган мактуб мазмунидан ҳам яққол кўриш мумкин эди: „Энди Жалолиддинни қиличсиз тўхтатиб бўлмайди, унга хушомадгўйлик қилиш бефойда, ягона йўл сўзларимиз ва ишларимизни бир мақсад сари бирлаштиришга эришиб, мамлакатларимизни ҳимоя қилиб қолишимиз асосий вазифамизга айланди. Бундан кейин ҳам бирлик ва иттифоқни орқага чўзиш бу имкониятларимизни йўққа чиқариш демакдир“. Шу тариқа Жалолиддин мисоли яраланган шер ҳолатига туширилди, шунингдек, Султон учун қуршов ҳалқаси туташтирилди. Мағрибу машриқ, Шимолу Жануб барча ҳудудларда душманлар қиличи яланғочланган, бирорта йўл ва йўлак тинчлик, омонлик билан босиб ўтилмасди. Ҳаммасида қон ҳиди анқиб турарди. Бу йўллардан эсон-омон ўтиш ҳар қандай пешанаси ярақлаган буюк давлат арбоби ва улуғ саркарда учун ҳам амри маҳол эди. Ўлимларни ҳам доғда қолдириб келаётган буюк саркарда теграсида ўлим шарпаси кезиб юрар, худди тажрибали овчи ўз ўлжасини нишонга олаётгандек қадам-бақадам таъқибга олган эди. Натижада Жалолиддин учун кенг ҳарбий ҳаракатлар майдони ҳам, имкониятлар доираси ҳам тобора торайиб борди. Душманларга қарши курашнинг мингинчи имкониятларидан фойдаланиб бўлган пўлатдек тобланган темир иродали инсон Султон Жалолиддин кураш майдонининг минг биринчи — охири, аммо ҳар дақиқада ўлим хавф солиб турувчи ҳудуди сари бормоқда эди.

## САРСОН ВА ХОРУ ЗОР ҚИЛИНГАН ЖАСАД

Ана шу давр оралигидаги қисқа фурсатли танаффус чоғида Султон Жалолиддин марҳум отаси Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ жасадини ишончли жойга қўчиришни фарзандлик бурчи дея ҳисоблади. Султон бу ишларни амалга оширишни аслида Хилот қамали пайтида режалаштирган эди. Жалолиддин саройида мироҳур мансабида хизмат

қилаётган Муқарробиддинни чақириб, уни етарли миқдорда маблағ билан таъминлаб Исфаҳонга жўнатар экан, отаси Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ номига олий мадраса қурдиришни топширди. Муқарробиддин Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон даврида ҳам унинг энг ишончли одами ҳисобланиб, шоҳ ётоқхонаси бошлиғи лавозимида эди. Ниҳоят кимсасиз оролда Хоразмшоҳ дафн этилишида унинг жасадини ювишни ҳам Жалолиддин шу инсонга топширган эди. Султон мадраса жуда маҳобатли бўлиши, сағана устига гумбаз барпо этиш тўғрисида алоҳида кўрсатмалар берди. Шунингдек, мадраса таркибида зарур бўладиган қўшимча бинолар қуриш учун ўттиз минг динор ажратди. Мадрасанинг барча асбоб-анжомларини, шамдонлар, лаганлар, идиш-товоқлари, кўзаларини олтидан тайёрлашни, унинг эшиги олдида эса доимий жанговар қоровуллар туришини буюрди. Ан-Насавий ал-Муқарробиддин Исфаҳонга жўнаб кетганидан тўрт ой ўтиб Султон топшириғи билан у ерга борганида мадраса девори одам бўйи кўтарилганлигини ўз кўзи билан кўрганлигини қайд этади. Шу ўринда муаррих яна бир муҳим воқеани келтириб ўтади. Султон Сория ҳукмдори бўлган аммаси Шоҳ Хотунга мактуб ёзиб, отаси хокини Мозандарон вилоятидаги мустаҳкам қалъа Ардахийга келтириб дафн этишни илтимос қилади. Шоҳ Хотунни Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Мозандарон малиғи Ардашер ибн ал-Ҳасанга никоҳга берганди. У вафот этгач, Мозандаронни идора этиш Шоҳ Хотунга қолган эди. Отаси хоки мадраса битгунча ўша қалъада сақланиб, сўнгра мадраса ичидаги хоналардан бирига кўчирилишини мўлжаллаганди. Ана шу тўғридаги ёрлиқни ўз қўли билан ёзганлигини қайд этган муаррих ан-Насавий бу иш тўғри бўлмаганлигини, ҳатто бу ҳақда ал-Муқарробиддинга ўз вақтида айтганлигини ҳам таъкидлайди. Бунда ан-Насавий мўғул-тоторларнинг ўз душманларига муносабатини яхши билганлигини, чингизийлар қаерга босиб бормасинлар, туркий қавмлар султонларининг хилхоналаридан уларнинг суякларини, хокларини олиб ўтда ёндирганлар. Улар барча султонларнинг келиб чиқишлари бир тарихий илдиздан деб ҳисоблаб, ҳатто ғазнада Маҳмуд Ғазнавий қабрини очиб оловда ёндирган мўғуллар Мозандаронни босиб олгач, Ардахий қалъасини ҳам забт этиб, бу ерда муваққат дафн этилган Муҳаммад Хоразмшоҳ қабрини очиб, жасадини қовлаб олиб, Чигатойхон ихтиёрига, Чигатой эса, ўз навбатида, жасадни хонлар хоқони Ўқтойхоннинг Қорақурумдаги бош қароргоҳига жўнатиб юборган. Ўқтойхон Хоразмшоҳ жасадини оловда куйдириб, кулини шамолга совуриб ташлашга фармон берган.

## ХОҚОН ХОР ҚИЛГАН МАЛИКАНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИ

Маълумки, Чингизхон ҳаётлиги чоғида асир олинган Хоразмшоҳ Муҳаммад Султоннинг онаси Туркон Хотун хоқон саройида хору зор ҳолатда сақланарди. У шунчалар ҳақоратланган ва таҳқирланган ҳолда ҳаёт кечиришга маҳкум этилган эдики, ғурурини йўқотмаган ҳар қандай инсон бундай ҳақоратларни кўтара олмас эди. Туркон Хотун неваралари ва келинлари билан асир олинган пайтда ўғил неваралар ҳали гўдак ва норасидалик пайтида Чингизхон буйруғи билан бўғизлатиб ташланиб, фақат Туркон Хотун билан битта невараси тирик қолдирилган эди. Туркон Хотунга ягона ёдгор ва овунчоқ неvara ҳам бир оз катта бўлгач, хоқон уни ҳам бувининг иссиқ бағридан юлиб олиб, жаллод ихтиёрига топширди. Буви ягона неваранинг тақдирини аниқ билишни истаб ғанимларга ялиниб-ёлворишлари беҳуда кетди. У жаллод қўлида юлиб олинган гулдек жувонмарг қилинган эди. Ягона суйанчигининг йўқ қилиниши Туркон Хотунни

тириклайин ўлдирди. У хоқон саройи олдида ити билан ёнма-ён сақланар, дунёда нимаики ҳақоратлар қуюни бўлса, барчаси унга йўналтирилган бўлиб, хоқон итидан қолган сарқит ва суяк қолдиқлари билан қаноат қилар, бир вақтлар икки дунё аёллари ҳукмдори муҳри билан Хоразмшоҳ Муҳаммад Султондан ҳам юқори мавқеларни эгаллаган шоҳ онаси асирликда тубан ҳаётга кўниқиб қолган эди. Отаси Чингизхон вафотидан кейин 1227 йилда тахтга келган Ўқтоғйхон намойишкорона сиёсат юритиб Туркон Хотун кўзи олдида ўғли Муҳаммад Хоразмшоҳ хокини ёндириб ташлашни буюрди. Хоразмшоҳ хоки гуруллаб турган оловга итқитилди, сўнгра шамолга совурилди. Уни кўрган малика Туркон ақлдан озиш даражасига тушиб, ҳушидан кетади.

Мўғуллар қароргоҳида асирликнинг барча азобларини бошдан кечирган Хоразмшоҳ саркардаларидан Бадриддин Ҳилол қандайдир йўл билан тутқунликдан қочиб, Султон Жалолиддинга бувиси Туркон Хотуннинг хоқон саройидаги аҳволини маълум қилади. Унга биргаликда қочишни таклиф қилганида Туркон Хотун Жалолиддин ҳузурига ялиниб боргандан кўра Хоқон саройидаги ҳақоратомуз ҳаёт тарзини маъқул кўришини билдиради. Бу унинг невараси Жалолиддинга бўлган хусуматининг нақадар катталиги ва жаҳолатпарастлик, шахсиятпарастлик, худбинлик унинг борлигини эгаллаганлигининг оқибати эди. Акс ҳолда бундай олижаноб таклифни жон-жон деб қабул қилган бўларди. Шунингдек, „Ҳар ким экканини ўради“ деганларидек, у ўзи хароб қилишга катта ҳисса қўшган Хоразмшоҳлар салтанати таназулининг аччиқ ва заҳар-заққумли мевалари самарасидан баҳраманд ҳолда кун кечириб, 1233 йилгача яшаб, дорулбақо оламига кетди. Мўғуллар хоқони ўз қасосини ундан ғоят ортиғи билан ундириб олган эди. Бу фоний дунёни тарк этган Туркон Хотуннинг калтабин сиёсати боис дунёнинг йирик салтанати ҳисобланмиш хоразмшоҳлар сулоласи миллионлаб фуқароларини мустамлакачиликнинг шафқатсиз зулми остида қолдириб кетди. Туркон Хотун тарих лаънатига учраган аёл ҳукмдор сифатида мозийнинг қора саҳифасидан жой олди. Фақат озодлик ва мустақиллик курашининг таслим бўлиш нималигини хаёлига келтирмаган Ватаннинг улўф курашчиси, сулоланинг сўнги вакили Жалолиддингина жанг майдонида миллий давлатчилигимиз байроғини мағрур кўтариб турарди.

## **КИЧИК ОСИЁ ҲУКМДОРЛАРИ БИЛАН ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЖАНГ**

Жалолиддин Маназжирда (ҳозирда унинг номи Малазгирд бўлиб, Туркия ҳудудига киради) турганида Арзон ар-Рум ҳукмдори Рукниддин Жаҳоншоҳ ибн Туғрул II Султонга яна бир бор садоқатини билдириш учун унинг ҳузурига шошилиш етиб келиб муҳим бир сирдан уни хабардор қилди. Бу Аловуддин бошлиқ иттифоқчилар ўз қўшинларини қайси ҳудудда ва қачон, қаерда бирлаштириб, Жалолиддин лашкарларини тор-мор этиш тўғрисидаги махфий келишувга доир хабар эди. У бу жангда ўз лашкари билан Султон тарафда туриб жанг қилишга қатъий сўз берди. Бунинг эвазига Султон Жалолиддин Рукниддин Жаҳоншоҳга Хартберд вилоятининг Кабан ва Харсин қасабаларини, рақибларини тор-мор этгач эса яна каттароқ ҳудудларни берадиган бўлди. Шунингдек, Аловуддин Кайқубодни тахтдан ағдариб, Кўния Султонлиги тахтини унга олиб беришга келишди. Шундан кейин Рукниддин Жаҳоншоҳ ар-Румга кетиб қўшинларини тезликда жангга тайёрлашга кириша бошлади. Келишувга кўра Султон беш кун ичида қўшинларини йиғиб Хартбердда учрашадиган бўлишди. Ўша жойда ҳар иккала ҳукмдор қўшини бирлаштириладиган бўлди, барча қўшинни жанг давомида

бошқаришни эса Жалолиддин ўз зиммасига олди. Рукниддин Жаҳоншоҳ бундай катта жангларни олиб боришда тажрибаси етишмасди. Ар-Рум ҳукмдори Аловуддин Кайқубод ва унинг ўндан ортиқ иттифоқчилари қўшинларининг Жалолиддин лашкарини тор-мор этишга доир режаларидан хабардор бўлганлиги учун Рукниддин Жаҳоншоҳ келишилган беш кундан бирор кун ҳам кечикмасдан Хартбердда қўшинларни бирлаштириб, иттифоқчиларга эса бирлашиш имконини бермай, уларни алоҳида-алоҳида тор-мор келтиришга Султонни кўндирди. Бу жуда мақбул, бирдан-бир тўғри фикр эди. Аловуддин Кайқубод ва унинг иттифоқчи қўшинлари бирлашадиган бўлса, улар даҳшатли кучга айланар, ўнлаб давлатлар қўшини билан Жалолиддин Мангуберди бир майдонда туриб жангга кириши ақлга сифмайдиган ҳолат эди. Негаки, Жалолиддин қўшинидан ғанимларнинг бирлашган қўшини камида олти-етти баробар устунликка эга бўлади.

Султон Рукниддин Жаҳоншоҳ билан келишувга биноан ўз амирлари ва саркардаларига тез ҳаракат қилувчи хабаргирлар орқали қизил ўқ жўнатди. Бу тез тўпланишни билдирувчи белги эди. Аммо қўшин тўпланишининг учинчи куни, бахтга қарши, Жалолиддин Мангуберди ўзини жуда ёмон ҳис қилиб, кечга томон эса тўшакка михланиб, офир касалликка чалинди. Амирлар ва саркардалар гангиб қолишди. Белгиланган пайтда келишилган жойга лашкари билан етиб келган Рукниддин Жаҳоншоҳ қаттиқ хавотирга тушди ва Султонга бирин-кетин мактублар жўнатди. Аммо Султондан дарак бўлмади. Мактубларда бир-биридан хатарли ва хавфга тўла воқеалар рўй бераётганлиги айтилган эди. Хабар ғанимлар томон лашкарларининг режа бўйича тўпланаётгани ва ҳужумга қаттиқ тайёргарлик кўришга киришганлиги ҳақида эди. Бу пайтда эса қароргоҳ амирлари Султон Жалолиддиннинг соғайишидан тамомила умидини узиб, ҳафсаласи пир бўлган эдилар. Шу тариқа вақт қўлдан бой берилди. Минг афсуски, ажойиб имконият ҳавога учиб, вақт эса тўла душман фойдасига ишлай бошлаган эди. Султоннинг эса бир-биридан шошилинич ёзилган мактубларни ўқишга ҳам, эшитишга ҳам мажоли йўқ эди. Душман энг қулай марраларни эгаллаб, тўла жанговар ҳолатда Султон қўшинининг етиб келишини кутарди. Орадан икки ҳафтача вақт ўтгач, Султон зўр-базўр ўзига келди. Султоннинг бу ҳолатидан воқиф бўлган лашкарларда, амир ва саркардаларда кайфият тушиб кетган эди. Қўшин Жалолиддин тимсолида аввалги арслонсифат саркардани эмас, руҳи тушган, иродаси бўшашган ҳамда тушкунлик домига тортилган, касаллик эзиб ташлаган инсонни кўриб турарди, минг афсус! Аммо энди истайдими, йўқми олдинда шафқат нималигини билмайдиган жанг, рақиблар учун битим ва келишувлар эшиги маҳкам ёпилган. Сўнгсўзни айтиш фақат қиличга қолган. Вазият саркарданинг касалликдан тузалиб, ўзига келиб олишини мутлақ кутмайди. Уруш ногораси чалинмоқда. Бу майдонда фақат ғолиб ва мағлуб бор, холос. Оқибати барчага аён, майдон тўла ўлик ва ярадорлар. Уруш қонунияти фақат шуни тақозо этади. Ўлдириш ва ҳаёт билан видолашиш фожиаларини кашф этиш асосий якуни шундан иборат. Уруш, жанг аёвсиз қурбонлик талаб қилади. Унинг майдонида ажал ҳукмронлиги ҳукм суради, вассалом!

Тулпор устига зўр-базўр ўтирган Жалолиддин қўшини ўлим водийси томон йўналди. Аловуддин Кайқубод ва унинг иттифоқчилари Сивосда тўпланишиб бўлгач, Арзинжон томон юрдилар. Жалолиддин қўшинлари Арзинжонга Шарқ томондан кириб борди. Арзинжон Ясси Чаман тоғи этагида жойлашган эди. Султон Жалолиддин умуман жангни бошқариш ва вазиятга қараб ҳарбий усулларни тактик ўзгартириб туриш ҳолатида эмасди. Унинг таваккал қилишдан ўзга чораси қолмаган эди. 1230 йил 6



август куни кечқурун Султон Жалолиддин қўшини жосуслари қарийб 3 мингдан ортиқ душманнинг илғор қисми асосий қисмга яқинлашиб қолганлигини хабар қилишди. Султон Жалолиддин қўшинни Ясси Чаман тоғи остонасида тўхташиб тонг отишини кутди. 7 август тонгида душманнинг 3 минг илғорига қарши Ўтурхон бошчилигидаги 2 минг кишилиқ ўз илғорини жўнатди. Жалолиддин асосий қўшин билан Арзинжон яқинида тўхтаб, илғор қўшинининг жанг натижасини кутди. 7 август эрталаб ҳар икки томоннинг илғор қўшини тўқнашди. Жанг кеч пешинга қадар давом этди. Ўтурхон тушдан кейин ўз илғорини ялпи ҳужумга бошлади. Ниҳоят, душман илғори бу ҳужумни қайтара олмай сафлари тўзғиб кетди. Кайқубод I ва унинг иттифоқчилари Арзинжон ҳамда хартбердлик лашкарий қисмлари тўла тор-мор этилди. Ўтурхон зафар байроғини ҳилпиратиб, Султон Жалолиддин қароргоҳига кириб келди. Аммо Султон бу ғалабани мустаҳкамлай олмади. Ҳолбуки, душманнинг илғори бутунлай қиличдан ўтказилгач, Кайқубод I ва унинг иттифоқчи қўшинлари ўртасида ваҳима кучайиб, руҳий тушқунлик юзага келган эди. Аксига олиб, Жалолиддиннинг аҳволи яна оғирлашди, ўзини жуда ёмон ҳис қилиб, касаллиги яна зўрайди. Ҳал қилувчи жанг олдидан бу ҳолат қўшин руҳиятига салбий таъсир қилди. Бундан афсусланган Султон тарихчиси ан-Насавий кейинчалик ёзиладиган солномаси учун қўйидаги шеърини мисраларни алам ва изтироб билан битиб қўйди:

Омад кулиб боқдимиз, демак, барча тарафдан  
 Зафарлар шаббодаси елади тинмай.  
 Омад юз ўгирса энг осон иш ҳам  
 Ранжу риёзатдек туюлар оғир.

1230 йил 10 август куни ҳар икки томоннинг асосий қўшини тўқнашди. Султон Жалолиддин кўчма қароргоҳидаги тўшагида беҳол ётар экан, ҳеч бўлмаса жангни кузатиш учун баландроқ жойга чиқаришларини сўрайди. Уни сарой ходимлари жанг манзарасини бемалол кўрадиган дўнгликка олиб чиқдилар. Бу Султон учун ғоят аламли дамлар эди. Буюк саркарда энг муҳим ва тақдири ҳал бўладиган катта жангда ўзи жангни бошқара олмаганлигидан минг пушаймон ҳолда кузатувчи бўлиб туришдан ўзга чораси йўқ эди. Э, воҳ! Бунинг устига душманлари кучи ҳаддан ташқари кўп ва қудратли. Амирлар, саркардаю лашкарлари душман кучларига бардош бера оладими? Душманлар ўз қўшинини қайта сафга тизганига қараганда Султон қўшинини қуршаб олиш режаси қатъий ишлаб чиқилган. Ишқилиб лашкар душман қуршови ва тузоғига тушмасин. Султон Жалолиддинни бу жанголди фикрлар янада ҳолдан тойдирди. Ана, зум ўтмай жанг ҳам бошланди. Кайқубод I ва унинг иттифоқчиларининг чап қаноти Султон лашкарининг ўнг қанотига қуюндай ҳужум қилди. Ўнг қанот қўшинни Султоннинг жасур ва мард саркардаларидан Улуғхон жангга олиб кирди. Уни ён тарафдан саркарда Атлас Малик ҳимоя қилди. Шу тариқа жанг жуда аёвсиз муҳорабага айланиб кетди. Ҳар икки саркарда ва лашкарий гуруҳлар матонат кўрсатиб душман чап қанотини майдондан улоқтириб ташлади. Шу тобда Кайқубод I чап қанотини ҳалокатдан қутқариш учун қароргоҳи захирасидан катта кучларни жангга киритди. Натижада Улуғхон ва Атлас Малик саркарда лашкарий қисмлари уч томондан қуршовга тушиб қолдилар. Душман бу икки саркардани сафдан чиқариш учун улар устига яна қўшимча кучларни сафарбар этди. Аҳвол кескин оғирлашди, ҳар икки саркарда ва улар қўшини бемисл жасорат кўрсатишларига қарамай қуршов ҳалқасини ёриб чиқа олмадилар.

Кайқубод I ва унинг иттифоқчиларининг сон-саноксиз қўшини ёппасига ҳужумга ташланди. Энди Султоннинг ўнг қанот қўшини аҳволи оғирлашиб, ялпи ҳужумга бардош беролмай, тартибсиз тарзда чекинишга мажбур бўлди. Султоннинг машҳур саркардалари Улуғхон ва Атлас Малик охириги нафасларигача қилич серпаб душманни ёнларига йўлатмадилар. Кайқубод I ҳар қандай шароитда шу икки саркардани тириклайин қўлга туширишга буйруқ берди. Ниҳоят, қилич ушлашга мажоллари қолмаган бу лашкарбошилар ҳолдан тойиб ерга қуладилар. Уларнинг ҳар иккиси Кайқубод I қароргоҳига олиб келинди. Уларга ҳам ҳайрат, ҳам нафрат билан разм солган Кўния ҳукмдори: „Султоннинг машҳур лашкарбошилари бўлган сизлар чинакам баҳодир жангчилар экансизлар, мардлигингизни юксак қадрлайман ва шу жасоратларингиз эвазига ўз бошларингизни ўзингизга мукофот тарзида ҳадя қиламан“, дея қароргоҳ соқчиларидан бирига имо қилди. Шахсий соқчи ҳукмдори буйруғини дарҳол бажаришга киришди. Ҳаш-паш дегунча ҳар икки лашкарбошилар боши қон сачраганича пастликка думалаб кетди. Бу пайтга келиб Жалолиддиннинг ўнг томон лашкарини ҳимоя қилиб жангга кирган Арзон ар-Рум ҳукмдори Рукниддин Жаҳоншоҳ ҳам асир олинган ва қўшини мағлуб қилинган эди. Тенгсиз жангда мардларча олишган Жаҳоншоҳни ғаним жангчилари оти билан ерга ағанатишга муваффақ бўлишди. Бу ҳақда ашаддий душмани Кайқубодга хабар беришди. Султоннинг икки машҳур саркардасининг жон беришини кузатиб қониқиш ҳосил қилаётган Кўния ҳукмдорига Жаҳоншоҳ асир олинганлигини маълум қилишганида Аловуддин Кайқубод I уни атайлаб отда эмас, олдимга хачирда олиб келинг, дея кўрсатма берди. Бу билан ўзининг сиёсий душмани ва мухолифини ўлими олдидан масхара қилмоқчи бўлди. Қўр тўкиб қўчма олтин тахтда ўтирган Кайқубод I Жаҳоншоҳни беписандларча кутиб олар экан, Арзон ар-Рум ҳукмдорига: „Хачир жуда ярашар экан, муборак бўлсин“ дея кесатди. Сўнгра „ҳукмдор меҳмонни хачирдан тушириб қўйинглар“, деб буйруқ берди. Унинг елкасига қўлини қўйиб: „Улуғ ҳукмдор, хачирда йўл юриб ғоят чарчабсиз, шунинг учун сизни доимий фароғат дунёси билан сийлов қиламиз“ — дея, унинг бошини кундага қўйишга имо қилди. — Энди абадий ором олинг ҳукмдор, сиз шунга тамомила муносиб қариндошимсиз“, деди амакиваччаси Кайқубод I. Ойболта ушлаган жаллод жуда усталик билан Рукниддин Жаҳоншоҳ бошини танасидан жудо қилди. Бу воқеа Кайқубод I учун зафар тантанасининг бошланиши бўлди.

Бу жанг интиҳоси ҳақида шу муҳораба иштирокчиси ва фожиалар гувоҳи сифатида ан-Насавий қўйдагиларни ўзининг ярадор танасидан отилиб чиққан қон билан сиёҳини омихталаштириб муҳлаб кетган эди. Уни тан жароҳати азобидан-да оғир изтиробларга тўлиб, келажак авлодларга сабоқ бўлиш учун ёзиб қолдирди: „Шундай қилиб, иккала қўшин тўқнашди, Султон қўшинининг ўнг қаноти душман қўшинининг чап қанотини мағлуб этди ва жанг майдонида муҳим аҳамиятга эга бўлган тепаликни босиб олди. Душман чекинаётган чап қанотига ёрдам учун лашкарлар юборди. Натижада улар Султон қўшинининг ўнг қанотини тепаликдан қувиб, водий томонга суриб ташлади. Улар ҳужумни давом эттирдилар. Султон лашкарлари бунга бардош бера олмай қоча бошладилар. Уларнинг бу қочиши чавандозлар томонидан қўрқитилган, бўриларнинг ўткир тишларига нишон бўлган кийиклар тўдасининг қочиши сингари эди. Қувлаётганлар Султон қўшинининг қочиши ҳақиқийлигига дастлаб ишонмадилар. Улар бу аввалдан ўйланган айёрлик, деб ўйладилар. Бироқ, Султон мағлубияти аниқ бўлди. Мағлубиятдан кейин ўлжалар ҳам оқиб кела бошлади. Қўшин қочаётганларни таъқиб этди. Найзалар

қочаётганлар баданларига аёвсиз санчилар, қиличлар қонга бўлган ташналигини қондирарди. Атроф, бирор марта туғлар илинмаган, оёқлар ва туёқлар етиб бормаган жойлар ҳам ўликлар билан тўлди. Бу аҳвол қуёш уфққа бош қўйиб, унинг ўрнини ой эгаллагунига қадар давом этди. Лашкарлардан кўпчилиги ҳийла домига илиндилар, улар туркий ва арабий отларнинг беадад чопишлари, тўқнашувларидан, жанг тўзонларидан ҳолсизландилар. Улуғхон ва Атлас Малик сингари таниқли лашкарбошилар асир олиндилар. Ар-Рум ҳукмдори буйруғига кўра уларнинг бошлари таналаридан жудо қилинди. Арзон ар-Румнинг ҳукмдори ҳам душман ўраида қолиб асирга тушди. У мардларча олишди. У вақт отлиғ ҳакам туфайли қисматнинг аччиқ шаробидан сипқоришга мажбур бўлди. Оллоҳ марҳаматига сазовор бўлган ҳолда дафн этилди.

Ҳа, бу замон ана шундай: унинг бизга ҳадя этадиган бахтсизликларидан ҳайратга тушиб ҳам, мусибатларини бартараф этиб ҳам бўлмайди. Аслида, бу бизга берилган бир аччиқ совғадир. Бу совға бизга бир шарт, қайтиб олиш шарти билан берилган. Яъни унга эга бўлишнинг ўзи ундан маҳрум бўлиш билан омихталашгандир, чунки инсонга бирор нарса, у қайтиб олинмас экан, берилмайди“.

Бу қисмат шох Жалолиддинни ҳам четлаб ўтмади. У яратган Парвардигор бир вақтлар берган ғалабаларни бирин-кетин топширадиган паллага етиб келаётган эди. Илоҳ томонидаё содир этилиши лозим бўлган илоҳий ҳодисалар ижтимоий ҳаёт ҳодисаларидан нақадар устун туриши Султон Жалолиддиннинг кураш ва жангу жадал фаолиятида ўзини яққол кўрсата бошлади. У Худо берган куч, истеъдод ва лаёқатини ўн йиллар мобайнида намоён этмасин, Хоразмшоҳлар салтанатини сақлаб қолиш ва ёвларни бу ҳудудлардан ҳайдаб чиқариш, эл-улусни озодликка олиб чиқиш олий орзу-истаклари тобора саробга айлана борди. Душманлардан заррача қўрқиш ва ҳадиксираш нималигини билмаган шерюрак баҳодир Жалолиддин танасига руҳий тушқунлик унсури ин қуришга имкон топишди. Султон Жалолиддин жангдан омон қолган оз сонли қўшини билан Ясси Чамандан тўғри Маназжирдга келди. Бу қалъани вазир Шарафулмулк қамал қилаётган эди. Султон қамални тўхтатишни буюриб, Суқмонободга йўл олди. Бу ерга келгач, таъқиб қилувчиларни тўхтатиш, агар музокара имкони бўлса, душманлар билан битимга эришиш учун Шарафулмулкни ироқлик қўшинлари билан кучайтириб, уни шу ерда қолдирди. Султоннинг ўзи тирик қолган амир ва саркардалари ҳамда бир гуруҳ лашкар билан Озарбайжонга кетишга қарор қилди. Мағлуб бўлган Султон қўшинида жанговарлик тартиби бузилиб, хонлар, амир ва саркардалар кўпчилиги Султон кўрсатмасисиз қайси ҳудудни хавфсизроқ деб билсалар, шу томонга қараб йўл олдилар. Султон Озарбайжон йўлларида борар экан, мағлубият ва таназзулнинг барча азоб-уқубатларини тотди. Ўзига тобе саркардалар, амирлар ва амалдорлар барчаси Султонга бўлган ҳақиқий муносабатлари қандай бўлса, шунингдек, тобе вассал ҳоким ва ҳукмдорлар сотқинлигию иккиюзламачилиги, ваъдалар ва қасамлар чинлигию ёлғонлиги Султон бошига оғир кунлар тушганда ошкор бўлди. Ҳаёт бешафқатлиги, тақдир бевафолиги билан омихталашиб, Султонни ҳам эзиб ташлайдиган кунларга рўбарў қилди. Султон Жалолиддин ҳам ҳаёт ва кураш саҳнасида таслим бўлишдан йироқ турди, аксинча, тақдир зарбаларига қасдма-қасд бораверди. „Озодлик ва мустақиллик учун жанг сўнги нафасгача!“ шиорини доимо кун тартибида сақлади. Унинг олий маънавий-ахлоқий қадрияти шундан иборат бўлди. Султон шу феъл-атвори билан қисқа умрини жасорат саҳифаларига безаб ташлади, уни инсонийликнинг бетимсол моҳияти билан бойитди. Айнан шу жиҳатлари билан у халқ қаҳрамони, Ватаннинг буюк

фарзандига айланди. Жасорат ва қаҳрамонликнинг чўққисига кўтарилиб, давр ва замонларнинг қайси томонидан қаралса ҳам башариятга ибрат намунаси бўлиб қоладиган мавқе сари юксалди. Амирлар, хонлар ва таниқли аъёнларнинг Жалолиддинга хиёнат ва сотқинликларини Султоннинг сарой котиби бундай таърифлаган эди: „Бир пайтлари содиқ ва ишончли ҳисобланган мансабдорлар бирортаси на ўзаро ҳамкорлик қилдилар, на биргалашиб Султон қанотига кирдилар. Аксинча, улар йўлларда оғирлик қилган нарсаларини ҳам ташлаб қочдилар, қўрқув ва жон талвасасида Муқонга бордилар. Улар ҳатто ўз Султонини ҳам йўлдаги ҳар бир муттаҳам ва оч қолган қароқчи учун ўлжа сифатида ташлаб кетдилар“. Бу сотқинлик ва хиёнаткорликнинг энг тубан кўриниши энг оғир дамларда намоён бўлиши эди. Шундан кўринадики, Ясси Чамандаги мағлубият бундан кейинги воқеаларнинг боришига ўзининг катта салбий таъсирини ўтказди. Султон боши устида қора ва қайғули кунлар булути қуюқлашгандан қуюқлашди. Ясси Чаман жангида Аловуддин Кайқубод I асосий ва содиқ иттифоқчи сифатида Султон Жалолиддинга қарши тарафда туриб жанг қилган ал-Малик ал-Ашраф Шарафумулкнинг Суқмонободда эканлигининг хабарини топгач, у билан мулоқот йўлини қидирди ва мактуб билан ўз чопарини юборди. Вазирга юборилган нома қуйидаги мазмунда битилган эди: „Ҳақиқатан, сенинг Султонинг ислом ва мусулмонларнинг буюк Султони дир. Уларнинг асосий таянчи ҳисобланади. У мусулмонлар билан мўғулар ўртасидаги асосий тўсиқ ҳамда девор дир. Бизга сир эмаски, отаси Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг ўлими туфайли ислом қудратига ҳамда мусулмонлар бирлигига зарар етди. Биз Султоннинг кучсизлиги исломнинг кучсизлиги эканлигини, унга етказилган зарар барча одамларга етказилган зарар бўлиб чиққанлигини ҳам биламиз, сен эса даврнинг барча синовларини бошдан кечиргансан. Унда нима фойдали, нима зарарли эканлигини биласан, унинг қувончларидан ҳам, аламларидан ҳам баҳраманд бўлгансан. Наҳотки, сен унинг кўнглида „интилишларимизни бирлаштирайлик, бу энг тўғри йўл ва тўғри сўздир“ деган истакни уйғота олмасанг? Ва сен нима учун уни ҳамкорликка даъват этмайсан, ахир бу Оллоҳга яқинлашиш йўлида аввалида ҳам, охирида ҳам фойдали ишлардан эмасми?

Мана, мен Султон Жалолиддин ҳузурига Аловуддин Кайқубод ва акам ал-Малик ал-Комил номидан юборилган вакилман. Мен унга қандай ёрдам берсак, уни қай даражада қўллаб-қувватласак қаноатлантира олишимизни билмоқчиман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг кўнглидан ёмон ниятларни чиқариб ташлашга эришмоғимиз зарур. Нифоқ келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, кўнгиларни низолардан тозалаш учун хоҳ узоқда бўлсин, хоҳ яқинда ҳар қандай ишни қилишга тайёрман. Оллоҳ Султонингизнинг ризқини мўл қилсин. Яхшилик шароби туфайли кўнгли қувончга тўлсин, унинг сахийлигидан ҳиммати янада ошсин, у дилдан олижаноблик байроқдори бўлиб қолсин!“

Ал-Малик ал-Ашраф тинчлик битимининг пухта ва ғоят ишончилигини таъминлаш учун Султон Жалолиддин ҳузурига ўзининг яқин одами Шамсиддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Карим аш-Шом Тикритийни жўнатди. Султон аш-Шом Тикритийни жуда яхши қабул қилди ва тинчлик битимига рози бўлди. Ал-Малик ал-Ашраф элчиси Султон Жалолиддинни ар-Рум ҳукмдори (Кўния) Аловуддин Кайқубод номига ҳам қасам ичиб шундай битим тузишга ундади. Аммо бунга Султон асло рози эмаслигини билдириб: „Ар-Рум ҳукмдори билан асло орамизда воситачилик қилманг“, дея бу таклифни кескин рад қилди. Негаки, кўп нарса шунга боғлиқ эди. Аш-Шом Тикритий

шу муаммога ижобий ечим топарман, деган умидда бир ой шу ерда қолиб кетди. Битим имзолаш чоғида яна баҳсларга сабаб бўладиган масалалар юзага чиқди. Элчи Султондан Сурмарини қайтариб бериш учун Жалолиддин розилигини олишга ҳаракат қилаверди. Ниҳоят, узоқ тортишувлардан сўнг элчи Жалолиддин розилигини олишга эришди. Сурмари ҳукмдорлари Султон Жалолиддин Двин қалъасини забт этганидан кейин ихтиёрий тарзда унга тобелигини билдирган эди. Шундан бери Сурмари ҳукмдори Ҳусомиддин Хидир Султонга хизмат қилиб келарди. Элчи Сурмари масаласида қаттиқ туриб олганлигида бир сир бор эди. Ундан олинадиган солиқлар барчаси вазир Шарафулмулк чўнтагига тушар, ал-Малик ал-Ашраф хазинасини тўлдириб туришга катта ҳиссасини қўшадиган бу вилоят қўлдан кетгач, Дамашқ ҳукмдори уни қайтариб олиш учун пайт пойларди. Агар Султон Жалолиддин кучайиб кетадиган бўлса, Сурмаридан умидини бутунлай узарди, аммо замон шиддати оз вақт ҳисобига бўлса-да, муаммони ал-Ашраф фойдасига ўзгартирди.

## **БУЮК САРКАРДАГА ҚАРШИ ҒАНИМЛАР БАРЧАСИ ОЁҚҚА ҚАЛҚДИ**

Бу пайтга келиб мусулмон дунёсини янада оғир аҳволга соладиган ҳодисалар юз бера бошлаган эди. Мўғуллар Хуросон ва Турон заминида мустаҳкам ўрнашиб олиб, нафасини ростлаб олгач, уларнинг йўлида ўн йиллардан буён ислом оламига ёриб киришга асосий тўсиқ бўлиб турган буюк девор Жалолиддин Мангубердини мағлуб қилиб, унинг ҳаётига нуқта қўйиш, сўнгра Миср орқали зафарли юришлар олиб бориб, Гибралтар (Жабел ал-Тари) бўғозидан ўтиб, Фарбий Европа ерларини забт этишни мўлжаллаётган эдилар.


Ан-Насавийнинг ишончли манбаларга таяниб қолдирган маълумотлари шундан далолат берадики, чингизий мўғуллар Жалолиддин Мангуберди ва бошқа ислом мамлакатлари ҳукмдорларини мағлуб этишда сопини ўзидан чиқариш сиёсатидан жуда унумли ва усталик билан фойдаланган. Мўғул элчилари ва жосуслари эркин ҳаракат қилишлари учун уларга исмоилийлар савдо карвонлари ишончли қалқон ва ҳимоя вазифасини ўтаган. Улар шу карвонлар воситасида Кичик Осиё, Сурия ва Яқин Шарқ мамлакат ҳукмдорлари билан музокараларни бемалол олиб боришган. Натижада Жалолиддин Мангубердини зимдан биргалашиб йўқ қилиш битимларини имзолашга эришдилар. Бироқ, бу битимга Кичик Осиё, Сурия ва Араб дунёси ҳукмдорлари имзо чекар эканлар, нафақат Султон Жалолиддин Мангуберди, балки ўзларининг ҳам ўлимларига қатъият билан муҳр босаётганликларини асло билмас эдилар. Мўғуллар Шарқ оламини ана шу маккорона сиёсати билан бирин-кетин мағлуб этди, тиз чўктиришга эришди. Ҳаддан ташқари айёр мўғуллар мусулмон олами ҳукмдорларининг шундай ишончига кирдики, шерлар шери, очиқ курашнинг тенгсиз яловбардори Жалолиддин Мангубердини тўрт тарафдан, тинимсиз таъқиб остига олиб, уни чиқиб бўлмас тузоққа гирифтор этишга эришдилар. Шу тариқа Шарқ оламига ўтишдаги асосий ҳайбатли ва маҳобатли девор — Жалолиддин қулатиладиган бўлди. Ёввойилик ва жоҳиллик олами адолат курашчисини шу йўл билан қурбонликка ҳозирладилар. Ғоят қабихона тузилган битим ва шартномалар кенг доирадаги ҳарбий ҳаракатларга изн берди. Энди Султон қай ҳудудга юрмасин, чор атрофда уни ютиб юборишга тайёр аждаҳолар доми томон юришга мажбур этди. Ўлим ва ажал шарпаси у билан доимо ёнма-ён юрар,

ундан ажралишни асло истамасди. Сўнги нафасгача қиличини маҳкам ушлаган Султон Жалолиддин ҳам дарров тақдирга тан бермади. Ўлим шарпаси ҳақиқий воқеликка айлангунга қадар бобомерос машҳур қиличини қасоскорона шиддат билан душманлари боши устида серпашга қасд қилди. Энди ўлим ҳақ, аммо унга бошни эгиб эмас, балки марурона тик боқиб, мардликнинг бемисл қирралари ва очилмаган саҳифаларини намойиш қилган ҳолда бориш лозим. Жалолиддин муҳораба майдонига шундай аҳд ва қатъият билан киришда давом этди. Ўз ҳаётини кураш ва жангу жадаллар билан бошлаб, ўшандай тақдир билан тугатиш унинг интиҳо қисматида бор эди.

Жалолиддин ал-Ашраф элчиси билан музокараларни яқунлаш палласида мўғуллар қўшини Ироқ томонидан уни таъқиб остига олгани тўғрисида маълумот олди. Султон Жалолиддин Ироқ томонидан ҳужум қилиб келаётган мўғуллар лашкарининг сони ва миқдори ҳақида аниқ далилларга эга бўлиш, шунингдек, қайси ҳудудий йўналишлари бўйлаб ҳаракатланаётгани ҳақида маълумотлар тўплаш учун довиорақ юзбошилардан бири Йилон Буғони Ироқ тарафга жўнатди. У Ироққа жангларда синалган 14 та жангчи баҳодирларини олиб, жосуслик маълумотларини тўплаш учун шошилинич тарзда жўнаб кетди. Унинг бошчилигидаги жанговар гуруҳ Занжон ва Абхор оралиғидаги Шарвиёз вoдийсига етиб борганларида мўғуллар қўшини илғорига дуч келди. 14 баҳодир мўғуллар илғорининг юздан ортиқ жангчилари билан тенгсиз жанг бошладилар. Ниҳоят, мўғуллар Йилон Буғо баҳодирларини бўлма илон ўлжасини сиқувга олгандек қуршаб олишга эришдилар. Уларнинг ҳар бири 10 га яқин мўғул жангчиси билан мардларча олишишига тўғри келди. Мўғуллар улардан таслим бўлиб, қурооларни ташлашни ва эвазига тирик қолдиришни талаб қилишди. Аммо жанг майдонининг бу баҳодирлари бундай талабни кескин рад қилиб, ҳар икки жангчи орқа-олд томондан елкама-елка туриб бир-бирини ҳимоя қилган ҳолда жанг олиб борди. Мўғулларнинг кучи ҳаддан зиёд кўп бўлгани учун 14 баҳодир ўз сардори Йилон Буғони нима қилиб бўлса-да, қуршовдан чиқариб Султон Жалолиддинга бўлган воқеани ҳар қандай шароитда етказишни тайинладилар. Қонли жангда сардорига йўл очиб, унинг қуршовидан тириклайин чиқиб кетиш ва Султон ҳузурига етиб олишига имкон бердилар. Мўғуллар жуда катта талафотлар бериб, шерлардек олишаётган 14 баҳодир қаршилигини базўр синдирдилар. 50 дан ортиқ мўғулларни ер тишлатган баҳодирлар омонсиз жангда қизил қонларига бўялганича жон бердилар. Улардан қасд олишга интилган мўғуллар баҳодирлар жон таслим қилганларидан сўнг бу билан қаноатланмай, уларнинг жасадларини ҳам бурдалаб ташладилар, бошларини кесиб олиб, туманбоши ва нўёнларига тортиқ қилдилар. Йилон Буғо бу ваҳимали хабарни олиб келганида Султон Жалолиддин Табризда бўлиб, тарқалиб кетган лашкарни йиғиш устида бош қотираётган эди. Худди шу пайтда ислом олами манфаатларига хиёнат қилган исмоилийлар йўлбошчилари мўғуллар қароргоҳига шошилинич чопар йўлаб, Султон Жалолиддинни тинимсиз таъқиб қилишнинг мақбул пайти эканлиги, унинг аҳволи ғоят оғирлиги, агар бу имконият қўлдан чиқариб юборилса, уни мағлуб этиш яна бир неча йилларга чўзилиши, шунинг учун ялпи ҳужум уюштириб, уни бутунлай мағлуб қилиш лозимлигини маълум қилдилар. Бундай қулай имкониятларни бир дақиқа ҳам қўлдан чиқаришни истамаган мўғуллар ғалаба нақд эканлигидан хабар топгач, йирик мўғул қисмлари аниқ маълумотлар асосида ҳаракат қилиб, Султон Жалолиддинга нафасни ростлаб олишга имкон бермай, таъқибни кунма-кун, соатма-соат кучайтирдилар. Бу кунлар Султон Жалолиддин учун ҳеч кимдан нажот кутиш мумкин бўлмаган фожиали ва қора кунлар тунларга уланган дамлар бўлди. Энди



Дилсиёҳликдан сўнг ўзини қўлга олган Жалолиддин Хоразмшоҳ Нилаб соҳилидаги Чингизхон ва унинг йиғилган лашкарига қараб: „Ҳали сизларнинг бошингизда кўп марта қасос қиличимни ўйнатиб, ҳолингизга маймунлар йиғлайдиган ҳолатни соламан“, дея ҳайқирмоқда. Султон Жалолиддин қасам ўрнидаги ушбу хитобининг устидан чиқиб, орадан етти йил ўтгач, Тайнал нўённинг (бу Чингизхоннинг машҳур саркардаси эди) йирик қўшинларини Исфаҳон остонасида қириб ташлаган ва мўғул саркардаси бир ҳовуч аскар билан базўр қочиб қутулган эди.



Хоразмшоҳ Жалолиддин Ҳиндистон ҳудуди сари ҳарбий юриш арафасида. Ўрта аср мусаввирининг миниатюра асари. 1221 йил, декабрь бошлари.

Табризда туриш нақ ҳалокат эканлигини англаган Султон Жалолиддин мўғулларнинг асосий зарбаси қай тарафдан келиши тўғрисида аниқ маълумотга эга бўла олмай Муқон томонга кетиш маъқул деган қарорга келди. Вақт эса шамолдай тез ўтар, пухта режалар тузиб ҳаракат қилишга мутлақо фурсат йўқ эди. Қўл остидаги мавжуд ҳарбий қисм билан эса мўғулларнинг лак-лак лашкарлари ҳужумини қайтариш ақл бовар қилмайдиган ҳол, нима қилмоқ керак? Илинж Муқонга етиб олиш ва сочилиб кетган қўшинни ўша ердан тўплаб жанг тадоригини кўришдан иборат эди. Қисқа фурсатда тоғ-тоғ ишларни қилиб улгуриш лозим. Агар бунинг уддасидан чиқилмаса, барча орзу-умидлар мавжуд лашкар билан бирга қора ерга қориб ташланади. Султон Жалолиддин ҳаёти давомида дуч келинган муаммога жавоб излаб, калаванинг учини топа олмай маънавий-руҳий қаттиқ изтироб чекарди. Пулатдек тобланган жисми қақшади, тушкунлик шундай буюк инсонни бошини чангаллашга мажбур этди. Жаҳон тарихий воқеаларининг гирдобига тортилган забардаст саркарданинг иродасини букди, ҳодисалар у кутгандан 10 чандон зарб билан йўналиб, Султонни мувозанатдан чиқарди. У шамол деб кутган куч унга довул бўлиб урилди. Таназзул ибтидоси Табризда бошланиб, ҳалокат йўналиши уни Муқонга йўллади. Бу ерга жўнашдан асосий мақсад эса анъанага кўра баҳор, ёз ва куз фаслида ҳарбий ҳаракатлардан чарчаган қўшин қиш фаслида Муқонда тўпланиб шу ерда қишлар, жанговар машқлар олиб борарди. Келгуси йилги ҳарбий ҳаракатлар режаси ҳам, кўпинча, Муқонда тузиларди. Келаётган хабарлар оқими бир-биридан ваҳимали бўлиб, нафақат Султон қароргоҳи, балки девон амалдорлари ҳам яшин тезлигида ривожланиб кетаётган хавфли ҳалокатни бартараф этиш маслаҳатини беришдан ожиз қолдилар. Ҳатто Султон ўз ҳарамини қайси мустаҳкам қалъалардан бирига жойлаштириш ва жўнатишга чора топа олмади. Уларни олиб кетиш ва жойлаштириш вақт талаб қиларди. Ҳар бир дақиқа ва сониялар олтиндан ҳам қадрли эди. Султон уларни олиб кетишга кўзи етмай, қолдиришга таваккал қилишдан бошқа чора топмади. Султон уларни ҳимоя қила олмаганлиги учун ўзини ғоят гуноҳкор деб билар, ич-ичидан эзиларди. Жалолиддин оиласи билан афсус ва надоматлар чекиб хайрлашди. Оқибат хайрлашув видолашув мотамига айланди. Уни ҳаммалари қалбан ва аламли, изтиробли, кўздан шашқатор оқаётган ёшлар орқали чуқур ҳис қилиб турарди. Бир мақсад, бир маслак ва бир оила ҳамда садоқатли дўст, сафдош бўлиб ҳаётнинг не-не машаққатларида топишган бу инсонлар сўнгги бор бир-бирини бағрига олдилар, ажралиш ундан-да оғир бўлди. Видолашув мислсиз мусибатли кечди. Ниҳоят Султон ва унинг атрофидагилар асов отлари томон юрдилар, шахд билан жиловни қўлга олиб Муқон томон аччиқ қамчи босар эканлар, бу зарб тулпор жисмига эмас, ўзларининг қалбига урилган зарбдан ҳам оғир бўлди, улар учун. Улар аёллар фарёдини эшитмаслик учун тез кўздан ғойиб бўлиш мақсадида шиддат билан олға кетишга ҳаракат қилишди. Бироқ бўлмади. Султон оиласи ва қариндошлар ўзларини тута олмадилар. Мунгли йиғи қалбларни титратувчи, ларзага келтирувчи уввос йиғисига уланиб кетди. Бу дард-ҳасратга тўлган фарёд дамлари ҳар қандай инсоннинг умрини ўн йилларга қисқартиришга қодир фожиалар гирдоби эдики, бундай аччиқ тақдир қисмати ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Султон Жалолиддин учун бу кўргуликнинг иккинчи бора рўй бериши эди. Биринчисига у Нилабдаги қиёмат жанги якун палласига кираётганида дуч келган эди. Ўшанда у инсон бўлиб туғилиб мисли кўрилмаган йўқотишга дуч келган эди. Бир томонда унинг лашкари Чингизнинг ваҳшийлик руҳида тарбияланган сон-саноксиз лашкари томонидан қириб ташланаётган



бўлса, иккинчи тарафда асирга олинган норасида ўғли бўғизлашга олиб борилар ва бошқа бир тарафда эса дарё қирғоғида турган она ўзини, келин ҳамда невараларини бирга қўшиб аждаҳо мисол ютагон дарё домига итқитишни илтижо қилар эдилар. Энди эса не-не орзу-армонлар билан вужудга келтирган иккинчи оиласи ва фарзандлари, яқин ҳеш-ақраболари билан видолашмоқда эди. Не илож қилсинки, уларни бошланажак қирғин-барот жангу жадалнинг кети кўринмас майдонларида олиб юра олмайди. Улар Табризда қолар эканлар, ҳаёт қандай қисматни раво кўрса, фақат шунга кўнишдан ўзга чоралари йўқ. Бу ёғига ҳодисотлар шамолини улар томон шиддат билан ҳайдаётган вақтгина бу фожиаларга ойдинлик киритади. Тарих ва ҳаёт синовлари бир мантиққа таянади. Подшо ва Султонсиз эл-улус чўпонсиз қолган пода каби йиртқич ва босқинчилар емишига айланади. Бу азалу абад учун қонуниятдир. Ақлли ва мард юртбоши — эл бахти.

Муқонга йўл олган Султон Жалолоддин Орминан қишлоғига етиб келганида рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар, шунингдек, мўғуллар лашкари ҳақида янги, аниқ-тиниқ маълумотга эга бўлиш учун шу ерда бир оз тўхтаб нафасни ростлаб олмоқчи бўлди. Дастлабки маълумот олинди ҳам. Орминан қишлоғидан бир неча фарсах узоқдаги Марж Занжон қишлоғига мўғуллардан етти юз нафар аскарий қисм келиб тушганлиги маълум бўлди. Жалолоддин ўйладики, бу қўшин мўғулларнинг илғори ёки жосуслик билан шуғулланувчи йирик гуруҳи бўлса керак, чинакамига бизни қўлга тушириш учун жўнатилган қўшин етти ёки ўн мингдан кам бўлмасди, дея бошқаларни ҳам овутомқчи бўлди. Шу дамларда бу воқеаларга айнан гувоҳ бўлган муаррих ан-Насавий Султон ёнида бўлиб, унинг фармон ва буйруқларини дарҳол тайёрлаб муҳр қўйиш учун ҳукмдорга етказиб турганлигини, ҳатто ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга ботинганлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Шундай лаҳзалардан бирида у Султонни огоҳликка чорлагани, яъни тоторлар феъл-атворини билишини, улар агар илғор қўшин билан келган экан, 700 та фаним ортида жуда катта кучлар бўлишини, улар исталган пайтда пистирмадан чиқиб, рақиб томонни оғир аҳволга солишидан Султонни огоҳлантирганлигини айтади. Бироқ, Султон Жалолоддин сарой ва қароргоҳ котиби ан-Насавийнинг тўғри фикрларини инкор қилиб, ўзининг фикрида қатъий туришини билдиради. Шуниси ажабланарлики, ғоят тажрибали ёв мўғуллар билан 10 йиллар жанглар олиб борган саркарда Жалолоддин ҳал қилувчи дамларда ўзини ғоят иродали ва дадил тутиш ўрнига тушкунликка тушиб ҳалокат ва фалокат гирдоби томон боришини ҳар қандай муаррих тасвирлашга ожиздир. Бу пайтда Султон Жалолоддиннинг руҳий ҳолатида қандай мураккаб жараёнлар содир бўлганлигини ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Балки узоқ йиллар куну тун ўлим билан юзма-юз туришлар, оиласи, фарзандлари, яқинлари, қариндош-туққанлар, шажаравий сулоласининг қириб ташланиши, хуллас, инсон боласи чидаши мумкин бўлмаган фожиалар миқдорининг чек-чегара билмаслиги, айниқса, мўр-малах ва чигирткадек босқинчи ёвларнинг уни йўқ қилиш йўлидаги барча воситаларни ишга солиб турли ёвузона хуруж ва ҳужумлари сўнгги йилларда буюк саркарданинг темир иродасини путурдан кетишига сабаб бўлгандир. Бу ҳодиса Парвардигордан ўзгага пинҳондир. Жалолоддин Мангуберди ҳаётининг кечаётган ушбу дамлардаги хатолари, нуқсону камчиликлари унга бундан кейин тақдир қандай қисматни раво кўрмасин, у буюклик чўққисининг энг сарбаланд босқичига кўтарилишини тамомила ва мутлақ таъминлаб бўлган эди. Унинг номини атайлаб кўкларга кўтариш, идеаллаштириш мақсадидан бутунлай йироқмиз. Барча инсонлар, ҳатто даҳолар ҳам хато қилади. Фақат барча мавжудоту борлик, олами яратган Парвардигор бундан холи ва мустаснодир.

Шундай экан, сулола, Ватан ва қўшиннинг ҳаёт-мамонт тақдири масъул инсон Султон Жалолиддин зиммасига тушган бир пайтда узоқ вақт давомидаги ҳаддан ортиқ руҳий толиқиш ва зўриқишнинг ирода бардонш бериши мумкин бўлмаган ҳолга келиши, вужудга келган вазиятга тўғри баҳо беролмаслиги сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Асаб толаларининг кескин таранглашуви ҳам тафаккур фаолиятининг тиниқ хулосавий ҳукм чиқаришига монелик қилувчи ҳолатдир. Натижада бундай боши берк жабҳадан чиқиб кетиш мумкин бўлмай, инсон инқирозга дуч келади. Уни Жалолиддин Мангуберди билан ғолиб ва мағлуб, шунингдек, яхши ва ёмон кунларда доим буюк саркарда қисматига шерик ҳамда ҳамдард бўлган унинг котибул-иншо — муншийсидан кўра ҳаққоний тасвирлайдиган инсон йўқдир. Жалолиддиннинг ўша даврлардаги руҳий инқироз ҳолати ан-Насавий талқинида шундай тасвирланган эди: „Бу вақтда Султон билан ҳақиқий аҳвол хусусида баҳслашиб ўтириш мавриди эмасди. У билан, айти пайтда, фақат унинг кўнглидаги дард-аламларни енгиллаштирадиган гапларни муҳокама қилиш мумкин эди.

Султон Орминандан Муқонга йўл олди ва орадан кўп ўтмай бу ерга келди. У бу ерда қўшинларининг тарқалиб кетганини билди: унинг бир қисми Муқонда жойлашган бўлса, яна бир қисми қишлаш учун Ширвонга кетганди, ҳатто баъзи бир хазора, сада ва даҳалари (бу ҳарбий қисмлар жанг пайтида қароргоҳни, асосий қўшиннинг маркази, ўнг ва чап қанот лашкарий қисмларни ҳимоя қилувчи йирик бўлинмалар, гуруҳлар эди — **муаллиф изоҳи**) Мулонқургача бориб етганди. Султон уларнинг кетидан паҳлавонларининг қўлига қизил ўқ (қўшинни белгиланган жойда тўпланиб, катта муҳораба бошланишидан огоҳлантирувчи пароль) бериб жўнатди. Бу қўшинларни Султон ҳузурига зудлик билан етиб келишга чорлов хабарномаси ҳам эди. Бироқ, тоторлар унинг лашкарларига ушбу ҳарбий қисмлар тўплангунга қадар ҳужум қилдилар. Шунинг учун Султоннинг қўшинни тўплаш ҳақидаги нияти ушалмади, режаси барбод бўлди“. Муаррих бу аянчли, бахтсиз ҳодисани муқаддас китобдаги илоҳий оятлардан истибоҳ келтиришдан ўзга чора топмади: „Оллоҳ бирон қавмга ёмонлик — бало юборишни ирода қилса, бас, уни қайтариб бўлмас. Ва улар учун ундан ўзга ҳоким йўқдир“.

Султон Жалолиддиннинг ишлари орқага кетишини таъминлашда Ардобил ноиби Шарафулмулк ҳамда Ферузобод қалъаси ноиби Ҳусомиддин Тегинтошларнинг ўз вақтида ихтиёридаги қўшинларни, гарчи Султоннинг буйруғини олдинроқ олган бўлишига қарамай, жангга масъулият билан тайёрламаганлиги ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Уларнинг ихтиёрида саркарда Йўғон Сунқур ва Арслон Паҳлавон бошчилигида жангга кирадиган жанговар ҳолатда турган қўшин бор эди. Уларга ёрдамга шай турган Мозандарон лашкари ҳам буйруқ берилишини кутиб турарди. Уларнинг барчаси Султон Жалолиддинга садоқат билан хизмат қилишга қасам ичган эдилар. Мўғуллар эса уларнинг сусткашлигидан унумли фойдаланиб, кутилмаганда яшин тезлигида ҳар бирига алоҳида зарба беришга эришди. Сусткашлик нафақат Султон Жалолиддинга, балки, биринчи навбатда, ноиб ва саркардаларига ҳам ғоят қимматга тушди. Султон бу тарафда ишончли ҳимоя воситасидан маҳрум бўлди. Хавф-хатар булути зулмат ҳосил қилиб, қуюндай босиб келаётган бир паллада Султон Жалолиддин ўзининг мингта яқин шахсий қўриқчи лашкари билан қолган эди, холос. Бу лашкар билан тўрт тарафдан ўраб келаётган ғанимларнинг йирик кучларига бир муддат ҳам қаршилиқ кўрсатиб бўлмасди. Улкан жанг майдонларида чорасиз қолган Султоннинг аҳволи тобора ёмонлашди. Исмоилийлар савдогарлари ва жосуслари Султон аҳволи тўғрисида керагидан зиёда

қилиб унинг ҳар бир босган изи, пароканда ҳолати ҳақида узлуксиз маълумотлар етказиб турдилар. Мўғулларнинг хуружи борган сари кучаяр экан, турли ҳокимиятпарастлар Султоннинг тобе мулкларида унга хиёнат қилиб бош кўтаришга киришдилар. Улар вилоят ва ноибликларда тўла ҳокимият эгаси бўлиш учун гоҳ Кичик Осиё, гоҳ Миср ҳукмдорлари, Араб халифаси ёхуд мўғулларга турли тилёғламаликлар, иккиюзламачиликлар қилиб Султон Жалолиддин „зулмидан“ ўзларини озод қилишда ёрдам сўрадилар. Ҳеч бўлмаганда бу хоинлар Султон Жалолиддинни халққа ёмонотлиқ қилиб кўрсатиб, аҳолини исён кўтаришга ундадилар. Оломонсифатлар бундай ифволар таъсирига тез учиб, Султон ҳимояланадиган шаҳар ва қалъаларнинг дарвозаларини ичкаридан зич қилиб беркитиб, нажот йўларини ёпдилар. Ҳолбуки, Султон Жалолиддин қудратли бўлган пайтлари уларга одамийлик қилиб, адолатпеша Султонлигини кўрсатиб, кўп ва хўб яхшиликлар қилган эди. Мардлик қилган, уларни кўп бало-қазолардан ҳимоя қилган Султон Жалолиддинга бу хизматлари ифвогар, ғаламислар ва сотқинларнинг телба-тескари ҳаракатлари боис ёмонлик бўлиб қайтди. Ўзи ҳимоя истаб ишониб борган қалъа ичкарисидагилар Султон ва унинг мулозимларига қараб тошлар отдилар, ҳақоратлар йўлладилар. Ҳаёт машаққатларида, синовларида қўшиқлардан ҳикматларга айланган ушбу сатрлар ғоят ҳаққоний даврнинг ҳосиласи бўлиб яралгандир, балки:

Яхшига қилсанг яхшилик,  
 Ҳам айтадур, ҳам қайтадур.  
 Ёмонга қилсанг яхшилик,  
 На айтадур, на қайтадур.

Султон Жалолиддин қилган яхшиликлар ёмонлик бўлиб қайтди. Иккиюзламачи ва ялтоқ ақобирлар сотқинликка ўтди. Айниқса, мўғулларнинг тошу тарозиси оғир кела бошлагач, қўйлар подаси бўрилар галасидан кўрққанидай кўрқув халқлар юрагига гулгула ва ваҳима солди. Бунинг устига ёғийлар ўтроқ халқларнинг феъл-атворини яхши ўрганиб, уларни руҳий қарахт ҳолатга туширадиган шов-шувлар тарқатиб, катта натижаларга эришарди. Яъни босиб келаётган ҳудуд ва мамлакат аҳли, фуқароларига ўлимдан дарак берувчи хабарнома тарқатар эдилар. Уларни эл-улус орасида ва одамлар гавжум бозор майдонларида эълон қилардилар. Ана шундай қаҳрга тўлган хабарлардан бири бу Султон Жалолиддин тўғрисида эди: „Кимки Султон Жалолиддин ва унинг яқин одамлари билан ҳамкорлик қилса ёки лашкарию элчиларига марҳамат кўрсатиб озиқ-овқат, кийим-кечак, от-улов, ем-хашак кабилар билан ёрдам берса, уларнинг молу мулки талонда бўлиб, оиласи, маҳалласи ва қалъаю шаҳарлари билан чолу кампир, онаю бола, ёшу қари демай қирғин этилиб, ўша жойда ҳаёт уни бутунлай ўчирилади. Қиз ва жувонлари қул қилиниб, дунёнинг тўрт тарафига сотиб юборилади“. Ана шу шум хабарлар таъсирига тушганлар ўз боши ва оиласи тақдирини ўйлаб, мўғуллар яқинлашаётганлигидан хабар топиши ҳамано биринчи бўлиб эътиқоди суст, бойликка учган, кўзига Ватани, эл-улус тақдири кўринмай жони ширинлик қилгувчилар, мансаб илинжида душманга ҳам ҳар қандай ялтоқликдан қайтмай, уларнинг оёғини ўпиш, тиз чўкишга тайёр айёрлар ғанимга қарши тиф эмас, нон-туз кўтариб ҳузурига чопарди. Энди Султон Жалолиддин чекиниб борар экан, нафақат очиқ душман билан, балки иккинчи бир кураш жабҳасида ҳам жанг қилишига тўғри келди. Султон том маънода ҳақиқат устидан ҳақсизлик, адолат устидан адолатсизлик ҳукмини чиқараётган замон ва даврнинг шафқатсиз ҳукми ғолиб келаётган майдонда иттифоқчиларсиз чўлу биёбонда карвондан адашган сайёҳдек тушқунлик

гирдобида чўқмоқда эди. Мусулмон оламини ёвлардан сақлаб қолиш ғояси саробдек узоқлашиб, йўқлик қаърига тобора сингиб борар эди.

Етти ёт бегона юрт ҳукмдорларининг Султонга қилаётган салбий муносабатларини-ку қўя турайлик, улар хоҳлаган пайтида ўз манфаатлари йўлида тузган шартнома ва битимларини бир парча қоғоз ўрнида отиб юбориши мумкин, бироқ „ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога“ деганларидек, сотқин ўзингдан чиқса, унинг касофатини кимга айтиб, кимга дод дейсан? Бунисининг қилган ёмонликлари барча ғанимларникидан ҳам оғир, унинг етказган сиёсий ва маънавий зарари душманлар етказган зарардан ўн чандон ёмонроқ. Бундай қараганда, Жалолоддиннинг ҳамма оғир мушкулотларини енгил қиладиган, хазинани тўлдириб, халқни рози қилиб, лашкарни тўйдириб, ҳукмдор қалбига осойишталик руҳини таъминлайдиган вазифа вазири бузрук зиммасидаги ишлар эди. Оқибат вазир Шарафулмулк Шарқда асрлар давомидаги бу ижобий анъанага хиёнат қилди. У вазирлик фаолиятининг иккинчи даврида ўз Султонининг кўзини шамғалат қилиб, Жалолоддин кўзига чўп ташлади. Хазинани қақшатди, давлатга тегишли тоғ-тоғ бойликларни ўз нафси йўлида ўзлаштирди. Султоннинг ишончини қозониб бўлгач, мансаб вазифасини мутлақ суиистеъмол қилишда устаси фаранг даражага етди. Жалолоддиннинг кечаю кундуз ўлим майдонида қон кечаётганлигидан унумли фойдаланди. Натижада энди у вазирлик мансабидан кўра Султонлик, ҳукмронлик тожини қўмсай бошлади. Султон Жалолоддин энг оғир ва мусибатли дамларни бошидан кечираётган даврда унинг ташқи сиёсатда ғалабага эришай деб турган ишларини боши берк кўчага олиб кирди ва тамомила барбод қилди. Буни Султон Жалолоддинга юборилган Кичик Осиё ҳукмдорларидан энг қудратлиси Аловуддин Кайқубоднинг элчиларини ҳақоратлаб, қайтариб юбориш мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳолбуки, бу элчилар тинчлик ва иттифоқчилик байроғини кўтарган элчилар эдилар. Шу боис мўғулларга қарши тузиладиган шартномага сув сепиб ўчирилди. Бу иттифоқчилик шартномаси ўша пайтда сув ва ҳаводек зарур бўлиб, сиёсий-ҳарбий аҳамияти эса ғоят бемисл эди. Бу шартноманинг барбод бўлиши нафақат Жалолоддин ҳаётига, балки бутун мусулмон оламининг мўғуллар томонидан қулини кўкка созурилишига имкон ва шароит яратди.

Бу Шарафулмулкнинг ташқи сиёсат соҳасидаги катта гуноҳи азим ишларидан бири бўлса, ички сиёсатда фуқароларни Султон Жалолоддинга қарши курашга йўллаган ғаламислиги ундан-да ошиб тушди. Шунинг учун мамлакат ва халқнинг ё гуллаб-яшнаши, ёхуд таназули вазири бузрук фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Аксинча, нафси ҳакалак отган вазир юрт ва эл-улусни хонавайрон қилса, доно, имон-эътиқоди бутун фидойи вазир эса юртни обод қилади. Фуқаро фаровон ва осойишта ҳаёт кечиради. Афсуски, Султон Жалолоддин вазири Султони тузини оқламаган, тузга туплаган, ўз ҳукмдорига чоҳ қазишдан чарчамаган мансабдор сифатида фаолият юритиб, Султон йўллаган жаллод, то уни совуқ қўллари билан нақ бўғзидан олмагунича хоинлик фаолиятини тўхтатмади. Шарафулмулк Султон Жалолоддин ҳалокат домига яқинлашган пайтида иғво сиёсатини авж олдирибгина қолмай, Султоннинг душманларига махфий мактублар жўнатиб, уни ҳақоратлар билан тилга олди. Агарда бу ҳукмдорлар Арман ва Озарбайжонда вазирнинг ҳукмронлигини эътироф этадиган бўлса, ўша ҳукмдорга ўз тобелигини изҳор қилишга тайёрлигини ҳам билдирди. Айниқса, бундай қабиҳ ниятини у Аловуддин Кайқубод ва ал-Малик ал-Ашрафга ошкора маълум қилди. Вазирнинг ўз қўли билан битган бундай номаларидан бир нечтаси Султон Жалолоддин қўлига тушди.

Ана шундай қалтис вазиятда қолган Султон Хилот қамалида асир олинган ал-Малик ал-Ашрафнинг укаси Мужириддин Яъқубни ўз акаси ҳузурига элчи қилиб жўнатди. Яқиндагина Ясси Чаман жангида бир-бирига қилич қайрашган ғаними ал-Малик ал-Ашрафдан ёрдам сўраши Султоннинг нақадар чорасиз қолганлигини кўрсатар эди. Султон Жалолиддин ислом оламининг қайси бир ҳукмдори мўғулларнинг шу кунлардаги ялпи ҳужуми нафақат Жалолиддинга, балки уларнинг барчасига қаратилаётган ҳужум эканлигини тушуниб етар, зеро, ҳалокат уларнинг ҳам эшигини қоқаётганлигини англаб, менга нисбатан аввалги душманликларию гина-кудуратларини унутиб, умумманфаатлар учун ёрдамга отланишар деб умид қилган эди. Аммо узоқни кўра олмаган ислом дунёси ҳукмдорлари калтабин ташқи сиёсат юритишда давом этиб, Султон Жалолиддинни мўғуллар домига ташлаб, уни ҳалокат чоҳига етаклаб, буюк саркардадан қутулиб олишдан умидвор эдилар.

## МЎҒУЛЛАРГА ҚАРШИ ИСЛОМ МАМЛАКАТЛАРИ ҲУКМДОРЛАРИГА МУРОЖААТ

Мўғуллар фақат Султон Жалолиддин қони билан ўз ташналигини қондирадиган йиртқичлар сирақидан эмасди. Улар дунё халқлари қонини зулукдек сўрганда ҳам қаноат нималигини билмайдиган тўймас махлуқсифат босқинчилар эди. Мозий Султоннинг ана шу мудҳиш ҳалокатдан огоҳ этиб Фарбий Осиё ва Мисрга қадар мамлакат ҳукмдорларига уқтирмоқчи бўлган муурожаатларини ҳужжатгоҳларда ҳозирга қадар асраб келмоқда. Бу муурожаатнома Жалолиддиннинг сўнгги илинжи ва умиди бўлиб, қалбидан отилиб чиққан бу нидога бефарқ бўлинса, жуда катта ҳудудлар фалокат остида қолишидан огоҳликка чорлов ҳам эди. Мозий манбалари Жалолиддиннинг ўз тилидан сўзлаганлигига гувоҳлик беради. Мусулмон дунёси ҳукмдорларига муурожаатнома: „Мўғулларнинг лашкари сиз ва биз ўйлаганимиздан ҳам улкан, бу галги ҳужуми ҳар галгидан ҳам сон-саноқсиз кўпдир, бу мамлакатларнинг лашкарлари шу боисдан ҳам улардан қўрқяптилар. Агар сизлар лашкарлар ва жанговар қурол-аслаҳалар билан менга ёрдам бермасангиз, бу ерда девор бўлиб мўғуллар йўлини ҳозирга қадар ўтказмай тўсиб турган мен бутунлай тамом бўламан, сизлар эса уларга мутлақо қарши тура олмайсизлар, ҳарбий салоҳиятингизнинг имкони йўқ. Сўнгги имкониятингиз бу менга келиб қўшилиш, мўғулларнинг уруш усулини мандан яхши ўзлаштириб олган саркарда ҳам орангизда йўқ. Мўғулларнинг ҳарбий ҳийлаларию ҳужум сирлари менга беш қўлдек аён. Мен уни сизларга улар билан 10 йилдан ортиқ курашган Хоразмшоҳ Султони сифатида айтмоқдаман. Имкон қўлдан кетмай, ўзингиз, болаларингиз ва барча мусулмонлар тақдирини ўйлаб, уларга раҳм қилиб, лашкарий қисмларни менинг қароргоҳимга жўнатиш. Зеро, мўғуллар бизнинг ҳал қилувчи дамларда бирлашганлигимизни эшитиб, жанг олдидан бир оз бўлса-да, кайфияти тушиб бўшашсинлар, уларга гулгула тушсин, аксинча, бизнинг қўшинларимиз бундан маънавий-руҳий куч олиб жангга кирсинлар. Ана шунда бу жанг, албатта, бизнинг буюк ғалабамиз билан тугайди. Шундан кейин мен ҳам Музаффар байроғимни кўтарганча ўз она юртимга қайтиб кетаман. Бизнинг олий мақсадлар йўлидаги бу олижаноб ишларимизни келажак авлодларимиз миннатдорлик билан эслаб юрадилар. Шулардан ҳам кўз юмиб, ҳар биримиз фақат бугунимизни ўйлаб бу имкониятни қўлдан берсак, бепарволик байроғини кўтаришда давом этсак, бундан кейин нималар бўлиши ва қандай фалокат тўфонлари кутаётганлигига ўзингиз гувоҳ бўласиз, истагингиз нималар олиб келишини кўрасизлар ҳам“.

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фожиалар бошланишидан огоҳ этилган бу мурожаат-номадаги сўзлар моҳиятини англамай, унга жоҳиллик ва енгилтаклик билан қараган ҳукмдорлар Султонни ҳалокат гирдобига ташлагандан кейин мўғуллар томонидан ўз мамлакатининг дўзахга айлантирилишининг гувоҳи бўлдилар. Аммо бу пайтда кеч бўлиб, Кичик ва Фарбий Осиё ҳамда ислом дунёси халқлари мўғулларнинг азоб-уқубат, жабр-зулмга асосланган сиёсатидан уларнинг оҳ-нолалари осмону фалакка етган эди. Ҳикмат минг йиллар ўз кучида қолади. Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушасан! Жалололдинга қазилган чоҳ уларнинг ўзлари учун ҳам гўр эканлигини бу калтабин сиёсат юритган ҳукмдорлар асло билмадилар. Бўлмаса, қайси хом сут эмган банда ўзи учун гўр қовлаган, ахир мозий ҳодисалари инсониятни шундай воқеалардан хабардор қилиб, қалб кўзларини очиб сабоқ беради, огоҳлантиради. Аммо шарқ оламини мўғулларнинг ёвуз босқинидан сақлаб қолмоқчи бўлган Жалололдиннинг Худонинг зорини қилиб сўраган ёрдамини бу ҳукмдорлар рад қилиб, кўзлари сўқир, қалблари эса тошлигича қолди.

Улар Султон Жалололдиннинг ғоят узоқни кўзлаб, бутун Шарқ оламини қутқариб қолишнинг сўнгги имкониятини қўлдан чиқариб юбормай, унинг бошчилигида мўғулларга қарши ягона ва бирлашган қўшин тузиб, мўғулларни тор-мор этиш режаси ва таклифи, илтижоларини қабул қилмай, уни шамолга совурдилар. Шу билан Жалололдин Мангуберди устидан чиқарилган ўлим ҳукмининг сал ўтмай ўз бошларига келиш ижросига ҳам йўл очиб юбордилар. Бу сиёсий калтабинлик оқибатлари Шарқ олами халқларини асрий зулм ва хонавайронлик фожиасига рўбарў қилди. Доно халқимизнинг тарих ва ҳаёт сабоқларига таяниб: „Сўнгги пушаймон ўзинга душман“ мақолини ҳикматга айлан-тиргани бежиз эмасди. Жалололдиннинг таклифларини рад қилган барча ҳукмдорларнинг қисматига қатл этилиш ёзиғи битилди. Улар мўғуллар жаллоди болтаси боши узра ялтиллаган лаҳзалардагина Жалололдин ҳақлигига иқрор бўлдилар. Бундан нима наф?

## **БУЮК ДЕВОРНИНГ ҚУЛАШИ. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ҲАЁТИНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ**

Султон Жалололдиннинг Муқонда ов қиладиган сеvimли жойи бор эди. Жанглардан кейин бир оз ўзига келиб олиш ва руҳий зўриқишлардан халос бўлиш учун бу гал ҳам шу ерни танлаган эди. Аммо мўғуллар унинг қаердалиги ҳақида аниқ маълумотларга таяниб, тунда ҳужум уюштирдилар. Шундан кейин Султон Аракс дарёси томонга кетди ва ўзини ғанимларга Ганжа тарафга қочгандек кўрсатиб, бирданига душманга чап беришга муваффақ бўлди. Жалололдин мўғуллар кўзини шамғалат қилишга эришди ва Эрон Озарбайжони ҳудудидаги Қоратоғ этагидаги Махон қалъасига бурилди. Қалъа бошлиғи Изиддин гарчи Шарафулмулкдан кўп жабр кўрса-да, инсоф юзасидан инсонийлик кўрсатиб, Султонга пешвоз чиқиб, қалъа дарвозасини очди. Озиқ-овқат, кийим-кечак ва от-улов, қурол-яроғлар билан ёрдам қилди. У Шарафулмулкнинг талон-тарож ишлари, очкўзликларидан Султонни бохабар қилди. Изиддин мард, очикқўнгил инсон эди. У охиригача Султонга содиқ қолди. Султон қиш чилласи ўтгунча шу қалъада паноҳ топди. Қалъа бошлиғи томонидан турли томонларга жўнатилган хабаргирлар мўғуллар Султон Жалололдинни излаб Учон қалъасидан Махонга келаётганлигини маълум қилди. Изиддин бу хабарни олгач, Султонни Арронга томон кетишга маслаҳат берди. Арронда тоғ ва даралар, шунингдек, ҳимояланиш воситалари

анча кўп бўлиб, лашкар сонини арронликлар ва жангари туркман қабила, уруғлари ҳисобига тўлдириш мумкинлигини билдирди. Изиддиннинг тўғрисиўз ва инсофлигига ишонган Султонга унинг маслаҳати маъқул тушди. У Арронга йўл олди. Ҳайзонга яқинлашар экан, узоқдан маҳобатли тарзда бўй чўзган арк ва саройга кўзи тушган Жалолиддин мулозимларини ўша жойда дам олишга чорлади. Бу ерда уни вазири Шарафулмулк кутиб олди. Арроннинг бош амири Ҳусомиддин ҳам шу ерга чақирилди. Ана шу оғир вазиятда Султон ҳарами, оиласи ва қариндошлари оилаларидаги аёллар, фарзандлар ҳаётини муҳофаза қилишни Шарафулмулк зиммасига юклади. Шарафулмулк эса Султон оиласига жавобгарликни туркманлар сардори Қилич Арслонга топширди. У эса Султон оиласи учун ишончли, энг мустаҳкам Синд Саворих қалъасини танлади. Бу қалъа юксак тоғ чўққисидан барпо этилган бўлиб, унинг ичида гор бор эди. Гордан тўрт фасл давомида булоқ суви отилиб турган. Узоқ қамал шароитида ҳам булоқдан чиққан сув бутун қалъа аҳлини таъминлашга етиб ортган. Ан-Насавийнинг қадим манбаларга таяниб хабар беришича, ахоманийлар сулоласидан форс шоҳи Кайхусрав туркийлар шоҳи Афросиёб устидан ана шу қалъа остонасида галабага эришиб, зафар тантанасини нишонлаган экан.

Шарафулмулк Қилич Арслонга Султон оиласи тақдирини топшириб ўзини масъулиятдан қутулган ҳисоблаб, тезда Жалолиддинни бу ердан жўнатиб юбориш йўлларини қидирди. Бу қалъанинг жуғрофий жойлашуви агар маблағни аямай унинг мудофаа қудрати янада оширилса, мўғуллар тугул, ундан қудратлироқ фаним ҳам бу қалъани олишга кучи етмайди, дея ўйлаган вазир Султон билан хайрлашиши ҳаманоқ ўша ўйлаган мақсадини рўёбга чиқаришга киришди. Унинг Султонни сўнгги бор кўриши, унинг ўлимга маҳкумлиги, аммо у ҳар қандай шароитда ҳозиргача ашаддий душман деб ҳисоблаган мўғуллар бўладими ёки Аловуддин Кайқубодми, бирибир уларнинг товонини ўпиб бўлса-да, Аррон ва Озарбайжон ҳукмдори бўлиш васвасаси унга тинчлик бермади. Шамсулмулк Ҳайзон қалъасини ўзига бош қароргоҳ қилиб белгилади. Султон Жалолиддин хазинасидан ўмарилган ва талон-тарож ҳисобига тўплаган пул, маблағларни қалъа мудофаа қувватини мустаҳкамлаш, ўзи учун янги гўзал сарой қуришга сарфлади. Ана шундан бошлаб вазири бузрук ўзини Султон Жалолиддин ўрнидаги мустақил ҳукмдор деб ҳис қилди. Бутун куч-имкониятларини шу мақсадга етишиш йўлида сафарбар қилишга киришди. Энди унинг Султонга тайёрлаган яширин фитнаси очиқдан-очиқ исёнга айланди. Унда Султонга нисбатан нафрат алангасининг авж олишига анча сабаблар бор эди. Икки йилдирки, Султон унинг ўзи хоҳлаганича пул-маблағ совуришига анча ғов бўлиб, уни назорат остига олишга киришган эди. Шу пайт мобайнида вазирга Султон шундай ишончли берган эдики, уни иш фаолият юзасидан тафтиш қилмас эди. Натижада доимий шундай бўлишига қатъий ишонган Шарафулмулкда давлат хазинасига хиёнат қилиш, Султон Жалолиддинни ёмонотлиқ қилиш эвазига халқдан солиқларни ошириб йиғиш ва унинг катта улушини хусусий бойлигига ўзлаштириш, Султонга тобе мулклардаги раислар, ноибларга ва инсофли, диёнатли мулкдорларга турли айблар тўқиб чиқариб, дўқ-пўписа билан пул, олтин ва бошқа қимматбаҳо бойликларини ўзлаштириб, ҳаром мол-дунё тўплашга очкўзларча ҳирс қўйиш каби инсофсизлик қусурлари унинг феълида кучая борди. Айниқса, мўғулларнинг Муқонга, Султон Жалолиддинга кутилмаганда ҳужум қилиб катта талафот етказиши Шарафулмулкда ҳукмдорликка бўлган интилиш ҳою ҳавасини янада кучайтирди. Энди у бутунлай Султонга бегона одамга эмас, душмандан ҳам ёмон, ёвуз кучга айланиб бўлган эди. Шу даражага бориб етдики, Султоннинг оиласидаги маликаларни кўз остига ола бошлади. Энди у Султоннинг

оғир аҳволдалигидан фойдаланиб Хусомиддин Қилич Арслонни чақириб Султон оиласини ҳимоя қилиш масъулиятини юклаган инсонга ҳарамдагилар ёнига бегоналар тугул, ҳатто Султонни ҳам киритмаслик, улар бойликларининг бир мири ҳам йўқолмаслигини таъминлашни талаб этди. Буларнинг барчасини ўз тасарруфига олишга қасд қилганидан дарак берарди. Негаки, Жалолиддин қалъадаги оиласи, ҳарамини ҳимоя қилишга қўшимча ҳимоячилар жўнатганида уларни йўлдаёқ қуролсизлантириб ҳибсда сақлаб, жисмоний азоблаб, жабр-зулм ўтказди. Сўнгра уларнинг бор-будини тортиб олиб кўчага қўйиб юборди. Қилич Арслонга энди „Сен Султоннинг эмас, менинг ноибимсан, айтганларимни қулоқ қоқмай бажаришинг лозим“, дея талаб қўйди. Уни ўзига оғдириб олиш учун Султон хазинасидан қимматбаҳо совғалар инъом қилди.

Султон қисқа вақт ҳарами муҳофазаси билан шуғулангач, Махондан Зарис қалъаси томон йўл олди. Ана шу қалъадан туриб мўғулларнинг асосий зарбдор кучлари қаерда тўпланаётганлигини аниқлашга киришди. Аниқ маълумотлар мўғулларнинг кучлари Аррондаги пана-пастқам, тоғларнинг бағридаги ўрмонда тўпланаётгани маълум бўлди. Аммо кейинги маълумотлар Арронда тўпланган қўшин диққатни тортмаслик учун қисмларга бўлиниб, тун қўйнида Учон томонга кўчиб ўтиб, асосий зарбани ўша томондан беришга интилаётганлиги, шундай қилиб Султон Жалолиддинни аниқ бир режага келиб олишга имкон бермасликка интилаётганлиги маълум бўлди. Шундай қалтис вазият кучайгандан кучайиб бораётган бир пайтда Султон Жалолиддин ҳузурига кутилмаганда мўғул элчиси етиб келганлигини билдиришди. Уни Султонга Нишопур ва Бойлақон ноиби Фаҳриддин Ҳамза ан-Нишопурий жўнатган эди. Элчи бу вилоятлар ҳукмдорига Чормағун нўённинг таслим бўлиши тўғрисидаги талабини олиб келган эди. Мўғуллар дўқ-пўписасидан қўрқмай, Фаҳриддин Нишопурий мўғул элчисини ҳибсга олиб, Султон Жалолиддин ихтиёрига жўнатган эди. Султон уни сўроқ қилишни ан-Насавийга топширди. Агар элчилар мўғуллар ҳақида тўғри маълумот беришдан бош тортадиган бўлса, қаттиқ азоблаш лозимлигини уқтириб, мўғулларга нафрати беқийёс бўлган шахсий қўриқчи ғуломларидан бир нечтасини ан-Насавий ихтиёрига берди. Ҳар дақиқада бир имо билан тутқун элчига ташланишга тайёр турган ғуломлар вазоҳатидан даф-даф титраган раним элчиси бор ҳақиқатни айтишдан ўзга иложи йўқлигини билиб, мўғулларнинг махфий сирларини ошкор қилди. Унинг маълумотига кўра, Учонда тўпланган қўшинни кучайтириш учун мўғуллар ғоят маккор ва тажрибали саркарда Чормағун нўённинг йирик туманлари яқин кунларда Бухородан йўлга отланиб чиқади. Шу кунларда Чормағун нўён лашкарини сўнгги бор кўриқдан ўтказиб, Чиратоёхоннинг ҳужум қилиш тўғрисидаги фармонини кутиб турганлигини қасам ичиб таъкидлади. Жалолиддин бу бахтиқаро элчини сўроққа топширишдан аввал у тўғри жавоб берсагина ҳаёти сақланишини кафолатлади. Аммо мўғуллар тўғрисидаги элчи келтирган сўзлар ошкор этиладиган бўлса, у ер-бу ердан базўр йиғилаётган қўшин ваҳима таъсирида тарқалиб кетиши эҳтимолидан Султон ҳарбий вазият тақозосига кўра берган ваъдасидан қайтишга мажбур бўлди. Давлат ва лашкар манфаати ҳам шуни тақозо қиларди. Виждони азобланган Султон унга қарши борди. Тутқун элчи устидан ўлим ҳукми чиқарилди. Асир „мени эрта тонгда қўйиб юборса керак“, деган умид билан уйқуга кетди. Қатл ярим тунда амалга оширилди. Энди элчи абадий уйқуга кетди, қайта туриб тонгни қаршилаш элчи учун маҳшарга қолган эди.

Дийдаси қон халқоб бўлган майдонларда қотган Султон Жалолиддин мўғул элчисининг баҳридан шу тарзда ўтиб юборди. Ўзга иложи ҳам йўқ эди.



## ВАЗИРИ БУЗРУК ХИЁНАТИ ВА УНИНГ ҚАТЛИ

Эндиги навбат вазир Шарафулмулкка келган эди. Султон Жалолиддин бу машхур давлат арбобини қандай қўлга олиш ва қилган ишларига лойиқ жазо бериш устида кўп бош қотирди. Ниҳоят бир қарорга келди. Бундан кейин ҳам уни ўз ҳолига қўйиш яна Султонга қарши ғалва ва исёнларнинг кўпайишига олиб келарди. Қатл жазосини кечиктирмасдан амалга ошириш зарур эди.

Султон Жалолиддин вазир Шарафулмулкни ҳибсга олиш тадбири шахсан кўз олдида амалга оширилишини таъминлаш учун Жарбард қалъасига келди. Шарафулмулк ҳақиқатан ҳам шу ерда эди. Қалъа волийси Сахлам Солиқбек билан учрашди. Ан-Насавий уни ёвуз ниятли, қаттиққўл, жабр-зулмга мойил кекса одам эди, дея таърифлайди. Султон вазирни у орқали чақиртириб бир оз суҳбат қилди. Суҳбат совуқчилик асносида борди. Шарафулмулк ҳам, Султон ҳам бу учрашув суҳбатидан қониқмадилар. Вазирда қандайдир кучли ҳадик кечарди, натижада гаплар мутлақо қовушмасди. Қалъа волийсига Султон олдиндан хуфиёна буйруқ бериб, суҳбат якун топиб қалъа дарвозасидан чиқиши биланоқ Шарафулмулкни қўлга олиб, занжирбанд қилишни шипшитиб қўйди. Унинг яқинлари ҳадиксираб ғавғо қилмаслиги учун Султон Сахлам Солиқбекка бу вақтинчалик жазо, йўл қўйган хатолари учун шундай чорани кейинги фаолиятига сабоқ бўлсин, дея қўллаётганлигини билдирди. Шунга кўра қалъа волийси ва унинг яқинларига шундай деди: „Ҳозирча, хатарлар тинчигунга қадар у бандиликда сақланиб турилсин. Кейин уни озод қиламиз ва вазирлик ишини қайта ўзига топширамиз. Лекин у вазир бузрук (бош вазир) мансабида эмас, уни мамлакатнинг солиқ, ушр ва катта сиёсатга аралашмайдиган, худди халифа вазир сингари харажатлар ҳисоб-китобини юритадиган мансабга тайин қиламиз“.

Қалъа волийси Султон кўрсатмасига амал қилиб вазирни ҳибсга олиб зиндонга ташлади. Бироқ, кўпчилик мураккаб шароитда сотқинлик ва хиёнатлар ботқоғига ботиб кетаётганлиги учун қалъа бошлиғидан ҳам гумонсираган Султон Жалолиддин қалъадаги аҳолини тўплаб йиғин ўтказишни лозим топди. Чунки қалъа волийсининг зулмкор ва ёвузкорлигидан хабар топган Султон у ҳақда қалъа аҳлининг фикрини билмоқчи бўлди. Йиғинга волий олиб кирилиши билан йиғилган жамоа Султонга унинг устидан шикоятлар ёмғирини ёғдира бошладилар. Султон мажлис якунида гуноҳга ботган волийга аҳли жамоадан кечирим сўраса ва бундан кейин қалъада адолат билан иш юритиб, халққа қайишадиган бўлиб, уларнинг офирини енгил қилишга қасам ичсагина уни ўлим жазосидан озод қилиб, волийликни давом эттиришга рухсат беришини маълум қилди. Унга оила аъзолари ҳам кафил қилинди. Агар қасамидан қайтса, нафақат волий, балки унинг иккита ўғли ҳам қатл қилинадиган бўлди. Аҳли мажлис Султонни қўллаб-қувватлади. Волий Султонга садоқат билан хизмат қилиш ва аҳолининг ризо-розилигини олиб фаолият юритишга қасам ичди. Султон мажлисдан кўнгли тўлиб қалъадан чиқди. Энди ҳар қандай вазифани волийга ишониб топширса бўларди. Султон билан дарвоза олдида хайрлашаётган волий Сахлам Солиқбек бошини омон қолдирганлиги учун Султондан икки дунё миннатдорлигини билдириб, Жалолиддин оёғига йиқилиб таъзим қилди. Султон унга деди: „Тур ўрнингдан, волий, яқин орада сенга бир муҳим вазифа топшираман. Шунини қандай бажаришинга қараб нимага лойиқ бўлсанг, шуни раво кўраман“. Ҳаётини қайтиб берган Султондан миннатдор ҳолда волий Султон ўзидан узоқлашиб кўринмай қолгунча унинг ҳаққига дуо ўқиганича ўзининг қароргоҳига қайтди.

Орадан бир неча кун ўтмай қалъа дарвозаси ташқарисида олти нафар қандайдир шубҳали ходимлар турганлигини дарвозабонлар каттаси волий Сахлам Солиқбекка хабар қилишди. Қалъа волииси кимлигини сўраганда дарвозабонлар улар оддий одамлар эмаслигини айтиб, тезроқ улар қаршисига чиқишга ундади. Чопар волийга Султондан келган махфий мактубни узатди. Унда: „Вазирнинг боши олиниб, ҳузурига юборилган олти нафар сипоҳсолардан бериб юбор. Агар сенинг яқиндагина менга қилган тавба-тазарруларинг рост бўлса, ваъдаларингни бажар!“ дея ёзилган эди.

Шарафулмулкнинг ўлими қандай содир этилганлигини айнан шу фожиалар рўй бераётган дақиқаларда ёнида бўлган вазирнинг хос мулозими Муҳаммад Оҳий кейинчалик ўз оғзидан ҳикоя қилиб берган эди, деб ёзади муаррих ан-Насавий: „Улар вазири бузрук олдига эшикни очиб кириб келганларида, хўжам (Шарафулмулк) улар ўзининг жонини олишга келган жаллодлари эканлигини дарҳол сезде. Жондорларидан таҳорат олиш ва икки ракаат намозини ўқишга рухсат сўради. Кейин мен таҳорат учун сув иситиб беришга киришдим, — дейди вазирнинг хос мулозими Муҳаммад Оҳий. — Мен унга сув иситиб келтириб бердим. У сувнинг ниҳоятда тоза бўлишига доимо жиддий эътибор берарди. Бу гал ҳам, гарчи унинг бошига ўлим соя ташлаб турган бўлса ҳам сувни текшириб кўрди. Кейин таҳорат олди ва икки ракаат намоз ўқиди. Сўнгра Қуръондан бир қироат қилди. Кейин жаллодлари киришига рухсат берди ва уларга қараб бундай деди: „Мендан олинаётган бу қасд кофирларнинг сўзига ишонган одамнинг ишидир!“ Жон олишга келганлар хўжайиндан сўрадилар: „Шунча йил мамлакатнинг бош вазири бўлдингиз, ҳурматингиз бор, имкон берайлик. Бўғиб ўлдирайликми, қиличда чопайликми, қайси бирини танлайсиз? Маъқул кўрганингизни айтинг“. У „Қилич билан ўлдирганингиз маъқулроқ, ҳар ҳолда қиличда бир лаҳзада оғриқни сезмай қолиб ўлиш бўғилиб ўлишдан кўра енгилроқ бўлар. Бўғилиб ўлиш азобли, жон чиққунча қийналиб кетади, одам“, деди. „Жиноятчи амалдорлар қиличда чопиб ўлдирилмайди, сени ҳам бўғиб ўлдириш маъқулроқ“, — деди улар. „Унда билганларингизни қилинглар“, — деди Шарафулмулк. Шундан кейин улар ишга киришдилар. Уни иккаласи тиззалаб ўтказишди. Сўнгра чап қўли ва чап елкасидан, иккинчиси ўнг қўл ва ўнг елкасидан ушлаб турдилар. Сипоҳсоларнинг энг бақувватларидан учинчиси эса юзма-юз турганича темир панжалари билан бўғзидан олиб уни бўғишга киришди. Ниҳоят вазирнинг жони чиққанига ишонч ҳосил қилиб қўлларини олди. Унинг гавдаси шу заҳоти ерга ағдарилди ва танаси совисин деб ташқарига чиқишди. Кейин улар Султонга буйруғи аниқ ва ўз вақтида бажарилганлигини далиллаш мақсадида вазирнинг калласини олиш учун хонага қайтиб киришди. Лекин улар қайта кирар экан, не кўз билан кўрсинки, унинг ўлмай қайтадан туриб ўтирганлигини кўрдилар. У ётган жойидан туриб тирик ҳолатида қандай ўтирган бўлса, ўшандай ҳолатда ўтирган эди. Одатда, жаллодлар бўғиб ўлдирган одамига мабодо қайта жон кирса, уни қайта бўғмаган ҳолда анъанага кўра ҳукмдордан рухсат олиб, уни мўъжизавий тирик қолгани учун қўйиб юборилган. Аммо Султонга ҳар қандай шароитда вазирнинг боши олиб борилиши шарт эди. Шу кўрсатмага амал қилган сипоҳсолар бошлиғи чордона қуриб ўтирган вазирнинг бўйни бўйлаб зарб билан қилич тортди. Узилган бошни матога ўраб олиб кетишди. Шу тариқа у Яратганнинг ҳузурига йўл олди. Қилич уни гуноҳларидан, хиёнаткорона ишларидан халос этди. Султон Жалолиддинга бош вазирининг адоғи кўринмаган қинғир ишлари, хиёнатлари оқибат шу тарзда азоб-уқубатли аччиқ ўлим шарбатини ичиб дорулбақо оламига кетишига сабаб бўлди“.

Вазир билан яқин муносабатда бўлган салжуқий ҳукмдорларининг сарой шоири Абу Исмоил ат-Тугроий дўстини эслаб қуйидаги марсияни битган эди:

Кажрафтор дунё сизга вафо қилмади,  
Сизга сабоқ бўлмади Бармоқийлар қисмати.  
Ўлимтиklar тусига кирди тун ёпинчиғи  
Агарда шу тун сизни бағрига олиб, яна  
Хавф-хатар шарпасини маҳв этиб олса эди,  
Аввалги улуғворлик тикланар эди тақрор,  
Саховатда сизга тенг келолмасди ҳеч ким.  
Буюклик ва қабихлик тенгдир вақт қошида  
Бу фано оламининг у якка ҳукмдори.  
Бировнинг қўли билан йўқотади бировни,  
Кушандасиз ҳеч нарса мавжуд эмас оламда.  
Чиқмоққа чора йўқдир андуҳ комидан гарчанд,  
Сиз ҳақда хотиралар яшаб қолди барибир!

Ўзи шахсан шу давр воқеаларига гувоҳ бўлган Султон котибул-иншоиси ва муаррихи вазирнинг яхши фазилатларини ҳўб келтирар экан, феълидаги салбий жиҳатларини тарозига тортиб, унга адолат баҳосини беради: „Султон дастлаб унга ишонди, сўзларига қулоқ солди, маслаҳатларини қабул қилди, ишларни унинг таклифлари асосида амалга оширди. Девонни бошқаришда унга рақиблик қилувчи бўлмади. Султон узоқ вақтгача унинг таъсири остида бўлди. У нимани хоҳласа, Султон орқали шуни қилдирди. Агар у интилган мақсади йўлида, фикр юритишда бачканаликлардан халос бўлиб, ўз куч-қудратини давлат унинг зиммасига юклаган вазифаларни бажаришга қаратганида эди, чинакам бахтга мушарраф бўларди. Бунинг учун унда барча иқтисодий имкониятлар мавжуд бўлиб, бу имкониятлар уни шер каби қудратли, бургут мисол баландпарвоз қила оларди. Бу ҳолда аҳвол бутунлай бошқача кечарди. Аммо унга Оллоҳ инъом этган тақдир бошқача бўлиб чиқди, азалий битик ўз ишини қилди“.

## ГАНЖА ИСЁНИ

Султон ва вазир муносабатлари мамлакат ҳаётига катта зарар келтириб, бу кураш Шарафулмулк қатли билан тугаётган бир вақтда Султон Жалолиддинга унинг тасарруфига кирган йирик шаҳар Ганжадан нохуш хабар етиб келди. Султонга бу воқеа ёмон таъсир қилди. Бу исённи уюштирганлар ғаламис ва мансаб илнжида юрган кимсалар эди. Уни уюштиришда шу ердаги вазиятни издан чиқаришга фаол киришган мўғуллар жосуслари ҳам катта роль ўйнадилар. Аслида шаҳар аҳолиси қўзғолон кўтарадиган бирон тайинли сабаб йўқ эди. Султон бу ерга адолат билан иш кўрадиган раис ва қозиларни тайинлаб қўйганди. Лекин ифво ва тухматомуз тарзда тарқатилган ташвиқотларга кўпчилик аҳоли учганлигидан бу ҳаракат оломон ғалаёнига айланиб, Султон бир неча бор уларга бундай ўринсиз ғалаёнларда иштирок этмаслик, ғаламис ва ифвогарлар сўзига учмаслик ва ишонмаслик, аксинча, ҳар ким одатдагидек ўзининг кундалик тирикчилик ишларини давом қилдиришга даъват қилувчи элчиларини жўнатди. Бироқ элчилар ҳақоратланди ва улар дарвозаларга яқинлашиб борар-бормас

тошлар отилиб, қайтариб юборилди. Султон Жалолиддин вазиятни қозондек қайнаётган оломоннинг вазоҳатини ўз кўзи билан кўриб, сўнги чора сифатида ўзи уларни қайтариб юборишга уриниб кўрмоқчи бўлди. Мулозимлари Султонга бундай таваккалчилик оқибати ёмон бўлишини айтдилар. Аммо Султон уларнинг маслаҳатига қулоқ солмай Ганжанинг бош дарвозасига қараб от қўйди. Дарвоза остонасига етиб келгач, Ганжа аҳлига мурожаат қилди: „Мен сизларга нима ёмонлик ва адолатсизлик қилдимки, менга қарши ғалаён қиласиз? Ахир мен бор имконим, кучим билан сизларнинг талабларингиз, фойдангизни, тинчлик ва фаровонлигингизни кўзлаб, сизларни рози қилиб келган эдим-ку, сизлар ифвогарларга қўшилиб кетдингиз. Ундан кўра ҳозироқ исёнчи бошлиқларни менга тутиб беринг. Акс ҳолда шахрингизни менинг ғазаб оловим ёндиради, ундан кейин кеч бўлади“. Султон „Яхшиликча дарвозани очинглар“, дея баланд овоз билан ҳайқирди. Бир оз жимжитликдан сўнг Султонни нишонга олиб қалъа девори туйнукларидан ёй ўқлари визиллаб учди. Бир неча ўқ Султон ўнг ва чап томонидан ва бир нечтаси боши устидан учиб ўтди. Султон Жалолиддин қалқони билан ҳимояланишга мажбур бўлди. Султонни дарҳол хос кўриқчилари зич бўлиб ўраб олишди. Уни лашкар турган тарафга паналаб олиб ўтишди. Ўқ-ёйдан ўқ узган кўзғолончилар бошлиғи Бандар бўлиб, у ёмон ва ёвуз ишлари билан ном чиқарган одам эди. Кимки унинг кетидан юрмаса, турли йўллар билан ўч олар, одамларни кўрқитиб ўзига эргаштириш ва сохта обрў орттиришни яхши кўрадиган шахсиятпараст эди. Унинг ёрдамчилари ҳам қинғир ишларга мойил кишилар эдилар.

Султоннинг қон тўкишсиз, тинч-тотувлик билан муроса-мадора орқали ғалаённи тинчитиб саъй-ҳаракатлари барбод бўлиб, ўқ узилгач, кучга қарши куч ишлатишдан ўзга чораси қолмади. Чодирда сафар кийимини жанг кийимига дарҳол алмаштириб, бош дарвозани ҳужум билан очиб шаҳар ичкарасига ёриб киришга қарор қилди. Биринчи бўлиб ҳужумга Султон шахсий лашкарини ўзи бошлаб борди. Жанг қандай бошланганлигини Султон ҳужумида унинг билан олдинги сафда борган муаррих ан-Насавий қуйидагича тасвирлаган эди: „Султон кетидан унинг шахсий лашкарлари, хос мулозимлари ҳам авбошлар устига ташланишди. Бу лашкар ёш, тоғни урса толқон қиладиган ва қайтмайдиган, Султон учун жонини қурбон қилишга тайёр туркий ўғлонлар эди. Улар аёвсиз жанг қилдилар, авбошлар устига ўлим ёғдирдилар. Улар ҳам Султон лашкарига ташландилар. Лекин орадан кўп ўтмай мажақланган гавдалар ва узилган каллалардан авбошларнинг чекинаётгани маълум бўлди. Улар кўз етган жойга, гўё бўрилардан кўрққан қўй подаси, бургутлар ҳужумидан эсанкираган қушлар галаси сингари қочдилар. Отлиқлар пиёдалар билан, ҳужум қилувчилар эса ҳимоячилар билан аралашиб кетдилар.

Исёнчилар дарвоза олдида кўплаб тўпланиб қолдилар, бундан фойдаланган Султон уларга дарвозани ёпиб олишларига имкон бермади. Лашкарлар шаҳарда қиргин уюштириб, уни таламоқчи бўлдилар. Аммо Султон ўз қаҳр-ғазабини босиб, унга йўл қўймади“.

Ана шундай оғир жангдан кейин шаҳар эгалланди. Султон Жалолиддин шаҳар ҳокимияти биноси олдига шаҳар акобир ва бойлари, таниқли оқсоқолларни тўплаб, исён ташкилотчиларини рўйхат қилиб беришни талаб қилди. Улар бу рўйхатга ўттиз нафар одамни ёзиб беришди. Аслида давлат манфаатига зиён етказувчи аҳолини оломонга айлантириб кўчага олиб чиққанлар кўп эди. Ҳатто шундайлар бор эдики, ғаламислардан

биттаси мингта авомни исёнга даъват этувчилардан ўнлаб кимсалар рўйхатдан четда қолди. Султон уларнинг кўп эканлигини ҳам биларди. Аммо улар берган рўйхат билан кифояланди. Исённи бостириш чоғида шундоқ ҳам кўчалар ўликларга тўлай деб қолган эди. Рўйхатга кирган исён ташкилотчиларига аёвсиз жазо берилди. Улар ушлаб олинган жойидан оёқларидан қатл майдонига қадар судраб келинди. Дарҳол кундага ётқизиблиб боши олинди. Исёнчилар бошлиғи Бондар охирида қатл этилди. Аввал у бошидан жудо қилинди, сўнгра бутун гавдаси қийма-қийма қилиб ташланди. Қўзғолон бостирилгач, то аввалги ҳаёт изга тушгунча Султон қўшини билан Ганжада икки ҳафтадан ортиқроқ турди. Шундан кейин у Килокун орқали Хилотга қараб юрди. Йўл-йўлакай гуржиларнинг бир неча вилоятларидан озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-яроғ захиралари тўплашга киришди. Қаршилиқ қилганларга қилични ишлатди. Энди гуржиларга солиқ солиб уни ундириб ўтиришга мутлақо фурсат йўқ эди. Негаки, мўғуллар билан олдинда узлуксиз бўладиган қонли жанглар турган эди. Уруш бу катта харажатлар ва иқтисодий таянчни талаб этарди. Вақт зиқлиги, вазият оғирлиги Султон Жалолиддинга ана шу тарзда ҳаракат қилишни талаб этди.

Мўғуллар Султоннинг Хилот тарафига кетганлигидан хабар топгач, катта қўшин билан изма-из унинг кетидан тушиб таъқибни давом эттирдилар. Хорпутдан Шарқдаги Хонига келиб тушган Султон девон ва қароргоҳга тегишли барча мулк ва бойликлар, муҳим ҳужжатларни асраб-авайлаб туриш учун ҳарбий қисм қолдирди. Ўзи хос лашкарини Хонидан жануброқдаги қўшни вилоят Жабахжурга кетиб пистирмага жойлашиб, шу ердан мўғулларнинг таъқиб этувчи кучларини бутунлай қириб ташлашни мўлжаллади. Султон жуда маъқул ва душманни лақиллатадиган ҳарбий ҳийла ишлатишни лозим кўриб, ўзи Жабахжурда хос лашкар билан пистирмада жойлашар экан, саркардаси Утурхонни ҳузурига чақириб, махфий топшириқ берди: „Сенинг мардлигингни қадрлайман, тоторларни пистирмага усталик билан бошлаб келасан, уларнинг қароргоҳига ҳужум қилиб жангга кирасан, улар ўзларини ўнглаб қарши ҳужум қилгунча бардош бер-да, сўнгра чекин, ундан кейин Жабахжурда мен пистирмада турган жойгача жон-жаҳднинг билан орқанга қайтиб қочишга тушасан, кейин уларни мен кутиб оламан. Бутунлай қиличдан ўтказаман, шу вазифани бажариш учун 4 минг лашкарни сенинг ихтиёринга ажратдим“. Утурхон Султонни, албатта, бу муҳим топшириқни бажаришга ишонтирди. Султон сўнги вақтлар шу саркардасига кўпроқ ишонар, унинг маслаҳатларига қулоқ соладиган бўлиб қолган эди. Аммо у аввалги жангларда мардлик кўрсатиб назарга тушган бўлса-да, вужудга келаётган оғир вазият, мўғулларнинг тобора ҳужум ва тазийқларининг кучайиб бориши бу саркарда қалбида умидсизлик, жонини асраб қолиш ва мўғуллар вазоҳатидан қўрқиш васвасасини вужудга келтирганлигини Султон билмасди. Саройда турли тоифа ва шахслар билан ишлаб, мулоқот қилиб, ақли чарчланган муаррих ал-Иншо ан-Насавий Утурхон ана шу қўрқув ва ожизлиги уни ёлғон ва олчоқлик гирдобига етаклаганлигини, натижада Султон унга ишониб ҳал қилувчи дамларда ўнглаб бўлмас хатоликларга йўл қўйганлигини афсуслар билан тилга олади. Султонни Утурхоннинг душман Маназжирддан жўнаб орқасига қайтиб кетганлиги учун уларни пистирмага бошлаб кела олмаганлиги ҳақидаги сўзлар билан авраганлиги, қайтадан бориб Маназжирддаги мўғулларнинг ҳужумга қандай тайёргарлик кўраётганлиги ёки чекиниб кетганлиги тўғрисида аниқ, энг сўнги маълумот олиш зарурлигини зийрак ан-Насавий ҳукмдор Жалолиддинни огоҳлантиришга журъат қилади:

„Султоним, ўзингизга маълум, мўғуллар бир жойга катта куч тўплادими, улар орқага қайтиш ёки чекиниш учун эмас, фақат ҳужум қилиш, душманига ўнглаб бўлмас зарбалар бериш учун йирик кучларни бир жойга жамлайди. Утурхоннинг сизга берган маълумотига гумоним бор“. Жалолиддиннинг давлат котиби ҳақ эди.

Утурхоннинг берган маълумоти ан-Насавий билан Султон ўртасидаги мулоқотдан сўнг гумон остида қолгач, яна ўша саркарда ҳақ ёки ноҳақлигини аниқлаш фурсати йўқ эди. Лаҳзалар, дақиқалар олтинга тенг дамлар эди. Султон Жалолиддин Давлат кенгашини ўтказиб, кўпчилик қандай қарорга келса, шу асосда ҳаракат қилишини маъқул кўрди. Кўпчилик саркардалар атрофдаги мамлакатларга ёрдам сўраб элчилар ва мактублар жўнатилганлиги, қаерлардан ёрдам келиш ёки келмаслиги масаласи билан қизиқди. Бу ҳақдаги тўлиқ маълумотлар ан-Насавий қўлида эди. Султон кенгашдаги амирлар, хонлар ва амиру саркардаларга бор ҳақиқатни айтишни буюрди. Давлат котиби бу ҳақда аччиқ ҳақиқатни ошкор қилди. Чор атрофдан келадиган бирор ёрдам йўқ, барча ҳукмдорлар Жалолиддин Мангуберди ва унинг лашкари қириб ташланишини истаб, мўғулларнинг бош ҳужумини кутиб, ўзларини бетараф тургандек кўрсатмоқчи бўлардилар. Аслида ислом олами тақдири ҳал бўлаётганидаги бу сукут мўғулларни қўллаб-қувватлаш сиёсати эди. Бу сиёсат мўғулларнинг бутун Осиёда зафар тантанасини таъминлади. Осиё халқларининг аксарият кўпчилиги шу ҳисобга асрлар давомида қулик кишанини кийди. Ушбу ҳудудлар жабр-зулм, вайроналик, инқироз бўсағасида турарди.

Чор атрофдан душманлар қуршовида қолиб кетган Жалолиддин ва унинг лашкари учун 1231 йил ёзи талафот ва фожиалар фаслига айланди. Уруш қонуниятининг асосий маҳсули мағлубият ва ўлим шарпаси аниқ воқеликка айланди. Ёвузлик ғолиблигига даврон тегиб, Ғарбий Осиёда адолат, эзулик ва адолат байроғини кўтарган мағлубларнинг қонидан шафақ бўлган Қуёш уни кўтара олмай ғарбга томон ғарқ бўлаётган эди. Бу кўргуликни замин ҳам кўтара олмаётгандай эди, гўё ёвузлик ва жоҳиллик маданий-маърифий дунё устидан ғолиб келган эди.

Ана шундай офир вазиятда кенгаш Исфаҳонни мўғулларга қарши курашнинг энг мақбул майдони дея танлади. Жалолиддин Мангуберди исфаҳонликлар билан бундан бир неча йил аввал Чингизхоннинг энг номдор саркардаларини офир мағлубиятга учратган эди. Шундан кейин Жалолиддин Мангубердидан мўғуллар анча пайт юрагини олдириб қўйишган эди. Узоқ, катта тайёргарлик ва узлуксиз сафарбарликдан кейингина Султон Жалолиддинга ҳал қилувчи зарбани беришга журъат қилаётган эди ғанимлар. То бутун Осиё қитъасини Жалолиддинга қарши қўйиш дипломатиясини ишга солиб бўлгандан сўнг мўғуллар ёшпасига унга қарши жазо қўллаш ҳаракатларини бошлаб юбордилар.

Исфаҳонга қараб энди йўлга отланиш пайти Амид ҳукмдори ал-Малик ал-Масъуднинг элчиси Аламиддин Санжар Султон қўлига мактуб тутқазди. Мактубда Амид ҳукмдори Жалолиддинга тобе бўлиш ва 4 минг аскар ар-Румга қарши жанговар ҳолда тургани, уни биргалашиб эгаллаши баён этилган эди. Офир аҳволда қолган Султон 4 минг лашкарга эга бўладиган бўлса, анча кучни тўплар эди. Мактубда катта ваъдалар инъом этилган эдики, уни ўқиган одамда умид учқунлари пайдо бўлар эди. Бу таклиф ва даъват Султон учун сувга чўкаётган одамга халоскорнинг қўли узатилгандек қувонч бағишлади. Мактубда қуйидагилар жўшқинлик

билан ёзилган эди: „Ҳақиқатан, ар-Рум сизнинг мақсадларингиз ушаладиган мамлакат, бу ўлкага юриш қилсангиз бас, уни қаршиликка учрамай босиб олишингиз аниқ. Унга ҳукмронлик қилишда ҳам сизга тўсқинлик қилувчи бўлмайди. Агар сиз ар-Рум малиги устидан ғолибликни қўлга киритсангиз, қипчоқларнинг дўстона муносабатларидан ҳам баҳраманд бўласиз. Улар ҳам сизга садоқат билан хизмат қилиш ниятидалар. Қипчоқлар билан бирлашганлигингизни эшитса мўғул-тоторлар ҳам сизга ҳужум қилишга ботина олмайдилар. Бу сизга ғалаба деган гап!“ Бундай ваъдаларнинг берилишида Жалолиддинга сир бўлган, лекин уни курашга ундаган воқеалар рўй берган эди. Амид ҳукмдорининг қўл остидаги бир неча қалъаларини ар-румлик лашкарлар босиб олиб, эндиги навбат Амидга келиб турган эди. Амид ҳукмдори ар-Рум ҳукмдоридан шу тариқа қасос олмоқчи бўлиб, Султон Жалолиддинга катта ваъдалар бериб жон-жаҳди билан уни ар-Рум устига юришга ундарди. Амид ҳукмдори ал-Малик ал-Масъуднинг барча ваъдалари ёлғон бўлиб чиқди. У Амидга яқинлашиб борар экан, дарвоза остонасига яқинлашганда қалъа аҳли уни душман сифатида кутиб олди. Ҳокими ал-Масъуд ҳам, у инъом этган 4 минг қўшин ҳам, озиқ-овқат, кийим-кечак ҳам, бериши керак бўлган қурол-яроғлар ҳам йўққа чиқди. Ҳамма берилган ваъдалар саробга айланди. Улар билан жанг қилиб қасос олиб ўтиришдан наф ҳам йўқ эди. Султон ҳолдан тойган қўшинига Амид олдидан оқиб ўтган сойдан бир оз ўтиб тўхташни буюрди. Шу аянчли лаҳзаларда Султон лашкар ва қароргоҳдан узоқлашиб ёлғиз қолгиси келиб, ўзини чеккага олмоқчи бўлган. Аммо ан-Насавий бир неча қадам орқароқда юриб уни кузатганлигини қуйидагича ёзади: „Шундай буюк инсоннинг иродаси букилганлигини биринчи бор кўриб турардим. У ҳаёти поёнига етиб бораётганлиги, Хоразмшоҳлар салтанати барбод бўлгани, уни тиклаш бесамар кетганлигини англаб жуда руҳий тушқунликка тушган эди. У сувда сузишни билмай чўпга ёпишаётган, чўкаётганга ўхшарди. Ниҳоят, у оҳ тортди: „Эй, Парвардигори олам, мени қайси гуноҳларим учун даҳшатли азоб-уқубатларга дучор этдинг. Шоҳман, Султонман десам, доимий қароргоҳим, тожу тахтим йўқ, яйраб Ватанимда юрай десам, Ватан йироқ, унда ғанимлар ҳукмрон, мени не кунларга солдинг, Оллоҳим! Бундай кунларни раво кўргунингча мени шоҳ эмас, оддий чўпон қилиб яратганинг минг бор яхшийди. Сўнги нафасгача менга берган умрингни эл-улус, халқ озодлигига бағишладим. Кўрганим қон, ушлаганим тиг, кечганим ўлим майдони бўлди. Қай тарафга юрсам ўлим фаришталарини учратаман. Қилич ура-ура қўлларим қадоқ бўлди. На юртимни озод қила олдим, шоҳ бўлиб на ёғийлар азобидан фуқароимни қутқардим. Оилам, дўсту биродарларим, фарзандларим, мен учун, юрт учун фидо бўлган баҳодирларим ҳаммаси энди йўқ. Энди мен учун ҳаётнинг мазмуни ҳам йўқ. Нега мени шоҳ қилиб яратдинг, оддий одам қилиб эмас, Оллоҳим?!“ Султон оҳу ноласи осмону фалакни тутгандек бўлди, у тиз чўкиб бошини чангалаганича йиғлади. Уни юпатишга тил ожизлик қилар эди. Неча йиллик дард-ҳасратлар Султоннинг қалб қаъридан олов бўлиб отилиб чиқарди. Дунё қабоҳат ва ёвузликларининг рамзи мўғуллар ва унинг жамики иттифоқчилари бетакрор ва буюк инсон Жалолиддинни ана шу тариқа руҳий синдирган эдилар. Бу ёвузликнинг адолат устидан тантанаси бўлди. Энди Осиё осмонини зулмат қоплаб, бу ҳудудларда ёвузлик ҳукмронлиги бошланганлигининг даракчиси эди, бу фожиа“.

Шу кечаси Султон 1231 йил 17 август куни далага қурилган чодирда умри бино бўлиб биринчи марта меъёридан ортиқча май ичади. Саройи ва қароргоҳдаги энг яқин



Муҳаммад Султон зарб қилдирган мис танга. XIII аср бошлари.



Муҳаммад Султон зарб қилдирган олтин танга.



Чингизхоннинг хоразмшоҳларга қарашли Қундуз шаҳрини босиб олгандан сўнг зарб қилдирган мис тангаси.



Чингизхоннинг хоразмшоҳларга қарашли Шибирғон вилоятини эгаллаганидан кейин зарб қилдирган мис тангаси.



Чингизхоннинг хоразмшоҳларга қарашли Ғазна шаҳрини забт этгач зарб қилдирган қумуш ва мис тангаси.



Чингизхоннинг Хуросонни босиб олгач Марвда зарб қилдирган қумуш тангаси.



Чингизхон Бухорони эгаллаб олгач, зарб қилдирган олтин тангаси.



Жалолиддин Хоразмшоҳнинг гуржилар юртини эгаллаб олгач, зарб қилдирган сарой белгиси ва мис тангаси.



Султон Жалолиддин гуржилар ҳудудини эгаллаб олгач, чиқарган чақа пуллари.





мулозимларининг ҳам маслаҳатини олмай хушидан кетиб карахт бўлгунча ичкилик истеъмол қилади ва тошдек қотиб ухлаб қолади. Бу пайтда кечаси билан уни таъқиб қилган мўғуллар тунда қароргоҳини ўраб оладилар. Уларнинг таъқибини сезган туркман йўловчи тоторлар ҳали етиб келмаёқ ганимлар яқин орада шу ерда пайдо бўлишидан огоҳлантиради. Бу пайтда Султон майхўрликка киришган пайти эди. Туркман йўловчи қароргоҳ қоровули бошлиғига ўзини Султон ҳузурига киритишни сўрайди. Фақат Султонингизнинг ўзига айтаман деб туриб олади. Султон уни ўз ёнига киритишга рухсат беради. Шароб таъсиридан энди сархуш бўлаётган Султон уни Амид жосусларидан бири деб гумон қилади, аммо туркман Султонга ишончли маълумотлар бериб, бундай дейди: „Мен сизларнинг кеча тунаган жойингизда сизларга ўхшамайдиган бегона қўшинни кўрдим, уларнинг кийимлари ҳам Хоразмшоҳ лашкари кийимига ўхшамайди. Уларнинг отларининг аксарияти кулранг тусда эди“. Бироқ, Султон уни ёлғончиликда айблаб, „Бу бизнинг ушбу мамлакатга (Амид ҳудуди назарда тутилмоқда — **муаллиф изоҳи**) келишимизни истамаётганларнинг ўйлаб топган ҳийласи“, дейди. Бироқ, етказилган хабар мутлақ тўғри бўлиб чиқди.

Эрта тонгда Султон ётган жой ўраб олинганлигини биринчи бўлиб саркарда Урхоннинг тунги қоровуллари билишди. Улар дарҳол ҳалокатли ҳолатдан ўз кўмондонини огоҳлантирди. Урхон барча ихтиёридаги лашкари билан мўғулларнинг Султон қароргоҳига киришига йўл қўймаслик учун зич айлана қилиб у ётган чодирни ҳимоя қилишга киришди. Тонгда қилинган ҳужум мўғулларга муваффақият келтирди. Султоннинг қўплаб жангчилари ухлаб ётган жойда абадий уйқуга кетди. Кўпчилиги қаттиқ уйқудан уйғонар эканлар, уйқусираб нима воқеалар кечаётганини англай олмай, бошини омон сақлаб қолиш учун дуч келган тарафга тарқалиб кетдилар. Кўпчилиги эса мўғуллар қиличидан ҳалок бўлдилар. Фақат Урхон, унинг мард жангчилари шу кунги жангнинг ҳақиқий қаҳрамонига айланиб, жангни давом эттириб, мўғулларнинг ҳали ҳам ўзига келмаган сархуш ҳолатдаги Султонни асир олиш йўлидаги 10 марталаб қутуриб қилган ҳужумларини қайтариб турди. Ҳар дақиқа кунларга тенг шу дамларда Султон Жалолиддин бутун аччиғини тонгга қадар шаробдан олиб ҳали-бери ўзига келмасди. Уни жон-жаҳди билан ҳимоя қилаётган Урхоннинг лашкари ҳам катта талафот кўриб, кўп мард ва баҳодирлар Султон чодирини олдида жон бердилар. Ярадорлар елка ва қўлларидан отилиб чиқаётган қонларини бир қўли билан беркитиб то йиқилгунларича жангни тўхтатмадилар. Ўша дамларда Султон чодирга яқинроқ жойлашган муаррих ан-Насавий ўша қонли фожиали воқеалар қандай тус олганлигининг гувоҳи бўлиб, уни шундай тасвирлаган эди: „Мен ўша куни тунда узоқ ўтирдим, Девон ҳужжатларини тартибга солдим. Тун ярмидан оққанда ухладим. Тонгга яқин қаттиқ уйқуда эканимда ғуломлардан бирининг: „Отлан! Оламини қиймат босди!“ деган қичқирғидан уйғониб кетдим. Тезда кийиниб, шошиб ташқарига чиқдим. Отимга минганимдан сўнг тоторларнинг бир гуруҳ лашкарининг Султон қароргоҳини ўраб олганини кўрдим. Шунда бирдан қутилмаганда лашкари ва туғи билан Урхон пайдо бўлди. У тоторларга ҳужум қилиб, уларни Султон қароргоҳидан узоқлаштирди. Султоннинг бир неча мулозимлари чодирга кириб, уни қўлларидан ушлаб олиб чиқдилар. У оқ ятакда эди. Уни отга миндириб олиб кетдилар. Жалолиддин бу пайтда фақат битта одам — отабек Саъднинг қизи, форс маликаси — хотини ҳақида ўйлаб, уни эҳтиёт қилиш лозимлигини уқтирарди“.

Султон анча вақтдан кейин ўзига келиб, дастлабки буйруғини бериб, орқама-орқа Султонни ҳимоя қилиб келаётган Урхонга: „Мен гуруҳ мулозимларим билан илгарилаб кетаман, сен эса душманни чалғитиб, бошқа бир тарафга уларни бошлаб кетасан, кейинчалик асосий қўшинни ўзим топиб олиб яна бирлашиб оламиз“, деган йўсинда кўрсатма берди. Жалолиддин Ўтурхонни ўзи билан ҳамроҳ бўлиб мулозимларни ҳимоя қиладиган ҳарбий бўлинмага бошчилик қилишни топширди. Урхон Жалолиддинни бор кучи билан ҳимоя қилар экан, уни мўғуллар таъқибидан узоқларга кетишини таъминламоқчи бўлди. Султон Жалолиддиннинг асосий кучлардан ажралиб кетиш тўғрисидаги қарори унинг жиддий хатоси эди. Урхон мўғуллар билан аёвсиз жанг олиб бораётгандан кўп ўтмаёқ Жалолиддиннинг асосий қўшини ва тарқалиб кетган гуруҳларнинг кўпчилиги етиб келиб, ҳолдан тойган Урхон лашкарини ҳимоя қилиб жангга кирдилар. Натижада деярли қуршаб олинган Урхон лашкарининг қолган қисми ҳалокатдан сақлаб қолинди.

## МИНГБОШИ ХИЁНАТИ

Мўғулларга катта ёрдамчи кучлар келаётганлиги учун Урхон эрталабки жангдан воз кечиб, Ирбил тарафга кетишга мажбур бўлди. Урхон лашкардан ажралиб боши оққан томонга кетаётган Султоннинг тақдири энди Ўтурхон мингбоши ҳаракатига боғлиқ бўлиб қолди. Ўтурхоннинг бутун фикр-зикри ўз жонини асрашга қаратилгани, Султондан юз ўгириб хоҳлаган тарафга кетишини режа қилаётганлигини Жалолиддин қаердан билсин. „Султон билан бу ёғида бирга эканман, мўғуллар таъқибидан қутулиб бўлмайди“, деб ўйлаган олчоқ ва хиёнаткор Ўтурхон қулай фурсат келишини кутарди. Иложи бўлса тезроқ Султонни мулозимларидан узоқлаштириб, аввало улардан қутулмоқчи, кейинги навбатни Султонга қолдириш каби ёвуз мақсад унинг миясини чирмовиқдек ўраб олган эди.

Жалолиддин ҳаётининг охири кунларидаги фожиалар сабабларини ҳар тарафлама чуқур ўрганган ан-Насавий: „Султоннинг ўлими ҳамма жиҳатдан Ўтурхон ишлаб чиққан режа асосида амалга ошган дейиш мумкин“. У аввал Султонни хавфсиз дея ишонтириб, Жазира чегаралари томон бошлайди. Бу ерлар Султонни қўлга туширадиган жуда кўп пистирмалар қўйиб ташланганлигининг гувоҳи бўлгач, бир оз орқага қайтиб Майофариқин томонга бориш мақбул, дейди Ўтурхон. Жалолиддин унинг маслаҳатини қабул қилиб яна орқага қайтади. Ана шу чалкаш-чулкаш йўлларда мулозимларнинг кўпчилиги пистирмада қўлга тушиб ҳалок бўлиб, бошқалари асир олинади. Ўтурхон Жалолиддинни Майофариқин тоғлари тарафга бошлаб кетади. Тоғ этагидаги қишлоққа келиб тушадилар. Қишлоқ анча катта бўлиб, деҳқонларнинг ғалла йиғиладиган ғарам ва хирмон қилинган дала майдонида дам олиш ва отларини ўтлоққа қўйиш, сўнгра йўлни яна давом эттиришни маъқул кўрадилар. Бу қишлоқнинг номи Айн-Дор эди. Отлар яйловга қўйиб юборилади. Ичкилик таъсири, қочиш-қувилиш ва кайфиятни кескин тушириб юборадиган дарбадарлик, бунинг устига йўл азоби қўшилиб, Жалолиддин ғарамга суянганича қаттиқ уйқуга кетади. Бу лаҳзаларнинг келишини қачондан бери кутаётган Ўтурхон олчоқлик ва хиёнат отини қамчилаб тун қўйнида кўздан ғойиб бўлади. У Майофариқин ҳукмдори Шаҳобиддин Ғозий билан унинг хизматиغا кириб ҳаётини сақлаб қолиш учун олдиндан алоқа боғлаб юришидан ҳамма хабарсиз эди. У ўз жияни

Султон Жалолиддиндан бемисл яхшиликлар кўриб, бойлик ва мансаблар поғонасига кўтарилган, у оғир кунларда қолганида эса Султонга хиёнат қилиб, уни ёлғиз қолдириб ташлаб кетганди. Аммо ўзгани ўлим майдонида ёлғиз қолдириб, ажалдан қутулмоқчи бўлган Ўтурхон ўзи учун энг хавфсиз макон Мисрни танлади ва кечани кеча, кундузни кундуз демай ўша ҳудуд сари от сурди. Аммо уни ўша жойда ўздан аввал келиб макон қурган ўлим фариштаси интиқ бўлиб кутарди. Миср ҳукмдори ал-Малик ал-Комил уни мўғуллар билан урушда тажриба орттирган сарҳанг деб саройига чақирди. Ҳарбий қисмлардан бирига қўмондон қилиб тайинлади. Ҳовли-жой берди. У баланд, баҳаво маконда жойлашган эди. Ҳали бир кун ҳам яшамаган қасрсифат совға уйнинг тепасига чиқиб теварак-атроф ва Қоҳира шаҳри гўзаллигини томоша қилмоқчи бўлиб том тепасига кўтарилаётиб, ағдарилиб, тил тортмай ўлди. Жалолиддиннинг руҳи унга тинчлик бермасди. Хиёнаткор шундай ўлим топиб виждон азобидан қутула олмай ҳалокатга учради.

Жалолиддин ярим тунда катта ва кенг дала томон увуллаб келаётган бўрилар овози ва улардан хавфга тушиб Султон тарафга чоғиб келган отининг дупури ҳамда қаттиқ кишнашидан уйғонди. Ақлли жонивор хўжасини нақ хавфдан уйғотиш учун шундай кишнаган эди. Ярим тунда апил-тапил уйғониб отига сақраб минган Жалолиддин Ўтурхонни чақирди. Қаттиқ уйқудадир, деб бир неча фарамлар хирмонларини титкилаб текшириб чиқди. Ҳеч кимсадан дарак йўқ эди. Ҳафсаласи пир бўлган Султон ана шунда бу дунёнинг бевафолигига ишонч ҳосил қилди. Уни тоғам, туришган яқин қариндошим деб кўрсатган мурувватлари шамолларга учди. Бутун бир салтанатни бошқарган Султон Жалолиддин кимсасиз ҳувуллаган дала майдонда тақдирга тан бериб, отнинг жилловини бир лаҳза маҳкам сиққанича туриб қолди. Ана, тунда бўриларнинг нафақат ёқимсиз овози, балки тун қўйнида уларнинг чироқдек ёнаётган кўзлари фарам ва хирмонлар оралигидан бемалол кўрина бошлади. Ақлли жонивор тулпор бу бўрилар қуршовидан кетайлик, дегандек қулоқларини диккайтириб, безовталаниб, хўжасини аччиқ қамчи туширишга ундарди. Султон шундан кейин тулпори безовталигини илғаб, хаёл дарёсидан узилиб тулпориغا у хоҳлаётган аччиқ қамчини босди. Тулпор тикка бўрилар устига шиддат билан ташланди. Жалолиддин оти биқинида доимо тайёр турадиган найзасини олиб, энг катта бошловчи бўрини нишонга олди. Ҳазаб билан отилган найза бўрининг қорнини тешиб ўтди. Бошловчи катта бўри даҳшатли „увв“ тортиб ерга ағдарилди. Қолганлари турли томонга думларини сиққанча қочишди. Шу тариқа Султон бўрилар қуршовидан қутулди. Энди барибир бу ерда қолиш хавфли эди. Жалолиддин отининг жилловини тоққа қараб бурди. Ҳайбатли тор чўққиси сари кетар экан, бу ерга бўрилардан ҳам хавфли йўлтўсар қароқчилар, жиноятчилар уя қуриб олган эдилар. Ушбу макон тўғрисида маълумотга эга бўлмаган Султон бу ерда қароқчи, ўғри ва оғир жиноятчилар уя қуриб олганидан мутлақо беҳабар эди. Улар ўлим жазосидан қочиб ўша ерни ўзлари учун қароргоҳга айлантирган эдилар. Тақдир Жалолиддинни инсон қиёфасини тамомила йўқотган, ваҳшийлар ин қурган жойга етаклаб келган эди. Бироқ, Жалолиддин қанча баландга кўтарилсам, шунча хавфсиз бўлар, деб ўйлади. Султон тоққа етиб олгунча ғира-шира тонг ҳам ота бошлади. Шу пайтда унинг орқасидан қандайдир бир гуруҳ отлиқлар Султон томонга елиб келарди. Ўзини дарҳол панага олган Султон уларнинг кимлигини аниқламоқчи бўлди. Улар яқинлаша бошлагач, дарҳол ўқ-ёйни жанговар ҳолга келтирди. Улар ҳақиқатан ҳам Чормуғон нўённинг Жалолиддинни асир олиш учун тузилган махсус ҳарбий бўлинмаси

эди. Султон улар яқинлашгач санади: ўн бештача барчаси бир-биридан гавдали ва баҳайбат жангчилар эдилар. Йўғон дарахт панасидан туриб кетма-кет ўқ узиб бир нечтасини тил тортқизмай қулатди. Улар иккига ажралиб, ўнг ва сўлдан ҳужумга ўтмоқчи бўдилар. Жалолиддин дарҳол қалқонини орқасига боғлаб олди. Энди турган жойда улар билан жанг қилиш оғир кечади. Ҳеч бўлмаганда ярмини яқин келтирмасдан йўқ қилиш лозим. Жалолиддин бирдан панадан чиқиб ўзини қочгандек қилиб, отига устма-уст қамчи босди. Бақувват тулпор қушдек учди. Жалолиддин оти қаттиқ чопаетганида орқага ўгирилиб ўқ-ёйдан отишда ҳам тенгсиз чавандоз, мерган эди. Бу усул билан яна икки-уч мўғул ўқ еб ерга ағдарилди. Энди Султон ёй билан анчасини йўқ қилгач, узоққа отишга мўлжалланган найзасини қўлига олиб, оти жиловини душман томонга бурди. Бир-биридан анча масофа фарқи билан келаётган мўғулларга ажал найзасини отиб, улардан биттасини жаҳаннамга равона қилди. Ниҳоят, юзма-юз жанг қилишга навбат етиб, Султон Жалолиддин душманга омонлик бермаган сеvimли шамширини баланд кўтариб ёвга ташланди. Мўғуллар Султоннинг қиличидан унга дуч келган ҳеч бир ғаним омон қолмаслигини кўп кўрган ва эшитган эдилар. Мўғуллар отининг жиловини орқага буриб қочишдан ўзга чора топмадилар. Бу мўғуллар таъқибининг Султонни қўлга олиш учун қилган ҳаракатининг охиргиси бўлди. Улар қандай тез келган бўлсалар, яна шу тезликда кўздан ғойиб бўлишди.

## ҚАРОҚЧИЛАР МАКОНИ

Оғир жангдан кейин Жалолиддин чўққини кўзлаб тоғ тепасига кўтарила бошлади. Аммо унинг ўзи ҳам, оти ҳам қаттиқ чарчаб, баландга тармашиш қийинлашгач, кўздан пана жой ахтарди. Яна бир оз кўтарилса кенгроқ майдон, унинг чеккароғи қоя олдида катта дарахт кўринди. Султон чарчаган тулпорини қийнамаслик учун отидан тушиб ўша томонга кўтарила бошлади ва ниҳоят унга етиб келиб, отини яйловга қўйиб дарахтга суянганича уйқуга кетди. Бу унинг абадиятга уйқуга кетишолди сўнги уйқуси эди. Ана шу мудҳиш воқеа ва фожиа 1231 йил 20 август куни содир бўлди. У қуйидагича юз берганди. Маълумки, қароқчи ва йўлтўсар жиноятчилар кундуз кам кўзга ташланиб, асосан, тунда ҳаракат қилишади. Жиноий ишларга киришишдан олдин уларни йўлтўсарлар бошлиғи шу кун кеч пешиндан бошлаб қаерларни қақшатиш ҳаракат режасини тузишга, шу ерда ҳар бирининг вазифалари белгилаб бериладиган келишув жойига тўплайди. Жалолиддин ухлаб ётган жой уларнинг қароргоҳи эди. Дастлаб қароқчиларнинг Султоннинг отига кўзлари тушади. Унинг безатилиши, олтин суви берилган эгар-жабдуқлари унинг оддий одамлар минадиган от эмаслигидан дарак берарди. Демак, шу атрофда унинг эгаси ҳам бўлиши муқаррар. Ҳамма ёқни синчиклаб кузатган тўда, ниҳоят Султонга кўзлари тушди. У оғир жанглардан чарчаб донг қотиб ухларди. Унинг кийиниши, қуроллари бежирим ва жуда қимматбаҳолигини кўриб, ўз оёғи билан келган кутилмаган бу ноёб ўлжани қўлдан чиқармаслик учун унга эҳтиётлик билан ёндашиб, писиб яқинлашиб келишди. Сўнгра бошлиғи имоси ва буйруғи билан барчаси донг қотиб ухлаётган Султон Жалолиддин устига ёпирилиб ташланишди. Оёқ-қўлини боғлаб, қурол-яроғлари, кийимларини, отини ҳам ўлжа қилиб олишди. Султон эса уларга ўзининг Хоразмшоҳ Жалолиддин эканлигини, мўғуллар таъқибидан қочиб бу ерларга адашиб келиб қолганлигини айтди.

„Агар сизлар менинг гапимга ишонмасангиз, салтанат муҳримни босиб мактуб билан сизларни ўз ҳукмдорингиз, яъни мени яхши билган Майофариқин султони Шаҳобиддин Ҳозий ҳузурига олиб боринглар. Хоҳланг менинг ўзимни олиб боринг, хоҳланг мени бу ерда қолдириб ўзларингиз мен ҳақимда хабар беринг, ҳукмдорингиз устингиздан тилла сочиб, сизларни суюнчи билан сийлайди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, менинг катта хазинам бор. У ишончли жойга яширилган. Сизлар менинг хизматимга кирсангиз, қобилиятингизга қараб юзбоши, мингбоши мансабларига тайинлайман. Ҳамманинг нафратини келтирадиган бу талончилик, йўлтўсарлик ишларингиздан воз кечиб, умумислом мўмин бандалари озодлиги учун менинг байроғим остида курашсангиз, гуноҳларингиз тўкилиб, икки дунё саодатига эришасизлар. Оилангиз ва ўзингизнинг бундан кейинги ҳаётингиз, моддий эҳтиёжларингиз барчаси менинг хазинам ҳисобидан бўлади. Уни ҳозироқ ҳужжат қилиб бераман. Гапларимнинг исботи мана қиличимда Такаш бобом тифига номи ўйиб ёзилган битик, мана белимда ўроғлиқ турган Хоразмшоҳлар байроғи, вассалом, бошқа исботга ҳожат йўқ, энди тез ҳукмдорингиздан суюнчи совға олишга шошилинг“. Султон Жалолиддин келтирган далиллар ҳақиқатда ҳам жуда ишончли эди. Улар рози бўлишди. Фақат ҳаммаси отлар топиб келгунча бошлиқларининг тоғ этагига яқин уйида қўл-оёғи боғлиқ ҳолда сақлаб туриб, қайтиб келгач, бандилиқдан озод қилишга ваъда бердилар. Қароқчилар бошлиғи келишувга биноан банди Жалолиддинни уйининг хоналаридан бирига киритиб, ҳеч кимни хонага қўймасликни хотинига тайинлади.

## ШАРҚ ОЛАМИНИ ТИТРАТГАН ФОЖИА ЁХУД ДАҲШАТЛИ ЎЛИМ

Шу тариқа тўда от топиб келиш учун кетдилар. Орадан сал вақт ўтар-ўтмас найза кўтарган курд малъун келиб қароқчилар бошлиғи хотинидан уларнинг қаёққа кетганлигини сўрайди. Оғзида гап турмаган аёл бўлган воқеани сайраб ва яйраб қароқчига айта бошлайди. У хоразмлик катта одамлигини билгач, унда қасос алангаси мавжланди. „У катта одам эканми?“ деб сўрайди аёлдан ўша курд. „Ҳа, Хоразмшоҳ Султон экан“. „Сизлар шунга ишониб ўтирибсизларми, бу ерларда Султон нима учун битта ўзи изғиб юриши керак. У Султон эмас, оддий бир хоразмлик адашиб-дайдиб келиб қолгандур?“ Шундай дея қуролланган малъун курд уйнинг тўридаги Султон ётган хонага қараб юрди. Қароқчилар бошлиғининг хотини унинг йўлини тўсмоқчи бўлди. Аммо ғазаб ўти алангаланаётган курднинг йўлини тўсишга кучи етмади. „Менинг Хилотда яшайдиган акам қамал чоғи хоразмликлар қўли билан ўлдирилди, менинг акам ундан минг чандон яхши инсон эди, бу исқирт унинг олдида нима бўлибди“, дея найзасини ўқталганича эшикни зарб билан очиб хонага бостириб киради. Банди Жалолиддин оёқ-қўли боғлиқ бўлса-да гоҳ ўнг, гоҳ чапга думалаб қаршилиқ кўрсатди. Аммо шу олишувлар чоғида малъун курд Жалолиддиннинг нақ юрагига найзани ғазаб билан санчди. Шу тариқа ўн йиллар мобайнида манбаларда келтирилишича, уч юз тўрт марта даҳшатли жангларда қирғиннинг олдинги сафида шер бўлиб олишиб, барчани ҳайратдан ёқа ушлашга мажбур этган Султон Жалолиддиннинг бутун оламдан узилган сокин хонада қутлуғ қони тўкилди. Қасос алами билан ташланган курд қўлини унинг юрагидан отилиб чиқаётган қонига ювди. Жисми жуда кучли арслонсифат баҳодирлар баҳодирини Жалолиддин Мангуберди кўкрагига урилган найзасини қароқчи малъун тортиб олмай,

Султон жони Арши аълога етгунча кетмасдан, буюк саркарда жони узилишини ҳузур қилиб томоша қилди. Жалолиддин мағрур ва жуда мардона жон берди. Фақат бир нарса — Ватани, халқини ёвуз босқинчилар зулмидан қутқара олмагани, эл-юртни мустақилликка чиқара олмаганлик армони билан дуои такбирини пичирлаб айта-айта абадият дунёсига кетди. Ўлим олдидан курд малъунга эмас, унинг давлатини ва элулусини таназзулга учратишда мўғулларга ялтоқланган сотқин ва хоинларга минг лаънатлар ўқиб, мард мўмин сифатида „Ла илаҳа, иллаллоҳ“ калимасини сўнгги нафасигача такрорлаб, унинг руҳ қуши бу муқаддас илоҳий сўзларни яратган парвардигор ҳузурига элитгунча бардош берди. Малъун курд унинг мардона ўлимига тан бериб, кўкрагига урилган найзасини суғуриб олишдан воз кечди. Сал бўлса-да, унинг виждони Жалолиддиннинг ўлим талвасаси чоғида уйғонди шекилли, қуролсиз қайтиб чиқар экан, қон қўлини белбоғига артганича қароқчилар бошлиғи уйдан узоқлашди ва кўздан ғойиб бўлди. Унинг ўлими юз берган кун мустақиллик ва озодлик ҳаракати ҳам қора тупроққа Султон Жалолиддин жасади билан бирга қўшиб қўмилган кун бўлди. Бу фожиали ўлим билан дунёга машҳур салкам бир ярим аср ануштегинлар сулоласи ва миллий давлатчилигимиз пойдевори бўлмиш улуғ қошона Хоразмшоҳлар салтанати ҳам барҳам топди. Жалолиддин ҳаёти интиҳоси билан бу маҳобатли бино қулади. Унинг ағдарилишидан бутун Шарқ олами ларзага келди. Шунингдек, Осиё ва Шарқий Европа мўғулларнинг шафқатсиз қуллик занжирини кийишга мажбур бўлди. Мўғулларнинг Жалолиддин изини аниқ топганлиги Ўтурхон Султон мулозимларини орқада қолдириб кетганидан кейин уларнинг кўпчилигини асир олиб, қаршилик қилганларини қиличдан ўтказдилар. Асир олинганлар қаттиқ қийноққа солиниб, Султон кетган йўналишни топишга эришган эдилар.

Султон Жалолиддиннинг қотилини топиш шундай ҳодиса туфайли очилган эди. Султоннинг мамлуклари у ғойиб бўлганидан кейин уни қидириб турли томонларга излашга тарқалиб кетдилар. Мамлуклардан бири Амид бозорига киради. У курд қароқчи кийиб олган либос айнан Султоннинг кийими эканини танийди. Мамлук Султон йўқолиб унинг на тириги, на жасади топилмаётганлигини эшитган Майофариқин Султони Шаҳобиддин Ғозий ҳам ғоят ташвишга тушиб уни топиш учун гуруҳлар тузаётган эди. Бунини эшитган мамлук дарҳол унинг ҳузурига йўл олиб бу ҳақда хабар беради. Сарбозлар мамлук ҳамроҳлигида Султон либосини кийган қароқчи курдни Шаҳобиддин Ғозий саройига олиб борадилар. Қийноқлар азобига чидамаган курд бўлган ҳодисани рўй-рост айтишга мажбур бўлади. Шаҳобиддин Ғозий шошилинич Жалолиддин жасадини олиб келиш учун сарбозларини тоққа жўнатади. Улар Султон Жалолиддиннинг буюмлари, оти, эгар-жабдуғи, машҳур қиличи ва сочини солиб қўядиган махсус найчасини (олинган сочи билан) топадилар. Сўнгра барча қароқчилар қароргоҳида ҳибсга олиниб, жасад қўмилган жойидан қазиб олинади ва саройга олиб борилади. Бу пайтгача Султоннинг қаердалигини топа олмаган мулозимларидан анчаси Шаҳобиддин Ғозий саройига келиб бошпана сўраган эдилар. Майофариқин ҳукмдори олиб келинган майитни Султон мулозимларига кўрсатишни буюрди. Улар орасида Султоннинг амир-охур мансабида хизмат қилган Талсоб ва бошқа яқин одамлари ҳам бор эдилар. Шаҳобиддин Ғозий аввал Султон Жалолиддиннинг буюмларини, сўнгра майитни очиб кўрсатишни буюрди. Мулозимлар уларни кўриши билан йиғлаб юбордилар. Шу тариқа Султоннинг ўлими ҳақ-ҳақиқат эканлиги тасдиқланди. Жасадни кўмиш ва маъракаларини ўтказишга

Шаҳобиддин Ғозийнинг ўзи бош бўлди. Гарчи улар бир-бирига душман бўлсалар-да, Майофариқин ҳукмдорининг Султонга бўлган ҳурмати баланд эди. Унинг мўғулларга қарши курашдаги жасоратларига тан берарди. Мабодо, мўғуллар бу ерларга етиб келса, унинг қабрини топтамасин деб қабрини текислаттириб қўйди. Дафнда қатнашувчиларга уни қатъий сир сақлашга кўрсатма берди. Чунки у Жалолиддиннинг отаси Муҳаммад Султон қабрини мўғуллар очиб жасадини хор қилганлигини яхши биларди. Шунга кўра, улуф саркарда қабрини келажак авлод учун қаҳрамон курашчи хокини сақлаб қолишни Майофариқин Султони ўзининг ҳукмдорлик ва инсонийлик бурчи деб билди. Унинг мазорига „Шоҳ Қопқа“ номи берилди. Майофариқин ҳукмдори Султон Жалолиддин руҳини шод қилиб халқининг миннатдорлик дуосига сазовор бўлди. У Жалолиддин руҳи тинч ётсин дея муҳим бир тадбирни амалга оширди. Қароқчилар, йўлтўсар жиноятчилар қотиллик содир этган жойдан уларнинг барчасини тутиб келтириб қатл қилдириди. Уйларига ўт қўйиб, кулини кўкка совуришга фармон берди. Жалолиддин Мангубердининг паноҳ истаб келган мулозимларини сарой ишларига ва қўшин хизматига жалб қилди. Гарчи Шаҳобиддин Ғозий Жалолиддинни ўзига фаним деб билса-да, буюк саркарда жасадини иззат-икром билан дафн қилдириб, унинг ислом оламидаги буюк тарихий хизматлари олдида бош эгиб, тобутини биринчи бўлиб ўзи кўтариб елкасига олди. Қабрида тиз чўкиб дуога қўл очиб, ўзининг қилган гуноҳларини кечиришни Оллоҳдан илтижо қилиб сўради.

Султон Жалолиддинни барча ислом оламидаги мамлакат ҳукмдорлари йўқ қилишни астойдил истаган эдилар. Бунинг учун қўлидан келган ҳамма ишларни қилдилар. Шулардан яна бири Дамашқ ҳукмдори ал-Малик ал-Ашраф эди. Унга Султон Жалолиддиннинг ўлими ҳақидаги хабарни етказиб суюнчи сўралганида уни етказган элчига қарата ал-Ашраф қуйидаги сўзлар билан жавоб қайтарган эди: „Сиз мени Султон Жалолиддиннинг ўлими билан табриклаб хурсанд қилишга шошилиб келдингизми? Бироқ сизу биз бунинг аччиқ самараси ва ҳосилини энди йиғамиз, чунки Оллоҳ номи билан қасам ичиб айтаманки, унинг ҳалокати мўғулларнинг ислом оламини истило қилишини англатади. Энди биз билан яъжуж-маъжужлар ўртасида тоғ қоясидек тўсиб турган Хоразмшоҳ Жалолиддиндек ҳеч ким йўқ. Бошимизга тоторлар боис тушадиган офатлар кўламини Парвардигордан бўлак ҳозирча ҳеч ким билмайди. Аммо шундай бўлиши аниқ, менинг юрагим уни сезиб турибди“. Ислом дунёси ҳукмдорларининг сўқир кўзлари Султон Жалолиддин ўлимидан кейингина мошдай очила бошлади. Буни Майофариқин, Дамашқ ва Кўния ҳукмдорларининг Жалолиддиннинг Шарқ мамлакатлари тақдирида ўйнаган роли ва унга сидқидилдан ёрдам қўлини чўзганларида мўғулларни қайтарадиган ягона саркарда Султон Хоразмшоҳ эканлигини эътироф этишларида яққол кўринди.

Жалолиддин Мангубердининг Ватан ва миллат, шунингдек, бутун Шарқ халқларини мўғуллар асоратидан сақлаб қолиш йўлидаги бемисл жасоратлари умумбашарият учун катта аҳамиятга эга эканлиги ибрат намунаси бўлиб қолишини билган аллома тарихнавис ва давлат арбоби ан-Насавий Султон Жалолиддиннинг нафақат содиқ мулозими сифатида, буюк саркарда ҳаёти келажак авлодга ибрат, ватанпарварлик, ҳарбий ватанпарварлик тарбия мактаби бўлиб қолиши учун бутун борлигини сарфлади. Хавф-хатар тўлиб-тошган жойларга ўзини урди. Унинг ҳаёти сўнгги дамларигача кечган воқеалар, ҳодисаларни аниқлашга зўр бериб киришди. Ноёб манба ва ҳужжатларни тўплади.

Буларнинг барчасини бор бойлигию соғлиғидан ажралгунча ниҳоясига етказиб, бетақрор ва буюк бобокалонимиз Жалолиддин Мангубердиннинг таржимаи ҳолидан ҳосил бўлган саҳифаларни жамлаб, ўн йилдан ортиқ тер тўкиб Ватанимиз тарихидаги улуғ инсоннинг буюкликка чирмашиб, мужассамлашган суврат ва сийратини яратиб, ўзининг номини ҳам ўрта аср тарихнависларининг энг сара алломалари қаторидан мустаҳкам ўрин олишига эришди. Натижада, унинг Султон Жалолиддинга бағишланган асари энг холис, энг ишончли манба деб жаҳон олимлари эътирофига тушди. Шарқшуносу ғарбшуносу олимлар ўз асарларида ундан истибоҳлар келтириб, ўз китобларининг тарихий-илмий салоҳиятларини оширишда самарали фойдаландилар. Ушбу анъана яратилаётган мазкур китобда ҳам ўз ифодасини топди. Узоқ мозий ҳикматини ёд этамиз: „Битиб кўдмаса эрди билга бўғу, Бизингга узоқиг ким эрди тегу“. Маъноси: „Агар билимдон донишмандлар ёзиб қолдирмаганларида, Бизларга ўтмишдаги буюк ҳодисаларни ким ҳам айтиб бера оларди“ (*Юсуф Хос Ҳожиб*).

Ан-Насавийнинг Жалолиддин Мангуберди ва унинг ҳаёт фаолиятини ўрганишга бўлган интилиши нақадар кучли бўлганлиги худди ўрта асрлардаги тасаввуфнинг улуғ авлиё ва пирлари билан уларнинг шогирдларининг устозларига муносабатларидан фарқи йўқлигини сезиш қийин эмас. Бу бугунги устоз ва шогирдлар учун ҳам ибрат мактабидир. Бу муносабатларнинг устуни чуқур ва чексиз ҳурмат бўлса, асоси, пойдевори устоз-шогирд учун меҳр-вафо ва садоқатдир. Бундан нураш ва занглашни билмайдиган пўлат ҳалқаларнинг мужассамлашув куч-қудрати ҳосил бўлган. Ан-Насавий ва Жалолиддин Мангубердиннинг ҳам устоз-шогирдлик, ўзаро садоқатга асосланган дўстлигини тарихнавис алломанинг Султон Жалолиддиннинг ўлими арафасидаги руҳий кечинмалари орқали яққол англаб олиш мумкин.

Султон қароргоҳи ва унинг ухлаётган чодирига мўғулларнинг ҳужуми лашкарни ҳам ва қароргоҳ ҳамда сарой девони мулозимларини ҳам пароканда қилиб, ҳар томонлама сочиб ташлади. Ан-Насавий эрталаб турар экан, ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб кетганлиги, мўғуллар жон-жаҳди билан Султонни қўлга олиш учун унинг чодирини бўғма илондек ўраб олаётганини сўнги бор кўрди. Маълумки, катта қозондек биғиллаб қайнаётган жанг майдонига яқинлашишнинг иложи йўқ. Мўғуллар ерга нина ташласа тушмайдиган зич ҳолатда Султон чодирини қамалга олган. Мулозимлар ҳар бири ўз жонларини сақлаш учун турли тарафга отининг жиловини қўйиб юборган вазият. Султон Жалолиддинни ўша куни котибул-иншо ан-Насавий у қуршовдан саркарда Урхон жасорати билан халос қилинаётганда узоқроқ масофадан туриб сўнги бор кўрди. Ана шу абадий айрилиқ, маълум ҳодисадан сўнг ан-Насавий ҳам мулозимлар қатори дуч келган жойларда жон сақлади. 3 кун ғорда бекиниб ётди. Кейин минг бор азобда Амидга боради. Бор-будидан ажралган ан-Насавийнинг сарсон-саргардонлик кунлари бошланади. У ерда бир оз тўхтаб Амиддан Ирбилга, ундан Эрон Озарбайжонига боради. Шу ерда оз қолган пули тугайди. Энди ан-Насавийнинг яримяланғоч, оч-наҳор кунлари бошланиб, аҳволи янада оғирлашади. Ана шу ерда у Султоннинг Майофариқин тоғларида фожиали ўлимидан хабар топиб, машаққатли сафарга отланиб, у ерга ҳолдан тойган ҳолатда етиб келади. Ан-Насавий Султон саройида узоқ вақт хизмат қилган. У Жалолиддиннинг ўлимини ўзига яқин мулозимлардан эшитган эди. „Аммо мен, — дейди ан-Насавий, — Султонга тобе қайси ўлка ва вилоят, қишлоқ, шаҳарларда бўлмай,



Жалолиддиннинг ҳаёт экани, жадал қўшин йиғаетганлиги ва тоторларга қарши ҳал қилувчи ҳужумга тайёрланаётганлиги ҳақида гапирётганликларининг гувоҳи бўлдим“. Аммо бу гаплар ёлғон, у ҳақдаги гаплар барчаси сароб эканлигини айтади, муаррих ан-Насавий Майофариқинга келгач, Султоннинг ўлганлиги янада ҳақиқат эканлигига ишонди. Бу ерда далиллар етарли эди. Унинг Майофариқиндаги оҳу ноласи Жалолиддин қатл этилган тоғларда акс садо берди. Шунда унинг ўлими тақдири азалнинг ёзғитларидан, ҳаёт бевафолиги дея нолиган котиб алам-изтиробга тўлиб: „Оҳ, агар Муҳаммад пайғамбарнинг яратувчиси уни яратмаганида эди, агар унинг ўлим фурсатини қандайдир тарзда орқага суриш имкони бўлганда эди, мен ўз умримнинг бир қисмини унга берган, унга отилган ажал ўқини ўзимга олган бўлардим. Аммо мен буларни ғам-ғуссага тўлиб ўйлаётган пайтимда ажал уни жиловлайдиган қудратли қўлдан чиқиб, нишонга бориб урилган эди. Эндиликда кўнгилдаги аламларни мисраларга тизилган дардлардан оламан, шу тариқа юракни ғамлардан бир оз бўлса-да бўшатаман, зеро, бўлак иш ҳам қолмади:

- — Эй, сен ғанимлар бўғзидан қон тирқиратувчи!  
Ўзинг-ку ўлдинг, оқиздинг ёш ўрнига қон.  
Чархи кажрафтор унинг маҳобатини намоён қилса,  
Ислом олами, давлатлар ҳолига бир боқ энди,  
Англарсан не ҳол: ислом таянчидан мосуво,  
Давлатлар кунпаякун, шухрат юлдузи сўнди.  
Каромат қилгандим, сендан сўнг, авж олишин олов,  
Сен кетдинг о Қулайб, анжуманлар бағри тўлди,  
Баҳс майдонида улар донолик либосин кийди,  
Сен бўлсайдинг, улар бўлар эдилар соқов“.

Муаррих аллома Султон ўлимидан сўнг шундай қайғуга тушдики, ҳақиқатан бу ифлос, разил курд ўз қилмиши билан Жалолиддинга умид кўзи билан қараган халқларнинг барчасига бахтсизлик келтирди. Натижада олам Жалолиддинсиз етим қолганлигини айта-айта йиғлаб бўзлайди. Ота ёки онадан ажралиб ёш фарзандлар етим қолгандаги шу оила аҳволидан қўни-қўшни, маҳалла ва қариндош, туққанлар қанча оҳ тортади.

Бутун бир Шарқ оламига Озодлик, Эрк ва Мустақиллик юлдузи бўлиб, дунёга офат уруғини сочаётган мўғулларга қарши кураш яловини кўтарган халқларнинг қаҳрамонидан ажралиши эса оламини мотам либосига буркади. Чарақлаган юлдуз сўниб, оламини зимистон ўз зулмати билан қоплади. Ўша даврдаги шарқнинг кўплаб сўз усталари, ҳикмат соҳиблари Жалолиддин ўлимига бағишлаб марсиялар битдилар. Аммо уларнинг барчасини келтириб ўтишга имкон йўқлиги учун унинг хизматиغا умрини бағишлаб, бир қўлида қалам, бир қўлида жанговар қурол билан охириги нафасгача ҳам Ватанга, ҳам Жалолиддинга содиқ қолган котибул-иншо ва аллома ан-Насавийнинг ўша даврда бутун шарқ халқларининг дард-ҳасратларини, шунингдек, гарчи Султон ўлган бўлса ҳам, унинг ўлимига ишонмай Султон Жалолиддин ўлмаган дея, ўзларини бир кунмас бир кун озод қилади, рўшноликка чиқаради, фарзандларимизга бахтли, эркин ҳаёт кечириш имконини бериб, барча ёвуз кучларни адолат шамшири билан у дунёга равона қилади дея ишониб, халоскор Жалолиддинни кута-кута бу дунёни тарк этганлар орзу-армонларини ўзида ифодалаган марсияси билан яқунлашни лозим топамиз. Бундан нафақат Султон

Жалолиддин, балки ан-Насавийнинг ҳам, қолаверса, шу буюк мақсад, яъни Ватанни озод қилиш йўлида моли, жони, борлигини аямай Султон Жалолиддиннинг мустақиллик учун кураш йўлида мағрур кўтарилган байроғи остида бирлашиб, жон олиб, жон берган баҳодир ва жасур Ватан ўғлонларининг руҳлари шод бўлсин:

Оҳ дўстгинам, абадий мангу!  
Бу андуҳ, чексиз изтироб тарк этмас мени!  
Биз бор-будимиздан ажралдик, бошқалар эса  
Кечагина имомлик рутбасига эга бўлиб бойиди.  
Қайга ҳам беркинардинг? Фақат қабрми,  
Кофирлардан ҳимояловчи энг сўнги маскан.  
Ахир у салтанат безаги эди  
Ҳаммадан устун эди ақлда, заковатда.  
Қаро ер қанча салтанатларни ютиб юборди,  
Даҳшатлар ичида энг даҳшатлиси шу.

Ан-Насавийнинг маълумотларига таянсақ, улуғ саркарда, Султон Жалолиддин Мангубердини ўша курд малъун 1231 йил 17—20 август кунлари орасида қатл этган бўлиб чиқади. Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг ўлим фожиасини ҳеч ким ан-Насавийчалик қайғу-ҳасрат билан тасвирлай олмаган. Унинг дард-аламларини йиғлаб-бўзлаб саҳифаларни кўзларининг ёшлари сел бўлиб, мотамсаролик зулматида қон қақшаб тўлдирган сўзлари орадан минг йиллар ўтишига қарамай ҳар қандай юракларни ларзага келтиради: „Қудратли тоғ бургути аянчли чумчуқ қўлида нобуд бўлди... Минг йилда бир марта дунёга келадиган шундай баҳодирнинг ўлимини, ҳатто фалак ҳам ғам-алам, кўз ёши билан кутиб олди. Султон ўлдирилиши арафасида осмон беғубор бўлиб, қуёш порлаб турган эди. Малъун курднинг ифлос найзаси Султонни нобуд қилгач, бир неча дақиқа ҳам ўтмасдан осмону фалакни қора булут босиб, даҳшатли чақин — момақалдироқ гумбурлаб, сўнгра қаттиқ жала қуйди“. Шундан кўринадики, бу буюк инсон ўлимидан осмону фалак ҳам йиғлаган. Ҳа, бу ҳақ гап. Шарқ халқларини жабр-зулм, босқинчилик, адолатсизликлардан кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилган Жалолиддин Мангубердиннинг қутлуғ қони эрк ва озодлик йўлида тўкилар экан, нафақат инсонлар, балки еру замин ва борлиқ коинот ҳам мотамга бурканган. Ҳақиқатда ҳам Жалолиддин Мангубердиннинг жасорат ва мардликка лиммо-лим тўла ҳаёти дунёга ибрат бўлса, озодлик ва мустақилликка фидо бўлган умр поёни ҳам ғоят қайғули бўлиши билан бир қаторда, ибрато-муздир. Бундай бетакрор фарзандидан ажралганда қурраи замин йиғласа, бунда ҳам бир илоҳийлик сир-синоати бордир. Замин улуғ фарзандига йиғлаб бағридан жой берибдими, демак, бу Парвардигорнинг она заминга йўллаган ҳукмининг вожиб бўлганлиги белгисидир, қолаверса, Парвардигор иродасидир.

Ан-Насавий таърифига монанд мотамсаро фикрини эронлик атоқли шоир Камол Исфаҳоний ижодида ҳам учратиш мумкин. У Жалолиддин Мангубердига атаб марсия битар экан: бу фожианинг мусулмон шарқи учун жуда катта йўқотиш эканлигини, тириклигида амалга оширган ишлари минг йилларга татигулик бўлиб, унда Турон ва Эрон замини, қолаверса, ислом олами халқларининг бетакрор, бемисл баҳодирли сифатида тарих зарварағидан жой олишга ҳақли эканлигини таъкидлаган эди. Султон Жалолиддиннинг ҳаёти, шахси келажак авлодни албатта қизиқтириши муқаррар эди. Негаки, буюк

инсонларнинг улуғлиги тарихий-илмий ва тарихий-бадий асарларда очила борар экан, унинг қиёфаси, феъл-атворидаги ўзига хос хусусиятларини бутун инсоният янада аниқ кўз олдига келтиргиси келаверади. Ан-Насавий буларни ҳам ҳисобга олди. Натижада Султоннинг юз тузилиши, маънавий-рухий дунёсининг ўзига хос жиҳатларини чизгилар тарзида ифодалашга ҳаракат қилади: „Султон Жалолиддин буғдоймағиз ранглик, ўрта бўйлик (шунини унутмаслик керакки, ўрта аср даври одамлари ўрта бўйлик дея тасвирлансалар ҳам уларни ҳозирги бўйдор одамларга қиёслаш зарур — **муаллиф Ж. Р.**), туркий қиёфалик ва туркийда гапирадиган одам эди, шу билан бирга, форсийда ҳам бемалол сўзлаша оларди. Унинг мардлиги ва жасурлигига келсак, юқорида ҳикоя қилганим — жанглардаги фаолиятини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя қилади. У шерлар орасида энг зўр шер эди, қўрқмас чавандоз, лашкарлар орасида тенгсиз ботир эди. У ювош, мулойим одам эди, жаҳлдор эмасди, ҳақоратомуз сўзларни айтмасди. У ниҳоятда жиддий эди, қулмасди, фақат жилмайиб қўярди, кам гапирарди. У ҳаққўйликни, адолатни улуғларди, аммо у яшаган даврдаги ғалаёнлар, алғов-далғовлар унинг феъл-атворини ўзгартирди. У қўл остидаги одамлар, фуқароларнинг оғир ҳаётини енгиллаштиришни хоҳлади, аммо у яшаган давр қонунлари уни баъзида зулм қилишга мажбур қиларди“.

Бироқ, бу ердаги зулм сўзини китобхон адолатсиз сиёсат юритилишининг оқибати деб эмас, юқорида муаррих эътироф этган оғир ва мураккаб шароит ва давр тақозоси сифатида қараш лозим. Чунончи, тинимсиз давом этган мўғуллар босқини, иккинчи тарафдан Султон Жалолиддиннинг ислом давлатларининг унга душманлик муносабатлари уни ўз лашкарини доимий жанговар ҳолда сақлашини, уларга қарши курашиш учун қўшинни етарли ва узлуксиз кийим-кечак, озиқ-овқат ва қурол-яроғлар билан таъминлашини талаб қиларди. Ҳиндистон, Аррон, Озарбайжон, Ироқ, Грузия ва Форсда давлат барпо қилишга эришган Жалолиддинга таъминотни тўкис қилиш, лашкар сақлаб туриш учун баъзан қайта-қайта ҳарбий харажат солиқларини ундириш, бож-хирож миқдорини узлуксиз оширишга тўғри келарди. Натижада вақт тифизлиги сабаб солиқларни мажбурий ундириш ҳоллари тез-тез содир бўларди. Иқтисодий танг аҳволга тушган аҳоли баъзан ғалаён кўтарар эди. Уни тушунтириш ва ташвиқот олиб бориш учун имкон ҳам бўлмасди. Қўзғолон тез бостирилиб, тартиб ўрнатиш шарт эди. Бундай пайтда чегарадан чиқмасдан иложи йўқ эди. Уруш даври қонунлари билан тинчлик даври тартиб-қоидаларининг бир-бирига тўғри келмаслиги шундан. Уруш даврида мамлакат барча ҳудудида ҳарбий ҳолат қонунларига амал қилинади. Бу жуда қаттиқ тартибларга амал қилиш демакдир. Давр талаблари адолатли Султон Жалолиддинни ўзи истамаган ҳолатда адолатдан баъзи ҳоллар чекиниб туришга мажбур қилди. Мўғуллар ўрнатган мустамлакачиликнинг жирканч жабр-зулми, қуллик кишанларини Осиё қитъаси заминидан супуриб ташлаш учун узоқ давом этган қирғин урушлар, сотқинлик, хоинликлар унинг асабини қақшатди, кун тартибида доим алангаланиб турган сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий муаммолар уни тоғ каби босиб турди. Буларнинг барчасида масъул жавобгар Султон Жалолиддин эди. Мутлақ тор-мор этилган Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қарийб бир миллионлик лашкаридан ҳеч вақо қолмаган, салтанат қулатилган ҳолатда, харобазорга айланган давлат биноси вайроналари остидан чиқиб, йўқни йўндириб, йиқилган, юрагини олдирган йигитларни қайта жанговар сафга тизиб, улардан Чингиз ва чингизийларни қақшатишга қодир қўшин туза олиш, гўрга тиқилган Хоразмшоҳлар давлатига қайта жон бағишлаб, унинг музаффарият байроғини Турондан Хуросон, Форс

қўлиғидан Ҳинд, ундан Эрон, Ироқ, Кавказ чўққиларигача, Месопотамия кенгликларидан Кичик Осиё ҳудудларига қадар яна ўн йиллар мағрур кўтариб ўтишдек буюк воқеалар улўф саркарда таржимаи ҳолини беади. Унинг озодлик учун кураши Шарқ тарихининг ёрқин саҳифаси бўлиб қолди. Султон Жалолиддин ана шу курашлардаги афсонавий жасоратлари билан жаҳоннинг энг буюк тарихий шахслари қаторидан ўрин эгаллади. Шунга кўра, гарчи у ўлган бўлса-да, бироқ юқорида ҳудудлари тилга олинган мамлакатлар халқлари уни тирик, ўлмаганга чиқаравердилар. Бу миш-миш ва афсоналашган гап-сўзлар яна мўғуллар ва Жалолиддин душманларини ваҳимага солди. Шу сўзларни тарқатганларга мўғуллар томонидан жуда қаттиқ, ҳатто ўлим жазолари халқ кўзи олдида берилди бошланди. Бироқ, бу жазолар ҳам кўп ҳолда натижа бермай қўйди. Жалолиддиннинг тириклиги фанимлар юрагига қанча гулгула солиб, пайтавасига қурт туширса, аксинча, ҳаётлари давомида Султон Жалолиддиндан ҳеч бир ҳукмдордан кўрмаган адолат, инсонийлик ва кўп яхшиликларни кўрган бундай инсонлар унинг номи ҳар куни жаранглаб туришини қалбан истадилар. Бунинг икки сабаби бор эди. Биринчиси, унинг ҳар бир олган нафаси, қалб уриши халқ ва Ватан озодлиги, эл-улўсга адолатли сиёсат юритиб уларни рўшнолик, эзгулик йўлига бошлаш бўлса, иккинчи сабаб эса душманга чексиз нафрат, душманлар гарчанд ғалаба қилсалар-да, фанимлар юрагига гулгула солиш, уларнинг бу эришган ғалабаларининг самараси ва мевасини заҳарга айлантириш, мағлуб юртда уларга тинчлик бермасдан маънавий-руҳий азоб беришдан иборат эди. Бу эса эрта-индин душман устидан ғалаба қилиш, Ватанни озод қилишга шарт-шароит яратар эди. Бунинг учун эса халққа маънавий-руҳий таянч керак эди. Халққа бирдан-бир куч берадиган ном бу Жалолиддин номи эди.

Тасаввуфдаги ватанпарварлик оқими — моддий дунё роҳатларидан воз кечиб, мўғуллар зулми исканжасига тортилган халқларнинг эгилган бошларини баланд кўтариб яшаш, душман ғалабаси ўткинчи ҳодиса эканлиги, фанимнинг тинимсиз тинкасини қуритадиган нарса халқнинг темир иродаси эканлигини ташвиқ қилдилар. Синган руҳларига малҳам бўлдилар. Бундай тимсол ҳам, жанговар қурол ҳам яна Жалолиддин номи жувонмардлар учун байроқ ва маёқ бўлди. Ёвуз мўғуллар Жалолиддин номини халқ тили ва дилдан чиқаришга қанча уринмасин, бирон иложини топа олмадилар. Тўғри, улар кўп салтанатларни ағдарди, яширди ва таназзул ботқоғига ботирди. Улар сўнгги чора сифатида кимки Жалолиддин Мангуберди жасоратидан оғиз очса, унинг номини тилга олса, ўлим жазосини қўллаб бошладилар. Мўғуллар салтанати ҳудудига кирган шаҳарлар, қишлоқлар, кечув жойлари, бозорлар, чегарани қўриқлаш масканларида соқчилар, жосуслар, изқуварлар бу тадбирга сафарбар этилди. Шунинг ўзиёқ Жалолиддин номи душманларга қўрқув ва ваҳима соладиган ғалваларни келтириб чиқарувчи даҳшатли кучга айланганлигини кўрсатади. Душманлар ва фанимлар барчаси бундан кейин энди бизга қарши қоя ва девор бўлиб турган тўсиқ йўқ, бу ёғига ғалаба нашидасини суриб яшайверамиз, дея завқландилар. Йўқ, улар кутганидек бўлмади. Султон ўлди, дея қувончи ичига сиғмаган фанимлар тинчи, ороми яна бузилди. Улар ошига яна пашша тушди.

Худди Ғарб оламида Исо пайғамбарни душманлари қатл қилгандан кейин қандай ҳолат юз берган бўлса, Жалолиддин ўлимида ҳам шунга яқин ҳолат содир бўлди. Рум салтанати ва унинг таянчи қулдорлар Исои Масиҳни йўқ қилдик, деб зафар тантанасини уюштирган эдилар. Мўғуллар қулдорлик салтанати ҳам ушбу тарихий хатонни такрорладилар. Мўғуллар Жалолиддин номини ўчираман деб қасд қилиб, бу қасдга

қарши ал-қасосу миналҳақ байроғини кўтарган халқ ҳаракатига йўлиқди. Бу Ватан, халқ озодлиги учун ўз жонидан истаган дақиқа ва сонияларда кечиб юборувчи инсонлар ҳаракати эди. Бу ҳаракатни вужудга келтирган куч ҳам Жалолиддин ва унинг номи бўлди. Ўрта асрлар даврининг энг машҳур тарихчиси Чингизхон ва чингизий ҳукмдорлар хизматига кирган Жувайний ўзининг „Тарихи жаҳонкушай“ асарида Хоразмшоҳлар салтанати тарихига алоҳида боб ажратиб, унда Жалолиддиннинг мардлик ва жасоратга тўла ҳаётига алоҳида тўхталади, бемисл жасоратини эътироф қилади ва бу ҳақда ошқора ёзади. Шунингдек, Жалолиддин ўлими билан боғлиқ воқеаларни ҳам ёритади. Бу ҳақда ишончли манбаларни келтиради. Бўлиб ўтган воқеани айнан аниқлашга ҳаракат қилган давлат арбобларидан Жалолиддиннинг Ироқдаги вазири Шарафуддин Али ат-Тафришнинг буюк саркарда ҳаётига оид манбаларидан фойдаланиб, уни қайта текшириб, унга ҳужжат сифатида ўз муҳрини босганлигига қадар аниқликда келтиради. Бу воқеаларга ўзи томонидан ёзилаётган Чингизхон тарихидан ўрин ажратади. Шундай воқеалардан бири 1235—1236 йиллар оралиғида Мозандарон (ҳозирда Эронга қарашли вилоят) вилоятининг Устундара қалъасида ўзини „мен Султон Жалолиддинман“ деб атаган одам барчани мўғулларга қарши ғалаёнга чақирганлиги таъкидланади: „Чин Темир ҳукмронлиги пайтида тотор амирлари (туманбоши ва ҳарбий саркардалари) ўша тарафга лашкар жўнатадилар. Улар ўша одамни кўрдилар ва унинг Султон Жалолиддинга ўхшашлигини билдилар. У ўз ёлғони, алдови қурбони бўлди ва қатл этилди“. Шунга ўхшаш воқеалардан бирини ўрта аср тарихчиларидан Ибн ал-Ибрий ҳам ўзининг „Тарихи мухтасар ад-дувал“ асарида баён этади: „Баъзилар айтишича, ўлган Жалолиддин эмас, унинг яроқбардори дейишади. Унинг ўзи сўфийлар кийимини кийиб вилоятма-вилоят кезиб юрганмиш. Одамлар Хоразмшоҳни фалон мамлакатда, фалон шаҳарда кўрдик, деган гапларга ишона бошлашди. 1254—1255 йиллар оралиғида (ҳижрий 652 йил) бир гуруҳ савдогарлар Амударё (Жайхун)нинг кечув жойидан ўтаётганда соқчилардан бири ўтаётганлар орасидан номаълум бир одамни тўхтатади. Соқчи ундан „кимсан“ деб сўраганида, у „Хоразмшоҳ Жалолиддинман“ деб жавоб беради. Соқчилар уни уриб, қийнаб ҳақиқий исмини айтишни талаб қилади. Аммо у айтган сўзидан қайтмайди ва қийноқлар остида ҳалок бўлади. Аммо у Хоразмшоҳ эмас эди, унинг сўзларига ишониб бўлмасди. У ўзини Жалолиддин номи билан атаб юрганлардан бири эди“. Бундай маълумотлар ўрта асрлар тарихнависларидан бири Рашидиддиннинг „Жоме ат-таворих“ асарида ҳам қайд этилади. Агарда улар келтирадиган далил ва маълумотларга мурожаат қилинса, ўзини Жалолиддинман деб ўз ўлимига рози бўлганлар рўйхати янада орта боради. Ана шу далилларнинг ўзиёқ Жалолиддиннинг номи халқ орасида қанчалик афсонавий қаҳрамонга айланганлигидан дарак беради. Жуда кўпчилик унинг номи билан ўлишни, қатлга боришни шараф деб билдилар. Мўғуллар минг хил азоб-уқубатларга дучор этиб, қийноқларга солмасин, азоб туфайли жонлари чиққунча Жалолиддин номи билан ихтиёрий ўлимга борувчилар сони камаймади. Улар жон бераётган чоғларида у дунё, яъни маҳшарда Жалолиддин билан учраштиришни Яратгандан астойдил илтижо қилиб сўраганлар.

Демак, Жалолиддин бошлаган озодлик ва мустақиллик кураши, Ватанга фидо бўлувчи, ўзини шу буюк мақсадга бағишлаганлар Султон номи билан имкон даражасида мўғулларга қаршилиқ кўрсатишни давом эттирдилар. Шулардан бири — мўғуллар жабр-зулми энг авж палласига кўтарилганда Бухоро аҳли 1238 йил Тароб қишлоғида қалқон ясовчи ҳунарманд Маҳмуд Таробий бошчилигида яширин қўзғолон тарафдор-

лари бўлиб, бу ҳаракат кейинчалик очиқ қуроли курашга айланди. Маҳмуд Таробий ўзи зўр-базўр кун кечириб туришига қарамай, ясаган қурол-яроғларини мўғулларга сотмасдан, уни махфий қўзғолончиларга тарқатди. Бошқа ҳунармандларни ҳам худди шундай тадбир қўллашга чақирди. Бу ошкора кураш бошланганлигини билдирар эди. Унинг озодлик ҳаракатига қўшилганлар айнан Жалолиддин Мангубердининг жангга чақирувчи, ҳужумга чорловчи байроғи ўлчами ва рангида ўз байроқларини тайёрладилар. Шу байроқ остида мўғулларнинг бир неча ҳарбий туманларини қириб ташладилар. Мўғуллар Маҳмуд Таробий қўзғолонини қийинчилик билан тор-мор келтирдилар. Нажмиддин Кубро ва Жалолиддин Мангубердининг Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида бошлаган ҳаракатини янги шароитда Маҳмуд Паҳлавон (Паҳлавон Пир) XIII аср иккинчи ярми — XIV аср биринчи чорагида нисбатан тинч шароитда мўғуллар кўзини шамғалат қилиб куч йиғиш, сўнгра ҳал қилувчи дамларда душмандан устунликни таъминлаб бўлгач, унга зарба бериш усулини қўллаб, давом эттирдилар. Негаки, бу пайтда мўғуллар миллий давлатчилигимиз устунларини йўқ қилиб, халқни қуликни эътироф этиш мафқурасига эътиқод қилишга мажбурий кўндиришга барча кучларини сафарбар қилган бир давр эди. Шуни ҳисобга олган Маҳмуд Паҳлавон ўз ҳаракати дастурининг вазифаси қилиб қуроли курашгача унинг шарт-шароитларини тайёрлашни асосий ўринга кўтарди. Бу даврда шароит ғоят оғир бўлиб, халқнинг нафақат жисмоний-руҳий ва маънавий кучи синдирилган, балки ҳарб майдонида Ватан дея ҳайқирган фарзандлари қириб ташланган. майиб-мажруҳ этилган дамлар эди. Ватан сўзи унуттирилиши, манқуртлаштириш сиёсати кетаётган эди. Паҳлавон Пир, аввало, Ватаннинг жисмоний, маънавий-руҳий бақувват фарзандларини тарбиялаш, руҳи синдирилган халқни оёққа тургазиб, бирлигини таъминлаш, сўнгра бир куч, бир мушт бўлган эл-улусни пировардида мақсад қилинган курашга чорлашни дастурига асос қилиб олди. Паҳлавон Пир ғоялари, унинг жамоаси бошлаган иш нафақат Турон, балки Эрон заминида ҳам акс садо берди. Жалолиддин Мангуберди 1224—1231 йиллар Эрон ва Озарбайжон ҳудудининг катта қисмини мўғуллардан тозалаб, ўз давлатини барпо қилган мулкларда XIV аср 30-йиллари охирларида сарбадорлар ҳаракати шакллана бошланди. Бунда икки омил ва ҳаракатланттирувчи кучни кўриш мумкин. Ўша ерлар халқи хотирасида Жалолиддиннинг қаҳрамонлик кураши, жасоратга тўла ҳаётдан миннатдорлик туйғуси ҳамон сақланиб турганлиги. иккинчидан эса, Маҳмуд Паҳлавоннинг жувонмардлик жамоа ҳаракатининг таъсири кучи айнан сарбадорлар —бошни дорга тикувчиларнинг ватанпарварлик ҳаракати вужудга келишида катта аҳамиятга эга бўлди. Сарбадорлар ҳаракати XIV аср ўрталарида Марказий Осиё ҳудудларига ёйилиб, оқибатда буюк Амир Темурнинг ҳарбий-сиёсий майдонга чиқишига уланиб кетди. Демак, Жалолиддин Мангуберди бошлаган мўғулларга қарши озодлик ҳаракати бир неча босқичларда давом этиб, уни ғалаба билан яқунлашдек улуг иш Амир Темурга насиб этди.

Шу билан Жалолиддин Мангуберди бошлаган озодлик ҳаракати гоҳ сўниб, гоҳ кучайиб 150 йилдан кейин ўзининг ниҳоясига етди. Қарийб бир ярим аср Ватан ва эл-улус мўғуллар истибдоди остида яшади. Шу давр ичида иқтисодий, маданий тараққиётнинг энг олдинги сафида турган юртимиз таназулга юз тутди. Тарих сабоқлари шундан далолат берадики, қайсидир миллат, давлат мустақиллигидан ажралиб ўзгаларга тобе ва қарам бўлар экан, ўша миллат ёки қавм парокандаликка учрайди. Шунинг учун ўз жони ва молу мулки барчасини ҳеч иккиланмай Ватан ва халқ озодлиги учун тиккан қаҳрамонлар абадий эъзоз ва шон-шарафга лойиқдирлар. Кимки.

халқ, эл-юрт учун фидо бўлибдики, бугунги ва келажак авлод улар хотираси олдида бош эгадилар, шунингдек, Ватан озодлиги, мустақиллиги йўлида буюк хизматларидан абадул-абад миннатдордирлар. Ундай марду майдон Ватан ва халқ қаҳрамонларининг номи абадиятга дахлдор бўлиб, мозийнинг олтин саҳифасидан ўрин олади. Шунингдек, халқнинг қудрати нималарга қодирлиги ўша буюк ва улўф зотлар тимсолида намоён бўлади. Бинобарин, Жалолиддин Мангуберди ҳам нафақат Ватан, балки жаҳон тарихида ўтган буюк тарихий шахслар орасида номи абадиятга дахлдор Порлоқ юлдуз ва халқнинг бетакрор қаҳрамонидир.

## **СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИНСИЗ ҚОЛГАН ҚЎШИН ҚИСМАТИ. КЎЗ КЎРИБ, ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН ТАҚДИРЛАР**

Бу воқеалар ўзи алоҳида йирик ҳажмли китобга сифмайдиган ҳолдадир.

Биз бу сўзларни ёки мавзу номини шундоққина келтирмадик. Бу воқеалар дунёнинг энг саргузаштларга бой Робинзон Крузо ва Дон Кихот ҳодисаларидан-да ўн чандон устун турса турадики, асло кам эмас. Султон Жалолиддин ўн йиллар териб-термичлаб, минг бир азоб-уқубатлар бўрони авж олиб Осиё ва Шарқий Европани зир қақшатаётган мўғулларга қарши курашга қодир темир интизомли қўшин туза олди. Чингиз ва чингизийларнинг қўшинига бир неча бор қақшатқич зарбалар берди, тилларда дoston бўлди. Тасаввур қилингки, унинг саркардаси ва Султони Жалолиддинни жангнинг ўн биринчи йили шафқатсиз ўлим домига тортди.

Шарқ озодлик ва мустақиллик ҳаракатининг буюк йўлбошчиси (таъкид муаллифларники, негаки, Жалолиддин Мангуберди бутун Шарқ, Ислom оламининг чингизийлар қуллигига тушмаслиги учун қирғин-қиймат жанги олиб борарди) жангда эмас малъун курд қароқчи томонидан ўлдирилди. Унинг қўшинининг бир қисмини мўғуллар тунги қўққисдан қилинган ҳужум билан тигдан ўтказди. Натижада унинг тажрибали саркардалари қуршовни ёриб чиқиб кетишга муваффақ бўлди. Йўлбошчисиз, бош қўмондонсиз қолган Жалолиддин Мангуберди қўшинининг Жалолиддинсиз янада машаққатли даври бошланди. Ҳарбий-сиёсий вазиятнинг Кичик ва Фарбий Осиё ҳудудларидан то Миср, яъни Шимоли-шарқий Африка, ундан Фаластин, Сурия ҳудудларига қадар барча машаққат, азоб-уқубатларининг барчасини Хоразм лашкари буюк лашкарбошисиз ўз бошидан кечирди. Шунини таъкидлаш лозимки, Жалолиддин Мангуберди бор вужуди, бор истеъдоди, ноёб ҳарбий қобилияти боис турли давлатларнинг қўққисдан қилган, кўпинча эса хиёнаткорона ҳужумларидан мағлубият аламини тотса ҳам, яна тез ўзини ўнглаб олди. Жалолиддин Мангуберди ўлимидан кейин бу қўшин гўё ўзидан ўн, юз баробар кучли бирлашган қудратли иттифоқчилар денгиз флотига қарши жанг олиб бораётган жанговар кема мисол хоразмшоҳлар байроғини Кичик ва Фарбий Осиё, Миср, Фаластин, Сурия, Ўртаер денгизининг шарқий соҳиллари бўйлаб зафарлардан-зафарларга улаб, кўтариб ўтдилар. Жалолиддин Мангуберди тарбиясини олган саркарда ва амирларнинг аксарият забардаст ва машҳур лашкарбошилари ўз султонидан ё олдин ёхуд у билан ҳалок бўлишига қарамасдан, ҳаёт қолган саркардалари ўлимларни, инсон зоти бардош бериши қийин бўлган азоб-уқубатларни доғда қолдириб, Султони Жалолиддин Мангуберди номига муносиб, жанговар ворислик шарафини она юртидан минглаб, ўн минглаб қақирим масофа узоқ ҳудудларда шерлардек олишиб ҳимоя қилдилар. Афсуски, жилд-жилд китобларга манба ва бир вақтда ақл бовар қилмас воқеаларга уланиб кетадиган


сир-синаотларга калит солиб, унинг лол қолдирувчи манзараларини еритиб, аждодларимиз, бобокалонларимиз баҳодирликда Европанинг даҳшатли рицарлари ва уларнинг қўмондон ва императорлари, ҳатто салибчиларнинг ғоявий-молиявий ҳомийлари Рим папаларига қадар тарихий воқеалар иштирокчиси ва иждокори бўлганлигини очиш имконияти бир китоб қамровига сифмаганлиги боис, китобхонларимиздан узримизни сўраганимиз ҳолда келажакда уни мустақил китоб ҳолида ҳаётидан умидвор қиламиз. Ҳозирча, айрим ва умумий маълумотларни денгиздан томчи ўрнида ҳавола қиламиз. Булар фақат тарихий сана ва айрим маълумотлардан иборат бўлади, холос.

Жалолиддин ўлимидан кейин сал ўтиб Султонга қарши бўлган иттифоқчилар Миср, Араб халифалиги, Кичик Осиё ва Сурия ҳукмдорлари энди ўзаро ҳудуд таллашиб кураш бошлади. Бу ёрига муаммо ўша курашда Хоразм қўшини ким томонда туриб жанг қилади тарзида ечимини кутди. Бунда улоқни Кичик Осиё ҳукмдорларидан Кўния Султони, Жалолиддин Мангубердига душманлик тарафда турган Кайқубод I илиб кетди. Хоразмшоҳ Жалолиддин ўлимидан сўнг Хоразм лашкарига Қирхон Малик Бош қўмондон қилиб тайинланди. Кўния ҳукмдори Кайқубод I Жалолиддиннинг саркардаларидан Баракатхон, Атласхон, Насриддин Қўшлухон, Йилонбуға, Сарухон, Сайфуддин Содиқхон, Йўғон Тўғдихон ва бошқа сарҳангларига катта шоҳона зиёфат бериб, бир неча вилоятларни уларга иқтоъ мулк қилиб берди. Ҳар бирига хазинасидан қимматбаҳо совғалар улашди.

1237 йил 4 май куни Кайқубод I вафот этиб, унинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш бошланди. Бош қўмондон Қирхон Малик қамоққа олиниб, сиёсий жиноятчилар ётадиган Заманту зиндонига ташланди. Бу ерга тушган одам тирик чиқмасди. Турли захарли ҳашаротлар — кана, чаён, илонлар зиндонхоналарда одам қонини сўриб яшар эдилар. Қисқа кунда қоқ суякка айланган Хоразм лашкари бош қўмондонни ўлим топди. Хоразмлик лашкарбошилар ҳам бир кунмас бир кун Қирхон Маликнинг тақдири ўз бошларига тушишидан хавфсираб, иқтоъ қилиб берилган Арзинжон ва Анадўли ерларини ташлаб чиқиб кетишга аҳд қилишди. Отаси Кайқубод I нинг тахтига ўтирган ўғли Ғиёсиддин Кайхусрав хоразмликларнинг ҳудудни тарк этиб чиқиб кетишини хоинлик деб баҳолаб, улар кетидан қўшин жўнатди. Аммо бу қўшинни хоразмликлар Жалолиддин Мангубердининг таниқли саркардаларидан бўлган Баракатхон бошчилигида мағлуб этди. У Хоразм лашкари Бош қўмондонни сифатида (1237—1246 йиллар) салкам ўн йил жангу жадал олиб борди. Уни эътироф этган айюбийларнинг машҳур Миср Султони ас-Солиҳ Баракатхонга қизини бериб куёв қилди. Аммо у Баракатхоннинг ҳарбий қобилиятидан ҳадиксираб, гумонсираб яшади, тахтни эгаллаб олишидан қўрқди. Хоразмликларга ас-Солиҳ Санжар, Ҳаррон ва Руҳа вилоятларини иқтоъ қилиб берди. Шунингдек, Ҳарбий қароргоҳ қуришга рухсат берди. Баракатхон Мўсул ҳукмдори хазинаси ва мулкларини хизмати эвазига хоразмликларга бериш талабинини қўйди. ас-Солиҳ бунга ҳам рози бўлди. Шу орада ас-Солиҳ билан Кўния Султони ўртасида уруш бошланди. Хоразм қўшини Амид остонасида Кўния Султони қўшинларини мағлуб этди. Шу ғалабадан кейин Баракатхон ва хоразмликлар лашкари обрўси тез ошиб, мавқеи янада мустаҳкамланди.

1239 йил Баракатхон ас-Солиҳдан Дамашқни босиб олишга рухсат сўради, бу ҳудуд ҳам эгалланди, шундан кейин Хумсга ҳужум қилиниб катта хирож олинди.





Султон Жалолиддин 1228 йил Исфахон яқинида мўғулларга қарши ҳужумга ўтиб, ғанимларни қақшатқич мағлуб этди. Жалолиддиннинг ўша жангдаги жасоратидан ҳайрат ёқасини ушлаган хоқоннинг машҳур қўмондони Тайнал нўён Султонга бундай дея мурожаат қилган: „Сен даврнинг чинакам даҳо саркардасисан ва шундай бўлиб қоласан.“



Жалолиддин Хоразмшоҳ Чингизхоннинг машҳур саркардаси Тайнал нўён қўшинини Исфахон остонасида қириб ташламоқда. 1228 йил.



1240 йил Мисрнинг катта қисмида ҳукмронлик қилаётган ал-Малик ал-Одил мулкларига ҳужум қилиб, ас-Солиҳга акасининг тахтини Баракатхон қайнотасига тортиқ қилди. Энди ас-Солиҳ Хоразм лашкари кучига таяниб, бутун Миср ҳудудининг ягона ҳукмдорига айланди. Бундан кейин ас-Солиҳ Баракатхонга Суриянинг Миср ҳудудларига кирмаган вилоятларини эгаллашга кўрсатма берди. Жаъбар ва Балис қалбалари забт этилди. Навбат мустаҳкам Халаб шаҳрига келди. Жуда қаттиқ жанглarda хоразмликлар қўли банд келиб шаҳар эгалланди. Шундан кейин Жубул, Талл, Аъзоз, Сурмин ва Маора шаҳар ва атроф ерлари забт этилди. Хоразм лашкари катта ўлжаларга эга бўлди. Миср Султони ас-Солиҳнинг шубҳа ва гумонлари тўғри чиқиб, Ғарбий Осиёда ҳукмдорлик қилаётган барча қариндош айюбийлар ҳукмдорларига Хоразм лашкарини мағлуб этиш учун иттифоқ бўлиб курашишга чақирди. Натижада барча айюбийларнинг тожу тахт, хазинаси ва ҳудудлари Хоразм қўшини томонидан эгалланиш хавфи ошкор бўлгач, айюбий ака-ука ҳукмдорлар ягона бирлашган иттифоқчи қўшини туздилар. Унинг қўмондони қилиб ас-Солиҳ Исмоил айюбий тайинланди.


Хоразм қўшини Роққа тарафга чекинишга қарор қилиб, Фирот дарё кечуви томон йўл олди. Чунки бундай йирик кучлар билан узоқ жанг қилиб бўлмасди. Баракатхон Жалолиддин Мангубердининг жанг услубларидан бири қопқа усулини қўлаб, жангга кирди. Бу ҳозирги замонавий ҳарбий тактика тилида жанг олиб боришнинг аръергард усули деб юритилади. Бунда асосий қўшинни омон сақлаб қолиш учун то улар хавф-хатардан узоқлашгунча аръергард қисм ўлимни бўйнига олиб сўнгги нафасгача жанг қилади, кўпинча, бу жангда ҳеч ким тирик қолмайди.

Иттифоқчилар 1241 йил 9 апрелда Баракатхон қўшинига етиб олди ва жангда хоразмликлар қўшини мағлубиятга учратилди.

Улар учун таваккал битта йўл ва илинж қолган эди. Гарчи Жалолиддин Мангубердига душман бўлса-да, унинг буюк жасорати олдида тан бериб жасадини иззат-икром билан дафн қилдирган Майофариқин ҳукмдори ал-Музаффар ҳузуридан бошпана сўрашдан ўзга илож йўқ эди. Омон қолган Хоразм қўшинига ҳукмдор бошпана берди. Кўния Султони буни эшитиб ал-Музаффардан воз кечиб, Хоразм лашкарини ўзига хизматга ўтишга ундади. Аммо улар таклифи рад этилиб, яхшиликка ёмонлик, инсонийликка зидлигини билдиришди. Натижада Хоразм лашкари яна дарбадарлик юришларини бошидан кечириб, Яқин Шарқ тараф ҳудудлари томон йўл олди. Бундан хабар топган Миср Султони аввалги гиналарни унутиб, хоразмликлар лашкари билан музокара бошлади. Негаки, Ғарбий Европанинг бирлашган рицарлардан иборат салибчиларнинг кучлари навбатдаги Шарққа юришини уюштириб, ислом олами давлатларига ҳал қилувчи қақшатқич зарба беришга тайёргарлигининг сўнгги босқичида турганлиги хабари Миср Султониға маълум бўлган эди. Ғоят оғир аҳволда қолган ас-Солиҳ Хоразм лашкарининг ўз ҳудуд чегараларига яқин жойда эканлигидан хабар топиши ҳамоно, ўз ишончли элчиларини Баракатхон ҳузурига жўнатди.

Элчи Хоразм саркардаларига Қуръони Каримни ўртага қўйиб: „Ҳеч қачон ҳукмдоримиз ас-Солиҳ ва унинг сарой амалдорлари бундан бу ёғига сизларга шубҳа-гумон билан қарамайди. Балки ишонч, қардошлик, диндошлик кайфиятида муносабат юритиб, амалда буни исботлашга сўз берди. Энди бу ёғига Ислом оламиға Ғарбий Европа салибчилари томонидан бошланаётган навбатдаги даҳшатли ҳужумни

тўхтатиш ва уларга қақшатқич зарба беришдан иборат ягона муштарак мақсад йўлида кучларни бирлаштиришга қолганлигини ас-Солиҳ элчиси таъкидлайди ва Хоразм лашкарининг аввалги мулкӣ ва сиёсий ҳуқуқлари тикланганлигини алоҳида, шунингдек, ҳукмдори номидан қайд этади. Баракатхон ва унинг измидаги Хоразм лашкарбошилари, саркарда ва амирлар: „Хоразм лашкарини етарли озиқ-овқат, кийим кечак, от-уловлар ва қурол-яроғлар билан тўла таъминлаш“ шартларини қўядилар. Элчи барча талабларга кўнади. Шу тариқа Хоразм лашкари 1244 йил ёзига қадар ўзининг жанговар қудратини тиклаб олишга эришди. Энди Жалолиддин Мангуберди таълимини олган Баракатхон қўмондонлигидаги Хоразм лашкари Фарбий Европанинг энг қудратли қўшинига қарши ҳал қилувчи жангга тўла тайёр эди. Бунга Миср Султони ас-Солиҳ ҳам ишонч ҳосил қилиб, бутун нажот Хоразм лашкаридан эканлигини англаб турарди. Салибчиларнинг асосий қўшини Европа қиролларининг ишонган саркардалари бошчилигида куз фаслида етиб келишлари кутилди. Хоразм лашкари бунга қадар жанговар машқларни куну тун олиб бориб, жангга тайёр турдилар.



**САЛИБЧИЛАРНИНГ ТОР-МОР  
ЭТИЛИШИ. САЙФИДДИН ҚЎТУЗ  
МИСР СУЛТОНИ: „АМАКИМ  
ЖАЛОЛИДДИН ХОРАЗМШОҲ УЧУН  
АЁВСИЗ ҚАСОС ОЛДИМ“**

## САЛИБЧИ РИЦАРЛАР БИЛАН ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЖАНГ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Бу бошланажак жангда салибчилар, асосан, икки вазифани ҳал қилишни мақсад қилдилар. Биринчидан, салкам икки аср курашиб олинган энг муҳим Ўртаер денгизи шарқий соҳилларида хоразмликлар ҳужумлари туфайли қўлдан кетган ерларни қайтариб олиш, асосан, Фаластин ва Қуддусни эгаллаб, у ерларда мустаҳкам ўрнашиб қолиш. Иккинчидан, салибчиларга асосий ғов бўлган хоразмликлар лашкарини бутунлай қириб ташлаб, уни қурол-аслаҳа, озиқ-овқат ва маблағлар билан таъминлаб турган ҳомий Миср Султонлигига зарба бериб, Африканинг шимоли-шарқидаги серҳосил Нил воҳаси ерларини босиб олиш режасини амалга оширишдан иборат эди. Бунинг учун улар Сурия ҳудудини доимий босқинчилик юришлари олиб борадиган таянч истехкомга айлантириши лозим эди. Сурия айюбий ҳукмдорлари таклифи салибчилар учун айна муддао бўлди. Бўлажак офир жангларнинг барча маънавий ва моддий таъминотига ҳомийликни — қудратли қўшин ёллаш, Европа феодалларининг машҳур лашкарбошилари танлаш — барчасини Рим папаси ўз зиммасига олди. Ҳал қилувчи жангга зўр тайёргарлик кўрилди. Ўз вақтида хоразмлик лашкарбошилардан Ҳусомиддин Баракатхон раҳнамолигида ҳарбий Кенгашга йиғилган Йилонбуға, Сарухон, Хонберди, Сайфиддин Содиқхон, Атласхон ва Насриддин Қўшлухонлар салибчилар ва уларнинг иттифоқчиларини тор-мор этиш режаларини ишлаб чиқишга киришдилар. Маълумотларга кўра, салибчилар тиштирноғига қадар қуролланган 70 мингта яқин рицарлар бўлиб, бутун танаси — бошдан-оёқ пўлат совут, дубулға, қилич, найза, ўқ-ёй ўтмайдиган жанговар зирҳли ҳарбий кийимлар билан ҳимояланган эдилар. Жангда уларнинг сафга тизилишининг ўзи жуда ваҳимали, ғанимларга ғоят кўрқинчли, енгилмас бўлиб кўринган.

1244 йил 16 октябрда тушдан кейин Ғазза шаҳри яқинидаги Ҳарбия қишлоғи олдидаги катта майдонга осмону фалакни чангу тўзонга буркаб, жангларда донг таратган салибчи рицарлар лашкарбошилари ўз қисмлари ранг-баранг байроқ ва туғларини баланд кўтарганича келиб, ўринларини эгаллаб, жанг майдонида жойлаша бошлайди. Бир вақтда Хоразм лашкарбошилари ҳам уларнинг қарама-қарши тарафига ўз қароргоҳини тика бошладилар. Ҳар икки томоннинг бемалол ва бамайлихотир қўшинларини жойлаштириб, чодирларини тикишига қараганда жанг эртасига бошланишидан дарак берарди. Салибчи рицарларнинг энг яхши кўрган жанг услуби ёппасига тўфон янглиғ ҳужум билан ғанимларини довдиратиб, зарба беришдан бошлаш эди. Хоразмлик лашкарбошилар буни ҳисобга олиб, ўз Султони Жалолиддин Мангубердининг Нилабдаги қиёмат жангида Чингизхонни ҳайратга солган ҳарбий усул—жанговар мудофаа, яъни душман ҳолдан тойгач қарши ҳужум — ёяндоз — яримёйсимон ҳолда жанг қилиш усулини қўллашга қарор қилишди. Бу усул Чингизхонни ҳам ҳайратга солган эди. Эрта тонгдаги жанг шу усул билан олиб борилишига келишиб олинди. Амир ул-умаро Бош қўмондон Хоразм қўшини қалбидан жой олиб, марказдан туриб ўнг ва чап қанотлар билан ғул қўшин ҳаракатларини мувофиқлаштириб турадиган бўлди. Амир Рукниддин Байбарс

бошчилигидаги Миср лашкарлари изофада туриб рицарлар суворийлари ўнг ёки чап қанотдан айланиб ўтишга уринадиган бўлса, уларнинг йўлини тўсиб чиқиш топширилди. Бу қўшиннинг рицарлар билан жанг тажрибаси йўқлигини ҳисобга олиб, уларни захира назоратида ушлаб туриш мақсадга мувофиқ деган қарорга келинди. Бош қўмондон Баракатхон Йилонбуға, Сарухон ва Хонберди сарҳангларини ўнг қанот ҳимоясига, Сайфиддин Содиқхон, Атласхон ва Насриддин Қўшлухонларнинг лашкарини чап қанотга жойлаштирди.

Салибчилар ва уларнинг иттифоқчилари бўлган Сурия айюбий ҳукмдорлари қўшинлари қўидаги тартибда жанговар ҳолда саф тортдилар. Марказда сурияликлар, ўнг тарафда эса ҳар бири олти мингдан ўн-ўн икки минг нафар отлиқ ва пиёда зирҳли рицарлардан иборат салибчилар қўшини жой олдилар. Улар тўрт қатор саф бўлиб жангга тайёр ҳолда ҳужум ишорасини кутиб турарди. Салибчиларнинг ҳар бир сафини, жумладан, биринчи қатор зирҳли лашкарӣ қисмини Сур лорди Филипп Монфор, 2-қатор сафни Яфора графи Вольтер Бриенн, 3—4-қаторларни эса Сур архиепископи Пётрлар бошқарадиган бўлди. Бу лашкарбошилар Византия империяси қўшинларини тор-мор этишда номлари Европа ва Яқин Шарқда машҳур бўлган рицарлар қўмондонлари сирасидан эдилар. Рицарларнинг бу жанговар оғир зирҳли қўшини Баракатхон қўмондонлигида жанг қилувчи хоразмлик лашкарбошилардан Сайфиддин Содиқхон, Атласхон ва Насриддин Қўшлухон қўмондонлигида лашкарнинг чап қанотини бир ҳужумда қириб ташлаб, сўнгра ўнг ва марказ қўшинларини бир-биридан ажратиб, уларни алоҳида-алоҳида тор-мор қилишни режалаштирди. Жанг бошланиши биланоқ хоразмликларнинг ўнг қанотига Карака ва Ҳамот ҳокимининг чап қанот қўшини қўмондони ал-Малик ан-Носир зарба бериши мўлжалланди. Кутилганидек жанг ҳужум билан салибчилар Хоразм лашкарининг чап қанотига зарба беришдан бошланди. Жанг борган сари кучайгандан-кучайиб, шафқат-сизона майлда давом этди. Султон Жалолиддиннинг мўғулларга қўллаган жанг усули ёяндоз — яримдоира тактикаси салибчилар билан тўқнашувда ҳам ўзини тўлиқ оқлади. Салибчилар неча бор хоразмликлар сафини ёриб ўтишга интилиб ҳужум қилмасин, бунинг уддасидан чиқа олмадилар. Хоразмлик лашкарлар бу жангда рицарларнинг тиф ва ёй ўқлари ўтмас зирҳларига қарши бўртма учли гурзи ва илмоқли жанговар қуролни ишга солиб, уларни аёвсиз мажақлашга киришдилар. Қарийб 45—50 кг оғир кийимдаги салиб рицари суворийсига чап бериб, илмоқ солиб тортганларида тезда улар ўз мувозанатини йўқотиб, одан йиқилар эканлар, зирҳли рицарлар шу зайлда майиб-мажруҳ бўлардилар. Салибчиларнинг пиёда зирҳ кийган қўшинига қарши курашишда қулай қурол гурзи ва итқитилувчи тўқмоқ бўлди. Узун дастали найзалар билан қаттиқ ҳамла қилинганда бош ва елкадан зарба олган рицарлар ўзларини бошқара олмай ерга қулардилар. Йиқилган зирҳдаги рицар биров келиб ёрдам бермагунча ўрнидан туриши ҳам даргумон эди. Шу тариқа хоразмлик лашкарлар тифўтмас салибчи рицарларнинг заиф томонларини топиб, зарба берадиган жиҳатларини яхши эгаллаб олган эдилар. Буларни ҳисобга олган хоразмликлар жанг бошланиши биланоқ Карака ва Ҳамот ҳокимликларининг қўшинига ўнглаб бўлмас зарба бердилар. Улар биринчи зарбадаёқ тумтарақай бўлиб, жанг майдонида сочилиб кетдилар. Сўнгра Бош қўмондон Баракатхон ўнг ва чап қанотига салибчиларнинг орқа томонига айланиб ўтишга буйруқ берди. Қўшиннинг қалбида жанг олиб бораётган Бош қўмондон Баракатхон ўзи бошқараётган қўшин билан салибчиларни

чалғитиб турадиган бўлди. Негаки, салибчилар бутун кучини бу пайтда марказ қўшини билан унинг ўнг қанотини ажратиб ташлашга уринаётганлиги яққол маълум бўлган эди. Баракатхон шу лаҳзалардан унумли фойдаланиб, асосий офирликни ўз зиммасига олди, ҳар иккала қанотига ғанимларни айланиб ўтишлари ва орқасидан чиқишларига шароит яратиб берди. Шу пайтда Бош қўмондоннинг олдинги сафдаги жангчиларининг кўпчилиги ҳалок бўлди. Лекин улар душманни қуршовга олиш ва тузоққа илинтиришда салибчиларнинг асосий қўшинини ўзига жалб қилиб турдилар. Олдинги сафдагиларнинг катта талафот кўришларига қарамай сўнгги нафасгача бардош бериши салибчиларга жуда қимматга тушди. Марказ қўшини ўзларини ҳалокат майдонига отиб жон берар эканлар, жанговар сафдошларининг ғалабасига замин яратиб бердилар. Натижада салибчилар тўла қуршовга тушиб қолдилар. Қуршов майдони салибчиларнинг ўлик ва ярадорлари билан тўлди. Майдонда рицарларнинг 30 мингдан ортиқ ўлиги ва яна шунга яқин ярадорлари ётарди. Манбаларда қайд этилишича, фақат 800 нафар рицар асир олинган, 40 йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлади, деган мақолни эсланса, рицарлардан оз сонли салибчиларгина бу қамалдан чиқиб, ҳаётини сақлаб қолишга эришган, холос. Салибчилар Бош қўмондони Граф Вальтер Бриен ва унинг машҳур саркардалари барчаси асир олинди. Бу буюк ва тарихий ғалаба бўлиб, ана шу зафар туфайли Ғарбий Европа қироллари Рим папаси ғоявий ташкилотчилигида XI асрда бошланиб, XIII асрда ҳам давом этган бу урушдан наф йўқлигини унинг раҳнамолари ана шу офир мағлубият туфайли англаб ета бошладилар. Шубҳасиз, салибчиларнинг хоразмлик лашкарий кучлари томонидан қақшатқич зарбага учратилиши Яқин Шарқ, Ислом давлатлари, шунингдек, Миср Султонлиги учун ҳам катта тарихий воқеа бўлди. Ушбу ҳудудлардаги мамлакатлар ва халқлар озодлиги сақлаб қолинди. Ўртаер денгизи шарқий соҳилидаги халқлар эса салибчилар зулмидан озод этилди. Салибчиларнинг хоразмлик лашкарлар томонидан тор-мор этилиши нафақат салибчи рицарларнинг Шарққа юришларигагина барҳам берди, балки 1204 йилдан бошлаб ўз мустақиллигини йўқотган Византия салтанатининг қайта тикланишига шарт-шароит яратди. Салибчиларнинг икки ярим асрлик Шарққа ҳужумлари сўниб, оқибат барҳам топди. Ислом дунёси учун бу ғалаба улуғ ва тарихий аҳамиятга эга эди. Бу Хоразм лашкарининг Шарқ ва Шимоли-шарқий Африка халқлари олдидаги буюк хизмати бўлди. Шунга кўра, ўрта аср тарихчилари салибчиларнинг Шарқни эгаллаш бобидаги вайроналик келтирувчи босқинчилик урушлари ва уларнинг оқибатлари билан боғлиқ воқеаларни қайд қилар экан, сал кам уч аср давомидаги воқеалар орасида фақат икки ҳодиса шарқ халқлари тақдирида буюк бўлганлигини таъкидлайдилар. Агар салибчиларнинг Шарқдаги ислом мамлакатларига қарши дастлабки юриши 1095—1096 йилларда бошланган бўлса, то 1187 йилга қадар ғарблик рицарлар қўшинини ҳеч ким қайтара олмаган эди. Рицарларнинг Шарққа ялпи ҳужумини тўхтатишга илк бора Миср Султони ва машҳур лашкарбошиси Салоҳиддин муваффақ бўлган эди. 1187 йилда салибчиларга зарба, бериб Қуддусни озод қилган кун Шарқ учун энг улуғ сана тарзида эътироф этилади. Аммо Салоҳиддин ғалабасини ундан кейин ҳимоя қиладиган лашкарбоши топилмади. Натижада салибчилар Қуддус ва Ўртаер денгизи шарқий ҳудудларини қайта эгалладилар. Бу фожиа то хоразмлик лашкарлар 1244 йил кузида салибчиларга қақшатқич зарба бергунга қадар давом этди. Шунга кўра ўрта аср Шарқ

тарихчилари Хоразм лашкари эришган буюк ғалабани қиёслаб, хоразмликлар эришган ғалаба Миср Султони Салоҳиддин ғалабасидан ҳам буюк эканлигини шундай таърифлаган эдилар: „Бу бир буюк кун эди. Ислом даврларида, ҳатто Салоҳиддин даврида ҳам бундай улуғ кун бўлмаган эди!“. Ана шу таърифнинг ўзиёқ хоразмликлар лашкарлари XIII аср ўрталарида Яқин Шарқ халқлари тақдирида қандай халоскорлик миссиясини бажарганлигини исботлайди. Бу ғалаба шарқ халқлари тақдирида буюк ҳодиса бўлган эди. Салибчиларнинг хоразмлик қўшинлар томонидан тор-мор этилиши ҳақидаги хушxabар Миср Султонлиги пойтахти Қоҳирага бир ойдан кейин — 1244 йил 18 ноябрда етиб келди. Асир олинган рицарлар ўз бошлиқларининг узилган бошларини Қоҳира кўчаларидан намойишкорона кўтариб ўтишга мажбур этилди. Мисрда ва Ислом давлатларининг барчасида бир неча кунлик байрам эълон қилинди. Халқ сайиллари ташкил этилиб, ғалаба шодиёналик билан нишонланди. Ғалаба боис Миср Султонлиги Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги ҳудудларни ўз мамлакати таркибига киритди. Баракатхон Бош қўмондонлигидаги Жалолиддин Мангуберди қўшинининг ушбу ғалабаси салибчилардан Ислом дунёсини сақлаб қолиб, халоскорлик вазифасини бажарган „Буюк тарихий воқеа“ дея замон тарихчилари эътироф этдилар.

Миср Султони ал-Малик ас-Солиҳ салибчилар билан иттифоқликда хоразмликларга қарши турган суриялик айюбий ҳукмдорларни умумий манфаатларга хиёнат қилганликда айблаб, уларга зарба бериб, Сурия ҳудудларини ҳам ўз тобелигига ўтказиб юбормоқчи бўлди. Шунга кўра, Сурия ҳукмдорлари гарчи ас-Солиҳга қариндош бўлсалар-да, уруш бошлашга аҳд қилдилар. Бунда асосий ҳарбий юришларни олиб бориш Хоразм лашкари зиммасига юклатиладиган бўлди. Шу тариқа Миср Султони ўз ҳудудларини Хоразм лашкари куч-қудрати билан кенгайтириб, уни Шарқдаги қудратли салтанатга айлантириш мақсадини қўйди. Бу ҳарбий ҳаракатларда Хоразм лашкарига Миср лашкарбошиси Рукниддин Бойбарс ёрдам берадиган бўлди. Унинг ихтиёрига Қоҳирадан лашкарий ёрдамчи кучлар жўнатилади. Бу кучлар бирлашгач Ғаззадан Дамашққа қараб юриш бошладилар. Шу билан хоразмликлар Бойбарс билан иттифоқликда 1245 йил сентябрида Дамашқ шаҳрини қамал қилишга киришдилар. Шу тариқа Жалолиддин Мангубердининг қўлида узоқ йиллар мағрур ҳилпираган хоразмшоҳлар байроғи Яқин ва Ўрта Шарқ бўйлаб қайтадан кўтарилар экан, энди Фарбий Европанинг энг қудратли кучи салибчилар ва уларнинг иттифоқчиларини Ислом олами ҳудудларидан ёппасига ҳайдаб чиқариб, мағлуб этиш тимсолига айлана борди. Европанинг сараланган кучи ҳисобланган салибчилар учун хоразмликлар қўшини тимсолида улар кутмаган, ғоят қудратли фавқулодда кучга дуч келганлигини эътироф этишга мажбур бўлдилар.

Хоразм лашкарлари салибчиларни қақшатқич мағлубиятга учратгач, бу лашкарнинг доврўғи Яқин Шарқ ва Мисрда янада ошиб кетди. Миср ҳукмдори ҳужумни давом эттириб, Дамашқни эгаллашга фармон берди. Хоразмликлар Дамашқ вайрон бўлмаслиги учун таслим бўлиб, катта товон тўлашга Дамашқ ҳукмдор ва лашкарбошилларини кўндирди. Бундан хабар топган ас-Солиҳ Дамашққа Хоразм лашкари эмас, Миср қўшини кириб, хирожни ҳам улар олишлари тўғрисида фармон йўллади.

Бундан ғазабланган Хоразм лашкари Миср қароргоҳи жойлашган Ғазза шаҳрига қараб юрди. Қароргоҳ Бош қўмондони Рукниддин Бойбарс Хоразм лашкарлари,



саркардаларининг жасоратига тан бериб, улар билан жуда яқин муносабатда эди. Унинг хотини ҳам хоразмшоҳлар сулоласидан эди. У лобар аёл бўлиши баробарида, ақлли, ҳарбий-сиёсий ишларни яхши билгани учун эри Бойбарснинг яқин маслаҳатгўйи ҳам эди. Хоразм лашкарлари Бош қўмондони Баракатхон ва унинг амирлари ас-Солиҳ фармонидан қатъий норозилигини билдирдилар. Ҳақиқатгўй ва мард қўмондон Бойбарс ас-Солиҳ ҳузурда уларни ҳимоя қилишга сўз берди. Миср Султони учун хавотир етарли эди. Бойбарс хоразмлик маликаси таъсирида хоразмлик лашкарлар билан бирлашиб кетса, энг машҳур қўмондон унинг тожу тахтига асосий даъвогар бўлиб чиқса ва Хоразм саркардаларини ҳарбий ва лашкарий соҳаларнинг олий амалдорлигига қўтарса, вассалом, ас-Солиҳ тахтдан умидини узиши турган гап. Энди ас-Солиҳ бирин-сирин уларнинг ҳар икки Бош қўмондонларидан қутулиш йўлида бош қотирди. Биринчи бўлиб Миср ҳукмдори Бойбарсни йўқ қилишга аҳд қилди. У Қоҳирага муҳим бир масалада чақириб олинди ва зиндонга ташланди. Сал ўтмай зиндонда қатл этилди. Хоразм лашкарига қарши Миср ҳокими жуда катта қўшин тўплади. Хоразмликлар Қуддус ва Наблус шаҳарларини эгаллаб, Дамашққа ҳужум бошладилар. Дамашқ таслим бўлиш арафасида ас-Солиҳ бутун айюбий ҳукмдорларининг барчасини хоразмлик лашкарни мағлуб этишда ёрдамга иккинчи бора шошилишч мурожаат қилди. Акс ҳолда Миср, Сурия, Фаластин ва Ўртаер денгизининг айюбийларга қарашли ҳудудлари ҳамда Кичик Осиёнинг катта ҳудудларида Хоразмшоҳлар салтанати вужудга келишидан огоҳлантирди. Иттифоқчилар бемисл лашкарий бирлашган кучлари билан Химс томон юрдилар. Йўл-йўлакай уларга Халаб, Химс қўшини, бадавийлар лашкари, Сурия ҳарбий кучлари ҳам қўшилдилар. 1246 йил май ойида Химс остоналарида Иттифоқчи айюбийлар, араблар, сурияликлар, халабликлар, ливан, фаластинликлар лашкари бир томон, иккинчи тарафда, Хоразм лашкарлари кучлари бошланажак жанг майдонида жанговар саф олдилар. Бу кучлар жиҳатидан энг нотенг жанг бўлди. Бош ҳужум Жалолиддиннинг атоқли саркардаси Баракатхон қароргоҳига қаратилди. Хоразм лашкарлари, саркардалари барчаси Парвон, Нилаб ва Исфаҳондаги жангларда қандай уруш олиб борган бўлсалар, ўнлаб давлатларнинг бирлашган қўшинига қарши мардларча жанг қилдилар. Аммо Миср ва уларнинг иттифоқчиларининг сон-саноқсиз қўшини оқибат голиб келди. Баракатхон ўлдирилди. У ҳам ўша жангда Султон Жалолиддин жасоратларини қайта такрорлади. Хоразм лашкарларини таъқиб этиш 1246 йил 1 сентябргача давом этди. Сўнгги зарба Карака яқинида берилди. Омон қолган саркардалар ва уларнинг ҳарбий гуруҳ ҳамда қисмлари кичик гуруҳларга бўлиниб, турли вилоят ва ҳудудларга тарқалиб кетдилар. Улар Миср тахтини Жалолиддин Мангубердининг жияни Сайфуддин Қўтуз эгаллагунига қадар турли араб давлатларида муҳожирликнинг оғир азобларини тотиб, ўзларининг хоразмлик эканликларини ошкор этмай яшадилар. Сўнгра хоразмликлар Мисрда Сайфуддин Қўтуз хизматига кириб, яна ҳарбий-сиёсий фаолият майдонига чиқдилар. Ҳаётнинг тасодиф ва сир-синаотларини қарангки, Қўтуз атрофига бирлашган хоразмийлар Мисрда ҳужум қилган аввалги ашаддий ганимлари Чингизхоннинг неvara ва эvara саркардалари хулагулар билан тўқнашдилар. Султон Жалолиддин Мангубердининг қасосини олиш учун унинг жияни Сайфуддин Қўтуз мисрликлар ва хоразмликларнинг бирлашган қўшини билан муғуларга қарши жанг ҳозирлигини кўришга қатъий киришган эди

Буни ҳақли тарзда тарихнинг мўъжизавий воқеа ва ҳодисалари дейиш мумкин. Жалолиддин Мангуберди учун унинг жанговар ватандош саркардалари ва унинг жияни Миср ҳукмдорлигини қўлга киритиб қасос жангига отланса, бу чинакам тарихий аҳамиятга молик мўъжизавий воқеа эмасми, ахир.

## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ УЧУН ҚАСОС

Осиё ва Шарқий Европани тўфондек босган мўғуллар XIII асрнинг 30-йиллари охирида икки йўналишда ҳужумни давом эттиришга киришдилар. Улар XIII аср бошидан мазкур давр оралиғида Хитой, Манжурия, Сибирь, Марказий Осиё, Хуросон ва Эрон ҳамда Жанубий Кавказ ҳудудларида мустаҳкам ўрнашиб, мустамлакачилик ва қуллик қонуналарини ўрнатиб бўлдилар.

XIII аср 30-йиллар охирига келиб Ботухон бошчилигидаги мўғуллар лашкари Шарқий Европага, Хулагулар давлати қўшини эса Кичик Осиё ва Араб халифалиги ҳудудларига босқинчилик юришларини бошлаб юбордилар. Натижада ушбу ҳудудлар мўғуллар давлати таркибига киритилди. Қарийб 6 асрдан бери яшаб келаётган Араб халифалиги 1258 йилга келиб йўқ қилинди. Энди навбат Африка шимоли-шарқидаги йирик давлат Миср Султонлигига келган эди. Шу тариқа мўғул босқинчилари ер юзининг 3 қитъасини босиб олишни режалаштирдилар. Бунинг учун Африканинг энг кучли давлати Миср босиб олинса бас, бошқа мамлакатларга урушсиз бир дўқ урилса, шунинг ўзи кифоя, сўзсиз таслим бўлишдан бошқа иложи йўқ эди, уларнинг мағлубият нималигини билмай, тинимсиз ғалабаларга ўрганиб қолган мўғуллар қўшини „Бизга қарши турадиган Султон Жалолиддин каби буюк саркарда энди йўқ, хоҳлаган давлатлар ва халқлар бизнинг бораётганимиздан хабар топса, оқ байроғини кўтариб чиқаверади“ қабилдаги ҳаволаниш завқиятига ишониб қолган эдилар. Бундай қараш бир ҳисобдан тўғри ҳам эди. Негаки, Султон Жалолиддиндан кейин уларга зарба беришга қодир куч қолмагандек эди. Бироқ, шундай куч топилди. Бу мўғулларнинг етти ухлаб тушларига кирмаган Султон Жалолиддин амакисининг ҳарбий жанг усуларини эгаллаган жияни Сайфиддин Қўтуз бўлиб чиқди. Мўғуллар Кичик Осиё ва Араб халифалигини босиб олишга киришганларидаёқ Сайфиддин Қўтуз кейинги навбат ўзига келишини билиб, Миср Султонлиги қўшинини шиддат билан жангга тайёрлай бошлади. Яратганнинг ўзи Сайфиддин Қўтузга айнан амакиси Султон Жалолиддин учун мўғуллардан аёвсиз қасос олиш йўлларини очган эди. Бўлмаса, неча марталаб ўлимларга чап бериб, тала-тўп замон ғавго ва можароларидан омон қолиб, яна кимсан Миср Султони олий мақом тахтига айнан Султон Жалолиддин Мангубердининг жияни кўтарилиши кимнинг ақлига сиғади, дейсиз? Мўғуллар ҳам Хоразм ўғлони ва саркардаси билан яна қаерда денг, Миср Султони мулкида жанг қилиб шармандали тор-мор келтирилишини қаердан билсин? Бу замон ва макон кенгликларида учрайдиган ноёб ва бетақрор бир тарихий ҳодиса эди. Ҳар ҳолда ҳар қандай ғолибнинг мағлублик муҳрини босадиган кушандаси ҳам топилар экан. Енгилмас мўғуллар учун бундай пинҳон қудратли куч қандай пайдо бўлди. У яна Хоразм ўғлони бўлса. Хоразмдан Мисрға мусофир ажнабий бўлиб келиб, кимсан тақдир тақозоси ва ажойиботлари боис Мамлук Султони номи билан машҳур бўлган ал-Малик ал-Музаффар Сайфиддин ватандошимиз Султон

Жалолиддин Мангубердининг жияни бўлиб чиқишини ўша давр тарихнависларининг ишончли манбаларидан излаймиз. Ана шундагина шубҳа-гумонлардан холи бўламиз. Шу ҳақда ўрта асрлар даври машҳур тарихчиси ал-Мақризий шуларни ёзиб қолдирган: „Айтишларича, Султон Сайфиддин Қўтузнинг асли исми Маҳмуд ибн Маҳмуд эди. Унинг отаси Султон Жалолиддин амакисининг ўғли эди. Қўтузни мўғул-тоторлар асир олганлар ва уни дамашқликларга сотиб юборганлар, Маҳмуд ибн Маҳмуд у ердан Қоҳирага олиб кетилган“.

Шуни таъкидлаш керакки, хоразмликлар қўшинини мағлуб этишга бош бўлган Миср Султони ал-Малик ас-Солиҳ вафотидан кейин тахт Қоҳирада мамлукларга ўтди. Демак, мантиқий хулоса шундай бўлиб чиқадики, сулолавий тахт алмашинуви жараёнида мамлуклар тарафида бўлган Жалолиддин Мангубердининг жияни Сайфиддин Қўтуз (Маҳмуд ибн Маҳмуд) курашларда мамлуклар тарафида мард лашкарбоши ва узоқни кўра оладиган сиёсат арбоби сифатида ўзининг ҳар томонлама истеъдодини кўрсата олган. Бундай тақдир ва қисмат Султон Жалолиддиннинг катта бобоси Хоразмшоҳ Ануштегинни ҳам четлаб ўтмаган эди. Бунда ушбу сулоланинг қисмати туташ тақдирлар тарзида қайта такрорланганлигига гувоҳ бўламиз. Сайфиддин Қўтузнинг Миср тахтига келишидан икки аср илгари салжуқийлар султони Маликшоҳ томонидан Хоразм ҳукмдорлигига Ануштегинни қўтаргунгача ҳаёти қандай бошланган бўлса, Султон Жалолиддиннинг жияни Маҳмуд ибн Маҳмуд ҳам қуллик азоб-уқубатлари, бемисл сарсонгарчиликни бошдан кечириб, оқибат бахт қуши қўнғач, Миср тахти унга насиб қилган эди. Сайфиддин Қўтуз номи билан Миср давлати ҳукмдорига айлангач, у ас-Солиҳ томонидан тор-мор этилган хоразмликлар Фаластин, Сурия, Кичик Осиё, Араб мамлакатларига сочилиб кетган хоразмлик сипоҳлар, саркарда ва амирлар Сайфиддин Қўтуз хизматиغا кира бошладилар.

Миср ҳукмдори билан мўғул ҳукмдори Хулагу ўртасидаги муносабатларнинг уруш ҳолатига етиб келиши ва юқорида таъкидланган воқеаларга доир ишончли манбалар ўрта асрлар даврининг машҳур тарихчиларидан бири, ўз вақтида Элхонийлар давлатининг Бош вазири вазифасида фаолият юритган Рашидиддиннинг „Жоме ат-таворих“ асарида қуйидагича маълумотлар келтирилади: „658 йил жумадус-соний (милодий 1260 йил, июнь) Хулагухон Сурияни эгаллаб, мўғул элчисини қирқ хизматкори билан таъминлаб, Миср Султони Сайфиддин Қўтуз ҳузурига юбориб, ундан чингизийларга бўйсунушни, хирож берилишини ва Султоннинг шахсан ўзи келиб хон оёғига йиқилиб, мўғул ҳукмдори Хулағунинг мутлақ тобелигига ўтганлигига иқрор бўлганлигини қасам ичиб эътироф этишни талаб қилади. Акс ҳолда уруш бўлиши муқаррар бўлиб, жангга тайёргарликни буюради“.

Шундан сўнг Сайфиддин Қўтуз Хоразм лашкарбоши ва амирларини ҳузурига чақиради: „Сизларни кўрганимдан бағоят хурсандман. Мен сизларни кўриб худди амаким Хоразмшоҳ Жалолиддинни кўргандек бўлдим. Сизлар амаким Жалолиддин ҳаётининг сўнгги кунларигача бирга мўғулларга қарши курашиб, Хоразмшоҳнинг жанговар хизматида бўлдингиз. Бир неча бор машҳур мўғул саркардаларига қақшатқич зарбалар бердингиз. Энди улар менга дўқ қилиб таслим бўлишимни кутмоқдалар. Менга бўлажак жангларда сизларнинг мўғуллар билан узоқ вақт олиб борган жанг тажрибаларингиз гоят зарур. Бу тажрибаларингизни Миср қўшинига тез ўргатишингиз керак. Сизлар мўғулларнинг жанг усуллари, кучли ва заиф

томонларини яхши биласизлар“. Ана шундан бошлаб Хоразм амирларига Миср Султони Сайфиддин Қўтуз кўп марҳаматлар кўрсатди. Мол-мулк инъом қилди. Ҳарбий мартаба ва лавозимларга кўтарди. Мўғулларни тор-мор этиш масалаларида Хоразм амир ва лашкарбошилари билан кўп бора маслаҳатлашди. Тарихчи Рашиддин мазкур асарида хоразмийларнинг амири Жалолиддин Мангуберди лашкарбошилари билан бири Насириддин Муҳаммад Каймуридан мўғулларнинг чопари Миср ҳукмдорининг қандай қарорга келганининг жавобини билиш учун келганида Хулагу элчисига қандай жавоб бериши маъқуллигини сўрайди: Султон Жалолиддин амирларидан бири бўлиб хизмат қилган Муҳаммад Каймурий ғоят оқилона ва жасурлик билан Миср Султонига бундай маслаҳат берганлигини қайд этади: „Агар биз Хулагухоннинг ҳимоясига борсак, шармандагарчилик бўлмайди, аммо пиёлада заҳар борлигини била туриб, ундан ичиш ва тўғридан-тўғри ўлимга бориш, бу ақлдан узоқдир. Хулагунинг мажбуриятлари ва ваъдалари ҳеч қачон ганимларга нисбатан бажарилмайди, чунки у битим ва ваъдалардан сўнг исмоилийлар бошлиғи Хуршоҳни, халифа ал-Мустаъсимни, тинчлик ва суҳ ваъда қилинган бошқа ҳукмдорларнинг барчасини ўлдирди. Агар унинг ҳузурига ихтиёрий таслим бўлиб борадиган бўлсак, бизнинг аҳволимиз ҳам худди шундай кечиши аниқ. Унда ўлимимизни бўйнимизга олиб унинг ҳузурига боришимизга тўғри келади“.

Қўтуз деди: „Агар биз мўғуллардан олдин ҳаракат қилмасак, у ҳолда бошқа мамлакатлар билан бўлганидек, Миср ҳам тезда вайрон қилинади. Бизнинг мамлакатимизга қасд қилаётган бу ганимларга нисбатан уч чорадан бирини қўллаш керак. Ё ярашмоқ, ё жанг қилмоқ, ёки Ватанни тарк этмоқ“. Шунда Насириддин Каймурий деди: „Ярашишнинг фойдаси йўқ, чунки уларнинг ваъдасига ишониб бўлмайди!“ Миср Султони Сайфиддин Қўтуз хоразмлик амир ва лашкарбошилар билан атрофлича муҳокамалардан кейин мўғулларнинг таслим бўлиш талабларини кескин рад қилиб, уларнинг элчиларини қайтариб юборди. Сўнгра Сайфиддин Қўтуз сарой амалдорлари ва барча лашкарбошиларни йиғиб ҳаёт-мамот учун мўғулларга қарши уруш бошлашини эълон қилди. Натижада Мисрда оммавий сафарбарлик тўғрисида фармон чиқарилди. Сафарбарлик эълон қилиб чақирилганлар доимий хизматдаги қўшин захирасини ташкил қиладиган бўлди. Қалъа ва шаҳардаги лашкарий қисмлар барчаси мўғуллар билан бўладиган жангни қалъаларда туриб эмас, катта очик майдонда ўтказиш режаси қабул қилинди. Аслида бу ҳарбий усул Чингизхоннинг илк босқинини хоразмшоҳлар ҳудуди сари йўллаганида Жалолиддин Мангуберди томонидан илгари сурилган ҳарбий стратегик режа эди. Хоразмлик лашкарбошилар буюк саркарда режасини бўлажак жангда амалга оширдилар.

Ҳарбий тактик усулларни қўллаш, марказ, ўнг ва сўл қанотларнинг ҳаракатларини жанг пайтида мувофиқлаштиришни Сайфиддин Қўтуз Хоразм лашкарбошилари зиммасига юклади. Бу энг тўғри қарор эди. Чунки Миср лашкарбошилари барча мамлакатлар лашкарларини тор-мор келтириб, қақшатқич мағлубиятга учратиб келаётган ғоят маккор мўғуллар билан ҳарбий усулларни қўллашда асло тажрибаси етишмас ва уларга рақобат қила олмасди.

Улар билан энг қонли тўқнашувларни кўп марталаб олиб борган хоразмлик лашкарбошилар мўғулларга қарши курашда азалий рақиблар эдилар. Шунинг учун Сайфиддин Қўтузга хоразмлик лашкарбошилар даҳшатли жангни Миср ҳудудидан

ташқарида, шунингдек, ғанимларга қарши ноқулай табиий-жуғрофий майдонда жанг қилишга мажбур этиш усулини таклиф қилди. Миср Султони бу таклифни ҳам маъқуллади. Сўнгра душманнинг ҳаракат йўналиши ҳақида аниқ маълумотлар олиш учун Сурия чегаралари томонга мард, ўта хушёр ва топқир жангчилардан кузатувчи-жосус гуруҳлар тузиш зарур деб топилди. Шундай махсус гуруҳлар шошилинич тузилди ва мўғуллар ҳужуми кутилган томонларга жўнатилди. Бу ўз вақтида қилинган тадбир бўлди. Сурияга жўнатилган жосус ва кузатувчи гуруҳлар асосий ҳужум Фаластин томондан бўлиши эҳтимоли ҳақиқатга яқинлигини, ғанимлар ўша йўналишда катта кучларини тўплаётганлигини хабар қилдилар. Миср Султони ўз қўшинларини 1260 йил март оyi бошларида Фаластинга жўнатди. Хоразмлик лашкарбошилар энг қулай Айн-Жалут деган жойни танлаб, ўша жойдаги пистирмабоп маррани эгаллашга киришдилар. Энди душманнинг асосий кучларини пистирмага бошлаб келиш қолган эди. Бу муҳим жанговар вазифа мўғуллар билан авбаллари ҳам кўп марта юзма-юз тўқнашган саркарда Йилонбуғо лашкарий қисмларига юклатилди. Султон Жалолиддин хизматидалиқ пайтида бу саркарда ана шундай оғир топшириқларни жуда ўринлатиб бажарган, катта тажрибаси бор эди. Йилонбуғо 10 мингдан ортиқ суворийларни Миср Султони қўшинидан ажратиб олди. Душманнинг лашкари келаётган томонни аниқлаб берган жосуслик гуруҳини олиб йўлга тушди. Чамаси 10—12 чақирим йўл юргач, Хулагухоннинг асосий кучлари билан юзма-юз келди. Миср Султони қўшинларини тор-мор этиш учун қўшинни Хулагунинг шахсан ўзи бошлаб келарди. Мўғул хони лашкарига Йилонбуғо суворийларидан битта ҳам отлич жангчи чиқиб кетмасдан, уларни тўла қуршаб олишни буюрди. Барча ихтиёридаги жамики лашкарларини ҳужумга ташлади. Хулагухон ўзининг ўнг ва чап қанотига ғаним суворийларини чўчитиб юбормаслик учун уларнинг диққатини тортмай узоқдан айланиб, Йилонбуғо лашкарининг орқа томонидан чиқишни топширди. Фул қўшинини Хулагунинг ўзи жангга бошлади. Бунини сезган саркарда Йилонбуғо қисқа муддатли жангдан дарҳол орқага чекинишдан хабар берувчи махсус белги туширилган байроқлар кўтарилиши ҳаманоқ, барча суворийлар атайлаб ўзларини қочгандек кўрсатиб, отига бор кучи билан қамчи босиб қочиш лозимлиги ҳақида то пистирмага қадар бирор сония ҳеч қаерда, ҳеч бир суворий тўхтамай ҳаракат қилишига кўрсатма берди. Ғаним қўшинининг қочганлигидан ҳаволанган мўғуллар уларни қириб ташлаш учун олға босдилар. Шу тариқа пистирма майдонига етиб келган мўғулларга қарши ҳар 2—3 киши бўлиб, ердан ўзларига хандақча қилиб ковлаб, усти шох-шаббалар билан текислаб қўйилган пистирмалардан аёвсиз ўқ ёмғирини ёғдирдилар. Пиёда найзабозлар эса ер остидан отилиб чиққан фавворадай, чуқурча қилиб ковланган пистирмаларидан яшин тезлигида кўтарилиб, мўғулларга найза отдилар. Уларни бошлаб келган Йилонбуғо суворийлари душманни пистирмага келтиргунларича махсус белги қўйилган хавфсиз йўлакчалардан ўтиб олдилар. Ўқ-ёйчи мерганлар ва найзабоз пиёдалар душманга кутилмаган зарбани бергунча қўшин орқасида нафасларини ростлаб захира қўшин тайёр турарди. Камончилар ўқлари тамом бўлгач, отличлар турган жойга тез ўтиб олиб, суворийларга ўринларини бўшатиб бердилар. Энди найзабоз пиёдаларни отлич суворий қисмлар ўз ҳимоясига олдилар. Мўғуллар аёвсиз қирғинга учратилди. Аввалда ғанимнинг 10 минг отлич суворийларидан бошқа бирон инсон зоти кўринмаган Айн-Жалутдаги майдонда

ёмғирдан кейин чиққан қўзиқориндай бутун майдонни Миср Султони қўшини босиб кетди. Шу тариқа устулик бутунлай Сайфиддин Қўтуз лашкари томонига оғди. Пистирмадан қилинган ҳужум мўғуларни тутдай тўкиб ташлади. Бундан бир неча соат илгари жимжитлик ва сукунат ҳукмрон бўлган майдон мўғулар мурдалари билан тўлган очиқ қабристонга айланди. Хулагу қўшинлари қақшатқич мағлубиятга учради. Омон қолган мўғулар шердан қочган оҳудай турли томонга қочдилар. Уларни Миср Султони қўшинлари Сурия чегараларига қадар изма-из қувладилар. Шу тариқа қочаётганларнинг ҳам кўпчилиги ўлдирилди. Миср Султони Сайфиддин Қўтуз беҳисоб ўлжалар, мўғулар уғруқларини қаҳрамон ва голиб қўшинига тақсимлаб беришга фармон берди. Айниқса, шу жанг усулларини ишлаб чиққан хоразмлик лашкарбошиларнинг ғалабани таъминлашдаги жасоратлари, ғайрат-шижоатларини алоҳида алқади, шон-шараф ва миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилди. Айн-Жалут майдонида барча жангчиларни табриклар экан, у шундай тарихий сўзлар билан зафар байроғини кўтаришни буюрди: „Голиб ва музаффар қўшимини, сизнинг бу ғалабангиз ҳар қандай таҳсинга лойиқ, бу буюк жангдаги жасоратингизни келажак авлод унутмайди. Бу ғалаба туфайли биз нафақат Миср заминини, халқинигина эмас, мўғуларнинг бутун Африка ҳудудларига бўладиган хароб қилувчи босқинларидан асраб қолдик. Шахсан мен эса хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди амакимнинг, Хоразм лашкарбошилари, уларнинг қаҳрамон жангчилари ўз Султонимизнинг қасосини олдик. Ана, улуғ ғалабамизга мозийнинг кўп воқеаларини бошидан кечирган Фаластин мўғуларнинг тўкилган қонидан уфқ оқшомида алвон ранга кирган. Айн-Жалут майдонида сизу биз бунга гувоҳ бўлиб турибмиз. Биз Шарқ, Арабу Ажам халқлари олдидаги бурчимизни адо қилдик“. Бу Жалолиддин Мангубердининг қон қўшилган қариндоши хоразмшоҳ ануштегинлар авлоди — Миср Султони Сайфиддин Қўтузнинг дил ва оташин сўзи бўлди. У амакиси Султон Жалолиддин учун мўғулардан ўч ва қасосидан умр бўйи фахрланди. Унинг ўзи ҳам умумшарқ халқлари мустақиллик ва озодлик ҳаракатининг улуғ вакили сифатида Яқин Шарқ ва Африка халқлари тарихига номини муҳрлади. Шундай қилиб, ануштегин хоразмшоҳлар сулоласининг бу буюк 2 вакили мустақиллик ва озодлик ҳаракатига қўшган беқиёс ҳиссалари билан ўзларига абадий ҳайкал қўя олдилар. Шу тарзда Сайфиддин Қўтуз бошчилигидаги жангда Хоразм саркардалари ва лашкари бемисл қаҳрамонликлар кўрсатиб, буюк саркардаси Жалолиддин руҳини ҳам шод қилдилар. Шу билан мўғуларнинг Африка қитъасини босиб олиш учун бошланган ҳужуми тўхтатилди ва барбод бўлди. Бу ғалаба боис Фарбий Европа хулагулар ҳужумидан омон қолди.

Жалолиддин Мангуберди қўл остида тарбияланган қўшин унинг фожиали ўлими-дан кейин ҳам икки буюк воқеа содир этилишида ҳал қилувчи жабҳани эгалладилар. Фарба салибчиларнинг юришига қақшатқич зарба берган бўлса, иккинчи тарафда эса мўғуларнинг Африка орқали Фарбий Европага ўтишларига чек қўйди. Гарчи ўз юрти Турон заминини озод қилишга эриша олмай тақдир шамоллари уларни узоқ юртларга элтган бўлса-да, Хоразм лашкари, унинг саркардалари Ўрта ва Яқин Шарқ ҳамда Фарбий Европа халқларининг мўғулар босқини ва мустамлакачилигидан сақлаб қолишда буюк хизмат қилдилар. Бу тарихда буюк ва абадий қоладиган унутилмас ҳодисадир.

## СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР: „ЭРТАНГИ ЖАНГДА САРКАРДА ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ ҲАРБ УСЛУБИНИ ҚЎЛЛАЙМИЗ.“

Амир Темур буюк саркарда сифатида ўзидан олдин ўтган машҳур саркардалар ҳаёти билан қизиққанлиги, тарихнавис-қиссахонлардан уларнинг ҳарбий маҳоратларини ўрганганлигини „Тузук“ларида бир неча бор қайд этади. Шу боис Соҳибқирон саройига чақирилган атоқли тарихчи олимларнинг асарларида буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг бемисл жасоратларига жиддий ўрин ажратилиши, ҳатто Амир Темур билан Жалолиддин Мангубердининг олиб борган катта жанглари улар ўртасидаги фарқ вақт жиҳатдан, ҳатто бир ярим асрни ташкил қилса ҳам қиёсий таққосланиши бежиз эмас. Бундай услубни Соҳибқироннинг машҳур тарихчиларидан Ҳофиз Абрўнинг асарларида кўпроқ учратиш мумкин.

1398 — 1399 йилларда Ҳинд юришини олиб борган Амир Темур Деҳли остонасидаги офир жангда жуда мушкул аҳволга тушади. Негаки, Ҳинд ҳукмдорининг 100 мингдан ортиқ отлиқ ва пиёда қўшинидан ташқари 500 дан ортиқ жанговар филлари бор эди. Уларга қилич, найза ва ўқ-ёй шикаст етказма олимаслиги учун пўлат ҳалқалардан тўқилган совут ёпинчиқлар билан муҳофаза этилган эди.

Натижада улар ҳеч нимани писанд қилмай ганим қўшинини пайҳон қилиб, ҳар қандай душманга омонлик бермасдан отлиқ ва пиёдаларга йўл очиб берарди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг лашкари ҳам Деҳли остонасида жангнинг дастлабки кунларида шу махлуқотлардан катта талафот кўра бошлайди. Кайфияти тушиб кетган Амир Темур ўзи билан ҳарбий сафарга олиб чиққан тарихчиси Ҳофиз Абрўни жангнинг иккинчи куни ҳузурига чақириб: „Сиз Жалолиддин тарихини, шунингдек, унинг Ҳиндистондаги зафарли юришларини яхши биласиз. Менинг фикримча, ҳиндлар қадим-қадимдан филларни жангга ўргатганлар. Шунингдек, Жалолиддин ҳам жанг майдонида ҳиндларнинг жангчи филларига дуч келгани аниқ. Шундай экан, Султон Жалолиддин қайси жангни ва қаерда, қандай қилиб филлар ҳужумини қайтарган? Менга шу тўғрида бугуноқ аниқ маълумот берсангиз. Акс ҳолда лашкарим эртага янада катта талафот кўриши аниқ. Бу эса менинг ғалаба қилишга бўлган ишончимнинг барбод бўлишига олиб келади. Мен эса Самарқандга байроғим эгилган ҳолатда кириб бора олмайман. Фақат зафар туримни ҳилпиратиб кириб боришим шарт“.

Жалолиддин Мангуберди ҳарбий ҳаракатлар тарихини яхши билган аллома муаррих Ҳофиз Абрў „Шундай фикрни сизнинг лашкарингиз филлардан шикаст топаётганлигидаёқ айтиш ниятим бор эди. Аммо сизнинг кўп ҳолларда турли ҳарбий усулларни қўллаб, душманни доғда қолдириб келаётганлигингиздан ақл беришдан сукутда турдим. Аммо энди билдимки, бу қутурган махлуқлар сизнинг лашкарингизга жиддий хавф-хатар туғдираётган экан. Мен амирим Сизга Хоразмшоҳнинг Ҳинддаги зафарлари сирини очиб берганим бўлсин.

Жалолиддин Хоразмшоҳнинг ҳиндлар юртидаги зафарлари, яъни даҳшатли Нилаб жангидан кейин қарийб унинг лашкари хоқоннинг қўшини томондан талафотга учратилиб, қолган қисми Синд дарёсига чўкиб кетди. Қолган бир ҳовуч қисми билан эса қисқа вақтда узлуксиз жанглари олиб бориб, Шимолий Ҳиндистонни ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди.

Навбатдаги жанглардан энг йириги Ҳиндистоннинг энг қудратли ҳукмдори Шамсиддин Элутмиш бўлиб, Султон Жалолиддинни тор-мор этиш учун 100 минг пиёда, 30 минг отлиқ, 300 дан ортиқ ўргатилган жанговар филларни ташлайди. Бироқ, Султон Жалолиддин ҳиндлар ҳукмдорининг ушбу кучлари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлган эди. Шу боис жанг бошланишидан анча олдин саркардаси Хосхонни ҳузурига чорлаб Султон Жалолиддин зарур даражада тилла пуллар билан таъминлаб Гужарот бозорига жўнатади. Бу ерда катта бозорда кўплаб туялар сотилган. Бозордаги барча туяларни сотиб олган Хосхон ҳарбий қисми билан кечакундуз йўл босиб, уларни айтилган муддатда, жанг майдонига бир кун аввал етиб келиб, эрта тонгда Султон Хоразмшоҳ буйруғи билан туялар устига сомон, қуриган шох-шаббалар ортилиб уларга нафтандоз жангчилар нефть мойи сингдиришади.

Ҳинд сардори даҳшатли жанговар филларини Хатисар жанги майдонининг энг олдинги сафида ҳужумга ташлайди. Кетидан эса жамики отлиқ ва пиёда қўшинини жангга киритади. Жалолиддин Мангуберди саркардалари Хосхон ва Ўзбек Тоййга буйруқ бериб, уларнинг ҳарбий қисмларига 400 дан ортиқ туялар устидаги сомон, хашакларга олов ёқишни ва душман филлари томон ҳайдашни топширди. Зич қилиб сафланган туялар олов кучайган сари олдинга ташланиб бутун майдон гўё чарсиллаган оташ гирдобида қолиб, филларга улар яқинлашиши ҳамано қаттиқ ҳуркиган филлар бирданига орқасига қайрилиб устига жойлашиб олган ҳинд жангчиларини ағдариб, орқасида келаётган Шамсиддин Элутмиш лашкарини пайҳон қилиб ташлайди. Ўзининг мағлубияти аниқ бўлиб қолган ҳинд ҳукмдори жангни тўхтатиб яраш сулҳи тузиш учун султон қароргоҳига элчисини жўнатади“.

Ҳофиз Абрўга ўз миннатдорлигини билдирган Соҳибқирон: „Шубҳасиз, Чингизхондек дунёни титратган хоқони муаззамга жаҳонда Султон Жалолиддиндек қаршилик кўрсатган саркарда топилмаган экан, ҳақиқатан ҳам у даврининг бемисл лашкарбошиси бўлган. У буни Хатисар жангида ҳам яна бир бора исботлади, — дейди Амир Темур. Сўнгра манглай қисми амири ва Халил Султонни чақириб — Эртага жангни филлар ҳужумига қарши оловли туялар қарши ҳужуми билан бошлаймиз, айнан Ҳинд заминида Султон Жалолиддин қўлаган ҳарбий тактикасини амалга оширамыз“. Шу тариқа бир кечада Соҳибқирон фармони билан ўзи эгаллаб турган ҳудуд туманларидаги туя, ҳўкиз ва эшакларни тўплаттирди. Сомон, қуруқ хашак, шох-шабба ва нефть мойлари олиб келинди. Буларнинг барчаси Деҳли остонасидаги ҳал қилувчи жангнинг учинчи кунни тайёр ҳолга келтирилди. Шу тариқа филлар ҳужумига қарама-қарши туялар олов дўзахи юки билан олға босди. Жанг тўла Соҳибқирон қўшини ғалабаси билан тугади. Ҳиндистон забт этилди. Жангдан кейин Амир Темур дарҳол қароргоҳига кириб хос мулозимлари билан Султон Хоразмшоҳ Жалолиддин руҳини шод қилувчи дуога қўл очиб, бу ғалабасини буюк саркарда шарафига бағишлади.

Бундан шундай мантиқий хулосалар чиқариш мумкин. Соҳибқирон Амир Темурнинг маънавий-исломий пиру комил раҳнамолари Тойободий, Шайх Пир Кулол ва Саид Пир Баракалар бўлган эди. Бу аниқ, аммо уни буюк саркардаликка йўллаган, ҳарб илмида чўққига кўтарилишида ким устозлик қилган? Бу савол табиийдир. Амир Темур яшаган даврда ўзаро ички низолар кучайгандан кучайиб Турону Хуросон замини (у ҳокимият тепасига келгунча) таназзул ёқасига келган бўлиб, Соҳибқиронни ҳарбий даҳоликка кўтарадиган машҳур саркарда йўқ эди. Шунга кўра у икки буюк саркарда (улар бир-бирига муносиб саркардалар эдилар) —



Чингизхон ва Жалолиддин Мангуберди ҳарбий санъати тарихини Соҳибқирон мукаммал ўрганди. Оғир жанглarning барчасида, жумладан, 1391 йил ёзидаги Тўхтамишхонга қарши Қундузча ва 1395 йил апрелидаги Терек дарёси бўйидаги даҳшатли эанглarda ҳам Жалолиддин Хоразмшоҳ тактикасига тез-тез мурожаат қилди ва унга амал қилди. Бунга биз Соҳибқироннинг саройида хизмат қилган тарихчи Ҳофиз Абрўнинг „Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий“ тарихий асаридан етарлича мисоллар топа оламиз.

Амир Темур Ҳинд юришини ғалаба билан тугатиб, ҳали ҳам Соҳибқиронга қаттиқ қаршилиқ қилаётган гуржи ва арманларни ўз тобелигига мутлақ ўтказишга азму жазм қилади. Уларни бўйсундириш анча оғир кечади. Бу сафар ҳам Амир Темур бу мағрур тоғ халқларини Жалолиддин Мангуберди қандай қилиб нисбатан қисқа вақт ичида бу ҳудудда ўз давлатини барпо қилиб, уларни тобе қилганлигини, ҳатто тепасига бургутлар чиқа олмайдиган тоғ тепасидаги осмонўпар Гарни ва Двин мустаҳкам қалъаларини забт этиб, пойтахти Тифлисни эгаллаганлигидаги ҳарбий маҳоратини очиб беришни муаррихидан сўрайди. Шунда Ҳофиз Абрў Соҳибқиронга ўз даврининг машҳур шоири, Жалолиддин Мангубердининг қўшини таркибида қўнгилли халқ халоскори, лашкарининг ватанпарвар жангчиси бўлиб, Исфаҳон мудофаасида ўз она шаҳрини мўғуллардан ҳимоя қилган Камолиддин Исфаҳонийнинг буюк саркарда Султон Жалолиддинга бағишланган қасидасини ҳофизона оҳангда ўқиб беради. Амир Темур ғоят ибрат бўлувчи ва мардликнинг бетимсол намунаси шеърятда ифодаланган қасидани ўз тарих китобига киритишни Ҳофиз Абрўдан илтимос қилади. Шу тариқа Жалолиддинга бағишланган бу машҳур қасида бизгача етиб келади. Унинг тадқиқоти билан ўзбек шарқшунос олими Ф. Каримов шуғулланиб, жалолиддиншунослик ва темуршуносликка катта ҳиссасини қўшди. Тадқиқотчи олим Ҳофиз Абрў тарихий асаридан Жалолиддин Мангубердининг Ҳинддан Эрон ва Кавказ ҳудудларига шамолдек шиддат билан юришлар қилганлиги, шу жараёнда буюк саркарданинг тилларда дoston бўлган жасоратларини таҳлил қилади ва даврнинг йирик фозиллари Абдурахмон Жомий ҳамда Давлатшоҳ Самарқандий каби адиблар катта баҳо берган Камолиддин Исфаҳонийнинг Жалолиддин Мангубердининг чақиндек шиддаткор ҳарбий юришларига бағишлаб битган мисраларидан бир байтини келтириб ўтади.

Буроқи азми ту гоми ки гирифтаз-Ҳинд,  
Ниҳод гоми дуввум бар ақосийи Эрон.

#### **Мазмуни:**

Сенинг азминг Буроқи Ҳинддан одим узиб,  
Иккинчи одимини Эроннинг нариги чеккасига қўйди.

Замон фозиллари унинг бу байтига таҳсинлар ёғдиришган ва бир қанча тарих китобларида ушбу байт ибрат тариқасида келтирилганлигини қайд этадилар.

## **ЗИНДОН ДЕВОРИДАГИ ҚОН БИЛАН ЁЗИЛГАН БИТИКЛАР**

Жалолиддиннинг замондоши, Исфаҳон остонасида буюк саркарданинг жасоратларини ўз кўзи билан кўриб, шахсан унга гувоҳ бўлган Камолиддин Исфаҳоний саркардага бағишлаб машҳур қасида ёзди. Унинг сўнги байтлари зиндон деворига сиёҳ ўрнига шоирнинг қони билан ёзилган. Бу қасида Жалолиддинга аталган



Оламни ларзага солган қатлни амалга ошириш арафаси. Қароқчи курд малъун 1231 йил 17 августда бемисл жиноят содир этиб, Жалолиддин Мангуберди қалбига найза санчган. Бу башарият учун жаҳоншумул фожиа ва йўқотиш бўлган эди. Дамашқ ҳокими Ал-Малик ал-Ашрафга Султон Жалолиддиннинг ўлими ҳақида хабар етказиб, уни табриклаганда у бундай деган: „Сиз мени унинг ўлими билан табриклайсизми? Унинг ҳалокати мўғулларнинг ислом ерларини тамомила хароб қилишини англади. Уларни тўхтатадиган куч энди орамизда йўқ“.

шундайгина мақтов сўзларнинг қофияга солиниши эмасди. Чингизхоннинг энг сара, энг ҳужумкор қўшини шахсан хоқоннинг буйруғига кўра Исфаҳон шаҳар қалъасини забт этиш топшириғини олиб, бу лашкарга Чингизхоннинг ишончини қозонган юзлаб шаҳарларни олиб, яна ўнлаб йирик мамлакатларнинг кулини кўкка совурган қаҳрли мўғул саркарда ва лашкарбошилари ҳужумга ташланган эди. Аммо Жалолиддин Мангубердининг ёвуз душманни шаҳар остоналарида бир неча бор қақшатқич зарбага учратиб, мўғул лашкарини аёвсиз қириб ташлаганлиги учун Эроннинг асосий ҳудудларини фаним — ёв босиб ололмаётган эди. Бунга мўғуллар фақат буюк саркарданнинг фожиали ўлимидан кейингина муваффақ бўлган эди. Шунга қадар Жалолиддин бемисл жасоратлар кўрсатиб, ёвнинг Исфаҳонда ҳужумларини қайтариш билан нафақат Эрон халқи, балки бутун Ислом дунёсини мўғуллар асоратига солинишидан сақлаб, улар йўлини тоғдек тўсиб турган эди. Ана шундан илҳомланган атоқли форс шоири Камолиддин Исфаҳоний буюк саркардага аталган қасидасини ёзишга киришган эди. Истеъдодли шоирнинг ўша давр ижодини, айниқса, Жалолиддин тўғрисидаги қасидасини чуқур таҳлил этишга киришган шарқшунос тадқиқотчи Ғ. Каримов ватандоши буюк аждодимиз Жалолиддинга чуқур эҳтиром ва иззатда бўлган ҳамда уни Шарқ адабиётига барча халқлар учун мардлик рамзи қилиб кўрсатган Камолиддин Исфаҳоний ҳаёти ва ижодини ҳам манбашунос, ҳам адабиётшунослик жабҳасидан тадқиқ қилар экан, илмий мақоласида ижодкор ҳақида қизиқарли, шунингдек, инсонни ларзага соладиган маълумотларни келтириб ўтади. Жалолиддин қасидасининг муаллифи Камолиддин Исфаҳоний буюк саркарда ҳаёти ва курашини байтларда намоён бўладиган сўз қудрати саҳифаларига тушириб, халқ ва ижод аҳли ичида қанчалик машҳур бўлар экан, мўғулларнинг ашаддий душмани ва улар бошига қасос қиличи бўлиб тушаётган Жалолиддиннинг мардлиги, баҳодирлигини баланд оҳангларда қуйлаган шоир мўғуллардек ёвуз фанимлар учун хавфли шахсга айланган эди. Аллақачон унинг устидан ёв сиртдан энг қийноқли ўлим жазосига ҳукм қилиб қўйган эди. У қўлга олинган заҳоти Жалолиддинни мадҳ этган тили, қалам ушлаб қасидани ёзган қўллари, қўлларида аввал эса бармоқлари кесилади, саҳифа ёзишга йўл кўрсатган кўзлари ўйиб олиниб, Жалолиддин қаҳрамонлиги ҳақида манба тўплаш учун вилоятма-вилоят, шаҳарма-шаҳар ва қишлоқма-қишлоқ кезган оёқлари бирин-сирин чопиб ташланади. Душман оташнафас шоир устидан Исфаҳон олинган кун ваҳшиёна қатлини шундай амалга оширишга бел боғлаган эди. Негаки, қайси бир ижодкор ёки тарихчи бўлсин, Жалолиддин тарафида туриб уни мадҳ этувчи маърифат уламоларига Камолиддин Исфаҳонийнинг азобли ўлими ибрат бўлсин. Жалолиддин қасидасининг ҳар бир сатри душманлар қалбига ёй ўқидек санчилаётганлиги мўғул ҳукмдори ва лашкарбошиларини машҳур шоир ҳамда Исфаҳон мудофаасининг қаҳрамони, Жалолиддин Мангубердининг жасоратларини Шарқ узра баланд оҳангларда мадҳ этган Камолиддин Исфаҳонийдан шундай ваҳшиёна ўч олишга ундаган эди.

Мўғуллар Жалолиддин Мангубердининг фожиали ўлимидан кейин Камолиддин Исфаҳонийнинг туғилган она шаҳри Исфаҳонни босиб олади ва шаҳардаги ёшу қари барчани оммавий қиргин қилишга киришадилар. Асир олинган Камолиддин Исфаҳоний дарҳол ўлдирилмайди. Мўғул лашкарбошиси Тайнал нўён Жалолиддин Мангубердига қасида битган шоирни кўргиси келиб, ваҳшиёна қийноққа солишни, барча азоб-уқубатларни унинг бошига солиб, ана шу қийноқлар остида жон бери-

шини талаб қилади. Мўғуллар ҳар бир қийноқлардан сўнг Жалолиддин Мангубердига бағишланган қасидани ундан бойлик, мол-дунё ва юқори мансабларга кўтарилиш учун ёздим, деган шартни барала айтиб, тиз чўкишни талаб қиладилар. Аммо бу талабларни газаб билан рад этган ватанпарвар шоир фақат тезроқ Жалолиддин кетган абадият дунёсига юборишларини сўрайди. Охирги байт рубойларини қонхўр ваҳшийларга лаънатлар ўқиб, халқ қаҳрамонлари, кураш баҳодирларини алқаб, бу мисраларни ўз жисму танидан тирқираб чиққан қонлари билан ҳибсда қатлолди сақланган хона деворига битиб, келажак авлодларга қолдиради. Буюк саркардага қасида битган, унинг қаҳрамонликларини сўз санъатининг юксак оҳанглари ва пардаларида куйлаган шоирга мўғул ваҳшийлари инсон фарзанди чидай олмайдиган қийноқларни сийлов қилдилар. Унинг тана аъзолари бирин-кетин арраланган ўтиндек чопилди. Қатл мисли кўрилмаган ваҳшиёна тарзда амалга оширилди. Қаҳрамон шоир Жалолиддин Мангуберди шаънига битилган қасиданинг баравж сатрларини такрор-такрор айтиб, Оллоҳ хузурига тайёргарлик такбир дуоларини сўнгги нафасда пичирлаганича руҳи жисму танини тарк этиб, Арши аълога парвоз этди. Бу қатл Исфаҳон аҳолисини қирғин этиш жараёнининг якуний қисми, ваҳшийликнинг чегара билмаган рамзи бўлди. Бу қийноқ азобларни ёввойиларча амалга ошириш орқали мўғуллар гўё Жалолиддин Мангубердини жазолагандек ҳис қилдилар ўзларини. Ана шундан кейин мўғул қиличидан омон қолган Исфаҳон ва Эрон аҳли, мўғуллардан ҳимоя қилиб девор вазифасини ўтаган Жалолиддин Мангуберди тириклигида ўзлари учун буюк халоскор, озодлик, эрkning бетақрор йўлбошчиси бўлганлигини яна бир бора эсладилар, руҳлари шод бўлиши учун илоҳий оятларни кунига неча бор йўллаб, у дунёси обод бўлишини Парвардигордан сўрадилар.

Шарқшунос олим Ф. Каримовнинг ишончли манбаларга таяниб таъкидлаб ёзишича, Камоллиддин Исфаҳоний Девони 15 минг байтни қамраб олган бўлиб, газал, қасида, қитъа ва рубойларни ўз ичига олади. Давлатшоҳ Самарқандий маълумотича, улус олим ва адолатпеша Султон Мирзо Улуғбек ота-ўғил шоирлар Жалолиддин ва Камоллиддин Исфаҳонийлар ижодини яхши билган. Олий давраларда рубойларидан ҳикматлар келтирган.

Шарқшунос Ф. Каримов Ҳофизи Абру китобини жиддий таҳлил қилгач, Камоллиддин Исфаҳонийнинг Девонидаги 171—173-варақларидан Жалолиддин Мангубердига бағишланган қасидани топишга муваффақ бўлганлигини ёзади. Унинг саккизинчи байти Жалолиддин Мангуберди номини тилга олиш билан бошланганлигига дуч келади:

Жалол ад-дунё ва-д-дин Мангбурни он шоҳе,  
Ки изадаш бар сазо кард дар жаҳон султон.

### Мазмуни:

Дунё ва дин Жалоли Мангбурни ул шоҳким,  
Худо уни жаҳонда султон бўлишга сазовор қилди.

Тадқиқотчи олим мазкур қасида 1890 йилда Бомбай шаҳрида амалга оширилган тошбосма нашрида ҳам мавжуд эканлигини қайд қилар экан, ушбу нашрнинг қасида тепасига „Бу қасида олам султони, одил Хоразмшоҳ мадҳидадир“, дея ёзилганлигини ҳам таъкидлагандир. Қасиданинг ҳажми қўл ёзмада 69, тошбосмадаги нашрда эса 81 та байтдан иборатлиги ҳақида аниқ маълумот беради. Шу сабабли қасидадан мисол-

лар келтирилганда девоннинг тошбосма нашрига таянилганлиги кўрсатиб ўтилади. „Қасида жанрининг талабидан келиб чиқиб Жалолиддин Мангуберди шахсига мақтов ва таҳсинлар ёғдирилган. Аммо, — дейди шарқшунос тадқиқотчи олим, — назаримизда асарда шоирнинг самимий дил сўзлари кўпроқ акс этган“, дея Жалолиддин мардлиги муболағага эҳтиёж сезмаслигини билдиради. Қасида ўша замондаги йирик салтанат Хоразмшоҳлар давлатининг мўғуллар томонидан яқсон этилиб, уни тиклаш учун Жалолиддин бор кучи, истеъдоди ва жасоратда дунёни лол қолдирувчи кураш майдонида турган бир даврда ёзилган. Ушбу ғоят оғир Шарқ оламини тўфон босаётгандек хавф-хатар ёпирилган бир даврда фақат маърифий-зиёли одамлар гуруҳигина эмас, балки бутун ислом мамлакатлари олами аҳли буюк саркарда Жалолиддин Хоразмшоҳигина бу балои қазони даф қилмаса, бошқа бирор саркарда бўлсин, ёхуд ҳукмдор уни тўхтата олмаслигини англаб умид кўзларини нажоткор Жалолиддинга тикканлар. Шунга кўра, Камолиддин Исфаҳонийнинг Жалолиддинга бағишланган қасидаси кўплаб ўрта асрлар муаррихлари китобларидан ўрин олиши бежиз эмас. Унинг энг муҳим жиҳати қасида шоир томонидан жуда маҳорат билан ёзилганлигидадир. Шарқ оламига мўғуллар келтирган тарихий фожиаларнинг бемисл кўламини шоир Нуҳ алайҳиссалом давридаги дунёни сув босган тўфон билан тенглаштиради:

Ту умри Нуҳ биёби аз онки дар олам,  
Иморат аз ту падида омад, аз пасти тўфон.

**Мазмуни:**

Сен Нуҳ умрини топажаксан, чунки оламда  
Тўфондан сўнг сен иморат барпо қилдинг.

Ушбу байтда ота-боболари яратган давлат мўғул босқини натижасида ҳалокатга учраса-да, Жалолиддин метин иродаси, саркардалиқ истеъдоди туфайли янги давлат ярата олганлигига ишора қилинади. Жалолиддин Мангубердининг ҳарбу зарбдаги бемисл маҳорати қуйидаги байтларда ўз ифодасини топгандир:

Ту мирави, зафар оз пеши ту чапу рост,  
Чунон пиёдаки, дар пеши шоҳ кунад жавлон.

**Мазмуни:**

Сен юрасан, зафар сенинг олдинда ўнгу сўлдан равондир,  
Худди шоҳ олдида пиёда мулозимлар жавлон уриб юрган каби.

Султон Жалолиддиннинг кўп сонли душманлари билан тинимсиз жангу жадал олиб бориб чарчаш, толиқиш нималигини билмай жанг майдонида жавлон урганлигини шоир санъаткорона услубда тасвирлайди:

Аз он зи санги фасон тез мешавад ханжар,  
Ки зани барад ки, дили туст санги фасон.

**Мазмуни:**

Қайроқтошдан ханжар ўткир бўлади,  
Шу сабабли сенинг душманларингнинг юраги  
Қайроқтош кабидир, деб ўйлаш мумкин.

XII аср ва XIII аср бошларида Европада салиб юришлари Ислом оламига таҳдид солиб, унга гуржилар ва арманларнинг бирлашган қудратли қўшини ҳам жалб

этилди. Улар Рим папаси гоёвий раҳбарлиги ва Ғарбий Европа императорларининг рицарлардан ташкил топган қўшинлари билан бир томондан Қуддус йўналиши, иккинчи тарафдан, Жанубий Кавказ орқали ислом динидаги давлатлар устига узлуксиз ҳужум бошладилар. Улар Озарбайжон, Эрон, Ироқ ҳудудларини босиб олишлари режалаштирилган бўлиб, бу вазифа кучли гуржилар давлати зиммасига юклатилди. Озарбайжон, Эроннинг катта қисми ва Эрон Ироқида давлат тузишга эришган Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳ бир неча бор гуржи, абхаз ва арманлардан ташкил топган қудратли салибчилар қўшинини тор-мор этиб, Жанубий Кавказ томондан салибчиларнинг таловчилик ҳужумларига чек қўйдигина эмас, бу ҳудудларни ҳам ўз давлати тасарруфига киритиб, Ислом дунёсининг олқишига сазовор бўлди. Шоир Камолиддин Исфаҳоний Жалолиддиннинг бу буюк хизматлари, энг даҳшатли жанглардаги бемисл жасоратларини ҳаққоний, одилона, шунингдек, самимий баҳолаб, мусулмон олами халоскори ҳақида юксак ва жўшқин сатрларда куйлади:

Ту доди минбари ислом бисатиди зи салиб,  
Ту бар гирифти ноқусро аз жойи азон.

#### Мазмуни:

Сен ислом минбарини салиб хуружидан асрадинг,  
Азон айтиладиган жойдан ноқус (қўнғироқ)ни олиб ташладинг.

Жалолиддин Мангубердининг баҳодирона ва шиддатли жанглари ҳамда салибчилар устидан голиб чиқмаганида, ҳатто Муқаддас Каъба ҳам ғанимлар оёғи остида хор бўлишини шоир қуйидаги байтларда тасвирлайди:

Агар набуди саъйи ту ҳалқайи Каъба,  
Чу наъл зери сумми ҳар бимонда буд ниҳон.  
Зи соиди ту қави гашт бозуйи ислом,  
Ки аз тасодуми куффор гашта буд вайрон.

#### Мазмуни:

Агар сенинг саъй-ҳаракатларинг бўлмаганида,  
Каъба (эшигининг) ҳалқаси тақа каби эшак туёғи остида қолиб кетарди.  
Сенинг билагинг туфайли ислом қайта қувват топди,  
Кофирлар босқинидан у вайрон бўлган эди.

Бу эътирофлар шуни кўрсатадики, ватандошимиз, буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди башариятга ибрат бўладиган ватанпарварлик, она юртга, халқига содиқликнинг чексиз ҳудудлари мавжудлигини исботлади. Ўзини, оиласи, келажаги машғалдек порлаб турган ўғли, қизи, суюкли маликасини, паҳлавон ва баҳодирлари, жанговар жанги, марду майдон лашкари — барча-барчасини она юрти озодлиги ҳамда мустақиллиги учун бахшида қилди.

Камолиддин Исфаҳоний Жалолиддин Мангубердининг буюк ва бетакрор жасоратини ўша далғали даврда куйлаган бўлса, унинг XX — XXI асрдаги давомчилари шоирлар Мақсуд Шайхзода, Абдулла Орипов, Барот Бойқобул, Эркин Самандар кабилар баланд оҳангларда куйладилар.

Агар таниқли шоир Жалолиддин Мангуберди тилидан буюк саркардининг асло ўлмас жасоратларини: Мен асло ўлмайман, ўлган эмасман, ё саҳро кенгликларидан.

ё коинотданми, барибир мен Ватаним, она халқим бағрига қайтаман, ер қаърида ётмасман асло“ қабилда ҳайқирган бўлса, шу мазмун руҳини ватанпарвар шоир Эркин Самандар мустақиллик ғояларига сингдириб юборилган юксакликларда тараннум этди:

Юртни бизга тангри берган,  
Омонатмас мангу берган.  
Жалолиддин исмим маним,  
Ўтда ёнмас жисмим маним.  
Сувда оқмас тулпорларим,  
Шерга менгзар шунқорларим.  
Мен ёвларга ён бермасман,  
Ён бермасман, жон бермасман.  
Эркисиз Ватан кўркисиз маъво,  
Жонни ширин дерлар, аммо,  
Битта эмас, мингта жоним  
Бўлса иккиланмай борин  
Ватанимга бергай эдим.  
Ватаннинг боғлари сўнмас,  
Ватанни ўлдириб бўлмас.  
Ватанки то абад ўлмас,  
Мени ҳам ўлдириб бўлмас.

Жалолиддин Мангуберди Ватан билан абадиятга баланд оҳангларда куйланадиган туганмас қўшиқ, номи афсоналарга қоришиб-қўшилиб кетган дoston.

Тарихи бой миллат улуғ миллатдир,  
Унинг ҳар бандаси азиз хилқатдир.  
Азиз хилқатларига суянган Ватан  
Салоҳиятига олам берар тан.  
Тарихни азалдан яратади халқ,  
Сўнгра юзин мозийга қаратади халқ.  
Улус келажакдан бўлса умидвор  
Ўзининг тарихин билмоғи даркор.

## ХОТИМА

Азиз китобхон! Мозийга қайтиб иш кўрмоқ ақл-идрокни чархлаш, тафаккурни бойитишнинг энг мақбул йўли эканлигидан авлодлар ўз буюк аждодлари ҳаёти ва она юртни ёвлардан сақлашдаги жасоратларини билишга талпинганлар. Ва ундан тўйиниб-тўйиниб маънавий-руҳий озуқа олишган. Шунга кўра биз ҳам ўрта асрлар даврининг энг йирик, ҳам шонли, ҳам қонли фожиаларини қамровига олган — Миллий давлатчилигимизнинг улкан биноси Шарқнинг йирик салтанатларидан бири Хоразмшоҳлар салтанатининг вужудга келиши, қудрат шоҳсупасига кўтарилиши, шунингдек, Чингизхон бошчилигида мўғул босқинчилари томонидан ҳалокатга учратилиши каби машғум воқеаларни асл тарихий манбаларга таяниб очишга ҳаракат қилдик.

Жаҳон тарихи силсиласида Ватанимиз ва аждодларимиз биз тилга олган ушбу даврда дунё халқлари орасида вайроналик ва қирғинлик келтирувчилик миқёслари жиҳатдан, яъни сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий йўқотишлар кўламига кўра ақл бовар қилмас фожиаларга айнан Чингизхон ҳужуми даврида дучор этилдилар. Агар илдизимиз ижтимоий-тарихий заминнинг чуқур илдизларига бориб туташмаганда эди, халқ сифатида йўқликка юз тутишимиз муқаррар содир бўлиши эҳтимолдан холи эмасди. Тарихда шундай аянчли ҳодисалар синовларига бардош бера олмаган қанчадан-қанча халқлар йўқолиб кетганлигига мозий неча бор гувоҳ бўлган.

Халқимиз тўрт минг йиллик тарихи давомида энг оғир, вайроналик келтириши бемисл бўлган Эрон, грек-македон, араб, мўғул, чоризм ва шўро босқинларини бошидан кечирди. Улар орасида ваҳшийлиги чек-чегара билмаган Чингизхон бошчилигидаги мўғулларнинг Ватанимизни ғорат қилиши мудҳишликнинг энг тубан кўриниши, тарихимизнинг фожиали саҳифаси сифатида мозийда муҳрланди. Дунёни қуликнинг мустаҳкам занжири билан чирмаб ташламоқчи бўлган мўғулларнинг ёвузларча мақсад ва режаларига қарши тура оладиган куч йўқдек туюларди дунёда. Чин-Мочиннинг беҳисоб ҳарбий, иқтисодий захираларига эга бўлган Чингизхон дунёни забт этишдек ёвуз мақсадни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Аммо Мовароуннаҳр ва Хоразм, шунингдек, Хуросон заминида мўғул ҳоқони умри поёнига қадар боши берк кўчага олиб кирадиган қаршилик ҳаракатига дуч келишини асло тасаввурига сиғдира олмасди. Бу буюк қаршилик тепасида улуғ саркарда, Ватаннинг афсонавий баҳодири Хоразмшоҳ ануштегинлар сулоласининг сўнгги вакили, мардлик тимсоли Жалолиддин Мангуберди турган эди. Узоқни кўра олмаган Муҳаммад Хоразмшоҳ ва ака-ука шахзодаларнинг хиёнат, сотқинликлари, иккинчи тарафдан, мўғулларнинг яшин тезлигидаги ҳужумлари боис Хуросонни қаршилик марраси қилиб танлаган Жалолиддин Мангуберди Ватан, эл-улус тақдири ғоят оғир ва таҳликали дамларда баҳодирлик отига минди. Ватани. халқи бошига тушган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган офат ва фожиалар олдида сира ҳам саросимага тушмади, мотам либоси ўрнига жанговар зирҳли либосини хотиржам ва совуққон бир ҳолатда кийиб, жуда кўп ғолиб жангларга гувоҳ буюк бобоси Хоразмшоҳ Такаш Султоннинг олмос тигли қиличини қўлига олиб, фавқулодда бир ҳолатдаги шиддат билан жангга шайланди.



Тутқич бермас вақт тизгини Чингизхондек бағоят қудратли ғаним фойдасига кунмакун, дақиқама-дақиқа ишлар экан, Жалолиддин Мангуберди ҳеч иккиланмай, минг биринчи қўлдан кетган имкониятлар олдида титраб-қақшамай, эрк, озодлик ва мустақиллик яловини мардона кўтарди.

Кўхна дунё дунё бўлиб яралар экан, вайроналик ва бемисл қонлар тўкилиб, инсоният бошига мўғуллар зулмидек кулфатларни келтирган фожиали ҳодисага ҳали дуч келмаган эди. Тан олиш лозимки, халқлар, эл-улуслар минг йилликлар қамровида кўплаб уруш, босқин, талаш-тортишларни бошидан кечирган эди. Ана шу ҳодисотлар ҳар бир халқ орасидан ўз йўлбошчилари ва машҳур саркардалар ҳамда қаҳрамонларини тарбиялади, шунингдек, кашф этди ҳам. Ҳар бир халқ бундай тарихий буюк шахсларини эъзозлаган, қаҳрамонликлари тиллардан-тилларга, авлодлардан-авлодларга ўтган. Улар мардлик ва қаҳрамонлик тушунчаларининг ҳудудларини баҳоли қудрат кенгайтирдилар. Бироқ, жаҳон дунёни ларзага келтираётган Чингизхондек ёвуз хоқонга муносиб қаршилик кўрсатишга қодир, жасорат бобида тенгсиз мард бир инсоннинг жанггоҳларда пайдо бўлишини интиқ бўлиб кутарди. Мардлик ва жасорат ҳамда баҳодирлик фақат ўша инсондагина барча очилмаган қирраларини тўлақонли, бор бўйи билан ифода қила олиши лозим эди. Бу жанг майдонига от суриб кириб келган Султон Жалолиддин Мангуберди бўлиб чиқди. Турон ва Хуросон заминининг Ватан ва эл-улус учун жонини беришга ҳар нафасда тайёр, аммо Чингизхоннинг яшин тезлигида берган зарбалари остида тўрт тарафга сочилиб кетган лашкардан қайтадан қасоскор лашкар тузиш ўлимдан қийин муаммо эди. Қаттол ёв ва унинг ғоят тажрибали хоқон ҳамда донгдор саркардалари оғир дамларда Жалолиддин Мангубердига қўшин йиғиш имконини қолдирмасдан, уни мажақлаб ташлашга бор кучи, имкониятларини қанчалик сафарбар қилмасин, тулкидай айёр Чингизхон ҳамда унинг лашкарбошилари мутлақ кутмаган ҳолда Жалолиддин Мангуберди буюк қаршилик ҳаракатининг ҳақиқий йўлбошчи ва яловбардорига айланди. Буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди ўн йиллар давомида мўғуллардек ёвуз ғанимларга қарши аёвсиз жангу жадалларда кўрсатган, қалам ёритишга ожизлик қилувчи қаҳрамонона курашлари билан тарихий воқеа ва ҳодисалар қайнови доирасига сифмай унинг номи афсонавий баҳодирлик ҳудудларига ёйилиб кетди. У ўзигача марду майдонлар кўрсатган қаҳрамонлик, мардлик, жасорат тушунчаларини улар ўрнатган юқори маррадан энг юксак поғонага кўтарди. Шу билан Жалолиддин Мангуберди инсон иродасининг чексиз ва яширин қудратлари унинг тана ҳамда руҳида намоён бўлиши, бу захиралар жунбушга келганда одамзоднинг қувват манбалари буюк ҳодиса ва воқеаларни содир эта олишини башариятга намоён эта олди. Шунга кўра тарихий фактларга таянган ҳолда, муболағасиз тарихий адолат нуқтаи назаридан айтиш жоизки, Жалолиддин Мангуберди кўтарган мардлик ва қаҳрамонликнинг юксак марраси, унинг ҳудудий кенглиги шундай мавқедаки, бу чўнг чўққи умумбашарият учун ибтидодан интиҳо қадар фақат буюк саркардага дахлдор марра бўлиб қолажак. Шунга кўра унинг босиб ўтган йўли Ватанпарварлик нуқтаи назаридан, халқи, она юрти манфаатларини ҳар қандай нарса, ҳатто жонидан ҳам азиз билиши, унга шу йўлда ҳар нафасда фидо бўлишга шай туриши жиҳатидан шонли йўлдир. Бироқ ана шу муқаддас туйғуларни деб оиласи, фарзандлари, муниса онаси, опа-сингил, қариндош-туққанлари, тожу тахти ва жанггоҳларда зич бўлиб уни ўраб турган баҳодир жанговар лашкарбоши ва саркардаю жангчиларидан абадий айрилишларига бардош бериш инсондаги ирода ва руҳий қудратнинг бетакрор бир кўринишидирки, Жалолиддин Мангубердини ана шу икки жабҳада намоён

этувчи сурат ва сийрат унинг мангуликка дахлдор инсон эканлигининг бош мезони бўлиб, худди шу сифатлари уни тарих ва келажак кўзгусида порлоқ хилқат сифатида нурафшон этади, инсониятга айнан шу инсоний сифатлари сабоқ беради. Бунга унинг тарихда амалга оширган бемисл ва беқиёс ишлари гувоҳлик беради.

Дунё бутун бўлмас тарих бўлмаса,  
Тарихга муносиб таъриф бўлмаса.  
Келажак тарихсиз бўлмайди бино,  
Тарих билан тугал муҳташам дунё.

Шундай буюк инсонга, қолаверса, тарихчилигимиз касби ва жалолиддиншунослик мавзуига садоқат ҳамда эҳтиромимиз боис, шунингдек, тарихда ундан олдин ё кейин ўтган қаҳрамонлар хотирасини заррача бўлса-да камситмаган, уларнинг ўз халқи олдидаги тарихий хизматларини пасайтирмаган ҳолда Жалолиддин Мангуберди мардлик ва жасоратларини такрорлаш ва янгилашга ҳаракат қилган марду майдон қаҳрамонларнинг жанговар ҳаёт йўлини ҳарбий тарих талаблари доирасида ўрганиб, уларнинг тарихий ҳамда жанговарлик саҳифаларини узоқ йиллар манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил ва муқояса қилиб ўрганишга уриндик. Жаҳонни ларзага келтирган биринчи ва иккинчи жаҳон уруши даврига доир қомусий, тарихий адабиётларни ҳам назардан четда қолдирмадик. Аммо халқ ва миллат қаҳрамонлари Жалолиддин Мангуберди ва Соҳибқирон Амир Темур мардлиги ва қаҳрамонликларига қиёс қилгудек тарихнинг адолат ва ҳақиқат тарозисининг иккинчи палласига муносиб номзодларга дуч келмаганлигимизни қайд этишдан ўзга илож топмадик. Жалолиддин Мангубердининг ўн бир йилини кунларга айлантирганимизда 4015 кун-тун омонсиз жангу жадалларнинг нақ дўзах оташи аланга олган жанггоҳларида қилич серпаганлиги ва оқибат қўл панжаларидан қон ва йиринг оққанлигидан инсон даҳшатга тушмасдан иложи йўқ. Буюк саркарданинг 305 марта ғанимларга қарши Ватан учун жангга кирганлигидан ҳужжатгоҳлардаги манбалар гувоҳлик беради. ... Бироқ шўро тузуми шундай улуғ ватандошимиз ва она юртимизнинг буюкларига нисбатан қўллаган қатағонлик ва ғирромликдан иборат шовинистик сиёсати узоқ давр тарихий онгимизни заҳарлаб, тарихий арбобларимизни бизга ва жамиятга қарши қилиб тарих ҳақиқатини сохталаштириб келди. Бўхтон ва туҳматлардан иборат мафкуравий ташвиқот ботқоғига ботирди. Миллий ўзлигимизни англаш, тарихимизни тўғри идрок қилишдан маҳрум этди.

Тарихимизга қилинган аёвсиз ҳужумнинг ёшларимизнинг комил инсон бўлиб етишувига катта салбий таъсири мавжудлигини, тарихимизни тўғри идрок қилмаслик миллий мафкураимизни онгимизда тўғри шакллантиришга ров бўлиши оқибатларини ўз вақтида барчадан олдин илғаган Юртбошимиз Ислом Каримов миллий ўзликни англаш учун аввало тарихимизга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга дастуруламал бўладиган дониш ҳикматларини илгари сурди. Бу миллат ва Ватан тарихини ўрганиш йўлида чинакам бурилиш ясади. Бир вақтда Ватан тарихини яратиш учун ҳам методология, ҳам концепция вазифасини бажарди. Бу қоидалар нафақат дарслик ва қўлланмалар яратиш, балки халқ қаҳрамонлари. ҳукмдор ва саркардаларимизнинг Ватан, халқ олдидаги хизматларини ҳақиқат ва адолат жабҳасида ёритилишига ҳам йўл очди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг тарихимиз истиқболини кўзлаб билдирган фикрлари аллақачон ҳаётимиз, айниқса, зиёли ва олимларимиз онгига сингиб бўлдигина эмас, балки

тарих фалсафаси ва ҳикматига айланиб ҳам улгурди. Буни яна бир бор эслаш айни муддаодир. Негаки, тарих ҳақидаги сўз муқаддас тушунча, Ватан, халқ унинг тарихий қаҳрамонлари, уни ҳақиқат соҳилида туриб яратишнинг мустақилликни мустаҳкамлашдаги муҳим ўрни, аҳамияти тўғрисида боради. Бу чинакамига тарихни фалсафий фикрлаш, донишларча англантишга йўналтирилган тафаккур маҳсули, миллат йўлбошчисининг ҳикматлар тизгинидир:

„Одамзод борки, авлод-аждоди, Ватанининг тарихини билишни истайди“;

„Ўзликни англаш тарихни ўрганишдан бошланади“;

„Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир“;

„Тарихий хотираси бор инсон иродали инсон. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади“;

„Тарих халқ маънавиятининг асосидир“;

„Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас“;

„Ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак“.<sup>1</sup>

Бу Ватан тарихи, халқ қаҳрамонларининг ҳаёт йўлини тарих ҳақиқати миллий истиқлол мафкураси негизда ўрганишга даъватдир. Маънавият ва ўзликни англашнинг жанговар қуроли халқимизнинг ҳақиқий тарихи экан:

Тарих сабоғидан неки олибсан,  
Имон гавҳарини дилга солибсан.  
Меҳр офтобидан тонглар ёришса,  
Тарихдан бебаҳра онглар ёришса,  
Билинг, бу миллатнинг уйғонишидир,  
Миллат бўлиб яшашнинг чин даъвосидир

дейишга ҳақлимиз.

Буюк саркарда ва давлат арбоби Жалолиддин Мангуберди ва Соҳибқирон Амир Темур каби ватандош улуғ аждодларимиз Юртбошимизнинг ҳикмат ва маталлар даражасига кўтарилган фалсафий фикрларидан кейин Ватани ва халқи бағрига, мустақил она юртига 150 йиллик мустамлакачиликнинг қатағонлик сиёсати таназзули боис қайтди. Улар ўз даврида қандай буюклик шоҳсупасига кўтарилган бўлса, мустақилликдан сўнг худди шу юксакликда шарафланди. Шунингдек, уларнинг бемисл хизматлари халқаро майдонларда ҳам эътироф этилди, таваллуд саналари жаҳон миқёсида эъзоз топиб нишонланди. Уларнинг „жаҳон тарихида тутган ўрни“ мавзуида халқаро илмий анжуманлар ўтказилди.

Уларнинг номида Ватаннинг юксак жанговар олий орденлари халқ иродаси сифатида таъсис этилди. Бу олий нишонлар билан Ватанни худди Жалолиддин Мангуберди ва Соҳибқирон Амир Темурдек ҳимоя қилган юрт қаҳрамонлари мукофотланади.

Тарих ҳақиқати ва қонунлари ҳар қандай мустамлакачи империялар қудратини емиришга қодир. Улар устидан ўзининг одил ҳукмини чиқаради.

Жалолиддин Мангуберди ва Соҳибқирон Амир Темурга етмиш йил тухмат тошларини ота-ота, оқибат йўқликка юз тутган Шўро салтанатининг ҳалокати шунга яққол далилдир. Бу тузум томонидан қилинган сохтакорликлар ва тухматларни шўро даврида яратилган

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Адолатли жамият сари. „Ўзбекистон“, — 1998 йил. 34–36, 44–52, 58–60-бетлар.

дарсликлар (ўрта ва олий таълим учун) мисолида кўриш мумкин. Буни ёритишдан аввал Юртбошимизнинг нақадар узоқни кўзлаб олимлар ва барча зиёлиларни огоҳликка чорлаши ва унинг сабабларини эсга олайлик:

„Хар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсирлар ва тажовузлардан асраши керак“.

Шўро тузумининг донгдор олимлари шундай бир буюк ҳақиқат ва ҳодисадан кўз юмдики, фақат тарих ҳақиқати ва олимлик виждонига хиёнат қилган зиёлигина шунга қўл уриши ёки жим туриши, сукут сақлаши мумкин эди. Ҳолбуки, Шўро тузуми Русиянинг Марказий шаҳарларида шу буюк хизмати учун Жалолиддин Мангубердига халоскор сифатида ҳайкал қўйса-да, асакаси кетмасди.

Энди шунга мутлақ лойиқ Жалолиддин Мангуберди ҳарбий ҳаракатларининг Русия тақдирига бевосита дахлдор, яъни Шарқий Европа учун ҳам халоскорлик ролини ўйнаганлиги ҳақидаги тарихий далилни келтирамиз. Бу воқеалар ҳозиргача на жаҳон, на Россия, шунингдек, Ватан тарихи дарсликларидан ҳам ўрин олмаган. Юқорида қайд этилган собиқ Иттифоқ тарихи дарсликлари бу воқеага Жалолиддин Мангубердини мутлақо тилга олмаган ҳолда фақат юзаки ва хаспўшлаш орқали мавзунини жўнгина ёритдилар. Негаки. Чингизхоннинг рус ерлари томон ҳужуми ошқора ва моҳиятига кўра аниқ ёритилганда Жалолиддин Мангуберди Русия ва Шарқий Европа халқларининг чинакам халоскори бўлиб майдонга чиққан бўларди. Бу буюк воқеа Чингизхоннинг Дашти Қипчоқ ва рус ерларига ҳужуми ва Калька дарёси бўйидаги 1223 йил 31 май куни бўлиб ўтган жанги билан бевосита боғлиқ эди.

Чингизхон қўшини Мовароуннаҳр ва Хоразмни эгаллаб, яна икки ярим йил Хоразмшоҳнинг Хуросон ва Эронга чекинган қўшинлари ва шунингдек, Жалолиддин Мангубердининг шахзода укалари билан яқунловчи ғолибона жанглар олиб борди. Уларнинг қаршилигини (бундан Жалолиддин истисно) синдиргач, Русия ва Шарқий Европа ҳудудларини забт этишга отланди.

Чингизхондек қудратли ва ёвуз ҳукмдор лашкарига қарши курашга мутлақо қодир эмаслигини англаган Дашти Қипчоқ ҳукмдор ва саркардалари барча Русия князликларига ёрдам сўраб, агар бундай ёрдам берилмаса бутун Русия ҳудудлари ҳам аёвсиз босқиндан вайронага айланишини огоҳлантирдилар. Бу айтилган ҳақиқат эди. Ўн бешга яқин (Москва, Новгород, Тверь, Псков, Смоленск, Киев, Рязань, Владимир ва бошқалар) Русия князликлари қипчоқларнинг ёрдам сўраб қилган мурожаатини қабул қилиб, иттифоқчилар ўз лашкарларининг барчасини ягона бир кучга бирлаштириб, Чингизхон лашкарига қарши жангга отландилар. Бирлашган рус ва Дашти Қипчоқ қўшини Чингизхон қўшини йўлини Калька дарёси бўйида (1223 йил 31 май) кутиб олди. Аёвсиз ва даҳшатли жангда Чингизхон қўшини иттифоқчиларнинг бирлашган лашкарини тамомила мағлубиятга учратди. Кўпдан-кўп асир олинган Русия ва Дашти Қипчоқ саркарда ва жангчилари, ярадорлар ерга ётқизирилиб, мағлублар устига қамиш, кигиз ёйишиб ғолиблар ғалаба тантанасини ўтказдилар. Асирлар азоб-уқубатли ўлим топдилар. Энди Русия ҳудудларига Чингизхон учун йўл тамомила очилган, ҳеч қандай қаршилиқ қилувчи куч йўқ эди. Фақат уларга рус ҳудудларига кириб, тайёр ўлжаларни йиғиб олишгина қолган эди, холос. Аммо Чингизхоннинг ғалаба ошига пашша тушган ва ҳафсаласини пир қилувчи шум хабар ҳоқоннинг Русияни талаш режасини барбод қилган эди. Бу Султон Жалолиддиннинг

Ҳинддан Хуросон ва Эрон ҳудудларида кутилмаганда пайдо бўлиб, шу ҳудудда қолдирилган муғуллар лашкарини қирғин қилишни қайтадан бошлаб юборганлиги хабари эди. Натижада Жалолиддин Мангуберди Чингизхоннинг Русия устидан буюк галабасини йўққа чиқариб, Шарқий Европани вайроналик, қуллик кишанлари асоратига солинишдан сақлаб қолди. То Чингизхон томонидан амалга ошмай қолган Русия князликларини босиб олиш режасини хоқоннинг невараси, Жўжининг ўғли Ботухоннинг 1237—1240 йиллардаги хужумига қадар бу ҳудудлар дахлсиз қолди. Ботухон Олтин Ўрда салтанатига асос солгач, бутун Русия князликлари тиз чўктирилиб, тўла муғуллар қарамлигига юз тутди ва Олтин Ўрда салтанати таркибига киритилди. Русда Ясоқ қонунлари тўла амал қила бошлади. Шу ўринда яна бир муҳим масаланинг сирини очиб, уни ошкор этиш вақти келдики, бу ҳам Шўро шовинизмининг тарихга ёндашувдаги фирромликларини фош қилувчи далиллардан бири ҳисобланади. Бунда славян қаҳрамонларининг номлари кўкларга кўтарилиб, халқимизнинг буюк фарзандлари Жалолиддин Мангуберди ва Соҳибқирон Амир Темурга нисбатан камситувчилик, беписандлик қилганлигининг неча йиллар гувоҳи бўлиб келдик. Бизнинг буюкларимизнинг Шўро тузуми учун асосий айби нима эди? Наҳотки юртимиздан етишиб чиққан ҳукмдор ва саркардаларнинг барчаси минг йиллар давомида жаллодсифат, маишатпараст, халқи ва юртини ўйламайдиган ва худбин бўлиб ўтаверган бўлса?! Наҳот аждодларимиздан юртпарвар, халқини рози қилган бирон-бир мард ҳукмдор чиқмаган бўлса? Бошқа халқлардан чиқаверган-у, бизда бундайлар нега анқонинг уруғи? Саволлар кўпайган сари қалбимиз эзилиб, руҳимиз синиб борарди. Шўро тузуми миллатимизнинг тарихий онгини сохталаштиришнинг нишонини аниқ топган эди. Шўро тузуми совет педагогикаси ва мафкуравий тарбияси билан айнан тарихимизга юзсизларча хужум қилиб, бизни манқуртлаштириш, чинакам тарихимиздан маҳрум қилиб, халқимизни оломонга айлантиришдек ёвуз сиёсий мақсадни қўйганлигини ким ҳам билсинки, дунёда „Ленин танлаган йўлдан тўғри йўл йўқ, энг одил жамият — коммунизм большевиклар партияси раҳнамолигида қурилади“ каби ёлғон ғоялар ҳар куни халқлар онгига шиббалаб сингдирилиб турилса. Тарих ҳақиқатини ҳар қадамда яшириб, сохталаштириб туриш Шўро тузуми тарғиботи ва миллий сиёсатига асос қилиб олинганлиги кимнинг тушига кирибдики, ёлғонлар машинаси гувуллаб ишлаб турганлиги кимнинг ҳам хаёлига келсин?

Тарихнинг асл тили — манбалар, ҳужжатлар яширилса ёки пўлат махфий сандиқларда „очилмасин“ муҳри билан мустаҳкамланиб ихота қилинса, оддий халқ нима қилсин? Додини кимга айтсин!

Энди асл муддаога ўтамиз. Ана шундагина юқоридаги саволлар тизимига қисман жавоб топгандай бўламиз. Москванинг қўл етмас ҳужжатгоҳларида фалакнинг гардиши билан маълум муддат ишлаб „очилмасин, ўта махфий“ ҳужжатларини кўздан кечирганлигимиз боис юқоридаги вужудимизни қақшатган ва титратган саволларга жавоб топгандай бўлдик. У ерда оқибат миллатларни йўқ қилиб, омихта совет халқини яратиб, миллатсиз оломон ҳосил қилиш, уни байналмилаллик мафқураси билан ихоталаш сиёсий дастурлари ҳам сақланади...

Азиз ва ҳурматли китобхон! Воқеанинг энг қалтис жойи энди келишини сабрсизлик билан кутинг ва диққат билан мушоҳада қилиб боришда давом этинг. Негаки, бу ёғига

тарихий воқеалар қандай сиёсий йирик воқеа ва ҳодисаларга уланиб кетишига ўзингиз гувоҳ бўласиз, албатта. Соф тарихий ҳужжатлар нима дейди, ҳужжат манбалари тилга киради.

... Худди тарих такрорланаётгандек Москва яна даҳшатли хавф остида қолган. Аммо бу Тўхтамишхоннинг Москвага қайта навбатдаги ҳужуми эмас, балки орадан қарийб беш юз эллик йил ўтиб Гитлер Германиясининг Москвага 1941 йил кузидаги қилган бош ҳужуми эди. Саҳифаларни қунт билан ўқиётган ўқувчимиз бу воқеанинг Жалололдин Мангуберди ва Амир Темур даврига қандай боғлиқлиги бор, дея ҳайрон бўлиши табиийдир.

Албатта бор, бўлганда ҳам наридан-бери эмас. Москва қўлдан ана кетди, мана кетди бўлиб, таҳлика ва ваҳима домида қолган офир дамларда „халқлар доҳийси“ Сталин бу ваҳимага бир оз барҳам бериш учун, халқнинг ва „Қизил Армия“ қўшинларининг руҳини кўтариш мақсадида 1941 йил 7 ноябрь кунига ғоят махфий ҳарбий парад ўтказишга тайёргарлик кўрарди. Олий Бош қўмондон Россия ва жаҳон тарихини доимо ўқир эди. Унинг Кремлдаги хонасида жилд-жилд мозий илмларига оид китоблар туриши, уни тез-тез Кремль ҳукмдори мутолаа қилишини унинг қабулида бўлган маршаллар, партия ходимлари кўп бора таъкидлашган. Бу унинг кўп жилдлик асарларида ҳам мавжуд. „Халқлар доҳийси“ Сталин 1941 йил 7 ноябрь кун соат 10<sup>00</sup> да фронтга жўнатиладиган дивизиялар олдида Кремль минбаридан туриб қўшинга қарата машҳур нутқ ирод этади. Нутқ Москва остонасида турган немис қўшинларини албатта улоқтириб ташлашга қаратилиб, якунида эса ушбу оламшумул жангда голиб чиқишда „Қизил Армиямиз жангчиларини Александр Невский, Дмитрий Донской, Кутузов ва Суворовларнинг руҳи қўлласин“ чақириғи билан тутатади.

Тарихни яхши билган одам, виждонан олганда, Александр Невский ва Дмитрий Донскойлар қаторида, дастлаб ўзларининг даҳшатли жанглари билан Русия князлари мағлуб қила олмаган мўғулларнинг йўлини тўсиб, Шарқий Европа учун халоскорлик миссиясини амалда бажарган Жалололдин Мангуберди ва Соҳибқирон Амир Темурнинг номлари Кремль минбаридан тилга олинмади. Собиқ Иттифоқ ҳукмдори ҳақиқат ва адолат тарафида тура олмади. Тарихни сохталаштириб, Александр Невский ва Дмитрий Донскойлар руҳига сифиниб, Москвани, собиқ Иттифоқни ҳимоя қилишга даъват этди. Аммо Россияни мўғуллардан сақлаб қолган асл қаҳрамон Жалололдин Мангуберди ва Амир Темур — бизнинг буюк боболаримизнинг номи асло тилга олинмади.

Ҳолбуки, бириси Русияни Чингизхон ҳужуми, иккинчиси эса Тўхтамиш зулмидан сақлаб қолган бизнинг буюк икки аждодимиз номлари ўша Олий минбардан зикр этилганда бу адолатдан бўлур эди. Минг афсус, рус саркардалари қаҳрамон дейилиб дунёга жар солинди. Бундай давлат ва жамият, уни бошқарган сиёсий арбоблардан тарих албатта ўч олиши муқаррар эди. Тарих ўч олди ҳам, дунёнинг йирик салтанати Шўролар давлати океанда кўтарилган бўронда йўқликка юз тутган баҳайбат кемадек чўкиб, дунё харитасидан ўчирилди. Уларнинг сиёсий доҳийлари ҳам. Аммо улар томонидан қатағон қилинган буюк аждодларимиз ўз халқи ва Ватани бағрига жанг суронларида қандай мағрур бўлган бўлсалар, худди шу зайлда қайтдилар. Рус маърифатпарварларидан бири: Россия улуг, аммо ундан ҳам улуг тушунча бор — бу тарих ҳақиқатидир, деганда юз карра ҳақ эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, халқлар доҳийси дея тарғиб этилган Сталин 1941 йил кузида, дўппи тор келиб Москва немис қўшинлари томонидан шимол, ғарб ва жануб — уч тарафдан ўраб олинган чоғда тарихда энг ёвуз босқинчиларга қарши курашда жангчиларнинг руҳини кўтариш учун бемисл жасорат кўрсатган миллат қаҳрамонлари, саркардаларга бағишланган шеърларни қўшиққа солиб, уларни фронтларда номдор санъаткорларга куйлашни топширади. Шунда рус шоирлари ҳеч иккиланмай Жалолиддин Мангуберди қаҳрамонлигини энг муносиб номзод деб топишиб, машҳур бастакорлар Жалолиддинга бағишланган шеърни қўшиққа мослайдилар. Жалолиддин номи қўшиқ бўлиб Берлингача бўлган масофада, турли фронтларда жанг қилаётган жангчиларни жасоратга ва ғалабага чорлайди:

## МАРДЛАР МАРДИ ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ<sup>1</sup>

Зафар учун туғилгансан эй, беназир зот,  
Савашларда тойрилмоқ не, сира билмаган,  
Ғолибият байроғидай нур сочиб турган,  
Елканг ерга тегмаган ҳеч, ҳадик сенга ёт.

Шамширининг кучини кўп бор жангтоҳда исбот  
Айлагач, ул Чингиз сенга бермаганми тан.  
„Ал-қасосу мин-ал ҳақ“ деб ҳайқирганда сен  
Бўлаберди ёғий барбод устига барбод.

Зеро, сенинг қудратингдан Чингиз эди лол,  
Ўшал чоғда терс айланди чоғи чарх, алҳол,  
Амр айлади Азроилга водариф, Оллоҳ

Ва ул бир курд ҳужрасида Жалолиддиннинг  
Бошин қўйди кундага ва тақдирга тан берароқ  
Мангуликка доҳил бўлди охириги Хоразмшоҳ!

Уруш ғалаба билан тугагач бу қўшиқ яна тақиққа учрайди. Чунки у ўз вазифасини Сталин наздида ўтаб бўлган эди-да. Фақат СССР таназзули арафасида тақиқланган шеър 1988 йилда В. Яннинг „Жасорат қанотларида“ китобида яна дунё юзини кўради. Бу вақтга келиб „Салтанат“ таназзули бошланаётган ва мустақиллик юртимиз остонаси бўсағасига келиб қолган эди.

Халқ уларнинг жангтоҳлардаги баҳодирона майлда Ватан озодлиги, мустақиллиги дея ҳайқирғидан, суронли даврда от сурган дупуридан қайта уйғонди. Улар азалий кутган ва курашган улуғ мақсад — Озод ва мустақил Ватан уларни, буюк қаҳрамон аждодларимиз эса ворисий авлодларини қутлади. Буюк ўтмиш ва келажакка кўприк бўладиган бугунги Мустақиллик деб аталмиш улуғ тарихий ҳодиса ХХІ аср бўсағасида рўй берган эди. Бу буюк келажакдан хабар берувчи илоҳий ҳодисадир. Мустақилликнинг олий нишони Жалолиддин Мангуберди ва Соҳибқирон Амир Темур номига зарб этилган орденлар-чи? Буларнинг барчаси бу тарих ҳақиқати ва адолатнинг тантанасидир. Зеро, халқимиз тафаккури

<sup>1</sup> Таржимон Э. Самандар

маҳсули бундан уч минг йил аввал башариятга бонг урган чақириғи абадиятга дахлдорлигини исботлаб: „Ёлғонлар қаердан пайдо бўлган бўлса. яна ўша жойда йўқликка юз тутиши, ҳақиқат эса қуёшдек порлаши муқаррар“ сўзлари исботини топиб, Шўро тузумини фарқ қилган экан, ҳақиқат, эзгулик, адолатнинг ер юзида тантанасини ҳам башорат қилган эди. Буюк таълимот „Авесто“ озод ва фаровон жамиятга олқишлар ёғдирган эдики, Ватанимиз мустақил ва эзгуликка йўғрилган йўлдан шитоб билан борар экан, биз учун жон фидо қилганлар руҳи доимо шод, унга ворис бўлган халқимиз ва она юртимиз келажак иқбол тақдири бахт-саодатга абадий дахлдор бўлсин.

Сизни деб, бизни деб, авлодини деб,  
Аждодлар жанг қилди, жангки беомон.  
Она юрт ҳуснига беролмасдан зеб,  
Армон билан кетдилар миллионлаб инсон.

Бугунги ва келажак авлод Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур номларини доимо ёд этажаклар. Уларнинг руҳларини доимо шод этажаклар.



## АЗИЗ КИТОБХОН!

Сизнинг қўлингизда ўзингиз ёқтирган, маънавий дунёингизни бойитишга хизмат қиладиган ва эстетик завқ билан безатилган китоб турибди. Бунда муаллиф ва ноширларнинг машаққатли ақлий-ижодий меҳнاتини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта. Шу билан бир қаторда унда яна бир ватанпарвар, олижаноб инсоннинг саховатли улуши борлигини эшлаш жоиздир. Қадимданоқ фан, маданият равнақи фақат давлат ҳомийлиги зиммасида бўлмай, ана шу соҳанинг истиқболини кўзлаб ўзининг моддий-маънавий ҳиссасини кўшган, олим ва маданият арбобларига саховат кўрсатган инсонлар жамиятнинг турли даврларида бўлган. Ҳозир ҳам бундай фан ихлосмандларининг борлиги қувончлидир.

Шундай инсонлардан бири Қуранбой Атаханов бўлиб, у халқ қаҳрамони, бемисл саркарда, мустақиллик учун кураш яловбардори Жалолиддин Мангубердига бағишланган китобнинг чоп этилишига ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини кўшиш истагини билдирди. Фан фидойиси ушбу олижаноб ва саховатпеша инсоннинг мақсадини, қизиқишларини билишга интилдик.

Унинг эзгу нияти Юртбошимизнинг „Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарида қайд этилган халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгини маънавий-ахлоқий юксалтиришнинг асосий омили бўлган тарих ва миллий-маънавий меросимиз, шунингдек, катта тарбиявий мактаб бўлган буюк тарихий арбобларимиз ҳаётини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга ўз ҳиссасини кўшишдан иборат экан. Шу боис мазкур китобимизнинг чоп этилишига ўз ҳиссасини кўшган бу инсонга, шунингдек, ушбу китобнинг дунё юзини кўришига астойдил иштиёқманд бўлган ва баҳоли қудрат ёрдамини аямаган яна бир ватандошимиз Тилоvmурод Умаровга муаллиф ва ноширлар ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

Ушбу асар келажаги буюк бўлган мустақил Ўзбекистонимизнинг худди Жалолиддин Мангуберди каби „Ватаннинг шерюрак баҳодирлари“ни тарбиялаб вояга етказишда халқимизга муносиб туҳфа бўлади, деб умид қиламиз.

## **ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 800 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!  
Қадрли меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, барчангизни қадимий ва муқаддас Хоразм заминида туриб, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк аجدодимиз Жалололидин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги билан муборакбод этаман.

Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихи эл-юртимизни босқинчи, ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, миллатимизнинг эркинлиги ва ор-номусини асраш йўлидаги буюк воқеаларни, бу қурашларда жасорат ва мардлик кўрсатган буюк шахсларнинг номларини асрлар давомида ўзининг ёрқин хотирасида сақлаб келмоқда.

Жалололидин Мангуберди — она юрт ҳимоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби, халқимизнинг Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Амир Темурлар сингари тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонидир.

Жалололидин Мангуберди — бор-йўғи ўттиз икки йиллик қисқа ҳаёти давомида элу юрт учун, халқ озодлиги учун сўнмас хизмат қилишга улгурган улуг аждодимиздир.

Азиз дўстлар!

Жалололидин Мангубердининг беқиёс жасоратини англаш учун, аввало, у яшаган тарихий давр, шу даврларнинг машаққатли ва бешафқат саҳифаларини ўзимизча тасаввур қилиб кўрайлик.

Шу пайтгача ҳеч қайси давлат, ҳеч қайси эл бас келолмаган, Хитой ва бепоён Сибирь ерларидан бошлаб бугунги Каспий ва Қора денгиз бўйларигача бўлган ўлкаларни забт этган, йўлида учраган шаҳар-қишлоқларни ёндирган, даҳшати ўзидан олдин етиб. не-не шоҳу шаҳаншоҳлар, амиру султонлар, саркардалар юрагига ваҳима солган Чингизхон лашкарининг Хоразм устига бало-қазодай ёпирилиб келаётганини кўз олдингизга келтиринг.

Бир томондан, бой-бадавлат, иккинчи томондан, пароканда бўлиб ётган юртимизнинг ўша пайтдаги аҳволини ҳам бир ўзингизча тасаввур қилиб кўринг.

Чингизхон шундай бир машъум куч эдики, дунёдаги манаман деган қанча зотлар унинг қаршисида тиз чўкиб, қуллуқ қилиб яшашга тайёр эди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ атрофидаги кўплаб беклар ҳам ёв қўлига таслим бўлишни афзал кўрганларида Жалололидин бу фикрга қарши чиқиб, ўзининг беқиёс жасорати ва қатъиятини намоён этди. Шу пайтгача мағлубиятга учрамаган мўғул лашкарига қарши ўн бир йил муттасил жанг қилди ва ғанимларга шундай қақшатқич зарбалар бердики. ҳатто Чингизхондай маккор ва бешафқат, дунёнинг ярмини забт этган фотиҳ ҳам унга тан беришга мажбур бўлди.

Айтинглар, азиз дўстлар, ана шундай қалтис вазиятда ўзи каби фидойи, ботир инсонларни жипслаштириб, Хоразм заминини топташга шай турган ёвуз душманга



## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ ЖАҲОНШУМУЛ ХИЗМАТЛАРИ ВА СИЙМОСИ МУСТАҚИЛЛИК КЎЗГУСИДА



Ёдгорлик мажмуасининг умумий кўриниши. 1999 йил, ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ташаббуси билан „Жалолиддин Мангубердининг жаҳон халқлари тарихида тутган ўрни“ мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилди ва Урганч шаҳрида буюк давлат арбоби, улуғ саркарда ёдгорлиги очилди. Унда Юртбошимиз халқ қаҳрамонининг жасоратга тўлиб-тошган мардликлари юзасидан нутқ ирод этди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 30 августдаги қабул қилинган қонунига биноан Жалолиддин Мангуберди жанговар Олий ордени таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги нишонланиши муносабати билан эсдалик юбилей тангаси муомалага чиқарилди. 1998 йил 24 сентябрь.

қарши чиқиш учун одамда қандай журъат, қандай юрак, қандай ирода, қанчалар бақувват имон-эйтиқод бўлиши керак?

Айтинглар. бунинг учун инсонда Ватанга муҳаббат, элу юртга садоқат, фидойилик, озодликка интилиш туйғуси нечоғлиқ юксак бўлиши керак?

Қани, айтинглар, дўстларим, қадрдонларим, олдиндан ўзининг қурбон бўлишини била туриб, лекин Ватан учун, унинг ор-номуси, унинг тарихи ва истиқболи учун зиммасига шундай оғир қисматни олган зотларни тарихда кўп учратиш мумкинми?

Аминман, бундай шижоатли ва мард ўғлонни дунёга келтирган. вояга етказган халқ ҳар қанча ҳурмат-эҳтиромга, ҳар қанча тасанноларга муносиблир.

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли дўстлар!

Султон Жалолиддин Мангуберди ўз элининг бахту саодати учун ҳаёт-мамот жангларида жон фидо этди. Лекин дунёда ҳеч қандай хайрли иш беиз кетмайди. Миллат руҳи, одамзоднинг озодлик сари интилиши абадийдир.

Орадан бир аср ўтиб, Соҳибқирон Амир Темур Жалолиддин Мангуберди бошлаган озодлик курашини янги шароит ва улкан миқёсларда давом эттирди. Она юртимизни босқинчилардан халос қилиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди.

Муҳтарам жамоат!

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўлини таҳлил қиладиган, ўша тарихий воқеаларга бугунги кун кўзи билан қараб баҳо берадиган бўлсак, улар бизни мана шундай табиий ва ибратли сабоқ-хулосалар чиқаришга ундайди.

**Биринчи хулоса шуки,** ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан. шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, халқ тинчини бузишга уринадиган ёвуз кучлар ҳамиша бўлади.

Бу — ҳаёт. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати. Уни ҳеч ким инкор этолмайди. Бунинча нафақат ўз тарихимиз ва ҳаётимизда, балки бошқа халқлар тарихи ва ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

**Иккинчи хулоса шуки,** ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, ўзинг туғилиб ўсган, ота-боболаринг хоки ётган, эртага фарзандларинг камол топадиган тупроқнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак.

**Учинчи аччиқ хулоса шуки,** ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келадиган ёвуз офатдан кўра, ўз ичидан чиқадиган сотқин, имонсиз, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, керак бўлса, энг яқин кишиларини ҳам сотадиган, ўзини ўстирган, вояга етказган Ватанига қўл кўтарадиган қабиҳ кимсалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Бундай кучлар, разил шахсларнинг кибру ҳавоси, манфур мақсадлари эл-юрт тинчлиги ва тараққиётига қандай хавф-хатар эканини бугунги ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Такроран айтаман, бу нафақат кечаги тарихимиз, балки бугунги ҳаётимиз билан ҳамоҳанг аччиқ сабоқдир.

**Яна бир сабоқ шуки,** эл-юрт ва давлат учун, унинг тақдири ва келажаги учун қайғурадиган, одамларнинг эзгу ниятларини ўзига олий мақсад қилиб қўйган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқни бирлаштириб, турли бало-қазолардан асраш учун сафарбар эта оладиган шахсларгина тарихда ўчмас ном қолдиради. Бу — ҳақиқат.

Жалололидин Мангуберди ана шундай мардларнинг ёрқин тимсоли ва ибратли намояндасидир.

Султон Жалололидиннинг бизга қолдирган яна бир даъвати шуки, у барчамизни она юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, ўсиб келаётган, эртага бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларимизнинг келажагини, бахт-саодатини ҳимоялашга, ёруғ истиқболга интилиб яшашга чорлайди.

Қадрли ватандошлар!

Тарихи қарийб уч минг йилга борадиган, буюк фан ва маданият ўлкаси бўлган, жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ зотлар ватани, „Авесто“дек ўлмас асар яратилган табаррук тупроқ — Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машҳур.

Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз-авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва паҳлавонларни кўп кўрган. Улар орасида миллий қаҳрамонимиз Жалололидин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздек чарақлаб туради.

Султон Жалололидин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру гуруридир. У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидир.

Бу баҳодир зотнинг муборак номи, унинг қаҳрамонлиги келажак авлодларга, биринчи галда сиз билан бизга, тарихий хотира олдида бошимизни мағрур тутиб яшамоғимиз учун тўла ҳуқуқ беради.

Азиз юртдошларим!

Азиз қадрдонларим!

Шу ҳаяжонли, унутилмас лаҳзаларда дунёга Мангуберди каби қаҳрамон ўғлонларни берган Хоразм элига, бутун халқимизга таъзим қиламан.

Биз бугун юртимизда Жалололидин Мангуберди хотирасини ҳурматлаб, муаззам ёдгорлик мажмуини бунёд этдик. Кўриб турганингиздек, бу улуғвор ҳайкал тимсолида мард ва жасур саркарда, зўр ирода, беқиёс матонат соҳиби бўлган буюк инсоннинг сўнмас шижоати мужассам топган.

Бу гўзал ёдгорлик обидасини барпо этишдек хайрли ишга ҳисса қўшган муҳандис ва меъморларга, моҳир усталарга, қурувчи ва боғбонларга чин қалбимдан самимий ташаккурлар билдиришга руҳсат бергайсизлар.

Бизнинг буюк аждодларимизга кўрсатаётган ҳурмат-эҳтиромимиздан, озод ва обод Ватан, фаровон жамият қуриш борасидаги эзгу ишларимиздан, жамики азиз боболаримиз қатори, Жалололидин Мангубердининг ҳам руҳи поки шод бўлгай, иншоолло.

Ишончим комилки, уларнинг ўлмас руҳи билан чароғон хонадонларимизда бугун вояга етаётган минглаб жалололидинлар юртимизга меҳру садоқат билан хизмат қилиб, унинг шону шуҳратини бутун дунёга тараннум этади.

Ишончим комилки, Мангубердининг беқиёс жасорати юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраб келаётган довурак аскарларимиз, эл-юрт посбонлари, жасур ўғлонларимиз сиймосида давом этаверади.

Ишончим комилки, дунёга буюк фарзандларни берган, киндик қони томган заминни, аждодларининг муқаддас мазорларини жонидан ҳам ортиқ кўрадиган, ўз ватанига бутун борлигини бахш этишга ҳамиша тайёр турадиган, қадоқ қўллари билан тупроқдан олтин ундираётган бундай халқнинг обрў-эътибори ва ҳурмати ошаверади.

Муҳтарам юрtdошлар!

Ватан ва халқ озодлиги йўлида жон фидо этган қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин!

Ана шундай баҳодирларни камолга етказган она халқимиз мангу яшасин!

Азиз дўстлар!

Бугун Хоразм заминида қўшалoқ байрам. Вилоят деҳқонлари, бутун Хоразм аҳли лафзи ҳалоллигини яна бир бор исботлаб, ўз зиммасига олган мажбуриятларини, Ватанимиз учун „oқ oлтин“ бўлмиш пахта тайёрлаш режаларини шараф билан бажарди. Мана шу улкан ғалаба билан сиз азизларни, сиз орқали бутун Хоразм аҳлини чин қалбимдан табриклашга рухсат бергайсизлар.

И.А. Каримов

1999 йил 5 ноябрь

**„ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ“**  
**ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING**  
**2000 йил 30 август**  
**ҚОНУНИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. „**Жалолiddин Мангуберди**“ ордени таъсис этилсин.
2. „**Жалолiddин Мангуберди**“ ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. „**Жалолiddин Мангуберди**“ орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади)
4. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган „Давлат мукофотлари тўғрисида“ги Қонунининг 11-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5—6, 63-модда; № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда) „Амир Темур ордени“ деган сўзлардан сўнг „**Жалолiddин Мангуберди ордени**“ деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И. Каримов**

**„Жалолиддин Мангуберди“ ордени тўғрисидаги  
НИЗОМ**

1. **„Жалолиддин Мангуберди“** ордени билан мамлакат мустақиллигини, Ватан сарҳадларини, она юрт тупроғини ҳимоя қилишда ҳамда уни кўз қорачигидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотландилар.

2. **„Жалолиддин Мангуберди“** ордени Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳарбий мукофоти ҳисобланади.

3. **„Жалолиддин Мангуберди“** ордени билан мукофотлашга доир тақдимнома мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари республика органларининг раҳбарлари томонидан киритилади.

4. **„Жалолиддин Мангуберди“** ордени билан мукофотлаш ва ордени топшириш „Давлат мукофотлари тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

5. **„Жалолиддин Мангуберди“** ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг олтимиш беш баравари миқдоридан бир йўла тўланадиган пул мукофоти олади.

6. **„Жалолиддин Мангуберди“** ордени билан мукофотланган шахслар Қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар.

7. **„Жалолиддин Мангуберди“** ордени кўкракнинг ўнг томонига, Амир Темур орденидан кейин тақилади.

8. **„Жалолиддин Мангуберди“** ордени билан вафотдан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла бериладиган пул тўлови мукофотланганнинг оиласига топширилади.

Орденининг қалинлиги — 8 миллиметр.

Орденининг оғирлиги — 60,5 грамм.



**„Жалолиддин Мангуберди“ орденининг  
ТАВСИФИ**

„Жалолиддин Мангуберди“ ордени 925 пробали кумушдан тайёрланади, қиррадор кумушранг нурлар таралган бешбурчак шаклга эга. Бешбурчак жо бўлган доиранинг диаметри 55 миллиметр дир.

Орденнинг марказида, оқ айлана билан ҳошияланган доирада, таралаётган нурлар фонида Жалолиддин Мангубердининг қабариқ зарҳал тасвири жойлашган. Сиймо ортидаги фон ҳаво ранг — мовий эмаль билан қопланган.

Айлананинг юқори қисмида доира бўйлаб **„JALOLIDDIN MANGUBERDI“** деган ёзув жойлашган. Айлананинг сирт диаметри 35 миллиметр.

Айлананинг пастки қисмида яшил эмаль қопланган иккита дафна новдаси симметрик тарзда жойлашган бўлиб, барглари орасига фианит кристаллар ўрнатилган.

Айлана узра, марказ бўйлаб ўлчами бўйича диаметри 8 миллиметрли доирага жо бўладиган тилла ранг мусамман жойлашган.

Орденнинг орқа томони ботиқ. Ўртасида бурама қадагичи бор. Пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И. А.** Истиқтол ва маънавият. Т., „Ўзбекистон“, 1994.
2. **Каримов И. А.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т., 1996.
3. **Каримов И. А.** Баркамол авлод, Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., „Ўзбекистон“. 1997.
4. **Каримов И. А.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., „Шарқ“, 1998.
5. **Каримов И. А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. „Ўзбекистон“. 2000.
6. **Каримов И. А.** Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., „Маънавият“, 2008.
7. **Каримов И. А.** Ўзбекистон мустақиллик остонасида. Т., „Ўзбекистон“, 2011.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Қарори. 1998 йил 24 сентябрь.
9. **Каримов И. А.** Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. 1999 йил 5 ноябрь.
10. „Жалолиддин Мангуберди“ орденини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 30 август қонуни. „Халқ сўзи“, 2000 йил 14 сентябрь.
11. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари (қонун ҳужжатлари). Т., „Адолат“, 2007.
12. **Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий.** Султон Жалолиддин Мангубердининг таржимаи ҳоли. Т., „Ўзбекистон“ НМИУ. 2006.
13. **Ибн ал-Асир.** „Ал-Комил фит-тарих“. Т., 2006.
14. **Ибн ал-Ибри.** Тарихи мухтасар ад-дувал. Т., „Фан“, 1974.
15. **Бўрибой Аҳмедов.** Тарихдан сабоқлар. Т., „Ўқитувчи“, 1994.
16. **Абулғозий Баҳодирхон.** Шажараи турк. Т., „Чўлпон“, 1992.
17. **Толстов С. П.** Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т., „Фан“, 1964.
18. **Греков В. Д., Якубовский А. Ю.** Олтин Ўрда ва унинг қулаши. Т., „Фан“, 1969.
19. **Зиё Бунёдов.** Хоразмшоҳ Ануштегинлар давлати (1097—1231). Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1998.
20. **Бартольд В. В.** Сочинения I—IX. М., „Наука“, 1963—1977.
21. **Фуломов Я. Г.** Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т., „Фан“, 1959.
22. **Ҳабибулла Зайниддин.** Жалолиддин Мангуберди. Т., „Фан“. 1993.
23. **Машарипов О.** Хоразм тарихидан саҳифалар. Т., „Ўзбекистон“. 1994.
24. **Ойдин Тонарий.** Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг замони. Т., „Шарқ“, 1999.
25. **Момик Камол.** Жалолиддин Хоразмшоҳ. Анқара. 1969.
26. **Муҳаммаджонов А.** Ўзбекистон тарихи. Т., „Ўқитувчи“, 1999.
27. **Бўрибой Аҳмедов.** Ўзбекистон тарихи. Т., „Ўқитувчи“. 1999.
28. **Нурёғди Тошев.** Жалолиддин Мангуберди. Т., „Қатортол-Камолот“, 1999.
29. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди (Илмий тўплам). Академик М.М. Хайруллаев илмий таҳрири остида. Т., „Фан“. 1999.

30. **Исломов Ҳ.** Нажмиддин Кубронинг ҳаёт йўли. Т., 1998.
31. **Мирзо Улуғбек.** Тўрт улус тарихи. Т., „Чўлпон“, 1994.
32. **Ҳасан Ато Абуший.** Туркий қавмлар тарихи. Т., „Чўлпон“, 1994.
33. **Азамат Зиё.** Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., „Шарқ“, 2000.
34. **Эркин Самандар.** Суянч. Хоразм Маъмун Академияси нашриёти. 2000.
35. **Ҳамиджон Хомидий.** Тасаввуф алломалари. Т., „Шарқ“, 2009.
36. **Алоуддин Ота Малик Жувайний.** Тарихи жаҳонкушай. Маданият ва туризм вазирлиги. Матбаачилик. Анқара. 1988.
37. **Барот Бойқобулов.** Ўзбекнома. Т., „Шарқ“, 1999.
38. **В. Ян.** На крылях мужества. М. 1998 й. „Правда“ нашриёти. Сонет муаллифи — О. Орловской, кейинчалик унга сайқал бериб кўшиқ мадҳига айлантирганлар Н.Н. Ушакова ва М. М. Сандомирский.

## МУНДАРИЖА

Мардлик-матонат ва ватанпарварлик чўққиси ..... 7

### АНУШТЕГИН – БУЮК ХОРАЗМШОҲЛАР САЛТАНАТИ СУЛОЛАСИНИНГ АСОСЧИСИ

Буюк салтанат сари йўл. Жалолиддин Мангуберди боболари сиёсат ва  
ҳарб майдонида ..... 16

### ВАССАЛЛИКНИНГ ТУГАШИ, САЛТАНАТ ҚУЁШИНИНГ КЎТАРИЛИШИ

Мустақиллик ва озодлик учун курашнинг илк даври ..... 34

Тоғу тахт учун кураш олови аланга олди ..... 44

Салтанат сари илк қадамлар ..... 48

### ШАЙХУЛ-ВАЛИТАРОШ НИДОСИ:

#### „ЯРАТГАН ЭГАМ! ШУ ФАРЗАНДГА ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ НОМИНИ БЕРДИМ. УНИНГ НОМИНИ АБАДИЯТГА ДАҲЛДОР ҚИЛҒИЛ“

Хоразмшоҳлар саройида тўй ..... 58

Тақдир ёзиғидаги сирли битиклар ..... 62

Исмоилийлар давлатига дипломатик ва ҳарбий тазйиқ ..... 65

Хайр, беғубор болалик. Салом, чиниқиш ва ҳаёт мактаби ..... 70

Руҳ, тан ва иродани тарбиялашда Шайхул-Валитарош усули ..... 73

Шаҳзодага ўғитлар ..... 74

Оғир жангларда асқатувчи руҳий қудратга даҳлдор сирли сабоқлар ..... 82

Ҳарбу зарб қуролларини қўллаш ва баҳодирликка қўйилган талаблар ..... 84

Васият ўрнидаги сўнгги сабоқ ..... 86

### ҲАРБИЙ САНЪАТ ИЛМИ ВА УСУЛЛАРИНИ ЭҒАЛЛАШ ЙЎЛИДА

Ҳарбу зарб илмининг сермашаққат синовлари ..... 87

Улуғ саркардалар тарбиясида ..... 88

Жанговар қуроллар билан ҳарбий маҳорат машқлари .....	94
Ҳарбу зарб илмидан синов имтиҳонлари .....	97

## **ХОРАЗМШОҲЛАР САЛТАНАТИ ҚУДРАТ ЧЎҚҚИСИДА. ГОБИ ЧЎЛЛАРИДАН ЙЎНАЛГАН ТАҲДИД**

Чингизхоннинг бош мақсади жаҳонгирлик даъвоси .....	102
Буюк Хоразмшоҳлар салтанати қудрат ва юксалиш чўққисида .....	103
Қорахитойларга қарши уруш .....	108
Салтанат сарҳадлари бепоён кенгликларга шундай ёйилган эди .....	112
Искандари сонийга аталган жаҳон харитаси .....	114
Жаҳонгирлик васвасаси .....	117
Ҳарбий сафарбарлик .....	119
Саройдаги иккиҳокимиятчилик ва унинг мудҳиш оқибатлари .....	121
Шарқдан кўтарилган тўфон. Салтанат осмонини қора булутлар қопламоқда .....	123
Саройда чақирилган ҳарбий машварат .....	125
Хоразмшоҳга муносиб рақиб .....	130
Мўғуллар билан илк тўқнашув. Жалолиддин Мангуберди жанг майдонида .....	136
Ҳарбий сиёсат ва режадаги янги ўзгаришлар .....	149
Савдо ва дипломатик алоқалар замирига яширинган жосуслик .....	151
Шукуҳли карвон фожиаси .....	158
Уруш олови ёқишга тайёр. Сўнгги тараддуд .....	164
Хоразмшоҳ саройида чақирилган ҳарбий машварат. Жалолиддин туғёни .....	167

## **УРУШ ОЛОВИ АЛАНГА ОЛДИ. ҒАЗАБ ОТИГА МИНГАН ЧИНГИЗХОН**

Хоразмшоҳлар юртига йўналган тўфон .....	176
--	-----

## **АЛАМ ВА ИЗТИРОБЛИ ОФИР МАҒЛУБИЯТЛАР. САЛТАНАТ ТАНАЗЗУЛИ**

Бухорога қилинган ҳужум. Чингизхон қаҳр-ғазабни оловланди .....	192
Алвидо, Турон замин юраги Самарқанд .....	194
Ватангадолик азоблари ва кафангадолик қисмати .....	197
Балхдаги сўнгги кенгаш. Фалокатли қарор .....	198

Чингизхон: Менга Хоразмшоҳнинг фақат тиригини келтиринг!.....	203
Журжон денгизидаги кимсасиз орол Хоразмшоҳга сўнги макон.....	205
Чингизхон элчиси малика Туркон Хотун ҳузурида .....	208
Хоразмшоҳ оиласи ва бойлиги яширилган қалъа забти .....	210
Видолашув ва сўнги васият .....	213
Тарих тилга кирганда. Хоразмшоҳнинг хору зорликдаги вафоти ҳақида қайд этилган манба .....	215
Жалолиддинга тайёрланган фитналар тўри ва тузоқ.....	215
Шайхул-Валитарош ҳузуридаги сўнги дийдорлашув .....	217

### **ОЗОДЛИК ВА МУСТАҚИЛЛИК ЯЛОВБАРДОРИ ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ „ЁВГА ЁЛИМ“ ШИОРИНИ ЖАНГ МАЙДОНИГА ТИКДИ**

Нисо остонасидаги илк интиқом.....	220
Лашкар тўплаш йўлидаги машаққатли ой-кунлар.....	222
Жалолиддин Мангуберди жанг яловини кўтарди .....	227
Чингизхонни ларзага солган шум хабарлар .....	228
Ғалабадан ғалабалар сари.....	229

### **ЧИНГИЗХОННИ ВАСВОС КАСАЛИГА УЧРАТГАН ҚОНЛИ ЖАНГЛАР. ЖАЛОЛИДДИННИНГ ҚАСОС ҚИЛИЧИ**

Парвонда кўтарилган қасос қиличи .....	238
Мағлубиятдан қутулиш йўлидаги ҳийла .....	245
Ўлаксахўрларга адоқсиз емиш .....	249
Манбалар тилга кирганда.....	253
Мирзо Улуғбек Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши жангга кириш зикри ҳақида .....	254
Ан-Насавий Парвон жанги ҳақида.....	257
Хоразмшоҳлар салтанати пойтахти жаҳонгашта олим-сайёҳлар тавсифида.....	259
Нажмиддин Кубро ҳазратлари пойтахт қўшин Бош қўмондони .....	263
„Эрк учун тўкилган қонлар қутлуғдир“. Кўҳна Урганч ўт ва оташ ичида .....	266
Ҳал қилувчи ҳужум. Чингизхон бош туғи шундай йиртилганди .....	269
Манбалар тилга кирганда. Кўҳна Урганч муҳосараси ҳақида .....	273
Ан-Насавий маълумотлари .....	273
Мирзо Улуғбек, Ан-Насавий, Жалолиддин Румий каби буюкларимиз .....	277
Кўҳна Урганч мусоҳараси ва Нажмиддин Кубро қаҳрамонлиги ҳақида....	277

Нажмиддин Кубро қаҳрамонлиги Алишер Навоий ва Абулғозийхон тавсифида .....	282
Оға-ини шаҳзодалар фарёди ва ҳалокати .....	284
Ўлим фаришталари учинчи укани таъқиб этмоқда .....	291
Рукниддин Ғурсанчти шаҳзоданинг ҳалокатига доир ўрта аср муаррихлари маълумотларидан... (Тўрт улус тарихи) .....	294
Хоқоннинг янги режаси. Ялпи сафарбарлик .....	295
„Тулкининг шумлигини бўри қувлаганда кўр“ .....	296
Ўлжа тулпор баҳонасида чиққан катта жанжал .....	298
Чингизхон қароргоҳидаги шошилинич ҳарбий кенгаш .....	299
Иложсизлик чораси — чекиниш .....	300
Нилабдаги даҳшатли жанг арафасида .....	304
Ёяндоз — энг мақбул мудофаа усули .....	306
Улуғ муаррихга Жалолиддиннинг муҳим кўрсатмаси .....	307
Баҳодирларнинг жанголиди яккама-якка олишуви .....	312
Нилабда қиёмат жанг бошланди .....	315
Ажал майдони. Жангнинг иккинчи кунида .....	320
Навбат ҳарбий жанговар қуролларга .....	321
Мардлик ва жасоратнинг очилмаган саҳифалари .....	327
Ўлим майдонининг қирғинли учинчи куни. Чек-чегара билмаган баҳодирлик .....	329
Хоқон Ахриманнинг ажал майдонидаги тимсоли. Аминалмулк ҳалокати .....	333
Она ва фарзандлар билан видолашув. Кейинги учрашув маҳшарга қолди .....	337
Хоқон қароргоҳига ҳужум .....	343
Ғалаба тантанасига уланган хунрезликлар .....	351
Асир шаҳзода хоқон ҳузурида. Ғайриинсоний қотиллик .....	352

## **ЖАЛОЛИДДИН ХОРАЗМШОҲ ШИМОЛИЙ ҲИНДИСТОН, ЭРОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ҲУКМДОРИ. ЖАНУБИЙ КАВКАЗ САЛТАНАТ ТАРКИБИДА**

Ҳинд сари йўл, яна узлуксиз жангу жадаллар .....	358
Султон Жалолиддин руҳий азоб-уқубатлар уммонида .....	359
Ўлимларни доғда қолдирган марду майдонлар байроқ остида тўпландилар .....	360
Қилич ўрнига юлғун таёқлар билан жанг тадориги .....	362
Ҳиндлар билан илк тўқнашув ва дастлабки ғалаба .....	363

Ҳинд заминида ҳилпираган музаффар байроқ.....	365
Султон Хоразмшоҳга қарши иттифоқ .....	368
Узоқ сафар, Ироққа етиб олмоқ лозим.....	369
Эрон ва Озарбайжон учун олиб борилган жангу жадаллар.....	374
Жалолиддин Мангуберди Жануби-ғарбий Эрон ва Озарбайжон ҳукмдори .....	378
Жалолиддин Мангуберди яккама-якка жанг майдонида.....	380
Гарни ва Двин учун жанг. Гуржилар мағлубияти.....	384
Тифлис учун жанг. Жалолиддин — Кавказ ҳукмдори .....	397
Яна Кирмон ва Пиршоҳ муаммоси.....	400
Судан элчиси билан суҳбат .....	403
Кўшинни кўриқдан ўтказиш тадориги. Янги ҳарбий режалар .....	404
Султонга тайёрланган фитна.....	406
Исфаҳон остонасидаги даҳшатли жанг .....	409
Пиршоҳни таъқиб қилиш режаси. Чингизхон ўлими ҳақида хабар .....	420
Жалолиддинга сингилдан келган мактуб.....	422
Шаҳзода Пиршоҳ ва маъсума она қатли .....	425

### **ХОРАЗМШОҲ ЖАЛОЛИДДИНГА ҚАРШИ ҒАНИМЛАР ИТТИФОҚИ ВА ФАЛОКАТ ЧОҲИ**

Хиёнат ва сотқинликлар гирдоби ёхуд таназзул шарпалари .....	428
Исён. Бош вазирнинг фирромлик сиёсати .....	429
Зиддиятлар тугуни ва Хилот қамали .....	433
Кичик Осиё ҳукмдорлари таҳдид остида .....	436
Сарсон ва хору зор қилинган жасад .....	439
Хоқон хор қилган маликанинг аччиқ қисмати .....	440
Кичик Осиё ҳукмдорлари билан ҳал қилувчи жанг.....	441
Буюк саркардага қарши ғанимлар барчаси оёққа қалқди .....	447
Мўғулларга қарши Ислом мамлакатлари ҳукмдорларига мурожаат.....	454
Буюк деворнинг кулаши. Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг сўнгги кунлари .....	455
Вазири бузрук хиёнати ва унинг қатли.....	458
Ганжа исёни .....	460
Мингбоши хиёнати.....	466
Қароқчилар макони .....	468
Шарқ оламини титратган фожиа ёхуд даҳшатли ўлим .....	469



Султон Жалолиддинсиз қолган қўшин қисмати. Кўз кўриб, қулоқ  
эшитмаган тақдирлар..... 479

**САЛИБЧИЛАРНИНГ ТОР-МОР ЭТИЛИШИ. САЙФИДДИН ҚЎТУЗ  
МИСР СУЛТОНИ: „АМАКИМ ЖАЛОЛИДДИН ХОРАЗМШОҲ  
УЧУН АЁВСИЗ ҚАСОС ОЛДИМ“**

Салибчи рицарлар билан ҳал қилувчи жанг ва унинг тарихий аҳамияти .....	484
Жалолиддин Мангуберди учун қасос .....	489
Соҳибқирон Амир Темур: „Эртанги жангда саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳарб услубини қўллаймиз“ .....	494
Зиндон деворидаги қон билан ёзилган битиклар .....	496
Хотима .....	502
Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ .....	512
Фойдаланилган адабиётлар.....	519

**ЖУМАБОЙ РАҲИМОВ**

**ВАТАННИНГ ШЕРЮРАК БАҲОДИРИ**  
**(Жалолиддин Мангуберди)**

*Мазкур китоб „TALQIN“ нашриёти ва  
„O‘QITUVCHI“ нашриёт-матбаа ижодий уйи  
ҳамкорлигида чоп этилди.  
Тошкент — 2015*

Ўзбекистон тарихи давлат музейи архив манбаларидан ва рассомлар:  
*Алишер Алиқулов, Тўра Курязов, Эркабой Машарипов, Зайниддин  
Фахриддинов, Рустам Худойбергенов* асарларидан фойдаланилди.

Муҳаррирлар: *Абдулла Ҳасанов,  
Лутфулла Агзамов*  
Бадий муҳаррир *Шухрат Одилов*  
Техник муҳаррир *Максим Грешиников*  
Компьютерда саҳифаловчи *Камола Ҳамидуллаева*  
Мусахҳиҳлар: *Малоҳат Иброҳимова, Зулфия Ғуломова*

Нашриёт лицензиялари АИ №161, 14.08.2009; 128. 12.11.2008 й.  
Оригинал-макет „TALQIN“ нашриётида тайёрланди. Бичими 60×84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Кегли 13,5 шпонли.  
Academ UZ ҳарфида терилиб, офсет босма усулида чоп этилди. 33,0 б.т. + 32 та рангли вкл.  
2000 нусхада босилди. Буюртма № 238-14.

„Талқин“ нашриёти, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30. Тел. 244-27-00.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи  
босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1- уй.  
Шартнома №17.


63.3(5Ў)  
P33

**Раҳимов, Жумабой**

Ватаннинг шерюрак баҳодири (Жалолиддин Мангуберди):  
тарихий публицистик адабиёт / Ж. Раҳимов. — Тошкент:  
„Талқин“ нашриёти, 2015. — 528 б.

ISBN 978-9943-4069-6-4


УЎК:821.512.133(09)  
КБК63.3(5Ў)







# VATANNING SHERYURAK BAHODIRI



ISBN 978-9943-4069-6-4



9 789943 406964